

ПРОФ. В. Ф. СЕМЕНОВ

ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК



•УЎҚИТУВЧИ• НАШРИЕТИ
Тошкент — 1973

РСФСР Маориф министрлиги тасдиқлаган

**Русча учинчи нашридан
Ўзбекча иккинчи нашри**

1

ҚИСМ



ИЛК ЎРТА АСР



V-XI
АСРЛАР

IV—V АСРЛАРДА РИМ ИМПЕРИЯСИ ҚУЛДОРЛИК ТУЗУМИНИНГ КРИЗИСИ

Ғарбда ўрта аср жамиятининг вужудга келиш проблемаси. Европада ўрта аср жамияти мураккаб бир синтез натижасида, яъни ижтимоий ташкилотнинг ўзидан олдин ўтган икки формасининг: бир томондан, Рим империясидаги қулдорлик тузумининг, иккинчи томондан, кельтлар, германлар, славянларнинг ҳамда империядан шимолда бошқа қабилаларнинг варварлик тузумининг бир-бири билан қўшилиши натижасида вужудга келди, бу варварлик тузуми, аслида ҳали синфий бўлмаган тузум эди. Тўғри, варварлар бир неча аср мобайнида римликлар билан ёнма-ён яшаганлари туфайли уларга римликларнинг бирмунча таъсири ўтган эди. Шу билан бирга феодал тузумнинг элементлари Европа ҳали ўрта асрлар даврига кирмасдан анча илгариеқ римликларнинг ўзларида ҳам, варварларда ҳам вужудга кела бошлаган эди.

Рим империясидаги қулдорлик тузуми III асрдаёқ тамомила тушқунликка учраган эди. Қул меҳнати унумдорлигининг пастлиги, қул кучининг ўрнини тўлдириб туришнинг тобора қийинлашиб бориши (Рим олиб борган ғолибона урушларнинг тамом бўлганлиги туфайли), Римга қарши тўхтовсиз ҳужумлар бўлиб туриши, фитналар ва қулларнинг кўзғолонлари — буларнинг ҳаммаси қулдорлик хўжалигини норентабель қилиб қўймоқда эди, ишлаб чиқарувчи кучларнинг турғунликка ва қулларнинг ўзларини хонавайрон бўлишга олиб келмоқда эди. Рим қулдорлари қулчиликни бир қадар «юмшатиш» ёки қулларни эксплуатация қилиб туриб, эксплуатация қилишнинг бошқа формаларини жорий қилиш йўли билан ижтимоий-иқтисодий кризисдан қутулишга уриндилар, империя ҳаётининг III асрдан V асргача давом этган сўнгги давридаги Рим қулдорлари экономикасининг хусусияти ана шундай эди. Бу уринишлар орасида асосий ўринлардан бирини колонлик олади.

Колонлик. Дастлаб колонлар деб Рим республикасида қулдорларнинг латифундияларидан (йирик поместьеларидан) ер участкаларини ижарага олиб ишловчи ижарачи эркин майда

деҳқонларни айтилган. Давлатнинг бир қадар қўллаб-қўлтиқлашига қарамасдан, римлик мустақил деҳқонлар қулдорлик тузуми ҳукмронлик қилган шароитларда доимий равишда хонавайрон ва ҳалок бўла борди. Деҳқонларнинг ерлари эса қулдорлар қўлига ўта борди. Лекин қулдорлик ишлаб чиқариш усулининг ўзи кризисга учраганлиги сабабли латифундияларнинг эгалари фақат қулларни эксплуатация қилиш йўли билангина ўз ерларидан фойдаланишлари амри маҳол бўлиб қолди. Ерларни майдалаб ижарага бериш (ижарага олувчилар эса ердан маҳрум этилган деҳқонларнинг ўзи эди) ер эгаларига бу ерлардан фойдаланиш учун энг қулай усул бўлиб кўринди. Шундай қилиб, қулдорлик системаси билан бир қаторда маълум даражада келгуси феодал тузумдан дарак берадиган янги муносабатлар (катта ер эгалигининг ерлардан майдалаб фойдаланиш усули билан бирга қўшилиши, майда мустақил, лекин шахсан қарам бўлган ишлаб чиқарувчи деҳқоннинг эксплуатация қилиниши) ҳам ривожлана бошлади. Колонлик ривожланиб, крепостнойликка тобора яқинлаша борди. Қулдорнинг ижарачиси бўлган, қуллар орасида яшаган, керакли асбоб, уруғлик, турар жой ва ҳоказоларни ҳам кўпинча қулдордан оладиган колонлар тобора қулдорга қарам бўлиб қолиб, бир эмас, бир кун поместъени—виллани ташлаб, бошқа жойга кетиб қутулиш имконидан бутунлай маҳрум бўлди. 332 йилда император Константин Буюк катта ер эгаларининг манфаатларини кўзда тутиб, колонларнинг ишлаб турган поместъесини ташлаб кетишини тақиқлайдиган ва қочиб кетган колонларнинг мажбурий йўл билан қайтариб олиб келинишини талаб қиладиган фармон чиқарди. Император ва сенаторларга қарашли поместъеларда (бу поместъелар сальтуслар деб аталар эди) колонлар қудратли император маъмурияти ёки ҳукми зўр сенаторлар томонидан анча илгарийёқ тутқинликка солинган эди. Шундай қилиб, колон икки қиёфали ўзига хос бир махлуқ бўлиб қолган эди. У юридик жиҳатдан қул деб ҳисобланмас эди (қулга нисбатан «эркин киши» деб ҳисобланар эди, давлат ундан гражданлик солиқлари олар эди), лекин ҳақиқатда эса эркин ҳам эмас эди, чунки поместъе территориясидан чиқиб кетолмас ва ер эгасига доимий суратда оброк тўлаб туришга ёки унинг учун бирон формада «қуллик мажбурияти»— баршчина ўташга мажбур эди. Колонлар ҳали крепостной эмас эди, лекин Энгельс ибораси билан айтганда, улар «ўрта асрлардаги крепостнойларнинг ўтмишдошлари»¹ эди. IV ва V асрларда колонларнинг сони қисман ерсиз деҳқонлар ҳисобига, қисман озод қилинган қуллар («озод қилинганлар») ҳисобига кўпая борди. Шу билан бир вақтда қулдорлар ўз қулларининг бир қисмини қазарма ҳолатидан якка хўжалик («кулбали қуллар»— *servi casati* булар ўз хўжайинларига оброк тўлашга мажбур эдилар) ҳолатига кўчирдилар. Ниҳоят, ташқа-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, XVI том, I қисм, 126-бет.

ридан келиб ўрнашиб, рим ер эгаларидан бирор бир шартлар билан муайян ер участкалари олган келгинди варварлар ҳам колонларга ўхшаш аҳволда эди.

Шаҳарларнинг тушқуликка учраши. Куриаллар ва коллегиялар. Колонликнинг ривожланиши Рим жамиятининг феодаллашув формаларидан бири эди. Лекин бу феодаллашувнинг яна бошқа аломатлари ҳам бор эди. Ғарбий Римнинг Италия, Галлия, Испаниядаги шаҳарлари империянинг кейинги даврида қаттиқ кризисни бошидан кечирмоқда эди. Қул меҳнатига асосланган ҳунармандликнинг унумдорлиги паст эди. Эркин ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган буюмларни етарли даражада сотолмас эдилар, чунки қулдорларнинг поместьелари тобора биқиқлашиб бораётган натурал хўжалик тусига кирмоқда эди. Ҳам маҳаллий ер эгаси — қулдор томонидан, ҳам қулдорлик давлати томонидан қаттиқ эксплуатация қилинган колоннинг харид қуввати йўқ даражада эди. Урта денгиздаги савдо баланси империянинг шарқий қисмига қараганда анча қолоқ бўлган ғарбий қисми учун мутлақо ноқулай эди, империянинг шарқий қисми эса иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган ва қулай шaroитда эди. Шаҳар хўжалигининг тушқуликка учраши муносабати билан Рим империясида қарамликнинг яна янги формалари вужудга келди, бу формалар ҳам баъзи жиҳатдан бўлғуси феодал тартибларга ўхшаб кетар эди. Чунончи, шаҳарларда яшовчи ўрта ҳол ер эгалари, шаҳар курияларининг аъзолари (куриаллар), яъни аҳолининг солиқлари тўлаши ва ҳоказолар учун жавобгарлик юклатилган, ўз вазифасидан энди машаққат чекаётган куриаллар мажбурий суратда курияларга бириктириб қўйила бошлади. Ҳукумат куриаллик унвонини наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган қилиб қўйди. Ўз шаҳари ва куриясини ўзинча ташлаб кетувчи куриаллар ҳукумат йўли билан жазоланиши, ҳатто турмага қамалиши керак эди. Шу билан бир вақтда шаҳар ҳунармандлари ҳам бундан баттарроқ ва оғир туқинликка солина бошлади, улар мажбурий суратда махсус иттифоқларга — коллегияларга уюштирилди. Ҳунармандлар, яъни коллегия аъзолари яшаб турган жойидан кетиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Коллегиялар қулдорлик давлатига ўз ҳунарининг маҳсулотларини топширишга мажбур эди. Ўзининг яшаб турган жойидан қочиб кетган шаҳар ҳунармандлари қўлга туширилса, уларнинг баданига темир қиздириб босилар эди. Ҳукумат ҳужжатларида коллегияларга бириктирилган ҳунармандларни очиқдан-очиқ «давлат қуллари» деб аталган.

Поместье-кастеллум. Ер эгалари — магнатлар хусусий ҳокимиятининг кучайиши. Шаҳарлар тушқуликка учраб, хўжалик қайтадан натурал хўжаликка айланиб борган сари қишлоқ поместьеси — вилла хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг асосий ячейкасига айлана борди. Қудратли сенаторларнинг кўпи ҳатто Римда яшамас ҳам эди, улар ўз поместьеларида яшар эди. Поместье — вилланинг ташқи кўриниши ҳам ўзгарди. Виллалар

мустаҳкамлана бошлади, улар ташқи кўриниши жиҳатидан кейинчалик вужудга келган ўрта аср қасрларига бирмунча ўхшар эди (мустаҳкамланган поместье латинчасига «castellum» деб аталарди, ўрта аср қасрининг французча номи château шу сўздан келиб чиққан). Ер эгаси—магнатнинг одатда ўз қасрида турмаси (сагсет) ва ўз қўшини бўлар эди. Унинг ён-бегидаги майдароқ поместьели ер эгалари (possessores) ҳамда хусусий мулкка эга бўлган эркин деҳқонларнинг (rustici) омон қолганлари бу кучли қўшниларидаан ҳомийлик сўрардилар ва шу тариқа ўзларига ҳомий-ҳимоячи топиб, ерларнинг чегараларига ўша ҳомийларнинг белгисини қўйиб қўярдилар. Давлат эса бу катта ер эгаларига вилладаги аҳоли устидан полиция назорати олиб боришни топширар эди, солиқларни йиғиш ҳуқуқини берарди, майдароқ ишлар юзасидан суд қилишга рухсат этар эди, ҳарбий хавф пайдо бўлганда, лашкар тўплаш ҳам шуларга топширилар эди. Шундай қилиб, катта ер эгаларининг хусусий ҳокимияти давлат ҳокимияти тусига, яъни халқ устидан юргизиладиган ҳокимият тусига кира бошлади. Империянинг охириги даврида Римда қулдор-ер эгаси маълум даражада ҳукмдор, ўз поместьесининг ва ўз атрофидаги бутун округнинг ҳокими, эгаси эди.

Ҳукумат сиёсатида икки тенденция кураши. IV асрда Рим ҳукумати ўзининг III асрдаги оғир кризис ҳолатидан бирмунча қутулди. Императорлардан Диоклетян (284—305) ва Константин (306—337) империянинг маъмурий-молиявий аппаратини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча реформалар ўтказди. Солиқларнинг натура шаклида олинishi, солиқ солишни тартибга солиш мақсадида гоҳ-гоҳ ерларнинг ва аҳолининг ҳисобга олиб турилиши (ҳукумат цензлари), иш ҳақининг ва моллар нархининг нормага солиниши, олтин муомаласининг (солид) тикланиши (Константин вақтида), деҳқонлар-колонларнинг, ҳунармандлар-коллегиатларнинг амалда тутқунликка солинишини юридик йўл билан расмийлаштирилиши ва бошқалар — буларнинг ҳаммаси қулдорлар синфининг тушқунликка юз тутган давлат тузумини ва ижтимоий тузумни мустаҳкамлашга зўр бериб уринганини кўрсатади.

Император ҳокимияти ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ўз эътиборини мустаҳкамлашга интилиб, очиқдан-очиқ диктаторлик тусини олди. Принципат ўрнини, яъни ҳали республикага хос бўлган баъзи традицияларни сақлаб қолган император ҳокимияти ўрнини доимий, мунтазам самодержавиенинг бир формаси бўлган ва Шарқдаги қадимги деспотик (мустабид) монархия подшолари ҳокимиятига ўхшаш деспотик ҳокимият ташкилоти бўлган до м и н а т эгаллади. Диоклетян ўзининг батамом илоҳийлаштирилишини ва, жумладан, худога атаб қурбонлик қилингани сингари, унга ҳам атаб қурбонлик қилинишини талаб қилди. Диоклетян ва Константин вақтида чиновниклар бюрократияси ҳаддан ташқари кучайтирилди. Сенатлар амалда ҳақиқий ҳукмрон юқори органлик аҳамиятини йўқотиб, ўз ўрнини импера-

торнинг консистория деб аталган бюрократик кенгашига берди, бу кенгашнинг аъзолари император ҳузурида ҳатто ўтиролмас ҳам эдилар. Юқорида айтиб ўтилган императорлар вақтида доимий, мунтазам қўшин анча кўпайтирилди; шу билан бирга қўшиннинг кўпчилиги қисми империяга ёлланиб хизмат қиладиган варвар отрядларидан иборат эди.

Шу нарса характерлики, империяни марказлаштириш сари бундай интилиш билан бир қаторда Римнинг кейинги асрлардаги император ҳокимияти ўз оқибати жиҳатидан марказлаштиришга бутунлай зид бўлган тадбирларни амалга оширди. Юқорида айтиб ўтилганидек, императорлик маҳаллий магнатларнинг хусусий ҳокимиятини (халққа ҳукмронлик қилиш функцияларини ҳам) тан олган эдилар, бундан ташқари Диоклетян империяни тўрт қисмга (икки Август билан икки Цезарь ўртасида) тақсим қилиб, тетрархия деб аталган нарсани жорий қилди, ҳар бир ҳокимга муайян вилоятлар ва махсус пойтахт ажратиб берди¹. Константин яна яқка ҳокимликни тиклади. Лекин у ўлгандан кейин империя яна икки ёки уч қисмга бўлиниб кетди. 395 йилда император Феодосий I ўлгандан кейин империя бутунлай мустақил ва ҳатто бир-бирига душман бўлган икки қисмга — Ғарбий ва Шарқий қисмларга узил-кесил бўлиниб кетди. III аср охирида — IV асрнинг бошларида империянинг сиёсий маркази Шарққа кўчди. Янги Рим ёки Константинополь империянинг сиёсий маркази бўлиб қолди, бу шаҳарни Константин Буюк антик замондаги Византия шаҳри ўрнашган жойга қурган эди.

Христиан черкови ва унинг социал роли. Константиinning қулдорлик тузумини мустаҳкамлашга қаратилган реформаларидан бири христиан черковининг давлат дини деб танилиши бўлди. Бу воқеа сўнгги Рим империяси тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди, шунингдек, келгусидаги ўрта асрлар тарихи учун ҳам тайёргарлик дақиқаларидан бири бўлиб, жуда катта роль ўйнади.

Даставвал империя составида махсус иерархияга («маъмурлар даражасига»), катта ер эгаларига, кишилар қарамлигининг янги формаларига — черков қуллари деб аталган қулларга (*servi ecclesiastici*) — буларнинг аҳволи колонларнинг аҳволидан ўзга эмас эди—молик бўлган кучли янги бир ижтимоий ташкилот вужудга келди. Бу вақтда (IV аср бошларида) христиан черкови ўзининг социал составини жуда ҳам ўзгартириб юборди. Илгари, I—II асрларда, христиан черкови мухлисларининг асосий оммаси қуллардан, шаҳарлардаги пролетарлашган элементлардан, қисқаси, социал жиҳатдан эзилган ва ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум қилинган кишилардан иборат бўлган бўлса, энди христианликка ўрта синфлар ва ҳатто аристократия вакиллари ҳам ўтдилар. Черков энди мавжуд қулдорлик тузумига қарши чиқ-

¹ Империянинг префектуралар деб аталадиган тўрт қисми Италия, Галлия, Иллирия, Шарқдан иборат бўлиб, Шарқ составига Болқон ярим оролининг жануби-шарқий қисми — Фракия вилояти ҳам кирди.

май қўйди, балки ўз ташкилотини бу тузум шароитларига мослаштиришга интилиб, ўзи катта ер эгасига айлана борди. Христианлик, давлат динига айланганидан кейин, ҳақиқатда меҳнаткашларни эксплуатация қилишга фатво берди. Черковда эътиборли епископлар вужудга келиб, булар тез вақт ичда бойиб кетди ва жойларда сиёсий таъсир орттирди. Чунончи, шаҳарларнинг епископлари гўё ҳимоячилар (дефенсорлар) бўлиб, шаҳарларнинг ҳимоячи-ҳомийлари ва шаҳарлар билан император маъмурияти ўртасида воситачидек эди. Черков империя вилоятларидаги «варварлар» ўртасида «миссионерлик» фаолиятини кенг суратда қизитиб юборди. IV асрда ва айниқса V асрда қўшни варвар қабилаларининг (яъни римлик бўлмаган қабилаларнинг) кўпи христианликни қабул қилди.

Энг муҳим шаҳарлар — Рим, Александрия, Константинополь, Антиохия, Қуддус V асрда узил-кесил патриарх унвоинини олдилар (Рим ва Александрия патриархлари папа деб ҳам аталар эди). Патриархларга митрополитлар ва архиепископлар бўйсунар эдилар, архиепископларга эса черковга айрим округларни — епархияларни бошқарувчи оддий епископлар итоат қилар эди; епархиялар ўз навбатида маҳаллий жамоа-қавмлардан ташкил топган эди, уларнинг тепасида священниклар (поплар) — пресвитерлар турар эди. Бутун империя территориясидаги давлат дини ташкилоти устида турган черков, энди ўзини катolik ёки бутун жаҳон черкови деб ҳисоблади. Унга итоат қилмаган оқимлар ёки гуруҳларни (секталарни) еретик деб, уларнинг таълимотини ересь деб эълон қилинади. Ҳукмрон черков манфатларини ҳимоя қилиб турган давлат IV—V асрлардаёқ еретикларни систематик равишда таъқиб қилиб, уларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини ишга солди. Христиан черковининг ривожланиши ва расмийлашуви, унга қарашли ерларнинг кўпайиб бориши, қулликнинг черков поместьеларидаги бирмунча юмшатишган янги формаси, черковнинг варварлар олами билан алоқа қилиши ва уларнинг аста-секин христианлаштирилиши — буларнинг ҳаммаси ҳам ўрта асрлардаги янги тузумнинг маълум даражада тайёрланиши эди. Папалик ва Рим-католик черкови Фарбдаги ўрта асрларнинг тақдирини ҳал қилишда жуда катта тарихий роль ўйнаганини кейинги бобларда кўрамаиз.

Рим империяси варварлар томонидан босиб олинмиш арафасида. Империянинг кризиси IV аср охирида — V аср бошларида юмшаш у ёқда турсин, яна баттароқ кескинлашди. Кўпгина социал-сиёсий реформалар ўтказилишига қарамай, диннинг ўзгаришига қарамай, қулларни эксплуатация қилиш формасини (плантаторларнинг казарма шароитидаги қулларини оброк тўлайдиган қулларга ва колонларга айлантириш йўли билан) юмшатишга ҳаракат қилинишига қарамай, Рим жамияти қулдорликка асосланган жамият ҳолича қолганда, тикланолмас эди. Рим империясининг давлат машинасини — қулдорлик синфининг энг муҳим сиёсий қуроли бўлган бу давлат машинасини синди-

риб ташлаш, ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ўсишини ва жамиятнинг ривожланишини таъминлаш учун қулдорлик тузумини йўқ қилиш — буларнинг ҳаммасини зўрлик, революция йўли билангина амалга ошириш мумкин эди. Бу жуда катта социал ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари Рим жамиятининг ўзидаги эзилган синфлар ҳамда варварлар бўлди. Қуллар, колонлар, шаҳар ҳунармандлари III—V асрлар давомида ўз зolimларига, айрим қулдорларга ва Рим қулдорлик империясининг ўзига қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Галлия ва Испанияда багаудларнинг III—V асрдаги қўзғолони, Шимолий Африка циркумцеллионлар ёки агонистикларнинг IV асрдаги — V асрнинг бошларидаги ҳаракати, Реция, Паннония ва Норикада сукарларнинг V аср ўрталаридаги ғалаёнлари бунга яққол далилдир. Лекин Римдаги эзилган омманинг социал кучлари тарқоқ, сочилган, мутлақо уюшмаган эди. Уларнинг чиқишлари, одатда, мағлубият билан тугар эди. Бироқ қулдорлик Римга қарши империя аҳолисининг пастки табақаларидан ташқари яна бир куч — қўшни варварлар ҳам бош кўтарди. Рим империясининг қийин аҳволга тушиб қолганлигидан фойдаланиб, бўш ер ва бошқа хил ўлкалар пайида бўлган варварлар (IV—V асрларда булар асосан турли герман қабилалари эди), кейинчалик славянлар ва шунингдек, бошқа халқлар вилоят кетидан вилоятни қўлга ола бошладиларки, ниҳоят, 476 йилда Ғарбий Рим императорлари ҳокимиятини бутунлай йўқ қилдилар, бу вақтда Ғарбий Рим императорлари қўлида биргина Италия қолган эди.

Ғарбий Рим империяси территориясида майда ва анча йирик варвар королликлари вужудга келди, бу королликларда янги ижтимоий тузумнинг яратилиши учун (Римдагига қараганда) қулайроқ шароитлар туғилди. Лекин, аввал варварларнинг ўзи ким бўлганлигини кўриб чиқайлик.

И Б О В

ВАРВАРЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗУМИ. КЕЛЬТЛАР, ГЕРМАНЛАР, СЛАВЯНЛАР

Италиядан шимолда жуда қадимги вақтда эрамизнинг биринчи юз йиллигида жуда кўп варвар қабилалари яшаган; бу қабилалар учта катта группага: кельтлар, германлар ва славянларга бўлинган эди. Варварларнинг ижтимоий тузуми Рим қулдорлик тузумига бутунлай қарама-қарши эди. Уларда ҳали ижтимоий синфлар таркиб топмаган эди, ҳақиқий маънодаги давлат йўқ эди; варварларда уруғчилик муносабатлари ҳали ижтимоий муносабатларнинг асосий тури эди; бу қабилалар аҳолисининг асосий оммаси эркин кишилардан иборат эди, гарчи уруғ бошлиқлари ва ҳарбий зодагонлар бу эркин кишилардан

қоқори турса ҳам, лекин ҳали уларнинг ўрталаридаги муносабатлар синфий, антагонистик тус олмаган эди.

Бу тузум ибтидоий-жамоа тузуми бўлиб, эрамизнинг IV—V асрларида анчагина чириган эди, лекин шундай бўлишига қарамай, уруғчилик муносабатлари ҳам, ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги (жамоа ер эгаллиги) ҳам ҳали бутунлай йўқолмаган эди.

Рим мана шу варвар қабилаларига қарши юзларча йил давомида кураш олиб борди. Римнинг варварлар устидан ғалаба қилиши натижасида варварларнинг кўпи қулларга айлантирилди. Варварларнинг шимолий чекка ўлкаси узоқ вақтгача Римга ўз қулдорлик латифундияларини ишчи кучи билан таъминлаб турадиган асосий манба бўлиб келди.

Кельтлар. Рим даставвал кельтлар билан тўқнашди. Кельт қабилалари эрамиздан олдинги биринчи миңг йил ўрталарида ва иккинчи ярмида айниқса Ғарбий Европанинг анча катта территориясига ўрнашиб олган эди. Эрамиздан олдинги VI—III асрларда улар ҳозирги Ғарбий Германияда ва Францияда (галлияликлар), Испанияда (кельт-иберлар), Ирландияда (ирлар ёки эйрлар ва скоттлар), Англияда (бриттлар), шунингдек, Швейцарияда (гельветлар) ва Шимолий Италияда (Цизальпия Галлиясида) ўрнашган эдилар. Кичик Осиёда кельтлар эрамиздан олдинги III аср ўрталарида давлат туздилар, бу давлат Галлатия деб аталди.

Шуниси қизиқки, ҳозирги замон Европасида энг кўп тарқалган бир қанча географик номлар — дарё номларидан Рейн ва Дунай, тоғларнинг номларидан — Альп ва бошқалар, халқларнинг номларидан — британликлар (бриттлар), германияликлар (германлар) ва ҳоказолар кельтлардан қолган номлардир.

Юз йиллар мобайнида кельтлар — галлар деган ном римликларни даҳшатга солиб келди. Эрамиздан олдинги IV аср бошларида (390 й.) галлар Ўрта Италияга бостириб кириб, Римгача етиб бордилар ва унга ўт қўйдилар. Эрамиздан аввалги II аср охирида Мария вақтидаёқ кимврлар ва тевтонлар (қисман галлар, қисман германлар) ҳужуми натижасида Рим республикаси уларга зарба бериш учун бутун кучини сафарбар қилишга мажбур бўлган эди. Лекин кейин римликларнинг ўзлари ҳужумга ўтдилар. Эрамиздан аввалги 121 йилда римликлар Жанубий Галлиянинг бир қисмини босиб олдилар, Галлиянинг бу қисми Нарбонни Галлияси ёки Провинцияси деб аталди. Эрамиздан аввалги 58 йилда Юлий Цезарь бутун Трансальп Галлиясини босиб олишга киришди ва 51 йилда батамом босиб олди. Бу вақтда кельтларни герман қабилалари Ғарбий Германиядан ҳам бутунлай сиқиб чиқардилар. Рейн кельтлар билан германлар ўртасидаги чегара бўлиб қолди.

Бошқа кельт қабилаларига (масалан, Британия ёки Ирландия кельтларига) қарама-қарши ўлароқ Галлия кельтларининг уруғчилик тузуми римликлар ҳали уларни босиб олмасдан илга-

риёқ анчагина чириган эди. Уларда кучли ва бой уруғ-қабилла зодагонлари бор эди (буларни Цезарь «чавандозлар» деб атаган эди), бу зодагонлар энг яхши ерларни босиб олган эдилар ва уларнинг кўп қуллари бор эди. Уларда жуда кўп дружиначилар бор эди. Галлияликларнинг уруғ жамоалари (плебс)даги оддий аъзоларининг кўпчилик қисми ҳам зодагонларга қарам эди. Бу қарамликни Цезарь Рим клиентэласи билан тенглаштирар эди. Галлияликлар дини таркиб топаётган синфий жамиятнинг белгиларини аяк эттирар эди. Друзидлар деб аталган хоҳинларнинг қудратли уюшмаси катта сиёсий аҳамиятга эга эди, бу уюшма Галлияда қабилалар ўртасида узлуксиз равишда чиқиб турадиган жанжал ва низоларни ҳал қилишда умум Галлия суд трибунали ролини ўйнар эди.

Римликлар томонидан истило этилган Галлия тез орада романлашиб кетди. Галлияда римликларнинг катта ер эгаллиги ва қулдорлиги мустақкам қарор топди. Аҳолиси галлардан-римликлардан иборат жуда кўп шаҳарлар вужудга келди. Рим йўллари Галлиянинг ҳар томонидан кесиб ўтган эди. Латин тили маҳаллий кельт шеvasини сиқиб чиқарди. Галлар ўз ғолибларининг динига кирдилар, римча номларни қабул қилдилар, римча кийинишни ва рим урф-одатларини ўзлаштириб олдилар. Хийла қисқа муддат ичида (I аср ва II аср бошларида) Галлия Италия билан қалин алоқада бўлган Римнинг энг кўп романлашган вилоятига айланди.

Эрамиздан аввалги I аср охирларида (Август замонида) римликлар Испанияни тамоман истило этдилар, бу ердаги маҳаллий аҳоли ҳам Галлияга қараганда камроқ даражада бўлса-да, лекин анчагина романлаштирилди. Жумладан, алоҳида иберия тил группасига мансуб бўлган баскаклардан иборат ярим оролнинг шимолий қисми деярли романлаштирилмаган областлигича қолаверди. Эрамизнинг I асри ўрталарида (император Клавдия замонида (Британия ҳам) Британияни истило этиш Юлий Цезарь юришлариданоқ бошланган эди) римликлар томонидан босиб олинди. Лекин римликлар Британиянинг бир қисминигина босиб олган эди. Шотландия ҳам, Ирландия ҳам, Уэльс ҳам Рим ерлари составига кирмаган эди. Британия Римдан анча узоқда бўлгани туфайли, Галлиядагига ва ҳатто Испаниядагига қараганда анча кам даражада романлаштирилди, бунинг устига римликларнинг Британияда ҳукмронлик қилиши ҳам унча узоққа чўзилмади. V асрнинг бошларида рим легионлари Британиядан олиб чиқиб кетилди. Британия кельтлари бир қанча вақтгача яна мустақил бўлиб олдилар.

Шундай қилиб, кельтлар ўрта аср Европасининг ташкил топишида анчагина муҳим роль ўйнадилар. Кельтларнинг жуда кўпчилиги оқибат-натижда римликларга бўйсунган бўлсаларда, лекин улар варварлар ичида биринчи бўлиб, римликларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Римликлар уларга узоқ вақтгача қаттиқ таъсир кўрсатиб келдилар, бунинг натижасида Рим цивили-

лизацияси Шимоли-Ғарбий Европанинг энг узоқ чегараларигача бориб етди. Уруғчилик тузумининг баъзи хусусиятлари (хусусан уруғчиликка асосланган жамоа ер эгалиги) ўрта асрларга кельтлардан ўтди, масалан, Ирландияда, Шотландияда, Ўрта аср Англиясининг баъзи областларида (Уэльсда), француз Бретанида шундай бўлди. Бир қанча этник ва тил элементлари Ғарбий Европадаги кўпгина халқларга — французларга, ирландларга, инглизларга, испанларга кельтлардан ўтди, лекин бу халқларнинг ташкил топишида кейинчалик бошқа қабилалар (кўпроқ германлар) ҳам катта роль ўйнадилар. Романлаштирилган бўлсаларда, Рим империясини тор-мор қилишда кельт қабилалари ҳам актив қатнашдилар.

Рим ҳукмронлигидан биргина Британия қутулиб қолмади, балки Шимолий Галлия (кейинчалик Бретани деб ном олган Арморика ярим ороли) ҳам, Шимолий Испания ҳам ҳақиқатда Рим империясига қарши курашди ва Рим ҳукмронлигидан германлар, славянлар ва ҳоказолардан иборат бошқа варвар қабилалари Римга қарши бирданига ҳужум қилган вақтда қутулиб қолдилар.

Қадимги германлар. Бир қанча Рим ёзувчиларининг асарларидан қадимги германлар ҳақида анча муфассал маълумотларга эгамиз. Юлий Цезарь ўзининг Галлия уруши ҳақидаги эсдаликларида (эрамиздан аввалги 50-йил атрофида ёзилган) германларнинг турмушини муфассал баён қилган. Рим тарихчиси Тацит германлар ҳақида махсус бир этнографик очерк ёзган, бу очерк одатда «Германия» деб аталади¹ (эрамизнинг 100-йили атрофида ёзилган). Антик дунё авторларидан Плиний, Плутарх ва бошқалар ҳам германлар тўғрисида асарлар ёзган. Буларнинг асарларидан бизга даставвал шу нарса маълум бўлдики, германлар ғарбда Рейн билан, шарқда Висла ўртасидаги, шимолда Шимолий денгиз билан Балтика денгизи ўртасидаги, жанубда Альп тоғлари билан Дунай дарёси ўртасидаги территорияда, шунингдек, Скандинавияда ўрнашган. Улар кўпдан-кўп шарқий ва ғарбий герман қабилаларига бўлинган (ғарбий қабилалар билан шарқий қабилалар ўртасидаги чегара Эльба дарёси бўлган). Цезарь ва Тацит замонларида энг катта аҳамиятга эга бўлган қабилалардан свевларни, Рейн бўйида яшган бир қанча қабилаларни (ҳамавлар, сукамблар, хеттлар, херускиларни), Эльба орқасида ва Балтика денгизи бўйларида яшagan бир қанча гот-вандал қабилаларини, Дунай бўйида яшagan квадлар билан маркомонларни ва бошқа қабилаларни авторлар жуда кўп тилга оладилар. Германларнинг ижтимоий тузум (асосан Цезарь томонидан таърифланган свевлар қабиласининг ижтимоий тузumi) 150 йил ўтгандан кейин Тацит томонидан таърифланган германлар тузумидан анча фарқ қилади;

¹ Бу китобнинг аниқ номи — «Германларнинг келиб чиқиши ва яшаш жойи тўғрисида».

«Ўп жиҳатдан эса бу иккала автор бир-бирининг фикрини тўлдиради. Цезарнинг таърифича, германлар ҳатто жуда ҳам айтарли даражада утроқлашмаган кишилар эди. Уларнинг деҳқончилиги у вақтда ибтидоий деҳқончилик бўлиб, экин партов ерларга экилар эди. Ер сал-пал юмшатилиб, бир-икки йил сурункасига экин экилгандан кейин, деҳқонлар бу ерларни ташлаб, бошқа жойга кўчиб кетар эдилар. Цезарнинг аниқ кўрсатишича, ернинг ўзи ҳали хусусий мулк эмас эди: «Уларда ер хусусий мулк қилиб бўлиб олинган эмас, улар бир жойда бир йилдан ортиқ тура олмайди ҳам»... (Германлардан) ҳеч кимнинг,— деб давом этади у,— ўзига хусусий мулк қилиб аниқ ўлчаб берилган ер участкаси ёки мулки йўқ, лекин амалдорлар ва бошлиқлар уруғларга ва бирга яшовчи элатларга ҳар йили керакли жойдан ва керакли миқдорда ер ажратиб берадилар...». Бу нарса ернинг уруғ мулки бўлганлигини жуда очиқ кўрсатиб турибди. Цезарь замонидаги германлар ҳаётида чорвачилик билан овчилик катта роль ўйнар эди: «Улар (германлар) деҳқончилик билан шуғулланишга у қадар қизиқмайдилар... Улар нондан кўра сут, пишлоқ ва гўшти кўпроқ истеъмол қиладилар» (Цезарь). Король ҳокимияти бу вақтда фақат баъзи герман қабилаларидагина бор эди, ўшанда ҳам фақат ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, вақтинча ҳукм сурар эди. Короллар уруш вақти учунгина сайланар эди. Тинчлик вақтида уруғ ва қабилаларни уруғ ва қабилла оқсоқоллари ва бошқалари (principes) идора қилар эди.

Тацит германларнинг анча юксак тараққий қилган даврини таърифлайди. Тацит уларни бутунлай ўтроқлашиб қолган аҳоли эди, деб кўрсатади. Уларнинг қишлоқ ва хуторлари бор. Улар энди Цезарь замонидагига қараганда анча қунт билан деҳқончилик қила бошладилар, бекор ётган ерларни ишга солдилар, ўрмон дарахтлари кесилиб, экинзорга айлантирилди. Уларнинг деҳқончилик қуроли оғир плуг эди. Тацитнинг таърифидан маълумки, германлар ҳунармандчиликнинг асосий турлари: темирчилик, тўқимачилик ва қулдорчиликни, темир ва бошқа металларни олишни билганлар. Бироқ улардаги ижтимоий тузум архаиклигича қолаверган.

Тацит замонида ҳам германларда ер хусусий мулк эмас эди. Ернинг бош хўжайини (ва эгаси) уруғ ва қабилла эди. Бироқ шу билан бир вақтда германларда ердан яқка тартибда фойдаланиш ҳам авж олди. Шуниси характерлики, Тацит замонида ер турли оилалар ўртасида тенг тақсимланмас эди. «Ер,— деб ёзди Тацит,— деҳқонларнинг сонига қараб навбатма-навбат ҳамма учун берилади. сўнгра улар ерни ўз ўрталарида мавқеларига қараб тақсимлаб оладилар...». Германларда уруғчилик тузumi Тацит замонида ҳам катта роль ўйнади. Ерга уруғ уюшмаси хўжайинлик қилар эди. Жангларда уруғ-аймоқлар ёнма-ён туриб, жанговар саф тортардилар. Уруғдошларига биров озор бергудай бўлса, уруғ аъзолари ўч олишга (уруғ учун ўч

олишга) мажбур эди. Никоҳлаш, ёш германинг балоғатга етганлигини маълум қилиш, мулкдан маҳрум қилиш ва мулк бериш, суд ишларини кўриш ва ҳар турли жанжалларни текшириш ишлари уруғ аъзолари ўртасида ҳал қилинар эди.

Бироқ Тацит замонидаги германлар уруғида чириш аломатлари рўй берган эди. Уруғ зодагонлари оддий германлардан (Цезарь замонидагига қараганда анча устун турар эди. Тацитнинг ўзи ҳам «зодагонлар» (nobilitas)ни оддий халққа (plebs) қарама-қарши қўяди. Энг яхши ерлар зодагонлар қўлида эди. Зодагон германлар одатда қулларни ишлатар эдилар (бу қулларнинг кўпчилиги урушда асир олинган кишилар эди). Бироқ, германлардаги қулчилик Рим казарма қулчилигига қараганда ибтидоий, патриархал тусда эди. Қул ўз оиласи билан унга ажратиб берилган алоҳида ер участкасида яшаб, ўз хўжайинига маҳсулот билан оброк тўлаб туришга мажбур эди. Қулчиликнинг бу формаси—кейинги вақтларда, кризис даврида Рим қулдорлари ҳам жорий қила бошлаган қулдорлик формасига («Кулбали қуллар» ёки «оброкчи қуллар»га) бирмунча ўхшар эди. Германлардаги патриархал қулчилик ҳам кейинги феодал крепостной тузумга қараб ривожланиш йўлидаги бдсқичлардан бири эди.

Германларда қабила зодагонларининг қудрати ҳарбий ишнинг авж олишига ҳам асосланган эди. Зодагонларнинг дружиначилари бўлар эди. Қўшни герман қабилалари ва герман бўлмаган қабилалар билан узлуксиз урушлар олиб бориш бу ҳарбий бошлиқлар ва уларнинг дружиначилари учун доимий бир касб тусини олган эди. Урушда асир олиб, қулга айлангириш ва бошқа хил ўлжалар бу ҳарбий зодагонларнинг бойиши учун бир манба бўлган эди, шу тариқа улар алоҳида имтиёзли ҳарбийлар сословиеси бўлиб ташкил топган эдилар. Ҳарбий бошлиқлар орасидан умрбод короллар сайланарди, бу короллар ўз ҳокимиятларини мерос қилиб қолдиришга ҳаракат қилардилар. Шу билан бирга, одатда халқ (пиёда) лашкарларининг жуда кўпчилигини ташкил қилган оддий жангчи-германлар ҳали маълум даражада сиёсий аҳамиятга эга эдилар. Уруғ зодагонлари ва ҳарбий зодагонлар ҳар қанча кучайиб борган бўлсалар-да, бари бир, улар оддий жангчиларнинг фикри билан ҳисоблашишга мажбур эдилар; каттароқ урушларнинг оқибати шу оддий жангчиларга боғлиқ эди. Биз Тацитнинг германлардаги ҳарбий йиғилишларни таърифлаб ёзган асарига эгамиз. Бу йиғилишларда қатнашувчиларнинг асосий оммаси оддий жангчилардан иборат бўлиб, улар ҳарбий бошлиқларнинг ва зодагонларнинг таклифлари тўғрисида жуда қизғин фикр билдирар эдилар, бу таклифларни гоҳ маъқуллар эдилар, гоҳ қуроқларини пеш қилиб рад этар эдилар. Бироқ ҳарбий демократия тузуми деб аталмиш бу тузум германларнинг ўзига хос, янги бир нарсаси эмас эди. Бу тузумни тараққийнинг маълум босқичида: қадимги грекларда — Гомер замонида, римликларда — Рим та-

рихининг илк «давлатчиликдан олдинги» даврида ва бошқа варвар халқларда ҳам учратиш мумкин эди.

Қадимги германларда синфий муносабатларнинг ривожланмаганлигини уларнинг дини хонаки, патриархал характердалигидан кўриш мумкин эди. Қадимги германлар динида алоҳида ҳукмдор ва бадавлат коҳинлар ҳам ажралиб чиқмаган эди, катта, дабдабали ибодатхоналар, умумнинг эътиборига сазовор бўлган ибодатхоналар, сердаҳмаза маросимлар йўқ эди. Германлар табиатнинг стихияли кучларини — осмон, қуёш, момақалдироқ, шамол ва ерни илоҳийлаштирар эдилар, бу стихияли кучлар ибтидоий деҳқон, чорвачи ва овчининг ҳаётида энг катта аҳамиятга эга эди. Бу стихия худоларини инсон қиёфасидаги подшо ва қаҳрамонлар сифатида гавдалантириш (жанговар худо Один ёки Водан, унинг хотини маъбуда Фрея ва бошқалар эътиқоди) анча кейин пайдо бўлди. Бу хилдаги жуда мураккаб ва бой афсоналар асосан герман скандинав қабилаларининг (эрамизнинг XI—XIII асрларидаги Скандинавия сағларининг) қиссаларида сақланиб қолди.

Германлар ва римликлар. Қимврлар билан тевтонларнинг юқорида айтиб ўтилган 102—101 йиллардаги ҳужумини ҳисобга олмаганда (бу ҳужумда германлар ҳам қатнашган эдилар), германлар билан римликлар ўртасидаги биринчи кучли тўқнашиш Юлий Цезарь замонида бўлди. Цезарь сув қироли Ариовистга зарба берди ва ҳатто германларга даҳшат солиш мақсадида Рейннинг ўнг қирғоғига ҳам ўтди. Август замонида Рим саркардалари Агриппа, Друз ва Тиберий (Тиберий кейин император бўлди) Рейннинг нариги томонидаги ерларнинг бир қисмини — Рейн билан Везер ўртасидаги ерларни босиб олдилар, ҳатто Эльбагача етиб бордилар. Бироқ эрамизнинг 9-йилида Варнинг (Тевтобург ўрмонида) енгилиши римликларнинг ҳужумини тўхтатиб қўйди. Шу пайтдан бошлаб улар Рейн билан Дунай ўртасида қаттиқ ўрнашиб олиб, асосан мудофаа билан чекландилар. Рейн билан Дунай ўртасида (Кобленц—Регенсбург линияси) узунлиги 500 километрдан иборат тулроқ қўрғон қурилиб, у Рим қўрғони (Limes Romanus) деб аталди. Римликларнинг мудофаа иншоотлари герман қабилаларининг сиқувини бирмунча вақтгача тўхтатиб турди. Лекин германларда ишлаб чиқарувчи кучлар, аҳоли ўсган сари, герман қабилаларининг ичида синфий табақаланиш кучайган сари (зодагонлар ва уларнинг дружиналари ўсиб ва кучайиб, уларга фақат ергина эмас, балки ишчи кучи ва ҳар турли ўлжалар ҳам керак эди) варварларнинг империяни сиқуви тобора кучайиб борди. Маркоманлар II асрнинг иккинчи ярмида Дунай чегараларида 15 йил (165—180) уруш олиб бордилар. Квадлар билан маркоманлар Рим чегарасини ёриб ўтиб, Италиянинг шимолига бостириб кирдилар ва римликлар уларни бу ердан зўрға суриб чиқардилар. Рим ҳукумати уларга (расман, федерат-иттифоқчиларга) Рейннинг юқори оқими билан Дунайнинг юқори оқими ўртасидаги, Рим

қўрғонининг бериги тарафидаги ерларни ажратиб беришга мажбур бўлди. Бу ерлар ушур дала деган ном олди (афтидан, варвар тўлайдиган солиқнинг номидан олинган бўлса керак). III асрнинг ўрталарида, яъни Рим империяси қаттиқ социал ва сиёсий кризисни бошидан кечириб турган вақтда, ғарбий герман қабилаларининг бир қисми — франклар, свевлар ва бошқалар Рейндан, яъни Германиянинг ғарбидаги Рим чегарасидан ўтдилар. Худди шу вақтда II асрнинг иккинчи ярми ва III аср давомида шарқий герман қабилалари ўртасида ҳам катта силжишлар бўлди. Энг кучли шарқий герман қабилалари группировкаларидан бири—готлар—шимолдан жанубга Дунай ҳавзасига тушиб, Дания территориясининг бир қисмини босиб олди ва кейин шарқ томонга Қора денгиз бўйига тарқалди. Бу ерда готлар славян, шарқий сармат қабилалари ва бошқа қабилалар орасида 150 йилча яшадилар. Улар Қора денгиз бўйида кўп қабилали иккита короллик — Вестгот короллиги (Дунайнинг қуйи оқими) ва Остгот короллиги (қуйи Днепр ҳавзасида) туздилар ва шундай қилиб, Шарқий Рим империясининг чегараларига жуда ҳам яқинлашиб келдилар.

Қадимги замонда славянлар. «Славянлар» деган сўзни эрамизнинг VI асридаги византиялик ёзувчилар жуда кўп тилга оладилар. Лекин рим ва грек-рим авторлари славянларни анча илгари тилга олган эдилар. Қадимги дунё авторлари қадимги германларни қай вақтдан бошлаб тилга олган бўлсалар, славянлар ҳам қарийб худди шу вақтдан бошлаб тилга оладилар. Масалан, Тацит, Плиний ва Птолемей венецларни (ёки венетларни) бир неча бор тилга олиб, улар германлардан шарқда, Балтика денгизининг жанубий қирғоқларида яшаган, деб кўрсатадилар. IV, V ва VI асрларда венецлар деган ном ва славянлар деган янги ном билан бир қаторда гетлар ва антлар деган номлар ҳам учрайди. VI аср ўрталарида яшаган византиялик катта тарихчи Прокопий славянларни склавинлар ва антлар деб атайдди. Прокопийнинг ёзишича, склавинлар ўша вақтда Дунай бўйида, антлар Днестрнинг шарқида яшаганлар. Ҳар ҳолда эрамизнинг биринчи асрларидаёқ славянлар жуда кенг территорияга ўрнашган бўлиб, бу территория шимолда Балтика денгизи қирғоқларидан тортиб жанубда Дунайгача, ғарбда Дуайдан тортиб то Днепр ҳавзасигача ва Днепрнинг шимолидан ва шарқидан тортиб то Окагача борар эди.

Византия тарихчилари — Прокопийнинг (VI асрнинг ўрталарида) ва Маврикийнинг (VI асрнинг охирида — VII асрнинг бошларида) таърифлашича, қадимги славянлардаги ижтимоий тузум уручилик асосидаги ибтидоий-жамоа тузумидан иборат бўлган, германлардаги (ва ундан илгари кельтлардаги) ижтимоий тузум қандай хусусиятларга эга бўлган бўлса, қадимги славянлардаги ижтимоий тузум ҳам худди шундай хусусиятларга эга эди. Славянлар кўпдан-кўп қабилаларга ва уруғларга бўлиниб яшар эдилар. Уруғлар катта-катта оилалардан ташкил

топган эди. Уруғ оқсоқолларини византиялик авторлар филархлар ва архонтлар деб атадилар. Шу авторларнинг айтишича, славянларда халқ йиғинлари (славян вечеси) чақирилиб турарди, дружиначилари (друнглари) бўлган князлар бор эди, славянлар тез-тез уруш қилиб турар эдилар, бу урушлар қисман Болқон ярим оролининг ўзида олиб борилар эди. Шундай қилиб, славянлар Шарқий Рим империяси территориясига бостириб кирган вақтларида ҳам ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ҳарбий-демократия тузуми босқичида эдилар (ҳарбий демократия тузуми деган иборани биринчи бўлиб Энгельс ишлатган, биз ҳам Энгельсдан ибрат олиб, бу босқични ҳарбий-демократия тузуми деб атаймиз), ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг бу босқичини биз юқорида қадимги германлар тўғрисида гапирганимизда айтиб ўтган эдик. Бу тузум уруғ-қабила тузумидан давлат тузилишига ўтish формаси эди. Гарчи славянлар V ва VI асрларда византияликларга душман халқ бўлган бўлсаларда, византиялик ёзувчиларнинг иккаласи ҳам — Прокопий ҳам, Маврикий ҳам славянларнинг характеридаги бир қанча ижобий хислатларни кўрсатиб ўтди.

Бу авторларнинг таърифлашича, қадимги славянлар жуда ҳам эрксевар (улар ҳатто асир қилиб олинган кишиларни доимий қулликда тутмай, маълум вақт ўтгандан кейин бўшатиб юборар эдилар), мард, жанговар ва шу билан бир вақтда тинчликсевар бўлиб, агар қўшнилари уларни қул қилиш ёки иззатнафсига тегиш пайида бўлмасалар, улар билан дўстона алоқа боғлашга ҳамма вақт тайёр эдилар. Славянларнинг патриархал ибтидоий тузумга хос бўлган меҳмондўстлиги византияликларда мақол бўлиб қолган эди. Славянлар жуда катта ҳарбий маҳоратга эга эдилар. Славянлар жисмоний жиҳатдан жуда кучли ва чидамли одамлар бўлиб, ҳар хил ҳарбий ҳийлалар ўйлаб чиқаришга жуда уста эдилар. Улар пистирмалар қўйишга уста бўлиб, душманга кўпинча тўсатдан ҳужум қилар эдилар. Шу билан бирга улар Византия ҳарбий техникасини ҳам тез ўзлаштириб олган эдилар. Чунончи, славянлар мустаҳкамланган шаҳарларни қамал қилишга ва олишга VI асрдаёқ уста бўлиб қолган эдилар. Славянлар ўйма ёғоч қайиқларни ишлатишга уста эдилар, жасорат кўрсатиб, бу қайиқларда денгизда узоқ-узоқ жойларга сузиб борардилар.

Славянлар қадимги замонларданоқ деҳқончиликдан хабардор эдилар, уларнинг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Археологик маълумотлар уларда жуда катта дон запаслари, дон сақлаш учун махсус омборлари ва ҳоказолари бўлганлигидан далолат беради.

Маврикийнинг айтишича, славянлар айниқса арпа ва сулини кўп экканлар, эрамизнинг дастлабки асрларидаёқ уй ҳайвонлари асраганлар, турли хилдаги хонаки ҳунарларни ҳам билганлар. Висла бўйи ва Днепрнинг юқори оқими районида яшаган славянларда деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари, балиқчи-

лик ва ўрмон хўжалиги (хайвонларни овлаш ва ўрмон асалари-чилиги) катта роль ўйнар эди.

Славянлар динида деҳқончилик билан шуғулланувчи ибти-лоний халқларга хос бўлган икки нарса, яъни табиат кучларини илоҳийлаштириш: славянлар осмон, қуёш, момақалдироқ, чақ-моқ (осмон худоси Сварог, момақалдироқ ва чақмоқ худоси Перун, ҳосилдорлик маъбудаси Жива ва ҳ. к.), тоғ, дарахт, сув (сув парилари ва ҳоказолар)ни илоҳийлаштирар эдилар; ота-боболарнинг арвоҳларига сиғиниш (жин, арвоҳ ва бошқалар) жуда яққол ақс этган эди. Славянларда ҳали алоҳида синф бў-либ ажралиб чиққан қоҳинлар йўқ эди (германларда ҳам худди шундай эди).

Славянлар ҳам, германлар сингари мункиллаб қолган антик жамиятни янгилашда, янги ўрта аср, феодал Ғарбий Европасини вужудга келтиришда каттагина роль ўйнадилар. Аввало герман қабилаларининг шарқдан жанубга ва ғарбга силжиши ҳам қисман славянлар сиқувининг натижаси эди, бунини гот тарихчиси Иордан очиқ кўрсатиб берди. Сўнгра славян қабилаларининг бир қисми герман қабилалари билан биргаликда Рим империя-сини истило қилишда қатнашди. Кейинроқ бориб, VI—VII аср-ларда славянлар Висладан Эльбага қараб, ғарб томон тобора ичкари жилиб, Рим империяси территориясига кўчиб кетган гер-ман қабилаларининг илгариги территорияларини ишғол қилди-лар. Ниҳоят, славянлар Болқон ярим оролига, Шарқий Рим им-перияси территориясига — Византияга қўп марта бостириб кирдилар ва оқибат-натижада жуда кўплаб жойлашиб олиб, Византия социал тузумининг ўзгаришига, унинг қулдорлик ту-зумдан феодализмга ўтишининг тезлашувига жуда катта таъсир қилдилар.

Ш БОБ

РИМ ИМПЕРИЯСИНИНГ ВАРВАРЛАР ТОМОНИДАН ИСТИЛО ҚИЛИНИШИ.

ИЛГАРИГИ РИМ ИМПЕРИЯСИ ТЕРРИТОРИЯСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ВАРВАР КОРОЛЛИКЛАРИ

IV аср охири — V аср бошларида варварларнинг империяга бўлган муносабатларининг кескинлашуви. Варварларнинг Рим империясига бўлган муносабати IV аср охирларига келиб жуда ҳам кескинлашиб кетди. Империянинг заифлашуви варвар қа-билаларига империя чегарасидан деярли бемалол ўтиб, унинг территориясини эгаллаб олиш учун имкон берди. Империя вар-варларнинг сиқувини яна бир оз вақт тўхтатиб тура олар эди, лекин у, империяга федерат-иттифоқчилар тарзида хизмат қи-лаётган варварларнинг ўзининг ёрдамига таянган чоқдагина шундай қила олар эди. Аммо федератларнинг душманга айла-

ниши осон эди; бунинг олдини олиш учун империя уларга тобора кўпроқ ён беришга мажбур бўлмоқда эди.

Герман қабилалари II—IV аср ўрталарида ўзларининг ишлаб чиқариш кучларини анчагина ривожлантирдилар. Улар ерларини Цезарь ва Тацит замонидан яхшироқ ишлай бошладилар. Уларда ҳайвонларнинг насли (жумладан, отларнинг насли) яхшиланди. Хунармандчиликни ривожлантиришда анча олға кетилди. Германиянинг кўп жойларида ер устидаги ёки унча катта бўлмаган чуқурликдаги рудалар ишлана бошланди. Чегара областида яшовчи германлар римлик савдогарлар билан олди-сотди қила бошладилар. Варварларнинг аҳолиси тобора кўпайиб борганлиги учун ер масаласи жуда кескин масала бўлиб қолди. Варварлар аҳолининг ошиб-тошиб кетаётганлигини сезмоқда эдилар. Улар империянинг серҳосил ва қисман бутунлай ишлов берилмаган ерларини ишғол қилишга интилдилар. Бутун бир варвар қабилаларини Рим империясига қарши кескин кураш олиб боришга олиб келган энг муҳим ва асосий сабаб ер танқислиги эди.

Бу вақтга келиб герман қабилаларининг ичида катта ўзгаришлар содир бўлди. Герман жамиятининг тобора кўпроқ табақаланиб бориши — зодагонларнинг ажралиб чиқиши, уларга қарам бўлган кишилар сонининг кўпайиши ва ҳоказолар билан бир қаторда, қабилаларнинг катта-катта иттифоқларга бирлашув процесси ҳам юз бермоқда эди. Қуйи Рейнда ҳамда Ютландия ярим оролида англ-сакс қабилалари бирлашмаси; Урта Рейнда франк қабилалари иттифоқи; Юқори Рейнда аллеманлар иттифоқи (бунга квадлар, маркоманлар, қисман свевлар кирарди); Эльбада ва Эльбанинг нариги томонида лангобардлар, вандаллар, бургундларнинг иттифоқлари ташкил топди. Бундан олдинги бобда готларнинг иккита иттифоқи — вестготлар иттифоқи ва остготлар иттифоқи вужудга келиб, буларнинг ҳар бири Дунай ва Қора денгиз бўйи районида кўп қабилали давлат ташкил қилганлиги гапириб ўтилган эди. IV асрнинг охирларидан бошлаб ва айниқса V асрда варварлар ёппасига империя территориясига қараб йўл олиб, уни аста-секин истило қила бошладилар. Тўғри, бу истило қилиш қарийб бутун бир асрга чўзилди. Анча вақтгача бу истилочилар расман империянинг «иттифоқчилари» деб қаралди. Бироқ замондошлар бу номга алданмади. Ғарбий Рим империясининг тобора қулаб бораётганлиги шубҳасиз ҳақиқат эди. Чунки варварлар империяни истило этиш билан бир вақтда империя территориясига ўзларининг бутун оилалари, уй анжомлари, сигир-бузоқлари ва ҳоказолари билан кўчиб келиб, ўрнашаётган эдилар. Шунинг учун IV асрнинг охирини ва V асрнинг ҳаммасини ўз ичига олган бу даврни тарихчилар одатда Халқларнинг буюк кўчиш даври деб атайдилар.

Готлар ва Қора денгиз бўйлари. Гуннларнинг келиши. Бу кўчиш империя территориясига готларнинг бостириб киришидан

бошланди, деб ҳисобланади. Остготлар ва вестготларнинг империя билан тотув яшашлари мумкиндек туюлар эди. Уша вақтда Европанинг жануби-шарқида бу варварларнинг жуда кенг ер майдонлари бор эди. Вестготларда ҳам, остготларда ҳам ҳеч қандай «ер қаҳатчилиги» йўқ эди. Тўғри, остгот зодагонлари гоҳ-гоҳ Болқон ярим оролига ҳужум қилиб турар эдилар. Лекин иккинчи томондан, готлар Шарқий Рим империяси билан тинч савдо алоқалари ҳам олиб борар эдилар. Готлар христианликни шарқий римликлардан қабул қилган эдилар. Готлар ўртасида христианликни тарғиб қилган киши епископ Ульфила бўлди, у инжилни ва диний китобларни гот тилига таржима қилди.

Икки давлатнинг энг кучлиси — Остготлар давлати бўлиб, у кўп қабилаларни иттифоқ эди, бу иттифоқ ўзининг остгот қабиладан ташқари, славян ва шарқий сармат қабилаларидан бир қанчасини ўз ичига олган эди, бу давлатга король Германарих 50 йил бошчилик қилди (у 375 йилда вафот этди). Остготларнинг ўзлари маҳаллий маданият таъсирига анчагина берилиб, маҳаллий аҳоли билан қисман аралашиб кета бошлаган эди. Қора денгиз бўйидаги готларга Қора денгиз бўйидаги грек колонияларининг ва айниқса Боспор подшолигининг антик маданияти анчагина ўз таъсирини ўтказди.

375 йилда Қора денгиз бўйига Осиёдан жуда кўп сонли гуннлар қабиласи келди. Гуннлар (буларнинг бир қисми турк ирқидан, бир қисми мўғул ирқидан бўлса керак) кўчманчи халқ бўлиб, бир вақтлар Хитой чегараларида яшар эдилар, кейин улар бутун Урта Осиёни босиб ўтиб, ниҳоят, Жанубий Урал билан Каспий денгизи ўртасидаги «Каспий дарвозаси» орқали Дон ва Днепр ҳавзасига кириб бордилар. Гуннлар остготлар иттифоқига қақшатғич зарба бердилар. Гуннлар остготларни ўзларига бўйсундириб, улар билан биргаликда вестготлар устига юриш қилдилар. Гуннлар томонидан тор-мор қилиниш ва бўйсундирилишдан қўрқиб, вестготларнинг бошлиқлари Шарқий Рим императори билан музокара бошладилар ва Дунадан ўтиб, федератлар сифатида Болқон ярим оролига жойлашиш учун ундан ижозат сўрадилар. Константинополь ҳукумати бунга рози бўлди, шундан кейин 376 йилда бир миллион кишига яқин вестготлар (булардан 200 минг қурооланган эркеклар эди) Дунадан ўтдилар. Уларга жойлашиш учун ҳозирги Болгариянинг Мезия области ажратиб берилди.

Вестготлар империяда. Вестготларнинг Дунадан ўтиши юзани қараганда айтарли бир нарса эмасдек эди. Римликларнинг бутун-бутун қабилаларни федерат қилиб қабул қилиш ҳоллари илгари ҳам бўлган эди. Лекин ҳақиқатда эса вестготларнинг Болқон ярим оролида пайдо бўлиши катта оқибатларга олиб келди. Варварларга нисбатан жабр-зулм ва ўзбошимчалик қилган империя амалдорлари билан чиқиша олмай, вестготлар тез орада Рим ҳукуматига қарши қўзғолон кўтариб, «федератликдан» энди империя ҳукуматининг хавфли душманларига айлан-

дилар. Буларга маҳаллий конларда ишлаётган ерли қуллар ҳам (уларнинг ҳам кўпчилиги аслида варварлардан эди) қўшилдилар. Вестготлар Болқон ярим оролининг жанубига қараб йўл олдилар. 378 йили улар Адрианополга яқин жойда Рим қўшинларини тор-мор қилдилар; бу қўшинларга қўмондонлик қилган император Валент ўлдирилди. Вестготлар Константинополга яқинлашиб келмоқда эдилар. Янги император Феодосий I (379—395) бир дўқ-пўписа қилиб, бир бўлса дипломатик музокаралар юргизиб вестготларни тинчлантиришга муваффақ бўлди, уларга Болқон ярим оролининг турли жойларидан янги, серҳосил ерларни ажратиб берди. Кейинчалик, 90-йилларда ҳозирги Югославия территориясидаги Иллирия вилояти вестготларга берилди.

Феодосий ўлгандан кейин Рим империяси унинг ўғиллари ўртасида тақсимланди. Шарқда—Аркадий (395—408), Ғарбда—Гонорий (395—423) идора қила бошлади. Ака-ука императорларнинг иккаласи ҳам бир-бирига душман эди. Константинополь ҳукумати вестготларни Ғарбий Рим империясига қарши қўзғатишга қасддан ҳаракат қилди.

Гонорийнинг лашкарбошиси Стилихон (аслида варвар эди) дастлабки вақтда вестготларнинг Италияга қилган ҳужумини тўхтатиб турди. У ҳатто Британиядаги рим легионларини (407 йилда) чақириб келтирди, легионларнинг бу вақтида Италиянинг ўзида бўлиши ниҳоят даражада зарур эди. Бироқ сарой аҳли ўртасидаги фитна натижасида Стилихон тез орада вазифасидан туширилди ва ўлдирилди. Вестготлар қороли Аларих энди қағтиқ қаршилиқка учрамай, 409 йилда Италия территориясига кириб борди. Кейинги йилда Аларих Римни жуда катта талонга солди. Шу нарса характерлики, Аларих Римни қуллар ёрдами билан олди. Римда ва унинг атрофида яшаган 40 мингга яқин қул Аларих томонига ўтди. Булардан ташқари, Аларихни кўпчилиги варвар-германлардан иборат ғарбий император армиясининг кўпчилик қисми қўллаб-қувватлади. Вестготлар Римни 410 йилининг 24 августида босиб олдилар. Римликларнинг пойтахти бир неча кунгача талон-тарож қилинди. Римдаги қулдор зодагонларнинг кўплари ўлдирилди, асир олинди ва қул қилиб сотилди, римликларнинг бир қисми қўрқувга тушиб, Шимолий Африкага ва Болқон ярим оролига қараб қочдилар.

Аларих сўнгра Сицилияга, у ердан эса Шимолий Африкага юриш қилмоқчи эди. Бунинг сабаби Италияда озиқ-овқат йўқлиги эди, Италияда қишлоқ хўжалиги бутунлай тушкунликка учраган эди, маҳаллий аҳолининг ўз ғалласи ўзига етмас эди. Лекин вестготларнинг Африкага юриш қилиш мўлжали амалга ошмади. Бу юриш учун флот тайёрланаётган ўша 410 йили Аларих ўлди.

Вестготларнинг Тулуза қоролиги. Италияда бир оз вақт тургандан кейин, вестготлар Гонорий ҳукумати билан келишиб, Жанубий Галлияга ўтдилар ва у ерда 419 йили Рим империяси территориясида дастлабки варварлар қоролигини тузди-

лар, унинг пойтахти Тулуза шаҳри бўлди. Тулуза короллиги Рим императорига номигагина қарам ҳисобланар эди. Аслида у бутунлай мустақил эди. Галлияга кўчиб ўтганларидан кейин вестготлар жуда кўп ерларни бошқатдан тақсимладилар. Улар маҳаллий галлиялик-римлик қулдорлар ихтиёридаги ерларнинг учдан икки қисмини ундаги қуллар, бинолар, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва бошқа нарсалари билан биргаликда мусодара қилиб, ўзаро бўлишиб олдилар, катта-катта латифундиялардаги энг яхши ерларни, қулларни ва асбоб-ускуналарни король билан зодагонлар олди. Оддий вестгот жангчи деҳқонлар ўзларининг оилавий чек ерларини — *sortes*—яъни айнан олганда қуръага (чекига) чиққан ерларни олдилар, булар: ҳайдаладиган ерлардан, жамоага қарашли ер-мулклар — ўрмонлар, яйловлар ва бошқалардан иборат эди. Кейинча V асрнинг охири — VI асрнинг бошларидан бошлаб Вестготлар короллиги Пиренея тоғларининг нариги томонига Испанияга ҳам ёйилди. Унинг пойтахти Толедо шаҳрига кўчирилди.

Шимолий Африкада вандаллар короллиги. Тахминан, Галлияда вестготлар ўз давлатини вужудга келтирган вақтда, бошқа бир группа варвар қабилалари Пиренея ярим оролига бостириб кирди. Булар свевлар билан вандаллар эди. Ссевлар ярим оролнинг шимоли-ғарбий қисмини босиб олдилар, вандаллар жанубга кириб бориб, бирмунча вақтгача Гвадиана дарёси жанубидаги территорияда яшадилар. Ҳозирги вақтда ҳам шу область Андалузия деб аталади (дастлабки вақтларда Вандалусия деб аталар эди). Вандаллар бу ердан король Гейзерих бошчилигида Шимолий Африкага ҳужум қилдилар. Вандаллар Шимолий Африка аҳолисининг қуйи табақалари орасида Рим ҳукуматининг ва катта қулдорларнинг эътибори йўқлигидан фойдаланиб, бу кенг территорияни босиб олдилар ва 439 йилда Рим империяси территориясида иккинчи варвар короллигини вужудга келтирдилар, бу давлатнинг пойтахти қадимги Карфаген бўлди.

Вандаллар Рим зодагонларининг жуда кўп ерларини ҳам мусодара қилдилар. Лекин уларнинг ўзларида ҳам зодагонлар тезлик билан таркиб топмоқда эди, бу зодагонлар босиб олинган ерлар, олинган қуллар ва бошқа хил ўлжалар ҳисобига бойиб кетди. Вандал зодагонлари Италияга қилинган босқинчилик ҳужумлари натижасида айниқса бойиган эди. 455 йилда вандаллар Римни босиб олиб, вестготларнинг 410 йилдаги талон-торожидан баттарроқ мисли кўрилмаган даражада таладилар ва вайрон қилдилар. Вандаллар Римнинг энг нодир қадимги ёдгорликларини аёвсиз бузиб ташладилар. Шу сабабли «вандализм» деган сўз маданият ёдгорликларини ваҳшиёна вайрон қилиш тимсоли бўлиб қолди.

Бургундия короллиги. V аср ўрталарида 443 йил билан 457 йил оралигида Рона дарёси ҳавзасида яна бир варвар короллиги вужудга келди, бу короллиқнинг пойтахти Лион шаҳри

бўлди. Бу Бургундия короллиги бўлиб, ҳажми жиҳатидан бирмунча кичикроқ бўлса-да, ҳозирги Франциянинг жануби-шарқини, географик ва стратегик жиҳатдан жуда муҳим ва серҳосил жойни ишғол қилди. Бу короллик вужудга келиши натижасида империянинг шимолий Галлия билан алоқаси узилиб қолди. Шундай қилиб, Ғарбий Рим империяси ўша вақтдан бошлаб ҳақиқатда биргина Италиянинг ўз доираси билан чекланиб қолди. Бургундлар ҳам маҳаллий галлиялик-римлик зодагонларнинг ерларини тортиб олдилар, лекин бу тортиб олиш вестготлар ўтказган мусодарага қараганда бирмунча кичикроқ ҳажмда бўлди. Бургундлар сон жиҳатидан хийла оз бўлиб, IV асрда узоқ вақтгача юқори Рейнда римликлар билан ёнма-ён яшадилар (уларнинг ўша вақтдаги пойтахти Вормс шаҳри эди), улар тез вақт ичида романлашиб, V асрдаёқ латин тилини, римликларнинг урф-одатларини ва уларнинг мулкий муносабатларини ўзлаштириб олдилар. Бироқ, шунга қарамай, Бургундиянинг асосий аҳолисини бу ерда ўзларига чек ерлар олган варвар деҳқонлар ташкил этар эди.

Атилла замонида гуннлар. Вестгот, Вандал ва Бургундия королликларининг вужудга келиши билан Ғарбий Рим империясининг аҳволи ниҳоят даражада мушкуллашиб қолди. Бу вақтда империяни идора қилиб турган император Валентиниан III (425—455) сонда бор, салмоқда йўқ бир одам эди, Лекин унинг министри (уни тарихчилар баъзан «сўнгги буюк римлик» деб атар эдилар (Аэций) хийла романлашган) варварларнинг бирини иккинчисига қарши ишга солиб, империяни сақлаб қолишга зўр бериб ҳаракат қилди.

V аср ўрталарида империя учун энг хавfli душман юқорида айтиб ўтганимиз гуннлар бўлди. V асрнинг дастлабки учдан бир қисми ичида гунн қабилалари ғайратли ва шижоатли король Атилла (435—453) қўл остида бирлашдилар. Атилланинг пойтахти Тисса қирғоғи—ҳозирги Венгрия территориясида эди. Шу жойдан Атилла узоқ-узоқ жойларга Болқон ярим оролига, Кичик Осиёга, Арменияга ва ҳатто Месопотамияга юришлар қилди. Атилла олиб борган урушлар очиқдан-очиқ босқинчилик, талончилик урушлар эди. Унга Византия (Шарқий Рим) императори катта хирож тўлар эди. Дунай ёнида яшовчи кўпгина славян қабилалари гуннларга қарам эдилар. 50-йилларнинг бошида Атилла ғарбга юриш қилди ва 451 йили Галлияга бостириб кириб, бу ерда кўп шаҳарларни босиб олди ҳамда Галлиянинг энг муҳим стратегик пункти бўлган Орлеан шаҳригача етиб борди. Узоқ вақт қамал қилингандан кейин Орлеан гуннлар томонидан олинди, лекин Аэций Атиллага қарши варварлар федерациясини тузишга муваффақ бўлди ва Атиллани Орлеандан чиқиб кетишга мажбур қилди. Атилла кўп сонли лашкарлари билан биргаликда янада шарққа — орқага бурилиб (Санс шаҳри орқали) Труа шаҳри томонга қараб йўл олди. Аэций унинг кетидан борди. 451 йил 15 июнда Труа шаҳри яқинида (бу шаҳарга кейин Шампань

деб ном берилди), К а т а л а у н д а л а л а р и¹ деб аталган жойда «халқлар жанги» бўлди. Римликларнинг федератлари: вестготлар, бургундлар, франклар римликлар томонида туриб урушдилар; Атилла қўл остида эса, гунилларнинг ўзидан ташқари, остготлар ва бошқа майда-майда шарқий герман қабилалари ҳамда қисман славянлар ва жануби-шарқий Европадаги турли сармат қабилалари бор эди. Аттила мағлубиятга учради. Римликлар ғалаба қозондилар, бу ғалаба уларнинг охириги ғалабаси эди. Лекин улар энди бу ғалаба самараларидан фойдалана олмас эдилар. Уларнинг ўз иттифоқчиларига — варварларга бўлган қарамлиги энди ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетган эди. Вестгот ва Бургундия королликлари тўла мустақиллик олдилар. Атилланинг ўзи эса келаси, 452 йилда Италияга юриш қилди, лекин Римни олишдан воз кечди, қимматбаҳо инъомлар ва хирож олиш билан чекланиб қўя қолди. 453 йилда Аттила ўлди. Унинг наридан-бери тузилган, кўп қабилали ҳарбий давлати тезда қулади. Гунилларнинг ўзлари эса маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетди. Византия манбаларида VII асрдан бошлаб уларни бутунлай эсга олинмади.

Демак, энди гуниллар «давлати» йўқ бўлиб кетганидан кейин Рим империясининг аҳоли яхшиланиши керак эди. Лекин унинг ресурслари бутунлай тугаб қолган эди. Ташқи хавф камайгандан кейин ички қарама-қаршиликлар кескинлашиб кетди.

Ғарбий Рим империясининг қулаши. Аттила ўлгандан кейин император саройидаги (сарой Равеннада эди) фитналар авж олиб кетди, натижада Аэцийнинг ўзи ҳалок бўлди. Аэций Римнинг сўнгги даврдаги давлат арбоблари ичида энг кўзга кўринадиган киши эди. Императорнинг буйруғи билан ўлдирилган Аэцийдан кейин Валентиниан III ўзи ҳам ўлдирилди. Шундан кейин вандаллар (455 й.) ҳужум қилиб, Римни ўн тўрт кун таладилар, бу ҳужум империяни узил-кесил ҳалок қилди. Италияни номилагина тахтда ўтирган императорлар номидан ёлланма варвар дружиналарининг бошлиқлари идора қилди. Шу дружина бошлиқларидан бири Одоакр (кичкинагина бир герман қабиласининг—скерларнинг бошлиғи) 476 йилда Римнинг охириги императори гўдак Ромул Августулни тахтдан тушириб, императорлик нишонларини Константинополга, шарқий императорга юборди. Шундай қилиб, Ғарбий Рим империяси расмий жиҳатдан ҳам тамом бўлди. Унинг маркази Париж бўлган Шимолий Галлиядagi қолган-қутган территориясини 10 йилдан кейин (486 йилда) франк короли Хлодвиг босиб олди.

Одоакр давлати этник состави жиҳатидан қурама бир давлат эди. Унинг қўл остида скерлар, геруллар, готларнинг бир қисми, аланлар (Шимолий Кавказ қабиласи) ва бошқалар бор эди. У, Италия зодагонлари қўлидаги ерларнинг учдан бир қисмини мусодара қилиб, ўз тарафдорларига берди. Лекин италиялик-рим-

¹ Каталаун галлия қабилаларининг бирини номидап келиб чиққан.

лик аҳолининг ички идора ишларига аралашмади. Одоакрнинг мавқеи умуман мустаҳкам эмас эди. У, бирорта йирик варвар қабиласидан ёрдам оламан, деб умид қила олмас эди. Одоакр римлик қулдор зодагонларнинг ерларини мусодара қилиб олгани учун улар билан Одоакр ўртасидаги муносабат бузуқ эди. Шу билан бирга Константинополдагилар ҳам унга ишонмас эдилар ва унинг ўрнига ўз кандидатини остготлар короли Теодорхни тайёрламоқда эдилар.

Остготлар Италияда. Теодорих Буюк. Византиянинг ёрдами билан Теодорих 493 йилда Италияни босиб олди ва шундан кейин 30 йилдан ортиқроқ (493—526)—«готлар ва италиклар короли» бўлиб ҳукмронлик қилди. Унинг пойтахти Равенна шаҳри эди (илгари Гонорийдан бошлаб Римнинг сўнгги императорлари шу шаҳарда яшаган эдилар).

Теодорих мураккаб ички ва ташқи сиёсат юргизди. У ўзини варвар королларининг «каттаси» деб ҳисоблаб, варвар королликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилди. Теодорих Византияга нисбатан ҳам мустақил позиция тутди. Шарқий Рим императорлари унинг «кўрнамаклиги»дан норози бўлиб, Италияда император ҳокимиятини тиклашнинг янги режаларини тузмақда эдилар. Ички сиёсатда Теодорих аҳолининг иккала этник группасини — римликлар билан варварларни мурасага келтиришга ҳаракат қилди. У ўз саройига Рим олимлари ва ёзувчиларини тортди, кўп эски Рим ёдгорликларини тиклади, атрофига римликлардан маслаҳатчилар тўплади. Булар ичида римлик Кассиодор айниқса катта роль ўйнайди. У, Теодорих ҳузурида давлат секретари бўлиб ишлади ва Теодорихнинг топшируви билан «Готлар тарихи»ни ёзди. Гражданидораси илгаригича римлик зодагонлар қўлида қолди. Римликлар учун Римнинг илгариги қонунлари ўз кучини сақлаб қолди. Теодорих италиялик задогон қул эгаларининг ерларини янгидан мусодара қилмади, илгари Одоакр томонидан тортиб олинган ерларни остготларга олиб бериш билангина кифояланди. Остгот зодагонларининг янги олган ерларини идора қилишлари осон бўлсин учун Теодорих фармон чиқариб, ер эгаларига колонларни ва қулларни ердан ажратишга ҳамда уларни хоҳласа хизматкори қилиб, хоҳласа косибчилик хизматида фойдаланишига рухсат берди. Теодорихнинг бу фармонини (эдиктини) кўп буржуа олимлар остготлар томонидан римлик колонларни «крепостной қарамлик»дан алоҳида бир тарзда «озод қилиш» деб нотўғри таъриф қилдилар. Фармон тексти бу хилда маъно чиқаришга ҳеч қандай асос бермайди. Бу Фармонга (155 моддадан иборат эди) билан Теодорих римликлар учун ҳам, готлар учун ҳам умумий қонун яратмоқчи бўлди, аммо бу қонунни амалга ошириш қийин эди.

Теодорих давлатининг сиёсий тузуми Теодорих ҳукмронлигининг охирига қадар икки ёқлама бўлди. Готлар римликларга қўшилмай, алоҳида вазиятда яшадилар. Улар ўзларининг гер-

ман суди қоидаларига мувофиқ суд қилинар эдилар. Ҳарбий хизмат бутунлай улар зиммасида эди, римликлар ҳарбий хизмат ўташдан озод қилинган эдилар; дин жиҳатидан ҳам улар католик эмас, балки ариан¹ эдилар, маҳаллий аҳоли эса католик динида эди. Шундай қилиб, Теодорих сиёсати замирида катта зиддиятлар бор эди. Бу сиёсат Шарқий Рим империяси билан қайта қўшилиши орзусида бўлган римлик қулдор зодагонларни қониқтирмас эди. Шу билан бирга Теодорихнинг италияликларга нисбатан жонкуярлик билан муносабатда бўлиши, ўзини илгариги императорларнинг вориси деб ҳисоблаши, римликларнинг билимдонлигига тан бериши, ерларни янгидан мусодара қилишни хоҳламаслиги — буларнинг ҳаммаси гот зодагонлари ва оддий жангчи-остготлар орасида унга қарши норозилик туғдирди. Теодорих ўз мавқеининг мустаҳкам эмаслигига короллигининг охириги даврида ўзи ҳам амин бўлди, бу даврда ўзининг юқори мансаблардаги баъзи римлик амалдорларининг фитначилик билан шуғулланиб, император саройи билан махфий музокаралар олиб борганлиги фош қилинди. Уша вақтдаги Рим папаси ҳам давлатга хиёнат қилишда айбланди, у Константинополга махсус сафар қилган ва у ерда уни император алоҳида иззат-икром билан кутиб олган эди.

Готлар уруши. Теодорих вафотидан кейин Равенна саройида иккита группа бир-бири билан қаттиқ кураш олиб борди: булардан бири — Константинополь билан иттифоқ тузиш тарафдори («Рим гуруҳи»), иккинчиси — мустақил сиёсат юритиш ва римлик қулдорларни янада чеклаш тарафдори («Гот гуруҳи» ёки «Эски гот гуруҳи») эди. Бу жанжаллардан византияликлар фойдаландилар. Император Юстиниан I замонида византияликлар остготлар Италиясини истило этдилар ва бутун Апеннин ярим оролини Византияга қўшиб олдилар. Лекин Италияни Византия осонлик билан босиб олмади. Готлар уруши 20 йилдан ортиқ давом этди. Остготлар ўзларини жуда қаттиқ ҳимоя қилдилар. Янги сайланган остгот короли Тотила (541—552) Византияга қарши курашга, остготлардан ташқари, эзилган италияликларнинг бир қисмини ҳам тортди. Остготлар қўшинига, ижтимоий чиқиши ким бўлишига қарамай, қуллар билан колонлар қабул қилинди қул ва колонлар шу билан эркинликка чиқди. Аввалига Тотила муваффақият қозониб турди. У византияликлардан Италиянинг каттагина қисмини қайтариб олишга муваффақ бўлди. У флот қурди, Сицилияни ва Ўрта денгиздаги яна бошқа ороларни босиб олди. Бироқ Византиядан етиб келган янги қўшинлар остготларни мағлубиятга учратди (552). Византияликлар

¹ Арианлик IV ва V асрларда христиан черковида жуда кўпчиликини ташкил қилган бир мазҳаб бўлиб, асосан империянинг шарқий вилоятларида, шунингдек, варварлар орасида — остготлар, вестготлар, вандаллар, бургундлар ва бошқалар орасида кенг тарқалган эди. Бу мазҳабга асос солган киши александриялик Арий деган бир руҳоний бўлиб, у, Исо худо эмас, худо-падар эмас, балки худо томонидан яратилган, деб тарғиб қилган.

Италияни 555 йилда батамом босиб олди. Остготларнинг деярли ҳаммаси қириб ташланди. Бутун Италия вайрон ва хароб бўлди. Теодорих замоида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандлик ва савдо бир оз ривожланган эди, бу ҳам вайронлик солган уруш натижасида йўққа чиқди.

Император Юстиниан фармонлар чиқариб, Италияда илгариги қулдорлик тузумини тиклади. Тотиланинг қуллар ва колонлар тўғрисидаги фармон ва ҳукмлари бекор қилинди.

Шимолий Италиянинг лангобардлар томонидан истило қилиниши. Византиянинг Италияда ҳукмронлик қилиши узоққа бормади. 568 йилда Шимолий Италияга янги варварлар—лангобардлар бостириб кирдилар. Лангобардлар олдин Эльбанинг чап қирғоғида яшаган бўлиб, свев қабилаларига қариндош эди. Лангобардларнинг бошлиғи король Альбоин эди. Янги давлатнинг пойтахти Павия шаҳри бўлди. Италияда лангобардларнинг номи шу маҳалгача ҳам сақланиб қолган—ҳозирги шимолий Италия Ломбардия деб аталади.

Лангобардлар истилосининг ўзига хос бир қанча хусусиятлари бор эди. Биринчидан, лангобардлар шимолий ва қисман ўрта Италияни батамом ишғол қилдилар, маҳаллий қулдор зодагонлар билан ҳеч қандай битимга келмадилар. Улар Апеннин ярим оролига римликларнинг федератлари сифатида эмас, балки уларни истило қилувчилар сифатида келдилар. Иккинчидан, лангобардлар Рим қулдорларининг жуда кўп мол-мулкини мусодара қилдилар. Масала, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, вестготлар, остготлар ёки бургундлар ернинг учдан бир ёки учдан икки қисмини мусодара қилган бўлсалар, лангобардлар эса бунга қониқмай, бадавлат римликларнинг поместьеларини бутунлай тортиб олдилар. Кўпдан-кўп римлик қулдорлар қулга айлантирилди, бир қисми оила аъзолари билан бошқа мамлакатларга сотиб юборилди. Лангобардлар истилосининг учинчи хусусияти улардаги ижтимоий тузумнинг ўзига хос хислатидан келиб чиқди. Лангобардлар Италияга келган вақтларида уларда уруғчилик алоқалари бирмунча мустақкам эди. Уларда Рим маданиятининг таъсири ҳали жуда кучсиз эди. Уларнинг Италияда жойлашувининг ўзи ҳам ҳали хийла даражада уруғчилик тусида эди. Буни «фара» (ёки «фари») деган сўз кўрсатиб туради, бу сўз лангобардчасига «уруғ» деган маънони билдириб, ҳозирги Шимолий ва Ўрта Италиядаги кўпчилик шаҳар ва қишлоқлар номида сақланиб келмоқда. Лангобардлар истилоси натижасида хийла катта ва кучли варвар короллиги вужудга келди; бу королликда жуда кўп деҳқонлар ва анча эрта ташкил топган кўп ерли, кучли зодагонлар бор эди. VII асрда лангобард зодагонлари ўзларининг энг нуфузли вакиллари бўлган герцоглар орқали ўз короллари билан қаттиқ кураш олиб бордилар, короллар эса ер магнатларига қарши шимолий Италия шаҳарларига таянишга ҳаракат қилдилар, у вақтда бу шаҳарлар иқтисодий жиҳатдан ҳали бир қадар аҳамиятга эга эди.

Лангобард короллиги билан бир вақтда Италияда VI—VII асрларда яна бир сиёсий ташкилот—папалик вужудга келди. Италияга лангобардлар келгандан кейин ҳам римлик епископлар—папалар—расман ўзларини Шарқий Рим императорларининг олий ҳокимияти қўл остида деб ҳисоблаб келдилар. Ҳақиқатда эса Константинополга бўлган бу қарамлик кундан-кун йўқола борди. Папалар аста-секин Ўрта Италиянинг мустақил ҳукмдорларига айлана бошладилар. Римнинг ва Рим областининг ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокими бўлган биринчи папа Григорий I (590—604) бўлди. Лангобард короллари кейинча папа областини ўз ҳокимиятларига бўйсундиришга ҳаракат қилдилар, лекин бу ҳаракат натижа бермади. Папалар франк королларидан иборат иттифоқчиларга эга эдилар. VIII асрнинг ярмида улар шу франк королларининг ёрдами билан ўзларининг папа черкови давлатини узил-кесил ташкил этдилар, бу давлат ҳам, шундай қилиб, илгариги Рим империясининг ўзига хос бир қолдиги эди.

Варварлар истилоларининг натижалари. Шундай қилиб, Ғарбий Европа картаси эрамизнинг V ва VI асрлари ичида бутунлай ўзгариб кетди. Ғоят катта Ғарбий Рим империяси тамомила йўқолди. Шарқий Рим империяси эса Византия деган ном билан яшаб келди, бироқ унинг шароитлари ва алоқалари бошқача эди (у асосан славянлар ва Шарқ Осиеси билан алоқа қилди). Европада давлат тузуми ибтидоий бўлган ўнлаб майда-майда варвар королликлари вужудга келди. Лекин бу ўзгариш фақат сиёсий ўзгаришлардангина иборат эмас эди.

Халқларнинг Буюк кўчиши деб аталган кўчишнинг тарихий аҳамияти унинг ижтимоий натижаларидадир. Бу кўчиш халқларнинг шунчаки бир жойдан иккинчи жойга кўчиши эмас эди. Бу кўчиш дунёдаги энг катта империялардан бирини истило қилишдангина, емиришдангина иборат эмас эди. Бу кўчиш — антик қулдорлик тузумининг ҳалок бўлиши эди. Юқорида кўриб ўтганимиздек, варварлар империяни истило қилиш процессида Рим жамиятидаги эзилган синфлар билан—қуллар ва колонлар билан биргалашиб иш кўрдилар. Шундай қилиб, қуллар билан колонлар қулдорлик тузумини йиқитишда бевосита, актив иштирок этдилар. Уларнинг қўли варварлар қўшини сафига кирди. Қолганлари эса хўжайинларининг қўлидан кўплаб қочиб кетди, бу вақтда хўжайинлар қочоқларни қайтариб олиб келишдан ожиз эдилар. Оқибат-натижада Рим қуллари ва колонлари деҳқонлар оммасига айландилар, келгинди варвар-деҳқонларнинг бу деҳқонлардан фарқи шу эдики, келгиндилар буларга қараганда эркинроқ ва мустақилроқ эдилар.

Дарҳақиқат, варвар зодагонлари орасидан чиққан янги ер эгалари ер олиш билан бирга бир неча қул ҳам олган эдилар. Лекин, биринчидан, улар оладиган қуллар жуда ҳам оз бўлар эди, чунки ўша вақтда қулдорлик латифундияларида қулларнинг сони умуман жуда камайиб кетган эди; иккинчидан, эски

хўжайинларнинг, яъни Рим қулдорларининг ўрнини олган янги хўжайинлар қулларни одатда дарҳол оброк тўлайдиган деҳқонларга айлантирар эдилар. Қулликнинг плантаторлар томонидан қўлланилган формасини (ёски казарма формасини) герман зодагонлари илгари ҳам ҳаддан ташқари мураккаб ва бесўнақай форма деб ҳисоблар эдилар. Плантаторлардаги қуллик янги шароитга (кўп қуллар яқинда озод бўлиб кетган эди, марказлашган полиция аппарати йўқ эди, варвар королликларининг давлат ҳокимияти кучсиз эди ва ҳоказо) айниқса тўғри келмас эди. Қулдорлик ҳукмронлигини йўқ қилиб ташлаган буюк ўзгариш натижасида эскича, римча қуллик маъносидаги қулчилик узил-кесил йўқолди. Эски қулдор зодагонларнинг ер-мулклари жуда кўп янги ер эгалари ўртасида бўлиниб кетди. Бу янги ер эгаларининг бир қисми янги, варвар аристократлар бўлиб, булар кейинги ўрта аср феодалларининг энг яқин ўтмишдошлари эдилар. Ерларнинг бир қисми эса варвар деҳқонлар қўлига ўтди, бу деҳқонлар шахсий эркинликларини ҳали сақлаб қолган ва ўзларининг жамоа тартибларини янги жойга кўчириб олиб келган эдилар, бу жамоа тартиблари синфлар пайдо бўлмасдан илгариги уруғчилик тузуми билан боғланган эди.

IV БОБ

ФРАНК ДАВЛАТИДА ФЕОДАЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

ФРАНЦИЯ КОРОЛЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Рим империяси территориясида тузилган варвар королликлари ичида энг каттаси ва кучлиги франклар короллиги эди. Франклар бора-бора бургундларни бўйсундирдилар. Галлиядан вестготларни суриб чиқардилар. Италияда лангобардларни забт этдилар ва Рейннинг нариги томонида қолган герман қабилаларининг ҳаммасини деярли ўзларига итоат эттирдилар.

ФРАНКЛАРИНИНГ ИЛК ТАРИХИ. МЕРОВИНГЛАРИНИНГ БОШҚАРУВИ

Хлодвигдан олдинги франклар. Франкларнинг ўзлари ҳам дастлаб Рейннинг нариги томонида яшар эдилар. Уларнинг отабоболари Тацитнинг асарида ҳар хил номлар билан, чунончи, хамавлар, сукамбрлар, батавлар деган номлар ва бошқа номлар билан аталган. «Франк» деган ном (бу сўзни «жасур», «эркин» деб таржима қилишади) III асрнинг ўрталаридагина пайдо бўлиб, қандайдир битта қабиллага эмас, балки Рейннинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган бутун бир группа герман қабилаларига тааллуқли умумий бир ном эди, бу қабилалар дастлаб рейн дарёсининг ўнг қирғоғида яшар эдилар. Дастлаб улар римликларга нисбатан душманлик муносабатида бўлдилар, кейин бу муносабат анча дўстона муносабатга айланди. 451

йилдаги Каталаун жангида, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, франклар федератлар сифатида римликлар тарафида туриб гунилларга қарши урушдилар. Уша вақтдаёқ улар катта-катта икки группага бўлинган бўлиб, бир группаси (улар Рейнинг қуйи оқимида яшардилар) денгиз бўйи франклари ёки сали франклари деб, иккинчи группаси Рейнинг ўрта оқимида (ҳар икки қирғоқда) яшаган франклар—қирғоқ франклари ёки рипуар франклари деб аталар эди. Булардан кучлиси сали франклари бўлиб, улар Галлиянинг ғарбига қараб бордилар. Уларнинг аҳамияти V аср охири — VI аср бошларида король Хлодвиг замонида жуда ҳам ошди.

Хлодвиг. Хлодвигнинг подшолик тарихи (481—511) епископ Григорий Турскийнинг «Франклар тарихи» деган китобида мурассал баён қилинган бўлиб, Турский бу китобни анча кейинроқ, VI асрнинг иккинчи ярмида ёзган. Франклар ҳаётида рўй берган катта-катта воқеалар Хлодвиг номи билан боғлангандир. Хлодвиг 486 йилда бутун шимолий Галлияни истило қилди. Римнинг бу области ҳали варварлар томонидан забт этилмаган бўлиб, Рим империяси қулагандан кейин Шимолий Галлиянинг амалда короли бўлиб қолган Сиагрий деган римлик бир маҳаллий магнат томонидан идора қилинар эди, бу областнинг маркази Париж эди. Сиагрий франкларга сал бўлса-да, жиддий бир қаршилик кўрсата олмади. Суассон шаҳрига яқин бир жойда қатъий жанг бўлди. Рим қўшини франклар томонидан тормор этилди. Сиагрий вестготлар короли ҳузурига қочди, лекин вестготлар короли уни Хлодвигга тутиб берди. Хлодвиг асирни ўлдиришга буйруқ берди.

Катта ва муҳим бир территорияни — Сена ва Луара дарёлари ҳавзасини забт этиб олиб, Хлодвиг франкларга жуда мўл-кўл ер бўлиб бериш имконига эга бўлди. Дарёлари жуда кўп, ери серҳосил, деҳқончилик учун қулай букзор ва қайинзор ўрмонларга бой бўлган кенг, лекин римликлар вақтида ҳувуллаб қолган бу районга бошдан-оёқ франклар кўчиб келди. Бу районга кўчиб келиб жойлашган франклар сони ҳали Рейнинг нариги томонида яшаб келаётган франклар ичидан яна аҳён-аҳёнда кўчиб келиб турган кишилар ҳисобига кўпайиб борди. Хлодвиг ўз подшолигининг охириги даврида Луаранинг жанубига анча жилиб бориб, Гройна дарёсигача етди. Вестготлар Галлиянинг жанубидати ерлардан бир оз қисминигина сақлаб қолди, холос. Хлодвиг, Бургундияни ҳам босиб олишга ҳаракат қилди, лекин бу мақсадини амалга оширмади, бургунд короли саройига ўз таъсирини ўтказиш билангина чекланиб қўя қолди.

90-йиллар ўртасида Хлодвиг христианликни қабул қилди. Дастлаб христианликни Хлодвигнинг ўзи ва дружинаси қабул қилди. Кейин оддий франклар ва уларнинг оила аъзолари ҳам қабул қилдилар. Варварларнинг христиан динини қабул қилишининг ўзи муҳим бир факт эди, чунки бу нарса уларнинг романлашувидан далолат берар эди. Лекин франкларнинг христи-

лик (рейнинг нариги томонидаги ерлардан ташқари) Галлиянинг тўртдан уч қисмини ўз ичига олар эди.

Хлодвигнинг ўғил ва неваралари королликни тез-тез бўлиб ва қайта бўлиб туришларига ўзаро урушлар олиб бориб туришларига қарамай, королликнинг чегараларини кенгайтиришни давом эттирдилар. 534 йилда улар Бургундияни забт этдилар, 542 йилда Вестготларнинг Галлиядаги охири ерлари ҳам босиб олинди. Рейнинг нариги томонида эса Алемания, Тюрингия, Бавария ҳамда сакс қабилаларининг баъзилари франкларга бўйсунди. VI асрнинг иккинчи ярмида Франк короллиги барча варвар королликлари ичида энг катта короллик эди. Илгари Теодорих даврида остготлар қўлида бўлган гегемонлик энди франклар қўлига ўтди.

«Сали ҳақиқати» кўра франкларнинг ижтимоий тузуми. Франкларнинг V аср охири—VI аср бошларидаги ижтимоий тузуми «Сали ҳақиқати» франкларнинг суд соҳасидаги расмқоидаларни тўплами бўлиб, Хлодвиг замонида, унинг подшолигининг охирида (500 йилга яқин) ёзилган бўлса керак. «Сали ҳақиқати»га («Lex Sali») асосланиб туриб, франкларнинг асосий машғулоти деҳқончилик бўлган, деган хулосага келиш мумкин. «Сали ҳақиқати»даги бир қанча моддалар эркин франкларнинг экин ерлари, турли хилдаги деҳқончилик қуроллари, иш ҳайвонлари бўлганлигидан, бошоқли ўсимликлар етиштирилганлигидан далолат беради.

Уларнинг хўжалигида чорвачилик (айниқса чўчка боқиш) ҳам катта роль ўйнаган. «Сали ҳақиқати»да яна балиқчилик, асаларичилик, боғдорчилик ва деҳқончиликка оид бўлган асосий ҳунарлар тўғрисида ҳам гапирилади. Унда деҳқоннинг ҳовлиси ва бу ҳовлидаги ҳар турли хўжалик бинолари, асбоб-ускуналар тўла тасвирлаб берилган. Жамоа аъзоси бўлган франк деҳқонлари шахсий мулк тарзида томорқа ерга эга бўлганлар, жамоага қарашли бўлган далада маълум ер участкаларини ишлаганлар, жамоага қарашли кенг ўрмон ва яйловлардан биргаликда фойдаланганлар. «Сали ҳақиқати»да ерни сотиш ва сотиб олиш тўғрисида, уни бировга ињом қилиш ёки васиятга мувофиқ бошқа кишига топшириш тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Ҳақиқатда франкларда ўша вақтда ер хусусий мулк эмас эди. Ер жамоа ташкилотининг мулки бўлиб, айрим франк ўз ер участкасидан маълум шартлар асосида фойдаланарди, холос. Ҳосил йиғиб олингандан кейин далаларда ҳамма биргаликда мол боқарди.

«Сали ҳақиқати»да ўрмон ва яйловдан, сувдан биргаликда фойдаланиш ҳақида гапирилган моддалар бор. Қишлоқ жамоаси (марка) бу манбага кўра, ўз ҳаётининг илк босқичида ҳали мутлақо уруғчилик тузумига хос бўлган белгиларга эга эди. «Сали ҳақиқати»га кўра уруғ жамоага қарашли ерларнинг асосий эгаси бўлиш билан бирга, яна сиёсий ташкилот ҳам эди. Уруғ аъзоларининг ҳаммаси кафилликда қатнашарди, яъни судда айбдор қариндоши учун кафолат беради. Қотиллик учун тўла-

надиган хуннинг (вергельднинг) фақат бир қисминигина қотилнинг оиласи тўлар эди. Буни уруғ аъзолари ҳам тўлаши лозим эди. Шунингдек вергельд ҳам ўлдирилган одамнинг оиласи билан уруғ ўргасида тақсимланарди. Ер уруғдан ташқарига чиқиб кетмасин учун ерни аёлларга бериш ёки қолдириш тақиқланган эди. Фарзандсиз франк ўлса, унинг ери ака-укаларига ва ўзининг уруғидаги бошқа эркак қариндошларига ўтар эди.

Бироқ «Сали ҳақиқати» уруғчилик тузумининг емирила бошлаганлигидан ҳам далолат беради. Ворислик ва кафолат ҳуқуқидан воз кечиб, уруғдан чиқиш мумкин эди. Франкларда социал ва мулкий бўлиниш (табақаланиш) очиқ кўриниб турарди. Биринчи ўринда король дружиначилари турарди, буларнинг вергельди (хуни) 600 солид¹ белгиланган эди. Оддий эркин франкнинг жони учун фақат 200 солид вергельд тўланар эди. Ярим эркин кишининг — литнинг — вергельди эса 100 солид эди. Қулни ўлдирганлик учун қулдорга 30 солид тўланарди, яъни урушда миниладиган отни ўғирлаганлик учун қанча тўланса, қул учун ҳам ўшанча тўланарди. Шуниси характерлики, римликни ўлдирганлик учун тўланадиган вергельд франкникидан анча кам эди.

Ириқ поместьелар бўлган-бўлмаганлиги «Сали ҳақиқати»да очиқ айтилмаган. Лекин, баъзи бир аломатларга (хонаки хунармандлар сонининг рўйхатига қуллар сонининг жуда кўпчилиги ва бошқаларга) қараб фикр юритганда, V—VI асрлардаёқ эркин франк қишлоғи билан бир қаторда йирик ер эгаларининг поместьелари ҳам бўлган. Катта ер эгалари королнинг ўзи, унинг дружиначилар, юқори табақа руҳонийлари ва қисман ерларни сақлаб қолган ҳамда сарой аҳлига яқин бўлган («Сали ҳақиқати»да айтилишича, «королнинг ҳамтовоқлари» бўлган) римлик ер эгалари эди. Шундай бўлишига қарамай, бу даврдаги франк жамиятида асосий фигура эркин франк эди, у қишлоқ жамоасининг тўла ҳуқуқли аъзоси, жамоа ерининг эгаси, йирик ер эгасига қарам бўлмаган, мустақил бўлган эркин деҳқон эди. Ф. Энгельс феодализмдан олдинги франк қишлоғининг ўзига хос аҳволда бўлганлигини қайд қилиб, «Эркин франк деҳқони рим колони билан янги крепостной ўртасидаги фигура эди»² деб ёзган эди.

Хлодвигдан кейин франклардаги феодаллашув процесси. VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб франклар жамиятида кескин ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу вақтда ер бемалол қўлдан-қўлга ўтиши мумкин бўлган хусусий мулкка (авлодга) айланди, яъни мулкдор уни ўз хоёиши билан сотар, алиштирар, сотиб олар, бошқа бировга тақдим қилар ёки васият қилиб қолдираар эди. VI асрнинг охиридан бошлаб, айниқса VII ва VIII асрларда қилинган бу хил олди-сотдиларнинг барча хилларини кўрсатадиган кўпдан-кўп маълумотлар ҳозиргача сақланиб қолган.

¹ С о л и д — Рим — Византияда чиққан олтин танга бўлиб, IV—VI асрларда франклар ўртасида ҳам юрган.

² Маркс ва Энгельс, Асарлар, 21-т., 154-бет.

Бундай шароитда деҳқонларнинг бир қисми тезлик билан ўз еридан ажрала борди. Очарчилик, молларнинг қирилиши ва бошқа хил стихияли офатлар, Хлодвигнинг ўғиллари, невара ва эваралари ўртасида узоқ вақт давом этган урушлар натижасида мамлакатнинг хароб бўлиши, уруғчилик алоқаларининг емирилиши туфайли энди айрим оилалар бўйнига туша бошлаган суд штрафлари — мана шуларнинг ҳаммаси мустақил франк деҳқонини хонавайрон қилди. Деҳқонларнинг майда ер эгалиги емирилиб тушкунликка учраган бир вақтда, йирик дунёвий ва черков ер эгалиги авж олди. Хлодвигнинг ворислари король ерларини бенефиций (айнан таржимаси: «хайр», «саховат») тарзида ўз дружиначиларига бўлиб бердилар, булар аста-секин вотчиначи — катта ер эгаларига айланиб бордилар, улар ерни мерос тариқасида ўз болаларига қолдирардилар. Черков ҳам король хазинасидан (король ер фондидан) инъом (donatio) тариқасида кўп ер олди. Дунёвий зодагонлар ҳам черков зодагонлари ҳам, ўз ерларини, королдан ташқари, биринчи навбатда деҳқонлар ҳисобига кенгайтирдилар. Деҳқонлар қўшни дунёвий катта ер эгалари ҳомийлигига (патронат ёки коменданциясига) ўтдилар. Шунингдек, деҳқонлар черковдан мадад олиш мақсадида ерларини шу шаклда бўлар эдиларки, черков деҳқонларга бир участка ерни маълум миқдорда оброк тўлаб туриш ёки баршчина ўташ шарти билан умрбод фойдаланишга берарди, бу ер участкаси прекарий деб аталарди. Фойдаланиш учун черковдан «прекарий» (соф маъноси: «килтимосга мувофиқ берилган участка») олган деҳқонларнинг аҳволи ерга ўрнаштирилган ва хўжайинига бирор хил мажбуриятни адо этиб турадиган колонлар, литлар ва қулларнинг аҳволига ўхшаб кетар эди. Прекарий олган деҳқоннинг ўз ери ҳам прекарийга айланиб, аста-секин катта черков ер эгалигининг мулкига қўшилиб кетарди. Прекарий олган деҳқоннинг ўғли ёки невараси бутунлай крепостнойга айланиб кетар эди. «Сали Ҳақиқати»га илова қилинган қўшимчаларда камбағаллашган франклар тўғрисида, қисман ҳатто бутунлай хонавайрон бўлган кишилар тўғрисида жуда очиқ гапирилади, булар солинган штрафларни тўлашга қурблари етмай, ўрмонларда дайдиб, қароқчилик қилиб юрардилар. Баъзи камбағаллар эса овқат учун ўзини қўл қилиб сотиб, асоратга тушарди ва, шундай қилиб, шахсий эркинликдан маҳрум бўларди.

Эркин ва мустақил деҳқонларнинг аста-секин йўқолиб, крепостной кишилар синфига айланишида ифодаланган феодаллашув процесси собиқ Рим империясига келиб жойлашган варварларнинг ҳаммасида ҳам бўлди. Франкларда эса бу процесс ҳали жуда мустаҳкам бўлган бақувват эркин деҳқонларнинг («Сали Ҳақиқати»да кўрсатилган деҳқонларнинг) қарамлик крепостнойлик ҳолатига очиқ, кескин тусда ўтишида намоён бўлди холос, бунда деҳқонлар юридик жиҳатдан бошқа кишиники бўлган ерда ўтириб, шу ер эгасининг фойдасига бирон хил

«тутқинлик» мажбуриятини ўтар эди. Лекин шу нарсани айтиб ўтиш керакки, эркин деҳқонларнинг йўқолиб бориш процесси VI ва VII асрларда Франк давлатининг ҳамма областларида бир хил бўлган эмас. Янги тартиблар королликнинг ғарбий қисмида Нейстрияда, қисман жануби-шарқий Бургундияда жуда тез тарқалди; шимоли-шарқий округларда — Австразияда эса бу процесс у қадар кучли бўлмади. Бу округларда Рим таъсири (ернинг хусусий мулкка айланиши соҳасидаги таъсири) бошқа жойлардагидек кучли эмас эди, бу ерда уруғчилик-жамоачилик муносабатлари узоқроқ сақланиб қолди. Австразияда деҳқонлар сиёсий жиҳатдан ҳам, хусусан умум халқ лашкарининг қатнашчиси сифатида VII асрадагина эмас, балки VIII асрда ҳам катта роль ўйнаб келдилар.

Меровинглар ҳокимиятининг заифлашуви. «Ялқов короллар». Катта ер эгаллигининг ўсиши ва шу билан бирга король ерларининг камайиб бориши ҳамда илгари фақат королнинг ўзигагина тобе бўлиб, унга асосий ҳарбий ресурслар бериб келган эркин деҳқонларининг хийла қисмининг йўқ бўлиши натижасида король ҳокимияти тушкунликка учради. Меровинглар¹ династияси деб ном чиқарган Хлодвиг династияси ўзаро урушлар натижасида ҳам заифлашди. Бу ўзаро урушларнинг қандай характерда бўлганлиги Хлодвигнинг невар ва эваралари ўртасида бўлган қирқ йиллик урушдан жуда очиқ маълумдир. Бу уруш VI асрнинг 60- йиллари охиридан то 613 йилгача давом этди. Династиянинг икки авлоди ўртасида бўлган бу даҳшатли ва қонли курашда икки королча айниқса катта роль ўйнади: бири Австразия короли Сугибертнинг хотини Брунгильда, иккинчиси Нейстрия короли Хильперикнинг хотини Фредегонда эди. Брунгильда (у аслида вестгот маликаси эди) король хонадонидagi ўнта шаҳзодани ўлдиртирди, рақиби Фредегонда ва ўз эри Сугибрет ўлгандан кейин, дастлаб ўғли номидан, кейин неваралари номидан юртни ўзи идора қилди, ахир ўзига қарши қўзғолон қилган Австразия зодагонлари томонидан ўлдирилди.

613 йилда бутун королликда ҳокимият Хильперик ва Фреденгонданинг ўғли Хлотар II га ўтди. Хлотар 614 йилда фармон чиқариб ердор аристократиянинг ўзаро урушлар вақтида олган поместьеларини ўша аристократия ихтиёрида қолдириш мажбуриятини ўз устига олди ва графларни (округ ҳокимларини) фақат маҳаллий ер эгалари орасидан тайинлашга ваъда берди. Шундай қилиб, ердор аристократия Меровинглар хонадонига мансуб бўлган королларнинг ўзаро урушларидан ўз манфаатлари учун тўла фойдаланди.

Хлотар II ҳокимияти кучли ҳокимият бўлмади. Король ҳокимиятининг эътибори Хлотар II нинг ўғли Дагобер замонида

¹ Мероветей — Хлодвигнинг аждоди бўлиб, Салининг биринчи королларидан эди. Номининг-нинг билан тугаши русча-овичга тўғри келиши фамилия ёки династиянинг муайян уруғ бошлигидан келиб чиққанлигини кўрсатади.

(629—639) бирмунча ошди. Дагобер франклар давлатининг шарқдаги чегараларини кенгайтиришга уришиб, славянларга қарши юришлар қилди. Лекин у ўлгандан кейин шундай бир давр бошландики, 639 йил билан 751 йил ўртасидаги бутун бир даврни ўша вақтдаги кишиларнинг ўзлари ҳам «ялқов короллар» даври деб атадилар. VII—VIII асрлардаги Меровинглар фақат номигагина король бўлиб, улар қўлида ҳақиқий ҳокимият йўқ эди. Улар қўлида король ерларининг озгина қисмигина қолган эди. Бутун маъмурий, суд ва ҳарбий ҳокимиятни маҳаллий магнатлар тортиб олди. Нейстрия, Бургундия ва Австрияда энг зодагон хонадонлар етишиб чиқиб, булар ўз юртларида король майордомлари сифатида бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Бир вақтларда, яъни дастлабки Меровинглар даврида король саройида эшик оғаси лавозимида ишлаган киши майордом (сўзма-сўз маъноси: «хонадон оғаси», яъни сарой бошлиғи деб аталар эди. Энди эса майордомлик ҳақиқатда парчаланиб кетган Франк давлатининг айрим бўлаklarининг ҳар бирида жорий этилган энг юқори маъмурий мансаб бўлиб қолди.

Дастлаб уч майордомдан энг кучлиги Нейстрия майордоми эди. У Бургундия майордомини ҳам ўзига бўйсундирди, лекин Нейстрия майордоми тез вақт ичида кучлироқ бўлган бошқа бир майордомнинг Австрия майордомининг қаршилигига учради. Шарқий франк майордомининг аҳволи қулайроқ эди. Австрия майордомлари кўп сонли ҳарбий кучга таяниш имконига эга бўлдилар, бу ҳарбий кучнинг бир қисми бу ерда ҳали сақланиб турган эркин деҳқонлардан иборат эди. Шу билан бирга Австрияда зодагонлар бирмунча кучсиз бўлиб, улар ўз герцогининг — майордомининг бошчилигига бўйсунушга мажбур эдилар. Нейстрияда эса, аксинча, кўпгина йирик феодал хонадонлари бири-бири билан рақобат қилмоқда эди. Охири, Австриянинг Пипинлар хонадонидан чиққан майордом герцог Пипин II Геристальский 687 йилда Тертри ёнида бўлган жангда рақиби Нейстрия майордомини тор-мор қилиб, шу вақтдан бошлаб бутун королликни бир ўзи идора қила бошлади. Аммо, шу билан бирга, у Меровинг королларининг номигина қолган ҳокимиятни сақлаб келди. Ҳақиқатда эса Пипин Геристальский янги династияни бошлаб берган эди, бу династия кейинча унинг энг машҳур намоёндаси бўлган Карл Буюк номи билан аталган Каролинглар династияси деб аталди.

VII—IX АСРЛАРДА ФРАНК ДАВЛАТИ. КАРОЛИНГЛАРНИНГ ИДОРА ҚИЛА БОШЛАШИ

VII асрнинг охири — VIII асрнинг бошларида Франк давлати бутунлай парчаланиб кетди. Пипин Геристальскийнинг ғалаба қозонган бўлишига қарамай, Нейстрия ва Бургундия магнатлари ҳали ҳам ўзларини марказий ҳокимиятга у қадар қарам

рицарлар бунинг эвазига ҳосилнинг ўндан бир қисмини черковга алоҳида, қўшимча равишда тўлаб туриши керак эди.

Пипин Пакана ва унинг королик унвони олиши. Карл Мартеллнинг тахт вориси Пипин III Пакана ҳам (741—768) аввал фақат майордом унвони билан юрди. Меровинг короллари одатдаги тартиб билан бири ўрнига иккинчиси келиб турди, лекин улар давлатни идора қилишда ҳеч бир қатнашмас эдилар. Ниҳоят, Пипин давлат ўзгариши ясаб, ҳар қандай ҳокимиятдан маҳрум бўлган эски династияни тахтдан туширди. Бу ўзгариш Рим папасининг фаол ёрдами билан амалга оширилди.

Пипин ҳокимият тепасига келиши биланоқ папалар билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қилди. Худди шунинг учун ҳам у черков ерларини секуляризация қилишдан бош тортди. Яна шу мақсадда Пипин Рейннинг нариги томонидаги папа миссионерларига турли йўллар билан ёрдам берди. Аллеманлар, фризлар ва сакслар ўртасида христиандликнинг тарғиб қилиниши бутун Ғарбий Европани ўз ҳокимиятига бўйсундириш пайида бўлган папаларга ҳам, Рейннинг нариги томонидаги территорияларда маҳкам ўрнашиб олишга ҳаракат қилган франк ҳукмдорларига ҳам фойдали эди.

Папалар билан янги франк ҳукмдорларининг бир-бирига яқинлашувига Италиядаги аҳвол ҳам ёрдам берди. Лангобард короллари папалар билан франк ҳукмдорларининг умумий душмани эди.

Папанинг «томонини олиш» билан франк ҳокимлари Италия ишларига аралашуш учун ўзларига жуда қулай баҳона топиб олдилар.

751 йилда Суассон шаҳрида франк зодагонлари йиғилишида Пипин франк короли деб эълон қилинди. Орадан кўп вақт ўтмай, Ғарбий Германиядаги франк миссионерларининг ишига бошчилик қилиб турган Майнц архиепископи Бонифаций папанинг буйруғига мувофиқ Пипинни король деб таниш маросимини ўтказди. Шундай қилиб, янги династия черковдан ўзига керакли санкция олишга муяссар бўлди.

Охири Меровинг Хильдерик III («король деган номни нотўғри олиб юрган» — деб ёзган эди тўнтаришга хайрихоҳлик кўзи билан қараган бир хронист) монастирга солинди, умрининг охиригача шу ерда бўлди. Меровингларни четлатишда ёрдам бергани учун папага миннатдорлик юзасидан Пипин Пакана лангобардларга қарши 755—756 йилларда икки марта юриш қилди, лангобардлар папани сиқиб, Римнинг ўзини ҳам босиб олиш ҳавфини солаётган эдилар.

Лангобардларни тор-мор қилиб, Пипин папа Стефан II га (752—757) Равенна экзархатини ва Рим областини «ҳадя» қилди, яъни папанинг ўрта Италиядаги ерларини ҳам ўз ичига олган жуда жатта бир территорияга узил-кесил мустақил дунёвий ҳукмдор бўлиб олишига ёрдам берди. Шу тариқа VIII асрнинг ўрта-ларида Европада черков папа давлати вужудга келди, бу давлат

бутун ўрта асрлар тарихи давомида катта роль ўйнади ва ҳатто янги (1870 йилгача) ва энг янги замонда ҳам сақланиб қолди (Рим шаҳрининг бир қисмини эгаллаган ҳозирги папа «давлати» — Ватикандир, у 1922 йилдан бери яшаб келмоқда).

Шу нарса характерлики, франк короллари билан бўлган музокараларда папалар одатда, Рим областини Рим епископларига IV асрда Константин Буюк ҳадя қилган, бинобариин, франк короли илгаридан «қонуний суратда» папага қарашли бўлган нарса-ни унинг ўзига «қайтариб бераяпти» холос, дер эдилар. Ҳақиқатда эса, Константин I на Римни ва на Рим областини ҳеч қачон ҳеч қандай папага ҳадя қилган эмас. «Константин ҳадя қилган» деган гап шубҳасиз уйдирмадир. Пипин «Константин ҳадя қилган» деган даъвога эътироз қилмади, чунки у папалардан кўп манфаат кўрган эди. Папалар билан янги франк династияси ўртасида мустаҳкам иттифоқ вужудга келди, бу иттифоқ ҳар икки томоннинг бир-биридан чинакам манфаатдорлигига асосланган эди. Отасига ўхшаш Пипин ҳам Рейннинг нариги томонидан ва Аквитанияда урушларни давом эттирди. Унинг замонида араблар Жапубий Галлиядан бутунлай сиқиб чиқарилди. Пипин ўз сиёсати билан франк короллигининг равнақ топиши учун замиш тайёрлади. Унинг ўғли Карл Буюк даврида Франк давлати империяга айланди.

КАРЛ БУЮК ИМПЕРИЯСИ

Карл Буюк Каролинглар династиясининг энг атоқли намоян-даси эди (династия ҳам унинг номи билан аталган). У 46 йил ҳукмронлик қилди (768—814). Карл катта саркарда ва истилочи эди. Таркиб топаётган франк феодал давлати Карл даврида жуда катта агрессив сиёсат юргизди. Жуда кўп жойларни истило қилиб, Карл Буюк жуда катта бир давлатга бошлиқ бўлди. Рим империяси қулагандан кейин Ғарбий Европада Карл Буюк давлатидек катта давлат дунёга келмаган эди: бу давлат франклардан ташқари ўнлаб бошқа қабила ва халқларни ўз ичига олган эди.

Карл Буюк урушлари. Карл Буюкнинг шахсан ўзи 50 дан ортиқ юришда қатнашди. У Европанинг турли жойларида уруш қилди. У аввало лангобардлар масаласига жуда катта эътибор берди. Лангобардлар Пипин томонидан тор-мор қилинган бўлишига қарамай, лангобардлар саройида франклар билан иттифоқда бўлишга қарши турган гуруҳ бор эди. 773—774 йилларда Карл лангобардларга қарши яна уруш очди. У лангобардлар пойтахти Павияни босиб олди ва лангобардлар короли Дезидерийни тахтдан туширди. Лангобардия шундан кейин ўз мустақиллигини йўқотди, франк короллигига қўшиб олинди, графлар томонидан идора қилина бошлади. Кейинча Карл Лангобардияга ўзининг ўғли Пипинни вице-король қилиб тайинлади.

VIII асрнинг 70- йилларида Карл араблар билан ҳам уруш қилди. У 778 йилда Пиренея тоғлари орқасига юриш қилиб, Сарагоса шаҳрини босиб олишга ҳаракат қилди. Юриш муваффақиятсиз чиқди, Сарагосани ололмади. Қайтишда Ронсевал дарасида франклар арьергардига маҳаллий аҳоли — басклар ҳужум қилди. Бу жангда франклар отряди деярли бутунлай қириб ташланди. Ҳалок бўлганлар қаторида Бретань марказининг графи Роланд ҳам бор эди. Кейинча бу эпизод «Роланд ҳақида қўшиқ» номли машҳур достонга тема бўлди, бу достон анча кейин ёзилди (XI асрнинг иккинчи ярмида батамом ёзилиб бўлди). 778 йилда Испанияда қилинган юриш муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, франкларнинг Пиреней тоғларидан ошиб ўтишларининг ўзи диққатга сазовордир. Кейинчалик, VIII асрнинг охири ва IX асрнинг худди бошида франклар Пиренея тоғлари орқасига яна бир неча марта ҳарбий юриш қилдилар; бу юришлар натижасида Пиренея тоғлари билан Эбро дарёси ўртасидаги область босиб олинди. Бу ерда Испан маркаси деб аталган алоҳида бир чегара округ тузилди, бу округга кейинча Барселона графлиги деб ном берилди. Нотинч Аквитания устидан назоратни кучайтириш учун Карл у ерга бошқа бир ўғли Людовикни ноиб қилиб тайинлаб, унга Аквитания қароли унвонини берди.

Лекин Карл Буюк урушларнинг кўпини шарқда — Марказий Европада олиб борди. У сакслар билан бўлган урушларга айниқса кўп куч сарф қилди. Бу уруш қаттиқ бўлиб, 30 йилдан ортиқ (772 йилдан 804 йилгача) давом этди. Франкларни ҳисобга олмаганда, сакслар Фарбий Германияда яшаган қабилалар ичида энг катта қабилга эди. Улар Рейндан Эльбагача чўзилган жуда катта территорияда ўрнашган эди. Саксларнинг Карл замонидаги ижтимоий тузумида уруғчилик тузуми аломатлари, унинг барча яхши ва ёмон томонлари ҳали анчагина сақланиб қолган эди. Саксларнинг асосий оммаси уруғчилик алоқалари ва қабила ичидаги алоқалар билан ўзаро маҳкам боғланган эркин деҳқонлар, шу билан бир вақтда жангчилардан иборат эди. Бироқ, улар тарқоқ ҳолда бўлиб, жуда кўп қабилаларга ва қабилавий гуруҳларга бўлинган эди, бу қабилалар ва қабилавий гуруҳлар узлуксиз равишда бир-бири билан урушиб турарди. Уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари даражаси (деҳқончиликда асосан партов системаси қўлланарди, моллар яйловда боқилар эди), шаҳарлар ва савдо мутлақо йўқ эди, шунингдек, уларнинг қурол-аслаҳалари ва урушиш усуллари (яхши қуролланмаган деҳқон пиёда лашкарлари асосий ўрин тутар эди) франкларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт даражасидан паст эди, франклар бу вақтда феодаллашув ва романлашув соҳасида жуда олға қараб кетган эдилар. Феодаллашиб бораётган франк зодагонларининг саксларга қарши олиб борган уруши феодалларга хос уруш эди. Франклар ўз олдиларига сакслар ерини босиб олиш ва уларнинг ўзини қрепостнойларга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эдилар. Саксонияга қарши урушишнинг яна бир



Карл Буюkning юришлари

кетидан остфаллар ҳам бўйсундирилди (улар Везер дарёсининг шарқида яшар эдилар). 777 йилда Падерборнда бўлган съездда сакс қабилалари кўпчилигининг бошлиқлари Карлга қасамёд қилди. Карлнинг буйруғига биноан, саксларнинг ҳаммаси мажусийлик динидан христиан динига ўтишлари керак эди. Саксонияга кўпдан-кўп франк руҳонийлари келди, ҳамма ёқда черковлар қурила бошлади, сакслар черковга ушур (ҳосилнинг ўндан бирини) тўлашга мажбур этилган эдилар. Лекин, шундан кейин тез орада 778 йилдан бошлаб сакслар бир неча марта катта қўзғолон кўтардилар. Бу қўзғолонлардан кузатилган мақсад франклар зулмидан халос бўлиш эди. Карл бу қўзғолонларни жуда ҳам раҳмсизлик билан бостирди. Минглаб сакслар қатл этилди. Қўзғолончиларнинг кўпи қулга айлантирилди. Дастлаб саксларнинг қўзғолонларида уларнинг зодагонлари ҳам қатнашди. Лекин Карл зодагонларни секин-аста ўз томонига оғдириб олишга муваффақ бўлди. Қўзғолон кўтарган саксларнинг асосий бошлиқларидан бири — вестфаллар герцоги Видукинд қимматбаҳо инъомларга сотилиб, 785 йилда саксларга хиёнат қилди ва Карл томонига ўтди. Лекин, шунга қарамасдан, фашист тарихчилар уни «Германиянинг миллий қаҳрамони» деб эълон қилдилар. Саксларнинг IX аср бошларидаги сўнгги ҳаракати деярли нуқул «оддий сакслар» ҳаракати тусида бўлиб, асосан Саксониянинг шимолида (Нордальбингияда) ўтди. Ниҳоят, сакслар бўйсунди-

сабаби бор эди. Карл Балтика денгизига чиқишга ҳаракат қилди, Балтика денгизи VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларида катта савдо аҳамиятига эга эди (скандинавлар, славянлар ва араблар савдоси шу Балтика денгизи орқали олиб борилар эди). Франк короли Балтика савдосидан катта-катта хирожлар олишни мўлжаллар эди.

Карл саксларни дастлаб VIII асрнинг 70-йилларида бўйсундирди. Аввал ғарбий сакслар — вестфаллар (улар Рейн ва Везер дарёлари ўртасида яшар эдилар) бўйсундирилди. Уларнинг

рилди ва Франк королининг фуқароси сифатида франк графлари томонидан идора қилинадиган бўлди. Саксларнинг итотсизроқ бир қисми Рейн дарёсининг чап қирғоғига — франклар орасига кўчирилди, франк колонистлари эса қайтадан Рейн дарёсининг ўнг қирғоғига, яъни бир вақтларда франк қабилаларининг иттифоқи вужудга келган ерга ўтиб жойлашди.

Сакслар билан уришиш вақтида Карл Шарқий Европадаги бошқа халқлар билан ҳам уруш олиб боришга мажбур бўлди. У полаб (Эльба бўйи) славянлари билан урушди ва бу қабиладардан баъзиларига — лютичларга ва лужичанларга — хирож солди. Дунайнинг ўрта оқимидаги кучли Авария подшолиги¹ франкларга қарам бўлди. Дуайнинг юқори оқимидаги Бавария короллиги тамомила босиб олинди, илгари бу короллик франкларга онда-сонда хирож тўлаб турар эди. Хорутан-словенлардан иборат жанубий славян қабилалари яшайдиган Хорутания (каринтия), шунингдек, Болқон ярим оролининг шимоли-ғарбидаги хорват ерлари Бовария билан бирга Франк давлатига қўшиб олинган эди. Хорутания Франк давлати составида узоқ турмади. Истилолар натижасида Карл Буюк замонида Франк давлати жуда кенгайиб кетди. Унинг чегаралари ғарбда Эбро дарёси, Пиренея тоғларидан Атлантика океанигача, шарқда Эльба ва Дунай дарёлари ва Адриатик денгизи қирғоқларигача, шимолда Фриз (ёки Немис) ва Балтика денгизларигача, жанубда деярли жанубий Италиягача борди. Сал илгарироқ вужудга келган Папа давлати ҳам Карл Буюк даврида ҳақиқатда унга бўйсунувчи вассал давлат бўлиб қолди.

Империянинг эълон қилиниши. Франк короли қўл остидаги ерларнинг жуда кенгайиб кетиши, табиий, Карл Буюкни ва унинг маслаҳатчиларини унвони (титулни) ўзгартириш тўғрисида ўйлашга мажбур қилди. 800 йилда Карл Римда бўлган вақтида папа унга «римликлар императори» тожини кийдирди, «Римликлар императори» деган таърифнинг қизиқ жойи шундаки, бу таъриф Рим традициясининг IX асрда ҳам одамларга жуда катта таъсир ўтказганлигини кўрсатади. Карл франклар императори деб эмас, балки римликлар императори деб эълон қилинди, ваҳоланки, бу вақтда энди римликлар деган халқ йўқ эди. Бир оз вақтдан кейин Шарқий Рим — Византия императори ҳам Карлнинг «базилевса» (геркча император демакдир) унвонини тан олишга мажбур бўлди, у дастлабки вақтларда бунга қаттиқ қаршилик қилиб келган эди. Карлнинг замондоши Боғдод халифаси Хоруналь-Рашид ҳам Карлни император деб таниди ва булар бир-бирларига элчилар юборишди.

Карл Буюк замонида идора қилиш. Жуда катта бир давлатни идора қилиш иши Карлдан маъмурий аппаратни қайта ту-

¹ Аварлар — шарқлик, гунилларга яқин қабила бўлиб, VI асрнинг охиридаёқ Урта Европада вужудга келганлар. Улар Дунай ёни районларида яшаб турган славян қабилаларининг бир қисмини ўзига бўйсундирган.



Карл Буюк империяси

зишни талаб қилди. У амалдорлар орқали, императорнинг махсус фармонларини чиқариш, маҳаллий ҳокимиятни бир қадар систематик назорат қилиб туриш йўли билан идора этувчи марказлашган давлат тузишга ҳаракат қилди. Карл Буюкнинг идора қилиш маркази король саройи — палатий эди. Юқори мансабдаги амалдорларнинг бутун иши шу палатийда марказлаштирилган бўлиб, булар: палата графи (у олий судья бўлиб, императорнинг йўқлигида унинг ўринбосари ҳам эди), архиканцлер (император канцеляриясининг бошлиғи), камерарий (король хазинасининг бошлиғи), коннетабль (мироҳўр, яъни королнинг отлик аскарларини бошқарувчи) ва бошқалардан иборат эди. Маҳалларда энг катта амалдорлар графлар—латинчасига comites,

яъни маъмурий округларнинг бошлиқлари¹ ва уларнинг викарийлари ёки вице-графлар (граф ўринбосарлари) бўлиб, уларга тунгинлар ёки юзбошилар, яъни энг кичик маъмурий округларнинг — юзликларнинг (сотня) ва бошқаларнинг бошлиқлари бўйсунарди. Граф скабинлар билан биргаликда, яъни суд коллегиясининг аъзолари билан биргаликда суд қиларди, булар илгариги сайлаб қўйилган меровинг судьялари — рахинбурглар ўрнига маҳаллий бадавлат ер эгаларидан тайинланган эди.

Империяда Карлнинг ўзи тайинлайдиган епископлар ҳам суд ва маъмурий ишларда катта роль ўйнар эдилар. Маҳаллий маъмурларни текшириш учун марказдан ўқтин-ўқтин король ревизорлари (*missi dominici*) деб аталмиш текширувчилар юборилиб турарди, улар одатда икки киши-икки киши бўлиб юриб, графликлардаги аҳволни текширар ҳамда аҳолининг граф, епископ ва бошқа амалдорлар устидан берадиган шикоятларини қабул қиларди. Императорнинг фармонлари ёзма равишда тузилиб, капитулярия деб аталар эди (капитулярия латинча *caput* деган сўздан олинган бўлиб, боб демакдир, фармон алоҳида параграфларга бўлинганлиги учун шундай деб аталарди). Карл Буюкнинг 250 га яқин фармони бизгача етиб келди.

Карл Буюк империясининг характеридаги зиддиятлар. Бу фактларнинг ҳаммаси Карл Буюк замонида идора қилиш апаратининг анчагина бюрократлашганини кўрсатади. Меровинглар ва дастлабки Каролингларнинг дружина ва хизматқорлари — министриаллари бўлиб, улар королнинг топшируви билан энг оддий маъмурий-молиявий ва суд функцияларини бажарар эди. Меровинглар ва дастлабки Каролинглардаги ана шу ибтидоий идора апаратининг аксича Карл империясида амалдорларнинг доимий чиновниклик апарати таркиб топди. Карл Буюк бюрократиясининг ташкил топишига Рим традицияси шубҳасиз таъсир қилди. Короллик — императорлик канцелярияларида давлат тили, латин тили, яъни римликлар тили эди. Каролинг давлат муассасаларининг ва лавозимларининг номларидан (император, палатий, комитлар — графлар, нотариёлар — секретарлар ва ҳоказолардан) Рим терминологияси шундайгина сезилиб туради. Карл Буюкнинг энг яқин маслаҳатчилари ва олий мансабдорлари Рим тарихини яхши билган ҳамда императорга жамиятдаги мутлақ олий ҳокимият деб қарайдиган, римча традицияни ўзлаштириб олган кишилар эдилар. Шунга қарамай, Карл Буюк империясини марказлашган давлат деб сира айтиб бўлмайди. Карл Буюк давридаги бошқарув апарати умуман ибтидоий эди. Империяда расмийлаштирилган ва ихтисослаштирилган суд ва молия идоралари — палаталари йўқ эди. Унда бошқарувнинг доимий солиқ системаси каби муҳим звено (жумладан, доимий олиб туриладиган ер солиғи) йўқ эди, Карл давлатида марказ

¹ IX аср бошларида империяда ҳаммаси бўлиб 98 графлик ёки комитатлар бор эди.

билан жойлар ўртасида муттасил алоқа ўрнатилмаган эди, король миссиялари, яъни ревизорлари жойларни номигагина контроль қилиб турар, амалда эса айниқса чекка территориянинг графлари ўзларини марказдан мустақил деб ҳис қилар эдилар.

Иккинчи томондан, Карл Буюк давлати ўзининг состави жиҳатидан ҳам хилма-хил уруғларнинг беқарор сиёсий бирлашмасидан иборат эди. Франк империяси омади юришган бир истилочи томонидан шошиб-пишиб, кўп қабила ва халқлардан иборат тузилган алоҳида бир тарздаги ҳарбий монархия бўлиб, унда на умумий иқтисодий база, на умумий миллий тил, на умумий маданият йўқ эди. Карл Буюк империясига кирган қабилаларнинг ҳар бири ўзининг одатдаги қонун-қоидаларига амал қилиб келганини кўрсатиб ўтиш кифоя қилади. «Варвар ҳақиқатлари», «Сали, Рипуар Бургундия, Бавария, Саксония ҳақиқатлари» — Карл Буюк замонида ҳам, айрим қабилалар учун суд қонунлари тўплами бўлиб қолаверди; улар қунт билан кўчирилиб ёзилди ва уларга ўзгаришлар киритилди, шундай қилиб, улар империянинг айрим областлари учун амалдаги қонун бўлиб қолаверди.

Айрим қабилалар Карл Буюк подшолиги вақтидаёқ халқ бўлиб бирлаша бошлаган эдилар. Сали ва Рипуар франклари галлия-рим аҳолиси билан аралашиб кетиб, шимолий роман халқини (кейинчалик булардан француз халқи ташкил топди) вестготлар, бургундлар жанубий галлия-римликлар билан қўшилиб жанубий роман халқини (булар кейинчалик провансал халқи деб атала бошладилар) барпо этдилар. Италияда лангобардлар билан итальян-римликлардан бўлғуси итальян халқи ташкил топди. Германияда Рейннинг нариги томонидаги қабилалар бир этник группа бўлиб, кейинчалик улардан герман (ёки немис) халқи вужудга келди. Халқларнинг ташкил топиши маҳаллий алоқаларни кучайтирди, бу ҳол ҳам амалга империянинг жуда майда ва бир хил давлатларга парчаланиб кетишига олиб келди.

Карл Буюк замонида франкларнинг феодаллашув процесси. Карл Буюк ва унинг ворислари замонида феодаллашув процессининг жуда тезлашиб кетаётганлиги империянинг парчаланиб кетишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ Карл Буюк империяси «қабила ва халқларнинг қурамасидан иборат» бўлиши билан бир вақтда, феодаллашаётган жамият ҳам эди. Меровинглар замонида бўлган ҳодиса, яъни катта ер эгалигининг ўсиши, унинг майда эркин деҳқон хўжалигини ютиши Каролинглар замонида давом этди ва зўр бериб авж олди. Прекар муносабатларининг (кўпроқ черков ерларида) ривож олиши, патронат-коммендацияларнинг (кўпроқ дунёвий ерларда) кенг ёйилиши, эркинларнинг қарамликка тушиш ҳолларининг кўпаяётганлиги — буларнинг ҳаммаси Карл Буюк подшолиги замонида одат тусига кирганлиги император қонунида (капитулярияларда) ўзининг ёрқин ифодасини топди. Карл магнатлар ва

бошқа «нуфузли одамлар» томонидан деҳқон ерларининг тортиб олинишини чеклашга анча уринди, бироқ ердор зодагонлар унинг фармойишларига қаршилик кўрсатганлари учун бу фармойишлар амалда бажарилмай қолаверар эди. Франклар жамиятининг феодаллашув процесси, табиий, сиёсий тузумга ҳам таъсир этди.

Феодаллашув империяни сиёсий тарқоқликка ва, пировардида, сиёсий жиҳатдан майда қисмларга бўлиниб кетишига олиб келди. Ўзининг ҳарбий қудратига ва энг катта истилочилик шухратига қарамай, Карл Буюкнинг ўзи ҳам ердор зодагонларга қарам эди. Бу нарса ҳаммадан бурун магнатлар съездлари аҳамиятининг ортишида кўринди. Бу съездлар император томонидан одатда ҳар йили кузда чақирилар эди. Унда энг муҳим капитулярияларнинг ҳаммаси муҳокама қилинар эди. Зодагонларнинг ҳақиқий сиёсий аҳамиятта эга бўлган ана шу кузги съездларига қарама-қарши ўлароқ, май далалари деб аталмиш эски ҳарбий йиғилишлар — аскарларнинг йиғилишлари (бу йиғилишлар қадимги герман халқ йиғилишларининг қолдиғи эди) каролинглар замонида оддий бир ҳарбий кўрик бўлиб қолди. Бу кўрикда энди император томонидан тасдиқланган фармонлар маълумот учунгина эълон қилинар эди.

Король судлари («Сали ҳақиқати»да кўрсатилган қадимги халқ судлари ўрнини олган скабинлар ва ҳар турли суд амалдорлари) фаолиятининг кучайиши билан бир қаторда Карл Буюк и м м у н и т е т л а р деган нарсани ҳам кенг суратда жорий қилишга мажбур бўлди, иммунитетлар берилган маҳаллий ер эгалари (дунёвий ер эгалари ҳам, черков ер эгалари ҳам) ўз территорияларига король амалдорлари, судьялари ва шунга ўхшаш кишиларнинг текшириш учун киришидан холи эдилар. Бундан ташқари, маҳаллий ер эгаларига яна шундай иммунитет ёрлиқлари ҳам берилдики, бу ёрлиқларга мувофиқ улар ўзларига қарам бўлган аҳолинигина эмас, ҳатто эркин аҳолини ҳам суд қилиш ва ундан ўз фойдаларига ҳукумат солиқлари ва мажбуриятлари ундириш ҳуқуқини олдилар. Иммунитетлар магнат — ер эгаларининг эркин аҳоли орасидан ожизларини топиб олиб, ўз асоратларига туширишларига жуда катта ёрдам берди. Карл замонида ҳарбий бенефицийлар системаси ҳам авж олаверди. Эркин деҳқонларнинг заифлашуви ва тушкунликка учраши орқасида деҳқонлар ҳарбий хизматни ўташга тобора камроқ чақирилди. Лекин бенефицийларнинг ҳам фақат бир қисми императорга қарам эди. Уларнинг кўпчилиги катта ер эгаларига — магнатларга қарам эди, бу магнатлар курашга одатда «ўз содиқ кишилари»дан бутун-бутун отрядлар олиб келардилар. Шундай қилиб, Карл Буюк қўшини ҳақиқатда унинг ўзиники бўлмай, балки, тобора аниқроқ ташкил топаётган катта феодаллар қўшини эди, бу феодалларнинг жуда кўп поместьелари бўлиб, улар маҳалларда жуда кенг сиёсий ҳуқуқларга эга эдилар ва уларнинг қарамоғида жуда кўп майда рицарлар бор эди.

Карл Буюк замонидаёқ идора қилиш аппаратининг аниқ феодализациялигига шу нарсани мисол қилиб кўрсатиш мумкинки, графлар ўз мансабининг ва бу мансаб учун олган ерларини авлоддан-авлодга мерос бўлиб қоладиган мулкка айлантиришга ҳаракат қилдилар. Карл Буюк ўзининг графлар тайинлаш ҳуқуқини жуда катта машаққат билан аранг сақлаб қолди.

Каролинглар поместьеси. Карл Буюкнинг асосий даромадлари унинг поместьеларидан келаётган даромадлар эди. Каролингнинг ер фонди бутун давлатнинг ҳамма жойига тарқалган бўлиб, юзларча катта ва бир қадар кичик ерлардан иборат эди. Карл Буюк замонидаги энг катта ер эгалари монастырлар эди. Париж монастырларидан бири — авлиё Герман (ёки Сен-Жермен) монастырининг IX аср бошларида 100 мингдан ортиқ крепостной бор эди. Дунёвий зодагонлар қўлида ҳам шубҳасиз жуда кўп катта-катта поместьелар бор эди, бироқ улардаги ерларнинг рўйхати бизгача етиб келмаган.

Каролинглар поместьесини ўрганиш учун асосий манба Карл Буюкнинг «Поместьелар тўғрисидаги капитулярий»си ва «Аббат ирминон полиптиги» деб аталган ҳужжатдир. (Париж атрофидаги Сен-Жермен монастырига қарашли ерлар ва бу ерларда ўтирган крепостнойлар рўйхати.) Мана шу манбаларга қараб, биз Фарбий Европада илк ўрта асрдаги феодал поместьесининг манзарасини кўз олдимизга келтира оламиз. Дастлаб биз бу поместьедан ўрта асрларга хос бир хусусиятни — ернинг икки қисмига: хўжайин — домененал (домен) ерига ва деҳқонлар ерига — чек ерга бўлинганини кўрамиз. Чек ерларга деҳқонлар эгалик қилар эдилар. Бу чек ерлар мансар деб аталарди. Деҳқонлар ўз меҳнатлари билан, ўзларининг отулов ва қурол-асбоблари билан хўжайинларининг ерини ишлаб берардилар.

Франкларнинг қишлоқ хўжалиги VIII—IX асрларда анча муваффақиятларга эришди. Каролинглардан қолган манбаларга қараганда деҳқончиликнинг асосий системаси уч дала системаси бўлган. Поместьеларда ғаллакорликдан ташқари, чорвачиликка катта эътибор берилган эди (королга қарашли имениеларда хусусий йилқичиликка катта эътибор берилган, чунки ҳарбий ишда йилқичиликнинг аҳамияти катта эди). Манбаларда узумчилик, боғдорчилик, полизчилик, доривор ўсимликлар экилганлиги ҳам тилга олинган.

Каролинглар поместьеси аниқ натурал хўжалик хусусиятларига эга эди. Бу ҳақда «Поместьелар тўғрисидаги капитулярий»да жуда очиқ далиллар келтирилган, бу «Капитулярий»да поместьеларда етиштирилган маҳсулотларнинг король оиласи ва король сарой аҳллари эҳтиёжларини қоплашга сарфланганлиги бир неча марта таъкидлаб ўтилган.

Бироқ Каролингларнинг поместье тўғрисидаги ҳужжатларида учрайдиган энг қизиқ нарса ўша вақтдаги крепостнойларнинг состави ҳақидаги маълумотлардир. Бу материал Сен-Жермен

монастири полиптигида жуда очиқ кўрсатилган. Бу ҳужжатда крепостной деҳқонлар турли номлар билан: колонлар, литлар, қуллар деган номлар билан аталади. Литларга ва қулларга нисбатан колонлар ҳатто «эркин» кишилар дейилади. Лекин уларнинг «эркинлиги» жуда нисбий бир нарса эди. Ҳақиқатда уларнинг «тутқунлар»дан ҳеч қандай фарқи йўқ эди. Улар ҳам ўзларининг чек ерларига биркитиб қўйилган бўлиб, нормалаштирилган баршчина, натурал оброк ва бир оз миқдорда рента пули тўлаш шаклида «тутқунлик» мажбуриятларини бажарар эдилар. Бу ҳол шу нарсани кўрсатадики, деҳқонларнинг бу хил категорияларга бўлиниши (худди деҳқонлардаги чек ерларнинг мансларнинг уч гуруҳга бўлингани сингари) бу вақтда ўтмишдан қолган бир сарқит эди. Ҳақиқатда франкларда бу вақтда крепостной деҳқонлар синфи ташкил толган бўлиб, бу синфда энди эркинлар, ярим эркинлар (литлар) ёки тутқунлар (қуллар) ўртасидаги илгариги фарқлар чиндан ҳам йўқолиб кетган эди.

«Каролинглар уйғониши». Карл Буюк ўз замонасининг анча маърифатли кишиси эди. У, гарчи ёши анча улғайган вақтида ўқиш-ёзишни ўрганган бўлса-да, грек ва латин тилларини билар ва маърифатни қадрлар эди. Унинг саройига турли мамлакатлардан олимлар чақириб келтирилган эди. Бу олимлар ичида Йорк епископлик мактабида (Англиянинг шимолида) ўқиган Алкуин номли англ-сакс айниқса машҳур эди. Сўнгра Карлнинг саройда ўша вақтнинг кўзга кўринган бошқа ёзувчилари — лангобардиялик Павел Дьякон, испаниялик вестгот Теодульф ва бошқалар ҳам яшар эди. Франкларнинг ўзларидан етишган ёш Эйнгард жуда ҳам маърифатли киши эди, у кейинча Карл Буюкнинг жуда яхши тузилган таржимаи ҳолини ёзди¹. Карл юқорида айтилган олимлар ёрдами билан епископлик резиденцияларида бир қанча мактаблар ташкил қилди, бу мактабларда асосан хат-саводли руҳонийлар ва император каппеляриялари учун амалдор кадрлар (судьялар, секретарлар, мирзалар ва бошқалар) тайёрланарди. Карлнинг буйруғи билан қадимги латин ва грек қўл ёзмалари тўпланди ва кўчириб ёзилди. Катта скрипторияларда (мирзахоналарда) ўнларча мирзалар энг қимматли қўл ёзмаларни янги нусхаларга кўчирардилар. Шундай қилиб, кўпгина антик авторларнинг асарлари кейинги авлодлар учун сақлаб қолинди. Каролинг мирзаларининг юмалоқ ҳарфлар билан донатор қилиб ёзган хатлари уларнинг ўзларидан олдинги замонларда ёзилган анча қадимги хатлар у ёқда турсин, ҳатто кейинги ўрта асрларда ёзилган латин хатига қараганда ҳам жуда чиройли эди.

Карл саройида ўзига хос бир олимлар жамияти вужудга келди, бу жамият антик дунёдан ибрат олиб, «Академия» деб аталди. Бу жамиятнинг ишларида Карлнинг ўзи ҳам қатнашди.

¹ Эйнгард Карл Буюкнинг таржимаи ҳолини ёзиш учун намуна сифатида Светонийнинг «Уч икки цезарь ҳаёти» деган китобидан фойдаланди.

Академия қатнашчилари латин авторларининг, ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ўқидилар, баъзида эса антик авторларга тақлид қилиб ўзлари ҳам асарлар ёздилар. Бироқ, Каролинглар замонидаги ренессанс (уйғониш) асл маънодаги антик маданиятнинг тикланиши эмас эди, асло ундай эмас эди. Антик авторлардан қолган адабий мероснинг бир оз қисми олинди, холос. Антик ёзувчиларга сиртдангина (шеърят ва риторик формалар) тақлид қилинди. Карл саройига тўпланган олимларнинг дунёқараши (императорнинг ўз дунёқараши ҳам) антик классик маданиятдаги рационалистик дунёвий дунёқарашга мутлақо ўхшамас эди. Карлнинг атрофига олим христиан монахлари тўпланган бўлиб, уларнинг дунёқараши черков руҳонийларининг дунёқараши эди. «Мажусий» антик маданияти улар учун христианлик ақидаларини шарҳлаш ва чуқурлаштириш воситасигина эди, холос. Алкуиннинг королваччаларни тарбиялаш учун ёзган дарслигида кўпинча ҳақиқий антик маданият билан ҳеч қандай элоқаси бўлмаган ўрта аср диний дунёқараши анқиб турарди. «Ҳаёт нима?» деб савол қўяди бу дарсликда ўқитувчи ва ўзи жавоб бериб: «...бахтлиларга шодлик, бахтсизларга қайғудир, уларга ҳам, буларга ҳам ўлимни кутишдир», дейди. «Одам нима?» деб яна бир савол қўйиб, «Ўлим бандасидир, ўз уйида меҳмондир, ўтиб кетадиган йўловчидир» ... деб жавоб беради. Аслида Каролинглар даврида ўрта аср схоластикаси қарор топди, унинг характерли хусусияти соф диний дунёқарашни устун қўйиб, антик дунё фанининг баъзи бир ташқи формаларинигина ўзлаштиришдан иборат бўлди.

Шу нарсани унутмаслик керакки, Каролинглар маърифатидан жуда кам киши баҳраманд бўлди. Ҳатто Карл Буюк саройидаги мансабдорларнинг ҳам жуда кўпчилиги ўқиш-ёзишни билмасдан ўтиб кетди. Амалда Карл Буюкнинг «маърифатпарварлик» тадбирлари кўпдан-кўп черков епископлик мактабларининг ривожланишигагина олиб келди, кейинчалик бу мактаблар заминида ўрта аср университетлари вужудга келди.

КАРЛ БУЮК ИМПЕРИЯСИНИНГ ПАРЧАЛАНИШИ

Карл Буюк 814 йилда 72 ёшида вафот этди ва Ахенга кўмилди, у умрининг сўнгги йилларини шу Ахен атрофида ўтказган эди. Карл Буюк вафот қилгандан кейин императорлик унвони унинг катта ўғли Людовикка ўтди, Людовик илгари отасининг ҳаётлик чоғида узоқ вақт Аквитания қироли бўлиб келган эди.

Карл Буюк ўлгандан кейин унинг империяси узоқ умр кўрмади. Бу илк ўрта аср ҳарбий-феодал монархияси бўлиб, унда чинакам марказлашув учун етарли даражада иқтисодий база йўқ эди. Натурал хўжалик ҳукмронлиги, айрим область ва районларнинг ва ҳатто айрим поместьеларнинг ҳам биқиқлиги, шаҳарлар ва савдонинг кам ривожланганлиги — мана шулар-


нинг ҳаммаси империянинг муқаррар равишда парчаланиб кетишига сабаб бўлди. Карл Буюк замонида крепостник поместьелар эгаси бўлиб узил-кесил қарор топган ва Карл Буюк олиб борган урушлар натижасида жуда кўп янги ерларга эга бўлган феодалларнинг ўзи мустақкам марказлашган ҳокимиятдан безор эди. Маҳалларда аста-секин ҳокимиятни ўз қўлларига олиб улар марказга бўлган тобеликни камайтиришга ҳаракат қилдилар. Иккинчи томондан Карл Буюк олиб борган жуда катта урушлар ҳали эркинлигини йўқотмаган франк деҳқонларининг тинчасини батамом қуритган эди. Бунинг натижасида король энг муҳим социал кучнинг ёрдамидан маҳрум бўлди, ҳолбуки, Австрия герцог-майордонлари аслида шу кучнинг ёрдами соясида юзага чиққан эди.

Карл Буюк вафотидан кейин Франк давлатидаги ўзаро урушлар. Карл Буюкнинг ўгли император Людовик Художўй замонида (814—840) бўлиниб кетиш йўлидаги интилишлар зўр бериб намоён бўлди. У лапашанг бир король бўлиб, руҳонийларга (унинг Художўй деган лақаби ҳам шуни кўрсатади) ва дунёвий зодагонларга бутунлай қарам эди. Ҳақиқатда унинг бутун короллик даври узлуксиз ғалаёнлар даври бўлди. Зодагонлар Людовикка қарши бош кўтариб, унинг ўз ўғиллари — Лотарь ва Людовикни (ёки Людовик Немисни, унинг асосий ерлари Баварияда эди), ўз отасига қарши гиж-гижлатдилар. Людовик Художўйнинг учинчи ўгли Карл (у кейинча Ялтироқбош деб ном олди) ҳамиша отасининг ёнини олди.

Людовик Художўй ўлгандан кейин унинг ўғиллари бир-бири билан яна уруш бошлади. Император унвонини олган катта акаси — Лотарга қарши энди иккала укаси — Людовик Немис билан Карл Ялтироқбош бош кўтарди. Фонтенуа шаҳри ёнида бўлган жангда (1841 йил) Лотарь иккала укасининг бирлашган қўшинлари томонидан тор-мор қилинди. Бир йилдан кейин, 842 йилда Людовик билан Карл Страсбург шаҳри ёнида битим тузиб, Лотарь устидан тўла ғалаба қозонгунча унга қарши курашни давом эттиришга аҳд қилишди.

Шуиси қизиқки, «Страсбург қасами» (бунда ҳар икки томон ҳам қасамёд қилган эди) икки тилда «роман» тилида (яъни романлашган франк лаҳжасида) ва немис тилида (яъни Рейннинг нариги томонидаги герман қабилалари гапирадиган герман тилида) ёд қилинди. Бу ҳол Каролинглар замонида халқларнинг ташкил топиш процесси юз берганини очик кўрсатади. Энди ғалаба қозонишга кўзи етмаганлигидан Лотарь давлатни бўлишга рози бўлиб, ён беришга мажбур бўлди.

Вердендаги тақсимот. 843 йилда Верденда Карл Буюкнинг уч невараси йиғилишида империя уч қисмга бўлинди. Верден аҳдига мувофиқ акаси Лотарь императорлик унвонини сақлаб қолди, лекин укаларига инсбатан ҳеч қандай махсус ҳуқуққа эга эмас эди, укаларининг ҳар қайсиси ўз ҳолича батамом мустақил король бўлиб қолди. Лотарга Италия, шарқда Рейн билан ғарбда



843 йилда Франк давлатларининг парчаланиб кетиши

Масс, Шельда, Сена ва Рона дарёлари ўртасидаги ерлар (бунга Бургундия ҳам киради) тегди, Рейннинг шарқидаги ерлар Людовик Немисга тегди. Лотарга қарашли ерларнинг ғарбидаги ерлар Карл Ялтироқбошга тегди. Кейинроқ бориб, Лотарь ўлгандан сўнг ерлар қайтадан бўлинди. Лотарнинг авлодлари Италиядаги ерларнигина ўз қўлида сақлаб қолди, Рейн бўйидаги ерларнинг ҳаммасини эса Людовик билан Карл ўзаро бўлишиб олди. Бургундия мустақил короллик бўлиб ажралиб чиқди. Императорлик унвони кейинроқ бориб Каролинглар хонадонининг бошқа авлодлари вакилларига ўтди. Масалан, 875—877 йилларда Карл Ялтироқбош император бўлди, 880—887 йилларда императорлик тожи Людовик Немиснинг ўғли Карл Семизга ўтди. X асрнинг бошларига келиб эса императорлик унвонининг умуман ҳеч қандай реал аҳамияти қолмади.

IX—X асрларда Франция. Сўнгги Каролинглар. Верденда бўлган тақсимот Европада кейинча вужудга келган учта катта давлатнинг — Франция, Германия ва Италиянинг ташкил топишини умумий бир тарзда белгилаб берди. IX асрнинг ярмида бу давлатлар ичида энг яхлити «ғарбий франклар» давлати эди, у

кейинча вужудга келган Франциянинг куртаги бўлди. Бу ердаги аҳолининг асосий оммаси энди ташкил топиб келаётган француз халқидан иборат бўлиб, бу халқ алоҳида бир шимолий роман тилида, яъни илк француз тилида гапиришар эди. Бу давлатнинг пойтахти Париж бўлиб, у Луара дарёси яқинидаги Сена дарёсида жойлашган. «Ғарбий франклар каролигида» ёки оддий қи-атай бошладилар) Каролинглар X асрнинг охиригача ҳокимият-ни ўз қўлларида сақлаб келдилар, Германия билан Италияда эса Каролинглар анча илгари — X асрнинг бошларидаёқ ҳокимиятдан маҳрум бўлдилар.

Лекин Францияда ҳам феодал тарқоқлик тезлик билан авж олиб борди. «Биринчи француз короли» Карл Ялтироқбош ўз завогонларига узлуксиз ён беришга мажбур бўлди. 847 йилда у Мерсен капитулярийсини чиқариб, бу капитулярийда ҳар бир эркин кишига сеньор топиб олишни таклиф қилди; король ўз фуқаролари устидан қандай ҳокимиятга эга бўлса, сеньор ҳам ўз вассаллари устидан шундай ҳокимиятга эга эди. 887 йилдаги Кьерсин капитулярийси ер бенефицийларининг наслдан-наслга мерос бўлиб қолишини, шунингдек, графлик лавозимининг ҳам мерос бўлиб қолишини қонунлаштирди. Шу вақтдан бошлаб бенефицийлар наслдан-наслга мерос бўлиб қоладиган ерларга — феодаларга, ленларга айланди. Графлик, вице-графлик (виконтлик), маркграфлик (ёки маркизлик) ва герцоглик унвонлари территориял ҳукмдорларга хос бўлган барча ҳуқуқларга, яъни короллик ҳуқуқларига ўхшаш ҳуқуқларга эга бўлган князлик династиялари вужудга кела бошлади.

Норманларнинг ҳужумлари. Карл II Ялтироқбош замонидаёқ Франция короллигига норманлар қаттиқ ҳужум қила бошлаган эди. Карл II Ялтироқбош ўлгандан кейин эса (877 й.) бу ҳужумлар жуда ҳам авж олиб кетди. Ҳужум қилганлар қисман норвежлар, қисман шведлардан иборат бўлган скандинавлар эди; скандинавлар ўша вақтда уруғчилик тузумининг тушкунликка учраш ва феодализмга ўтиш процессини бошидан кечираётган бўлиб, улар орасида кўпдан-кўп бошқинчи дружиналар вужудга келмоқда эди, бу дружиналарга феодаллашаётган ҳарбий бошлиқлар — ярллар ва короллар раҳбарлик қилар эди. Денгизда сузишга уста бўлган, ўша давр учун жуда зўр ҳисобланган темир қурооллардан фойдалана билган (бу қурооллар рудаларга бой Скандинавияда ишланар эди) бу норманлар жуда хавфли душман бўлиб чиқди. Норманлар кемаларида француз дарёлари қуйиладиган жойгача ва ўрта денгиз қирғоқ бўйидаги мамлакатларгача кириб бордилар ва бу мамлакатларни шафқатсиз талаб ва хароб қилиб, аҳолисига даҳшат солдилар. IX асрда Ғарбий Европада шу муносабат билан махсус бир дуо вужудга келган бўлиб, бу дуо «э худо, норма нларнинг ёвузлигидан ўзинг сақла» деб бошланарди.

Сўнгги Каролинглар королликни мудофаа қилишдан ожиз эдилар. Уларнинг сиёсий эътибори ва ҳарбий ресурслари жуда ҳам кам эди. Норманларга қарши курашиш вазифасини маҳаллий йирик феодаллар ўз қўлига олди; бунинг натижасида улар ҳарбий ҳимояга муҳтож қолган-қутган эркин аҳолини ҳам беамалол крепостнойга айлантириб, ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. 885—886 йилларда норманлар Парижни 10 ойгача қамал қилиб турди, лекин уни ахир ололмади. Роберт Зўрнинг (866 йилда вафот этган, Парижнинг биринчи графи) ўғли, маҳаллий феодал граф Эд Парижский муваффақиятли мудофаа уюштириб, душманни қайтарди. Сўнгги Каролингларнинг бири Карл IV Анқов X асрнинг бошида (911 й.) қуйи Сена қирғоғини норманлар бошлиғи — герцог Роллонга беришга мажбур бўлди, Роллон бу ерда кўчиб келган норманлардан иборат жуда кучли бир князлик — Нормандия герцоглигини тузди. Норманлар-норвеглар (ёки Францияда аташларича нормандияликлар) маҳаллий аҳоли билан тезда аралашиб кетдилар, христианликни қабул қилдилар ва француз тили ҳамда урф-одатларини ўзлаштириб олдилар. Янги француз-нормандия герцоглигини Шимолий Франциядаги энг кучли феодал князлиги бўлиб қолди; бу янги князлик расман Каролингларга вассал-тобе эди, амалда эса уларга мутлақо тобе бўлмай, баъзан Парижнинг ўзини ҳам босиб олиш хавфини солиб турди.

Капетингларнинг идора қила бошлаши. Ахир оқибатда Каролинглар ҳам Меровингларнинг кунига тушди. Сўнгги Каролинглар ҳам бутунлай ночор ҳолга тушиб қолди. X асрнинг охирида уларнинг ерлари Франциянинг шимолидаги Лан шаҳрининг ўзи билангина чекланиб қолди, десак бўлади. Сўнгги Каролинг Людовик V Ялқов ўлгандан кейин граф Роберт Зўрнинг наслларидан бири бўлган Гуго Капет номли киши 987 йилда зодагонлар ва руҳонийлар йиғилиши томонидан Франция қироли қилиб сайланди. Шундай қилиб, Францияни янги династия — Капетинглар династияси идора қила бошлади. Биринчи вақтларда Капетинглар ҳокимияти жуда кучсиз бўлди. Анча кейинроқ бориб, XII ва XIII асрлардагина бу династия қаддини ростлаб олган шаҳарларга суяниб туриб, Францияни бирлаштиришга ва марказлашган давлатга асос солишга муваффақ бўлди.

V БОБ

X—XI АСРЛАРДА ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ ВА ПАПАЛИК

X—XI АСРЛАРДА ГЕРМАНИЯДА ФЕОДАЛ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

843 йилда Верденда бўлган тақсимотга мувофиқ «Шарқий Франк ерлари» (бўлғуси Германия территорияси назарда тутилган эди) Людовик Немисга (ёки немисча, Людвигга) ўтди. Аслида бу ерлар бир неча қабилавий князликларнинг — герцоглик-

ларнинг ерлари эди. Мамлакатнинг ҳеч қандай миллий бирлиги тўғрисида у вақтда сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Герцогликлар шимолдан-жанубга қараб қуйидаги тартибда жойлашган эди: Саксония, Франкония, Швабия (илгариги Аллемания), Бавария. Бирмунча кейинроқ бориб ғарбда жойлашган бешинчи бир герцоглик — Лотарингия қўшиб олинди.

Феодаллашув процесси. Рейннинг нариги томонидаги ерларда феодаллашув процесси Франциядагига қараганда сустроқ бўлди. Ҳатто X асрнинг бошларида ҳам Германия, у қадар феодаллашмаган эди. Жамоаларга — маркаларга уюшган эркин деҳқонлар узоқ вақтгача ўз мустақилликларини сақлаб келдилар. Крепостнойлаштириш йўлидаги уринишларга деҳқонлар катта қўзғолонлар кўтариш билан жавоб бердилар. Шундай катта қўзғолонлардан бири, масалан, 841—842 йилларда Саксонияда бўлиб, у «Стеллинг» деган ном билан машҳурдир. Бу қўзғолон деҳқон жамоаларининг иттифоқи бўлиб, бу иттифоқ эски мажусийлик байроғи остида иш кўрган эди, бу иттифоқ ҳам келгинди франк зодагонларига, ҳам маҳаллий сакс зодагонларига қарши қаратилган эди.

Рим таъсирини ўтказишнинг, жумладан, хусусий мулкчиликнинг ва ерга биркитиб қўйиб шахсий қарам қилишнинг янги формаларини киритиш Рейннинг нариги томонида анча секин амалга оширилмоқда эди. Бироқ X ва XI асрларда бу ерда ҳам феодаллашув анча муваффақият қозонди. Марка, яъни жамоа тушкунликка юз тутди. Катта дунёвий ва черков ер эгалари тобора кўп ерни ўз қўлига ола борди. Деҳқонларнинг илгариги чек ерлари — гуфа — майдаланиб борди. Хусусий мулкчиликнинг ривожланиши орқасида ер қўлдан-қўлга ўта бошлади. Деҳқонларнинг бир қисми ўз еридан ажраб феодал ер эгаларига қарам бўлиб қолди. Коммендация, яъни ўзини қудратли қўшнисининг, йирик ер эгасининг ҳомийлигига топшириши, имунитет, яъни ер эгасининг давлат функцияларини олиб бориши ва биринчи навбатда теварак-атрофдаги аҳолини суд қилиши, Рейн бўйидаги черков ерларида (асосан Франконияда) жуда ҳам авж олиб кетган прекарийлик муносабатлари X—XI асрларда Рейннинг нариги томонида тобора тез-тез учрайдиган бўлди. Бу процессларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, юз-икки юз йил илгари ғарбий Франк давлатида феодал муносабатлар қандай авж олган бўлса, Германияда ҳам, гарчи кечикиб бўлса-да, шундай авж олди. Германияда катта ер эгаллигининг авж олишида король хазинасига қарашли ерларнинг талон-торож қилиниши катта роль ўйнади, Каролингларнинг кейинги кучсиз короллари бу ерларни ўз қўлларида сақлаб қололмади. Шу билан бир вақтда герман феодалларининг шарқда славянлар ва венгрларга қарши, жанубда Италияга қарши олиб бораётган урушлари кенгайган сари, Германияда рицарлик ҳам тобора зўр бериб авк олди. Фақат зодагонлар хонадонларининг кичик аъзолари, фақат майда поместьели дворян типидagi ер эгаларигина эмас, балки

от ва бошқа ҳарбий анжомлар топишга қурби етадиган энг тўқ эркин деҳқонлар ҳам рицарларга айланди. Немис рицарлари составига ҳатто министриаллар деб аталадиган кишиларнинг, яъни ҳовли хизматкорларининг, эрксиз хизматкорларнинг бир қисми (бу министриаллар хўжайинлари билан бирга урушга бориб, уларга аслаҳадор бўлиб хизмат қилардилар), ҳатто малайлар ҳам киритилди. XII асрдаёқ Германияда рицарлар «зоти улуг» ва «зоти паст» рицарларга (Edelritter ва Knechtritter) ажратилган эди. Фақат XIII асрдагина рицарларнинг иккала хили бир-бирига батомом қўшилиб кетиб, ягона рицарларга айланди.

Германияда феодал муносабатлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари сифатида черков ерларида ташкил топган фогт деб аталадиган ер эгалигининг кенг тарқалганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Дастлаб фогтлар черковда хизмат қилар, у ерда ҳарбий ва судьялик вазифаларини адо этар эдилар (advocati ecclesiae) ва бунинг эвазига черков ерларининг бир қисмини фойдаланиш учун олар эдилар. Кейинчалик бу ерлар наслдан-наслга ўтадиган феодал ерларига айландилар, фогтларнинг ўзлари эса ҳақиқий феодал бўлиб қолдилар.

Энг катта феодаллар — герцоглар (қабилаларнинг феодаллашган князлари) ва графлар (королнинг феодаллашган амалдорлари) феодал тарқоқлик намояндалари эди. Улар король ҳокимиятининг заифлашувидан манфаатдор эдилар. Натижада улар шунга эришдиларки, тез вақт ичида, X асрнинг бошларида Каролинглар Германияда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолдилар. Лекин Германияда X аср ўрталарида король ҳокимияти кучая бошлади. Бунинг сабаби шу эдики, бир томондан, энг кучли герцоглардан бири король бўлиб олди, унинг герцоглик территорияси король ҳокимиятининг аҳамиятини янада ошириш учун маълум бир моддий база бўлиб хизмат қилди. Иккинчи томондан, X—XIII асрларда герман феодаллари томонидан узоқ вақт олиб борилган узлуксиз ва катта босқинчилик урушлари натижасида Германияда король ҳокимияти маълум давргача кучайиб борди.

Урушлар феодаллар кучини маълум даражада бирлаштиришни талаб қилар эди. Король эса уларга феодаллар лашкарининг саркардаси сифатида зарур эди. Бу нарса уларни королга бўйсунушга мажбур қиларди. Ниҳоят рицарларнинг сиёсий ролини ҳам эътиборга олиш керак. Рицарлар тобора кўпайиб, сословиё бўлиб уюшиб борган сари король ҳокимияти катта феодаллар билан тўқнашувда рицарларга таяна оларди. Халқ оммасини тутқунликка солиш давом этиб бораётган шароитда король ҳокимияти халқ ҳаракатига, деҳқонлар ҳаракатига қарши таянч сифатида феодалларнинг ҳаммасига ҳам — каттасига ҳам, кичигига ҳам зарур эди.

Саксонияликлар династиясининг идора этила бошланиши. 919 йилда феодал зодагонлар Саксония герцоги Генрих I Қуш-

бозни король қилиб сайлади. У саксонияликлар династиясида асос солди, бу династия 1024 йилгача идора қилди. Генрих I замонида (919—936) Германияда король ҳокимияти жуда авж олди. Саксония герцоглиги энг катта герцоглик бўлиб, Германиянинг бутун шимолий қисмини эгаллар эди. Бу ерда эркин деҳқонлар (фрилинглар ёки фрейманлар) анчагина сақланиб қолган бўлиб, булардан қисман отлик, қисман пиёда ҳарбий лашкарлар тузилди. Шу туфайли Саксония герцоглиги бошқа герцогликларга нисбатан анча мустақил герцоглик эди. Генрих I кенг миқёсда агрессив ташқи сиёсат юрита бошлади. Генрих I замонида Германия территорияси ғарбга ва шарққа қараб кенгайтирилди. Француз Каролингларнинг заифлигидан фойдаланиб, Генрих I улардан Лотарингияни тортиб олди. Шарқда эса у, Эльба дарёси бўйида яшаган ғарбий славянкаларга қарши агрессия бошлади. Генрих I Эльбадан ўтиб, славян қабиалари бўламиш лютничлар ерига бостириб кирди. Немислар славянларнинг Бранибор номли қалъасини босиб олди ва унга Бранденбург деб ном берилди. Эльбанинг нариги ёғидаги босиб олинган ерлар немисларнинг янада шарққа томон ҳужум қилиши (Draug nach Osten) учун плацдарм бўлди. Шундай қилиб, Генрих I немислар томонидан славянлар оламига қарши олиб борилган қонли урушлар даврини бошлаб берди. Генрих I шарқда славянлардан ташқари яна венгрларга қарши ҳам уруш олиб борди. 933 йилда у, Мерзебургга яқин бир жойда венгрларга қаттиқ зарба берди. Славянларга ва венгрларга қарши кураш вақтида Генрих I эркин деҳқонларнинг юқори табақаларидан, қисман министериялардан олинаниган рицарлар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Мудофаанинг иккинчи бир воситаси сифатида, у жуда кўп қалъалар — бурглар (айниқса, Саксония герцоглиги территориясида) қурдирди; бу қалъаларнинг бир қисми кейинча савдо-саноат шаҳарларига айланди.

Оттон I нинг идора қилиши. Генрих I нинг ўғли Оттон I (936—973) король ҳокимиятини мустаҳкамлашни давом эттирди. У, даставвал бошқа герцоглар устидан назоратни кучайтирди, бунинг учун никоҳ ва бошқа қариндошлик алоқаларидан фойдаланди. Король таъсирини бутун мамлакатга ёйишнинг иккинчи бир усули епископлик системаси бўлди. Оттон черков билан дўстона алоқа боғлади. У епископларга кенг миқёсда иммунитет ҳуқуқлар берди ва уларга жуда кўплаб ер улашди. Шу билан бирга епископларни ҳам унинг ўзи тайинларди. Черков ерларидан келадиган даромадлардан король хазинасига кўпдан-кўп ҳиссалар ажратилди. Шундай қилиб, Германияда черков манфаатлари билан давлат манфаатлари бир-бирига чапишиб кетди. Германиянинг турли областларидаги епископлар маҳаллий князларга — герцогларга эътибор бермай, бевосита королга бўйсундилар. Шу билан бир вақтда епископларнинг королга тобелиги уларнинг Рим папасига деярли бўйсунмай қўйишига олиб келди.

Оттон I отасининг агрессив ташқи сиёсатини давом эттирди. Оттон I замонида Эльбанинг нариги томонидаги славянларга қарши кураш янада кучли суратда давом этди. Эльбанинг нариги томонига немис колонистлари кўчиб келиб ўрнаша бошладилар. Славянларни мажбурий суратда христианлаштира бошладилар. Уларнинг энг яхши ерларини тортиб олиб, колонист-немисларга берар эдилар. Баъзан эса ҳатто немис феодаллари билан тинч муносабат ўрнатишга мойил бўлган славянларни ҳам қириб ташладилар. Масалан, 955 йилда маркграф Герон славянларнинг 30 га яқин князини ўз ҳузурига «зиёфат»га чақириб, шу ерда буйруқ бериб уларнинг ҳаммасини ўлдиртириб юборди.

Оттон I венгрларга қарши курашни давом эттирди. У 955 йилда Леха дарёси бўйида (Аугсбургга яқин бир жойда) венгрларга яна зарба беришга муваффақ бўлди. Шундан кейин венгрлар Германия ерларига ҳужум қилишни тўхтатдилар. Улар христианликни қабул қила бошладилар ва немисларнинг таъсирига ўта бошладилар, кейинчалик венгр феодаллари немисларнинг славянларга қарши олиб борган курашида бир неча марта немисларга иттифоқчи бўлдилар.

Лекин Оттон асосий эътиборини шарққа эмас, балки Италиянинг жанубига қаратди, чунки Италия герман императорларининг «дунёга ҳоким бўлиш» режаларида асосий ўрин тутар эди.

ИТАЛИЯГА ҚИДИНГАН ЮРИШЛАР ВА ГЕРМАНИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Италияда феодал муносабатлар ривожланишининг хусусиятлари. Италия X асрда анча феодаллашган эди. Бу ерда феодаллашиш процесси Германиядагига қараганда анча илгарилаб кетди. Италияда феодал муносабатлар жуда бошқача бир тарзда ўзига хос хусусиятлар билан бошланди. Лангобардлар ўз даврида Италиядаги қулдорлик тузумини узил-кесил тугатганлиги Шимолий ва Урта Италия деҳқонларининг аҳволига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ерда деҳқонлар бориб-бориб асоратга солинган бўлсалар-да, ҳар ҳолда бу ердаги крепостнойлик у қадар қаттиқ бўлмади; жумладан, бу ҳол шу нарсада ўз ифодасини топган эдики, деҳқонларнинг мажбуриятлари илгаригидек ўзбошимчалик билан бўлмасдан, балки аниқ бир нормага солинган эди. Иккинчи томондан, Италияда шаҳарлар анча эрта ривожлана бошлаганлиги сабабли крепостной деҳқонлар шаҳарларга кетиши, натурал мажбуриятни пул билан муддатидан илгари тўлаши, эркини сотиб олиши мумкин эди ва ҳоказолар. Италияда крепостной деҳқонлар билан бир қаторда крепостной бўлмаган, лекин еридан маҳрум қилинган деҳқонлар кўп эди. Бу деҳқонлар феодалларнинг ерларини маълум муддатга ер эгаси билан махсус тузилган ёзма шартнома — контракт (улар либелларлар деб аталарди ҳам)да кўрсатилган шартлар билан ижарага олар эдилар.

Умуман, Италия қишлоғи ўрта асрнинг бу илк даврида биқик бўлмай, балки шаҳарлар билан алоқа қилиб турар, у ерларга турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берар эди, аҳолиси эса вақт-вақти билан шаҳарларга кўчиб келар эди.

Италия феодаллари ҳам ўзига хос бир аҳволда эди. Шаҳарлар ривожланиб бораётган бир шароитда феодалларнинг бир қисми шаҳарларга кўчиб бориб, шаҳарликларнинг таъсирига берилиб кетар эди, шаҳарда яшаб турган рицарлар аста-секин шаҳарликлар билан чатишиб кетди. Италиянинг йирик дунёвий феодаллари — герцоглари, графлари, баронлари — жуда кўпчиликни ташкил этар эди. Италияда феодал муносабатларнинг жуда эрта ривожланиши уларни ҳозирнинг ўзидаёқ марказий король ҳокимиятидан мустақил қилиб қўйди. X асрда Каролинглар ҳокимияти ўз аҳамиятини бутунлай йўқотди. Йирик феодаллар мустақил бўлиб олиб, муттасил ўзаро урушлар билан банд бўлиб қолган эдилар, бу урушлардан мақсад — анча катта шаҳарлар ва мамлакатнинг энг муҳим савдо йўллари устидан ўз ҳукронликларини ўрнатиш эди.

Бироқ Италияда черков феодаллари: папалар, архиепископлар ва епископлар ҳамда монастирлар жуда ҳам кўп эди. Бу нарса дунёвий зодагонларни руҳоний феодалларга ҳам қарши кураш олиб боришга мажбур қилар эди, дунёвий феодалларга қараганда корпорация сифатида анча уюшган черков феодаллари ҳам бутун мамлакат устидан ўз назоратини сақлаб қолишга интилар эдилар. Шундай қилиб, X аср ўрталарида Италияда жуда хилма-хил ва кескин социал зиддиятлар юз бермоқда эди, бу ҳол унинг сиёсий тузумига ҳам таъсир қилмоқда эди.

Италия X асрда сиёсий жиҳатдан Европада энг тарқоқ бир мамлакат эди, деса бўлади. У жуда кўп мустақил герцоглик, маркзлик графлик ва епископликларга бўлиниб кетган эди. Ўрта Италиядаги папа давлати ҳам феодаллашган эди. Папалик тахти ҳар турли римлик аристократия хонадонлари ўртасидаги найранглар ва қонли урушларга сабаб бўлмоқда эди. Италия жанубий территориясининг бир қисми ҳали Византияга қарар эди, бир қисмини эса араблар босиб олган эди. Бироқ Италия сиёсий жиҳатдан шундай тарқоқ бўлишга қарамасдан, мамлакатда шаҳар ҳаёти зўр бериб тараққий этмоқда эди. Италия шаҳарлари ҳали ҳам Ўрта денгизда византияликлар ва араблар билан савдо қилар эди. Шаҳарларда турли хилдаги ҳунарлар ривожланмоқда эди. X асрда савдо ва шаҳарларнинг аҳамияти ҳали жуда кам бўлган Германияга нисбатан Италия герман феодалларига жуда катта бойликларга эга бўлган, зеб-зийнатли ва фаровон мамлакат бўлиб кўринар эди.

Оттон I нинг Италияга юриши. Империянинг қайта тикланиши. Шимолий Италия феодалларининг ўзаро уруш-жанжалларига аралашиб, Оттон I Италияга 951 йилда қўшин тортиб борди. У Павия шаҳрини олди, шимолий Италия князларидан бир нечтасини тор-мор қилиб, Прованс билан Италия короли Лотар-

нинг бева қолган хотини — королича Адельгейдага уйланди. Германиянинг шимолий Италияга таъсири ва герман королларининг Италия сиёсати деб аталмиш сиёсати ана шундан бошланди.

961 йилда Оттон Италияга яна юриш қилди. Бу сафар Оттонни йнгирма икки ёшли папа Иоанн XII ёрдамга чақирган эди, бу папага унинг ўз вассаллари — рим баронлари хавф солаётган эди. Карл Буюк ўлгандан кейин кучайган ва IX асрнинг ўрталарида диний ҳокимиятни дунёвий ҳокимиятдан устуң туради¹ деган назарияни кўтариб чиққан папаликнинг ўзи энди Италияда феодаллашув процессининг янада кучайиши муносабати билан қаттиқ кризисга учраб, король ҳокимиятининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолган эди. Оттон I Рим феодалларини бостириб, папани тахтга ўтказди. Бунга миннатдорлик билдириб, папа 962 йилнинг бошида Оттонга императорлик тожини кийгизди. Шундай қилиб, янги «империя тикланди». Шу нарса характерлики, илгари Карл Буюк бўлгани сингари, бу сафар ҳам Оттон Рим императори деб эълон қилинди (илгари Карл Буюк ҳам Рим императори деб эълон қилинган эди). Янги империяга «Муқаддас Рим империяси» деб ном берилди. Фақат кейинроқ бориб, XII асрдагина бу иборага икки сўз қўшилиб, «Герман миллатининг муқаддас Рим империяси»² деб аталадиган бўлди.

Деярли бутун Италия устидан назорат қилиш ҳуқуқини берадиган императорлик унвоининг қабул қилинишини Оттон ва унинг атрофидигилар энг катта ғалаба деб ҳисобладилар. Ҳақиқатда эса герман королларининг Италиядаги сиёсатида чуқур зиддиятлар бор эди. Италияда немис феодалларига жуда ҳам нафрат билан қарар эдилар. 964 йилда император Италияда йўқ вақтида вафот этган Иоанн XII ўрнига Оттон томонидан тайинланган янги папани танишдан Рим бош тортди. Кейинги йилн Оттон яна Италияга келганда Римни қаттиқ ҳужум билан зўрға олди. «Абадий шаҳар»нинг теварак-атрофи ва бутун Рим области жуда қаттиқ таланиб, харобазорга айлантирилди. Италия йилномачиларидан бири бу воқеани қуйидагича тасвирлади: «Шўринг қурсин, Рим. Қанча-қанча халқлар сени оёқ ости қилиб, эзиб келди. Энди сенга саксон короли эга бўлиб олди. Фарзандларинг қилич зарбаларидан ҳалок бўлди. Куч-қувватинг кўкка совурилди. Олтин, кумушларингни ажнабийлар ҳамёнига солиб олиб кетмоқда». Шу билан бир вақтда Византия билан араблар ҳам янги императорга қарши эди, улар ўзларининг Италиядаги таъсирини янги келгиндиларга бериб қўйишни истамас эдилар. Уғли Оттон II ни Византия маликаси Феофанияга уйлантириб, Оттон I Византия билан бўлган муносабатларини бирмунча вақтгача яхшилаб олишга муваффақ бўлди. Лекин араблар билан

¹ Бу назариянинг ифодачиси папа Николай I бўлган эди (858—867).

² Расмий ҳужжатларда ва ёзишмаларда герман императори «Рим короли» деб ҳам аталар эди.

бўлган муносабатлар эса қаттиқ уруш чиқиш хавфини солардики, бунга тайёвланиш керак эди. Шундай қилиб, император Италия билан тамомила овора бўлиб қолиб, Германиянинг ички ишларидан анча четлашиб қолди. Оттон I ўз короллигининг охириги бир неча йилини ҳеч қаёққа чиқмасдан Италиянинг ўзида ўтказишга мажбур бўлди.

X аср охири — XI аср бошларида Германия ва Италия. Оттон I нинг ўғли билан невараси — Оттон II ҳам, Оттон III ҳам бутунлай Италиядаги сиёсат билан банд бўлди. Оттон II жанубни қўлга киритишга ҳаракат қилди. У Неаполь билан Тарентни босиб олди. Лекин пировард-оқибатда 983 йилги араблар билан бўлган денгиз жангларида бирида мағлубиятга учради, орадан кўп ўтмай, Равеннада ёш ўлиб жетди. Отаси ўлганда Оттон III уч ёшли бола эди. Онаси императрица Феофания регент бўлиб идора қила бошлади. Лекин унинг обрўси яхши эмас эди. Император-король ҳокимиятининг заифлашганлигидан фойдаланиб, герман герцоглари ўз князликларини бутунлай мустақил ҳокимлар сифатида идора қила бошладилар.

Германларнинг асосий кучи жанубга кетганлигидан фойдаланиб, 983 йилда полаб славянлари — бодричлар билан люттичлар — герман феодалларига қарши қўзғолон кўтардилар. Ундан кейинги йилларда улар немисларни яна Эльба дарёсининг нариги томонига (бунга лужичанлар территорияси кирмайди) бутунлай суриб чиқардилар. Шу билан немисларнинг «шарққа тазйиқ қилиши» деярли юз эллик йилгача тўхтатиб қўйилди.

Лекин Италияда ҳам герман феодалларининг аҳволи унча яхши эмас эди. Денгиз воситалари етишмаслиги сабабли арабларга қарши ҳужумдан воз кечишга тўғри келди. Италия аҳолиси чет элликларнинг ҳокимиятига душманлик назари билан қарар эди. 997 йилда Римда Оттон III га қарши жуда катта фитна уюштирилди.

Фитна фош этилди ва асосий фитначилар қатл қилинди. 1001 йилда Оттон III ўзининг асосий резиденцияси Римда бутунлай қолиш учун Германиядан Италияга келди. Бироқ римликлар унга қарши бош кўтариб чиқдилар ва император саройини қамал қилдилар. Шундан кейин Оттон III Римда қолишдан қўрқиб, Равеннага кўчиб борди, орадан кўп ўтмай (1002 й.) вафот этди. Шундай қилиб, Оттон III нинг буюк давлатчилик плани тамоман барбод бўлди. Саксония династиясига мансуб бўлган охириги император Генрих II (1002—1024) анча эҳтиёткорлик билан сиёсат юргизди. У Италиядаги катта феодаллар ва шахарликларнинг ўзига вассал қарамлиги билан кифояланди. Ўзи эса Германияда яшаб, ҳар турли ён беришлар билан герман герцогларини ўзига итоат эттиришга ҳаракат қилди.

Франкония династиясининг идора қилиниши. 1024—1125 йиллар даврида Германияда иккинчи бир маҳаллий династия — Франкония герцоглари династияси идора қилди. Франкония Саксониядан кейин иккинчи ўринда турган энг катта герцоглик бў-

либ, унда руҳонийлар, епископлар ва монастирларнинг жуда кўп ерлари, кўпдан-кўп рейнлик рицарлар, савдо аҳамиятига эга бўла бошлаган жуда кўп Рейн бўйи шаҳарлари бор эди. Дастлабки вакиллари Конрад II (1024—1039) ва Генрих III (1039—1056) бўлган янги династия даставвал рицарларга суянди. Конрад II император рицарлари сонини кўпайтиришга айнақса қаттиқ ҳаракат қилди, бу рицарлар ленларни (рицарларга бериладиган чек ерларни) бевосита королнинг ўзидан олар эдилар.

Конрад II яна қонун чиқариб, рицар феодалларини наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган қилиб қўйди. Италиянинг йирик феодалларига қарши курашда Италия рицарлари-вавассорларни король томонига оғдириб олиш мақсадида Конрад II бу қонунни дастлаб 1037 йилда Италия учун чиқарган эди. Сўнгра, орадан кўп вақт ўтмай, бу янги қонун Германияга ҳам татбиқ қилинди. 1034 йилда Конрад жанубда Сон ва Рона дарёлари ҳавзасидаги бутун бошлиқ Бургундия короллигини¹, шунингдек Провансни қўшиб олишга муваффақ бўлди (Германиянинг Провансдаги таъсири Оттон I Прованс короличаси Адельгейдага уйланган вақтдан бошланган эди). Генрих III Чехия князи славян Бржетиславни ўзига вассал тарзида қарам қилиб олди (1041). У Польша билан Венгрияга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Германияда Франкония ерларидан ташқари, император Бавария ва Швабия герцогларини ҳамда жануби-шарқда янги бир герцогликни — Каринтияни ҳам бевосита назорат қилар эди. Фақат Саксония, Лотарингия ва Бургундиягина илгариги автономиялик ҳолатини сақлаб қолган эди. Бироқ Генрих III Саксония герцоглиги устидан назорат ўрнатишга интилиб, бу герцогликда ҳам мустақкам король қасрлари қурди. Генрих III кўпайиб бораётган рицарларга таяниш билан бирга, ўз иттифоқчиси бўлган черков хизматларидан фойдаланишни ҳам давом эттирди. Папаларни ҳам унинг ўзи тайинларди ва шу билан бирга, папалар кўпинча немис епископларидан бўларди.

Лекин Франкония династияси идора қила бошлаган даврда империянинг юксалиши ва марказлаштириш соҳасида эришилган баъзи муваффақиятлар дунёвий ва руҳоний зодагонлар ўртасидаги кураш натижасида барбод бўлди. Генрих III нинг ўғли — Генрих IV замонида (1056—1106) император билан папалар ўртасида узоқ давом этган қаттиқ кураш бошланди, бу кураш герман феодалларининг Италиядаги босқинчилик авантюралари натижасида оғирлашиб кетди ва бу ҳол оқибат-натижада император ҳокимиятини заифлаштириб юборди.

¹ Бургундия короллигининг бу вақтдаги яна бошқача номи Арель короллиги деб юритилар эди, бу ном асосий шаҳар бўлган Арель шаҳари номидан олинган эди.

ПАПАЛАР ВА ИМПЕРАТОРЛАРНИНГ ИНВЕСТИТУРА УЧУН КУРАШИ

Клюнийчилик ҳаракати ва Григорий VII реформалари. XI асрнинг ўрталарида католик черкови алоҳида бир ҳолатда эди. Бир томондан, бу вақтда черков ўз таъсирини бутун Ғарбий Европага ёйган эди. XI асрда Скандинавия халқлари, Венгрия, Польша христианликни узил-кесил қабул қилди; Пиреней ярим оролининг анчагина қисми мусулмон-арабларнинг ҳукмроплигидан халос бўлган эди. Черковнинг Европадаги турли мамлакатларда жуда кўп ерлари бор эди. Уни бир марказдан туриб Рим папаси бошқарар эди. Католик черковининг идеологлари IX асрдаёқ, черков (папа) ҳокимияти дунёвий ҳокимиятдан (император ва король ҳокимиятидан) юқори туради, деб очиқдан-очиқ баён қилган эдилар. Бироқ ҳақиқатда эса папалик бундай ҳокимиятга эга эмас эди. Папалар одатда Рим руҳонийлари ва Рим дунёвий зодагонлари томонидан сайланар эди. Папа сайлашнинг қатъий бир тартиб-қондаси йўқлиги натижасида бу сайловлар узлуксиз ўзаро урушларга айланиб кетар ва бу нарса императорларнинг Рим курияси¹ ишларига аралашшига имкон берар эди. Католик черковининг ерлари кўп эди, лекин бу ерлар дунёвий ҳокимиятнинг лени деб ҳисобланар эди. Германияда эса императорнинг дунёвий вассаллари қўлидаги ерлардан кўра, черков ерлари кўпроқ император ихтиёрида эди («Оттон I нинг епископлик системаси»). Император черков ерларини давлатга қарашли король ерларининг кўп турларидан бири, деб қарар эди.

Черков доираларида бир ҳаракат вужудга келиб, бу ҳаракат юқорида кўрсатиб ўтилган зиддиятларни ҳал қилишни, папанинг черков устидан бўлган ҳокимиятини кучайтиришни ва черковнинг ўзининг дунёвий ҳокимиятдан мустақиллигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу кайфиятларнинг ифодачиси Клюний монастирининг монахлари бўлди, бу монастирь Бургундияда (Франция составига кирган қисмида, Макон шаҳрига яқин бир жойда) энг катта монастирь эди. Клюний монастири X асрнинг охириларидаёқ катта ва жуда бой монастирь эди. XI—XII асрларда Клюний монахлари Франция, Германия ва Италияда ўнлаб янги монастирлар очиб, алоҳида бир монастирлар федерациясини туздилар, бу федерация папанинг махсус ҳомийлиги остида эди. Клюнийчилардан бири, Гильдебранд номли итальян (тосканалик) бир гуруҳ ҳамфикрлари билан биргаликда 25 йил давомида папа куриясида бир нечта папа даврида раҳбарлик мавқеини эгаллаб келди. Пировардида Гильдебранднинг ўзи папа бўлиб, Григорий VII (1073—1085) деган ном олди. Григорий VII ҳар қанақа келишишни ҳам ёмон кўрадиган, мустақкам

¹ Рим курияси — папа саройининг, папа маслаҳатчиларининг ва католик черковининг бутун марказий маъмурий-черков аппаратининг умумий номи.

иродали, ўжар фанатик, жуда кескин киши бўлиб, теократик идеяларни батамом ўзлаштириб олган эди. У папалар ўз ҳукми билан короллар ва императорларни тахтдан тушириши мумкин, лекин ўзи (папа) устидан бу дунёда ҳеч ким ҳеч қандай ҳукм чиқара олмайди, деб ҳисоблар эди. Императорлар билан короллар — папанинг вассали, папа эса уларга нисбатан сеньор, яъни ҳукмдор, дер эди.

Григорий VII бир қанча муҳим реформалар ўтказди, унинг бу реформалари католицизмни марказлаштириш ва жипслаштиришга ёрдам берди. Ҳаммадан буруп унинг таклифига мувофиқ 1059 йилда папа сайлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Энди папаларни кардиналларгина¹ сайлаши керак эди, кардиналлар паланинг гўё элий кенгаши эди (манбаларда бу кенгаш баъзан «Рим черковий сенати» деб ҳам юритиларди). Кардиналларнинг сайлов йиғилиши конклава деб аталар эди. Бу йиғилиш вазиятга қараб, Римда ёки Римдан ташқарида бўлиши мумкин эди. Янги сайлов тартибига кўра, императорнинг ва дунёвий зодагонларнинг папа сайловларида қатнашуви мутлақо мумкин эмас эди. Биргина шунинг ўзиёқ папаликнинг дунёвий ҳокимиятни назар-писанд қилмаганлигини кўрсатади. Ундан кейинги, 1060 йилги реформа руҳонийларнинг ўзини ипгизомга солиш мақсадида ўтказилди. Григорий VII декрет чиқариб, *ц е л и б а т* жорий қилди, яъни барча руҳонийларнинг қора руҳонийларнинг (монахларнинг) ҳам, оқ руҳонийларнинг ҳам, яъни барча кишиларнинг, шу жумладан, епископларнинг ҳам уйланмаслиги мажбурийдир, деган тартиб жорий қилди. Руҳонийларнинг уйланишини тақиқлаш черков ерларини даҳлсиз қилиб қўяр эди, чунки уйланган епископлар, одатда, мулкни ўз болаларига қолдиришга ҳаракат қилар эдилар. Ниҳоят, 1075 йилда Григорий VII янги сайланган епископга ёки аббатга узук ва ҳасса шаклида император ёки король томонидан берилиб келган дунёвий инвеститурани бекор қилиш тўғрисида декрет чиқарди. Шу вақтдан бошлаб инвеститурани — руҳонийларни вазифага тайинлаш ёрлиғини — фақат папанинг ўзигина берадиган бўлди.

Генрих IV нинг бош кўтариб чиқиши. Рим черковининг юқорида айтиб ўтилган реформаларидан дастлабки иккитасининг амалга ошувига шу нарса имкон бердики, бу вақтда император Генрих IV ҳали ёш эди. Генрих III ўлган йили у энди 6 ёшга кирган эди. Императорнинг ёшлигидан империядаги князлар фойдаланиб қолди, натижада Германияда XI асрнинг 50—60-йилларида сиёсий жиҳатдан тўла тартибсизлик ҳукм сурди.

Шунинг учун ҳам папалик узоқ вақтгача император ҳокимияти билан ҳисоблашмади. Бироқ Рим курияси инвеститурага оид

¹ Кардиналлар — католик черковининг энг юқори мансабдаги руҳонийси, кардиналларнинг бир қисми (ресвитер-кардинал ва диакон-кардинал) епископлик унвонига эга бўлмаса-да вилоят епископларидан юқори турар эдилар.

учинчи реформага ўтган вақтда, энди балоғатга етган Генрих IV бунга қаттиқ норозилик билдирди. 1076 йилнинг бошларида Вормсда бўлган черков йиғилишида (бу йиғилишга герман епископлари ва зодагонларининг юқори табақалари тўпланган эди) императорнинг талаби билан Григорий VII ўрнидан туширилди. Григорий VII ҳам бунга жавобан Франция ва Италия епископларининг Римда бўлган йиғилишида Генрих IV нинг ўзини тахтдан туширилган деб эълон қилиб, унинг фуқароларини содиқлик тўғрисида аввал ичган қасамларидан халос қилди. Шундай қилиб, папа билан император ўртасида кураш бошланиб, бу кураш деярли ярим аср давом этди.

Саксонияликларнинг 1073—1075 йиллардаги қўзғолони. Император билан папа ўртасидаги курашнинг кескинлашув сабабларини тушуниш учун императорнинг ўзининг 70-йилларда Германияда олиб борган сиёсатини билиб олиш керак. Генрих IV қаттиқ қўл ва шуҳратпараст король эди. Отаси Генрих III сингари, у ҳам феодал зодагонларнинг ўзбошимчалигини жиловлашга ҳаракат қилди. Унинг даврида короллик — императорлик ҳокимиятининг таъсири Франкониядан ташқари, қўшни Швабияда, шунингдек, Саксонияда ҳам кучайиб борди. Генрих IV Саксонияни бўйсундиришни ўз олдига энг биринчи сиёсий вазифа қилиб қўйди. У Ғарбий Саксонияда янгидан-янги император қасрлари куришни давом эттирди, саройини шу ерга кўчириб борди ва босиб олинган мамлакатда қандай хўжайинлик қилса, бу ерда ҳам худди шундай хўжайинлик қилди. Саксонияда император поместьеларининг сони борган сари ортиб борди (XI асрнинг охирида императорнинг Франкониядаги ерларида қанча поместьеси бўлса, Саксонияда ҳам шунча поместьеси бор эди деса бўлади). Император Саксониянинг бой ўрмонларини тортиб олиб, ўз мулкига айлантира бошлади. Анча қисми ҳали эркин бўлган саксон деҳқонларига жуда оғир император солиғи (сепсус) солинди. Императорга қарашли имениеларни бошқарувчи министераллар деҳқонларнинг жамоа ери-сувларидан фойдаланишдан қийинлаштириб қўйди. Бирор сабаб билан ўз еридан ажраган эркин деҳқонларнинг — фрейманларнинг бир қисми қарам кишиларга ёки ҳатто — «франклар» ва «шваблар» учун баршчина мажбурияти ўташга мажбур бўлган крепостнойларга айлантирила бошлади. Деҳқонларнинг императорга ва унинг амалдорларига — министераллар ва фогтлар (епископлар номидан черковга қарашли ерларни бошқарувчилар)га ва шу кабиларга нафрат кўзи билан қараш табиий эди. Саксонияга суқилиб кириб бораётган Франк ва Швабия феодалларини улар деҳқон жамоаларига зулм қилувчи ва уларни эзувчи асосий зolimлар деб ҳисоблардилар. Тўғри, бу вақтда Саксония зодагонлари ҳам крепостник феодалларга айлана бошлаган эди. Лекин императорга, епископларга ва монастырларга қараганда Саксония феодалларининг ерлари бирмунча кам эди. Саксония феодаллари ҳам императорга ва унинг атрофидагиларга нафрат

кўзи билан қарар эди, уларга Саксонияни эксплуатация қилувчи ажнабийлар деб қарар эди. Шунинг учун ҳам Саксонияда 1073—1075 йилларда кўзғолон кўтарилди, бу кўзғолонда маҳаллий деҳқонлар ҳам, маҳаллий феодаллар ҳам қатнашди. Кўзғолон 1073 йилнинг августида кўтарилди. У шу қадар шиддатли ва катта кўзғолон бўлдики, Генрих IV нинг ўзи ҳам кўзғолончилар кўлига асир тушишига сал қолди. У зўр қийинчилик билан ва жуда катта хавф-хатар остида Саксониядан қочиб жон сақлаб қолди. Деҳқонлар император қасрларидан бир нечасини вайрон қилдилар, императорга қарашли кўпгина поместьелардаги хўжалик биноларига ўт қўйдилар, бу вақтгача тўлаб келган тўлов ва баршчицаларини тўламай қўйдилар.

Бироқ деҳқонларнинг актив ҳаракати сакс феодалларини қўрқувга солди. Деҳқонларга билдирмасдан туриб, феодаллар император билан музокара бошлаб, уни ўзларига кўпроқ ён бердиришга ҳаракат қилдилар. Сакс зодагонлари императорга қарши уруш ҳаракатларини суствлик, бўшаглик билан олиб борди. Генрих IV эса буларнинг ҳаммасидан жуда усталик билан фойдаланди. 1075 йил ёзининг бошларида у, бир қисми императорнинг франкониялик рицарлардан, бир қисми Швабия тоғликларидан иборат бўлган катта қўшин билан Саксонияга бостириб кирди. 1075 йил 9 июнда Лангензольц деган жой яқинида кўзғолончиларнинг асосан деҳқонлардан иборат бўлган қўшинларини тормор қилди. Деҳқонларга қўшилмай, ўзларича алоҳида жанг қилган сакс феодаллари ҳам мағлубиятга учрадилар. Лекин улар деҳқонларга қараганда оз талафот кўрдилар. Кўзғолончи деҳқонлар мағлубиятга учраш натижасида жуда катта талафот кўрдилар, улардан бир неча минг киши ҳалок бўлди.

1075 йилнинг иккинчи ярмида Генрих IV Саксонияга бутунлай хўжайин бўлиб олди. Бу ўлка жуда қаттиқ таланди ва вайрон қилинди. Саксония яқин орада Франконияга қўшилиб кетадигандай кўринган эди. Генрих IV сакслар устидан галаба қозонгач, ўзини Григорий VII га нисбатан ҳам ҳужум сиёсати юритиш учун етарли даражада кучга эгаман, деб ҳис қилди.

Каносса. Бироқ императорнинг папага қарши кураш олиб бориши осон бўлмади. Императорнинг тарафдорлари кўп эди, уни йирик феодалларнинг бир қисми (бирор жиҳатдан сарой билан боғланган феодаллар), епископларнинг кўпчилиги, монастирларнинг бир қисми, рицарлар, Рейн бўйидаги шаҳарлар қўллаб-қувватлар эди, лекин императорнинг душманлари ҳам оз эмас эди; йирик феодалларнинг кўпчилиги (булар орасида Генрих IV дан, айниқса, қаттиқ ғазабланган сакс феодаллари бор эди), монахлик қилувчи руҳонийларнинг кўпчилиги, италян ва қисман немис епископлари, Италия шаҳарларининг бир қанчаси унга душман эди. Императорнинг папага қарши кураши феодалларга қўл келиб, императорга қарши яна исён кўтариш учун яхши бир баҳона бўлди. Генрих IV жуда хатарли ҳолга тушиб қолди. Унда папа билан муросага келишдан бошқа илож қол-

мади. Император 1077 йили Италияга келиб, бир неча мулозимлар билан бирга 25 январда Каносса қасри (Тосканада)га борди. Григорий VII ўша вақтда шу қасрда эди. Тавба-тазарру қилувчи гуноҳлар либосида, яланг оёқ ҳолда император уч кунгача Каносса дарвозаси олдида турди. Шундан кейингина, ниҳоят, папа уни ўз ҳузурига киритди ва унинг гуноҳини бир қанча писандалар билан «кечирди». Шундай қилиб, Каносса дунёвий ҳокимиятнинг черков ҳокимияти олдида ер ўпиб бош эгиш тимсоли бўлди.

Лекин Каносса мустаҳкам тинчлик ўрната олмади. Генрих IV феодаллар лагерига келишмовчиликлардан фойдаланиб, орадан кўп вақт ўтмай, папа билан яна кураш бошлади. Шундан кейин Григорий VII князларни императорга содиқлик қасамидан халос қилиб, уларга дарҳол янги император сайлаб олишни таклиф этди. Феодаллар томонидан сайланган Рудольф Швабский Генрих IV га қарши уруш бошлади, лекин сал вақт ичида жанглардан бирида (1080 йилда) ҳалок бўлди. Шундан кейин Генрих IV ўзи ҳужумга ўтди. У катта қўшин билан Италияга бостириб кириб, 1084 йилда Римни эгаллади. Энди Григорий VII қамал ҳолатига тушиб қолди. Папа вассаллари бўлган Сицилия норманлари¹ ёрдамга келиб, Григорий VII ни асир тушишдан қутқариб қолди. У норманлар билан бирликда Италиянинг жанубига, Солерно шаҳарига қочди ва орадан кўп вақт ўтмай (1085 йилда) ўша ерда ўлди. У ўз ворисларига, императорга қарши курашни давом эттиришни васият қилиб кетди.

Вормс конкордати. Инвеститура учун кураш XI асрнинг охири ва XII асрнинг бошларида ҳам давом этди. Григорий VII нинг ворислари Генрих IV га қарши унинг ўз ўғлини — Генрих V ни қуроллантирдилар. Бироқ Генрих V отасининг ўрнига ўзи император бўлиб олгандан кейин, у ҳам инвеститурадан воз кечишни истамади. Генрих V короллик қилган даврнинг охириги вақтларидагина, 1122 йилда, у билан Каллист II ўртасида **В о р м с** **к о н к о р д а т и** деб ном олган келишув шартномаси тузилди.

Вормс конкордатида епископларнинг руҳонийлар томонидан сайланиши принцип қилиб белгиланди. Шу билан бирга, Германияда сайловлар императорнинг ўзи ёки унинг вакиллари иштирокида ўтказиладиган бўлди. Бургундия билан Италияда эса епископ сайлашда императорнинг қатнашиши кўзда тутилмади. Сўнгра император папа билан бўлган кураш вақтида ундан тортиб олинган черков мулкани қайтариб беришни ваъда қилди. Инвеституранинг ўзи эса конкордатга мувофиқ икки қисмга

¹ Норманлар Сицилияда 1000 йиллар атрофида пайло бўлдилар. XI асрнинг 30—40-йилларида улар Сицилияда ва Апеннин ярм оролининг жанубий қисмида герцоглик барпо қилдилар, у кейинчалик бориб королликка айланиб кетди. Рим папаси амалда тўла мустақил бўлган бу короллиқнинг ҳомийси-сеньори билан ҳисоблашиб иш тутар эди.

бўлинди — бир қисми черков инвеститураси (узук ва ҳассадан иборат) бўлиб, буни папа берадиган бўлди, иккинчи қисми дунёвий инвеститура (салтанат ҳассасидан иборат) бўлиб, буни император берадиган бўлди, император шу билан ўзининг епископлар усгидан сеньорлик ҳуқуқини таъкидлади.

Умуман олганда, конкордат императордан кўра папалар учун кўпроқ фойдали бўлди. Император ҳокимиятининг епископларга бўлган таъсири заифлашди. Черков ерларидан императорга тўланадиган тўловлар эса энди камайтирилиб, дунёвий ленчиларнинг мажбуриятларига тенглаштирилди, илгари эса дунёвийларнинг ерларидан олинадиган солиқларга қараганда черков ерларидан тўланадиган тўловлар анча ортиқ эди. Вормс конкордати натижасида Германиядаги черков феодаллари кучайди, улар ҳам ўзига хос маълум территория князларига айландилар. Бу кейинчалик императорларнинг феодал тарқоқликка қарши курашини қийинлаштирар эди.

Инвеститура масаласидаги ён беришдан ташқари, конкордатда императорга ноқулай бўлишига қарамай, Григорий VII амалга оширган бошқа реформаларга (папанинг қонқлав томонидан сайланиши, руҳонийларнинг умумий целиботи чақирилишига) ҳам папага нидамай ён берилган.

VI БОВ

XI АСР ЎРТАЛАРИГАЧА АНГЛИЯ

Англ-сакс истилоси ва англ-сакс королликлари. Рим легионлари Британиядан V асрнинг бошларидаёқ чиқиб кетган эди. Бироқ мамлакатнинг бир қанча майда королликларга бўлиниб кетишига сабаб бўлган «британия мустақиллиги» узоққа бормади. V асрнинг ўрталаридан бошлаб (449 йил атрофида) бу оролга турли хил шимоли-ғарбий герман қабилалари — англлар, сакслар, ютлар бостириб кира бошладилар. Орол оз-оздан истило қилиниб бориб, бу истило бутун бир асрга — VI асрнинг иккинчи ярмигача чўзилди. Англ-сакслар истилоси натижасида илгариги Британия территориясида ўндан ортиқ майда варвар герман королликлари вужудга келди; бу варвар королликлари энг чекка ғарбдан — Уэльс билан Корнуэлдан ва кельт королликлари сақланиб қолган энг чекка шимолдан — Шотландиядан ташқари, оролнинг бутун территориясини эгаллади. VII асрга келиб англ-сакс королликлари бир қадар йириклашиб, еттига (гелтархия деб аталадиган) королликни ташкил этди. Жанубда саксларнинг учта короллиги — Уэссекс, Сессекс, Эссекс (ғарбий, жанубий ва шарқий сакс) королликлари вужудга келди. Марказда ва шимоли-шарқда асосан англлар ўрнашган бўлиб, бу ерларда Мерсия, Нортумбрия ва Шарқий Англия



VII асрда Англия

тумбрияни босиб олди. Шарқий англлар короллиги ўз мустақиллигини бундан илгари йўқотган бўлиб, аввал Нортумбрияга, кейин эса Мерсияга бўйсунган эди. Уэссекс короли — бутун мамлакатни бирлаштирган киши — Экберт (802—839) эди. У мамлакатни бирлаштиришни 829 йилларда амалга оширди.

VI асрдан бошлаб англ-сакслар орасига христианлик кира бошлади. Бир қанча вақтгача Англияда иккита христиан черкови ўзаро кураш олиб борди: бири — V асрда ташкил топган ва шарқий грек черковлари билан ташкилий алоқада бўлган ирландия черкови, иккинчиси — папа томонидан Римдан юборилган миссионерлар ташкил этган рим черкови. Рим черковининг таъсири ғолиб чиқди, бунинг сабаби қиоман истилочилар билан, яъни англ-сакслар билан ороллардаги кельтлар ўртасида бўлган антагонизм бўлса, асосан рим черковининг кўпроқ марказлашганлиги ва аристократлашганлиги бўлди, англ-сакс короллари унинг епископларидан эътиборли сиёсий куч сифатида фойдаланишлари мумкин эди.

Данияликларга қарши олиб борилган кураш. Бирлашган англ-сакс короллиги ташкил топиши биланоқ данияликларга қарши қаттиқ кураш бошлашга мажбур бўлди. Данияликлар деганда Англияда фақат Скандинавиядан Ютландия ярим оролига кўчиб келиб ўрнашиб, бу ерда IX асрда кучли короллик тузган данияликларнинг ўзинигина эмас, балки яна скандинав-норвежлар ҳам назарда тутилган эди. Скандинав-норманларнинг Европа қитъасига — Францияга ва Жанубий Италияга қилган ҳужумлари тўғрисида юқорида гапириб ўтилган эди. Скандинавларнинг Британия оролларида қилган ҳужумлари ундан

королликлари ташкил топди. Ютлар чекка жануби-ғарбда муҳим территорияни, яъни Темза дарёси қуйиладиган жойни ишғол қилган кичик бир Кент короллигини туздилар. VII аср ичида ва VIII асрнинг биринчи ярмида асосий ролни шимолий королликлар — Нортумбрия ва Мерсия ўйнади. VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб гегемонлик жанубий королликлардан бирига — Уэссексга ўтди (унинг пойтахти Винчестер шаҳри эди). Уэссекс короллари дастлаб жанубни — Сессекс, Эссекс ва Кентни ўзига бўйсундирди, сўнгра IV асрнинг бошларида эса Мерсия билан Нортумбрияни босиб олди.

ҳам даҳшатлироқ бўлди. Улар Ирландияга, Шотландияга ва Англияга бир неча аср давомида жуда кўп ва даҳшатли ҳужумлар қилиб турдилар. Умуман олганда, данияликлар-скандинавларнинг Англияга қилган ҳужумлари камида 300 йил (VIII асрнинг иккинчи ярмидан то XI аср ўрталаригача) давом этди. Жуда кўп скандинавлар шимоли-шарқий Англияга ўрнашиб олиб, бу ўлканинг тараққийсига таъсир этди.

838 йилда Экберт данияликларнинг Англияга қилган ҳужумларидан бирини қайтара олди. Аммо 842 йилда улар орол ичкарисига яна бостириб кириб, Лондонга ўт қўйдилар, 866 йилда эса шимоли-шарқий қирғоқнинг ҳаммасини босиб олдилар. Данияликлар анча зич жойлашган бу территория бутун ўрта аср давомида Д а н и я г а қ а р а ш л и м и н т а қ а деган ном билан юритилар эди.

Альфред Буюкнинг идора қилиши. Король Альфред Буюк короллик қилган давр (871—900) англ-саксларнинг данияликларга қарши энг қаттиқ кураш олиб борган моментларидан бири бўлди. Альфред Буюкдан олдинги король Этельред I данияликларга қарши курашда ҳалок бўлди. Альфреднинг ўзи дастлаб данияликлардан жанубга қараб қочишга мажбур бўлди. Альфред бирмунча вақтгача данияликларга қарши партизан отрядлари, тарқоқ отрядлар воситаси билан кураш олиб борди. Фақат кейинроқ бориб у мунтазам урушга ўтиб, данияликларни Темзанинг нариги томонига улоқтириб ташлашга муваффақ бўлди. 879 йилда данияликлар билан сулҳ тузилди, бу сулҳга биноан мамлакат икки қисмга бўлинди: Англиянинг жануби-ғарбий қисми англ-саксларга, шимоли-шарқий қисми данияликларга бўлиб берилган эди. Данияликларга қарши курашишда Альфред қисман эски умумий халқ лашкарларига/таянди, қисман ҳарбий-феодал типигаги катта, ўртача ва майда ер эгаларидан иборат янги феодал қўшиннинг кучайтирилишини қувватлади. Шундай қилиб, Англияда рицарлар вужудга кела бошлади. Бундан ташқари, Альфред данияликларга қарши жуда кўп бурглар — қалъалар қуриб, уларга қўриқчи отрядлар қўйди ва денгиз қирғоқ бўйларини данияликлар ҳужумидан қўриқлаш учун денгиз флоти қура бошлади. У Англияда биринчи марта аҳолидан доимий солиқ олишни жорий қилди, бу солиқ «данияликлар пули», яъни данияликларга қарши курашиш учун йиғиладиган солиқ деб аталди. Франк короли Карл Буюк сингари, Альфред ҳам, илм-маърифатга ҳомийлик қилди. Унинг ўзи ҳам латин тилини яхши биларди. Альфред замонида баъзи латин авторларининг асарлари англ-сакс тилига таржима қилинди. Королнинг буйруғи билан давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим воқеаларнинг мунтазам йилномаси тузиб борилди. Саводли клириклар тайёрлаш учун епископлик кафедралари қошида янги мактаблар ташкил қилинди.

Альфред Кеит, Уэссекс ва Мерсиянинг қадимги қонунларини — ҳақиқатларини — тўплашни, унга анча кейин «Альфред

маидский «Эдуард васияти»ни пеш қилиб, тахтни зўрлик билан олишга қарор қилди. У 1066 йилда жуда кўп сонли француз кўшинлари билан Англияга бостириб кириб, Гастингс шаҳрига яқин бир жойда Гарольдни тор-мор қилди. Шундан кейин Вильгельм Лондонга йўл олди ва у ерда 1066 йил 25 декабрда Англия қороли деб эълон қилинди. Бу воқеа Англия тарихида англ-сакс даврининг ниҳояси, деб ҳисобланади.

Англ-саксларнинг ижтимоий тузуми. Феодаллашув процесси. Илк англ-сакс королликларининг ижтимоий тузумида узоқ вақт сақланиб келган уруғчилик муносабатларининг яққол аломатлари кўриниб турар эди. Жуда кўпдан-кўп «ҳақиқат»ларга, яъни VII—VIII асрлардаги турли англ-сакс королларининг қонулар тўпламларига асосланиб, англ-саксларнинг ижтимоий тузумини кўз олдимишга келтиришимиз мумкин: уларнинг ижтимоий тузуми кўп жиҳатдан франкларнинг «Сали Ҳақиқати»да тасвирланган ижтимоий тузумига ўхшар эди. Франклардаги сингари, англ-саксларда ҳам аҳолининг асосий оммаси (англ-сакс «ҳақиқатлари»да ишлатилган термин билан айтганда) эркин кишилардан — кёрллардан иборат эди. Булар мустақил деҳқонлар бўлиб, га й да деб аталган катта-катта ер участкаларига эга эдилар (баъзи королликларда ҳар бир кёрл оиласига тегишли катта чек ернинг миқдори 120 акр ёки бизнинг ҳисобимизча 50 гектар келар эди). Кёрлнинг вергельди 200 шиллинг эди. Зодагон кишининг — эрлнинг вергельди эса дастлаб фақат 400 шиллинг бўлган бўлса, кейинча 600 шиллингга, ундан кейин яна ошиб 1200 шиллингга етди. «Ҳақиқатлар»да кёрллардан ташқари, яна лэтлар ёки уиллар тилга олинади. Булар — ўз аҳволи жиҳатидан франк литларига ўхшаган ярим эркин кишилар эди. Уларнинг ўз ери бўлмай, маълум мажбурият эвазига эрлларнинг ерини ишлаб берар эдилар. Уларнинг вергельди 80 шиллинг атрофида эди. Лэтлар Британиянинг бўйсундирилган маҳаллий аҳолисидан келиб чиққан деб тахмин қилинади¹. Зодагон англ-саксларнинг, эрлларнинг (ва ҳатто баъзи бир энг бой кёрлларнинг) қуллари ҳам бўлиб, бу қулларнинг бир қисми ҳовлида хизмат қиладиган қуллар эди, бир қисми оброкчи қуллар бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланар эди.

Англ-сакс жамиятида жамоа ва бошқа маҳаллий бошқарув органлари жуда кўп эди. Буларнинг асосийси қишлоқ — тун эди. Бу қишлоқ — қишлоқ жамоасидан иборат бўлиб, унда ерсув бор эди, мунтазам суратда қишлоқ йиғини — галимот чақирилиб турарди, сайлаб қўйиладиган қишлоқ оқсоқоли (tunpcegefa) бўларди. Қишлоқ жамоаларининг вакиллари ойда бир марта юзбошилар мажлисига тўпланарди. Юзбошилар мажлисларидан юқори ўринда ҳар бир графликнинг халқ мажлиси бўлиб, бу мажлислар тарихий жиҳатдан қабилавий короллик-

¹ «Уиль» сўзи Британиянинг ғарбий қисми — Уэльсдан келиб чиққан дейдилар.

лар (folkmoet) давридан сақланиб қолган эди. Король вакили — графликнинг расмий бошлиғи, шериф¹ — ўз фаолиятида графликнинг бу кенгаши билан ҳисоблашиб туриши керак эди, бу кенгашда маҳаллий зодагонлар ҳал қилувчи таъсирга эга эди. Ниҳоят, король ҳузурида витенагемот — («донолар кенгаши») бутун бирлашган короллик зодагонларининг кенгаши чақирилиб турар эди. Витенагемот король ҳокимиятини жуда ҳам чеклаб қўйган эди. У, қонунларни тасдиқларди ва мамлакатнинг олий суд органи эди. Королларни сайлаш ва бирор гуноҳ қилиб қўйса, ўрнидан тушириш ҳам витенагемот қўлида эди, у тасдиқламаса, королнинг ҳеч қанақа инъоми амалга ошмас эди.

VIII ва IX асрларда, айниқса X асрда англ-саксларнинг патриархал жамоа тартиблари тобора тушкунлик сари юз тутди. Ҳали кучли бўлган қишлоқ жамоаси билан бир қаторда катта аристократик ер эгалиги авж олди. Король махсус ёрлиқлар бериб, ерни дунёвий зодагонларга ва черковга хусусий мулк қилиб бера бошлади. Одатдаги қонун-қондаларга асосланган ер мулкига, яъни жамоаларнинг, деҳқонларнинг ер мулкига (фольклендга) карама-қарши ўлароқ, мамлакатда помещчиклар мулки (бокленд), ерга король ёрлиғи — вос ёки боок асосида эгалик қилиш тобора кучайиб борди, король ернинг феодалларнинг хусусий мулки бўлишини тап олиш билан бирга, бокленд эгаларига кўпинча яна бир қанча имтиёз ва иммунитетлар (маҳаллий деҳқон аҳолисини суд қилиш ва улардан солиқ тўлаш ҳуқуқи) ҳам берди.

Деҳқонларнинг чек ери борган сари майдаланиб борди. Катта деҳқон оиласининг илгариги ўртача чек ери — гайда ўрнига IX—X асрларда ҳамма жойда деҳқонларнинг миқдор жиҳатидан анча оз бўлган янги чек ери — виргата учрайди (виргата — гайданинг тўртдан бир қисми).

Данияликларнинг ҳужумлари деҳқонларнинг аҳволига жуда ёмон таъсир қилди. Данияликлар ўз ҳужумлари вақтида деҳқонларнинг хўжалигини бутунлай вайрон қилардилар. Деҳқонлар бурглар, кўприклар ва йўллар қуриш, лашкарлар сафида туриб қўриқчилик қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ учун жуда кўп вақт сарфлашга мажбур эдилар. Тобора ортиб борган «данияликлар пули»ни ҳам шу деҳқонлар тўлардилар, бу «данияликлар пули» — ҳар бир чек ерга солинарди. Ниҳоят, данияликларга қарши олиб борилган узлуксиз урушлар вақтида жуда кўп рицарлар вужудга келиб, буларни таъминлаш ҳам шу деҳқонлар устига тушарди. Илгариги король дружиналари — гезитларнинг ўрнини олган король танлари ҳарбий-феодал типидagi ер эгаларига айланиб бордилар.

Занфлашиб қолган деҳқон жамоалари зодагонларнинг ҳомийлигига ўтишга мажбур бўлдилар. Англияда коммендация

¹ «Шериф» сўзи икки сўзнинг: gerefa («оқсоқол») ва shir (англ-саксча графлик номи) — «шайр» — «герофа» сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан.

ди. Бундай хусусий суд қилиш ҳуқуқи соқа деб, хусусий суд қилинган деҳқонлар соқменлар деб аталарди.

Ердор лордлар маанорлар (бу сўз ҳам англ-сакслар вақтида пайдо бўлди) деб аталган ўз поместьеларида қисман қуллар меҳнатини, қисман эса крепостнойлар меҳнатини эксплуатация қилардилар. 1000 йилга оид бир манбада¹ деҳқонларнинг турли гуруҳлари тасвирланади, лекин илгариги кёрлар деган ном ўрннга энди бу ҳужжатда генитлар ва гебурлар деган янги номлар ишлатилади; генитлар хусусий ер эгаси бўлиб, қисман королга, қисман ёнидаги лордларга солиқлар тўлаб турувчи эркин деҳқонлар эди, гебурлар эса ўз ери бўлмай, помещикларнинг ерида деҳқончилик қилиб, унга йил бўйи ҳар ҳафтада уч-тўрт кун жуда оғир баршчина ўтаб берувчи ва бундан ташқари, лордга мол, ғалла, пул шаклида турли хил солиқлар тўлаб турувчи деҳқонлар эди. Кам ерли деҳқонларнинг яна бир гуруҳи кассетлар (коттерлар) тилга олинади, буларнинг кичик бир парча ерлари ва кулбалари бўлиб, булар эвазига унча катта бўлмаган баршчина мажбуриятини ўтар эдилар.

Бироқ англ-саксларда феодаллашув процесси норманлар истилоси вақтида тугалланмаган эди. Деҳқонларнинг лоақал ярми ҳали эркин жамоа аъзоси бўлиб, уларнинг лордлар билан бўлган муносабати ҳали бутунлай крепостнойлик муносабатлари тусини олмаган эди, балки ҳомийлик муносабатларигина эди. Ҳатто крепостнойлаштирилган гебурларнинг аҳволи ҳам жуда турлича эди, ҳар манорда ҳар хил эди. Бир қанча жойларда улар қарам кишиларга ўхшар эди, лекин улар чинакам крепостнойлик ҳолатида эмас эди. Шимоли-шарқий Англияда, данияликлар ўрнашган минтақада эркин деҳқонлар («эркин кишилар») ҳали жуда кўп эди. Скандинавлар жамиятининг анча кейин тараққий қилиши, шарқий Англиядаги даниялик-скандинавиялик аҳолида уруғчилик тузуми элементларининг сақланиб қоллиши натижасида шундай ҳол юз бердики, ҳатто жануби-шарқдаги англ-сакс деҳқонлари илгариги эркинлик ва мустақиллигидан бутунлай маҳрум бўлган бир вақтда ҳам, «данияликлар минтақаси» даги деҳқонлар ўз мустақиллигини бирмунча сақлаб қолди.

VII БОБ

VI—XI АСРЛАРДА ҒАРБИЙ СЛАВЯНЛАР. ҒАРБИЙ ЕВРОПАДА СЛАВЯН ДАВЛАТЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

VI—VII асрларда славянлар. Славянлар VI—VII асрлардаги «кўчиш»дан кейин Ғарбий Европада жуда катта территорияни ишғол қилдилар. Ғарбда — Эльба бўйлаб кетган чегарадан,

¹ Бу манба «Айрим шахсларнинг бурчлари» («Rectitudines singularum personarum») деб аталар эди.

шарқда — Висла ҳавзасигача, шимолда — Балтика денгизи қирғоқларидан, жанубда — Дунайгача бўлган территорияда славянларнинг гарбий тармоғи деб аталган кўп сонли славян қабилалари (славянларнинг шарқий тармоғидан — рус славянларидан ҳамда жанубий, болқон славянларидан — болгарлар, серблар, хорватлардан фарқ қилиб) яшар эди. Гарбий славянларнинг ўзи яна уч группага: «Чехия-Моравия славянлари, Польша-Висла славянлари ва полаб-балтика бўйи славянларига бўлинар эди. Гарбий славянлар уруғчилик тузумининг тушқунлик босқичини бошидан кечираётган бўлиб, VII—IX асрлар ичида ўзларининг қабилавий иттифоқларини туздилар, бу қабилавий иттифоқлар вужудга келастган давлат формаларидан бири эди. X—XI асрларда феодаллашув процесси муносабати билан славянларда илк феодал давлатлари вужудга келди. Гарбий славян давлатларининг вужудга келишида ички шароитлардан, яъни ҳукмрон феодал ер эгалари синфининг ва шахсан қарам бўлган жамоачи деҳқонлар синфининг ташкил топишидан ташқари, славян қабилаларининг қўшни халқларга қарши, яъни славянларни забт этиб, қулликка солишга уринган халқларга қарши олиб борган қаттиқ кураши ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, гарбий славян давлатларининг вужудга келишини тезлаштирди. Аварларга, франкларга, венгрларга, айниқса герман феодалларига қарши олиб борилган кураш славянларни ўз давлатларини вужудга келтиришга мажбур қилди, бу давлатлар баъзи территория жиҳатдан жуда катта бўлди.

Князь Само давлати. Энг илк гарбий славян давлати Богемия (ёки Чехия) қабилалари иттифоқи бўлиб, бу иттифоқ VII асрнинг ўрталарида ҳукм сурган эди (бу давлат ҳақидаги маълумотлар бизга йилномаларда қолгандир). Бу иттифоқ славянларнинг аварларга қарши олиб борган кураши процессида вужудга келди (рус йилномаларида аварлар «обрлар» деб юритилади). Аварлар турк ирқига мансуб халқ бўлиб, Дунайга VI асрнинг иккинчи ярмида келдилар. VI асрнинг охирида — VII асрнинг бошларида улар бир қанча славян қабилаларини ўзларига бўйсундириб, бу қабилаларга хирож солдилар ва кўп кишини қул қилиб олдилар. Славянлар аварлар ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтариб, улардан озод бўлдилар ва жуда катта бир ҳарбий-қабилавий иттифоқ туздилар. Бу сиёсий иттифоққа Само деган бир князь бош бўлди. Бир франк йилномаси (Фредегар)да ёзилишича, Само франк савдогари бўлиб, славянлар билан савдо қилган ва кейин уларнинг ҳарбий бошлиғи бўлиб олган. Бироқ кўп тарихчилар жуда асосли равишда Самони аслида славянлардан чиққан деб ҳисоблайдилар. Само деган номнинг ўзаги славянча бўлганлигининг ўзи (Самослав, Самосвят деган исмлар славянларда кўп учрар эди), Самонинг маъжусий, яъни христианликдан олдинги тарздаги турмуш-маишати (бу ўша франк йилномасида таърифланган) ва унинг аварларгагина эмас, балки франкларнинг ўзига ҳам қарши уруш олиб

Улуғ Моравия иттифоқи деб аталган давлатга Моймир исмли бир князь (818—846) асос солган бўлиб, ундан кейин Ростислав (846—870) ва Святополк (870—894) деган князлар идора қилди. Бу князларнинг ҳаммаси ҳам немис феодалларига қарши қаттиқ кураш олиб борди. Улуғ Моравия давлати Ростислав ва Святополк замонида айниқса, катта муваффақиятларга эришди. Князликнинг пойтахти Велеград шаҳри эди. Улуғ Моравия давлатига морав ва чех қабилаларидан ташқари, яна серблар ва Лаба (Эльба) бўйидаги баъзи славянлар (Эльбанинг юқори ва қисман ўрта оқимида яшаган славянлар), поляк қабилаларининг бир қисми, Паннония, Словакия ва анча кейинги Галиция славянлари ҳам кирган эди. Славянларга қисман католик немис черкови орқали кираётган немислар таъсирига қарама-қарши ўлароқ, Ростислав Византия билан алоқа боғлади, христианликни тарғиб қилиш учун у ердан грек миссионерлари Константиин (бу кўпроқ Кирилл номи билан маъшурдир) ва Мефодийни чақириб келтирди.

Кирилл билан Мефодий Солунь шаҳридан чиққан греклар бўлиб, славян тилини яхши билар эдилар. Кирилл 855 йилларда Солунда славянлар учун алифбе тузди (у кириллица деб аталади), бу алифбега грек алифбесидаги ҳарфлар асос қилиб олинди. Кирилл билан Мефодий диний китобларни славян тилига таржима қилдилар. Кирилл билан Мефодий Моравияга 863 йилда келиб, дастлаб муваффақият қозонди. Ростислав уларга ҳар жиҳатдан ёрдам берди. Бир неча минг моравлар ва чехларни грек руҳонийлари чўқинтирди. Чўқинган, христианликни қабул қилган моравларнинг кўпи хат-саводни ўрганиб, руҳоний бўлди, яъни Кирилл билан Мефодийнинг ёрдамчиларига айланди. Шундай қилиб, Моравияда немисларнинг воситачилигисиз мустақил славян черкови вужудга кела бошлади. Шу билан бирга Моравиянинг Византия билан ҳамда қардош жанубий славянлар билан маданий ва сиёсий алоқасини янада мустақамлашига имкон туғила бошлади. Бироқ, орадан кўп вақт ўтмай, Кирилл ва Мефодий катта қийинчиликларга дуч келдилар.

Католик немис руҳонийлари уларнинг ишига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилишга уринди, бунинг учун папага улар устидан шикоят қилдилар.

Кирилл билан Мефодий жавоб бериш учун Римга боришга мажбур бўлдилар. Кирилл сал вақт ичида вафот этди (869 й.), Мефодий моравлар ўртасида тарғиб ишларини давом эттиришга пападан рухсат олди ва Моравияга архиепископ қилиб тайинланди. Бироқ Моравия давлатидаги сиёсий аҳвол боягидек жуда мураккаб ва зиддиятлигича қолаверди.

870 йилда Ростиславни ўз жияни Святополк немисларнинг ёрдами билан тахтдан туширди. Бироқ, орадан кўп вақт ўтмай, немислар Святополкдан ҳам қутулишга қарор қилдилар. У давлатга хиёнат қилганликда айбланиб, тахтдан туширилди ва Гер-

манияга олиб кетилди. Бутун Моравияни немислар эгаллаб олди ва уни идора қилиш учун немислардан иккита немис-граф тайинлади. Лекин Моравия иттифоқига кирган славянлар 871 йилда немислар зулмига қарши қўзғолон кўтардилар. Қўзғолончиларга Кирилл ва Мефодийнинг шогирдларидан Славомир бошчилик қилди. Немис феодаллари бу қўзғолонни бостириш учун Святополкнинг ўзидан фойдаланишга уриндилар. Аммо Святополк ёлғондан немисларга ёрдам беришга рози бўлди-ю, кейин ўзининг ҳамқабилалари томонига ўтиб, улар билан биргалликда немис феодалларига қарши кураш олиб борди.

Ахир оқибатда Германия короли (Людовик Немис) ён берди ва 874 йилда Святополк билан битим тузиб, уни мустақил Моравия князи деб тан олди. Кейинчалик Святополк Моравия давлатининг чегараларини анча кенгайтиришга, Лаба, Одер бўйларинда, Карпат этакларида яшовчи славянларни бўйсундиришга муваффақ бўлди, Святополк немислар назоратидан қутулишга муваффақ бўлди ва немисларнинг, бизга нтоаткор қурол бўлади, деган умидини пучга чиқарди. Бироқ, ҳар ҳолда у немис феодалларига бирмунча ён беришга мажбур бўлди. Бу ён беришдан бири шу бўлдики, Мефодийнинг фаолиятига зарар етказиб, католик черковининг фаолиятига эркинлик берилди. Мефодий ўлгандан кейин (885 й.) унинг шогирдлари Моравиядан бутунлай ҳайдаб чиқарилди. Улар Болгарияга кетдилар ва у ерда ҳам миллий славян-болгар черковини вужудга келтиришга ва илк славян-болгар ёзувини ривожлантиришга ёрдам бердилар.

Святополк Моравский ўлгандан кейин унинг ўғиллари бири бири билан уруш олиб бориб, князликни тезда заифлаштириб қўйдилар. Лекин Улуғ Моравия давлатининг ҳалок бўлишига, асосан IX асрнинг охирида Урта Дунайда венгрларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди, улар 906 йилда Моравия давлатини ғоят даражада хароб қилдилар. Моравиянинг венгрлар томонидан вайрон ва хароб қилиниши Моравия иттифоқининг парчаланиб кетишига сабаб бўлди.

Чехия давлатининг ташкил топиши. X асрнинг бошларида Улуғ Моравия давлатининг бир қисмидан Чехия князлиги вужудга келди. Чех князлари IX асрда ҳам бор эди, у вақтда улар ҳали Моравия князларига қарам эдилар. Чунончи, князь Боривой (874—879), унинг хотини княгина Людмила епископ Мефодийдан христианликни қабул қилганлар орасида тилга олинади.

IX асрнинг охириларида Чехияда бир қанча вақтгача иккита қабилавий иттифоқ: шимоли-ғарбда маркази Прага шаҳари бўлган асл чехлар иттифоқи ва жануби-шарқда маркази Либица шаҳари бўлган элчанлар иттифоқи ҳукм суриб келди. Чехиянинг шимоли-ғарбий қабилалар иттифоқи енгиб чиқди. Пшемисль хонадонига мансуб бўлган князлар X ва XI асрлар давомида (Боривой ҳам шу хонадонга мансуб эди) уруғ зодагонларига, яъни елхларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга

мажбур бўлдилар. Лехларга қарши олиб борилган бу кураш князлар — Болеслав I Даҳшатли (936—937) ва Болеслав II (967—999) замонда айниқса кескин тус олди. Бу кураш натижасида зличан қабилалари иттифоқига бошчилик қилган Славниковичларнинг бутун бир авлоди — лехлар қириб ташланди; Либица шаҳари вайрон қилинди (996 й.).

1041 йилда, яъни князь Бржетислав I замонда (1034—1055) Чехия князи билан Германия империяси ўртасида шундай муносабат ўрнатилдики, Чехия князи Германия империясига вассал бўлиб қолди. Князларнинг зодагонларга қарши олиб борган кураши Германия империясига Чехиянинг ички ишларига аралашувига имкон берди. Лекин Германия императорлари ҳам мустақамланиб олган Чехия князи билан иттифоқда бўлишга муҳтож эдилар. Шунинг учун Чехия князи Германиянинг бош герцоглари орасида алоҳида мавқега эга эди. 1086 йилда император Генрих IV князь Вратислав II га (1061—1092) короллик унвонини берди.

Чехия королликка айланди, бироқ империя системасида қола берди. Бу вақтда эски лех зодагонларининг кучи бутунлай синдирилган эди. Уларнинг ўрнини хизмат аҳли бўлган ердор янги зодагонлар олди, булар король ҳокимияти билан мустақам алоқада бўлиб, бу вақтда анчагина феодаллашиб қолган эдилар. Ғарбий Европанинг худди марказида жойлашган ўрта аср Чехия давлати сўнги юз йилликларда жуда тез ривожланди. Бироқ чех халқи ўсиб, улғайган сари унинг германлар таъсири билан келиша олмаслиги муқаррар равишда намоен бўлган эди, бу зиддиятлар негизида Чехиянинг Германиядан сиёсий қарамлиги ётар эди.

Польша давлатининг ташкил топиши. Чехия давлати билан бир вақтда яна битта ғарбий славян давлати — Польша ташкил топди. Бу давлат дастлаб Висла дарёси ҳавзасида яшовчи бир нечта қабиланинг, яъни поляклар (янги давлат шуларнинг номи билан аталди), слезанлар (ёки силезлар), куявлар, мазурлар (ёки мазовшанлар) ва бошқаларнинг иттифоқидан иборат бўлди. Польшанинг биринчи князи Пястлар хонадонига мансуб бўлган Мешко (Мечислав) бўлди. Мешко Буюк Польшанинг, Силезия, Мезовия ва Куявиянинг бир қисмини князь сифатида 960 йилдан 992 йилгача бошқарди.

966 йилда Мешко ўз дружинаси билан бирликда христианликни қабул қилди. Польша, шундай қилиб, католиклар мамлақати бўлиб қолди. Мешконинг ўғли ва вориси Болеслав I Ботир (992—1025) жуда кучли князь бўлиб, унинг жуда кўп (20 минг кишига яқин) дружинаси бор эди. Болеслав даврида Краков шаҳари билан бирга Малая Польша, шунингдек, бутун Силезия Польша давлати составига кирди. Болеслав славянларни — поморларни (Балтика денгизи қирғоқларида яшаган славянларни), полаб славянларининг (лужичанларнинг) бир қисмини бўйсундирди ва Червен шаҳарларини (ҳозирги Ғарбий

Украинада) босиб олди. Чехия билан Моравия ҳам бирмунча вақт унга тобе бўлди. Болеслав пападан короллик унвонини олди. Унинг вақтида Гнезниянинг архиепископи бевосита папага бўйсунга бошлади (бунгача Польша черкови немисларнинг Магдебург архиепископига тобе эди). Бироқ Болеслав ўлгандан кейин, у забот қилган ерларнинг кўп қисми ажралиб кетди. Феодаллашув процесси муносабати билан мамлакат кўп князларга удел бўлиб бўлиниб кетди. Польшадаги феодал тарқоқлик кўзга яққол ташланиб турди. Шундай бўлишига қарамай, Польша давлати каттагина территорияни ўз ичига олган эди. Дастлабки Польша иттифоқига кирган кўпдан-кўп қабилалар бора-бора қўшилиб, ягона поляк халқларига айланди. Польша давлати бутун ўрта аср давомида Германия империяси билан ҳеч қандай вассаллик муносабатида бўлмай, мустақил давлат бўлиб яшаб келди.

Полаб ва Балтика бўйи славянларининг давлат тузиш йўлидаги уринишлари. X—XI асрлар давомида гарбий славянлар — полаб славянлари ва Балтика бўйи славянлари ҳам давлат тузиш йўлида ҳаракат қилдилар. Лекин бу ҳаракатлар ҳеч қандай мустақкам давлат бирлашмаларини вужудга келтира олмади. Бунга немислар агрессияси халал берди, бу қабилалар энг оддий ҳарбий-қабилавий иттифоқлар босқичида турган вақтда немислар агрессиясига дучор бўлдилар. Давлат тузиш йўлидаги ҳаракатлардан помор славянларининг сиёсий иттифоқини кўрсатиб ўтиш керак. Помор славянлари немисларга, данияликларга, скандинавларга қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Мана шу асосда X асрда шарқий поморларда мустақкам князь ҳокимияти айниқса ривож топди. Бир немис хроникасида айтилишича, шарқий поморларнинг бош князида 40 минг кишидан иборат қўшин бўлган.

Шарқий Поморьеда Колобрег, Белград (ёки Белгард), Гданьск деган каттагина савдо шаҳарлари бўлиб, бу шаҳарлар қалъа ҳам эди. XI асрда шарқий поморлар Польшага бўйсуниб, XIII асрнинг ўрталаригача Польшанинг қўл остида бўлдилар.

Гарбий поморлар X—XI асрларда шаҳар федерацияси типига иттифоқ тузилар. Бу иттифоққа Волин, Шчечин, Камень ва бошқа шаҳарлар кирди. Бу шаҳарларда ҳокимият шаҳар аристократияси қўлида — маҳаллий савдогарлар, ер эгалари ва қисман қулдорлардан иборат бўлган «шаҳар катталари» қўлида бўлиб, булар маҳаллий князларни ҳам назорат қилиб турардилар, бу князликлар фақат ҳарбий роль ўйнар эдилар. Гарбий Поморье шаҳарларида веча бор эди, лекин бу вечаларда шаҳар аристократларнинг таъсири катта эди. Гарбий Поморье шаҳарларининг сиёсий тузуми баъзи жиҳатдан шимолий рус шаҳарларининг Новгород ва Псковнинг тузумига ўхшар эди.

Полаб славянларидаги королликлар ичида энг кучлиги Венд короллиги эди. Бу королликнинг асосини Эльба қуйи оқимининг ўнг қирғоғида яшовчи ободритлар иттифоқи ташкил этар эди. X

асрдаёқ кучли ободрит князлари Мстивой, Мстислав ва бошқалар донг чиқарган эди, бу князлар немис хроникаларида славян короллари (*reges slavorum*) деб аталади. XI асрда ободрит князларининг Готшалък (1030—1066), Крутой (1066—1093) ва Готшалъкнинг ўгли король Генрихдаъ (1093—1125) иборат бутун бир династияси вужудга келди. Генрих Готшалъкович расмий суратда вендлар (яъни венед славянлари) короли деб юритилар эди. Унга ободритлардан ташқари, лютичларнинг ҳам хийла қисми бўйсунар эди.

Ободрит князлари витязлардан тузилган ўз дружиналарига суяниб туриб, уруғ зодагонларига қарши кураш олиб борди. Ўз ҳокимиятини кучайтириш учун улар немис феодаллари билан ҳам иттифоқ тузди. Готшалък худди шу мақсадни кўзлаб королликлар маросими асосида христианликни қабул қилди. Бироқ христианлик мамлакатда жиддий қаршиликка учради. Князь Крутой эски «мажусийлар гуруҳи»га суяниб туриб, Готшалъкни ағдарди. Готшалъкнинг ўгли Генрих ҳам, Крутойнинг ўрнини эгаллаб, отасининг Германия билан яқинлашувига ва христианлаштирувга қаратилган сиёсатини давом эттирди. Бироқ немислар билан, жумладан немисларнинг католик черкови билан яқинлашув венд королларига ўз мустақилликларини сақлаб қолишда ёрдам бермади. XII асрда, немисларнинг «шарққа тазйиқи» яна бошланиши билан ободритларнинг ерлари биринчи навбатда истило қилиниб, немис феодаллари асорати остига тушиб қолди.

Қўйида, Византия тарихи гапирилган вақтда, жанубий славян мамлакатлари тарихи билан, хусусан Болгария тарихи билан танишамиз, Болгария Европадаги энг қадимги славян давлатларидан бири бўлиб, VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ тузилган эди.

Шу нарсани унутмаслигимиз керакки, шу VII—IX асрларда Шарқий Европада ҳам славян давлатлари ташкил топди, бу давлатлар кейинги вақтда вужудга келган қадимги улуғ Киев рус давлатининг бевосита ўтмишдоши эди.

VIII БОБ

X—XI АСРЛАРДА ФЕОДАЛ ЕВРОПА.

ФЕОДАЛ ЖАМИЯТИНИНГ ХАРАКТЕРЛИ ХУСУСИЯТИ

Феодализм системасининг қарор топиши. X—XI асрларда Фарбий Европа мамлакатларининг кўпчилигида феодализм таркиб топди. Феодал ишлаб чиқариш усули Европа жамиятида ҳукмрон ишлаб чиқариш усули бўлиб¹, бу ишлаб чиқариш усу-

¹ Феодал ишлаб чиқариш усулининг асосий хусусиятлари кўрсатиб берилган «Кириш» қисмига қаранг.

лининг характерли хусусиятлари қуйидагилардан иборат эди: йирик помешчик ер эгаллиги ҳукм сураб ва майда деҳқонлар ердан фойдаланар эди, меҳнаткашлар ишлаб чиқариш воситаларига боғланган эди (деҳқонлар чек ерга бириктирилган эди), гайри иқтисодий йўл билан мажбур қилиш ҳукм сураб эди (бунга мажбурий крепостной меҳнат — баршчина жуда яққол кўрсатиб туради), натурал хўжалик ҳукм сураб эди, қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик техникаси паст ва қолюқ эди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси. Рим империяси истило қилинган вақтда варварларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси қандай бўлган бўлса, Ғарбий Европа жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари X асрда унга қараганда анча ўсган эди. Бу вақтда қишлоқ хўжалигининг ривожини кўрсатадиган асосий нарса уч далали экиннинг тарқалиши эди. Уч далали система Каролинглар давридаги (IX аср) ҳужжатларда ҳам тилга олинади. X—XI асрларда бу система Европадаги бошқа мамлакатларга тарқалди. Бироқ кейинги вақтларда XII—XIII асрларда ҳам бу система икки далали системани, баъзи жойларда эса ҳатто ерни партов қилиш системасини ҳам бутунлай сиқиб чиқара олмади. Урта асрлар Европасида қишлоқ хўжалигининг ютуқларини кўрсатадиган иккинчи нарса ўтзорчилик, боғдорчилик, полизчиликнинг ривожланганлиги эди. Карл Буюkning машҳур «Поместьялар тўғрисидаги капитулярый»сининг айрим моддалари бунга жуда равшан далилдир. XI ва XII асрларда Англия, Франция ва Италияда агроном ёзувчилар бўлиб, уларнинг ҳосилни ошириш масалалари тўғрисида ёзган махсус трактатлари сақланиб қолган. Ҳосилни ошириш ер ҳайдашнинг сифатига боғлиқ эди. Шунинг учун X ва XI асрларда ер ҳайдашга қаттиқ эътибор берилар эди. Агар баҳори экин учун ер одатда бир марта (дон сепиш олдидан) ҳайдалса, кузги экин учун (бу асосий экин эди) ер икки марта, баъзан ҳатто уч марта ҳайдалар эди. Ернинг хусусиятига қараб, ер 6—8 ҳўкиз қўшилган плуг билан чуқур қилиб ёки бир жуфт ҳўкиз қўшилган плуг билан юзароқ қилиб ҳайдалар эди. Шу билан бир вақтда илғорроқ поместьяларда гўнг, қисман минерал (мергель) ўғит ишлатила бошлади. Ключний монастырининг ёзувларига кўра, жанубий Францияда донли ўсимликлар ҳосили XI асрда беш (сам) бошгача етиб борган, ҳосилсизроқ йилларда эса ҳосил одатда тўрт бош, уч бош ва ҳатто икки бош ҳам бўлган.

Шундай қилиб, Ғарбий Европанинг ишлаб чиқарувчи кучлари Рим империяси даврининг охириги асрларидагига ва халқларнинг Буюк кўчиши даври деб аталган даврдагига нисбатан анча ўсди. Экин майдонлари анча кенгайди. Уй ҳайвонларининг сонини кўпайди. Полизчилик ва боғдорчилик ривожланди, узумчилик кенг тарқалди. Европада аҳолининг ўзи ҳам жуда тез кўпайди. XI асрда янги ерлар ўзлаштириш керак бўлиб қолди.

Худди шу мақсад билан Европанинг деярли барча мамлакатларида ўрмонларнинг дарахтларини зўр бериб йиқитиш бошланди. Янги ишлаб чиқариш усули ўзидаги барча социал зиддиятларга ва жуда қаттиқ эксплуатация ҳукм суришига қарамасдан Европа мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминлаб, ишлаб чиқаришнинг аста-секин кенгайиб боришига имкон берди. Бироқ ўрта асрларнинг бу илк даврида ишлаб чиқарувчи кучлар ҳар ҳолда жуда секин ўсди. Варварлар Европасининг ниҳоят, уч далали системани ўзлаштириб олиши учун беш юз йил вақт кетди. Ўртача ҳосил (айниқса деҳқонлар ерида) ҳали ҳам жуда паст эди. Деҳқонлар табиатнинг стихияли кучларига тўла равишда қарам эди. X—XI асрлардаги Европада ҳосилсизлик, қаҳатчилик, очлик, эпидемиялар жуда тез-тез бўлиб турадиган ҳодиса эди. Бу нарса ўша вақтдаги хроникаларда жуда равшан акс эттирилган. Айрим область ва округлар хўжалигининг биқиқлиги ва натурал хўжалик ҳукм суриши туфайли, бир округда қаттиқ очарчилик бўлиб турган бир вақтда ундан 200—300 км наридаги иккинчи бир округда озиқ-овқат мўл-кўл бўлиши мумкин эди. Аҳоли оммасининг моддий турмуш даражаси жуда паст эди. Ўша вақтдаги деҳқонларнинг гоят катта кўпчилиги сифатсиз, кучсиз овқат еб, ёмон, жуда хароб кулбаларда яшар, қўлда ясалган бесўнақай жиҳозлар тутиб, дағал, қўлда тўқилган кийим, ёғоч кавуш (яъни усти кўп, таги ёғоч кавуш) кийиб турмуш кечирад эдилар.

Феодал поместьесининг тузилиши. Феодал поместьеси — вотчина (сеньория) одатда бир қишлоққа тўғри келиб, баъзан бир печа қишлоқдан иборат бўлар эди, камдан-кам ҳоллардагила қишлоқнинг бир қисмини ташкил қилар эди, поместье мазкур даврда асосий хўжалик, ижтимоий ва снэсий ячейка эди. Каролинглар замонидан қолган ҳужжатлардан маълум бўлшича, IX асрдаги сингари, бу даврда ҳам крепостной деҳқонлар ўзининг чек ерида деҳқончилик қилар эди ва бу ер эвазига хўжайиннинг ерини экиб берар ёки помешчикка қисман маҳсулот тарзида, қисман пул тарзида рента тўлар эди. Бироқ X—XI асрларда хўжайиннинг (домениал) ери VIII—IX асрлардагига қараганда қисқарган эди. Сеньор қолган ерини ҳам чек ер қилиб бўлиб беришни фойдалироқ деб билар эди. Лекин шу билан бирга у маҳсулот тарзида тўланадиган рентани кўпайтирдди. Қисман XI асрдаёқ баъзи жойларда натурал рентавар (баршчина шаклидаги ишлаб бериш рентаси ёки натура шаклидаги маҳсулот рентаси) ўрнига пул тўлаш, (пул рентаси) жорий қилина бошлади.

Крепостной деҳқонлар ҳаётининг ўзида ҳам ўзгаришлар юз берди. Каролинглар замонига оид ҳужжатларга қараб ҳукм чиқарганда қуллар билан илгариги эркин кишилардан чиққан қарам деҳқонлар IX асрга келибоқ умумий крепостнойлар оммаси бўлиб қўшилиб кетган эди. Бироқ крепостной деҳқонлар-

нинг бир қисми бир оз енгилроқ аҳволда бўлиб, бир қисми кейинги асрларда ҳам уларга қараганда оғирроқ ва ҳуқуқсизроқ аҳволда эди. Масалан, Францияда X—XI асрларда деҳқонлар икки категорияга: сервларга («серваж») ва вилларга бўлинган эди. Сервларнинг аҳволида юридик жиҳатдан ҳали баъзи қуллик аломатлари сақланиб қолган эди. Хўжайини розилик бермаса, сервнинг уйланишига ҳаққи йўқ эди. Феодал сервдан махсус жон (бош) солиғи олар эди. Сервнинг ўз мол-мулкни бировга васият қилиб қолдиришга ҳаққи йўқ эди.

Серв ўлгадан кейин унинг мол-мулки хўжайиннинг қўлига ўтар эди, хўжайин бу мол-мулкни меросхўрга бериб, undan ҳақ тарзида бир бош яхши мол олар эди. Вилланларнинг аҳволи бир оз дурустроқ эди. Улар шахсан эркин ҳисобланар эди, лекин ер масаласида қарам, тутқун эди. Уларнинг бажарадиган мажбурият ва тўловлари ер билан боғланган бўлиб, одатда муайян бир тарзда белгилаб қўйилган солиқ эди. Аммо ҳақиқий ҳаётига келганда сервлар билан виланлар бир-биридан унча фарқ қилмас эди. Улар ҳам, булар ҳам мустақил хўжалик юри-тар эди, уларнинг ҳам, буларнинг ҳам онласи, уй-жойи, моли ва ҳар турли оддий қишлоқ хўжалик асбоблари, ери бор эди. Бу жиҳатдан вилланлар ҳам, сервлар ҳам қадимги қуллик замонидаги қулларга қараганда бутунлай бошқача эди. Лекин шундай бўлса-да, виллан ҳам феодал-помешчик томонидан жуда қаттиқ эксплуатация қилинар эди, сервга қараганда виллан миқдор жиҳатидангина камроқ эксплуатация қилинар эди, холос. Энг муҳими шуки, виллан ҳам ерга бириктирилган бўлиб, унда ҳеч қандай шахсий эркинлик йўқ эди.

Крепостной деҳқонларнинг феодалларга қарши кураши. X—XI асрларда деҳқонлар орасида маълум даражада мулкый тенг-сизлик пайдо бўла бошлади, деҳқонлар бойроқ ва камбағал деҳқонларга ажрала бошлади. Бироқ, натурал хўжалик ҳукм суриб турган, бутун қишлоқни феодал-помешчик қаттиқ эзиб турган, феодалларнинг ўзаро урушлари натижасида қишлоқ тез-тез хароб бўлиб турган бир шароитда бу фарқ ҳам ҳали кескин тус олмаган эди. Ҳатто деҳқонлар крепостнойларга айлантилган-дан кейин ҳам қишлоқда жамоа-марка илгаригидек катта аҳамиятга эга бўлди, у, деҳқонларни жипслаштириб, феодаллар эксплуатациясининг энг оғир формаларига қарши деҳқонларнинг биргалашиб курашишига имкон берди. Марка, Энгельснинг сўзи билан айтганда, эзилган деҳқонлар синфини ҳатто энг қаттиқ ўрта аср крепостной ҳуқуқи ҳукм сурган даврда ҳам территория жиҳатидан жипслаштирди ва қаршилиқ кўрсатиш воситалари билан таъминлади¹.

Феодаллар зулмидан тоқати тоқ бўлган крепостнойлар ўз хўжайинларига қарши қўзғолонлар кўтардилар. Крепостной деҳқонларнинг феодал-помешчикларга қарши энг дастлабки

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, 21-т., 155-бет.

бош кўтариб чиқишлари X ва XI асрлардаги француз йилнома-ларида акс эттирилгандир. Йилномачилар деҳқонларнинг даст-лабки ҳаракатлари ваҳшиёна суратда шафқатсизлик билан бостирилганини кўрсатиб ўтдилар. Чунончи, 996 йилда Норман-дия герцоги Ричарднинг ерларида деҳқонлар йиғилишлар уюш-тириб, бу йиғилишларда бундан буёқ хўжайинларга бўйсунмас-дан, «эркин» яшайлик, деб қарорлар чиқара бошлаганлар. Буни эшитгач, герцог шубҳали деҳқонлардан бир неча ўнгасини тутиб келтириб, «қолганларига ибрат учун» уларнинг оёқ-қў-лини чолиб ташлашни буюрган. XI асрнинг 20-йилларида Бре-таньда деҳқонлар кенг ҳаракат кўтардилар, бу ҳаракатни ҳам маҳаллий феодаллар қонга ботирди. Германияда 841—842 йил-лар билан 1073—1075 йилларда бўлиб ўтган Саксон деҳқонлари-нинг иккита кўзғолони (бу ҳақда юқорида айтиб ўтилган эди) эркин жамоачи деҳқонларнинг крепостнойга айлантирилишига қарши олиб борган курашини ёрқин кўрсатади. Жанубий Англияда ҳам норманлар истилосидан сал олдин XI аср ўрта-ларида худди шу сингари деҳқонлар ҳаракати бўлиб ўтган эди.

Феодаллар иерархияси. Вотчина-сеньория сиёсий жиҳатдан кичкина бир давлатга ўхшаган нарса эди. Бу давлатнинг ҳоки-мияти сеньорнинг ўзи — поместье эгаси, йирик маҳаллий феодал бўлиб, у маҳаллий аҳолини суд қилар, қатл этар ва афв қилар эди, атрофидаги ўзига ўхшаш помешчик-ҳокимлар билан уруш олиб борар эди. Лекин унинг ўзи ҳам одатда ўзидан каттароқ бир сеньорга қарам бўлиб, унинг вассали эди. Бу катта феодал-сеньор ҳам ўзидан каттароқ бир сеньорга қарам бўлиши мум-кин эди ва ҳоказо. Бу қарамлик муносабатлари тизмаси корол-нинг ўзигача тизилиб борар эди, шундай қилиб, король бутун феодал поғоналари ёки иерархиясининг бошлиғи эди. Дунёвий феодаллардан ташқари руҳоний феодаллар: папалар, архиепис-коплар, епископлар, аббатлар ва шу кабилар ҳам мавжуд эди. Феодаллар иерархияси одатда юқори ва қуйи табақаларга бў-линарди. Король ва унга тобе бўлган йирик территориал княз-лар, герцоглар ва графлар («тождор феодаллар») феодаллари-нинг юқори табақаси эди. Улар уруш олиб бориш, ўз пулларини зарб қилиш ҳуқуқига эга эдилар; суд ва қонун чиқариш ишлари тамоман уларнинг қўлида эди. Улардан кейинги ўринда бир нечта (баъзан эса бир неча ўн) имениеси бўлган баронлар ту-рар эди. Баъзи мамлакатларда, масалан, Англияда баронлар-нинг ҳам герцог ёки графлик унвони бор эди. Феодал поғона-ларининг ундан пастроғида рицарлар турарди. Рицарларнинг яроқбардорлари бўлиб, булар ҳам аста-секин кичик рицарга айланиб борди. Феодалларнинг мана шу табақаларининг ҳам-маси бир бўлиб туриб, имтиёзли табақа—дворянлар табақасини ташкил қилди, бу дворянлар крепостной деҳқонлар оммасидан, шунингдек, ўша даврда феодалларга қарам бўлган шаҳарлик-лардан юқори турар эди.

Вассаллик-ленлик муносабатлари. Феодалнинг ер-мулки — феодал ёки лен битта поместьедан, бир нечта поместьедан, бутун бошлиқ бир князлик, ҳатто королликдан ҳам иборат бўлиши мумкин эди (ўрта асрларда вассал королликлар кўп эди). Лекин ҳар бир феодалнинг қуйидагича ўзига хос хусусиятлари бор эди: 1) феодал ҳаммадан бурун, «пасть» деҳқонларга хос мажбуриятларни ўташ билан боғлиқ бўлган деҳқон мулкидан фарқ қилиб, дворян мулки, «асл» мулк эди; 2) феодал одатда муайян бир хизматни, биринчи навбатда, ҳарбий хизматни ўташ билан боғланган эди; 3) феодал — юқори сеньорга вассал тобеликдаги қарам мулкдир, яъни аллоддан фарқ қилади, аллод X—XI асрларда жуда кам учрар эди; 4) феодал — наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган мулк эди (у ўзидан олдинги бенефицидан шу билан фарқ қилар эдики, бенефиций ҳарбийларнинг ер мулки эди-ю, лекин наслдан-наслга мерос бўлиб ўтмас эди).

Вассалларнинг асосий мажбурияти ҳарбий хизматни ўташдан иборат эди, бу хизмат одатда йилига 40 кун белгиланар эди.

Ҳарбий хизматдан ташқари, вассаллар ўз сеньорлари фойдасига яна баъзи граждандар хизматларини ҳам бажарарди, сеньор бошқа вассалларни суд қилганда судда қатнашар ёки унинг саройида сарой аҳли бўлиб хизмат қилар эди. Булардан ташқари вассал ўз сеньорига маълум миқдорда пул ҳам тўлаб турар эди. Бу тўловлардан энг каттаси наслий (пошлина) бож эди, бу наслий бож рельеф деб аталиб, баъзан жуда катта суммадан иборат бўлар эди. Англияда баронлардан олинадиган рельеф, масалан, 1 минг фунт стерлингга етар эди. Бутун мамлакатдаги феодаллар синфини бир бутун қилиб боғлаган шартнома системаси махсус маросимлар формасида муқаддаслаштирилар эди. Вассал феодал олишда, гўё ўзини сеньорнинг ҳомийлигига топширишни ифодалаган бўлиб, унинг олдида тиз чўқар ва қўлларини сеньорнинг қўлига қўйиб, ўзини «унинг (яъни сеньорнинг) одами» деб атар эди. Бу расмнинг ўзи ҳам омаж деб аталар эди (французча *homage* — одам деган сўздан олинган). Сўнгра вассал махсус содиқлик қасами — *ф у а* (французча *foi*) ёд қилар эди. Сеньор ҳам вассалга тегишли феодал топширишнинг аломати сифатида унга махсус нарсалар берар эди; вассалнинг ер участкасининг белгиси сифатида бир қисм тупроқ, ўша ер участкасига кирадиган ўрмоннинг белгиси сифатида дарахтнинг кичик бир шохчасини, епископ ҳокимиятининг белгиси сифатида узук ҳамда ҳасса ва ҳоказолар берар эди. Бу расм *инвести-тура* деб аталар эди.

Феодалларнинг қасрлари ва уларнинг тузилиши. X—XI асрларда Фарбий Европанинг ҳамма ёғи қасрлар билан қоплана бошлади. Қаср (немисча *Schloss*, французча *château*, инглизча *castle*) феодалга ҳам турар жой, ҳам қалъа бўлиб хизмат қиларди. Дастлабки пайтларда қасрлар ёғочдан қурилар эди. Ҳали IX асрда бу одатдаги икки қаватли ёғоч минора эди. Унинг юқори қаватида феодал ўз оиласи билан яшарди, пастки қава-

тида хизматкорлар турарди ҳамда ҳар хил озиқ-овқат ва бошқа нарсалар сақланадиган омборхоналар жойлашган эди. Қасрнинг атрофи хандақлар билан ўралган бўлиб, унинг устига кўприк қурилган эди; кўприк кўтарилиб, туширилиб турарди, мабодо хавф-хатар туғилса — душман яқинлашиб қолган тақдирда — кўприк кўтариб қўйиларди. Францияда норманларнинг ҳужумлари, Германияда венгрларнинг ҳужумлари, Италияда арабларнинг ҳужумлари шундай қасрлар қуришга мажбур қилиб қўйган эди; қурилиш техникаси оддий, ҳажми у қадар катта эмас эди. Вақтлар ўтиши билан X асрдаёқ қасрлар тошдан қилина бошлади¹. Қаср қуриш учун баланд қояли жойлар танланарди. Энди у бир неча қават (4—5 қават) қилиб қурилар ва атрофи бир қатор ёки икки қатор тош девор билан ўраб олинар эди. Хандақлар жуда мураккаб ва боши-учини ҳеч ким билмайдиган қилиб қурилар эди. Бундай қасрни ўқ отадиган қуролсиз биргина ҳужум билан олиб бўлмас эди, қамал қилувчи томон қасрни олиш учун уни ҳар томондан ўраб олиб, унинг ичидагиларни очликдан тинкасини қуритиб, ахир таслим бўлишга мажбур қилиш йўлини мўлжаллар эдилар.

Феодал қасрни қураётганда у ҳам ташқи душмани (ташқаридан қилинган бундай ҳужумлар вақтида, ҳатто қўшни қишлоқ аҳолисининг бир қисми ҳам у ерга яширина оларди), ҳам шу билан бир вақтда ўзининг рақиби — қўшни феодални (у билан жанжал ва ўзаро урушлар бўлиб турар эди) назарда тутар эди. Шу билан бирга, у қўшни қишлоқлардан баланд турар, бу эса крепостной деҳқонлар оммаси устидан феодаллар синфининг ҳарбий-сиёсий ҳукмронлигини яққол кўрсатувчи бир нишона эди. Агар у ёки бу қишлоқда бирор бир тўпловчи юз бериб қолгудек бўлса, қасрдан жазо отрядлари юборилар эди. Феодалнинг ўзи эса бутун бир қишлоқ округининг деҳқонлар оммаси феодалга қарши кўтарилиб қаттиқ эксплуатация қилинганлиги учун ўч олишмоқчи бўлса, қасрдан чиқмасдан ичида бекиниб ётар эди.

Рицарларнинг қурол-яроқлари. Ўрта аср феодални ўтсиз темир қурол: сопи крест шаклида оғир қилич ва узун оғир найза билан қуролланган эди. Бундан ташқари гурзи ва ойболта қўлланар эди, лекин улар жуда тез истеъмолдан қолди. Аммо бунинг ўрнига рицарь мудофаа воситаларига кўпроқ эътибор бера бошлади. У аввалги чарм совут ўрнига темир ҳалқалардан тўқилган тўр совут ёки узун пўлат совут киядиган бўлди; рицарь қурол-яроғининг энг муҳим қисми устига темир пластинкалар қопланган ёғоч қалқон эди. Рицарь бошига темир дубулға ва юзини сақлаш учун металлдан ишланган юпка ниқоб-сипор киярди, уни кўтариб ёки тушириб қўйиш мумкин эди. Рицарнинг урушда миниб юрадиган оти металл ёпқич билан

¹ Энг қадимий, тошдан қурилиб, бизнинг замонамизгача сақланиб қолган, ўрта асрлар архитектурасининг энг кўҳна ёдгорликлари Франциядаги Қуси қасри билан Англиядаги Рочестр қасридир (униси ҳам, буниси ҳам XII асрда қурилган).

ёшилларди. Оқибат-натижада жангга шай бўлиб, отига маҳкам ўрнашиб олган рицарь гўёки жонли темир қалъага ўхшарди. Бундай оғир ва қўполдан-қўпол қуролланиб олган рицарь учун душманнинг ўқ-ёйи ҳам, гурзиси ҳам писанд эмас эди. Аммо рицарь бу хилда қуролланганлиги учун қўполлашиб бемалол ҳаракат қила олмасди. У отдан йиқитилса, ўзининг қуролбардорининг ёрдамисиз отига мина олмас эди.

Ҳар ҳолда деҳқон пиёда қўшинлари учун рицарь жуда даҳшатли куч бўлиб, деҳқонлар уларнинг олдида ожиз бир банда эдилар.

Тез орада шаҳарликлар рицарларни тор-мор қила оладиган воситаларни топдилар, бунда улар, бир томондан, ўзларининг анчагина ҳаракатчанлигидан ва жипслигидан, иккинчи томондан, деҳқон қўшинларига қараганда яхши қуролланганликларидан фойдаландилар. XII—XIII асрларда Ғарбий Европанинг турли мамлакатларида шаҳар аҳолилари рицарларга бир неча бор зарбалар берганлар. Бироқ XIV ва ундан кейинги асрларда порох ва ўқ отувчи қуролнинг кашф қилиниши ҳамда такомиллаштирилиши ўрта асрнинг намунали ҳарбий кучи бўлиб келган рицарликка барҳам берди.

Феодаллар анархияси. Ҳар турли аҳднома, мажбурият, қасамёдларнинг жуда кўп бўлишига, бир-бирига ҳомийлик қилиш ва содиқ хизмат қилишига, жуда кўп ваъдалар беришига қарамай, феодаллар дунёси жуда ҳам потинч эди. Аслини олганда, бутун илк ўрта аср доимий ўзаро урушлар, тўхтовсиз давом этиб турган катта ва кичик ички урушлар, вассалларнинг ўз сеньорларига қарши узлуксиз исён кўтариш даври эди. Король ҳокимияти узоқ вақтгача феодалларнинг бу анархиясини баргаф қилиш у ёқда турсин, ҳатто чеклашга ҳам бутунлай ожизлик қилди. Рухонийлар феодалларнинг урушларига хотима беришга ёки уларга, лоақал, бир қадар чек қўйишга ҳаракат қилди. Черковнинг X ва XI асрлардаги йиғилишларида «илоҳий сулҳ» ва «илоҳий яраш» ўрнатиш тўғрисида ҳақиқатан бир неча марта қарор чиқарилди. «Илоҳий сулҳ»га мувофиқ, ўз урушлари вақтида феодалларнинг уришвчи томонларга алоқаси бўлмаган кишиларга, яъни черковнинг ўзига, деҳқонларга, шаҳарликларга ва ҳоказоларга зарар етказиши ман этилар эди. «Илоҳий яраш» расмига мувофиқ якшанба кунлари, баъзан эса ҳафтанинг бутун иккинчи ярмида (сешанбадан тортиб то душанба кунини эрталабга қадар) уришиш ман қилинар эди. Бироқ бу қарорларнинг ҳаммаси ижро этилиши лозим бўлган қонунликдан кўра кўпроқ қуруқ декларация эди. Феодаллар амалда ҳеч қандай ҳокимиятни тан олмас эдилар. Кейинроқ бориб, ўсаётган шаҳарлардан иборат таянчга эга бўлган король ҳокимиятининг кучайишигина ҳукуматга бебош феодал-дворян элементларини тартибга чақириш ва уларни марказлашган давлат манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш учун реал имконият берди.

VI—XI АСРЛАРДА ВИЗАНТИЯ ИМПЕРИЯСИ

Шарқий Рим империяси. Ғарбий Рим империяси, Герман қабилалари томонидан истило қилингандан кейин ҳам Рим империясининг Шарқий қисми яна узоқ вақт ҳукм сурди. У ҳатто ўзини расмий суратда Рим (Ромея) империяси деб атайдиган. Латин тили яна узоқ вақтгача Шарқий империянинг давлат тили бўлиб қолди. Лекин, Шарқда халқ грек тилида гаплашарди. «Рим империяси» деган ном бора-бора йўқолиб, «Византия империяси» деган ном юритила бошлади (империянинг пойтахти қадимги вақтда Византия деб аталган бўлиб, 330 йилда Константиин Буюк унга Константинополь деб ном берган эди). Баъзи олимлар худди шу йилни Византия империясига асос солинган йил деб ҳисоблайдилар. Лекин тарихчиларнинг кўпчилиги Византия империяси 395 йилда, яъни Феодосий I ўлгач, империя унинг ўғиллари ўртасида тақсимланиб, шарқий ярми Константинополь шаҳри билан бирга Аркадийга ўтган вақтда тузилган деб ҳисоблайди. Болқон ярим оролидан ва Эгей денгизидаги кўпдан-кўп ороллардан ташқари, Византия империясига яна Кичик Осиё, Сурия, билан Фаластин, Миср, Месопотамия билан Закавказьенинг бир қисми, Қримнинг жанубий қирғоқлари кирар эди.

Империянинг шарқий қисми ғарбий қисмига қараганда анча мустақкам бўлиб чиққан экан. Бунинг асосий сабаби шуки, ундаги иқтисодий муносабатлар ғарбий қисмидагига қараганда анча тараққий топган ва анча мустақкам эди. Бу ерда Мисрдаги Александрия, Суриядаги Антиохия, Кичик Осиёдаги Смирна ва Ефес, Болқон ярим оролидаги Константинополь ва Фессалоника¹ қаби ривож топган савдо-сотиқ марказлари бор эди. Осиё Шарқи билан олиб борилган қизғин савдо ишлари узилмади, балки ҳатто кучайди, бу савдо Осиёда III асрда кучли янги форс подшолиги — Сосонийлар подшолиги вужудга келгандан кейин айниқса кучайди. Шарқий Рим империясида қулдорлик тузумининг ўзи ҳам Ғарбий империядагидек кескин тушкунликка учрамади. Бунинг сабаби аввало шуки, империянинг шарқий вилоятларида, айниқса қишлоқ хўжалигида қулдорлик Ғарбдагидек катта роль ўйнамади. Шарқ экономикасида қуллар билан бир қаторда қул бўлмаган элементлар, яъни шаҳарлардаги эркин ҳунармандлар ва қишлоқлардаги жамоачи деҳқонлар катта ўрин тутар эди. Бу жамоачи деҳқонлар давлат деҳқонлари бўла туриб, қарамлик ҳолатига тушиб қолган бўлсалар-да (масалан, Сурия ва Мисрдаги «подшо деҳқонлари») ҳар ҳолда уларнинг ўз ер участкалари, шахсий хўжалиги бор эди, шундай қилиб,

¹ Бу шаҳарнинг яна бир славянча номи — Селунь эди.

улар қуллардан анчагина фарқ қилар эдилар. Хийла кўп сонли мустақил деҳқонлар қисман қадимий ибтидоний тузумни сақлаб қолган бўлиб, Кичик Осиё ва Болқон ярим оролида истиқомат қилар эдилар. Эллинизм маданиятининг ўзи ҳам грек халқининг Яқин Шарқдаги турли халқлар билан кўп асрлар давомида қилган алоқасининг натижаси бўлиб, Византиянинг мустақамлигининг маълум даражада сақланиб туришига имкон берган шароитлардан бири бўлди. Антик грек тилидан фарқ қиладиган грекларнинг эллин тили Шарқдаги бошқа халқлар тилларининг кўпгина элементларини ўз ичига олганлиги, шаҳар тузилиши ўша қадимий грек шаҳар-давлат тузилишининг анчагина томонларини ўзида сақлаб қолганлиги, Яқин Шарқдаги турли халқларнинг турлича диний эътиқодлари аралаш-қуралаш бўлиб кетиб, шарқий христиан динига ҳам таъсири ўтганлиги, булар ўртасида қадимдан бери савдо алоқаларининг мавжудлиги — мана шуларнинг ҳаммаси Урта деңгизнинг шарқий қисмида яшовчи аҳолини бир-бирига яқинлаштирди, алоҳида бир грек-Византия халқининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Аммо айрим вилоятларнинг этник, маиший, диний тафовутлари тамоман йўқ бўлиб кетмаган эди, Византиянинг бундан кейинги бутун бир тарихида бу нарса кескин сезилиб турди.

Шарқий империянинг юқорида қайд қилиб ўтилган хусусиятлари натижасида унинг варварларга бўлган муносабатлари ҳам бошқача бир характерга эга бўлди. Византия Ғарбий империяга ўхшаб варварлар томонидан босиб олинмади ҳам, яшашдан тўхтамади ҳам. Жумладан, Византия герман қабилалари — вестготлар, остготларнинг ва бошқа қабилаларнинг ҳужумларига бардош берди, бу қабилалар эса Византиядан ғарб томон кириб бориб, у ерда ўзларининг варварлик королликларини туздилар. Византия империясида ҳали V—VI асрларда ҳам қуддорлик тузumi сақланиб қолган эди. VI асрда Византия ҳатто бу тузумни варварлар томонидан босиб олинган ғарбий вилоятларда тиклашга ҳаракат қилди. Бироқ ундан кейинги VII—VIII асрларда Византия қадимги Римга хос бўлган ижтимоий ва сиёсий традицияларни ўзида сақлаб, илгаригидек «Ромея давлати»лигича қолиб келаётган бўлса-да, унинг ижтимоий тузumi феодализм томон тезлашиб бормоқда эди. Оқибат-натижада Византия ҳам, «варварлаштирилишдан» қочиб қутулмади, бу нарса Болқон ярим оролига жуда кўпдан-кўп славян қабилаларининг келишида намоён бўлди. Славянлар қисман Болқон ярим оролидаги бир қанча территорияларни босиб олиб, бу ерда (Ғарбда бўлгани сингари Болгария, Сербия, Хорватияни барпо қилдилар), қисман Византия қўлида сақланиб қолган территорияга деҳқон-колониист бўлиб кўчиб келдилар ва бу ерда ўзлари билан бирга ибтидоний-жамоа тузumi тартибларини олиб келдилар. Шундай қилиб, шуни эътироф этиш мумкинки, оқибат-натижада германлар Ғарбий Рим империясига нисбатан қандай роль ўйнаган бўлсалар, славянлар ҳам Византияга нисбатан (озгина фарқ-



Юстиниан даврида Византия империяси (527—565)

сарқ билан) худди шундай роль ўйнадилар. У ерда ҳам, бу ерда ҳам варварларнинг келиши қулдорлик тузумининг кулашига ва анча прогрессивроқ ижтимоий феодал муносабатларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишига ёрдам берди.

Юстиниан замонида Византиянинг кенгайиши. Византия ҳали Фарбдаги варвар королликларига, шимолдаги славян қабилаларига ва Урта Шарқда янги форс (Эрон) подшолигига кескин равишда қарама-қарши турувчи қулдорлик «Рим империяси» мавжуд бўлган даврда, VI асрда император Юстиниан ҳукмронлик қилган вақтда энг катта муваффақиятга эришди. Юстиниан 527—565 йилларда подшолик қилди. У атоқли маъмур эди, қонун чиқарувчи эди, у империянинг шарқий чегараларининггина эмас, балки ғарбий чегараларининг ҳам анчагина қисмини тиклаган киши эди.

У ўзидан олдин ўтган Феодосий династияси ўрнига келган янги династиянинг вакили эди. Унинг амакиси император Юстин I баъзи маълумотларга кўра, иллириялик саводсиз бир деҳқон бўлиб, ҳарбий хизматда шухрат қозонганда, армия уни император қилиб қўтарган экан. У Юстинианни ўзига ёрдамчи қилиб олган, Юстиниан амакисининг аксича рим-византия таълимини жуда яхши билган.

Византия варварларнинг (германлар, славянлар ва бошқаларнинг) ҳужумини қайтариб, ўзи уларга қарши ҳужумга ўтган бир даврда Юстиниан императорлик қила бошлади. Юстиниан ўз олдида империянинг илгариги ғарбий чегараларини тик-

лашни вазифа қилиб қўйди. Илгариги Фарбий империя территориясида яқиндагина вужудга келган варвар королликларининг тарқоқ ва кучсизлигидан фойдаланиб туриб, Юстициан ўз программасини қисман амалга оширишга муваффақ бўлди. Унинг саркардалари Велизарий ва Нарсес Шимолий Африкадаги Ванда: короллигини (534 й.), Италиядаги Остгот короллигини (555 й.) ва Испаниянинг жанубий қирғоғини (Бетикани) босиб олди.

Шундай қилиб, Урта денгиз византияликлар учун яна «бизнинг денгиз» (*Mare nostrum*) бўлиб қолди. Замондошлар назарида империя гўё Август ва Траян давридаги «бахтли кунларга» яна қайтгандек туюлар эди. Лекин юқорида кўрсатиб ўтилганидек, готларга қарши олиб борилган уруш натижасида бутун Италия тамомила хароб бўлди ва бу уруш империянинг ўзини анча маблағ сарфлашга мажбур этди.

Иккинчи томондан, Испанияни босиб олиб, уларни Византияга қўшиб олишнинг ўзи вақтинчалик бўлиб чиқди. Аслида Урта денгизнинг Шарқий қисми билан Фарбий қисми ўртасидаги иқтисодий алоқа бу вақтда тўхтаб қолган эди. Фарбий герман королликлари умуман олганда Византияни Фарбда босиб олган ерларнинг кўпчилиги қисмидан сиқиб чиқаришга қурби етар эди. Шу билан бир вақтда Шарқнинг ўзида ҳам Византиянинг душманлари кўп эди.

Юстиниан ўз давлатининг шимолий чегараларини қисман гунар ҳужумидан, қисман славянлар сиқувидан ҳимоя қилишга жуда зўр берди. Болқон ярим оролида бир-бирига параллел равишда уч қатор қалъалар қурилди. Аммо бу мудофаа тўсиқлари славянларнинг Болқон ярим оролига қараб силжишларини тўхтата олмади. Славянларнинг кўпини империя ярим оролга йттифоқи — федератлар сифатида жойлаштиришга мажбур бўлди. Бошқалари ҳатто Болқон ярим оролининг жанубида — Македонияга ва Эгей денгизи бўйларига колонист-ер эгалари сифатида жойлаштирилди. Юстиниан империянинг Қримнинг жанубий қирғоғидаги ва қисман, Закавказьедаги ерларини қайтариб олди. Лекин у Месопотамиянинг бир қисмини Эрон шоҳига беришга ва сулҳ тузилганидан кейин унга катта-катта пул тўлаб туришга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Юстинианнинг улуғ давлат тузиш сиёсати бир қадар муваффақиятли натижалар берди, холос. Шундай бўлса-да, унинг вақтида империянинг чегаралари анча кенгайди. Кейинги вақтларда Византия империяси бундай ютуқларга ҳеч бир эриша олмади.

Юстинианнинг қонун чиқариш фаолияти. Юстиниан подшолик қилган даврда Византиянинг ички тарихида жуда катта воқеалар юз берди. Бу воқеалардан энг аввал Юстинианнинг қонун чиқариш соҳасидаги фаолиятини кўрсатиш керак. У ўз подшолигининг бошланиш пайтидаёқ Рим императорларининг илгари нашр қилинган ҳамма қонунларини бир қилиб тўплаб

босиб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Энг атоқли юристлардан иборат икки комиссия Трибониан раҳбарлигида Рим қонунларини тўплаб тартибга солиш устида жуда катта иш олиб борди. Бу комиссияларнинг 528—534 йиллар мобайнида олиб борган иши натижасида «граждани ҳуқуқлари тўплами» (*Coprus Iuris civilis*) вужудга келтирилди, бу тўплам Рим империясидаги бутун қонунларни яқунловчи энг катта юридик ёдгорлик бўлди. Тўплам тўрт қисмдан иборат эди: 1) 12 томлик Юстиниан кодекси — Рим императорларининг қонунлари тўплами; 2) Дигестлар — бу 50 китоб бўлиб, Рим қонунларини шарҳлаган машҳур рим юристларининг асарларидан олинган парчаларни ўз ичига олган эди; 3) Институциялар — судьялар ва ўқувчи-юристарлар учун қисқача юридик қўлланма (бир китоб); 4) Новеллалар — Юстинианнинг кодексига кирмаган янги қонунларидан (535 йилдан то ўз подшолигининг охиригача) иборат эди.

Юстинианнинг қонунлар тўпламида, бир томондан қулдорлик тузуми аломатлари («барча одамлар эркин кишиларга ва қулларга бўлинади») ва иккинчи томондан, вужудга келаётган феодал муносабатларнинг аломатлари (колонат тўғрисидаги қонунлар, қулларни чекланмаган миқёсда бўшатиш тўғрисидаги янги қонунлар) акс этди. Тўпламда император ҳокимияти абсолют ҳокимият деган идея аниқ баён қилинди («император иродаси — қонун манбаидир»).

Юстиниан тўпламида хусусий мулкни ҳимоя қилишга ва Рим империяси билан Византия учун хос бўлган оддий товар хўжалиги шароитидан келиб чиқадиган ҳар турли мулккий муомалаларни расмийлаштиришга катта ўрин берилди. Тўпламнинг кейинги икки хусусияти (кучли марказий ҳокимият идеяси ва муфассал ишлаб чиқилган хусусий мулк ҳуқуқи) бу тўпламнинг кейинги вақтларда, ўрта асрларнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европада жуда ҳам шуҳрат қозонишига сабаб бўлди. Юстинианнинг «Граждани ҳуқуқлари тўплами»ни Европа юристлари синчиқлаб ўрганди, XII асрдан бошлаб, айниқса XIII—XIV асрларда Ғарбий Европанинг турли мамлакатларида короллар чиқарган қонунларда Рим қонунларидан фойдаланилганлигини кўриш мумкин.

Юстиниан қонунлар тўпламини чиқаришидан мақсад қулдорлик ишлаб чиқариш усулининг емирилиши жуда тезлашиб бораётган шароитда қулдорлик давлатини сақлаб қолиш эди; бу қонун жумладан, марказдаги ва жойлардаги ҳокимият агентларига халқ оммасининг революцион чиқишлари билан курашда қурол бўлиб хизмат қилар эди. Айни Юстиниан даврида Константинополда ва турли вилоятларда бир неча бор катта-катта халқ қўзғоловлари бўлиб ўтган эди. 532 йилда Константинополда бўлиб ўтган қўзғолон айниқса кучли бўлди. Қўзғолон кутарилишига энг асосий сабаб император чиновникларининг, айниқса Юстинианнинг эркатойи — Константинополь ҳукмдори

бўлиб турган Иоани Каппадокийскийнинг хазинани талашни, порахўрлиги ва шу хилдаги сунистеъмоллари сабаб бўлди.

7. «Ника» кўзғолони. Кўзғолон 532 йил 11 январда Константинополь цирки (иппадроми) да император ҳузурда бошланди. «Яшил» деб аталадиган цирк оппозициячи партияларидаги бири аҳоли номидан шикоят ёзиб, унда юқори мансабдор чиновникларни жазолаш талаб қилинган эди. Юстиниан буни рад этиб, жаҳл билан иппадромини ташлаб чиқиб кетди. Бунга жавобан кўзғолон кўтарилиб кетди. Кўзғолончилар «Ника» (грекча — «ғалаба қозон!») демакдир) деган шиор кўтардилар. Кўзғолон бутун пойтахт ва унинг атрофига ёйилди. Юстиниан ночор аҳволга тушиб қолдим, деб ўйлаб, у ҳатто Константинополдан қочиб кетмоқчи ҳам бўлди. Кўзғолон беш кун давом этиб, Юстинианнинг саркардаси Велитарий томонидан даҳшатли шафқатсизлик билан бостирилди. 30 минггача киши ўлдирилди.

«Ника» кўзғолони қатнашчиларининг состави жуда ҳам хилма-хил эди. Бир томондан, унда Константинополнинг ва унинг ён-атрофининг халқ оммаси қатнашди, бу омма империя чиновникларининг жабр-зулмига қарши бош кўтарган эди. Иккинчи томондан, ҳаракатнинг ташкилотчилари аристократ сенатор элементлар бўлиб, улар янги династиядан ва Юстинианнинг ўзининг мустабид ҳокимиятидан норози эдилар. Ҳаракатда қатнашган цирк гуруҳларининг ўзи — «яшиллар» ва «кўклар» деб аталган гуруҳлар спорт ташкилотлари бўлиб, шу билан бир вақтда муҳим сиёсий роль ўйнар эдилар. «Кўклар»ни Юстиниан сарой аҳли қўллаб-қувватларди, «яшиллар»нинг эса аристократик оппозициячилар орасида жуда кучли ҳомийлари бор эди. Шу билан бир вақтда «кўклар» ҳам, «яшиллар» ҳам Константинополдаги анча кенг демократик ташкилотлар билан — димлар билан боғланган эди. Димлар эски вақтдаги шаҳар ўз-ўзининг идора қилиш бошқармасининг қолдиғи бўлмиш ўзига хос район халқ уюшмалари бўлиб, Юстиниан вақтида ҳали анча эътибори бор эди ва ҳукумат ҳам, аристократлар оппозицияси ҳам улар билан ҳисоблашишга мажбур эди.

Маъмурий ва молиявий зулмнинг кучайиши. 532 йил воқеалари Юстинианнинг ички сиёсатида катта таъсир қилди. Юстиниан кейинги вақтларда ҳам халқ оммасининг бош кўтаришидан ҳадиксираб юрди. 532 йилдан кейин димлар хийла даражада қайта тузилди. Константинополда ва бошқа йirik шаҳарларда полиция ҳокимияти кучайтирилди. Шу билан бир вақтда Юстиниан йirik сенатор зодагонларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. У, магнатларнинг жуда кўп ерларини мусодара қилди. Император фармонлар чиқариб, эркин кишиларнинг маҳаллий катта ер эгалари ҳомийлигига ўтишини ман қилди. Кучли социал таянч топиш мақсадида Юстиниан давлат православ черковига, епископлар ва монастирларга ҳар жиҳатдан ҳомийлик қилди, уларга жуда кўп ерлар берди. Эски зодагонларга қарама-қарши равишда Юстиниан ҳарбий хизматидаги ўрта даража-

ли элементларга кўпроқ таянди, мусодара қилинган ерларнинг кўп қисми уларга берилди.

Маъмурий давлат апаратини мустаҳкамлаш сенатор аристократлар оппозициясига ва революцион халқ ҳаракатига қарши курашнинг воситаларидан бири эди. Юстиниан бошқаришни қаттиқ марказлаштирди, ҳатто жойлардаги иккинчи даражали амалдорлар ҳам вазифага император фармони билан тасдиқланар эди. Ҳукумат амалдорлар ўзларининг оладиган маоши билан яшашлари ва аҳолидан пора олмасликлари керак, деб бир неча бор расмий эълон қилишига қарамай, порахўрлик йўқолмади. Шунингдек, императорнинг амалдорлар зодагонларни ва бойларни эркалатиб юбормасин деган фармони ҳам амалга ошмай қолиб кетди.

Юстиниан ҳукумати давлат молиясига ҳам катта эътибор берди. Унинг замонида аҳолидан олинадиган солиқлар бир неча ҳисса кўпайди: Император хазинаси аҳолидан ёр, жой, ҳунармандлик (ҳунармандлардан) ва савдо солиқлари солиш йўли билан жуда катта маблағлар олар эди. Юстиниан ипак, туз ва ҳоказоларга император монополиясидан кенг фойдаланди. Маҳсус давлат ишхоналари ҳам бўлиб, буларда императорнинг эркак ва аёл қуллари ишлар эди. Саройнинг зеб-зийнатларига, кўндан-кўп амалдорларни ва армияни сақлаш, дангиллама иморатлар солишга (буларни давлатнинг ўзи уюштирар эди) бу маблағларнинг ҳаммаси сарф қилинар эди. Молиявий зулм мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига жуда ёмон таъсир қилди ва халқ оммасининг вайрон бўлиб кетишига сабаб бўлди. Ҳукуматнинг жуда қаттиқ диктатураси халқ оммасини ғоявий жиҳатдан ҳам эзар эди. Юстиниан ҳукумати шу маҳалгача ҳам унча-мунча сақланиб қолган маъжусийларни таъқиб қилиб, уларнинг фалсафа мактабларини ёпиб қўйди. Ҳукмрон православ церковининг таълимотига қўшилмовчи еретиклар жуда кескин таъқиб қилинди. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг жуда кенг доираларида (айниқса сепаратчилик кайфиятидаги чекка вилоятларда) қаттиқ норозилик туғдирди ва аҳолининг бир қисмини Эронга ва бошқа қўшни мамлакатларга чиқиб кетишига сабаб бўлди. Шаҳарларда шаҳарликларнинг баъзи жойларда деҳқонларнинг ғалаёнлари, қулларнинг асирликдан қочинлари, «тил бириктиришлари» тарқоқ ҳолда бўлса-да, Юстиниан подшолик қилган даврда тўхтамай давом қилиб турди, подшоликнинг охирларида эса бу нарсаянада авж олиб кетди.

Юстиниан замонидаги қурилиш. Юстиниан замонида давлат маблағларининг хийла қисми қурилиш ишларига кетди. Юстиниан юзлаб қалъа ва юздан кўп майдороқ истеҳкомлар қурдирди. Унинг замонида жуда кўп ижтимоий характердаги иншоотлар ҳам бино қилинди — водопроводлар, йўллар, ҳаммомлар, театрлар, ҳар турли ҳукумат бинолари қурилди. Бу ҳукумат бинолари ичида сарой ва ибодатхоналар катта ўрин олди. Илк Византия архитектураси орасида энг муҳими аё София ибодат-

хонаси бўлиб, у Юстиниан томонидан 532—538 йилларда («Ол- лонинг донолиги» шарафига) қурилди, бу аё София ибодатхона- сида илк Византия архитектураси услубининг хусусиятлари жу- да яхши акс этди. Аё София ибодатхонаси асосан кейинги импе- рия давридаги рим ҳукумат бинолари типиди, яъни базилика ти- пида қурилган бўлиб, антик архитектура элементларини (ички стунлар), шунингдек, шарқ меъморлиги элементларини (жуда кўп олтин безаклар, бинога ҳашамат берган муҳташам гумбаз ва ҳоказолар) ўзида акс эттирди. Ибодатхонанинг ичкарасидаги қошиқкор тасвирлар ранг-баранг сунъий қимматбаҳо тошлардан илҳоят даражада бадиий бир тарзда ишланди. Аё София ибо- датхонасининг мустақкам ишланганлиги кишини ҳайратда қол- диради. Бир неча марта лаб зилзила бўлишига қарамай, бу бино ҳозирги вақтгача сақланиб келяпти ва у жаҳон архитектураси- нинг ажойиб тарихий ёдгорликларидан биридир.

VI асрда Византия маданияти. Аё София ибодатхонаси сингари машҳур ёдгорлик қурилишида ўз ифодасини топган юк- сак архитектура санъати Византиянинг умумий маданияти ўша даврда қандай юксак бўлганлигини кўрсатувчи далиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бундай монументал бадиий ёдгор- лик қурилганлигининг ўзи моҳир уста, математиклар, инженер- лар, рассомлар бор бўлганлигини кўрсатади. Византиянинг VI асрдаги гуманитар асарлар яратганлигини бир қанча йирик олим ва ёзувчиларнинг номларидан билиш мумкин, уларнинг асарлари бизнинг замонамизгача етиб келди. Юстиниан вақ- тидаги йирик тарихчи Прокопий Кесарийский бунинг мисолидир. Прокопий Юстинианнинг подшолик қилишига оид бир қанча тарихий асарлар яратди, жумладан, «Урушлар тарихи» (форслар, готлар ва бошқалар билан), «Қурилиш- лар», «Сирли тарих» каби асарлар яратди. Прокопий асарлари- да қимматли материаллар тўпланган, унда Византиянинг бир ўзининг эмас, ҳатто унинг ён қўшнилари, жумладан, VI аср- даги славянларни, остготларни, вандаллар ва бошқаларни ҳам таъриф-тавсифлаб берган. Ўзининг расмий учун ёзган асар- ларида Юстинианнинг сиёсатини тўла маъқуллаб уни ша- рафлаган. Прокопий ўзининг «Сирли тарих»ида аксинча под- шолик даврининг сирли, қоронғи томонларини очиб ташлаган, айниқса Юстиниан сиёсати натижасида солиқларнинг оғир- лашиб, халқ оммасининг тобора қашшоқлашиб кетганлигини қайд қилган.

Византиянинг VI асрда ўтган яна бир йирик тарихчиси Агафий эди. Унинг «Юстинианнинг подшолик қилиши» де- ган асари Прокопий асарларига анча муҳим қўшимчалар ки- ритиб, уларни тўлдиради, тузатади, ўрни билан унинг берган маълумотларини тасдиқлайди.

Византиянинг VI асрдаги энг йирик олимлари орасида аниқ фанлар билан шуғулланган медиклардан Александр Трапальский ва Павел Эгинскийни, математик-ме-

ханиклардан Исидор Милетский ва Анфимий Тралльский (булар аё София ибодатхонасининг асосий қурувчилари бўлган), географлардан Козьма Индикоплавтний кўрсатиш мумкин, Индикоплавт асарларида географик ноаниқликлар анчагина кўп бўлишига қарамай, у Африка ва Ҳиндистон, Қизил денгиз ва Ҳинд океани тўғрисида бир қанча қимматли материалларни ўз ичига олган. Унинг коинотга нисбатан геоцентрик қарашлари ўрта аср кишиларининг география тўғрисидаги тасаввурларига (XV аср охирларига қадар) жуда катта таъсир кўрсатган.

VI асрнинг иккинчи ярмида ва VII асрда Византиянинг кризисга учраши. Юстинианнинг подшолик қилиши сиртдан қараганда гуллаб-яшнаётгандек кўринса ҳам, халқ оммаси учун жуда оғир бўлди. Жуда кўп марта кўтарилган халқ қўзғолонлари, айниқса 532 йилги қўзғолон бунинг ёрқин далилидир. Кекса император (84 ёшида) ўлганда, унинг вориси, Юстин II жуда оғир аҳволда қолди. Юстин подшолигининг сўнгги йилларида солиқлар янада кўпроқ ошиб кетганлигига қарамай, давлат хазинаси бўм-бўш эди. Оғир солиқлардан хонавайрон бўлган аҳолининг жойларда солиқ тўлашдан бош тортиш ҳоллари тез-тез юз бериб турадиган бўлди.

VI асрнинг биринчи ярми билан VII асрнинг биринчи ярми ўртасида Византиянинг ижтимоий тузумидаги зиддият айниқса авж олган эди. Бу вақтда Византиядаги қулдорлик тузумининг емирилаётганлиги очиқ кўриниб турган эди, қишлоқ хўжалигида, ҳунармандчиликда қўл меҳнатини эркин меҳнат тобора сиқиб чиқараётган эди. Шундай бўлса ҳам қулчилик тамоман тугатилмаган эди. Янги, анча прогрессив бўлган феодал муносабатлар нисбатан секинлик билан таркиб топиб келаётган эди ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши тўхталиб қолмоқда эди. Буни, масалан, Болқон ярим оролида ва Кичик Осиё вилоятларида бир вақтлар жуда серҳосил бўлган ерларнинг анча кўп қисми эндиликда бўм-бўш, қовжираб ётганлигидан кўриш мумкин.

Шаҳар камбағаллари, қуллар, колонлар ва жамоачи-деҳқонларнинг ҳар турли халқ ҳаракатлари Юстиниан императорлигининг сўнгги йилларида тез-тез кўтарилиб, VI аср охирлари ва VII асрнинг биринчи ярмида бу ҳаракат янада кучайиб кетди. Миср ва Сурияда ҳар турли ереслар (монофизитлар¹, несторианлар² ва ҳоказолар) байроғи остида сепаратистик ҳаракатлар юз берди, бундан мақсад — бу вилоятларни Қонстантинополдан ажратиш эди.

¹ Монофизитлар — V—VII асрларда ўтган христианлар мазҳаби, улар Христосни инсонлик табиати йўқ, у фақат худодир, деб ҳисоблардилар. Бу мазҳаб Миср ва Сурияда кенг тарқалган эди.

² Несторианлар V—VII асрларда ўтган иккинчи бир христианлар мазҳаби, булар арианларга ўхшаб Христосни оддий бир инсон деб ҳисоблардилар. Несторианларнинг кўпчилиги Сурия ва Месопотамияда эди.

Империянинг ташқи аҳволи янада оғир эди. Империяга ҳар тарафдан кўпдан-кўп душманлар хавф солмоқда эди. Юстиниан ўлгандан кейин тез орада Византия қўл остидаги ерлар кескин суратда камайиб кетди. 568 йилда лангобардлар Италиянинг шимолий қисмини ва ўрта қисмининг бир бўлагини босиб олди. Орадан кўп вақт ўтмасдан, VI асрнинг 80-йиллари бошида Испаниядаги ерлар ҳам қўлдан кетди. Болқон ярим оролига VI асрнинг иккинчи ярмида ва VII асрнинг бошларида славянлар бир неча марта жуда кўплаб кириб, Пелопоннесгача бориб етди. Дунайда император қўшинлари аварлардан зарба еди. Эронликлар VII асрнинг бошларидан то ўртасигача шарқий вилоятларни бирин-кетин босиб олиб, баъзан Константинополнинг ўзига ҳам хавф солди.

Юстиниан династияси 602 йилда сарой тўнтариши натижасида тахтдан тушди. Бу династиянинг охириги вакили император Маврикий шу сарой ўзгариши вақтида беш ўғли билан бирликда ўлдирилди. Империя император Ираклий вақтида (610—641) бир қадар мустақамланиб олгандек бўлди. Ираклий эронликларга зарба бериб, улардан Сурия, Фаластин ва Мисрни қайтариб олди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай, VII асрнинг 30-йилларида — 40-йилларнинг бошларида Византия бу муҳим вилоятларни иккинчи марта бу сафар абадийга қўлдан бериб қўйди, уларни араблар босиб олди.

Ираклийнинг ворислари даврида Византия территорияси яна ҳам қисқариб кетди. Араблар босиб олган бутун Шимолий Африка ҳам узил-кесил қўлдан кетди. Болқон ярим оролида 679 йилда славянларнинг кучли Болгария давлати вужудга келди. Долмацияни ва ярим оролни шимоли-ғарбидаги Иллирияни турли славян қабилалар — серб ва хорватлар босиб олди. Империянинг ўзида VIII асрнинг бошларида Юстиниан замонидаги территориянинг кўп деганда учдан бир қисми қолди. «Тикланган» буюк Рим империясидан Болқон ярим оролининг жанубий қисми, жанубий Италиянинг бир қисми, Қримнинг жанубий қирғоғи, Кичик Осиё ва Архипелаг ороллари қолди, холос.

VII асрдаги алғов-далғов вақтида Византия ўзгаришларни бошидан кечирди, бу ўзгаришларда унинг социал ва сиёсий жиҳатдан янада ривожланишининг элементлари бор эди. Даставвал, империя энди илгаригидек грек-рим империяси бўлмасдан, асосан бир жинсли грек империяси бўлди. Фақат грек тили расмий давлат тили бўлиб қолди. Империянинг асосий диққати бу вақтда бутунлай Болқон ярим ороли билан Кичик Осиёга қаратилди. Александрия ва Антиохия қўлдан кетгандан кейин Константинополнинг иқтисодий ва сиёсий эътибори ошди. Шу билан бирга империя территориясига варварларнинг, биринчи навбатда, славянларнинг кўплаб кўчиб келиб ўрнашуви Византия империясидаги социал тузумнинг демократлашувига ёрдам берди, қулдорлик муносабатларининг йўқолиб бориш процессини тезлаштирди.

«Дехқончилик қонуни». Византиядаги келгинди славян деҳқон аҳолининг аҳволи «Дехқончилик қонуни»да жуда яхши таърифланган; бу манба VIII асрга оиддир, лекин унда VII асрдаги аграр муносабатлар ҳам акс этган. Ушбу манбага қараб фикр юритилганда, бу деҳқонлар эркин аҳоли бўлиб, уларнинг ўз экинзорлари, тоқзорлари ва боғлари бўлган. Деҳқонларнинг хўжалигида деҳқончиликнинг ўзидан ташқари, чорвачилик ҳам катта роль ўйнаган. Ҳар бир деҳқоннинг ер участкаси экинзор, тоқзор ёки боғдан иборат бўлиб, унинг ўз хусусий мулки ҳисобланган, лекин унда жамоа ер эгалигининг аломатлари очиқ кўриниб турар эди. Участка «улуш», «қуръа» деб аталган. Бу нарса ерларнинг тақсимланганлигидан далолат беради. Қонунда, дастлабки тақсим потўғри қилинган бўлса, ерни қайта тақсимлаш ҳам назарда тутилган. «Дехқончилик қонуни»да далалардан экин йиғиштириб олингандан кейин ерларнинг ҳаммаси очиқ ўтлоққа айлантирилиб, унда бутун қишлоқ чорвасининг боқилиши ҳам писанда қилинган. Эгаси ташлаб кетган тақдирда ер жамоага топширилиши керак эди. Қишлоқнинг асосий аҳолиси, яъни қўшничилик жамосининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган деҳқонлардан ташқари, «Дехқончилик қонуни»да яна камбағал деҳқонлар тўғрисида ҳам гапирилади, бу камбағал деҳқонлар қисман катта ер эгаларидан, қисман эса жамоачи деҳқонларнинг ўзидан ер участкаларини ҳосилнинг ярмисини бериш шарти билан (тенг шерикка) ижарага олардилар. Деҳқонларнинг яна бир категорияси тилга олинади, булар катта ер эгаларига махсус ушр (мортита) тўлар эдилар. Афтидан, булар ҳам ижарачи-деҳқонлар бўлганлар-у, лекин уларнинг аҳволи ерни тенг шерикка олган деҳқонлар аҳволидан яхшироқ бўлган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг ҳам бир вақтлар ўз ерлари бўлган, бироқ кейинчалик йирик ер эгаларига қарам бўлиб қолганлар. Ниҳоят, «Дехқончилик қонуни»да айтилишича, ер эгаларининг ерларида ишлаш учун ёлланган батрақлар, қишлоқ хўжалик ишчилари (мистотлар) гуруҳи бўлган.

Шундай қилиб, «Дехқончилик қонуни» жамоанинг табақаларга ажрала бошлаганлигидан, жамоа аъзоларининг ўз ёнидаги катта дунёвий ер эгалари ёки черков-монастирь ер эгаларига қарам бўла бошлаганлигидан ҳам далолат беради.

Славянлар империяни худди муҳтож нарсасига — жуда кўп эркин деҳқонларга эга қилдилар. Византияда тушқуликка юз тутган ва умри тугаб қолган қулдорлик тузуми ўрнига, бу эркин деҳқонлар заминда янги феодал муносабатлар ривожлана олар эди.

Славянларнинг ўрта аср Византияси тарихидаги асосий роли ана шундан иборат. Соп жиҳатидан кўпайган, иқтисодий жиҳатдан мустақамланган, жамоаларга уюшган Византия деҳқонлари VIII—IX асрларда ишлаб чиқариш кучларини муваффақиятли ривожлантирди, мамлакатни ғалла билан, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, тоқчилик маҳсулотлари билан

тўла таъминлаб турди. Шу билан бир вақтда ҳукумат деҳқонлардан мунтазам равишда ер солиғи олиб турар эди. Бу нарса давлат молиясини анча тартибга солди. Ниҳоят, деҳқонлар Византия барпо этилаётган янги қўшин учун манба бўлиб хизмат қилди, империя улардан унинг эиғ хавфли душмани бўлган Араб халифалигига қарши курашда фойдаланди.

Исаврлар династиясининг идора қилиши. VIII асрнинг бошларида ҳам Византиянинг халқаро аҳволи боягидек жуда оғир эди. Араблар Кичик Осиёга бостириб кирдилар. Улар Кипр ва Родос ороларини босиб олдилар. Араб қўшинлари Константинополь яқинига келиб уни деярли бутун бир йилгача (717—718) қамал қилиб турдилар. Лекин араблар Константинополни ололмадилар. Константинополнинг қулай стратегик мақеи, византияликларнинг «греклар ўти»¹, деб аталган ўтни ишлатиши, императорга иттифоқчилари болгарларнинг ёрдам бериши натижасида, араблар катта талафот кўриб, чекинишга мажбур бўлдилар. Янги сайланган император Лев III Исавр истеъдодли ташкилотчи ва қобилиятли олий қўмондон бўлиб чиқди. У, Сурия билан чегарадош Исаврия вилоятдан чиққан бўлиб, янги Исаврлар династиясига асос солгандир. Исаврлар династияси Византияни бутун бир юз йил давомида (717—802) идора қилди. Лев III (717—740) ва унга ёрдамчи бўлиб, кейин унинг ўрнига император бўлган Константин V (740—775) арабларга қарши курашда катта тажриба орттирган ҳарбийлар эди. Лев III император бўлгандан кейин ҳарбий ишга катта эътибор берди. VII асрда, Ираклий ва унинг ворислари давридаёқ Византия ҳукумати ёллашма қўшинларга қўшимча равишда маҳаллий лашкарлар тўплашни қисман амалга оширган, бу маҳаллий лашкарлар маҳаллий маблағлар ҳисобидан таъминланарди. Лев III замонида бу ҳарбий реформа янада ривож топди. Византия қўшини маълум чегарани кўриқлаб турган маҳаллий лашкарлардан тuzилиб, бутунлай территориал характерга эга бўлиб қолди. Энди бутун империя фемларга — ҳарбий округларга бўлиб юборилди. Буларга стратиглар — воеводалар бошлиқ қилиб тайинланган. Ҳарбий ҳокимиятгина эмас, балки граждан ҳокимияти ҳам ўша воеводалар қўлида бўлган. Уларнинг ёрдамчилари офицерлар — турмархлар бўлди. Оддий солдатлар — стратиотлар — ҳам деҳқон ва ҳам умр бўйи хизмат қиладиган аскар эди. Уларнинг ер участкаси бўлиб бу участкадан улар ўз оилаларининг кучи билан фойдаланардилар, қисман бошқа деҳқонларга ижарага берардилар. Улар шу ер орқасидан кун чечирардилар. Ҳарбий хизмат ўтаганлари учун стратиотлар одатдаги солиқларнинг бир қисмидан озод қилинди. Деҳқон лашкарлардан иборат бу янги қўшинни исаврияли императорлар фақат империянинг юқорида

¹ Греклар ўти — отиладиган ёндирувчи нарса бўлиб, нефть, олтингурут, селитра ва ҳар турли мумлардан ясалар эди.

кўрсатиб ўтилган «варварлашуви» туфайли, ҳаммадан бурун славянлар орқали «варварлашуви» туфайлигина вужудга келтира олди.

Лекин янги типдаги қўшин вужудга келтирилиши муҳим социал оқибатларга олиб келди. Пуллик маош олиш билан бир қаторда яна ер ҳам олган стратиг ва турмархлар ҳақиқатда ташкил топаётган ҳарбий-феодал табақанинг вакиллари эди. Стратиотларнинг социал қиёфаси ҳам жуда хилма-хил эди. Уларнинг бир қисми (пиёда аскарлар) деҳқонлардан иборат бўлса, иккинчи қисми (отлиқ аскарлар) эса майда поместьелари рицарь типдаги аскарлардан иборат эди. Шундай қилиб, VIII асрда Византияда ҳам йирик ва ҳам майда феодаллар сони тез кўпайиб борди. Янги феодаллар қулларни ерга биркитиб қўйиб, уларни крепостной деҳқонларга айлантирардилар, шу билан бир вақтда жамоачи-деҳқонларнинг бир қисми, айниқса, чек ери камлигидан ҳарбий хизматни ўтай олмайдиган қисми крепостнойларга айлана борди. Ерсиз деҳқонлар янги ҳарбий ер эгалари ерларига кўчиб келиб, уларга қарам бўлиб қолардилар. Ҳарбий хизмат ўтовчи кишилар поместьеларнинг бир қисmini эски сенатор зодагонларнинг янгидан мусодара қилинган ерларидан олди; кўп ер ҳарбийларга Византия православ церковидан ўтди.

Бутга қарши кураш ва унинг социал моҳияти. Черков ерларининг кенг кўламда секуляризация қилиши (давлат мулкига айлантирилиши) Исавр императорларининг номи билан боғлангандир. Исавриялик императорлар ўз замондошларидан «бутга қарши курашувчилар» деган лақаб олди. Улар бутга сиғинишга қарши фармонлар чиқардилар, уларнинг буйруғи билан иконалар ибодатхоналардан олиб чиқилди ва уларнинг бир қисми йўқ қилиб ташланди. Черков буни асос қилиб императорни бутга қарши бидъатда айблади. Лекин исавриялик императорларнинг сиёсати улар тахтга чиқмасдан илгари Византияда бошланган ғирт диний жанжаллар доирасидан хийла четга чиқиб кетди. Императорлардан Лев III, Константин V ва уларнинг ворислари айти катта черков-монастирь ер эгалигига қарши кураш қилиб кетган бир пайтда бутга чўқинишга қарши чиқдилар. Бутга қарши кураш ўзига хос бир баҳона бўлиб, шу баҳона билан ҳукумат энг йирик монастирларни ёпиб қўйди ва черков-монастирь мулкларини мусодара қилди. Монастирларнинг ғазна ихтиёрига олинган ерлари Византиянинг ташкил топаётган рицарларига бенефиций қилиб тақсимлаб берилди. Монастирларнинг ерларидан ҳарбий хизмат учун бериладиган бундай участкалар Византияда алоҳида бир термин билан хариштикий («эхсон», «хайр-сахсват») деб аталган, бу эса маъно жиҳатидан латинча — «бенефиций» сўзига тўғри келади.

Фома Славян қўзғолони. Исавриялик императорларнинг ҳарбий реформаси яхши натижа берди. Императорлар катта маблағ сарфламадан (Сурня ва Миср қўлдан кетиши орқасида империя бирмунча вақтгача молиявий қийинчиликларга учраган)

катта ҳарбий кучга эга бўла олди. Фем қўшинлари ўз округла-сал-пал каттароқ кўламда ҳужум операцияси олиб боришга ҳа-ли журъат этолмади. Лекин ҳукуматнинг сиёсати черков гуруҳи ўртасида катта норозилик туғдирди. Янги династия обрўсининг кучайишидан норози бўлган дунёвий зодагонларнинг бир қисми ҳам черков гуруҳига қўшилди. Бутга қарши кураш тарафдорла-ри билан бутга чўқиниш тарафдорлари ўртасидаги кураш бир неча ўн йилга чўзилди ва баъзан бу кураш жуда кескин тус олди. Лекин халқ оммаси ўртасида ҳам норозилик кучайиб бормоқда эди. Феодализмнинг тараққий этиб бориши эксплуатациянинг янги формаларини вужудга келтира бошлади. Феодал ер эгаси-нинг қўшнилиги эркин деҳқон жамоаларини крепостнойлашти-риш хавфи остида қолдирган эди. IX асрнинг бошларида араб-лар хавфи камайгандан кейин, стратиот — деҳқонларнинг аҳво-ли жуда ҳам ёмонлаша бошлади. Янги «қудратли одамлар» — династлар ёки (славянлар атаганидек) «властеллар» — жамоага қарашли экин экиладиган ерларни ва яйловларни тап тортмай ҳаёсизларча босиб олиб, стратиотларни эса ўз крепостнойларига айлантира бошладилар.

Халқ норозилигининг кучайиши заминида 821 йилда (Исавр-лар династиясидан кейин) Кичик Осиёда яна катта қўзғолон кўтарилган, бу қўзғолон Фома Славян қўзғолони деб ном олди. 821 йил қўзғолони қатнашчиларининг состави жуда хилма-хил-дир. Унда эркин жамоачи-деҳқонлар, крепостнойларга айланти-рилаётган стратиотлар, ҳақиқатда крепостнойга айлантирилган майда қарам ижарачилар — париклар қатнашди. Бу ҳаракатга Кичик Осиёда жуда кўп бўлган павликианлар, империянинг шарқий областларида авж олиб келаётган ва ўз таълимидаги баъзи хислатларни қўшни Эрон сектасидан¹ олиб ўзлаштирган бир демократик диний секта ҳам қўшилди. Қўзғолонга бошчи-лик қилган Фома Славян² ўзини император деб эълон қилди. Арабларнинг ёрдами билан Фома Антиохияда императорлик тожини кийиб, кейин тарафдорлари билан биргаликда Констан-тинополга қараб йўл олди. У, Византия флотининг раҳбарларини ўз томонига оғдириб олишга муваффақ бўлиб, пойтахтни қамал қилишга ҳам киришган эди. Лекин Фоманинг сиёсати старли даражада изчил сиёсат эмас эди. У ҳеч қандай социал реформа-лар ўтказмади, ҳатто халқ бўйишидаги оғир солиқларни ҳам ен-гиллаштирмади. Ҳақиқатда у халқ ҳаракатидаги фойдаланиб, ўзининг энг яқин тарафдорлари билан бирликда ҳокимиятни

¹ Дуализм деб аталган нарса ёки бир-бири билан умрбод кураш олиб боровчи яхши ва ёмон худо ва шайтон тўғрисидаги таълимот. Бу ҳақ-да «III—VII асрларда Эрон» деган бобда муфассалроқ тўхталади. Шу бобга қараңг.

² Унинг келиб чиқиши аниқ эмас. Баъзи манбаларда у славян дейила-ди, бошқа манбаларда эса византиялик асл грек дейилади. Унинг ўзи, мен император Константин VI нинг ўғлиман деб юрган.

ўз кўлига олмоқчи бўлган эди, холос. Унинг Византия душмани араблар билан бўлган дўстона алоқалари ҳам шубҳа туғдирарди. Ниҳоят, 823 йилда Фома Константинополь бўсағасида мағлубиятга учраган ва асир тушиб, қатл қилинди.

Муваффақиятсизликка учраганлигига ва династия курашига айланиб кетганлигига қарамай, Фома Славян кўзғолонининг шу томони муҳимдирки, унда феодал эксплуатациясининг янги формаларига қарши курашган кенг халқ оммаси қатнашди. Шуниси характерлики, Фома ҳалок бўлгандан кейин ҳам, умумий раҳбарликдан маҳрум бўлган деҳқонлардан ва шаҳар камбағалларидан иборат айрим отрядлар узоқ вақтгача, ҳатто 825 йилгача қаршилик кўрсатиши давом эттиравергандилар. IX асрнинг 20- йилларидаги ҳаракатнинг сиёсий оқибатлари ҳам диққатга сазовордир. Бутга қарши курашувчи гуруҳ билан бутга сиғинувчи гуруҳ халқ ҳаракатининг кучайишидан, хусусан павликианлар ҳаракатидан қўрқувга тушиб, бу кўзғолондан кейин тез вақт ичида бир-бири билан ярашиб кетди. 843 йилда бутга сиғиниш расмий суратда тикланди. Черков секуляризация қилинган монастырь ерларини қайтариб ололмаган бўлсада, у билан давлат ўртасидаги муносабат яна дўстона муносабатга айланиб кетди. Черков-монастырь ер эгалиги аста-секин яна ўса бошлади, лекин бу ўсиш бутга қарши курашдан олдинги даврдагидай кенг кўлам ололмади.

Македонияликлар династияси вақтида Византия. IX асрнинг ярмидан то XI асрнинг ярмигача Византияни Македонияликлар династияси идора қилди. Василий I Македонлик бу династиянинг биринчи намояндасидир (867—886). X асрда бу династиядан бир неча машҳур император чиқди, ўз замонининг атоқли олими ва ёзувчиси Константин VII Багрянородний (912—959), машҳур ҳарбий саркардалар — Никифор Фока (963—969), Иоанн Цимисхий (969—976) ва Василий II Болгаробойца (976—1025) ана шулар жумласидандир.

Македонияликлар династияси идора қилган вақтга келиб Константинополь жуда катта савдо марказига айланди ва Европа билан Осиё ўртасидаги савдо асосий воситачилик ролини ўйнади. Араб, рус-славян, италияларнинг савдо-сотиклари Константинопольга келиб тўпланиб, унинг жуда катта шухрат қозонишига ва жонланишига сабаб бўлди. Византия императори ташқи савдодан шундай катта даромад олдики, IX ва X асрларда Ғарбий Европадаги король ва императорлардан бирортаси ҳам бундай даромад олмас эди. Шу билан бирга IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араблар хавфи Византия учун қўрқинчли бўлмай қолди. Араб халифалиги бу вақтда айрим-айрим мустақил давлатларга бўлиниб кетган эди. Византиянинг ўзи энди араблар Шарқига қарши ҳужумга ўтишга молик бўлиб қолган эди.

Македонияликлар династияси вақтида империянинг территорияси яна кенгайди. Шарқда араблардан Крит, Кипр ороллари,

Антиохия шаҳри билан бирга Суриянинг катта бир қисми тортиб олинди; ғарбда, яъни Италияда империя Апулия билан Сицилияни бирмунча вақтга қайтариб олди. Шу билан бир вақтда Византия славян давлатларига қарши қаттиқ кураш олиб борди. X—XI асрларда Византия билан Болгария ўртасидаги душманлик муносабатлари жуда ҳам кескинлашиб кетди. XI асрнинг бошларида Византия Болгария подшолигини бутунлай босиб олди. Империянинг Болқон ярим оролидаги чегаралари яна шимолда Дунайгача, шимоли-ғарбда Адриатика денгизи қирғоғигача етган. Серб қабилалари ҳам бир оз вақтгача Византияга тобе бўлиб қолди.

Византия ва Киев Русь. Македонияликлар династияси вақтида Византия билан Русь ўртасидаги муносабатлар тотувлашди. Қизгин савдо муносабатлари («варяглардан грекларга борадиган буюк сув йўли»), мустақкамланган маданий алоқа (русларнинг 988 йил атрофида греклардан христианликни қабул қилиши, шу муносабат билан Византия илм-маърифатининг Русга кираб келиши), умумий душманларга — печенеглар, хазарлар ва половецларга қарши биргаликда кураш олиб борилиши натижасида Византия билан Русь ўртасида X асрнинг иккинчи ярмида дўстона муносабатлар ўрнатилди. Бу дўстлик муносабатлари камдан-кам ҳоллардагина (масалан, 1043 йилда) душманлик ҳаракатлари туфайли узилиб турди. Константинополь патриархи Русь черкови бошлигини Киев метрополитини тайинлаш ҳуқуқини даъво қилди. Бироқ Руснинг черков йўли билан Византияга бўлган қарамлигини Ярослав I рус попи Илларионни 1051 йилда Киев метрополити қилиб тайинлаш билан анча бўшаштирди.

Рус черкови Константинополь черковининг ҳукмронлигидан 1448 йилда узи-кесил қутулиб олди. Рус метрополитлари, ҳатто греклардан бўлганида ҳам рус черковини мустақил идора қилар ва одатда олисдаги Константинополь патриархидан кўра Руснинг буюк князи иродаси билан кўпроқ ҳисоблашарди.

Черковларнинг ажралиб кетиши. XI аср ўрталарида Византия черковининг ҳаётида иккинчи бир муҳим воқеа — Рим папаси билан ажралиш юз берди. Бир томондан, Константинополнинг Италия билан алоқаси сусайиб кетиши, иккинчи томондан, ғарбда Рим папалари сиёсий қудратининг кучайиши шундай оқибатларга олиб келдики, ўша вақтгача ягона бўлиб келган христиан черкови ғарбий-католик ва шарқий-православга ажралиб кетди. Бу вақтга келиб уларнинг диний маросимлари, тоат-ибодат тили ва бошқариш системасининг ўзи ҳам (ғарбда — папа ва кардиналлар, Шарқда — пойтахт шаҳар Константинополнинг патриархи бошчилигидаги патриархлар) анча ўзгариб кетди. Черковлардаги ажралиш 1054 йилда, Рим папасининг легатлари, яъни элчилари грек черковини рим черкови билан алоқа қилишини рад этиб, Константинополни ташлаб чиқиб кетган пайтдан бошланди. Бунга жавобан Константинополь патриархи Рим черкови билан унинг бошлиғи папага лаънат ўқиди.

IX—XI асрларда Византия феодализи. Македонияликлар династияси вақтида Византиянинг феодаллашув процесси тез авж олиб борди. Эркин деҳқонларнинг сони шу қадар тез камайиб бордики, мамлакат муҳофаа қобилиятининг пасайишидан, шунингдек, аҳолидан тушадиган солиқ маблағларининг камайишидан қўриқиб, императорларнинг ўзлари ҳам ташвишга туша бошладилар. Динатлар томонидан деҳқон ерларининг босиб олинишига қарши X асрнинг биринчи ярмида императорлар бир неча марта фармонлар — новеллалар (922, 934 ва 947 йиллардаги новеллалар) чиқарди. Император Василий II бир нечта янги фармон чиқарди. Унинг новеллаларидан бирида (996) катта ер эгаларидан жамоачи-стартиотлардан илгари тортиб олинган ҳамма ерларни деҳқонларга қайтариб бериш талаб қилинди¹. Бироқ, бу фармон ҳамда шу каби бошқа фармонлар яхши бажарилмади. Феодал зодагонлар шу қадар кучайиб кетган эдики, 1057 йилда македонияликлар династиясининг ўрнини олган ва Кичик Осиёдаги зодагон йирик ер эгаларидан чиққан Комнинлар династияси эркин деҳқонларнинг қолган-қутганларини ҳам феодаallarга ем қилиб беришга ҳар томонлама кўмаклашди. Комнинлар айрим-айрим қишлоқларнигина эмас, балки бутун-бутун округларни катта ер эгаларининг проиниясига (айнан таржима қилганда: ғамхўрлигига, васийлигига) берди. Бу эса ўзларига тобе аҳолини бевосита крепостнойга айлантириш йўлидаги тадбир эди. Прониар-имунист давлат солиқларининг бир қисмини ўз фойдасига йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўлди. Қўл остидаги аҳолини унинг ўзи суд қилар эди. Бу ерлар аста-секин феодалнинг наслдан-наслга ўтадиган хусусий мулки бўлиб қолди.

Комнинлар вақтида катта черков ер эгаллиги македонияликлар династияси вақтидагига қараганда кенгроқ кўламда қайта вужудга кела бошлади. XI—XII асрларда византиялик эркин деҳқонларнинг, жамоачи-комитурларнинг сони жуда ҳам озаёиб кетди. Феодалнинг ерида деҳқончилик қилиб, унга оброк — феодал ренгаси тўловчи крепостной деҳқонлар — париклар Византия қишлоқларида кўпчиликни ташкил этадиган бўлиб қолди.

Шу билан бирга Византия поместьеларида ҳали бирмунча қуллар (дуллар) ҳам бор эди. Улар асосан ҳовли ичидаги ҳар хил ишларни қилиш билан бирга, улардан қишлоқ хўжалик ишларида, айниқса суғориш, йўл қурилиши ишларида, тош конларида ва шу кабиларда ҳам фойдаланардилар.

IX—XI асрларда Византия маданияти. Византия ўзининг кўп асрли ҳаёти даврида бой ва ранг-баранг маданият яратди, бу маданият жанубий славянларга ва Русьга катта таъсир кўрсата-

¹ 996 йилги новелла стратиот ва деҳқонларнинг ерларини қўлга киритиб олган катта ер эгаларининг «ҳуқуқлари»ни муҳофаза қилиб келган ва қирқ йил муҳлат деб аталган нарсани бекор қилган.

ди. Ҳали VI асрлардаёқ ўзининг илк намуналарини берган Византия архитектураси (Юстиниан иморатлари) кейинги асрларда ҳам ривожланишда давом этиб, пишиқ монументал Византия ибодатхоналари типини бунёд қилдики, бу типдаги ибодатхона намуналари XI асрдаги қадимий рус ёдгорликлари учун энг яхши намуна бўлиб хизмат қилгандир (булар ичида энг яхшиси — Киевдаги аё София ибодатхонаси билан Новгороддаги аё София ибодатхонасидир). Зотан, шунинг назарда тутиш керакки, руслардаги «византия» услуби ўзи намуна олган грек услубидан кўп жиҳатдан фарқ қиларди. Қадимги славян мотивларини ҳам ўз ичига олгани ҳолда бундан кейинги ривожланиши процессида ўзининг оригинал формаларини яратган ўша услуб умуман олганда русларнинг ўзига хос рус ижоди эди.

Шунинг айтиб ўтиш керакки, Византияда қурилиш техникаси: гишт қилиш, жуда ажойиб оҳак қоричмаси тайёрлаш, гишт териш санъати, монументал қуббалар, улуғвор гумбазлар ва шу кабилар яратиш техникаси ўз замонаси учун жуда юксак даражада эди.

Византияда IX—XI асрларда рассомлик — деворга расм солиш ҳам, кошанкорлик тасвирлари ҳам зўр бериб ривожлана борди; рассомликнинг бу шакллари Византияда тобора қатъий тус олиб ва услублашиб борди.

Византияда бадий ҳунармандчилик ҳам юксак даражада ривож топди. Қимматбаҳо ипак газлама, кимхоб, гилам тўқиш кенг тарқалган; заргарлик, бадий кулолчилик, шиша буюмлар ясаш, сир (эмаль) тайёрлаш айниқса тараққий этган эди. Византия ҳар хил қурол-яроғ ишлаш, кемасозлик, кончилик (руда, мрамор қазиб чиқариш) ва ҳоказолар билан донг чиқарганди.

Фан соҳасида IX—XI асрлардаги Византия олимларига шу нарса хоски, улар қадимги дунё классик авторларининг асарларини муттасил ўргандилар, уларни тўплайдилар, улардан конспект олдилар, бу материаллардан ҳар хил темаларда тўпламлар туздилар

Классик авторларнинг асарларини тўплаган ва улар асосида компилятив асарлар ёзган олимлардан бири юқорида айтиб ўтилган император Константин VII Багрянородний бўлиб, унинг бир нечта асари — «Империяни идора қилиш тўғрисида», «Маросимлар тўғрисида» ва «Фемлар тўғрисида» деган асарлари ҳозиргача сақланиб келмоқда. Константин VII асарларининг қиймати шундан иборатки, улар Византия билан қўшни бўлган мамлакатлар ва халқлар тўғрисида, шу жумладан, славянлар ва хусусан руслар тўғрисида кўп материал беради.

Константин VII дан илгари эса ўз замонасининг энг атоқли тўпловчиси, библиофили ва энциклопедисти патриарх Фотий бўлиб (820—891), у ўзидан кейин «Мириобиблион» деб аталадиган тўплам қолдирган, бу тўпламга 300 га яқин очерк кирган, булар қадимги грек авторларининг асарларидан кўчирма бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига тегишли шарҳлар берилган.

Византияда йилпома ёзиш жуда ҳам ривож топди. VI—IX асрлардаги энг атоқли воқеанавислар Иоанн Малала, Феофан ва Георгий Амартолдир, уларнинг асарлари кўпроқ славян тилига таржима қилинган бўлиб, бу асарлар Киев давридаги йилномачиларга ҳам маълум эди. Византиянинг айрим даврлари тарихига оид ўзига хос монографиялар ёзган Византия тарихчиларидан бири Анна Комнинани кўрсатиш мумкин. У ёзган «Алексиада»да ўзининг отаси Алексей I Комнин подшолик қилган давр ва «алиб юришларининг бошланиши таърифланади. Ундан анча кейинги салб юришларни таърифлаган яна бир тарихчи Никита Акминатдир. Унинг «Ромеялар тарихи» (яъни византияликлар тарихи) 1118 йилдан 1206 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Византияни фожиали оқибатларга олиб келган тўртинчи салб юришини Акоминат айниқса ёрқин таърифлаган.

Византия адабий ёдгорликлардан жуда кўп агиографик (диний) асарлар («авлиёномалар») қолдирган; асарларда ўрта аср Византиясининг турмуш-маишатига оид конокрет, ёрқин материаллар жуда кўп.

Византияда дунёвий адабиёт: қиссалар, дostonлар, сатирик (ҳажвий) асарлар ҳам бўлган. «Филократис» сарлавҳали сатира (X асрнинг иккинчи ярми) грек-рим шоири Лукианга (эраминдан аввалги II аср) тақлид қилиб ёзилган. Маъжусий билан христиан ўртасидаги диалог формасида ёзилган бу ҳажвий асарда православ руҳонийларига, монахларга қарши жуда кескин сўзлар айтилган. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётига аралашганликлари қаттиқ қораланади. XI асрнинг бошларида майдонга келиб айниқса зўр шуҳрат қозонган «Дигенис Акрит ҳақидаги қисса» дostonи бутун Яқин Шарққа кенг тарқалгандир, унинг таржималари қадимги Русьнинг ёзма ёдгорликлари ичида ҳам кўп учрайди. «Дигенис Акрит ҳақидаги қисса» баъзи хислатлари билан Ғарбий Европанинг феодал эпосларига («Роланд ҳақида қўшиқ» ва бошқаларга), қисман рус халқ дostonларига ўхшаб кетади. Унда Византия халқининг ўз ташқи душманларига қарши олиб борган қаҳрамонона кураши ҳам шеърий формада тасвирланган. Александр Македонский—Искандар Зулқарнайнинг Шарққа, жумладан Ҳиндистонга қилган юришлари тўғрисидаги «Александрия» деган ҳикоянинг ҳар хил вариантлари халқ ичида кенг тарқалган эди, улардаги фольклор материалларининг манбан қисман Византиядан ва қисман Шарқдан олинган эди.

Х БОБ

VI—XI АСРЛАРДА ЖАНУБИЙ СЛАВЯНЛАР

Болгария давлатининг вужудга келиши. VII асрда Болқон ярим оролининг шимол-шарқида вужудга келган Болгария давлати ўз тараққиётида икки босқични босиб ўтди. Дастлаб,

яъни VII асрнинг биричи яримда Дунайнинг жанубида яшовчи Дунай бўйи славянлари (Данубй) деб аталган еттигла славян қабиласининг¹ хийла катта бир иттифоқи вужудга келди; афтидан, яна бир славян қабиласи — Дунайнинг шимолида Трансильвания чегараларида яшаган шимолликлар (северяндлар) қабиласи ҳам булар билан боғланган бўлса керак. Славяндларнинг Дунай иттифоқи Болқон ярим оролининг шарғи чети билан берғи четидаги душманларга — шимолда аварларга ва жанубда Византияга қарши қаттиқ кураш олиб борди.

Тахминан худди шу вақтларда, яъни VII асрнинг биричи яримда Дунайга Азов бўйидан янги қabila — болгарлар келди; булар славянлар бўлмай, тилига қараганда қандайдир бир илк турк ёки прототурк қабилаларига мансуб эди². Болгарларнинг Дунай бўйига, сўнгра эса бевосита Болқон ярим ороли территориясига келиб жойлашуви Дунай бўйи славянлари иттифоқининг бундан кейинги ривожда катта аҳамиятга эга бўлди.

Болгар хони Аспарух Дунай иттифоқининг князлари билан махсус шартномалар (рaсtoi) тузиб, (бу шартномага мувофиқ болгарлар билан славянларга тегишли территориялар ажратиб бериладиган бўлган эди), ўз дружинаси ва фуқароларининг бир қисми билан бирликда 679 йилда (ёки яна бошқа бир тахминга қараганда 681 йилда) Болқон ярим оролининг Дунайдан жанубдаги территориясига кўчиб келиб жойлашди. Ўша вақтда юз берган вазиятга қараганда, болгарлар бу ерда истилочи сифатида эмас, балки умумий душман—аварлар ва византияликларга қарши курашда Дунай славянларига иттифоқчи бўлиб келдилар. Аммо бу иттифоқда келгинди болгар қабилалари славянлардан устун бўлиб олганлиги учун мамлакат ҳам болгарлар номи билан аталадиган бўлди.

Аспарух Византия императори Константин IV билан болгарлар ва славянлар учун фойдали шартнома тузишга муваффақ бўлди, бу шартномага мувофиқ, Византия империяси Болқондан каттагина бир қисм ерни бирлашган «варварлар» га берадиган бўлди. Аспарух янги болгар-славян давлатининг бош князи бўлди, унга бу ерда қолган маҳаллий славян князлари бўйсунардилар. Славян аҳолиси Аспарух ва унинг уруғи Дуло фойдасига хирож тўлаши лозим эди. Янги давлатнинг пойтахти аввалига Плиска шаҳари, кейинчалик эса Преслава шаҳари бўлди.

¹ VI асрнинг охири билан VII аср бошларида Болқон ярим оролида славянларнинг яна бир бирлашмаси — славян қабилаларининг Македония иттифоқи ёки Склавиния, яъни «славянлар эли» деган бирлашма бўлар эди. Бу иттифоқни Византия тор-мор келтирди; унга кирган славян қабилалари империя фуқароси бўлиб қолдилар, аммо ҳали IX—X асрларда ўзларининг тили ва урф-одатларини сақлаб қолган эдилар.

² Болғар қабилаларини яна бир қисми худди шу вақтда Волга ва Кама бўйига келиб жойлашиб, бу ерда Кама болгарлари давлатини ташкил қилди, бу давлат бизга СССР тарихидан маълум.



VI—VIII асрларда Жанубий славянлар

VIII асрда Аспарухнинг вориси даврида болгарлар энди Византиянинг ички ишларига аралашадиган бўлиб қолди. Болқон тоғ тизмаларининг жанубидан янги ерлар олди. VIII ва IX асрлар давомида славянлар билан болгарлар жуда тез яқинлашиб кетдилар, болгарлар славянлардан деҳқончиликни, ҳунармандчиликни, славян дини ва урф-одатларини, ҳаттоки тилини ҳам ўзлаштириб олдилар. Фесдал муносабатлар таркиб топа борган сари ерли славян ва келгинди болгар зодагонлари битта ҳукмрон синф бўлиб қўшилиб кетди.

IX асрда Болгариянинг юксалиши. IX асрнинг бошларидаёқ Болгария жуда катта бир давлатга айланди. Қудратли хон Крум ҳукмронлик қилган вақтда (802—815) Болгария подшолиги составига ҳозирги Болгариядан ташқари, яна ҳозирги Руминия ҳамда Венгриянинг катта бир қисми (Тиса дарёсининг жанубидаги қисми) кирган эди. Крум замонида Болгариянинг ерлари

гарбда Сава ва Тиса дарёлари бўйлаб бевосита Карл Буюк империяси билан чегарадош эди. Болгария IX асрнинг иккинчи ярмида князь Борис (852—888) замонида ҳам кенгайиб борди. Борис замонида болгарлар (шарқдан келганларнинг авлодлари ҳам, маҳаллий славян аҳолиси ҳам) Византиядан христианликни қабул қилди. IX асрда дастлаб бир-бирига ёт бўлган икки этник элемент — болгарлар ва славянар бир-бири билан шу қадар яқинлашиб кетдики, «болгарин» деган ном византияликлар билан руслар назарида ҳақиқий славян деган маънога эга бўлиб қолди. Сон жиҳатидан бирмунча озчиликни ташкил этган келгинди болгарлар маҳаллий аҳолига араллашиб кетиб, славян тилини тўла ўзлаштириб олди. Христианликнинг қабул қилиниши иккала қабила элементининг бу қўшилиш процессини худди идеологик жиҳатдан тугаллади.

Подшо Симеон замонида Болгария. Болгария подшолиги подшо Симеон Буюк (883—927) даврида жуда қудратли подшоликка айланди. Унинг даврида Болгариянинг Болқон ярим оролидаги ерлари шу қадар кенгайиб кетдики, у бамисоли умумболқон давлати бўлиб қолган эди. Византиянинг қўлида ярим оролнинг фақат жанубий қисмларигина, Эгей денгизи қирғоқлари, Македониянинг бир қисми (Солунь шаҳари билан) ва Фракиянинг бир қисмигина қолди. Лекин Симеон бу областларга ҳам таҳдид солиб, Болқон ярим оролининг ҳаммасини, шу жумладан Византия пойтахти Константинополнинг ўзини ҳам босиб олмоқчи бўлди. Симеон «Царьград»га¹ бир неча марта юриш қилди ва уни босиб олишга уринди. Лекин у ўзининг бу мақсадини амалга оширолмади, чунки Константинополь яхшилаб мустаҳкамланган ва стратегия жиҳатидан жуда қулай ўринда жойлашган эди, Симеонда эса зарур денгиз флоти йўқ эди. Бундан ташқари болгарлар ярим оролнинг нариги ёғида византияликларнинг иттифоқчиси венгрлар билан уруш олиб бораётган эди.

Царьградни эгаллаётган эмас ҳам, 919 йилда Симеон «барча болгарлар ва грекларнинг подшоси ва мустабид ҳокими» деган дабдабали унвон олди ва, шундай қилиб, у ўзини Византия императори билан барабар деб ҳисоблади. Шу нарса диққатга сазоворки, Византия саройидагилар ҳам Болгария подшоси билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Константинополь саройида бўладиган қабул маросимларида болгария элчилари бошқа элчилар орасида, жумладан, Муқаддас Рим империясининг элчилари орасида ҳам биринчи ўринда турарди. Симеоннинг ўғли, бўлғуси подшо Пётр Византия маликасига, Византия императорининг неварасига уйланди. Преславга грек маликаси билан бирга жуда кўп греклар кўчиб келди. Преславда Византия чертёжлари асосида византиялик ва болгарлик усталар ёрдамида са-

¹ Славянар Константинополни ўз она тилида шундай деб атаган эдилар.



VII аср — X аср бошларида Болгария

ройлар, ибодатхоналар, фиштин шаҳар деворлари қурила бошлади. Болгар сарой аҳли ҳар бир жиҳатдан дабдабали Византия саройига ўхшашга ҳаракат қиларди.

Ёшлигида византия саройида тарбия олган ва ўша замоннинг жуда ҳам ўқимишли кишиси бўлган Симоон ўзининг Преславдаги саройида славян адабий марказини ташкил қилди. Унинг ўзи ҳам бир нечта адабий асар ёзди. Унинг буйруғи билан Византияда чиққан диний-фалсафий ва адабий-тарихий темалардаги ҳар турли тўпламлардан жуда кўпи («Измарағл», «Златоструй» ва бошқалар) славян тилига таржимма қилинди. Илк болгар ёзувчилари X асрда ўзларининг оригинал асарларини яратдилар. Булардан энг кўп тарқалгани **И о а н н Э к з а р х** нинг «Шестоднев» деган китоби (турмушга оид материаллар ёзадиган авторга жуда кўп замонавий материаллар беради), шунингдек, монах **Х р а б р и н** г «Славян тили тўғрисидаги мулоҳазалар» («Рассуждение о славянском языке») деган китобидир. Храбр славян тилининг ер юзида кенг тарқалганлиги ва бу тил орқали грек ва латин тили сингари ҳамма нарсани ифода этиш мумкинлигини исботлайди. Симоон замонда хат-савол

халқ оммаси ўртасида кенг тарқалди. X асрга оид манбаларда кўрсатилишича, китобхонлик Болгариянинг шаҳарларидагина эмас, балки қишлоқларида ҳам сеvimли машғулот бўлиб қолган. Кейинча, XI—XII асрларда болгар-славян адабиёти Русьга ҳам кенг тарқалиб, қадимги рус адабиётининг хийла тараққий этишига ёрдам берди.

Подшо Симеондан кейин Болгария. Симеон ўлгандан кейин Болгария тушкунликка юз тутди. Симеон истило қилиб олган ерларнинг катта бир қисми Болгария қўлидан кетиб, қўшнилари қўлига ўтди. Болгария ҳисобига айниқса Византия кучайди. Шу билан бир вақтда Болгариянинг қолган территорияси ҳам маҳаллий болгар феодаллари—боярлари ҳокимиятининг кучайиши натижасида сиёсий бирлигини йўқотиб борди. Болгария ғирт тарқоқ феодал давлатга айланиб борди; подшо ҳокимияти ҳам тобора заифлашди. Шу билан бир вақтда Болгариядаги деҳқон халқ оммасининг аҳволи ҳам жуда оғирлашиб борди. Симеон замонидаёқ болгар деҳқонлари оғир давлат солиқлари ва узлуксиз урушлар натижасида хонавайрон бўлган эди. Иқтисодий жиҳатдан заифлашган бу деҳқонлар тез орада дунёвий ва черков ер эгалари асоратига тушиб, крепостнойлашиб борди. Кўпинча давлат солиқлари шу қадар оғир бўлдики, эркин болгар деҳқонлари давлатга камроқ солиқ тўлаш учун ўз ерларини ташлаб, феодаллар ерига ўта бошладилар. Бироқ бу билан улар мана шу феодалларнинг крепостнойига айланардилар. Византиядаги крепостной деҳқонлар сингари Болгарияда ҳам уларни париклар деб аташарди.

Богомиллик. Бояр—феодаллар эксплуатациясидан эзилган деҳқонлар оммасининг порозилиги кенг суратда авж олган еретиклик ҳаракатида — б о г о м и л л и к д а ўзининг ёрқин ифодасини топди. Богомиллик дастлаб подшо Симеон замонидаёқ пайдо бўлган эди. Богомиллик X асрнинг ўрталарида айниқса кенг тарқалганди. Богомиллар деган ном, баъзи талқинларга кўра, богомилларнинг дастлабки жамоаси тепасида турган Богомил ёки Богумил деган пошнинг отидан келиб чиққан; яна бошқа бир талқинга кўра, бу сўз худога хуш келадиган («угодные богу») деган маънони англатади, бу ном мазҳаб томонидан қабул қилинган бўлиб, бу билан богомиллар ўзларини худога яқин эканликларини ва богомилларнинг фикрича, яхши ишларга хизмат қилмасдан ёмон — гуноҳ ишларга хизмат қиладиган расмий давлат православ черкови тарафдорларига қарама-қарши ўлароқ ўзларини одил қилиб кўрсатмоқчи бўлганлар. Византиядаги павликанлар сингари, богомиллар дунёга дуалистик нуқтаи назардан қараганлар. Уларнинг фикрича, оламда бир-бирига қарама-қарши иккита асос: яхшилик — худо ва ёмонлик — шайтон ҳамма вақт курашиб келган ва курашиб келмоқда экан. Богомиллар: **давлат черкови оғизда худога хизмат қилгандек бўлиб, амалда эса шайтонга хизмат қилади, дердилар.** Ижтимоий социал зулм тўғрисидаги, авж олиб келаётган иқтисодий тенгсиз-

лик ва эксплуатация тўғрисидаги тасавурларини богомиллар ўзларича ана шу хилда тушутирар эдилар.

Богомиллар давлат православ черковини инкор этдилар ва черков ер эгалигига қарши чиқдилар. Улар крепостнойлик ҳуқуқи муқаддас китобга ҳам тўғри келмайди, деб тарғиб қилдилар. Богомиллар ҳарбий хизмат ўташни гуноҳ деб ҳисобладилар ва подшо солиқларини тўлашдан бош тортдилар. Улар ўзини-ўзи идора қиладиган ва жамоа мулкига биргалашиб эгалик қиладиган патриархал маҳаллий жамоаларни феодал давлатга қарши қўйдилар. Уларнинг ўзларининг махсус демократия черков ташкилоти бўлиб, уларга сайлаб қўйиладиган халқ оқсоқоллари бошчилик қилар эди. Богомилларнинг ўз адабиёти — тақиқланган китоблар деб аталадиган китоблари ҳам бор эди, бу китобларда улар расмий православ черковини қаттиқ қоралардилар.

Богомиллар ҳукумат томонидан жуда қаттиқ таъқиб қилинардилар. Ўз ватанида қувғин қилинган богомиллик Болқон ярим оролидаги бошқа мамләкатларга — Сербия, Босния, Далмацияга, Византиянинг Болқондаги областларига кенг тарқалди. Кейинча бориб богомиллик Ғарбий Европадагина эмас, балки Шарқий Европадаги ҳар хил еретик ҳаракатларнинг (ғарбда катарлар ва альбигойлар, Псков ва Новгородда — стригольниклар ва ҳ. к. авж олишга таъсир кўрсатди.

Биринчи Болгария подшолигининг тугаши. Византия Болгариядаги социал зиддиятларнинг кучайишидан фойдаланиб, Хасрининг ўрталаридан қатъий ҳужумга ўтди. Бир вақтлар Византия Киев князи Святославни ёрдамга чақирган эди. Святослав Болгарияга икки марта (968—969 ва 969—971 йилларда) юриш қилди, бу юришлар натижасида Дунайда ўз ҳокимиятини ўрнатди. Святослав болгар феодалларини тор-мор келтириб, Филиппополь¹ устига юриш қилиб, қуролини Византиянинг ўзига қарши қаратганда (шуни айтиш керакки, унинг қўшинида болгарлар ҳам бор эди) Иоани Цимисхий катта қўшин билан унга қарши чиқди ҳамда рус ва болгарларни орқага, шимолга сиқиб чиқарди; кейинчалик у Святославни Болгариянинг ўзидан ҳам сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. Святослав чиқиб кетгандан кейин Цимисхий Болгария подшолигининг катта қисмини — шарқий Болгария деб аталадиган қисмини Преславдаги пойтахти билан бирга ишғол қилиб, уни Византияга қўшиб олди. Истило қилинмай қолган Ғарбий Болгарияни маркази Охрид шаҳари билан Василлий II Болгаробойца (Болгаркесар) ўзига бўйсундирди. (Болгаробойца — болгарча «болгарлар қотили» дегандир); Василлий II бу лақабини болгарларга қилган шафқатсизлиги учун олган эди. У 1014 йилда ўзи учун муваффақиятли тугаган жангдан кейин асир олинган 15 минг болгарнинг кўзини ўйишга буй-

¹ Ҳозирги Пловдив шаҳри.

руқ берди. Болгар подшолиги 1018 йилда батамом тугади. Шу вақтдан бошлаб Болгария узоқ вақтгача — деярли XII асрнинг охиригача Византия асоратига тушиб қолди.

Болқон ярим оролидаги серб қабилалари. VI—XI асрларда Болқон ярим оролининг шимоли-ғарбий қисмида турли серб қабилалари ўрнашган бўлиб, булар сербларга, хорватларга ва словенларга бўлинар эди. Серб қабилаларининг азалдан яшаб келган ерлари Адриатика денгизи, Истрия, дарёлардан: Драва, Дунай ва Морава ҳамда Шар-Планина тоғ массиви ўртасидаги кенг территориядан иборат эди.

Тоғ тизмалари билан бўлинган серб аҳолиси узоқ вақтгача кичик-кичик территориал бирлашмалар шаклида яшар эди, бу бирлашмалар жупа деб аталар эди. Территориал бирлашмалар уруғчилик иттифоқлари билан чатишиб кетган эди. Уруғларга бўлинишнинг асосий формаси қабила бўлиб, у кичик-кичик қариндошлиқларга бўлинарди. Булар эса ўз навбатида патриархал силаларга бўлинар эди. Шарқий серб қабилаларида хонадон жамоаси, яъни бўлинмасдан умумий бир хўжалик олиб борувчи катта оила айниқса кенг тарқалган эди. Бу хонадон қабиласи «тўда», «буюк тўда» (ёки «задруга») деб аталар эди. Бундай қабиланинг бўлганлиги хали XIX асрнинг иккинчи ярмида ўз кўзи билан кўрганларнинг бу ҳақдаги ёзувлари тасдиқлайди.

Бора-бора серб жамиятида анчагина социал табақаланиш юз берди. Манбаларда VIII—X асрлардаёқ сербларда қуллар бўлганлиги тилга олинади. Халқ мажлисларига («сборлари» ёки «сборлари»га) тўпланиб турадиган эркин жамоалар тепасида жупанлар, жупа бошлиқлари турарди, булар князь (кнез) деб ҳам аталарди. Жупанлар орасидан секин-секин буюк жупанлар пайдо бўлди ва улар қўшни қабилавий группаларни бирлаштириб, давлат тузишга уришиб, бирмунча муваффақият қозондилар. Қўшни давлатлар — Византия, Венгрия ва Болгария серб қабилаларини ўзларига бўйсундириб олишга ҳаракат қилди, серб қабилалари бу давлатларга қарши кураш олиб борди. Бу кураш сербларда давлатнинг ташкил топишини тезлатди.

Сербия ва Хорватия давлатларининг ташкил топиши. Серб қабилаларида давлат бир эмас, бир неча марказда ташкил топди. Серб қабилаларининг биринчи энг катта бирлашмасини шарқий серблар князи Властимир (836—843) тузди. Властимир қўл остидаги ерлар составига шарқий сербларнинг асосий территорияси бўлган Рашкадан ташқари, Босниянинг Рашка дарёси ғарбидаги катта бир қисми ҳам кирди. Властимирнинг авлодларидан бири Чеслав Клонимирович (932—960) дастлаб Болгария подшоси Симеоннинг одами бўлиб идора қилди. Бироқ кейинчалик, Симеон ўлгандан кейин у, болгарлар ҳоқимиятидан қутулиб, мустақил князь бўлиб олишга ва ўз қўл остидаги ерларни Ғарб билан Шарқда анчагина (то Дунайгача) кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Властимир билан бир вақтда Бела деган князь ҳам ғарбий

сербларни бирлаштиришга ҳаракат қилди; у кейин Властимир билан сиёсий иттифоқ тузди.

IX асрнинг ўрталарида хорватлар франклардан қутулиб, улар ҳам ўз мустақил давлатини тузди; будавлатни уларнинг ўз жупанлари идора қилди (бу жупанлардан энг машҳури Тримир бўлиб, у 839—864 йилларда идора қилди). X асрнинг бошларида (чамаси 925 йилларда) буюк жупан Томислав (910—930) замонида Хорватия князлиги королликка айланди. Бу короллик составига Хорватиянинг ўз ерлари ва далмация кирди. Бироқ денгиз бўйидаги Далмация шаҳарларини XI асрнинг иккинчи ярмида Венеция босиб олди. XII асрнинг бошларида (1102 йилдан бошлаб) Хорватия Венгрияга қўшиб олинди, у бир неча юз йилгача (XV асргача) Венгрия составида қолиб келди.

Сербия давлатининг ўзида IX асрда гегемонлик бирмунча вақтгача гарбий серб (диоклея) князлари қўлига ўтди. Булар ичида энг катта князлар Михаил (1051—1081) ва Бодин (1081—1101) эди. Бодин қўл остидаги ерлар составига Зета (ҳозирги Черногория), Босния, Герцоговина ҳамда Шарқий Сербиянинг бир қисми кирар эди. Бироқ XII асрда яна Шарқий Сербия князлари кучая бошлади. Улардан бири, Византияга вассал қарамликда бўлган буюк жупан Стефан Неманя (1165—1195) XII асрнинг 60- ва 70- йилларида шарқий серб қабилаларини ҳам, гарбий серб қабилаларини ҳам ўзига бўйсундирди. 1190 йилда Стефан Неманя Византия ҳокимиятидан бутунлай қутулишга муваффақ бўлди. Шундан кейин тез орада Сербия короллик деб эълон қилинди. XIII—XIV асрларда Сербия короллиги Болқон ярим оролидаги энг йирик давлатлардан бири бўлиб қолди.

XI БОБ

III—VII АСРЛАРДА ЭРОН

Сосонийларнинг идора қила бошлаши. 226 йилда Эронда (Персияда) ҳокимиятни Сосонийлар династияси ўз қўлига олди, бу династия замонида Эрон яна кучайди ва эронликлар, жумладан, Византияга қарши кўп марта қаттиқ уруш олиб борди. Бу династияга асос солган киши Эроннинг жанубидаги Форс вилоятининг князларидан бири Ардашир (226—242) бўлди; Ардашир бу вақтгача идора қилиб келган Аршакийларнинг Парфия династиясини йиқитиб, унинг ўрнига ўз династиясини ўрнатди. Ардашир Заратуштра (Зороастр) мазҳабидаги эhtiборли руҳонийлар ёрдами билан ҳокимиятни ўз қўлига олди. Янги династия Ардаширнинг бобоси Сосоннинг номи билан юритилди, Сосон шу мазҳабнинг маги (коҳуни) эди. «Подшо тахти—меҳробнинг таянчи, меҳроб — подшо тахтининг таянчи» деган

машҳур гапни Ардаширнинг ўзи айтган дейдилар. Йирик зодагонларга қарши курашиб, Сосонийлар ўрта ва майда ер эгаларига ҳам суюнишга ҳаракат қилди. Эроннинг жанубий ва шарқий қисмидаги ҳали ўз эркинлигини сақлаб келаётган кўп қабилалари деҳқонлар Сосонийларга узоқ вақтгача асосий ҳарбий кучлар етказиб бериб келди.

Парфия подшолиги тарқоқ бир подшолик эди, унда ҳар бир областнинг ҳокими ўз вилоятининг меросхўри бўлиб, подшо билан фақат васаллик муносабатларида бўлар эди, бунга қарама-қарши ўлароқ, Сосонийларнинг янги эрон подшолиги анча марказлашган давлат эди. Уларнинг замонида мамлакат 18 та сатропликка бўлинган эди, буларнинг тепасида губернаторлар турарди, булар подшо томонидан тайинланиб, бoshдан-оёқ подшога бўйсунар эдилар. Сосонийлар давлат молиясига катта эътибор берди. Улар аҳолига турли-туман ер ва жон солиқлари солар ва бу солиқларни йиғиб олиш учун амалдорлар сонини кўпайтирар эдилар. Ғарбда Византияга қарши ва шарқда ўрта осийлик ҳар турли кўчманчи қабилаларга қарши узлуксиз уруш олиб боргани сабабли, Сосонийларнинг катта қўшини бўлиб, бу қўшин қисман отлик аскарлардан, қисман эса деҳқонлардан тўпланган кўпдан-кўп пиёда аскарлардан иборат эди. Зодагонларнинг айрим намояндалари томонидан кўрсатилган қаршиликни Сосонийлар ҳаддан ташқари шафқатсизлик билан бостирар эдилар, лекин подшолар сиёсати зодагонлар ва ҳокимлар табақасининг манфаатларига унча тўғри келмаганидан, уларнинг бирлашиб туриб подшоларни тахтдан йиқитган, ўлдирган ҳоллари ҳам тез-тез бўлиб турар эди.

Янги династиянинг пойтахти расман қадимги Аҳменийларнинг пойтахтларидан бири — Персеполь эди. Лекин Месопотамияда узлуксиз уруш олиб борилганлиги туфайли, подшо одатда Тигр дарёси бўйидаги чегара шаҳари — Ктесифонда турар эди. Ҳақиқатда шаҳаншоҳнинг («шоҳлар шоҳи»нинг) пойтахти шу шаҳар эди.

Сосонийлар давридаги Эроннинг иқтисодий ва ижтимоий тузуми. Сосонийлар даврида Эрон иқтисодий жиҳатдан тараққий топган бир мамлакат эди. У, Византия, Ҳиндистон ва Марказий Осиё билан қизгин савдо олиб борарди. Унинг қадимги эрон традицияларини ва кейинги вақтлардаги эллинистик традицияларни сақлаб келган эски шаҳарларида жуда яхши сифатли буюмлар ишлаб чиқарадиган турли-туман ҳунармандлик саноати бор эди. Эрон кимхоб, ипак ва юнг газламалари билан, гиламчилик, қурол, металл ва сопол буюмлар ясаш, заргарлик буюмлари ва ҳоказолари билан машҳур эди. Мамлакатда қулдорлик анча кенг кўлам олган эди. Қуллар ирригация қурилишларида ва деҳқончиликда — подшо ва зодагонларнинг ер-мулкларида ишлатилар эди. Яна кўп эркак ва аёл қуллар уй хизматқорлари қилиб ҳарамларда сақланар эди. Қул савдоси савдонинг энг фойдали соҳаларидан бири эди. Лекин шу билан бир

вақтда Сосонийлар даврида феодализм ҳам анчагина ўсиб, мустақамланиб, деҳқонлар крепостнойларга айлана бормоқда эди.

Сосонийлар идора қилган даврнинг бошларида деҳқонларнинг кўпчилиги шахсан эркин эди. Лекин Сосонийлар жуда тез вақт ичида подшонинг катта мансабдорларига ва зороастр руҳонийларига ер улаша бошлади, бундан мақсад улардан ёрдам олиш эди. Катта ер эгалари ўз ерларида ишлатиш учун иш кучи сифатида қуллардан фойдаланар эдилар. Сосонийлар давлатига қарашли бўлган Месопотамияда қуллар айниқса кўп эди. Эроннинг ўзида аҳолининг асосий кўпчилигини жамоачи деҳқонлар ташкил этар эди, булар уруғчилик тузумидан ҳали тамоман ажралиб кетмаган бўлиб, алоҳида қабила бўлиб яшар эдилар. Катта ер эгалари қўшни жамоачи деҳқонларни кундан-кунга баттароқ асоратга солар, уларни ўзларининг феодалларча эксплуатация қилиш объектига айлантирардилар.

Эрон деҳқонларининг аҳволи тобора ёмонлашиб, мутлақо тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етди. Улар феодал ер эгаларига қарам бўлиш билан бир қаторда давлатнинг тобора кучайиб бораётган солиқ зулми остида ҳам эзилардилар. Бундан ташқари, Эрон қишлоқларининг бошига судхўрлик ҳам бир бало бўлди; солиқлар қисман натура шаклида, қисман пул шаклида олиниб, деҳқонларнинг бу солиқларни тўлаш учун пулга доим муҳтож бўлганлиги натижасида судхўрлик авж олган эди. Кейинги иккита мусибат — солиқ зулми ва судхўрлик шаҳарнинг аҳоли оммасини ҳам қаттиқ эзарди, булар ҳам умуман ҳуқуқсиз эди. Амалдорлар солиқларни қишлоқларда деҳқонлардан қандай шафқатсизлик билан ундирган бўлсалар, шаҳарликлардан ҳам шундай шафқатсизлик билан ундирар эдилар.

Халқ ҳаракати. Мони, маздакийлар. Асоратга тушиб бораётган деҳқонлар оммаси ва хопавайрон бўлиб бораётган шаҳар камбағаллари ўз аҳволидан қаттиқ норози эдилар. Бу нарса диний ниқоб остида кўтарилган бир қанча халқ ҳаракатларида ўз ифодасини топди. Месопотамиядан чиққан Мони исмли тарғиботчи (чамаси 215 йилларда туғилган) Эронда халқ оммаси ўртасида III асрнинг иккинчи ярмидаёқ катта шуҳрат қозонди. Зороастр таълимотидаги, дунёда икки нарса: яхши худо — Ормузд билан ёмон худо — Ариман бир-бирига қарши курашади, деган ақидадан фойдаланиб, Мони мавжуд ижтимоий тартибларни ёмонлик тимсоли деб қоралади. Мони давлат дини бўлган зороастр динини, ташқи ирим-сиримларни ва қурбонликларни рад қилди, қоҳинларнинг бойликка кўмилиб яшашига қарши чиқди. У батамом таркидунё қилишга даъват этди ва ўз мухлисларига ҳаётнинг бутун машаққатларидан қутулишининг энг яхши йўли уйланмаслик деб тавсия қилди.

Магларнинг (қоҳинларнинг) талаби билан Мони 276 йилда шоҳ Баҳром I томонидан қатл этилди, Баҳром унинг тириклай терисини шилдирди. Лекин, Мони таълимоти — моничилик у ўлгандан кейин ҳам тарқалаверди. Бу таълимот Эрондан қўшни

Византияга ҳам ўтди, у ерда моничилар кейинча павликианлар деб ҳам аталди¹.


VI асрнинг бошларида ижтимоий ҳаракат, яна диний ниқоб остида тагин ҳам очикроқ ва кенгроқ тус олди. Бу ҳаракатга Маздак номли собиқ бир маг бошчилик қилди. Мони таълимоти жуда ҳам пессимистик характерда эди (ҳатто ер юзида ҳаётнинг йўқолишини ҳам истар эди). Бунга қарама-қарши равишда Маздак таълимоти оптимистик руҳда бўлди, бечораларнинг аҳволини яхшилаш мумкин, деб ишонар эди. У, ёмонликни енгиб бўлади, ёмонликка қарши курашиш кишининг бевосита вазифасидир, деб таълим берди. Маздак, ёмонликнинг сабаби тобора ўсиб бораётган ижтимоий тенгсизлик деб англаб, бу ёмонликдан қутулишнинг асосий йўли яна жамоада тенгликни ўрнаттидир, деб ҳисоблайди. Бойларнинг мол-мулкни тортиб олиб, камбағалларга бўлиб беришни талаб қилди: у бойликлар одамларга бўлиб берилсин, чунки уларнинг «одамларнинг ҳаммаси ҳам — битта қодир худонинг бандаси, ҳаммаси ҳам — Одаматонинг фарзанди ва ҳаммаси ҳам бир хил нарсага муҳтождир»,— деб таълим берди.

Маздакка шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам кўп одам эргашди. Деҳқонлар зодагонларнинг ерини тортиб ола бошлади ҳамда солиқларни тўлаш ва мажбуриятларни ўташдан бош торта бошлади. Маздакийлар 488 йилдан бошлаб то VI аср 20-йилларининг охирларигача Эроннинг ҳамма ерига ўз таъсирларини ўтказиб келди. Ҳукумат дастлаб ҳаракатни бостирिशга жужуят эта олмади. Зодагонлар билан тескари бўлган шоҳ Қавот I анча вақтгача бу мазҳабга ҳатто ҳомийлик ҳам қилди. Бироқ ҳаракат жуда кенгайиб хавфли тус олиб кетгандан кейин ҳукумат бу ҳаракатга бўлган муносабатини ўзгартирди. Шоҳнинг ўғли шаҳзода Хисрав 529 йилда маздакийлар устига жазо қўшини тортиб, бу халқ ҳаракатини қонга ботирди. Маздак ва унинг минглаб тарафдорлари қатл қилинди. Маздакийларнинг бир қисми Ўрта Осиё мамлакатларига қочиб кетди.

Хисрав I Ануширвоннинг идора қилиши. Маздакийлар ҳаракатини бостирган Хисрав, отаси ўлгандан кейин подшо бўлди. Унинг узоқ вақт давом этган подшолик даври (531—579) Сосонийлар тарихида энг муҳим даврлардан бири бўлди. Ануширвон — «Улмас» лақабини ўзи ҳам маздакийларни тор-мор келтиргани учун ундан миннатдор бўлган Эрон ҳукмрон синфлари ўртасида унинг шуҳрати баланд бўлганлигини билдиради.

Хисравнинг ўзи ҳам маздакийлар ҳаракатидан бирмунча сабоқ олди. У, ер-солиқ системасидаги ўтакетган адолатсизликларни йўқотиш мақсадида бу системани қайта кўриб чиқиш зарурлигини тушунди. Унинг буйруғи билан ҳамма ерлар янгидан

¹ Юқоридаги «VI--XI асрларда Византия империяси» деган IX бобни қаранг.



Сосонийлар даврида Эрон

рўйхатга олинди — кадастрлар тузилди: бунда тупроқнинг сифати, суғорилиши, қандай экинлар экилиши, дарахтлар ва иш кучининг миқдори аниқ ҳисобга олинди. Молия амалдорлари — «мираалар» — ерлардан олинадиган ҳосилни тубдан текшириб чиқиб, ҳар йили солиқ миқдорини ҳосилга қараб белгилайдиган бўлди. Солиқ илгаригидек қисман натура шаклида, қисман пул шаклида олинарди. Жон солиғи олиш ҳам тартибга солинди, бу солиқлар йилига бир марта қатъий белгиланган муддатда ва муайян миқдорда олинадиган бўлди. Руҳонийлар, аскарлар ва амалдорлар жон солиғидан бутунлай озод қилинди, лекин улар ҳам маълум миқдорда ер солиғи тўлаб турадиган бўлди.

Хисрав I савдонинг ривожланишига ҳомийлик қилди. У, савдогар ва судхўрларни давлат молия органларига бажону дил хизматга олиб, уларнинг пул муомаласи соҳасидаги амалий тажрибасидан фойдаланди. Хисрав I замонида канал, дамба тўғонлар ва бошқа хил ирригация иншоотлари қурилиши жуда авж олди. Ктесифонда у муҳташам бир сарой қурдирди. У, ҳар турли олимларга, жумладан, ҳатто Юстиниан томонидан Византиядан ҳайдалган неоплатончи философларга ҳам ҳомийлик қилди.

Хисравнинг буйруғи билан энг муҳим сиёсий воқеалар саройда расмий суратда йилма-йил ёзиб борилди, грек, сурия ва ҳинд тилларидаги адабий асарлар таржима қилинди. «Минг эртак» номли форсча тўплам ҳам Хисрав замонида пайдо бўлган деб фараз қилинади; бу тўплам кейинча «Минг бир кеча» номли машҳур арабча эртаклар тўпламига асос бўлди.

Хисрав I нинг ташқи сиёсати. Хисрав I подшолик қилган бутун давр қўшни халқларга қарши уруш олиб бориш билан ўтди, деса бўлади. У айниқса Византияга қарши қаттиқ урушлар олиб борди.

Хисрав ўз подшолик даврининг бошларида Юстиниан I билан «абдий тинчлик» тўғрисида аҳднома тузган эди (532). Лекин Византиянинг кучайиб кетишидан қўрқиб, у орадан кўп вақт ўтмай, бу аҳдонани бузди. 540 йилда у, Сурияга қаттиқ ҳужум қилди ва Антиохияни босиб олиб, уни батамом ёндириб юборди ва таланга солди. Антиохиянинг аҳолисини асир қилиб олиб кетиб, Ктесифон атрофига («Хисрав Антиохияси»га) жойлаштирди. Булар грек-сурияликлардаги ҳар турли ҳунарларнинг Эронга киришига кўп ёрдам берди. Сўнгра уруш Месопотамия билан Закавказьеда давом этди. У тўхтаб-тўхтаб 562 йилгача чўзилди. Ниҳоят, иккала томон ҳолдан кетиб, 50 йиллик сулҳ тузилди, иккала томон ҳам умуман ўзининг илгариги чегараларини сақлаб қолди. Бироқ 570 йилда Хисрав Яманни (жанубий Арабистонни) босиб олди. Бу нарса Эрон билан Византия ўртасида яна уруш чиқишига сабаб бўлди; бу уруш 20 йил давом этиб, Хисрав ўлгандан кейин унинг ўғли замонида тугади.

Шарқда Хисрав I турк-кўчманчи қабилалари билан уруш олиб борди, бу қабилалар Урта Осиё территориясида, Амударё билан Сирдарё ўртасидаги районда яшар эдилар.

VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида Сосонийлар давлатининг тушкунликка учраши. Хисрав I ўлгандан кейин Сосонийлар ҳокимияти тушкунликка юз тута бошлади. Феодаллашаётган зодагонлар марказга яхши итоат этмади. Вилоятларнинг катта-катта ҳокимлари Сосонийларга қарши узлуксиз қўзғолон кўтариб турди. Феодалларнинг шаҳаншоҳга қарши қаратилган энг катта қўзғолонларидан бири 590 йилда кўтарилган Баҳром Чубин қўзғолони бўлди. Бу қўзғолон Сосонийларни ағдаришига сал қолди. Шоҳ Хисрав II (510—628) Византия императоридан ёрдам сўрашга мажбур бўлди ва Византия қўшинининг ёрдами билангина тахтини тиклаб олди. 591 йилда Эрон билан Византия ўртасида сулҳ тузилди, бу сулҳга биноан Закавказьедаги чегара полосаси Византияга ўтди.

VI асрнинг охири — VII асрнинг бошларида эрон халқ оммасининг аҳволи жуда ёмонлашиб кетди. Феодаллар зулми ва оғир солиқлар эрон деҳқонларини бутунлай хонавайрон қилди, улар энди ҳарбий хизматни ҳам тузукроқ адо этолмайдиган бўлиб қолди. Сосонийлар ва уларни қуршаб турган феодаллар ички зиддиятларни ташқи урушлар йўли билан ҳал қилишга уринди. 60 йилда Византия билан яна уруш бошланди. Византиянинг ўз ичидаги кризисдан фойдаланиб туриб, Хисрав II дастлабки вақтда жиддий муваффақиятларга эришди. У Кичик Осиёга бостириб кирди ва Мармар денгизининг Осиё қирғоғида ва Константинополнинг рўпарасидаги Халкидон шаҳрига

яқинлашиб борди, лекин кейин чекинишга мажбур бўлди. 613—620 йилларда Хисрав II Сурияни, Фаластин ва Мисрни забт этди. Бироқ 623 йилдан бошлаб Византия императори Ираклийнинг ўзи ҳужумга ўтди. 628 йилда византияликлар Ктесифонга яқинлашиб келиб, Сосонийлар пойтахтини босиб олиш хавфини туғдирди. Мамлакатда шоҳдан норозилик кучая бошлади. Бундан фойдаланиб, зодагонлар Хисрав II га қарши фитна уюштирдилар. Зодагонлар томонидан шоҳ қилиб кўтарилган Қавод II (Хисрав II нинг ўғли) отасига қарши уруш очиб, отасини асир олди ва уни қатл қилишни буюрди. Византия билан сулҳ тузилди, бу сулҳга мувофиқ византияликлар қўлдан кетган ҳамма ерларини қайтариб олди.

Эроннинг араблар томонидан истило қилиниши. VII аср ўрталарида Эроннинг ерлари ҳали жуда кенг эди (унинг составига Эроннинг ўзи, Арманистон, Месопотамия, Амударёдаги турли вассал турк қабилалари ва бошқалар кирар эди), лекин шунга қарамасдан, у кучсиз бир давлат бўлиб қолган эди, чунки у Византия билан олиб борилган урушлар натижасида жуда ҳолдан кетган эди, ўз ичида эса феодалларнинг жуда кучли бошбодовлигини бошидан кечирмоқда эди. Охириги Сосоний Ездагир III нинг (632—652) мамлакатда ҳеч қандай обрўси йўқ эди. Бир қанча вилоятлар унга номигагина бўйсунар эди.

Бу вақтда кучли ҳарбий давлат бўлиб бирлашиб олган араблар Эрон устига ҳужум бошлади ва эронликларнинг ҳеч қандай жиддий қаршилигига учрамай, тез ғалаба қозонди. Улар Эронни ҳақиқатда 642 йилдаёқ босиб олган эди. Ездагир шарқий чекка ўлкаларга қочиб кетди ва турк қабилаларининг кичиккина бир княздан ёрдам олишга беҳуда уринди, 652 йилда Марвга яқин бир жойда ўша князь томонидан ўлдирилди.

Эрон узоқ вақтгача кўп миллатли жуда катта араб давлати составида қолди.

ХИ БОБ

VI—XI АСРЛАРДА АРАБЛАР

Араблар тарихидаги уч давр. Араблар тарихи одатда уч даврга: 1) Макка-Мадина даврига — Ислом дини пайдо бўлмасдан илгариги Арабистон ва ислом динининг пайдо бўлиш даврига (VI—VII асрлар); 2) Дамашқ (Сурия) даврига — Умаййлар династиясининг идора қилиш даврига (661—750) ва 3) Бағдод (Эрон — Месопотамия) даврига — Аббосийлар династиясининг идора қилиш даврига (750—1055) бўлинади; Аббосийлар династиясининг идора қилиш даври халифаликларнинг турклар томонидан босиб олиниши билан тугади.

Араб халифалигининг турли сиёсий марказлари билан боғлиқ бўлган бу учта хронологик даврга араб феодализмнинг

ривожланиши ҳам асосан мувофиқ келади. Биринчи даврда араб жамиятида феодаллашув процесси энди бошланаётганлиги памоён бўлади. Иккинчи ва хусусан, учинчи даврда европа феодализмидан жиддий фарқ қилувчи бир қанча томонлари бўлган араб феодализмининг характерли хусусиятлари таркиб топди.

✶ **Ислом дини пайдо бўлмасдан илгариги Арабистон.** Территория жиҳатидан Европанинг тўртдан бир қисмига тенг келадиган жуда катта ярим орол бўлмиш Арабистон ярим оролининг кўп қисми сувсиз чўл ва саҳролардан иборатдир, ammo деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ери озгинадир. Шунинг учун Арабистон аҳолисининг озчилик қисмигина ўтроқ ҳаёт кечирар ва деҳқончилик билан шуғулланар эди. Арабларнинг кўпчилиги эса кўчманчи — бадавийлардан иборат бўлиб, қўй, эчки ва туя боқар эди. Арабистоннинг деҳқончилик учун энг қулай бўлган ўлкаси жануби-ғарбий область — Яман ёки «бахтли Арабистон» бўлиб, бу ерда қадим замонлардаёқ муттасил равишда бирининг ўрнини иккинчиси олиб келган бир неча йирик қулдорлик давлати бор эди. Ҳижознинг (ярим оролнинг Қизил денгиз бўйлаб чўзилиб кетган камбар қисмининг) эса фақат айрим воҳаларидагина деҳқончилик қилиш мумкин эди. Ярим оролнинг энг катта қисми — Нажд — суғориладиган ерлари жуда кам бўлган гоят катта ясси тоғликдан иборат бир жой бўлиб, фақат чорвачилик учунгина ярар эди.

VI—VII асрлардаги арабларнинг ижтимоий тузумида ҳали уруғчилик белгилари кучли эди. Араблар — кўчманчи (бадавий) араблар ҳам, ўтроқ араблар ҳам — жуда кўп уруғ ва қабилаларга бўлинган эди. Хун олиш бор эди. Уруғнинг бойроқ аъзолари қурбсизроқ қариндошларига иқтисодий жиҳатдан ердан бериши лозим эди. Ҳар бир қабиланинг ўз диний маросими бор эди. Қабила ва уруғларнинг бошида шайх ва саидлар туриб, ҳокимият фақат шуларнинг қўлида эди. Бироқ уруғчилик тузумининг емирилиш аломатлари рўй бера бошлаган эди. Уруғ-қабила зодагонлари энг яхши яйловларни ва деҳқончилик учун яроқли участкаларни — воҳаларни (бундай участкаларнинг ўзи оз эди) ўз қўлига киргизиб олмоқда эдилар. Зодагон оилаларининг кўпдан-кўп моллари, шунингдек, қуллари бўлар эди. Шайх ва саидлар шу оилалардан чиқар эди. Урушда қўлга киритилган ўлжаларнинг энг кўп қисми буларга ажратилар эди. Арабларда уруғ-қабила зодагонларидан ташқари, яъни қабила-уруғ бошлиқлари ва оқсоқолларидан ташқари, яна шаҳарли савдогар-судхўрлардан иборат бошқа бир юқори табақа ҳам авж олиб борди, бу табақа ҳам муайян бир қабила ва уруққа кирган бўлиб, одатда бадавий қабилаларнинг бошлиқлари билан қатиқ боғланган эди. Урта денгиздан Ҳиндистонга борадиган муҳим савдо йўли қадимдан Арабистондан ўтар эди. Ҳижоз орқали шимолдан жанубга катта савдо йўли ўтар эди. Шу савдо йўлида илк вақтлардаёқ катта-катта савдо пунктлари, Макка, Ятриб ва бошқалар вужудга келди. Макка шаҳри айниқса кат-

та аҳамиятга эга эди. Араблар ўртасида жуда донғи кетган ибодатхона бўлмиш Каъба ва ундаги муқаддас қора тош (ҳажари асвад) шу Маккада эди. Маккада шу Каъба атрофида ҳар йили катта ярмарка бўлиб турар эди. Макканинг савдогар-судхўрлардан иборат бўлган юқори табақаси савдодан катта-катта фойда кўрар эди. Улар қулларни эксплуатация қилиш ва қул олиб сотиш билан ҳам шугулланар эдилар. Шаҳардаги майда ҳунармандлар ҳам шу савдогар-судхўрлардан ҳамма вақт қарздор бўлиб, иқтисодий жиҳатдан уларга қарам эди.


VI асрнинг охири — VII асрнинг бошларида араблар қаттиқ иқтисодий ва социал кризисга учради. Ярим оролни аҳолиси кўпайиб, ер етишмай қолди. Оддий араблар учун ҳам катта мадад бўлиб келган карвон савдоси ҳам тушкунликка учради. VI асрда эронлар билан ҳабашлар ўртасида бўлган ва узоқ-узоқ вақт давом этган урушлар натижасида Яман деярли бутунлай хароб ва вайрон бўлди. Шимолдан жанубга ва жанубдан шимолга товар олиб бориш жуда ҳам камайиб кетди.

Эронийлар Ҳиндистонга борадиган ва ўзлари учун фойдали бўлган бошқа бир йўлга, яъни Тигр (Дажла) ва Евфрат (Фрот) дарёлари бўйлаб Форс қўлтиғига борадиган йўлга ҳомийлик қилардилар.

Ана шундай шароитда арабларда синфларнинг ташкил топиш процесси тезлашиб кетди. Араб шаҳарларидаги аҳолининг қуйи табақалари ўз аҳволидан норози эди, улар судхўр бойларга нафратланиб қарар эди, бу норозиликни ва нафратланиб қарашни деҳқончилик билан шугулланувчи ўтроқ қабилалардаги ва чорвачилик билан шугулланувчи кўчманчи қабилалардаги сддий омма ҳам қувватлади, бу қабилалар ҳам ерга муҳтож эди ва ўз уруғ-қабиласидаги феодаллаша бошлаган зодагонлардан жабр-зулм кўрмоқда эди.

Араб халқ оммасининг ижтимоий норозилиги идеология тарзида, янги дин — ислом динининг вужудга келишида ифодаланди.

Ислом динининг пайдо бўлиши. Муҳаммад ва унинг жамоаси. Муҳаммад (570—632) қурайш қабиласига мансуб бўлган ва камбағаллашган хонадондан чиққан эди, бу қабила Маккада ҳукмрон қабила эди. Муҳаммад дастлаб чўпон бўлиб, кейин бадавлат бир хотинга уйланиш орқасида савдогар бўлиб олган. Лекин унинг судхўрликка илгаридан ёмон кўз билан қараб келиши унинг демократик элементлар билан яқинлашувига сабаб бўлди. Муҳаммад дин тарғиботчиси («пайғамбар») сифатида 610 йилларда майдонга чиқди. Судхўрликни қоралашдан ташқари, у ҳар бир кишидан камбағалларга ёрдам беришни, ўз даромадининг ўндан бир қисмини камбағалларни боқиш учун ажратишни талаб қилди. Шу билан бирга уруғлар ўртасидаги ўзаро уруш-жанжалларни тўхтатишни ҳам талаб қилди, уруғларнинг бир-биридан қасос олишига, уруғ ва қабилаларнинг тор қон-қардошлик доирасида биқиниб ётишига қарши чиқди.



Араб халифалигининг ташкил толиши

Араб жамиятининг бундан буюқдаги ривожланишига ғов бўлиб қолган уруғчилик тузумининг тор доирасига қарши олиб борилган бу кураш Муҳаммаднинг кўп худоликдан қайтиб, битта худога — оллоҳга сиғиниш керак, деган асосий диний талабида ифодаланди (ислом динининг «Лоилоҳа илласлоҳ, Муҳаммадар расулуллоҳ» деган асосий формуласи — «худо — бир, Муҳаммад — унинг пайғамбари», демакдир). Оллоҳ—қурайш қабила-сидаги бош худонинг номи бўлиб, Муҳаммад унга бутун олам худоси тусини берди. Мўмин мусулмонлар «оллоҳнинг ҳақиқий пайғамбарига» (Муҳаммад ўзини шундай деб эълон қилган эди) сўзсиз итоат қилишлари керак эди. Яҳудий ва христиан дини (бу диндагилар ўша вақтда Макканинг ўзида ҳам кўп эди) янги динга таъсир этган бўлиб, бу таъсир Муҳаммаднинг таълимотида жуда равшан акс этди. Ислом дини Мусо билан Исони Муҳаммаддан олдинги пайғамбарлар деб таниди. Яҳудийлар ва христианлар сингари мусулмонлар ҳам Қуддусни муқаддас шаҳар деб ҳисоблар эдилар. Доимо жума кунлари байрам қилиниши яҳудийлар ва христианлардаги шанба ва якшанба кунларига мувофиқ келар эди.

Муҳаммад вужудга келтирган янги диннинг бешта асосий қондасида, яъни: 1) битта худога — оллоҳга ишониш, 2) ҳар кун и албатта беш вақт намозни тарк қилмаслик, 3) йилда бир марта рамазон ойида рўза тутиш, 4) закот (камбағалларга ушур) бериш ва 5) ҳаж қилишдан иборат беш фарзида ҳеч қандай социал реформа йўқ эди. Муҳаммад қулликни қонуний деб ҳисоблади, кўп хотин олишга фатво берди, савдога ва хусусий мулкчиликка ҳомийлик қилди. Шу билан бирга янги дин дастлабки вақтларда халқ оммасининг кайфияти билан ҳисоблашишга ҳар ҳолда мажбур бўлди. Закотнинг фарз қилиб қўйилиши ва судхўрликнинг бирмунча чекланиши бунинг ёрқин далилидир.

Дастлабки вақтларда Маккадаги қурайш аристократияси Муҳаммадга жуда ҳам душманлик кўзи билан қаради. Муҳаммад Макканинг азалдан бери давом этиб келаётган урф-одатларининг илдизига болта ураётгандек, Каъбанинг аҳамиятини гумон остида қолдираётгандек туюлган эди. Қурайшлар «пайғамбарнинг» ўзини ва унинг барча муридларини ўлдирмоқчи бўлишди. Муҳаммад Маккадан қўшни Ятриб шаҳрига қочиб кетишга мажбур бўлди; Ятриб ўша вақтда Макка билан рақобат қилар эди. Бу воқеа эрамининг 622 йилида юз берди.

Муҳаммаднинг Ятрибга қочиши (арабчасига «ҳижрат») ислом тарихида бир эра бўлиб, мусулмонлар ўз йил ҳисобини мана шу эрдан бошлади. Шундан кейин Ятриб шаҳри Мадина-ун-Наби, яъни «пайғамбар шаҳри» деб атала бошлади. Мадинада Муҳаммад мўминлар — «Оллоҳ бандалари»нинг катта жамоасини тузди («ислом» деган сўз «банда» демакдир). Мадинадалик даврида ҳам Муҳаммад билан Макка ўртасида ниҳоятда душманлик муносабати давом этди. Мадинага ҳамда иттифоқчи

бадавий қабилаларга суяниб туриб, пайғамбар Муҳаммад қурол кучи билан маккаликларни ўз ҳокимиятига бўйсундирди. Макка аристократияси ахир-оқибатда ён беришга мажбур бўлди. Макка аристократияси ислом динини ва Муҳаммаднинг эътиборини тан олди. Лекин Муҳаммад ҳам Макканинг диний устунигини, Каъбанинг ва ундаги қора тошнинг муқаддаслигини эътироф этиб, ҳар бир мусулмон Маккага ҳаж қилиши шарт, деб эълон қилишга мажбур бўлди. Бу билан Муҳаммаднинг янги диний ташкилоти қурайш зодагонларининг сиёсий таъсирини ҳам тан олди. Ҳақиқатда, арабларда турли араб қабилаларини битта қилиб бирлаштирган давлат дини теократик формада ташкил топа бошлади. Макка зодагонлари ва бадавий қабилаларнинг бошлиқлари бу янги давлатда ўзларининг ҳукмронлик мавқеини кенгроқ, умум Арабистон доирасида мустаҳкамлаб олиш имконига эга бўлди. Муҳаммад вафот этгандан кейин, орадан кўп ўтмай, ислом байроғи остига бирлашган араб қабилалари Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиб, Византия, Эрон ерларини истило қила бошлади.

Дастлабки халифалар замонида арабларнинг истилолари. Муҳаммаднинг энг яқин ворислари — халифалар — араб ҳарбий жамоасининг сайлаб қўйиладиган бошлиқлари бўлиб, улар диний, ҳарбий ва граждон ҳокимиятни ўз қўлларига олган эдилар. Уларнинг қароргоҳи Мадина шаҳри эди.

Бу халифалар чиқиб келишлари жиҳатидан Муҳаммаднинг ё қариндошлари ёки яқин дўстлари эди. 632—661 йиллар даврида бирин-кетин Абубакр, Умар, Усмон ва Али идора қилди. Булар ичида иккинчи халифанинг — Умарнинг (634—644) идора даври жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Худди шу Умар замонида араблар Сурияни, Фаластинни, Мисрни, Эронни босиб олдилар. Араблар бу даврда бир қанча ажойиб ғалабаларни қўлга киритди. Улар Сурияда (636 й.) Ермиқ дарёси бўйида Қуддус ёнида (638 й.) византияликларни, Қадисия (637 й.) ва Нехаван (642 й.) шаҳарлари ёнида, қадимий Экбатанлар яқинида эронликларни тор-мор келтирди. Арабларнинг ғалаба қозонишига шу нарса катта ёрдам бердики, ўша вақтда ҳар иккала катта давлат — Византия ҳам, Эрон ҳам бир-бири билан узоқ уруш қилиб, ҳолдан кетган эди, бу иккала мамлакатнинг ҳам ўз ичида кескин социал зиддиятлар ҳукм сурар эди. Араблар эса ҳарбий ишда катта афзалликларга эга эди. Уларнинг асосий оммаси эркин кишилардан иборат бўлиб, булар уруғчилик алоқаларини маълум даражада сақлаб қолганди, аммо шу билан бирга улар жуда катта умумараб сиёсий ташкилотига бирлашган эди. Қўчманчи бадавий қабилалар биринчи даражали енгил суворийлар билан донг чиқарди, улар ўзларининг шиддатлиги билан душманнинг пиёда аскарини даҳшатга солар ва унинг бесўнақай отлиқ қисмлари устига зўр муваффақият билан бос-тириб келар эди. Араблар бирлаштирувчи мафкураларини байроқ қилиб чиқардилар. Ер ва бошқа хил ўлжалар учун олиб

борилаётган урушга «Оллоҳ йўлидаги» муқаддас уруш туси берар, бунга араблар жуда қизиқарди.

Арабларнинг Византия ва Эрон билан бўлган дастлабки тўқнашишларидаёқ катта муваффақиятларга эришуви уларни руҳлантириб, янги истилолар қилишга ниқтади. Сурия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги эзилган омманинг бир қисми арабларга диний зулмдан, крепостнойлик жабр-жафоси ва молиявий зулмдан қутқазувчилар деб қаради. Араблар ўз истилоларида одатда асосан маҳаллий бойларнинг мол-мулкларини босиб оларди. Хукмронликларининг дастлабки вақтларида халқни солиқ билан унча қийнамади. Улар бўйсундирилган аҳолига диний эркинлик ва бир қадар сиёсий автономия берди, идора қилиш функциясини кўпинча маҳаллий диний жамоаларнинг бошлиқларига топширди. Аммо шу билан бирга улар турли енгилликлар бериб, аҳолини мусулмонликни қабул қилишга қизиқтирди. Исломи динини қабул қилганлар, арабларнинг ўзи сингари, барча солиқлардан озод қилинди.

Араблар истило қилган мамлакатларида маҳаллий аҳолига аралашмай, алоҳида ҳарбий колонияларга бўлиниб яшади. Уларнинг ҳаётида ҳарбий-патриархал соддалик бирмунча вақтгача сақланиб қолди.

Месопотамиядаги Қуфа, Басра ва бошқалар, шунингдек, Мисрдаги Фустат (кейинчалик Қоҳира) араблар томонидан бунёд этилган ҳарбий поселенияларнинг энг йирикларидан эди.

Нифоқнинг бошланиши. Бироқ араблар томонидан босиб олинган мамлакатларнинг иқтисодий ва социал жиҳатдан энг тараққий топган қисмида яшаган араб зодагонлари орадан кўп вақт ўтмай маҳаллий аристократия таъсирга берилиб кетди. Бу таъсир савдо яхши ривож топган бой мамлакат бўлмиш Сурияда айниқса кучли бўлди. Арабларнинг ҳарбий бошлиқлари бу ерда яшаб туриб, Суриядаги юқори синфнинг зеб-зийнатли ҳаётини тез ўзлаштириб олди. Суриядаги катта ер эгаларидан ва қулдорлардан ўрнак олиб, уларнинг ўзи ҳам ерларни батамом хусусий мулк қилиб тортиб ола бошлади, қуллар асрай бошлади, бог-роғлар ва поместьелар барпо қила, саройлар қура бошлади. Бундай араблар учун «Мадина қарилари»нинг оддий патриархал ҳаёти мароқсиз ва эскириб қолгандай кўринарди. Суриядаги араб аристократиясига, яъни ота-боболарининг расм-одатларидан кечиб, «кофирлар»нинг янги тартибларини ўзлаштириб олган араб аристократиясига Мадина ҳамда Месопотамия ва Миср ҳарбий демократияси ёмон кўз билан қарарди.

Муҳаммаднинг ворисларидан учинчиси — халифа Усмон (644—656) куч-қувватдан кетиб, букчайиб қолган иродасиз бир чол эди. У Макка зодагонларининг одами бўлиб, шу билан бир вақтда уни Сурия араблари ҳам қўллаб-қувватлар эди. Сурия ноиб амир Муовия Усмоннинг яқин қариндоши эди. Мадинада эътибори тушиб кетган Усмон фитначилар томонидан ўлдирил-

ди. Унинг ўрнини Али эгаллади. Али Муҳаммаднинг куёви бўлиб, унинг қизи — Фотимага уйланган эди. Али Мадинадаги демократик элементларга ва Месопотамиядаги араб ҳарбий колонияларига суянишга ҳаракат қилди (биноқ, у қадар изчиллик билан ҳаракат қилмади). Муовия ва уни қуршаб турган сурия-араб зодагонлари бу янги халифага қарши бош кўтарди. 661 йилда Али бир хорижит¹ томонидан ўлдирилгандан кейин, Муовия ўзини халифа деб эълон қилди, лекин у Маккага ҳам, Мадинага ҳам бормади, Дамашқда қолди. Ана шу тарзда халифалик тарихининг янги даври бошланди. Араблар сиёсий ҳаётининг маркази араб шаҳарларидан Сурияга кўчирилди.

Умавийлар халифалиги. Дамашқ халифалиги 90 йилча (661—750) давом этди. Шу вақт ичида халифалик ўз ерларини ниҳоят даражада кенгайтди. VIII асрнинг бошларида Шимолӣ Африканинг бутун қирғоғи босиб олинди. 711—714 йилларда араблар Пиреней ярим оролини истило қилдилар. Муовиянинг ўзи Қонстантинополга икки марта, 669 ва 680 йилларда юриш қилди. 717—718 йилларда араблар учинчи марта Қонстантинополь остонасига келиб, уни бутун бир йил қамал қилиб турди. Шарқда эса араб лашкарбошилари Ўрта Осиёнинг ичкарасигача кириб бориб, Хивани, Бухорони ишғол қилди, Афғонистонни ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмини то Ҳинд дарёсига қадар бўлган ерларни истило қилди. Арманистон билан Грузия ҳам умавийлар халифалиги составига кирар эди. Халифаликнинг чегаралари ғарбда Атлантика океанигача, шарқда Хитой билан Ҳиндистон чегараларигача бориб етди ва, шундай қилиб, қадимги буюк монархияларнинг — Александр Македонский монархияси ёки Август ва Траян замонларидаги Рим империяси монархиясининг территориясидан ҳам ошиб кетди.

Дамашқ халифалигининг характерли хусусияти шу бўлдики, Макка-Мадина давридаги ҳали ҳарбий демократиянинг баъзи хислатларини сақлаб турган теократик республикадан чиқиб, наслда-наслга мерос бўлиб ўтадиган шарққа хос ғирт деспотик монархияга айланди. Муовия Умавийлар династиясига асос солди. Бу династиянинг халифалари жуда катта зеб-зийнатда яшади. Уларга жуда кўп ерлари ва жуда кўп қуллари бўлган сарой аҳли ҳам эргашди. Халифа илгаригидек, ислом динининг бошлығы бўлиб қолаверди. Биноқ халифа ҳокимиятининг диний аломатлари батамом иккинчи ўринга сурилиб, биринчи ўринни шарққа хос бўлган одатдаги ҳукмрон деспотик аломатлари олди.

Умавийлар замонда идора қилиш аппарати анча мураккаб-лашди. Аҳолидан ер ва жон солиғи оладиган жуда кенг тармоқли молия амалдорлари аппарати ташкил қилинди. Шу нарса

¹ Хорижитлар — илк мусулмон мазҳаби бўлиб, ҳарбий демократик тузумни сақлаб қолишни, жумладан, халифанинг ҳарбий жамоа томонидан сайлалишини талаб қилар эдилар.

характерлики, энди фақат «кофирлар» эмас, балки мусулмонлар ҳам солиқ тўлайдиган бўлди. Уч хил солиқ асосий солиқ ҳисобланар эди; 1) х а р а ж—ер солиғи, 2) ж у з ъ я — жон боши солиғи (бу солиқ аввалига фақат ғайри мусулмонлардан олинар эди, кейинчалик бориб мусулмонлардан ҳам олинадиган бўлди) ва 3) з а к о т — мажбурий тўланадиган ушур, бу солиқ ҳам бевосита халифанинг ўзига келиб тушар эди. Хараж билан жузъя халқ учун айниқса оғир солиқлар эди.

Суд ва бошқа маъмурий ишлар араб тилида олиб бориладиган бўлди. Араб қонунлари кодекси вужудга келтирилди. Бу кодексга арабларнинг каломи шарифи — Қуръон асос қилиб олинди; Қуръон Муҳаммаднинг ҳикматли сўзларидан, яъни унинг шогирдлари ва мухлислари томонидан ёзиб олинган ҳикматли сўзлардан ҳамда Қуръонга қилинган қўшимчалардан иборатдир, бу қўшимчалар Суннат деб аталади. Арабларнинг ҳаммаси ҳам янги тартибларни тан олавермади. Мўмин мусулмонлар олами Умавийлар замонида бир-бирига душман бўлган бир нечта қисмга бўлиниб кетди. Халифа ҳомийлик қилган оқим мусулмонликда расмий ҳукмрон оқим деб ҳисобланди. Бу содиқ мусулмонлар суннийлар деб аталди, суннийлар деган сўз «Суннат» сўзидан олингандир. Лекин арабларнинг бир қисми Суннатни тан олмади. Бундай мусулмонлар шиилар, яъни маслагидан қайтганлар, нифоқчилар деб аталди¹. Шиилар Миср, Эрон ва Месопотамияда кўп эди. Буларга ўлдирилган Алининг уруг-аймоқлари ҳомийлик қиларди.

Ниҳоят, демократик характердаги яна бир мазҳаб—хорижийлар бўлиб, булар суннийларни ҳам, шииларни ҳам, умавийларни ҳам, Алиларни (Али авлодларини) ҳам тан олмади. Хорижийлар ерни баравар тақсимлашни талаб қилдилар. Кейинчалик хорижийлик ҳам майда-чуйда мазҳабларга бўлиниб кетди.

Ҳукмрон синфларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам умавийларнинг социал базаси анча мукаммал эмас эди. Асосан Сурия-Араб зодагонлари билан боғланган умавийларнинг манфаатлари шарқий вилоятларга ёт эди. Месопотамия араблари Дамашққа доим қарши кайфиятда бўлиб келди. Форс (Эрон) феодал элементлари ҳам умавийларга унча бўйсунмас эди. 747 йилда шарқий Эрон ёки Хуросон деҳқонлари ҳаракатига Абу-Муслим бошчилик қилди, у ерли жамоачи деҳқонларнинг аҳволини яхшилаш мақсадида умавийларга қарши қўзғолон кўтарди. Қўзғолон кенг тус олди ва каттагина снэсий оқибатларга олиб келди. Эрон ва Месопотамия феодаллари бирлашиб туриб, 750 йилда умавийларни ағдарди, бунда улар Абу-Муслим бошлиқ халқ-деҳқон ҳаракатидан фойдаландилар. Халифалик тахтини Абул-Аббос Қонхўр эгаллади, у Муҳаммад-

¹ Шиня сўзидан олинган бўлиб — «группировка», «Фракция» деган маънони англатади.

нинг ўзига Месопотамиядаги ҳарбий-араб оиласига мансуб бўлган бу халифа Муҳаммадга қариндошман деб даъво қилди. Аббоснинг буйруғи билан Умавийлар хонадонига мансуб бўлган ҳамма шаҳзодалар кириб ташланди. Бу шаҳзодалардан Абдураҳмон исмли биттасигина ўлимдан қутулиб қолди. У узоқ Испанияга қочиб бориб, у ерда орадан кўп вақт ўтмай ўзини мустақил амир деб эълон қилди (756 йил).

Абу-Муслимни ҳам Аббос қўлга тушириб, турмага ташлади, бир неча йилдан кейин у ҳалок бўлди.

Аббос янги династияга — Аббосийлар династиясига асос солди, бу династия 750-йилдан 1055 йилгача идора қилди. Халифалиkning пойтахти Аббосдан кейинги халифа Мансур даврида — 762 йилда қурилган Бағдод шаҳри бўлди. Шундай қилиб, араблар сиёсий ҳаётининг маркази Суриядан Месопотамияга кўчирилди.

Аббосийлар халифалиги. Аббосийлар замонида араб давлати жуда ҳам тараққий топди. Бағдод халифалиги VIII—IX асрларда айниқса кучли эди. Бу вақтда — Бағдодни барпо этган Мансур (754—775), Карл Буюкка замондош бўлиб, у билан дўстона дипломатик алоқа қилган Хорунал Рашид (786—809), араб илм-фанига зўр бериб ҳомийлик қилган Ал-Маъмун (813—833) каби қудратли халифалар идора қилди. Аббосийларнинг «олтин даври» Мутаидид замонида (892—902) тугади. Халифалик ана шу вақтдан бошлаб тушкунликка юз тутди.

Аббосийлар давлатида Эроннинг таъсири кучли эди. Бу таъсир вазирлик (буюк вазир-халифанинг биринчи министри) унвонининг жорий қилинишида ҳам, солиқ солишда эрон усуллариининг ўзлаштирилишида (ер кадастрларининг эронлардагига ўхшаб тузилишида) ҳам, халифалик маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлиниб, уларга губернаторлар — амирлар бошлиқ қилиб қўйилишида ҳам намоён бўлди (бу губернатор-амирлар тўла ҳокимиятга эга бўлишлари билан қадим Эрон ва илк ўрта асрлардаги сосонийларнинг сатрапларини эслатар эди).

Эроннинг феодаллашган зодагонлари халифаликни идора қилишда актив қатнашди. Буюк вазирлик лавозимига одатда эронийлардан тайинланар эди ва бу лавозим наслдан-наслга ўтар эди (масалан, машҳур Бармоқилар фамилияси). Халифанинг жуда кўп (160.000 кишига яқин) доимий қўшини бўлиб, бу қўшиннинг кўпчилиги турли варвар отрядларидан иборат эди, IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса асосан турк отрядларидан иборат бўлди. Халифанинг гвардияси катта сиёсий аҳамиятга эга эди, бу гвардия ҳарбий ишга ёшлигидан бошлаб ўргатилган қуллардан тузилган эди.

Халифалик хўжалик ишларининг турли соҳаларига ҳам катта эътибор берди, бу борада ҳам қисман, Эрон, қисман Месопотамия традициялардан фойдаланди. Чунончи, махсус почта тарҳмамаси бўлиб, бу маҳкама почта ишлари, катта йўлларни тартибга солиш билан шуғулланди, бу йўллар текисланди, сув

билан таъмин қилинди, унда ҳар бир муайян масофада махсус мусофирхона, карвон саройлар ташкил қилинди. Аббосийлар замонида далаларни сунъий суғориш системаси ғоят авж олди. Бунинг учун турли катта-кичикликдаги ер ости ва ер усти каналлари қурилди. Ирригация қурилишлари тўхтовсиз давом этди ва бу иш билан ҳукуматнинг махсус маҳкамаси шуғулланди.

Аббосийларнинг пойтахти — Бағдод жуда катта бир шаҳар бўлиб, унда халифага ва унинг яқин одамларига қарашли жуда кўп сарой ва боғлар бор эди. Шаҳар доира шаклида бўлиб, унинг атрофи икки қатор девор билан ўралган эди. Бу шаҳар зодагонлар шаҳри, халифанинг қароргоҳи ва унинг маъмурий пойтахти бўлиш билан бирга жуда катта бир ҳунармандчилик, айниқса савдо маркази ҳам эди. Бағдод бозорларига узоқ-узоқ мамлакатлардан савдогарлар келар эди — бу ерда византияликлар, хитойлар, ҳиндлар, малайяликлар, Шимолий, Ғарбий ва ҳатто Марказий Африкада яшовчи кишиларни ҳам учратиш мумкин эди.

Халифаликнинг иқтисодий юксалиши. Аббосийлар даврида Олд ва Урта Осиёнинг, шунингдек, Шимолий Африканинг жуда кенг территориясида маълум вақтгача тинчлик ва хавфсизлик қарор топиши натижасида халифалик иқтисодий жиҳатдан ғоят тараққий топди. Марказий ҳукумат ирригация системасига мутасил эътибор бериши натижасида, бу даврда деҳқончилик соҳасида катта ютуқларга эришилди. Шоли, пахта ва шафрон кенг тарқалган қишлоқ хўжалик экинлари эди. Боғдорчилик ва гулчилик саноат аҳамиятига эга бўлди. Жуда кенг атиргул плантациялари парфюмерия (атир, упа-эликлар) учун махсус эссенция берар эди. Араблар қимматбаҳо наслдор от ва қўйлар урчитардилар. Арабларнинг ҳунармандлик буюмлари ҳам катта шуҳрат қозонди. Бу ерда юнг, ипак ва ип газламалар, яхши навли пўлат ва қурул (машҳур дамашқ пўлати), шиша ва ойнадан ясалган буюмлар, заргарлик ва атторлик буюмлари ишлаб чиқариларди. IX—X асрларда халифаликнинг экономикасида кенг кўлам олган ички савдо ва айниқса ташқи халқаро савдо жуда катта ўрин тутар эди. Араб савдогарлари йироқ шимолгача — юқори Волгагача ва ҳатто Балтика денгизи қирғоқларигача бориб савдо қилардилар. Узоқ Шарқда улар Хитой, Ҳиндистон ва Индонезияда доимий суратда савдо қилардилар. Араблар Яқин Шарқда — Левантда (Яқин Шарқни европаликлар кейинги вақтларда Левант деб юрита бошлаган эдилар), айниқса қизғин савдо олиб бордилар. Сурия, Миср, Кичик Осиё араблар савдосининг асосий районлари бўлиб, араблар бу ерларда Византия савдогарлари билан рақобат қилардилар ва товарларини шу ерлардан Ғарбий Европага юборардилар. Араблар савдосида қул савдоси катта ўрин тутарди, бу қуллар асосан, осийлик, африкалик ва бир қисми европаликлардан иборат эди.

Араб феодализи. Бағдод халифалиги даврида арабларда феодализм муносабатлар узил-кесил қарор топди. Халифаликка қа-

рашли мамлакатларда эксплуатация қилинувчи асосий синф жамоачи деҳқонлар эди. Бироқ араблардаги феодализмнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Жамоачи деҳқонларнинг кўпчилиги халифанинг ерларида яшаб, феодал рентани бевосита давлатнинг ўзига тўлар эди. Араб қонунларига мувофиқ бутун ер халифага қарашли бўлиб, халифа бу ернинг бирор қисмини ўз хизматкорларига вақтинчагина берар эди. Шу туфайли халифаликда катта ер эгаллигининг наслдан-наслга ўтиши ўрта аср Европасидаги каби қатъий эмас эди. Бирор аъён ўлгандан кейин, унинг мол-мулки одатда халифа хазинасига ўтар эди. Бу мол-мулкни ўлгanning ворисига (ёки ворисларига) бериш-бермаслик халифанинг хоҳиш ва илтифотигагина боғлиқ эди. Иккинчи томондан одатда халифада ҳам, унинг зодагонларида ҳам феодал Европасида бўлгани сингари, баршчинали, яъни ишлаб берадиган рентали поместьелари йўқ эди. Бунда зодагон хўжалигидаги иш кучини одатда қуллар ташкил этар эди. Қарам деҳқонлар эса баршчинада ишламас эдилар, фақат маҳсулот билан ёки пул билан рента тўлар эдилар, холос.

Шунга қарамасдан, Бағдод халифалиги замонда феодал мулкчилиги сезиларли даражада ривожланиб борди. Иқтисод — ҳарбий хизмат ўтаганлиги учун бериладиган чек ер бўлиб, Фарбий Европа бенефицияларига ўхшаб кетади, мулк — инъом қилинган ва аста-секин наслдан-наслга мерос бўлиб қоладиган ер-мулклар, ҳисса ва бошқа имтиёзли ерлар ғазнага солиқ тўлашдан озод қилинган бўлиб, булар ўсиб келаётган феодал хусусий ер эгаллигининг формалари эди. Ерларнинг маълум қисми — вақиф ерлар — мачитларга берилар эди. Халифанинг давлат феодал мулкчилигини қисқартириш ҳисобидан йирик ва ўрта даражадаги хусусий ер эгаллигининг ўсиши араб феодализи ривожланишининг характерли ҳодисаларидан бири бўлиб, бу ҳол халифаликка қарашли жуда катта территорияни ташкил этган турли хил мамлакат ва ўлкалардаги ерли феодалларнинг ажралиб чиқиш ва сепаратистик кайфиятларининг тобора авж олишида анча катта роль ўйнади.

Араб феодализмининг яна бир хусусияти — қулчилик элементларининг анча сақланиб қолганлиги эди. Арабларда Бағдод халифалиги даврида ҳам қуллар жуда кўп эди. Қуллар энг оғир ишларда: ирригация иншоотлари қуришда, тош ва руда конларида, пахта далаларида ва шунга ўхшаш ишларда жуда кўплаб ишлатилар эди. Африкадан келтирилган қора танли қуллар айниқса кўп эди. Қора танли қулларни араблар занжилар деб атадилар, занжи деган сўз Занзибар оролининг номидан олинганди. Оқ танли қуллардан эса жуда кўплаб уй хизматкорлари, ҳарам канизаклари, раққос ва раққоса, ашулачи, акробат ва шунга ўхшашлар сифатида фойдаланилар эди. Халифаларнинг сарой гвардияси ҳам шу оқ танли қуллардан ташкил этиларди.

Халқ кўзғолонлари. Араблар ҳукмронлигининг илк даврида анча энгил тортган халифалик меҳнаткаш аҳолисининг аҳволи

кейинчалик оғирлаша бошлади. Деҳқонлар қисман натура шаклида (маҳсулот билан) ва қисман пул шаклида катта-катта солиқлар тўларди, бу эса майда ишлаб чиқарувчи — деҳқон ёки ҳунарманднинг деярли ҳамма қўшимча маҳсулотини ямлаб кетар эди-да, натижада уларнинг ўзлари жуда ҳам ачинарли ҳолда куш кечиран эди. Амалдорларнинг ўзбошимчалиги ва жабр-зулми, деҳқонларнинг ҳуқуқсизлиги ва ҳимоясизлиги, уларни ҳақиқатда ярим қул ҳолига солиб қўйган эди. Халифаликда қулларнинг аҳволи эса ниҳоят даражада оғир эди. Уларни ҳалдан ташқари, ваҳшиёна суратда эксплуатация қилардилар. Меҳнаткашлар оммасининг—деҳқонлар, шаҳар камбағаллари ва қулларнинг қаттиқ эксплуатация қилинишига жавобан феодалларга ва уларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи халифага қарши бир неча марта қўзғолон кўтарилди.

Бағдод халифалиги давридаги халқ қўзғолонлари кишини ҳайратда қолдирадиган даражада катта қўзғолонлар бўлиб, баъзан бутун-бутун округларни ва ҳатто вилоятларни ўз ичига оларди. Бу қўзғолонлар одатдан ташқари узоқ давом этарди ва жуда ҳам қаттиқ бўларди. Чунончи, Мансур халифа ўлгандан кейин, орадан кўп вақт ўтмай, Урта Осиёда деҳқонларнинг катта қўзғолони кўтарилди. У 776 йилда бошланиб, 783 йилда тамом бўлди. Бу қўзғолонга Марв шаҳри атрофидан чиққан Муқанна («чодир ёпинган одам») лақабли Ҳошим ибн Ҳаким деган бир кирчи бошчилик қилди. Бу қўзғолонда маздакийлар¹ мазҳабининг таъсири акс этди, маздакийлар мол-мулкнинг ўртада бўлишини ва ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланишда ҳамма тенг бўлишини талаб қилар эди. IX асрнинг бошида Озарбайжонда ҳам деҳқонларнинг иккинчи бир катта қўзғолони кўтарилди, у кейин Эронга ва Закавказьеннинг бошқа жойларига ҳам тарқалди. Бу қўзғолонга Бабек деган бир киши бош бўлиб, у ҳам эркин жамоа тартибларининг тикланишини талаб қилди. Бу қўзғолон 20 йилдан ортиқроқ давом этди (815—837).

IX асрнинг охири — X асрнинг бошларида халифаликнинг жанубида деҳқонлар ҳаракати кўтарилди, бу ҳаракатга Қармат деган одам бош бўлиб, у ўзини «пайғамбар» деб эълон қилди. Унинг атрофига жуда кўплаб қочоқ деҳқон ва қуллар келиб тўпланди. Қўзғолончилар катта қалъа қурдилар, бу қалъани халифа қўшинлари ололмади.

Охир натижада қарматчилар Форс қўлтиғи қирғоқларида ўзига хос бир деҳқонлар республикасини тузишга муваффақ бўлди, бу республика X асрнинг охиригача умр кўрди.

Қарматчилар ҳаракати билан бир вақтда Басра атрофида қул занжиларнинг жуда катта қўзғолони бўлиб, бу қўзғолон 14 йил (869—883) давом этди. Занжиларга шиа Али ибн Муҳаммад бош бўлиб, у ўзини халифа деб эълон қилди. Занжи-



¹ VI асрдаги (Эрондаги) маздакийлардан фарқ қилиш учун буларни одатда янги маздакийлар деб атайдилар.

лар қўзғолонини бостириш учун ҳукумат уларга қарши жуда катта қўшин юборишга мажбур бўлди.

Халифаликнинг парчаланиб кетиши. Кенг кўлам олган халқ ҳаракатлари халифаликни ларзага келтириб, кўп вақтгача унинг бирлигини бузиб қўйди. Бироқ халифаликнинг парчаланишига бошқа сабаблар ҳам бор эди. Халифалик турли мамлакатларни ўз ичига олган бўлиб, турли-туман халқларнинг мураккаб бир конгломератидан иборат эдики, булардан баъзилари ўтмишда ўзининг ёрқин тарихига эга эди; шунинг учун ҳам бу халқлар ўз мустақиллигини тиклашга интилар эдилар; ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида маҳаллий алоқалар мустақамланиб борган сари бу интилиш кучайиб борарди. Шу билан бирга халифалик ҳокимияти тобора заифлашиб бормоқда эди. Феодаллашув процесси Шарқда ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан, феодализм тараққиётининг илк даврида Ғарбда қандай натижаларга олиб келган бўлса, бу ерда ҳам худди шундай натижаларга олиб келди. Маҳаллий ердор зодагонлар марказий ҳукумат зарарига кучайиб борди ва ажралишга интилди. Амирлар, яъни вилоятларнинг губернаторлари маҳаллий феодал-ер эгаларига суяниб туриб, ўзларининг маҳаллий династияларини вужудга келтира бошладилар. Халифалик амалдорлари томонидан марказлаштирилган ер рентаси солиғининг тўплатилишига қарши кўтарилган деҳқон қўзғолонларидан маҳаллий зодагонлар ўзларининг сепаратистик мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланар эдилар.

Халифалик ҳақиқатда VIII асрдаёқ парчалана бошлаган эди. 756 йилда Қурдоба амирлиги ажралиб чиққандан кейин (929 йилдан бошлаб у халифаликка айланди) VIII асрнинг охири — IX асрнинг бошларида Марокаш билан Тунис ажралиб чиқди, IX асрнинг ўрталарида Миср мустақил бўлиб қолди (бу ерда аввалига тулулар, кейинчалик X асрда Алининг авлодлари — Фотимийлар идора қила бошлаб, улар 969 йилдан эътиборан Мисрни мустақил Қоҳира халифалигига айлантирди). IX ва X асрларда Эрон ажралиб чиқди, аввал шарқий Эрон (Хуросон), кейин эса ғарбий Эрон ҳам ажралиб чиқди. Амударёнинг бу томонидаги Маворауннаҳр деб аталган жойда Сомонийлар давлати тузилди, унинг маркази Бухоро шаҳри бўлди, бу давлат X асрнинг бошидан қарийб охиригача яшади. Фротда мустақил бир давлат — Мовсул султонлиги тузилди. X аср ўрталарида Шарқий Эрон ерлари ва Афғонистоннинг бир қисми қўшилиб, эрон-турклардан иборат кучли Ғазнавийлар давлати вужудга келди, бу давлатнинг пойтахти Ғазна шаҳри бўлди. X асрнинг ўрталарига келиб халифанинг қўл остида Арабистон ва Месопотамиянинг Бағдод атрофидаги бир қисмигина қолди. 945 йилда Эрондаги шиа феодал хонадонларидан бири бўлган Буйлар хонадони Бағдодни босиб олиб, халифаликнинг қолган ерларини узоқ вақтгача идора қилди.

1055 йилда Бағдодни салжуқий-турклар босиб олди. Турк-



Араб халифалигининг қулаши

ларнинг бошлиғи Тўғрулбек султон деб эълон қилинди. Шундан кейин халифалар қўлида фақат диний ҳокимиятгина қолди. Мана шундай ўзига хос «Шарқ папалари» сифатида халифалар Бағдодда узоқ вақтгача, мўғуллар истилосигача, яъни 1258 йилгача яшаб келди.

Араб маданияти. Халифаликнинг араб маданияти тўғриси, араб тилидаги маданият ўз замонаси учун жуда юксак маданият бўлиб, Ғарбий Европа ўрта аср жамиятига катта таъсир кўрсатган эди. Араб тилида олиб борилгани ва вужудга келтирилишида араблар катта роль ўйнаганлиги сабабли араб маданияти деб аталган бу маданиятнинг анча қисми халифалик составидаги кўп халқларники эди. Араб цивилизациясининг турли соҳаларида Греция-Сурия (Византия), Эрон (Форс), Закавказье (Озарбайжон), Ўрта Осиё (хоразм, тожик халқлари ва ҳоказо), Ҳиндистоннинг таъсири бор эди.

Шу нарса шоён диққатдирки, византияликлар сингари, араблар ҳам антик традицияни давом эттирдилар, грек классикларининг асарларини қунт билан ўргандилар ва араб тилига таржима қилдилар. Аристотель, Гиппократ, Птоломей Евклид асарларини араб олимлари яхши билар эдилар. Европаликлар Аристотелнинг асарлари билан дастлаб арабчадан латин тилига таржима қилинган нусхалар орқали танишдилар. Турли халифаликларнинг пойтахтларида — Бағдод, Қурдоба ва Қоҳирада — ўрта аср Европасидаги университетларга ўхшаган олий мактаблар бўлиб, буларда Қуръондан ва мусулмонларнинг диний китобларидан ташқари дунёвий илмлар ҳам қунт билан ўрганиларди. Юз минглаб китобларни ўз ичига олган катта-катта кутубхоналар (Қурдоба, Қоҳира ва бошқа жойлардаги кутубхоналар) го-ят катта билим хазинаси эди. Бағдод, Дамашқ ва Самарқандда катта-катта расадхоналар бор эди. Араб астрономлари жуда кўп янги юлдузларни топдилар ва юлдузлар осмонининг жуда қимматли картасини туздилар.

Араб маданиятининг ўзига хос хусусияти шу эдики, унда аниқ фанлар жуда тараққий топган эди. Араблар медицина соҳасида катта муваффақиятларга эришган эдилар, улар тирик организмни тилиш йўли билан текшириб, одам танасининг анатомиясини жуда яхши билиб олдилар. Араб медицина дарсликлари Ғарбий Европада бутун ўрта аср давомида ўқилди. Фақат Шарқдагина эмас, балки бутун Европага донғи кетган машҳур врач ва физиолог Абу Али ибн Сино (930—1037)¹ миллати тожик бўлиб, Сомонийлар давлатида яшади. Ибн Сино медицина, физика ва фалсафага оид 100 га яқин китоб ёзган. Унинг энг асосий асари «Тиббиёт қонуни» латин тилига таржима қилинди, бу китоб ўрта аср Европаси врачлари учун қарийб XVI асрга қадар дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

¹ 1952 йилда Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига биноан Ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллиги (980—1952) милодий йил ичида ўтган ҳижрий 1000 йили) нишонланди.

Математика соҳасида араблар геометрия ва тригонометрияни ривожлантирдилар. Улар алгебрани ривожлантириш борасида кўп ишлар қилдилар ва ҳинд рақам системасини мукамаллаштириб, унга «0» (ноль) аломатини қўшдиларки, бунинг натижасида рақамлар билан ҳар қандай катта сонни ҳам ифодалашга имкон туғилди.

Араблар жуда яхши сайёҳ эдилар. Энг кўзга кўринган араб сайёҳи, географи ва тарихчиси Маъсудий бўлиб (956-йилда вафот этган), у халифаликнинг ҳамма вилоятларини айланиб чиққан эди. Эронга, Сурияга, шунингдек, Ҳиндистон билан Хитойга ҳам борган эди. У ўз саёҳатларининг натижасини «Олтин бўстонлар» деган умумий бир ном билан чиққан китобларида баён қилди. Кўпгина араб сайёҳлари — Ибн Даст, Ибн Фадлан ва бошқалар — славян мамлакатларига борганлар ва славянлар тўғрисида, хусусан IX ва X асрлардаги шарқий рус славянлар тўғрисида қизиқ маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

IX асрнинг охири — X асрнинг бошларида яшаган араб тарихчилари орасида айниқса машҳур Табарий бўлиб (923 йилда вафот этган) у «пайғамбарлар ва подшолар тарихи»ни, яъни халифалар тарихини ёзган эди, бу тарих 915 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Араблар нафис адабиёт соҳасида машҳур асарлар яратдилар. «Минг бир кеча» номли машҳур китоб XII асрда узил-кесил вужудга келди. Бу асар араб-муслмонлар оламидаги турли халқлар яратган фоят кўп эртак ва қиссалар йиғиндидан иборат бўлиб, бу эртак ва қиссаларнинг манбалари қисман қадимги дунё халқларининг фольклорига (Ўрта подшолик давридаги Миср эртакларига ва бошқаларга) бориб тақалади. Лекин «Минг бир кеча»нинг вужудга келишида VI асрдаёқ тўпланган Эрон эртаклари айниқса катта роль ўйнади.

Эрон-араб эпосининг энг йирик ёдгорликларидан бири шоир Абул-Қосим Фирдавсийнинг (935—1020) қаҳрамонлик достони «Шоҳнома» бўлиб, у чамаси 1000 йилларда ёзилган. Достон араб тилида эмас, балки форс тилида ёзилган. Унда 60 000 шеър бор, бунинг ёзиш учун Фирдавсий жуда бой халқ оғзаки эртакларидан фойдаланган, бу эртакларга адабий жиҳатдан жуда назик сайқал берган.

Араб санъати. Араб санъатида асосий ўринни архитектура эгаллайди. Араблар монументал бинолар: мачитлар, саройлар, мақбаралар, ҳаммомлар ва бошқа жамоат бинолари қурганлар. Араб архитектурасининг энг қадимги ёдгорликларидан бири Қуддусдаги Умар мачити деб аталган мачит бўлиб, у Умаййлар даврида 688 йилда қурилган. Бу мачит қуббалари жуда баланд, ниҳоятда салмоқдор саккиз бурчакли қилиб ишланган. Унда Византиянинг монументал услуби акс этиб туради. Аммо араблар одатда, енгил, хушбичим бинолар қураддилар. Бу биноларнинг характерли томони шу эдики, уларнинг минора ва минорачалари кўркам, хушбичим, устунлари ингичкадан келган,

тоқи равоқларининг нақши анча жўн бўлар эди. Араб биноларини янада кўркем қилиб безаб турган нарса — унинг деворларига жуда моҳирлик билан ранг-баранг қилиб ўсимликлар, қисман ҳайвонлар оламига оид мотивлардаги ғалати нақшлар, шунингдек, ҳар хил геометрик чизиқ ва фигуралардир. Ҳаддан ташқари симо, аммо ўзининг ниҳоятда позик санъаткорона ишланганлиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган жуда зиннатли нақш солиш — араб рассомчилигининг характерли хусусиятидир. Қўл ёзмалар, китоб муқовалари, заставкалар, коңцовкалар ва шу кабилар мана шу хилдаги расмлар билан безатилар эди. Турмуш-ҳаётдан олинган хилма-хил темадаги ажойиб миниатюралар ҳам қўл ёзмаларга безак бўлиб хизмат қилар эди. Арабларда катта ҳажмли сурат босиш унча ривожланмаган эди. Бунинг сабабларидан бири шу эдики, Қуръон мусулмонларнинг кўп худодликка («бутпарастлик») қайтишидан кўрқиб кишилар ва ҳайвонларнинг суратларини солишни тақиқлаган эди.

XIII БОБ

ИЛК УРТА АСРЛАРДА ҲИНДИСТОН

Гупта давлати. IV асрнинг бошларида Ҳиндистон бир неча ўнлаб майда ва йирикроқ давлатлардан иборат бўлиб, бу давлатлар тепасида кичик-кичик подшолар — рожалар турар эди, улар ҳукмрон табақаларга—брахманлар табақасига (коҳинларга) ва кшатрийлар табақасига (ҳарбий зодагонларга) суянар эди. 320 йилда шимолий Ҳиндистоннинг шундай рожаларидан бири Чандрагупта I (320—340) теварак-атрофидаги подшоларни ўзига бўйсундириб, Ганг дарёси ҳавзасида хийла катта бир давлат тузди, бу давлат Гупта давлати деб аталиб, VI асрнинг бошларигача яшади. Чандрагупта I нинг ворислари замонида, — улардан айниқса Самудрагупта (340—380) ва Чандрагупта II (380—414) ўзларининг истилолари билан машҳур эдилар. — Гупта давлати Ганг дарёсининг қуйи оқимини ҳам, то унинг денгизга қуйиладиган жойигача, шунингдек, Декан ясси тоғларининг бир қисмидан то Нарбад дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олар эди. Гупта давлатининг пойтахти Паталипутра шаҳри эди.

Гупта подшолари Сосонийлар Эрони билан қизгин савдо-соғтиқ олиб борди ва маданий алоқа қилди. Улар Ҳиндистоннинг шимолий чегараларини Урта Осиёлик қабилаларнинг ҳужум хавфидан узоқ вақтгача сақлади. Гупта даврида Ҳиндистон иқтисодий ва маданий жиҳатдан жуда юксалди. Ҳозирги Ҳиндистонда энг кенг тарқалган ҳиндуизм динининг вужудга келиши ҳам ўша давр билан боғлангандир.


Гупта даврида Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми. Гупта даврида Ҳиндистоннинг ижтимоий тузуми асосан ҳали қулдорлик

характерини сақлаб қолган эди. Қуллар турли ирригация ва қурилиш ишларида, қишлоқ хўжалигида ҳамда кўпдан-кўп хизматкор ва малай сифатида уй-рўзгор ишларида кенг фойдаланилар эди. Қуллар бозори кенг йўлга қўйилганича давом этмоқда эди. Қуллар Осиёдангина эмас, ҳаттоки Африкадан ҳам келтириллар эди. Ҳинд жамиятида қулдорликка хос аломатларнинг мавжудлиги аҳолининг касталарга (табақаларга) қараб бўлинишида ҳам намоён бўлган эди, бу бўлиниш Гупта даврида ҳам сақланиб, янада ривожланмоқда эди. Қадимий касталарнинг тўртта асосий тури — брахманлар (қоҳинлар), кшатрийлар (жангчилар), вайшиялар (деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар) ва шудралар (собиқ қулларнинг ва ҳар тоифадаги қарам кишиларнинг энг паст табақаси бўлиб, булар «киши ҳазар қиладиган» ишларни бажарувчи кишилар эди) — ҳали жуда қадим замонларда таркиб топган Ҳинд жамияти социал структурасининг турли босқичларини ифода этади. Урта асрнинг бошларида Ҳинд касталари анча эволюционлашди. Брахманлар ва кшатрийлар қоҳин ва ҳарбий табақаларга айланиб кетдилар, давлат ҳокимияти уларнинг қўлида эди, шу билан бирга улар жуда кўп қуллари бўлган энг йирик ер эгалари эдилар. Иккинчи бир ўртача ва паст даражадаги касталар вақт ўтиши билан майдаланиб бордилар. Гупта даврида касталарнинг миқдори бир неча ўн турдан ошди. Жамиятнинг шудрага оид энг тубан кастаси «ҳазарли кишилар» деб аталар эди, чуңки улар олий каста вакилларига яқинлашса, бу олий зотларни гўё ҳаром қилади деб ҳисобланарди.

Энг паст касталарнинг ҳақ-ҳуқуқсизлиги, хўрланиши қулдорлик тузумининг идеологиясини энг ёрқин ифодаси эди, қулдорлик тузуми даврида кишилар бир томондан, тўла ҳуқуқли, эркин қулдор — ҳукмдорларга, иккинчи томондан, бутунлай ҳақ-ҳуқуқсиз, хўрланган, задаланган қулларга ёки шуларга ўхшаб кетадиган кишиларга бўлинган эди.

Аммо Ҳиндистондаги қулдорлик тузумининг яна бир хarakterли хусусияти шу эдики, ривожланган қулдорчилик ва эксплуатациянинг қулдорлик системаси билан бир қаторда ғоят катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган жамоа деҳқончилиги ҳам доим мавжуд бўлиб, яшаб келмоқда эди. Қишлоқ жамоаси қулдорлик тузуми даврида ҳам, кейинчалик бориб феодализм даврида ҳам Ҳинд жамиятининг қуйи социал-иқтисодий ячейкаси бўлиб хизмат қилди, бу жамият шу ячейка устига қурилган эди. Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётида қишлоқ жамоасининг аҳамиятини К. Маркс шундай тавсифлаб берган эди: «...Ҳиндистоннинг бутун мамлакат юзасига ёйилган аҳолиси кичкина-кичкина марказларни ташкил қилиб, бу марказлар саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги хонаки алоқа асосида яшайди...»¹. Ҳар бир қишлоқнинг маълум миқдорда экинзор

¹ Маркс ва Энгельс. Асарлар, 9- том, 134- бет.



Илк ўрта асрларда Ҳиндистон

ери ва яйлови бор эди. Ҳар бир қишлоқнинг тепасида оқсоқол ва яна бир неча мансабдор киши турар эди. Қишлоқ жамоаси бир неча ўн ёки бир неча юз оиладан иборат бўлиб, ҳунармандликнинг қишлоқ хўжалиги билан қўшилишига асосланган бошланғич ишлаб чиқариш ячейкасини ташкил қилар эди. «Бу оила жамоалари хоёки саноатга асосланган бўлиб, унда қўлда тўқниш, қўлда йнгириш, қўл кучи билан ер ишлаш усули алоҳида бир тарзда бир-бирига қўшилиб кетган эди,— бундай қўшилиш бу жамоаларнинг ҳар қайсисини ўзига мустақил бир тусга киритиб

қўйган эди»¹. Гупта подшоларининг иқтисодий қудрати биринчи навбатда худди ана шу беҳисоб деҳқон жамоаларини эксплуатация қилишга асосланган эди.

Бироқ Гупта даври қулдорлик системасининг тушкунликка юз тута бошлаганлиги билан тавсифланади. Қулдорлик тузуми замирида феодал тузуми элементлари ташкил топаётган эди. Ғарбий Европа ва Араб халифалиги мамлакатларида кўрганимиздек, феодал жамиятнинг негизи бўлган жуда кўп сонли жамоа деҳқончилигининг мавжудлиги ҳинд жамиятига қулдорлик тузумидан феодал тузумига ўтишни енгиллаштирди. Гупта даврида қулчилик тугатилиб, феодализм туғила бошлаганлигини бир қанча фактлардан кўриш мумкин. Қуллар тез-тез эркин қўйиб юбориладиган ва муайян хизматларни ўташ шарти билан уларга унча катта бўлмаган ер участкалари ажратиб бериладиган бўлди. Подшо хўжалигидаги ерларнинг ҳаммасида ҳам қуллар ишласа эди, бу ерларнинг талай қисми ҳосилнинг бир қисmini подшо хўжалигига топшириш шарти билан ижарага берилар эди. Майда ижарачиликка ўтилишига сабаб, манбаларнинг кўрсатишича, қулларнинг етишмаслиги эди. Шу билан бир вақтда қишлоқ жамоасининг ўз ичида муҳим процесслар юз бермоқда эди, Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш қуролларининг такомиллашиши натижасида кичикроқ оиланинг кучи билан ҳам хўжалик юритиш мумкин бўлиб қолди. Катта оилалар майда-майда оилаларга бўлиниб кетди; катта оилага қарашли чек ерлар ҳам парчаланиб кетди; бунда тўнғич ўғилга укаларига қараганда ер кўпроқ ажратиб берилар эди. Оддий жамоачиларнинг бир қисми хонавайрон бўлиб, жамоанинг анча бойроқ аъзоларига қарам ҳолига тушиб қолар эди. Жамоа ичида эксплуататорлар қатлами бунёдга келар эди, буларнинг жуда кўп мол-ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари бўлиб, хонавайрон бўлган жамоачиларни эксплуатация қилар эдилар. Буларнинг ҳаммаси оқибат-натижада феодал қарамлиги муносабатларининг ўрнатилишига олиб келар эди.

Маданиятнинг равақ топиши. Гупта давлати давридаги маданият аввало, классик монументал архитектуранинг ривожланиши билан тавсифланади, бу даврда жуда кўп ибодатхона ва саройлар қурилган эди. Гупта даврида қурилган биноларнинг кўпи кейинчалик хорижий истилочиларнинг Ҳиндистонга қилган ҳужумлари натижасида вайрон қилиб ташланган эди. Лекин ҳар ҳолда ўша даврдан сақланиб қолган баъзи бир биноларга қараб, уларнинг жуда моҳирлик билан қурилганлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан, баҳайбат яхлит тошларнинг ичини ёр қилиб ўйиб ишланган Эллага ва Ажанта ибодатхоналари ўшандай қурилишлар жумласидандир. Ибодатхоналар ичида қадимий ҳинд ва будда афсоналаридан олиб ишланган ҳайкаллар бениҳоя кўп бўлиб, буларда кишиларнинг

¹ Уша' том, 135- бет.

фигуралари ифода этилган. Бу фигуралар ўзининг гўзаллиги ва улугворлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Ибодатхона деворлари хилма-хил суратлар билан безатилган. Гупта давридаги рассомлар ва усталар металлга пардоз беришда юксак санъат чўққиларини эгалладилар. Бизнинг эрамиздан аввалги IV асрнинг охири ва V асрнинг бошларида қуйма темирдан ишланган устун ҳозирга қадар Деҳлида сақланиб келмоқда, у қарийб бир ярим минг йил давомида очиқликда жазирама қуёш ва ёмғирлар остида қолиб келишига қарамай, уни ҳатто занг ҳам босган эмас.

Гупта даврида ҳинд фани катта муваффақиятларга эришди. Бир қанча ҳинд мунажжим (астроном)ининг номи Ҳиндистондагина эмас, унинг ташқарисидаям машҳур эди. Булар орасида V—VI асрларда яшаган, грек фани ва астрономияси билан таниш бўлган Арьябхата, Варахамхира ва Брахмагупта айниқса ажралиб туради. Ҳиндистонда бу даврда тиббиёт, айниқса ўт-гиёҳлар билан даволаш жуда ривож топган эди.

Адабиёт, поэзия ва драма соҳасида Гупта даври ўзидан кейинги кўпгина авлодлар учун тақлид бўлиб хизмат қиладиган жуда юксак намуналарини қолдирди. IV аср охири ва V асрнинг биринчи ярмида ўтган гениал ҳинд шоири Калидасанинг асарлари айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Калидаса қаҳрамонлик темаларида бир нечта дoston ҳамда мифологик ва тарихий темаларда кўп драмалар ёзди. «Алқишланган Шакунтала» драмаси айниқса катта донг қозонди, бу асарда ниҳоятда назокатли ва шу билан бир вақтда ўз йўлида учраган жуда оғир машаққатли тўсиқларни енға олган жўшқин жасоратли оддий ҳинд аёлининг ажойиб образи берилган. Бу асар Фарбий Европага 1789 йилда маълум бўлиши биланоқ қадимий ҳинд адабиётига жуда катта қизиқиш уйғотди. Калидаса ўз қаҳрамонларини қисман классик китоб тилида — санскритда, қисман турли маҳаллий лаҳжаларда гапиртиради, бу эса ўша даврдаги Ҳиндистон аҳолисининг этник жиҳатдан хилма-хил бўлганини кўрсатади. Калидасанинг асарлари ҳозирги вақтда дунёдаги асосий тилларнинг ҳаммасига таржима қилинган.

Ҳинд динининг эволюцияси. Гупта замонида ҳиндларнинг ҳукмрон дини брахманизм бўлиб, бу дин учта асосий худо — Брахма, Вишну ва Шива бор, деб таълим бериш билан бирга, жуда кўп бошқа худолар ҳам бор, дер эди; бу худолар табиат кучларининг барча турли-туман форма ва кўринишларининг ифодаси эди, одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, ҳар хил жонсиз нарсалар — санамлар ва ҳоказолар илоҳийлаштирилар эди. Брахманизмнинг дабдабали маросимлари ва кучли коҳинлари бўлиб, бу коҳинлар наслдан-наслга ўтадиган алоҳида бир табақа эди. Бироқ брахманизм билан бир қаторда унинг ўз ичидан бошқа бир дин — буддизм ҳам пайдо бўлиб, кўп тарафдор ортирди (бу дин эрамиздан олдинги V асрдаёқ пайдо бўлган эди). Бир вақтлар буддизм энг қадимги дин бўлмиш брахманлар динини ҳатто енгаётгандек ҳам бўлиб кўринган эди. Гупта подшоларининг кў-

пи буддизмга ҳомийлик қилди. Бироқ, пировардида, брахманизм енгиб чиқди, лекин шу билан бирга у янги тус — ҳиндуизм тусини олди. VI ва VII асрларда узил-кесил ташкил топган ҳиндуизм ўзининг кўпдан-кўп эски мажусий худоларини батамом сақлаб қолди. Лекин шу билан бирга у, буддизмдаги диний фалсафанинг баъзи элементларини, унинг ёмонликка қаршилик қилмаслик, тарки дунё қилиш, киши ўлгандан кейин жоннинг бошқа киши ёки бошқа нарсага ўтишига ишониш ва ҳоказолар тўғрисидаги таълимотини ҳам ўзига сингдириб олди. Буддизм дини Ҳиндистон ташқарисида—Хитойда, Ҳинди-Хитойда, Индонезия, шунингдек, Мўғулистонда, Тибетда ва қисман Урта Осиёда (Туркистонда) кенг тарқалди. Ҳиндистоннинг ўзида буддистлар хийла оз қолди.

Гупта давлатининг тугаши. Харша давлати. Гупта давлати VI асрнинг бошларига келиб тугади. У V асрдаёқ тушкунликка учрай бошлаган бўлиб, бунинг асосий сабаби меҳнаткаш омма аҳволининг оғирлиги эди. Ҳукмрон синфлар ҳаддан ташқари зебзийнат ичида яшади; деҳқонларга оғир солиқлар солинди, улар ўзлари етиштирган ҳосилнинг кўп қисмини солиққа тўлашга мажбур эди; аҳоли давлат фойдасига узлуксиз равишда турли хил ишларни бажаришга мажбур қилинди — мана шуларнинг ҳаммаси ҳинд деҳқонларини ҳолдан кетказди ва қишлоқ жамоалари экономикасини вайрон қилди. Меҳнаткашлар ўртасида норозилик туғилганлиги аломатлари Гупта замонидан қолган адабий ёдгорликларда кўп учрайди. Гупта подшолигига узил-кесил зарба берган нарса кўчманчи эфталитлар, яъни оқ гуннларнинг босиб кириши бўлиб, улар V асрнинг охири—VI асрнинг бошларида Шимолий чегарани ёриб ўтиб, Шимолий Ҳиндистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини ниҳоятда вайрон ва хароб қилиб ташлади. 530 йилда оқ гуннлар подшо Гуптанинг вассали рожа Ясодхарма томонидан тор-мор қилинди.

Гуннларни енггандан кейин, Ясодхарма Гупта династиясига итоат қилишдан бош тортиб, ўзи махарожа унвонини олди. Лекин унга Гупта давлати территориясининг фақат бир қисмигина бўйсунди.

✓ VII асрнинг бошларида **Х а р ш а** (606—647) давлати бирмунча вақтгача юксалиб борди. Харша Қанаужа князлигининг рожаси эди, сўнгра у бутун Шимолий Ҳиндистонни ўзига бўйсундирди. Харша давлати Ганг дарёси водийси бўйлаб Шарқий Панжобдан то Бенгалия қўлтиғигача бўлган территорияни ўз ичига олди. Марказий Ҳиндистоннинг князлари ҳам Харшага вассал қарамликда эди. Ҳаммаси бўлиб 40 тача князь унга қарам эди. Харша империяси узоқ умр кўрмади. Унинг ҳокимияти феодаллашув процессининг кучайиши, ўз вассаллари — рожалар қудратининг тобора ортиб бориши натижасида заифлашди; бу рожалар пировардида бутунлай мустақил бўлиб олиб, марказга итоат қилмай қўйдилар. Харша вафотидан кейин унинг давлати парчаланиб кетди. Узоқ вақтгача Ҳиндистон чет эл босқинчиларига қарши-

лик кўрсатолмайдиган тарқоқ бир мамлакат бўлиб келди. Қанауж шаҳри ҳали VIII—X асрларда ҳам Шимолий Ҳиндистоннинг пойтахтлик аҳамиятини сақлаб қолган эди, ammo унинг маҳаражлари мана шу юз йилликлар давомида Ҳиндистонга доимий равишда ҳужум қилиб келаётган ташқи душманларнинг шимолда яшовчи турли хилдаги қабилаларнинг босқинини қайтариш ўрнига, кўпроқ Ҳиндистоннинг ичидаги ўз рақобатчиларига қарши кураш олиб бориш билан овора бўлдилар.

Феодал муносабатларнинг янада ривожланиши. VI—VII асрларда Ҳиндистонда феодал муносабатлар янада ривожланди. Феодаллашув процессининг тезлашувида Шимолий Ҳиндистоннинг (Гупта подшолари давлати қулагандан кейин ва иккинчи марта Харша давлати тугагандан кейин) сиёсий жиҳатдан парчаланиб кетиши катта роль ўйнади. Ушлаб майда князликлар вужудга келди, бу князликларнинг князлари йирик ер эгалари эди, улар қишлоқ жамоаларини ўзларига бўйсундириб олиб, қаттиқ эксплуатация қилдилар. Буюк князлар — маҳаражалар ва вассал князлар, уларга қарам князлар — рожалар бўлар эди. Унисид а ҳам, бунисид а ҳам уларга қарам профессионал жангчилар бўлиб, уларга ҳарбий хизмат ўтаганликлари учун ер участкалари инъом қилинар эди. Жамна билан Ганг дарёлари ўртасид а бу хилдаги ҳинд рицарлари айниқса кўп эди, шимолдан ҳужум қилиб бостириб кириш хавфи бу ерда анча кучли эди. Бу ерларда вужудга келган жуда кўп сонли рицарлар табақаси ражпутлар (айнан таржимаси «шоҳ фарзандлари») деган ном олдилар. Бориб-бориб ражпутлар қадимий ҳарбий табақа бўлган кшатрийлар билан аралашиб кетди.

Феодал ер эгалигининг ривожланишида ҳинд ибодатхоналари анча катта роль ўйнади. Ҳинд коҳинлари жуда катта ерларга эга эдилар, уларнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган князлар жуда кўплаб ер улашиб берганлиги учун бу ерлар кейинги юз йилликларда янада кўпайиб борди. Баъзи ибодатхоналарнинг 1000, ҳатто 1500 қишлоғи бўлар эди. Жамоачи деҳқонлар ҳосилнинг катта қисмини ибодатхоналарга тўлар эдилар ва ибодатхона уларни суд қилиш ҳуқуқига эга эди.

Ҳиндистонга араб ва туркларнинг кириб келиши. Деҳли султонлигининг тузилиши. VII асрнинг охирида Эрон ва Афғонистонни босиб олганларидан кейин, араблар Ҳиндистонга бевосита қўшни бўлиб қолди. Бундан ташқари, Ҳиндистонга араблар денгиз билан, яъни Форс қўлтиғи билан бориб Ҳинд океанидан ҳам ҳужум қила олар эди. 712 йилда Умавийларнинг саркардаларидан бири Муҳаммад ибн Қосим, Басрадан сузиб бориб, Ҳиндистондаги Синд мамлакатини босиб олди. Лекин орадан бир неча ўн йил ўтгач, араблар Ҳиндистондан бутунлай сиқиб чиқарилди. Ислом динининг тарғиб қилинишга ҳиндлар душманлик назари билан қаради, чунки ислом динини улар чет эллик босқинчи ва талончилар дини деб ҳисоблади, ҳиндуизм эса ислом динига қарши «миллий» дин эди.

Мусулмонлар ҳужуми фақат XI асрнинг иккинчи ярмидагина қайтадан бошланди, бу сафарги ҳужум илгариги ҳужумдан қаттиқ бўлди. Бу ҳужум учун энг асосий замин туғдириб берган нарса шу бўлдики, кучли ва урушқоқ турк-эрон давлати — Ғазнавийлар давлати вужудга келган эди (бу давлатнинг номи пойтахт бўлмиш Ғазна шаҳрининг номидан олинган эди). Султон Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) шарқий Эрон ва Афғонистон ерларини, 1017 йилдан эътиборан эса Амударёнинг бериги томонидаги ерларни, яъни Бухорони ҳам ўз қўли остига киритиб олди.

Подшолик даври мобайнида у, шимолий Ҳиндистонга ўн етти марта юриш қилди. Ҳиндистон шаҳарлари мусулмонлар томонидан ниҳоят даражада қаттиқ таланди. Маҳмуд Ғазнавий бу юришлардан шимолга ўн минглаб эркак ва аёлларни асир қилиб ҳайдаб кетди, мамлакатни, айниқса ҳинд ибодатхоналарини талаб, карвон-карвон олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар олиб кетди. Ғазна шаҳри мухташам бинолар билан безалди, бу биноларнинг кўпини Ҳиндистон усталари солган эди. 1030 йилда Маҳмуд Ғазнавий ўлган вақтда унинг империяси Амударё қирғоқларидан тортиб то Ганг дарёсигача борган, бутун Ҳинд дарёси ҳавзасини ҳам ўз ичига олган эди. Лекин унинг пойтахти Ҳиндистондан ташқарида эди. Ҳиндистон Маҳмуд Ғазнавий учун бўсундирилган бир вилоятгина эди. Шундай бўлса-да, Ҳиндистоннинг шимолига жуда кўп мусулмонлар—хуросонликлар, турк ва афғонлар бориб ўрнашди. Шимоли-Шарқий Ҳиндистон (ҳозирги Покистон) аҳолисининг бир қисми ислом динини қабул қилиб, бора-бора истилочилар билан аралашиб кетди.

XII аср охирида Ҳиндистонга Ғазна истилочилари иккинчи марта ҳужум қилди. 1175 йилда Ғазна ҳокими Муҳаммад Гурий Панжобга бостириб кириб, уни эгаллагач, шарққа қараб силжишни давом эттирди. 90 йилларда у Жамна билан Ганг дарёлари ўртасидаги бутун ерларни, сўнгра эса Бенгалияни босиб олди, Гурий вафотидан (1206 йилдан) кейин унинг ноиб Кутбиддин Ойбек Ғазнадан ажралиб чиқиб, Ҳиндистоннинг шимолида (ҳозирги Ҳиндистон республикасининг пойтахти Деҳлини марказ қилиб) мустақил давлат тузди. Янги давлат пойтахт шаҳарнинг номи билан Деҳли султони деб юритиладиган бўлди.


XIV БОБ

ИЛК УРТА АСРЛАРДА ХИТОЙ

V—VI асрларда Хитойнинг сиёсий тарқоқлиги. Хитойнинг V—VI асрлардаги тарихи Ғарбий Европаники сингари варварлар ҳужуми билан боғланган эди. Хитойда шимолда ва ғарбда яшаган кўчманчи илк мўнғул ва илк турк қабилалари мамлакатнинг жуда ичкарасига кириб борди. Шимолий Хитойга айниқса кўп ҳужум қилинди. Бу ҳужумлар Хитойнинг хўжалиги-

га жуда катта зарар етказди. Кўпдан-кўп сугориш иншоотлари вайрон бўлди, бутун бошли қишлоқлар таланиб, ер билан яқсон қилинди, шаҳарлар ҳувиллаб қолди. Варварларнинг ҳужуми натижасида Хитой жуда кўп майда-майда давлатларга бўлиниб, сиёсий жиҳатдан тарқоқ бир мамлакатга айланиб қолди; бу давлатларнинг баъзиларининг тепасида дружиналари билан бирга варварларнинг бошлиқлари ва баъзиларининг тепасида эса (жанубда) маҳаллий хитой зодагонлари турди. Буларнинг ичида энг каттаси Шимолий Вэй давлати бўлиб, унинг пойтахти Лоян шаҳри эди. Бу давлат 386 йилдан 584 йилгача яшади. 426—589 йиллар ўртасидаги давр Хитой тарихига «шимолий ва жанубий династиялар даври» бўлиб кирди. V—VI асрларда Хитой бошидан кечирган сиёсий тарқоқликни шу номдан ҳам билиб олиш мумкин. Варварлар ҳужуми Хитойда қулдорликни батамом йўқ қила олмаган бўлса-да, лекин унга қаттиқчина зарба берди. Хитойда ўтроқлашган варварлар орасида ҳам, хитойлар орасида ҳам эркин деҳқонлар сони кўпайди. Мана шу шахсан эркин деҳқонлар негизида Хитойда давлат феодал ер эгаллигининг ўзига хос формаси ривожланиб борди. Жумладан, Шимолий Вэйлар давлатида ўрта асрлар Хитойни учун характерли бўлган давлат чек ер системаси таркиб топа бошлади; бу системага кўра давлат бошлиғи энг олий даражадаги ер эгаси бўлар эди; ҳақиқатда эса ерлар чекларга бўлиниб, деҳқонларга уларнинг оила аъзоларидаги меҳнатга лаёқатли кишилар сонига қараб тақсимланар, чек ер олиш учун эса деҳқон кўпроқ натура билан (дон, чорва моллари, ҳунармандчилик буюмлари ва ҳоказолар билан) солиқ тўлаши керак эди, Марказлаштирилган давлат рентаси, шундай қилиб, ҳукмрон синфни асрашнинг асосий манбаи бўлиб қолди. Шу билан бирга худди шу даврда Хитойда хусусий поместьеларни (чжуанъюань) ҳам аҳён-аҳёнда учратиш мумкин эди, бу поместьелар айни феодал-крепостниклик характериغا эга эди. V—VI аср манбаларида «кучли хонадонлар», яъни энг бадавлат ва зодагон оилалар тилга олинади, улар жамоанинг оддий аъзоларидан юқори даражага кўтарилиб, ўзининг камбағаллашган уруғ-аймоқларини қарам деҳқонлардек эксплуатация қилувчи катта ер эгаларига айланиб борганлар. Хитойда уруғчилик муносабатларининг қолдиқлари узоқ вақтгача сақланиб келди. Ҳали X ва XI асрларда ҳам крепостной деҳқонлар ўзларини расмий равишда ўз хўжайинлари — помещикларнинг «болалари ва улардан кичик қариндошлари» деб атар эдилар. Хитойда феодал ер эгаллигининг илк тури будда монастырь ер эгаллиги бўлиб, ерга эгалик қилишнинг бу тури бу ерда V—VI асрлардаёқ анча кенг тарқалган эди.

Хитойни сиёсий жиҳатдан бирлаштириш йўлидаги биринчи уринишлар. Суй империяси. Илк ўрта аср замонида Хитойни бирлаштиришга биринчи бўлиб Суй династияси уринди. Бу династиянинг асосчиси Янцзянь (ёки Вэньди) ҳарбий дружина бошлиғи бўлиб, шимолий династиялардан бирида хизмат қи-



Илк ўрта асрларда Хитой

лар эди. 589 йилда Янцзянь бутун Шумолий ва Жанубий Хитойни ўзига бўйсундирди. Суй династияси даврида суғориш системаси тикланди ва кенгайтирилди. Жумладан, VII аср бошларида шу династиянинг иккинчи императори Ян Гуан (ёки Ян-ди) даврида Хуанхэ дарёсини Янцзи дарёси билан боғлайдиган умумий узунлиги 1000 км келадиган Буюк канал қазилди. Канал қурилишида Хитойнинг турли қисмидан йиғиб олиб келинган бир миллионга яқин киши ишлади. Аммо Суй династиясининг идора қилиши узоққа бормади. Шимолийнинг жануб билан бирлашуви жуда заиф эди. Марказий ҳукумат вилоятларни етарли даражада назорат қилиб турмади. Жуда катта ҳокимият маҳаллий зодагонлар қўлида эди. Ғарбда туркий қабилалар ҳужумининг кучайиши империядан жуда катта куч-ғайрат талаб қилди. Шу билан бир қаторда бу династия императорлари истилочилик сиёсати юритишга уринди, бу эса империяни янада багтарроқ ҳолдан кетказди. Суй ҳукуматнинг Кореяни ўзига бўйсундириш йўлидаги уринишлари тамоман барбод бўлди. Бу ҳол династиянинг узил-кесил қулашига сабаб бўлди.

618 йилда Шимолий-Ғарбий Хитойнинг князларидан бири Ли Юань ёки Гаоцзу (у келиб чиқиши жиҳатидан чала турк эди) империяда ҳокимиятни босиб олиб, янги династияга — Тан династиясига асос солди.

Тан империяси. Тан империяси Хитойда 300 йилга яқин, яъни 618 йилдан 907 йилгача яшади. Унинг пойтахти Чанъань (ҳозирги Сиань) шаҳри эди. Бу жуда катта шаҳар эди. VIII асрда Чанъань аҳолиси 1 миллиондан кўп эди. Империянинг иккинчи пойтахти Лоян шаҳри бўлиб, у ҳам жуда катта савдо маркази эди. Бу династиянинг энг кучли императори Ли Юаньнинг вояси Ли-Ши-минь ёки Тайцзун (626—649) эди. Бир неча урушлар натижасида Ли-Ши-минь империя чегараларини анча кенгайтириб олди. Императорга қарам, вассал ерларни қўшиб ҳисоблаганда, Хитойнинг территорияси Шимолда Амур ва Хингангача, жанубда Ҳиндистон ва Сиёмгача, шарқда Кореягача (Тайцзун Кореяни ҳам босиб олишга уринган эди), ғарбда Урта Осиёнинг шарқий чегараларигача борарди. Ли-Ши-минь замонидаги бу жуда катта империя императорнинг марказдаги ва жойлардаги жуда кўп амалдорлари томонидан идора қилинадиган мураккаб бир бюрократик монархия тусини олди.

Ли-Ши-минь даврида амалдорлар учун махсус унвонлар жорий қилинди. Амалдорларнинг ҳаммаси тўққиз даражага бўлинди, ҳар бир даражага маълум ҳажмда поместьелар белгиланди, бу поместьелар маош ўрнига берилар эди. Марказий идора олтита маҳкама палатасидан ёки министрликдан (амаллар министрлиги, солиқ министрлиги, ҳарбий министрлик, жиний ишларни кўрадиган суд министрлиги, жамоат ишлари министрлиги, маросим ишлари министрлигидан) иборат бўлиб, узил-кесил расмийлашди. Жойларга айрим катта-катта областлар тепасида турувчи губернаторлар тайинланди. Областлар —

округларга, округлар — уездларга, уездлар — бўлисларга, бўлислар — қишлоқларга бўлинган эди. Бошқарувнинг энг қуйи звеноси ҳамма бир-бирига кафил бўлган беш хонадон бирлашмасидан иборат эди.

Тан династияси даврида давлат феодал чек ер системаси узил-кесил қарор топди.

Ҳукумат томонидан ерга эгалик қилиш ҳуқуқлари текширишдан ўтказилди, шу билан бирга давлатга қарашли ерлар фонди анча оширилди, бу ерларга давлат деҳқонлари экин экар эди, уларга кўпдан-кўп солиқлар солинар ва мажбуриятлар юкланар эди. Ўзига берилган чек ер учун деҳқонлар дон тарзида солиқ тўлаши ва буюмлари тарзида солиқ тўлаши ва бундан ташқари, йилига 20—50 кун давлат фойдасига оғир баршчина адо этиши керак эди. Ерларнинг анча кўп қисми секин-аста йирик амалдор зодагонлар қўлига ўтди: айрим энг катта амалдорлар қўлидаги ер бир деҳқон оиласи қўлидаги ердан кўп баравар ортиқ бўлар эди. VIII асрнинг 20- ва 30- йилларида Тан империяси қонунларининг ягона мажмуаси тузилди, у ижтимоий ҳаёт ва давлат ҳаётининг хилма-хил томонларини ўз ичига олган олтита алоҳида кодексдан иборат эди.

VIII ва IX асрларда Тан империясининг кризисга учраши. Тан империяси VII асрнинг иккинчи ярмида ва VIII асрда Тайцзуннинг ворислари замонида Осиёдаги энг катта давлат бўлиб қолаверди. Бу ворислар ичида энг кўзга кўрингани буддизм ҳомийси императрица У Цзе-Тянь ёки Ухоу (656—705) бўлди. VII—VIII асрларда Хитой Араб халифалиги, Ҳиндистон, Сиём ва Вьетнам билан қизгин ташқи савдо олиб борди. Бир қанча катта-катта карвон йўллари (булар орасида Чаньандан Ўрта Осиёга олиб борадиган йўл — «Ипак йўли» айниқса катта аҳамиятга эга эди). Хитойни Шимолий, Ғарбий ва Жанубий Осиёдаги турли мамлакатлар билан боғлар эди. Бундан ташқари Хитой соҳилларидан Жануби-Шарқий Осиё ва Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлининг ҳам аҳамияти катта эди. Бироқ VIII асрдаёқ Тан империяси чуқур кризисга учради. Солиқлар, ўлпонлардан, ҳар хил давлат мажбуриятлари ўташдан эзилган деҳқонлар қашшоқлашиб, жуда оғир кун кечиришга мажбур эди. Очлик натижасида тез-тез бўлиб турган эпидемиялардан юз минглаб деҳқонлар қирилиб кетди. Деҳқонларнинг чек ерлари камайиб борди, чунки чек ерларни «кучли хонадонлар» — катта-катта ер эгалари, давлат амалдорлари, судхўрлар доим ўз қўлларига киргизиб олмоқда эдилар (йилномаларда образли қилиб айтилганидек, «ютиб юбормоқда эдилар»). Давлат деҳқонлари **сонининг камайиши натижасида** давлат хазинасига тушадиган даромадлар ҳам камайди. Деҳқонларнинг бир қисми хусусий шахсларга қарам бўлиб қолаётган эди, бу шахслар ўз даромадларини мана шу деҳқонлардан олар эдилар. Шу аҳволни ҳисобга олиб, ҳукумат 780 йилда солиқ системасини ислоҳот қилди. Лойиҳанинг собиқ автори Ян Яньнинг янги қонунига би-

ноан солиқлар чек ери бўлган деҳқонлардангина олиниб қолмасдан, шу билан бирга хусусий ер эгаларидан ва давлат ерларини вақтинча ижарага олган шахслардан ҳам йиғиб олинган бўлди, ammo мана шу ер эгалари ва ижарачилар уларнинг ерларида яшаб, уларга крепостной қарамликда бўлган деҳқонлар учун ҳам солиқ тўлашлари лозим эди. Вужудга келган бу янги вазиятни, яъни давлат деҳқонларининг бир қисми феодалнинг крепостной ёки қарам кишисига айланганлигини тан олиб, ҳукумат «кучли шахслар» томонидан чек ерларнинг «ютиб юборилишига» қарши курашни атайлаб сусайтирди, бу ҳол бутун чек ер системасининг кризиси кучайганлигидан далолат беради.

Феодаллашув процесси маҳаллий ердор зодагонларни кучайтирди ва императорнинг губернаторлари билан ҳарбий бошлиқларининг ўзида ҳам марказга тобе бўлмасликка интилиш кайфиятини туғдирди. Бош қўмондон Ань-Лу-шань қўзғолони Тан династияси тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. У 785 йилда 120 минг кишилиқ қўшинни ўзига эргаштириб, императорга қарши бош кўтарди. У 786 йилда иккала пойтахтни — Чанъань ва Лоянни ҳам босиб олишга муваффақ бўлди. Император қочди, бу қўзғолон келгуси йилдагина ёлланган варварлар, асосан, уйғурлар ёрдами билан бостирилди. Ань Лу-шань қўзғолонидан кейин Жанубий Хитойдаги губернаторлар қўзғолонлари бўлди, бу қўзғолонларни ҳам император жуда катта куч сарф қилиб зўрға бостирди.

Хуан Чао қўзғолони. Деҳқонларнинг ҳаддан ташқари оғир ҳаёти IX асрнинг иккинчи ярмида уларнинг ғоят катта қўзғолони кўтарилишига сабаб бўлди, бу қўзғолон 875 йилдан 884 йилгача давом этди. Қўзғолонга илгари чакана тузфуруш бўлган ва кейин император гвардиясида солдат бўлиб хизмат қилган Хуан Чао деган киши бошчилик қилди. 875—884 йиллардаги хитой деҳқонлари қўзғолонининг кишини ҳайратда қолдирадиган томони шуки, у хийла узоқ вақт давом этди, қўзғолонга жуда кўп киши қатнашди, қўзғолончилар ғоят катта куч-ғайрат ва тadbирлик кўрсатдилар. Бу қўзғолон умуман олганда стихияли ҳаракат бўлса-да, бир қадар уюшган ҳаракат эди ва шу уюшганлиги натижасида маълум вақтгача катта-катта муваффақиятларга эришди. Қўзғолон Шаньдун ва Хэбей деган шимоллий вилоятлардан бошланди. Кейин у Марказий Хитойдаги Хэнань вилоятига тарқалди. Қўзғолоннинг биринчи йилидаёқ Хуан Чао қўл остида 100 мингга яқин қуролланган деҳқон бор эди. 879 йилда Хуан Чао Жанубий Хитойга юриш қилди, у ерда энг бой порт бўлган Кантонни олди. Қўзғолончилар бу ерда жуда кўп ажнабий савдогарларнинг ҳамма товарларини босиб олди. Бироқ ўз солдатлари орасида эпидемия тарқала бошлаганлиги сабабли Хуан Чао шимолга, Янци дарёси ортига чекиншига мажбур бўлди. Эпидемия оқибатларига қарамай, Хуан Чаонинг қўшини тобора кўпайиб, 880 йилда унинг сони 250—300

минг кишига етди. 880 йилда Хуан Чао Лоян устига юриш қилди. Оз вақт ичида Чанъанни босиб олди ва ўзини император деб эълон қилди. «Деҳқонлар императори»нинг социал программасини унинг бош министри ўз гапида ифодалаб берди, у «Да Цининг (Хуан Чао ўзини Да Ци деган ном билан император деб эълон қилди) оддий халққа роҳат ва фароғатли ҳаёт бахш этишдан бошқа муддаоси йўқ» деди. Хуан Чао Чанъанда икки ярим йил турди. 884 йилда Тан династиясининг императори уйғурлар, таиуглар ва шимоли-ғарбда яшовчи бошқа кўчманчилардан иборат варвар тўдаларининг ёрдами билан пойтахтга қайтиб келди. **Саҳрой варварлар хитой деҳқонларини шафқатсизлик билан қирди.** Бу қонхўр йиртқиқларга халқ «қора қузғунлар» деб ном берди. Хуан Чаонинг ўзи эса Чанъандан қочиб кетишга мажбур бўлди ва кейинги йили Хэнань вилоятида ҳалок бўлди (ўзини-ўзи ўлдирди).

Тан династиясининг тугаши. Император хизматидаги феодал-амалдор зодагонларга суюнган Тан династияси ҳақиқатда деҳқонларнинг қудратли ҳаракати натижасида ағдарилди. Бу династиянинг императорлари қўзғолои бостирилгандан кейин яна бир оз вақтгача мамлакатни идора қилди. Бироқ уларнинг ҳокимияти энди бутун Хитойга ёйилмас эди. X асрнинг бошларида шимолда кидань қабилалари иттифоқининг катта бир варвар давлати тузилди, бу қабилалар Маньчжурияни, Мўғулистоннинг ва Шимолий Хитойнинг бир қисмини босиб олган эди. Бу Ляо деб аталган янги давлатнинг пойтахти Янцзин шаҳри бўлди, шу шаҳар кейинчалик Пекин деб юритила бошлади.

907 йилда Тан империяси йўқ бўлди. Бир неча ўн йилгача Хитойда батамом тарқоқлик ҳукм сурди. Лекин 875—884 йиллардаги деҳқонлар қўзғолони бекор кетмади. Бу қўзғолои натижасида ерга феодал давлат мулкчилиги ва унинг чек ердан фойдаланиш системаси, кўпдан-кўп амалдорлари, деҳқонларнинг охирги томчи қонини сўриб оладиган мураккаб ва ақл бовар қилмайдиган солиқ солиш системаси, ҳар бир қишлоқ ва ҳар бир деҳқоннинг кетидан исковчилик қилиб юрувчи пасткаш полиция назорати билан бирга қўшилиб бари тамоман путурдан кетди. Қўзғолои деҳқонларнинг бир қисми чек ерларни ўзларига мустаҳкамлаб олиб, майда ер эгалари бўлиб қолдилар. Бироқ давлат мулкчилигининг заифлашиб қолганлигидан хусусий мулкчи бўлиб олган янги феодаллар ҳам фойдаланиб қолдилар, булар ўзларининг хусусий поместьелари ҳажмини кенгайтирдилар ва хитой қишлоғига ўзларининг иқтисодий таъсирларини кучайтирдилар.

X аср ўрталарида мамлакатда анчагина иқтисодий юксалиш юз берди, Хитой бу юксалиш шароитида 960 йилда Сун династиясининг ҳокимияти остида қайтадан бирлаштирилди. Бу династияга Шимолий Хитойдаги ҳарбий бошлиқлардан бири бўлган Чжао Куань-инь асос солди, у киданлар устидан бир неча марта ғалаба қозонган эди. Янги династиянинг пойтахти даст-

лаб Бянь (ҳозирги Кайфин) шаҳри бўлди. Кейинчалик марказ жанубга, Ханжжоу шаҳрига кўчирилди.

Сун империяси. Сун империяси Тан империясига қараганда кучсизроқ бўлди. Сун династияси вақтида Хитойнинг ўзи ҳам тўла бирлаштирилмади. Тан империясига кирган бир қанча территориялар Сун императорларининг ҳокимиятини тан олмадилар ва ўзларига мустақил давлатлар туздилар. Турк, мўғул қабилалари ва ғарбдаги бошқа кўчманчи қабилалар ҳам империяга итоат қилмадилар, империя чегараларига борган сари кучлироқ хавф солиб турдилар. Сун императорлари уйғурларга, тангутларга, киданларга, Аннамга қарши урушлар қилди. Бироқ бу урушлар натижасида Сунлар бу мамлакатларни Хитойга итоат қилдиришга муваффақ бўла олмадилар. Шунга қарамай, Сун династияси даврида Хитойнинг халқаро алоқалари яна мустақкамланди. **Урта Осиё, Ҳиндистон ва Ҳинди-Хитой** билангина эмас, балки **Корея, Япония ва Индонезия** билан ҳам кенг миқёсда ташқи савдо олиб борилди. Сун бошқаруви даврида Хитойда ички савдо ҳам кенгайди, мамлакатда пул муомалаларининг ривожланганлиги бундан далолат беради. Мис пуллардан ташқари темир пуллар зарб қилинди. Қоғоз пуллар ҳам сунлар даврида ишлатила бошлади.

XI асрда Сун империясидаги синфий муносабатларда худди Тан империясининг сўнгги императорлари давридагига ўхшаш чуқур антагонизм вужудга келди. Хуан Чао кўзғолонидан кейин бирмунча кўпайиб қолган «хўжайин хонадонлар» деб аталадиган мустақил деҳқонлар сони вақтлар ўтиши билан яна камайиб борди. Уларнинг ерларини амалдорлар, қисман тобора мустақкамланиб бораётган қўшни помешчик-ер эгалари босиб оларди. Қарзга ботган деҳқонлар судхўрларга, улардан олган қарзлари юзасидан процент тарзида жуда катта пул тўлашга мажбур эдилар. Хитой қишлоғида мустақкам ин қўйиб олган шаҳар савдогарлари, ерли помешчиклар, ҳукумат амалдорларининг ўзлари судхўрлик билан шуғулланар эдилар. Ҳукумат амалдорлари ўз ҳукмдорликларидан фойдаланиб, айниқса деҳқонларни жуда оғир судхўрлик шартлари билан улардан қарз олишга мажбур қилар эдилар. Бировларнинг ерларида ўтириб тирикчилик қилаётган деҳқонларнинг аҳволи янада оғир эди. Қишлоқларда оч-яланғочлик ҳукм сураар эди. Очарчилик, эпидемиялар, бутун бир қишлоқ, бўлисларда аҳолининг қирилиб кетиши тез-тез такрорланиб турадиган воқеа бўлиб қолди. Деҳқонлар ҳаракати яна умумхитой миқёсидаги катта деҳқонлар урушига айланиб кетиш хавфини сола бошлади. Ҳукумат янги-дан деҳқонлар уруши чиқишининг олдини олишга ва издан чиққан давлат молиясини яна жойига келтиришга ҳаракат қилди, ҳукуматнинг бу ҳаракати Сун династиясининг бир министри Ван Ань-ши томонидан ўтказилган анчагина радикал реформаларда акс этди.

Ван Ань-ши реформалари. В а н А нь - ш и (1021—1086) даст-

лабки вақтларда вилоят амалдорларидан бири эди. У аҳолининг қашшоқлигини, амалдорларнинг жабр-зулмини ва судхўрларнинг ҳукмронлигини кўрсатадиган энг мудҳиш фактларни вилоятдалик маҳалида яхши билиб олган эди. Императорнинг биринчи министри даражасига кўтарилиб олгач, Ван Ань-ши 1069—1074 йилларда молиявий-иқтисодий ва социал характердаги бир қанча тадбирларни амалга оширди. Аввало, у ерларни қайтадан рўйхатга олдирди ва император хизматидаги зодагонларнинг ерига солиқ солди, бу хизматчи зодагонлар бу вақтда ер солиғи тўламай қўйган эдилар деса бўлади. Сўнгра Ван Ань-ши деҳқонларни давлат фойдасига баршчина ўташдан озод қилди, баршчина ўрнига пул билан тўланадиган солиқ жорий қилди. Ер солиғини ҳам деҳқонлар қисман маҳсулот ва қисман пул билан тўлайдиган бўлди. Очарчиликнинг олдини олиш учун Ван Ань-ши давлатга қарашли ғалла омборлари ташкил қилди, очарчилик йилларида аҳолига ана шу омборлардан ғалла бериларди. Судхўрликни тугатиш мақсадида Ван Ань-ши давлат банки ташкил қилди, бу банкдан деҳқонлар кам процент тўлаш шарти билан қарз ола оладиган бўлди. У, қисман солиқ фондидан фойдаланиш, қисман эса давлатнинг савдогарлар қўлидаги маҳсулотни сотиб олиш йўли билан давлат савдосини ташкил қилишга ҳаракат қилганлиги ҳам шоён диққатдир. Ван Ань-ши ҳарбий соҳада ҳам катта реформа ўтказмоқчи бўлди. Елланма армия ўрнига умумий ҳарбий мажбурият жорий қилмоқчи эди. Асосий қўшин деҳқон лашкарларидан иборат бўлиши керак эди. Ҳар уч хонадон битта пиёда аскар, ҳар ўн хонадон битта отлиқ аскар бериши керак эди. Ван Ань-ши реформалари амалдорлар билан феодалларнинг қаттиқ қаршилигига учради. 1075 йилда Ван Ань-ши вазифасидан бўшатилди. Унинг тузган планлари давлат учун «хавfli» деб топилди, ваҳоланки, унинг мақсади феодал давлатни учига чиққан паразит элементлардан холи қилиб, уни тартибга солиш эди, холос.

Сун династиясининг тугаши. XII асрда ҳам Сун империясининг аҳволи яхшиланмади. Шимолдаги халқларнинг ҳужум қилиш хавфи туғилиши муносабати билан 1126 йилда император пойтахтни жанубга, Ханчжоуга кўчирди. 1127 йилдан бошлаб Сун династияси қўл остида фақат Жанубий Хитой қолди, холос. Шимолий Хитой манчжур-тунгус қабилаларидан бири бўлган чжурчжэнлар тузган ва Цзинь деб аталган янги бир катта давлат составига кирди, бу давлат илгариги киданлар давлатини ўзига сингдириб олган эди. XIII асрнинг бошларида Шимолий Хитойни мўғуллар босиб олди. Империянинг император қўли остида қолган жанубий қисмида эса узлуксиз ғалаёнлар бўлиб турди. 1127—1132 йиллар мобайнида 93 та оммавий қўзғолон бўлганлиги расмий йилномаларда қайд қилинган. Жанубий Хитойнинг фақат ўзидан иборат бўлиб қисқариб қолган Сун империяси (ўшанда ҳам ҳамма вилоятлар унинг составига кирмас эди) 1279 йилгача, яъни Чингизхоннинг невараси Хубилай босиб

олгунча яшаб келди. Хубилай янги мўғул династиясига асос солди, бу династия хитойча Юань деб аталди.

Тан ва Суи династиялари давридаги Хитой маданияти ва фани. VI—XI асрлардаги Хитой маданияти жуда юксак бир маданият эди. Хитойнинг ишлаб чиқарувчи кучлари юксак тараққий қилган эди. Хитойда суғориладиган деҳқончилик, қисман поляэ деҳқончилиги бор эди. Хитой қишлоқ хўжалигида ўша вақтда ҳам асосан шоли, пахта, чой, ипак етиштирилар эди. Кўп миқдорда темир, мис, олтин, кумуш қазиб чиқариларди. Хитойда ҳунармандлик Тан династияси вақтидаёқ жуда ривож топган эди. Хитой чет мамлакатларга, асосан чой ва хом ипак билан бирга хитой чинниси, хитой шойиси ва ип газламалар, темир ва мисдан қилинган ҳар турли буюмлар чиқарар эди. Хитойда XI асрда 2 мингдан ортиқ шаҳар бор эди. Бу шаҳарлардан баъзиларида, масалан, Чанъань, Лоян, Кантон ва Ханчжоу сингари шаҳарларнинг ҳар бирида бир миллион атрофида аҳоли яшар эди.

Хитойларда илм-фан юксак ривож топди. Хитойларда энг қадим замонлардаёқ ёзув (иероглиф ёзув) бор эди. Ёзув қоғозини биринчи бўлиб хитойлар кашф этди. Китоб босишни ҳам биринчи бўлиб улар чиқарди, уларнинг дастлабки китоб босиш усули, албатта, жуда содда эди. Улар китоб бўладиган текстни ёғоч тахталарга ўйиб, ундан қоғозга босиб туширишар эди. Хитойда VIII асрнинг бошларида «Пойтахт ахбороти» номли расмий ҳукумат газетаси вужудга келди, бу газета XX асрнинг бошларида чикиб келди.

Хитойлар математика, астрономия, география, тарихни ўрганарди. Компасни ва порохни хитойлар ихтиро қилди (IX—X асрлар). VIII асрда Хитойда Ханлин фанлар Академияси ташкил қилинди, бу Академия давлат аҳамиятига эга бўлган дунёдаги энг қадимги илмий муассаса эди. Урта асрлар Хитойи ўз йилномалари билан донг чиқарди. Сун империясининг бир ўзидан 500 томдан ортиқ йилнома қолгандир. Хитойда юз минглаб қўл ёзмалар сақланадиган катта-катта кутубхоналар бор эди. Бир нечта шаҳарларда олий мактаблар бўлиб, бу мактабларда давлат амалдорлари етиштириб чиқариларди. Амалдорлик лавозимини эгаллашга йўл очиб берадиган илмий унвон олмоқчи бўлган киши давлатни идора қилиш илмидан ташқари, яна фалсафани (асосан конфуэичилик фалсафасини) ва адабиётни ҳам билиши ва шулардан имтиҳон бериши лозим эди. Расман ҳар бир кимса имтиҳон бериши мумкин бўлса-да, лекин ҳақиқатда амалдорлик лавозимини, кўпинча ҳеч нарсани билмаслигига қарамай, ҳукмрон синф вакилларигина олар эди. Хитойда ҳар хил халқлар бўлганлиги, шунингдек, Осиёдаги бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари қилиб турганлиги учун Хитойда ўрта асрлардаёқ филология: луғат тузиш, грамматика ва синтаксис формаларини таққослаб ўрганиш ва шу кабилар тараққий этган эди.

Адабиёт ва санъат. Хитой адабиёти илк ўрта асрлар давридаёқ классик асарлар яратди. Тан династияси вақтида шоирлардан Ли Бо (701—762), Ду Фу (712—770), Бо Цзюй-и (772—846) жуда ҳам шуҳрат қозонган эди. Булардан Ли Бо жуда кўп лирик шеърлар (30 томга яқин) ёзган бўлиб, бу шеърларида нуқул дунёвий шодиёна, эпикурча — материалистик дунёқарашни акс эттирди. Ли Бони хитой табиатининг куйчиси деб аташади, чунки у табиатни жуда севар эди. Ду Фу эса ўз достонларида халқнинг афсонавий ва қаҳрамонлик эпосларидаги бой материални қайтадан ишлаб чиқди. Аммо Ду Фу ўз замонасига жуда яқин турар эди. У ўзининг кўп шеърларида эзилган деҳқонларни жўшқинлик билан ҳимоя қиларди. У «миллионларча қашшоқлар, шўр пешана одамлар»нинг ҳаммаси бошпана топадиган ажойиб бир катта бино қуриладиган яхши замонни, гўзал истиқболни орзу қилар эди. Тан династиясининг сўнгги даврида яшаган Бо Цзюй-и жамиятга чуқур инсонпарварлик билан қарар эди. Унинг шеърлари инсонга муҳаббат, киши қадр-қимматини ҳурмат қилиш руҳи билан суғорилган эди. У кишининг ахлоқий гўзаллигини куйлар эди.

Ўрта асрлар даврида Хитойда архитектура билан тасвирий санъатни ривожлантириш соҳасида ҳам кўп ишлар қилинди. Хитой бинолари — саройлар, ибодатхоналар, миноралар, шаҳар дарвозалари, кўприклар, турар жойлар ўзларининг стили жиҳатидан хилма-хил, архитектура формалари жиҳатидан ихчам ва нафис қилиб қурилар эди. Бу бинолар жуда ҳам хилма-хил материаллардан: тош, ёғоч, мрамар, темирдан ишланар эди. Улар жимжимадор нақш, чинни, тиллалар билан безатилар эди. Император саройларининг, ибодатхоналарининг, шунингдек, зодагонлар ва шаҳар бойларининг уй томлари кўпинча олтин лавҳалар билан ёпилар эди.

Тан династияси даврида, кейинчалик Сун династияси вақтида Хитойда рассомлик юқори даражада ривожланган эди. Хитой рассомлари ипак матага, қоғозга, ёғочга, тошга расм солар эдилар; деворларга ўйиб нақш солишда, портретлар чиқишда жуда катта маҳоратга эга эдилар. Сун династияси даврида айниқса иккита рассом — Чжао Цзи («Ёввойи ғозлар» расми) ва Гу Хун-чжун («Зодагон амалдорниқиди тунги базм» расми) жуда катта донг чиқарган эди.

Сун даврида номаълум рассом томонидан ипак матага солинган «Қишлоқ мактаби» деган расм ҳам кенг шуҳрат қозонган. Расмда унча катта бўлмаган қишлоқ мактабининг оддийгина жиҳозлари ҳаққоний тасвир этилган, бу расмда нафис юмор билан самимият кўзга ташланиб туради.

2

НИСМ



XI-XV

АСРЛАРДА

ҒАРБИЙ ЕВРОПА ВА ОСИЁ



XI АСРДА ЕВРОПАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҒАРБИЙ ЕВРОПА ЎРТА АСР ШАҲАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ИЛК РИВОЖИ

Ўрта аср Европаси тарихида XI аср. Ғарбий Европа тарихида XI аср бурилиш асри бўлди. Бу асрда Европанинг жуда кўп мамлакатларида феодал муносабатлар узил-кесил расмийлашди. Ҳатто феодализм хийла секин суръатлар билан ривожланган мамлакатларда (Англия, Германия, Скандинавия ва ғарбий славян мамлакатлари) ҳам XI асрда феодаллашиш жараёни чуқур ижтимоий ўзгаришларга олиб келди. Шу сабабли бу мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг феодал усули, бир томондан, жамиятнинг феодал катта ер эгаларига ва, иккинчи томондан, уларга қарам бўлган крепостнойлар ва ярим крепостнойларга бўлиниши ҳукмрон ижтимоий ҳодисаларга айланди. Аммо XI асрда феодал Европаси тараққиётида яна бошқа муҳим бир жараён ҳам бошланди. Бу эса ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг маркази сифатида, хусусий мулкчиликнинг ва қишлоқдагидан тамомила бошқача ишлаб чиқариш муносабатларининг янги формалари тўпланган манзилгоҳ сифатида шаҳарларнинг пайдо бўлишидир. Бу эса кўпгина шаҳарларнинг вужудга келишида ва ўша дамгача, асосан, маъмурий ёки соф ғарбий манзил вазифасини ўтаб келган кўҳна марказларнинг жонланишида намоён бўлди. Шу пайтдан эътиборан шаҳар ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили бўлиб қолди. XI аср охирига келиб Европада Шарққа томон салиб юришлари бошланди. Салиб юришлари Ғарбий Европани танҳолик ҳолатидан чиқариб, унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётини тезлаштиришга анча таъсир кўрсатди.

Илк ўрта аср даврида ҳунармандчилик ва мол айирбошлаш. Илк ўрта аср биқиқ натурал хўжалик ҳукмронлиги билан фарқ қиларди. Ф. Энгельс «Анти-Дюринг» номли асарида биқиқ натурал хўжаликни мана бундай деб таърифлайди: «Ўрта аср жамиятида, айниқса унинг биринчи асрларида, ишлаб чиқариш асосан шахсий истеъмолга қаратилган эди. Ишлаб чиқариш асосан фақат ишлаб чиқарувчининг ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини қондирар эди. Қишлоқда бўлгани сингари, шахсий қарамлик муносабатлари мавжуд бўлган жойларда эса ишлаб

чиқариш феодалнинг эҳтиёжларини ҳам қондирар эди. Демак, бунда айирбошлаш йўқ эди ва маҳсулотлар товар характерини олмас эди. Деҳқон оиласи ўз эҳтиёжига керак бўлган нарсаларнинг деярли ҳаммасини: қурол-асбобларни, кийим-кечакни, шунингдек, тирикчилик воситаларини ишлаб чиқарар эди»¹.

Дарҳақиқат, илк ўрта аср замонидаги Фарбий Европа экономикасини тасвирловчи энг яққол ҳужжатлар (Каролинглар даври ёдгорликлари) ўша илк ўрта аср қишлоғини худди ана шундай хусусиятлар билан кўрсатади. Деҳқонлар помешчик-феодал фойдасига баршчина ўтайдилар, унга оброкни кўпроқ натура билан тўлайдилар. Деҳқон хўжалиги етиштирган маҳсулотлар, одатда, сеньор кўрасининг эҳтиёжларига сарфланарди. Буюк Карл ўзининг «Поместье (ер-мулк)лар тўғрисидаги капитулярий»сида буни жуда яхши ифодалаб берган эди. Деҳқонлар озуқа маҳсулотларидан ташқари, феодалга ҳунармандчилик буюмлари ҳам етказиб беришлари керак эди. Сен-Жермен монастырининг IX асрдаги полиптикасида деҳқонлар темирчилик, тўқувчилик ва бошқа ҳунармандчилик йўли билан ишлаб чиқарган буюмларини монастырга беришга мажбурдирлар, дейилади. Каролингларнинг ёдгорномаларида кўрсатилишича, ҳунармандчилик қишлоқ хўжалигидан ҳали ажралиб чиқмаган. Бу ерда деҳқон билан ҳунарманднинг ҳар иккаласи ҳали бир одамдай бўлган.

Бироқ Буюк Карл замонидаёқ моҳир ҳунармандлар мавжуд бўлиб, улар энди қишлоқ хўжалигида банд қилинмаган, улардан фақат мутахассислар сифатида фойдаланилган. Ҳар бир королликнинг поместьесига керакли бўлган йигирмалаб ана шундай ҳунармандлар (темирчилар, заргарлар, дурадгорлар, кўнчилар, чилангарлар ва бошқалар) «Поместье тўғрисидаги капитулярий»да санаб кўрсатилади. Аммо кўраларда меҳнат қилувчи ана шундай ҳунармандларнинг мавжудлиги ҳали ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан батамом ажралиб чиққанлигини кўрсатмайди. Ҳунармандлар поместьега бирлаштирилган, унга боғлаб қўйилган, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар эса феодалнинг эҳтиёжини қондиришга кетади ва шунинг учун у товар сифатида бозорга чиқариб сотилмайди. Шундай қилиб, кўра ҳунармандчилиги натурал хўжалик турларидан бирига айланиб қолди. Фарбий Европада доимий суратда шуғулланувчи шаҳар ҳунармандчилиги пайдо бўлишидан олдин, бу ҳунармандчилик ўткинчи бир даврни бошидан кечирган, яъни Фарбий Европанинг элма-эл кезиб юрувчи сайёр ҳунармандлари (дурадгорлар, тош терувчилар, косиблар, машиначилар ва бошқалар) бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб, помешчикларга ва қисман деҳқонларга хизмат кўрсатганлар. Сайёр ҳунармандлар кўпинча аслида деҳқонлар бўлиб, улар йиғим-терим пайтида қишлоққа қайтиб келиб, далада ўз оила аъзолари би-

¹ Ф. Энгельс, «Анти-Дюринг», 346-бет. 1957.

лан биргаликда ишлардилар. Бу ҳунармандлар кўпинча Ита-
лиядан ёки Яқин Шарқдан келган ажнабийлар (юнонлар, су-
рияликлар, араблар, яҳудийлар ва бошқалар)дан иборат бў-
ларди.

Илк ўрта аср замонидаги мол айирбошлаш (савдо қилиш)
поместьеларнинг ёки деҳқонларнинг эҳтиёжларини қондирган-
дан кейин ортин қолган маҳсулотларни бозорга чиқариб сотиш-
дан иборат бўларди. «Поместьелар тўғрисидаги капитулярий»да
ва Каролинглар даврининг бошқа баъзи ҳужжатларида бозор-
лар бўлганлиги кўпроқ эслатиб ўтилади. Илк ўрта аср даврида
черков ва монастирлар ҳузурида анъанавий ярмаркалар бўлар-
ди. Аммо бу савдо жойларида, ҳар ҳолда, маҳаллий сотувчилар
кам бўларди. Асосий савдогарлар: ломбардияликлар, яҳудий-
лар, сурияликлар, араблар, византияликлардан иборат келгин-
ди савдогарлар эди. Бу ажнабий савдогарлар одатда феодал
қасрлари ва қўрғонларига доимо ташриф буюриб, улар бу қаср
ва қўрғонларда зийнат буюмлари (хусусан олтин ва кумуш бе-
заклар, қимматбаҳо тошлар), ипак газламалар, қўлда отадиган
қурол-яроғ ва Шарқ ҳунармандчилигининг бошқа баъзи буюм-
лари, шунингдек Шарқ ширинликлари ва дориворларини олиб
келиб сотардилар. Бундай айирбошлаш ишлаб чиқаришнинг
туб моҳиятига ҳали сира қўл тегизмаган эди. Поместье ва деҳ-
қон қишлоғи ўз хўжалигининг мақсад ва вазифаларига кўра
ҳали, асосан, натурал хўжаликчилигича қолиб келмоқда эди. Май-
да ер-мулк-қишлоқ «жамоалари»нинг биқиқ ҳолда яшаши илк
ўрта аср экономикасининг энг характерли ва ўзига хос хусу-
сиятларидан бири эди.

Ҳунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши.
Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, аввало, далалардаги деҳ-
қончиликнинг серҳосил бўлиши, шунингдек ҳунармандчилик
техникасининг ривож топа бориши туфайли ҳунармандчилик ас-
та-секин алоҳида бир касбга, кишилар айрим группасининг
асосий машғулотига айланди. Эндиликда ҳунарманд ўз вақтинги
бутунлай ҳунарга сарфлайдиган бўлди. У қишлоқ билан алоқа-
сини буткул узиб, ишлаб чиқариш шароитлари (хом ашёси бор
ва ишланган молни бозорга чиқариб сотиш имконияти, ҳаёти
ва мол-мулкни маълум даражада хавф-хатарсиз ҳамда алоқа
йўллари қулай бўлган ва ҳоказо) энг қўл келадиган янги, дои-
мий жойга қўчиб борди. X—XI асрларда Европада турли ҳунар-
лар орасидан мустақил касб бўлиб ажралиб чиққан иккита ҳу-
нар: темир буюмлар ясаш (туғилиб келаётган металлургия) ва
мовут тўқиш (жун газламалар ишлаш) айниқса катта аҳамият
касб этган эди. Темир асбоблар қишлоқ хўжалигида ҳам (омоч
тиши, плуг, мих, белкурак ва ҳоказо), шунингдек ҳарбий ишда
ҳам (темир қалқон, қилич, найза, дубулға ва шунга ўхшаш ри-
царлик қурол-яроғлари) талаб қилинарди. Мовут тўқишнинг
ўсиб бориши Европада анча ноқулай (ва шу билан бирга қим-
матбаҳо) мўйнадан тикилган кийимни, қисман эса сифати жи-

ҳатидан совуқ мавсумга унча тўғри келмайдиган зиғир толасидан тикилган кийимни сиқиб чиқарган жундан тикилган кийимнинг расм бўлиши билан боғлиқдир. «Қўй зиғирпойдан ғолиб чиқди», деган халқ мақолларидан бири бу иқтисодий фактни ана шу тариқа ифодалаган эди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кучлари ўсганлигидан далолат берувчи қўйчиликнинг ривож топиши янги саноатни мустақкамлаш учун зарурий база бўлди. Германиянинг Рейн ва Юқори Дунай бўйи округлари металлургия саноати илк тараққий этган районлардан бири бўлди. Фландрия, Фрисландия ва Шимолий Италия мовут тўқиш саноатининг энг кўҳна ўчоқлари деб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидан анча бурун ажралиб чиққан бошқа ҳунарлар орасида кулолчилик, кўнчилик (эгар-жабдуқ яшаш ва пойабзалчилик) ва турли хилдаги бинокорлик (моҳирона ғишт териш, дурадгорчилик, томга тунука-черепица ётқизиш ва ҳоказо) бўлган.

Ўзининг махсус ишлаб чиқаришида банд бўлган ҳунарманд ўқиган, малакали мастер бўлиши керак эди. Бундай ҳунармандчилик бозор орқали истеъмолчига хизмат қилишни мақсад қилиб қўяр эди (лекин дастлабки пайтларда бу ерда ҳам якка буюртмачиларга ишлаш ҳодисалари йўқ эмас эди). Шу тариқа, ҳунарманд майда мол ишлаб чиқарувчига айланди. Пировардида, у деҳқончилик билан алоқасини узиб, фақат шаҳар ҳунармандигина бўлиб қолди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва унинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши асосида Европада ўрта аср шаҳари майдонга келди.

Шаҳарларнинг келиб чиқиши. XI асрдан олдин ҳам Европада шаҳарлар бор эди. Шаҳарларнинг кўпчилиги Рим давридан ўрта асрга мерос бўлиб қолган. Италияда, Францияда, Англияда, Ғарбий ва Жанубий Германияда, шунингдек, Испанияда бундай шаҳарлар оз эмас эди, чунончи: Италияда — Рим, Флоренция, Милан, Неаполь, Францияда — Париж, Лион, Марсель, Бордо, Англияда — Лондон, Винчестер ва Йорк, Германияда — Аахен, Трир, Майнц, Аугсбург, Регенсбург, Испанияда — Барселона ва Сарагоса ва ҳоказо. Бироқ бу шаҳарлар илк ўрта аср даврида саноат ишлаб чиқариши ва савдо-сотиқ марказлари бўлмаган. Булар дунёвий ва руҳоний феодалларнинг резиденциялари ёки қалъалари бўлган. Феодалларнинг мулозимлари ёки хизматкорлари бўлиб хизмат қилмаган шаҳарликлар, деҳқонлар сингари, одатда, деҳқончилик билан шуғулланган. Кўҳна Рим шаҳри территориясининг ўзида қисман аҳоли ўрнашган эди. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва унинг қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқиши билан эски Рим шаҳарлари гавжумлашди ва кўплаб янги шаҳарлар пайдо бўлди. Маркс билан Энгельс ўзларининг биргалашиб ёзган «Немис идеологияси» деган илк асарларида «Ҳар бир миллат ичидаги меҳнат тақсими, ҳаммадан бурун саноат ва савдо меҳнатининг деҳқончи-

лик меҳнатидан ажралишига ва шу билан шаҳарнинг қишлоқдан ажралишига ҳамда шаҳар манфаатлари билан қишлоқ манфаатларининг бир-бирига қарама-қарши бўлишига олиб келади»¹, — деб ёзган эдилар.

Деҳқонларнинг феодаллар эксплуатациясига қаршилик кўрсатишининг тобора ўсиб бориши шаҳарларнинг ривожланишига катта ёрдам қилди. Помешчикларнинг ер-мулкларидан қочиб кетган крепостнойлар вужудга кела бошлаган шаҳарларнинг дастлабки меҳнаткаш аҳолисини ташкил қилдилар.

Янги шаҳарлар турли жойларда: феодалларнинг қасрлари теварагида (чунончи, ҳозирги Фарбий Европа шаҳарларининг номларида тез-тез учраб турадиган — «бург» қўшимчаси — Страсбург, Аугсбург, Фрейбург, Гамбург, Бранденбург ва ҳоказо), монастырлар теварагида (бундай шаҳарларнинг номи одатда «санкт», «сан», «сен» («святой») сўзлари билан бошланади, масалан, Сен-Жермен, Сент-Албанс, Санкт-Галлен, Сант-Яго ва б.), баъзан дарёлардан кечиб ўтиладиган қулай жойларда (Англияда Оксфорд ва Кембридж, Германияда Майн дарёси бўйидаги Франкфурт ва Одра дарёси бўйидаги Франкфурт шаҳарлари, Нидерландияда Брюгге («кўприк» шаҳари ва ҳоказо) вужудга келди.

Иқтисодий марказ бўлган шаҳарнинг, вақт ўтиши билан, атрофдаги районлар учун аҳамияти тобора ортиб борди. Шаҳар ҳунармандлари шаҳар бозорига мунтазам келиб турадиган деҳқонларни ўз саноат буюмлари билан таъминлаб турардилар. Шаҳарликлар эса, деҳқонлардан қишлоқ хўжалик хом ашёси сотиб оларди. Шундай қилиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги меҳнат тақсироти доимо давом қилиб турадиган узвий бир ҳолат касб этди. Ҳунармандчилик ва савдо-сотик маркази бўлган шаҳар қишлоқни савдо оборотига тортиб, унда ҳам товар-пул муносабатларининг ривожланишига ёрдам қилди.

Халқаро савдонинг ривожланиши. XI асрга келиб шаҳарлар фақат қўшни қишлоқлар билангина савдо-сотик қилмай, балки уларнинг кўплари анча кенг савдо-сотик алоқалари ҳам боғладилар. Бу шаҳарлар бир-бировлари билан зўр бериб алоқа қилишларидан ташқари, Византия ва Араб Шарқининг айрим савдо марказлари билан ҳам савдо-сотик алоқалари боғладилар. Ўрта денгиз бўйида катта савдо-сотик ишлари олиб борган шаҳарлар орасида айниқса Италиянинг Генуя, Амальфи, Пиза, Венеция сингари шаҳарлари алоҳида ажралиб турарди. Венеция билан Генуя аввалроқ катта савдо флоти қурдилар. Бу шаҳарларнинг аҳолиси тез ўсиб борди. Бу шаҳарларда бой савдогарларнинг юқори табақаси майдонга келиб, у ҳокимиятни ўз қўлига киритиб олди. Шарқ билан савдо-сотик қилишда жанубий Франция шаҳарлари: Марсель, Арль, Нарбонна ҳам қатнашди-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 30- т., 20- бет.

лар. Каталония маркази Барселона шаҳари Урта денгиз бўйи савдосида актив роль ўйнади.

Урта денгиз бўйи районида ташқари, XI асрда Европа савдосининг иккинчи бир райони — Шимолий денгиз бўйида маркази Нидерландия бўлган мамлакат ҳам ажралиб чиқди. Агар италян, жанубий француз ва Каталония савдогарлари савдосотиқда асосан воситачилик ролини ўйнаган бўлсалар (итальян, француз ва испан савдогарлари Шарқдан келган товарларни сотиб олиб, сўнгра уларни Европа мамлакатларига олиб бориб пуллардилар), Нидерландия, шимолий француз ва Рейн бўйидаги немис савдогарлари, шунингдек, Шимолий Италия шаҳарлари кенг халқаро савдо-сотиқ олиб бориш учун ҳунармандчилик маҳсулоти ишлаб чиқарадиган махсус базаларига эга эдилар. Нидерландияда ва Германияда — Гент, Брюгге, Ипр, Аррас, Брюссель, Кёльн шаҳарлари, Италияда — Милан ва Флоренция шаҳарлари бу масалада етакчилик ролини ўйнадилар. Аммо Шимолий денгиз ва Балтика денгизи бўйидаги шаҳарларга нисбатан Урта денгиз бўйи шаҳарлари бу илк даврда, яъни X—XI ва ҳаттоки XII асрларда савдо-сотиқ ишларида ҳукмрон вазиятни эгаллаган эдилар. Шарқдан келадиган маҳсулотлар қимматбаҳо товарлар бўлиб, уларнинг бир қисмини юқори сифатли буюм сифатида Яқин Шарқ мамлакатлари етказиб турарди ва у маҳалда Ғарбий Европа бу буюмларни ишлаб чиқара билмасди.

Қишлоқ аҳволидаги ўзгаришлар. Шаҳарнинг қишлоқ билан олиб борган савдо-сотиқ алоқалари деҳқонлар билан феодаллар ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб юборди. Деҳқонлар қўлида пул пайдо бўлди. Ҳамиша талаби ва эҳтиёжи ўсиб борган сеньор пулга доимо муҳтожлик сезиб, деҳқонларга оброкни қисман пул билан тўлаттиришга ҳаракат қилди. Деҳқонларни пул билан оброк тўлашга кўчириш келажакда крепостнойларни аста-секин шахсий озод бўлишга олиб келди.

Аммо XI асрда бу жараён эндигина бошланган эди. Феодалларнинг пул рентаси ҳақидаги талабига деҳқонлар кўпинча яна бир ортиқча даҳмаза деб қарардилар. Қишлоқнинг ишлаб чиқарувчи кучлари бир қадар ютуққа эришган бўлишига қарамай, бу ишлаб чиқарувчи кучлар ҳамон паст даражада қолиб келмоқда эди. Шаҳарнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қийинчилик билан қондириларди. Қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиб бориши қўшимча ерларга эҳтиёжни янада оширарди. Илгари дарахтзорлар ҳамда шох-шаббалардан тозаланган ва ҳайдалиб экин экиладиган ерлар энди етишмай қолди. Қишлоқда ер қаҳатчилиги сезилмоқда эди.

Шу муносабат билан Ғарбий Европада колонизация қилиш (бошқа ерларга кўчиб бориб уни эгаллаш) кенг тус олди. XI асрда ўрмонлардаги дарахтларни кесиб ер очиш ва бўш ётган ерларни ишга солиш Европанинг деярли барча мамлакатларида актуал вазифа бўлиб қолди. Бунгача халқ кўчиб бориб ўрнаш-

маган ёки кам ўрнашган «тақир» ерларда янги қишлоқ ва овуллар пайдо бўлди. Уз даромадларини оширишдан манфаатдор бўлган феодаллар бу «ички колонизация»га ҳомийлик қиладилар. Янги ерларга кўчиб бориб ўрнашган одамлар, баъзан, олис ерлардан қочиб келган крепостнойлар бўлиб, маҳаллий феодаллар ҳали очилмаган қўриқ ерларга жойлаштириш учун уларни бажону дил қабул қилиб олардилар.

«Ички колонизация» баъзи ҳолларда «ташқи колонизация»га айланади. Шу жумладан, Европа деҳқонларининг бириинчи салиб юришларида қатнашиши бир қисм Ғарбий Европа деҳқонларининг шарқда ерга эга бўлиб олиш ва, айни замонда, крепостной қарамликдан озод бўлиш каби баъзи орзу-умидлар билан боғланган эди. Колонизация пайти X—XI асрларда Пиреней ярим оролидаги испаниялик христиан халқларнинг арабларга — маврларга қарши олиб борган курашида яққол намоён бўлди. Эльба дарёсининг орқа томонидаги славян ерлари территориясини немислар томонидан колонизация қилиш ҳам X—XI асрларда бошланган эди.

XVI БОБ

САЛИБ ЮРИШЛАРИ

Салиб юришларининг таърифи. Салиб юришлари деганда Европа феодалларининг XI аср охиридан то XIII аср охиригача узоқ вақт давомида Яқин Шарқда — Сурияда, Фаластинда, Мисрда, Болқон ярим оролида, Кипр оролида ва бошқа жойларда олиб борган ҳарбий-колонизация экспедициялари кўзда тутилади.

Ташқи жиҳатдан бу экспедициялар диний руҳдаги экспедициялар эди, чунки католик черкови бу курашни — «бутнинг — ярим ойга» қарши, христианликнинг — исломга қарши курашидир, деб эълон қилган эди; юришлардан муддао Фаластинни «кофирлар» дан халос қилиш ва христианлар этиқодича, Қуддусдаги «Исо пайғамбар қабри»ни христианларга қайтариб олиб беришдир деб, расмий эълон этилди. Ҳақиқатда эса, бу босқинчилик юришларидан иборат бўлиб, уларда европалик баронлар ва рицарлар ҳеч тап тортмай, Шарқнинг шаҳарларини таладилар, бутун-бутун князлик (беклик) ва королликларни босиб олдилар, ўзлари учун феодал рентасининг янги солиқ тўловчиларини қўлга киритдилар. Аммо салиб юришларида, феодаллардан ташқари, жамиятнинг бошқа синфлари, жумладан, деҳқонлар ҳам қатнашдилар. Бу ҳол салиб юришларига энди ялпи, оммавий тус берди. Замондошларга бутун Европа ҳаракатга келгандай, халқларнинг қандайдир янги буюк ҳижрати юз бергандай бўлиб кўринди. Салиб ҳаракатининг конкрет сабабларини бир текшириб кўрайлик.

Салиб юришларининг сабаблари ва уларнинг қатнашчилари. Салиб юришларининг сабабларини қисман XI асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқда юз берган ўзгаришлардан, қисман феодал Ғарбий Европанинг ўзидаги умумий иқтисодий тараққиёт ва кескин ижтимоий зиддиятлардан қидирмоқ керак.

XI асрда Шарқда Европа феодалларининг ҳужум қилиши учун жуда қулай бир вазият майдонга келган эди. Бир вақтлар қудратли деб ҳисобланган Бағдод халифалиги 1055 йилга келиб батамом тарқалди. Бошқа йирик давлат — Комнинлар замонидаги Византия ҳам оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди. Болқон ярим оролига бостириб кирган печенеглар Византия империясига шимол томондан ҳужум бошлаган эдилар. Сицилия норманнлари ғарбдан Византияга хавф солмоқда эдилар. Аммо салжуқ турклари Византия учун айниқса хавfli эдилар, улар Кичик Осиёнинг катта бир қисмини босиб олган ва, айни замонда, Константинополга қўшни бўлган Ника шаҳрини ўзларига пойтахт қилиб олган эдилар. 1071 йилда турклар Манцикерт шаҳари ёнида византияликларни қаттиқ мағлубиятга учратдилар. Янги император Алексей Комнин (1081 йилдан идора қила бошлаган эди) ғарчи туркларнинг бир неча ҳамласини тўхтатган бўлса-да, лекин ҳар ҳолда, империянинг аҳволини мустаҳкам дея олмасди. XI асрнинг 80 ва 90- йилларида у туркларга қарши ёрдам беришни сўраб папага ва Германия императорига бир неча бор мурожаат этди. Илгари яккаю-ягона бўлган христиан черкёзи 1054 йилдан эътиборан иккита рақиб қисмга — шарқий (православ) ва ғарбий (католик) черковларга қатъий ажралиб кетган бўлса ҳам, Алексей Комнин сиёсий мақсадларни кўзда тутиб, папа бошчилигида бу черковларни ҳатто қайтадан бирлаштиришга ҳам тайёр эди. Шундай қилиб, Шарқнинг икки энг йирик давлати — Араб халифалиги билан Византия империяси — салибчиларга бирор-бир жиддий тўққинлик кўрсатишдан ожиз эдилар. Бунинг устига, улардан бири (Византия ҳатто Европа феодалларини Шарқ можароларига аралашшига даъват этди. Туркларга келсак, XI асрнинг 80 ва 90- йилларига келиб оқ уларнинг номустаҳкам ҳарбий-қабила иттифоқи тарқалиб кета бошлаган эди. Феодаллашиб бораётган айрим турк бекликлари ғарб феодалларининг ҳужумини тўхтата олмадилар.

Аммо салиб юришларининг, жумладан, биринчи салиб юришининг асосий сабаби, ахир-пироварди, Ғарбий Европанинг ўзидаги ижтимоий зиддиятларнинг ўткирлашиб кетганлиги эди. XI асрда майда рицарларнинг кўпчилигига ер етишмас эди. Савдотик ва шаҳарларнинг ривожланиши натижасида эҳтиёжларнинг ўсиб бориши муносабати билан феодалларнинг маҳаллий деҳқонларни эксплуатация қилишдан оладиган даромадлари улар учун кифоя қўлмайдиган бўлиб қолди. Жуда кўп рицарлар ердан буткул маҳрум қилинган эдилар, чунки феодалларга қарашли ер-мулк ва даромадлар (феод) одатда катта ўғилга берилар эди ва кичик ака-укалар эса отадан қолган меросдан бирор

нарса олишга ҳақлари йўқ эди. Шарқдаги ерларни босиб олиш мақсадида у ерларга юришлар қилиш бундай рицарларнинг мушкул аҳволдан чиқишларининг бирдан-бир йўли эди. Ириқ феодаллар (князлар ва баронлар) ўз синфлари ичидаги можа-ро ва ихтилофларнинг олдини олиш учун рицарларнинг диққат-эътиборини бошқа нарсаларга жалб этиш муҳимроқ эди.

XI аср охири — XII аср бошида салиб юришидаги гоят муҳим масала—деҳқонлар масаласи эди. Ғарбий Европанинг феодал зулми натижасида асоратга туширилган, эзилган деҳқонлари дастлабки пайтларда Шарққа бажону дил йўл олдилар. Крепостной қарамликдан халос бўлиш, қарзларни тугатиш, Шарқдан ер олиш умиди (шуни айтиш керакки, деҳқонларнинг географик тасаввур тамомла хаёлий, амалга ошмайдиган бир тасаввур эди) ўн минглаб кишиларнинг туғилиб ўсган шаҳар ва қишлоқларини ташлаб, узоқ юртларга кетишга мажбур этди ва уларнинг кўплари бу жойларда оч-яланғоч қолиб, хор-зорликда ўлиб кетди. Дуиёвий ва руҳоний феодаллар деҳқонларнинг Шарққа қиладиган юришини вужудга келган оғир аҳволдан қутулишининг ўзига хос бир йўли деб билардилар. Бу нарса товар-пул муносабатлари ривожланиши билан феодал-крепостниклик тузуми кенг тарқалаётган ва феодал эксплуатацияси кучайиб бораётган бир шароитда Европада деҳқонлар урушининг тўғридан-тўғри бошланиб кетиш хавфидан ҳукмрон синфларни қутқарган бўларди. Кўпдан-кўп монахлар ва бошқа дайди воизхонлар деҳқонлар орасида тарғибот юргизиб, уларни Шарққа юришдек «эзгу ишда» қатнашишга даъват этардилар. Бироқ деҳқонлар масаланинг моҳиятига дарҳол тушуниб етмаган бўлсалар-да, лекин оқибат-натижада, улар гапнинг нимада эканлигини очиқ-ойдин пайқаб олдилар. Шарққа қилинган дастлабки икки юришда деҳқонлар кўпчиликини ташкил қилган бўлсалар, учинчи юришдан бошлаб улар қатнашмай қўйдилар. Бундан кейинги салиб юришларининг ҳаммасида фақат феодалларнинг ўзлари қатнашдилар. Европа короллари, энг йириқ феодаллар (графлар ва баронлар), шунингдек, кўпдан-кўп рицарлар Яқин Шарқда, фақат Араб Шарқидагина эмас, балки Византияда ҳам янги феодал давлатлар барпо этиш масаласини очиқдан-очиқ кўзлай бошладилар. Қуддус ва Фаластин масаласи, кейинчалик уларнинг плавларида иккинчи даражали масала бўлиб қолган эди.

Италия шаҳарлари, айниқса улардан иккитаси — Генуя билан Венеция — салиб юришларида жуда актив қатнашдилар. Бу шаҳарларнинг флоти салибчиларни Шарққа ташиб олиб борди, салиб лашкарларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Босиб олинган территорияларни тақсимлашда бу ҳар икки шаҳар қатнашиб, биринчи галда Шарқнинг портлари ва бозорларини ўзларига монополия қилиб олишга ҳаракат қилдилар. Лекин, шунга қарамай, шаҳарлар салиб юришларида ҳаракатга келтирувчи асосий куч эмас эди.

Шарққа қилинган салиб юришларини «муқаддас урушлар» деб эълон этган католик черкови, табиий, бу юришлардан уз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилди.

Бу вақтга келиб папалик зўр қудратга эга бўлди. Дунёвий ҳокимият билан олиб борилган тўқнашувларда папа императорнинг ўзини бир неча марта мағлубиятга учратди¹. Салиб юришлари папаликка кўлгина реал фойдалар келтириши: парчаланиб кетган феодал Европасига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиши, шарқий «схизматиклар»ни, яъни шарқий православ черковининг ажралиб кетган христианларини Римга бўйсундириш учун, католик руҳонийлари католицизм мазҳабига ўтказишни орзу қилган Шарқ мусулмонлари орасидаги миссионерлик фаолияти учун жуда катта ионалар тўплаши мумкин эди. Ана шу ваядан, папа Урбан II 1095 йилнинг кузида Жанубий Франциянинг Клермон шаҳрида кўп кишилик черков йиғинини тўплаб, унда сўзга чиқиб «кофирларга қарши курашмоқ учун Шарққа жўнаб кетишга даъват этди. Урбаннинг асосий даъвати «Исо пайгамбар қабрини» христианларга қайтариб олиб бериш ва «муқаддас» Фаластинни халос қилишдан иборат эди. Папа салиб қатпашчиларининг гуноҳидан кечишни ваъда қилди, шунингдек, у Шарқда салибчиларни кутаётган бой ўлжа ҳақида ҳам очиқдан-очиқ айтди. Йиғинда қисман француз, қисман бошқа мамлакатлардан келган минглаб рицарлар ҳозир бўлдилар. Феодалларнинг кўпдан-кўп йиғинларини ўтказиш фактининг ўзи шу нарсани яққол кўрсатадики, папа бош кўтариб чиқмасдан анча бурун рицарлар орасида кенг пропаганда олиб борилган ва уларнинг бир қисмини Фаластинга салиб юриши ўтказиш панидан манфаатдор қилишга улгурилган. Папанинг бу чиқиши анча илгари тайёргарлик кўрила бошлаган ишни ташкилий ва идеология жиҳатдан расмийлаштиришдан иборат бўлди, холос.

Биринчи салиб юриши. Салиб юришларининг бошланиши 1096 йилга тўғри келди. 1096 йилнинг баҳоринда Шимолий ва Шарқий Франциянинг қисман Ғарбий Германиянинг деҳқонлар оммаси салиб юриши учун йўлга тушди. Қўйни пуч ёлғоққа тўлгизилган деҳқонларга монах Пётр Амьенский (Пётр Пустинник) ва кичик мулкдор рицарь Вальтер Голяк бошчилик қилдилар. Деҳқонлар оломони ёмон уюштирилган, наридан-бери қуроллантирилган, озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминланиб турилмас эди. Салибчи деҳқонлар составида ўғирлик ва талончилик қилишдан манфаатдор бўлган бетайин, саёқ элементлар ҳам кам эмас эди. Бу ҳол салибчилар «кофирлар» истиқомат қиладиган ерларга етиб бормасданоқ маълум бўлиб қолди. Жумладан, салибчилар Рейн дарёси бўйидаги шаҳарлардан ўтиб кета туриб, у ерларда (Кельнда, Майнцда ва бошқа шаҳарларда) погромлар уюштирдилар. Кейин улар Вен-

¹ V боб — «IX—XI асрларда Германия, Италия ва папалик» деган бўлимга қаралсин.

грия ва Болгария сивгари мамлаккатлар орқали ўтиб, бу ерларда ҳам галончиликни давом эттирдилар. Салибчилар оломони Константинополга келиб киргач, император уларнинг тартибсизлик кўрсатиши ва зўравонлик қилишидан хавфсираб, уларни Кичик Осиё соҳилига жўнатиб юборишга шошилди. Кичик Осиё соҳилида салибчилар оломони тез орада турк кўшинига тўқнаш келди ва у салибчиларнинг кўпчилик қисмини қириб ташлади. Шундай қилиб, салибчиларнинг Шарққа қилган юриши батамом мағлубиятга учради.

1096 йилнинг кузида рицарлар, асосан француз ва италян рицарлари, қисман Ғарбий Германия рицарлари жўнаб кетдилар. Бу юришга Қуйи Лотарингия герцоги Готфрид Бульонский бошчилик қилиб, ўзи билан бирга Шарққа иккита укаси — Болдуин билан Евстафийни олиб кетди. Шимолий француз феодалларига Нормандия графи Роберт ҳамда Фландрия графи Роберт бошчилик қилдилар, жанубий француз феодаллари Тулузья графи Раймундни ўзларига йўлбошчи қилиб олдилар. Жанубий француз епископларидан бири, папа томонидан черков вакили (легати) қилиб тайинланган епископ Адемар ҳам уларга ҳамроҳ бўлди. Тарентия герцоги Боэмунд жанубий Италия феодалларига бошчилик қилди, жияни граф Танкред унга ҳамроҳ қилди.

Рицарлар ҳам Шарққа Константинополь орқали кетган бўлсалар-да, лекин турли йўллар билан бордилар. Баъзилари Пётр Амьенский раҳбарлигидаги деҳқонлар отрядлари босиб ўтган эски йўлдан, яъни Рейн-Дунай дарёлари бўйидан бордилар. Бошқа отрядлар Шимолий Италия орқали ўтиб, сўнгра Болқон ярим оролидан Адриатика денгизи соҳили бўйлаб кетдилар. Учинчи отрядлар, бутун Италияни босиб ўтиб, кейин Калабриядан кемаларга тушиб Болқон ярим оролига қараб кетдилар ва бу ердан Константинополга бордилар. Биринчи юришда жами бўлиб 30—40 миңгача рицарь қатнашди. Аммо улар ҳузурда кўпгина яроғбардорлар, хизматкорлар, ҳар қанақанги савдогарлар бор эди; биринчи салиб юришидан омон қолган деҳқон лашкарлари ҳам рицарларга келиб қўшилдилар.

1097 йил баҳоридагина Константинополга батамом йиғилиб бўлган феодал-салибчилар Византия императорига қасамёд қилишдан бош тортиб, узоқ вақтгача қайсарлик қилиб юрдилар. Салибчилар Шарқда турклардан урушиб олинadиган ерларни Византияга берамиз, деб император олдида ваъда беришни сира истамас эдилар. Ниҳоят рицарлар зимдан ваъдаларининг устидан чиқишни ўйламасалар-да, ҳар қалай қасамёд қилдилар.

Шундан кейингина, 1097 йил ёзида, рицарлар лашкари Кичик Осиёга ўтказиб юборилди. Бу ерда салибчилар Дорилея ёнида бўлган жангда туркларни мажақлаб ташладилар, шундан кейин улар жануби-шарққа, Фаластин томонга қараб кетдилар. Чидаб бўлмайдиган жазирама иссиқда тоғлик йўллардан ўтиш улар учун гоят машаққатли бўлди. Салиб қатнашчилари-

нинг кўплари йўлда ҳалок бўлди. Агар салибчилар Шимолий Сурия чегарасида иттифоқчиларга дуч келмаганларида, бу юриш тамомила барбод бўлган бўлур эди. Бу иттифоқчилар арманлар бўлиб чиқди. Кичик Арманистон деб аталган ўлка (Қиликияда) салибчилар ёрдамидан манфаатдор эди, чунки у Византия билан ҳам, турклар билан ҳам ғоят даражада душманлик муносабатида эди. Европа феодалларидан бири — Балдуин (Готфриднинг укаси) тез орада Эдесса князи, бошқаси — Сурия билан Месопотамия чегарасидаги Арманистон колониясининг князи бўлиб олди. Салибчиларнинг Эдессани босиб олиши стратегия жиҳатидан муҳим эди, чунки Эдесса Сурия билан Фаластинни шимол томондан турклар ҳужумидан қўриқлаб турарди. 1098 йил ёзида салибчилар «Шарқ пойтахти» — Антиохияни босиб олдилар, Боэмунд Таренский Антиохияга князь бўлиб олди. Учинчи йирик феодал — Раймунд Тулузскийга Триполи области (Антиохиянинг жанубида) тегди. Ниҳоят, 1099 йил ёзида салибчилар Қуддусга етиб бордилар. 1099 йилнинг 15 июлида улар штурм билан Қуддусни қўлга киритдилар. Салибчилар шаҳарни қаттиқ таладилар ва унинг аҳолисининг катта қисмини, мусулмонларни ҳам, христианларни ҳам аямай ваҳшийларча қириб ташладилар. Бу истилолар натижасида салибчилар Урта деңгизнинг бутун шарқий соҳилини, яъни илгариги Финикия, Сурия ва Фаластинни эгалладилар. Қуддус, Антиохия, Триполи, Эдесса, Тир, Сидон, Акра шаҳарлари уларнинг қўлига ўтди. Салибчиларнинг шимолдан жанубга томон тор минтақа бўлиб чўзилиб кетган мулкларининг узунлиги 1200 км га етар эди.

Қуддус короллиги. Салибчилар босиб олинган территорияда ўз давлатларини туздилар. Бу давлат Қуддус короллиги деб аталди. Бу давлатга дастлаб Готфрид Бульонский король қилиб сайланди, ammo Қуддус короллиги Балдуиннинг ворислари замонида (1100—1118) қатъий расмийлашди. Балдуин Эдесса князлигини Балдуин Бурский деган бошқа феодалга берди.

Қуддус короллиги ўзига хос «намунали» феодал давлати эди. Европанинг ҳеч бир жойда, Шарқдагидек, феодал иерархияси принципи бу қадар изчиллик билан амалга оширилмаган эди. Фаластинни бевосита идора этган Қуддус короллигидан ташқари, шу королликнинг вассал давлатлари сифатида яна учта йирик князлик: Антиохия князлиги, Триполи ва Эдесса графликлари бор эди. Буларнинг ҳар бири маълум миқдорда баронликларга, баронликлар эса ўз навбатида рицарлик лелларга бўлинган эди.

Қуддус короллигида махсус феодал конституцияси тузилиб, у кичик феодалларнинг ўз сеньор-баронларига ва барон ҳам князларнинг королга нисбатан бўлган муносабатларини йўлга солиб турадиган бўлди. Бу конституция Қ у д д у с а с с и з л а р и деб ном олди. Ассизларда рицарнинг бир йилда неча кун урушда хизмат қилиб бериши белгиланган эди. Феодалларнинг мерос

қолдириш тартиблари белгиланди. Ассизларга мувофиқ, король ҳокимияти сайлаб қўйиладиган ва чекланган ҳокимият эди. Королни энг катта феодаллар кенгаши сайлар эди, бу кенгаш Олий палата дейиларди. Олий палата, айни замонда, феодалларнинг даъво ва баҳсларини текишириб ҳал этувчи олий суд ҳисобланарди. Князь ва баронларнинг бу палатасидан ташқари, король ўзига бирорта ҳам муҳим қарор қабул қила олмасди.

Қуддус короллигидаги барча ер-мулклар ҳарбий характерга эга бўлиб, яъни феодаллардан иборат эди. Шундай қилиб европаликлар Шарқда феодал муносабатлар кўзга яққол ташланадиган, классик формадаги давлат барпо этдилар.

Бироқ Шарқда барпо этилган янги давлат мустақкам эмас эди. Король ҳокимияти заиф эди. Рицарлар ўзбошимча ва интизомсиз эдилар. Маҳаллий аҳоли золим «франклар»ни ёмон кўрарди (Шарқда барча европаликларни французлар номи билан ана шундай деб атадилар). Рицарлар ҳатто қишлоқларда маҳаллий аҳоли орасида яшамас ҳам эдилар. Улар шаҳарларда, қисман янгидан қурилган қасрларда истиқомат қилиб, ҳеч қанақа рўзгор (хўжалик) юритмасдилар ва фақат деҳқонлардан олинадиган пул рентаси билангина тирикчилик ўтказардилар. Фарбнинг католик руҳонийлари каттагина ер-мулкларга эга бўлдилар. Қуддуснинг латин (католик) патриархи королликда королдан кейин иккинчи шахс ҳисобланарди. Салибчиларнинг истилолари натижасида Италия шаҳарлари катта-катта фойдалар кўрди. Генуяликлар билан венецияликлар Сурия ва Фаластиндаги бутун савдо-сотиқ ишларини ўз қўлларига киритиб олиб, араблар билан византияликларни иккинчи ўринга суриб қўйдилар. Шаҳар атрофидаги ер-мулкларнинг бир қисмини ҳам ана шу генуяликлар билан венецияликлар олдилар. Феодалларнинг аксича, Италия шаҳарликлари ўз қўлларига киритиб олган ерларда хўжалик билан шугулланадиган бўлди. Шаҳарликлар бу ерларда энг қимматли экинлар (пахта, шакар қамиши, зайтун ўсимлиги ва ҳ. к.) плантациялари барпо этиб, кўпроқ ишчи кучи сифатида қуллардан фойдаланардилар.

Диний-рицарлик орденлари. Салибчилар Шарқда мудофаани ташкил қилмоқ учун ўзига хос донмий қўшин тузишга мажбур бўлдилар.

1099—1100 йилларда биринчи салиб юриши тамом бўлгандан кейин рицарларнинг бир қисми Европага қайтиб кетди. Фаластинда ҳаммаси бўлиб бир неча минг рицарь қолди, холос. Шундан кейин бу рицарларга ёрдам тариқасида диний-рицарлик орденлари барпо этилди. Булар айни бир вақтда ҳам монахлар, ҳам рицарлар бўлиб хизмат қилдилар. Уларнинг махсус монахлик устави ва айни замонда, алоҳида диний ва ҳарбий бошлиқлари — орденларнинг магистрлари бор эди. Орденлар бевосита папага бўйсунарди. «Рицарь-биродарлар» рицарлик яроғ-аслаҳалари устидан алоҳида монахлик плашлари — ман-

тиялари¹ кийиб юрардилар. Аммо қолганлари чинакам рицарлар бўлиб, улар одатда ҳарбий таълим кўрган, ажойиб чавандоз ҳамда қилич ва найзани моҳирона ишлата биладиган кишилар эди. Одатда бу одамлар ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан кўпроқ рицарлар оиласига мансуб шахслар эди. Фаластинда ва Европанинг турли мамлакатларида орденларни ер-мулклар бўлиб, улар шу ер-мулклардан келадиган даромадлар ҳисобига яшардилар. Шарқда учта орден ташкил этилди. 1119 йилда биринчи бўлиб тамплиерлар ёки ибодатхона аҳллари (французча temple — ибодатхона деган француз ордени ташкил бўлди, чунки орден биноси, ривоятларга кўра, қачонлардир подшо Саломоннинг қадимий яҳудийлар ибодатхонаси жойлашган территорияда бўлган. Тамплиерлар ордени ташкил бўлгандан кейин, тез орада шунга ўхшаш, госпитальерлар ёки ионнитлар (ўз ҳомийси авлиё Иоанн шарафига) деган итальян ордени бунёдга келди. Дастлабки пайтларда госпитальерлар ҳақиқатан ўз олдиларига зиёратчилар даволанадиган госпиталларда — касалхоналарда хизмат қилишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Кейинроқ 1190 йилда немисларнинг учинчи бир ордени таъсис этилиб, у Немис ёки Тевтон ордени деб аталди. Бу орден бошқа орденлардан анча кейинроқ барпо этилиб, у Фаластинда унча узоқ турмади. XIII аср бошида Тевтон ордени Европага кўчиб ўтиб, Қуйи Висла дарёси қирғоғини ўзига макон қилиб танлаб олди, поляк феодаллари маҳаллий «мажусийлар»га — пруссларга қарши курашиш учун Тевтон орденини бу ерга таклиф этган эдилар. Тевтон ордени Пруссияни истило этиб ва шунинг оқибатида «Тевтон» ордени деган ном ўрнига «Прусс» ордени деган ном олиб, у Болтиқ бўйида анчагина бақувват давлатга айланди ва кейинчалик Польша короллигининг ўзининг мустақиллигига жиддий хавф тугдира бошлади.

Иккинчи ва учинчи салиб юришлари. Бироқ Қуддус короллиги диний-рицарлик орденлари тарзидаги қўшимча кучга эга бўлишига қарамай, унинг аҳволи жуда ночор эди. XII асрнинг 30—40-йилларида Қуддус короллиги энг кучли королликка айланган эди. Аммо 1144 йилга келиб унинг ерларининг анчагина қисмини (Кичик Арманистон ва Эдессани) турклар босиб олди. Қуддус короли туркларга қарши Европдан ёрдам бериш учун янги рицарларни чақиришни сўраб папага мурожаат қилди. Бунга жавобан, 1147—1149 йилларда иккинчи салиб юриши уюштирилди. Иккинчи салиб юришида француз короли Людовик VII ва герман императори Конрад III ҳам қатнашдилар. Лекин юришга тортилган ҳарбий кучлар анча кўп бўлишига қарамай, бу юриш бутунлай муваффақиятсизлик билан тугади. Салибчилар Қуддусга хавф солаётган Дамашқни қўлга олмақчи бўлдилар-у, лекин уддасидан чиқа олмадилар. Қуддус короллигининг

¹ Тамплиерлар яғриниға қизил бут қадалган оқ мантия, госпитальерлар — оқ бут қадалган қизил мантия кийиб юрардилар.

аҳволи яхшиланмади. XII асрнинг иккинчи ярмида унинг аҳволи яна баттар ёмонлашди. Салибчилар Қуддус шаҳарининг ўзини қўлдан бой бериб қўйдилар. Курдлардан чиққан султон Салоҳиддин бошлиқ турклар 1187 йилда Қуддусни босиб олди. Салоҳиддин (1171—1193) маркази Миср бўлган катта давлат барпо этди. У бутун Мисрни, Суриянинг бир қисмини, Месопотамиянинг бир қисмини эгаллади ва Қуддус короллигини батамом тугатишга ҳаракат қилди.

Салоҳиддинга қарши Европада янги, учинчи салиб юриши (1189—1192) ташкил қилинди. Учинчи салиб юриши кенг ўйланган тadbир эди. Буида Европанинг учта давлати: француз, инглиз ва герман давлатлари қатнашди. Герман императори бу вақтгача Италияда кўпгина урушлар олиб борган, Штауфенлар династиясига мансуб бўлган машҳур Фридрих I Барбаросса эди¹. Аммо Барбаросса Суриянинг тоғ тагидан оқиб ўтадиган дарёсидан кечиб ўтиш пайтида 1190 йилда сувга фарқ бўлганлиги учун Фаластингача етиб бора олмади. Королдан жудо бўлган немис отрядларининг катта қисми Европага қайтиб кетди. Бошқа икки король — француз короли Филипп II Август билан инглиз короли Ричард I Шер юрак бир-бирларига азалдан душман эдилар. Улар Фаластинга у қадар ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилмадилар. Ҳар икки королнинг бири иккинчисига ишонмасди.

Ричард I Шарқдаги урушда энг активлик кўрсатди. У аввало катта Кипр оролини босиб ола билди, шундан сўнг инглиз қўшинлари француз қўшинлари билан биргаликда Ўрта денгиз соҳилидаги муҳим Акра қалъасини қамал қилдилар (1191 й.). Акра иттифоқчилар томонидан олинди. Лекин, шундан сўнг, Филипп II Август Фаластинни ташлаб ўз юрти — Францияга қайтиб кетди. Ричард Фаластинда яна бир йил туриб қолди. Яффа ёнидаги жангда (1192 йил август) Ричард Салоҳиддинга жиддий зарба берди. Лекин Қуддусни олишга муяссар бўлолмади. У Салоҳиддин билан шартнома туза олди. Бу шартномага кўра европалик зиёратчилар христианларнинг муқаддас шаҳарлари ҳисобланган Қуддус, Вифлеем, Назарет ва бошқа жойларга бемалол борадиган бўлдилар.

Учинчи салиб юришининг энг муҳим натижаси, юқорида эслатиб ўтилганидек, Кипр оролининг Ғарбий европаликлар томонидан истило этилиши бўлди. Кейинчалик Қуддус короли ўз сарой аҳллари билан бирга Акрадан бу ерга кўчиб келди. Салибчиларнинг барча ер-мулклари ичида Кипр короллиги энг мустақкам короллик бўлиб чиқди. Бу короллик XV асрнинг иккинчи ярмигача, яъни 250 йил яшади.

Тўртинчи юриш. Византиянинг истило этилиши. XIII асрнинг бошларида папа Иннокентий III Европани янги салиб юришига


¹ Фридрих Барбароссанинг Италияда олиб борган урушлари ҳақида сўнграқ XX бобдан қаранг.

даъват этди. Бу тўртинчи салиб юриши эди (1202—1204). Тўртинчи салиб юриши ўзига хос юриш бўлиб, у бошқа салиб юришларига номи жиҳатдангина алоқадар бўлса-да, лекин у бутун салибчилик ҳаракатининг босқинчилик моҳиятини рўй-рост очиб берган юриш бўлди. Тўртинчи юриш қатнашчилари ҳатто Фаластингача ҳам етиб бора олмадилар. Салибчилар бу сафар туркларга ёки бошқа мусулмонларга қарши юриш қилмай, балки христианлар Византиясига юриш қилдилар. Тўртинчи юриш тарихида венецияликлар айниқса катта роль ўйнадилар, улар юриш маршрутининг ўзини ҳам ўзгартириб юбордилар. Салибчиларнинг феодал раҳбарлари дастлаб Туркия-Миср султониغا қарашли Мисрга юриш қилишни мўлжаллаган эдилар. Миср билан фойдали савдо-сотиқ олиб борган, лекин Византияни кучсизлантиришдан манфаатдор бўлган Венеция, салибчиларни дастлабки ниятларидан қайтариб, ўзининг савдо рақиби ва конкуренти Константинополь устига юриш қилишга йўллади. Ангелларнинг янги Византия династияси ичидаги алғов-далговлардан фойдаланган (Комнишлардан кейин 1185 йилдан идора қила бошлаган эди) салибчилар 1204 йилда Константинополни босиб олиб, Болқон ярим оролининг жанубий қисмида Латин империяси деган янги давлат барпо этдилар. Қуддус короллиги сингари, бу давлат ҳам типик феодал давлат эди. Шимолий француз феодаллари, Фландрия графи Балдуин империяга бошлиқ қилиб қўйилди. Империя составида бир неча йирик васаллик мулклари: Фессалоника короллиги, Афина герцоглиги, Ахейя князлиги ва бошқалар бор эди.

Византиядан кўп миқдорда ер-мулкларни: Константинополнинг бир қисмини, Галлиполь шаҳрини, Эгей денгизидаги баъзи оролларни, Иония оролларици, Крит оролини, Пелопоннеснинг жануби-ғарбий қисмини Венеция олди. Византияни истило этишда энг катта роль ўйнаган Венеция дожи Энрико Дандоло «Ромея (Византия) империясининг саккиздан уч қисмининг ҳокими деган расмий ном олди»¹.

«Латин», яъни Ғарбий Европа феодаллари Византиянинг маҳаллий аҳолисини аёвсиз таладилар ва эксплуатация қилдилар. Венеция Константинополда, Болқон ярим оролида ва Ўрта денгиз шарқий қисмининг кўпгина оролларидаги бутун савдо-сотиқ ишларини ўз қўлига киритиб олди. Аммо Византиянинг баъзи мулклари ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилида савдо-сотиқ ишларида муҳим ўрин тутган грекларнинг Никея империяси бу мулклар орасида энг

¹ Венеция даъво этган «қуроқ Византия» ана шу тариқа ташкил топган эди. Византия истило қилингандан кейин империянинг тўртдан бир қисми ва унинг пойтахти Латин империясига ажратиб берилди; қолган тўртдан уч қисми икки бўлакка тақсимланди: яъни — Венецияга, иккинчи яъни эса — юришда қатнашган феодалларга бўлиб берилди. Венеция аслида кам ер олди.



Туртинчи салиб юриши

кучлиси ҳисобланарди. Кичик Осиё шимолидаги империянинг бир қисми Трапезунд мустақил бўлиб қолаверди. Болқон ярим оролида Эпир мустабидлиги (князлиги), Латин Америкаси назардан ташқарида қолди.

Византиянинг истило этилмаган учта территориясидаги энг йирик Никея империясининг императори Михаил VIII Палеолог латинлар зулми остида яшаган грекларнинг хайрихоҳлигига таяшиб, 1261 йилда Константинополни босиб олди ва у ердан европалик феодалларни ҳайдаб юборди. Византия империяси ана шу тариқа қайтадан тикланди. Лекин қайтадан тикланган Византия энди кучсизланиб қолган давлат эди. Тўртинчи салиб юриши буюк давлат бўлган Византияни йўқ қилди. Византия қайта тиклангандан кейин унинг Болқон ярим оролидаги ва Кичик Осиёнинг камбар қисмидаги мулкларининг анча-мунчаси чекланиб қолган эди. Тўртинчи салиб юриши бошланишидан бурунроқ, Византияга қарам ҳолда яшаган болгарлар 1186—1187 йилларда унинг зулмидан халос бўлган эдилар. Сербия мулклари ҳам тахминан шу вақтларда Византиядан ажралиб чиққан эди.

Сўнги салиб юришлари. Ҳаммаси бўлиб саккиз марта салиб юришлари бўлди. Лекин дастлабки тўртта салиб юриши энг муҳим деб ҳисобланади. Кейинги тўртта салиб юришида кишилар унча кўп қатнашмаган, шунингдек, умумевропа характериغا эга бўлмаган юришлар эди. Бу юришларда айрим подшоҳлар ва алоҳида мамлакатлар иштирок этган эди. Бешинчи юриш (1212—1221)нинг шуниси қизиқки, унинг ташкилотчилари тўртинчи юриш қатнашчиларининг дастлабки планини қандайдир амалга оширмақчи бўлдилар. Бешинчи салиб юриши қатнашчилари дастлаб Фаластинда уруш ҳаракатлари олиб бордилар, кейин улар бу уруш ҳаракатларини Мисрга кўчирдилар. Салибчилар Мисрда Дамнетта шаҳрини босиб олдилар, лекин кейин муваффақиятсизликка учраш натижасида ўзлари қўлга киритган Нил водийсининг бир қисmini бўшатиб чиқишга мажбур бўлдилар. Фаластинда уруш ҳаракатлари олиб борилган дастлабки босқичда Венгрия короли Андрей II катта роль ўйнади.

Олтинчи юриш (1228—1229) Фридрих I Барбароссанинг невараси — Фридрих II Штауфеннинг Шарққа қилган юриши эди. Аммо бу сафар ҳам бирор-бир арзигулик кенг уруш ҳаракатлари олиб борилгани йўқ. Фридрих II куч ишлатиб эмас, балки кўпроқ дипломатик йўл билан Қуддусни ва бошқа баъзи бир шаҳарларни қайтариб олишга муяссар бўлди. Аммо тез орада (1244 йилда) турклар Қуддусни яна қайтариб олдилар ва христианлар уни энди батамом қўлдан чиқардилар.

Еттинчи ва саккизинчи салиб юришлари француз короли Людовик IX томонидан уюштирилиб, улар французларнинг Шимолий Африкадаги таъсирини мустаҳкамламоқчи бўлган эдилар. Людовик IX ҳам еттинчи юришда (1248—1254) Мисрга ҳужум қилди, лекин бу ҳужум яна муваффақиятсиз чиқди. Унинг ўзи

асир тушиб қолди ва бу асирликдан қутулиш учун катта ҳақ тўлаши лозим бўлди. Французларнинг бундан кейинги (1250 йилдан бошлаб) қилган уруш ҳаракатлари ҳам ҳеч қанақа натижа бермади.

Саккизинчи юришда (1269—1270) Людовик Тунис шаҳрини қамал қилиш учун зўр бериб куч тўплади, бундан муддао Африкада уруш ҳаракатларини янада давом эттириш учун таянч базасига эга бўлиш эди. Аммо Тунисни қамал қилиш пайтида французлар лагериди ўлат касали бошланиб, кўплар қаторида королнинг ўзи ҳам ҳалок бўлди. Бу юриш европаликларнинг сўнгги йирик ҳарбий экспедицияси бўлиб, у салибчилик ҳаракати байроғи остида Яқин Шарқдаги мусулмонлар жойлашган территорияларни босиб олишни мақсад қилиб қўйган эди. Шундан кейин Шарққа қилинадиган юришлар тўхтади. Салибчиларнинг ер-мулклари бирип-кетин қисқариб, турклар қўлига ўта бошлади. 1268 йилда турклар Антиохияни, 1289 йилда — Триполини, 1291 йилда — Акраани олди. XV асрнинг иккинчи ярмида Кипр ороли венецияликлар қўлига ўтди.

Салиб юришларининг аҳамияти. Ҳарбий экспедициялар сифатидаги салиб юришлари батамом муваффақиятсизлик билан тугади. Европа феодаллари Шарқда мустаҳкам давлат барпо эта олмадилар. Истило қилинган деярли барча территорияларни қолдириб кетишга тўғри келди. Рицарлар Шарқни ташлаб чиқиб кетдилар. Бир қанча сабаблар шунга мажбур этдики, Европа феодалларида янги салиб юришлари уюштириш иштиёқи қолмади. XIII аср охирига келиб, Европада сиёсий вазият тамомилан ўзгарди. Вужудга келган миллий давлатлар бир-бировлари билан шиддатли ва узоқ давом этган урушлар бошлаб юбордилар; рицарлар ўз ҳарбий ҳунарларини Европанинг ўзида ҳам қўлланмиш имконига эга бўлдилар. Иккинчи томондан, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ва товар-пул муносабатларининг янада ривожланиши билан рицарлар ўз деҳқонларини ишлатиб катта-катта даромадлар оладиган бўлдилар, рицарларнинг бир қисми (масалан, Англияда) қишлоқ хўжалиги билан туну кун шуғуллана бошлади. Яқин Шарқ, аксинча, бу вақтда салибчилар томонидан талаingan ва хароб этилган эди. XIII асрда мўғулларнинг Урта Осиёга бостириб кириши Яқин Шарқнинг аҳволини яна баттарроқ ёмонлаштириб, Ҳиндистон ва Хитой билан савдо-сотиқ алоқаларини қийинлаштириб қўйди. Шундай қилиб, Ҳарбий Европа феодаллари назарида Шарқ ҳам ўзининг аввалги жалб қилувчи кучини йўқотиб қўйган эди. Салиб юришлари бу феодалларнинг ҳавасини келтирмайдиган бўлди.

Ҳарбий муваффақиятсизликларга қарамай, ҳар қалай, салиб юришларининг Ҳарбий Европа тараққиёти учун аҳамияти ғоят катта бўлди. Аввало, салиб юришлари Урта деңгиз бўйи мамлакатларида Европа савдо-сотиғининг ривожланишига ёрдам берди. Бу салиб юришлари натижасида араб ва византиялик савдоргарларнинг Яқин Шарқдаги савдо монополияси қаттиқ

зарбага учради ва бу ерларда Италия, жанубий Франция ва шарқий Испан (Каталония) шаҳарлари гегемонияси ўрнатилди. Эндиликда бу шаҳарлар Шарқ билан Европанинг қолган қисми ўртасида воситачилик ролини ўйнайдиган бўлди. Салиб юришлари вақтида Ғарбий Европанинг Шарқ билан савдо-сотик алоқалари мунтазам бир йўлга тушган эди. Левантия савдоси (Европада уни шундай деб атардилар) Ғарбий Европа экономикасининг узвий бир қисми бўлиб қолган эди. Салиб юришларининг бошларида Шарқдан келтириладиган товарлар миқдори шу юришлар охирига келиб ўн марта кўпайди. Венеция билан Генуя Урта деңгизнинг шарқий ярмигача, то Шимолий Қора деңгиз соҳилигача кириб бордилар ва у ерларда кўпдан-кўп савдо факториялари барпо қилдилар.

Сўнгра, салиб юришлар европаликларнинг Шарқнинг саноат ва қишлоқ хўжалик техникаси билан танишишларига имкон берди. Европаликлар шу давр ичида Шарқ тўқимачилик ва металлургия ишлаб чиқаришининг, бўёқчилик ишининг, атир-упа ва дориворлар тайёрлаш ишининг кўпгина усулларини ўргандилар, шунингдек, гречиха, шафран (заъфар), шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини Европага олиб кетдилар.

Шарқ маиший масалада европаликларга катта таъсир кўрсатди. Рицарлар Шарқнинг нозик одатларини, сарой мулозамат («пазокати») қоидаларини ўзлаштириб олдилар, ўзларининг бадан, юз, сочларини яхшилаб парвариш қиладиган бўлдилар. Вашаларда ва яхши жиҳозланган ҳаммомларда ювиниш одат тусига кирди. Рицарлик қасрларида ва шаҳар хонадонларида Шарқдан келтирилган ажойиб янги шахмат ўйини пайдо бўлди.

Шарқ билан яқин алоқа қилиш натижасида европаликларнинг савияси сезиларли даражада кенгайди. Шарқда маданий халқлар бор эканлигини илгари улар хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Дағал диний фанатизм (мутаассиблик) идеологиясини қурол қилиб олиб салиб юришлар бошлаган кўпгина ғарбий европалик феодаллар ва савдогарлар Шарқ ҳаёти билан танишганларидан кейин, бошқа динларга анча-мунча йўл қўядиган бўлдилар. Европаликлар христиан динини мусулмон дини билан таққослаб кўриб, христиан динининг ўзига ва хусусан салиб юришлари даврида ўрта аср папалиги томонидан бевосита амалда қўлланилган теократизм идеяга нисбатан баъзи бир танқидий андиша ва мулоҳазаларга кела билдилар.

Аmmo салиб юришларининг Ғарбий Европага кўрсатган таъсири ҳақида гапирилар экан, Араблар Шарқининг маданияти салиб юришларидан ташқари, бошқача йўллар билан, жумладан, Испания орқали Европага ўтиб кирганлигини ҳам унутмаслик керак. Испания араблари ёки маврлар Ғарбий Европани араб маданиятининг бир қанча жуда муҳим томонлари билан таништирган эдилар. Византиянинг бутун ўрта аср давомида Италия, айниқса Венеция орқали кўрсатган таъсири билиниб турарди. Иккинчи томондан, Ғарбий Европанинг ўзи XI—XIII

асрлар даврида ўзининг ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши жараёнида янги ижтимоий, сиёсий ва маданий формалар яратдики, салиб юришлари бу формаларнинг ривожланишига фақат билвосита таъсир кўрсатиши мумкин эди, холос. Чунончи, деҳқонларнинг крепостной қарамликдан озод бўлиши, марказлашган давлатларнинг ривожланиши, шаҳарларнинг равнақ топиши Европадаги тарихий тараққиётнинг ўзига хос жараёнидан бошқа нарса эмас эди. Салиб юришлари кейинги ўрта аср Европаси ҳаётидаги бу энг муҳим ҳодисаларнинг ривожини тезлатди, холос.

ХVII БОВ

ЎРТА АСР ЕВРОПАСИДА ШАҲАРЛАРНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ (XII—XV АСРЛАР)

XII—XV асрларда шаҳарларнинг равнақ топиши. XII—XV асрларда Ғарбий Европада шаҳарларнинг равнақ топганлиги кўрилди. Бу даврда шаҳарлар қўшни феодаллар билан қаттиқ кураш натижасида эркинликни қўлга киритдилар. Шаҳар ҳунармандчилиги ишлаб чиқариши мустақамланиб, ҳунармандлик цехлари тарзида ўзига хос ташкилий бир формага эга бўлди. Савдо-сотик Европанинг жанубидан шимолига ва ғарбидан шарқига ёйилиб, кенг тус олди. Шаҳарлараро ва халқаро савдо-сотикнинг ривожланиши катта иқтисодий куч ва сиёсий таъсирга эга бўлган гильдия ва ганзалар тарзида махсус савдогарлар иттифоқларининг ташкил топишига сабаб бўлди. Савдо-судхўрлик ва айирбошлаш операцияларининг ривожланиши асосида банклар майдонга кела бошлади. Шаҳарлар қишлоққа тобора кўпроқ таъсир кўрсатиб, крепостнойлик тўзумининг емирилишини тезлаштирди ва крепостной деҳқонларнинг тезроқ озод бўлишига ёрдам берди. Ниҳоят, Европанинг турли мамлакатларида марказлашган миллий давлатларни вужудга келтириш жараёнида шаҳарлар жуда муҳим роль ўйнадилар, королларнинг феодал тарқоқликка қарши олиб борган курашларида жуда зўр кўмакдош бўлдилар.

Шаҳарларнинг сеньорларга қарши кураши. Шаҳарнинг ўзини-ўзи идора қилиш турлари. Шаҳарлар яшай бошлаган илк даврда улар, одатда, қўшни феодалларга қарам эдилар. Шаҳарлар одатда сеньорлар тайин этган гумашталар томонидан бошқарилад эди. Ҳамма жойда шаҳар ҳатто битта феодалга эмас, балки бир йўла бир неча феодалга қарар эди. Масалан, Франциянинг шимолдаги Амьен шаҳри айни вақтда тўртта сеньорга қарар эди. Шунингдек, Франциянинг жанубидаги кўҳна Рим шаҳри Арлага бир вақтда тўртта феодал хўжайинлик қиларди. Бироқ шаҳарлар ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириб, иқтисодий жиҳатдан мустақамлангандан ҳамда цех ва гильдияларга уюшганларидан кейин улар сеньор ҳукмронлигидан

халос бўлиш учун кураш бошладилар. Баъзан шаҳарликлар катта пул тўлаб, ўзларини сеньорлардан қутқаздилар. Аммо фақат энг бой шаҳарларгина шундай қиларди. Чунончи, Франциянинг жанубидаги шаҳарлар ана шундай йўл билан халос бўлган. У қадар бой бўлмаса ҳам, аммо ҳунарманд, аҳолиси мустаҳкам уюшган шаҳарга кўпроқ куч ишлатиб ўз эркини қўлга киритишга тўғри келарди. Бу жиҳатдан шимоли-шарқий француз шаҳарлари феодаллар билан қаттиқ курашнинг жуда ёрқин намуналарини кўрсатдилар. Бу ерда XI аср охиридан эътиборан ва XII аср мобайнида қўзғолонлар кўтариш йўли билан 40 га яқин шаҳарлар сеньорлардан озод бўлиб, улар эркин шаҳарлар ёки шаҳарлар-коммуналар ҳуқуқини олдилар. Француз короллари дастлаб кимни қувватлаш — феодалларини ёки шаҳарларни қувватлаш керами деган масалада иккиланиб қолган эдилар. Аммо йирик феодалларга қарши курашишда шаҳарлар королларнинг муҳим таянчи эканлигини тез орада короллар тушуниб етдилар. XII аср ўрталаридан эътиборан король ҳокимияти билан коммуналар ўртасида мустаҳкам иттифоқ ўрнатилди. Шаҳар-коммуналар йилига королга муайян бир миқдорда пул тўлар ва унинг урушлар олиб бориши учун қўшинларнинг кичик бир отрядини юборардилар. Шаҳар-коммуналарнинг королга қарамлиги ҳам ана шу билангина чегараланар эди. Коммуналар королнинг коллектив вассалларига ўхшаб кетарди. Улар ички идора ишларида тўла автономиядан фойдаланардилар. Коммуналарнинг сайлаб қўйиладиган шаҳар кенгаши ва судлари, ўз шаҳар қўшини, ўз байроғи бўларди. Кейинчалик, XIV асрда, король ҳокимияти коммуналарнинг ҳуқуқларини аста-секин чеклаб қўйди. Аммо бошқа мамлакатларда коммуналар бундан кейин ҳам ўз мустақилликларини кучайтира бердилар. Масалан, Италияда III асрда император ҳокимиятининг инқирозга юз тутганлиги туфайли коммуналар чинакам шаҳар-республикаларга айланди. Германияда ҳам худди ана шундай бўлди. Германияда эркин империя шаҳарлари бутун ўрта аср давомида амалда мустақил шаҳар республикалари бўлиб сақланиб қолдилар. Испания-Кастилия шаҳар-коммуналари ўз эркинликларини хийла узоқ вақтгача сақлаб қолдилар. Улар XVI асрдагина бу эркинликни батамом йўқотдилар.

Аммо, борди-ю шаҳарлар коммуналар бўлмаса ҳам, улар ё короллар, ёки маҳаллий князь-феодаллар томонидан берилган бир қанча энгиллик ва имтиёзларга эга эдилар. Француз ва инглиз короллари «катта пул эвазига» кўпинча шаҳарларга ёрлиқ грамоталари бераверар эдилар. Бу ёрлиқ грамоталарига мувофиқ шаҳарликлар ўзларининг сайлаб қўйиладиган кенгашларига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритардилар; бироқ, шу билан бир қаторда, кенгашларнинг ёнгинасида король амалдори ҳам иш кўраверар эди. Шаҳарликлар королга маълум суммада солиқлар тўлар эдилар, бу солиқларни шаҳар аҳолисига шаҳарликларнинг ўзлари тақсимлар эдилар (Англияда бундай тўловлар

«фирма» деб аталарди). Шаҳарликлар ўз шахси ва мулкий ҳуқуқлари учун гарантия олардилар. Шаҳарликларнинг ер-мулки крепостной мулки эмас, балки эркин мулк, деб қараларди. Барча крепостнойлар шаҳарда бир йилу бир кун истиқомат қилгудай бўлсалар, улар озод кишиларга айланардилар. «Шаҳар ҳавоси инсонни эркин қилади» деган машҳур мақол ана шу заминда келиб чиққан. Шаҳарликларга савдо-сотик қилиш эркинлиги, бозор очиш, цех ва гильдиялар ташкил қилиш ҳуқуқи берилди.

Ўрта аср шаҳарининг ташқи қиёфаси ва ҳаёти. Ўрта аср шаҳари ҳозирги замон шаҳарларидан кескин фарқ қиларди. Аввало у, одатда, шаҳар-қалъадан иборат эди. Ҳар жой-ҳар жойида миноралари ва очилиб-ёпиладиган дарвозалари бўлган қалин ва балан шаҳар деворлари шуни кўрсатар эди. Шаҳарнинг асосий қисми («бург», «град», «кремель») девор билан ўраб олинган бўлиб, вақт ўтиши билан шаҳар атрофидаги ерлар ҳам қўرғон девори билан беркитиладиган бўлди. Бундай тарзда шаҳар бир қанча концентрик ҳалқаларга ўхшар эди. Ҳунармандлар билан савдогарлардан иборат бўлган шаҳарликлар шаҳар лашкарида ҳар доим ҳарбий хизмат ўтардилар. Шаҳар аҳолиси ҳарбий ишни билиши, ҳар қайси одам ўз хонадониди муайян қурол-яроғ запасига эга бўлиши лозим эди. Бундан ташқари: одатда шаҳарда умумий аслаҳа қурол-омбори бўлиб, уруш хавфи туғилган пайтда ҳамма аҳолига шу омбордан қурол-яроғ тарқатиларди.

Ўрта аср шаҳарлари одатда унча катта бўлмас эди. Шаҳар территориясининг чекланган бўлиши мудофаа иншоотлари қуриш заруриятини келтириб чиқарди. Шаҳар заминини ҳар қанақа қилиб бўлса-да, иқтисод қилинарди. Кўчалар тор бўларди. Уйлар бир неча қават қилиб қуриларди, шу билан бирга, юқори қаватларнинг ҳар бири қуйи қаватларга қараганда олдинга туртиб чиққан бўларди, шунинг учун ҳатто офтобли кунларда ҳам бу ернинг кўчаси ярим қоронғи бўларди. Бундай шароитда шаҳарларда, табиий, боғ-роғ қилиш ва бошқа кўчатлар ўтқазишга кам жой қоларди. XII—XIII асрларда Фарбий Европада шаҳар бинолари кўпроқ харсанг тош ва гиштдан қуриларди, бу эса Фарбда тегишли қурилиш материаллари мавжудлигини кўрсатарди. Бироқ шаҳар уйларининг архитектураси, умуман олганда, унча мураккаб бўлмаган ва бир хилда бўлган. Жамоат бинолари—шаҳар соборлари ва черковлари, шаҳар ратушаси (шаҳар бошқармаси жойлашган уйлар) ва бой савдогарларнинг ҳамда шаҳарларда истиқомат қилувчи феодалларнинг оз сонли уй-саройларигина ўзларининг катталиги ва ҳашаматлари билан бошқаларнинг уйларидан ажралиб турарди.

Ўрта аср шаҳарлари аҳолисининг сонига кўра ҳам унча катта эмас эди. Аҳолиси 8, 10, 15, 20 минг кишидан иборат бўлган шаҳарлар жуда катта шаҳарлар деб ҳисобланарди. Аҳолиси 4—6 минггача бўлган шаҳарлар ўртача шаҳар ҳисобланарди. 1000 ва 2000 аҳолили шаҳарчалар кўп эди. Ҳақиқатда булар ярим ша-

ҳар, ярим аграр қишлоқлар бўлиб, улардаги аҳоли ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни давом эттиради. Хуллас, шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалиги билан алоқаси деярли ўрта аср охиригача сақланиб қолди ва аҳолиси одатда сигир, чўчқа, эчки ва бошқа уй ҳайвонлари асрайдиган каттароқ шаҳарларда мол боқиладиган яйловлар ва баъзан ҳатто шаҳар атрофидаги қўшни жойларда ҳайдаб экин экиладиган кичик-кичик участкалар ҳам бўларди.

Бироқ, умуман олганда, ўрта аср шаҳари эндиликда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ маркази эди. Унда қишлоқ хўжалиги ёрдамчи бир касбга айланиб қолган эди. Ўрта асрлар даврида шаҳарнинг саноат ва савдо ишлари билан шуғулланиши унинг ташқи қиёфасида ҳам ўз аксини топди. Шаҳардаги айрим кўчаларда буткул ҳунармандлар ёки бошқа касб эгалари жойлашганлиги туфайли бу кўчаларнинг номлари ҳам шу касбларга монанд қилиб қўйиларди. Деярли ҳар бир шаҳарда темирчилар, тўқимачилар, қуролсозлар (бронная), кулолчилар, маҳсидўзлар, кўнчилар деган кўчалар ва бошқа кўчалар бўларди. Ҳунармандчилик ишхонаси (мастерской)нинг дарчаси одатда кўчага қараган бўлиб, кўчадан ўтиб борувчи одамлар ҳунармандчилик ишхонаси ишлаб чиқарган барча маҳсулотни шу дарча орқали кўра олар эди. Ёзда деразаси баландга кўтариб қўйилган бўлиб, истеъмолчи шу очиқ деразадан керакли нарсаларни ишхонанинг ўзидан сотиб олиши мумкин эди.

Бундан ташқари, шаҳарда бир ёки бир нечта бозор очилиб, улардаги махсус расталарда товарлар, яъни: йон, гўшт, пичан, мовут ва ҳоказолар сотилар эди.

Умуман олганда, антисанитария ўрта аср шаҳари учун ғоят характерли бир ҳол эди. Тор кўчаларда ҳаво кам эди. Бунинг устига бу кўчаларнинг кўпчилигининг таги ётқизилмас эди. Шунинг учун, жазирама иссиқ ва қуруқ об-ҳавода шаҳарни чанг босиб ётарди, ёгингарчилик вақтларда, аксинча лой кўчалардан юк ортиб ўтиш ва пиёда юриш ғоят машаққатли бўларди. Ўрта асрлар даврида шаҳарларни бирор-бир сунъий чироқ билан ёритиш деган гап йўқ эди. Бирорта бадавлат одам шаҳар кўчаларидан кечаси ўтмоқчи бўлса, уни машъала кўтарган хизматкори кузатиб борарди.

Шаҳар аҳолисининг зичлиги, гадойлар ва уй-жойсиз дарбадарларнинг кўплиги, касалхона ва бирорта мунтазам санитария назоратининг йўқлиги туфайли ўрта аср шаҳарлари ҳар қанақа юқумли касалликларнинг доимий уяси бўлиб қолаверди. Ўрта аср Европасида ўлат касали ғоят даҳшатли бўлиб, бу юқумли касалликдан бутун-бутун мамлакат аҳолисининг кўпчилиги қисми батамом қирилиб кетган эди. Шуниси характерлики, юқумли ўлат касаллиги одатда шаҳарларда пайдо бўлиб, сўнг у қишлоққа тарқаларди.

Шаҳар патрициати. Дастлабки пайтларда шаҳарлардаги ҳокимият одатда энг бой шаҳарликлар: савдогарлар, судхўр-

лар, шаҳарли ер эгалари ва уй эгаларининг қўлида бўлар эди. Бу тоифа — патрициат деб аталарди. Шундай қилиб, феодалларга қарши олиб борилган халқ ҳаракатларидан патрициат ўз манфаатлари учун фойдаланди. XIII асрда Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида, айниқса Италия ва Германияда цехлар патрициатга қарши курашган эдилар. Цехларнинг маҳаллий патрициатга қарши олиб борган бу курашини тарихчилар баъзан «цех революциялари» деб юритардилар.

Цехлар ҳаракатининг натижаси шу бўлдики, патрициат шаҳардаги ўз ҳокимиятини энг нуфузли цехлар билан (амалда бу цехларнинг бадавлат юқори табақаси билан) бўлишишга мажбур бўлди. Ташқи савдо-сотиқ кучли ривожланган шаҳарларда патрициат ҳатто бу масалада ҳеч кимга йўл бермай, ҳокимиятни ёлғиз ўз қўлида сақлаб қолди. Масалан, Италиянинг Генуя ва Венеция сингари шаҳар патрициат-республикаларида, Германиянинг Гамбург, Любек ва бошқа шулар каби энг йирик Ганза шаҳарларида ана шундай бўлган эди.

Цехлар ва уларнинг уюштирилиши. Ўрта асрларда цех ҳунармандчилиги саноат ишлаб чиқаришининг асосий формаси ҳисобланар эди. Цехлар шу шаҳардаги муайян бир касб эгаларининг бирлашмасидан иборат бўлиб, аввало улар товарлар ишлаб чиқаришда ва уларни маҳаллий бозорга чиқариб сотишда монопол аҳволни сақлаб қолишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. XI аср охири — XII аср бошларидаги манбаларда дастлабки цех ташкилотлари бўлганлиги эслатиб ўтилади. Цехларнинг қўпчилиги XII асрнинг иккинчи ярмида, XIII асрда ва ҳаттоки XIV аср бошларида вужудга келган. Бирор-бир шаҳардаги цехлар сони биринчи вақтларда унча қўп бўлмаган. Вақт ўтиши билан цехлар майдалашиб, уларнинг сони йирик шаҳарларда ўнлаб ва ҳатто юзлаб ҳисобланган. Чунончи, XIV асрнинг ўрталарида Парижда 350 та цех, Лондонда — 60 та, Кёльнда 50 та ва ҳоказо цехлар бўлган. Ҳар бир цех ишлаб чиқаришнинг бирорта тармоғини ўзига монополия қилиб олган. Масалан, тўқимачилик саноатида ип йигириш, тўқиш, бўёқчилик, жун титиш, жун саваш ва ҳоказо цехлари бўлган. Темирчилар цехи вақти билан қуролсозлар, қозончилар (дегрелар), аррачилар ва ҳоказо цехларга бўлиниб кетди.

Шундай қилиб, цехлар ўрта аср ишлаб чиқаришидаги меҳнат тақсимотини ўзига хос бир кўриниши эди. Янги ҳунармандчилик касбининг майдонга келиши янги ҳунармандчилик цехини келтириб чиқарди. Уста — цехнинг асосий сиймоси эди. У ўз хусусий ишхонасига ва иш қуролларига эга бўлган, бир ёки бир неча халфаси, бир ёхуд бир неча шогирдлари бўлган майда ишлаб чиқарувчи эди. Уста, халфа, шогирд ўзига хос цех иерархияси (қуйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга бўйсунуш тартиби. *Тарж.*) эди. Уста бўлмоқ учун, тахминан, иккита биринчи (қуйи) босқични босиб ўтиши лозим эди. Цехларда ишлаб чиқаришнинг батафсил ишланган тартиби (регла-

ментацияси) бўларди. У ё бу цех усталари томонидан сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар ва нозирлар айрим усталарнинг ишлаб чиқаришда ҳам, ўзлари ишлаб чиқарган буюмларни бозорга чиқариб сотишда ҳам маълум қондаларга риоя қилишларини назорат қилиб турардилар. Цех аъзоларига паст сифатли буюм ишлаб чиқариш, хом ашёдан кўп запас қолдириш, умум ишла-тадиган меҳнат қуролларидан ташқари бирорта бошқа қурол ишлатиш, товарларни олиб-сотарларга (чайқовчиларга) сотиш, белгилаб қўйилгандан ортқича халфа ва шогирдлар ишлатиш ман этилганди. Цех ишнинг бир вақтда бошланиб, бир вақтда тамом бўлишини кузатиб борарди. Бу барча тадбирларни амалга оширишдан мурдао цех аъзолари ўртасида тенгликни сақлашга, ўзаро рақобат (конкуренция) бўлишига йўл қўймаслик, шунунгдек, бозорга цех аъзоси бўлмаган бегона кишиларни киритмаслик эди.

Цехлар ҳали кучсиз бўлган шаҳар ҳунармандчилигини ташқи конкуренциядан (крепостнойларнинг ер-мулк ёнидаги ҳунармандчилигининг, шунингдек, қишлоқлардаги эркин ҳунар эгаларининг ва бошқаларнинг конкуренциясидан) сақлаб, ўзлари яшай бошлаган дастлабки даврда ижобий роль ўйнади. Бу цехлар техника тажрибасини сақлаб қолиб, ишлаб чиқаришнинг ўзига хос мактаби бўлди. Цехлар қўшни феодалларга ва маҳаллий патрициатларга қарши курашда шаҳарликларни жипслаштириб, сиёсий ташкилотлар сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

Бироқ, тахминан XIV асрнинг ярмидан эътиборан Ғарбнинг энг асосий мамлакатларида — Францияда, Англияда, Германияда, Италияда — цех тузуми аста-секин емирила бошлади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши ва бозорнинг кенгайиши муносабати билан ҳунармандлар ўртасидаги тенглик йўқолди. Айрим цехлар ўртасидаги тенглик ҳам йўқ бўлди. Камбағал («кичик») цехлар бойроқ («катта») цехларга қарам бўлиб қолди. Бутун-бутун цехлар кўпинча товарларни узоқ жойлардаги бозорларга олиб бориб пулловчи судхўрнинг таъсири остига тушиб қолар эди. Баъзан хом ашё (жун, зиғир ва ҳ. к.) эгаси бўлган савдогар цехда хоҳлаганча тартиб ўрнатиб, цехни қандайдир коллектив ишчига айлантирардики, булар ўша савдогарга қарам бўлиб қолар эди.

Шу билан бирга халфаларнинг аҳволи кескин ўзгарди. Агар илк даврда халфа орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин уста бўлишни умид қилса (гарчи бу вақтда ҳам уста бўлиш амалда ҳаминша мумкин бўлавермаса ҳам), лекин кейинги даврда унинг уста бўлиши мутлақо мумкин бўлмай қолди. Усталик унвони, одатда, наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган бўлди. Устанинг ўғли ёки куёви уста бўлиши мумкин эди-ку, лекин ёт шахс ҳеч қачон уста бўла олмасди. Халфалар оддий ёлланма ишчиларга ёки ўша вақтнинг таъбирича, «абодий халфалар»га айланиб қоларди. Айни замонда цех техника жиҳатдан такомиллашган

қурол-асбобларни киритишни ман этганлиги ва барча ҳунармандлардан ишлаб чиқаришнинг анъанавий, эскирган усул ва қуролларига риоя қилишни талаб этганлиги туфайли, у эндиликда техника тараққиётига тўсқин бўлиб қолди.

Эксплуатация қилинувчи халфалар цех мастерларига қарши синфий кураш олиб бордилар. Халфалар ўзларининг «биродарлик» ва «ҳамкорлик» деган алоҳида ташкилотларини тузиб, қисман бир-бирларига иқтисодий ёрдам беришни, қисман хўжайинларига қарши кураш уюштиришни мақсад қилиб қўйдилар. «Биродарлик» ташкилотлари иш ташлаш ва бойқот қилиш методларини, баъзан эса курашнинг зўравонлик формаларини ҳам қўллардилар.

Ўрта аср шаҳарида синфий курашнинг уч босқичи. Шундай қилиб, ўрта аср шаҳари умуман олганда, синфий курашнинг уч босқичини бошидан кечирди. Бошда шаҳарликлар ўз мустақилликлари учун феодалларга қарши умуман фронт бўлиб курашдилар. Коммунага эга бўлиш ҳуқуқи учун қилинган ҳаракат ўрта аср шаҳарининг бу илк давридаги курашнинг энг ёрқин ифодаси бўлиб, бу вақтда савдогарлар, ҳунармандлар, халфалар биргаликда феодалларга қарши бош кўтариб чиққан эдилар. Хронологик жиҳатдан бу кураш XI—XII аср ва XIII аср бошларига тўғри келади. Сўнгра, цех ҳунармандлари патрициат олий табақасига қарши бош кўтариб чиқиб, бир қанча шаҳарларда «цех революциялари» деб аталган «революциялар» натижасида патрициатнинг олий табақасини бутунлай ағдариб ташладилар, ёки уни ўз ҳокимиятини цехлар билан шерик қилишга мажбур этдилар. XIII—XIV асрларда Германияда савдогар патрициат аристократиясига қарши ҳунармандлар цехларининг кураши айниқса яққол намоён бўлди. Кёльн шаҳарининг тарихи ва ундаги цех ҳунармандларининг 1369 ва 1396 йиллардаги иккита қўзғолони бунга айниқса очиқ-ойдин мисол бўла олади. Италияда, айниқса Флоренцияда, Миланда, Сиенада ва Ломбардия ҳамда Тосканада шаҳарларида ҳам цехларнинг йирик қўзғолонлари бўлиб ўтди. Айни шу замонда Франция шаҳарларида — Парижда, Руанда, Лионда ва бошқа шаҳарларда ҳам бу курашга доир анча-мунча фактлар бор. Ниҳоят, учинчи босқич — шаҳарлардаги плебей элементларининг (майда ҳунармандлар билан халфаларнинг) шаҳар патрициатига, шунингдек, йирик цехларга қарши бош кўтариб чиқишларидир. Бу ҳаракатлар XIV асрнинг иккинчи ярмида ва XV асрда юз берди. 1378 йилда Италиядаги Чомпи қўзғолони бу ҳаракатлар учун энг яққол мисолдир. Бу ҳақда XIII—XV асрларда «Италия тўғрисида» деган бобда гапирилади¹.

Савдонинг ривожланиши. XII—XV асрларда Фарбий Европа савдоси катта ютуқларни қўлга киритди. Салиб юришлари натижасида кўп ютуқларга эришган Ўрта денгиз ҳавзаси билан

¹ XIII бобга қаралсин.

бир қаторда, Европанинг бошқа қисмида — Шимолий Германия шаҳарларини Нидерландия, Скандинавия мамлакатлари ва Новгород билан боғлаган Шимолий ва Болтиқ денгизларида ҳам савдо-сотиқ ишлари кенг кўламда ривожланди. Немис ганзаси (савдо иттифоқи) деб аталадиган иттифоққа қарашли бўлиб, ўзларининг катта-катта савдо оборотларига эга бўлган шаҳарлар булар орасида айниқса ажралиб турарди. Германиянинг Любек, Гамбург, Бремен ва бошқа шаҳарлари ана шу Немис ганзаси составига кирар эди. XIII—XV асрлар даврида Ганза (жамм бўлиб бунга 80 га яқин шаҳар кирган эди) Европанинг шимоли-шарқи билан, Скандинавия, Польша ва Россия билан кенг савдо-сотиқ олиб борарди. Ганза билан интенсив равишда савдо-сотиқ олиб борган шаҳарлар орасида йирик рус шаҳри Улуғ Новгород бор эди. Бошқа рус шаҳарларидан Псков, Смоленск ва Полоцк Ганза билан савдо-сотиқ муносабатларида бўлган эдилар. Шимолий ва Шарқий Европада олиб кетиладиган ўрмон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (галла, балиқ, асал, каноп лоси, ёғоч, смола, арава мойи, мўйна ва бошқалар) эвазига ганзаликлар Ғарбий Европа ҳунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни (Фландрия ва инглиз мовутлари, немисларнинг металл буюмлари, француз винолари ва ҳ. к.), шунингдек, қисман Левантдан келтириладиган товарларни (дориворлар, жанубнинг қуруқ мевалари, шарқнинг зеб-зийнат буюмлари ва бошқаларни) бу ерларга олиб келардилар. Шимолий (Болтиқ бўйи-немис) ва жанубий (Ўрта денгиздаги) савдо марказлари, асосан, сув (дарё) йўллари орқали бир-бирлари билан алоқа қилардилар. Германияда Рейн ва Эльба, Францияда Сена ва Рона асосий дарё йўллари ҳисобланар эди. Альп тоғлари орқали ўтган Сен-Бернар, Сен-Готард ва Бреннер сингари бир қанча довоңлар қуруқликдаги муҳим савдо-сотиқ йўллари ролин ўйнади.

XIII асрда ва XIV асрнинг биринчи ярмида Европадаги турли мамлакатларнинг товарлари келиб йиғиладиган энг гавжум савдо жойи—Шампань ярмаркаси эди. Ярмаркалар бир-бировидан унча йироқ бўлмаган Шампаннинг тўртта шаҳарида (Труа, Бар, Бри ва Ланьи) бўлиб, ҳақиқатда бутун йил бўйи савдо давом қиларди. Шампань ярмаркалари ўрта асрдаги вақт-вақти билан бўладиган савдодан («ярмарка» сўзининг асл маъноси; «йилда бир марта бўладиган савдо» демакдир) янги замон савдоси учун характерли бўлган доимий, мунтазам, кундалик савдо оборотига кўчиш формаси эди.

Ўз йиллик уруш муносабати билан XIV асрнинг иккинчи ярмида Шампань ярмаркалари ўз аҳамиятини йўқотди. Уларнинг ўрнига Лион шаҳри қад кўтариб, унинг ярмаркалари ҳам кенг халқаро аҳамиятга эга бўлди. Кейинроқ, XV—XVI асрларда, Женева шаҳри ва унинг машҳур ярмаркаси йирик халқаро савдо маркази ўрнини эгаллади.

Германияда Франкфурт-Майн шаҳридаги баҳорги ва кузги

ярмаркалар ҳамда Лейпциг шаҳридаги ярмарка (1165 йилдан буён давом этиб келади) халқаро ярмаркалар сифатида ажралиб чиқди.

Банкларнинг вужудга келиши. Халқаро савдо ривожланиши муносабати билан Ғарбий Европада мунтазам пул операцияларини олиб борувчи алоҳида муассасалар сифатида банклар ҳам пайдо бўла бошлади. Банк ишининг ривожланишида сарроф (пул майдаловчи)лик касби катта роль ўйнади. Ҳар қандай ярмаркада ёки катта бозорда сарроф одатда зарур шахс бўлиб ҳисобланарди. У ўрта асрлар даврида фақат короллар томонидангина эмас, балки йирик феодаллар томонидан ҳам зарб этилган танга-чақаларнинг, одатда, сохтами ёки сохта эмаслигини, яъни танга-чақанинг сифатини аниқлаб берарди. Танга-чақаларни махсус тарозчада тортиб кўриш йўли билангина унинг ҳақиқий қийматини аниқлаш мумкин эди. Саррофлар пулларни айирбошлар ва уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчирар эдилар, савдогарларнинг бекор ётган маблағларини омонатга олар ва, ниҳоят, ўзларининг хусусий пул запасларидан савдогарларга (кредит) қарз бериб турардилар. Дастлабки банкирлар кўпроқ итальянлардан чиққан эди. «Банк», «кредит», «ломбард», «банкротлик» деган сўзлар асли итальянча бўлиб, кейинчалик улар умумевропа аҳамиятига эга бўлди. Флоренцияда папа куриясининг даромадлари ўсиб бориши муносабати билан банк иши ривож топди. Папалар Европанинг турли мамлакатларидаги руҳонийлардан ўзларига қарашли даромадларни йиғишни Флоренция банкирларига топширар эдилар, бунинг эвазига банкирлар папа хазинасига олдиндан катта-катта суммаларни олиб келиб топширишлари лозим эди. Итальянлардан ташқари, ўрта асрлар даврида судхўр-банкирлар сифатида яҳудийлар катта роль ўйнайдилар, яҳудийлар, одатда короллар ва феодалларга қарзга пул бериб турар эдилар. Ўрта асрлар даврида пул қарз бериш шартлари ҳали жуда ибтидоий даражада эди. Қарз пул ғоят юқори процентлар билан бериларди-ю, лекин кредитор (қарз берувчи)нинг ўз капиталини яна қайтариб олишига сира кўзи етмасди. Феодаллар ва ҳатто короллар ҳам қарз олган пулларни тўлашдан аксарият бош тортар эдилар. Бу ҳол кўпинча йирик банкирлар хонадонларининг синишига сабаб бўлган эди.

Шаҳарлар ривожининг қишлоқдаги ижтимоий ҳаётга кўрсатган таъсири. Ўрта асрлардаги шаҳар қанча кўп ривожланса, у феодал қишлоғига шунча кўп таъсир кўрсатди. Кўп поместьелар бозор оборотига тортила бошлади. Масалан, XIII ва XIV асрлардаги инглиз манорлари (феодал вотчиналари) Лондонга ва Европа қитъасига жун, ғалла, қорамол ва бошқа товарларни кўплаб жўнатиб, кенг савдо ишлари олиб бордилар. Ганза савдоси Шимолий ва Болтиқ денгизлари районидаги турли мамлакатларда поместьелар етказган маҳсулотни ўз савдо оборотига тортган эди. Бой узумзорлар эгаси бўлган Бургундия монастир-

лари кўпинча узоқ юртларга экспорт қилинадиган ажойиб ви-
нолар пиширар эдилар. Деҳқонлар ҳам маҳаллий бозор билан
тобора кўпроқ алоқа қиладиган бўлдилар. Шулар натижасида
қишлоқдаги натурал хўжалик ўрнини пул хўжалигига бўшатиб
бера бошлади. Бу ҳол натурал мажбуриятларни (баршчинада
ишлаш ва маҳсулот билан оброк тўлашни) пул рентаси билан
алмаштиришга ва деҳқонларни шахсий крепостной қарамлик-
дан аста-секин озод қилишга олиб келди.

XIII—XIV асрларда иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган
Европа мамлакатларида — Италияда, Францияда, Англияда,
Нидерландияда ва Ғарбий Германияда деҳқонларни крепостной
қарамликдан озод қилиш жуда тезлашди, аммо, шунга қарамай
бу номи айтиб ўтилган мамлакатларда бу жараён ҳамма ерда
ҳам бир хилда жадаллик билан боргани йўқ. Маҳсулотларни
бозорга чиқариб сотиш истиқболига муккаси билан кетган фео-
даллар, баъзан ҳатто баршчинани кучайтирмоқчи ҳам бўлдилар.
Лекин бундай «феодал реакцияси» одатда деҳқонларнинг қар-
шилигига дуч келарди, бу қаршилиқ эса баъзан йирик қўзғолон-
ларга айланиб кетарди, бу ҳол феодалларни батамом пул рен-
тасига ўтишлик учун розилик беришга мажбур этди.

Иккинчи томондан, пул хўжалиги ривожланиши натижасида
деҳқонларнинг ўзларини ичида кескин мулкый табақаланиш бош-
ланди. Деҳқонлар орасидан батракларни эксплуатация қиладиган,
гон, судхўрлик билан шуғулланадиган, помещчиклардан ёки
бошқа деҳқонлардан катта-катта ерларни ижарага оладиган
бақувват, бой хўжаликлар ажралиб чиқа бошлади. Қишлоқнинг
бошқа қисмида кўп сонли кам ерли деҳқонлар майдонга кел-
ди. Помещчиклар ва бой деҳқонлар бу кам ерли деҳқонлар
орасидан ўзларига қишлоқ хўжалик ишчиларини териб олар
эдилар.

Феодализм емирилиши шароитида ўрта ҳол ва энг камбағал
деҳқонлар аҳволининг ёмонлашуви деҳқонларнинг йирик қўз-
ғолонларига — XIV—XVI асрларда Европанинг турли мамла-
катларини бирин-кетин титратган деҳқонлар урушларига олиб
келди.

XVIII БОБ

XI—XV АСРЛАРДА ФРАНЦИЯ

Ғарбий Европада сиёсий марказлашишнинг бошланиши.
XI асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан шаҳарларнинг ва товар-
пул хўжалигининг ривожланиши заминида Ғарбий Европада
сиёсий марказлашиш жараёни бошланди. Парчаланиб кетган дав-
латларни бирлаштириш, король ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва
кучайтириш жараёни юзага келди. «Тенглар ўртасида биринчи-
си»гина бўлган королликдан иборат шаклсиз феодал монархияси

аста-секин, анча марказлашган ва тартибга тушган тоифавий монархияга айланиб, XV—XVI асрларда эса мутлақ монархияга ўтди.

Ф. Энгельс ўрта асрлардаги король ҳокимиятининг аҳамияти тўғрисида бундай деб ёзган эди: «у тартибсизликдаги тартиб вакили эди, исёнчи вассал давлатларга бўлинишга қарама-қарши ўлароқ, таркиб топаётган миллатнинг вакили эди»¹. Король ҳокимияти феодализм пардаси остида ташкил топган барча революцион элементларга мойил бўлганидек, бу революцион элементлар ҳам король ҳокимиятига худди шундай мойил эди. Феодал тарқоқликни бартараф қилиш зарурий ва тарихан прогрессив вазифа эди.

Ғарбий Европанинг иккита мамлакатида — Англияда ва Францияда марказлашган давлатлар жуда тез таркиб топди. Бу мамлакатларда сиёсий марказлашиш жараёни, асосан XIII—XV асрлардаёқ тугалланди.

Францияда ҳам, Англияда ҳам бирлашиш жараёнига қулайлик туғдирган тарихий шарт-шароит, аввало, ҳар иккала мамлакатдаги саноат, савдо-сотиқ соҳасида, шаҳарлар ва ички бозорнинг ташкил топишида иқтисодий ривожланишнинг жадаллик билан бориши бўлди. Мамлакатнинг турли районлари билан боғланган йирик шаҳарларнинг, жумладан, Париж ва Лондон шаҳарларининг эртароқ вужудга келиши сиёсий жиҳатдан марказлашишни айниқса енгиллаштирди. У ёки бу мамлакатда товар-пул муносабатларининг ривожланиши заминида кучли учинчи тоифа² — шаҳарликлар майдонга келди. Аҳолининг барча гуруҳлари орасида шаҳарликлар тарқоқ феодал монархиясини тепасида кучли король ҳокимияти турган, исёнчи феодалларни тартибга чақиришга ва мамлакатда мустақкам «короллик осойишталиги»ни таъминлашга қўрби етадиган марказлашган королликка айлантиришдан жуда манфаатдор эдилар.

Ф. Энгельс энг аввало Франциянинг тарихини назарда тутиб, у бундай деб ёзган эди: «Король ҳокимияти билан бюргерлар иттифоқи X асрдан бошланди; жанжал-низолар натижасида бу иттифоқ тез-тез бузилиб турди, бутун ўрта асрлар давомида ривожланиш узлуксиз бир йўналишда бормади, ахир; бу иттифоқ, ниҳоят король ҳокимиятининг батамом ғалаба қилишига ҳозирча ёрдам бераркан, у янгидан тикланиб, тобора мустақкамроқ ва тобора қудратлироқ бўлди, бунинг эвазига король ҳокимияти эса ўз иттифоқчисини қуллик асоратига туширди ва таллади»³.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 21- том, 411- бет.

² Ўрта асрлар даврида руҳонийлар — биринчи тоифа, дворянлар — иккинчи тоифа, шаҳарликлар ёки буржуазия — учинчи тоифа ҳисобланарди.

³ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 21- том, 411—412- бетлар.

ФРАНЦИЯНИНГ БИРЛАША БОШЛАШИ, ГЕНЕРАЛ ШТАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

XI—XIII асрларда Франциянинг иқтисодий тараққиёти. XI, XII ва XIII асрларнинг иккинчи ярмида Францияда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жуда тез ривожланганлиги кўрилди. Деҳқончилик анча ўсди. Ернинг бир қисми бир жуфт ҳўкиз қўшилган гилдираксиз энгил плуг билан, бошқа бир қисми икки ёки уч жуфт ҳўкиз қўшилган оғир плуг билан яхшилаб ҳайдалар эди. Бугдой, жавдар, сули, арпа ва бошқа бошоқли экинлар ҳосили кўпайиб, экилган уруғликка қараганда беш ва ҳатто олти ҳисса ортиқ ғалла йиғиб олинадиган бўлди. Боғдорчилик, полизчилик, узумчилик соҳасида катта ютуқларга эришилди. Шаҳарларнинг ўсиши билан озуқа маҳсулотлари — нон, гўшт, ёг, сабзавот ва бошқаларга, шунингдек, турли қишлоқ хўжалик хом ашёсига (жун, зигир, тери ва ҳоказоларга) бўлган талаб кўпайди. Товар муносабатлари француз қишлоғига кира бошлаб, уни маҳаллий шаҳарлар билан жуда яқиндан боғлади. Париж ўсиб бориши билан у фақат ўзига туташган округлардаги қишлоқлардагина эмас, балки анча узоқ округлардаги қишлоқлардан ҳам ўзини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни талаб қилди.

XI—XIII асрларда Франция шаҳарлари катта юксалишни бошидан кечирди. Жанубдаги шаҳарларнинг кўпчилиги, шу жумладан, кўпгина кўҳна Рим шаҳарлари, анча катта саноат марказларига айланибгина қолмай, балки улар Италия ва Яқин Шарқ (Левант) билан ҳам қизғин савдо-сотик олиб бордилар. Булар орасида Марсель, Тулуза, Монпелье, Нарбонна алоҳида ажралиб турарди. Айни замонда шимолда ва шимоли-шарқда Амьен, Суассон, Лан, Санлис, Бовэ, Руан, Реймс, Труа ва бошқа кўпгина шаҳарлар ўсиб чиқдилар ва саноатнинг муҳим марказларига айландилар. Бу шаҳарларда мовут ва каноп газламалари етиштириларди, мўйна ишланарди, темир, қалайи, кумуш, эмаль ва бошқалардан турли металл буюмлар тайёрланарди. Ривожланаётган шимоли-шарқ савдо-саноатининг гавжумлиги кўп сонли ярмаркаларда намоён бўлди. Шампаннинг турли шаҳарларида — Труада, Провенда, Брида, Ланьида ва бошқа жойларда деярли бутун йил бўйи савдо-сотик қилинар эди. Умуман, савдо оборотларининг миқёси ва ташқи савдода иштирок этиш жиҳатидан Франциянинг шимоли-шарқий вилоятлари жанубий шаҳарларга қараганда ҳали орқада эдилар. Аммо, иккинчи томондан, шимолдаги ҳунармандчилик ишлаб чиқариши жанубдагига нисбатан камроқ ривожланган эди. Шимоли-шарқнинг савдо-сотик муносабатлари қисман халқаро айирбошлаш (Германия, Нидерландия, Шимолий Италия билан савдо-сотик қилиш), қисман шимоли-шарқий вилоятлар ўртасидаги ички айирбошлаш характерига эга эди, шунинг ўзи билан Шимоли-Шарқий Франциянинг кенг ички бозорига асос солинди. Ана шу

ички бозор заминида келажакда умумфранцуз-миллий бозорни вужудга келиши лозим эди. Париж кўпроқ савдо ва саноат маркази аҳамиятига молик бўлиб, бунга фақат шимолий ва шимол-шарқий вилоятларгина эмас, балки шимоли-ғарбий ва ғарбий районлар ҳам яқинлаша бошладилар. Короллик пойтахтининг Сена, Марна ва Луара сингари буюк дарё ҳавзасида жойлашганлиги уни шаклланаётган миллий, иқтисодий, тил ва маданий алоқаларнинг табиий марказига айлантирди.

Биринчи Капетинларнинг идора қилиши. Биринчи Капетинлар ҳокимияти дастлаб тамомила заиф эди. X ва XI асрларда Франция Ғарбий Европанинг энг тарқоқ монархияларидан бири эди. Король бу ерда князь-феодаллардан бирининг, ҳаттоки кучли бўлмаган князь-феодалнинг оддийгина ўрнини эгалларди. Кўпгина қўшни йирик феодаллар, ҳар қайсиси ўз ҳолича королдан кучлироқ эди. Ва фақат феодалларнинг ўзаро рақиблиги, черковнинг, кейинроқ эса шаҳарларнинг Капетинларни қўллаб-қувватлаши, бу династия вакилларининг усталик қилиб, оҳиста сиёсат юргизиши биринчи пайтларда лоақал ўз уругининг короллик унвонини қўлдан чиқармай, балки уни наслдан-наслга мерос қилиб қолдириш имконини берди. Король ўзининг меросий доменда — Иль де Франс герцоглигида озми-кўпми хўжайин эди. Бу нисбатан камбар минтақа бўлиб, шимолдан жанубга қараб чўзилиб кетган ва аммо иккита каттагина шаҳарни — Париж билан Орлеанни ўз ичига олган эди, шу билан бирга, бу территорияга бошқа мулклар ҳам суқилиб кирган эди.

Король домени (юрти) территорияси Франциядаги икки муҳим дарёнинг, яъни Сена билан Луара дарёсининг ўрта оқим бўйларидаги ерларни ўз ичига олса-да, лекин бу дарёларнинг мансаблари, қуйи ва юқори оқимлари бўйларидаги жойлар бошқа феодалларга қарашли эди. Король доменини ҳалқа қилиб ўраб олган энг йирик феодал князлик мулклари қуйидагилар эди: шимолда — Фландрия графлиги, Нормандия герцоглиги, Бретань герцоглиги, ғарбда — Анжи графлиги ва Аквитания герцоглиги, жанубда — Овернь графлиги ва сўнгра Тулуза (Лагедок) графлиги, шарқда — Шампань графлиги ва Бургундия герцоглиги бор эди. Бу энг йирик герцоглик ва графликлардан ташқари, кичик миқёсда ўнлаб бошқа мустақил феодал ерлари ҳам бор эди. Ҳатто король ўзига қарашли доменда ҳам маҳаллий баронларга қарши қаттиқ кураш олиб борарди. Король Париждан Орлеанга борганида уни кўпдан-кўп қуролли мулозимлар албатта кузатиб боришлари керак эди. Ҳокимиятнинг отадан ўнгилга мерос қилиб қолдириш одатини сақламоқ учун Капетинлар X—XI асрлар даврида ва ҳатто XII асрнинг биринчи ярмида ҳам король валиаҳдига ўзи ҳаёт вақтидаёқ тож кийгиши урф-одатини бажарар эди. «Қари король» ёнида одатда, бошқа «ёш король» ҳам королликни бошқарар эди.

Король ҳокимиятининг кучая бошлаши. XII асрнинг биринчи ярмидагина Людовик XI ва Людовик XII хукмронлик қилган

даврда король ҳокимияти бир қадар юксала бошлади. Людовик VI Семиз (1108—1137) деярли бутун ўттиз йиллик ҳукмронлик даврини ўз домендаги баронларга қарши кураш билан ўтказиб, пироварди уларни ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Шимолий Францияда саноат шаҳарларининг гуриллаб ўсиши муҳим сиёсий натижаларга эга бўлди. Франциянинг бу қисмида юқорида кўрсатиб ўтилганидек, шаҳарлар коммунал¹ ҳуқуқини олиш учун зўр бериб ва қаттиқ ҳаракат қилдилар. Людовик VI бошда иккиланиб, шаҳар ҳаракатига нисбатан дарҳол қулай мавқеини эгалламади. Аммо Людовик VII даврида (1137—1180), айниқса ундан кейинги король — Филипп II Август давридаёқ короллик ҳокимияти шаҳарларнинг маҳаллий феодалларга қарши олиб борган курашида шу шаҳарларни қатъиян қўллаб-қувватлади.


Людовик VII даврида король сулолавий никоҳ йўли билан жануби-ғарбдаги жуда катта герцогликни — Аквитанияни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Аммо, тез орада король Элеонора Аквитанская билан қўйди-чиқди бўлгандан кейин бу катта сиёсий ютуқ пучга чиқди. Бунинг устига Элеонорага шошиб-пишиб ўйланиб олган инглиз короли Генрих II Плантагенет бу энг бой вилоятнинг эгаси бўлиб олди ва Капетингларнинг хавфли рақибига айланди. XII аср ўрталарида Франциянинг деярли бутун ғарби (айни замонда Анжу графлари бўлган) инглиз Плантагенетлари қўлига ўтди; Плантагенетлар мулкига Анжу, Бретань, Аквитания, Гасконь, Овернийнинг бир қисми, Турень, Пуату, Мен, шунингдек, Франциянинг шимолидаги Нормандия герцоглиги кирар эди. Француз мулкларига эга бўлган Плантагенетлар Франция королининг вассаллари ҳисобланардилар. Аммо бу вассалларнинг мулклари король доменидан бир неча марта каттароқ эди.

Людовик VII иккинчи салиб юришда қатнашди, лекин бу юриш унга кам фойда келтирди. Лекин король йўқ вақтида мамлакатни идора қилиб турган аббат Сугерий ҳам маҳаллий баронларга қарши муваффақиятли курашни давом эттирди.

Шаҳарларнинг феодалларга қарши олиб борган курашларида Сугерий ҳам бу шаҳарларни зўр бериб қўллаб-қувватлади. Ниҳоят, савдо божлари кўпайиб борганлиги туфайли, шунингдек, король ер-мулкларидан келадиган даромадларнинг ортиб бориши натижасида ўсиб борган короллик молия ишларини гоёат зўр қобилият эгаси бўлган Сугерий тартибга туширди.

Филипп II Август. Людовик VII нинг ўғли Филипп II Август (1180—1223) ўз ҳукмронлиги остида француз ерларини бирлаштириш сиёсатини изчиллик билан олиб бориб, бу ишда порлоқ ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Филипп короллик доменда жойлашган француз шаҳарларига ҳам, бошқа

¹ Коммуна ҳуқуқини олиш ҳаракати тўғрисида юқоридаги XVII бобга қаралсин.



XII аср — XIII аср охирида Франция

князь-феодалларга қарашли территориядаги шаҳарларга ҳам ҳомийлик кўрсатди. Филипп II ўзи ҳукмронлик қилган даврнинг бошларидаёқ шимолдаги Пикардияни ва Вермандуани короллик доминиға қўшиб олган эди. Унинг Плантагенетлар билан бундан кейинги олиб борган кураши катта ғалаба билан тамом

бўлди. XIII аср бошларида Филипп II француз мулкларининг кўпчилигини: Нормандия, Анжу, Мен, Турень, Пуатунинг бир қисми (1204—1214) ни Плантагенетлардан тортиб олди. Французларнинг инглиз короли Иоанн Ерскзни (1214 йил июлининг бошида Ларош О' Муан ёнидаги жангда) ва унинг иттифоқчилари — Фландрия графини ва герман феодалларини (Ўша 1214 йил июлининг охирида Бувин ёнидаги жангда) мағлубиятга учратган 1214 йил ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бувин ёнидаги иккинчи жангда — эркин француз коммуналаридаги ташкил топган шаҳар лашкарлари катта роль ўйнади, бу билан король ҳокимиятининг шаҳарлар билан тузган иттифоқи очик-ойдин намойиш қилинди.

Юқорида номи айтиб ўтилган мулклар қўлга киритилиши натижасида Филипп II Ла-Маншга ва Атлантика океанига бемалол чиқадиган бўлди; энг муҳим икки дарё — Сена билан Луара мансаблари эндиликда тамомила француз королига қарайдиган бўлди. Қисқа муддат ичида король домени территорияси бир неча марта кўпайди.

Филипп II даврида бошқа муҳим мулклар: король доменининг гарбидаги Блуа ва унинг жанубидаги Оверннинг бир қисми, Франциянинг энг жанубидаги Лангедокнинг шарқий қисми (Тулуза графлигига қарашли мулклардан тортиб олинган қисми) ҳам қўшиб олинди. Шарқий Лангедок¹ Филипп II короллигининг охиридаёқ қўшиб олинган эди. Бу маҳалда королнинг ўгли шаҳзода Людовик (бўлғуси Людовик VIII) папа Иннокентий III нинг даъвати билан, еретик альбигойларга қарши салиб юришида қатнашган эди.

Филипп II Августнинг маъмурий реформаси. Филипп II даврида король доменига кўп миқдорда ерлар қўшиб олиниши муносабати билан муҳим маъмурий реформа ўтказилди. Королликка қарашли барча мулклар балъяж деб аталувчи тенг маъмурий округларга бўлиниб, уларга короллик губернаторлари — балъялар бошлиқ қилиб қўйилди. Балъялар ўз функциялари жиҳатидан Буок Карлнинг графларини эслатардилар. Балъялар қарамонғида суд, солиқлар йиғиш, лашкарлар чақириш ишлари бўларди. Балъялар вақт-вақти билан королга ёзма ҳисобот бериб туришлари лозим эди. Балъялар одатда қисқа муддатга ва саройга яқин турган кишилардан тайинланиб, улар маҳаллий провинциал зодагонларга қавм-қариндош бўлам аслиги ёки бирор масалада улар билан яқин муносабат боғлам аслиги шарт эди. Филипп II даврида жами бўлиб 20 балъяж ташкил қилинган эди. Жанубда, Лангедокда балъялар ўрнига сенешаллар тайинланди. Сенешалларнинг балъялардан фарқи

¹ Лангедок — тор маънода Тулуза графлигига қарашли мулклар демакдир; кенг маънода Франциянинг бутун жанубини ўз ичига олиб, бунда яшовчилар шимолий париждиклар лаҳжасидан фарқ қилиб, алоҳида жанубий провансал лаҳжасида сўзлашар эдилар.

шунда эдики, сенешаллар маҳаллий дворянлар орасидан чиққан амалдорлар эди. Король ҳокимиятининг жанубдаги таъсири, табиий, шимол, ғарб ва хусусан короллик марказидагига қараганда заифроқ эди.

Людовик IX Авлиё ва унинг суд—маъмурий соҳадаги реформалари. Людовик VIII қисқа вақт короллик қилганидан кейин Филипп II нинг набираси, Шарққа қилинган сўнгги салиб юришларининг ташкилотчиси Людовик IX Авлиё Францияда узоқ вақт ҳукмронлик қилди. Людовик IX (1226—1270) тахтга чиққанида эндигина II ёшга тўлган бола эди. Янғидан қўшиб олинган ерларнинг феодал зодагонлари ва короллик тахтига соф вассаллик муносабатларини сақлаб қолган мустақил князь-феодаллар королликни яна парчалаб юбориш мақсадида ёш королдан фойдаланмоқчи бўлдилар. Бироқ Людовик IX нинг онаси, королева-регет Бланка Кастильская сарой билан алоқадор феодалларнинг бир қисмига, майда рицарлардан иборат короллик вассалларига ва шаҳарларнинг кўмагига таяниб, феодал зодагонлар исёнини бостирди. Вояга етган Людовик IX король ҳокимиятини янада мустаҳкамлаб, умуман буvasи Филипп II нинг программасини давом эттирди.

Людовик IX даврида Пуатунинг жанубий қисми ва Тулуза шаҳари билан Ғарбий Лангедок қўшиб олинди. Король 1259 йилда Англия билан Франция ўртасида тинчлик шартномаси тузди, бу шартнома Франция учун фойдали эди. Бу тинчлик шартномасига мувофиқ (бу Париж тинчлик шартномаси деб аталар эди) инглиз короли шимолда ва шимоли-ғарбда илгарироқ ўз қўлидан бой берган вилоятлардан — Нормандия, Анжу ва бошқалардан қатъий воз кечиб, ўз ихтиёрида фақат Аквитанияни, шунда ҳам француз королига вассаллик ҳуқуқи билангина сақлаб қолди. Аммо Людовик IX короллигидаги энг муҳим нарсa территориялар қўшиб олишгина эмас, балки маъмурий-суд ва молня реформаларидир.

Людовик IX даврида Францияни идора қилувчи марказий бошқарма ташкил топди. Короллик кенгаши ёки короллик курияси XIII асрда феодалларнинг съезидан марказий бюрократик муассасага айланиб, сўнг у бир қанча бошқарма (ведомство) ларга бўлиниб кетди. Кичик короллик кенгаши ёки «тор доирадаги кенгаш» ажралиб чиқиб, у королнинг ва унинг энг яқин амалдорларининг канцлер, коннетабель ва марказлаштириш сиёсатига тортилган, королга яқин турган оз сонли феодалларнинг доимий иш кўрувчи кенгашига айланди. Суд ишларини юргизувчи короллик куриясининг бошқа қисми алоҳида муассаса бўлиб қолди. Бу сўнгги муассаса Парламент (айнан: «суд маҳмадоналари» кенгаши) деган махсус ном олди. Ниҳоят, солиқлар йиғиш ва уларни ҳаракат қилиш ҳамда бошқа короллик даромадлари устидан қарайдиган алоҳида ҳисоблаш палатасп куриядан ажралиб чиқди.

Король амалдорларининг, айниқса суд бошқармасидаги

амалдорларнинг катта бир қисми университетларда «Рим ҳуқуқи»дан таълим олган шахслар бўлиб, кўпинча улар пастки табақадан чиққан, лекин баланд мартабага эришганликлари учун буткул королга хизмат қилишга тайёр турган ва унга содиқ кишилар эди. Одатда, уларни легиствлар (латинча lex— «қонун», «ҳуқуқ» сўзидан келиб чиққан) деб атадилар. Легиствлар кўп вақт шаҳарликлар орасидан чиқар эди. Король ҳокимиятининг шаҳарлар билан иттифоқи ана шу вақтда яна бир марта исботланди.

Король жанжалли масалалар чиққан пайтда уларни ҳал этиш учун фақат короллик судига мурожаат этишга феодалларни мажбур этиб, ўз доменида яккама-якка олишувларни ман этди. Жанжал чиққан кун билан уруш бошланиши ўртасида 40 кунлик муҳлат белгиланиб, шу орада кучсиз томон королни бу жанжалга аралаштира олсин деган муддаога хусусий уруш қилиш ҳуқуқи анча чеклаб қўйилди. Людовик IX нинг суд реформаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Король суди бутун короллик учун олий шикоят суди деб эълон қилинди, бу судга ҳатто короллик доменига ҳали қўшиб олинмаган территорияларнинг фуқароси ҳам шикоят билан мурожаат қила оларди. Баъзи суд ишлари (ўт қўйиш, сохта танга-чақа чиқариш, хотин-қизларни ўғирлаш ва ҳ. к.) албатта король судига кўрилиши керак эди.

Короллик молияси. Людовик IX танга-чақа зарб қилишда феодаллар билан рақобат қилди. У бошқа герцог ва графларнинг танга-чақа пул чиқариш ва уни амалда юргизишни бекор қилмадса ҳам, лекин короллик танга-чақа пулининг шу герцог ва графларнинг мулкларида ўзлариники билан баб-баравар юргизилишига монелик қилмасликка ўз вассалларини мажбур этди. Натижада энг салмоқли короллик танга-чақа пули одатда феодалларнинг ёмон сифатли пулларини сиқиб чиқарар эди. XIII аср ўрталарида король бюджети жуда ўсди. Савдо-сотиқдан, саноатдан ва короллик ер-мулкларидан (савдо-сотиқ, иқтисодий жиҳатдан ривожланган районлардаги) келадиган даромадларнинг тобора кўпайиб боришидан ташқари, Людовик IX хазинани бойитиш мақсадида феодалларнинг таъво ерларидан усталик билан фойдаланди. Людовик IX замонида йирик феодаллардан ундириладиган вассаллик тўлови юқори даражада ошди. Король ўз вассалларидан кўп даромад олгани сингари, шаҳар-коммуналардан ҳам ўшанчалик кўп даромад оларди. Француз черкови «инъом» сифатида королга катта-катта ақча тўларди. Людовик IX даврида бевосита король хазинасига келиб тушадиган солиб солиғи давлатнинг доимо олиб турадиган солиғи родини ўйнади.

Умуман Людовик IX даврида короллик даромадларининг ўсиши ўша замонда Франциянинг хўжалик жиҳатдан юксала борганлигини очикдан-очик кўрсатар эди. Пул хўжалигининг ривожлана бошлаши, шаҳарлар, саноат ва савдо-сотиқнинг ўсиши оқибатида мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан марказлашуви

халқ хўжалиги барча тармоқларининг тараққий қилишига ижобий таъсир этди.

Деҳқонлар ҳаракати. XIII асрда Францияда қишлоқнинг аҳволида кўзга кўринарли ўзгаришлар юз берди. Мамлакатда шаҳарларнинг ўсиши ва товар хўжалиги ривожлана бошлаш муносабати билан крепостной деҳқонларнинг бир қисми (сервлар) феодаллар томонидан пул оброгига кўчирилди. Бу масала салиб юришлари деҳқонларни озод қилишга биринчи сабабчи бўлиб, анча катта роль ўйнади. Салиб юришига кетаётиб ва бунда одатда пулга муҳтожлик сезган феодал ўз крепостнойларига пул тўлаб озодликка чиқишни ёки шу пул эвазига лоақал энг оғир крепостнойлик мажбуриятлардан қутулишни таклиф этар эди. **Натурал мажбуриятларни** ана шу тариқа пул билан айирбошлаш деҳқонларни шахсан озод бўлишига ёрдам қилди ва бу ҳол эса прогрессив характерга эга бўлди. Аммо XII асрда ва XIII асрнинг биринчи ярмида бу жараён Францияда ҳали старли даражада кенг тарқалмаган эди. Барщинада ишлатиладиган ва натурал оброк йиғиб оладиган крепостнойлик тузуми феодал эксплуатациясининг устун формаси бўлиб қолаверди. Иккинчи томондан, деҳқонлар товар-пул хўжалигига ҳали старли даражада тортилмаганликлари сабабли оброкни пул билан тўлашга ўтишнинг ўзи бу вақтда деҳқонларга оғирлик қиларди. Король хазинасига тўланадиган тўловлар ва жумладан, салиб юришлари билан алоқадор ноҳақ солиқлар (салиб юриши солиғини тўлаш, король Людовик IX ни асирликдан қутқазиш учун пул йиғиш ва ҳ. к.) деҳқонлар гарданига оғир юк бўлиб тушди.


XIII асрнинг ўрталарида француз қишлоғидаги деҳқонлар оммаси аҳволининг ёмонлаша бориши заминида кўплаб ҳар қанақанги маҳаллий жанжаллар ва деҳқонларнинг сеньорларга қарши чиқишлари юз бериб турди. Деҳқонларнинг бу чиқишлари баъзан анча кенг тус олиб, бутун-бутун вилоятларни ўз ичига олган оммавий ғалаёнларга айланиб кетарди. Франциянинг анчагина қисмига ёйилган бундай йирик қўзғолонлар жумласига 1251 йилда чўпонлар ҳаракати номи билан машҳур бўлган ҳаракат киради. Идеология жиҳатдан бу ҳаракат салиб юришлари билан алоқадор эди. Деҳқонлар орасида тарғибот олиб борилиб, уларнинг ўзларини салиб юришида, жумладан, король Людовик IX ни асирликдан қутқазишда қатнашишга даъват қилинарди. Деҳқонлар янги салиб юришининг ташкилотчиси сайёр ваъзгўй «венгриялик муаллим» Яков номли киши бўлиб, у ўзининг халққа қилган ваъзларида сеньорнинг «олдн халққа» кўрсатган адолатсизликлари ва зўравонликлари тўғрисидаги социал темаларга ҳам тўхталиб ўтарди. Кўп сонли деҳқонлар оломони Парижга тўпланиб, сўнгра у ердан жанубга томон йўл олади, сеньорларнинг йўлда учраган қўраларини поймол қилади ва улардаги мол-мулкни босиб олади. Қўзғолончиларни Орлеан ва Тур шаҳарларидаги камбағаллар қўлаб-қувватладилар. Қўзғолончиларнинг сопи тез ўсиб борди, баъзи бир воқеанавислар-

нинг айтишича, кўзғолончиларнинг сони 100 минг кишигача етган. Бироқ ёмон уюштирилган, ҳарбий ишда тажрибаси бўлмаган, охириги мақсаднинг нималигига тушуниб етмаган ва узоқ юришнинг маршрутини яхши билмаган деҳқонлар ўзлари қўлга киритган ютуқларни мустаҳкамлай олмадилар ва ҳаракат тезда барбод бўлди. Деҳқонларнинг айрим отрядлари йўлда озик-овқат ва бошқа қийинчиликларга дуч келиб, яна ўз юртларига қайтиб кетдилар. Кўзғолончиларнинг қолган отрядларини ҳукумат ва феодалларнинг шахсий ҳарбий кучлари тор-мор келтирдилар. Ҳаракат қатнашчиларининг кўплари қириб ташланди ёки қўлга туширилди, ҳаракат бошлиғи Яков Венгерскийнинг ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Филипп IV Чиройли ва унинг Бонифаций VIII билан тўқнашуви. Людовик IX нинг невараси Филипп IV Чиройли (1285—1314) Капетинглар династиясининг учинчи йирик вакили эди. Филипп IV ўз короллигининг бошларида бой Шампань графлигини, Испания билан чегарадош бўлган Наварра короллигини ва Франциянинг жануби-шарқидаги Лионэ (Лион вилояти билан Лион шаҳарини) ни короллик доменига қўшиб олди. Шундан кейин, Филипп IV короллик қилган даврининг бошидан то охиригача ўша замондаги Шимоли-Ғарбий Европанинг саноат ўлкаси ҳисобланган Фландрияни эгаллашга ҳаракат қилди. «Фландрия проблемаси» хуллас, батамом ҳал бўлмасдан қолди. Куртра ёнидаги жангда («штор жанги») Гент ва Брюгге ҳунармандлари билан Фландрия деҳқонлари 1302 йилда француз рицарларини қаттиқ мағлубиятга учратдилар. Бироқ, бу муваффақиятсизликларга қарамай, король қўшинлари 1305 йилда Лилла ёнидаги жангда фламандликларга зарба берганларидан сўнг, Ғарбий Фландриянинг бир қисми ва унинг бир қанча саноат шаҳарлари король доменига қўшиб олинди.

Филипп IV даврида «мустақил» вассал князликлар сони таъминла оз қолди. Фландрия графлигидан ташқари, фақат Бургундия, Бретань, Аквитания герцогликлари (Аквитания инглизлар қарамоғида эди) ва Бургундия графлиги (собик Бургундия короллигининг шимолий қисми) ҳали қўшиб олинмаган эди.

Фландрия уруши вақтида харажатларнинг гоятда кўпайиб кетганлиги, шунингдек, король саройида ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўйилганлиги туфайли XIV аср бошларида Филипп IV нинг молиявий ишлари таъминла издан чиқиб кетди. Король ҳар қандай йўллар билан даромадларини кўпайтирмоқчи бўлди. У шаҳарлардан пул қарз олиб, одатда уни қайтармасди; талончилик мақсадида яҳудийларни мамлакатдан ҳайдаб юбориб, ноҳақ солиқлар олиб бўлганидан сўнг яна уларни мамлакатга киргизарди; у танга-чақани бузиб, бунинг оқибатида француз савдосини издан чиқариб юборди, королликка қарашли ер-мулклардаги деҳқонларни катта ҳақ тўлаш эвазига озодликка чиқишга мажбур этар эдилар. Королнинг солиқ йиғувчилари қўшиб олинган вилоятларнинг ҳаммасида изғиб юрганлари учун



ХIII аср охири ХIV аср бошларида Франция

кенг аҳоли оммаси уларни жуда ёмон кўрар эди. Ниҳоят, Филипп IV қудратли католик черкови манфаатларига жиддий путур етказди, бунгача католик черкови солиқ тарзида эмас, балки ўзига хос «инъом» ёки «ёрдам» тариқасида королга маълум миқдорда пул тўлаб келарди. Эндилликда Филипп IV руҳонийларнинг ҳам мунтазам суратда солиқлар тўлашларини талаб этди.

Королга папа Бонифаций VIII (1294—1303) кескин қарши чиқди. Бонифаций VIII Григорий VII ва Иннокентий III лар сингари, теократик идеяларга жуда қаттиқ берилган одам эди. Руҳонийларнинг королга бирор-бир солиқ тўлашини папа маъ этди ва бундан ташқари, граф Фландрийский Филипп IV устидан папага шикоят қилганлиги учун папа Фландрияга қарши урушни тўхтатишни королдан талаб қилди. Папанинг аралашувига жавобан, Филипп IV 1302 йилда уч тоифанинг — руҳонийлар, дворянлар ва шаҳарликларнинг вакилларини чақириб уларга король билан папа ўртасидаги жанжални муҳокама қилишни таклиф этди. Генерал штатлар¹ (бу йиғилиш ана шундай деб аталган эди) папанинг Франциянинг ички ишларига аралашуш ҳақидаги даъвосини (француз руҳонийлари ҳам шунга кирган эди) қоралаб чиқди.

Жамоатчилик кўмагига таянган Филипп IV, папаликка қарши зўравонлик тадбирларини қўллашга ўтди.

Папанинг Францияга юборган легати (вакили), король буйруғига мувофиқ қамоққа олинди. Римнинг ўзидаги тўс-тўполонлардан фойдаланган Филипп IV Римга ўз агенти Ногарешни юборди, Ногаре папа билан адоватлашиб юрган Рим баронлари гуруҳини кучайтирди. Бонифаций VIII Римдан кетиб Анапидидаги ўз хонадопининг қасрига борганида, Ногаре қуроли отряди билан бу қасрга кириб олди. Ҳақиқатда папа бир қанча вақт қамоққа тушиб қолди. Бу воқеалардан кейин, орадан сал ўтар-ўтмас, кексайиб қолган Бонифаций VIII вафот этди. Папанинг ўлиmidан кейин, Филипп IV нинг тазъийқи остида Климент V номини қабул қилган бордолик (француз) архиепископ папаликка сайланди. Климент V Римда истиқомат қилишни хоҳламади, у Римда янги қўзғолонлар чиқишидан хавфсирарди, шу сабабли у ўз резиденциясини Францияга кўчирди. Дастлаб у Лионда ўрнашди, кейин Авиньон шаҳарига кўчиб келди, бу ерда папалар деярли 70 йил давомида (1309—1378) истиқомат қилишди.

Шундай қилиб, илгариги вақтларда феодал короллари ва императорларини осонликча енгиб келган папалар бу сафар миллий элементларга таянган ва миллий сиёсатни ўтказган француз короли билан курашда тамомила муваффақиятсизликка учрадилар.

Филипп IV нинг қистови билан 1309 йилда бой Тамплиерлар ордени тугатилди, король бу ордендан жуда катта пул қарз олган эди. Еретикликда айбланган орден француз ҳукуматининг тазъийқи билан суд жавобгарлигига тортилди. Юзлаб рицарлар-монахлар гулханларда куйдирилди, барча ер-мулклар, кўпдан-

¹ «Генерал штатлар» деган ном — «ялли тоифалар» (Etats Généraux) ча Etats сўзи немисча Staat сўзига ўхшаш) иккита маънога, яъни «тоифа» ва «давлат» маъноларига эга; бу ерда биринчи маънода ишлатилади. Рус тилида Генерал штатларнинг бошқача маъноси ҳам бор. Давлат мансаблари, бунда «мансаб» сўзи «тоифа»ни ҳам билдиради.

кўп уйлар ва жуда кўп пул маблаглари тортиб олиниб, король хазинасига топширилди.

Генерал штатлар. Королнинг папа билан қилган можароси муносабати билан биринчи марта чақирилган Генерал штатлар, кейин Филипп IV даврида 1308 ва 1313—1314 йилларда йиғилди. Доимо молиявий қийинчиликларни бошидан кечирган Филипп IV, ҳар сафар янги солиқлар учун розилик беришни штатларга таклиф қиларди. Янги солиқларни тасдиқлаш функцияси XIV асрнинг биринчи ярмида Филипп IV нинг ворислари даврида Генерал штатларнинг бундан кейинги фаолияти учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Генерал штатлар тузилиши натижасида Франциянинг давлат тараққиёти олға қараб бир қадам ташлади, чунки королни аҳолининг кенг ва энг нуфузли табақалари билан боғловчи янги муҳим орган пайдо бўлди. Генерал штатларга бой шаҳарликлардан вакиллар тортилиши айниқса муҳим эди. Бу нарса шаҳарларнинг сиёсий таъсири ўсиб борганлигини кўрсатар эди. Генерал штатлар эндиликда бутун мамлакат миқёсида король ҳокимиятининг шаҳарлар билан тузган иттифоқининг янги формаси эди. Король учинчи тоифага таяниб, ўз молия ишларини мустақамлай олди ва қайсар феодалларни яна кўпроқ чеклаб қўйди. Дастлабки тарқоқ феодал монархияси ўз ўрнини марказлашган тоифавий монархияга бўшатиб берди, бу монархияни бошқаришда мамлакатдаги учта расмий тоифа вакилларининг мажлиси, шу жумладан, янгидан шаклланиб келаётган синф — буржуазия вакиллари ҳам иштирок қилди.

ЮЗ ЙИЛЛИК УРУШ ВА ФРАНЦИЯНИ СИЁСИЙ ЖИҲАТДАН БИРЛАШТИРИШНИНГ ТУГАЛЛАНИШИ


Валуанинг идора қила бошлаши. 1328 йилда Капетингларнинг катта авлоди тугади. Филипп IV вафот этгандан кейин унинг бирин-кетин короллик қилган уч ўғли қазо қилиб, улардан эркак зурриёти қолмади. Феодаллар короллик тахтига Капетинглар кичик авлодининг вакили бўлмиш Филипп VI Валуани (1328—1350) сайлаб қўйдилар. Валуа короллиги даврида, 1349 йилда, Франциянинг жануби-шарқида муҳим Дофинэ вилояти (собиқ Арелат короллигининг бир қисми) қўшиб олинди. Чунки Дофинэ ворис валиаҳдининг удели бўлиб қолди, ана шу замондан эътиборан тахт вориси одада дофиник валиаҳд деб аталадиган бўлди. Янги династия, умуман олганда Францияни бирлаштириш ва король ҳокимиятини мустақамлашни амалга ошириб, ўзидан бурун ўтган аждодлар сиёсатини давом эттирди. Аммо Франция билан Англия ўртасида бошланиб кетган юз йиллик уруш муносабати билан Валуанинг вазифалари гоят мушуқлашди.

Юз йиллик урушнинг бошланиши. Француз феодалларининг мағлубияти. 1337 йилдан 1453 йилгача гоҳ тўхтаб, гоҳ давом этган Юз йиллик уруш икки қўшни феодал давлатнинг тўқна-

шуви бўлиб, уларнинг ҳар бири бу вақтга келиб сиёсий жиҳатдан анча-мунча марказлаб олган ва катта моддий маблағларини қўлга киритган эди. Инглиз феодаллари билан француз феодаллари ўртасида континентдаги мулклар учун чиққан азалги территория можаролари урушнинг чиқишига асосий сабаб бўлган эди. Инглиз феодаллари Нормандия билан Анжунинг қўлдани кетганини сира-сира унутолмадилар. Француз короллари ҳали инглизлар қўлида қолиб келаётган Аквитаниядаги мулкларини узил-кесил тугатишга ҳаракат қилардилар. Аммо Аквитания Англия учун иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эди. Аквитаниядан қимматбаҳо вино, мева, зотдор отларни Англияга олиб кетиларди. Аквитанияда инглиз феодалларининг кўпдан-кўп ер-мулклари бор эди. Инглизлар бу ерда энг катта маъмурий ва судьялик лавозимларини эгаллаб, катта-катта даромадлар олардилар. Фландрия масаласида ҳам Англия билан Франция ўртасида низо чиқди. Филипп IV бу кичик, лекин саноат жиҳатдан бой ўлкани эгаллаш учун бутун куч-қувватини сарфлаган эди. Аммо у Фландрия шаҳарларининг бир қисминигина қўлга киритишга муваффақ бўлган эди. Филипп VI Фландрия коммуналари билан курашда Фландрия графига ёрдам берди ва шунинг ўзи билан бу ўлгага ўз таъсирини кучайтирди. Лекин инглиз савдоси манфаатлари Фландрия билан жуда яқиндан боғланган эди. Фландрия саноатининг ўзи инглиз жунисиз иш кўролмасди. Фландрия масаласи Англия билан Францияни Юз йиллик урушга олиб келган бошқа бир муҳим сабаб дейиш мумкин.

Филипп IV га хотин томондан набира бўлмиш инглиз короли Эдуард III нинг француз тахтига қилган даъвоси уруш чиқишига баҳона бўлди. Лекин Францияда ворисликни бошқача принципларга ўрнатилган эди. Француз юристлари, хотин томондан авлод бўлган одамлар короллик тахтига ўтиролмайди, дейишди. Шуниси қизиқки, бунда улар ерга хотинлар ворислигини ман этган «Сали ҳақиқати» ни далил қилиб келтирдилар.

Юз йиллик урушда жанг ҳаракатлари жуда секинлик билан борди. Уруш расмий суратда 1337 йилда бошланди. Фландрия ва у билан қўшни Брабант Англия томонига ўтдилар. Фландрия графи француз короли томонга қочиб ўтди. Аммо фақат 1340 йилга келиб инглизлар қатъий ҳаракатлар бошлаб, французларнинг Слейс (Шельда дарёсининг мансабига яқин жойда) ёнида турган флотини йўқ қилдилар. Денгизда қозонилган бу ғалаба инглиз флотини денгизда ҳукмрон қилиб қўйди. Лекин инглизлар билан французлар қуруқликда тўқнаш келгунларигача орада яна бир неча йиллар ўтди. Бу тўқнашув Шимоли-Шарқий Франциянинг Креснга яқин жойида Фландрия чегарасидаги 1346 йилда бўлган жанг эди. Француз феодаллари катта талафот кўрдилар. Эдуард III бошчилигидаги инглиз қўшинлари тўла ғалабага эришдилар. Французларнинг енгилишининг асосий сабаби француз рицарларининг умумий сафда туриб жанг қилишга қобилият-



Юз йиллик уруш (1337—1453)

сизлиги эди. Инглиз қўшинлари орасида ажойиб ўқ-ёй отувчиларнинг бўлиши уларнинг қўлини баланд қилди. Инглиз камончилари юқори табақа деҳқонлар орасидан (йоменлардан)¹ танлаб олинган ёлланма қўшин ҳисобланарди. Йоменлар 350 қадам масофадан туриб огир камонлардан мўлжалга аниқ урардилар.

¹ XIV асрда Англияда йомен деб, эркин деҳқон-фригольдерларни айтиларди.

Йоменлар сабот ва матонат билан, шунингдек, ўзларининг ҳарбий маҳорати билан, рицарларнинг оғир қурол-яроғларини ва уларнинг якка-якка бўлиб кўрсатган жасоратини пучга чиқардилар. Ундан кейинги 1347 йилда Эдуард III Кале портини босиб олди, бу порт узоқ вақтгача инглизларнинг қуруқликдаги ҳукмронлигининг таянч манзилига айланди.

Юз йиллик урушда иккинчи йирик жанг 1356 йилда Пуатьега яқин жойда бўлиб ўтди. Инглиз қўшинлари бу сафар Франциянинг шимолига эмас, балки ғарбига келтириб туширилди. Француз феодаллари кўп сонли рицарь отлиқлар ёрдамида инглизларни мажақлаб ташлаш умидида эдилар. Бироқ инглизлар яна ғолиб чиқдилар. Инглиз томонининг бош қўмондони Эдуард III нинг ўғли — Эдуард «Қора шаҳзода» бўлиб, у ўз қўшинини Пуатьега яқин жойдаги тепаликка ўрнаштирди, француз рицарлари эса бу жойда етарлича кенг ҳаракат қилолмадилар. Душман билан жанг вақтида инглизлар кўп француз феодалларини, шунингдек, рицарларни ҳам асир қилиб олдилар. Француз короли Иоанн (Жан) Раҳмдилнинг ўзи ҳам асир қилиб олинди (Иоанн Раҳмдил вафот этган Филипп VI нинг ўрнига 1350 йилда король бўлган эди). Бу ғалаба оқибатида Ғарбий ва Шимолий Франциянинг катта бир территориясини инглизлар оккупация қилди. Гиень ва Гаскондан ташқари (XIV асрда Аквитания ана шу икки вилоятга бўлинган эди), инглизлар Пуатьени, Оверининг анчагина қисмини ва бошқа француз ерларини босиб олдилар. Инглиз отрядлари Франциянинг шимолини талаб, деярли Парижгача бориб етдилар. Урушдаги мағлубият Францияда синфий зиддиятларни кескинлаштириб мамлакатда жиддий сиёсий тангликни келтириб чиқарди. Бу пайтда француз Генерал штатлари сиёсий жиҳатдан катта роль ўйнади.

1356—1357 йилларда Генерал штатлар. 1358 йилги Париж кўзғолони. Король асир қилиб олинганлиги сабабли королликни бошқариш вақтинча дофин Карл (Шарль) га ва унинг феодал маслаҳатчилари қўлига ўтди. Ҳукуматнинг аҳволи жуда оғир эди. Хазинада пул қолмади. Ҳарбий кучлар орасида тартиб-интизом йўқ эди. Инглизларнинг Парижга ҳужум қилиш хавфи бор эди. Марказий бошқармаларда порахўрлик, ўғирлик, тартибсизлик ҳукм сурарди. Дофин 1356 йил кузида Генерал штатларни чақиришга мажбур бўлди. 1356 йилги Генерал штатлар одатдан ташқари бир тус олди. Унга фавқулодда кўп депутат тўпланди. Шу билан бирга 800 кишидан иборат бўлган депутатларнинг ярми учинчи тонфа вакиллари эди. Учинчи тонфа вакиллари ғоят активлик кўрсатиб, ҳукумат юргизаётган сиёсатни кескин танқид қилдилар. Демократик кайфиятдаги Лан епископи Лекок ва Париждаги мовут тўқувчилар цехининг оқсоқоли Этьен Марсель оппозицияга бошчилик қилдилар. Генерал штатлар кўп олий амалдорларни алмаштиришни, сарой харажатларини қисқартиришни ва Генерал штатларга солиқлар тайинлаш ҳуқуқигина эмас, балки уларни йиғиш ва харажат қилиш ҳуқуқи ҳам берилишини

дофиндан талаб қилди. Сўнгра, бундан кейин мухтазам суратда (йилда уч марта) Генерал штатларни чақириб туришни талаб этди. Уруш масаласида Генерал штатлар уни давом эттириш тарафдори бўлиб, фақат штатларнинг розилигини олгандак кейингига душман билан сулҳ шартномаси тузишни талаб қилди. Генерал штатларнинг бу барча талаблари 1357 йилги Буюк март ордонанси номи билан расмий суратда қонулаштирилди. Дофин 1357 йил 3 мартда бу қонунга имзо чекиди.

Учинчи тоифанинг «ўзбошимчалиги»дан ғазабланган сарой феодаллари Этьен Марсель ва ҳаракатнинг бошқа раҳбарларига нисбатан жазо чоралари қўллашни қаттиқ талаб этдилар. Дофин ўзи имзо қилган март ордонансини бажаришга рўйхуш бермади. Шундан кейин 1358 йилнинг 22 февралда Парижда қўзғолоң кўтарилди, бу қўзғолоңни Марсель тарафдорлари тайёрлаган эди. Парижнинг 3 мингга яқин ҳунармандлари ва халқлари Король майдонига тўпландилар ва король саройига бостириб кирдилар. Дофиннинг бош маслаҳатчиларидан иккитаси ўлдирилди. Шундан кейин Марселнинг ўзи шаҳзоданинг — «бош маслаҳатчиси» бўлиб олди. Аммо Марселнинг васийлиги малол келган дофин, тез орада, Париждан қочиб улгурди. У Компьен шаҳрини (Парижнинг шимоли-шарқда, Уза дарёси бўйида) ўзига резиденция қилиб танлади ва бу ерда феодалларни ҳамда Генерал штатлардаги учинчи тоифага мансуб энг муътадил депутатларни ўз теварагига тўплай бошлади. Худди шу вақтда, 1358 йил баҳорида, Парижнинг шимолидаги районда деҳқонларнинг катта қўзғолоңи тайёрланар эди. Бу қўзғолоң Жакерия қўзғолоңи деган ном олди.

Жакерия. XIII аср ўрталаридаёқ Францияда деҳқонлар норозилиги юз берганлиги юқорнда айтиб ўтилган эди. Крепостной деҳқонларнинг ўнлаб айрим маҳаллий чиқишлари XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV асрнинг биринчи ярмидаги хроникаларда рўйхатга олинган. Кенг деҳқонлар ҳаракатининг асосий сабаби (бу нарса фақат Франция учунгина эмас, балки бундан кейин ҳам маълум бўлишича, XIII—XIV асрлардаги Европанинг бошқа барча мамлакатлари учун ҳам характерли эди) феодал системасининг емирилиши, феодал-крепостнойлик эксплуатациясининг эски формаларидан товар-пул муносабатларига асосланган, деҳқонлар оммаси учун янада оғирроқ бўлган унинг янги, ихчамроқ формаларига ўтилиши бўлди.

Деҳқон-сервларнинг шахсий крепостной қарамликдан озод этилиши ва уларнинг «янги вилланлар»га айланрилиши Францияда XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср бошларида зўр бериб давом этди. Король Людовик X короллик ер-мулкларидagi деҳқонларни ҳақ тўлаш шarti билан озодликка чиқариш тўғрисида 1315 йилда фармон чиқарди. Король ўз фармонида бошқа катта ер эгалари ҳам мендан ибрат оладилар, деб умид қилган эди. Сервларни озод этиш тобора кенг миқёсда давом этди. Янги «эркин вилланлар» (ҳақ тўлаб шахсий озодликка чиққан

собиқ сервлар ана шундай деб аталарди) француз қишлоқларида тез-тез учрайдиган бўлди. Сервларга яқин турган «эски вилланлар» ҳам мажбурият ўташдан ҳақ тўлаб қутулдилар. «Янги» ва «эски» вилланлар муайян пул оброклари (чинши) тўлаш шарти билан воровсий заминдорларга айландилар. Бироқ «халос бўлиш» француз деҳқони гарданига оғир юк бўлиб тушди. Озодликка чиқиш учун тўланадиган ҳақнинг ғоят даражада юқори бўлиши «озод бўлган» деҳқонни судхўрлар сиртмоғига туширди. Айни замонда сеньорлар, аввалгидек, деҳқонларни суд қиладиган сеньорлик судини сақлаб қолдилар, шунингдек, бир қанча натурал йиғинлар ундиришни ва шу жумладан, кичик баршчинада ишлатишни давом эттирдилар. Буларнинг ҳаммаси деҳқон хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қиларди, деҳқонни мустақил эркин майда товар ишлаб чиқарувчига айлантиришни тўхтатиб турарди.

1349 йилда Францияга ўлат касаллиги («қора ўлим») тарқалиб, шимолий француз қишлоғига анча катта зиён-заҳмат етказди. Ниҳоят, Юз йиллик уруш, бу уруш орқасида давлат томонидан катта-катта солиқлар солиниши ва четдан келганлар, яъни инглизлар томонидан ҳам, ватандошлар — француз феодаллари томонидан ҳам қишлоқларни беармон пайҳон қилиниши сабабли француз қишлоқларининг ғоят даражада тинка-мадори қуриди. Ҳеч қандай ҳокимиятни тан олмасдан, капандўзлик (мародёрлик) қилган ҳарбий отрядлар, яъни бригадалар деҳқонларга айниқса катта зиён етказдилар. Бригандалар француз қишлоқларини бемалол таладилар, деҳқонларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва мол-мулкларини тортиб олдилар, мол-қолларини босиб олдилар, деҳқон хўжалигини тамомилан издан чиқардилар, деҳқонларнинг ўзлари эса таловчилардан ўрмонларга қочиб, бекиниб юришга мажбур бўлдилар. Маҳаллий сеньорлар бригадаларга қарши курашишда деҳқонларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмадилар. Ҳатто бригадаларнинг «капитанлари» билан тил бириктириб, талаб олинган ўлжаларни бўлишда иштирок этган сеньорлар ҳам йўқ эмас эди.

1358 йилда Бове округида (округ маркази Бове шаҳри) қўзғолон бошланиб, у кейин Сена, Марна ва Уаза дарёлари ҳавзасидаги катта районга ёйилди. Иль де Франс, Пикардия ва Шампань деҳқонлари қўзғолдилар.

1358 йил июнининг дастлабки 10 кунини ичида ҳаракат жуда кенг миқёсда ёйилди. Деҳқонлар (дворянлар нафратланиб уларни жаклар деб атадилар) феодалларга қарши ғоят даражада газабланган эдилар. Деҳқонларнинг шиори: «Барча зодагон кишиларни охириг зурриётигача битта қолдирмай қириб ташлаш» деган шиор эди. Аммо улар король бизни қўллаб-қувватлайди деб ўйлаб, ўз байроқларида короллик гербининг эмблемаси бўлмиш нилуфарни тасвирлаб кўрсатдилар. Бове округига қарашли бир қишлоқдан чиққан ва ҳарбий ишдан хабари бўлган деҳқон Гильом Каль қўзғолончиларга бошчилик қилди. Шимоли-Шар-

қий Франциянинг баъзи бир шаҳарлари деҳқонлар томонига ўтган бўлса-да, лекин улар нисбатан кам ва кўпроқ майда-чуйда шаҳарлар эди. Масалан, Бове шаҳари қўзғолончиларга қўшилди ва улар анча мустаҳкам иттифоқ тузди. Бошқа шаҳарлардан Санли, Мо, Руан жакларини қувватлаб чиқдилар. Пул зарб қилувчилар цехининг оқсоқоли, Этьен Марселнинг дўсти ва маслакдоши Жан Вайан бошчилигида жакларга ёрдам бериш учун Париждан 300 кишилик отряд юборилди. Бироқ Амьен, Компьен ва бошқа йирикроқ шаҳарлар жакларни қўллаб-қувватлашдан бош торгдилар.

Париж савдогарлари оқсоқоли Этьен Марселнинг ўзининг тутган мавқеи ғалати бўлди. Марсель қўзғолон кўтарган деҳқонларга оғизда қизғин хайрихоҳлик билдирди. Унинг фармойиши билан Жан Вайан бошчилигида Париждан жакларга отряд жўнатилди. Аммо, шу билан бир вақтда, Этьен Марсель деҳқонлар қўзғолонининг аҳамиятига етарлича баҳо бермади. Этьен Марсель томонидан жакларга юборилган ёрдам сира етарли эмасди. Этьен Марсель дофинга қарши курашиш планини, ҳар қалай, қўзғолон кўтарган деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб эмас, балки Франциянинг энг йирик феодаллари — Наварра короли Карл Евуз билан иттифоқликда амалга оширишни мўлжаллади. Бу феодал ҳам Капетинглар авлодидаи бўлиб, француз тахтининг даъвогарларидан эди. Испания билан чегарадош Наварра короллигидан ташқари, Карл Евузнинг Нормандияда ҳам кўпгина ер-мулклари бор эди. Қўзғолон пайтида жаклар билан қўшинчиликда яшаган Карл Наваррский бу қўзғолонга бефарқ қарамади. У Уаза дарёси водийсидаги Клермон шаҳаридан унча узоқ бўлмаган жойдан туриб қўзғолон кўтарган деҳқонларга ҳужум қилди. Аммо жаклар кўп сонли бўлганлигини ҳисобга олиб, маккор шахзода жанг қилишга ботинмай, ҳийла-найранг ишлатиш йўлига ўтди. Карл гўё музокара олиб бориш муддаосида Гильом Кални ўз ҳузурига таклиф этиб, уни хиёнаткорона қамоққа олди, сўнгра эса унинг бошига қизитилган темир тожни кийдириб, қатл этди. Шундан кейин Шимолий Францияда феодалларнинг қонли жазолаши бошланиб, деҳқонлардан ўч олинди. Карл Евузнинг ўзининг отрядлари, шунингдек, бошқа феодалларнинг отрядлари қарийб 20 минг деҳқонни қириб ташладилар. Деҳқонларни фақат француз феодаллари калтаклабгина қолмай, балки ҳатто уруш шароитида ҳам ўзларининг синфдош биродарларига ёрдам беришга шошилган инглиз феодаллари ҳам уларни ўлғудек дўппосладилар.

Шу тариқа, жаклар қўзғолони қора қонга ботирилди. Етарли даражада уюшмаслик, деҳқонларнинг душман феодалларга қўнғилчанлик қилишлари, бирор-бир аниқ ва равшан программанинг бўлмаслиги — Жакерия қўзғолонининг мағлубиятга учрашининг асосий сабаблари ана шулардир. Жакериянинг, шунингдек, ўрта асрлар давридаги бошқа деҳқонлар қўзғолонларининг енгилишининг сабаби — деҳқонларнинг шаҳарда ишончли иттифоқ-

чисининг йўқлиги бўлди, бундай иттифоқчисиз ҳеч битта деҳқон қўзғололи ениб чиқиши мумкин эмас. Эъён Марселнинг деҳқонлар масаласидаги сиёсати синфий жиҳатдан чекланган ва калтабилик сиёсати эди. Аммо Марсель ўзининг сиёсий хатоси учун тез орада қаттиқ панд еди. Деҳқонлар ҳаракатидан қўрқиб қолган феодаллар дофин теварагига жипслашдилар. Дофиннинг айдоқчилари Парижда ўз фаолиятларини кучайтирдилар. Шу орада Парижнинг ўзида ҳам порозилик ўсиб борди.

Эъён Марселнинг бой шаҳарликларнинг манфаатларини назарда тутиб ўтказган солиқ сиёсатидан майда ҳунармандлар порози эдилар. Ана шундан фойдаланган дофин тарафдорлари пойтахтда оппозиция бошлиқларига қарши душманлик ҳаракати уюштирдилар. Ўз душманлари билан юзма-юз келган тўқнашувларнинг бирида, 1358 йилнинг 1 августига ўтар кечаси Эъён Марсель ўлдирилди.

Карл V нинг реформалари. Урушнинг янги даври ва французларнинг муваффақиятлари. Король Иоанн Лондондаги асирликда вафот этгандан кейин, 1364 йилдан дофин Карл Карл V номи билан (1364—1380) ҳукмронлик қила бошлади. Карл V 50-йиллардаги сиёсий кризисдан бир қанча сабоқ олди ва король бўлиб олгандан кейин, бир неча муҳим реформалар ўтказди. Бу реформалар короллик ҳокимиятининг аҳволини анча мустаҳкамлади. Аввало Карл V инглизлар билан сулҳ шартномаси тузди. 1360 йилги Бретинь сулҳ шартномаси жуда оғир шартларни ўз ичига олган бўлиб, французлар Франциянинг шимоли ва гарбидаги кўпгина территорияларни инглизларга беришга мажбур бўлган эди. Аммо Франция урушни давом эттиришга ожиз бўлганлигидан шундай қилиш жуда зарур эди.

Нафасни ростлаб олишдан фойдаланган Карл V энг хавфли феодалларни ер билан яқсон қилди. У Карл Ёвузга қарашли мулкларни мусодара қилди ва унинг ўзини Франциядан ҳайдаб юборди. Герцог Бретанский француз королига вассал қарамлигини тан олишга мажбур бўлди. Карл V пинг туғишган укаси Бургундия герцоги қилиб сайланди, шу билан Париж саройи Бургундия герцоглигига ўзининг сиёсий таъсирини ўтказа бошлади. Қароқчи шайкаларга айланган (бригандалар) ва маҳаллий аҳолини аёвсиз талаган феодалларнинг ҳарбий отрядлари (кампашилар) ни тугатиш учун ҳукумат кўп куч-қувват сарфлади.

Лекин Карл V давлатнинг молия ишларига айниқса катта эътибор берди. 1369 йилда у бир қанча доимий солиқлар тўплаш — таможня божи (эдлар), туз солиғи (габель) ва хонадон солиғи (ёки «тутун» солиғи), яъни печкаси (фуаж) бўлган ҳар бир уйдан солиқ йиғиш тўғрисида Генерал штатларнинг розилигини олди. Ҳукумат штатларни чақирмай туриб ҳам, номаълум вақтгача («ҳарбий зарурият бунни талаб этган пайтгача») бу солиқларни йиғиш ҳуқуқини олди. Шундай қилиб, королга даромадларнинг доимо келиб турадиган манбалари топшириб қўйилди ва у эндиликда Генерал штатларга унчалик боғлиқ бўлмади.

қолди. Карл V штатларни чақирришга барҳам берса-да, ҳар ҳолда, учинчи тоифа аъзоларининг молия соҳасидаги тажрибасидан фойдаланишга қарор берди. Учинчи тоифанинг кўпгина вакиллари у амалдорлар сифатида молия бошқармасига жалб қилди. Буржуазия вакиллари марказий бошқармага ишга қўйилдилар, лекин улар энди назоратчилар сифатида эмас, балки феодал давлатнинг оддий короллик амалдорлари этиб қабул қилиндилар.

Молия реформаси қўшинни қайтадан ислоҳ қилиш учун Карл V га зарур бўлган маблағларни етказиб берди. Ёлланма аскарлар қабул қилиш йўли билан короллиkning йирик ҳарбий отрядлари тузилди, бу отрядларнинг бир қисми отлиқ аскарлардан, бир қисми пёда аскарлардан иборат эди. Стратегия жиҳатдан муҳим бўлган қасрлар қайтадан тикланди, 120 га кемадан иборат ҳарбий флот қурилди, француз қўшинида тўплар пайдо бўлди. Тўпларнинг пайдо билиши ҳарбий соҳадаги муҳим янгилик эди.

Ҳарбий реформа натижалари урушнинг боришида дарҳол намоён бўлди. Уруш ҳаракатлари бошланиб кетгандан сўнг (1369 йилда), бу ҳаракатлар инглизлар учун муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Карл V нинг истеъодли бош қўмондони Дюгеклен катта жангларга кирмай, лекин кичик-кичик эпчил отрядлар билан тез-тез ва тўсатдан ҳаракат қилиб, инглизларни бири-кетин Нормандия, Пуатье ва Гиендан суриб чиқарди. Дюгеклен қасрларни қамал қилишда артеллериядан усталик билан фойдаланди. У 200 дан зиёдроқ қалъа-қўрғонни душмандан тозаледи. 1380 йилда инглизлар қўлида жами бўлиб бир нечта соҳил бўйи шаҳарлар қолган эди. Уруш аста-секин сўна борди. Карл V ва Дюгеклен вафот этгандан кейин, 1396 йилда 28 йилга чўзилган ярашши аҳди тузилди.¹

Карл VI давридаги феодаллар анархияси. «**Шаҳзодалар феодалиزمи**». XIV асрнинг охири — XV асрнинг бошлари Францияда янги сиёсий кризис замони бўлди. Карл V нинг ўғли Карл VI (1380—1422) балоғатга етмасдан туриб король бўлди. Э-йилларнинг бошларида у телба бўлиб қолди, шу даврдан эътиборан номигагина короллик қилди. Саройда феодаллар тўдасининг кураши бошланиб, унга короллик хонадонига мансуб шаҳзодалар бошчилик қилди. Сарой феодалларининг бир тўдасига королнинг акаси герцог Орлеанский бошчилик қилди. Жанубнинг қудратли феодаллари — арманьяклар ҳам бу тўдани қўллаб-қувватладилар. Иккинчи тўданинг бошлиғи герцог Бургундский бўлиб, Карл VI нинг амакиси эди¹. Ҳар иккала тўда навбати билан ҳокимият тепасига чиқиб олиб, у давлат маблағларини талон-торож қилди, королликка қарашли мулкларни босиб олди, шаҳарларни талади.

¹ Манбаларда рақиблашган тўдалар одатда, бургиньонлар (бургундия тўдаси) ва арманьяклар (арманьликлар тўдаси) деб юргизилади.

Юқори солиқлардан, амалдорларнинг йиртқичлигидан ва бир ҳовуч олий мартабали феодалларнинг саройдаги зўравонлигидан азоб чеккан шаҳарларнинг юрозилиги Парижда, Руанда, Амьенда ва Фландриянинг турли шаҳарларида 1380—1382 йилларда бўлиб ўтган бир қанча шаҳар ғалаёнларида ифодаланди. Париж халқ оммаси 1382 йилда қурол-аслаҳа омборини эгаллаган ва воқеанависларнинг айтишича, темир тўқмоқлар билан қуролланиб, солиқ йиғувчиларни ва королликнинг бошқа амалдорларини ўлдирган бошлаганлар («тўқмоқчилар қўзғолони»). Нормандияда, Оверинда ва Лангедокда XIV аср 60—80-йилларнинг бошидан то охиригача кенг миқёсда деҳқонлар қўзғолонлари бўлиб ўтди. Бу қўзғолонлар ҳам қисман шаҳарлардаги халқ оммасининг чиқишлари билан боғланган эди. Қўзғолон кўтарганларни тюшенлар деб атадилар (тюшен сўзининг асл маъноси—«ўрмон кишилари» демакдир. Афтидан, қўзғолончилар ўрмонларда яшириниб юрганликлари учун шундай деб атаган бўлсалар керак). Бироқ бу ғалаёнларнинг ҳаммаси ҳукумат томонидан бостирилди.

Кабошчилар қўзғолони. Карл VI даврида шаҳар қўзғолонлари орасидаги энг йирик қўзғолон — кабошчилар қўзғолони эди. Бу қўзғолон 1413 йил 27 апрелда Парижда бўлди. Бунда пойтахтнинг кенг ҳунармандлар оммаси қатнашди. Симон Кабош (қўзғолоннинг ўзи ҳам ана шунинг номи билан аталди) бошчилигидаги Париж қассоблари цехи қўзғолонда айниқса катта роль ўйнади. Париж университети вакиллари ҳам ҳаракатда қатнашдилар, улар янги кенг ордонанс лойиҳаси тарзида қўзғолончиларнинг 258 моддадан иборат талабномасини ишлаб чиқдилар, бу лойиҳа король амалдорларининг суистеъмор қилишларига, шунингдек, энг йирик феодалларнинг — шаҳзодалар ва бошқа олий мартабали сеньорларнинг бошқарув ишларига аралашиншларига ҳам барҳам беришни мақсад қилиб қўйган маъмурий, суд ва молня реформаларининг муфассал планини ўз ичига олган эди. Уша вақтда ҳокимият тепасида турган орлеанликларни кабошчилар ёрдамида ағдариб ташлашга интилан Бургундия тўдаси уларни очикдан-очиқ қўллаб-қувватлади. Кабошчилар ҳаракати қатнашчиларининг состави ҳар хил бўлганлиги ва герцог Бургундский томонидан етарлича ёрдам берилмаганлиги туфайли қўзғолон 1413 йилда бостирилди. Мағлубиятдан кейин кабошчиларнинг бир қисми Бургундияга қочиб кетди. Шу даврдан бошлаб герцог Бургундскийнинг саройи король ҳукуматига қарши фитналарнинг асосий маркази бўлиб қолди. Герцог Бургундский инглиз короли билан музокара бошлаб, у билан дўстлик шартномаси тузди.

Англия билан тузнинг яна бошланиши. Инглизларнинг ҳужуми. Француз феодаллари орасидаги кураш инглиз саройи учун сир эмас эди. Инглиз короли Генрих V (Ланкастерлар династиясига мансуб одам) қулай вазиятдан фойдаланишга қарор бериб, 1415 йилда уруш ҳаракатларини яна бошлаб юборди. У

ўша замонда ғоят кўп ҳисобланган 60 минг кишилик қўшин билан Сена дарёси мансабига келиб тушди. Француз ҳукумати 100 минг кишилик лашкар тўплади, лекин унинг ҳарбий маҳорати ғоят паст эди. 1415 йил кузида инглиз қўшинлари билан француз қўшинлари Азенкурга (Пикардияда) яқин жойда тўқнашганларида, французлар яна қаттиқ мағлубиятга учрадилар. Герцог Орлеанскийнинг ўзи инглизларга асир бўлиб тушди. Инглиз феодалларига дўст бўлган бургундияликлар «бетарафлик» сақлаб жангда қатнашмадилар. Шундан кейин инглизлар бутун Нормандияни истило қилдилар. Инглизлар деярли Парижга яқинлашиб қолдилар ва герцог Бургундскийнинг кўмагида Карл VI ҳукуматиини жуда таҳқирли сулҳ шартларини қабул қилишга мажбур этдилар. 1420 йилги Труа шартномасига кўра, Англия билан Франция умумий король қўл остида битта королликка бирлашдилар. Карл VI вафот этгандан кейин тез орада, шу Карл VI нинг қизи малика Екатеринага уйланган Генрих V ҳариккала мамлакатнинг короли бўлиши керак эди.

Шартномага мувофиқ Карл VI нинг ўғли ворислик ҳуқуқларидан маҳрум этилди. У Париждан Арманьякларга қочиб ўтди. 1422 йил август ойининг охирида Генрих V 36 ёшида тўсатдан қаза қилди. Шу йилнинг октябрида кекса Карл VI вафот қилди. Сиёсий вазият дарҳол мушкуллашди. Инглиз-француз короллиги тарафдори бўлган Бургундия тўдаси Генрих V билан Екатеринанинг 10 ойлик ўғли Генрих VI ни Англия ва Франциянинг короли деб эълон қилди. Арманьякларнинг «миллий» француз тўдаси дофин Карлни Карл VII номи билан король деб эълон этди. Луара дарёсининг жанубидаги кичкина Бурж шаҳри бир неча йилгача Карл VII нинг пойтахти бўлиб қолди.

Француз короллигининг аҳволи оғир эди. Урушнинг охири кўринмасди. Франциянинг шимоли билан жануби икки рақиб мамлакатга айлашиб қолган эди. Инглиз феодаллари Франциянинг босиб олинган қисмида ўз уйларидагидек хўжайинлик қилардилар. 1428 йилда улар Орлеанни қамал қилмоқчи бўлдилар. Агар Орлеан олинса, инглизларнинг Франция жанубига янада ҳужум қилишлари учун бемалол йўл очилган бўлуր эди.

→ **Жанна д'Арк.** Чўзилиб кетган уруш королликка қарашли асосий районларнинг душман томонидан босиб олинishi, Бургундия феодалларининг хонилик сиёсати — буларнинг ҳаммаси Франция халқ оmmasини ташвишга ва таҳликага солди. Турли жойларда интервентларга қарши халқ бош кўтариб чиқа бошлади. Ана шундай чиқишларнинг бири деҳқон қизи Жанна д'Арк номи билан боғланган бўлиб, у урушнинг борishiга катта таъсир кўрсатди. Жанна д'Арк Бургундиядан унча узоқ бўлмаган Шампаннинг Лотарингия билан чегарадош жойидаги Домреми деган қишлоқдан чиққан эди. Турли йўллар келиб туташган бу жойда уруш ҳақидаги хабарлар айниқса кўп фикр ва мулоҳазаларга сабаб бўлди. Хаёлчан, серандиша ва чексиз ҳаяжонланишга мойил Жанна д'Арк бу ҳикояларни зўр бериб тингларди. Франция-

ни инглизлардан худди Жанна д'Аркдек жасур одам халос қилиши лозим деган ишонч аста-секин бу қиз кўнглида туғила борди. Бу вазифага у, худойи таолонинг ўзи топширган иш деб қаради. Эркак кийимини кийиб олган Жанна д'Арк ҳарбий ишни билган бир гуруҳ ҳамқишлоқлари билан биргаликда душманлар билан курашда ёрдам бермоқ учун Карл VII ни излаб бориш учун йўлга равона бўлди. 1429 йилнинг мартада Карл VII нинг қасрларидан бирида уни король қабул қилди. Орлеан тўдаси янги «авлиё»нинг обрў-эътиборидан фойдаланмоқчи бўлди. Жанна д'Аркни армияга олишди. Рицарлик яроғ-аслаҳаларини тақиб олган бу қиз отда қўшинни айланиб чиқиб, уни Орлеан ёнида уруш ҳаракатларини бошлашга даъват этди ва ғалаба қўлга киритилажagini олдиндан каромат қилди. Жанна француз қўшини ичида интизомни кўтаришга чақирди ва душман билан олишувларда ўзи катта паҳлавонлик кўрсатди. Орлеанни озод қилиш операциялари тўла ғалаба қозонди. Орлеан 1429 йилнинг 5 майида озод қилинди. «Орлеан қизи» ҳақидаги шон-шуҳрат бутун Франция тупроғига ёйилди.

Тўғри ҳис-туйғуга амал қилган Жанна тез орада Карлга Реймс шаҳрида тож кийиш маросимини ўтказишга маслаҳат берди. Карл бу маслаҳатни қабул қилди. Карл VII нинг тож кийиш маросими муваффақиятли ўтди ва бу Франциянинг «қонуний короли» бўлган Карлнинг обрў-эътиборини дарҳол кўтарди. Сўнгра, Жанна д'Арк уруш ҳаракатларини тезлатиш ва Париж томонга юриш қилишни қаттиқ туриб корольга таклиф этди. Аммо Орлеан тўдаси бу ишни пайсалга сола бошлади. Деҳқон қизининг маслаҳатларига қулоқ солдилар-у, лекин бу маслаҳатлар бажарилмади. Унга ҳатто унинг ўзини катта хавф-хатар остида қолдирувчи майда-майда ҳарбий операцияларни бажариш топширилди. Шундай операцияларнинг бирида (Компъен шаҳрини мудофаа қилиш пайтида) бургундияликлар Жаннани асир қилиб олиб, сўнг уни катта ақча эвазига инглизларга топширдилар. Инглизлар Жанна д'Аркни сеҳргарликда айбладилар. 1431 йилнинг 30 майида Жанна д'Арк сеҳргар сифатида Руандаги бир майдонда ўтда куйдирилди. Карл VII Жанна д'Аркни ўлим жазосидан қутқаришни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади.

➔ **Юз йиллик урушнинг тугаши ва унинг оқибатлари.** Жанна д'Арк ҳалок бўлса ҳам, лекин унинг ватанпарварлик иши ўз самарасини берди. Инглизларга қарши курашдаги жиддий ютуқлар унинг номи билан боғланган. Жанна д'Арк ҳақидаги хотира француз ватанпарварларини бундан кейинги курашга даъват этган ўзига хос байроқ бўлиб қолди. Франциянинг турли жойларидан майда рицарларнинг, деҳқонлар ва шаҳарликларнинг янги қуроли бгрядлари ёрдам бериш таклифи билан Карл VII ҳузурига келардилар. Айни замонда гўдак король даврида ва ҳарбий муваффақиятсизликлар шаронтида инглизлар лагеридида феодалларнинг айрим тўдалари ўртасида ички кураш тобора кўпроқ кескинлашиб борарди. 1435 йилда герцог Бургундский

инглиз-француз тўдаси билан тузган иттифоқни бекор қилди. 1436 йилда Карл VII Парижга кириб келди. 40-йилларда инглизлардан Гиень ва Нормандия батамом қайтариб олинди. Улар қўлида биргина Кале порти қолди. Гарчи уришувчи томонлар ўртасида расмий сулҳ шартномаси тузилмаган бўлса ҳам, лекин Юз йиллик уруш 1453 йилда тўхтади.

Юз йиллик уруш Францияни жуда вайрон қилиб ташлади. Кўп шаҳарлар, турли вилоятларнинг савдо-сотиқ ишлари издан чиқди, жумладан шимолнинг жануб билан қиладиган савдоси узоқ вақтгача тўхтаб қолди. Королликдаги аҳоли тўртдан уч қисмга камайиб кетди. Экин экиладиган далаларнинг кўпчилиги харобаларга айланди, у ерларда ўрмон ва чакалакзорлар пайдо бўлди; юзлаб қишлоқлар гўё уларда ҳеч қачон одам боласи яшамагандек, ер узидан ғойиб бўлди. Аммо урушнинг Франция учун ижобий томонлари ҳам бўлди. Уруш натижасида аввало, аҳолида миллий ҳис уйғонди. Уруш халқнинг ватанпарварлик юксаклиги билан тамом бўлди. Юз йиллик уруш, оқибат-натижада, Францияни бирлаштириш жараёнини илгари сурди. Урушгача мамлакатнинг жануби-ғарбида инглизларга қарашли бўлган анча кенг территориялар (Гиень ва Гасконь) эндиликда Франция короллигига қайта бирлаштирилди. Король ҳокимиятининг жанубий вилоятлар (Лангедок) устидан мунтазам назорати Юз йиллик уруш пайтида ва ундан кейингина узил-кесил ўрнатилди. Француз королининг инглизлар устидан ғалаба қилиши Бургундия герцоглигини қўшиб олиш масаласини навбатга қўйди. Бургундия герцоглари уруш маҳалида инглиз феодаллари билан иттифоқ тузган эдилар. Инглизларнинг маглубияти герцогликнинг мавқеини заифлаштириб қўйди. Париж ҳукумати бирлаштирилмай қолган феодал мулклари орасидаги энг йирик феодал ерларнинг мустақиллигига барҳам бериш учун табиий, бу вазиятдан фойдаланишга шошилди.

Юз йиллик уруш вақтида Франция сиёсий марказлашиш масаласида катта ютуқларни қўлга киритган эди. Уруш пайтида йирик феодаллар халқ назарида ўзларини тамомила бадном қилдилар. Король ҳокимияти барча муваффақиятсизликлардан қатъи назар, ўзини «таркиб топаётган миллат»¹ маркази қилиб кўрсатди. Бутун куч билан давлат мудофаасини мустаҳкамлаш зарур бўлган уруш шароитларида король ҳокимияти ёлланган доимий армияни ўз ихтиёрига олди ва мунтазам солиқлар яратди; шу муносабат билан марказий ва маҳаллий короллик амалдорлари аппарати анча кенгайди. Карл V солиқларига қўшимча қилинган солиқлар орасида талья номли янги солиқ айниқса кэтта аҳамиятга эга бўлди (бу солиқ Карл VII даврида, 1439 йилда жорий қилинган эди). Талья солиғи аҳолининг асосий оммаси — деҳқонлар билан шаҳарликларнинг мулкларидан ундириларди. Королларга «умрбод» қилиб белгилаб берилган бу

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 21-т., 411-бет.

солиқ келгусида француз короллигидаги давлат даромадларининг асосий манбаи бўлиб қолди.

Инглизлар билан олиб борилган уруш маҳалида каттагина роль ўйнаган Генерал штатлар шу урушнинг боришида амалда йўқ бўлди. Тоифалар ўртасидаги низо-жанжал, француз шаҳарларининг бир-бировлари билан етарлича иноқ бўлмаслиги, учинчи тоифа вакилларининг бошқарув аппаратига, биринчи галда молия бошқармасига кириб олиши бу фактни етарли даражада изоҳлаб беради. Короллар, Карл V дан бошлаб, Генерал штатлар ўрнига, вақт-вақти билан нотабллар («машҳур кишилар») деб аталган одамларнинг йиғилишларини чақириб турадиган бўлдилар. Генерал штатларнинг акси ўлароқ, бу йиғилишлар тоифа вакилларининг йиғилишига ўхшамасди ва фақат маслаҳат бериш характерида бўларди. Нотаблларнинг йиғилишида қатнашган шаҳарликлар, амалда ўзига хос молия экспертлари эди. Хукумат булардан баъзи бир хил маълумот олишни истарди, лекин хукуматда уларнинг фикри инobatга олинмасди.

XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ФРАНЦИЯ. АБСОЛЮТ МОНАРХИЯГА УТИЛИШИ

Людовик XI. Францияни бирлаштиришнинг тугалланиши.
XV асрнинг иккинчи ярмида король ҳокимияти аллақачон чекланмаган монархия хусусиятларига эга бўлиб, у Францияда энг зўр қудратга эришди. XV асрда Людовик XI (1461—1483) энг атоқли король бўлиб, уни Франциянинг биринчи абсолют короли деб бежиз айтмаганлар. У ўз замонасининг атоқли сиёсатдони, энг йирик дипломати эди. У ўз ҳукмронлигининг кўпчилик қисмини йирик феодалларга қарши аёвсиз курашда ўтказди. Феодаллар унга қарши «Жамият бахт-саодати уюшмаси» деган машҳур ном остида иттифоқ тuzдидлар. Иттифоқнинг асосий раҳбари герцог Бургундский — Карл Жасур эди. Людовик XI нинг туғишган укаси ҳам шу иттифоқ билан алоқадор эди (бироқ Карл номли бунинг укаси тез орада вафот этади). Людовик XI одамларни пул бериб сотиб олиб ва турли фитналар уюштириб, иттифоқ бошлиқларининг ўйлаган ниятларини барбод этади. Людовик XI Лотарингия феодалларини ва Швейцария иттифоқи кантонларини герцог Бургундскийга қарши кўтара билди. 1477 йили Нанси ёнидаги жангда Карл Жасур мағлубиятга учради ва ўлдирилди. Унинг мулкларининг асосий қисми, яъни Бургундия герцоглиги Людовик XI қўлига ўтди. Карл Жасурга қарашли Фландрияни ва Нидерландиядаги бошқа мулкларни унинг Австрия-Германия шаҳзодаси Максимилиан Габсбургга эрга чиққан қизи Мария Бургундская ўзига мерос қилиб олди. Людовик XI Бургундия масаласини ҳал қилиб, исёнчи феодалларнинг бемалол адабини бера олди. Улар бирин-кетин қамоққа олиниб, қийноққа ва азобга солинди, бир қисми қатл қилинди. Шулар орасида Арманьяклар хонадони бутунлай ҳалок бўлди.



XV асрнинг иккинчи ярмида Франция

Йиллар ўтиши билан Людовик XI тобора кўпроқ гумонсирайдиган ва ҳеч кимга ишонмайдиган бўлиб қолди. У деярли Парижни ташлаб чиқиб, кўпчилик вақтда шотландиялик ва швейцариялик ўқчилар ҳимояси остида шаҳар ташқарисидagi Плесси ле Турдаги мустақамланган қасрда истиқомат қилди. Феодалларнинг янги фитналаридан хавфсираб, Людовик XI шаҳарларга таянмоқчи бўлди, лекин уларга ҳам ишонмай, шаҳарларнинг эркинлигини ҳар қанақа йўллар билан чеклаб қўйди. Аммо, шунга қарамай, у шаҳар савдоси ва саноатини ривожлантириш

учун кўп иш қилди. Людовик XI Лионда зўр бериб ипакчилик мануфактуралари қурдирди ва у ерда энг йирик ярмарка ташкил этди. У шимолий француз савдогарлари учун Англия билан фойдали шартнома тузди ва Лангедок савдогарларининг венецияликлар билан қилган рақобатида лангедокликларни қўллаб-қувватлади. Бордо шаҳри королнинг алоҳида ҳомийлигида фойдаланди. Людовик XI даврида Бургундия герцоглигидан ташқари, короллик доменига бошқа йирик вилоятлар Франциянинг¹ шимолида — Пикардия ва марказида — Берри, шунингдек, жанубида — Провань графлиги қўшиб олинди. Людовик XI даврида ички божларнинг бир қисми бекор қилинди, бу эса ички савдо-сотиқнинг анча жонланишига ёрдам берди. Людовик XI нинг савдо-саноат соҳасидаги сиёсати меркантилизм деб аталган сиёсат эди. Меркантилизм сиёсатини қўлланишдан муддао — ташқи савдода «маъқул баланс» ўрнатиш йўли билан мамлакатда қимматбахо металлларни жамғаришга интилиб, шу қимматбахо металлларни ташқарига чиқаришга қараганда, уларни мамлакатга келтиришни кўпайтиришдан иборатдир. Меркантиль системасининг асосий қоидаларидан бири, умуман олганда, чет элга олтин ва кумуш чиқаришни қаттиқ тақиқлаб қўйиш эди.

Феодаллар учун даҳшатли бўлган Людовик XI буржуа учун унинг ўз кишини ҳисобланар эди. У баъзан буржуа одамларини менинг қадрдонларим деб атар ва уларни тортинмай-нетмай қабул қилаверарди. Ташқи қиёфаси жиҳатдан ориқ, қадди бужчайган, устига эскирган узун камзул кийиб олган, доимо серташвиш ва иш билан банд бўлган Людовик XI, гоят улкан ва етарли даражада марказлашган королликнинг королидан кўра, кўпроқ «ўрта синф» орасидан чиққан кишига ўхшаб кетарди. У қўшниларига, кам марказлашган ёки ҳали бутунлай марказлашмаган давлатларга хавф-хатар сола бошлайди. Европада Людовик XI ни сира ёқтирмас ва ундан қўрқар эдилар. Уни ҳар қандай дипломатик фитналар йўли билан нозик ўргимчак уяси ясаб, шу уяга ўз рақибини алдаб илинтирувчи маккор ўргимчакка ўхшатардилар.

Людовик XI нинг ўғли Карл VIII (1483—1498) мустақиллигини ҳамон сақлаб қолган сўнгги Бретань герцоглигини қўшиб олди (1491 й.). Франциянинг Капетинглар даврида бошланиб, Валуа даврида тамом бўлган сиёсий марказлашишдаги узоққа чўзилган жараён ана шу тариқа тугалланди. XVI асрга келиб Франция Европадаги энг катта ва энг марказлашган королликлардан бирига айланди.

Француз миллатининг таркиб топа бошлаши. Француз марказлашган давлати вужудга келиши билан бир вақтда француз миллати таркиб топа борди.

¹ Ҳақиқатда бу иккинчи марта қўшиб олиш эди, чунки биринчи марта Пикардия XII асрдаёқ қўшиб олинган эди. XIII асрдаёқ қўшиб олинган Берри тўғрисида ҳам худди шуни айтиш керак.

XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларига келиб Францияда миллатнинг вужудга келиши учун барча элементлар мавжуд эди. Айрим-айрим тарқоқ феодал мулкларидан француз короллигининг ягона умумий территорияси ташкил топди. Виллоятлардаги маҳаллий тиллар (шева ва диалектлар) билан бир қаторда, Париж диалекти асосида ривожланган ягона француз адабий тили вужудга келди. Ўрта асрлар охирига келганда Франция иқтисодий жиҳатдан аллақачон бир бутун ўлка тусини олди; мамлакатда умумфранцуз бозори ташкил топиб, унинг маркази шимолда эди; француз маданияти ўз миллий хусусиятларига эга бўлиб, у адабиётда энг равшан ифодаланди. Юз йиллик урушнинг замондоши бўлган Жан Фруа с с а р н и н г (1337—1404) машҳур «Хроникаси» илк француз бадий прозасининг порлоқ намунасидир. Людовик XI нинг биографи Ф и л и п п д е К о м м и н и н г (1446—1511) «Мемуарлари» адабий ва сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Филипп де Комминнинг барча асарлари Франциянинг бирлиги учун кураш идеяси билан суғорилган. Асарларининг бир қисмини жонажон француз тилида ёзган Э с т а ш Д е ш а н (1340—1407) йирик шоир, кўп баллада, қўшиқ ва сатираларнинг автори эди. Дешан энг илк даврдаги француз гуманистларининг бири, италиялик машҳур ёзувчи-гуманист Петрарканинг эҳтиросли муҳлиси эди.

Ўрта асрлар охирига келганда «француз» сўзининг асл маъноси ўзгарди. Илгари маҳалда у фақат «Франциянинг шимолий аҳолиси» деган тор маънода ҳатто «фақат Иль де Франс аҳолиси» деган тушунчани билдирарди, эндиликда аҳолининг қайси вилоятда туғилган ёки яшаганлигидан қатъи назар, француз короллигининг ҳар бир аҳолиси француз деб аталадиган бўлди.

XIХ БОБ

XI—XV АСРЛАРДА АНГЛИЯ

XI—XIII АСРЛАРДА АНГЛИЯДА СИЕСИЙ МАРКАЗЛАШИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Нормандия истилоси ва Вильгельм Истилочининг идора қилиши. XI асрдаги ўрта асрлар Англияси тарихидаги энг йирик воқеа Нормандия герцоги Вильгельм бошлиқ француз-норманд феодаллари томонидан Англияни истило қилиниши бўлди. Бу истило учун Вильгельм Истилочи деган лақаб олди¹. 1066 йил 14 октябрда Вильгельм Ла-Манш бўғозидан сузиб ўтиб, қарийб 15 минг кишилик катта рицарлар қўшини билан Англия терри-

¹ Англиянинг Нормандия томонидан истило қилинишидаги шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотни «XI аср ўрталаригача Англия» деган VI бобдан қаранг.

ториясига бостириб кирди. Вильгельм қўшинида фақат нормандларгина эмас, балки Францияга қарашли бошқа вилоятларнинг ер-мулк ва крепостнойлар изловчи рицарлари ҳам бор эди. Вильгельмга рўбару чиққан инглиз короли Гарольд нормандларнинг ҳужумини тўхтата олмади. Бир қисми рицарлардан, бошқа бир қисми деҳқонларнинг пиёда лашкарларидан иборат бўлган инглиз-сакс қўшинлари Гастингс шаҳри ёнидаги жангда батамом мағлубиятга учради. Гарольд ўлдирилди. Шундан кейин Вильгельм айланма йўл билан Лондонга қараб борди, сўнг Дувр, Кентербери ва Саутворк шаҳарларини босиб олди. Унинг қўшинлари Лондондан юқорироқда Темза дарёсини кечиб ўтди. Лондон шимолдан кесилиб қолди ва у таслим бўлиши лозим эди.

Вильгельм Лондонга кирди, у бу ерда 1066 йил 25 декабрда Вильгельм I (инглизча Вильям I) номи остида Англия короли деб эълон қилинди. Тож кийиш маҳалида у «король Эдуарднинг асл қонунарига» риоя қиламан деб қасамёд қилди, шу билан у король Эдуарднинг қонуний вориси эканлигини таъкидламоқчи бўлди. Янги королни тан олмаган одамларнинг ерлари мусодара қилиниб, ўзлари Англиядан қувғин қилинадилар, деб қўрқитилди. Бироқ, нормандлар ҳукмронлигига қарши Англиянинг шимолида чиққан икки қўзғолон (1068 ва 1071 йилларда) аёвсизлик билан бостирилгандан кейингина Вильгельм I нинг ҳокимияти узил-кесил мустаҳкамланди. Бунгача гуллаб-яшнаган Йорк водийси нормандлар томонидан вайрон қилинди ва узоқ вақтгача харобазорга айланди. Фақат маҳаллий инглиз-сакс феодалларгина эмас, балки қўзғолонда қатнашган деҳқонлар ҳам жазоландилар, чунки улар ажнабийларнинг ҳукмронлик қилишини истамасдилар. Мамлакат Нормандия услубида қурилган кўп сонли «квадрат» қасрларга тўлиб кетди. Лондоннинг ўзида, Темза дарёси бўйидаги қадимги Рим деворларининг харобаларига яқин жойда Тауэр номли (латинча «минора» сўзидан) мудҳиш король қасри қурилиб, у қаср ҳозиргача сақланиб қолган.

Мамлакатнинг истило қилиниши ва қўзғолонларнинг бостирилиши натижасида эски инглиз-сакс феодалларининг катта бир қисми ўзининг ер-мулкларидан маҳрум қилиниб, уларнинг ўрнини янги француз-норманд келгиндилари эгаллади. Инглиз черковининг епископлари ҳам батамом алмаштирилди. Аввалги инглиз-сакс епископларининг ўрнини француз епископлари эгаллади. Жуда кўп миқдордаги ерларни — деярли барча ўрмонзорларни ва экин екиладиган ерларнинг қарийб еттидан бир қисмини Вильгельм ўзига олди. Шуниси қизиқки, Вильгельм янги баронларга ер тақсимлаб берар экан, баронларга қарашли ер-мулкларнинг бир жойда тўпланмаслигига ҳаракат қилди. Энг катта баронларнинг ўнлаб ва юзлаб ер-мулклари бор эди-ю, лекин бу ер-мулклар одатда кўп графликларга тарқалиб кетган эди.

Феодаллар синфи шахсий составининг ўзгариши Англия учун икки ёқлама аҳамиятга эга эди. Биринчидан, ерга эгалик қилув-

чи янги феодаллар королдан миннатдор бўлишлари керак эди ва, шундай қилиб, уларнинг королга вассаллик муносабатлари бу вақтда қуруқликдагига қараганда мустақамроқ бўлиши лозим эди. Феодаллар ўзларининг ер-мулклари учун, король талабига кўра, ҳарбий хизмат ўташлари ва бундан ташқари, айниқса феодалларни (рельеф) мерос қилиб қолдириш пайтида бож тариқасида юқори солиқлар тўлашлари керак эди. Вильгельм фақат ўз вассалларидангина эмас, балки вассалларининг вассалларидан (ўз феодалларига эгаллик қилувчи рицарлардан, баронлардан) ҳам королга қасамёд этишни талаб қиларди. Нормандлар истилоси натижасида Англияда ҳарбий-феодал системаси ана шу тариқа қаттиқ марказлашган бир тус олди.

Оролга янги ер эгалари келишининг иккинчи оқибати — феодал-крепостнойлик муносабатларининг янада ривожланиши ва кучайиши бўлди. Юридик жиҳатдан ҳар хил деҳқонлари бўлган говак англиз-сакс манори (феодал ер-мулки) янги хўжайинлар даврида континентал (француз) ер-мулки намунасида хийла бир хил феодал-крепостнойлик қиёфасига эга бўлди. Бунини кўрсатиши учун шугина мисол кифоядирки, илгариги вақтда деҳқонлар лордга бирор формада оброк тўлар ёки жилла бўлмаганда, барщинада оз-моз иш қилиб берардилар, янги лордлар эса уларни вилланлар, яъни ер-мулкни тасарруф этувчи крепостнойлар категориясига киргизиб қўярдилар. Шундай қилиб, илгариги маҳалда эркин бўлган кўп деҳқонлар эндиликда шахсий эркинликдан маҳрум бўлдилар. Ҳатто орадан кўп асрлар ўтгандан кейин ҳам англиз деҳқонларининг Вильгельм Истилочи замони «нормандлар қуллиги» замони эди, деб эсга олишлари ва Англияда крепостной ҳуқуқи ёлғиз Вильгельм ва унинг баронлари жорий қилдилар, дейишлари бежиз эмас.

«Даҳшатли суд китоби». Вильгельм Истилочи томонидан Англия аҳолисининг рўйхатга олиниши (1086 й.) XI асрдаги гоят катта тадбир эди. Англияда ҳеч қачон кўрилмаган бу тадбирга аҳоли кўрқинч билан қаради. Рўйхатга олиш натижасида тузилган варақалар халқ орасида «Даҳшатли суд китоби» деб аталди. Король хазинаси ер эгалининг ҳажми тўғрисида энди аниқ маълумотларга эга экан, аҳоли рўйхати ҳукуматга «Дания пули» деб аталган эски ер солиғини кўпайтирилган миқёсда ундириш имконини берди. Янги норманд-француз лордларининг англиз қишлоғидаги крепостной аҳволни расмийлаштиришга интилиши ана шу рўйхатда равшан акс этди. 1086 йилги рўйхатда деҳқонлар турли номлар остида гавдаландилар: озод кишилар (келажакда улар фригольдерлар ёки ерни эркин тасарруф қилувчилар деб аталдилар), сокменлар, вилланлар, бордарилар, коттарилар¹,

¹ Бордарилар ва коттарилар — ўрта асрлар Англиясидаги кам ерли деҳқонларнинг номлари. Бордариларнинг бир қисмида вилланларга қарашли тўлиқ чек ернинг қарийб ярмича келадиган чек ер бўларди, коттариларда жуда озгина чек ер бўлиб, у асосан томорқа участкалардан иборат эди.

шунингдек, кўпгина миқдорда қуллар ҳам учрайди. Аммо вилланлар рўйхатда тез-тез учраб турадилар. XI—XII асрлар шароитида крепостной табақа хусусиятларига эга бўлган деҳқонларнинг бу категорияси (феодал ер-мулки территориясида баршчина ўтайдиган ва шу территорияга биркичиб қўйилган) инглиз қишлоғининг феодал-крепостнойлик қиёфасини ҳаммадан кўра очиқроқ характерлаб беради. Аммо Англиянинг шимолишарқий қисмида, ҳатто 1086 йилги рўйхатда ҳам, деҳқонларнинг салкам ярми «эркин кишилар», қисман сокменлар ҳолатида қолаверди.

Королликдаги тинчликнинг мустаҳкамланиши. Вильгельм ва унинг теварагидаги француз-норманд феодаллари ўрнатган идора тартиби маҳаллий аҳоли учун, хусусан, халқ оммаси учун жуда қаттиқ ва оғир бўлди. Келгинди французлар маҳаллий инглиз-сакслар билан тўқнашиб қолгундай бўлсалар, король ҳаммиша «ўз» кишиларини — французларни ҳамоя қилар эди. Номанум одам французни ўлдириб қўйса, бутун бир қишлоқ ва ҳаттоки бутун бир округ («сотня») кўплашиб жавобгар бўлар эди. Аммо шу Вильгельмнинг ўзи мамлакатда короллик осойишталигини таъминлади. Унинг даврида данияликларнинг босқинчилик юришларига узил-кесил хотима берилди. Феодаллар ўзаро урушларни тўхтатдилар. Янги норманд баронлари жуда катта ер-мулкларга эга бўлсалар ҳам, лекин бу мулклар турли графликларда тарқоқ ҳолда эди. Баронларнинг ҳеч бири ўз бойлиги жиҳатидан королга тенглаша олмасди. Королга қарашли мулклар айрим вассалларнинг, ҳаттоки энг йирик вассалларнинг мулкларига қараганда ўнлаб марта устулик қиларди.

Инглиз савдогарлари король ҳокимиятининг кучайишидан тез орада фойда кўрадиган бўлдилар. Мамлакатда савдо-сотик жонлана бошлади. Вильгельмнинг қуруқлик билан алоқаси ҳам бунга ёрдам берди. Инглиз савдогарларига Нормандия (Вильгельм ҳамон норманд герцоги бўлиб ҳисобланарди) ва Фландрия (янги инглиз королеваси ана шу ерлик эди) билан савдо-сотик қилиш имконияти берилди. Фландрияга кўп миқдорда жун-товар ташила бошлади. Жун келажакда бутун инглиз халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Вильгельм Истилочининг ворислари. Вильгельм I Истилочининг ўғиллари король ҳокимиятининг мустаҳкамлашни давом эттирдилар. Вильгельм I нинг кенжа ўғли Генрих I (1100—1135) нинг короллик даври бу жиҳатдан айниқса муҳим эди. Генрих I даврида короллик суди кучайиб, у мутахассис-судьялари бўлган ва мунтазам равишда иш олиб борувчи суд палатасига айланди. Король судьялари вақт-вақти билан мамлакат бўйлаб сафарга чиқиб, айрим графликларда суд ишларини олиб борардилар (шунинг учун улар сайёр судьялар деб аталарди). Суд палатаси король курсиси суди деган ном олган эди. Генрих I даврида молия бошқармаси ҳам ташкил топди. Олий молия па-

латаси шахмат тахта палатаси деб аталарди, чунки бунда устига катакли мовут ёпилган (шахмат тахтасини эслатадиган) стол турарди. Бу столларда пул саналарди¹.

Эрақ зуррети қолдирмаган Генрих I вафотидаги сўнг, Англияда узоқ давом этган ўзаро урушлар бошланди. Тахт Генрих I нинг жияни Стефан Блуасский (унинг отаси Франциядаги Блуа графи бўлган эди) қўлига ўтди. Аммо Генрих I нинг қизи Матильда ҳам тахт даъвогари бўлиб чиқди. Матильда дастлаб герман императори Генрих V нинг хотини эди, кейин эса (иккинчи никоҳ билан) Франциядаги Анжу графи Жофруа Плантагенетга эрга чиққан эди. Стефан билан Матильда ўртасидаги кураш қарийб 20 йил давом қилди. Инглиз феодаллари ўзаро урушнинг боришида икки лагерга бўлиндилар ва марказий ҳокимиятнинг заифлигидан фойдаланиб, ўз талончиликлари билан мамлакатни хонавайрон қилдилар. Англияда батамом анархия ҳукмронлик қилди. Мамлакат ичкарасида савдо-сотик ишлари камайди. Савдогарлар сафарга чиққан пайтларида доимо рицарлар томонидан таланди. 1154 йилга келибгина ўзаро урушлар тўхтади. Тахт Матильданинг ўғли — Генрих II Плантагенет қўлига ўтди.

Генрих II Плантагенетнинг реформалари. Генрих II даврида (1154—1189) инглиз короллигининг чегаралари ғоятда кенгайди. Генрих II нинг мулклари қаторига, Англия ва Нормандиядан ташқари, унинг Франциядаги мерос мулклари — Анжу, Пуатье, Турень ва бошқалар кирар эди. Қоролева (малика) Элсонора учун сеп тариқасида у Аквитания герцоглигини олди. Генрих II даврида Англия Ирландияни (унинг шарқий соҳилини) истило қила бошлади. Генрих II нинг мулклари кенгайиб кетганлигидан инглиз ва француз буржуа тарихчилари унинг давлатини «Анжу империяси» деб атайдилар.

Ўзининг кўп сонли мулкларидаги моддий ресурсларига таяниб, шушундек, феодаллар ўртасида бундан олдин юз берган ўзаро урушларидан аҳоли ичидаги ўрта синфларнинг норози бўлганлигидан фойдаланиб, Генрих II король ҳокимиятининг обрў-эътиборини янада кўтара олди. Ўз короллигининг бошида ноқ у графликларнинг барча шерифларини (Англия графлигида олий маъмурий ва суд лавозимидаги шахс Т а р ж.) ўзгартириб, уларнинг ўрнига ўзига ишончлироқ бўлган янги одамларни тайин этди. Ғалаёнлар маҳалида феодаллар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган «қонунсиз» қасрларнинг қўпчилиги йўқ қилиб ташланди. Айни замонда мамлакатда короллик судининг аҳамияти ортди.

Генрих II нинг суд соҳасидаги асосий реформаси суд маслаҳатчиларининг ўрнатилиши эди. Король ҳар бир рицарга, ҳар

¹ Палатанинг латинча номи — Scaccarium — кейинроқ бориб инглизча Exchequer «Хазинахона»га айланди, яъни ҳозирги Англияда молия министрлиги демакдир.

бир шаҳарлик ва эркин деҳқонга феодал ва баронларнинг судларига эмас, балки короллик судига мурожаат этиш ҳуқуқини берди. Сайёр короллик судлари жойларда иш кўрган пайтларида, бу ишни текшириш учун алоҳида «маслаҳатчилар» ни маҳаллий рицарлар ва бадавлат фригольдерларнинг вакиллари (одатда, 12 кишидан иборат вакиллари) жалб қилар эдилар. Ҳаз айтганларининг тўғрилигига оид ичган бу гувоҳлар оғзидан чиққан гапларга суд текширишининг эски формалари давридагига қараганда кўпроқ ишониларди. Суд текширишининг эски формалари қўлланилган илгариги маҳалда айбланувчининг айбини аниқламоқ учун уни турли хил қийноқ-азобга мубтало қилинарди, яъни танасига чўғ ёки қизитилган темир босиларди, қайнаган сув сепиларди ёки қаттиқ қалтакланарди. Король судлари фаолиятининг кучайиши, ўз-ўзидан короллик даромадларининг муҳим қисмини ташкил қилар эди. Аммо реформанинг сиёсий томони муҳим эди. Ана шу реформа туфайли Генрих II майда рицарларни ва Англияда ҳали асоратга туширилмай қолган анча кўп соғли деҳқонларни (яъни ерни тасарруф этувчиларни) ёки фригольдерларни, шунингдек, шаҳарликларни ҳам ўз томонига тортди. Короллик суди ана шу барча табақаларни йирик феодалларнинг зулмидан маълум даражада ҳимоя қилди. Бироқ мамлакатдаги деҳқон аҳолисининг жуда кўпчилиги — крепостной вилланлар — хўжайин лордларнинг зулми остида қолдирилди. Хўжайин лордлар вилланларни ўзлари истаганларича суд қилар ва жазолардилар (короллик судига тааллуқли жиноий ишларгина бундан мустасно эди). Короллик суди вилланлардан на ерга ва на бошқа мол-мулкларга доир даъволарни қабул қилмасди, чунки у крепостнойларни юридик жиҳатдан тўла ҳуқуқли бўлмаган одамлар деб ҳисобларди.

Кейинчалик, XIII—XIV асрларда, инглиз маслаҳатчилари суди аста-секин ривожланиб борди. Маслаҳатчи-гувоҳлар айбланувчини қоралайдиган ёки оқлайдиган ҳукм чиқарувчи маслаҳатчиларга, махсус суд жюри си аъзоларига айландилар. Иккинчи томондан, барча деҳқонлар крепостной қарамликдан озод бўла боришлари билан улар шу короллик судидан фойдаланар эканлар, умуман вақт ўтиши билан бу суд узил-кесил умумгражданлар судига айланди.

Қалқон пули. Генрих II доимий қўшин тузмоқчи бўлди. Чунки вассалларнинг рицарлик хизмати бир йилда маълум кунлар билан чекланган бўларди, бу эса қуруқликда узоқ урушлар олиб боришда ўнғайсизлик туғдирарди. Шу сабабли Генрих II рицарларнинг бир қисмини ҳарбий хизматдан бўшата бошлади. Бундай рицарлар шахсий хизмат қилиш ўрнига ҳарбий ёки қалқон солиғи тўлашлари лозим эди. Бу пулга король йил бўйи хизмат қилишга рози бўлган рицарларни ўзига ёллаши мумкин эди. Қалқон пулининг жорий қилиниши муҳим ижтимоий оқибатларга эга бўлди. Бу тадбир туфайли инглиз рицарлари ҳарбий-феодал хизматдан эртароқ озод бўлиб, тинч қишлоқ хўжайинларига

айлана бошладилар. Келгусида бу ҳолат қуйи инглиз дворянларини шаҳар буржуазияси билан яқинлаштиришда катта роль ўйнади.

Черков билан тўқнашув. Генрих II инглиз черковини тамомила ўзига қарам қилмоқчи бўлди. У епископлар ва аббатларнинг сайлови меининг иштирокимда ўтказилиши керак деб талаб қилди. Руҳонийлар жинойи ишлар бўйича бошқа ҳамма фуқаро сингари, короллик суди томонидан суд қилиниши лозим. Архиепископлар королнинг розилигини олгандан кейингина папа билан муносабатда бўла олар эди.

Бироқ черков реформасини ўтказишда Генрих II инглиз черковининг бошлиғи, Кентербери архиепископи Фома Бекетнинг қаршилигига дуч келди. Епископлар, дунёвий баронлар ва папа қўллаб-қувватлаган Фома Бекет Кларендон шаҳридаги черков соборида (1164) королнинг қистови билан қабул қилинган янги қарорларнинг турмушга оширилишига кўнмади. Даргазаб бўлган Генрих II қайсар архиепископдан қутулишга қарор берди ва Бекетни ўлдиришни ўзининг икки рицарига буюрди (1170 й.). Архиепископ ибодат қилаётган маҳалида ўлдирилди. Бироқ шошқалоқлик билан берилган фармойишнинг оқибати королнинг ўзи учун жуда ноқулай бўлди. Баронлар Фома Бекетнинг ўлимида Генрих II га қарши кўзғолон кўтаришга баҳона сифатида фойдаландилар. Асоратга тушириш тугалланиши муносабати билан XII асрда аҳволи ёмонлашган деҳқонлар оммаси ичида Фома авлиё деб шуҳрат қозонган эди. Унинг королга қарши чиқишини деҳқонлар кучайиб бораётган феодал-бюрократик тузумга қарши порозилик деб билардилар. Агар король Фома Бекетни атайин ўлдирганлиги айбини ювмаса ва черков ишига аралашини тўхтатмаса, у черковдан қувилади, деб папа унга дўқ-пўписа қилди. Генрих II анча ён беришга мажбур бўлди. У Кларендондаги қарорларни бекор қилди. Король Кентербеди шаҳрига келиб (келгуси, 1171 йилда) ўлдирилган архиепископнинг қабри устида, мен ўйламасдан фармойиш берибман ва бу фармойишни ўлдириш ҳақидаги буйруқ деб «нотўғри тушунилган» деб ҳамманинг олдида тавба-тазарру қилди. Ўша йили Генрих II Ирландияни истило қилиш пайига тушди. Бунда, жумладан, у Ирландия истило қилингандан кейин мустақил Ирландия черковининг папага тобе қилинишини ва шу билан папанинг кўнгли олинишини кўзда тутган эди.

Генрих II короллигининг сўнгги йиллари яна баронлар оппозициясига қарши қаттиқ курашда ўтди. Англия баронлари Плантагенетларнинг қуруқликдаги мулкларига эгалик қилувчи феодаллар билан иттифоқ туздилар. Баронлар қари королнинг ўз ўғилларини ўзига қарши оёқлантирдилар. 1189 йилда королга қарши қаратилган катта фитна фoш қилинди. Бу фитнада королева Элеонора ва шаҳзодалар, яъни Генрих билан Элеоноранинг болалари қатнашган эдилар. Ана шу феодал тўс-тўполони вазиятида Генрих II ҳам вафот этди.

Буюк эркинлик хартияси. Генрих II нинг ўғиллари Ричард I Шер Юрак (1189—1199) ва Иоанн (Жоне) Ерсиз (1199—1216) даврларида король ҳокимияти заифлашиб қолди. Ричард деярли Англияда яшамади ҳам, чунки ҳамisha ёки Шарқда солиб юриши билан, ё Франциядаги урушлар билан банд бўлди. Иоанн Ерсиз Филипп II Август билан курашда доимо муваффақиятсизликка учради ва пировардида, Нормандияни, Анжунин ва Франциядаги бошқа бир қанча мулкларни қўлдан бой берди. Бундан ташқари, янги Кентербеди архиепископини сайлаш масаласига аралашиб, у папа Иннокентий III билан тўқнашиб қолди. Папа Иоанни черковдан қувиб, бутун Англияда ибодат қилишни манъ этди (1208 й.). Тахтдан ажралиш хавфи остида қолган ва жамиятнинг етарлича қўллаб-қувватлашига кўзи етмаган король таслим бўлишга мажбур бўлди. У ўзини папанинг вассали деб тап олди ва ҳар йили папанинг хазинасига бир минг фунт стерлинг хирож тўлаш мажбуриятини олди (1213 й.).

Папа билан тўқнашувдаги муваффақиятсизлик мамлакатда королнинг обрў-эътиборини жуда тушириб юборди. Иоанн ыа унинг амалдорлари қўллаб келган ҳар хил тамагирликлар, ноҳақ йиғинлар йиғилиши ва зўравонликлар қилиниши фақат баронлар ва епископлар орасидагина эмас, балки рицарлар ва шаҳарликлар орасида ҳам королга қарши порозилик туғдирди. Айни замонда кучайиб борган король ҳокимиятининг назорати малол келган йирик феодалларда маҳаллийчилик кайфиятлари пайдо бўлиб қолди. Король ўйлаб чиқарган, лекин рицарлар бефойда деб билган қуруқликдаги янги урушга рицарларнинг кўпчилиги қатнашишдан бош тартди. Ана шулар натижасида 1215 йилнинг ёзида Иоанн Ерсизга қарши қўзғолон кўтарилди. Энг йирик баронлар қўзғолонга раҳбарлик қилдилар. Аммо қўзғолонга кўпгина рицарлар, шунингдек, Лондон шаҳри ҳам қўшилди. Қўзғолончилар асир қилиб олган Иоанн 1215 йил 15 июнда Буюк эркинлик хартиясига имзо чекишга мажбур бўлди.

1215 йилги Хартия 63 моддадан иборат катта сиёсий ҳужжат эди. У латин тилида тузилган эди. Хартия, асосан феодаллар синфининг манфаатларини кўзда тутувчи кўпдан-кўп ён беришлар ва имтиёزلарни ўз ичига олган эди. У баронларга ва феодалларга ўз феодалларини мерос қилиб қолдиришни ва «одатга кўра» мўътадил вассаллик тўловлари тўлашни таъминлар эди. Улар учун имтиёзли бўлган «Тенглар суди» (пэрлар суди) ни топшириб қўйилди. Тенглар судининг қонуний ҳукмидан ва мамлакат қонуналаридан ташқари, Англияда бирорта эркин киши қамоққа олинмайди, авахтага қамалмайди, мол-мулкидан маҳрум этилмайди, ёки юртдан ҳайдаб юборилмайди, деб король Буюк эркинлик хартиясининг 39-моддасида тантанали ваъда берди. Бу модда, аввало йирик феодалларга тааллуқли эди. 34-модда баронларнинг суд манфаатларини кўзда тутиб тузилган бўлиб, унда баронларга қарашли судлар сақлаб қолиниши таъкидланган ва короллик судлари бу судларнинг ишига аралаш-

маслиги гарантияланган эди. Хартияда баронлар ва рицарлардан иборат Буюк короллик кенгаши тузилганлигини (12- ва 14-моддалар) эслатиб ўтилади. Шу кенгашнинг розилигидан кейингина король феодаллардан қўшимча маблағлар олиши мумкин эди. Хартиядаги инъом қилинган моддаларга королнинг роя қилмаётганлиги сезилиб қолса, 25 барондан иборат Алоҳида комитет королга қарши феодалларни қўзғолонга чақириш ҳуқуқига эга эди (61-модда).

Хартиянинг бир қанча моддалари шаҳарларга тааллуқли эди. Хартия шаҳарликларга ички ва ташқи савдо-сотиқ эркинлигини, сув йўлларида монесиз сафар қилишни, узунлик ва оғирлик ўлчовлари бирлигини ва шаҳарнинг ўз-ўзини идора қилишни гарантиялаб берган эди. Деҳқон-фригольдерлар рицарлар билан биргаликда ўзларига қарашли ерларга ҳеч кимнинг тикилмаслиги гарантиясини олган эдилар. Жамиятнинг энг мазлум синфи бўлган крепостной деҳқонларгагина Буюк эркинлик хартияси ҳеч қанақа эркинлик бермаган эди. У крепостной ҳуқуқни бекор қилмади. Ҳатто жороль амалдорларининг ноҳақ йиғимлар солиб виллаларни хонавайрон қилиши тақиқланган моддада ҳам, шу виллаларнинг реал манфаатлари эмас, балки улар устидан турган лордларнинг манфаатлари (гарчи булар зиён кўрса-да) назарда тутилган эди.

Феодаллар ҳужжати бўлган ва аввало йирик баронларнинг манфаатларини таъминлаган Буюк эркинлик хартияси, ҳар ҳолда, прогрессив аҳамиятга эга эди. Хартия баронлар айрим группасининг талаби бўлмасдан, балки сиёсий марказлашиш принципини энди рад этмаган, бу принцип билан ҳисоблашган ва давлатни идора қилишни маълум даражада тартибга туширишга интиланган, умуман, феодал дворянлари барча тоифасининг ҳам талаби эди. Буюк эркинлик хартиясининг шаҳарликлар талабини ҳисобга олиши жуда муҳим бўлди. Англиядаги учинчи тоифа биринчи марта шу ерда сиёсий куч сифатида майдонга чиқдики, феодаллар у билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Буюк короллик кенгаши ёки хартияда эслатиб ўтилган баронлар ва рицарлар парламенти тез орада (шу XIII асрда) инглиз парламентига айланди. Бу парламентда французларнинг Генерал штатларидагига ўхшаш королликдаги учта тоифанинг вакиллари бор эди.

АНГЛИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

XIII асрда Англиянинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти. XIII аср мобайнида Англияда қишлоқ хўжалиги ҳам, саноат ҳам зўр бериб тараққий этди. Ерни ишлаш такомиллашди, бу вақтда агрономияга доир турли трактат (илмий асар)ларнинг босилиб чиқиши шуни кўрсатади. Икки далали система ўз ўрнини кўпроқ уч далали системага бўшатиб беради. Қорамол тобора кўпроқ урчитила бошлаши муносабати билан далаларни гўнглаш

кенг қўлланиладиган бўлди. Англияда қўйчилик айниқса кўп ривожлана бошлади. Қўй жуни чет элга Фландрияга кўп миқдорда жўнатиладиган бўлди, маҳаллий мовутсозлик ривожланиши муносабати билан жуinning маълум қисми Англиянинг ўзида истеъмол қилинарди. XII асрда Англияда деҳқончилик соҳасида эришилган ютуқларни ана шу факт кўрсатиб берадики, бу асрда Англиядан Европа қитъасига кўп ғалла олиб кетиларди. Шундай қилиб, Англияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг фақат кенг ички бозоригина эмас, балки ташқи бозори ҳам вужудга келган эди. Деҳқонлар, хусусан уларнинг юқори табақаси бўлган фригольдерлар товар муносабатларига тортилган эди. Рицарлар бозор билан яқиндан боғланган эдилар, XIII асрда улар ўз иқтисодий фаолиятларида шаҳарликлар билан яқинлашиб, қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотиққа тобора кўпроқ жалб қилинди.

Феодаллар орасида кўп соғли маъмуриятга эга бўлган, ўзидан кейин хийла мураккаб манорнал бухгалтерияси қолдирган монастырь ва епископлик маъорлари бозор муносабатларига энг кўпроқ тортилган эди. Дунёвий йирик феодаллар — баронлар бозор билан унча алоқа қилмасдилар. Баронларнинг крепостнойлари етиштирган маҳсулотнинг кўп қисми феодалнинг ва унинг мулозимларининг эҳтиёжига сарфланарди.

Англия учун XIII аср шаҳарларнинг гуриллаб ўсиши характерлидир: шу асрда шаҳарлар сони XI асрдагига қараганда 50% дан ортиқроқ кўпайди. Шу давр ичида шаҳар аҳолиси 5 дан 15% га ортди. Айниқса муваффақиятли ривожланиб борган мовутсозликдан ташқари, шаҳарларда бошқа ҳунарлар: темирчилик, қуролсозлик, кўнчилик, қалайи буюмлар яшаш ва ҳоказолар ҳам ёйилди. XIII аср бошидаёқ Англияда 80 дан зиёд шаҳар ўзини-ўзи идора қилиш ҳуқуқига эга эди; шаҳарлар муайян йиллик взнослар (фирмалар) тўлаши эвазига королдан шаҳар кенгашини эркин сайлаб қўйиш ҳуқуқини, шаҳарликларнинг ўзлари солиқ солиш, бозорларга эга бўлиш ҳуқуқини ва бошқа ҳуқуқларни қўлга киритдилар. Шаҳарларда цехлар ривожланди (Англияда цехлар савдо-сотиқ ташкилотларига ўхшаш, гильдиялар деб ном олган эди). Шаҳар тоифаси муҳим ижтимоий кучга айландики, у билан король ва феодаллар ҳам ҳисоблашар эдилар.

Мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг умумий ўсиши ва унинг экономикасининг мустаҳкамланиши шароитида XIII асрда ривожланиб бораётган феодал жамиятнинг ижтимоий зиддиятлари ғоят кескинлашди. Зиддиятларнинг бир йўли феодаллар билан деҳқонлар ўртасида борди. Инглиз деҳқонлари XIII асрдан бошлаб оғир даврни бошдан кечирар эди. XIII аср деҳқонлар оммасини энг кўп асоратга тушириш даври бўлди. XIII асрда инглиз қишлоғида асосий сиймо ҳисобланган вилланлар турар жойига бириктирилган бўлиб ҳафталик баршчинани (ёзги мавсумда ҳафтада 5 кунгача) ўташга маж-

бур бўлган, лордга никоҳ солиғи ва бошқа ноҳақ солиқлар тўлаган, унинг судига бўйсундирилган тамомила крепостной киши эди. XIII асрдаги инглиз деҳқони аслида вилланга эмас, балки сервга ўхшаб кетарди. Инглиз юристлари «Рим ҳуқуқи»ни далил келтириб, вилланлар Рим қулининг бир тури эди деб очиқ-ойдин фикр билдирган эдилар. XIII асрда турли манорларда кўплаб тартибсизликларнинг юз бериши, деҳқонларнинг тез-тез қочишлари, бутун жамоа деҳқонларининг лорд учун мажбуриятларни бажаришдан бош тортишлари (борди-ю бу мажбуриятлар, айниқса эски «манор одамнга» зид келадиган янги мажбуриятлар бўлса) бежиз эмас эди. Лордлар томонидан кенг яйловлар ва мол боқиладиган бошқа ерларнинг босиб олиниши заминда деҳқонларнинг лордларга қарши олиб борган курашига доир кўпгина фактлар маълумдир¹. Етарли миқдорда яйлов ва мол боқиладиган бошқа жойлар бўлмаганидан кейин деҳқонлар кенг кўламда чорвачилик билан бутунлай шуғуллана олмадилар. Дуруст инглиз қишлоғида яна фригольдерлар, яъни эркин деҳқонлар бор эди; уларнинг аҳволи вилланларнинг аҳволидан яхшироқ эди. Аммо бу вақтга келиб фригольдерларнинг аҳволи ҳам ёмонлашди. Айрим графликларда лордлар фригольдерларни ҳам баршчина ишлашга (гарчи вилланларга қараганда кичикроқ масштабда бўлса ҳам) мажбур қилар эдилар; бундан ташқари, фригольдерлар орасида кескин (вилланлардагига нисбатан анча жадалроқ) табақаланиш юз берди, бунинг натижасида фригольдерларнинг кўплари кам ерли кишиларга айлашиб қолдилар.

XIII асрда Англиядаги ижтимоий зиддиятларнинг бошқа бир йўли бир томондан, йирик феодаллар, яъни лордлар, епископлар, йирик монастырларнинг аббатлари ўртасида юз берган бўлса, иккинчиси— майда рицарлар ўртасида келиб чиқди. Юқорида айтиб ўтилган йирик феодаллар мамлакатдаги ерларнинг кўпчилик қисмини эгаллаб олган эдилар. Уларнинг ҳар бири бир неча ўнлаб, баъзан эса юзлаб манорларнинг эгаси эди; крепостной деҳқонлар, асосан шуларга қарашли эди. Майда рицарлар озгина ҳайдаладиган ери бўлган кичик манорларга эгалик қилардилар, шу сабабли уларда крепостнойлар жуда оз бўларди ёки ҳатто бутунлай бўлмасди; майда рицарлар ўз хўжаликларида асосан батраклар меҳнатидан фойдаланиб, уларни кам ерли деҳқонлар—коттерлар ҳисобидан ёллардилар. Шундай қилиб, рицарлар гарчи феодаллар синфига мансуб бўлсалар-да, лекин улар фақат ўз мулкларининг катта-кичиклиги ва король саройидан анча узоқда туришлари билангина эмас, балки хўжалик юргизиш жиҳатидан ҳам юқори табақа барон аристократлардан

¹ Илк даврда инглизларда ерлар атрофига гов туттиш деб аталган воқеа. Бу воқеа XIII асрда содир бўлиб, ўша маҳалда лордлар олатда бўш ётган ерларни, ҳар қандай яйлов ва ўрмонзорларни босиб ола бошлаган эдилар.

кескин фарқ қилар эдилар. Савдо-сотиқ заминида рицарлар шаҳарликлар билан тобора кўпроқ яқинлашдилар. Рицарлар солиқ тўловчилар сифатида ҳам шаҳарликлар билан яқинлашдилар, чунки Англияда рицарлар ер солиғи ва бошқа солиқлардан озод қилинмаган эдилар, Францияда эса бунинг акси эди. Буларнинг ҳаммаси рицарлар билан шаҳарликларнинг биргаликда сиёсий чиқишлар қилиши учун шароит яратиб берди, XIII асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий воқеалар худди шуни кўрсатди.

Инглиз парламентининг бошланиши. Иоанн Ерсиз Буюк эркинлик хартиясини имзолар экан, ҳақиқатда уни бажармоқчи эмас эди. Иоанн Ерсизни ўзи ичган қасамга риоя қилиш мажбуриятидан халос этган папа Иннокентий III ҳам король томонига ўтди. Иоанн баронлар билан янги урушга тайёрлана бошлади, бу уруш тез орада бошланди ҳам, аммо уруш ҳаракатлари айни қизиқ турган пайтда король қазо қилди. Унинг вориси кичик ёшли ўғли Генрих III (1216—1272) баронлар олигархияси қўлида узоқ вақтгача қурол бўлиб қолди. Лекин у ҳатто балоғатга етгандан кейин ҳам мамлакатни идора қилишда деярли ўзгариш бўлмади. Лапашанг ва беқарор Генрих III папани ва епископларни, шунингдек, француз хотини билан биргаликда Франциядан Англияга келган қариндош-уруғлари ва уларнинг дўстларини инглиз баронларига қарши қилиб қўймоқчи бўлди. Бу феодалларга Генрих сахийлик билан мансаблар ва ер-мулклар улашди. Бу эса инглиз баронлари ўртасида қаҳр-ғазаб уйғотди. Шаҳарлар папа куриясига кетаётган юқори тўловлардан норози бўлдилар. Рицарлар ва эркин деҳқонлар король амалдорлари ва судларининг сунистеъмолларидан ва баронларнинг ўзларининг жойларда давом эттираётган бемаза ўзбошимчаликларидан ғазабланардилар. Бундан аввалги йилги мамлакатда ҳосил ёмон бўлганлигига ва очарчиликка қарамай, шаҳзода Эдмунд (королнинг кекжа ўғли)нинг Сицилия тахтини¹ истило қилиш учун король 1258 йил баҳорида баронлар ва рицарлардан улар оладиган даромадларнинг тўртдан уч қисмини тўлашларини талаб этди. Королнинг талабига жавобан, қуролланган ва ўзларига кўп рицарларни ергаштириб олган баронлар саройга кириб келдилар ҳамда барча «французлар»ни идора ишларидан четлатиб, «королликда реформалар» ўтказиш учун алоҳида комиссия тайин этишни талаб қилдилар. Шундан сўнг, тез орада баронларнинг Оксфордда тўпланган «қутурган парламенти» алоҳида конституция («Оксфорд озик-овқатлари») ишлаб чиқди. Бу алоҳида конституция королни баронларнинг доимий назоратига топширди.

Дастлабки пайтда баронлар рицарлар билан келишиб ҳаракат қилдилар. Аммо баронлар ҳокимиятни фақат ўзлари учун

¹ Узини Иккала Сицилия Короллигининг сеньори деб ҳисоблаган ва бу пайтда немис Штауфенлари билан кураш олиб борган папа, Сицилия тож-тахтини эгаллашни Генрих III га таклиф этган эди.

босиб олишга интилаётганликларини, рицарлар масаласида ноаниқ ваъдалар бериш билан чекланаётганликларини рицарлар тезда пайқадилар. Рицарлар норозилик билдирдилар. Уларнинг талаблари бошқа бир ҳужжатда «Вест министрлик озиқ-овқатлари» номли машҳур ҳужжатда ифодаланган эди. «Вест министрлик озиқ-овқатлари» рицарларнинг ўз сеньорлари — баронлари билан бўладиган муносабатларини тартибга солиб турарди, шунингдек, король шерифлари, эсчиторлари¹ ва судьяларининг суинистемолларини йўқотиш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди. Энг майда рицарлар айниқса кўп активлик кўрсатдилар (Англияда улар бакалаврлар деб аталарди).

Ҳаракатга кейинчалик шаҳарликлар ва бир қанча жойларда деҳқонлар, қисман фригольдерлар, қисман вилланлар келиб қўшилдилар. Баронлар тўдаси бўлиниб кетди. Демократик элементларнинг активлитидан, хусусан, бошланиб кетган деҳқонлар ҳаракатидан қўрқиб қолган баронларнинг кўпчилиги тезда король томонига ўтди. Аммо Симон де Монфор² бошчилик қилган йирик феодалларнинг бир қисми король билан курашни давом қилдириб, рицарлар ва шаҳарликлар билан иттифоқ тузди.

1264 йил баҳорида Симон королнинг тарафдорлари бўлган баронларни яксон қилиб, Генрих III ни ва унинг катта ўғли шаҳзода Эдуардни асир қилиб олди. Симон де Монфор бир неча вақт Англиянинг диктатори бўлиб олди. 1265 йил бошида у кенг составда парламент чақирди: парламентга барон ва епископлардан ташқари, рицарларнинг (ҳар бир графликдан икки кишидан) ва шаҳарларнинг (ҳар бир шаҳардан икки кишидан) вакиллари таклиф қилинди. Шундай қилиб, француз Генерал штатларига ўхшаш, Англияда биринчи марта уч тоифа вакилларида иборат парламент чақирилди.

Симон де Монфорга ҳокимият тепасида узоқ вақт қолиш муяссар бўлмади. Баронларнинг кўпчилик қисми душманлар лагерига ўта бошлади. Шаҳзода Эдуард асирликдан қочиб, короллик кучларининг асосий ташкилотчиси бўлиб олди. 1265 йил августда Ивзем ёнидаги жангда Монфор мағлубиятга учради ва ўлдирилди. Унинг тарафдорлари жазога тортилдилар. Парламент яна биргина йирик феодаллар составида йиғиладиган бўлди.

Эдуард I нинг идора қилиши. «Намунали парламент». Эдуард I (1272—1307) 50—60 йиллардаги «ғалаёндан» катта сабоқ олган хийла ғайратли король эди. Айни замонда 1258—1265 йиллари баронлар уруши маҳалида ўрта ва қуйи синфларнинг қўлига қўлиб қолган феодаллар энди короллик тож-тахт эгачлашдилар. Эдуард I ўз мавқеини

янада кучайтириш учун бир қанча истилочилик урушлари қилди. Эдуард I Уэльсни истило қилди (1282 й.)¹ ва Шотландия билан узоқ уруш олиб борди. Шотландия билан олиб борилган уруш ғоят оғир бўлди. Урушни давом қилдириш учун етарлича маблағи бўлмаган король жуда мушкул бир аҳволга тушди. Оппозициянинг янгидан бош кўтариб чиқишининг олдини олиш ва зарур маблағга эга бўлиш мақсадида 1295 йили королнинг ўзи умум тоифавий парламент чақирди. Бу парламентнинг состави келажакда ана шундай йиғилишлар учун намуна бўлганлигидан, уни кейинчалик «намунали парламент» деб атадилар. Аммо 1265 йилда Монфор парламенти қанақа составда тўпланган бўлса, бу парламент ҳам худди шундай составда йиғилди. Бу парламентда лордлар, дунёвий ва руҳоний феодаллар, рицарлар ва шаҳарликлар йиғилган эди. Шу пайтдан эътиборан Англия парламенти мунтазам суратда йиғиладиган бўлди, тез орада (1297 й.) солиқларни тасдиқлаш ҳуқуқини олди.

XIV асрда парламентнинг ривожланиши. XIV аср ўртасида король Эдуард III (1327—1377) даврида парламент айниқса тез-тез (деярли ҳар йили) чақириладиган бўлди. Франция билан бошланиб кетган Юз йиллик уруш ҳукуматдан катта пуллар талаб қилди. Пулга муҳтож бўлган король ҳар сафар парламентга мурожаат этиб, ундан «субсидия» ёки «кўмак» сўрашга мажбур бўлди. XIV асрда инглиз парламентининг ҳуқуқи ҳам асосан расмийлашди. Парламент солиқларни тасдиқлаш ҳуқуқидан ташқари, қонулар (парламент низомлари ёки актлари) чиқариш ҳуқуқини олди. Парламент, шунингдек сиёсий ишлар бўйича, жумладан, короллик министрлари томонидан содир бўладиган хизмат жиноятлари бўйича олий суд ҳам бўлиб қолди. 1343 йилдан эътиборан парламент икки палатага бўлинди. Юқори палата лордлар палатаси деб аталиб, у руҳоний лордлар, архиепископлар, епископлар, энг йирик монастырларнинг аббатлари ва дунёвий лордлар (баронлар)дан иборат бўларди. Умум палата си деб аталмиш қуйи палата графликларнинг вакиллари бўлган рицарлар ва шаҳарликлардан иборат бўларди.

Инглиз буржуа тарихчилари одатда тасдиқлаганларидек, ўрта аср давридаги инглиз парламенти чинакам миллий парламент эмас эди. Унда деҳқонлар оммасининг вакиллари йўқ эди. Шаҳар аҳолиснинг қуйи табақалари ҳам парламентда ўз вакилларига эга эмас эдилар ва, баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда, улар депутатлар сайлашда қатнашмасдилар.

XIV—XV асрларда Англиядаги шаҳар идораси тобора кўпроқ ёпиқ цех-олигархия характерига эга бўлди. XIV асрдан бошлаб рицарлар графликлардаги ҳокимиятни ўз қўлларига киришиб олиб, бу вақтга келганда энди бозор, савдо-сотик билан,

¹ Уэльс истило қилиниши муносабати билан у шаҳзоданинг ерига айланди. Шаҳзода, француз дофинига ўхшаш, Уэльс шаҳзодаси деган лақаб олди.

баъзан эса саноат билан ҳам яқиндан боғланган узил-кесил қишлоқ хўжайинларига айланган эдилар. XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тузилган муросага келтирувчи судьялар деган янги мансаб, рицарларнинг жойлардаги сиёсий ҳоқимиятининг ифодаси эди. Рицарлар бу мансабни бепул бажарар эдилар. Муросага келтирувчи судьялар полициячилик тартибида майда ишларни, шунингдек, ишчи кучи ёллаш масалаларига, иш ҳақи белгилаш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларга оид ишларни қарар эдилар. Муросага келтирувчи судьялар деҳқонларга қарши хусусан қишлоқ камбағалларига қарши дворянлар тоифасининг синфий манфаатларини очиқдан-очиқ ҳимоя қилар эди.

1 УОТ ТАЙЛЕР ҚУЗГОЛОНИ

1 XIV асрда Англиянинг иқтисодий тараққиёти. Коммутация жараёни. XIII асрнинг иккинчи ярмида ва хусусан XIV асрда Англия ўз экономикасида яна анча катта силжишларни бошдан кечирарди. Фландрия билан ва қуруқликдаги бошқа мамлакатлар билан олиб борилган қизгин савдо-сотик муносабатлари инглиз қишлоғини кенг бозор алоқаларига тортди. «Фландрияда халқ бизнинг жунимизни қайта ишлаш билан тирикчилик қилади ва бусиз узоқ яшай олмайди ёки ҳалок бўлади, ё бўлмаса, биз билан тинч-осойишталикда яшамоғи лозим»,— дейилади. Юз йиллик уруш вақтларидаги бир инглиз памфлетига. Инглиз жунининг бир қисми Италияга олиб кетилади, у ерда бу жунни Флоренция мовутсозлари жуда қадрлайдилар. XIII—XIV асрларда Англиянинг ўзида маҳаллий саноат зўр бериб ривожланди.

Англия шаҳарларининг, аввало Лондоннинг ўзининг ўсиши, Франция шаҳарларидаги сингари қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларига — ғалла, гўшт, сут маҳсулотлари, тери ва ҳоказоларга бўлган талабни тобора оширди.

Пул хўжалигининг ривожланиши Англиядаги крепостной ер-мулкининг — манорнинг емирилишига сабаб бўлди. Лордлар баршчинани пул бироғи билан айирбошлашни (коммутация қилишни) фойдалироқ деб билдилар. Бундай пайтда улар ўзларига қарашли ерларни (доменларни) кам ерли деҳқонлар орасидан чиққан ёлланма ишчилар меҳнати билан ишлайдиган бўлдилар. Баъзи бир лордлар ҳеч қандай хўжалик юргизмай, иллик пул реласи олишни афзал кўриб, ўз доменларини ижарага берардилар. Коммутация XIII асрдаёқ катта ютуқларга эришди. XIV асрнинг биринчи ярмида бир қанча районларда коммутация баршчинани батамом сиқиб чиқарди. Қўл ишчи кучи талаб этмайдиган чорвачилик ривожланган жойларда коммутация айниқса кенг қўлланди. Англиянинг шимоли-ғарбий ва қисман марказий районларида ана шундай бўлган эди. Чет

элга галла экспорт қилиш билан алоқадор бўлган дончилик хўжалиги катта роль ўйнаган жануби-шарқий графликларда коммутация жараёни секинроқ борди. Йирик лордларнинг жануби-шарқдаги манорларида ва кўп сонли церков-монастирларнинг ер-мулкларида баршчинага айниқса қаттиқ ёпишиб олишди. У ерда ҳатто баршчинани кучайтириш ҳодисалари тез-тез учра-тиб туриларди. Аммо, шунга қарамай, бутун мамлакатда пул рентаси тобора кўпроқ тарқалди. Шу муносабат билан инглиз крепостной деҳқони ҳам шахсан озод деҳқонга айланди. Унинг лордга муносабати муайян пул ренталари тўлашдан иборат бўлиб қолди, холос. Чек ер аввалгидек, унинг тасарруфида қолди. У пул ишлаш учун шаҳарга кетиши ва умуман, ўз истиқомат жойини ўзгартириши мумкин эди.

Коммутация биринчи галда энг бадъвлат деҳқонлар учун фойдали эди. XIII аср бошида ўрта ҳол деҳқонлар коммутациядан кўпинча воз кечардилар, чунки уларнинг пул топилари қийин эди. Вақт ўтиши билан, қишлоқда пул миқдори кўпайиши билан ўрта ҳол деҳқонлар ҳам коммутация ўз аҳволларини яхшилашини билиб, унга бошқача назар билан қарайдиган бўлдилар. Аммо лорд белгилаган пул рентасининг ноят юқори эканлигидан деҳқонлар норози эдилар. Деҳқонларни ғазаблантирган нарса яна шу бўлдики, ўзгариб турувчи бир шароитда лорднинг ўзи кўпинча коммутацияга кўнмай, баъзан орадан бир неча вақт ўтказиб яна баршчина усулига қайтар эди. Баъзи бир графликларда, чунончи, Кент графлигида (жануби-шарқий графликлар орасида энг сараҳолилиги) деҳқонлар кам ерлиликдан қаттиқ жафо чекар эдилар. Лордлар бекор ётган ерларни босиб олиб ва деҳқонларни фойдаланиб турган яйловларидан сиқиб чиқариб, жамоа ўтлоқларини қисқартмоқда эдилар. Буларнинг ҳаммасини деҳқонлар орасидаги норозиликнинг тобора кенгроқ ўсиб боришига сабабчи бўлди.

«Қора ўлат» ва унинг оқибатлари. 1348 йилда Англияда даҳшатли вабо эпидемияси (юқумли касаллик) авж олди, замондошлар уни «қора ўлат» деб атадилар. Шу юқумли касаллик натижасида мамлакат аҳолисининг қарийб тўртдан үч қисми (баъзи тадқиқотчи-мутахассисларнинг фикрича, ҳатто ярмиси) ҳалок бўлди. Ишчи қўлларининг камайиши шаҳарнинг ҳам, қишлоқнинг ҳам аҳволига ёмон таъсир этди. Ишчи қўллари анча қимматлашди. Феодаллар қишлоқ хўжалик ишчиларини ўзларига керакли миқдорда ёллай олмадилар. Кўпдан бери, асосан эркин ёлланма меҳнатдан фойдаланиб келган майда феодаллар (рицарлар) айниқса танг аҳволга тушиб қолдилар. Шаҳарлардаги цех усталари ҳам иш ҳақини оширишни талаб этган халфаларнинг «фитнаси»дан шикоят қилардилар. Рицарларга ва цех усталарига кўмаклашиш ниятида король Эдуард III ҳукумати 1349 йилда ордонанс чиқарди. Бу ордонанс ўз ери ёки яшаш учун бошқа маблағлари бўлмаган, ёши 60 дан

ошмаган барча катта ёшли эркак ва аёлларнинг таклиф этилган ишга мажбурий тартибда ва шу билан бирга вабо касаллигидан бурунги мавжуд иш ҳақи баробарига ёлланишларини талаб қилди. 1351—1361 йиллардаги парламент ҳужжатлари короллик фармонини тасдиқлаб, ишга боришдан бош тортган ва ундан ўзича кетиб қолган кишиларга қаттиқ жазо чоралари белгилади. Ордонанс ва ҳужжатларни бузишда айбланган одамлар авахтага ташланди, тахтакўчга қисиб қўйилди ва бадани қизитилган темир билан куйдирилди. Феодал-крепостниклик давлатининг «Ишчи қонунчилиги» ўзига қишлоқ камбағалларининг ҳам, шунингдек шаҳар плебей элементлари — халфалар, кунбай ишлайдиган ишчилар, порт ишчилари ва бошқаларнинг ҳам ялпи нафратини кўзғатди.

Бу билан чекланмасдан, кўп лордлар илгари ўзлари томонидан пул оброгига кўчирилган вилланларни яна баршчинага қайтардилар. Бу эса умуман бутун қишлоқнинг, шу жумладан, унинг бадавлат юқори табақасининг ҳам манфаатларини оёқ ости қилувчи чинакам феодал реакцияси эди.

Жон солиғи. Юз йиллик урушдаги муваффақиятсизликлар муносабати билан XIV асрнинг 60- ва 70-йилларидаги Англиянинг аҳволи мушкуллашди. Иоменлар юришларда қатнашишганлиги туфайли инглиз феодаллари Креси ва Пуатье ёнида эришган ажойиб ғалабалар замони тугаб, энди улар бирин-кетин мағлубиятга учрай бошладилар. Франциядан ўлжалар келиш ўрнига, уруш энди янгидан-янги харажатлар қилишни талаб қиларди. Инглиз ҳукумати парламентдан солиқларни оширишни сўрашга мажбур бўлди. 1377 йилда, янги король Ричард II (Эдуард III нинг невараси) идора қила бошлаган дастлабки йилда парламент жон солиғи жорий қилди. Бундай солиқ Англияда илгари ҳеч қачон бўлмаган эди. 14 ёшли ва ундан юқори ҳар бир эркак ва аёл, мулкый аҳволдан қатъи назар, бу солиқни тўлашга мажбур эди. Қари-қартанглар ва ўсмирлар кўп бўлган катта оилаларда янги солиқ йиғиндиси катта суммани ташкил қилар эди. Жон солиғи деҳқонлар оммаси гарданига оғир юк бўлиб тушди. Бу солиқ қишлоқда ўзига қарши чуқур қаҳр-ғазаб кўзғаб, инглиз деҳқонларини 1381 йилги кўзғолонга етаклаган сўнгги баҳона бўлди.

Виклеф ва лоллардлар. 1381 йилги кўзғолон баъзи бир идеологик тайёргарлик ҳам эди. Кўзғолондан аввалги йилларда инглиз қишлоғида ваъзхонлар пайдо бўлиб, улар ўзларини «фақир поплар» деб атардилар. Булар инглиз черковининг машхур реформатори Жон Виклефнинг шогирдлари эдилар. Поп ва Оксфорд университетининг профессори Жон Виклеф (1320—1384) XIV асрнинг 60—70-йилларида черковни реформа қилиш керак, деган талаб билан чиқди. Черков папасиз яшай олмайди ва папа ҳокимияти короллик ҳокимиятидан юқори туриши лозим деган ўрта аср католицизми таълимотини Ж. Виклеф рад қилди. Папа Англиядан хирож олиш учун ҳеч қанақа

ҳақ-ҳуқуққа эга эмаслигини Виклеф исботлаб берди. «Король королликни папа номидан эмас, балки бевосита худойи таоло номидан ўз қўлида тутиб туради»,— дерди Виклеф ўша замондаги феодал ҳуқуқини ўзича талқин қилиб. Сўнгра у, черковнинг ғоят катта ер бойликларига қарши чиқиб, черков ерларини секуляризация қилиш (давлат ихтиёрига олиш) тўғрисида ҳукуматга тавсиянома берди. Виклеф диний маросимларни дабдабали қилиб ўтказишга қарши чиқиб, ибодат маҳалида ваъзхонликни кучайтиришни тавсия этди. У тавротни инглиз тилига таржима этиб, ибодатни ҳам миллий, инглиз тилида қилишни зарур деб ҳисоблади (ўрта асрлар даврида Европанинг ҳамма ерида қабул этилганидек, черковларда фақат латин тилида ибодат қилинарди).

Виклефнинг чиқиши идеология жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Виклеф XVI асрда Европада юз берган Европа реформацияси мухлисларидан бири эди. Аммо унинг трактат (илмий асар)лари сиёсий жиҳатдан ҳам катта роль ўйнади. Юз йиллик уруш маҳалида Англия папаликка нисбатан ғоят душманлик муносабатларида бўлди, бу вақтда француз короллари таъсирида бўлган Авиньон папалари Англияга қарши француз ҳукуматига ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам ёрдам берардилар. Виклефнинг папаликка қарши қилган ваъзлари ва ёзган адабий асарлари шунинг учун ҳам айниқса актуал эди. XIV аср ўртасида, Эдуард III короллиги даврида парламент махсус низом қабул қилиб, унда суд-черков ишлари юзасидан папага шикоят аризаси билан мурожаат этиш ман этилди. 70-йилларда инглиз ҳукумати ниҳоят папага хирож тўлашдан воз кечди, ҳолбуки бу хирож Римга Иоанн Ерсиз замонидан буён тўлаб келинар эди. Уруш олиб бориш учун маблағга муҳтож бўлган ҳукумат черков ерларини секуляризация қилишга тайёр эди. Королликдаги барча ерларнинг тахминан учдан бир қисмини ташкил этган инглиз черковининг ғоят улкан мулкларига дворянлар (лордлар ҳам, рицарлар ҳам) кўпдан ҳавас қилиб келардилар.

Виклеф реформаси Лондон шаҳари аҳолиси орасида ҳам зўр шуҳрат қозонди. Черков диний маросимлари соддалаштирилиши ва арзонлаштирилиши керак ҳамда черков бирор-бир ажнабий кучга қарам бўлмаган мустақкам миллий ташкилотга айланиши лозим, деган Виклефнинг чақириқлари Лондонда, шунингдек бошқа жойларда хусусан Англиянинг энг ривожланган жанубиде ва жануби-шарқида унга эргашган бир группа мухлисларни келтириб чиқарди.

Виклефнинг Англиядаги мухлислари лоллар длар деб аталарди. Унинг энг демократик кайфиятдаги шогирдларидан, чунончи «фақир поплар» деб аталганлари, Виклеф ҳали ҳаётлик маҳалидаёқ унинг реформаторлик таълимотига қатъий, революцион тус берган эдилар. У «фақир поплар» крепостникликка кескин қарши чиққан эдилар. Улар қишлоқма-қишлоқ юриб, деҳқонлар орасида пропаганда олиб бордилар. Олий табақа бой ру-



Уот Тайлер қўзғолони

ҳонийларга қарши, шунингдек, дунёвий феодаллар (лордлар)га қарши қаттиқ ҳужум тошини ёғдириб, ваъзхонлар, модомики «худо-ванди карим барча кишиларни тенг қилиб яратган экан», ер-сув барчаникидир, деган ишончини камбағал деҳқонлар кўнглида мустақамладилар.

«Одамато ер ҳайдаб, Момаво эса чарх йигирган пайтларида ким дворян бўлган, ахир?» деган қочириқ сўзлар қишлоқларда тез-тез қайтариларди. Ана шундай халқ ваъзхонларидан бири бўлган Жон Болл феодалларга кескин ҳужумлар қилишда айниқса ажралиб

турарди. «Менинг азиз дўстларим,— дерди Болл деҳқонларга мурожаат этаркан,— ҳамма нарса умумники бўлмасдан туриб, на вассал, на лорд ва кишилар ўртасидаги барча тафовутлар йўқ қилинмасдан туриб, лордларнинг бизнинг устимиздан ҳўжайинлиги бартараф этилмасдан туриб, Англиядаги ишлар яхши бўлиб кетмайди».

Кентерберий архиепископининг буйруғига биноан Жон Болл эвзхтага ташланди. 1381 йилда қўзғолон қилган деҳқонлар уни қамоқдан озод қилдилар. Жон Болл қўзғолон раҳбарларидан бири бўлиб қолди.

Уот Тайлер қўзғолони. Тарихга Уот Тайлер қўзғолони номи оилан кирган қўзғолон 1381 йил май ойининг охирида жануби-шарқий Эссекс графлигида бошланди. Деҳқонлар бу ерда жон солиғи йиғувчиларни ҳайдаб юбордилар ва улардан баъзиларини ўлдирдилар. Шундан кейин вилланлар манор эгаларига қарши кўтарилдилар. Қўзғолон Эссексдан қўшни графликларга— Кент, Сефольк, Норфолк ва бошқа графликларга кўчди. Қисқа бир фурсат ичида қўзғолон Англия графликларининг катта бир қисмига ёйилди¹. Деҳқонлар дунёвий ва руҳоний лордларга қарашли манорларни яқсон қилдилар, улардаги ғалла, чорва моллари ва бошқа мол-мулкларни босиб олдилар, манор архивларида сақланган баршчинга ва оброк мажбуриятларига доир рўйхатларни (улар рентали деб аталарди) ёндириб ташладилар.

¹ Қўзғолонда жами бўлиб мамлакатнинг 40 графлигидан қарийб 25-си қатнашди, аммо Англиянинг жануби-шарқи қўзғолоннинг асосий райони бўлиб қолди.

Баъзи шаҳарлар қўзғолончи деҳқонлар томонига ўтдилар. Қўзғолончилар Кентда графликнинг асосий шаҳри бўлган Кентерберни қўлга киритдилар. Шунингдек, Мэдстон ва Дартфорд шаҳарлари ҳам қўзғолончилар тарафини олдилар. Кентнинг ўзида раҳбар топилиб, у Кент, Эссекс графликлари ва бошқа қўшни графликларнинг деҳқонлар оммасини бир оз вақтгача бирлаштирди ва бу деҳқонлар оммасини Лондонга бошлаб борди. Унинг номи Уот Тайлер эди. («Тайлер» сўзи инглизча — «тунукасоз» демакдир. Бундан чиқадики, у ҳунарманд бўлган бўлса ажаб эмас). Шак-шубҳасиз, Тайлер илгари солдат бўлган, негаки, у ҳарбий ишни яхши биларди. Унинг биографияси ҳақида батафсилроқ маълумот йўқ.)

д) Уот Тайлер ғайратли раҳбар бўлиб чиқди. У, королдан деҳқонлар талабини қондиришга эришмоқ учун қўзғолончиларни короллик пойтахти — Лондонга олиб боришга қарор берди. Лондонга боришнинг ўзини у тўғри ўйлади ва бу чора тез амалга оширилди. Тайлер Жон Болл, Жек Струу (афтидан, майда рицар бўлса керак) ва бошқа ёрдамчилари билан биргаликда 11 июнда кентликларни пойтахтга бошлади, лекин унга жануб томондан борди. Аяни замонда улар билан шартлашиб қўйган Эссекс деҳқонларининг раҳбарлари Лондонга шимоли-шарқ томондан яқинлашиб келдилар.

Лондон шаҳари маъмурлари деҳқонларнинг Лондон кўпригидан ўтиб, шаҳар дарвозаси орқали Лондон Ситисига киришларига монелик қилмадилар.

Уч кун мобайнида, яъни 1381 йилнинг 13, 14 ва 15 июнь кунлари қўзғолончи деҳқонлар Англия пойтахтининг хўжайинлари бўлиб олдилар. Короллик министрларининг баъзилари — улар орасида короллик канцлери Симон Сэдбери (у Кентербери архиепископи ҳам эди) ва лорд-хазиначи Хейлс — қатл қилинди. Лондондаги турмаларнинг ҳаммаси ағдар-тўнтар қилинди. Қўзғолончилар Лондон судининг асосий архивини босиб олиб, уни ўтда ёқиб юбордилар. Йирик бинолардан королнинг амакиси, Ланкастерский герцогининг саройи вайрон қилиб ташланди (король Ричард II ёш бўлганлиги туфайли герцог Ланкастерский вақтинча регентлик вазифасини бажарар эди)¹.

е) Майл-Эндск ва Смитфилдск программалари. Деҳқонларнинг король билан бўлган икки учрашувида (14 ва 15 июнь) қўзғолончиларнинг талаблари баён қилинган икки петиция (талабнома) тақдим этилди. Улардан бири анча мўътадил ҳисобланган Майл-Эндск (ёки Эссекс) петицияси эди. Бу петиция тўрт моддадан иборат эди: 1) крепостной ҳуқуқ (вилланлик)ни бекор қилиш, 2) қўзғолончиларга афв умумий бериш, 3) барча мамлакатда савдо-сотиқ қилишга эркинлик бериш ва 4) 1 акр ҳажмидаги ер учун 4 пенс миқдориде ижара ҳақи белгилаш.

¹ Король Ричард II (1377—1399) 1381 йилда атиги 14 ёшда эди.

Бу программа Англиядаги энг бадавлат деҳқонларнинг манфаатларини акс эттирар эди.

Иккинчи Смитфилдск (ёки Кент) программасида—анча қатъий талаблар баён этилган эди. Деҳқонлар ўзларига черков ерлари фондидан ер берилишини, жамоага қарашли ер-сувлардан эркин фойдаланишни ва барча тоифавий тафовутларнинг йўқ қилинишини талаб қилган эдилар. Иккинчи петиция кентлик кам ерли энг камбағал деҳқонларнинг эҳтиёжларини равшан акс эттирган эди.

Ҳукумат бошда ён берди. 14 июнда королнинг муҳри босилган юзлаб ёрлиқлар тайёрланиб, деҳқон жамоаларига тарқатилди. Эссеке деҳқонлари ёрлиқларни олиб, қаноат ҳосил қилгач, шу кун и кечкурун Лондондан чиқиб кетдилар. Аммо кентликлар қолиб, юқорида кўрсатиб ўтилган иккинчи петицияни тайёрлай бошладилар. Деҳқонларнинг сафларида парокандалик бошланганини пайқаган маъмурлар, қатъийроқ ҳаракат қилишга киришдилар. Деҳқонларнинг король билан Смитфияда иккинчи марта учрашув маҳалида (15 июнь) уларнинг раҳбари Уот Тайлер хоинона ўлдирилди. Раҳбарсиз қолган Кент деҳқонларининг отрядлари Лондондан ҳайдаб юборилди. Бу вақтга келиб, аҳвол осойиштароқ бўлган графликлардан Лондонга келиб кирган рицар отрядлар етарли даражада қўшин ташкил этдиларки, ҳукумат бу қўшинни қўзғолонни бостиришга юбора оларди.

Шундан сўнг короликнинг бошқа ҳамма жойларида қўзғолсн бостирилди. Лондондан жўнатишган жазо экспедициялари бутун ёз бўйи қўзғолон қатнашчиларини аёвсизлик билан қаттиқ жазоладилар.

Уот Тайлер қўзғолонининг тарихий аҳамияти. Урта аср давридаги барча деҳқонлар ҳаракати сингари 1381 йилги қўзғолон ҳам муваффақиятсизлик билан тамом бўлди. Бунга сабаб, одагдаги уюшқоқсизлик, кучларнинг бўлиниб кетганлиги, программанинг етарли даражада аниқ бўлмаганлиги ва қўпол тактик хатоларга йўл қўйилиши бўлди. Инглиз деҳқонлари (Жакерия қатнашчилари бўлган француз деҳқонлари масаласида юқорида айтиб ўтилганидек) король бизнинг тарафимизни олади, деб соддадиллик билан ишонардилар. Деҳқонлар ўзлари энг ёмон кўрган амалдорларнинг адабини бериб, ҳатто ўз ҳукуматларини тузишга интилиб ҳам кўрмадилар. Шаҳарнинг плебей элементлари деҳқонлар қўзғолонига ёрдам бердилар, лекин плебей элементларнинг ўзлари заиф бўлганликлари туфайли, қўзғолонга бошчилик қилиб, уни ғалабага олиб бора олмадилар.

1381 йилги қўзғолон мағлубиятга учраган бўлишига қарамай, у инглиз деҳқонининг бундан кейинги тақдирига ҳар ҳолда катта таъсир кўрсатди.

Қўзғолон анча катта ва қудратли қўзғолон бўлди, бу қўзғолондан кейин эса помешчикларга баршчинани жиддий суратда қайтадан тиклаш ҳақида ўйлашга энди тўғри келмади. 1382

йилда ва ундан кейинги йилларда айрим графликлардаги деҳқонлар феодалларга қарши қайтадан қўзғолон кўтаришга уриндилар. Лордлар ён беришга мажбур бўлдилар. Шу сабабли, 1381 йилдан кейин коммутация жараёни янада кучайди. Қўйчилик тобора кўпроқ ривожланиб, унда баршчина кераксиз бўлиб қолди ва у, ахир пироварди, крепостникликнинг бекор қилинишига ёрдам берди. «Англияда крепостникликнинг қарамлик ҳақиқатда XIV асрнинг охирида йўқ бўлди,— деб ёзган эди Маркс «Капитал»да. Аҳолининг жуда катта кўпчилиги у вақтда ва XV асрда янада кўпроқ мустақил хўжалик юргизувчи эркин деҳқонлардан (гарчи уларнинг мулки ҳар қандай феодал никоби остига олинган бўлса ҳам) иборат эди»¹.

ЛАНКАСТЕРЛАР ВА ЙОРКЛАР. ҚИЗИЛ ВА ОҚ ГУЛЛАР УРУШИ

XV асрда Англиянинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти. XV аср мобайнида Англияда феодализмнинг емирилиши янада зўрайди. Мамлакатнинг умумий хўжалигида саноатнинг аҳамияти кучайди. Англияда мовут саноати айниқса катта ютуқларга эришди. Англияда юқори сифатли мовут нави етиштирилиб, унинг бир қисми чет элларга кўплаб чиқариладиган бўлди. Жун йиғириш ва тўқиш, шаҳарлардан ташқари, кустарчилик касби формасида қишлоқларга ҳам кенг тарқалди, кустарчилик касби билан шуғулланувчи одамлар олиб сотарлар, яъни «мовутфурушлар» учун ишлардилар. Инглиз экспортида жун аввалгидек катта ўрин эгаллашда давом этгани билан бирга, XV асрда қишлоқ жойларидан ҳам ҳар қанақанги дағал жун мовутлар кўплаб ташқарига чиқариларди ва бу дағал мовутларга Фландрияда яна бошқатдан ишлов бериларди.

XV асрда инглиз савдогарлари турли денгизларда ўз савдо-сотиқ ишларини кенг ёя бошладилар. Шу муносабат билан инглиз кемасозлиги зўр бериб ривожлана борди. Денгизларнинг нариги томонларига бориб савдо қилувчи йирик савдогарларнинг бир қисми XV асрнинг 70-йилларида савдогар-авантюристларнинг² биринчи денгиз савдо компаниясини тузди. Бу савдо компанияси, аввало Ла-Манш ва Шимолӣ денгиздаги мовут савдосини ўз қўлига монополия қилиб олди.

XV асрда инглиз феодаллари синфи икки қисмга: одатда хўжалик билан ўзи шуғулланмаган ва ўзининг доменини ижарага берган йирик феодал дворянларга ва ёлланма меҳнатни эксплуатация қилган, ғалла ва жун билан савдо-сотиқ қилган, ўз фарзандларини ҳунар ва савдо-сотиққа ўргатиш мақсадида шаҳарга жўнатган рицарь ва жентельменлардан иборат ўрта ва майда дворянларга кескин бўлиниб кетди. Келгусида майда

¹ Қ. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 23-т., 728—729-бетлар.

² Савдогар-авантюрист — «бошлаб берувчи», «пионер» маъносини билдиради.

ер-мулкка эгалик қилувчи дворянлар (жентри)нинг ота-боболари бўлган дворянларнинг бу қисми хўжалик юргизиш усули жиҳатидан буржуазияга яқин туриб, у никоҳ йўли билан шу буржуазияга кўпинча қаридош-уруғ бўлиб кетган эди.

Ланкастерлар династиясининг идора қилиши. Эски феодал аристократияси XV аср мобайнида ҳукмрон синф ҳисобланар эди. Унинг кўпинча анъанавий тўловлар тарзида ерлардан оладиган даромадлари ўсмай, балки пулнинг аста-секин қадри кетиши билан улар амалда камайиб борганлигидан, аристократия давлат мансабларини босиб олиш йўли билан ўз зарарларининг ўрнини қоплашга ҳаракат қилди. Бу аристократия Франция билан олиб борилган Юз йиллик урушдан ҳам катта умидвор эди. Аристократия Францияда янги ерлар ва ҳар қанақанги ҳарбий ўлжалар олишга ишонган эди. 1399 йилда Плантагенетлар ўрнига келган янги Ланкастерлар династияси, аристократик сиёсатнинг қуролига айланди.

Плантагенетлар династиясининг сўнгги (катта авлод) вакили бўлган (ёш болалиги пайтида 1381 йилги қўзғолон бўлиб ўтган) король Ричард II ни ўзининг тоғаваччаси, Ланкастер герцоги Генрих тахтдан ағдариб, ўзига Генрих IV деб ном олди (1399—1413). Ричард қасрга қамалди ва тез орада ҳалок бўлди. Янги династия ўзининг тахтдаги мавқеини мустақамлаш учун феодал аристократиясига ва инглиз черкови епископларига хушомадгўйлик қилди.

Ланкастерлар черков ерларини секуляризация қилиш планини бир четга йиғиштириб қўйиб, лоллардларни қаттиқ таъқиб қилдилар ва улардан бир неча юзлаб кишилар еретикликда айбланиб, гулханларда ёқиб юборилди. Генрих V Франциядаги урушни кенг миқёсда бошқатдан бошлаб юборди, бу уруш унинг вориси Генрих VI даврида ҳам давом эттирилди. Дастлабки пайтда Ланкастерлар урушни муваффақиятли олиб бордилар. Аммо, бундан кейинги ҳарбий муваффақиятсизликлар ҳукуматнинг аҳволини яна баттарроқ мушкуллаштирди. Ҳолбуки, уруш илк ўрта аср замонидаги сиёсий муносабатлар манзарасини гўё ангилагандай, шахсий ҳокимиятнинг ўзига хос такрорланиши бўлиб чиқди. Йирик феодалларга қарам бўлиб қолган Ланкастерлар, уруш маҳалида феодал зодагонларнинг ўз теварак-атрофларига яна вассаллар тўплаш, қасрлар қуриш, ўз дружиналарига эга бўлиш (баъзан бу дружиналар сони бир неча минг кишигача етарди) ҳолларига бармоқ орасидан қарадилар. Ланкастерлар ўрта ва майда дворянлардан ҳамда шаҳар буржуазиясидан иборат прогрессивроқ «ўрта синфлар»нинг манфаатларига зиён келтирувчи сиёсатни амалга оширар эканлар, бироқ улар йирик феодалларнинг ҳам талаб-эҳтиёжларини қондира олмадилар. Юз йиллик уруш, оқибат-натижада бой берилди. Шунинг ўзи билан зодагонларнинг «денгиз орқасидан» янги ер-мулклар олиш ҳақидаги орзу-умидлари пучга чиқди. Шундан кейин баронлар Англиянинг ўзидаги ер-мулклар

ғини қайтадан тақсимлашга киришдилар. Аристократия орасида қаттиқ ва узоққа чўзилган ўзаро уруш келиб чиқдики, замондошлар уни икки Гул уруши деб атадилар. Қизил гул Ланкастерлар династиясининг эмблемаси эди. Уларнинг рақиблари бўлган Йорк династияси вакилларининг гербида Оқ гул тасвири бор эди.

Жек Кэд қўзғолони. Ланкастерлар сиёсатидан, жумладан солиқларнинг ўсиб боришидан, улар маъмуриятининг суинстеъмолларидан, Юз йиллик урушдаги муваффақиятсизликлардан ва Англия савдосининг издан чиқишидан бўлган норозилик Англиянинг энг тараққий этган денгиз соҳили графликларидан бири бўлган Кент графлигида халқ ҳаракатининг анча кенг авж олишида ифодаланади.

Герцог Йорк вассалларидан бири бўлган Жек Кэд бошчилигида 1450 йилда Кентда қўзғолон бўлди. Кентнинг кўпгина майда деҳқонлари, шунингдек, шаҳарликларнинг бир қисми қўзғолонда иштирок этди. Аммо ҳаракатга асосан эцарь элементлари раҳбарлик қилди. Қўзғолончилар (1450 йил 2 июнь) Лондонга келиб, унда ҳукумат олдига бир қанча талаблар қўйишди. Бу талаблар, асосан, королнинг телба маслаҳатчиларини саройдан узоқлаштириш, марказий ва маҳаллий идора ишини тартибга солиш, лордларнинг жойларда ўзбошимчалик қилишига, зулм ўтказишига чек қўйиш талабларидан иборат эди. Қўзғолончиларнинг 1450 йилдаги ижтимоий талаблари орасида ишчилар тўғрисидаги низомларни бекор қилиш талаби борлиги диққатга сазовордир (бунда Эдуард III билан Ричард II нинг қонунчилиги кўзда тутилган бўлиб, бу қонунчилик XV асрда ҳам ҳали расмий равишда бекор қилинмаган эди). Бу талаб ҳаракатга энг мазлум элементлар, яъни батраklar, камбағал деҳқонлар ва шаҳарлардаги халфалар ҳам қатнашганлигини кўрсатди Қўйилган талаблар орасида, шунингдек, герцог Йоркскийнинг короллик кенгашига киритиш талаби ҳам бор эди. 1381 йилги қўзғолон пайтидаги сингари, ҳукумат дастлаб ён беришга мажбур бўлди. Лекин ҳаракат қатнашчилари ўзларига берилган ваъдалардан сўнг Лондон шаҳрини ташлаб чиқиб кетадилар, король қўшинлари бўлса чекинган қўзғолончиларга ҳужум қилдилар ва уларни калтаклай бошладилар. Кэд қолган ўз тарафдорлари билан биргаликда бир оз вақт курашни давом эттирди. Аммо король солдатлари билан тўқнашув пайтида Кэд 12 июнда ярадор қилиниб, сўнг асир қилиб олинди. Уни Лондонга олиб бораётганларида йўлда вафот этади.

Қизил ва Оқ гул уруши. Халқ оммасининг Ланкастерлар династиясига бўлган нафратидан фойдаланган герцог Йоркский тарафдорлари мумкин қадар тезроқ ҳокимиятни ўз қўлларига олишга интилдилар. Генрих VI бетоблиги сабабли 1455 йилда Ричард Йоркский короллик регенти деб эълон қилинди. Бироқ Ланкастерларнинг мухлислари (қолоқ ғарб ва жануби-ғарб уларнинг асосий таянч жойлари эди) тез орада Ричард Йоркс-

кийни регентлик вазифасидан четлатдилар. Худди шу йили Ланкастерларнинг Йоркларга қарши бошлаган урушида дастлаб Ланкастерлар тарафдорининг қўли билан келди. Бой берилган жанглардан бирида, 1460 йилда Ричард Йоркский ўлдирилди. Ричард Йоркскийнинг боши танасидан жудо қилиниб, қоғоз тож кийдирилган калласи Йорк шаҳрининг қўрғон деворларидан бирига осиб қўйилди. Аммо ўлдирилган Ричард Йоркскийнинг ўғли Эдуард Йорклар тўдасига бошчилик қилди, у ланкастерларни 1461 йилда икки марта мағлубиятга учратиб, Лондонни босиб олди ва ўзини Эдуард IV номи билан король деб эълон этди. Генрих VI эса Тауэр зиндонига қамаб қўйилди.

Йорк династиясининг сиёсати. Йорк тўдаси ҳокимиятни узоқ муддатга ўз қўлига ўтказиб олишга муваффақ бўлди. 1470—1471 йилларда Ланкастерлар ўз томонларига ўтган йирик феодал граф Уорвик кўмагида ҳокимият тепасига Генрих VI ни қайтадан тикламоқчи бўлдилар. Аммо Эдуард IV тез орада коалицияни тор-мор этиб, тахтни ўзига қайтариб олди. Генрих VI яна Тауэр зиндонига қамалди ва шу ерда ўлдирилди. Эдуард IV Йорк (1461—1483) мустабид идора қилди. У ланкастер зодагонларига қарашли барча мулкларни мусодара этиб, ўз қўлида жуда катта ер фонди тўплади. Бу фонддан ер-мулклар улашиш йўли билан у, ўзига тобе янги зодагонларни вужудга келтирди. Бу зодагонларнинг кўпчилиги ўрта ва майда дворянлар орасидан чиққан эди. Эдуард IV инглиз савдосининг ривожланишини рағбатлантириб (инглиз савдо флотига ҳомийлик қилиш, савдогар-авантюристларнинг ва бошқаларнинг чет эллар билан савдототиқ қилувчи компаниясига ёрдам бериш) айна замонда, буржуазияга андишасизлик билан дўқ ва пўписа қилиб ундан тортиқ, қарз тариқасида (лекин қарзини ҳеч қачон тўламасдан) катта пуллар оларди ва ҳ. к. Эдуард IV парламентни онда-сонда ва истар-истамас чақирарди. Бироқ тез орада Йоркларнинг ўз силалари ичида кураш бошланиб кетди. Эдуард IV вафот этгандан кейин унинг укаси Ричард III ҳокимиятни босиб олди ва ўзининг иккита жиянини (Эдуард IV нинг болаларини) ўлдирди. Бу воқеа йорклар тўдаси ичида можаро чиқишига баҳона бўлди. Эдуард IV оиласининг тарафдорлари ланкастерлар тўдасининг қолган-қутган одамлари билан бирлашиб, Ричард III ни ҳокимият тепасидан ағдардилар.

Қатъий жанг 1485 йил 22 августда Босворт деган жой яқинида бўлди. Ричард III жангда мағлуб бўлди, Генрих Тюдор ғолиб чиқди. Ланкастерлар династиясига қариндош бўлган Генрих Тюдор шу ернинг ўзидаёқ Генрих VII номи билан король деб эълон этилди. У Эдуард IV нинг қизи Елизавета Йоркка уйланди, шундай қилиб, душманлашиб юрувчи ҳар иккала феодал гуруҳини бирлаштирди.

XV асрнинг иккинчи ярмидаги феодаллар тўс-тўполони Англиянинг сиёсий тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди. «Англиянинг бахтига,— деб истиора билан ёзган эди Энгельс,—

Қизил ва Оқ гуллар урушларида эски феодал баронлар бир-бировларини қириб ташлаган эдилар»¹. Уларнинг ўрнини буржуазия билан алоқадор бўлган ўрта дворян қатламларидан чиққан ва ўз хўжалигини янги, чинакамга буржуача методлар билан юргизувчи янги дворянлар эгаллади. Тюдорлар ана шу янги дворянларга таяниб, короллик ҳокимиятининг обрў-эътиборини мустаҳкамладилар. Тюдорлар замонида Англиядаги короллик ҳокимияти узил-кесил абсолютизм шаклини қабул қилди.

Инглиз миллатининг таркиб топа бошлаши. XIV—XV асрларда Англияда инглиз миллатининг таркиб топа бошлаши учун шарт-шароит вужудга келмоқда эди. Территориянинг умумийлиги ва экономиканинг умумийлиги ана шу вақтларда энди етарлича аниқ намоён бўлди.

XIV—XV асрларда Англияда кенг миллий бозор ташкил топиб Лондон мамлакатдаги савдо-сотиқ оборотларининг каттагина қисмини ўзига жалб қилган эди. XIV—XV асрларда инглиз адабий тилининг ривожига катта ютуқларни қўлга киритган эди; инглиз адабиёти жаҳонга ном чиқарган бир қанча ажойиб асарлар берди.

1066 йилги нормандлар истилосидан бошлаб, аввалги пайтда инглиз жамиятининг турли миллий составини акс эттирган икки тилдан фойдаланиб келинди. Король сарой зодагонларининг катта бир қисми француз тилида сўзлашардилар. Аҳолининг асосий оммаси — деҳқонлар ва шаҳарликлар, ўрта ва майда феодаллар инглиз тилида гаплашардилар. Инглиз тили яна бир қанча лаҳжа (шева)ларга бўлинган бўлиб, улар орасида Лондон шеваси етакчи шева эди. Қонунлар (фармонлар) француз тилида тузиларди, юристлар суд ишларида ана шу француз тилидан фойдаланардилар, мактабларда дарс беришда француз тили латин тили билан биргаликда қўлланиларди.

Аҳоли кўпчилигининг тили бўлган инглиз тили француз тилини хонадон ҳаётидан ҳам, жамият ҳаётидан ҳам аста-секин сиқиб чиқарди. 1258 йилдаёқ король Генрих III Англия аҳолисига инглиз тилида (лондон шевасида) баённома билан мурожаат қилиши лозим бўлди. 1362 йилда Эдуард III Лондон шаҳарининг петициясига жавобан, «француз тили унча маълум бўлмаганлиги» туфайли, судлардаги ишлар инглиз тилида олиб борилсин, деб қарор чиқарди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Англияда энг йирик асарлар пайдо бўлиб, уларда Лондон шеваси асосида ривожланган инглиз тили ўзига хос барча лугавий-грамматик хусусиятлари билан миллий адабий тил сифатида майдонга чиқди.

Виклефнинг инглизча асарларидан ташқари, машҳур шоир Жефри Чосернинг (1340—1400) асарлари, хусусан унинг XIV аср охирида (90-йиллар) ёзилган «Кентербери ҳикоялари»

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. 22-т., 309-бет.

инглиз адабий тилининг шаклланишида катта роль ўйнади. «Кентербери ҳикоялари» оптимизм, нозик юмор, халқ оммасига хайрихоҳлик билдириш ва ҳоким феодаллар синфлари вакиллари эса сатирик (масхара қилиш) руҳи билан суғорилган. Чосер ижоди Ренессанс (ёки Уйғониш) даври янги маданиятининг вужудга келишидан иборат бўлиб, бу янги маданият Англияда Италиянинг Уйғониш даври маданияти билан деярли бир вақтда равақ топди.

XV асрдаги инглиз маданиятини ривожлантиришда Вильям Кэкстон (1422—1491) катта роль ўйнади. Кэкстон савдогар, таржимон, матбаачи ва ношир бўлган эди. Англияда китоб chop қилиш шу одам номи билан боғланган (1477 йилдан). Кэкстон 100 та китоб босиб чиқарган, бу китобларнинг кўпчилиги инглиз тилида эди. Шулар орасида Чосернинг «Кентербери ҳикоялари», латин классиклари Цицерон, Овидий ва Вергилийнинг инглизча таржималари, Эзоп масалалари ва бошқалар бор эди.

XX БОБ

ХII—ХIII АСРЛАРДА ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ ВА ПАПАЛИК ШТАУФЕНЛАР ИМПЕРИЯСИ

ХII—ХIII асрларда Германия тараққиётининг иқтисодий ва сиёсий хусусиятлари. ХII—ХIII асрларда Германияда ҳам ишлаб чиқариш кучлари кўзга кўринарли даражада ўсди. Урмон масивларини қисқартириш ҳисобига ва ботқоқлик жойларни қуриш йўли билан экин майдонларини кенгайтириш маъносида ҳам, қишлоқ хўжалик қурол-асбобларини такомиллаштириш (яъни қишлоқ хўжалигида плугларни яхшилаш, темир асбоблар сонини кўпайтириш, далаларни ўғитлаш ва ҳ. к.) маъносида ҳам деҳқончилик катта-катта ютуқларга эришган эди. Оддий ғалла—жавдар, сули, арпа, баъзан буғдой билан бир қаторда маданий-техника экинлари: зиғир, наша, вайда ривожлана бошлади. Полизчилик, боғдорчилик, узумчилик, хмелчилик (уруғи пиво пиширишда ишлатиладиган ўсимлик) кенгайди.

Айни замонда Германияда шаҳарларнинг ривожланиши, хусусан бу асрларда жуда авж олди. Рейн ва Дунай дарёлари бўйларига эски ва янги шаҳарлар гавжум саноат марказларига айланиб, қисман Германиянинг ички вилоятлари билан, қисман қўшни мамлакатлар — Франция, Нидерландия, Италия, Венгрия, Болқон мамлакатлари билан катта савдо-сотиқ ишлари олиб бордилар. Мовут тўқиш, сурп ишлаш, металлсозлик, мўйначилик, турли хил қурол-яроғлар ишлаш немис ҳунармандлик цехларининг асосий машғулоти ҳисобланарди. Рейн дарёси бўйидаги Кёльн ва Вормс, Майн дарёси бўйидаги Франкфурт,

Юқори Дунай районидаги Ульм, Нюрнберг, Аугсбург бу даврдаги немис шаҳарларини саноат жиҳатдан ривожлантиришда етакчи ўрин тутдилар.

Бироқ, мамлакатда товар хўжалиги ривожлана бошлашига қарамай, XII—XIII асрларда Германия ҳар қалай тарқоқ феодал мамлакат бўлиб қолмоқда эди. Герцогликлар ҳам бошқа дунёвий ва руҳоний князликлар сони кўпаймоқда эди. Император бошқа йирик феодаллар орасида сюзерен, яъни олий сеньор бўлиб қолмоқда эди. Йирик феодаллар бу вақтда узил-кесил ворис территориал князларга айланиб бормоқда эдилар. Маҳаллий товар алоқаларининг ривожланиши уларнинг маҳаллий ҳоким сифатидаги ролини кучайтирарди. Марказий короллик-императорлик ҳокимияти эса шаҳарлар билан заиф боғланган эди. Франция ва Англияда шаҳарларнинг король ҳокимияти билан сиёсий иттифоқи бор эди. Германияда эса шаҳарларнинг король ҳокимияти билан бундай сиёсий иттифоқи юзага келмади. Германия короллари, жумладан, шаҳарларнинг маҳаллий феодалларга қарши олиб борган курашида шаҳарларга бирор-бир жиддий кўмак берганлари йўқ. Қисман бунга сабаб шуки, немис шаҳарлари сиёсий саҳнага кейинроқ келиб чиқди. Бир қанча ҳолларда ички савдога нисбатан ташқи, қисман транзит савдо-сотиқнинг устунлиги ҳам бу ерда маълум роль ўйнади. Аммо Германия король ҳокимиятининг шаҳарлар билан иттифоқининг йўқлигига асосий сабаб — Герман императорларининг агрессив ташқи сиёсат олиб боришлари эди. Италиядаги урушлар, бой италян шаҳарларининг эксплуатация қилиниши, «дунёга ҳоким бўлиш» планлари, Шарқий Европадаги ва Яқин Шарқдаги босқинчиликлар — мана буларнинг ҳаммаси короллар-императорларни Германиядаги ички сиёсат вазифаларидан четга чалғитиб, уларни немис шаҳарлари тақдирига бефарқ қарайдиган қилиб қўйди. Айни вақтда тугалмас урушлар императорларни йирик ва майда феодалларга (князь ва рицарларга) буткул қарам қилиб қўйди. Чунки императорнинг ҳарбий ресурслари ана шу йирик ва майда феодалларнинг ўз гарданларидаги вассаллик мажбуриятларини бажаришларига бутунлай боғлиқ эди. Штауфенлар учинчи герман династиясининг тарихи (1138—1254 йиллар) герман императорлари юргизган ташқи босқинчилик сиёсати Германиянинг ички сиёсати бобида нақадар ҳалокатли оқибатларга олиб келганлигини айниқса яққол кўрсатиб беради.

Штауфенларнинг идора қила бошлаши. Франкон династиясини идора қилиш бефарзанд Генрих V билан тамом бўлгандан кейин, Германияни бир оз вақт Лотарь Саксонский (1125—1137) бошқарди. У кучли император эмас эди ва, шу важдан, Штауфенлар хонадони билан Вельфлар хонадони ўртасида ҳийла ишлатишга мажбур бўлди, чунки Штауфенлар Швабия герцоглари бўлиш билан бирга, Франконияда ҳам кучли таъсирга эга эдилар ва Бавария герцоглари эса Вельфлар хонадонига мансуб

кишилар эдилар. Лотарь Бавария герцоги Генрих Магнур билан яқинлашиб, унга ўз қизини никоҳлаб берди. Лотарнинг ўғиллари бўлмаганлигидан, у вафот этгандан сўнг, Вельфлар айни замонда Саксониянинг ҳам герцоглари бўлиб олдилар. Вельфларнинг кучайиб кетаётганлигидан бестоқат бўлган князлар Конрад Штауффенни император қилиб сайладилар. Конрад III (1138—1152) иккинчи салиб юришида қатнашган эди. У ўз ҳукмронлигининг колган вақтини Вельфлар билан курашга бағишлади. Генрих Магнурнинг ўғли Генрих Шернинг ёшлигидан фойдаланган (Генрих Магнур 1139 йилда вафот этди) Конрад Вельфлардан Баварияни тортиб олиб, уларга фақат Саксонияни қолдирди. Конраднинг тахт вориси Фридрих I Барбаросса даврида Штауффенлар династияси энг зўр қудратга эга бўлди.

Фридрих I Барбаросса ва унинг Италияга қилган юришлари. Фридрих I Барбаросса (Сариқ соқол) 38 йил императорлик қилди (1152—1190). У шафқатсиз, тажовузкор, ғоят шўхратпараст ва маккор сиёсатчи эди. Фридрих Баварияни Вельфларга қайтариб бериб, уларни тиңчитгач, салиб юришлари натижасида таянган Италияга ўзининг бутун диққат-эътиборини қаратди. Фридрих Римда тож кийиш пайтидаёқ (1154—1155 йилларда) итальян шаҳарларининг бойиб кетганлигига ва айни замонда Италиянинг сиёсий жиҳатдан заифланиб қолганлигига ишонган эди. Бунга сабаб шуки, Италияда папа, феодал территориял князлар ва шу вақтга келиб амалда шаҳар-республикаларга айланган шаҳарлар бир-бирлари билан душманлашиб юришарди. Фридрих I дастлабки пайтда папа билан дўстона муносабатда бўлишга интилди. Рим шаҳарликларининг демократик раҳбари бўлиб, Рим республикасига асос солишга ҳаракат қилган (1143 йилда) ва папани дунёвий ҳокимиятдан маҳрум қилмоқчи бўлган Арнольд Брешианскийни Фридрих I дабдурустдан папага тутиб берди. Арнольд Брешианский папа зиндонига ташланди, унинг жасади эса гулханда куйдирилди (1155 й.). Рим республикаси тугатилди.

Аммо, орадан сал вақт ўтмай, императорнинг папа билан муносабатлари жуда ёмонлашди. Икки орада душманлик пайдо бўлди. Папа куриясида, Римда император папа қўлидан «бенефиций» тарзида тож олди ва шу сабабдан у папа айтганларига қулоқ солмоғи лозим, деб баён қилинган эди. 1157 йили Безансондаги рейхстагда папа вакили (легати) ана шу ҳақда очикдан-очик гапирган эди. Иккинчи томондан, Барбароссанинг ўзида Италияни батамом тобе қилиш ва уни қулоқ қоқмай бўйсундиган вилоятга айлантириш плани вужудга келди. Фридрих ўша замонда ғоят кўп ҳисобланган қўшин билан 1158 йилда Италияга кириб келди (воқеанавислар, муболаға қилиб бўлса керак, Фридрих 100 минг кишилик қўшин бошлаб келган дейдилар). Амалда бу юриш Италияни янгидан истило қилиш эди. Фридрих Италия шаҳар-коммуналаридан императорнинг ноиб (итальянча подести) тайинланишига розилик беришларини талаб этди.

Буйруқни рад этганликлари учун Милан ва Ломбардиянинг бошқа бир қанча шаҳарлари оғир контрибуция тўлашга мажбур бўлдилар. Барбаросса 1158 йилнинг 11 ноябрида Ранкаль водийсида (Пьяченца шаҳрига яқин жойда) катта сейм чақириб, унга Италиянинг барча энг йирик феодалларини ва Италия шаҳарларининг вакилларини таклиф этди. Ана шу сеймда Ранкаль қарорлари атиги аталган қарорлар қабул қилиниб, улар императорнинг Италиядаги ҳокимиятини чекланмаган ҳокимиятга айлантирди. Жинсий ишлар суди, тапга-чақа зарб этиш ҳуқуқи, ер-мулкларини тақсимлаш, шаҳар подесталарини тайинлаш ва ҳоказолар тамомила Фридрих қўлига ўтди. Юстиниан кодекси (қонунлар мажмуаси) руҳида тарбия топган Италиянинг Болонья мактаби юристлари император хизматиغا кириб, унинг учун трактатлар туздилар. Улар бу трактатларда Фридрих ҳокимияти абсолют ҳокимият эканлигини ва бу ҳокимият унга Рим цезарларидан мерос бўлиб ўтганлигини даъво қилиб чиқдилар. Бу трактатларда, император «ердаги жонли қонундир» деб ёзилган эди.

Синий мустақилликка кўникиб қолган Ломбардия шаҳарлари Барбароссага қарши қўзғолон кўтардилар. Ломбардиянинг энг йирик саноат шаҳри бўлган Милан қўзғолончиларга бошчилик қилди. Қўзғолонга жавобан Барбаросса Миланни босиб олиб (1162 й.), уни жуда қаттиқ жазолади. Милан шаҳари теварагидаги қўрғон деворлари ва кўп бинолар вайрон қилиб ташланди. Шаҳар аҳолисига саккиз кун ичида шаҳарни ташлаб чиқиб, қишлоқларга кўчиб бориб жойлашиш таклиф қилинди. Милан шаҳарини чўлу биёбонга айлантириш мақсадида, унинг марказий майдонини қўш солиб ҳайдаб, сўнгра унинг пушталарига туз сепилди. Немис рицарлари Милан ёнидаги ўз лагерларида қатл этилган ломбардияликларнинг кесилган каллаларини копток қилиб ўйнашарди.

Шафқатсиз жазолар Италия шаҳарларининг қаддини вақтинчагина букди. Тез орада Ломбардия лигаси номи остида немисларга қарши Ломбардия шаҳарларининг иттифоқи ташкил топди. Бу иттифоққа 15 та шаҳар кирди. Шу вақтга келиб ўзининг қаддини ростлаб олган ва саноат ҳам савдо-сотик ишларини янгидан йўлга қўйган Милан шаҳари 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу иттифоқда яна асосий роль ўйнади. Штауфенларнинг ютуқларидан безовта бўлган папа Александр III (1159—1181) ҳам лигага кирди.

1167 йилда Барбаросса Италияга яна катта қўшин тортиб келиб, Римни олди. Папа Александр III қочиб кетишга мажбур бўлди. Император Ломбардия шаҳарларини тинчитмоқчи бўлди, лекин тўсатдан бошланган ўлат касали унинг қўшинларининг сафини хароб этди (25 минг киши ўлди) ва шундан кейин у Германияга қайтишга мажбур бўлди. Барбароссанинг узоқ вақт бўлмаганлигидан фойдаланган Ломбардия лигаси, у билан янгидан тўқнашмоқ учун етарли даражада ҳарбий кучларни тайёрлай



XII—XIII асрларда Германия ва Италия

олди. 1174—1176 йилларда Барбаросса яна Италияда пайдо бўлди, лекин бу сафар унинг унчалик омади келмади. 1176 йил баҳорида Леньяно деган жойда (Миландан сал узоқроқ) у лига қўшинлари томонидан батамом мағлубиятга учратилди. Қизғи шундаки, немис рицарларини енгган қўшиннинг бир қисминигина италиялик рицарлар, асосий қисмини эса Миланнинг ва Ломбардиядаги бошқа шаҳарларнинг ҳунармандлари ва халфалари ташкил қилар эди. Леньяно ёнидаги мағлубият Фридрих I ни Ломбардия шаҳарларига ён беришга мажбур этди. Ҳақиқатда Шимолий Италияда Штауфенлар келмасдан аввалги аҳвол қайтадан тикланди. Шаҳарлар эркин коммуна ҳуқуқини олдилар, бу эркин коммуналар ўз сюзерени сифатида императорнинг олий ҳокимиятини тан олдилар, холос. Айни замонда Фридрих I папа давлатининг ишларига ҳар қанақанги аралашувидан воз кечиб, папага ҳам ён беришга мажбур бўлди.

Фридрих Барбаросса ва Вельфлар. Барбароссанинг 1176 йили мағлубиятга учрашнинг сабабларидан бири — императорнинг энг йирик вассали Генрих Шер Вельфнинг Италияга ёрдамчи қўшин олиб бориш ҳақидаги илтимосини рад қилиши бўлди. Вассаллик мажбуриятларини бажармаганлиги учун Генрих Вельф феодаллар судига тортилган эди. Бироқ Генрих Шер императорга бўйсунидан бош тортиб, император ва уни қўллаб-қувватлаган князлар билан уруш бошлади. Князларнинг ўзаро уруши икки йил (1178—1180) давом қилиб, Вельфларнинг енгилиши билан тамом бўлди. Генрих Шер таслим бўлиши керак эди. Князлар суди Генрих Шерни Германиядан ҳайдаб юбориш ва уни барча танҳо ерлардан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Кейинчалик Генрих Шер Германияга қайтиб келди ва император унинг айбларини қисман кечди. Унга Германияда қолиш рухсат этилиб, Саксония ерларининг бир қисми (Брауншвей герцоглиги) қайтариб берилди. Аммо Саксония ерларининг катта бир қисми бошқа князлар ўртасида бўлинган эди. Вельфлар устидан ғалаба қозониши Барбароссанинг катта ютуғи бўлди. Бу ғалаба ҳатто энг йирик феодал ҳам император олдидаги ўз вассаллик мажбуриятларига пайжа орасидан бефарқ қараши мумкин эмаслигини кўрсатди. Акс ҳолда у албатта жазога тортилган эди. Аммо, иккинчи томондан, императорнинг Вельфлар устидан қозонган ғалабаси Вельфлар уруғининг куч-қудратига ҳаваси келиб юрган бошқа феодалларнинг берган ёрдами тўғайлигина қўлга киритилди. Барбаросса бошқа бирор бир антифеодал кучларга таянгани йўқ. Ақсича, Фридрих ўзининг Италияга нисбатан юргизган сиёсатида шаҳарларнинг батамом рақиб эканлигини кўрсатди. Шунингдек, Барбаросса Германия шаҳарларига ҳам нафрат назари билан қаради. Саксонияни тақсимлаш ва бу ўлкани бир нечта йирик феодалга ўтказишнинг ўзи феодал тарқоқликнинг батамом таштана қилганлигини кўрсатди.

Барбароссанинг Сицилияга нисбатан тутган сиёсати. Фридрих Барбаросса ўз императорлигининг охирида яна Италия иш-

ларига қайтди. 1186 йили у ўз ўгли Генрих VI ни Сицилия тахтининг ворис маликаси Констанцияга уйлантирди. Шунинг ўзи билан Штауфенлар Сицилия оролларида ташқари, Италиянинг бутун жанубий қисмини ҳам ўз ичига олган кучли королликни қўлга киритдилар. Барбаросса буни ўзининг дипломатик фаолиятидаги энг йирик ютуқ деб билди. Ҳақиқатда олганда, бу иш Штауфенлар тарихида фалокат келтирувчи машъум бир хато иш эди. Ана шу иш туфайли Штауфенлар папаликни ва Ломбардия шаҳарларини ўзларига қарши яна қурооллантирдилар. Эндликда герман феодаллари шимол ва жанубдан туриб папаликка ва Ломбардия шаҳарларига хавф-хатар солмоқда эдилар. Сицилиянинг ўзида Генрих VI га истило қилинган мамлакатдагидек иш юритиш тўғри келди, чунки маҳаллий аҳоли унга ва у билан бирга келган немис феодалларига ажнабий золимлар ва босқинчилар деб қарарди.

Фридрих I Барбаросса 1190 йилда ўзи қатнашган учинчи салиб юриши маҳалида вафот этди.

Кейинчалик, XIX асрнинг немис миллатчилиқ адабиётида ва XX асрнинг фашист тарихчилари асарларида Фридрих Барбаросса сиёмоси ўта кетган даражада идеаллаштириб кўрсатилди. Унинг сиёсий куч-қудрати ҳар тарафлама муболағалаштирилди, унинг олиб борган урушлари ва ўйлаган ҳарбий фикр-ниятларига «дунёвий сиёсат» хусусиятлари атайин қўшиб қўйилди. 1940 йили Гитлер Совет Иттифоқига юриш планини «Барбаросса плани» («Barbarossa Fall») деб атаган эди.

Иннокентий III даврида папалик. Папа Иннокентий III даврида (1198—1216) папа ҳокимияти зўр қудратга эга эди. Унинг даврида папа теократияси деган ғоя энг ўткир формулировкага эга эди: «Ердаги ҳокимият — хоқонларга, самодаги ҳокимият — руҳонийларга берилган», «Таналар устидан короллар, жон устидан руҳонийлар қўйилган», «Папа ҳокимияти — қуёш, императорники — ой», «Ой қуёшдан ёруғлик олганидек, императорлар ҳам ўз ҳокимиятларини пападан оладилар». Булар Иннокентий III нинг севган афоризмлари эди. Ўрта аср католик черковининг ғоят катта реал қудратга эга эканлиги папанинг даъволарига бу сафар мувофиқ бўлиб тушган эди. Папа суди катта трибуналга айланиб, у бутун Европада тортиб келадиган диний ва қисман граждан ишларини (масалан қўйди-чиқди ишларини) қарайдиган бўлди. Папа хазинаси ўша замондаги Европанинг истаган королининг хазинасидан бойроқ эди. Турли-туман номлар остида ва Европанинг энг олис мамлакатларидан ундирилган кўп сонли хирожлар Римга ғоят катта суммаларда оқиб келиб, папа банкирларини бойитар эди. Кўпгина короллар ўзлариши папа вассали деб тан олган эдилар. Шулар орасида Англия, Арагон, Португалия, Болгария, Швеция, Дания, Польша, Арманистон короллари бор эди. Иннокентий III ихтиёрида монахларнинг урушқоқ янги орденлари бўларди. Унинг даврида аҳолининг қуйи табақалари орасида ваъзхонлик ишларига ихтисослашган францискан-

лар ва университетларга кириб, уларда инквизиция ишларини олиб борган доминиканлар орденларига эндигина асос солинган эди. Турли ереслик ишлари юзасидан махфий чerkов суди ҳисобланган инквизиция Иннокентий III давридаёқ Франциянинг жанубида кенг ҳаракат қила бошлади, Франциянинг жанубида эса альбигойчилар ереси кенг тарқалган эди. Иннокентий III ворислари даврида инквизиция бутунлай доминиканлар қарамоғига ўтиб, айни замонда у ўз фаолиятини Европанинг бошқа мамлакатларига ёйди.

Иннокентий III императорлик тож-тахтининг ўзини ҳам ўз тасарруфига олган эди. Генрих VI вафот этгандан кейин (1197 йилда) унинг ўғли ва тахт вориси бўлмиш Фридрих II Штауфен энди уч ёшга тўлган эди. У Сицилия короллигининг қороли деб эълон этилди. Аммо князлар Барбароссанинг иккинчи ўғли Филипп Швабскийни император қилиб сайладилар. Папа бошда бу одамга розилик берган бўлса-да, лекин кейин Филипп билан жанжаллашиб қолди ва Вельфлар тўдасига мансуб Оттон Вельфнинг (Генрих Шернинг ўғли) номзодини қўллаб-қувватлади. Оттон IV номи остида император деб эълон қилинди. Шундай қилиб, Германияда бир-бири билан рақиблашувчи икки император пайдо бўлди. Иннокентий III Оттон IV билан ҳам ачиқлашиб, 1212 йилда ёш Фридрих II ни император деб эълон этди. Ёш Фридрих II папанинг Сицилиядаги мулклари бўйича унинг вассали ҳисобланарди.

Фридрих II Штауфен. Фридрих II (1212—1250) Штауфенлар хонадонининг иккинчи энг кўзга кўринган вакили эди. Ярим немис, ярим италяан бўлган Фридрих турли-туман маданий таъсирларга берилган эди. Араб-Византия таъсири унда айниқса кучли эди. Унинг саройида араб, византиялик ва яҳудий олимлари тўпланган эди. Унинг ўзи араб ва юнон тилларини биларди, латинча трактатлар ва италяанча шеърлар ёзарди. Унинг Пилермодаги саройи ўзининг зеб-зийнати ва ҳаёт услуби жиҳатидан Шарқдаги араб султонларининг саройларини эслатиб турарди. Шарқ музикаси ва рақслари, шарқ адабиёти ва поэзияси, шарқ архитектураси император томонидан ҳар тарафлама рағбатлантириларди. «Монахлар уламоларнинг фитна-фасодлари ва кирди-корларига қарши курашмайдиган ва уларнинг шу фитна-фасодларидан чўчимайдиган» Шарқ сиёсий тузумининг афзалликлари ҳақида Фридрих II ҳар доим мақтаниб сўзларди. Шарқдаги араб-турк ҳокимларининг баъзилари Фридрихнинг шахсий дўстлари эди.

Фридрих II нинг сиёсати, аввало Сицилия короллигини марказлашган бюрократик монархияга айлантиришдан иборат эди. Бу борада у анча-мунча иш қилди. У Сицилия феодаллари томонидан ўзинга қарши кўтарилган бир қанча кўзғолонларни бос-тирди. Мусулмонлардан тузилган ёлланма отрядлар бу ишда Фридрих II га зўр таянч бўлди. 1231 йилда Фридрих Сицилия короллигининг конституциясини матбуотда эълон қилди. Бу конс-

титуцияда маҳаллий феодалларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, Жанубий Италия шаҳарларининг эркинлиги янада кўпроқ қирқилди. Короллик бир нечта маъмурий округларга бўлиниб, уларни король томонидан тайинланадиган губернаторлар идора қиларди. Бутун аҳолидан ер солиғи ундириларди, бундан ташқари, кўпгина ээри солиқлар мавжуд эди. Сицилия короллигининг энг олий амалдори юстициарий бўлиб, унинг ғоят катта ваколат эгаси эканлиги худди араб халифаларининг вазирларини эслатиб турарди. Доимий сақланадиган ёлланма армия ва флот марказлашган Сицилия давлатини тўлдириб турарди.

Фридрих II Германияда тамомила бошқача сиёсат юргизарди. Германияда истиқомат қилмаганлиги туфайли ҳамда герман князлари ва бошқа феодаллар императорликка бошқа бирорта номзодни кўрсатмасликлари учун, Фридрих II уларга нисбатан ҳар қандай ён беришларга кўнаверар эди. Германиядаги дунёвий ва руҳоний князларнинг маъмурий-суд бобидаги ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисида Фридрих II розилик берди. Герман князлари шаҳарлар билан баҳслашиб қолган пайтларда Фридрих II ана шу князларни қўллаб-қувватлади. 1232 йили Рейн шаҳарлари маҳаллий феодаллардан қутулишга ва эркин коммуналар ҳуқуқини олишга интилган пайтларида, Фридрих II феодалларга ён босди ҳамда у шаҳар ҳаракатини қатъиян қоралайдиган ва қаттиқ жазо чоралари билан шаҳарликларга хавф туғдирадиган фармон чиқарди.

Италияда Фридрих II Ломбардия шаҳарларига қарши душманлик ҳаракатларини янгидан бошлаб юборди. Аммо Ломбардия шаҳарлари, Барбаросса замонидagi сингари, Штауфенларга қарши курашда бу сафар ҳам папалик билан бирлашдилар. Фридрих II даврида император ҳокимиятининг папа ҳокимиятига қарши олиб борган кураши ҳар иккала томон учун ғоят даражада қаттиқ ва шиддатли бўлди.

Папалик билан курашнинг янгидан бошланиб кетиши. Фридрих II Иннокентий III билан дўстона муносабатда эди. Аммо XIII асрнинг 20-йилларида, папа Григорий IX даврида (1227—1241) император билан папанинг муносабатлари ғоят даражада кескинлашди. Папа императордан салиб юришига жўнаб кетишни талаб қилди. Фридрих II 1228—1229 йилларда шундай юриш (олтинчи салиб юришини) ташкил қилган эди. Лекин юриш тез орада тамом бўлганлигидан ва Турк-Миср султонининг нисбатан кичик ён беришларига императорнинг қаноат ҳосил қилганлигидан папа курияси жуда ранжиган эди. XIII аср 30-йилларининг ярмидан эътиборан императорнинг папалар ва айни замонда Ломбардия шаҳарлари билан ўн беш йиллик шиддатли уруши бошланди. 1232 йилдаёқ папа иштирокида Ломбардия лигаси расмий суратда яна ишга тушди. 30-йиллар ўртасида Фридрих II Миланга юриш қилиб, бошда муваффақиятга эришди. У Ломбардия қўшинларининг бир қисмини тор-мор этди. У Римга кириб, папа Григорий IX ни у ердан қочишга мажбур этди. Бун-

га жавобан Григорий IX Фридрих II ни диндан қайтган деб черковдан ҳайдади ва герман князларига бошқа император сайлашни таклиф этди. Папа Иннокентий IV (1243—1254) даврида Фридрих II нинг папа билан кураши айниқса шиддатли тус олди. Иннокентий IV Римда истиқомат қилишдан хавфсираб, Генуяга кўчиб кетди. Шу ердан туриб у француз ва инглиз королларини императорга қарши уруш очишга даъват этди. Папа томонидан 1245 йилда Лионда йиғилган черков собори, Фридрих II ни «кофирлик» ва «шаккоклик»да айблаб, унинг барча фуқаролари қасамдан халосдирлар, деб эълон қилди. Императорга қарши солиб юриши эълон қилинди. Бироқ француз ва инглиз короллари Штауфенлар билан бўладиган урушга аралашини истамадилар. Германияда Фридрих II нинг ўғли Конрад IV герман феодалларидан бир қисмининг қўллаб-қувватлашига эриша билди ва айни вақтда ваъдалар қилиб, баъзи герман (Юқори Дунай) шаҳарларини ўз томонига оғдирди. Италиянинг ўзида шаҳарларнинг бир қисми император томонига ўтди. Икки тўда, яъни папа тарафдорлари бўлган г в е л ь ф л а р¹ билан император тарафдорлари бўлган г и б е л л и н л а р² ўртасидаги кураш кўпинча шиддатли ўзаро урушга айлашиб, у Италиянинг кўнгина шаҳарларида юз берди.

Пировардида, Фридрих II душманлар билан курашда ўзининг барча молиясини совурди. У 1248 йили Парма ёнидаги жангда жиддий мағлубиятга учради. Орадан икки йил ўтгач, Фридрих II вафот этди. Фридрихнинг ўзинигина эмас, балки Штауфенларнинг барча авлод-аждодини қарғаган папа беҳад хурсанд бўлди.

Штауфенлар династиясининг тугаши. Германияда император ҳокимиятининг тушкунликка кетиши. Фридрих II вафот этгандан кейин унинг ўғли Конрад IV император қилиб сайланди. Аммо орадан сал вақт ўтмай, 1254 йилда Конрад қазо қилди, унинг гўдак ўғли Конрадинни герман князлари император қилиб сайлашдан бош тортдилар. Конрадин амакисн Фридрих II нинг иккинчи ўғли Манфред ҳузурига кетиб қолди. Сицилия короллиги ана шу Манфред қўлига ўтган эди. Бироқ папалар, Штауфенлар авлод-аждодлари Италиянинг жанубида ҳукмронлик қилишини сира хоҳламадилар. Папалар Карл Анжуйский (француз короли Людовик IX нинг укаси) бошлиқ француз феодалларини Италияга таклиф этдилар.

Француз қўшинлари 1266 йили Беневент шаҳари ёнида Манфредни енгдилар. Бу жангда Манфред ўлдирилди. Конрад IV нинг ўғли — ёш Конрадин 1268 йили ўз тарафдорлари ёрдамида французларни Жанубий Италиядан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилди. Аммо Конрадиннинг омади келмади. Асир қилиб олинган Конрадиннинг Неаполда боши танасидан жудо қилинди

¹ Италиялар талаффузида «вельфлар» сўзининг ўзгаргани.

² Штауфенларнинг Швабиядаги қасрларидан барининг «Вейблигеннинг» ўзгарган номи.

(1268 й.). Штауфенлар династиясининг сўнгги вакили ана шу тариқа ҳалок бўлди. Штауфенларнинг ҳалокати натижасида Германиядаги императорлик ҳокимияти тамомилан орқага кетди. Узоқ фурсат давомида (1254—1273) Германияда ҳақиқатда бутунлай император бўлмади. Германияда марказий ҳокимиятнинг бўлмаслиги мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишини буткул тўхтатиб қўйди. Феодалларнинг ўзаро урушлари мамлакатни хароб қилди. Энгельс таъбири билан айтганда «Гогенштауфенлар даврида Германиянинг хароб этилиши» Штауфенлар томонидан «Италия шаҳарларини талон-торож қилиниши»нинг бевосита натижаси эди¹.

XXI БОБ

ХII—ХV АСРЛАРДА ГЕРМАНИЯ. «ШАРҚҚА ҲУЖУМ». ГЕРМАНИЯНИНГ ИЧКИ ТАРАҚҚИЁТИ

Немис феодаллари истило қилмасдан олдин полаб ва Балтикабўйи славянларининг ижтимоий тузуми. Эльба дарёсининг ўнг томонида ва Болтиқ денгизи қирғоқларида яшаган ғарбий славянлар — вагралар, ободритлар, лютичлар, поморянлар ва бошқалар ХII аср ўртасига келиб феодаллашиш йўлида анча-мунча олға кетган эдилар. Уларда уруғчилик муносабатлари тобора кўпроқ емирилиб бормоқда эди. Славянларда аҳолининг асосий оммасини озод деҳқонлар, яъни Киев Руссидаги деҳқонларга ўхшаб, смердлар деб аталувчи жамоа аъзолари ташкил қиларди. Аммо смердларнинг бир қисми энди ўз мустақиллигини йўқотган эди. Бундай қарам смердлар зодагонлар ерида истиқомат қилиб, улар учун маълум мажбуриятларни бажаришлари лозим эди. Жупанлар ва витязлар (славянларнинг уруғ зодагонлари манбаларда шундай деб аталарди) аста-секин феодалларга айландилар. Ҳали тўлиқ крепостнойларга айлантирилмаган қарам смердлардан ташқари, зодагонларда одатда кўпчилиги ғарбий асирлардан иборат оз сонли қуллар ҳам бўларди. Улар ер участкаларига ўтказилган бўлиб, батамом крепостнойларга айлантирилган ва ўз хўжаларининг ер-мулкини ташлаб кетиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эдилар. Бироқ ғарбий славянларда феодаллаштириш жараёни ХII аср ўрталарида ҳам ҳали тамом бўлмаган эди. Қабила ва уруғларга бўлиниш ҳали ўз кучини йўқотмаган эди. Қабилалар иттифоқ (федерация)ларга бирлашган бўлиб улар номустаҳкам эдилар ва одатда кўпми-озми вақт ўтиши билан тарқалиб кетардилар. Мустаҳкамроқ ғарбий-феодал давлат барпо этишга уринишлар ХI—ХII асрларда ободритларда айниқса очиқ-ойдин кўрилди («Венд короллиги»²), бундай

¹ «Маркс ва Энгельс архиви», X т., 357-бет.

² «VII—XI асрларда ғарбий славянлар» деган VII бобга қаралсин.

уринишлар маҳаллий, ҳали кучли уруғ-қабилла зодагонлари оппозициясининг қаршичилигига учради. Герман феодаллари феодаллашиб бораётган қўшни славян жамиятининг ижтимоий-сиёсий эҳтиётларидан фойдаланишга шошилдилар. Немис феодаллари ҳосилдор, яхши ишланган славян ерларига ҳаваслари келиб, шу славян территориясини феодал колонизацияси майдонига айлантириш учун уни босиб олишга ҳаракат қилдилар.

Герман феодаллари славянларга қарши экспансия қуроли сифатида католик черковидан кенг фойдаландилар, католик черкови ўз навбатида мажусий славянларни христиан динига киритишдан манфаатдор эди. Славянларни зўрлаб христиан динига киритиш — Эльба дарёсининг ўнг томонидаги ва Поморьедаги гарбий славян ерларида немис феодаллари томонидан амалга оширилган агрессив сиёсатнинг муҳим бўғини ҳисобланарди.

Эльба дарёсининг ўнг томонидаги ерларнинг истило қилиниши. XII асда немис феодалларининг гарбий славян ерларига ҳужуми янгидан кенг миқёсда бошланди. Славянлар билан қўшни бўлган саксониялик феодаллар Шарққа айниқса кўпроқ интилдилар. Славян қабилаларининг тарқоқлиги ва князлар ўртасидаги низолардан фойдаланган герман феодаллари XII—XIII асрларда ободритлар, люттичлар ва поморянларнинг бепоён ерларини босиб олдилар. Герман феодалларининг гарбий славянлар билан олиб борган кураши бу сафар европалик феодалларнинг Шарққа қилган салиб юришлари билан бир вақтга тўғри келди ва герман феодаллари салибчилар идеологиясини тамомла ўзлаштириб олди. Мажусий-славянларга қарши кураш Германияда ўзига хос «салиб юриши» — деб ҳам қаралди. Бир нечта йирик герман феодаллари (улар орасида асосий киши Генрих Шер Вельф эди) бошчилик қилган рицарларнинг «салиб» қўшини 1147 йилда ободритлар юртига юриш қилди. Юришда 60 мингтагача немис рицари қатнашди. Немислар сон жиҳатидан ғоят даражада кўп бўлишларига қарамай, зафарга эриша олмадилар. Ободритлар князи Никлот душманга қарши ўрмонзор ва ботқоқликлардан фойдаланиб, душманга қаршилик кўрсатишни уюштира билди. Салибчиларнинг ўзлари орасидаги келишмовчилик ва низо славянларнинг мудофаасини енгилаштирди. Рицарлар натижасиз қайтиб кетдилар. Шундан кейин Никлот герман феодалларининг иттифоқчилари бўлган данияликларга қаттиқ зарба берди ва немис колонистларининг катта бир қисмини яна Германияга ҳайдаб юборди. Аммо немислар Эльба дарёсининг ўнг томонидаги ерларга ҳужумни давом эттиравердилар. Никлот ана шулар билан курашда ҳалок бўлди (1160 й.).


Никлотнинг ўғиллари немис агрессорлари билан бир оз вақт курашни давом қилдирсалар-да, лекин ўз мулкларининг мустақиллигини сақлаб қола олмадилар. Пировардида, улар ўзларини императорнинг вассаллари деб таъин олдилар. 1170 йили ободрит-

лар ерида Мекленбург герцоглиги¹ номи остида янги ярим славян, ярим немис герцоглиги ташкил топиб, у империя составига кирди. Мекленбургда кўп сонли немис колонистлари, фақат рицарларгина эмас, балки деҳқонлар ва шаҳарликлар ҳам кўчиб келиб жойлашиб, улар бу ерда имтиёзли мавқега эга бўлдилар. Ободритлар ерининг бир қисми бевосита Саксония герцоглиги мулкларига киритилди. Генрих Шер босиб олган Любек шаҳари (немислар собиқ славян шаҳари ўрнида барпо этган эдилар) немисларнинг Болтиқ денгизи бўйидаги энг муҳим порти бўлиб қолди ва айнаи замонда немисларнинг Балтика бўйига томон янада ҳаракат қилиб бориши учун форпост (таянч нуқта)га айланди. 1180 йилда поморянлар ўз мустақилликларини йўқотдилар. Бу ерда ҳам Померания номи остида (Поморьениннг ўзгарган славянча номи) ярим славян князлиги ташкил топди. Унинг иккинчи номи узоқ вақтгача Славия деб аталиб келди.

Бранденбург маркграфлиги Урта Эльба бўйида энг йирик герман мулки бўлиб қолди. Люттичлар деган славян қабиласининг ерлари Бранденбург маркграфлигининг тузилишига асос бўлди. Йирик герман феодал Альбрехт Медведь Аскания (1170 йилда вафот этган) люттичларга қарши қилинган юришга бошчилик қилди. Альбрехтнинг ўғли ва невараси даврида Бранденбург маркграфлиги то Одер дарёсига чўзилиб борган бўлиб, у лужицк славянлари территориясининг бир қисмини (Лужицк ва Мейссен маркалари) ҳам ўз ичига олган эди. Тахминан 1244 йилда славянларнинг шпрева (Шпрева дарёси ёки сўнгроқ немислар атагаларидек, Шпрее дарёси сўзидан) қабиласи ерида Берлин шаҳари барпо этилиб, кейин у Бранденбург пойтахти бўлиб қолди. XIII ва XIV асрлар мобайнида Бранденбург маркграфлигини немислар зўр бериб колонизация қилдилар. Маҳаллий славян аҳолисидан тортиб олинган энг яхши ерлар немис колонистларига берилди. Шунингдек, туб жой славян аҳолиси сиқиб чиқарилиб, славян шаҳарларига немислар ўтказилди. Маҳаллий славян аҳолиси зиғирча қаршилик кўрсатадиган бўлса, улар энг шафқатсизлик билан йўқ қилиб ташланарди. Славян аҳолиси ёмон ерларга сиқиб чиқарилиди, зўрлаб немислаштирилди, қувғин қилинди ва ўлимга маҳкум этилди. Ет халқлар ерида барпо этилган Бранденбург XIV—XV асрларда ҳам ҳарбий колониялик қиёфасини сақлаб қолди. Катта-катта ер-мулк (танҳо)ка эгалик қилган кўп сонли рицарлар имтиёзли ҳоким табақани ташкил қилдилар ва шаҳарликлар билан деҳқонларни сира-сира менсимадилар.

Славянларнинг Силезия вилояти мушкул тарихни бошидан кечирди. Слезан аҳолиси (қадимий слезанлар) ўтирган бу территория бошда Польша короллиги составига кирган эди. XII—XIII асрларда бўлиб ўтган феодал ўзаро урушлари натижасида

¹ «Мекленбург» номи Великиград шаҳари номининг қисман таржимаси, қисман славянча номнинг бузилгани бўлиб, Великиград илгари ободритлар пойтахти эди (Великиград — Меликиград — Мекеленград — Мекленбург).



Немец феодалларининг Шарқдаги истилолари

Силезия князлари Польша короли билан ер-мулкка эгаллик қилиш алоқаларини узиб, герман императоринин (биринчи марта 1163 йили Фридрих Барбароссани) ўз сюзеранлари деб таън олдилар. Силезияни немислар колонизация қилишди. Силезия зодагонлари немис тили ва урф-одатларини ўзлаштирдилар. Силезия Силезия герцоглиги номи остида Муқаддас Рим империяси составига кирган деб ҳисобланди ва кейинчалик, XIV аср ўрталарида Чехия ҳукмронлигига ўтди.

Немис феодалларининг Балтика бўйини истило қилишлари. Немисларнинг Балтика бўйига киришлари XII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган эди. Бу маҳалда немис савдогарлари Болтиқ денгизи соҳилида факториялар барпо эта бошладилар. Савдогарлар кетидан немис миссионерлари келиб, улар ливлар, қурлар, эстлар ва бошқаларнинг маҳаллий қабилалари орасида христианиликни ёйдилар. 1201 йили немислар Рига шаҳрини барпо эдилар, сўнг у Балтика бўйида немис колонизациясининг таянч манзили бўлиб қолди. Папа Иннокентий III мажусий ливларга, қурларга ва уларнинг қўшинларига қарши махсус салиб юриши эълон қилди. Ливонияни истило қилиш учун, шунингдек, Ливония ёки қиличбардорлар Ордени (чулки рицарлар плашига қилич тасвири солинган эди) деб аталган алоҳида орден ҳам таъсис этилди. Янги орден устави фаластинликларнинг орденлари уставидан кўчириб олинган эди. XIII асрнинг 20—30-йилларида ливлар ва қурлар истило қилинган бўлиб, улар зўрлаб чўқинтирилдилар. Черков фойдаси учун уларга оғир десятина солиғи солинди. Истило этилган ўлкадаги сиёсий ҳокимият Рига епископи билан қиличбардорлар Ордени магистри ўртасида тақсимланди.¹

Тез орада немислар Балтика бўйининг бошқа районида ҳам пайдо бўлдилар. Пруссларнинг жанубий Балтика бўйи қабиласи билан урушган поляк князлари Тевтон орденини ёрдам беришга даъват этиб, калтис иш қилдилар (XIII аср бошларида Тевтон ордени Фаластиндан Европага кўчиб ўтган эди). Орден полякларнинг таклифини қабул қилиб, 1226 йилда ўз фаолиятини Қуйи Висла дарёси бўйига кўчирди. Дастлабки пайтда унинг таянч манзили Кульм (ёки полякча Хельм) шаҳари эди. Орден рицарлари ана шу ердан туриб пруссларга қарши ҳужум қилдилар ва ярим асрлик (1230—1284) курашдан кейин улар мамлакатни истило қилдилар. Мариенбург шаҳари Тевтон (ёки ҳозирги номи билан атасак, Прусс) орденининг пойтахти бўлиб қолди. Шунингдек, янгидан барпо этилган Кенигсберг, Мемель шаҳарлари ва бошқалар Пруссиянинг йирик марказларига айланди. 1237 йили Тевтон ордени қиличбардорлар Ордени билан бирлашиб, шу тариқа ўз таъсирини Болтиқ денгизининг барча шарқий соҳилига ёйди. Орден рицарлари Балтика бўйини истило қилишни ғоят

¹ Айни замонда XIII асрнинг иккинчи ва учинчи ўн йилликларида Балтика бўйига данияликлар ҳам ўтиб кириб, Шимоллий Эстонияни босиб олган эдилар.

даражада шафқатсизлик билан олиб бордилар. Маркс уларнинг хатти-ҳаракатларини мана бундай деб тасвирлаган эди: «Мексикада ва Перуда испанлар аҳолига қандай қаҳр-ғазаб қилган бўлсалар, рицарлар ҳам шундай ваҳшийлик қиладилар, прусслар мардларча қаршилик кўрсатадилар-у, лекин бора-бора дармонлари қурийди, чет эллик истилочилар мамлакат ичкарасига ўтиб кириб, ўрмонзорларни кесиб ташлайдилар, ботқоқликларни қуритадилар, туб жой аҳолининг эркинлиги ва фетишизмни йўқ қиладилар, немисча услубда қасрлар, шаҳарлар, монастырлар, сенориялари ва епископликлар барпо этадилар. Аҳолиси қириб ташланмаган жойларда бу аҳолини қулларга айлантирадилар. Пала янгидан-янги салиб юришларини тарғиб қилиши натижасида немис талончилари ва колонистларининг янги-янги оқимлари шу томонларга кўплаб кела бошлайди»¹.

Муз устидаги жанг. Немис рицарлари рус ерларига ҳам киришга уриндилар. Улар Новгород ва Псков ерларига хавф сола бошладилар. Бир вақтлар (1241 й.) Псковда ҳатто немис гарнизони бўлган, 1242 йил мартада Новгород князи Александр Невский Псков еридаги немис отрядларини тор-мор қилиб, Псков шаҳарини озод қилди. 1242 йилнинг 5 апрелида Чудь кўлида немисларнинг новгородликлар билан тарихий жанги (Муз устидаги жанг) бўлиб, новгородликларга яна Александр Невский бошчилик қилган эди. Рус қўшинлари немис рицарларини тамомла енгиб, уларни рус чегараларидан анча ташқарига улоқтириб ташладилар.

Русларнинг орден устидан қозонган ғалабаси пруссларни ҳам ғайратга киргизди. Прусслар ҳам босқинчиларга қаршилик кўрсатмоқчи бўлдилар. Айрим прусс қабилаларининг бир қанча чиқишларидан кейин 1260 йилда пруссларнинг ва қисман ливларнинг ҳамма жойда қўзғолонлари бўлиб ўтди, бу қўзғолонлар 80-йилларнинг ярмидагина бостирилди. Худди шу вақтда литваликларга ҳам орден билан шиддатли кураш олиб боришга тўғри келди, литваликларнинг курашига князь Миндовг (60-йиллар) бошчилик қилди. Шундай қилиб, рус халқининг Тевтон орденига қарши олиб борган кураши ўз мустақиллигини ана ўша босқинчилардан сақлаб қолган қўшни Балтика бўйи халқларининг кураши билан қўшилиб кетди.

Орден давлатининг тушкунликка тушиши. Орден Пруссияни истило қилгандан кейин, у Польшани ва Литвани Болтиқ денгиздан кесиб қўйган ҳамда уларнинг сиёсий мустақиллигига хавф-хатар солган йирик давлатга айланди. 1346 йилда орден данияликлардан Эстония территориясини сотиб олди. Орден ер-мулклари эндиликда Болтиқ денгизининг бутун жанубий ва шарқий соҳиллари бўйлаб узун минтақа бўлиб ёйилиб, то Фин қўлтигигача чўзилиб борди. Орденнинг бундан кейинги агрессия қилиш хавфи 1386 йилда Польша-Литва унияси тузилишининг асосий

¹ «Маркс ва Энгельс архиви», V т. 342—343-бетлар.

сабабларидан бири бўлди¹. 1410 йилнинг 15 июлида поляклар, литваликлар ва руслар Грюнвальд ёнидаги жангда орденга қатъий зарба етказдилар. Грюнвальд жанги ўрта аср Европаси тарихидаги энг йирик жанглардан бири бўлди. Орден қўшинлари сафида Гарбий Европадаги 22 мамлакат вакиллари жанг қилди. Поляклар, литваликлар ва руслардан ташқари, бошқа лагерда Ян Жижка бошчилигида кўпгина чехлар жанг қилдилар. Ян Жижка кейинчалик гусчиларнинг раҳбари бўлиб қолди. Ҳар иккала томонда туриб жанг қилган қўшинларнинг умумий сони қарийб 200 минг кишига етар эди. Шундан кейин орден давлати орқага кета бошлади. XV асрнинг 50—60-йилларида Польша билан олиб борилган янги, узоққа чўзилган уруш натижасида орден тамомила яксон қилинди ва у 1466 йилда Польшага вассал қарам бўлишга мажбур бўлди. Орденнинг орқага кетишида ташқар шариоатлардан ташқари (славян халқлари билан Литваннинг бирлашиб ҳужум қилиши), бу ўзига хос ярим черков, ярим дунёвий феодал давлатнинг ички зиддиятлари ҳам катта роль ўйнади. Шаҳарликлар билан орден корпорацияси ўртасидаги жиддий антагонизм айниқса очиқ билиниб турарди. Дунёвий рицарлар бой руҳоний рицарларга, хусусан, магистр ва унинг кенгаши (капитула) бошлиқ орденнинг юқори табақа одамларига боғлиқ бўлиб қолишга ҳам нафрат назари билан қарардилар.

Герман шаҳарларининг ўсиши. Шимолий Ганза. Швабия ва Рейн иттифоқлари. Шимолий ва Болтиқ денгизларида савдосотиқ ишлари олиб борган ва Гарбий Европа мамлакатларининг Шимоли-Шарқий Европа билан олиб борган савдо ишларида востича бўлган Шимолий Германия шаҳарларининг ривожланиши немисларнинг Балтика бўйини истило қилиш оқибатларидан бири бўлди. XIV аср ўрталарига келиб Шимолий Германия шаҳарлари қудратли Ганза иттифоқига² бирлашдилар. Ганза иқтисодий иттифоқ бўлибгина қолмай, у сиёсий иттифоқ ҳам эди. Любекда иттифоққа кирган шаҳарлардаги вакилларнинг вақт-вақти билан съездлари бўлиб турарди. Ганза савдосини ўз назорати остига олишга уринган Дания королига Ганза жиддий зарба етказа билди. Ганза шаҳарларининг Дания билан олиб борган уч йиллик урушини бартараф этган 1370 йилги Штральзунд сулҳ шартномасига кўра, Дания короли Ганза иттифоқининг ишларига бирор йўл билан аралашшдан воз кечди ва Дания бўғозларида Ганзага қарашли товарлардан ундириладиган савдо божларини анча камайтирди. Амалда Дания бўғозлари Ганза иттифоқи томонидан монополия қилинди.

Ганза шаҳарлари билан савдо қиладиган мамлакатлар — Англия, Швеция, Россия ва бошқалар хусусий савдо-сотик ишлари-

¹ «XI—XV асрларда Польша» деган XXVI бобга қаралсин.

² Ганза иттифоқининг савдоси тўғрисида XVII бобга қаралсин, бу ерда ўрта аср шаҳарлари ва уларнинг савдоси тўғрисидаги материал баён қилинади

ни ривожлантириб, немисларнинг савдо воситачиси бўлишларини истамаганларидан кейин, яъни XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Ганзанинг иши орқага кета бошлади. Аммо Ганза XVI ва XVII асрларда ҳам қисман ўз аҳамиятини сақлаб қолган эди.

Шимолий шаҳарларнинг иттифоқидан ташқари, XIII—XV асрларда Германияда жанубий ва ғарбий шаҳарларнинг йирик иттифоқлари бор эди. Швабия иттифоқи Юқори Дунай дарёси районига жойлашган қарийб 90 та шаҳарни ўз ичига олган эди. Уларнинг тепасида саноати (мовут, сурп, ип газлама тўқиш ва металлургия саноати, қурол-яроғ ишлаб чиқариш) анча-мунча ривожланган марказлар — Аугсбург, Ульм ва Нюрнберг шаҳарлари турарди.

Бу шаҳарлар эса Италия савдоси билан чамбарчас боғланган эди. Венецияда катта немис саройи бўлиб, немис моллари билан савдо-сотиқ қилиш ишларининг ҳаммаси шу саройга тўпланган эди.

Ғарбдаги Рейн иттифоқи саноат ва айни замонда савдо шаҳарларининг ҳам худди шундай иттифоқи эди. Рейн дарёси бўйида жойлашган ва мовут тўқиш ҳамда металл ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги билан фарқ қилган Кельн, Вормс, Страсбург ва бошқа шаҳарлар шу Рейн иттифоқига кирган эдилар. Бу шаҳарлар Нидерландия, Франция ва Италия билан қизғин савдо олиб бордилар.

Германияда сиёсий марказлашиш заифлиги муносабати билан тобора катта куч-қувватга эга бўлган маҳаллий феодалларга қарши немис шаҳар иттифоқининг қаттиқ кураш олиб боришига тўғри келди. XIII аср ўрталарида Швабия ва Рейн иттифоқлари юзага келишининг ўзи феодал тарқоқликнинг оқибати эди. Феодал анархиясини чеклаш ва Германия ички савдо йўлларини таъминлаш учун баъзи бир шарт-шароитларни яратиш шаҳарларнинг ана шундай иттифоқлар тузиш ҳаракатида очиқ намоён бўлди. Герман князь-феодалларига қарши бирлашган икки шаҳар иттифоқи ўртасида 1381 йилда чинакам уруш бошланди. Бироқ ҳар иккала иттифоқ, яъни Швабия иттифоқи билан Рейн иттифоқи умумий душман бўлган шаҳарликларга қарши курашга вақтинча жипслашган феодаллардан 1388 йилда енгилдилар. Немис шаҳарларининг енгилишига асосий сабаб — бу шаҳарларда маҳаллий, ўлка манфаатларининг устун бўлганлиги эди. Немис шаҳарлари ташқи (ички эмас, албатта) бозорлардан кўпроқ манфаатдор эдилар, бу бозорлар Ганза, Рейн, Швейцария ва Юқори Дунай шаҳарларида турлича бўларди. Герман императорларининг тутган мавқеи ҳам шаҳарларнинг енгилишида катта аҳамиятга эга бўлди. Герман императорлари ўз ҳокимиятларининг заифлиги туфайли шаҳарлар тарафини олишга ва уларга бирор-бир жиддий ёрдам кўрсатишга журъат эта олмадилар.

Бу жиҳатдан герман императорлари феодаллар билан курашда хусусан шаҳарларга таянган француз, инглиз ва кастель (Ис-

пания) королларининг сиёсатиға тамомила қарама-қарши сиёсат тутдилар.

Деҳқонлар аҳволи. Крепостникликнинг заифлашиши ва феодаллар реакцияси. Германияда салиб юришлари бошланиши билан, Европанинг бошқа мамлакатларидаги сингари, феодал-крепостниклик қарамлиги заифлашганлиги кўрилди. Деҳқонларнинг бир қисми муайян йиллик чиншалар тўлаш эвазига шахсий мажбуриятлар ўташдан тамомила озод бўлди. Бошқа деҳқонлар қарам деҳқонлар бўлиб қолаверди, лекин улар ўтайдиган барш-чиналари камайтирилди, энг оғир оброклар («ўлим» солиғи ва бошқалардан) ҳақ тўлаб қутулиш ёки белгиланган маълум взносларга айирбошланди. Узоқ-узоқ жойларга юришлар қилиш билан банд бўлган герман феодаллари, одатда, хўжалик билан ўзлари шуғулланмай, доменларини ижарага (арендага) берардилар. Доменларнинг кўпчилики қисми йирик бўлакларга бўлиниб, сўнг ижарага бериларди. Урта аср Германиясида бундай йирик ижара мейер ижараси деб аталарди, чунки ҳаммадан аввал собиқ крепостной оқсоқоллар-мейерлар ижарачи бўлардилар. Шимоли-Ғарбий Германияда (Вестфалияда) энг кўп тарқалган мейер ижараси бадавлат, қисман қулоқ деҳқонлар каттагина табақасининг ташкил топишига имкон берди. Аммо қишлоқнинг бошқа томонида кам ерли деҳқонлар майдонга келиб, улар бой ҳамқишлоқлари учун ишлайдиган батракларга айландилар.

Бироқ Германияда крепостной ҳуқуқнинг заифлашиши муваққат ҳодиса бўлди. XIV асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан феодаллар реакцияси майдонга кела бошлаб, у помешчикларнинг баршчинани қайтадан тиклаш ҳамда ҳар қанақа натурал ва пул йиғимларини кучайтириш йўлидаги уринишларда ифодаланди. Айни вақтда феодаллар жамоа ерларини (альменда) босиб олавердилар ва шундай қилиб деҳқон хўжалиги ресурсларига қаттиқ путур етказдилар.

Эльба дарёсининг шарқ томонидаги колонизация қилинган славян ерларида истиқомат қилувчи немис деҳқонларининг аҳволи анча қулай эди. Деҳқон-колониистларнинг катта чек ерларга эга бўлиши ва маҳаллий территориал князларга белгилаб қўйилган тўловларнигина тўлашни Эльба дарёсининг бу томонидаги деҳқонларга иқтисодий мустақилликни ва шахсий эркинликни узоқ вақтгача сақлаб қолиш имкониятини берди. Бироқ деҳқонлар билан бир қаторда уларнинг қўшниси — помешчик (рицарь ёки дворянлик унвонини олган шульц¹) яшар ва хўжалик билан шуғулланарди, шульц қишлоққа аста-секин ўз таъсирини кучайтира борди.

Помешчиклар деҳқонлардан солиқлар ундириш ҳуқуқини

¹ Шульц — Эльба дарёсининг бу томонида майда суд ҳуқуқларига эга бўлган қишлоқ оқсоқоли бўлиб, кўрсатган хизмати бадалига одатда икки ва уч ҳисса ортиқ чек ер оларди.

князлардан сотиб олардилар, кам қувват деҳқонларнинг хўжалик (рўзгор) қийинчиликларидан фойдаланар ва турли йўллар билан ўз ер-мулкларини кўпайтирар эдилар. Дастлабки пайтда 4—6 деҳқон гуфига тенг келадиган рицарлик чек ери XV асрга келганда ўрта ҳисобда 20 гуфгача етди. Шунинг ўзи билан Эльба дарёсининг бу томонида ҳам крепостной ҳуқуқнинг авж олиши учун шарт-шароит яратилди.

XIII—XV асрларда Германиянинг сиёсий тараққиёти. Франция, Англия ва Испаниянинг сиёсий тараққиётига қарама-қарши ўлароқ, XIII—XV асрларда Германия сиёсий марказлашишга эришишгина эмас, балки яна кўпроқ мустақил феодал князликларга бўлиниб кетди.

Штауфенлар ҳалокатидан кейин тамомила орқага кетган императорлик ҳокимияти эндиликда қаддини сира-сира тиклай олмади. Дуруст, императорсизлик даврига ахир пироварди хотима берилди. 1273 йилда феодаллар граф Рудольф Габсбургни (Швабиядан)¹ император қилиб сайладилар.

Бу 55 ёшлик кекса одам бўлиб, у катта ер-мулклар эгаси бўлмаган ҳийлакор ва чиниққан сиёсатчи эди. Князлар уни императорликка сайлар эканлар, унинг заиф томонларини албатта ҳисобга олдилар, чунки улар императорлик ҳокимиятининг кучайишидан умуман манфаатдор эмас эдилар. Рудольф Италияга тааллуқли сиёсатдан воз кечиб, Италияда германлар таъсири йўқ бўлганлигини амалда тан олиши лозим эди. Германиянинг ўзида янги император ўз мавқеини сақлаб қола билиб, турли йirik князлар ўртасида усталик билан иш тутиши ва улар орасидаги низо-жанжаллардан фойдаланиши лозим эди. Габсбурглар хонадонидан чиққан дастлабки императорлар тутган сиёсатдан асосий муддао ўз уруғ-аймоқларига қарашли мулкларни кўпайтириш эди. Германиянинг қолган бошқа ерлари ўз ҳолича ташлаб қўйилди. Тож-тахтга қарашли барча ресурслар ана шу тор доирадаги династик мақсад-муддаоларига хизмат эттирилди. Айниқса Рудольф Германиядаги руҳоний князларнинг — архиепископлар билан епископларнинг кўмагига таяниб иш кўришга ҳаракат қилди.

Чех короли Пшемисл II нинг юқори мартабага интилганлигидан (у 1254 йилда императорлик тож-тахтини ўзига олмоқчи бўлганда, князлар уни рад этган эдилар) герман князларининг нозори бўлганлигидан фойдаланиб туриб, Рудольф Пшемисл билан уруш бошлади ва бошқа герман князлари ёрдамида уни янчиб ташлади, ғалабага эришиш натижасида Австрияни ва унга қўшни бир қанча вилоятларни (кўпроқ славян вилоятларини)² босиб

¹ Рудольфни Франкфурт-Майнда сайладилар. Франкфурт-Майн узоқ вақт давомида (XIII асрда — XIV аср бошларида) Германиянинг пойтахти ролини ўйнади. Бу ерда императорлар сайланар ва кўпинча (лекин ҳамма вақт эмас) умумгерман рейхстаглари тўпланиб туфурди.

² Бу вилоятларнинг номлари: Штирия, Каринтия ва Крайна; уларнинг аҳолиси кўпроқ хорватларга қариндош-уруғ бўлган словенцлардан иборат эди.

олди. Ана шу замондан бошлаб Габсбурглар ўзлари кучли территориял князларга айландилар, шу билан улар династиясининг бундан кейинги таъсири таъминланди.

Бироқ Габсбурглар императорлик тож-тахтини ўз қўлларида узил-кесил мустақамлашдан аввал, рақиблашиб юрувчи бошқа династия билан Люксембургликлар узоқ вақт курашишлари лозим эди. Гарбий Германияда жойлашган кичкина Люксембург князлигидан ташқари, Люксембургликлар яна XIV асрдан бошлаб Чехияни ҳам эгаллаган эдилар. Люксембурглар хонадони Карл IV даврида зўр қудратга эга бўлди, Карл IV Чехия короли ва Германия императори сифатида 30 йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилди (1347—1378). Габсбургларга ўхшаб, люксембурглар ҳам князларга ён босишлари лозим эди. Бу ён беришларнинг характери ва уларнинг Германия учун келтириб чиқарган фалокатли оқибатлари тўғрисида Карл IV ҳукмронлигининг бошларида (1356 й.) наشر қилинган Олтин булла тегишли маълумотларни беради. Жами етти шахсдан иборат князларнинг тор доирадаги, ёпиқ коллегияси тарафидан ўтказиладиган император сайлаш тартибини Олтин булла узил-кесил қонунлаштириб берди. Сайловчи — князлар курфюрюстлар деган унвонга эга бўлдилар. Уларнинг составига учта руҳоний князь — Майнц, Кёльн ва Трир архиепископлари ва тўртта дунёвий князь — Богемия короли (Чехия короли), Рейн пфальцграфы, Саксония герцоги ва Бранденбург маркграфы кирардилар. Курфюрюстлар императорни сайлаш ҳуқуқигагина эмас, балки уни тахтдан ағдариб ташлаш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Олтин булла курфюрюстларни ўз князлик мулкларида тамомила суверен ҳокимлик ҳуқуқларига эгадилар, деб тан олган эди.

Курфюрюстлар, тез орада империя тож-тахтини тасарруф қилиш ҳуқуқларидан батамом фойдаландилар. Карл IV нинг ўғли император Вацлов феодалларга қарши курашаётган шаҳарларга кўмак беришга ҳаракат қилганлиги учун князлар 1450 йилда уни тахтдан ағдардилар¹. Бу династиянинг иккинчи императори, яъни Карл IV нинг бошқа ўғли — Сигизмунд (1410—1437) курфюрюстлар қўлида энди итоатгўй қурол бўлиб қолди.

Вақт-вақти билан йиғилиб турадиган империя рейхстагларида ҳам курфюрюстлар катта роль ўйнар эдилар. Герман шаҳарлари (и м п е р и я ш а ҳ а р л а р и деб аталган шаҳарлар) ҳам империя тоифа вакилларининг бу съездларида қатнашдилар. Аммо уларнинг қатнашиши тўлиқ бўлмасди. Шаҳарлар вакилларининг қарамоғига одатда умумдавлат масалалари топширилмай, балки шаҳарларнинг ўзлариغا бевосита тааллуқли масалаларгина топширилди. Йирик феодал-князларга нисбатан майда рицарларнинг рейхстаглардаги таъсири ҳам жуда оз эди. XIV аср-

¹ Императорлик тахтидан ағдарилган Вацлав Чехия короли бўлиб қолаверди (1419 йилда вафот этди).

да рицарларнинг ҳарбий аҳамиятга молик бўлмай қолишлари, шунингдек, уларнинг иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечиришлари туфайли ва, ниҳоят, императорлик ҳокимиятининг ўзининг орқага кетганлиги вожидан рицарлар энди сиёсий жиҳатдан кучли синф бўлмай қолдилар.

1437 йилда Люксембурглар династияси барҳам топди, шундан кейин Габсбурглар императорлик тож-тахтини узил-кесил босиб олиб, уни 1806 йилга қадар (Наполеон I давригача) ўз қўлларида сақлаб қолдилар.

XV асрда Габсбурглар ҳокимияти. XV асрда Германия императорлари ҳокимияти бўлган Габсбурглар ҳокимияти Люксембурглар давридаги ҳокимиятга қараганда ҳали анча кучсиз эди. Габсбургларнинг бутун куч-қудрати уларнинг наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган хусусий князлик ерларидан иборат бўлиб, улар ана шу ерларни ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам кенгайтиришга ҳаракат қилардилар. «Никоҳ дипломатияси» Габсбурглар хонадонининг наслдан-наслга мерос бўлиб ўтадиган ерларини кенгайтиришда катта роль ўйнади. XV асрнинг 70-йилларида никоҳ дипломатияси йўли билан Габсбурглар бой Бургундия меросининг бир қисмини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар (чунончи, Максимилиан Габсбургнинг Мария Бургундскаяга уйланиши). Бургундия меросига Нидерландия ҳам кирар эди. XVI асрнинг энг бошида бошқа никоҳ йўли билан Габсбурглар Испания династияси билан қариндош-уруғ бўлдилар (Максимилианнинг ўғли Филипп Чиройли Фердинанд билан Изабелланинг қизи Хуанага уйланди). Кейинчалик бу Габсбургларга Испания тож-тахтини мерос қилиб олиш ҳуқуқини берди. Германиянинг ўзида Габсбурглар Австрия, Штирия, Каринтия, Крайна, Тирол ва Швабиянинг бир қисмини эгаллаган эдилар. Аммо Германиянинг қолган бошқа қисмида императорнинг таъсири жуда оз эди. Бир воқеанависнинг сўзларига қараганда Фридрих III Германияда узоқ вақт ҳукм сурганлигидан (1439—1493) фуқаро мамлакатда император борлигини ҳатто унута бошлаган. Императорда ҳеч қандай реал ҳокимият — на умумимперия қўшини, на умумимперия солиқлари, на марказий суд ва маъмурий аппарат бўлмаган. Илк феодал королликларда бўлганидек, император ўзига тенг бошқа йирик феодаллар ўртасида аввалгича биринчи феодал, королни сайлаш ва йиқитиш ҳуқуқига эга бўлган князлар конфедерациясининг бошлиғи бўлибгина қолаверди.

Сиёсий тарқоқлик халқаро муносабатларда Германияга жиддий хавф туғдирар эди. XV аср мобайнида Германия империяга қарашли кўпгина ерларни йўқотди, бу ерлар қўшни давлатларга ўтиб кетди ёки улар ўзларини империядан мустақил ерлар деб эълон қилдилар. XV асрнинг 60-йилларида Пруссия орден давлати империяга вассаллик муносабатларига барҳам бериб, Польша короли ҳукмронлиги остига ўтди. Тахминан худди шу вақтларда Клезвиг-Гольштейн Данияга ўтди. XV асрнинг 20-йилла-

рида гусчиларнинг урушлари бошланиши муносабати билан Чехия империя составидан ажралиб чиқиб, кейин узоқ вақт алоҳида династияга эга бўлган мустақил давлатга айланди. Швейцария шаҳарлари ва қишлоқ (ўрмон) кантонлари иттифоқидан ташкил топган мустақил Швейцария федерацияси 1481 йилда узил-кесил расмийлашди. Швейцария жамоаларининг герман феодалларига қарши кураши XIII асрда Рудольф I Габсбург давридаёқ бошланган эди. Бу кураш XIV—XV асрлар мобайнида шиддатли тусда давом қилди. XV аср охирида Габсбурглар Швейцария иттифоқининг мустақиллигини узил-кесил тан олишга мажбур бўлдилар.

«Император Сигизмунд реформацияси». Мамлакатда кучайиб борган феодал-крепостниклик зулми асосан Жануби-Ғарбий Германияда кенг кўламда юз берган деҳқонлар ҳаракатига сабабчи бўлди. Жануби-Ғарбий Германияда крепостник-феодалларнинг ҳужуми XV асрга келиб айниқса зўрайди¹.

Иккинчи томондан Германиянинг феодал тарқоқлиги, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида йирик ва энг йирик феодал-князларнинг зўравонлиги, бунинг натижасида Германия иқтисодий тараққиётининг умуман секинлашиб қолиши жамиятнинг энг прогрессив қатламларида хатарли ҳиссиёт уйғотди. Шаҳарликлар ва рицарларнинг бир қисми феодал анархиясини танқид қилиб, давлатни реформа қилишни (ёки ўша вақтнинг таъбирича, реформация ўтказишни) таклиф қилдилар.

XV асрнинг иккинчи ярмида Германияда «Император Сигизмунд реформацияси» сарлавҳаси остидаги публицистик асар айниқса катта шухрат қозонган эди. Бу публицистик асар Сигизмунд вафотидан кейин тез орада, афтидан, 1438 ёки 1439 йилда ёзилган ва матбуотда эълон қилинган бўлса керак. Императорнинг ўзининг памфлетга ҳеч қанақа алоқаси бўлмаган. Памфлетни ёзган одам унинг тағига имзо қўймаган. Унинг автори ким эканлиги аниқ маълум эмас. Бир қанча тадқиқотчиларнинг берган баъзи маълумотларига кўра, гусчиларни тарғиб қилгани учун, 1458 йилда Страсбургда қатл этилган немис Фридрих Райзер деган одам шу памфлетнинг автори бўлган.

«Сигизмунд реформацияси» императорлик тузумини тубдан ислоҳ қилишни талаб этган эди. Император ва империянинг турли қисмларидаги унинг ноиблари тўла ҳокимиятга эга бўлишлари лозим; марказий ҳокимиятга бўйин эгмайдиган феодаллар ҳаёт ва молу мулк борасида ҳар қандай ҳимоядан маҳрум этиладилар. Мамлакатда ҳар қанақанги ички ўзаро урушлар ман қилинди. Шаҳарларнинг таъсири анча ўсди. Император империя соликларини йиғиш ва уларни харажат қилиш устидан назорат қилиш ҳуқуқини шаҳарларга топшириб қўймоғи лозим. «Рефор-

¹ Бу ҳаракатлар, хусусан улар ичида энг катта аҳамиятга эга бўлган— «Бошмоқлар» ҳаракати бундан кейинги, XI бобда, 1525 йилги Буюк деҳқонлар уруши муносабати билан қараб чиқилади.

мация»га кўра, суд умумдават ва марказлашган суд бўлмоғи лозим; князлик ва бошқа феодал судлари тугатилиши керак. «Реформация» тахминича, муайян пул взноси тўлаш шарти билан барча истаган кишилар шаҳарларга кўчиб келиб, тўла ҳуқуқли бюргерлар сифатида уларга эркин қабул қилинишлари керак. «Реформация» автори, шунингдек, цехлар монополиясига қарши фикр билдирди («ҳар бир одам истаган ҳунари билан шуғулланмоғи керак»). Крепостной деҳқонларнинг мажбуриятлари масаласида «Реформация» янги йиғимлар ва янги баршчиналар киритишга қарши, шунингдек, феодаллар томонидан деҳқонларнинг жамоа ерларини босиб олишга ҳам қарши чиқади. Бироқ «Реформация» феодал крепостной тузумни тамомила тугатиш масаласини қўймайди. XV—XVI асрлардаги немис бюргерларининг чала-чулпа ва ноинқилобий йўл-йўриғи ана шунда ифодаланади.

«Император Сигизмунд реформацияси» қоғоздагиша қолиб кетди. Феодал-князлар марказий императорлик ҳокимиятининг кучайишини мутлақо истамасдилар. Германия XV аср охири ва XVI аср бошларида ҳам тарқоқ ҳолича қолаверди. Ф. Энгельс ўрта аср Германиясини бундай аҳволга олиб келган сабабларини чуқур таҳлил қилиб берган эди. «XV аср охирига келиб,— деб ёзган эди ўзининг кейинги қўл ёзмаларидан бирида,— Германия тобора кўпроқ тарқоқлашади; Франция ва Англия озми-кўпми марказлашган ва уларда миллатлар ташкил топаётган бир вақтда, Германиянинг маркази тобора заифлашди. Германияда бу мумкин эмас, чунки: 1) истилони бошидан кечирган мамлакатлардаги қараганда Германияда феодализм кечроқ ривожланди; 2) Германия ўз составида француз ва славян областларига эга эди ҳамда Италияга ўз мулки, Римга эса ўз маркази деб қаради,— шундай қилиб, миллий комплекс бўлмай қолди; 3) чунки,— асосий масала ҳам шунда эди,— айрим вилоятлар, шунингдек, вилоятларнинг алоҳида группалари эса бир-биридан ажратиб ташланган эди...»¹.

Германияда гуманистик ҳаракатнинг бошланиши. XV асрда Германияда гуманистик адабиёт майдонга келди. Бу адабиёт қисман немисларнинг қўшни Италияга қилган саёҳатлари таъсири остида юзага келиб, у асосан, Германиянинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти сабабли рўй берган кайфият ва ғояларни акс эттирар эди. Жумладан, бирлашмасдан ва марказлашмасдан қолган катта мамлакатнинг сиёсий зиддиятлари (мамлакатдаги буржуа шаҳар элементлари ўзларини хўрланган деб ҳис қилардилар) немис гуманист ёзувчиларига ғоят катта фош қилувчи материал берди. Кўп сонли герман университетлари антик адабиётни ўргандилар, баъзи бир университетларда табиий фанларга қизиқиш зўр бўлди. Университетлар немис гуманизми туғилиб вояга етган асосий марказлар эди.

¹ «Марк ва Энгельс архиви». X. т., 343-бет.

Немис гуманист адабиётининг прогрессив озодлик характери тўғич йирик немис ёзувчиси-сатириги Себастиан Брант (1457—1521) нинг немис тилида ёзилиб, 1494 йилда Базелда нашр этилган «Аҳмоқлар кемаси» номли асариди ифодаланди. Брант ўз сатирасиди феодал-князлар, католик руҳонийлари ва монахлари, талончи рицарларни масхаралаб кулди. Ўзининг антифеодал йўналиши ва кескин фoш қилувчилик тенденцияси жиҳатдан Брант XVI асрнинг биринчи ярмидаги буюк немис гуманистларининг бевосита отахони ҳисобланарди.

XXII БОВ

ХII—ХV АСРЛАРДА ЧЕХИЯ. ГУСЧИЛАРНИНГ УРУШЛАРИ

ХII—ХIII асрларда Чехиянинг социал-иқтисодий тараққиёти. Х—ХI асрларда узил-кесил расмийлашган Чехия давлати, ХII—ХIII асрларга келиб, Европанинг бошқа мамлакатларига ўхшаш феодал мамлакатга айланди¹.

Король дружиначилари лехлар ва владикларнинг эски зодагон оилалари билан бирлашиб, феодал типиди катта ва анча майда ер эгаларига айландилар. Улар мамлакатдаги ерларнинг катта қисмини босиб олдилар. Уларнинг ер-мулклариди крепостнойлар биринчи навбатда қўлига ер берилган қуллардан ташкил топган крепостнойлар (отроклар ёки эрксиз деҳқонлар) ишлардилар. Феодаллар деҳқон аҳолисини суд қилиш муддаосиди королдан жуда катта жиноятлардан ташқари жиноят учун иммунитет ҳуқуқлар олардилар. Чехияда олий табақа феодаллар, панлар (жупанлар, яъни қабила бошлиқлари номидан келиб чиққан сўз) қуйи табақа феодаллар — владикалар (дастлабки пайтларда владика деб, катта патриархал оилаларни айтиларди) деб аталарди². Умуман олганда, панлар-баронлар ва владикалар-рицарлар имтиёзли тоифа-шляхтани ташкил қилардилар (шляхта «лехи»—«зодагон уруғлар» сўзидан келиб чиққан).


Собиқ эркин жамоачи деҳқонлардан чиққан қарам деҳқонлар қуллардан ташкил топган крепостнойларга аста-секин келиб қўшилдилар. Бундай қарам деҳқонлар бошқача ном — седляклар деган ном билан аталарди, бу ном эса французча «вилянлар» деган сўзга тўғри келади. Вақт ўтиши билан седляклар поместьени ташлаб кетиш ҳуқуқидан маҳрум этилдилар. Улар муайян (кесиб қўйилган) баршчинани адо этиб, олдиндан белгилаб қўйилган оброк ҳақи тўлардилар. Аммо ХIII асрнинг то

¹ Урта асрлар даврида Чехия Богемия деб ҳам аталар эди. Богемия бир вақтлар ана шу территорияда яшаган ва кейинроқ славянлар билан қўшилиб кетган боев деган кельт қабиласи номидан олинган эди.

² Чехиядаги майда рицарларнинг бошқа номлари паношлар ва земанлар деб юртиларди.

охиригача ва қисман ҳатто XIV асрда ҳам Чехияда эркин деҳқонлар — д е д и ч л а р табақаси ҳали анча-мунча сақланиб қолган эди. Дедичлар эски ворислик (дедич) ҳуқуқига кўра, ўзларининг жамоачилик тартиб-қоидаларини тамомила сақлаб қолган ва асосан суд бўйича феодалларга қарам эдилар (лекин бу судга уларнинг қилган барча икир-чикир гуноҳлари ва айб ишлари кирмасди, албатта). Дедич ҳуқуқига кўра, деҳқонлар ўзларига қарашли ер участкаларнинг меросхўрлари ҳисобланардилар. Феодал муайян миқдорда ҳақ тўламай туриб, уларни ўтирган ерларидан ҳайдаб юбора олмасди. Бу категориядаги деҳқонларнинг мажбуриятлари муҳим бўлиб, улар урф-одат бўйича белгилаб бериларди, ҳамда чинакам крепостной деҳқонлар ўтайдиган мажбуриятларга нисбатан анча-мунча енгил эди. Бироқ XIII—XIV асрларда дедичлар сони тезда камайди. Йирик дунёвий ва руҳоний ер эгалари дедичларнинг жамоа ерларини ҳам тортиб олиб қўйдилар.

Немис колонизацияси. Урта аср Чехиясининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида немис колонизацияси жуда катта роль ўйнади. XII ва айниқса XIII асрда Чехия короллари ва чех панлари ўз даромадларини кўтариш мақсадида герман колонистларини, яъни немис деҳқонлари билан ҳунармандларини ўз мулкларига кенг жалб этдилар. Айни вақтда Чехия короллари хизматга таклиф этган ва улاردан йирик ер-мулклари олган кўпгина герман феодаллар ҳам Чехияга кириб келавердилар. Немис монастырлари Чехияда катта колонизаторлик фаолиятини олиб бордилар. Чехиядаги немис колонизацияси, ўз характери жиҳатдан бошқа славян ерларидаги немис колонизациясидан анча фарқ қиларди. Чехларнинг ривожланган феодал давлатига тўқнаш келган немислар бу ерга аста-секин «тинч» йўл билан кирдилар ва, асосан, шаҳарларга суқилиб кирдилар. Аммо кўп немис деҳқонлари Чехия қишлоқларига ҳам кўчиб келиб жойлашди. Немис колонизацияси натижасида чех панларининг даромадлари анча ошди. Чехиядаги немис колонистларининг ўзлари бир қанча жойларда энг яхши ерларни олиб, катта бойликка эга бўлдилар. Қисман колонистлар ўзлари билан бирга маълум ҳўжалик тажрибасига эга бўлган ва такомиллашган техникани олиб келдилар, бу техникани келажакда маҳаллий аҳоли ҳам ўрганиб олди. Немис ҳунармандлари ва кончилари, Чехияга кўчиб келиб, мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини ўстиришга, жумладан кончилик ишини ривожлантиришга ҳам ёрдам бердилар. Аммо, ҳуллас қилиб айтганда, немис колонизацияси иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда чех халқи бошига катта мушкуллик келтирди. Ажнабий колонизация оқибатида Чехияда миллий зулм авж олдики, бундан чех аҳоли оммаси (шаҳарликлар ва деҳқонлар) азоб-уқубат чекди. Колонизация мамлакатда келгинди, бегона ва ҳатто ўз «фатерланди» — Германияга кўнгил қўйган душман аҳоли истиқомат қилувчи шаҳарни вужудга келтирди. Шаҳарлардаги келгинди немис савдогарлари ва ҳунармандлари маҳаллий чех



XIII—XIV асрларда Чехия

аҳолисига, яъни чех ҳунармандлари ва майда савдогарларига қараганда имтиёзлироқ ҳолатда кун кечирардилар. Немис колонистларининг қишлоқларга қуюндек оқиб келиши кам ерли чех деҳқонлари сонининг ўсишига ва помешчикларга тўланадиган феодал тўловларнинг кўпайишига сабабчи бўлди. Помешчиклар крепостнойлар тасарруф қиладиган ерлардан ундириладиган даромадларини колонистларнинг ерларидан унадиган даромадлар даражасига етказишга интилардилар. Тили ва урф-одатлари жиҳатидан ерли аҳолига бегона бўлган келгинди немис феодалларининг маҳаллий помешчиклар билан қўшилиши, чех деҳқони учун феодал-крепостниклик оғир зулмини янада кўчайтириб юборди. Чехиядаги колонизация жараёни натижасида икки халқ вужудга келди, булар орасида келгинди немис халқи маҳаллий чехларга

қараганда анча имтиёзли аҳволда кун кечирарди. Равшанки, бундай зиддиятли аҳвол чехлар норозилигини туғдирмай иложли йўқ эди. Мамлакатда феодализм янада ривожланиши ва товар-пул муносабатлари ўсиши билан, Чехия шаҳарларида миллий чех элементлари таркиб топиши ва Чехия қишлоқларида ижтимоий муносабатлар кескинлашиши билан бу норозилик тобора ортди.

Чехия короллари ва империя. Германия империяси система-сидаги Чехия (Богемия) короллиги ҳам зиддиятли бир аҳволни бошидан кечирарди. Чехия короллари императорнинг вассаллари эдилар. Дуруст, Германияда императорлик ҳокимияти тушкун-ликка учраши билан Чехия короллари империянинг бошқа йирик князларига ўхшаш, аслида мустақил ҳокимларга айландилар. Фридрих II Штауфен замонида ва XIII асрнинг иккинчи ярми-даги ҳокимиятсизлик даврида Богемия короллигининг аҳволи ай-ниқса қулай бўлди. Бу вақтда Чехия короли князь — курфюрст ҳуқуқини олди. Унинг ўзи чех панлари сейми томонидан сайла-ниб, ички идора ишларида тўла мустақилликка эга бўлди.

Аммо, иккинчи томондан, Чехия королининг империя билан алоқаси ҳам, герман колонизациясининг Чехия миллий манфа-атлари учун, ахир пироварди, гоят даражада зарарли бўлиб чи-қишига сабаб бўлди. Чехия короли саройининг ўзида ва чех пан-ларининг саройларида очиқдан-очиқ германлашиш аломатлари кўрилди. Чех феодаллари ва сарой аъёнлари немис тилини ўрга-ниб олдилар, немис кийимини кийиб юрадиган бўлдилар ва ҳо-казо, чех феодаллари ва сарой аъёнлари чех халқидан шу қа-дар бегоналашдиларки, XIII асрда Чехияга келиб кетган ажна-бийлар Чехия тўғрисида у икки миллатли мамлакатдир, деб ёздилар. Зодагонлар — сарой аъёнлари ва феодаллар — немис тилида сўзлашиб, ҳамма нарсада немисларга тақлид қилардилар; шаҳарликлар — мешчанлар ва деҳқонлардан иборат оддий халқ чех тилида гаплашиб, ўзининг эски урф-одатлари ва миллий қиё-фасиня сақлаб қолди.

Аммо Чехия билан Германия иттифоқи (унияси) нинг яна бир салбий томони ҳам бор эди. Чехия короллари ички герман ўзаро урушлари ва фитналарига тортилган эдилар; Чехия короллари-нинг ўзлари императорлик тож-тахтига даъвогарлик қилардилар, баъзан улар бошқа герман феодаллари билан биргаликда ёки славян халқларига қарши, ёхуд славянларга қон-қардош ва иттифоқ бўлган халқларга қарши уюштирилган юришларда шахсан қатнашардилар.

Урта аср Чехиясининг энг йирик королларидан бири бўлган Пшемисл II (1253—1278) нинг ҳукмронлик қилиши бу жиҳатдан характерли мисолдир. Пшемисл II Чехия короллигини кўп қа-билали жуда кенг давлатга айлантирди. У, Чехиянинг ўзидан ташқари, яна Австрия, Штирия, Каринтия ва Крайнани эгаллаб, то Адриатика денгизининг жанубигача силжиб борган эди. Бу ерларнинг бир қисми славянларга, бир қисми немисларга қараш-ли эди. У бошқа герман феодаллари билан биргаликда 1254 йил-

да прусслар билан литваликларга қарши салиб юришида қатнашди. Шу сабабли кейинчалик Пруссия пойтахти бўлиб қолган Кенигсберг («Король тоғи») шаҳри король Пшемисл II шарафига ана шундай деб аталган эди.

Пшемисл II герман императорлигига ўз номзодини қўйган эди. Империя князлари бошқа номзодни — Рудольф Габсбургни император қилиб сайлаганларидан кейин Пшемисл II императорга лен қасами беришдан бош тортиди. Бу эса уни Габсбурглар ва бошқа герман князлари билан уруш қилишга олиб келди. Уруш натижасида Пшемисл II Чехиядан ташқаридаги барча мулкларини қўлдан бой берди, ана шу вақтдан бошлаб бу мулклар Габсбурглар қўлига кўчди ва бу ҳол Чехиянинг ўзидаги король ҳокимиятининг обрў-эътиборини заифлаштириб қўйди.

Люксембурглар династиясининг идора қилиши. Карл I (IV)
1306 йилда Пшемисллар династияси барҳам топди. Уч йил давом этган тўс-тўполондан кейин панлар немис князи Иоанн (чехча — Ян) Люксембургскийни король қилиб сайладилар. Янги король панларга уларнинг тоифавий имтиёзларини гарантияловчи ёрлиқ берди. 1310 йилдан эътиборан Чехияда епископлар, панлар ва рицарлар шляхтасидан иборат сейм (чехча — снем) мунтазам суратда чақирилиб туриладиган бўлди. Шаҳарликлар (мешчанлар) нинг вакиллари съездларга ҳар донм ҳам таклиф қилинавермасди. Шаҳарларнинг манфаатларига тааллуқли масалалар муҳокама қилингандагина шаҳарликлар (мешчанлар) нинг вакиллари сеймга қўйиларди. Король Ян Люксембургский Чехияда кам яшади. Ян Люксембургский Франция манфаатларини кўзлаб ўзининг Люксембург князлиги бўйича албатта француз феодаллари билан биргаликда инглизларга қарши Креси шаҳри ёнида жанг қилган пайтида 1346 йилда ҳалок бўлди. Шундай қилиб, янги ажнабий династия королининг идораси Чехиянинг сиёсий жиҳатдан марказлашувини мустаҳкамлашда ҳеч нарса бермади. Аксинча, панлар олигархияси кучайди, гарбий герман князининг чех халқи манфаатларига тамомила ёт бўлган сиёсати учун ана шу халққа эса қон ютишга тўғри келди.

Ян Люксембургскийнинг ўғли ва айна замонда герман императори Карл I (1346—1378) Чехияда король ҳокимиятининг обрў-эътиборини кўтара билди. Император сифатида герман князларига қарам бўлган Карл Чехияда ўзининг ворислик мулкларини мумкин қадар кенгайтиришга ҳаракат қилди. Карл даврида Чехия составига, Чехия (ёки Богемия)нинг ўзидан ташқари, Силезия, Бранденбург, Саксониянинг бир қисми (Лужиция) ва баъзи бир қўшни ерлар кирар эди. Карл Чехияда тож-тахтнинг вори сифатида яшаган чоғидаёқ, у чех феодаллари ва чех шаҳарликлари, кўпроқ Прага шаҳари билан яқинлашди. Карл король бўлиб олгандан сўнг ўсиб бораётган чех саноати ва савдосини рағбатлантириб, илгари фақат немислар фойдаланиб келган им-

¹ Германияда у Карл IV деб юритиларди (XXI бобга қаралсин).

тиёзларни чехларга ҳам татбиқ қилди. Унинг даврида Прага жуда ўсди, асосан Прагага кўчиб келиб жойлашган чех ҳунармандлари ҳисобига Прага атрофида Новая Место деган янги жой ўсди. Прагага ўзини-ўзи идора қилиш ҳуқуқи берилди. Пойтахт кўпгина ҳашаматли бинолар билан бойиди, Карл I қурдирган бинолардан баъзилари — Карл штейн қасри, Влтава дарёси четига солинган катта тош кўприк (Карлов мост) ва бошқалар ҳанузгача сақланиб келмоқда.

1348 йилда Карл I Прага университетини таъсис этди, бу университет Европадаги энг қадимий университетларнинг бири ҳисобланади.

Социал ва миллий зиддиятларнинг кескинлашиши. Чехияда XIV аср ўртасидан бошланган сиёсий юксалиш мамлакатнинг иқтисодий ютуқларини акс эттирарди. Бу вақтга келиб Чехия иқтисодий жиҳатдан ғоят даражада ривожланган мамлакат ҳисобланарди. Чехларнинг кумуш конлари, мовут тўқиши, сурп саноатининг ривожланганлиги, қишлоқ хўжалигидаги ютуқлари Чехияда деҳқончиликдан ташқари, боғдорчилик, балиқчилик хўжалиги, узумчилик, зигиркорлик, наша, хмель ўстириш ва ҳ. к. мана шуларнинг ҳаммаси Чехияга Европадаги энг бой мамлакатлардан биридир деган шон-шухрат келтирди. Чехия қороли олган беҳисоб даромадларни Германиянинг бирорта ҳам бадавлат князи ололмасди. Прага йирик савдо марказига айланди. Чехиянинг кўпдан-кўп бошқа шаҳарлари у билан жуда яқиндан алоқа қилардилар. Бу шаҳарлар орасида Брно, Пльзень, Хеб, Кутна гора, Лоломоуц алоҳида ажралиб турарди.

XIV асрда Чехия, Германия, Польша, Венгрия, Қуйи Дунай бўйи мамлакатлари, Жануби-Ғарбий Русь билан кенг халқаро савдоси олиб борарди. Мамлакатда товар-пул хўжалиги тобора ўсиб, у қишлоқни ҳам қамраб олган эди.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва товар алоқаларининг кенгайиши Чехия жамиятида эски феодал хўжалик формаларини емириб, ўткир ижтимоий зиддиятларнинг авж олишига олиб келди. Чех феодаллари ўз ихтиёрларидаги крепостной седьякларни немис ҳуқуқи деб аталувчи ҳуқуққа кўчирдилар. Немис ҳуқуқига кўра, деҳқонлар оширилган пул рентаси тўлашлари лозим эди, чунки деҳқон рентани озгина кечикиб тўлайдиган бўлса, катта ер эгаси феодал уни ҳар доим ҳайдаб юбора оларди. Панларнинг сиқиги остида деҳқон-дедичлар ҳам немис ҳуқуқига кўчирилди. Деҳқон-дедичларнинг чех ҳуқуқи ўрнига немис ҳуқуқига кўчирилиши уларнинг аҳволини баттар ёмонлаштирди, чунки улар ворис ер эгаларидан (деярли хусусий ер эгаларидан)

«озод этилувчи» седьякларга ўхшаш, дарҳол ҳуқуқсиз аренда-торларга айланиб қолдилар. Уша вақтда пул хўжалиги шароитларида XIV асрдаги Чехия қишлоғи энди жуда табақалашган қишлоқ эди. Қишлоқни кам ерли деҳқонларнинг кўпчилиги (яъни подсоседка деб аталувчи деҳқонлар) ва бутунлай ерсиз камбағал деҳқонлар (яъни халупник деб аталувчи деҳқон-

лар) тўлдириб юборган эди, уларнинг баъзиларидан қисман батраклар сифатида фойдаланиларди, бошқалари ҳеч қанақа иш тополмай, қашшоқликда кун кечирардилар; баъзи бир камбағалларгина шаҳарларда ишга жойлашишга муяссар бўлдилар. Шундай қилиб, чех деҳқонларининг аҳволи, айниқса XIV асрнинг иккинчи ярмида ва XV аср бошларида тобора оғирлашди. Крепостниклик, судхўрлик, оғир арестда, деҳқонларнинг қисман ерсизлиги — буларнинг ҳаммаси умуман чатишиб кетиб, чех деҳқон оммасини ғоятда мушкул аҳволга туширди, унинг баъзи қисмини тўғридан-тўғри ночор аҳволга солиб қўйди.

Аммо шаҳарда ҳам ижтимоий зиддиятлар тобора кескинлашди. Кўпроқ немислардан иборат бўлган шаҳар патрициати санатнинг асосий тармоқларини ва савдонни, шунингдек, шаҳар идорасини (Чехия пойтахти Прагани ҳам) ўз қўлига киритиб олди. Цехларга¹ қисмангина бирлашган, қисман ёлғиз ўзи қосиблик қилувчи ўрта даражадаги ҳунарманд-чехнинг мустақкам оёққа босган немис мастери ёки бой немис савдогари билан ана шундай шароитда рақобат қилиши жуда қийин эди. Чех қишлоқларидаги сингарни Чехия шаҳарларида ҳам энг камбағал ҳунармандлар, қора ишчилар, қишлоқлардан келган турли-туман келгиндилар ва ҳоказолардан иборат жуда кўп фақир-фуқаро тўда-тўда бўлиб дайдиб юрарди. Бу одамлар ўз хўжайинлари бўлган эксплуататорлардан нафратланиб, даҳшатли муҳтожлик ва оч-яланғочликда ҳамон кун кечирардилар.

Чехияда ғоят даражада кескинлашиб кетган ижтимоий зиддиятлар очикдан-очиқ миллий тусга кира борди. Чехия деҳқонлари, ўрта ва майда даражадаги шаҳарликлар, шунингдек, қуйрицарлар (земанлар) асосан бадавлат немис синфларини ўзларининг синфий душманлари деб билардилар, чунки Чехиядаги немислар бу вақтга келиб жуда катта бойлик орттириб бу мамлакатда катта сиёсий роль ўйнар эдилар.

Чехия ва папалик. Аммо бу даврда Чехияда яна бир зиддият кескин сезилиб турарди, бу зиддият католик черковининг ўсиб борувчи зулми ва эксплуатацияси эди. Юз йиллик уруш маҳалида папалик ўз йиғимларининг асосий оғирлигини Шарқий Европага Германия, Чехия, Польша ва Венгрияга ўтказган эди. Папасаройига турли формалардаги тўловларни Чехия айниқса кўп миқдорда тўлаши лозим эди. Папанинг индульгенция² сотиб юрувчи одамлари Чехияда тўлиб кетган эди, олий табақа черухоний шахсларини тайинлаб қўйганлиги учун папа жуда кўп миқдорда пул оларди. Чехиядан йиғилган черков десятиналарининг катта қисми папа хазинасига келиб тушарди. Айни замонда:

¹ Чехиядаги цех тузумининг хусусияти шунда эдики, у ғарб мамлакатларидагига нисбатан кечроқ пайдо бўлган ва бу цехларда одамлар унчалик кўп эмас эди. Бунга сабаб Чехия шаҳарларида ҳукмронлик қилган немис патрициатларининг кўпинча қарши ҳаракат қилиши бўлди.

² Индульгенция — папа ёрлиғи бўлиб, бу ёрлиқларни пулга сотиб олган кишиларнинг «гуноҳидан ўтиларди».

Чехиядаги руҳонийларнинг анчагина қисмини чехлардан чиққан одамлар эмас, балки Чехияда ер-мулкларга эгалик қилувчи келгинди немис руҳонийлари ва монахлари ташкил қиларди.

XIV аср охири ва XV асрда чехлар томонидан олиб борилган навбатдаги революцион курашнинг ўзига хос ва мураккаб характери ана шундан келиб чиққан эди. Энг демократик чех ижтимоий кучларининг, яъни шаҳарликлар, деҳқонлар ва қисман рицарларнинг нафрати айни вақтда ҳам чех феодал-крепостнойлик тузумига қарши, ҳам ажнабий немис зўравонлигига қарши қаратилган эди. Гоявий жиҳатдан бу зиддиятлар кенг реформацион ҳаракатда ўз ифодасини топди. Бу реформацион ҳаракат Чехияда ажнабий зулмнинг кўп даражада мужассам тимсоли бўлган ўрта аср католик черковига ҳам қарши қаратилган эди.

Ян Гус. Руҳоний ва Прага университетининг профессори Ян Гус миллий ва диний-реформаторлик кайфиятидаги чех жамияти илғор табақаларининг ифодачиси бўлди. Деҳқон онласидан келиб чиққан Ян Гус, 1369 йилда Гусишец деган жойда дунёга келган эди. Прага университетининг шоғирди бўлган Ян Гус 1398 йилда университет профессори, 1402 йилда эса унинг ректори бўлди. Ян Гуснинг ғайрати туфайли Чехия қороли Вацлав 1409 йилда Прага университетининг уставини ўзгартиб, профессор чехларга университетни идора қилишда раҳбарлик ролини топширди. Ян Гуснинг замондоши инглиз реформатори Жон Виклефинг таъсири остида Гуснинг диний ва ижтимоий-сиёсий қарашлари анча ривож топди. Аммо бир қанча масалalarda Гус Виклефдан ўтиб кетди ва дадилроқ ҳаракат қилди. Гуснинг папалик билан муносабатлари кескинлашиб, муросасиз тус олди. Индульгенциялар билан савдо қилишга қарши, олий табақа католик руҳонийларининг бузуқчиликларига қарши, черков ер эгалигининг ғоят даражада томир ёйишига қарши, руҳонийларнинг турли-туман хурофий урф-одатларни ижро этганликлари учун тобора кўпроқ пул ундиришларига қарши Гус кескин танқид билан майдонга чиқадиган бўлди. Гус тоат-ибодатни она тилида, чех тилида адо этилишини талаб қилди. Энг яқин вақт ичидаги реформа сифатида Гус черков ерларини тортиб олиб, улардан давлат эҳтиёжлари учун фойдаланишни ҳукуматга тавсия этди.

Гус руҳонийларни алоҳида, имтиёзли тоифага (динга ишонувчи оддий одамларга нисбатан) айлантиришга қарши норозилик билдириб, руҳонийларни ҳам, шунингдек, шаҳар халқини ҳам «ҳар иккала ноз-неъмат билан» (нон ва вино билан) дилини поклашни (чўқинтиришни) қаттиқ туриб талаб қилдики кейинчалик бу Гус мухлисларининг шиорларидан бири бўлиб қолди. Қисман Гус ижтимоий масалаларга ҳам тегиб ўтди. Бироқ Гус революционер эмас эди ва шу важдан у мавжуд феодал тузумни емириб ташлашга даъват этмади, асосан крепостникликнинг энг оғир формаларини юмшатишга чақириш билангина чекланди. Шу тариқа. Гус папаларни ўз ҳукмронликларини суистеъмол


қилмай, «камбагалларга меҳр-шафқатли бўлиш ва уларни адолат билан идора қилишга даъват этди». У короллик судларига бева-бечораларга зулм қилишга ва уларнинг кўнгилларини вайрон қилишга қарши норозилик билдирди. Гус ўзининг бир қанча оғзаки гаплари ва ёзма нутқларида панлар томонидан ўлиб кетган деҳқонларнинг молу мулкини босиб олиш (ўлгандан кейинги йиғим) ҳодисаларини қоралаган эди. «Ҳаққоният енгади!», деган иборани Гус жуда яхши кўрарди. Бу сўзлар билан Гус меҳнаткашлар оммасининг порлоқ келажагига бўлган ўз ишончини ифодаларди. Деҳқонлар ҳаётини яхши билган, ўзи шу деҳқонлар орасидан келиб чиққан Гус ўз умрининг то охиригача деярли қишлоқ билан шахсан боғланган эди. Гуснинг чех тилида қиладиган ваъзхонлигида энг содда, ҳатто хат-саводсиз эркак ва аёл деҳқонларнинг кундалик ҳаётидан олинган ва улар бемалол тушунадиган мисоллар жуда кўп бўларди. Эркак ва аёл деҳқонлар «мистр Гус»нинг гапларини завқ-шавқ билан тинглардилар.

Гуснинг фаолияти Прага архиепископини, сўнгра эса папа куриясини ҳам унга қарши оёқлантирди. Гусга тоат-ибодат қилиш ман этилди. У профессорлик ва ректорлик лавозимларидан маҳрум этилиб, 1412 йилда пойтахтни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Гус ереслик (шакоклик)да айбланиб, 1414 йилда Констант собори судига қақирилди. Император Сигизмунд Гуснинг шахсини муҳофаза қилиб, унга қўриқлов ёрлиғи берди. Гус ўзи айтганидек, «халойиқ олдида ҳақиқатни очиб бермоқ учун», яъни черков собори олдида ўз таълимотининг ҳақ таълимот эканлигини ҳимоя қилмоқ учун Констанцага жўнади. Бу вақтда Гуснинг обрў-эътибори папаникидан баландроқ эди. Аммо Констанцага келиши биланоқ Гус тез орада қамоққа олинди. Епископлар собори айбланувчининг ҳатто гапини ҳам эшитишни хоҳламай, уни еретик сифатида ўтда куйдириш тўғрисида ҳукм чиқарди. Сигизмунд ўз сўзидан хоинона қайтиб Гусга ёрдам беришни истамади. 1415 йилнинг 6 июлида Ян Гус Констанц майдонларидан бирида оловда куйдирилди¹.

Гусчиларнинг урушлари. Ян Гуснинг ўлими Чехияда чуқур ғазаб уйғотди. Гуснинг ўлими тўғрисида Чехия ва Моравия руҳонийлари ёзма норозилик билдирдилар. Шаҳарликлар ва деҳқонлар Гус беҳуда жафо чекди ва азобланди, дедилар. Чехияда католицизмдан оммавий равишда қайтиш ҳодисалари юз берди. Вужудга келган «еретиклик жамоатлари» Гуснинг черков ва жамиятни реформа қилиш ҳақидаги ғояларини амалга оширишга даъват этиб, шу билан Гус таълимотини чуқурлаштира ва революционлаштира бордилар.

Гусчиларга қарши ҳукумат томонидан жазо чоралари қўлланила бошлаши муносабати билан 1419 йил 30 июлда Прагада

¹ Чехословакия Социалистик Республикасида 6 июль кунини чехларнинг миллий қаҳрамони Ян Гус хотираси Куни деб эсга олинади.



Гусчиларнинг урушлари

шаҳарликларнинг қўзғолони бўлди. Прага ва унинг атрофидаги шаҳарларнинг плебейлар оммаси 1419 йилги Прага қўзғолонининг энг актив кучи бўлди, бу қўзғолонга камбағаллар орасида ном чиқарган Прага руҳонийси Ян Желивский бошчилик қилди. Қўзғолон натижасида король Вацлав амалда тахтдан афдариб ташланди. Вацлав Прагадан қочиб кетди ва тез орада, ўша йилиёқ вафот этди. Вацлав ўрнига унинг укаси император Сигизмунд Чехия тахтига ворислик қилиши лозим эди. Гуснинг ўлдирилишида Сигизмунднинг қабиҳ йўл тутганлиги ва Гусни очикдан-очик ёмон кўрганлиги ҳамда Сигизмунднинг немис феодаллари билан алоқа қилганлиги туфайли чехлар ҳатто унинг номини ҳам эшитгилари келмади. На панлар, на шляхта, на шаҳарликлар Сигизмундга итоат этишни истамасдилар. Қишлоқларда черков ва дунёвий (немис) катта ер эгаларига қарши ҳаракат бошланиб кетди. Чехия 1419 йилнинг августидан эътиборан ҳақиқатда Германия билан алоқасини узиб, мустақил давлат бўлиб олди.

Одатда гусчиларнинг урушлари деган ном билан аталган Буюк Чехия деҳқонлар урушининг ҳаракатга келтирувчи кучлари жуда кенг ва турли-туман эди. Энг бошидан бошлаб гусчилар

харакатида бир-бировга очиқдан-очиқ қарама-қарши икки қанот пайдо бўлди:

1) ч а ш н и к л а р ёки п о д о б о й л а р н и н г мўтадил партияси (гусчиларнинг шиорларидан бири—ҳариккала ноз-неъмат, яъни нон ва вино билан дилни поклаш) бўлиб, бунга панларнинг, йирик рицарларнинг ва шаҳарликларнинг (асосан Прага шаҳарининг) вакиллари кирган эди ва 2) т а б о р и й л а р н и н г (уларнинг Табор ёки Фаворадаги ҳарбий лагери номидаги олинган) радикал-демократик партияси бўлиб, уни хонавайрон бўлган рицарлар, энг камбағал ҳунармандлар ва деҳқонлар ташкил қилардилар. Чашникларнинг «тўртта модда» деб аталган программаси Чехияда тоат-ибодат чех тилида адо этиладиган миллий гусчилар черковини қарор топтиришни ва черков молу мулкани тортиб олиб ҳукумат ихтиёрига берилишини талаб қиларди. Чашниклар бошқа ҳеч қанақа ижтимоий ва сиёсий реформа қилишни илгари сурмадилар.

Сиёсий жиҳатдан олганда чашниклар монархияни сақлаб қолиш тарафдорлари эдилар. Чашниклар Люксембурглар династияси билан алоқани узиб, улар Польша-Литва валиаҳди Сигизмунд (ёки Жигимонт) ¹ни Чехия короллигининг регенти сифатиде Прагага таклиф этдилар. Кейинроқ чашникларнинг энг йирик раҳбарларидан бири бўлган бой пан Юрий (чехча Йиржи) Подебрад король регенти бўлиб олди. XV асрнинг 20-йиллари бошларида чашниклар Прага плебейлари оппозицияси билан қаттиқ жанжаллашиб қолишди. Пойтахтда оппозицион демократик ҳаракатнинг ўсиб боришидан чўчиган чашниклар Прага демократиясининг раҳбари Ян Желивскийни ҳалок этишга шошилдилар. 1422 йилнинг 9 март кунин Желивскийни алдаб ратушага чақириб, сўнг уни қамоққа олдилар ва шу ернинг ўзидаёқ ўлимга ҳукм қилдилар ҳамда ратуша биносида қатл этдилар. Аслида бу чинакам сиёсий қотиллик эди, шаҳар кенгашининг аъзолари (коншелашлар) халқ оммасидан қўрққанлари важида бу қотилликни зимдан ва жуда тез амалга оширган эдилар.

Гусчиларнинг бошқа лагери, яъни таборийлар Сигизмунд билан, немис феодаллари, энг йирик папалик ва католик черкови билан олиб борган курашларида анча революцион, энг қатъий ва изчил эдилар. Таборийлар ҳам ўз программаларида «Праганинг тўртта моддаси»ни тан олиб, бу моддаларнинг мазмунини кенгроқ талқин этдилар ва уларга ўзларининг антифеодал талабларини киритдилар.

Диний соҳада таборийлар ҳеч қанақа олий черков иерархиясиз черков жамоаларини бемалол барпо этиш ва тамомила эркин тарғибот олиб боришга эришиш талабини ёқлаб чиқдилар. Сиёсий соҳада таборийлар «королсиз давлат қуриш», яъни республика таарфдори эдилар. Таборийларнинг асосий ижти-

¹ Литва князи Витовтанинг жияни.

мой талаби—крепостной ҳуқуқни бекор қилиш ва ерни жамоа мулкига айлантириш, яъни уни меҳнаткаш деҳқонларга беришдан иборат эди. Феодал-помешчикларнинг крепостнойлик зулмига таборийлар катта гуноҳлардан («ўлим даражасидаги гуноҳлар»дан) бири деб қарардилар.

1410 йилги Грюнвальд жангининг қатнашчиси, ғоят зўр саркардалик қобилиятига эга бўлган рицарь Ян Жижка (1360—1424) таборийларнинг раҳбари эди. 1424 йилда Жижка вафот этгандан кейин собиқ руҳоний Прокон (Великий) (Катта) унинг вориси бўлиб қолди. Бошқа Прокон ёки Прокон (Малый) (Кичкина) унинг ёрдамчиси эди.

Ўта таборийлар ёки пикартлар тўлиқ молу мулк тенглиги ва давлатни йўқотишга даъват этардилар, уларнинг баъзилари ҳатто атеизмга яқинлашиб қолган эдилар. Ўта таборийлар Исонни оддий одам деб ҳисоблардилар, худои таоло ҳақида улар, худо ақл-идрок ва виждон сингари кишиларнинг дилидагина мавжуддир, деб таълим берардилар. Ўта таборийларга ваъзхон Мартин Гуска бошчилик қиларди; бироқ Жижка ўта сектантларнинг фаолияти умумий ишга зарар беради деб ҳисоблаб, уларни 1421 йилдаёқ Табордан узоқлаштирган эди. Жижканинг бу тадбири албатта, революцион лагерь кучларини занфлаштириб қўйган эди.

Дастлабки пайтда чашниклар билан таборийлар Сигизмунд ва немис феодалларига қарши биргалашиб ҳаракат қилган эдилар. Ян Жижка раҳбарлигида озгина қисми рицарлардан, кўпчилик қисми эса деҳқонлардан (пиёда) ташкил этилган гусчиларнинг доимий қўшини халқ қўшини ҳисобланарди. Бу доимий қўшин душманга нафрат кўзи билан қарарди ва у юксак интизомли қўшин эди. Жижка ҳарбий ишда янги усулларни қўллади. У араваларда бемалол ортиб олиб юриладиган енгил замбаракларни ишга солди. Унинг пиёда аскарлари ғоят чақон ва тез ҳаракат қиларди. Пиёда аскарларни одатда (уруш пайтларида) араваларда ортиб юриларди, аравалар бўлса ўзига хос истеҳком хизматини ҳам ўтарди. Бунинг учун йўлда маълум жойга келиб тўхталган маҳалда шу юкли араваларни занжир билан мустаҳкамларди, улар ўртасидаги бўш жойлар эса тахталар билан тўсиларди, шундай қилиб, душман отлиқ аскарлари ҳужум қила олмайдиган мустаҳкам лагерь пайдо бўлардики, уни бунёдга келтириш ва бизиб ташлаш осон эди.

Гусчилар немис рицарларига тўсатдан бир қанча қақшатқич зарбалар бера олдилар. 1420—1431 йиллар даврида император билан папа гусчиларга қарши беш марта салиб юриши уюштирган бўлсалар-да, лекин бу юришларнинг ҳаммаси муваффақиятсиз бўлиб чиқди. 1420 йилнинг 14 июлида Ян Жижка Праганинг ёнгинасида Виткова (ҳозирги Жижка) тоғи этагидаги жангда салиб юриши қўшинларини тор-мор келтирди. Жижканинг Прага ёнидаги ғалабаси бутун мамлакатни қоплаган революцион ҳаракатнинг янада юксалишига сабабчи бўлди. 1421 йилда Чехия

сейми Сигизмунд Чехия тож-тахтидан маҳрум қилинади, деб эълон қилди. Гусчилар 1422 йил бошида Немис кечуви ёнидаги жангда салибчилар устидан айниқса катта ғалаба қозондилар (бу салибчиларнинг иккинчи юриши эди). 1424 йил ёзида Жижка Малишово шаҳри ёнида салибчиларни енгиб, муҳим пунктни — Кутенбург (чехча Кутна гора) шаҳрини босиб олди. Кутенбург шаҳри Чехиядаги немис колонизациясининг асосий маркази ҳисобланарди. Бу жангда Ян Жижка кўзи кўр ҳолда қўшинларга қўмондонлик қилди ва шунга қарамай, ажойиб ғалабага эришди. Салибчиларнинг учинчи юриши даф этилгандан кейин, тез орада Жижка Моравияга кетиб қолди ва шу ерда ўлат касаллигидан вафот этди. Унинг вориси Проккоп Катта курашни муваффақият билан давом қилдириб, 1426 йилда Усть-Лаба шаҳари ёнида немис рицарь қўшинини яқсон қилди (бу салибчиларнинг гусчиларга қарши олиб борган тўртинчи юриши эди). Ана шу жангда немис рицарларидан 15 мингга яқин киши ўлдирилди.

Таборийлар қўшинининг ютуқлари немис феодалларига даҳшат соларди. Гусчилар қўшини кўчиб юрадиган ҳарбий араваларнинг тақир-туқуригина немис рицарларининг тумтарақай қочишлари учун кифоя эди. Масалан, Техов шаҳри ёнида ҳатто душманнинг афт-ангорини кўрмасдан ҳам салибчилар 1427 йилда ёппасига қочдилар. Таборийларнинг ўзлари немис феодалларининг ҳужумини даф этиб, уларга қарши ҳужумга ўтдилар ва Саксония, Бранденбургга ва ҳатто Болтиқ бўйи Пруссиясига (1427 й.) кириб бордилар. 1431 йили Домажлиц шаҳари ёнидаги (Пльзень шаҳарининг жануби-ғарбида) жангда салибчилар бешинчи юришининг даф этилиши гусчиларнинг немис феодаллар устидан қозонган охириги ғалабаси эди. Папа Евгений IV билан император Сигизмунд гусчиларга қарши рўпарадан қилинадиган янги атака планидан воз кечиб, тактикани ўзгартиришга қарор қилдилар. Улар гусчилар орасига низо солиб, чашникларни ўз томонларига қаратиб олишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Улар бу мақсадларига эришдилар. Чашниклар таборийларнинг эришган ютуқларига ҳавас билан қарасалар-да, лекин революциянинг бундан буён чуқурлаша боришидан хавфсирардилар.

Табор шаҳри ўсиб, қочоқ деҳқонлар билан шаҳар қамбағалларининг кўплаб бу ерга оқиб келиши, демократик реформалар ўтказиш кераклиги ҳақидаги талаблар панларни ва бойиб кетган прагалик мешчанларни қўрқитиб қўйди. Базельдаги черков собори черков ерларини қисман секуляризация қилиш (давлат ихтиёрига олиш)га ва диний урф-одатларга баъзи бир ўзгаришлар киритишга розилик бериб, чашникларга бир оз ён бергандан кейин чашниклар бу таклифларга қаттиқ ёпишиб олдилар.

1433 йилда Прагада Прага компактатлари номи остида алоҳида келишув битими тузилди. Шундан кейин чашниклар немис феодалларига қарши курашни тўхтатиб, таборийларга қарши курашиш учун немис феодаллари билан бирлашдилар. 1434 йили Липани (бу жойнинг бошқа номи—Чехия кечуви)

ёнидаги жангда чашниклар энди немислар билан биргаликда таборийларга қарши урушдилар. Таборийлар енгилдилар. Ҳар иккала Прокоп ўлдирилди. Оддий таборийларнинг қўли ҳалок бўлди. Таборийлар Жанубий Чехияда бир қанча таянч пунктларга суяниб туриб, шундан кейин ҳам курашни давом эттирдилар. Табор шаҳари то 1452 йилгача қаттиқ туриб берди, шундан кейин у охири чашниклар томонидан қўлга олинди ва вайрон қилиб ташланди.

Чашниклар император Сигизмундни король деб тан олдилар. Сигизмунд вафот этгач (1447 й.) Чехия тахти Габсбурглардан бирининг ўғлига эрга теккан қизининг ўгли (Сигизмунднинг невараси) қўлига ўтди. Бу ёш король бўлганлиги учун бутун ҳокимият панлар қўлида эди. Кейинроқ 1458—1471 йиллар даврида, Чехия тахтини чашниклар тўдасининг лидерларидан бири бўлган Юрий (Йиржи) Подебрад эгаллади. Подебрад ўлгандан кейин чехларни Ягелланларнинг поляк династиясига мансуб одамлар бир оз вақт идора қилиб турди. Бу династиянинг сўнгги вакили 1526 йилда қаза қилди. Бу вақтда ғоят катта куч-қудратга эга бўлган турклар Чехияга хавф-хатар солаётганлиги учун чех панлари тож-тахтни яна Габсбурглар қўлига топширишга қарор бердилар. Шундай қилиб, Чехия яна Германия империяси составига кирди.

Гусчилар олиб борган урушларнинг тарихий аҳамияти. Гусчилар мағлубиятга учрашларига қарамай, гусчиларнинг урушлари Чехия тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Урта асрлар охиридаги энг йирик деҳқонлар ҳаракати, ажнабий немис ҳукмронлигига қарши кенг авж олган миллий ҳаракат ва ниҳоят, илк черков реформацияси¹ ўрта аср католик черковига қарши қаратилган қўзғолон гусчиларнинг урушларида бир бутун бўлиб чирмашиб кетди. Гусчиларнинг урушлари Чехияда немислар зўравонлигига зарба бериб, уларнинг бундан кейин мамлакатга келиб киришларини тўхтатди. Бу урушлар Чехиянинг Германия империясидан узоқ муддатгача (100 йилдан ортиқ) тамомила мустақил сиёсий аҳволга эришувини таъминлади. Дуруст, Чехия кейин империяга қайтадан кирди, лекин бу сафар энди маълум шартномалар асосида кирди. XVII асрнинг биринчи ярмидаги Уттиз йиллик урушгина Чехияни узоқ вақтгача истило этилган вилоятга айлантириб қўйди.

Гусчиларнинг бўлиб ўтган урушлари даври, шу тариқа Чехиянинг миллий озодлик даври бўлди, шунинг учун у чех маданиятининг юксалиш замони ҳам эди. XV ва XVI асрларда чех тили ҳамда чех адабиёти катта ютуқларга эришди. Ян Гус чех грамматикасини ёзди ва чех тили орфографиясини яратди, чех халқи ҳозиргача шу грамматика ва орфографиядан фойдаланиб келмоқда. Гуснинг чех тилида босилиб чиққан асарлари ҳозир-

¹ Гусизм идеологиясининг XVI аср бошидаги немис реформациясига ва деҳқонлар урушига кўрсатган таъсири тўғрисида XL бобга қаралсин.

ги замон чех адабий тилига асос қилиб олинди. Гусчиларнинг урушлари даври кўпгина адабий-сиёсий ёдгорликлар: памфлетлар, сатиралар, ҳарбий-революцион гимнлар, кўшиқлар ва бошқалар қолдирган. XV ва XVI асрларда Чехияда тарихий хроникалар тузиш борасидаги ишлар яхши авж олиб, даврнинг улкан воқеалари ана шундай тарихий хроникалар тузиш учун бой ва драматик материаллар берган эди.

XV асрнинг 50-йилларида, революцион тўлқин пасайгандан кейин гусчилар орасида «чех биродарлари», деб аталган хийла осойишта бир оқим пайдо бўлди. «Чех биродарлари» оқимининг идеологи йирик ёзувчи Пётр Хелчицкий (1390—1460) эди. Хелчицкийнинг ёзган асарларида католик черкови ва бутун феодал-крепостниклик тузуми чуқур танқид қилинса-да, лекин автор энди революцион курашдан воз кечган эди. Хелчицкий ҳар қандай давлатни «гуноҳ» деб ҳисоблаб, зўрликни рад этган, урушни, судда қатнашишни, солиқлар тўлашни қоралаган эди. Айни замонда Хелчицкий ва унинг мухлислари халқ орасида маорифни тараққий қилдиришга кўп эътибор берар эдилар. «Чех биродарлари»нинг бу оқартувчилик анъаналари бундан кейин ҳам сақланиб қолган эди. Улар мактаблар ташкил этдилар, педагогика масалалари билан шуғулландилар. Шулар орасидан кейинчалик машҳур чех педагоги, янги педагогиканинг яратувчиси Ян Амос Коменский (1592—1670) етишиб чиққан эди.

Миллий ҳаракат сифатида муваффақият қозонган гусчилар ҳаракати деҳқонлар кўзғолони сифатида мағлубиятга учради.

Деҳқонлар билан бошқа демократик табақаларнинг манфаатларини ифодалаган таборийлар ер билан яқсон қилинди. Шунинг натижасида Чехияда феодал-крепостнойлик режимини тугатиш масаласи ҳам ҳал этилмай қолиб кетди. Чех панлари сиёсий ҳокимиятдан ўзларининг тор синфий манфаатлари йўлида фойдаланиб, XV асрнинг иккинчи ярмида ҳамто крепостной ҳуқуқни кучайтириб юбордилар. 1474 ва 1487 йиллардаги сеймлар панларнинг розилигини олмай туриб, деҳқонларнинг поместьелардан «чиқиб кетиши»ни ман қилувчи қонунлар қабул қилди. Қочиб кетган крепостнойларга ва уларни янги жойларда қабул қилганларга энг қаттиқ жазо чоралари белгиланди.

Панлар шаҳарликларга нисбатан ҳам тор маънодаги тоифавий сиёсат юргиздилар. 1497 йилги сеймда Чехиядаги олий давлат мансабларини фақат дворянлар тоифасига мансуб шахсларгина эгаллашлари мумкин деган қарор қабул қилинди. XV аср охиридан бошлаб мешчанларнинг сеймдаги вакиллари камайтирилди ва биргина Прага шаҳари депутатларигина кирадиган бўлиб қолди.

XIII—XV АСРЛАРДА ИТАЛИЯ ВА ПАПАЛИК

XIII—XV асрларда Италиянинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти. Кейинги ўрта аср давридаги Италия ғоят нотекис ривожланган бир мамлакат эди. Унинг энг ривожланган қисми шимолий районлар, яъни Ломбардия об-ла-сти ва Тоскания шаҳарлари эди. Бу ерда энг йирик савдо шаҳар-республикалари — Генуя ва Венеция бор эди. Энг юксак саноат тараққиёти даражасига эришган шаҳарлар орасида Милан ва Флоренция ажралиб турарди. Италия маркази — Папа об-ла-сти ёки Папа давлати деб аталган ер — қолоқ бир район эди. Бу ерда ривожланган ҳунармандчилик ҳам, савдо-сотиқ ҳам йўқ эди. Маҳаллий аҳолининг бир қисми деҳқончилик билан кун кўрарди, бир қисми зиёратчиларга ва Рим черковининг кўп сонли руҳонийларига хизмат қиларди. Италиянинг жануби — Иккала Сицилия короллиги — Штауфенлар ҳалокатидан кейин француз феодаллари ҳукмронлиги остига ўтган эди. Уларга француз Капетингларидан бири бўлган Карл Анжуйский (1268 йилдан) бошчилик қиларди. Маҳаллий аҳоли учун бу ҳол шу аҳолини эксплуатация қилишни янада кучайтириб юборган янги ажнабий феодалларнинг кўплаб оқиб келишини билдирарди. Очкўз «француз келгиндилари» ер-мулкларни босиб олар ва турли йўллар билан феодал рентасини оширардилар. Француз феодаллари Шарқ мамлакатларига нисбатан тутган ўз сиёсатлари натижасида Жанубий Италиянинг араб мамлакатлари билан олиб борган савдосига катта путур етказдилар, ҳолбуки илгари Штауфенлар бу мамлакатларни қўллаб-қувватлаган эдилар. Босқинчи-француз феодалларига нафрат кўзи билан қараган сицилияликлар 1282 йилда қўзғолон кўтариб, оролдаги француз ҳарбий кучларини қириб ташладилар. Қўзғолон 1282 йил 31 март куни кечқурун Палермода бошланди. Бу қўзғолон «Сицилия оқшоми» номи билан тарихга кирган, чунки оқшомда чалинган қўнғироқ қўзғолонни бошлаш учун сигнал бўлиб хизмат қилган эди. Апеннин ярим оролини ҳамон ўз қўлида сақлаб турган французларнинг жазо чораларидан қутулиб қолмоқ учун сицилиялик феодаллар Арагон ҳокимияти остига ўтдилар (1302 йилдан). 1445 йилда Арагон Неополь короллигини ҳам босиб олишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, Италиянинг бутун жануби узоқ вақтгача ана шу ажнабий давлат составига киритилди.

XIII—XV асрларда Италиянинг шимолий шаҳарлари энг кўп раванққа эришдилар. Бу шимолий шаҳарлар ижтимоий ва сиёсий тузумининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида қуйидаги иккита шаҳар: шаҳар-республика доирасидан анча ташқи тарафга чиққан йирик савдогарлар денгиз давлати намунасини кўрсатган Венеция ва энг ривожланган саноат маркази, энг кўсскин син-

фий кураш майдони бўлган ва аини замонда янги италиян Ренессанс (Уйғониш) маданиятининг асосий маркази ҳисобланган Флоренция айниқса равшан тушунча беради.

Венеция республикаси. «Адриатика маликаси» бўлган Венеция XIII асрдаёқ улкан денгиз давлати бўлиб олган эди. XIV—XV асрларда унинг ерлари янада кенгайди. Италиядаги Адриатика денгизи соҳиллардан ташқари, у Мореянинг (қадимги Пелопоннеснинг ўрта аср замонидаги номи) жанубий қисмини, Эгей денгизидаги Эвбея оролини, Киклад ороллариининг бир қисмини, шунингдек, Крит оролини ва XV аср охиридан бошлаб Кипр оролини эгаллаган эди. Венециянинг жуда катта савдо флоти бор эди. Унинг Урта денгизнинг шарқий ярмидаги савдоси XV асрга келиб деярли монопол характерга эга бўлди. Византия, Миср, Сурия, Эгей денгизи ороллари савдо-сотик масаласида тамомила Венецияга қарам эдилар. Аммо Венеция кемалари Ғарбий Европа—Испания, Португалия, Жанубий Франция, Англия ва Нидерландия гаванларига ҳам мунтазам қатнаб турарди. Венециянинг ўзи 200 минг аҳолига эга бўлган улкан шаҳар бўлиб, бу аҳоли савдо-сотикдан ташқари, саноат билан ҳам шуғулланарди. Венеция мовутлари ва ипак газламалари, венеция ойнаси, қурол-яроғи, қаҳрабодан ишланган буюмлари (тасбеҳ, маржон ва ҳоказолар) бутун Европа бўйлаб тарқаларди ва Шарқ бозорларида кўплаб сотиларди. Яқин Шарқнинг Ғарбий Европа билан олиб борган савдосида асосий даллол бўлган Венеция Европада пул муомаласининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган эди. Венециянинг олтин дукатлари кўпгина асрлар давомида Европада халқаро тамға бўлиб қолган эди.

Венеция ўзининг энг хавфли рақобатчиси — Генуя билан узоқ вақтгача шиддатли кураш олиб борди. Урта денгизнинг ғарбий ярмида ҳукмронлик қилган Генуя савдо республикаси шу денгизнинг шарқий ярмига, Венециянинг «таъсир доираси»га ҳам ўтиб киришга интилар эди. Генуя Венецияга қарши Византияни қўллаб-қувватларди ва венецияликлар иштирокида салибчилар томонидан барпо этилган Латин империясининг ўзини қулатишга кўп ёрдам қилган эди. Қора денгиз соҳилида Генуянинг кўпдан-кўп мулклари бўлиб, Қримдаги Қафа, Балаклава ва Судак шаҳарлари унга қарар эди. Генуя Адриатика денгизига ҳам киришга уриниб кўрди. 1298 йилдаёқ генуяликлар Адриатика денгизидаги Курцол ёнидаги денгиз жангида Венеция флотини яқсон қилдилар. Шундан кейин ҳам кураш яна бутун бир асргача давом қилди. XIV аср ўрталарида генуяликлар Адриатика денгизи соҳилида Венециядан унча узоқ бўлмаган жойдаги Кьожа портини босиб олдилар. Аммо пироварди, Венециянинг шаҳар ҳолда қўли банд келди. 1380 йилда Кьожа портига яқин жойда қатъий жанг бўлиб, Венеция флоти Генуя флотини тамомила янчиб ташлади. Шу вақтдан бошлаб генуяликларнинг Урта денгизнинг шарқий қисмидаги ҳукмронлиги барҳам топ-

ди. Венеция кемалари ҳатто Қора денгизга ҳам кирадиган бўлдилар. Генуяликларнинг Қримдаги савдо колонияларидан сал нарироқда, Дон мансабида, XIV аср бошларида венецияликларнинг Тана факторияси (ҳозирги Азовга яқин жойда) ташкил этилган эди.

Апеннин ярим оролининг ўзида Венеция анча катта территорияни босиб олган эди. XV асрда Верона, Падуа, Брешия ва Равенна шаҳарлари Венецияга бўйсунардилар. Болқон ярим оролининг шимоли-ғарбий Далмация соҳилини ҳам Венеция назорат қилиб турарди.

Венеция республикасининг сиёсий тузуми. Бутун ўрта аср давомида Венеция савдо-олигархия республикаси бўлиб қолаверди. Қудратли шаҳар патрициати (унда савдогарлар, банкир ва дворянларнинг оилалари ўз манфаатлари жиҳатидан бир-бировлари билан чирмашиб кетишган эди) ўз ҳокимиятини қизғанчиқлик билан қўриқлаб, бу ҳокимиятда ҳатто аҳоли ўрта табақаларининг қатнашишига ҳам йўл қўймас эдилар. Венеция бошқармасининг ғоят мураккаб системаси ана шу мақсадга хизмат қилиши лозим эди. Венеция республикасининг тепасида дож (латинча айнан «герцог» демакдир) турган бўлиб, у Венециянинг энг зодагон патрициат хонадонларига мансуб одамлар орасидан умрбод сайлаб қўйилар эди. Дожнинг ҳукумати сенат эди, сенат эса кичик кенгаш ёки синьория томонидан расмийлаштириларди. Сеньория, ўз навбатида, республиканинг слий қонунчилик ва назорат қилиш органи ҳисобланган Катта кенгаш тарафидан сайланарди.

1297 йилда Катта кенгаш «ёпиб қўйилди». Катта кенгаш аъзоларини сайлаш ҳуқуқи маълум аристократик хонадонларга (жами бўлиб бир неча ўнлаб оилаларга) гина берилди. Бу хонадонларнинг ҳаммаси алоҳида «олтин китоб»га ёзиб қўйилган эди. Венецияда 1310 йилда катта фитна фош этилди, фитначилар олигархия режимини ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўйган эдилар. Фитна бостирилди. Шундан кейин Венеция давлат тузуми янада тор доирадаги олигархия диктатураси хусусиятларга эга бўлди. Олигархия ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун фавқулодда органлар барпо этди, бу органлар дўқ-пўписа қилиш, зимдан ўлдирish ва қийноқ-азобга солиш йўли билан ўша вақтдаги мавжуд сиёсий режимни демократлаштирмоқчи бўлган одамларни қаттиқ жазоладилар. «Қирқлар кенгаши» ва «Ўнлар кенгаши» ана шундай органлар ҳисобланарди. Бу фавқулодда трибуналлар баъзан якка бир шахс ҳокимиятини ўрнатишга уринган зодагонларнинг вакилларини ҳам бурдалаб ташларди. Дожларнинг ўзлари ҳам ана шу даҳшатли органлар назорати остида ишлардилар. Давлат тўнтариши ясамоқчи бўлган дож Марино Фальерининг 1355 йилда бошини танасидан жудо қилдилар. Ўрта аср Венециясининг авахталари мудҳиш бир зиндон бўлиб, уларнинг томлари қўрғошин тахта билан ёпиларди. Ёзнинг жазирама офтобида қизиган бу «қўрғошин авахта-



XIV—XV асрларда Италия

лар»да ётиш маҳбусларни бетўхтов қийнаш-азоблашдан бошқа нарса эмас.

Венеция республикаси актив агрессив ташқи сиёсат юргизарди. Дастлаб Византия, кейин эса Генуя билан, ниҳоят, Туркия билан олиб борилган кураш Венеция ҳукуматидан жуда катта молиявий маблағни ҳарбий ва дипломатик воситаларни талаб қилди. XVI асрда ва ундан кейинги асрларда Урта денгиз савдосида ҳукмронлик вазиятни сақлаб қолиш, Венеция республикасига янада қийинроқ бўлди. Чунки XVI асрда ва ундан кейинги асрларда Ғарбий Европада йирик марказлашган давлатлар таркиб топиб, бу давлатларнинг бир қисми энди улкан мустамлакаларни қўлга киритган ва жаҳон бозоридаги савдога қатнаша бошлаган эди. Бундай шароитлар дипломатик Вене-

ция республикаси учун катта аҳамиятга эга бўлди. Венецияликлар Европада биринчи у ёки бошқа саройга тайинланган доимий элчилар (резидентлар) юбора бошладилар. Элчилар ўзлари яшаб турган мамлакатда нималар бўлаётганлигини Венецияга батафсил хабар қилиб туришлари лозим эди. Венеция элчиларининг бизнинг замонамизгача етиб келган архивлари фақат Венециянинг ўзининг тарихи (унинг савдоси ва ташқи сиёсати тарихи) учун қимматли материал берибгина қолмайди, балки у Венециянинг дипломатик ёзишмаларида акс этган Европадаги бошқа мамлакатларнинг ташқи ва ички сиёсатини ўрганиш учун ҳам кенг маълумотлар беради.

Флоренция. «Италия Афинаси» ҳисобланган Флоренция Арно дарёси соҳилларида жойлашган. V асрдагина юзага келган ва VII аср охиридан сал бурунроқ анчагина катта шаҳарга айланган Венециядан фарқ қилиб, Флоренция антик даврдаёқ мавжуд эди. Бироқ у ўрта аср даврига келибгина йирик sanoat маркази бўлиб қолди. Ўрта аср Флоренциясининг асосий бойлиги мовут эди. XIII асрдаёқ Флоренцияда мовут тўқиш чиқариш учун унинг маҳаллий жуни кифоя қилмас эди. Жуни чет эллардан — Испания, Жанубий Италия, ҳатто Англия ва Шотландиядан ташиб келтирилди. XIV аср ўрталарида Флоренцияда юқори сифатли мовутдан бир йилда ўн минглаб тўп ишлаб чиқарадиган мануфактура типидagi йирик мовут ишхоналари сони 200 дан ортар эди. Флоренцияда мовут ишлаб чиқарадиган sanoatдан ташқари, ипак газламалари тўқиш, мўйначилик, заргарлик хунарлари тараққий этган эди. Ниҳоят, Венеция ва Генуяга қараганда Флоренция кўпроқ савдо-судхўрлик ва банк операциялари маркази ҳисобланарди. Рим билан қўшничиликда яшаган флоренциялик банкирлар папа курияси билан эртaroқ яқинлашдилар. Папаларнинг ақлга сиғмайдиган даромадлари асосан Флоренция банкларига келиб тушарди. Папалар фақат Италиядагина эмас, балки бутун Европада ҳам ўзларининг черков даромадларини йиғишни кўпинча флоренциялик банкирларга топшириб қўйдилар. Италия шаҳар республикалари орасида Флоренция биринчи бўлиб олтин танга зарб қила бошлаган эди (1252 йилдан). Флоренция флоринлари ўзининг салмоғига кўра халқaro савдода жуда кенг тарқалиб, Венеция дукатлари билан муваффақиятли рақобат олиб борди.

Флоренциянинг ижтимоий-иқтисодий ва профессионал қиёфаси унинг ўзига хос цех системасида акс этди. XIII ва XIV асрларда Флоренцияда жами 21 цех бўлиб, улардан еттига катта цех бошқа мамлакатлардаги сингари ўрта аср хунармандларининг оддий бирлашмаларидан иборат бўлмай, балки таркиб топаётган капиталистларнинг: sanoatchилар, савдогарлар, банкирларнинг союзлари, қисман энг юқори ҳақ олувчи интеллигент касбли вакилларнинг корпорациялари эди. Флоренциянинг еттига катта цехи составига: мануфактурачилар — мовутсозлар, жун билан кўтара савдо қилувчи савдогарлар, ипакчилар, мўйначи-

лар, банкирлар, дорихона врачлари ва юристлар (нотариуслар, адвокатлар ва ҳ.к) кирар эди. Савдогарлар ва саноатчилар, цех ташкилотларидан ташқари, Урта денгиз бўйидаги турли бозорларда асосан товарни пуллаш муддаосида юрган корхона эгаларининг айрим группаларини бирлаштирган яна кўпдан-кўп компанияларга эга эдилар.

1330 йилдаёқ Флоренция аҳолиси 90000 киши ҳисобланарди. Бу аҳолининг асосий қисмини кўпинча ўз уйида мануфактурачиларга ишловчи мануфактура ишчилари ташкил қилар эди. Ишчилар бирор-бир цех ташкилотларига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эдилар ва уларни ўз хўжайинлари — мануфактурачилар энг шафқатсиз эксплуатация қилардилар. Жун титувчи ишчиларнинг аҳоли айниқса оғир эди.

Флоренциянинг сиёсий тузуми. XII—XIII асрлардаёқ Флоренцияни кескин сиёсий кураш ич-ичидан кемира бошлади. Гибеллинлар дворянлар тўдасини ташкил қилардилар. Гвельфлар йирик буржуа тўдасига кирардилар. 1250 йилда гвельфлар гибеллинлар устидан тамомила ғалаба қозондилар. Шунинг натижасида дворянларнинг бир қисми Флоренциядан ҳайдаб юборилди, бошқа қисми сиёсий жиҳатдан анча чеклаб қўйилди. «Адолат ўрнатиш» деган дабдабали ном остидаги 1293 йилги конституция Флоренцияда йирик буржуазия ҳукмронлигини узил-кесил расмийлаштирди. Республиканинг олий органи — синьория — составига катта цехлар еттита (ҳар цехдан биттадан) вакил сайладилар, кичик цехлар (гарчи улар 14 та бўлса ҳам) синьорияга ҳаммаси бўлиб атиги икки вакил сайладилар. Синьория бошлиғи — «адолат гонфалоньери (байроқдори)» ҳисобланарди. У синьория вакили ва айни замонда шаҳар лашакарининг қўмондони эди.

Чомпи қўзғолони. XIV асрнинг иккинчи ярмида Флоренцияда айниқса танг вазият юз берди. Шаҳар катталар — грандлар-дворянлар билан бевосита ҳокимият тепасида турган савдогар-саноатчилар қатлами ўртасида ҳам ҳокимият учун кураш кескинлашди. Гвельфлар тўдаси ичида грандларга ҳеч қанақа ён бермай, 1293 йилги конституцияга қаттиқ ривож қилишни талаб қилган пополан (халқ) ажралиб чиқди. Аммо катта ва кичик цехлар ўртасида, яъни йирик буржуазия билан майда буржуа ҳунарманд элементлар ўртасида ҳам кураш кескинлашди. Ниҳоят, маълум ва ҳуқуқсиз майда ҳунармандлар ва мануфактураларнинг ишчилари аҳолининг қуйи табақаси учун — «ориқ халқ» учун реформалар ўтказишни талаб қилдилар. Ана шу заминда 1378 йилнинг ёзида Флоренцияда чомпи қўзғолони остида машҳур бўлган жуда жўшқин воқеалар бўлиб ўтди. Бу қўзғолонда уч асосий босқични кўриш мумкин.

1378 йил 18 июнда Флоренцияда ҳукмрон синьорияга қарши катта халқ намоёнлиши бўлди. Кичик цехларнинг вакиллари ва Флоренция мануфактураларининг ишчилари, жумладан, чомпи деган умумий ном остида машҳур бўлган, айниқса «семиз»ларни

(бой гвельф буржуазиясини халқ шундай деб атарди) ёмон кўрган жун титувчилар ва уйда ишловчи бошқа ишчилар бу халқ намоийишида қатнашдилар.

18 июндаги чиқишлар катта цехларнинг кичик цехлар фойдасига ён бериши билан тамом бўлди, кичик цехларнинг синьориядаги ҳукумати анча кенгайтирилди. Аммо чомпи ҳеч нима олмади. Шундан кейин, 1378 йилнинг 20 июлида, Флоренция халқ оммасининг янги чиқиши бўлди. Бу сафар чомпи ҳаракатда асосий роль ўйнади ва баъзи бир ён беришларга эришди. Ҳаракат қатнашчиларидан бирининг — ишчи Микель Ландо¹ иштирокида янги синьория ташкил этилди, Микель Ландо гонфалоньер, яъни синьориянинг раиси қилиб сайланди. Кейин маълум бўлишича, Ландо ҳаракатга хиёнат қилган. Лекин бошда ишчилар Ландога ишониб, унга катта умидлар боғлаган эдилар.

Янги ҳукумат бир қанча реформалар қилди. Жумладан, майда ҳунармандлар ва чомпиларнинг ўзлари учун учта янги цех (улар орасида жун титув цехи) вужудга келтирилди. Мол-мулк ва даромадларга прогрессив принципда солиқ солинадиган бўлди, қарзларни тўлаш муддати чўзилди. Халқ энг ёмон кўрадиган кўпгина гвельф хонадонлари давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

1378 йил июлида халқ қозонган ғалаба кейинчалик мустаҳкамланмади. Йирик буржуазия ишчиларга иш бермай, ишлаб чиқаришни вақтинча қисқартиб қўйиб, уларни оч-яланғоч қолдирди. Бойларнинг бу кўрган тadbирларига қарши курашга янги демократик синьория кучсизлик қилди. Синьориянинг бошлиғи Микель Ландонинг ўзи ҳийла-найранг ишлатиб, буржуазия билан очиқдан-очиқ келишувчилик томонига ўтиб кетди. Ишчилар 1378 йил 31 августда янгидан бош кўтариб чиққанларида, Ландо очиқдан-очиқ буржуазия томонига ўтди ва у билан биргаликда кўзғолонни бостиришда иштирок қилди. Чомпиларнинг енгилиши натижасида уларнинг цехи тугатилди. Солиқ солиш ҳукмрон синфга фойдали эски формаларга кўчирилди, ҳокимият яна буржуазия қўлига ўтди. XV асрнинг 30-йиллари ўрталаригача сиёсий ишларга раҳбарлик қилишни ўз қўлида сақлаб келган Альбиццининг бой гвельф хонадонлари хусусан катта қулайликларга эга бўлдилар, XV асрнинг 30-йиллари ўрталарига келиб гвельф хонадонлари Медичилар идора ишларидан сиқиб чиқарилди.

Медичилар истибдоди. 1378 йил Флоренция буржуазияси учун беному нишон ўтмади. Флоренция буржуазиясининг республикадаги ҳокимияти бундан буён фавқулдда тadbирлар кўриш йўли билангина сақланиб қолиши мумкин эканлигини у ана шу пайтдан бошлаб тушунди. Альбиццилар энди ана шундай «қаттиқ қўллик» сиёсатини ўтказдилар. 1378 йилги воқеаларни ҳали

¹ Совет тарихчиларининг энг янги тadbиротлари аниқлаб беришича, Микель Ландо чинакам ишчи бўлмаган, балки Альбици фирмасида ишлаган жун титувчиларнинг назоратчиси бўлган.

эсидан чиқармаган халқ оммаси Альбициларни жуда ёмон кўрар эди. Аммо Флоренцияда бошқа бой оилалар ҳам бор эди. Бу оилаларнинг баъзилари эски гвельф патрициат уруғларига мансуб бўлиб, улар анча кейинроқ бойиб кетган «янги кишилар» эдилар. Ана шундай йирик буржуазия оилаларидан бири, лекин келиб чиқиши жиҳатидан янги оилаларга мансуб Медичиларнинг банкирлик хонадони эди. Медичилар XIV асрнинг иккинчи ярмида папа банкирлари сифатида майдонга чиқдилар. Аммо у маҳалда Медичилар ҳали шаҳарнинг энг бой кишилари деб ҳисобланмас эдилар. Медичилар оиласининг вакили бўлмиш Сальвестро Медичи XIV асрнинг 70-йилларида «семизлар» билан курашда энг актив қатнашган ва чомпилар билан маълум даражада дўстлик муносабатларини сақлай билган эди. Демагогик мақсадларни кўзда тутган Медичи кўзголончиларни тор-мор этган август воқеаларида қатнашмаган эди. Шунинг ўзи билан Медичилар халқ оммаси орасида маълум шуҳрат қозонган эдилар. Шунингдек, Альбицилар ҳукмронлиги замонида ҳам Медичилар оппозициячилик ролини ўйнаган эдилар. Медичиларнинг тарафдорлари Флоренциянинг қуйи халқ оммаси орасида Медичилар фойдасига тарғибот юргиздилар.

XV асрга келиб Медичилар тез бойидилар. Сальвестронинг невараси Козимо Медичи XV асрнинг 30-йилларида Флоренциянинг энг бой кишиси ҳисобланарди, шу сабабли Европадаги баъзи банкирларгина бойлик жиҳатдан Козимо Медичи билан тенглаша олардилар, холос. Альбицилар Флоренция билан рақобатлашувчи кўшни Лукка шаҳари билан урушда ютқиздилар, бу фурсатдан фойдаланган Козимо Альбициларни Флоренциядан ҳайдаб юборишга муваффақ бўлди. Козимо Медичи синьориянинг аъзоси сифатида 30 йил давомида (1434—1464) Флоренция республикасига амалда бошчилик қилди. Унинг ҳеч қанақа унвони йўқ эди ва расман у Флоренция республикасининг оддий граждани деб юритиларди, лекин давлат миқёсида аҳамиятга эга бўлган бирорта чора-тадбир унинг розилигисиз қабул қилинмас эди. Синьория кўпинча Козимо Медичининг шаҳар ташқарисидаги вилласида (боғида) мажлис қиларди. Аслида бу истибдоднинг худди ўзгинаси бўлса ҳам лекин ҳали хаспўшланган формада эди. Демагогик мақсадларни кўзлаган Козимо камбағаллар тўлаб келган солиқни камайтирди, аммо бунинг ўрнига ўзининг рақобатчилари бўлмиш Флоренциядаги бошқа банкирларни шафқатсиз хонавайрон қилиш мақсадида, шунингдек, ўзининг сиёсий рақибларини ҳокимиятдан сиқиб чиқариш муддаосида Козимо молиявий сиёсатдан беандишаллик билан фойдаланди.

Медичи диктатураси Козимонинг невараси Лоренцо Ҳашаматли даврида (1469—1492) очиқ, сурбетлик характерига эга бўлди. Унинг дабдабали князлик ҳаётидаги образига кенг меценатлик келиб қўшилди. У грек ва латин қўл ёзмаларини, антик ҳайкалтарошлик ёдгорликларини ва бошқаларни сотиб олар ва йиғарди. Медичининг ҳашаматли ва сахийлигини шеърларда ва

прозада, шунингдек, тасвирий санъатда кўкларга кўтариб мақтаган кўпгина гуманистлар — ёзувчилар, шоирлар, рассомлар унинг нафақаси ҳисобига кун кўрардилар. Банк операцияларини кенг миқёсда олиб борган Лоренцо Флоренцо бирор молиявий қийинчиликка тушиб қолган маҳалида, ҳеч қандай тап тортмай давлат хазинаси маблағларидан ҳам фойдаланарди. Айни замонда Медичи папалик билан тобора яқинлашиб, папалар сайловига бевосита аралашадиган бўлди. XVI аср бошларида Лоренцонинг ўғилларидан бири Лев X номи остида папа бўлиб олган эди.

Италия маданиятини равнақ топтиришда Флоренциянинг роли. Бир неча асрлар мобайнида Италиянинг асосий саноат, савдо ва банк марказларидан бири бўлган, ўзининг сиёсий тузумида мураккаб эволюцияни бошидан кечирган, ўзининг тез-тез юз бериб турадиган кескин ижтимоий низо-жанжаллари билан замондошларнинг эътиборини ўзига жалб этган Флоренция, айни вақтда, XIII аср ва айниқса XIV—XV асрлар давомидаги Италиянинг йирик маданий маркази ҳам эди. Италиянинг шухратига шухрат қўшган ва кейинги ўрта аср Европасининг бошқа мамлакатларига ана шу ердан тарқалган буюк гуманистик ҳаракат худди шу ерда вужудга келган ва таркиб топган эди. Илк буюк гуманистлар Данте, Петрарка ва Боккаччо Флоренция республикасининг граждандари эди. Уйғониш даври санъати биринчи марта порлоқ натижаларга эришган жой Флоренция эди. Бу ҳақда «XIV—XV асрларда Италияда илк Уйғониш ва гуманизм» — деган бобда батафсил гапирилади¹.

Италиянинг бошқа шаҳарларидаги истибодди. Медичи истибодди XV аср Италиясида якка-ю ягона эмас эди. Бундай давлат тўнтаришлари Шимолий Италиянинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтган эди. Бу ерда фарқ фақат шунда эдики, Шимолий Италия шаҳарларининг мустабидлари кўпроқ дворян оилаларидан чиққан одамлар бўларди. Миландаги Висконтлар, Феррардаги д'Эсте, Верондаги Скалигерлар ана шундай одамлардан эдилар. 1450 йили Миланда ҳокимиятни Франческо Сфорца босиб олди, у ўз замонасининг кондотьерни (яъни ёлланма қўшинларининг бошлиғи) эди. Бу барча давлат тўнтаришларига сабаб, бойиган буржуазия билан мазлум шаҳар плебей оммаси ўртасида синфий кураш ғоят кескинлашган бир вазиятда шаҳар республикалари сиёсий тузумининг кризисга учраши эди.

Ўрта асрлардаги итальян деҳқонлари аҳволининг хусусиятлари. Италия деҳқонларининг аҳволи Европанинг бошқа мамлакатлардаги деҳқонлар аҳволидан анча фарқ қилар эди. Италияда шаҳарлар ғоят илк даврда ривожланганлиги туфайли, бу ерда крепостной ҳуқуқ Франция, Англия ва Германиядаги сингари классик бир формада тараққий эта олмаган эди.

Италияда деҳқонлар феодалларга шахсий қарам бўлмай, балки кўпроқ ер туфайли уларга муте эдилар. Деҳқон истаган пай-

¹ Қўйида — XXXI бобга қаралсин.

тида ердан воз кечиб, истиқомат қилиб турган жойини ташлаб кета оларди. Унинг ер учун тўлайдиган ҳақи одатда ёзиб қўйилган бўларди. Аммо бу, асосан Шимолий ва Урта Италияда шундай эди. Жанубий Италияда, норманлар замонида, крепостной ҳуқуқ жуда ривожланган ва даҳшатли эди. XIII асрда Штауфенлар даврида Сицилиядаги баршчина йилига 140 ишчи кунига етган эди. Жанубий Италияда крепостной деҳқонлар билан бир қаторда қуллар ҳам эксплуатация қилинарди. Император Фридрих II ер-мулклариди қисман устахоналарда, асосан қишлоқ хўжалик ишларида фойдаланиладиган минглаб қуллар бўларди.

Италияда деҳқонларни озод қилиш жараёни ҳам бир хилда бўлмади. Шимолда деҳқонларни озод қилиш XIII асрда шаҳар республикаларининг кўпчилигида содир бўлди. Шаҳарликларнинг қўшни феодаллар билан кураши умуман деҳқонлар аҳволига яхши таъсир этди. Шаҳарлар феодалларни енгиларидан кейин, одатдагича деҳқонларни шахсий крепостной қарамликдан албатта озод қилинсин, деб декрет чиқардилар. Бир қанча ҳодисаларда ер учун тўланадиган ҳақларнинг ўзи ҳам қонуний тартибда камайтирилди. Деҳқонлар эркин майда ишлаб чиқарувчиларга айланиб, ердан ворислик ҳуқуқларида фойдаланишни сақлаб қолдилар (ижара олинган ер учун тўланадиган ҳақ олдиндан ёзиб қўйиларди). Аммо орадан сал вақт ўтмай, ернинг анчагина қисмини буржуазия сотиб олди. Деҳқонларга қарашли чек ерлар майдони жуда қисқарди. Нормалаштирилган ижара билан бир қаторда, янгича ижара, яъни баланд (бозор) нархлардаги ижара ёки ҳосилнинг бир қисмини тўлаш шарти билан ижара олиш (чорикорлик ижараси) авж олди. Бундай шароитда деҳқонларнинг катта бир қисми пролетарлашди. Шимолий ва Урта Италияда кичкина далалар, бир қисмига полиз экинлари экиладиган ва боғли участкалар деҳқон ер эгалигининг устулик қилувчи типига айланди. Урта Италияда, Папа давлат территориясида, озиқа маҳсулоти билан рента тўлаш деҳқонларни эксплуатация қилишнинг энг тарқалган формаси бўлиб келмоқда эди. Руҳоний синьорнинг ижарачи деҳқони ердан ундирган ҳосилининг ярмини унга тўларди; баъзан ҳосилнинг бу улуши бутунлай ёки қисман пулга чақиларди (коммутация).

Жанубда деҳқонларни озод қилиш анча кечроқ — фақат XIII аср охиридан эътиборан содир бўлди. Ундан кейинги асрларда, яъни XIV ва XV асрларда деҳқонлар бу ерда ҳам шахсан озод бўлдилар, лекин помешчик ерларининг ижарачилари бўлган бу озод деҳқонлар аҳволи Шимолий Италия деҳқонларининг аҳволига қараганда анча оғир эди. Юқори даражадаги феодал пул рентаси ва ҳали тамомила йўқолмаган озиқа маҳсулотлари рентаси сақланиб қолган баршчининг баъзи бир қисми билан, шунингдек, феодал давлати ундирган ва асосан келгинди арагон-испан феодалларини боқишга сарфланган юқори давлат солиқлари билан қўшилиб кетган эди.

Аммо Италия шимолининг ҳамма жойида ҳам деҳқонлар XIII асрда озод бўлолмаган эдилар. Италия шимоли-ғарбининг феодал князликларида (Савойя герцоглиги, Пьемонт герцоглиги, Монферат маркизати ва бошқаларда) крепостной ҳуқуқ ҳали бекор қилинмаган эди. Шимолий Италия шаҳарларининг бир қисмида, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, деҳқонлар масаласида феодал сиёсатини ўтказиб келган феодал хонадонларининг вассаллари ҳокимият тепасига мустабиллар сифатида келдилар.

Дольчино кўзғолони. Ана шу заминда XIV аср бошларида Италиянинг шимолида йирик деҳқонлар кўзғолони бўлиб, унга собиқ монах Дольчино бошчилик қилди. Дольчино кўзғолони 1303 йили Парм областида бошланиб, то 1307 йилгача давом қилди. Дольчино ҳаракати ўрта аср замонидаги бир ереслик (дахрийлик) ҳаракати билан боғланган эди, бу дахрийлик ҳаракати мухлислари «Апостоллик ака-укалар»¹ деган ном билан юритиларди. Дольчино, хусусий мулк билан бойлик — дунёда ҳукмронлик қилувчи ёвузликнинг асосий сабабларидир, деб таълим берарди. Энг камбағал деҳқонларнинг патриархал-жамоатчилик кайфиятларини акс эттириб, Дольчино ер-мулкини умумлаштиришга чақирарди. У ер юзида минг йиллик «худойи таоло ҳукмронлиги» бошланиб, унда ижтимоий адолат тўла-тўқис ҳукмрон бўлади, деб каромат қиларди. Аммо Дольчино ҳам зўравонлик тадбирларини рад этмасди. Ер юзида «худойи таоло ҳукмронлиги»ни Дольчино фикрича, мазлумларнинг ўзлари тайёрлашлари лозим эди. Дольчино тарафдорлари фақат Парм областидагина эмас, Шимолий Италиянинг бошқа областларида ҳам бор эди. Деҳқонлар ҳаракати шу қадар кенг қулоқ ёйдики, Авиньон папаси Климент V бу ҳаракатга қарши салиб юриши эълон қилди. Феодалларнинг қўшинлари кўзғолончиларни тоққа суриб чиқариб, ўша ерда қириб ташладилар. Дольчинининг ўзи оғир қийноқ-азоблардан сўнг қатл этилди.

Ғарбий Европа тарихида Дольчино кўзғолони шу билан қизиқарлики, у кейинги ўрта аср давридаги буюк деҳқон кўзғолонларининг бутун бир сериясига йўл очиб бергандек бўлди: Франциядаги Жакерия, Англиядаги Уот Тайлер кўзғолони, Чехияда гусчи деҳқонларнинг урушлари, Венгрияда Куруцлар ҳаракати, нихоят, Германиядаги Буюк деҳқонлар уруши.

XIV—XV асрларда папаликнинг орқага кетиши. Италия тарихида папалик кейинги ўрта аср даврида ҳам катта роль ўйнайверди. Аммо француз короллари тазыйқи остида папалар Авиньонга кўчиб ўтганларидан кейин папаликнинг сиёсий обрўси анча даражада пугурдан кетди. Папаларнинг «Авиньондаги асирлиги» натижасида Рим оз бўлмаганда уларнинг (папаларнинг) қўлидан кетаётган эди². 1347 йилда Римда республика таш-

¹ «Апостоллик ака-укалар» сектасига пармлик ҳунарманд Сегарелли (тахм. 1260 й.) асос солган эди. Дольчино Сегареллининг шогирди эди.

² Юқорида, XVIII бобдаги «XI—XV асрларда Франция» деган темага қаралсин.

кил топиб, гуманист Кола ди Риенцо деган одам унга бошчилик қилди. Рим шаҳарликларининг асосий оммасига таянган Кола ди Риенцо маҳаллий баронларни тишчишиб, қолақ феодал-клерикал папа давлатини тартибга солган бир қанча молиявий-маъмурий реформалар ўтказди. Аммо Кола ди Риенцонинг Италияда Рим бошчилигида эркин шаҳарлар федерациясини барпо қилиш ҳақидаги орзу-умидлари натижасиз бўлиб чиқди. Рим баронлари билан янгидан бошланиб кетган курашда Кола ди Риенцо ожиз бўлиб чиқди. Римдан сиқиб чиқарилган Кола ди Риенцо Германияга қочди ва император ёрдамида Италиянинг эркинлигини қайта тикламоқчи бўлди. Аммо уни аччиқ қисмат кутарди. Император Карл IV Кола ди Риенцога ёрдам кўрсатишгина эмас, балки уни ҳатто қамоққа олди ва папага тутиб берди. Папанинг ишончини қозongan Риенцонинг айби кечилди. Фақат бугина эмас, Авиньон курияси уни ҳатто Рим ноиблигига ҳам тайин қилди. Бироқ унинг Римда иккинчи марта пайдо бўлиши жуда ҳам қулай бўлиб чиқмади. Солиқ сиёсати заминиде шаҳарликлар билан Риенцо ўртасида чиққан можаро ҳалокатга олиб келди. 1354 йилда Риенцо янги қўзғолон маҳалида ўлдирилди.

Кола ди Риенцонинг Римни ва Рим областини озод қилиш йўлидаги урниши муваффақиятсиз бўлиб чиққан бўлса-да, лекин папалар резиденцияси борди-ю бундан кейин ҳам Авиньонда қоладиган бўлса, улар «абдий шаҳар»ни қўлдан бой беришларига очиқ-ойдин ишондилар. Еттинчи Авиньон папаси Григорий XI 1377 йили Римга кўчиб келди ва тез орада (1378 й.) шу ерда вафот этди. Янги папа сайлаш маҳалида кординалларнинг фикрлари бўлинди. Италия кординаллари италиялик Урбан VI ни папа қилиб сайладилар. Унга қарама-қарши ўлароқ, француз кординаллари француз Климент VII ни папа қилиб сайладилар. Шу тариқа католик черковининг бирлиги бузилди. Бир вақтда папалар иккита бўлди — бири Римда, иккинчиси Авиньонда эди, улар бир-бирларини ўзаро қарғаганлари қарғаган эди. Европанинг бир хил мамлакатлари бир папани, бошқалари иккинчи папани тан олган эдилар. Урбан VI билан Климент VII вафот этганларидан кейин, уларнинг ворислари ҳам худди шу зайилда сайландилар. Католик черковининг ажралиши доимий ажралишга айланиб қолиш хавфини туғдирар эди.

XV асрдаги католик соборлари. Черков бирлигини қайта тиклаш учун 1409 йили Пиза шаҳарида катта черков собори чақирилди. Авиньон папаси ҳам, Рим папаси ҳам ўз ҳокимиятларидан ихтиёрий равишда воз кечишдан бош тортганликлари сабаблн Александр V ни янги папа қилиб сайланди, лекин у тез орада вафот қилди. Шундан кейин унинг ўрнига Иоанн XXIII сайланди. Аммо бу папанинг ҳали унчалик обрўси йўқ эди. Ҳақиқатан черковдаги ажралиш кучаяверди. Икки папа ўрнига энди учта папа бўлди. Пиза собори, шундай қилиб, папаларнинг ажралиш проблемасини ҳал қилмади. Шундан кейинги, 1414—1418 йилларда мажлис ўтказган Констанц собори ниҳоят, като-

лик черковидаги ажралишни тугатишга муваффақ бўлди. Собор, черков бирлиги ҳақидаги ақидани бузганликлари учун рақиблашиб юрувчи учала папани ўринларидан ағдариб ташлади, деб эълон қилди. Мартин V (1417—1431) папа қилиб сайланди. Шундан кейингина Рим папаларнинг яна доимий резиденцияси бўлиб қолди ва «Буюк ажралиш»га ниҳоят барҳам берилди.

Папаларнинг Авиньонда бўлиши ва ундан кейинги черковдаги ажралиш фақат Италиядагина эмас, балки бутун Ғарбий Европада ҳам папаликнинг обрўсини тушириб юборди. Миллий давлатларнинг ўсиши папалар олдида янгидан-янги қийинчиликлар туғдирди. Бирор йирик марказлашган давлат (Франция, Англия, Испания сингари) кучайган сари, бу давлатларнинг короллари папалар назоратидан ва аввало, уларнинг пул тама қилишларидан озод бўлиб, ўзларининг черковларига миллий мустақиллик беришга интилардилар.

Короллар ўз мамлакатларида епископлар тайинлаш ҳуқуқини ўз қўлларига олишга интидилар; сўнгра улар папа курияси фойдасига тўланадиган тўловларни ҳар қанақа йўллар билан чеклаб қўйдилар. Папа ҳокимиятни чеклашга ва маҳаллий католик черковларига кўпроқ автономия бериш тенденцияси XV асрда Базель шаҳарида бўлиб ўтган учинчи йирик черков соборида айниқса очиқ-ойдин намоён бўлди. Базель собори 16 йил давомида (1431—1447) мажлис қилди. У собор пападан юқори туради ва собор папани суд қилиши ва уни ўрнидан тушириши мумкин, деган расмий қарорни ўтказишга уринди. Папа Евгений IV (1431—1447) бошчилигидаги папалик «еретиклар» собори билан қатъий кураш олиб борди. Собор тарқатилган деб эълон қилинди. Аммо собор аъзолари папага бўйсунушни истамай, Евгений IV ўрнига Феликс V ни янги папа қилиб сайладилар.

Янги ажралиш черковларни хавфга солиб қўйди. Аммо миллий давлатнинг ўзлари орасидаги рақибликдан фойдаланган папалар бу хавф-хатардан қутулиб қолдилар. Папа француз королига, герман императорига, унинг Габсбурглардан мерос қолган ерларида ва бошқаларда епископлар тайинлаш масаласида ён бериб, шунинг ўзи билан папа Базель соборида тантана қилган миллий оппозицияни заифлаштирди. Собор состави камайиб, кейин ўз аҳамиятини йўқотди. 1438—1439 йилларда папа Феррарда бошқа собор чақирди, кейин тез орада бу соборни Флоренцияга кўчирди. Туркларнинг Византияга хавф сола бошлаши муносабати билан папа ана шу соборда Шарқий (проваслав) черкови билан уния тузиш масаласини қўйди. Грек аҳолисининг кўпчилик оммаси папанинг бошлиқ бўлишини тан олишдан бош тортганлигидан Флоренция унияси Шарқда реал бир аҳамият касб этмасди. Москвада ҳам бу уния тан олинмади. Рус проваслав черковининг вакили сифатида Флоренция соборида қатнашган митрополит Исидор (келиб чиқиши грек) Москвага қайтиб келганидан кейин улуғ князь томонидан қамоққа олинди ва

черков ишларини бошқаришдан четлатилди. Бироқ уния тузиш масаласи папалар учун ўз ролини ўйнади, чунки бу билан улар Базель соборида кўтарилган реформация масалаларидан катolikлар Европасининг эътиборини четга тортмоқчи бўлган эдилар.

XV асрнинг биринчи ярмида католик черкови бағрида юзага келган собор ҳаракати Европадаги бундан кейинги реформация ҳаракатининг муқаддимаси эди, гусчилар ҳаракати эса унинг дастлабки босқичи бўлди.

XXIV БОБ

XI—XV АСРЛАРДА ИСПАНИЯ ВА ПОРТУГАЛИЯ

Испания реконкистасининг моҳияти. Испан халқининг араблар билан узоқ давом этган, кўп асрлик кураши Испания давлатининг ташкил топишида жуда катта роль ўйнади. Пиренея ярим оролининг араблардан қайтариб олиниши тарихий адабиётда реконкиста деб ном олган. Испан халқларининг арабмаврларга қарши олиб борган озодлик кураши бўлган кенг маънодаги реконкиста VIII асрдан бошлаб, араблар ярим оролни истило қилганларидан кейиноқ, яъни VIII асрдан, то XV аср охиригача давом қилди. XV аср охирида арабларнинг Испаниядаги сўнгги йирик мулки ҳисобланган Гранада қўлдан бой берилди. Энг тор маънода реконкиста сўзидан одатда, XI—XIII асрлар даври тушунилади. XI—XIII асрлар даврида испан халқлари зўр бериб ярим оролнинг жанубига томон силжиб борган эдилар.

Араблар Испанияда. X аср бошларида Испанияда араблар ҳукмронлиги энг кучли эди, бу вақтда Кордова амирлиги Кордова халифалигига айланган эди. Испан арабларига — маврларига Пиренея ярим оролидан ташқари, яна қўшни Шимолий Африкадаги кўп соғли барбар қабилалари ҳам бўйсунар эдилар. Араблар даврида Пиренея ярим оролида ишлаб чиқарувчи кучлар зўр бериб ривожланган эди. Шарқнинг юксак маданияти билан боғланган араблар Испанияда сунъий суғориш системасини кенг қўлладилар. Улар Пиренея ярим оролида бир қанча янги ва қимматли қишлоқ хўжалик экинларини жорий қилдилар, улар орасида шоли, шакар қамиши, тут дарахти, апельсин, лимон ва бошқалар бор эди. Араблар даврида турли ҳунармандчилик жуда ҳам юксалган эди. Металл, чарм, жун, ипак, ойна ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш юксак даражада такомиллашган эди. Кордова халифалиги Шимолий Африка орқали Шарқдаги бутун мусулмонлар мамлакати билан савдо-сотиқ алоқалари боғлаган эди. Испан араблари Европанинг турли мамлакатлари билан, айниқса қўшни Франция ва Италия, би-

лан, шунингдек, Византия билан ҳам қизғин савдо-сотиқ олиб бордилар.

Қисман римликлар даврида мавжуд бўлган, вестготлар даврида бир қадар ривож топган Испания шаҳарлари араблар замонига келиб йирик sanoat марказларига айландилар. Улар орасида Андалузия шаҳарлари ва Испаниянинг жанубидаги: Кордова, Севилья, Гранада, Валенсия шаҳарлари айниқса ажралиб турарди. Халифалиkning пойтахти бўлган Кордова шаҳари — XI асрда Европанинг энг йирик шаҳари ҳисобланарди. Кордованинг (теварак-атрофи билан бирга) қарийб 500 минг аҳолиси бор эди. Испанияда ҳозиргача сақланиб қолган араб архитектурасининг энг йирик ёдгорликлари — Кордова масжиди (VIII асрда қурилган), Гранададаги Альгамбра саройи (XIII асрдан), Севильядаги Алькасар қасри (XIII асрдан), Испанияда араб маданияти юксак ва оригинал маданият бўлганлигидан яққол далолат беради. Аммо испан-араб жамияти, ҳар ҳолда типик феодал жамияти бўлган. Йирик шаҳарлар билан бир қаторда, ярим оролнинг ички қисми маҳаллий князларнинг хўжалик мустақиллигини сақлаб қолишда давом этган. Бу ҳол халифаликни сиёсий жиҳатдан тараққий эттиришда ҳам акс этди. XI аср ўрталарида халифалик қисман йирик, қисман майда феодал давлатлардан иборат бўлган 23 бўлакка бўлиниб кетди (уларнинг баъзилари шаҳар республикаларидан иборат эди).

Айни замонда Испаниядаги араб феодализи маҳаллий аҳоли учун фоятда оғир бўлди, вақт ўтиши билан феодал эксплуатациясини тобора кўпроқ қўллади, бунинг ёнига кучайиб борувчи миллий зулм ва ҳуқуқ жиҳатдан тенгсизлик қўшилди, христиан аҳолисини зўрлаб мусулмон динига ўтказишдек қўпол диний мусулмон фанатизми авж олди.

Халифаликдаги аҳолининг катта кўпчилиги араб бўлмаган халқлар эди. Маврлар нисбатан жуда озчиликни ташкил этардилар. Пиренея ярим оролининг истило қилинган халқлари гарчи қисман араб тилини ўрганиб олган (мосараблар), баъзилари ҳатто мусулмон динини қабул қилган (рenegатос) бўлсалар-да, лекин улар бари бир, маврларга келгинди истилочилар ва золимлар деб қарардилар. Табиийки, улар ярим оролда истило этилмай қолган ва Пиренея ярим оролининг шимол ва шимоли-шарқдаги тоғли областлардан жанубга томон аста-секин ҳужум бошлаган қисмини қўллаб-қувватлар эдилар. Вестгот давлатининг собиқ пойтахти бўлган Толедо шаҳари арабларга сира бўйин эгмади. IX—XI асрлар давомида Толедо аҳолиси Кордова халифалигига қарши бир неча бор қўзғолов қилди.

Шимолда Астурия (бош шаҳри Овиедо), Наварра ва Испан маркази территориялари араблар томонидан истило қилинмаган эди. Ярим оролнинг шарқдаги Испан марказини бир вақтлар Карл Буюк истило этган эди. Маврларга ҳужум ҳам худди ана шу ердан бошланди. Реконкиста бундан буён кенг миллий-озодлик ҳаракатига айланиб, унда таркиб топаётган испан хал-

қининг турли хил синфлари: феодаллар ҳам, шаҳарликлар ҳам, деҳқонлар ҳам қатнашдилар. Реконкиста испан халқларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шарт-шароитлари тақозоси билан келиб чиққан зарурий қонуний жараён эди. Тоғ-тошларга суриб чиқарилган, деҳқончилик учун зарур бўлган ер майдонлардан маҳрум этилган, Ўрта денгиздан кесиб қўйилган испанлар бир замонлар ўз ота-боболари истиқомат қилиб, кейин араблар томонидан истило этилган ва сиқиб чиқарилган жанубга томон силжиб боришлари керак эди ёки бўлмаса, ўз ишлаб чиқарувчи кучларининг бундан буёнги ўсишидан ва ўз миллатларининг равнақ топишидан воз кечишлари лозим эди.

Реконкистанинг асосий босқичлари. Реконкистанинг асосий босқичлари қуйидагичадир. Астурия короллиги VIII—IX асрларда ярим оролнинг бутун шимолига ва шимоли-ғарбига ўз таъсирини ёйди. X аср бошларида астурияликлар жанубга ҳам силжиб бордилар, Леон шаҳри эса уларнинг асосий маркази бўлиб қолди ва бутун Астурия короллиги Леон номи билан Леон короллиги деб атала бошлади. X асрнинг иккинчи ярмида — XI аср бошларида Леон жанубгача кенгайиб, Дуэро дарёси ҳавзасигача чўзилиб кетади. Бу ерда жуда кўп қасрлар-қалъалар — бурглари бўлган чегара область ташкил топади. Ана шу қасрлар номидан олиниб, янги мамлакат Кастилия¹ деб аталди. Бургос шаҳари Кастилиянинг асосий шаҳари ҳисобланарди.

→ 1037 йилда Леон короли Кастилиянинг ҳам короли деб атала бошлади. XI асрнинг иккинчи ярмида Кастилияликлар Тахо дарёси ҳавзасини босиб олдилар. 1085 йили король Альфонс VI Толедо шаҳарини истило қилди. Бу янгидан истило қилинган территория, яъни Тахо ҳавзаси Янги Кастилия деб атала бошлади. Бироқ XI асрда Янги Кастилиянинг аҳволи ҳали анча номуस्ताҳкам эди. 1086 йили, яъни Толедо истило қилингандан кейинги йили Альфонс VI нинг ўзи Заллак шаҳрига яқин жойда араблардан қаттиқ зарба еди.


Шимоли-шарқда жойлашган Наварра короллиги IX асрда жуда катта аҳамиятга эга эди. Бундан кейинги асрларда у унча кенгаймади. Аммо унинг жанубида анча-мунча сиёсий ўзгаришлар бўлиб ўтди. IX аср охирида Испания марказидан янги мустақил мулк, Арагон графлиги ажралиб чиқиб, сўнг XI асрда королликка айланди. 1118 йили арагонликлар араблардан Сарагоса шаҳарини тортиб олиб, уни Арагоннинг пойтахти қилдилар. 1137 йили Арагон Испания маркаси билан бирлашди, Испания маркаси бу вақтда Каталония ёки Барселона графлиги деган янги ном билан юрарди². Нihоят, ярим оролнинг ғарбиди

¹ Латинча ном асосида мустаҳкамланган пункт — кастеллум деган маъно ётади (I бобга қаралсин).

² Барселона графлиги узоқ вақтгача Француз короллиги составига кирган эди.



Пиреней ярим ороли



XI—XV асрларда Реконкиста

Португалия жанубга томон чўзилиб кетган эди. Дастлаб бу ҳам графлик эди (тахминан 1095 йилларда ташкил топган эди), 1116 йилга келиб у ҳам короллик бўлиб олди. Португалиянинг пойтахти бошда Дуэро дарёсининг мансабидаги Оporto шаҳри эди, кейин 1147 йилдан — Тахо дарёсининг мансабидаги Лиссабон шаҳри пойтахт бўлиб қолди. Леон қороли ҳокимиятидан халос бўлган Португалия қороли Рим папасига қарам бўлиб қолди. Аммо бу қарамлик номигагина бўлиб, аслида бошқача эди.

Шундай қилиб, XII аср бошларига келганда Пиренея ярим оролида унинг тахминан ярмисини эгаллаган тўртта христиан давлати: Кастилия, Наварра, Арагон ва Португалия бор эди. XI асрнинг охири ва XII асрнинг ҳаммаси реконкистанинг энг авжга чиққан даври эди. Кастилия халқ эпосида худди ана шу давр ўз аксини топган, халқ эпосининг қаҳрамони машҳур Сид Кампеадор эди¹. Шарқдаги салиб юришлари сингари, Пиренея ярим оролида маврлар билан олиб борилган курашга ҳам муқаддас уруш туси берилган эди. Христианлар билан мусулмонлар илгариги пайтларда диний масалада баъзан бир-бирлари билан ишлари бўлмасди, реконкиста жараёнида улар бир-бирларига фанатикларча нафрат кўзи билан қарайдиган бўлдилар. Маврлар Шимолий африкаликларни, барбарларни ва бошқа мусулмон қабилаларни ўзларига ёрдамга чақирдилар. 1086 йили Испанияга Ғарбий Саҳройи Кабирдан алмуравийлар, 1125 йили Атлас тоғларидан (Шарқий Мороккода) алмуғалар келдилар. Испанияликларга ёрдам бериш учун Франция, Англия, Германия ва Италиядан рицарлар келишди. Шарқдаги сингари, Испанияда ҳам маврлар билан курашиш учун бир қанча махсус диний-рицарлик орденлари Сант-Яго, Алькантара ва Калатрава орденлари барпо этилди.

XII аср мобайнида кастилияликлар араблар Андалузиясига бир неча марта бостириб кириб, уни пайҳон қилдилар. 1212 йили Лас Навас де Толос ёнида ҳар иккала томон ўртасида энг катта ҳал қилувчи жанг бўлди. Бу жангда Кастилия (Альфонс VIII), Наварра ва Арагон қороллари иттифоқчилар сифатида биргаликда уруш қилдилар. Барбарлар, негрлар ва Шимоли-Ғарбий Африканинг бошқа кўпгина қабилалари маврлар томонидан туриб жангларда қатнашдилар, Араблар қаттиқ мағлубиятга учраб, ўзларининг барча бой лагерларини голибларга ўлжа қилиб қолдириб чиқиб кетдилар.

Шундан кейин Кастилия тез орада Андалузия билан Мурсияни эгаллади. 1236 йили у Кордовани, 1248 йили — Севильяни қўлга киритди. 30 ва 40-йилларда Арагон Валенсияни ва Баlear оролларини босиб олди. Португалия жанубга томон то Гва-

¹ Сиднинг тарихий тимсоли чинакам шахс — Кастилия қоролига хизмат этган йирик рицарь Родриго Диас бўлган (1106 йилда вафот этган). Сид араблардан катта шаҳар Валенсияни вақтинча босиб олишга муяссар бўлган.

диана дарёси мансабигача силжиб борди. Маврлар ихтиёрида биргина жанубий Гранада короллиги (ёки Гранада амирлиги) сақланиб қолган эди. Гранада короллиги мустақил давлат сифатида узоқ вақт, яъни 1492 йилгача яшаб келди.

XIII—XV асрларда Пиренея ярим оролидаги давлатлар. Наварра ва Португалия. Ярим оролдаги тўртта христиан давлатларидан Наварра ва Португалия алоҳида-алоҳида ривожландилар. Наваррада французлар таъсири жуда кучли эди. Атрофни тоғлар ўраб олган бу кичик мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши секинлик билан борди. Шу сабабли XIII—XV асрлар даврида Наварра, умуман, катта роль ўйнагани йўқ.

Атлантика океани соҳили бўйлаб узун тор полоса бўлиб жойлашган Португалия жадалроқ ривожланди. XV асрга келганда Португалия катта денгиз флотига эга бўлган савдо-сотиқ қиладиган мамлакатга айланди. Ярим оролдаги маврлар билан олиб борилган кураш уни Шимолий Африкадаги араблар билан урушлар қилишга ҳам тортиди. Португалияликларнинг Шимолий Африкадаги мулки бўлмиш Сеута, кейин португалияликларнинг XV асрдаги географик кашфиётларида катта роль ўйнади. Аммо Ўрта денгиз соҳилидаги мамлакатлар билан, Англия, Нидерландия ва бошқа мамлакатлар билан зўр бериб олиб борилган ташқи савдо-сотиқ алоқалари Португалияни Пиренея ярим оролидаги бошқа давлатлардан ажратиб қўйди. Реконкиста Португалияни қўшни Кастилия билан боғлаши лозимдек кўринса-да, лекин Португалия ўзининг мустақиллигини рашк билан сақлаб келди.

Кастилия короллиги. Кастилия ва Арагон Пиренея ярим оролининг иккита асосий давлати бўлиб, пировардида улар ягона королликка бирлашдилар. Бу бирлашган давлатларнинг ўрта асрлар давридаги тарихи ўзининг бир қанча хусусиятларига эгадир. Кастилия короллиги ярим оролда энг катта территорияни эгаллаган эди. Ярим оролдаги территориянинг деярли бешдан уч қисми унинг ҳиссасига тушар эди. Реконкистада ҳам Кастилия энг актив қатнашган эди. Кастилия тили кейинчалик испан миллий адабий тилига асос бўлди.

Ўрта аср давридаги Кастилиянинг ижтимоий тузуми ўзига хос кўпгина хусусиятларга эга эди. Кастилиянинг урушқоқ дворянлари мамлакатда катта таъсирга эга эдилар. Араблар билан курашда қатнашиш дворянларнинг эртароқ тонфа бўлиб таркиб топишига ва дворянлар кўпчилигининг бевосита король билан алоқа ўрнатишига ёрдам берди. Кастилияда католик черкови ҳам жуда катта таъсирга эга эди, реконкиста натижасида католик черкови кўп ер олди. Кастилияда реконкистанинг бутун оғирлигини ўз зиммасига олган ўнлаб эркин шаҳар-коммуналар бор эди. Хунармандлар ва майда савдогарлардан иборат бўлган шаҳарликлар бутун асрлар давомида мунтазам ҳарбий хизмат ўтадилар. Кастилия шаҳарлари шаҳарларнинг алоҳида ҳарбий иттифоқларига — э р м а н д и л а р г а бирлашдилар. Кастилия

деҳқонлари ҳам реконкистада жуда актив қатнашганликлари сабабли крепостной қарамликдан эртaroқ халос бўлдилар. Кастилия феодаллари деҳқонлар билан ҳисоблашишга ва уларга жиддий ён беришга мажбур бўлдилар. Эски ва янги Кастилиянинг кўпчилик деҳқонлари эркин жамоатчилардан иборат (бегетриялар) бўлиб, феодаллар ҳомийлигида кун кўрардилар ва уларга одат бўйича битим билан белгиланган кичик миқдорда оброк тўлардилар.

Кастилия шаҳар ва қишлоқ жамоаларининг сиёсий аҳамияти Кастилияда умумтоифа вакиллиги, яъни кортесларнинг эртaroқ вужудга келишида очиқ-ойдин намоён бўлди. Кортеслар ўз фаолиятини 1188 йилдаёқ (инглиз парламенти ва француз Генерал штатларидан анча олдин) бошлаган эди, шу билан бирга учинчи тоифа вакиллари составига шаҳарликлар билан биргаликда деҳқонларнинг ҳам баъзи бир вакиллари кирган эди. Кастилиядаги король ҳокимияти шаҳарларга таяниб туриб, XIII асрдаёқ ўз обрў-эътиборини кучайтиришга ҳаракат қилди ва йирик феодаллар билан қаттиқ кураш олиб борди.

XIII асрнинг иккинчи ярмида король Альфонс X (1252—1284) қонулар тўплами («Етти қисм» деб аталадиган) қонулар тўплами (чиқарди), бу қонулар тўплами Рим ҳуқуқи ғоялари билан суғорилган бўлиб, ўрта аср Европасидаги қонуларнинг биринчи умумлаштирувчи тўплами эди. Альфонс X ўзидан сал олдин Саламанка шаҳарида таъсис этилган университетга ҳомийлик қилиб, давлат маблағлари ҳисобига шу шаҳарда обсерватория (расадхона) қурдирди. Унинг даврида король ҳокимиятининг обрўси анча ортди. Аммо феодаллар ҳали тиниб-тинчиманган ва ўзларининг имтиёзларига қаттиқ ёпишиб олган эдилар.

Ўз йиллик урушда инглизларнинг иттифоқчиси бўлган король Педро I Золим (1350—1369) XIV асрда феодаллар билан қаттиқ кураш олиб бориб, кўпдан-кўп феодалларни қатл эттирди ва уларнинг молу мулкларини мусодара қилдирди. Кастилия граңдалари француз феодалларининг кўмагига таяниб, Педрони енгдилар ва тахтга унинг рақиби Генрих II Трастамарани ўтказдилар. Генрих II Трастамара 1369 йилдан бошлаб янги династияга асос солди.

XV аср ўрталарига келганда Кастилиядаги король ҳокимияти эришган ютуқлар, умуман олганда, ҳали у қадар катта эмас эди. Кортесларнинг қўллаб-қувватлашига қарамай, короллар қудратли граңдаларнинг куч-қудратига шикаст етказа олмадилар. XIV ва XV асрларда кортесларнинг ўзи онда-сонда йиғиладиган бўлиб қолди. Кастилия короллари кўпинча феодалларнинг душман гуруҳларини шу феодалларнинг сарой билан алоқадор бошқа қисми ёрдамида, шунингдек, католик черкови кўмагида енгилшга умид боғлаб, шаҳарлар билан ҳар дoим иттифоқ бўлишни изчил амалга оширавермасдилар. Бунинг натижасида король ҳокимиятининг ўзи турли феодал тўдаларининг кураш қуролига

айланиб қоларди. XV асрнинг иккинчи ярмида Кастилиядаги король ҳокимиятининг ночор аҳволига яққол мисол қилиб король Генрих IV (1454—1474) ни кўрсатиш мумкин. Генрих IV нинг бутун ҳукмронлиги даври феодал ўзаро уруш-жанжаллари билан тўлиб-тошган эди. Зодагонлар королнинг қизи Хуананинг тахт ворислиги ҳуқуқини тан олмай, королнинг синглиси — малика Изобелланинг номзодини қўйдилар. Зодагонлар келажакда Изобеллани ўзларига ром қилиб олиб, ундан итоатли қурол сифатида фойдаланмоқчи эдилар.

Арагон федерацияси. Арагон, ўз-ўзича Пиренея ярим оролида (агар ҳатто Арагоннинг Каталония билан бирлашганлигини қўшиб ҳисоблаганда ҳам) кичик бир территорияни эгаллар эди. Аммо Урта денгизда унинг кўпдан-кўп мулклари: Сицилия, Сардиния, Неаполь короллиги, Балеар ороллари ва бошқалар бор эди. Кастилиянинг аксича, Арагон катта денгиз давлати эди. Лекин бу ерда король ҳокимияти заиф эди. Шаҳарларнинг заиф ўсганлигидан (Арагонда), дворянлар бутун ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолган эдилар. Арагон деҳқонлари энг оғир крепостной қарамликда яшардилар. Арагон феодаллари ўз крепостнойларига ҳатто ўлим жазоси бериш ҳуқуқига ҳам эга эдилар. Кўпроқ феодаллардан иборат бўлган Арагон кортеслари королни тўла назорат қиларди, кортеслар дам олган пайтларида королнинг ишларини кузатиб бориш учун «депутация» номи остида алоҳида комиссия белгилаб қўйиларди. Арагон дворянларини махсус сайлаб қўйиладиган судья, яъни Бу ю к х у с т и с и я суд қиларди. Уни ўрндан бекор қилишга королнинг ҳаққи йўқ эди. Дворянлар королга қарши уруш эълон қилиб, у билан уруш олиб борар ва чет эл фуқаролигига ўтиб кета олардилар ва ҳ. к. Арагон зодагонларининг эркинлиги «Уния имтиёзлари» (1287 й.) деган алоҳида муборакномада ёзиб қўйилган эди.

Каталонияда деҳқонларнинг қўзғолонлари. Арагондаги деҳқонлардан ташқари, Каталониядаги деҳқонлар ҳам айниқса оғир аҳволда кун кечирардилар. Каталонияда ҳам, «ярамас одатлар» деб аталган нарса мавжуд бўлиб, крепостнойларни мутлақо чидаб бўлмайдиган аҳволга солиб қўяр эди. Фарзандсиз деҳқон вафот қилгудай бўлса, помешчиклар унинг бәрча молу мулкни тортиб олар ва борди-ю. вафот этган деҳқоннинг боласи бўлса, унга қарашли молу мулкнинг анчагина қисмини босиб олардилар. Биринчи кеча ҳуқуқи ҳукм сурарди. Деҳқонларни ерсиз қул қилиб сотиб юборардилар. Бироқ Арагоннинг акси ўлароқ Каталония шаҳар мамлакати эди. Деҳқонлар бу ерда кўпроқ бозор билан алоқадор эдилар. Бу деҳқонларнинг кўпи крепостной чўриликдан Барселонага ва бошқа шаҳарларга қочиб кетган эди. Пировардида Каталония деҳқонлари бирлашиб, феодалларга қарши қаттиқ кураш бошлаганлар ва бу кураш узоқ давом этган деҳқонлар уруши характерини олган.

Каталония деҳқонларининг қўзғолонлари ўн йилга чўзилган, яъни 1462 йилдан 1472 йилгача давом этган. Қўзғолонлар Ши-

молий Каталония районини (Барселонанинг шимолидан то Пиренеягача бўлган жойларни) ўз ичига олган эди. Деҳқонлар кўзғолонига майда дворян (идальго) Вернтальят бошчилик қилди. Феодаллар кўзғолонни бостира олмадилар. Деҳқонларнинг феодаллар билан олиб борган курашига Арагон короли Хуан II аралашди. Король Хуан II бу маҳалда Арагон ва Каталония феодаллари билан ҳамда мустақил бўлиб ажралиб чиққан Барселона билан жанг қилаётган эди. Хуан II Вернтальят билан музокарага киришди ва кўзғолончиларга ёрдам берман, деб катта ваъдалар қилди. Исёнчи феодалларга қарши деҳқонларнинг кучларидан фойдаланган ва Барселонани ўзига тобе қилиб олган Хуан II 1472 йилда крепостной ҳуқуқни қисман «нигиллаштириш йўли билан деҳқонларни феодаллар билан «яраштирамоқчи» бўлди. Шунда Вернтальят Хуандан виконт унвони ва кўпдан-кўп ер-мулклар олди. Аммо Каталония деҳқонлари Вернтальятнинг король билан қилган битимидан қаноатланмай, 1484 йилда иккинчи марта кўзғолон қилдилар.

Бу сафар кўзғолончиларга деҳқон Педро Хуан Сала бошчилик қилди. Деҳқонларнинг иккинчи кўзғолони ғоят даражада шиддатли кўзғолон бўлди. Феодаллар Салани асир қилиб олиб, уни қатл этдилар, лекин деҳқонлар Саланинг вафотидан кейин ҳам партизан урушини давом қилдирдилар. Ниҳоят, 1486 йили Арагоннинг янги короли Фердинанд фармон чиқариб, ҳақ тўлаб қутулиш шарти билан барча «ярамас одатлар»ни бекор қилди. Деҳқонлар ўзларига қарашли участкаларнинг меросхўр ижарачиларига айландилар. Крепостной ҳуқуқни бекор қилиш ҳақидаги фармонни король тез орада Арагонга ҳам ёйди, Каталония деҳқонлари сингари Арагон деҳқонлари ҳам кўзғолон кўтариш хавфини солмоқда эдилар.

Каталония деҳқонлари ҳаракати билан бир вақтда, XV аср давомида шаҳарлардаги, шунингдек, Арагонга тобе бўлган Болеар оролларидаги кўзғолонлар билан қўшилиб кетган кенг деҳқонлар ҳаракати юз берди. 1450 йилги Мальорка оролидаги ҳаракат, айниқса кучли ҳаракат бўлиб, у ҳам феодалларнинг халқ оммасига қисман ён бериши билан тамом бўлди.

Кастилиянинг Арагон билан бирлашуви. Келиб чиқиши ва тил жиҳатдан қон-қариндош бўлган, юз йиллар давомида ташқи душман бўлмиш арабларга қарши биргаликда курашиб келган, иқтисодий масалада азалдан бир-бирови билан алоқа қилган Кастилия ва Арагон бирлашиш учун етарлича тарихий шарт-шароитларга эга эдилар.

Кейинги ўрта асрлар даврида товар-пул муносабатларининг ривожланиши иқтисодий жиҳатдан қандайдир ўзаро биров-бировини тўлдирувчи ҳар иккала мамлакатнинг — қуруқликдаги Кастилия ва ўрта денгиз билан боғланган Арагоннинг бирлашишини айниқса зарурий вазифа қилиб қўйди. XV асрнинг иккинчи ярмида Пиреней ярим оролининг ижтимоий ва сиёсий шароитлари ҳам ана шу бирлашувни зўр бериб тақозо этган эди.

Кастилияда ва Арагонда кескинлашган синфий кураш, шунингдек, реконкистаннинг тамом бўлмаганлиги (ярим орол жанубидаги Гранада короллиги) ҳар иккала мамлакат феодалларини икки королликни ягона Испания давлатига бирлаштириш тўғрисида бир битимга келишга мажбур этди. Иккала қўшни давлат ўртасидаги уния (иттифоқ) династия никоҳи қилиш йўли билан амалга оширилди. Малика Изабелла Кастильская 1469 йили шахзода Фердинанд Арагонскийга турмушга чиқди. 1474 йили Изабелла Кастилия королеваси бўлиб олди, 1479 йили Фердинанд Арагон тахтига ўтирди. Бирлашган иккала мамлакатнинг ҳар бири ўзининг бурунги қонунлари, урф-одатлари ва алоҳида-алоҳида кортесларини сақлаб қолди. Шундай қилиб, мамлакатни бошқариш ҳали икки тусдалигича қолавсрди. Шундай бўлса ҳам, ягона Испанияни вужудга келтириш учун асос солинган эди. Кастилияда ҳам, Арагонда ҳам король ҳокимияти мустақамлана бошлади. Бирлашиш Фердинанд билан Изабелланинг ички ва ташқи сиёсатларида ижобий акс этди.

Шаҳар коммуналарининг кўмагига таяниб иш кўрган Изабелла Кастилия феодаллари оппозициясини тинчитди. Изабелла ёрдамда «муқаддас эрмандада» номи остида ташкил этилган шаҳар иттифоқчи милицияси талончилик қилиб юрувчи рицарларга қақшатқич зарбалар берди. Католик черкови Фердинанд билан Изабеллага катта ёрдам кўрсатди. Католик короллар (папа Фердинанд билан Изабеллага ана шундай унвон берган эди) ўзларига қарашли даҳшатли инквизицияни католик черкови манфаатларига хизмат қилдирар эди. Чўқинтирилган маврлар (молискалар)нинг ишларини назорат қилиш мақсадида 1477 йил Испанияда вужудга келтирилган инквизиция амалда, олий сиёсий судга айланган эди. Кастилия ёки Арагондаги бирорта феодалнинг давлатга хиёнат қилганлиги гумон қилинган тақдирда, у инквизициянинг қаҳр-газабидан ҳеч қабққа қочиб қутула олмасди, албатта.

Изабелла Кастилиядаги савдо-сотиқ ва саноатни жонлантириб юборган бир қанча иқтисодий тадбирларни амалга оширди. Мамлакатдаги қимматбаҳо металларни сақлаб қолиш мақсадида ҳамда мамлакат ичкарасида актив савдо балансини таъминлашга (яъни ташқаридан мол келтиришга қараганда мол чиқаришни кўпайтиришга) интилиб, королева меркантилизм ғояларини амалга ошира бошлади. Изабелла чет элларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё (ғалла, жун ва бошқалар) чиқаришни ман қилди, жун Испаниянинг ўзида қайта ишланмоғи керак, деб буйруқ қилди. Изабелла машҳур Христофор Колумбга ҳомийлик кўрсатди, Христофор Колумб Ҳиндистонга бориладиган «ғарбий йўл»ни ахтариб, Испания кемаларида саёҳатга жўнаб кетди.

Фердинанд ва Изабелла Испанияси тез орада буюк давлатга айланди. 1492 йили улар Гранадани истило қилдилар. 1512 йили Испания Наваррани ўзига қўшиб олди. Шундай қилиб, Португалиядан ташқари, барча Пиренея ярим ороли Испанияга бир-

лаштирилди. Колумбнинг саёҳатлари Испания учун Янги Дунёдаги жуда кўп мустамлака мулкларни босиб олиш имконини яратиб берди. Фердинанд ва Изабелла Испанияни Европанинг энг йирик давлатлари билан сиёсий иттифоқлар боғлашига сабабчи бўлган муҳим династия никоҳларини амалга оширдилар. Уларнинг тўнғич қизи Екатерина Тюдорлар хонадонига мансуб инглиз шаҳзодасига турмушга чиқди. Кичик малика Хуана Габсбургларнинг астрогерман хонадонига мансуб шаҳзодаларнинг бирига хотин бўлди. Испания Европа халқаро сиёсатининг муҳим омили бўла борди.

XXV БОБ

XI—XV АСРЛАРДА СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИ

Ўрта асрлар даврида Скандинавия мамлакатлари тараққиётининг хусусиятлари. Ўрта асрлар даврида Скандинавия мамлакатлари деганда аввало Дания, Швеция ва Норвегия назарда тутилади, бу мамлакатлар ўзига хос хилма-хил йўл билан ривожландилар. Аввало бу мамлакатларнинг ҳаммасида феодал муносабатлар секинлик билан ривожланиши эътиборни ўзига жалб қилади. Феодализм бу ерларда фақат XII—XIII асрлардан эътиборан узил-кесил таркиб топди. Шу билан бирга феодализмдан бурунги социал элементларнинг кўп томонлари: эркин деҳқонларнинг кўп сонли табақаси; ер, ўрмон, сувга ижтимоий, коллектив эгалик қилишнинг кенг (турли хил формаларда) тарқалганлиги; то кейинги ўрта асрлар давригача айрим округларда халқ йиғинларининг ишлаб келганлиги; Европанинг бошқа мамлакатларидагига нисбатан бу ерларда христианликнинг сўнграқ ёйилганлиги ва ёйилганда ҳам унчалик чуқур илдиэ отмаганлиги каби томонлар сақланиб қолган эди. Бу хусусиятларнинг ҳаммаси номи тилга олинган ҳар учала мамлакат тарихига маълум даражада из қолдирмай иложи йўқ эди. Скандинавия мамлакатларининг ўрта асрлар давридаги яна бир характерли хусусияти шундан иборат эдики, улар бир-бировларидан ажралиб, алоҳида-алоҳида яшардилар, уларнинг қуруқликдаги мамлакатлар билан сиёсий алоқаси нисбатан заиф эди.

Скандинавия мутлақо танҳо бўлиб яшамаган, албатта. Юқорида айтиб ўтилганидек, скандинавияликларнинг бир неча асрлар мобайнида қилган ҳужумлари Фарбий Европани безовта қилган эди. Шимолий Германия, Нидерландия ва Англиянинг тарихи кўпинча у ёки бу Скандинавия мамлакатининг, хусусан, Даниянинг тарихи билан ҳам пайвандлашиб кетар эди. Лекин, умуман олганда, Скандинавия мамлакатлари Европанинг алоҳида бир бурчаги бўлиб, улар қуруқликдаги асосий мамлакатлар ҳаёти билан нисбатан кам боғланган эдилар.

А. ДАНИЯ

Данияда феодализмнинг ривожланиши. Скандинавиянинг урта номи айтиб ўтилган мамлакатлари орасида Данияда феодал муносабатлар анча-мунча ривожланган эди. Канут¹ давлати емирилгандан кейин Данияда ҳукмронлик қилган Эстридсонлар династияси ўзига хос феодал династияси эди. Эстридсонлар христиан черковига ҳомилийк қилдилар. Черков ер эгалигининг ривожланиши, черков десятинасининг жорий этилиши, Данияда анча кўп миқдорда епископларнинг вужудга келтирилиши—мана буларнинг ҳаммаси XI—XII асрларда мамлакатни феодаллаштириш элементларини ташкил қилар эди. Феодаллаштиришнинг иккинчи томони дунёвий катта ер эгалигининг ўсиши бўлди. Ҳарбий хизмат ўтовчи йирик зодагонлар ва кўп сонли рицарлар ер эгаларига айланиб, деҳқонлар оммаси ана шуларнинг крепостной қарамлиги остида яшарди. Дастлабки пайтларда крепостнойлар сифатида, асосан, ерга кўчирилган қуллар эксплуатация қилинарди. Европанинг турли мамлакатларига данияликларнинг қилган ҳужумлари муносабати билан Данияда ўз даврида қуллар жуда кўп бўларди. Аммо XII—XIII асрга келиб эркин кишилар ҳам крепостной қарамликка тушиб қолдилар. Дания короллари олдинроқ, яъни XI—XII асрлардаёқ, королликдаги аҳоли эгалламаган, ишланмасдан, «бўш ётган» ерларнинг ҳаммасини короллик мулки, деб эълон қилган эдилар. Королга солиқлар тўлаши лозим бўлган ва оз-моз (бир йилдан бир неча кун) баршчина мажбуриятлари ўтайдиган эркин деҳқонлар, мамлакатда ҳарбий-феодал системаси таркиб топа бориши билан, короллар томонидан хусусий ер эгаларига бериб юборилди. Илгари эркин бўлган деҳқонлар хусусий қарамликка тушиб қолганларидан кейин, аста-секин қуллар орасидан чиққан крепостнойлар билан қўшилиб кетдилар. Аммо, шунга қарамай, Данияда қуллик асоратига тушмаган эркин деҳқонларнинг салмоғи ҳатто XV асрда ҳам анча юқори эди: XV аср бошларида эркин деҳқонларга Даниядаги барча хусусий ерларнинг ҳеч бўлмаганда 15% қарар эди².

Данияда деҳқонларнинг қуллик асоратига туширилиши одатда феодаллар томонидан шафқатсиз бостирилган деҳқонларнинг қаттиқ қаршилиқ кўрсатишига сабаб бўлди. Шимолий Ютландияда 1441—1443 йилларда бўлиб ўтган қўзғолон айниқса йирик қўзғолон эди. Бу қўзғолон бостирилгандан кейин Ютландия деҳқонларига қурол-яроғ тақиб юриш узоқ вақтгача ман этилди.

Вальдемар IV Аттердаг даврида король ҳокимиятининг кучайиши. Европанинг бошқа мамлакатларидаги сингари, феодалла-

¹ Канут давлати тўғрисида VI бобга қаранг.

² Данияда сақланиб қолган эркин деҳқонларнинг бу проценти, тахминан қўшни Англиядаги фригольдерларнинг худди шундай процентига тўғри келади.

шин жараёни тараққиётнинг маълум босқинчида Данияни ҳам феодал тарқоқлигига олиб келди. Ириқ дунёвий ва черков феодаллари король ҳокимиятини чеклаб қўйдилар. 1282 йили Дания зодагонлари алоҳида Нюборг ёрлик хартияси олдилар, бу хартияга мувофиқ король ҳар йили халқ мажлиси (Danehof) чақириш мажбуриятини зиммасига олди. Бу олий кенгашда шаҳарликларнинг ҳам, деҳқонларнинг ҳам бир қанча вакиллари бўлса-да, лекин амалда мамлакатни бошқаришда феодаллар асосий роль ўйнадилар, король ҳокимиятини мунтазам суратда назорат қилган давлат кенгаши (Rigsraad) шу феодаллар қўлида эди. XIV асрнинг биричи ярмида Эстридсонлар династияси ўз обрўсини тамомила йўқотди. XIV асрнинг 30-йилларида, яъни 8 йил давом этган ҳокимиятсизлик даврида, Дания ўзига қарашли мулкларнинг бир қисmini қўлдан бой берди, бу мулкларни швед ва Шимолий герман феодаллари босиб олган эдилар. Король Вальдемар IV Аттердаг (1340—1375) король ҳокимиятини бир оз вақт мустаҳкамлашга муяссар бўлди. Королнинг асосий ҳарбий кучни ташкил этган (рицарлар — отлик қўшини, камон билан қуролланган деҳқонлар — пиёда қўшини ташкил этар эдилар) рицарларга ва эркин деҳқонларнинг қолган-қутган қисмига таянган Вальдемар IV бу вақтга келиб Даниянинг Шимолий ва Болтиқ денгизларида ўсиб борган савдо-сотиқ ишларидан ҳазина манфаатлари учун ҳам фойдаланди. Бу вақтга келганда Данияда балиқчилик (сельдь балиғи овлаш) катта аҳамият касб этди. Вальдемар қўшни Гольштин графлигига қаттиқ зарба бериб, Зунд бўғози соҳилларида шведлар босиб олган территорияни қайтариб олди. Эндиликда Зунд бўғози тамомила Дания ихтиёрига ўтди. Бироқ Дания королининг Зунд бўғозини монополия қилишини тан олмаган Ганза иттифоқи билан Дания ўртасида кейинчалик чиққан уруш Вальдемар учун муваффақиятсизлик билан тамом бўлди. Ганза ва унинг иттифоқчилари бўлган Шимолий герман князлари данияликларга қаттиқ зарба бердилар. 1370 йилги Штральзунд сулҳига мувофиқ, Вальдемар ганзаликларнинг Зунд бўғози орқали олиб ўтадиган товарларидан ундирилаётган савдо божларини анча камайтириш лозим эди.

Кальмар иттифоқи. Вальдемар IV нинг қизи ва тахт вориси королева Маргарита (1375—1412) Скандинавиядаги бошқа мамлакатларнинг, яъни Швеция ва Норвегиянинг сиёсий ва иқтисодий қолоқлигидан фойдаланиб, Дания гегемонлиги остида катта Шимолий федератив давлат тузмоқчи бўлди. Шимолий федератив давлат ҳар ҳолда расмий жиҳатдан анча узоқ вақт (1397—1523) яшади. Норвегия короли Гакон VI нинг хотини бўлган Маргарита 1375 йили Дания тахтига (Вальдемар IV вафот этгандан кейин (ўз ўғли Олафни сайлаттиришга муваффақ бўлди. Гакон VI ўлгандан сўнг (1380 й.) Норвегия тахти ҳам Олаф қўлига ўтди. Олаф вафот этган (1387 й.) Маргаританинг ўзи Дания ва Норвегия королеваси деган титулни қабул қилди. 1397

йили Маргарита Швецияни ҳам иттифоққа киритишга муваффақ бўлди. Бу вақтда Швецияда турли феодал гуруҳларининг ўзаро қаттиқ кураши борарди. Эрик II (Маргаританинг набираси) расман Дания, Швеция ва Норвегия короли деб эълон қилинган бўлса-да, амалда давлат ишларини бошқаришга раҳбарликни то ўлимга қадар кекса королева ўз қўлида сақлаб келди.

1397 йилги Кальмар-иттифоқи (бу иттифоқ Швециянинг Кальмар деган шаҳарида эълон қилинганлиги сабабли ана шундай деб аталади) ҳар ҳолда Скандинавия мамлакатларини ягона, мустақкам бир давлатга айлантира олмади. Шимолӣ мамлакатлар ўртасида чуқур ички зиддиятлар майдонга келди. Феодализм анча-мунча ривожланган Дания ўзининг қолақ, шерикларини эксплуатация қилишга интилди. Бу аввало шу нарсада намоён бўлдики, Дания зодагонлари ўз иттифоқи мамлакатларида ерлар босиб олиш ва ҳар қанақа солиқлар ундириш йўли билан ўзларининг даромадларини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Бу табиӣ, Данияга қарши оппозицион ҳаракатни келтириб чиқарди. Швеция, бу жиҳатдан энг сепаратистик кайфиятдаги мамлакат бўлиб чиқди. 1435 йилдан эътиборан, Дания королининг ҳокимияти Швецияда амалда номигагина ҳокимият бўлиб қолди. Швед феодаллари шаҳарликлар билан деҳқонларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли Швецияга автономия берилишига эришдилар. Швед зодагонлари орасидан сайланган алоҳида регентлар Швецияни деярли мустақил ҳокимлардек идора қилдилар. 1523 йилда данияликларни шведиядан батамом ҳайдаб юбордилар. Швеция мустақил короликка айланиб, унга Ваза хонадонига мансуб бўлган маҳаллий швед династияси бошчилик қилди.

Норвегияга келсак, у бир қанча марта уринишига қарамай, Дания зулмидан узоқ вақтгача халос бўла олмади. Дания-Норвегия иттифоқи фақат 1814 йилда барҳам топиб, Норвегия Даниядан озод бўлди ва лекин шу оннинг ўзидаёқ «буюк давлатлар» тазъйиқи остида Швеция билан бирлашди, Швеция иттифоқида Норвегия бутун бир аср (то 1905 йилгача) яшад¹.

Б. ШВЕЦИЯ

Феодализмнинг ривожланиши. Швецияда феодал муносабатларнинг ривожланиши Даниядагига қараганда секинроқ борди. Швецияда уруғчилик муносабатлари узоқ сақланган эди. Аҳолининг нисбатан сийраклиги, деҳқончилик учун яроқли ерларнинг нисбатан камлиги, аксинча, тоғ ва ўрмонли массивларнинг мўллиги — буларнинг ҳаммаси йирик феодал ер эгалигининг

¹ Урта асрлар даврида Норвегия билан биргаликда Исландия ҳам Данияга қарам эди. Исландия мустақил давлат деб эълон қилинган 1944 йилдагина, бу қарамлик узил-кесил тугатилди.

ривожланишини қийинлаштирган эди. Аҳолининг асосий оммаси деярли то ўрта асрларнинг охиригача мустақил эркин жамоатчилар ҳолатини сақлади. Ўрта аср Швециясида турли хил жамоа ерларининг мўллиги ҳам эътиборни жалб этади. Швецияда жамоа ери (альменда) бир неча хил бўлади. Энгельс ўзининг «Марка» номли асарига бундай деб ёзган эди:

«Масалан, Швецияда биз жамоа мулкнинг бу барча хилма-хил босқичлари бир-бири билан қатор турганлигини учратамиз. Ҳар бир қишлоқда қишлоқ жамоа ерлари бўлган... ва шу билан бир қаторда жамоа ери — юзлаб... округ ёки ер мавжуд... ва, ниҳоят умуман бутун халқ вакили бўлган король даъво этган жамоа ерлари бор ва, шу сабабли, бу ўринда у король альмендалари деган ном билан юради. Бироқ бу ерларнинг барчаси, шу жумладан, ҳатто королники ҳам, альмендалар, жамоа ерлари деб аталади»¹.

Ўрта асрлар давридаёқ мавжуд бўлган уруғчилик сарқитлари, — деб кўрсатган эди шведларнинг одалъ ҳуқуқи деб аталган ҳуқуқи, яъни ер эгаси деҳқон томонидан сотиладиган ерни сотиб олишга кўпроқ уруғдошлар ҳақли эдилар. Энг катта ер эгаллиги Жанубий Швецияда тарқалган бўлиб, бу ерда деҳқончилик қилиш учун энг қулай массивлар бор эди. Бу ерда XII—XIII асрларга келиб, асосан швед зодагонлари ва епископларининг ер-мулклари ҳам таркиб топди, шунингдек, бу ерга қисман Даниядан, қисман Германиядан келган келгинди феодаллар ҳам бошқалардан кўра кўпроқ ўтиб кирдилар. Бу ҳар иккала мамлакатдан келган феодаллар кўпинча хусусий крепостнойларини (кўпроқ қулга айлантирилган асирларни) ҳам ўзлари билан бирга олиб келардилар.

Финляндиянинг истило этилиши, Русь билан тўқнашув. Ўз юртларида, яъни Швецияда деҳқончилик учун яроқли ерлар писбатан кам бўлганлиги ва крепостнойлар сони оз бўлганлигидан, швед феодаллари Шарқда янги ерлар босиб олиш йўли билан бу камчиликнинг ўрнини қопламоқчи бўлдилар. XII—XIII асрларда швед феодаллари Болтиқ денгизининг жануби-шарқий соҳилини босиб олишга ҳаракат қилиб, бу ерда ўзга босқинчилар — даниялик ва немис феодаллари билан рақобат олиб бордилар. XII асрдан эътиборан шведлар Финляндияга ҳужум бошладилар. 1157 йили шведлар Финляндияга солиб юриши ташкил этиб, натижада Финляндиянинг анчагина қисмини забт этдилар, финлар эса христиан динини қабул қилишга мажбур бўлдилар. XIII асрда шведлар Финляндиyani батамом истило қилдилар. Бироқ швед феодаллари бу билангина чекланиб қолмадилар. Улар Финляндияга қўшни рус ерларини ҳам босиб олишга ҳаракат этдилар. 1240 йилда шведлар Новгородга юриш қилдилар. Аммо Новгород князи Александр Невский Нева дарёси бўйида уларга қаттиқ зарба берди (1240 й. 15 июль), шун-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, 19, т. 330-бет.

дан кейин шведлар рус территориясида узоқ вақтгача кўринмай кетдилар. -

XIV—XV асрларда Швеция. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ва хусусан XIV—XV асрларда Швецияда феодал муносабатлар узил-кесил расмийлашди, лекин, шундай бўлса ҳам, деҳқонларнинг камида яри бу пайтларда ҳали давлат деҳқонлари бўлиб қолаверди. Жанубий Швецияда қишлоқ хўжалиги бозор оборотига кўзга кўринарли даражада тортила бошлаганди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташқари, ёғоч-тахта, мўйна, мис, кумуш, темир савдо-сотиқнинг энг муҳим нарсаи ҳисобланарди. Швецияда савдо-сотиқ ва қисман саноат шаҳарлари вужудга кела бошлади. Улар орасида Кальмар, Висби, Эльсбар, Упсала ва Або (Финляндияда) алоҳида ажралиб турарди. Швециянинг ташқи, қисман эса ички савдосида ҳам ажнабий савдогарлар — даниялик ва немис (Ганза) савдогарлари узоқ вақтгача асосий роль ўйнаб келдилар. Феодаллашиш жараёни муносабати билан XIII асрда жуда заифлашиб қолган Швециянинг король ҳокимияти, XIV аср ўрталарида ўз обрў-эътиборини кучайтиришга ҳаракат қилиб кўрди. Король Магнус Эриксон (1319—1363) майда феодалларга—рицарларга шунингдек, шаҳарликларнинг юқори табақасига ва эркин деҳқонларга таяниб туриб, энг йирик феодаллар (герцоглар)нинг зўравонлигини чеклаб қўймоқчи бўлди. Шу мақсадда 1359 йили Швецияда биринчи марта умум тоифавий йиғин — ригсдаг чақирилиб, бунга тўрт тоифа вакиллари: дунёвий феодаллар, руҳоний феодаллар, шаҳарликлар ва эркин деҳқонлар кирган эди. Аммо королнинг зодагонларни чеклаб қўйиш йўлидаги уриниши муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Король зодагонлар босиб олган ерларнинг бир қисмини хазинага қайтармоқчи бўлганида, зодагонлар Магнусга қарши уруш бошладилар. Ана шу уруш маҳалида король ҳам вафот этди.

Магнус Эриксоннинг ўлими билан Фолькунгларнинг маҳаллий швед династияси (бу династия XIII аср ўртасидан бошлаб мамлакатни идора қилган эди) тугаганлиги сабабли, зодагонлар ригсрада (давлат кенгашида) Шимолий Германиянинг немис шаҳодаси, Мекленбург герцогининг ўғли Альбрехтни король қилиб сайладилар. Зодагонлар, ажнабий король тамомилан бизнинг айтганимизни қилади, деб умид қилган эдилар. Аммо Альбрехт билан биргаликда Швецияга кўпдан-кўп герман феодаллари келиб, улар Швецияга қўлга киритилган ўлжа деб қарадилар. Альбрехт ўзи билан бирга келган феодалларга ёғлиқ давлат мансабларини улашди, шунингдек, у Швециядаги немис савдогарларининг савдо-сотиқ ишларини ҳар тарафлама рағбатлантирди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатда кенг норозиликка сабаб бўлди. Бир қанча жойларда рицарлар, шаҳарликлар ва деҳқонлар қўлларига қурол олиб, король амалдорларига ва ажнабий савдогарларга қарши бош кўтардилар. Аристократиянинг кўпчилиги, шулар қаторида Швециянинг епископлари ҳам, бун-

дай вазиятда Дания билан иттифоқ бўлмоқ керак, деган фикрни билдирдилар. Пироварди. Дания ёрдамида Альбрехт ўрнидан ағдариб ташланди. Бироқ 1397 йили тузилган Кальмар иттифоқи Швецияни яна Данияга қарам қилиб қўйди. XV аср — XVI аср бошларидаги Швециянинг бундан кейинги сиёсий тарихи, аввало, унинг «иттифоқчиси Дания» чапгалидан халос бўлишини ҳам билдирарди.

Данияликларнинг Швециядаги зўравонлигига қарши курашда иккита гуруҳ — Дания билан битим тузиш ва иттифоқ бўлишни ёқлаган аристократик-черков (дунёвий зодагонлар ва епископлар) гуруҳи ва ўрта ҳам майда дворянларга, шаҳарликлар ва деҳқонларга таяниб, Дания билан иттифоқни бекор қилиш ва миллий мустақилликни қайта тиклаш тарафдори бўлган анча демократик иккинчи гуруҳ майдонга келди.

Деҳқонларни қўллик асоратига тушириш хавфини солган Дания ҳукмронлигига қарши 1434 йилда тоғли Далекарпияда деҳқонлар қўзғолони аланга олди. Майда дворян Энгельбрект деҳқонларга бошчилик қилди. Қўзғолон Далекарпиянинг ўзи билангина чекланиб қолмади, балки тез орада у бутун мамлакатга ёйилди. Натижада Дания қароли Эрик Швецияда тахтдан ағдариб ташланган, деб эълон қилинди. Шаҳарликлар ва деҳқонлар ништирокида яна умум тоифавий ригсдаг йиғилди.

Бироқ деҳқонлар оммасининг активлигидан қўрққан швед зодагонлари Энгельбректдан қутулишга шошилдилар (тез орада у хоннона суратда ўлдирилди) ва Дания феодаллари билан тил бириктирдилар. Эрик яна Швециянинг қароли деб эътироф этилди. Бироқ Швецияга мамлакатни зодагонлар билан биргаликда идора қилувчи алоҳида вице-қаролга ёки регентга эга бўлиш ҳуқуқи берилди. 1470 йилдан эътиборан Швецияда стуренинг аристократик хонадонига мансуб вакиллар регентлар сифатида мамлакатни бошқардилар, шундай қилиб, маҳаллий династия майдонга келди. Дания қаролининг ҳокимияти, асосан Швецияда давлат даромадларининг муайян бир қисмини қўлга киритишдан иборат бўлган эди. Швеция XVI асрнинг биринчи ярмидагина Дания ҳукмронлигидан узил-кесил озод бўлди.

В. НОРВЕГИЯ

Социал тузумнинг хусусиятлари. Скандинавиядаги учта мамлакат ичида Норвегияда феодал муносабатлар энг кам даражада ривожланди. Соҳилни фиордлар ичкарига анча ўйиб кирган, аҳолисига деҳқончиликдан кўра кўпроқ чорвачилик, балиқчилик ва турли хил ўрмон қасбкорликлари билан шугулланишга тўғри келган бу тоғли ва ўрмонзор мамлакатда феодал ер эгаллиги заиф ривожланган эди. Деҳқончиликка яроқли ерларда феодаллар, асосан, илгари маҳалларда скандинавияликларнинг ҳужумлари вақтида асирлар сифатида бошқа юртлардан ҳайдаб олиб келинган қўллар орасидан чиққан крепостнойларни экс-

плуатация қилардилар. Дунёвий ва черков зодагонлари Норвегияда биглерлар деб аталадиган ўз гуруҳларини барвақт тузган эдилар (биглернинг асл маъноси: «эгри хасса» демакдир бу ерда епископларнинг хассасига имо қилинган). Иккинчи, демократик гуруҳ эса биркенбейнерлар (асл маъноси: «чипта кавуш киювчилар» демакдир), деган белгили бир ном билан юрарди. Деҳқонлардан ташқари, бу гуруҳга майда дворянлар, шунингдек, шаҳарликлар ҳам кирарди.

Норвегия Дания феодаллари ҳукмронлиги остида. Дания билан иттифоқ бўлиш Норвегия учун хийла социал оқибатларга сабаб бўлди. Феодал жиҳатдан анча ривожланган Дания норвеж феодалларининг маҳаллий, яъни норвеж деҳқонларини қисиш ва уларни ўзларига қарам қилиш йўлидаги уринишларида бу феодалларни бевосита қўллаб-қувватлади. Иккинчи томондан, Дания феодаллари норвеж аҳолисидан солиқлар ва бошқа қонунсиз ҳақлар ундириш йўли билан Норвегиядаги турли ҳарбий, гражданлик ва черков мансабларини ўз қўлларига ўтказиб олиш йўли билан феодал жиҳатдан ҳали чала-чулпа ривожланган ва сиёсий жиҳатдан ўзларига бўйсундирилган қўшни бир мамлакатни амалда эксплуатация қилиб келдилар. Шундай қилиб, ўрта аср Норвегиясининг тарихи антиқа бир тарихдир. Бунинг аятиқалиги шундаки, бир томондан, Норвегия тугалланиб етмаган феодализмнинг тимсоли сифатида ўрта асрларнинг бошидан то охиригача кўп сонли эркин деҳқонларни сақлаб келди ва иккинчи томондан, «бу «феодал бўлмаган деҳқонлар» мамлакати (шуниси энг муҳим) ҳар қалай кучли феодал эксплуатациясига дучор қилинди. Бу эксплуатация нисбатан заиф бўлган маҳаллий (норвеж) феодаллари томонидан эмас, балки бирлашган Дания-Норвегия короллигида ҳоким миллат сифатидаги келгинди, ажнабий (даниялик) ер эгалари томонидан амалга оширилди. Норвегия халқ оммаси Дания феодаллари ҳукмронлигига қарши ғайрат билан бир неча марта бош кўтарди. 1501 йилги қўзғолон энг йирик ва муваффақиятли қўзғолон бўлиб, унда норвеж деҳқонлари асосий роль ўйнадилар. Бу қўзғолонга Кнут Альфсен раҳбарлик қилди. Норвеж деҳқонлари Дания қўшинларини яқсон қилиб ташладилар. Даниянинг Норвегиядаги ҳукмронлиги барҳам топгандек эди. Бироқ халқ оммасининг активлигидан хавфсираб қолган биглерлар гуруҳи Дания феодаллари билан битим тузди ва, шундай қилиб, ўз мамлакатининг миллий озодлигига ғов солди.

XXVI БОБ

XI—XV АСРЛАРДА ПОЛЬША

XI—XIII асрларда Польшада феодал муносабатларининг ривожланиши. XI—XIII асрларда Польшада, Чехиядаги сингари, унинг ижтимоий тузумининг феодаллашиш замони эди. Болес-

лав Ботир замонида асосан король саройида яшаган король дружиначилари, яъни войлар эндиликда қишлоқларда ўтроқлашиб, король томонидан инъом қилинган ер-мулкларида йирик ва ўрта даражали ер эгаларига — помешчикларга айландилар. Черков ер эгалари — епископлар ва монастирлар королдан кўп миқдорда ер-мулклар олдилар. Поляк уруғларининг тарқалиб кетиши натижасида ажралиб чиққан энг нуфузли ва зодагон (лех ёки лях деб аталувчи) оилалар ҳам феодалларга айланди. Польшадаги феодализмнинг ўзидан бурунги уруғчилик тузуми билан алоқаси Чехиядагига қараганда заифроқ эди. Поляк ер эгалари — феодаллари, Чехиядаги сингари, шляхта («лех» ёки «лях» сўзидан) деб аталарди. Шляхта сўзининг тор маъноси — *milites* ёки *nobiles minores*) йирик феодал-панлардан фарқ қилиб (*barones* ёки *nobiles majores*) майда ва ўрта даражали рицарлар демакдир. Рицарь-шляхта билан йирик панлар ўртасида узоқ вақтгача қариндош-уруғлик муносабатлари ҳукм суриб келди. XIII—XIV асрлардаёқ кўпгина шляхтачилар ўз ҳомийлари бўлмиш панларни катта акаларимиз деб ҳисоблаб, улар номидаги герблари кўтариб юрар, ана шу панларнинг дружиналари сифатида уларнинг сайроқлари остида жанг қилардилар. Ҳақиқатда шляхтанинг состави анча кенг эди. Шляхта составига королнинг собиқ дружиначилари ва лях уруғларининг кичик аъзоларигина кирмай, балки энг бақувват эркин деҳқонлар, яъни кмейтейлар ҳам кирарди. Қамбағаллашган ва заифлашиб қолган кмейтейлар крепостной деҳқонлар аҳволига тушиб, хўжайинлар ерида истиқомат қилувчи қуллардан чиққан крепостнойлар (сервлар-хлоплар) билан қўшилишиб кетган бу вақтда, юқори табақа кмейтейлар рицарларга айландилар.

XI—XII асрларда поляк қишлоғидаги кмейтейлар қуллик асоратига туширилиши заминида деҳқонларнинг жиддий галаёнлари бўлганлиги кўрилди. Галаён қилган деҳқонлар эски мажусийлик эътиқоди либосига ўралиб олиб, янги, христиан динига, яъни биринчи галда феодаллар қабул этган динга қарши бош кўтариб чиққан эдилар. Бу қўзғолонларнинг энг йирикларидан бири — 1037—1038 йиллардаги қўзғолон эди. Қўзғолон давомида деҳқонлар кўпгина католик руҳонийларини ва зодагон панларни қириб ташладилар. Деҳқонларнинг 1148 йилги иккинчи қўзғолони маҳаллий панлар ва келгинди немис рицарларининг бирлашган кучлари ёрдамида бостирилди. Кмейтейларни қуллик асоратига тушириш жараёни узоқ ўн йилларгача чўзилди. XIII—XIV асрлардаёқ поляк деҳқонларининг анчагина қисми шахсан эркин эди. Аммо панлар короллардан олган иммунитет ёрлиқларини асос қилиб туриб, бу шахсан эркин деҳқонларни ҳам ўзлари суд қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Битта ёки бир нечта қишлоқни ўз ичига олган территориал қўшни жамоа (ополье) ҳам шахсан озод, ҳам феодалларга қарам поляк деҳқонининг ижтимоий ташкилоти формасида қолаверди. XII—XIII асрларда феодал ер эгалининг асосий формаси маҳсулот би-

лан рента тўлаш эди. Рента билан бир қаторда бож шаклида ишлаб бериш, йиғим-терим, юк ташиш ва бошқа мажбуриятлар рентаси ҳам бор эди. Ҳарбий мақсадларни кўзда тутадиган, яъни қўрғон-шаҳарлар қуриш, йўлларни тозалаш ва ҳоказолар сингари қурилиш характеридаги турли-туман мажбуриятларни деҳқонлар давлат учун бажариб берардилар, эркин кмейтейлар пиёда аскар сифатида ҳарбий хизмат ўтардилар. Барча деҳқонлар черков десятинаси тўлардилар. Гарчи Краков, Гнезно, Познань, Вроцлав ва баъзи бир бошқа шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар ҳунармандлик ва савдо-сотиқ марказлари деб ном чиқарган бўлсалар-да, лекин XII—XIII асрлардаги поляк шаҳарлари ҳали синф ривожланган эди; X—XI асрлардаёқ Польшага келиб кетган араб сайёҳлари бу шаҳарларнинг анча-мунча катта шаҳарлар бўлганлигини ёзганлар.

Польшанинг феодал тарқоқлиги. Феодализмнинг ривожланиши ва йирик ҳам майда феодал ер эгаларининг (панлар ва шляхталарнинг) синф бўлиб таркиб топиши шароитида Польша давлати ўнлаб майда феодал князликларга парчаланиб кетди. Князь Болеслав III оғзи қийшиқ (Кривоустий) королликни ўзининг бир нечта ўғиллари ўртасида тақсимлаб берган 1138 йилда бу парчаланиш янада кучайди. Князваччаларнинг удел ерлари бундан кейин яна кўпроқ лахтак ерларга бўлиниб кетди. Силезия, Мазовия, Куявия, Великая Польша, Сандомер ери, Краков ери ва бошқалар ҳар бири мустақил давлат бўлиб, уларнинг ўз буюк ва удел князлари бор эди. Маҳаллий панлар ўз навбатида ўзларига қарам майда шляхтага таяниб, удел князлари орқасидан эргашдилар. Князликларда чинакам ҳокимият эса йирик панлар қўлида бўлиб, улар Пястлар хонадонидан чиққан беҳисоб князваччаларнинг бетўхтов олиб борган ўзаро урушларидан ҳокимиятларини кучайтириш мақсадида фойдаландилар.

Бутун XIII аср ва бундан кейинги XIV аср Польшада йирик ер эгалари бўлган панлар-магнатларнинг танҳо ҳукмронлик даври бўлди. Одатда бу тузум м о ж н о в л а д с т в о, яъни магнатлар ҳукмронлиги деб ҳам аталди. Бу вақтда рицарлар ҳали мустақил сиёсий аҳамият касб этмаган эдилар.

Айни замонда, XIII асрда Польша халқаро муносабатларда ҳам қийин пайтни бошидан кечираётган эди. Немислар Польшанинг иқтисодий ва стратегия жиҳатдан жуда муҳим территориясини босиб олдилар. 1226 йили Висла дарёси бўйига кўчиб ўтган Тевтон ордени шу асрнинг ўрталарига келиб бутун Пруссияни ва бутун Поморьени босиб олди ва, шундай қилиб, Польшанинг Болтиқ денгизига чиқиш йўлини кесиб қўйди. Шунингдек, татарларнинг ҳужуми ҳам Польша учун жуда катта офат бўлди. 1241 йили татарлар бутун Кичик ва Буюк Польша орқали ўтиб, поляк шаҳарлари ва қишлоқларини вайрон қилиб ташладилар. Татарларнинг жанубий Кичик Польшага ҳужумлари 1259, 1287 йилларда ва ундан кейинги бошқа йилларда ҳам такрорланиб турди.

Татарларнинг мамлакатни вайрон қилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ва ривожлана бошлаган поляк савдо-саноат шаҳарлари инқирозга юз тутди. Мамлакатнинг хароб қилиниши немис колонизацияси учун Польшага йўл очиб берди, поляк князлари ва панлари эса бунга ҳомийлик кўрсатдилар. Немис колонистлари шаҳар ва қисман қишлоқларга келиб ўрнашиб, Польшада ҳам (Чехияда бўлгани сингари) полякларнинг миллий ва сиёсий тараққиёт жараёнини мушкуллаштирдилар. Немис колонизацияси поляк шаҳарлари тақдирига айниқса катта зарар келтирди. Немис колонизацияси натижасида поляк шаҳари тамомилан ёт бир немис характерини олди, бу ҳол эса Польша давлатининг бундан кейинги сиёсий марказлашиш жараёнини ва маҳаллий поляк буржуазиясининг ўзининг ўсишини жуда қийинлаштириб қўйди. «Немислар,— деб ёзган эди Маркс,— Польшада поляк буржуазияси мавжуд бўлган поляк шаҳарларининг вужудга келишига халақит бердилар. Ўзларининг алоҳида тиллари билан, поляк аҳолисига ўзларининг ёт бўлишлари билан, ўзларининг минг хил имтиёзлари ва шаҳар низомнамалари билан улар (немислар. Тарж.) марказлашишнинг, ҳар қандай мамлакатнинг жадал ривожланиши учун бу энг қудратли сиёсий воситанинг амалга оширилишини қийинлаштирдилар»¹.

Польшанинг бирлаша бошлаши. XIV асрнинг биринчи ярмида Польшада сиёсий жиҳатдан парчаланиб кетган ерлар бирлаша бошлади. Аввало, Польшанинг иқтисодий тараққиёт соҳасида эришган ютуқлари бу бирлашишнинг шарт-шароитлари бўлди. XIV аср бошларига келганда Польшанинг ички ва ташқи савдоси жонланди. Бутун Польша бўйлаб ўтадиган катта савдо йўллари вужудга келди; Львов—Краков—Данциг (Гданьск) ва Киев—Вильно—Кенигсберг булар орасида энг асосий савдо йўллари ҳисобланарди. Польшада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишнинг ўсиб бориши муносабати билан Висла дарёси тобора катта аҳамиятга эга бўлди. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг биринчи ярми мобайнида деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши бу савдонинг жонланиши учун етарли даражада база яратиб берди. Польша давлатининг бирлашиш жараёнини тезлаштирган иккинчи шарт—поляклар территориясини янгидан босиб олиш хавфини солган Немис орденига қарши Польшанинг кураш олиб бориши бўлди. Куявиялик князь Владислав I Локетек (1306—1333) Польшани биринчи марта бирлаштириб, у 1320 йилдан бошлаб короллик титулини қайтадан тиклади. Польша феодал жиҳатдан парчаланиб кетган даврда бу титул бутунлай йўқолиб кетган эди. Владиславнинг ўғли Казимир III Буюк (1333—1370) даврида Польшадаги король ҳокимияти энг қудратли ҳокимиятга айланди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, т. 5, 338-бет.

Казимир III даврида идора ишларини марказлаштириш йўлидаги уринишлар. Казимир Буюк ва Кичик Польшани, Краков ва Куявияни ўз қўлида бирлаштириб, сўнг Галицияни ва Волиннинг бир қисмини ҳам қўшиб олди. Поляк панлари ва поляк католик черкови бу рус областларида йирик ер-мулклар олдилар, шу тариқа Шарқда поляк колонизацияси полосасини очиб бердилар. Казимир III даврида поляк ерларини қайтадан қўшиб олиш тугалланмасдан қолган эди. Поморьени Немис ордени эгаллаб олган эди, Силезия эса Герман империяси составига кирган герцогликка айланган эди. Шарқий поляк ерларидан Мазовия бирлаштирилмай қолиб келарди¹.

Казимир ички ҳаётда марказлаштириш сиёсатини ўтказишга ҳаракат қилди. У марказий идора аппаратини қайтадан ташкил қилиб, унга ўрта шляхта вакилларини тортди, шунингдек, областларга алоҳида губернаторлар — оқсоқоллар тайинлаш йўли билан уларда янги идора усулини белгилади.

Казимир даврида Польшада биринчи марта Буюк Польша ва Кичик Польша учун алоҳида-алоҳида суд қонунлари тўплами нашр этилди. Бунгача поляк-немис шаҳарлари апелляция учун герман шаҳар судларига (Магдебургда ва бошқаларга) мурожаат этардилар, Казимир даврида бу ҳуқуқ ўз кучини йўқотди. Немис ҳуқуқининг Краков олий суди шаҳарлик немисларнинг ишларини қарайдиган олий суд деб тан олинди.

Казимир савдога ҳомийлик қилди, йўллар қурдирди, танга зарб қилиш ишларини тартибга солди. Унинг даврида кўпгина қишлоқлар шаҳарларга айланди; эски шаҳарлар қайтадан қурилди ва кенгайтирилди. Польша короллигининг пойтахти бўлмиш Краковда 1364 йилда Казимир университет таъсис этди, бу университетнинг вазифаларидан бири короллик идораси ва суди учун юристлар тайёрлаш эди.

Казимирнинг бутун ҳукмронлик қилган даври йирик панлар билан узлуксиз шиддатли курашда ўтди. 1352 йилда король панларнинг қуролли иттифоқини (конфедерациясини) янчиб ташлади. Уларнинг саркори пан Беркович король томонидан авахтага солинди ва у ерда очдан ўлдирилди. Казимир қуллик асоратига туширилмаган кмейтейларни сақлаб қолишга интилиб, алоҳида фармонларда уларнинг молу мулки даҳлсиздир, деб эълон қилди. Қочоқ крестнойларни тутиб келиш муҳлати бир йил қилиб чекланди. Казимирни ёмон кўрадиган, аламзада йирик зодагонлар уни мужиклар короли, «малайлар короли» деб масхара қиладиган бўлдилар. Аслида Казимирни шляхта короли деб атасалар тўғрироқ бўларди. Король биринчи навбатда феодалларнинг ана шу ўрта ва майда табақасига таяниб иш кўришга уринган эди.

¹ Мазовия фақат 1526 йилга келиб поляк тож-тахтига қўшиб олинган эди.

Пястлар династиясининг тугаши. Панлар ва шляхта имтиёзларининг ўсиши. Казимир III даврида король ҳокимиятининг кучайиши омонат бўлди. Энг муҳими шу эдики, поляк королларини шаҳар учинчи тоифаси қўллаб-қувватламай қўйди. Панлар ва шляхта тобора кенг тоифавий ва сиёсий имтиёзларга эга бўлдилар. Эски поляк Пястлар династиясининг тугаши ҳам феодалларнинг кучайишига ёрдам берди. Фарзандсиз Казимир III вафот этгандан кейин поляк тож-тахти унинг қариндошлари қўлига, яъни Венгрия короли Людовикка ўтди. Людовик поляк тахтига король қилиб сайлангани учун панларга Кошицкий имтиёзлари деб аталган ёрлиқлар улашди (1374 й.). Бу имтиёз ёрлиқларига мувофиқ панлар ва шляхта «гроша» деб аталган кичик солиқдан ва короллик ичида қисқа муддатли ҳарбий хизмат ўташдан ташқари, королнинг деярли барча мажбуриятларидан озод этилган эдилар. Людовик Венгерский ўлгандан кейин (1382 й.) Польшада бир неча йил сурункасига ҳеч қанақа король бўлмади.

1386 йилда королликка сайланган Литва князи Ягайло (полякча Ягелло) Людовик Венгерскийнинг қизи Ядвигага уйланди ва Владислав II номи остида деярли эллик йил (1386—1434) давомида поляк короли бўлиб турди. Польшанинг Литва билан 1386 йилда тузган (унияси) иттифоқи Польша учун жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Иттифоқ тузилиши туфайли Польша билан Литванинг бирлашган кучлари Тевтон (Прусс) орденига қарши биргаликда ҳарбий ҳаракатлар бошлаб, уни яқсон қилиб ташладилар. Иккинчи томондан, Литва-Польша иттифоқи поляк панларининг Шарқда рус ерларини мустаамлака қилиб босиб олиш йўли билан ўз мулкларини кенгайтириш бобидаги уринишларига олиб келди. Поляк панларининг Шарқдаги агрессив сиёсати уларнинг феодаллик куч-қудратини янада мустаҳкамлашга ва кенгайтиришга ёрдам берди ва, пировардида, король ҳокимиятини яна кўпроқ заифлаштирди. Ҳаммадан кўра кўпроқ ўзининг династиясини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган иродасиз ва лавашанг Ягайлониинг ўзи панларга янгидан-янги имтиёзлар бериб, худди шу руҳда яна бир қанча янги «имтиёзлар» босиб чиқарди. 1422 йилдаги Червин имтиёзи (1422 й.) феодалларнинг ер-мулкларни даҳлсиз эканлигини гарантйялаб берди (поместъеларни король фақат суд йўли билангина мусодара қилиши мумкин эди). Ягайло Едлин-Краков имтиёзида (1430—1433) суд қилмай туриб ва қонундан ташқари зодагонлардан ҳеч кимни қамоққа олмасликка ваъда берди.

Прусс орденининг тор-мор этилиши ва Пруссиянинг тобе қилиниши. XIV аср ўрталаридан орқага кета бошлаган немис-прусс ордени, XIV аср охири ва XV аср бошларида ҳам Польша чегараларига ҳужум қилишларини ҳамон тўхтатмаган эди.

¹ Креве унияси деб аталган уния Креве шаҳари номидан олинган бўлиб, у 1385 йилдаёқ имзоланган эди. Уния 1386 йилдан кучга кирган.

Аммо, юқорида кўрсатиб ўтилганидек¹, 1410 йилда Грюнвальд ёнидаги жангда немис рицарлари тамомила мағлубиятга учрадилар. Ягайло ва унинг амакиваччаси Витовт (Литва-рус князлигини бошқарган одам) бошчилигидаги поляк, литва ва рус полклари, таборийларнинг бўлажак раҳбари Ян Жижка иштирокида бу жангда немисларга шу даражада қаттиқ зарба етказдиларки, орден эндиликда ўзининг қаддини ростлай олмади. Дуруст, 1410 йилдан кейин орден дарҳол ўз мустақиллигини йўқотгани йўқ. Бранденбургнинг аралашуви туфайли орден ҳали давлатлик ҳолатини сақлаб қолган бўлса-да, лекин Польшага баъзи бир территория жиҳатдан ён беришга ва унга анча миқдорда товон тўлашга мажбур бўлди. Аммо XV асрнинг 50-йилларида уруш яна қайтадан бошланиб кетгач, орденнинг ўз мулкларини мудофаа қилишга қурби етмаслиги маълум бўлиб қолди. Уруш 13 йил, яъни 1453 йилдан то 1466 йилгача давом қилди ва орденнинг тамомила таслим бўлиши билан тугади. 1466 йилги Торун сулҳига кўра, Польша Шарқий Поморье билан Хелмин ерини ҳамда Ғарбий Пруссияни қўлга киритди. Шундай қилиб, Польша яна Болтиқ денгизига чиқди. Бироқ орден бу сафар ҳам мулкларининг бир қисмини сақлаб қола билди. Пойтахти Кенигсберг бўлган Шарқий Пруссия орден гроссмейстри идораси остида қолдирилди, лекин у Польша королига вассал қарам бўлиш шарти билан қолдирилди.

Нешава статутлари. Сейм вакиллигининг бошланиши. Владислав (Ягайло)нинг ўғли Казимир IV (1447—1492)² даврида орден тор-мор этилди. Орден билан урушнинг боришида Казимир IV шляхтага анча катта ён беришга мажбур бўлди. Шляхтанинг бу сафарги чиқишига панларнинг ҳаддан ташқари зўравонлик қилишидан рицарларнинг норозилиги сабаб бўлди. 1454 йил кузида агар король шляхтанинг азалги эркинликларини тасдиқлаб, унга яна янги эркинликлар бермаса, шляхта лашкарлари урушни давом қилдирмаймиз, дедилар. Шляхта кўзғолони натижасида Казимир IV Нешава статутларини чиқарди. Нешава статутлари можновладствони анча чеклаб қўйди. Бу статутлар давлатга қарашли ерларни панлар томонидан босиб олинishiни ман қилди, панлар бу вақтгача король доменини бемухлат ижарага олиб келардилар. Панлар айна замонда бир неча мансабни ўз қўлларида тўплай олмасдилар. Шляхта маҳаллий суд-маъмурий аппаратга кириб олиш имконига эга бўлди. Аммо статутларнинг энг муҳим моддаси шундан иборат эдики, бундан кейин королликда янги қонунлар «умум земский сеймида» шляхта томонидан ифода этилган тарзда, шу шляхтанинг розилиги олингандан сўнггина чиқарилади. Шляхта ўзи учун ён бериш-

¹ «XIII XV асрларда Германия» деган XXI бобга қаралсин.

² Унгача 1434—1444 йилларда ҳукмронлик қилган Ягайлонинг катта ўғли — Владислав III туркларга қарши қилинган салиб юриши вақтида Варна шаҳари ёнида ҳалок бўлган эди. Шундан кейин уч йил давомида Польшада ҳокимиятсизлик даври ҳукм сурди.

ларга эришган бўлса-да, бироқ қолган бошқа аҳолига қандайдир ҳуқуқлар берилишидан у тамомила манфаатдор эмас эди. Шаҳар вакилларининг сеймларда қатнашиши масаласи ҳатто кўтарилгани ҳам йўқ. Нешава статутлари қочоқ деҳқонларни аввалги эгаларига қайтаришни буюриб, крепостной деҳқонларнинг аҳволини баттар ёмонлаштирди. Нешава статутлари дворянларнинг тор сиёсий тузумига асос солиб берди. Дворянларга хос бу тор сиёсий тузум келажакда ривож топиб, у ўзига хос шляхта дворянлари республикаси шаклини олди ва унга номигагина сайланадиган король бошчилик қиладиган бўлди.

XV асрнинг иккинчи ярми мобайнида Польшада шу мамлакатнинг ўзига хос бўлган тор тоифавий вакиллик, яъни феодалларнинг бир ўзидангина иборат бўлган вакиллик узил-кесил шаклланади. Айрим областларда — «ерларда» шляхтанинг маҳаллий съездлари (сеймчилари) тўпланиб, улар маҳаллий масалалардан ташқари, янги солиқлар солиш масаласини ҳам ҳал қиладилар. XV аср охирига келиб Польшада бутун мамлакат учун умумий бўлган сейм, яъни эркин сейм деб аталган сейм вужудга келди. Эркин сейм ўз навбатида икки палатадан: олий — «тож-тахт радаси» (ёки сенат) ва қуйи — «элчихона» деган палаталардан ташкил топган эди. Олий палатада можновладцилар, яъни энг йирик панлар ва прелатлардан¹ иборат катта амалдорлар (вельможалар) мажлис қиладилар, қуйи палатада шляхта вакиллари бўлиб, улар ўзларининг маҳаллий сеймлари номидан элчилар сифатида чиқиб гапирардилар. Шаҳарликлар сеймда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас эдилар.

Крепостной ҳуқуқнинг кучайиши. XV аср охирида шляхта сиёсий ён беришларга эришиш билан бир вақтда, бир қанча муҳим ижтимоий-иқтисодий имтиёзларни қўлга киритди. 1496 йилдаги Петроков статутига кўра, шляхта қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чет элларга божсиз чиқариш ҳуқуқини олди. Шляхтага спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотишни монополия қилиб олиш ҳуқуқи берилди. Петроков статутига кўра, деҳқонлар аҳволи, аксинча, яна баттароқ ёмонлашди. Қочоқ крепостнойларни қидириб топиш энди ҳеч қанақа муҳлат билан чекланмади. Деҳқонларга помещчиклар устидан шикоят қилиш ман этилди. Ғалла, чорва моллари, ёғ, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш ўсиб борганлиги муносабати билан бутун Польшада баршчина хўжалиги авж ола борди. Бундай шароитда Польшада крепостной ҳуқуқ ўрта асрлар охирига келиб йўқолиш у ёқда турсин, балки янада кучайди. Бу билан поляк деҳқонлари ва бошқа миллатларнинг деҳқонлари поляк помещчикларига қарам бўлиб, белорус, украин

¹ Прелатлар — католик черковидаги олий руҳоний шахслар номи: бу ном епископлардан ташқари, яна собор капиталари гъзоларини (епископнинг анархияни бошқарадиган маслаҳатчилари) ва энг йирик монастырларнинг, аббатларини билдиради.

ва литва деҳқонларининг турмуш шароити жуда оғир бўлиб қолди.

XIV—XV асрларда Польша маданияти. Поляк ерларининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирлашиши, поляк шаҳарларининг ўсиши, поляк халқининг таркиб топиши оқибатида поляк маданияти юксалди. Университет ва олимлар тили, шунингдек, черков тили бўлиб келган латин тили билан бир қаторда, поляк тили ҳам ривожланди. XIV—XV асрларда бир қанча асарлар энди ана шу тилда ёзилди. Краков университетининг профессори ва ректори Якуб Паркош «Поляк орфографияси» тўғрисида деган махсус трактат ёзди. Бу вақтга келиб, поляк тили муайян грамматик қоидаларни ишлаб чиққан адабий тил эканлигини кўрсатган эди.

XIV асрнинг иккинчи ярмида таъсис этилган Краков университети XV асрда турли фанларнинг вакиллари бўлмиш бир қанча ажойиб олимларни етказиб берди. Краков университети ўзининг юридик факультети билан шуҳрат қозонган эди. Ян Остророг (1436—1501) XV асрнинг атоқли юристи бўлиб, у гуманистларнинг таъсирини ўзидан мужассамлаштирган йирик давлат арбоби эди. Остророг «Речь Посполитаянинг қурилиши ҳақида мемориал» деган латин тилидаги асосий асарини 1477 йилдаги сеймга тақдим этган эди. Бу асарда Остророг Польшада король ҳокимиятини кучайтириш зарурлиги ҳақидаги, черков имтиёзларини чеклаш ҳақидаги, мустақиллик, жумладан, королнинг пападан мустақил бўлиши кераклиги ҳақидаги ғояларни ривожлантиради, қудратли дунёвий феодаллар (панлар) ҳам оддий фуқаро билан баб-баравар, королга бўйсуниларли лозим, дейди.

Лекин Краков университети XV асрда математикага ҳам, шунингдек, астрономияга ҳам катта эътибор берди. Машҳур Николай Коперник ана шу университет даргоҳидан етишиб чиққан, бироқ унинг илмий фаолияти асосан XVI асрга олдир.


Бу даврдаги энг йирик поляк тарихчиси Ян Длугош (1415—1480) ҳам ана ўша Краков университети талабаси бўлиб, у ўз умрининг кўпчилиги қисмини Краков шаҳарида ўтказган. Унинг «Польша тарихи» (*Historia Poloniae*) номли уч томлик (12 китоб) асари кўп миқдордаги қадимий йилнома ва хроникаларни ўрганишга асосланган катта бир асардир. Длугош энг қадимги замонлардан бошлаб юз берган воқеаларни баён этади, асарнинг бир қисми афсонавий материални, қадимий ривоят ва достонларни қайта ҳикоя қилади. Воқеа то 1480 йилгача, яъни тарихчининг вафот этган йилигача етказилади. Шуниси диққатга сазовордирки, Длугош рус йилномалари билан таниш бўлган, бу йилномаларни ўқиш учун у рус тилини ўрганган. Длугош жонли ва қизиқарли тилда ёзган. Унинг асари чуқур ватанпарварлик руҳи билан сўғорилган. Длугош энг йирик жанглари, жумладан, Грюнвальд ёнидаги буюк жангни айниқса жонли тилда қизиқарли қилиб тасвирлаган.

XI—XV АСРЛАРДА ВЕНГРИЯ

Венгрия давлатининг ташкил топиши. Венгрия давлати IX аср охирида Жануби-Шарқий Европада ташкил топди. Венгрлар ёки можорлар, фин-угор тил гуруҳига мансуб халқ бўлиб, улар Шарқдан, Азов денгизи бўйи — Дон даштларидан Дунай дарёси бўйига келганлар (илгари улар ундан ҳам нарироқда, Жанубий Урал тоғ этакларида яшаганлар). Уша вақтда венгрлар ҳали кўчманчи-чорвадорлар бўлиб, уруғ-қабилачилик ҳаётининг хусусияларини жуда равшан сақлаб қолганлар. Венгрлар етти қабиллага (ёки ўрдага) бўлинганлар, қабилалари эса уруғларга тақсимланган (жамн бўлиб 108 уруғ мавжуд бўлган). Венгрларнинг ҳаёт образи кўпроқ осиелик кўчманчиларнинг ҳаётини эслатиб турарди. Гўшт билан сут уларнинг асосий овқати бўлган. Эркаклар кўпчилик вақтини чавандозликда ўтказган. Турли қабилаларнинг бошлиқлари орасида Альмош ва Арпад айниқса ажралиб турганлар, улар раҳбарлигида венгрлар Урта Дунай территориясини, яъни қадимий Паннония билан Тисса дарёси районини истило қилганлар¹. Венгрлар турли қабилалардан ташкил топган маҳаллий аҳолини сиқиб чиқарганлар ёки ўзларига қарам қилиб олганлар, бу аҳоли эса германлашган кельтлар, романлашган даклар, турли славян қабилалари ва бошқалардан иборат бўлган.

Венгрлар X аср мобайнида гарчи деҳқончилик қилишга кўчган бўлсалар-да, лекин чорвачилик билан ҳам кенг миқёсда шугулланганлар. Уларнинг ҳарбий тузуми ҳамон ривожланиб борган. Венгр отличлари ўзларининг ҳужумлари билан Ғарбий Европада барчага даҳшат солганлар. Венгрлар Шимолий Италияни, Провансни, Шарқий Францияни, Жанубий ва Ғарбий Германияни пайҳон қилганлар ва талаганлар. Саксония династиясига мансуб немис короллари — Генрих I Қушвоз ва Оттон I гина венгрларни янчишга муяссар бўлганлар (бу жанглар 933 ва 955 йилларда Мерзебург шаҳри ёнида ва Лех дарёси бўйида бўлган). Шундан сўнг венгрлар Ғарбга ҳужумлар қилишни тўхтатиб, ўтроқликка ўтганлар ва улар орасига христианлик кира бошлаган. Венгрлар маҳаллий славянлардан деҳқончилик техникасини, уй ҳайвонлари урчитишни, деҳқон қўралари қуришни ва доғли экинлар экишни ўрганиб олиб, зўр бериб деҳқончилик қиладиган бўлганлар. Славянларнинг уй ҳаётига, деҳқончиликка, боғдорчиликка, поллизчиликка, ҳунармандчиликка, оилавий ҳаётга ва жамоат тартибларига оид кўпгина сўзлари венгр тилига келиб кирган. XI—XII асрларда венгрларда феодализм муносабатлар ривожланган, қисман бунга сабаб венгрлар

¹ Венгрларнинг Дунай пасттекислигини истило қилиши ўнлаб йил (техниканан 889—898 йиллар) давом этган.



XI—XIII асрларда Венгрия

билан аста-секин қўшилишиб кетган маҳаллий славянлар ижтимоий тузумининг бевосита таъсири бўлса, иккинчи томондан, Ғарбий Европа феодализмнинг, хусусан герман феодалларининг ҳам қисман таъсир кўрсатганлигидир.

Венгрларнинг Арпадлар уруғидан чиққан бош князи Стефан I (венгрча Иштван 997—1038) қарийб 1000- йилда пападан короллик титулини олди. Стефан даврида христианлик узил-кесил давлат дини деб эълон қилинди. Мамлакат маъмурий округларга (комитетларга, яъни графликларга) бўлиниб, бу округлар теласида ишпанлар (славянча «жупан» сўзининг ўзгаргани) турардилар. Ишпан лашкар чақирар, короллик фойдасига солиқлар тўплар ва суд ишларини бажарарди. Бутун Венгрия бўйлаб кўпдан-кўп қасрлар қурилди; одатда энг йирик қасрлар ишпанининг резиденцияси бўлиб ҳам хизмат қиларди. Бундай қасрларнинг бир қисми тез орада шаҳарларга айланди.

XII—XIII асрларда Венгрияда феодаллашиш жараёни. XII—XIII асрларда Венгрия батамом феодал давлатга айланди. Шуниси характерлики, фақат қуйи халқ оммасигина эмас, балки эски патрархал-уруғчилик анъаналаридан ҳали қутулиб ет-

май, улар билан дарҳол алоқасини узмаган венгр аристократиясининг бир қисми ҳам феодализмга нисбатан узоқ вақтгача кескин оппозицияда бўлди. Феодализмга қарши бўлган норозилик бир қанча қўзғолонлар ва ўзаро урушларда яққол ифодаланди, XI аср мобайнида венгрияда янги, христиан динига қарши эски, мажусийлик динини қувватлаш учун кураш байроғи остида ана шу юқоридаги қўзғолон ва ўзаро урушлар бўлиб ўтган эди. Фақат XI аср охирига келиб католик черкови, Ғарбий Европага нисбатан чекка ўлка ҳисобланган ва этник состави жиҳатидан унга ёт бўлган бу королликда ниҳоят, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Европа феодалларининг сиёсий кўмағига муҳтож бўлган венгр короллари фақат немис руҳонийларининггина эмас, балки немис рицарларини ҳам хизматга тортиб, уларнинг ҳар иккаласига катта-катта ерлар инъом қилди. XII—XIII асрларда Дунай ва Тисса дарёларининг энг унумдор текисликларида венгр зодагонлари, яъни венгр баронлари ва епископларининг кўпдан-кўп йирик поместьялари, шунингдек, майда рицарларнинг жуда кўп мулклари вужудга келтирилди. Франкларда бир вақтлар граф мансаби бўлгандек, венгрларда ишпан мансаби ҳам феодаллаша борди. Бу мансаб ворисдан-ворисга ўтадиган бўлди. Бу мансаб билан алоқадор ерлар феодал-магнатларнинг мерос ерларига айланди. Венгрларнинг кўп сонли урушлари маҳалида бошқа юртлардан ҳайдаб олиб келинган деярли қўллардан ташкил топган крепостной деҳқонлар сафи, эндиликда, хонавайрон бўлган эркин венгр жамоатчи деҳқонлар ҳисобидан тобора кўпроқ тўлдирила борди. Феодаллар ўзларига қарашли унумдор ерлардан мумкин қадар қулайроқ фойдаланишга интилишлари муносабати билан Венгрия крепостной ҳуқуқ инсонни айниқса шафқатсизлик билан эксплуатация қиладиган бир мамлакатга айланди. Европадаги жуда кўп салиб юришларида қатнашган, Шарққа Венгрия орқали ўтган салибчилар ўз томонларидан Венгриянинг иқтисодий жиҳатдан жонланишига ёрдам қилдилар. Венгрияда шаҳарлар ва ҳунармандлик ривожланди. Венгр буғдойи, чорваси, гўшти ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўплаб ва фойдали нархларда сотиладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси крепостной зулминини кучайтиришга ва крепостнойлар сонини кўпайтиришга олиб келди.

Бу давр ичида Венгрия ўз мулкларини анча кенгайтирди. Венгриянинг ўзига қарашли асосий мулклар ёнига шарқда — Трансильвания ва Закарпатия Руси, жанубда — Хорватия ва Далмация, сўнгра Босния ҳам қўшиб олинди. Венгрия Адриатика денгизига чиқиш имкониятига эга бўлди. Венгрия короллари Болкон ярим ороли ишларига аралашадиган бўлиб қолдилар. Венеция ва Византия билан олиб борилган давомли урушлар Венгриянинг деярли бутун ана шу даврдаги ташқи сиёсатини характерлаб беради. XIII асрда Венгрия Шарққа қилинган салиб юришларида (бешинчи салиб юришида) актив қатнашди.

Айни замонда венгр короллари қўшни Галич-Волинь князлигини эгаллашга ҳаракат қилдилар (венгр йилномаларида — Лодомерия дейилади, бу рус шаҳари Владимир Волинский деган номдан келиб чиққан).

1222 йилги Олтин булла. Венгр королларининг ҳарбий соҳада эришган ютуқларига қарамай (шу билан бирга, бир қанча катта-катта муваффақиятсизликлар ҳам бўлган эди), феодал тузум мустаҳкамлана бориши ва йирик ер эгаллиги тантана қилиши билан уларнинг мамлакат ичкарисидаги ҳокимияти жуда заифлашиб қолган эди. Король Андрей II (Андраш)нинг Шарққа қилган муваффақиятсиз юриши (бешинчи салиб юриши пайтида) ва Галич-Волинь князлиги билан бўлган курашда енгиллиши рицарларнинг ва йирик феодал-баронларнинг катта бир қисмининг королга қарши қўзғолон кўтаришига олиб келди. Қўзғолон кўтарган феодалларга таслим бўлишга мажбур бўлган Андрей II (бу вақтда мамлакатнинг бир қанча жойларида деҳқон ҳам бош кўтариб чиққан эдилар) 1222 йили муҳим бир сиёсий ҳужжатга имзо чекди. Бу сиёсий ҳужжат — Олтин булла¹ ном билан машҳур бўлган ҳужжат эди.

Англияда Буюк эркинликлар хартияси чиқарилгандан кейин, орадан озгинагина вақт ўтгач, пайдо бўлган Олтин булла умуман феодалларнинг ўша аввалги тенденциясини акс эттирди, яъни унда: феодалларнинг тоифавий ҳуқуқ ва имтиёзларини юридик томондан мустаҳкамлаш, король ҳокимияти устидан донмий назоратни таъминлаш, агар король берган ваъдаларига риоя қилмагундай бўлса, унга қарши феодал уруши бошлашгача бўлган ҳуқуқ кўрсатилган эди. 1215 йилги инглиз баронларига ва 1454 йилги поляк панларига ўхшаш, венгр магнатлари баъзи бир бандларда рицарларга анча-мунча ён берган эдилар. Рицарлар маҳаллий ўзини-ўзи идора қилиш бошқармасида («комитат жамоаси»да) анча таъсирга эга бўлдилар; рицарларнинг бевоҳиша бошлиқлари бўлмиш ишпанларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилди, рицарлар солиқлардан озод қилиндилар, уларнинг ерлари эса мерос ерлар деб тан олинадиган бўлди. Ҳар йили йиғилиши лозим бўлган Венгрия сеймида рицарлар ҳам қатнашадиган бўлдилар, қатнашганда ҳам чекланмаган миқдорда вакиллар юбора олардилар.

Бироқ зодагонлар майда феодалларга бунчалик ён берсаларда, лекин улар королликнинг сиёсий ишларида ўзларининг асосий раҳбарлик таъсирларини асло қўлдан чиқариб юбормадилар. Бу вақтга келиб комитатларда ҳарбий хизмат ўтовчи Венгриянинг қолган-қутган эркин деҳқонлари ҳаракати Олтин буллада бир қадар ўз ифодасини топган эди. Булар аҳолининг бу

¹ Олтин булла — ўрта асрлар даврида бошқа мамлакатларда ҳам учрайдиган ҳужжатларнинг номи, ҳужжат эътиборли бўлсин деб унга олтин муҳр босилгани учун шундай деб аталади. Германияда 1356 йили қабул қилинган Олтин булла билан уни таққосланг.

категориясига шахсий эркинликни сақлаб қолишга ва ишпанлар зулмидан уларни ҳимоя қилишга ваъда берган эди. Аммо мамлакат асосий аҳоли оммасининг, яъни крепостной деҳқонларнинг аҳволи масаласида булллада лом-мим дейилмаган эди. Шу билан бир вақтда Олтин булла худди шу вақтда ҳали заиф ривожланган ва аҳолисининг кўпроғи ажнабийлардан—немислардан, қисман италянлардан иборат аҳолиси бўлган шаҳарларга ҳеч қанақа ён бермаган эди. Унинг бу масаладаги тор дворянлик характери полякларнинг Нешава статутлари мазмунига бусбутун тўғри келади. Польшада бўлгани сингари, Венгрия сейми деҳқонлар ҳам, шунингдек, шаҳарликлар ҳам қатнашмайдиган феодалларнинг тор доирадаги тоифавий бир йиғини бўлиб қолаверди.

Мўғул-татарлар ҳужуми ва унинг оқибатлари. 1240—1241 йилларда Венгрия катта офатни бошидан кечирди. Киевни истило этгандан кейин Боту 1240 йил охирида жуда катта лашкар билан Венгрияга босиб кирди. Сайё дарёси бўйида (унинг Тиссага қуйиладиган жойида) Боту венгрларнинг анча катта қўшинини тор-мор қилди. Шундан кейин ўша маҳалда Венгриянинг энг йирик шаҳарлари ҳисобланган Пешт билан Гран мўғуллар тэмонидан таланди ва шаҳарларга ўт қўйиб юборилди. Король Бела IV сарой аъёнлари ва қолган-қутган қўшини билан Далмацияда яширинди. Аммо Боту Венгрияда узоқ вақт қололмади. Русларнинг татарлар ҳукмронлигига қаршилик кўрсатиши уни кучларни бўлиб ташламай, балки уларни рус ерларига қарши фақат Шарқий Европада бир жойга йиғишга мажбур этди.

Мўғул-татарлар ҳужуми, қисқа вақт давом этган бўлишига қарамай, Венгрияга катта зиён-захмат етказди. Татарлар кетгандан кейин мамлакатининг катта қисми батамом чўлу биёбонга айланди. «Сайёҳ отда икки ҳафта йўл юрса ҳам, бирор-бир қимирлаган жонни учрата олмасди»,—деб ёзган эди ўша замондаги воқеанавислардан бири. Венгрияда мўғул-татарлар ҳужумининг ижтимоий оқибатлари, бир томондан, венгр деҳқонларининг яна кўпроқ хонавайрон бўлиши ва қуллик асоратига туширилиши бўлса, иккинчи томондан, немис колонизациясининг кучайиши бўлди (бу ҳол бунгача давом қилган бўлсада, лекин эндиликда у янада илдиз отади). Кўпроқ Бовариядан, қисман Саксониядан кўчиб келган немис муҳожирлари Венгрияда бўш ётган катта-катта ерларни эгаллайдилар. Немис колонистларининг кўплари Трансильвания тоғ этакларига кўчиб келиб ўрнашиб, у ерда турли хил рудалар (айниқса кумуш) қазиб чиқариш ишларига ёрдам бердилар. Биз Чехияда ва Польшада кўрганимиздек, Венгриядаги немис колонизацияси ҳам ўзи билан бирга худди ўшандай хатарли оқибатларга олиб келди. Венгрия ёш немис ёки ярим немис аҳолиси истиқомат қиладиган шаҳарга эга бўлди. Венгрия аҳолиси этник жиҳатдан анча қуроқлашди, хусусан, Трансильванияда тўпланган немис колонистлари кончилик, ҳунармандлик ва савдо-сотик ишларини


ўз қўлларига киритиб олдилар. Бу ҳол Венгрияда учинчи (шаҳар) тоифасининг шаклланиш жараёнини яна кўпроқ тўхтатиб қўйди, венгр феодалларининг сиёсий зўравонлигини абадийлаштирди.

XIV—XV асрларда Венгрия. Венгрияда Арпадларнинг маҳаллий династияси 1301 йили тугаши билан бу ерда бир оз вақт подшосизлик даври ҳукм сурди. Фақат 1308 йилга келиб Италия-Анжуй династиясига мансуб Карл Роберт Венгрия тахтига король қилиб сайланди. Карл Робертнинг тахт вориси Людовик Анжуйский (венгрча Лайош) даврида (1342—1382) янги династия айниқса қудратли бўлиб кетди. Людовик бир қанча вақт Польша тахтини (1370 йилдан) ҳам эгаллаб турди. Анжуй династияси замонида Венгрия хўжалик соҳасида бир қанча ютуқларга эришди. Қимматбаҳо металллар — кумуш ва олтин қазиб чиқариш кўпайди, аввалги шаҳарлар ўси ва кўпгина янги шаҳарлар бунёдга келтирилди, бу шаҳарларнинг бир қисми кейинчалик анча катта саноат ва савдо марказларига айланди. Дунай дарёсининг ҳар иккала қирғоғидаги икки йирик шаҳар — Пешт ва Буда—ўзининг катталиги ва аҳолисининг гавжумлиги билан ўша маҳаллардаёқ бу ерга келган сайёҳларни ҳайратда қолдирган эди. Трансильвания шаҳарлари (Семиградье) кон саноатининг муҳим марказлари эди. Мамлакатни Марказий, Шарқий ва Жанубий Европа билан боғлайдиган кенг транзит савдоси Венгрия орқали ўтар эди. Қимматбаҳо металллар қазиб чиқариш, шаҳарларнинг ўсиши ва шу муносабат билан давлат молия ишларининг мустақамланиши Анжуй династияси королларига ўз ҳокимиятларини кучайтириш имкониятини берди. Короллар сеймларни чақирмай қўйдилар ва ўз амалдорларининг ҳокимиятини кучайтирдилар. Бироқ 1351 йили Людовик Олтин булланинг дворянларнинг сеймларини чақириб ҳақидаги моддасини тасдиқлаш лозим бўлди. Венгриядаги ерларнинг эгалари биргина дворянларнинг ўзлари бўлишлари мумкин, деган декрет чиқарди. Дворянларнинг ерлари давлат қарамоғига олинмасин, деб эълон қилинди. Деҳқонларга ер эгаларининг рухсатисиз бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш ман этилди.

Анжуй династияси даврида Венгрия қўшни мамлакатларга ўз таъсирини кучайтирди. Людовик замонида Венгрия билан династик унияда бўлган Польшага таъсир қилишдан ташқари, Венгрия XIV асрда Сербиянинг бир қисмини (Дунай бўйини ёки Қуйи Сербияни) ўзига қарам қилиб олди, шунингдек, Молдавия ва Валахияни протекторат ҳуқуқларида эгаллади (кейинчалик, яъни XIX асрда, бу икки князликдан ҳозирги Руминия ташкил топди)¹.

Людовик Италия мулкларини ҳам Венгрияга қўшиб олишни хаёл қилар эди, Италия мулкларини ўша Анжуй династияси вакиллари идора қилардилар. Шу мақсадда у Италияга икки

¹ XIV асрда ҳамда XV асрда Словакия ҳам Венгрияга узил-кесил қўшиб олинган эди.



XIV—XVI асрларда Венгрия

марта юриш қилди, лекин ҳар иккала юриш ҳам муваффақиятсиз бўлди. «Улуғ Венгрия» ҳақидаги ҳаёл амалга ошмасдан қолди. Аксинча, Людовик вафот этгандан кейин унинг мулклари тез тарқалиб кета бошлади. Венгрларнинг ўзлари озчилик бўлган турли қабила халқларидан ташкил топган, шаҳар савдоси ва саноати баъзи бир ютуқларга эришган бўлишига қарамай, умуман, типик деҳқончилик мамлакати ҳолатида қолиб келган (саноат умуман заиф ривожланган эди), лекин ҳокимиятни феодаллар монополия қилиб олган Венгрия узоқ вақтгача катта ва сиёсий жиҳатдан кучли давлат бўлиб қола олмади. Унинг юксалиши муваққат характерга эга эди.

Халқаро вазият ёмонлашиши билан (Польшанинг Венгриядан ажралиб чиқиши, туркларнинг Болқон ярим оролидаги муваффақиятлари, бутун Адриатика денгизи соҳилини эгаллашга ва, жумладан, Далмация шаҳарларини босиб олишга ҳаракат қилган Венеция республикаси билан муносабатларнинг кескинлашиши) Венгрия аҳволини шу қадар хавф-хатарга солиб қўйдик, у асл венгр ерларини ажнабийлар ҳужумидан мудофаа қилиши лозим эди. Венгрияга турклар даҳшатли хавф-хатар

солиб турардилар, пировардида венгрлар бу хавф-хатарни бар-тараф қила олмадилар. Венгр феодаллари турклар билан тўқнашиш муқаррарлигига кўзлари етиб, улар 1382 йили Карл IV нинг кенжа ўғли Сигизмундни Венгрия қироли деб тан олдилар (Сигизмунд Людовикнинг қизи Марияга уйланган эди). Кейинчалик Германия императори қилиб сайланган, шунингдек, Чехия тож-тахтига кўз олайтирган Сигизмунд ўз қўлида жуда кўп моддий ресурсларни бирлаштирди. У туркларга зарба бера оладигандай бўлиб кўринди. Бироқ 1396 йилда туркларга қарши юриш муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Бирлашган немис, венгр, чех ва француз кўшинлари Никополь ёнида тор-мор этилди. Сигизмунднинг ўзи аранг қутулди, у Италия орқали айланма йўллар билан уйига қайтди.

XV аср мобайнида венгр зодагонлари династияни бир неча марта алмаштирдилар. Тож-тахт гоҳ немис Габсбургларига, гоҳ поляк Ягеллоларига ўтди. Масалан, 1443 йилда венгр тахтига поляк қироли Владислав III таклиф этилди, у бирлашган поляк-венгр кўшини билан 1444 йилда туркларга қарши юриш қилди. XV асрнинг иккинчи ярмида Янош Хуннаданинг ўғли маҳаллий феодал Матвей (Матьяш) Корвин (1458—1490) қороль қилиб сайланди. Янош Хуннада эса турклар устидан қилган ғалабалари билан шуҳрат қозонган эди. Матвей Корвин бир оз вақт қороль ҳокимиятининг обрў-эътиборини кучайтирди. Урта ва майда рицарларга таянган ва шаҳарларни қўллаб-қувватлаган (унинг даврида шаҳарларнинг вакиллари сейм составига киритилган эди) Матвей зодагонларнинг беҳуда ҳаракатларини бир қадар чеклаб қўйган эди. У немис Габсбурглари билан муваффақиятли урушлар олиб борди ва жаңубий чегараларни турклардан пухта мудофаа қилди. Матвей Корвин даврида венгрларда гусарлардан иборат энгил қуролланган махсус отлик кўшини ташкил этилди, гусарлар қоролдан мунтазам равишда маош олиб турардилар. Гусарлар жангда чаққон ҳаракатлари ва мардона ҳужум қилишлари билан бошқалардан фарқ қилардилар. Аммо қороль ҳокимияти вақтинча мустақамланган эди. Ягеллолар династиясига мансуб бўлган бундан кейинги қороллар, яъни Владислав ва Людовик II замонларида зодагонлар ҳокимиятини яна ўз қўлларига киритиб олдилар ва улар Венгрия давлати учун тамомла ҳалокатли сиёсат олиб бордилар ҳамда бу сиёсат тезда Венгрия мустақиллигини йўқотишга олиб келди.

Куруцлар кўзғолони (1514 й.). XV аср охири — XVI аср бошларида венгр дворянлари жуда кўп ер-сувга, кўпдан-кўп қаср ва ҳатто шаҳарларга эга эдилар. 46 та комитатда 469 шахсий қаср, 16056 поместьелар бор эди. Баъзи бир магнатларнинг ҳар бири юзлаб поместьегар хўжайинлик қиларди. Масалан, Папольлар хонадонининг 25 та округ-комитатда поместьеси бор эди. Бу хонадонга 12308 деҳқон ҳовлиси қарарди. Иккинчи бир феодалнинг 28 та қасри, 57 та шаҳари ва 1000 та поместьеси бўларди (буларнинг бир қисми Закарпатьеда эди). Крепостной деҳқон-

лар ғоят раҳмсизлик билан эксплуатация қилинардилар. Крепостной деҳқонлар 3—4 кунлик баршчинадан ташқари, иккинчи десятина — бири черков фойдасига, иккинчиси ер эгаси феодал фойдасига тўлашлари лозим эди. Бундан ташқари, деҳқонлар давлат солиқлари тўлардилар. Венг деҳқонларининг ўз хўжайинларига ғоят нафрат билан қарашлари бежиз эмас, албатта. Деҳқонларнинг мамлакат чеккаларига қочиб кетиши атмосферани бир оз юмшатди. Аммо туркларнинг сиқиб келиши деҳқонларни бу имкониятдан ҳам маҳрум қилди. 1514 йилда Венгрияда деҳқонлар уруши бошланиб кетди, бу уруш Венгрияда социал зиддиятлар нақадар кескинлашиб кетганлигини ҳамма томонлама намойиш қилди.

1514 йилнинг баҳорида папа Лев X туркларга қарши навбатдаги салиб юришини эълон қилди. Папа легати салибчиларни тўплашга киришди. Венгриядаги магнатлар бу юришга қарши бўлдилар, аммо бошда папа булласига қарши чиқа олмадилар. Чунки Рим курясининг фикрича, юриш умум характерга эга бўлиб, салибчилар лашкарига деҳқонларни ҳам жалб қила бошладилар. Бу юришда қатнашмоқ учун 40 мингга яқин деҳқон тўпланди (баъзи бир тарихий маълумотларда — 60 мингга яқин эди, дейилади). Деҳқонларга сёклер¹ Георг (Дьердь) Дожа бошчилик қилди.

Салибчи деҳқонлар (куруцлар) қуролланган бўлиб улар ўз ҳарбий ташкилотларига эга эдилар. Крепостнойлар туркларга қарши юришга жўнар эканлар, улар ўзларининг шахсан озод бўлишларига қаттиқ умид боғлаган эдилар. Феодаллар эса бунга норози бўлдилар. Феодаллар ишчи қўли етишмаслигини пайқаганларидан кейин, улар тез орада король Владиславнинг крепостнойларнинг юришда қатнашишини ман этиш ва ҳарбий отрядларга кирган крепостнойларни поместьяларга қайтариш ҳақида фармон чиқаришига эришдилар. Бунга жавобан куруцлар магнатларнинг поместьяларини яксон қила бошладилар. Шунингдек, Буда ва Пештдаги шаҳар бойларининг қўралари ҳам вайрон қилиб ташланди. Қўзғолон 1514 йил 14 майда бошланди. Тез орада бу қўзғолон феодалларга қарши мунтазам деҳқонлар урушларига айланди. Дожа турли ёқларга алоҳида командирлар бошчилигида деҳқонларнинг бешта колоннасини юборди. Дожанинг ўзи бошда Будапештга яқин Ракоша майдонида лагерь қуриб жойлашди, кейин Венгриянинг жанубидаги Сегедин қалъасига жўнаб кетди. Аммо Сегедин қалъаси жуда мустакамлангани сабабли, у бу қалъани ололмади. Бунинг натижасида Дожа Чанду (Чан) шаҳарини босиб олишга муваффақ

¹ - Шарқий ва Жанубий Венгрияда чегарачи солдат номига эътибор қиларди ва бунинг учун умрбод ҳарбий хизмат қилган бошқа венгрлардан этник жиҳатдан ҳам бир қанча ар можорлашган шарқий қабилаларнинг бири ҳисоб-

бўлди. Бу ерда Дожа Венгрияни республика деб эълон қилди, дворянлар тоифаси бекор қилинганлигини ва ялпи тенглик барпо этилганини эълон этди. Бироқ Дожа бошқа бир қалъани, яъни феодаллар армиясининг бош қўмондонни Стефан Батори (Ливония урушида Иван Грозний билан урушган, бўлғуси поляк короли Стефан Баторининг отаси) турган Темешварни қамал қилишга киришган пайтида қўзғолончилар яна муваффақиятсизликка учрадилар. Қўзғолончилар деярли икки ойгача қалъани қамал қилиб турсалар-да, лекин уни қўлга ололмадилар. Деҳқонлар армиясининг бу ҳарбий-техникавий нуқсонидан, табиий, феодаллар ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Темешварга ёрдамга етиб келган Янош Запольи номли иккинчи бир воевода 15 июлда деҳқонларга ҳужум қилиб, уларни тор-мор этди ва тарқатиб юборди. Дожа асир қилиб олиниб, қаттиқ азоблаб ўлдирилди: у қизитилган тахтда тириклайин жизгинак қилинди. Капалаги учган феодаллар халқ раҳбаридан ана шу тариқа ўч олдилар. Шундан кейин қонли террор бутун мамлакатни қамраб олди. Минглаб деҳқонлар раҳимсизлик билан жазоландилар ва ўлдирилдилар. Замондошлар, қўзғолон маҳалида ҳалок бўлган деҳқонлар сонини 60 минг кишига етди, дейдилар.

1514 йилнинг октябрида тўпланган дворянларнинг «ёввойи» сейми деҳқонлар масаласида энг реакцион қарорлар қабул қилди: сейм чекланмаган баршчина жорий қилди, деҳқонларни тамомила помешчиклар суди ихтиёрига топширди, дворянлар (шу жумладак, руҳонийлар ҳам) мамлакатда бирдан-бир «сиёсий», яъни ҳукмронлик қилувчи тоифа, деб эълон қилинди. Деҳқонлар ўлим жазоси билан қўрқитилиб, уларга қурол-яроғ тақиш манъ этилди.

Венгрия давлатининг қулаши. 1514 йилги воқеалардан кейин ошқора эълон қилинган феодаллар диктатураси Венгрия давлатининг ҳалокатини тезлаштирди. Венгр феодаллари эндиликда турклар билан янги уруш қилиш учун ўз деҳқонларини қуроллантиришдан қўрқиб қолдилар. Тўғри, эзилган деҳқонларда ўз мамлакатларини ташқи душмандан ҳимоя қилиш учун куч ҳам, хоҳиш ҳам йўқ эди. Аммо туркларнинг тажовузкорлиги давом қилаверди. XVI асрнинг 20-йилларида турклар ўз қўшинлари учун айниқса даҳшатли куч эди. 1526 йилда турклар Венгрияга асосий ҳужумни бошлаб, венгр рицарларини Мохач шаҳари ёнида тор-мор қилиб ташладилар. Шундан кейин Венгрия давлати мустақиллигини узоқ вақтгача йўқотди. Венгриянинг катта бир қисми, яъни Урта ва Жанубий қисмлар бевосита Туркияга қўшиб олинди. Шарқий Венгрия (Трансильвания) ўзининг алоҳида князлигини сақлаб қолган бўлса-да, лекин Туркияга қарам бўлиб қолган эди. Королликнинг учинчи, нисбатан кичик қисми, яъни Ғарбий Венгрия (Будапештнинг ғарб ва шимол томонидаги қисми) турклар томонидан истило қилинмасдан қолди. Аммо Венгрия короллигининг бу қолган бир нарча жойи шу қадар

кичик эдни, венгр феодаллари тез орада Австрия Габсбургларига итоат этишга мажбур бўлдилар. Феодалларнинг ўз халқини бу қадар аёвсиз жазолаши оқибатида Венгрия ўз мустақиллигини йўқотди.

XXVIII БОБ

ХII—ХV АСРЛАРДА БОЛГАРИЯ ВА СЕРБИЯ. БОЛҚОН ЯРИМ ОРОЛИДА ТУРКИЯ ИСТИЛОЛАРИ

Тўртинчи салиб юриши вақтида Византиянинг салибчилар томонидан тор-мор этилиши ва Константинополда Латин империясининг узоқ фурсат ҳукмронлик қилиши натижасида Византиянинг қулаши билан Болқон ярим оролида Болгария ва Сербия сингари славян давлатлари биринчи ўринни эгалладилар.



Иккинчи Болгария подшолиги. 1185 йилда Византиянинг бир юз эллик йилдан (1018 йилдан) ортиқроқ давом этган зулмига қарши Тирновода болгарларнинг қўзғолони бўлди. Шимолий болгар боярлари орасидан чиққан ака-ука Асень билан Пётр бу қўзғолонга бошчилик қилдилар. Асень тез орада Иккинчи Болгария подшолигининг биринчи подшоҳи бўлди, 1187 йилда Византия бу подшоликни расмий равишда мустақил деб тан олди. 1205 йилда Асень I нинг тахт вориси (унинг укаси) Иван Калоян Константинополдаги латин империяси феодалларини қаттиқ маълубиятга учратди. Латин императори Балдуиннинг ўзи болгарлар томонидан асир олинди, шу ерда у тез орада жароҳатдан вафот этди. Асеннинг ўгли Асень II даврида (1218—1241) Иккинчи Болгария подшолиги зўр қудратга эришди. Унинг даврида болгарлар Фракия ва Македонияни, Эпир ва Фессалиянинг бир қисмини эгалладилар. Латин империяси Никей грек империясига қарши Асенни ўз иттифоқчиси қилиб олишга уриниб, унинг айтганидан чиқмади. Чунки Никей грек империяси Кичик Осиёдан чиққан салибчиларга хавф-хатар солиб турарди. Бироқ Асень II нинг ўзи Константинополни босиб олиш ва латинларни Болқон ярим оролидан батамом ҳайдаб юборишга ҳаракат қиларди. Сиёсий вазифаларнинг мураккаблиги ва Асенга ишонмаган Никел грек империясининг розилик бермаслиги Асенга ўзининг улкан сиёсий планларини амалга ошириш имкониятини бермади. Ҳолбуки, Болгария подшолиги унинг даврида Болқон ярим оролида энг катта давлатга айланган эди. Асень II даврида Болгарияда биринчи марта олтин пул зарб қилина бошлаган эди.

Асень II нинг тахт ворислари замонида Болгарияда марказий ҳокимият заифлаша бошлади. Болгария давлатининг территорияси қисқарди. Константинополни (1261 йил) ўзига қайтариб олган Византия, кейин Фракиянинг катта бир қисмини, Македонияни ва баъзи бир бошқа областларни қайтариб олишга муваффақ бўлди.

XIII—XIV асрларда Болгариянинг иқтисодий тараққиёти.
XIII—XIV асрларда Болгарияда кўпдан-кўп шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларда турли хил ҳунармандлик—жун, сурп ва ипак газла-ламалар, темир ва мис буюмлар ишлаб чиқариш, тери пишириш ва кулолчилик, виночилик ва ёғ ишлаш ривожланган эди. Бол-гария Дунай дарёси бўйида ва Қора денгиз соҳилларида зўр бе-риб савдо-сотиқ олиб борарди. Болгария савдогарлари Венгрия, Польша, Византия, Дубровник билан, қўшни Дунай бўйи княз-ликлари. Валахия ва Молдавия билан, Галич Руси билан сав-до-сотиқ қилардилар. Болгариядан фақат қишлоқ хўжалик маҳ-сулотлари: ғалла, гўшт, жун, тери, асал, мум ва бошқаларгина эмас, балки турли ҳунармандчилик буюмлари ҳам олиб кетилар-ди. Болгар савдогарлари қуруқликда катта карвонлар ташкил қилиб, бу карвонлар Ғарбий Европага жўнарди ва улар ҳатто Франциягача бориб етардилар. Францияда болгар савдогарлари Фландрия ва Шампань ярмаркаларида қатнашардилар. Юқори сифатли болгар терилари ва оёқ кийимлари Ғарбда айниқса қадрланарди. XIII—XIV асрларда айрим болгар шаҳарлари ан-ча катта саноат ва савдо марказларига айланди.

Бу жиҳатдан Дунай бўйи шаҳарлари: Владин, Силистра, Доростол, Никополь, Қора денгиз бўйидаги Варна порти, ниҳоят, иккинчи Болгария подшолигининг пойтахти — Тирново алоҳида ажралиб турарди. Лекин, шунга қарамай, умуман Болгария ҳар ҳолда бу даврда ҳам кўпроқ қишлоқ хўжалиги мамлакатаи ҳисоб-ланарди. Мамлакатнинг айрим районлари гоёт потекис ривож-ланган эди. Тоғлардаги ва водийлардаги аҳоли ҳали тарқоқ яшарди, бу ерларда натурал хўжалик тамомила ҳукмрон эди. Деҳқонларнинг бир қисми, айниқса тоғли районлардаги деҳқон-лар асосан чорвачилик билан шуғулланарди. Мамлакатдаги ша-ҳар элементлари, умуман олганда, заиф эди ва Ғарбий Европа мамлакатларидагига ўхшаш мустаҳкам шаҳар тоифаси бўлиб таркиб топмаган эди. Шаҳарларнинг сиёсий таъсири етарлича кучли эмасди. Мамлакатда ҳоким синф феодал-боярлар бўлиб, («барча болгарларнинг шоҳи ва мутлақ ҳокими» деган титулга эга бўлишига қарамай) биринчи галда уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиши лозим эди.

Боярлар черков билан биргаликда деҳқончилик қилинадиган ерларнинг катта қисмига эгалик қилардилар. Крепостной деҳ-қонларнинг энг кўпчилиги шу боярларга қарашли эди. Крепост-нойлар — париклар (черков ерларида улар, шунингдек, клерик-лар деб аталарди) кўп сонли мажбуриятлари ўтар ва солиқлар тўлардилар, яъни ўз феодаллари фойдасига баршчина ўтар ва турли хил солиқлар — ер солиғи, уй солиғи, десятина ва феодал давлат фойдасига бошқа солиқлар тўлардилар. Болгар «эркин деҳқонлари»нинг баъзи бир қисми ҳали XIII—XIV асрларда ҳам мавжуд бўлса ҳам, аммо улар кўп сонли солиқлар тўлаш ва давлат баршчинаси ўташ (йўл, кўприк қуриш, бинокорликда ишлаш) билан ҳам жуда оғир мажбуриятларни бажарардилар.



XII-XIV асрларда Болгария ва Сербия

Боярлар ўртасидаги низо-жанжаллар, айрим катта ер эгаларининг деҳқонлардан ноҳақ оғир солиқлар йиғиб олиши ва феодал давлат фойдасига кўп сонли солиқлар ундирилиши деҳқонларни тамомила хонавайрон қилишгача олиб келди. Бунинг устига яна кўп сонли урушлар даврида мамлакатга доимий суратда ташқаридан тўхтовсиз бостириб киришлари, яъни татарлар, половецлар, венгрлар, византияликлар ва бошқаларнинг ҳужумлари оқибатида аҳоли бошига тушган кулфат ва фалокатларни ҳам қўшмоқ керак. Иккинчи Болгария подшолиги зиммасига ана шу бетўхтов давом этган ажнабийлар ҳужумларини даф этиш ва зифаси тушди.

1277—1280 йиллардаги деҳқонлар уруши. Ташқаридан қилинган ҳужумлар орасида XIII асрнинг иккинчи ярмидаги татар босқинлари халқ оммася учун айниқса оғир бўлди. Византия ҳукумати Нўғай хоннинг татар ўрдалари билан иттифоқ тузиб, уларни Болгарияга бостириб киришга гиж-гижлади. Ҳукумат қўшинларининг қаршилигига учрамаган татар босқинлари болгар деҳқонларининг татарларга қарши партизан ҳаракатини келтириб чиқаришга сабаб бўлди. Татарларга қарши курашган ана шундай отрядларнинг бири чўпон Ивайло отряди эди. Ивайло татарларга қаттиқ зарба беришга муваффақ бўлди. Бу ғалаба Ивайлонинг аҳволини мустаҳкамлаб, унинг номини бутун Болгарияга кенг ёйди. Деҳқонларнинг бошқа отрядлари Ивайло ҳузурига оқиб келавердилар. Ташқи душмани даф этиш мақсадини ўз олдига қўйган партизан ҳаракати, тез орада, крепостной боярларга ва подшо ҳукуматиининг ўзига қарши қаратилган антифеодал ички ҳаракатга айланди. Қўзғолончилар бир қанча қалъаларни босиб олиб, подшо қўшинларини яқсон қилиб ташладилар, подшо Констаннинг ўзини асир қилиб олдилар, у тез орада ўлдирилди. Шундан кейин Ивайло Тирново шаҳарига қараб юрди, шаҳар унга таслим бўлди. Малнка Мария тахтни ўз ўғли учун сақлаб қолишга уриниб, Ивайлога ўзини хотинликка олишни таклиф этди. Ивайло бу таклифни қабул қилди ва Тирновода подшо деб эълон қилинди. Бироқ янги подшонинг аҳволи жуда оғир бўлди. Татарлар ҳам, византияликлар ҳам ушга қарши курашдилар. Мамлакат ичкарасида боярлар унга қарши фитна уюштирдилар, улар Ивайлонинг ўрнига ўз ораларидан бошқа одамнинг номзодини подшоликка кўтардилар. Ҳолбуки, эришган ютуқлардан кейин деҳқонлар оммасининг кўпчилиги уй-уйларига тарқалишиб кетган эди. Ҳаракат бирор-бир программага эга бўлмаганлиги сабабли, бу ерда ҳам заиф ташкил қилинган бўлиб чиқди. Ивайло византияликлар билан курашда бундан кейин ҳам ютуқларни қўлга киритишга қарамай, у ҳар ҳолда, Болгариядан қочиб кетишга мажбур бўлди. Ивайло татарлар ҳузурига қочиб бориб, уларни Византияга қарши иттифоқ бўлишга ундади, лекин Ивайло нўғайлар томонидан асир қилиб олинди ва Нўғай хон қароргоҳининг ўзида ўлдирилди.

1277—1280 йиллардаги ҳаракат енгилишига ва ҳали ҳам ўз-ўзидан келиб чиққан бир ҳаракат бўлишига қарамай, у ўрта аср Болгарияси тарихида энг муҳим воқеа бўлди. Бу болгар деҳқонларининг қуролли антифеодал қўзғолони бўлиб, ўрта аср Европасидаги энг илк деҳқонлар урушларининг бири эди.

XIV асрдаги Болгария. Иккинчи Болгария подшолигининг охири. XIV асрда Болгария айрим мустақил князликларга парчаланиб кетди, тахминан 1365 йилда у учта мустақил давлатга — Тирново, Видин ва Добруджа давлатларига узил-кесил тақсимланди. Бу давлатларнинг ҳар бири ўз навбатида, кўплаб майда феодал мулкларга бўлинди, бу мулклар тепасида ўз подшолари билан кам боғланган ва ҳар қанақа қулай бир пайт келганда ана шу подшоларга хиёнат қилишга тайёр турган боярлар турар эди. Иккинчи Болгария подшолигининг феодалликларга парчаланиб кетишидан Болгариянинг янги душмани — Болқон ярим оролига кириб олган ва фақат Византиягагина эмас, балки Болгарияга ҳам ҳужум қилаётган турклар фойдаландилар. Усмон туркларининг зарбалари остида 1363 йилдан 1393 йилгача Болгариянинг энг йирик шаҳарлари Пловдив (Филипполь), София, Варна, ниҳоят, Болгариянинг пойтахти — Тирнов (1393 й.) бири-кетин қуладилар. 1396 йилда турклар Дунай дарёси бўйидаги Никополь шаҳарини истило қилдилар ва худди шу йили сиёсий жиҳатдан мустақил феодал Болгариясининг сўнгги таянчи бўлган Видин шаҳари қулади. 200 йилдан сал ортиқроқ (1187—1396) яшаган. Иккинчи Болгария подшолиги 1396 йилга келиб тамом бўлди. Болгарияда узоққа чўзилган Туркий ҳукмронлиги бошланди. Болгарияда турк тутқунлиги бир неча асрларгача, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмигача давом этди, 1877—1878 йиллардаги рус-турк уруши натижасида рус қуроли ёрдамида Болгария турклар зулмидан озод қилинди.

XII—XIII асрларда Сербия. XII асрда Сербия¹ анча йирик давлатга айлланиб, унга кўп сонли шарқий серб ва қисман ғарбий серб қабилалари кирган эди. Бирлашган серб қабилалари тепасида Неманялар династияси турарди. Бу династиянинг асосчиси Стефан Неманя (1165—1195) бошда Шарқий Сербиядан чиққан «буюк жупан» бўлиб, Византияга қарам эди. XII асрнинг 80-йиллари бошида у Византиядан Ниш шаҳарини ва Среди (София)нинг шарқидаги ерларни урушиб олиб, сўнг Византияга итбат этишдан бош тортди. 1190 йилдаги шартномага кўра Византия императори Сербия давлатининг мустақиллигини таъминлаш лозим эди. Стефан Немац, Шарқий Сербиядан ташқари, Дунай бўйи Сербиясини, шунингдек, Далмация, Герцеговина, Черногорияни ўз ҳокимияти остида бирлаштирган эди. Унинг даврида серблар шарқи грек урф-одати бўйича христианиликни қабул қилдилар.

¹ Сербия давлатининг ташкил топганидаги дастлабки босқич ҳақида юқоридаги X бобга қаралсин.

Стефан Неманянинг ўгли Стефан Первовенчанний даврида (1195—1224) Сербия королликка айланди. Янги давлат Италия шаҳарлари билан қизғин савдо-сотиқ муносабатлари қилишга киришди. Сербиянинг Италия билан олиб борган савдо-сотиқ ишларида Адриатика денгизи бўйидаги эркин Дубровник шаҳари («Славянар Венецияси») воситачилик қилди. Сербия Дубровник шаҳари орқали қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек, Сербия тоғларидан қазиб чиқарилган рудаларни Италияга чиқарадиган бўлди.

Стефан Душан ва XIV асрда Сербиянинг кенгайиши. Король Стефан Душан подшолиги даврида (1331—1355) Сербия энг қудратли давлат бўлди. Стефан Душан Сербияни вақтинча энг йирик Болқон давлатига айлантирди. Стефан Душан болгарлар ва византияликлар билан олиб борган бир қанча урушлари патижасида Македония, Албания, Эпир ва Фессалияни босиб олди. Болгария бир оз вақт унга вассал қарам бўлиб турди. 1346 йилда Стефан Душан Скопл шаҳарида подшолик тожини кийиб, ўзини «серблар ва ромейлар (яъни византияликлар) подшоси» деб эълон қилди. У бир неча марта Константинополга келди ва уни олишга уриниб кўрди. Аммо флотнинг йўқлиги илгариги Симеон Болгарский давридагидек Стефаннинг бу кўзлаган ниятини амалга оширишга халақит берди. Душан Византияга навбатдаги юриш тайёргарлигини кўраётган пайтида вафот этди.

«Стефан Душаннинг қонунномаси». XIV аср ўрталаридаги Сербиядан йирик ҳужжатли ёдгорлик, яъни «Стефан Душан қонунномаси» номи билан машҳур бўлган қонунлар тўплами қолди. Қонуннома 1349 йилда зодагонларнинг Скопл шаҳарида бўлиб ўтган «собори»да тасдиқланган эди; кейинроқ, 1354 йилдаги «собор»да бу қонунномага бир қанча қўшимчалар киритилди. Душан қонунномаси ўша даврдаги сербларнинг социал тузуми ҳақида очиқ тушунча беради. Унда таркиб топган феодал муносабатларнинг яққол манзараси берилади. Йирик ер эгалари, яъни черков ва дунёвий катта ер эгалари тўғрисида қонунномада кўп гапирилади. Кейингилар катта ҳукмдорларга (ёки катта боярларга) ва кичик ҳукмдорларга (кичик боярларга ёки хизмат кўрсатган кишиларга) бўлинади. Катта ҳукмдорлар мерос ҳуқуқи асосида вотчина (бащина) ерларига эгаллик қилардилар. Кичик ҳукмдорларнинг ҳарбий бенефиция (прония) ҳуқуқи асосида муваққат поместьелари бўларди.

Серб деҳқонларининг бир қисми—с е р б л а р эркин деҳқонлар бўлиб, улар жамоа мулкига (задругага) эгаллик қилардилар ва подшо хазинасига солиқлар тўлардилар. Деҳқонларнинг иккинчи бир қисми м е р о п х а л а р деб аталарди, уларнинг аҳволи илк Ғарбий Европадаги вилланларнинг аҳволига бир қадар ўхшаб кетарди. Меропхалар хўжайинлар учун ҳафтада икки кун баршчинада ишлаб берардилар. Меропхаларнинг бир поместьедан иккинчи поместьегга ўтиб ишлаши анча чеклаб қўйилган эди. Ниҳоят, қуллар орасидан чиққан деҳқон-о т р о к л а р мавжуд бў-

либ, улар ерга бириктириб қўйилган эди ва ўзлари ҳукмдорларга тамомила шахсий крепостной қарамликда яшардилар. XIV асрда эркин деҳқонларнинг аҳволи нақадар ёмонлашганлигини қонунноманинг айрим моддаларидан кўриш мумкин. Сербларнинг йигин (мажлис)ларга боришини қонуннома маъ қилган эди. Катта ва кичик ҳукмдорлар бирор жинойят қилиб қўйган маҳалида уларга бериладиган жазоларга қараганда, жинойят қилган сербларни жуда қаттиқ гоят раҳмсизлик билан жазолардилар.

Меропхаларнинг бир хўжайиндан иккинчи бир хўжайинга ўтиб ишлаши масаласида қонуннома янги чеклашлар белгилаб қўйган эди.

Стефан Душандан кейин Сербиянинг парчаланиб кетиши. Душан ўлгандан кейин Сербия подшолиги бир қанча уделларга бўлиниб кетди. Душаннинг ўғли ва тахт вориси Стефан V Урош ҳокимияти остида Сербиянинг озгина ички қисми қолган эди, ҳолос. Ўз князликларида маҳаллий династиялар вужудга келтирган катта ҳукмдорлар бир-бировлари билан ўзаро урушлар олиб борардилар. Бу ҳол Сербияни заифлаштириб, унч мамлакатни мудофаа қила олмайдиган қилиб қўйди. Ҳолбуки, Болқон ярим оролида усмон турклари тобора илгари силжиб, бир область кетидан иккинчи областьни босиб олмоқда эдилар. Душан вафотидан кейин орадан 15 йил ўтгач (70- йилларнинг бошларида) усмон турклари Сербиянинг бутун жаубий қисмини босиб олдилар.

Усмон давлатининг ташкил топиши ва Кичик Осиёда ҳамда Болқон ярим оролида турк истилolari. Салиб юришлари даврида Кичик Осиёда Рум султонлиги номи остида яшаган салжуқ турклари давлати XIII аср бошларида келиб 10 та амирликка бўлиниб кетди. Ўғуз турклари галаларининг Урта Осиёдан Кичик Осиёга кўчиб келиши ва уларнинг бундан кейин салжуқ турклари (XIII аср ўрталаридаёқ) билан аралашиб кетиши натижасида Кичик Осиёда XIII аср охири XVI аср бошларида янги давлат ташкил бўлди. Солиб жиҳатидан ҳам, ўзининг ҳарбий ташкилоти жиҳатидан ҳам анча-мунча уюшқоқ бўлган кўчманчи-ўғуз турклари янги ҳукуматда етакчи роль ўйнадилар. Дастлабки вақтларда Эртўғрул ўғуз туркларининг раҳбари бўлиб, у Византия империяси билан қўшни Сакаръе дарёси бўйида кичик бир феодал мулкига эгалик қиларди. Эртўғрулнинг ўғли ва тахт вориси Усмон (1282—1326) Византияга қарши уруш бошлаб, унинг Кичик Осиёдаги мулкларининг кўпчилигини, шу жумладан, Брусу (ёки Бурсу) шаҳарини ҳам босиб олди. Брусу шаҳарини Усмон ўзининг пойтахти қилиб олди. Вафотидан бир оз бурунроқ Усмон Кичик Осиёдаги бошқа амирликларни ўзига итоат қилдирди. Янги турк халқи таркиб топган Кичик Осиёдаги барча турклар умуман унинг номи билан ағаладиган бўлди (Усмон турклари, аслида турли қабилалар федерациясидагигина иборат бўлган салжуқ туркларида фарқ қиларди).


Византиянинг заифлашиб қолганлигидан ва Болқон ярим

оролидаги бошқа давлатларнинг парчаланиб кетганлигидан фойдаланган усмон турклари XIV асрда дастлаб Кичик Осиёда, кейин эса Болқон ярим оролида ҳам кенг истилочилик ҳаракатларини бошладилар.

XIV асрдаги деярли бетўхтов олиб борилган урушлари шароитида туркларда профессионал қўшин¹ таркиб топа бошлади. Усмоннинг тахт вориси Урхон даврида (1326—1359 й.) турк қўшини орасида халқ лашқари типидagi муптазам қўшинлардан ташқари, я н и ч а р л а р д а н иборат профессионал пиёда аскарларнинг доимий отрядлари ҳам бор эди. Яничарлар сафига асир қилиб олинган ва зўрлаб ислом динига киритилган ёшлардан териб олинарди, шунингдек, с и п о ҳ и й л а р д а н иборат ўзига хос отлиқ аскарлар ҳам бўларди. Сипоҳийларга кўрсатган ҳарбий хизматлари бадалига ер инъом қилинарди, яъни ўзига хос ҳарбий бенефиция улашиларди. Турклар византияликларнинг тажрибасидан ўрганиб, жанг пайтларида қамал қилишига катта эътибор берардилар (девор тешадиган қурол, қамал миноралари ва бошқаларни ишлатардилар). XIV аср охирида ва XV асрда турклар ўқ отадиган қурол ишлата бошладилар, жумладан, кўп миқдорда замбарак отишни қўлладилар. Еш Туркия давлатида феодаллаша боровчи уруғ-қабилла зодагонлари асосий раҳбарлик ролини ўйнаб, улар оддий кўчманчи-жангчилар отрядларига бошчилик қилардилар. Сақланиб келган патриархал-қабилачилик муносабатлари усмон қўшинини маълум даражада бирлаштирди ва барқарор бир қўшинга айлантирди. Бошқа кўчманчиларнинг қўшинлари сингари, усмонлар қўшини ҳам шиддатлилиги ва чаққонлиги билан ажралиб турарди, бу қўшин ўтроқ аҳолини, айниқса шаҳарларни талашдан манфаатдор эди.

Византиянинг истило қилинган территорияларини ўзларига мулк қилиб олган кўчманчи зодагонлар бора-бора феодал типидagi ўтроқ ер эгаларига айланиб, тобе этилган грек-византияликларни ва славян аҳолисини эксплуатация қилдилар. Оддий туркларга ҳам ер улашиб берилди, бошда кўпроқ ўтлоқлар, улар ўтроқ ҳолга кўчиб деҳқончилик қила бошлаганларидан сўнг эса ҳайдаб экин экиладиган ерлар ҳам бериладиган бўлди. Ҳарбий соҳада эришилган ютуқлар ва анча территориянинг қўшиб олиниши турк феодалларини янгидан янги истилоларга ундади, хусусан қўшни давлатлар, яъни Византия ва Болқон ярим оролидаги бошқа давлатлар парчаланган ҳолатда қолиб келавердилар, уларнинг ўзaro муносабатлари эса аввалгича душманлик муносабатида қолаверди, шунинг натижасида уларнинг босқинчиларга зарба беришга қурбилари етмас эди. Урхон 1331 йили Никей шаҳарини, кейин эса Византиянинг Кичик Осиёдаги бошқа барча мулкларини истило қилгандан сўнг, Европада истилолар қилишга киришди. 1354 йили у Дарданелл бўғозининг Европа

¹ Яъни аскарликни ўзига касб қилиб олган одамлар қўшини. *Тарж.*



XIV—XV асрларда усмонийларнинг истилолари

қирғоғидаги Галлиполь шаҳарини босиб олди. Сўнгра турклар Фракияга бостириб кирдилар. Энди Урхон у томонга иккита юриш қилди. Бу вилоятлар бундан кейинги султон, яъни Мурад I даврида (1359—1389) истило этилди. Мурад I 1361 йили Фракиянинг асосий шаҳари — Адрианополни босиб олди, у Брусу ўрнига Туркиянинг янги пойтахти бўлиб қолди.

Турк жангчилари Болқон ярим оролида ғоят шафқатсизлик билан иш кўрдилар. Улар тинч аҳолини таладилар ва ўлдирдилар. Аҳолининг кўпчилиги қулларга айлантирилиб, Шарқдаги қул бозорларида сотилди. Қадимги унумдор Фракиянинг босиб олиниши султонга ҳарбий-феодал ер эгалигини яна кенгайтириш имконини берди. Туркларнинг ўзлари ҳам, шунингдек, турли хил турклашган халқлар ёки ислом динини қабул қилган ғайри турк вакиллари ҳам феодалларга — катта ер эгаларига айлана бордилар. Бу одамларнинг кўпи Болқон ярим оролининг ўзидаги турли мамлакатларга мансуб бўлиб, улар фоғиҳлар томонига ўтган хон феодаллар эди.

Турк деҳқонларининг катта бир қисми ҳам Кичик Осиёдан бу ерга кўчириб келтирилди; Болқон ярим оролидаги тобе этилган маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ер майдонлари ана шу кўчириб келинган деҳқонларга улашиб берилди.

Асосий оғирлик Болқон ярим оролига кўчирилиши билан

туркларнинг сиёсий ҳаётида ўтроқ деҳқон зодагонлар етакчи роль ўйнай бошладилар.

Бу янги ўтроқ феодал зодагонлар Кичик Осиёдаги кўчманчи ярим феодал, ярим уруғчилик ҳаёт кечирувчи зодагонларни иккинчи ўринга сиқиб чиқардилар. Бу вақтга келиб олий табақа турклар ҳаётининг ўзида ҳам ўзгариш рўй берди. Адрианополдаги султон ва унинг сарой аъёнлари зеби-зийнатли ҳаёт кечирадиган бўлдилар. Кичик Осиё даври учун характерли бўлган эски, маълум даражада ҳали сақланиб келган патриархал муносабатлар тезда йўқ бўлиб, уларнинг ўрнини батамом таркиб топган феодал тузумнинг янги, очиқ-ойдин ифодаланган аломатлари эгаллади. Адрианополнинг ва бутун Адрианополь области-нинг (ёки турклар атаганларидек Румелиянинг¹) босиб олиниши ярим оролда бундан кейинги истилоларга йўл очиб берди. Стратегик жиҳатдан Румелия ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Турклар бу районни босиб олиб, Болқон ярим ороли массивига пона қоққандек бўлдилар. Константинополнинг ўзи Болқон ярим оролининг қолган бошқа қисмидан энди тамомила кесилиб қолган эди. 1371 йили серблар, болгарлар, валахлар ва венгрлар коалицияси Муродга қаршилик кўрсатмоқчи бўлди. Аммо иттифоқчилар Марица дарёси бўйидаги жангда енгилдилар. Шундан кейин Жанубий Сербия султон қўл остига ўтди. Византия императори унинг вассали бўлиб қолди.

Косово майдонидаги жанг. Сербия короллигининг тамом бўлиши. 1389 йил 15 июнда Косово майдонида (Жанубий Сербияда янги катта жанг бўлди. Бундан олдин турклар устидан қисман ғалаба қозongan Сербия қороли Лазарь 80 000 минг кишилик катта қўшин тўплади, бу қўшинда серблардан ташқари, боснияликлар ва венгрлар ҳам бор эди. Султон Мурод бошчилигидаги турклар Лазарьнинг кучларидан уч мартадан ортиқроқ куч билан Сербия устига юриш қилдилар. Бир ёш ватанпарвар серб жонидан кечиб султон ётган чодирнинг ичига кириб, уни ўлдирди. Аммо бу вазиятни ўзгартирмади. Муроднинг ўғли шаҳзода Боязид янги султон деб эълон қилинди ва у улкан турк армиясига қўмондонлик қилишни ўз зиммасига олди. Турклар томонида аскарлик кучлар устун бўлганлиги натижасида серблар ва уларнинг иттифоқчилари зўр матонат кўрсатишларига қарамасдан, тор-мор этилдилар. Король Лазарь асир қилиб олинди ва султон Муроднинг ўлими учун у қатл этилди. Шундан кейин Сербия территориясининг катта бир қисми Туркияга қўшиб олинди. Шимолий Дунай бўйи Сербияси (у Подунавия деб аталади) нинг қолган кичик қисмини серб князлари султоннинг вассаллари ҳуқуқида бир оз вақт идора қилдилар. Аммо 1459 йилга келиб бу сўнги серб территорияси ҳам турклар томонидан истило қилинди ва турк мулкларига киритилди.

¹ Ҳали Византия даврида ва ундан кейинги ўрта асрлар даврида аталганидек, «Ромея» сўзидан келиб чиққан.

Косово майдонидаги жанг серб халқ дostonида яққол акс эттирилган. Бу мавзуга бағишланган кўпдан-кўп қўшиқларда жангларда қатнашган қаҳрамонларнинг фидокорона кўрсатган жасурлиги кўкларга кўтариб мақталади ва узoқ вақтгача турклар асоратига тушиб қолган Сербиянинг тақдири ҳақида аза тугилади. Косово майдонидаги енгилишнинг сабаблари дostonда галати қилиб тушунтирилади, яъни серб воеводалари орасида етарли даражада бирлик бўлмади ва ҳатто хиёнат ҳам юз берди (Вук Бранкович) дейилади.

XXIX БОБ

ХIII—ХV АСРЛАРДА ВИЗАНТИЯ. КОНСТАНТИНОПОЛНИНГ ҚУЛАШИ

1261 йилдан кейин Византиянинг социал иқтисодий ва сиёсий тараққиёти. 1261 йилда грек Византия империясининг қайтадан тикланиши буюк давлат бўлган Византиянинг ўтмишдаги куч-қудратини қайта тиклаш деган сўз эмас эди. Михаил VIII Палеологнинг мулклари фақат Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий бурчагидан, Болқон ярим оролидаги Фракия ва Македониядан, Морейянинг бир қисмидан ва Эгей денгизининг шимолий қисмидаги баъзи бир ороллардан иборат эди. Константинополь таланган ва қисман вайрон қилинган эди. Унинг савдо соҳасидаги аҳамияти йўқолди. Венецияликлар ва генуяликлар Эгей денгизида ҳам, Босфорнинг ўзида ҳам, шунингдек, Қора денгизда ҳам савдо-сотиқ ишларини ўз қўлларига киритиб олган эдилар. Латинларнинг ҳукмронлиги Византиянинг бурунги савдо алоқаларини емириб ташлади. Аммо у, айни замонда, Византия давлати идорасининг эски механизмини ҳам вайрон қилди. Қайта тикланган Византия иқтисодий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам бир-бири билан боғланмаган ҳамда марказга унча итоат қилмаган, ўзига мустақил округларга тобора кўпроқ бўлиниб борган вилоятлар йиғиндисигина эди. Кичик Осиё феодаллари Шарқда «мустақил сиёсат» юргизиб, турк амирлари билан ўзларича шартнома ва битимлар тузар эдилар. Болқон ярим оролида Дуклар, Ангеллар, Кантакузенларнинг аристократик хонадонлари Палсологлар билан рақиблашиб юрардилар. XIV асрда Кантакузенлар Палеологларни тахтдан анча вақтларгача четлатиб, императорлик ҳокимиятини босиб олишга муяссар бўлдилар. Византия тарихининг сўнгги даврини характерлаб берувчи ўзаро феодал урушлари унинг сиёсий ҳаётини издан чиқарди, бу эса Византиянинг ички иқтисодий алоқалари заифлашганлигини билвосита кўрсатиб берди. Византиянинг кейинроқ даврида натурал хўжаликка ва ишлаб бериш (отработка) рептасига қайтишдек очиқдан-очиқ орқага кетилиш (регресс) пайдо бўлди. Қашшоқлашган аҳолининг давлат талаб этган оғир солиқларни тўлашга қурби етмай қол-

ди, ҳолбуки, давлат ўзининг территорияси камайган бўлишига қарамай, помуносиб катта бюрократик аппаратни сақлаб қолган эди. Фақат крепостной деҳқонлар (париклар)гина эмас, балки шаҳар плебей элементлари ҳам ғоят почор аҳволда яшардилар. Саноат, савдо-сотиқ, денгизчиликнинг орқага кетиши шаҳар камбағаллари учун ва ҳатто шаҳарликларнинг ўрта табақаси учун ҳам келгусида ишсизлик, очлик ва батамом қашшоқланиш ҳавфи тузилган эди. Социал муносабатлар тобора кескинлашди. XIV асрнинг 40-йилларида империя бўйлаб шаҳарликларнинг кутилмаган ғоят зўр ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатлар Адрианополь, Солунь (Фессалоника), Гераклея ва бошқа шаҳарларда юз берди. Солундаги етти йил (1342—1349) давом этган ҳаракат айниқса кучли ҳаракат бўлди. Зилотлар¹ кўзғолони номи билан машҳур бўлган бу ҳаракат натижасида кўзғолончилар маҳаллий патриций зодагонларнинг вакилларини қатл этдилар, бу зодагонларнинг молу мулкни мусодара қилдилар, Италия шаҳар республикалари типигаги Солунь (Фессалоника) шаҳарини мустақил республика деб эълон қилдилар.

Туркларнинг Марица дарёси бўйидаги (1371 й.) ва Косово майдонидаги (1389 й.), шунингдек, Никополь ёнидаги (1396 й.), ғалабалари Константинополнинг қулашини муқаррар қилиб қўйди. Боязид тезда Византияни забт қилиш ҳақидаги планларини ҳеч кимдан яширмади. Византия императори Мануил II 1399—1402 йилларда Ғарбий Европага кетиб, у ерда Италиянинг турли ҳукуматларидан, шунингдек, Англия ва Франция королларидан ёрдам олишга уриниши беҳуда бўлиб чиқди. Мануил Парижда турган пайтида, унга мўғуллар Боязидни тор-мор қилиб ташлади, деган хабар этди. Император даҳшатли душмандан батамом қутулибман деган умидда Константинополга қайтиб келди. «Ангор фалокати» туфайли Византиянинг ҳалокати ҳақиқатан яна эллик йил орқага сурилди. Империя ҳатто Солунь шаҳарини бир оз вақт ўзига қайтариб олди.

XV аср бошларида Туркия давлатининг кризиси. Мўғуллар билан тўқнашиш. Туркия давлатининг кенгайиши Темур ҳужуми муносабати билан вақтинча тўхтаб қолди. Урта Осиёда улкан империя тузган Темур (Темурланг)² Яқин Шарқини ҳам ўзига бўйсундирган эди. 1402 йил ёзида Темур ғоят катта қўшин билан Кичик Осиёга кирди. Боязиднинг ҳам катта ҳарбий кучлари (120 мингга яқин киши) бор эди, лекин кичик осийлик турк амирлари султонга хиёнат қилиб, Темур томолига ўтдилар. 1402 йил 28 июлда Ангер (ҳозирги Анкара) ёнида катъий жанг бўлиб, турклар батамом енгилдилар. Боязид қочиб бораётган маҳалида қўлга олиниб, темир қафасга солинди ва тез орада асирликда вафот этди.

¹ «Зилот» сўзи — «ўта кетган» деган маънони билдиради.

² Темур давлати тўғрисида сўнграқ, XXXIII бобда муфассалроқ гапирилади.

Темурланг Туркия давлатини йўқ қилиб юбормади. Унинг флоти бўлмаганлиги учун Европага бормади, Урта Осиёга қайтиб келди. 1405 йилда Темур вафот қилди, шундан кейин унинг империяси тезда тарқалиб кета бошлади.

Ангор мағлубияти натижасида турк феодаллари лагериди узоққа чўзилган ўзаро урушлар бошланди. Узоқ вақтгача султоннинг ягона ҳокимияти бўлмади. Боязиднинг ўғиллари ўртасида султонлик тахти учун қуроли кураш бўлди. 1415—1418 йилларда Кичик Осиёда (Анатолияда) турк деҳқонларининг қўзғолонлари юз берди. Буларнинг ҳаммаси турклар эътиборини Византиядан четга тортди. Аммо Туркия давлатининг сиёсий кризиси муваққат кризис эди. Туркларда бирор-бир жиддий янги ташқи душман йўқ эди. Византия аввалгидек кучсиз давлат бўлиб қолаверди. XV асрнинг 20-йилларида турклар яна қаддиларини ростлаб олдилар. Улардаги ички низолар барҳам топди. Кичик осиелик деҳқонлар ҳаракати бостирилди. Туркия ҳарбий ташкилоти яна анча кучайтирилди, жумладан, турклар бу вақтда ўзларининг ҳарбий системаларига артиллерия жорий этган эдилар. Ўз рақибларини енгган султон Мурад II (1421—1451) 20-йилларнинг бошларида истиклолларни яна қайтадан бошлади. 1422 йилда у Константинополни уч марта қамал қилса-да, лекин уни қўлга ололмади. 1430 йилда Солунь олниниб, унинг барча аҳолиси қулларга айлантирилди.

Флоренция (унияси) иттифоқи. Византия мулклари фақат Константинополь шаҳари ва унга туташган кичик округ билан чегараланган эди. Туркия мулклари ҳалок бўлиб бораётган империяни зич ҳалқа билан ўраб олган эди. Византия ҳукумати туркларга қарши зўр бериб католиклар Европасидан ёрдам ахтарди. Императорлар грек церковини папа ҳокимиятига бўйсундиришга тайёр эдилар. Папалар бу таклифга қаттиқ ёпишиб олдилар. 1439 йилда Флоренция соборида папа ҳокимияти остида шарқий ва ғарбий церковлар иттифоқи эълон қилинди. Аммо грекларнинг ўзлари иттифоққа кескин қаршилиқ кўрсатди. Грек флотининг бошлиғи Лука Нотара, Константинополда папа бош кийимидан кўра, турк салласини кўришни аълороқ кўраман, деб ошкора айтган эди. Шу сабабли унинг фикрига оқори табақа синфлар орасида ҳам, қуйи грек аҳоли оммаси ичиди ҳам кўплар қўшилган эди. Қуйи грек аҳоли оммаси салиб юришлари ва Латин империяси замонларидан бошлабоқ Ғарбий Европа феодалларига нафрат кўзи билан қарарди.

1444 йилда туркларга қарши янги салиб юриши уюштирилиб, унда поляклар, чехлар, венгрлар, немислар, қисман французлар ва бошқа Ғарбий европалик рицарлар қатнашган эди. Аммо салибчиларнинг бу сафарги юриши ҳам муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Варна ёнидаги жангда (1444 й. 10 ноябрь) рицарлар яқсон қилинди. Шунинг ўзи билан Константинополнинг ҳалокати олдиндан ҳал қилиб қўйилди.

Константинополнинг қулаши. Константинополь 1453 йил

29 майда қулади. Сўнгги Византия императори Константин XI (1448—1453) эди. Султон Мурад II нинг тахт вориси — султон Муҳаммад (Меҳмед II) (1451—1481) Константинополни забт этди. Константин XI ихтиёрида арзимаган миқдорда ҳарбий кучлар 10 мингдан камроқ киши бўлиб, бу кучлар ҳам ёлланган аскарлардан, кўпроқ генуялик солдатлардан ташкил топган эди. Муҳаммаднинг 200 минг аскари бўлиб, унинг 15 мингини таъланган яничорлар ташкил қиларди. Константинополь қамали икки ойча давом этди. Қамалда қолганлар денгиз орқали бир оз вақт мадад қўшинлари, қурол-яроғ ва озиқ-овқат олиб турдилар. Константинополни қуруқликдан ҳам, денгиздан ҳам ўраб олиш учун Муҳаммад II ёлланган махсус ёғоч тўшамалар ёрдамида турк кемаларини Олтин Шоҳга судраб олиб ўтишни буюрди, чунки гаванга қирриш йўли улкан занжирлар билан тўсиб қўйилганлиги сабабли, унга бошқача йўл билан ўтиб киришнинг иложи йўқ эди. Император Константин ўлдирилди, шаҳар ҳимоячиларининг кўпчилиги қириб ташланди. Истилочилар Византия пойтахтини беармон таладилар. Аммо Константинополни Туркия империясининг пойтахти қилишга қарор берилгани учун, султон шаҳар биноларига зиён-захмат етказилмасин, деб буйруқ берди. Юстиниан замонидан қолган машҳур ёдгорлик, яъни аё София собори сақлаб қолдирилди, лекин кейин у «Аё София» номи остида султоннинг асосий масжидига айлантирилди. Константинополь янги ном — Стамбул¹ номини олди.

Шу тариқа эски Рим қулагандан кейин, орадан минг йил ўтгач, иккинчи (Янги Рим), яъни Константинополь ҳам қулади. Жануби-Шарқий Европада узоқ вақтгача ошқора мустабид ҳарбий феодал зулми ва энг оғир миллий зулм режими ўрнатилди.

Константинополни истило қилишнинг иқтисодий ва сиёсий оқибатлари. Византияни турклар томонидан истило қилиниши Европа халқлари учун ғоят катта оқибатларга сабаб бўлди. Константинополнинг қулаши билан Левантиядаги савдо-сотик ишлари орқага кетди. Турклар босиб олган мамлакатлар билан савдо-сотик қилиш шароитлари кескин ёмонлашди. Турклар осиелик ва европалик савдогарлардан жуда катта ҳақ ундириб оладиган бўлдилар. Савдо йўллари хавfli бўлиб қолди. Туркларнинг бетўхтов олиб борган урушлари Урта денгиз бўйида мунтазам савдо-сотик ишларини олиб бориш имкониятидан маҳрум этди. Бундан шу ҳолни кўрамизки, турк истилоси европалик савдогарларни ва денгизчиларни Туркия мулкларини четлаб ўтиб Шарққа, Ҳиндистонга борадиган янги денгиз йўлларини ахтариб топиш ҳаракатини кучайтирди.

¹ «Стамбул» деган ном «Ис тин полини», яъни «шаҳар ёнида» ёки «шаҳарларда» (Константинополда) деган грекча иборанинг турклар томонидан бузиб айтилгани. Турклар аввалги Византия пойтахти Истинполинни — Истамбул—Стамбул деб қабул қилганлар.

Туркларнинг Константинополни истило қилиши Марказий ва Шарқий Европа учун, шу жумладан, славян мамлакатлари учун ҳам айниқса катта сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

XVI асрда Туркия Польша, Чехия, Венгрия, Австрия, Украинага қарши агрессия қилди. Турклар 1526 йилда Мохач ёнидаги жангда Фарбий Европа солибчилари устидан янги ғалаба қозонганларидан кейин, Туркия Венгриянинг катта бир қисмини эгаллади ва Габсбургларнинг мулкларига бевосита хавф-хатар солди. Туркия солган хавф-хатар, пировардида, Габсбурглар бошчилигида Урта Дунай бўйида яшаган халқлардан иборат кўп миллатли Австрия давлатининг вужудга келишига имкон берди. Аммо турклар Фарбий Европага ҳам маълум даражада хавф соломқда эдилар.

XVI аср бошларида Европа ва Осиё туташган жойда ўзининг составига Мисрдан тортиб то Испаниягача барча шимолий Африка соҳилини ҳам киритган ғоят катта тажовузкор давлатнинг ташкил топиши бутун Европани туркларнинг бостириб кириш ва пайҳон қилиб ташлашдек жиддий хавф-хатар остида қолдирди.

Лекин Европа Туркия масаласида бир фикрга келолмади. Европа давлатларининг бир қисми турклар томонига ўтди. Баъзи бир Фарбий Европа ҳукуматлари, Европадаги ўз рақиблири бўлган бошқа давлатларга қарши курашда Туркия империясига янги иттифоқчи майдонга келди, деб қарадилар. Европада аввало Франция Туркия масаласида ана шундай дўстона мавқени эгаллади, чунки Франция Габсбургларга қарши курашда Туркиядек бир иттифоқчига муҳтож эди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Яқин Шарқ бозорларини босиб олишга интилаётган Англия ҳам Туркия билан яқинлашмоқчи бўлди.

XXX БОБ

ФАРБИЙ ЕВРОПАНИНГ УРТА АСР МАДАНИЯТИ

Урта аср маданияти ва черкови. Урта аср маданияти черковдиний идеология билан чамбарчас боғланган эди. Черков таъсири ўрта аср маданиятининг жуда турли-туман соҳаларида: фанда, мактабда, адабиётда, санъатда акс этди.

Урта аср жамиятида черковнинг аҳамияти жуда катта эди. Черков Европа мамлакатларининг ҳар биттасида энг йирик ер эгаси эди. Турли королликлардаги ерларнинг деярли учдан бири черков корпорацияларига қарарди. Черков катта сиёсий куч эди. Рухонийлар ўз ораларидан король амалдорлари, канцлерлар, давлат секретарлари, марказий муассасаларнинг амалдорлари ва бошқаларни етиштириб чиқардилар. Урта асрдаги тоифавий йиғинларда (Генерал штатлар, парламент, кортеслар ва ҳ. к.ларда) рухонийларнинг вакиллари кўплаб қатнашарди. Лекин идеология масаласида черков айниқса катта роль ўйнар эди. Черков ўз обрў-эътибори билан ўрта аср феодал тузумини му-

қаддаслашган бўлиб, феодал жамиятининг диний раҳбари ҳисобланар эди.

Диний-аскетик дунёқарашнинг ҳукмронлик қилиши. Халқ оммаси тарбияланган ўрта аср дунёқарашининг характерли хусусиятларидан бири—диний аскетизм эди. Аскетизм таълимотига кўра, ер юзидаги ҳаёт инсоннинг ўзи ва унинг гавдаси гуноҳ ва ёвузликнинг мужассамлашгани эмиш. Динга ишонувчи инсоннинг бурчи—нариги дунёдаги, яъни охиратдаги энг аъло ҳаётга ўтиш тайёргарлиги кўриш учун ердаги азоб-уқубатлардан ўз жонини аста-секин халос этишдан, инсоний «ҳаваслар» билан тўхтовсиз курашишдан иборат эмиш. Бунинг учун черков одамларга рўза тутиш, ибодат қилиш, чилла ўтириш ва ҳ. к. ларни тавсия этди. Тарки дунё қилиб ибодатхонага (монастирга) кетиш энг олий даражадаги жасурлик деб ҳисобланди.

Амалда эса аскетизм унча изчиллик билан олиб борилмади. Қутурган ва беадаб феодаллар, албатта, аскет бўлишни ҳатто ўйларига ҳам келтирмадилар. Руҳонийларнинг ўзлари, хусусан, уларнинг олий мартабали вакиллари, аслида дунёвий феодалларнинг турмуш тарзига эргашиб ҳатто ўзларининг аскетик қоидаларини ҳам қўпол равишда бузардилар. Шаҳарликлар ва деҳқон халқ оммаси ҳаётининг бутун алам ва кулфатига бардош бериб «осойишта» меҳнат қилиб кун кечираверган. Ўрта аср жамияти ёппасига монастирлардан иборат бўлиб, унда одамлар фақат чилла ўтирадилар ва тоат-ибодат билангина машғул бўлардилар, дейилса, албатта хато бўлур эди. Аммо, шунга қарамаздан, аскетизм расмий таълимот бўлиб, у черков кафедра-сидан туриб пропаганда қилинарди, мактабда ёшларга ўрта аср даври адабиётининг кўпгина хилларига зарурий элемент бўлиб кирган аскетизм таълимоти ўқитиларди. Турли синфларга мансуб бўлган кишиларнинг анчагинаси озми-кўпми аскетизмни ёқлаб, унинг қоидаларини баъзан жиддий равишда бажарарди. Ўрта асрлар даврида аскетизм диний ҳукмронликнинг энг яққол ифодаси эди. Бу вақтларда аниқ фанлар эндигина куртак отиб келаётган эди, инсоннинг табиат кучлари устидан ҳокимлиги ҳали унча такомиллашмаган эди, ижтимоий муносабатлар эса кескин антагонистик ва крепостниклик асосига қурилган бўлиб, халқ оммаси доимо азоб-уқубат чекар, лом-мим деб овоз чиқармас, қўрқув ваҳимада кун кечирар ва охиратдаги жаннат-арш аъло ҳақида хаёл сурар эди.

Бироқ ўрта аср дунёқарашига черковнинг таъсири ҳамиша бирдек кучли эмас эди. Илк ўрта аср даврида—тахминан XI асрнинг иккинчи ярмигача ўрта аср жамиятига идеологик раҳбарлик энг кўп черков монополиясида бўлди. Сўнгра, XII—XIII асрларда черков идеологик раҳбарликини расман ўз қўлида тутиб турган ва ҳатто уни айрим формаларда кучайтирган бўлса-да (университетларнинг равнақ топиши, тугал фалсафий-теологик системасининг — схоластиканинг вужудга келиши ва ҳ. к.), аммо айни замонда, бу даврда Европадаги черковдан ташқари ва ҳат-

то қисман унга қарши ҳам маданият ривожланди. Шаҳар бюргерлари адабиётининг, унинг антифеодал ва реалистик тенденцияларининг таркиб топиши ва руҳонийларга кескин ҳужумлар қилиш жамиятни черковнинг идеологик васийлигидан озод қилиш бобида бошланиб кетган жараёни яққол кўрсатди.

XIV—XVI асрларда Европада Уйғониш даврининг янги маданияти ёки гуманизм олий даражага эришди. Бу маданият очиқ ифодаланган дунёвий маданият эди. Гуманистларнинг кўпчилиги черков-диний масалаларга бутунлай бепарволик билан қарарди. Гуманистларнинг майдонга келиши кейинги ўрта аср даврида Европа жамиятидаги энг прогрессив пешқадам табақаларга черковнинг таъсири йўқолганлигидан дарак берарди.

Ўрта аср мактаби. Университетлар. Ўрта аср даврида уч хил мактаб бор эди. Черков ва монастырлар ҳузурнда ташкил этилган қуйи мактаблар элементар саводли диндор шахслар — клириклар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу мактабларда латин тилини¹ (католикларнинг тоат-ибодат қилиши шу типда олиб борилган) ўрганишга, ибодат қилиш ва дуолар ўқиш тартибларини ўрганишга асосий эътибор берилар эди. Кўпроқ епископлик кафедралари ҳузурнда вужудга келган ўрта мактабда етти «эркин санъат»ни (грамматика, риторика, диалектика ёки логика, арифметика, геометрия, география, астрономия ва музыка ҳам шунга кирарди) ўрганиш тажриба қилинарди. Биринчи уч фан т р и в и у м, сўнги тўрттаси — к в а д р и в и у м деб аталган. Кейинроқ «эркин санъат»ни олий мактабда ўрганила бошлаган, унда бу фанлар кичик (артистик) факультетдаги ўқитишнинг мазмуини ташкил этган. Олий мактаб дастлабки вақтда (*Studia generalia*) «умумий фанлар» деб аталган, кейин, бу номни башқаси — университетлар² деган ном суриб чиқарган.

Биринчи университетлар XII асрда бир қисми теология ва фалсафа соҳасида энг йирик профессорлари бўлган епископ мактабларидан, бир қисми хусусий муаллимларнинг — фалсафа, ҳуқуқ (Рим ҳуқуқи) ва медицина мутахассисларининг бирлашмаларидан келиб чиққан. Европада энг қадимий университет Париж университети бўлиб, у XII асрнинг биринчи ярмидаёқ «эркин мактаб» сифатида машғулот олиб борган. Париж университети XII асрнинг иккинчи ярмида ва XIII аср бошларида узил-кесил расмийлашган (Филипп II Август 1200 йилда Сорбонна ҳуқуқлари тўғрисидаги ёрлиғи билан таъсис этган). Аммо Италиянинг олий мактаблари — Рим ҳуқуқига ихтисослашган Болонь юридик мактаби ва Салер медицина мактаби анча илгари, XI асрадёқ университетларнинг марказлари ролини ўйнай бошлаганлар. Европадаги бошқа университетлар асос қилиб олган

¹ Чунки католикларда худога топиниш фақат латин тилида олиб бориларди.

² Латинча *Universitas* — «жамоа», «корпорация», «йиғинди» (профессор-ўқитувчилар ва студентлар) сўзидан келиб чиққан.

Париж университети устави тўртта факультетдан: артистик, медицина, юридик ва теология (диний руҳда фалсафа ўқитиш ҳам бунга киради) факультетларидан иборат бўлган.

Англиядаги XIII асрда таъсис этилган Оксфорд ва Кембриж университетлари, Испаниядаги Саламанк ва Италиядаги Неаполь университетлари Европадаги энг қадимий университетлар эди. XIV асрда Марказий Европада — Прага, Краков, Гейдельберг, Эрфурт ва Кёльн шаҳарларидаги университетлар барпо этилди. XV асрда университетлар сонин тез кўпайди. 1500 йилда бутун Европада 65 та университет бор эди.

Ўрта аср университетларида дарс латин тилида олиб бориларди. Университетда дарс беришнинг асосий методи профессорлар лекцияси эди. Илмий алоқа қилишнинг тарқалган формаси илмий тортишув ёки очиқ мунозаралар бўлиб, бундай илмий тортишув ва очиқ мунозаралар вақт-вақти билан теология-фалсафий темаларда бўларди. Илмий тортишувларда асосан университетларнинг профессорлари қатнашардилар. Лекин схолалар (студентлар) учун ҳам шундай илмий тортишувлар ўтказиб туриларди (схолалар — студентлар *schola* латинча сўз бўлиб, мактаб демакдир).

Схоластика. Ўрта аср университети фани схоластика (*schola* сўзидан) деб аталарди. Схоластика ўрта асрнинг асосий фани ҳисобланган теологияда ўзининг энг ёрқин ифодасини топган эди. Схоластиканинг асосий хусусияти бирор-бир янги нарсани кашф этиш эмас, балки христиан динининг мазмунини тушунтириш ва уни бир системага солишдангина иборат эди. Христиан таълимотининг асосий манбалари бўлган муқаддас ёзув ва муқаддас ривоятга таянган схоластлар қадимий файласуфлардан, асосан Аристотелдан тегишли ўринларни далил қилиб келтириб, ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қилардилар. Ўрта аср таълимоти Аристотелдан турли хил мураккаб мулоҳаза юритиш ва хулоса чиқариш тарзида маантиқий баён қилиш формасини қабул қилиб олди. Ўрта аср олимлари теология-фалсафий масалалар билан шуғулланган пайтларидагина эмас, балки табиатни ўрганган пайтларида ҳам шахсий обрў-эътибор гоёт катта роль ўйнаган, лекин амалий тажриба кичик миқдос касб этган эди. Масалан, ўрта аср замонларида география соҳасида Аристотелнинг **ва бошқа қадимий авторларнинг обрў-эътибори бегумон бўлиб**, унинг тўғрилигига ҳеч ким шак-шубҳа қилолмасди. Медицинада бир қанча бидъат-хурофотлар мавжуд бўлиб, бу бидъат хурофотлар асрлар бўйича мустаҳкам сақланиб келди, чунки ўрта асрлар даврида Сивисекция сингари зарурий эксперимент деярли ўтказилмасди ва мурдалар анатомияси бўйича мунтазам иш олиб борилмасди. Анатомиёга доир баъзи бир билимлар кўпроқ араб медицина китобларидан олинган эди. Ўрта асрлар даврига келиб келган врачлик ишларига доир бир неча қадимий трактатлар сингари, арабларнинг бу китоблари ҳам Европада шак-шубҳасиз обрў-эътибор қозонган эди.

Европанинг кўп мамлакатларига ёйилган илмий ҳаракат, яъни илк даврдаги схоластика ўз тараққиётида муайян ижобий натижага эга бўлди. Аввало схоластлар узоққа чўзилган тапаф-фусдан кейин антик меросни ўрганишни (антик маданиятнинг баъзи вакиллари чунончи, Аристотель каби машҳур кишилар) янгидан бошлаб юбордилар. Сўнгра, схоластлар XII—XIII аср-ларда билишнинг баъзи бир энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқдилар. XI—XII асрларда Европада универсаллар, яъни умумий тушунчалар табиат тўғрисида қизғин баҳс давом қилди. Схоластларнинг баъзилари, яъни н о м и н а л и с т л а р, умумий тушунчалар деган гап буткул йўқ, балки сўзлар, ном демакдир, деб фараз қилардилар (латинча *poter* — ном ҳам ана шундан келиб чиққан). Бошқалари, уларнинг рақиблари бўлмиш р е а л и с т л а р, аксинча, умумий тушунчалар ҳақиқатда мавжуд бўлиб, улар хусусий предметлардан қатъи назар, идеалистик қарашларни очикдан-очик ривожлантирадилар. Номиналистларнинг реалистлар билан олиб борган мунозараси идеалистларнинг (Платон ва унинг мактаби) қадимий фалсафадаги материалистлар Демокрит, Эпикур, Лукреций ва ҳ. к.) билан эски мунозараларини қайтадан тиклади ва янги замонда эса материалистларнинг идеалистлари билан олиб борган бундан кейинги курашини тайёрлади. Ниҳоят, схоластларнинг кўплари универсал олимлар бўлиб, улар ўша маҳалда барчага мос келадиган фанлар билан, шу жумладан, ҳали ибтидоий ҳолатда бўлган табиийёт фани билан ҳам шуғулланган эдилар.

Париж профессорлари: Париж университетини таъсис этишда катта роль ўйнаган ва ўзининг «эркин фикри» билан олий мартабали черков руҳонийларининг кескин таънасига дучор бўлган Пьер Абеляр (1079—1142); Аристотелнинг ва унинг мантиқий методининг самимий мухлиси, қисман теология, қисман табиий-илмий характердаги бир қанча асарлар автори Альберт Буюк (1193—1280) ҳамда табиат ва жамиятни билишнинг ҳамма масалаларини черков-диний руҳда ёритган ўрта аср дунёқарашининг гўё энциклопедияси бўлган «Теология суммаси» («*Summa theologiae*») номли машҳур асар автори Фома Аквинский, (1225—1274) ўрта аср замонларининг энг йирик схоластлари ҳисобланардилар. Фома Аквинский черков-христиан догматик таълимотини системалаштиришдан ташқари, ўша замоннинг энг муҳим иқтисодий масалаларига тўхталди, феодал доираларнинг манфаатлари билан шаҳарликларнинг манфаатларини (процент ҳақида «адолатли баҳо» ва ҳ. к. лар тўғрисида фикр юритиш) келиштиришга ҳаракат қилди. Ҳолбуки, XIII асрнинг иккинчи ярмида шаҳарликларнинг салмоғи энди анча катта эди. Табиийёт масалаларига энг катта эътибор берган схоластлардан бири — инглиз олими монах Роджер Бэкон (1214—1292) бўлиб, у табиатни тажрибавий йўсинда ўрганиш зарурлигини биринчи марта кўтариб чиққан эди. Халқаро миқёсда машҳур бўлган сўнгги энг йирик олим-схоласт

Дунс Скотт (1260—1309) бўлиб, у Оксфорд ва Париж университетларида дарс берарди. Дунс Скотт эътиқод билан билим ўртасидаги, яъни дин билан фан ўртасидаги фарқ масаласини бошқа схоластларга қараганда кескинроқ қилиб қўйди. У ўзининг баъзи бир трактатларида, материя фикр қилиш қобилиятига эга бўлса ажаб эмас, деган фикр билдирди. Дунс математика билан табиийётни ўрганишга катта эътибор қилди.

XIV асрдан, хусусан XV—XVI асрлардан эътиборан схоластика орқага кетади. Табиийёт билан антик адабиётни янада ўрганиш схоластлардан ташқари борди. Схоластика теологиянинг маддоҳлик-догматик масалаларида узил-кесил ихтисослашиб, илмий тараққиётнинг янада олга қадам қўйишига монелик қилди ва туғилиб келаётган янги буржуазия вакиллари бўлмиш гуманистлар билан қаттиқ курашди.

Мистика. Урта асрлар замонида схоластикадан ташқари, яна бир оқим, яъни схоластлар билан қизғин кураш олиб борган оқим ҳам мавжуд эди. Бу оқим — м и с т и к а эди. Масалан, Абельярнинг замондоши, иккинчи салиб юришининг собиқ ташкилотчиси Б е р н а р д К л е р в о с с к и й (1091—1153) Абельяр билан қаттиқ курашди. XIV—XV асрларда немис мистиклари И о г а н н Т а у л е р (1300—1361) билан Ф о м а К е м п и й с к и й (1379—1471) энг кўп ном қозонган эдилар. Таулер билан Кемпийский асарлари бошқа мамлакатларга ҳам тарқалиб, бир неча бор нашр қилинган. Мистиклар Аристотель таълимотини ўрганиш ва дин асосларини мантиқ жиҳатдан исбот этиш зарурлигини рад этдилар. Улар, диний қондалар фақат «мушоҳада қилиш», яъни бирор-бир «мажусий фан» ёрдамисиз ибодат қилиш ва художўйлик йўли билангина ўзлаштирилади, дердилар. Мистиклар ана шу тахлитда майдонга чиқиб очиқдап-очиқ реакцион мавқени эгалладилар. Аммо мистиклар схоластларга қараганда оз сонни ташкил қилганликлари сабабли мистиклар теология ва фалсафий обрў-эътибори билан боғланган эдилар, мистиклар орасида баъзан демократик кайфиятдаги мутафаккирлар пайдо бўлиб, улар ўз «мушоҳадалари»да ва «мулоҳазалари»да феодал тартибнинг ўзининг асл моҳиятига танқидий назар билан қараб, бу тартибнинг «абადийлиги» ва «адолатлилиги»ни рад қилардилар ҳамда «янги замонлар» келишини, «буюк тўнтариш» яқин қолганлигини, «ер юзида тангри ҳукмронлиги» қарор топажанини олдиндан каромат қилардилар. Масалан, XVI асрда бўлғуси черков реформациясининг энг кўзга кўринган радикал раҳбарларига таъсир кўрсатган мистик италиялик И о а х и м К а л а б р и й с к и й (ёки Ф л о р с к и й) (1145—1202) бўлиб, у тез орада ер юзида хусусий мулк бўлмаган, эксплуатация ҳам бўлмаган мукамал «минг йиллик ҳукмронлик» даври қарор топажанини олдиндан айтган эди.

Урта аср ереслари ва уларнинг ижтимоий характери. XI асрдан эътиборан Ғарбий Европада ереслар, яъни ҳукмрон феодал-католик черковига қарши бўлган ва, оқибат-натияжада, кўп ёки

сз сонли динга ишонувчиларни черковдан ажратиб олган диний оқимлар тарқала бошлади. Урта аср ересларининг равнақ топши шаҳарларнинг ўсиши билан алоҳида учинчи тоифа бўлган шаҳарликлар синфининг кучайиши билан, шаҳарликлар билан феодаллар ўртасидаги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиши билан чамбарчас боғланган эди. Ереслар ҳаракатида қатнашган шаҳарликларнинг феодал тузумга қилган ҳужумлари ўзига хос янги диний-идеологик шаклга эга бўлди. Одатда ереслар Ғарбий Европанинг шаҳар ҳаёти энг кўп ривожланган мамлакатларида ҳам вужудга келарди. Жанубий Франция, Жанубий Германия, Шимолий Италия, Нидерландия, Англия, Чехияда еретиклик ҳаракати ўчоқлари жуда кўп эди.

XI асрнинг иккинчи ярмида вужудга келиб, энг кўп тарқалган ересь— катарлар ереси бўлиб у Шимолий Италияда (Ломбарияда) ва айниқса Жанубий Францияда кенг ёйилган эди. Катарлар ҳаракатининг асосий марказларидан бири бўлган Франциянинг Альби шаҳари номига нисбат берилиб, бу ҳаракатга эргашувчилар ҳам альбигойчилар деб аталган. Катарлар ҳаракатининг келиб чиқиши салиб юришлари билан алоқадордир. Европалиklar Шарқда бу ҳаракат билан танишиб, сўнг уни Ғарбий Европага олиб келдилар. Катарлар— альбигойчилар таълимотининг энг яқин манбаи болгарлар художўйлиги бўлиб, у ўз навбатида Византия павликанлигига ва Эрон манихейлигига гоъвий жиҳатдан асосланган эди.

Художўйлар сингари, катарлар ҳам жиддий дуализмга асосланган эдилар. Дунёда яхшилик билан ёмонлик, худо билан шайтон бир-бировларига рақиб бўлиб, доимо курашадилар, ташқи дунё инсонга нисбатан ёвузлик, инсон танаси, яъни жонни кишанлаб турувчи материя ҳам ёвузликдир. Инсоннинг муддаоси дунёнинг ана шу ёвузлигидан халос бўлишдир. Катарлар ташқи дунёни (аслида, ҳукмронлик қилувчи феодал тартибни) қоралаб, феодал католик черковининг, феодал давлатнинг зарурлигини рад этиб, урушларга, судларга ва бошқа феодал муассасаларига қарши бош кўтарардилар. Катарлар ўзларини «покизалар» ва «мукаммаллар» деб атардилар. Бироқ, тўлиқ аскетизмни амалга оширишда ифодаланган «мукаммал» ҳаёт идеали катарларда оз сонли одамларга — уларнинг устозлари ва диний раҳбарларига нисбатангина қўлланиларди. Оддий, «авом» катарлар эса одатда мавжуд вазиятга мослашиб, онлани бўлардилар ва рўзгор ишлари билан шуғулланардилар ва ҳ. к. Оддий, «авом» катарлар ўлим олдида махсус «таскин бериш» урф-одатидан ўтказилгач, «мукаммаллар» сафига ўтардилар ва, шундай қилиб, ташқи дунё билан батамом алоқани узардилар.

Катарлар ўзларининг алоҳида руҳонийларига, алоҳида махфий мажлисларига, алоҳида таълимот ва ҳаётга эга бўлиш билан католик черковини вайрон қилиб, унинг таъсиридан қутулдилар. Фақат шаҳарликларгина эмас, балки дунёвий феодалларнинг бир қисми ҳам ересга ихлосманд бўлиб, хусусан католик

черковига қарашли ер-мулкларни секуляризация қилиш умидида ереслик олдида тиз чўқдилар. Чунки еретиклар таълимотидан ана шу нарсалар мантиқан келиб чиқар эди. Иннокентий III XIII аср бошларида Франциянинг жанубидаги еретикларга қарши салиб юриши уюштириб, унда кўп сонли шимолий француз феодаллари қатнашганлиги ва натижада бутун Лаңгедок хароб қилиниб, сўнг у француз короли мулкларига қўшиб олинганлиги юқорида кўрсатиб ўтилган эди¹.

Шаҳарда вужудга келиб, аммо кейин қишлоққа ҳам тарқалган иккинчи бир ересь — в а л ь д е н с л а р ереси эди. У лионлик савдогар Пётр Вальда номидан олинган бўлиб, Пётр ўз молу мулкни гадойларга улашиб берди, ўзи бўлса тавба-тазарру қилишни тарғиб қилди ва қашшоқликка даъват этди (XII асрнинг 70-йиллари). Бойликка, ижтимоий тенгсизликка ва адолатсизликка қарши норозиликни ўзида акс эттирган вальденслар таълимоти айниқса шаҳар плебей элементлари орасида ёйилди. Замондошлар вальденслар ересини кўпинча «Лион қашшоқлари ереси» деб ҳам атардилар. Аммо вальденслар ереси Жанубий Франция ва Жанубий Германия деҳқонлари орасида ҳам тарқалди. Вальденслар ереси Швейцарияга ёйилди, бу ерда маҳаллий феодаллар томонидан қуллик асоратига туширилмоқчи бўлган деҳқонлар ана шу вальденслар диний байроғи остида маҳаллий феодалларга қарши бош кўтардилар. XIII—XIV асрларда кўп вальденслар Чехияда эди.

XIV—XV асрларда еретиклик ҳаракати айниқса кенг қанот ёйиб, у икки асосий оқимга: 1) папаликка қарши чиққан ва руҳонийларнинг алоҳида тоифасини тугатишни ва ўзининг «анча арзон» бюргерлик черковини тузишни мақсад қилиб қўйган мўътадил бюргерлар ересига ва 2) жамиятни радикал — демократик антифеодал руҳда ижтимоий ислоҳ қилиш программасини ўртага ташлаган деҳқон-плебейлар ересига кескин суратда ажралади. Чунончи, Англияда виклефизмдан ажралиб чиққан лоллардизм у билан бир қаторда ривожланди, лоллардизм вакиллари (Жон Болл ва бошқалар) 1381 йилдаги кўзғолонда актив қатнашдилар. XV аср бошларида Чехиядаги таборийлар чех деҳқонлари ҳаракатига бошчилик қилиб, урушнинг боришида Ян Гуснинг издошлари бўлган чашниклар билан алоқани уздилар.

Католик черковининг ереслар билан кураши. Католик черкови еретиклик ҳаракатига қаттиқ жазо чоралари қўллаш билан жавоб берди. Еретикларга қарши салиб юришлари уюштириш папаликнинг ересликка қарши олиб борган курашининг кўпдан-кўп методларидан бири эди. Инквизиция еретиклар билан курашда гоят катта аҳамият касб этди. Еретикларни илдизи билан йўқ қилиш учун тузилган махсус суд инквизиция (латинча— «текшириш» сўзидан) деб аталарди. Инквизиция суди чақимчиларнинг (қисман исми номаълум одамларнинг) берган маълум

¹ XI—XV асрларда Франция деган XVIII бобга қаралсин.

мотларига асосланиб иш кўрувчи махфий ташкилот бўлиб, у айбланувчиларни жуда қаттиқ қийноқ-азобга дучор қиларди ва иш аксар айбланувчиларни қатл қилиш (оловда ёқиш) билан тамом бўларди; уларнинг мол-мулклари эса мусодара қилинарди. Еретикларни оловда ёқиб юбориш оммавий тус олган эди. Еретикларни қатл қилиш ўзига хос ошқора диний «байрам» (Испаниядаги аутодафе ва бошқалар)га айланар эди. Дунёвий феодал ҳокимияти, жумладан, ҳукм қилинган еретиклар молу мулкининг улкан улушини олиш ниятида одатда инквизицияга тула-тўкис ёрдам кўрсатарди.

Иннокентий III давридаёқ инквизиция янги монахлик ордени бўлмиш доминиканлар, ёки «ваъзхон-биродарлар» қўлига батамом топшириб қўйилган эди. Доминиканларнинг бу янги монахлик ордени еретиклар билан махсус кураш олиб бормоқ учун испаниялик дворян Гусман Доминик томонидан (1207—1208 йилларда) таъсис этилган эди. Яна шу Иннокентий III даврида пайдо бўлган иккинчи бир монахлик ордени, яъни францисканлар ордени тахминан худди шу вақтларда (1209—1210 йилларда) италян Франциско Ассизский томонидан тузилган эди. Бу «гадойлар ордени» нинг муддаоси шаҳар камбағалларини ереслик хавф-хатаридан четга тортиш эди. Францисканлар садақа тилаб тирикчилик қилиб, хусусий мулкка эга бўлмасликлари керак эди. Улар дағал матодан кийим кийиб, ҳар доим яланг оёқ юришлари, белларига арқон боғлаб олишлари лозим эди ва ҳ. к. Кейинчалик, орадан сал вақт ўтмай, францисканлар ордени ҳам анчагина молу мулкка эга бўлиб олди.

Шу тариқа черков орденининг «фақирлиги»ни рўкач қилса-да, лекин бу нарса муваққат ва нисбий бир ҳол эди, аслида эса папанинг меҳнаткашлар оммаси масаласида очиқдан-очиқ, қўпол демогогия билангина шугулланганлиги маълум бўлиб қолди.

Ўрта аср архитектураси. Ўрта асрлар ўзидан кейин архитектура санъатининг кўп улкан ёдгорликларини қолдирди. Ўрта асрларнинг дастлабки юз йилликларида (тахминан, Карл Буюк замониғача) бинокорлик техникасидаги заифлик ўрнини бундан кейинги асрларда бинокорлик санъатидаги катта юксалиш эгаллади.

IX—XIII асрлар замонида Европада иккига асосий архитектура услуби роман ва готик услуби ўрин алмашганини кўриш мумкин. Роман идеологиясига мувофиқ Европанинг турли мамлакатларидаги собор черковлари — ибодатхоналари роман ва готик архитектурасига мансуб бўлган энг кўп ёдгорликлардир. Каролинглар замонида ривожлана бошлаган биринчи услуб (яъни роман услуби)нинг номи қадимги Римдаги биноларга тақлид қилишдан келиб чиққан. Ҳақиқатда, роман архитектура услуби антик, яъни рим услубига қараганда хийла дағалроқ такомиллашмаган ва гализроқ эди. Роман услубидаги соборларнинг деворлари қалин, гумбазлари нисбатан паст, устунлари йўғон ва накана, ромлари камбар ва кичик бўлиб, улар ўша давр (IX—

XII асрлар)даги бинокорлик техникасининг ҳали заиф эканлигини ва сиёсий вазиятнинг ўзини ҳам олпа-очиқ акс эттирардилар, бунга сабаб шуки, бу даврда феодал урушлари ва ўзаро шизо-жанжаллар ҳар доим давом қилиб, душман ҳужумлар қилган пайтларда бу черковлар маҳаллий аҳолининг қочиб кириб жон сақлайдиган қалъаларига осонгина айлантирилар эди.

XII—XIII асрларда ривожланган ва кейинги асрларда дастлаб Францияда, кейин эса Европанинг бошқа мамлакатларида равнақ топган готик архитектураси техника жиҳатдан гоят антиқа ва мукамалроқ эди¹.

Готик архитектурасининг характерли хусусияти шунда эдики, архитектор бинони мумкин қадар баландроқ қилиб қуришга интилади. Ярим доирали кубба пештоқ ўрнига учи найза пештоқ қилинадиган бўлди. Готик услубидаги соборларнинг ички қисмида баланд ва кўрам қилиб ишланган устулар кўп. Соборларнинг деразалари катта-катта бўлиб, уларнинг ойналарига рангбаранг бўёқлар берилган эди. Бўрттириб ишланган зийнатларнинг мўллиги, яъни ҳайкаллар барельефлар, осма пештоқлар, ажойиб қилиб ўйиб ишланган тошлар бионинг ҳам ташқи, ҳам ички томонини безатиб турар эди. Битта ёки бир неча баланд миноралар ва улугвор эшиклар готик услубида қурилган бинони алоҳида шоҳона ҳосил қўрсатарди. Готик собори ўрта аср шаҳарининг ўзига хос архитектура маркази ҳисобланарди.

Роман архитектураси ёдгорликларидан энг машҳурлари Францияда Пуатье ва Арль соборлари, Германиядаги Шпейер, Вормс, Майнц, Аахен соборларидир. Готик санъатининг энг яхши ёдгорликлари Париждаги Бибимарьям (ибодатхонаси) собори, шунингдек, Францияда Руан, Реймс ва Шартр соборлари, Англиядаги Лондон Вестминистрлик аббатлиги ва Линкольн шаҳаридаги собор, Италиядаги Милан собори, Чехиядаги Прага собори, Польшадаги Краков собори ва бошқалар ҳисобланади.

Готик архитектурасининг граждан биолари орасида Брюсселдаги шаҳар ратушаси, XV асрдаги машҳур француз молиячиси Жак Кернинг Буржадаги уйи, Амбуаздаги (Францияда) король қасри ва бошқалар бор.

Роман ва готик услубларидан ташқари, ўрта аср архитектураси яна иккита услубдан: Италиядаги византия услубидан (Венецияда — авлиё Марк собори, қисман дождлар саройи ва б.) ҳамда Испаниядаги араб (мавр)лар услубидан (энг машҳур ёдгорликлар Графадада арабларнинг Альгамбра номли собиқ сарой-масжиди, ҳозирги Севилье собори ва Севильядаги Алькасар қасри²) кенг фойдаланди.

¹ Готик архитектурасининг ватани Шимолий Франциядир. «Готик» номи гуманистлар таъсири остида кейинроқ пайдо бўлган, чунки улар ўрта аср давридаги барча нарсалар «готик» (яъни готларники) ва «варварларники» деб ҳисоблардилар.

² Ўрта аср архитектураси ва тасвирий санъати тўғрисида В. Ф. Семенов ва А. А. Кирилловларнинг «Альбом по истории средних веков» деган китобида (М., Учпедгиз, 1960) батафсил материал берилди.

Рицарлар маданияти. Феодал жамиятининг ҳар бир синфи черковнинг диний раҳбарлигини тан олар экаи, айна вақтда, у ўз кайфиятлари ва идеалларини акс эттириб, ўзининг алоҳида маданиятини ҳам ривожлантирди. Дунёвий феодалларнинг ҳоким синфи, яъни кенг маънодаги рицарлар XIII асрда урф-одатлар, услуб, дворянлик пазокати, турли хил дунёвий, сарой ва ҳарбий-рицарлик кунгил очишларнинг мураккаб тартибини яратди. Урта асрларнинг сўнги асрларида айниқса р и ц а р л и к т у р н и р л а р и, яъни қурол-яроғ ишлата билишдек феодалнинг ҳарбий касбини акс эттирадиган рицарлик мусобақалари деган қисми кенг тарқалди.

Рицарлар орасида рицарларнинг жасоратини осмонларга кўтариб мақтаган ҳарбий қўшиқлар вужудга келди. Кейинчалик ҳарбий қўшиқлар йиғиндиси бутун-бутун дostonларга айланди. Улар орасида XI асрда Шимолий Францияда вужудга келган ва XII асрда батамом ишланган «Роланд ҳақидаги қўшиқ» айниқса машҳурдир. Карл Буюkning Испанияга қилган юришларининг идеаллаштирилган шакли бу қўшиқнинг мазмуни бўлди. XII асрда Испанияда майдонга келиб, халқ қаҳрамони бўлмиш «Менинг Сидим ҳақидаги қўшиқ» номли дoston ҳам ана шундай қаҳрамонлик дostonларидан биридир. Бу дostonда испан халқларининг арабларга қарши олиб борган кўп асрлик кураши ўз аксини топган. XIII аср бошларида Германияда вужудга келган «Нибелунглар ҳақида қўшиқ» номли дoston учинчи энг йирик дoston ҳисобланади. Бу дostonда афсонавий элементлар илк ўрта аср замонларидаги халқ ривоятлари билан (Брунгильд, Аттила ва бошқалар тўғрисидаги ривоятлар) ҳамда кейинроқ замондаги рицарлик ҳаёти (XII—XIII асрлар) билан чатишиб кетган.

XII асрда рицарлик романлари пайдо бўлиб, улар тез орада кенг тарқалади. Европанинг турли мамлакатларидаги рицарлар Шарққа қилинган салиб юришлари жараёнида бир-бирлари билан таниша борган ва узоқ-узоқ мамлакатлар ҳақидаги таассуротлари билан бойинганларидан кейин, бу мамлакатлар тўғрисида турли рицарлик саргузаштлари проза шаклида баён қилинди. Қадимги Британия короли Артур ҳақида ёзилган романлар цикли айниқса катта шухрат қозониб, у Англияда ва Францияда севилиб ўқиладиган бўлди ва Амадис Галльский тўғрисидаги романлар Испанияда, Франция ва Италияда кенг тарқалди.

Шаҳар маданияти. Урта асрлар замонида муҳим сиёсий роль ўйнаган ўрта аср шаҳари маданиятни равилақ топтириш учун ҳам кўп иш қилди. Ўзининг антифеодал хусусиятлари олдинроқ намоён бўлган дунёвий адабиёт, аввало, шаҳарда тез муваффақиятларга эришди. XII—XIII асрлардаёқ шаҳарларда фаблио (французларда), скишванклар (немисларда) деб аталган формада сатирик асарлар майдонга кела бошлади, бу сатирик асарлар феодалларни масхара қилиб, улар устидан заҳарханда-

лик билан куларди. Италиянинг шаҳар повестларида (новелла-ларида) ҳам феодалларга қарши сатирик моментлар кўп уч-райди.

XIII асрда Францияда узил-кесил таркиб топган «Тулки ҳа-қида роман» номли сатирик асар умумевропада ном чиқарган эди. Бу сатирик асарда доим доғули Тулки томонидан алданади-ган оч ва тамагир бўри образида феодаллар тасвирланган эди. XIII асрда икки француз авторлари рицарь Гильом де Лорис (1- қисм) ва шаҳарлик Жан де Мен (2- қисм) томонидан бадий тилда ёзилган «Гул ҳақида роман» номли ажойиб катта бир асар Европанинг деярли барча мамлакатларида зўр шуҳрат қозонди. Шеърӣ тилда ва мифология-мажозӣ тарзда ёзилган бу «Гул ҳақида роман»да, айниқса унинг иккинчи қисмида реалистик ху-сусиятлар бор. Романда руҳонийларга ва Рим папасининг ўзига, король деспотизмига қарши ўзининг зодагонлиги билан мақта-надиган феодалларга қарши ҳужум қилинади. Де Мен, инсон-нинг чинакам олжаноблиги унинг зодагон авлод-аждоғга ман-сублигида эмас, балки унинг шахсий ақл-идрокида ва ахлоқий гўзаллигидадир, деган фикри олга суради ва кейинроқ бу фикр-ни гуманистлар давом эттирадилар.

Шаҳарда ўрта аср театри ҳам яратилди, аввало у мисте-рий шаклида бўлиб, яъни тавротнинг турли мазмундаги дра-матик сахналари кўринишида иш олиб борди. Кейин бу драма-тик асарларга аста-секин дунёвий, ҳаётӣ материаллар киритил-ди, бу материаллар кўпинча форс формасидаги кулги-сатирик характерда бўлар эди.

Рицарлар сингари, шаҳарликларнинг ҳам ўзлари қизиққаң оммавий кўнгил очишлари бўларди, аммо булар рицарларники-дан бошқача турда бўлади. Бу кўнгил очишларнинг бири карна-вал бўлиб, карнавал қиш охирида, рождество билан баҳорги катта рўза ўртасида қилиниб, шаҳарликлар музика чалиб ва юзига ниқоб кийиб кўчаларда юрганлар. Италия шаҳарларида XIII аср охири ва XIV аср бошларидаёқ уйғониш даврининг янги маданияти вужудга келади.

Халқ ижоди. Ўрта асрлардаги деҳқонлар маданияти асосан фольклор, исми номаълум оғзаки ижод тарзида бўлиб, унинг бир қисми латин ва немӣ тилларда турлича текстларда ёзилган ва бизгача етиб келган, бошқа қисми ёзилмай қолган бўлса-да, ле-кин адабий асарларга узвий бир парча бўлиб кирган ҳамда ун-дан халқ оҳанглариининг манбаи сифатида фойдаланилган. Халқ ўйинлари—христиан дини жорий этилмасдан бурунги мажусий-лик замонларидаги қадимий хороводларнинг рақслари, турли лирик қўшиқлар — севги қўшиқлари, зиёфатларда айтиладиган қўшиқлар ва тўй лапарлари, кўмиш маросимида айтиладиган марсиялар, турли хил ва кўп сонли чўпчаклари, қаҳрамонлик афсоналари, мақоллар, маталлар, топшмоқлар ва бошқалар халқ фольклорининг хилма-хил формалари ана шулар эди. Халқ поэзиясининг формалари яратилиб, кўз қорачигидай сақланиб

келди ва авлоддан-авлодга ўтиб борди, бу формалар тобора мураккаблашиб, равнақ топиб ва такомиллашиб, умуман, халқ ҳаётини, унинг кайфият ва орзу-умидларини гоёт даражада равшан акс эттирди. Шаҳар шоирлари фольклорнинг анчагина қисмидан фойдаландилар. Жумладан, асосан қишлоқда пайдо бўлган афсонавий эпос, юқорида айтиб ўтилганидек, шаҳарнинг ҳикоявий сатирасида кенг фойдаланиладиган бўлади. Ўрта асрларнинг энг йирик поэмалари юқорида айтиб ўтилганидек аввало, халқ оғзаки ижодидан манба сифатида фойдаландилар. «Нибелунглар ҳақида қўшиқ» туғрисида худди шундай демоқ керак.

Кўпчилик қисми, шунингдек, халқ оммаси орасидан етишиб чиққан, исми номаълум авторларга мансуб бўлган ва қишлоқ билан чамбарчас боғланган халқ ижодининг ўзига хос тури — халқ балладаларидир. Бундай балладалар ўрта аср Англиясида ва Шотландияда айниқса кўп сақланган. Халқ балладаларида ўрта аср қишлоғининг ҳаёти, деҳқонлар оммасининг феодалларга муносабатлари, ўрта асрларда турли кўринишда намоён бўлган халқ ҳаракатлари, халқ онгида у ёки бу кўринишда юз берган энг муҳим тарихий воқеалар акс этган.

Деҳқонларга яқин турган шаҳарнинг қуйи табақа аҳолиси ҳам ўрта асрлар давомида ўз маданиятини ривожлантирдик, у шаҳарнинг ўзига хос плебей халқ поэзиясида ўз аксини топди. Бу поэзиянинг ифодачилари ва халқ санъатининг бу билан боғланган формалари—шаҳар жонглёрлари (цирк артистлари) ва шпильманлари (дарбозлари) бўлиб, улар одатда шаҳар ярмаркаларида ва бозорларда ўз ҳунарларини намоён қилардилар. Умуман қадимги Русьдаги скоморохлар (найрангбозлар) га ўхшаб кетадиган жонглёрлар ва шпильманлар қисман халқ қўшиқларини, қисман ўзлари ёзган янги қўшиқларни ижро этувчи ҳофиз ва музикантлар эдилар. Улар қисқа саҳна асарларини қўйиб, бу асарларда кўпинча сатирик тарзда турли тоифаларнинг афт-башараларини очиб ташлардилар. Жонглёрлар ва шпильманлар айна замонда ҳам акробат, ҳам масхарабоз, ҳам қизиқчи эдилар. Кўп сонли маҳаллий аҳоли ва шаҳарга келган деҳқонлар уларнинг томошабинлари эдилар.

Халқ санъати бу оддий турининг ижтимоий аҳамияти анчагина катта эди. Томошабинларнинг кўплаб келиши шунини кўрсатарди. Вақт ўтиши билан, яъни ўрта аср жамиятида ижтимоий зиддиятлар кескинлаша бориши билан, жонглёрлар билан шпильманларнинг саҳна асарлари тобора ўткирлаша ва кўпчиликни қизиқтира бошлайди. Бу саҳна асарлари, бир томондан, меҳнаткашлар ўртасида ҳамкорлик ҳиссини уйғотса, иккинчи томондан, зolim феодалларга ва шаҳар бойларига нисбатан нафрат ҳиссини алангалантиради. Буларнинг ҳаммаси ҳоким синфларнинг жонглёрлари ва шпильманларни қувғин остига олишига сабаб бўлди. Католик черкови уларга айниқса ёмон кўз билан қарарди. Черков соборлари жонглёрлар билан шпильман-

ларнинг фаолиятини тақиқловчи қарорлар чиқарардилар. Уларни ибодатхоналарга киргизмасдилар. Баъзи жойларда ўлган жонгёрлар ва шпильманларни христиан диний йўли билан дафн қилишдан бош тортиларди ва уларни ҳатто оддий жамоат мазорларига олиб бориб кўмиш ҳам тақиқлаб қўйилган эди.

XXXI БОВ

XIV—XV АСРЛАРДА ИТАЛИЯДА ИЛК УЙҒОНИШ ВА ГУМАНИЗМ

Италияда Уйғониш тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари. XIV—XV асрларда Италияда шу вақтдаги Европанинг бошқа мамлакатларига нисбатан шаҳарлар анча гуриллаб ўсди. Италия шаҳарларида саноат жуда ривожланган бўлиб, унинг бир қисми мануфактура формасида ташкил этилган эди; бу шаҳарлар Европанинг қолган мамлакатлари ва хусусан Яқин Шарқ билан савдо қилувчи йирик савдо марказлари эди; бу шаҳарларда энг йирик банклар мавжуд бўлиб, уларнинг ишлари (операциялари) кенг халқаро характерга эга эди. Бу шаҳарларнинг саноат, савдо ва судхўр буржуазияси жуда катта маблағ ишлаб, маблағларининг бир қисмини маданиятни ривожлантиришга сарфлай оларди. Буржуазия аниқ фаиларни, табиёт ва математикани ривожлантиришга муҳтож эди. Буржуазиянинг хўжалик фаолияти тобора мураккаблаша бориши муносабати билан бу фаиларни равнақ топтириш унинг учун зарур эди. Мануфактура техникасининг ривожланиши, навигация иши, мураккаб коммерция ва банк ҳисоб-китоби — буларнинг ҳаммаси табиий фаиларни ва математикани ўрганишни талаб қилди. Айни замонда буржуазия ва Италия шаҳарларида истиқомат қилиб, шаҳар таъсирига тушиб қолган дунёвий ва руҳоний феодаллар ҳашаматли, ҳузур-ҳаловатли ҳаёт қуришга интилар ва шу билан санъат асарларига талаблари катта эди.

Таркиб толаётган гоятда бой италиян буржуазия синфи билан бир қаторда Италия шаҳарларида ақлий меҳнат вакилларининг ҳамда адабиёт ва санъат билан шуғулланган кишиларнинг кўпдан-кўп группаси: кўпдан-кўп адабиётчилар, шоирлар, публицистлар, врачлар, ўқитувчилар, инженерлар, «эркин касб усталари», яъни рассомлар, ҳайкалтарошлар, архитекторлар ва бошқалар ўсиб бормоқда эди.

Янгидан тугилиб келаётган ижтимоий табақанинг — интеллигенциянинг бу барча вакиллари Уйғониш маданияти ёки гуманизм деб ном олган янги маданиятнинг бевосита арбобларига айландилар.

Италия халқ оммаси янги прогрессив, илғор маданиятнинг равнақига жуда катта таъсир кўрсатди. Халқ оммасининг кундалик қаттиқ меҳнати, ҳали ўз аҳамиятини йўқотмаган юксак даражадаги ҳунармандлик, шу халқ оммасининг ҳоким (плуто-

кратия) бойларга қарши жуда қаттиқ баъзан жон-жаҳди билан олиб борган кураши, умумий ҳаётий оптимизм ва бардамлик Уйғониш маданиятининг энг яхши вакиллариини руҳлантириб юборди, гуманистлар ижодига шундай чуқур халқ-демократик хусусиятларни киритдики, бу хусусиятлар пировардида уларнинг асарларини жуда ҳам жозибдор қилиб юборди.

Илк италян Уйғониши. Уйғониш термини (французча «Ренессанс») янги маданиятнинг антик маданият билан алоқадорлигини кўрсатади. Шарқ билан, хусусан Византия билан ташишиш, салиб юришлари даврида ва ундак кейинги даврда Левант билан мунтазам алоқа қилиш натижасида италянлар қадимги грек қўл ёзмалари, антик тасвирий санъати ва архитектурасининг турли хил ёдгорликлари билан ташишадилар. Бу барча қадимий ёдгорликларни қисман Италияга олиб кела бошладилар, бу ерда улар коллекция қилинди ва ўрғанилди. Аммо Италиянинг ўзида ҳам анча-мунча антик Рим ёдгорликлари бўлиб, Италия шаҳар интеллигенциясининг вакиллари уларни ҳам синчковлик билан ўргана бошладилар. Италия жамиятида қадимий классик тилларга, қадимий фалсафа, тарих ва адабиётга чуқур қизиқиш пайдо бўлди. Флоренция шаҳри бу ҳаракатда айнақса катта роль ўйнади. Флоренция шаҳридан янги маданиятнинг бир қанча атоқли арбоблари етишиб чиқди.

Қачонлардир иқтисодий жиҳатдан энг гавжум ва ўзининг сиёсий тузуми жиҳатидан энг демократик бўлган қадимий шаҳарларда вужудга келган антик идеологиядан фойдаланиб, туғилиб келаётган янги буржуазия қадимий маданиятни оддий пассивлик билан ўзлаштирамай, балки уни ўзича қайтадан ишлаб чиқди, феодализмнинг бунгача ҳукм сурган дунёқарашига қарама-қарши ўлароқ янги дунёқарашни шакллантирди. Янги италян маданиятнинг иккинчи номи, яъни гуманизм ҳам худди шундан далолат беради. Ўрта аср идеологияси диққат марказига илоҳийни, охиратни қўйган бўлса, гуманизм маданияти инсоннинг ўзини ўз дунёқарашининг диққат марказига қўйди. Гуманистик дунёқарашда аскетизмга энди ўрин қолмади. Инсон танази, унинг завқ-шавқи ва эҳтиёжи гуманистлар томонидан бостириш ёки азоблаш керак бўлган қандайдир гуноҳ бир нарса деб эмас, балки ҳаётдаги энг асосий муддаодир, деб қаралди. Ер юзидаги ҳаёт бирдан-бир реал ҳодисадир, деб тан олинди. Табиат билан инсонни эътироф этиш фаннинг моҳиятидир, деб эълон қилинди. Ўрта аср схоластлари ва мистикларининг дунёқарашинида ҳукм сурган пессимистик оҳангларга зид ўлароқ, Уйғониш даври кишиларининг дунёқарашини ва кайфиятида оптимистик оҳанглар устунлик қиларди, бу кишилар учун инсонга, инсониятнинг ёруғ келажагига, инсон ақл-заковати ва маърифатнинг келгусида тантана қилишига ишониш характерли бир ҳол эди.

Бу янги буюк ақлий ҳаракатда атоқли шоирлар ва ёзувчилар, олимлар ва ҳар хил санъат арбоблари гуруҳи қатнашди. Ўрта аср билан янги замон чегарасида турган энг йирик сиймо

(«Ўрта асрнинг сўнгги шонри ва шу билан бирга янги замоннинг биринчи шонри»¹) флоренциялик Данте Алигъери (1265—1321) эди. Данте замонидаги бошқа ҳеч қандай асар унинг «Илоҳий комедияси» дагидек ўрта асрларнинг бутун идеологиясини акс эттирмаганди. «Дўзах», «Машхар» ва «Жаннат» унинг поэма-сининг уч қисмини ташкил этади. Оламнинг тузилиши ҳақидаги ўрта аср тушунчаси Данте асарида равшан қилиб ва поэтик тарзда ифодаланган. Аммо шу билан бир вақтда Данте поэзиясида янги, чуқур реалистик оҳанглар сезилиб туради. Унинг қаҳрамонлари якка ҳолда бўлиб, улар чуқур ва кучли завқ-шавққа эгадирлар. Данте туғилиб ўсган Флоренция шаҳридаги синдий курашининг ўзи поэмада худди ойшадагидек тиниқ қилиб акс эттирилган. Конкрет тарихий шахслар ўқувчи кўзи олдида кўп-лаб ўтиб туради. Поэма саҳифаларида сиёсий эҳтирос ниҳоят даражада жўш уриб туради, ўрта аср Италияси коммуналари тўлқинли тарихининг энг йирик сиёсий воқеалари абадийлаштирилади. Шуниси характерлики, «Илоҳий комедия» латин тилида эмас, балки Италия миллий адабий тилининг негизли бўлган тоскана тилида ёзилган.

Флоренциялик бошқа иккита ёзувчи: Франческо Петрарка (1304—1374) ва Жованни Боккаччо (1313—1375) Уйғониш даври адабиётининг атоқли вакиллари эдилар. Биринчиси — ўз маҳбуби Лаурага бағишланган ишқий сонеталари билан, иккинчиси — кўпроқ Флоренциянинг шаҳар ҳаётини мавзу қилиб олган 100 новеллалик тўплами, яъни ўзининг машхур «Декамерони» билан гуманистик адабиётга асос солдилар ва бу адабиётни фақат Италиянинггина эмас, балки бошқа мамлакатларнинг мутолаачи халқлари орасида ҳам жуда кенг ёйишга ёрдам қилдилар. Бу асарларнинг қилинган кўп-лаб таржималари Ғарбий Европанинг барча мамлакатларида пайдо бўлди.

Данте билан биргаликда Петрарка ва Боккаччо Италия адабий тилининг чинакам асосчилари бўлиб, улар ўзларининг классик асарлари билан дунё адабиётида бу тилга мустаҳкам ўрин ҳозирлаб бердилар.

XIV—XV асрларда Флоренциядаги гуманизмнинг бошқа ар-бобларидан гуманистик руҳдаги янги педагогик системани яратган Леонардо Брунини (1369—1444) кўрсатиш керак. Бруни «руҳинггина эмас, балки танани ҳам, тарбиялашни талаб қилди; у аёллар маорифини ташкил қилишни биринчилардан бўлиб талаб этди. Бруни ўзининг 12 китобдан иборат «Флоренция тарихи» номли асарида XIII ва айниқса XIV асрларда бу шаҳарда юз берган ижтимоий ҳаракатларга катта эътибор берди.

Йирик танқидчи, файласуф, тарихчи ва филолог, Эпикурнинг мухлиси Лоренцо Валла (1407—1457) Флоренция гуманистлари билан боғланган эди. Лоренцо Валла папа куряси-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Асарлар, т. 22, 382-бет.

нинг бир қанча ҳужжатлари (шу жумладан, машҳур «Константин армуғони») сохта эканлигини исбот қилди, бир вақтлар у папа куриясига қаттиқ нафрат билан қарарди, ҳатто бутун папа давлатини секуляризация қилиш лойиҳасини ҳам ишлаб чиққан эди. Валла таврот текстини илмий жиҳатдан таъқид қилишни ҳам бошлаб берди.

XIV—XV асрлардаги бошқа тарихчи гуманистлардан Ф л а в и о Б и о н д о (1388—1463) энг кўп ном қозонган бўлиб, у «Рим империясининг қулашидан бошланадиган тарих» (410 йилдан 1410 йилгача бўлган давр) номли умумлаштирувчи характерда катта асар ёзди. Бу асарнинг энг қимматли томони шундаки, Биондо асл маънодаги ўрта аср даврини энг кейинги даврдан (XV аср ва ундан кейинги) очиқ-ойдин фарқ қилиб, энг кейинги ўрта асрни янги тарихнинг алоҳида даври деб қаради.

Илк Уйғониш даври санъати. Илк Уйғониш даври санъати аввало янги рассомликда намоён бўлди. Асосан черков-диний мавзуда деворга солинган расмларни, яъни турли ибодатхоналарнинг ички деворларига нақш қилиб солинган, лекин бу расмларга реалистик хусусиятларни берган флоренциялик рассомлар Ж о т т о (1266—1337) ва М а з а ч ч о (1401—1428) янги рассомликнинг энг йирик усталари эди. Уйғониш даври рассомлари томонидан истиқбол қонунларининг кашф этилиши ўрта аср рассомлари техникасига нисбатан олға қараб қўйилган катта қадам бўлиб, у тасвирланадиган шаклни ясси қилиб эмас, балки қабарик қилиб бериш имкониятини яратиб берди. Д о н а т с е л л о (1386—1466) илк Уйғониш даврининг энг йирик ҳайкалтароши бўлиб, у, айни замонда, йирик портретчи — рассом ҳам эди. Донателло ўзи ясайдиган ҳайкалларга реал одамларнинг хусусиятларини беришга интилди. Шу билан бир вақтда у, ҳайкалтарошликнинг классик антик намуналарини зўр бериб ўрганди, бу намуналарни тенги йўқ намуналар, деб ҳисоблади.

Италиядаги илк Уйғониш санъати архитектура соҳасида ҳам катта ютуқларга эришди.

Уйғониш даврининг янги архитектураси, унинг улкан бинолари баланд гумбаз ва ғоят катта қатор-қатор устуллари пухта математик ҳисоблашларни талаб қиларди. Бинокорлик техникаси такомиллаштирилиши туфайли катта бинолар, соборлар ва саройлар қурилиши бундан аввалги замондагига нисбатан анча қисқа муддатларда (баъзан бир неча йилда) қуриладиган бўлди. Бундан аввалги даврда готик соборларини қуриш учун ўн йиллаб, баъзан эса юз йиллаб вақт талаб этилар эди. Уйғониш даври архитектурасини яратган энг йирик архитекторлар ҳам флоренциялик Ф и л и п п о Б р у н е л л е с к и (1377—1446) ва Л е о н Б а т т и с т а А л ь б е р т и (1404—1472) эди. Янги архитекторлар орасида Брунеллески биринчи бўлиб катта гумбазли бино қуриш проблемасини ҳал қилди. У Флоренциядаги кўпгина черков ва саройларнинг қурувчиси бўлиб, бу бинолар ўзининг қўрқамлиги билан замондошларни ҳайратда қолдирарди ва

уларнинг турли қисмлари асосан бир-бири ви билан тўғри мослаштирилган бўларди.

Альберти «Архитектура тўғрисида ўн китоб» номли асар ёзиб, буларда антик ёдгорликларни ўргатиш асосида ўзи яратган янги архитектуранинг илмий назариясини баён қилиб берди. «Рассомлик тўғрисида» деган иккинчи бир асарида ҳам антик рассомларнинг меросига таяниб туриб, рассомлик санъати назариясини таърифлаб берди.

Европада гуманизмнинг ёйилиши. XV асрнинг иккинчи ярмига келганда Европанинг барча мамлакатларида гуманизм кенг тарқалди. Қадимий авторлар, яъни Цицерон, Сенека, Тацит ва бошқаларнинг услубида «қайтадан тикланган» интернационал латин тилидан фойдаланган гуманист ёзувчилар, рассомлар ва олимлар Европада ўзига хос биродарлик ташиқил этдилар, бу биродарлик турли мамлакатларнинг олимлари ўртасида қизғин ёзишмалар олиб борди ва алоқалар боғлади. Феодал-крепостнойлик муносабатларининг кескинлашиши гуманизмнинг антифеодал йўлга тушиб олишига сабабчи бўлган, уни, жумладан, феодализмнинг идеологик таянчи бўлмиш католик черковига қарши қатъийроқ курашга мажбур этган қўшни Германияда гуманистлар айниқса кўп пайдо бўлдилар.

Италиянинг ўзида, XV асрда, Флоренциядан ташқари яна Римда, Неаполда, Миланда ва Венецияда Уйғонишнинг бошқа марказлари бор эди. Уйғониш санъати, шунингдек, гуманистик фалсафа, адабиёт сиёсий фикр бундан кейинги, XVI асрда, сўнгги Италия ёки Юксак Ренессанс даври деб аталган даври зўр ривож топди.

XVI асрда гуманизм узил-кесил умумевропа маданий ҳаракатига айланиб, ўрта аср схоластикасига жуда қаттиқ зарба етказди.

Китоб босишнинг бошланиши. Китоб босишнинг ихтиро қилиниши янги, буржуа маданиятининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. XV аср бошларидавоқ Фарбий Европа диний-оммавий адабиётини (ибодат ва дуолар тўплами ҳамда бошқаларни) тарқатиш учун алоҳида ксилографик усулдан фойдаланилди. Тахтага расм ва ёзувларни ўйиб ёзиб, кейин уларни қоғозга босардилар (XIV асрдан эътиборан Европада ёзув қоғози қўлланиладиган бўлди). Ксилографик усул билан китоб босиш китоблар тарқатиш масаласини ҳал қилмади. Иш секинлик билан борди, тахтадан ўйиб ёзилган дўнг ҳарфлар, китоб тексти қоғозга босиб бўлингандан кейин кераксиз бўлиб қоларди. Майинда туғилиб, кейин Страсбургга кўчиб келган Иоганн Гутенберг (1400—1468) нинг китоб босиш ишини ихтиро қилишда кўрсатган хизмати шундаки, у, ҳаракатланадиган ҳарфлар ихтиро қилиб, улар бошда ёғочдан ясалди, кейин эса бу ҳарфлар металл ҳарфлар билан алмаштирилди. Бундан ташқари, Гутенберг қоғознинг йккала томонига текет босиш имкониятини берадиган алоҳида пресс-дастгоҳ ихтиро этди. Бу ихтиро,

тахминан, 1445 йилда қилинган бўлиб, дастлабки пайтда у қаттиқ сир тутилди. Аммо, орадан 15 йил ўтгач, бу ихтиро ошкора бўлиб, у Германиядан бошқа мамлакатларга ёйилди.

1490 йилда ўз босмахонасини қурган венециялик нашриётчи гуманист Альд Мануций, (1448—1515) XV аср охирида Европада жуда катта шуҳрат қозонди, бу босмахонада у кўпгина антик авторларнинг асарларини, шунингдек, италиялик энг йирик гуманист ёзувчиларнинг — Данте, Петрарка, Боккаччонинг асарларини босди.

XV аср охирида Францияда Этьенларга қарашли Париждаги нашриёт фирмаси халқаро шуҳрат қозонди. Бу фирмага асос солган. Анри Этьен (1460—1520) фалсафа, математика ва астрономияга доир 120 асар нашр этди, бу асарлар асосан латин тилида, қисман француз тилида босиб чиқарилди.

Китоб босишнинг ихтиро қилиниши жуда катта аҳамият касб этди. Китоб босиш китоб тайёрлашни кўп марта тезлаштирди ва айни замонда уларнинг нархини арзонлаштирди. Шунинг ўзи билан, янги замондаги буржуа маорифини равнақ топтириш учун на қадимги дунёда, на ўрта аср даврида сира кўрилмаган жуда қулай техника шарт-шароитлари вужудга келтирилди.

XXXII БОБ

XIИ АСРДА МЎҒУЛ ДАВЛАТИ ВА УНИНГ ИСТИЛОЛАРИ

Мўғул қабилаларининг ҳаёти ва ижтимоий тузуми. XII асрда ҳозирги Монголия, Манжурия территориясида ва Шарқий Сибирнинг Жанубий қисмида мўғулларнинг кўп сонли қабилалари истиқомат қилар эди. Мўғулларнинг кўпчилик қисми даштн биёбонда яшаб, чорвачилик, йилқи, қорамол ва қўй-эчки боқиш билан шуғулланар эди. Мўғулларнинг бир қисми ўрмонларда яшаб, мўйнали ҳайвонлар овлар ва балнқчилик қиларди. Дашт мўғуллари кўпроқ сонни ташкил қилиб, анча ривожланган эди. Улар ўрмонларда яшовчи мўғуллар устидан ҳукмронлик қилиб улардан мажбурий суратда мўйна солиғи олардилар.

XII асрдаги мўғулларнинг ижтимоий тузумида уруғчилик тузумининг хусусиятлари ҳали жуда кўриниб турарди. Кўчманчи мўғуллар уруғ-уруғ бўлиб яшардилар. Кўчманчи мўғулларнинг манзиллари курень (қўшхона) дан, яъни уруғ бошлиғи—оқсоқол ўтовн теварагида гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган бир неча ўилаб ёки ҳатто юзлаб ўтовлар йиғиндисидан иборат бўларди. Уруғчилик ҳасоси мўғуллар ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга эди. Уларнинг динида авлод-аждодлар руҳига сиғиниш катта ўрин тутарди. Ҳар бир уруғнинг иззат-ҳурмат қиладиган ўз худолари — энг шуҳрат қозонган уруғдошлари орасидан чиққан аждодлари бўларди.

Бироқ XII асрнинг иккинчи ярмида—XIII аср бошларида мўғулларнинг ижтимоий тузумида уруғчилик муносабатлари сезиларли даражада емирила бошланганлиги кўринади. Кўчманчиларнинг уруғчилик курени ўрнига якка-якка ҳолдаги кўчманчи хўжалик — айлар тобора кўпайди; одатда аил ўзининг қўй-эчки подаси ва йилқисига эга бўлган катта патриархал оиладан иборат бўларди. Уруғчилик емирила бориши натижа-сида бойлар, яъни н о й о н л а р ва бағатурларнинг донгдор оилалари ажралиб чиқади. Нойонларда маълум миқдорда қул (харачу)лари бўларди. Нойонлар теварагида дружиначилари — на в к а р л а р и бўларди. Нойонлар билан бағатурлар ўрдага (уруғлар иттифоқига) бошчилик қилардилар. Ўрдалар ўз навбатида анча йирик қабила иттифоқларига уюшган эдилар. Бу йирик қабила иттифоқлари тепасида х о н л а р турардилар. Хонлар ва уларнинг теварагида ҳарбий — қабила зодагонлари бўйсундирилган қабилалардан хирож олардилар. Мўғулларда давлатнинг варварлик формаси ана шу тариха вужудга келди. Бу давлат бошда «ҳарбий демократия» хусусиятларига эга бўлиб, бу ўзига хос мўғул феодализи («кўчманчи феодализм») янада ривожлана бориши билан ҳарбий демократия аста-секин бузилади ва аҳамиятини йўқотади. Иттифоқчи қабилаларнинг зодагонлари вақт-вақти билан алоҳида съездларга, яъни қурултойларга йиғилардилар. Қурултойларда хонларни сайлардилар, душман қабилалар ва халқлар билан уруш ва яраш масаласини ҳал қилардилар, баъзан гуноҳкор деб топилган айрим нойонлар ва ҳатто хонларнинг ўзларини суд қилардилар.

Чингизхоннинг татар-мўғул қабилаларни бирлаштириши ва унинг истилолари. XIII аср бошларида Амур дарёсининг юқори қисмлари билан Хитойнинг шимолий чегараси ўртасидаги территорияда яшаган мўғул қабиласининг хонларидан бири бўлган Тимучин (1155—1227)¹ мўғулларнинг турли қабилаларини ва кўп сонли татарларни бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1206 йилда Омон дарёси водийсида тўпланган қурултойда Тимучин улуг хон деб эълон қилинди ва у Чингизхон деб атала бошлади.

Мўғуллар катта ҳарбий иттифоқининг вужудга келтирилиши энг йирик истилоларни келтириб чиқарди. Бунинг учун кўпгина шарт-шароитлар мавжуд эди. Тимучин кучли мўғул ҳарбий-қабила зодагонларига бошчилик қиларди, бу ҳарбий-қабила зодагонлари бунгача ҳарбий ўлжани қўмсаган ўз дружиначиларидан иборат тажрибали ҳарбий кучга эга эдилар. Мўғул қабилалари оддий жангчиларнинг катта резервларига эга эдилар. Мўғулларнинг кўчманчи чорвадорлик ҳаётини кечирishi уларда аъло даражадаги отлиқ аскарларни ўстиришга сабабчи бўлди, деҳқончилик билан шуғулланувчи халқлар бу отлиқ аскарлар билан тўқнашишга ожизлик қилардилар. Мўғуллар Хитой билан қўшничиликда яшаб ва у билан кўпинча урушлар қилиш билан

¹ Бошқа маълумотларга кўра, Тимучин 1162 йили туғилган.

қулларга айлантирдилар. Енгилганларнинг барча молу мулки мўғул ўрдаларининг ўлжаси бўлиб қолди. Мўғуллар Ўрта Осиёдаги ирригация системасини яқсон қилдилар (жумладан, улар Марв яқинидаги машҳур Мурғоб тўғонини бузиб ташладилар).

Чингизхоннинг энг яқин ноёнлар бошчилигидаги мўғул қўшинларининг бир қисми Каспий денгизининг жанубий соҳили бўйлаб Закавказьега ўтиб кириб, сўнг Кавказ (Дарбант дара-си) орқали Донга, қипчоқ чўлига чиқди. Бу ерда, Калка дарёси бўйида, мўғуллар 1223 йилда биричи марта руслар билан тўқнашдилар, руслар қипчоқ (половец)ларнинг иттифоқчиси сифатида уларга ёрдам бермоқчи бўлган эдилар. Русь князлари билан қипчоқ князларининг бир-бирлари билан келишмасдан ҳаракат қилишлари оқибатида иттифоқчилар мағлубиятга учрадилар.

Чингизхон давлатининг идора қилиниши ва ижтимоий характери. Чингизхон вафот этган фурсатга келиб, 1227 йилда мўғул давлати жуда улкан территорияни, яъни шарқда ҳозирги Охота денгизи соҳилларидан тортиб ғарбда Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилиб кетган территорияни эгаллар эди. Мўғулистоннинг ўзидан ташқари, унга Шимолий Хитой, Ўрта Осиёнинг катта бир қисми, Жанубий Сибирь, Кавказнинг бир қисми кирав эди. 1235 йилдан бошлаб мўғулларнинг расмий пойтахти Орхон дарёси бўйидаги Қорақурум шаҳари бўлиб, у том маънодаги шаҳардан кўра, тезроқ ҳарбий манзилни эслатарди. Янги давлат очикдан-очик ҳарбий характердаги давлат эди. Кўплаб қўшин ташкил этилиши, тобе этилган аҳолидан хирож йиғиш, бўйсундирилган халқларни бостириш — Чингизхон ва унинг энг яқин ёрдамчилари кўпроқ ана шу нарсалар билан банд бўлдилар. Қўшинлар танлаб олиш тажрибасига асосланиб, мўғул ҳукумати истило қилинган мамлакатларни ҳарбий белгига кўра маъмурий жиҳатдан бўлиш усулини жорий қилди. Мамлакатлар туманларга бўлинди, бу тегишли территориядан хирож йиғадиган қўшиннинг айнан «10 минг кишилик отряди», «минг кишилик отряди» ва «юз минг кишилик отряди» деган маънони билдирарди. Маъмурий округлар ва районларнинг бошлиқлари ҳам туманлар, мингбошилар, юзбошилар ва бошқалар деб аталарди.

Истило қилинган мамлакатларни идора қилишда бошқа варварлик хусусияти ҳам кўринди. Чингизхон ўзининг оила аъзоларига удел (улус) лар ажратиб берди. Мўғул давлатининг барча бепоён мулклари Чингизхон оиласининг «вотчинаси», мерос мулки деб жўнгина қараладиган бўлди.

Тез фурсатда, Чингизхон ҳали ҳаётлик пайтида, хусусан, унинг вафотидан кейин эса туманлар, мингбошилар ва бошқа ҳарбий гражданд бошлиқлар тобе этилган деҳқон аҳолисини эксплуатация қилган йирик заминдорларга айлана бошладилар. Истилолардан бурунги даврда мўғулларда таркиб топган ва зодагонлар томонидан яйловлар ҳам энг кўп сонли подалар бо-

сиб олишни ўзига таянч қилиб олган «кўчманчи феодализм» эски деҳқончилик маданияти мавжуд бўлган мамлакатларда одатдаги деҳқончилик типдаги феодализмга айланди. Мўғуллар истило қилган турк халқларидаги феодализмнинг бундан бурунги ривожига ғолибларнинг маҳаллий, анча ривожланган феодализм муносабатларнинг янги формаларига ўтишини енгиллаштирди. Хоразм феодаллари ва бошқа феодалларнинг анчагина қисми мўғулларга ихтиёрий равишда бўйсуниб, тезда мўғул зодагонлари билан қўшилишиб кетишди.

Мўғулларнинг Чингизхон вафотидан кейинги истилолари. 1227 йилда Чингизхон Мўғул давлатини ўзининг тўртта ўғли ўртасида тақсимлади. Улуғ хон унвонини, асл Мўғулистонни ва Шимолий Хитойни Чингизхоннинг учинчи ўғли Угадай олди. Чигатой номли иккинчи ўғли Амударёнинг шарқдаги Урта Осиё ерларини олди. Урта Осиёнинг ғарбий қисми, шу жумладан, Шарқий Эрон ва Шимолий Ҳиндистон Чингизхоннинг тўртинчи ўғли Тўлуйга тегди. Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи мамлакатлар тақсимоли вақтида қазо қилган эди. Жўжининг ўғли Ботухонга Иртиш дарёсидан тортиб Урал тоғларигача чўзилиб кетган Ғарбий Сибирь ва сўнгра Шимолдан Каспий ва Орол денгизларига туташган территория, шу жумладан, Жанубий Урал тоғи этаклари берилди.

Чингизхоннинг ворислари унинг истилоларини давом эттирдилар. 1235—1242 йилларда Ботухон Шарқий Европада жуда катта истилолар қилди. У Русьни, Волга билан Дон дарёлари этакларидаги Кама болгарларини, қипчоқлар ва бошқа халқларни ўзига бўйсундирди. Мўғуллар Венгрия, Чехия (Моравия) ва Польшага ўтиб кирдилар. Уларнинг қўшинлари қисман Сербия ва Болгария территорияси орқали ўтдилар. Урта Осиёни истило қилган вақтдаги сингари, татар-мўғуллар Европада ҳам ўзларидан кейин ҳамма жойни даҳшатли вайронга ва харобазорга айлантirdилар. Юз минглаб кишилар ҳалок бўлди, гуллаб-яшнаб турган шаҳарлар вайронга айланди. Аҳоли ўрмонларга қочиб жоп сақлади. Аҳолининг қолган қисмига оғир хирож солинди.

Русларнинг қаҳрамонона қаршилик кўрсатиши мўғулларни ҳолдан тойдирди ва Ғарбий Европани вайронликдан қутқариб қолди. Шарқий Европадаги бошқа халқлардан чехлар билан поляклар татар-мўғулларга қарши курашда жуда активлик кўрсатдилар. 1241 йил апрелида Силезияга бостириб кирган мўғуллар Лигниц шаҳарига яқин жойда бирлашган поляк ва немис рицарь отрядларини янчиб ташлади. Мўғуллар Моравия территориясига кирдилар. Бироқ чех-моравия рицарлари Оломоуц шаҳари яқинида (1241 й. июнь) Ботухон қўшинларининг бир қисмини енгди. Ана шундай таҳлика остида қолган пайтда герман императори Фридрих II Штауфен жуда пассивлик кўрсатди. Агар герман императори мўғуллар ҳужумига қарши курашда Венгрия королига ёрдам бергудай бўлса, у (венгр короли)



XIII асрда мўғулларнинг Европага босиб келиши

Германия империясига ҳатто (ленник) вассал бўлишга ҳам розиман дейишига қарамай, Фридрих II Штауфен венгрларга ҳам, полякларга ҳам ҳеч қанақа ёрдам кўрсатмади. Император Европага кўрқув солган мўғул хавф-хатарига қарши ёрдам кўрсатишнинг биров-бир амалий тадбирларини кўриш ўрнига Европанинг христиан королларига ва герман князларига биргина «циркулярлар ёзиш»¹ билангина чекланди.

30 ва 40-йилларда мўғуллар бутун Закавказьени — Грузия, Армения ва Озарбайжонни истило қилдилар.

Урта Осиёда мўғулларнинг истилоларини Чингизхоннинг бошқа невараси — Тўлуйнинг ўғли Хулагу давом қилди. Хулагу 50 ва 60-йилларда Эронни, Месопотамияни ва Сурияни босиб олди. 1258 йил бошларида Хулагу Бағдодни олди. Бу вақтга келиб Бағдоднинг сиёсий аҳамияти кўпдан тушиб кетган эди. Аммо бу шаҳар энг катта савдо-саноат ва маданият маркази бўлиб қолаверди. Бағдодда кўпдан-кўп мухташам бинолар бор эди. Араб ва бошқа шарқ адабиётининг қимматбаҳо

¹ К. Маркс. Хронологик кўчирмалар, «Маркс ва Энгельс архиви», V т. 226-бет.

тўпламлари сақланадиган катта-катта кутубхоналар, шунигиндек, бадий ҳунармандчилик асарларининг энг бой коллекциялари Бағдод шаҳрига ҳақиқий шухрат бағишлаган эди. Халифалар пойтахти бир ҳамла билан олинди. Мўғуллар уч ҳафтадан кўпроқ шаҳарни ваҳшиёна тарзда таладилар. Бағдод шаҳрига ўт қўйилиб, шаҳар ва ундаги барча қимматбаҳо бадий бойликлар батамом йўқ қилиб ташланди. Аббосийлар авлодидан бўлиб, бу вақтда мусулмонлар оламига диний жиҳатдангина ҳокимият юргизиб келаётган халифа Мустасим асирга олинди ва Хулағунинг буйруғига биноан, бўғиб ўлдирилди.

Шу вақтда мўғуллар Хитойнинг жанубий вилоятларини эгаллаш учун Хитойга қарши курашмоқда эдилар. Угадай ворисларининг ўрнини олган Хубилайхон (Хулағунинг укаси) 1279 йилда бутун Хитойга император бўлди (Пекин шаҳрини ўзига пойтахт қилди). Хубилайхон асос солган мўғул-хитой династияси Юань династияси деб аталди.

Мўғул истилоларининг Европа ва Осиё учун аҳамияти. Мўғулларнинг XIII асрдаги истилolari Европа ва Осиё тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу истилolar Европа тарихида аввало Россиянинг аҳволига таъсир қилди. Татар-мўғуллар ҳужуми натижасида Россиянинг тараққиёти тўхталиб қолди, аммо унинг сон-саноксиз қурбонлари эвазига Ғарбий Европа мамлакатларининг осойишта ривожланиши таъминланди. Бироқ мўғуллар истилоси натижасида Русь элининг иқтисодий ва маданий ҳаётида юз берган тушкунлик оқибатда йўқотилади, руслар мўғуллар истибоддини агдардилар. Татар-мўғулларга қарши курашда рус миллий ҳаётининг мустақкам маркази — Москва вужудга келди. Аммо кураш халқ оммасидан жуда кўп қурбонлар талаб қилди. Мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда Русьнинг қадимги маданий марказлардан — Византиядан ва жанубий славянлардан алоқаси узилиб қолди. Ҳолбуки, Русь кўп асрлар давомида Византия ва жанубий славянлар билан алоқа қилиб келар эди. Шу билан бир вақтда, мўғуллар ҳукмронлик қилган даврда Русь Ғарбий Европа мамлакатлари билан ҳам нормал иқтисодий ва бошқа хил муносабатларини ривожлантира олмади, ўрта асрларнинг сўнгги асрларида Ғарбий Европа мамлакатлари ўз ишлаб чиқарувчи кучларини бирмунча тез ривожлантирмоқда эди.

Татар-мўғуллар ҳужуми Венгрия ва Польшанинг ривожланишига ҳам ёмон таъсир қилди. Бу мамлакатлар мўғулларнинг ҳужумидан Русьга қараганда беқийёс даражада кам зарар кўрган бўлсалар-да, лекин улар ҳам заифлашган эди. Бунинг натижасида Венгрия билан Польша герман феодалларига жуда қарам бўлиб қолди, герман феодаллари Венгрия билан Польшанинг миллий давлат бўлиб яшашига жиддий хавф солдилар.

Мўғуллар истилоси Осиё мамлакатлари бошига ҳам ҳаддан ташқари оғир мусибатлар солди. Қадимги иқтисодий ва маданий марказлар вайрон қилинди, ирригация системаси-бузилиб,

яроқсиз ҳолга келтирилди, жуда катта мўғуллар давлати вужудга келтирилган бўлса ҳам қадимий савдо йўллари ҳувиллаб қолди, ҳолбуки, бундай, давлатнинг пайдо бўлиши Осиёдаги «бирлашган» мамлакатлар орасида савдо-сотик ишларининг янада қизиқ кетишини таъминлаши лозим эди. Бундай бўлиши мумкин эмас эди, чунки, бир томондан, мўғул истилолари маҳаллий аҳоли ҳаётининг туб негизи — ирригацияга батамом путур етказган бўлса, иккинчи томондан, мўғуллар «империяси»нинг ўзи ҳам тез вақт ичида парчаланиб кетди.

Чингизхон ворислари бир династияга мансуб бўлса ҳам, улар бир-бирларига қарши шиддатли урушлар олиб борди. Чингизхоннинг ўғли Угадай авлодларини Хулагулар батамом қириб битирди. Феодал муносабатлар тобора авж олиши муносабати билан Урта Осиёнинг ўзида тамомила феодал тарқоқлик вужудга келди. Бошда Чингизхоннинг ўғиллари ва неваралари бошчилик қилган улус-давлатлар XIII асрнинг иккинчи ярмида бир печа ўнлаб улусларга (бекликларга) бўлиниб кетди: бу улусларнинг тепасида қисман Чигатой ва Хулагу династияларидан бўлган, қисман бошқа жойлардан кўчиб келган мўғул феодаллари ҳамда маҳаллий турк зодагонларининг уруғ ва авлодларидан бўлган бек ва амирлар турар эди.

XXXIII БОБ

ЎРТА ОСИЁДА ТЕМУР ДАВЛАТИ

XIV аср ўрталарида Ўрта Осиёдаги феодал давлатлари. Чингизхон барпо қилган Мўғулистон империяси XIII аср охириларида бир-бири билан мутлақо боғланмаган бир неча мустақил давлатга бўлиниб кетди. Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатой ворислари ҳукмронлик қилган Ўрта Осиё XIV асрда ўз навбатида бир неча қисмга бўлинди. Еттисув ва Шарқий Туркистон алоҳида давлат — Мўғулистонни ташкил қилди; икки дарё — Амударё билан Сирдарё оралиғида маркази Самарқанд шаҳри бўлган Мовароуннаҳр давлати яна ажралиб чиқди. Амударёнинг қуйи оқимида бир оз кейинроқ, XIV асрнинг 60-йилларида маркази Урганч шаҳрида бўлган мустақил Хоразм давлати вужудга келди. Мўғулистон хонлари билан Мовароуннаҳр хонлари ўртасида ҳокимият учун ва низоли территориялар учун деярли тўхтовсиз уруш давом этарди. Мўғул ва турк қабилалари аста-секин чорвачиликдан деҳқончиликка ўта бошладилар. Айни вақтда мўғуллар ва туркларнинг маҳаллий аҳоли билан этник қўшилишидан иборат мураккаб жараён рўй бериб, натижада янги замонавий халқлар — тожиклар, ўзбеклар ва бошқалар шакллани бошлади. Мўғулистоннинг бостириб келган мўғул оқсуяклари

Мовароуннаҳрни гоят хонавайрон қилдилар. Мовароуннаҳр шаҳарларининг таланиши, ирригация иншоотларининг вайрон қилиниши, маҳаллий аҳолидан ҳа деб солиқ талаб қилинавериши меҳнаткашлар аҳволига огир таъсир қилди. Айни вақтда бу даврда ҳали сақланиб қолган маҳаллий ва келгинди-турк ва мўғул озод деҳқон аҳолиси хон иқтидорларига — шаклланаётган феодаллар синфига тобора қарам бўлиб қолаётган эдилар. XIV асрда Ўрта Осиёда феодал ер эгалигининг асосий формаси суюрғол ҳисобланарди. Беклар ва бошқа суюрғол эгалари ҳарбий ҳисобланиб, хонларнинг чақирғига биноан, ўз мулкларининг катта-кичиклигига мувофиқ тарзда жангчиларни йиғиб, юришларда иштирок этиш учун етиб борардилар. Бу мулклар одатда анча катта бўлиб, деҳқончилик воҳаларининггина эмас, баъзан бутун-бутун шаҳарларни ҳамда кўчманчи аҳоли яшайдиган яйлов ерларни ҳам ўз ичига оларди. Ерларнинг катта қисми хонлар ва уларнинг яқин қариндошлари қўлида қолган эди.

Икки томонлама солиқлар меҳнаткаш аҳоли зиммасига огир юк бўлиб тушган эди. Бир томондан, деҳқонлар ва шаҳарликлар ўзларининг бевосита хўжайинлари бўлган айрим феодалларнинг харажатларини қоплашлари керак бўлса, иккинчи томондан, хоннинг жуда кўп солиқ йиғувчилари тўплаб оладиган хилма-хил жуда огир давлат солиқларини тўлашга мажбур эдилар. Деҳқонлар ва шаҳарликлар хон чопарлари йўлидаги бекатларнинг харажатларини қоплашдан тортиб, тўғон, канал, йўл ва шу сингарилар қуриш ва ремонт қилишгача бўлган натурал мажбуриятларни бажарар эдилар. Кўпдан-кўп мусулмон руҳонийлари ҳам аҳолидан анчагина даромад оларди. Солиқларни хонга олдиндан тўлаб, кейин аҳолидан бир неча баравар кўп солиқ йиғиб олиш эвазига жуда бойиб кетган савдогарлар, шаҳар ва қишлоқлардаги кўплаб сўдхўрлар айниқса ўзларининг охириги маблағларини беришга мажбур бўлган ҳунармандлар ва деҳқонлар нафратига дучор бўлдилар. Қулчилик укладининг сақланиб қолганлигини XIV асрда Ўрта Осиёда ривожланаётган феодал жамиятининг характерли белгиси сифатида кўрсатиб ўтиш керак. Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам қуллар кўп эди, катта қул бозорларида голиб феодаллар асир олинган кишилардан юзлаб ва минглабини қул қилиб сотардилар.

Феодализм шаклланаётган вазиятда, қабилачилик ҳали тугамаган ва ҳарбий феодал-қабила оқсуякларни мавжуд бўлган шароитда, мўғул ва турк хонлари, амирлари ва беклари ўртасида неча ўн йиллар давом этган ўзаро шиддатли жанглар натижасида XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда янги жуда катта ҳарбий давлат — Темурнинг турк-мўғул империяси вужудга келди.

Темур ва унинг Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олиши. Темур (1336—1405) Мовароуннаҳрда яшовчи мўғулларнинг барлос қабиласидан келиб чиққан. Бу қабила XIV асрнинг бошларида ўтроқ ҳаётга ўта бошлаб мўғул қабилалари сингари турк-

лар билан аралашиб кетди ва ўз тили ҳамда урф-одатларини аста-секин йўқотиб борди. Шу тарзда, Темур турклашган мўғул эди. 1361 йилда ўз қабиласи ва бошқа қабилаларнинг йигитларидан тузилган катта ҳарбий тўданинг бошлиғи бўлиб олган Темур Мўғулистон хони — Тўқлиқ хизматига кирди. Бу пайтда Тўқлиқ Самарқандни босиб олган эди. Тўқлиқ мадади билан Темур Кеш шаҳрининг ҳокими бўлди, аммо кўп ўтмай, ўз ҳомийсига хиёнат қилиб, Тўқлиқнинг душмани бўлган Балх амири — Ҳусайн хизматига ўтди. Ҳусайн билан Темур биргалашиб Тўқлиққа қарши қўзғолон кўтардилар, аммо муваффақиятсизликка учрадилар. Шундан кейин Темур турли ҳарбий авантюраларда қатнашади, турли хон ва амирларга хизмат қилади. Жааглардан бирида у оёғидан яраланиб, оқсоқ бўлиб қолади. Шунинг натижасида у «Тумурланг», яъни «Оқсоқ Темур» лақабини олади, бу сўз кейинчалик Европа тилларида «Темурланг» сўзига айланиб кетади. 1364 йилда Ҳусайн билан Темур Мовароуннаҳрни эгаллашга муваффақ бўладилар, аммо 1365 йилда улар Арис дарёси соҳилида мўғуллардан яна мағлубиятга учрадилар. Иттифоқчилар Самарқандни ўз ҳолига ташлаб, Амударёнинг парни соҳилига, Балх шаҳрига қочдилар. Ҳар иккала рақиб томонидан муайян вақт давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилган Самарқандда (Мўғулистон хони Самарқандни эгаллашга бир оз вақт давомида шошилмай турган эди) с а р б а д о р л а р н и н г¹ демократик ҳукумати тузилди. Уларга мадраса талабаси Мавлонзода, калавачилар халфаси Абубакир ва ўқчи Хурдак Бухорий башчилик қилди, Мўғулистон хонининг Самарқандни дафъатан босиб олиш йўлидаги уриниши чиппакка чиқди. Мўғуллар катта талафот бериб, чекинишга мажбур бўлдилар. Сарбадорлар ҳокимияти Мовароуннаҳрнинг анчагина қисмига ёйилди. Бироқ Ҳусайн билан Темур бир йил ўтгач, 1366 йилда ўз отрядлари билан Самарқанд ёнига қайтишди. Улар сарбадорларни алдаб шаҳарга кириб олишди, сўнгра эса хиёнаткорона тарзда уларнинг раҳбарларини қириб ташлаб, Мовароуннаҳр пойтахтини эгаллаб олдилар. Бир оз вақт давомида иккала амир мамлакатни биргаликда бошқаришди; сўнгра улар ўртасида низо чиқди. Бу тўқнашувда Темур голиб чиқди. У жанглардан бирида Ҳусайнни тор-мор келтирди, уни асир олиб, қатл этди (1370 йил). Шу тарзда Амир Темур Мовароуннаҳр ҳукмрони бўлиб қолди.

Темурнинг кейинги истилолари. Темур Мовароуннаҳрни эгаллагач, Ўрта Осиёда кенг кўламдаги истилоларни бошлаб юборди. Унинг кўпдан-кўп босқинчилик ва талончилик урушлари Мовароуннаҳр ҳамда қўшни турк-мўғул вилоятлардаги анча кенг доирадаги феодалларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда олиб бориларди. Бу урушлар муайян вақт давомида ўтроқ ва кўчман-

¹ Сарбадорлар — бошини дорга тутиб берувчилар. XIV асрнинг 30-йилларида мўғуллар зулмига қарши курашчилар Хўросонда шундай деб аталарди.



Темур истилолари

чи феодалларни бир бутун қилиб жипслаштирар ва улар ўрта-сидаги ўзаро низоларнинг олдини оларди; бу нарса ўтроқ феодалларга айниқса фойдали эди, чунки кўчманчи феодаллар одатда биринчи бўлиб деҳқончилик районларига ҳужум қилиб, бу ерларни шафқатсизлик билан талардилар. Урушлардан феодаллар бойиб кетдилар. Ҳар хил мулклар, қимматбаҳо ашёлар, қуллар (уларни крепостнойларга айлантириш ёки қул бозорларида сотиш мумкин эди)дан ташқари феодаллар урушлар натижасида бутун Урта Осиёда жуда катта ерларни қўлга киритардилар. Иккинчи томондан, Темур олиб борган урушлар у энг муҳим карвон савдо йўлларини ва савдо марказларини босиб олишга интилганини кўрсатади. Шу тарзда савдо божлари шаклида ундирилган даромадлар Темур ва унинг аъёнлари харажатларини қоплаш учун сарфланади.

Аввалига Темур Сирдарёнинг қуйи оқимини қўлга киритиб, бутун икки дарё оралигига ўз ҳокимиятини ёйишга шошилди. 1372 йилда у Хоразмга биринчи юриш қилди, бироқ Хоразм шиддат билан қаршилик кўрсатди. Бешта юришдан кейингина бу ўлка ниҳоят қўлга олинди. Охириги юриш вақтида ўша пайтда Шарқий Европа билан Урта Осиёни боғловчи энг йирик савдо маркази бўлган Урганч шаҳри тамомила таланиб, ер билан яқсон қилинди. Шаҳар аҳолиси зўрлик билан Самарқандга кўчи-

рилди. Темур Урганч территориясининг бир қисмида қўш ҳай-
даб, арпа экилсин деб буюрди.

Шундан кейинги 15 йил мобайнида Темур, асосан, Тўхта-
мишга қарши кураш билан банд бўлди. Аввал Оқ Урда, сўнгра
эса (1382 йилдан) Олтин Урда хони бўлмиш Тўхтамишга илгари
ҳомий бўлган Темур кейинчалик у ўзининг хавфли душмани экан-
лигини сезиб қолди. 1389, 1391 ва 1395 йиллардаги учта катта
юриш натижасидагина Темур қўшинлари оқибат-натижада Олтин
Урдани тор-мор келтирдилар. Ана шу урушлар жараёнида Те-
мур Грузия ва Армавиртонни даҳшатли тарзда талади; Олтин
Урданинг катта шаҳарлари — Сарой Берке ва Астраханни ёнди-
риб, вайрон қилди; 1395 йил ёз фаслида Темур Русь давлатининг
жанубий қисмига бостириб кирди, Елец шаҳригача бориб етди ва
Москвага юриш қилиш учун таҳдид сола бошлади, аммо Урта
Осиёдаги нотинчлик ҳақидаги хабарни олгач, чекинди.

80-йилларнинг бошида Темур аввал Шарқий Эрон (Хуро-
сон) да, сўнгра эса Ғарбий Эронда истилочилик урушлари олиб
бориб, 1393 йилда Эронни узил-кесил босиб олди. 90-йилларда
Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Афғонистон босиб олинди.
1398—1399 йилларда Ҳиндистонга юриш Темурнинг энг катта
юриши бўлиб, бу вақтда Ҳиндистоннинг машҳур пойтахти Деҳли
айниқса даҳшатли тарзда таланди. XIV асрнинг бошларида икки
дарё оралиғи — Фрот ва Дажла дарёлари оралиғи, собиқ Бағдод
халифалигининг маркази, сўнгра Сурия ва Кичик Осиёнинг бир
қисми бўйсундирилди.

1402 йилда Темур турк султони Баязид қўшинларини Ангор
шаҳри яқинида тамомила яксон қилиб, уни асир олди¹, Темур
1405 йилда Хитойга юришга тайёрланаётган вақтда вафот этди.
У Хитойни ҳам забт этмоқчи эди.

Темур истилолари вақтида қилинган ваҳшийликлар Чингиз-
хон, Боту, Хулагу ва XIII асрдаги бошқа мўғул босқинчилари-
нинг зулмидан ҳам ошиб кетди. Темур муттасил оммавий қир-
ғин қилганлигини қўйидаги фактлардан кўриш мумкин. 1387
йилда Эронга қилган юриши вақтида унинг фармойишига бино-
ан, Исфахон шаҳрида тинч аҳолидан 70 минг киши қиличдан
ўтказилиб, уларнинг калласидан катта минора ясалган эди. Ҳин-
дистонда 1398 йилда Темур 100 минг асирни ўлдиришни буюрди,
чунки уларни узоқ Урта Осиёга олиб келиш оғир туюлган эди.
Бағдодда ҳам тинч аҳоли қирғин қилиниб, 1401 йилда бир кунда
90 минг киши ўлдирилди. Бўйсундирилган аҳолининг қаршилиқ
кўрсатиш йўлидаги ҳар қандай урунишига Темур одамларни ти-
риклайин кўмиб юбориш ҳақидаги буйруқ билан жавоб берарди.
Масалан, 1389 йилда у Сабзавор (Хуросонда) аҳолисидан ана
шундай ўч олди. У ўз аскарларига хандақларга тириклайин таш-
ланган одамларни гишт парчалари ва оҳак билан қўшиб кўмиб

¹ «XIII—XV асрларда Византия. Константинополнинг қулаши» деган
юқоридаги XXIX бобга қаралсин.

юбориш ҳақида буйруқ берди ва шу тарзда одамларнинг жасадларидан деворлар қурдирди.

Темур давлатининг бошқарилиши. Темур давлати ўнларча айрим ўлкалар, халқлар ва қабилалардан иборат бўлиб, шошапиша бирлаштирилган жуда катта ҳарбий-феодал давлат эди. Забт этилган мамлакатлардаги ерлар Темур хонадонининг аъзолари ҳамда унинг аъёнлари ва руҳонийлар (мусулмон дин пешволари) Темур истилоларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватларди) ўртасида бўлиб олинарди. Ер суюрғол асосида бўлинарди. Меросга қолдириладиган суюрғол йирик ер эгалигининг энг кўп тарқалган формаси бўлиб қолди. Ер эгалигининг бу формаси суд, солиқ ва маъмурий соҳаларда катта ҳуқуқларга эга эди.

Табиийки, Темур ҳарбий ишни ташкил этишга кўп эътибор берарди. Утроқ ва кўчманчи қабилалардан йиғилган доимий кўп сонли армия қатъий интизомга бўйсунарди, аммо бу армияга бўйсундириладиган мамлакатлар аҳолисини талаш эркинлиги бериб қўйилган эди. Темур армиясида отлик қўшинлар асосий роль ўйнади. Артиллерияга ҳам эътибор бериларди, аммо тўплар анча жўн бўлиб, унча самара бермасди. Аммо Темур армияси шаҳарларни олиш учун ишлатиладиган ҳар хил қамал қуроллари—тош бўрон қилувчи, нефть отувчи, девор тешувчи ва бошқа «машиналар» билан мўл-кўл таъминланган эди.

Темур ўзидан илгари ўтган золимлар — қадимги дунё ва ўрта аср истилочилари сингари жуда катта муҳташам иншоотлар билан ўз номини абадийлаштиришга ҳаракат қилди. У Самарқандни ва бошқа шаҳарларни безаш учун энг машҳур меъморлар, малакали ғишт терувчилар, керамикачилар, тош йўнувчилар, моҳир дурадгорлар ва шу сингариларни жалб қилди. Самарқандда унинг учун ажойиб сарой — «Оқ сарой», жуда катта жоме мечити, мақбара ва бошқа бинолар қурилди. Мовароуннаҳрда Темур даврида ҳунармандчилик, савдо-сотик ишлари анча жонланди, ҳайдаб келтирилган асирларнинг текин кучидан фойдаланиш туфайли суғориш системаси анча кенгайтирилди. Бироқ умуман Мовароуннаҳр Темур истилоларидан жуда кам нарса ютди. Меҳнаткашлар оммаси — ҳунармандлар ва деҳқонлар оғир, ҳуқуқсиз аҳволда эдилар, улар катта солиқлар тўлашга, ўз фарзандларини аскарликка беришга мажбур эдилар. Армияга олинган йигитларнинг кўплари қайтиб келмас эди. Темур истилолари Мовароуннаҳрнинг ўзи учун қандай оқибатларга эга эканлиги шубҳали ва проблематик бўлса, Темур урушлари забт этилган мамлакатларга нималар келтиргани ҳақидаги саволга тамомила салбий жавоб беришга тўғри келади. Бу мамлакатлар учун Темур истилолари ҳамда систематик қирғин, талашлар ва зулм қилиниши жуда катта офат бўлиб тушди. Аҳоли сон-саноксиз азоб-уқубат чекар, юз минглаб, ҳатто миллионлаб кишиларнинг ёстиғи қурир эди. Бу эса хўжаликни вайрон қилар, халқни қўпол миллий зулм ва асоратга маҳкум этарди.

Темур империясининг емирилиши. Турли миллий элементлар-

дан тузилган, қўпол ҳарбий куч билан бирлаштирилган, муайян ягона иқтисодий базага эга бўлмаган Темур империяси ўткинчи ва қисқа мuddатли империя бўлди. 1405 йилда жаҳонгир вафот этгач, теда унинг ерлари бўлиниб кетди. Темурнинг ўғли ва вориси султон Шохруҳ (1405—1447)¹ Урта Осиё, Афғонистон ва Эронни ўз назорати остида қолдирди. Шохруҳ ўз пойтахтини Хирот шаҳрига (Хуросонга) кўчириб, Мовароуннаҳрни ўз ўғли Улуғбекка ажратиб берди. Улуғбек 1409—1449 йилларда ҳукмронлик қилди; Улуғбек Темурнинг охириги мўътабар авлоди эди. Самарқанд шаҳрида катта расадхона қурилиши унинг номи билан боғланган. Султон Шохруҳ вафотидан кейинги икки йил мобайнида Улуғбек бутун темурийлар давлатининг султони бўлди. Аммо 1449 йилда у норози мусулмон руҳонийлари иштирокида ўз ўғли томонидан тахтдан туширилди.

1469 йилда Мовароуннаҳр билан Хуросон бир-биридан бутунлай ажралди. Шундан кейин икки катта давлатнинг ҳар бири кўпгина қисмларга бўлиниб кетди. Феодал тарқоқлиги авж олиб кетди. Амир ва беклар бошчилигидаги ўнларча майда князликлар бир-бири билан узлуксиз уруш олиб борувчи «мустақил» давлатлардан иборат эди.

XIV—XV асрларда Урта Осиё халқларининг маданияти. Урта Осиё ишлаб чиқариш кучлари XIV—XV асрларда анча ривожланган шароитда: деҳқончиликка ва ўтроқ ҳаётга ўтилиши, суғориш системасининг кенгайиши, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, савдо алоқаларининг кенгайиши, шунингдек, ўша даврда Урта Осиёда яшаган турли халқлар хўжалик ва маданият соҳасидаги ютуқларининг айирбошланиши натижасида Урта Осиёда маданият анчагина ютуқларга эришди. Темур даврида Самарқандда катта қурилиш ишлари олиб борилганлиги, Мовароуннаҳрда ҳунармандчилик ривожланиб, ҳинд ҳарбий асрларидан иборат ҳунармандларнинг кўплаб келтирилиши натижасида ҳунармандчилик техникаси анча ривожлангани ҳақида гапириб ўтган эдик. Аммо Урта Осиёда XIV—XV асрларда ҳам ҳам гоят ривож топди. Урта Осиёнинг шу даврда яшаган кўпгина атоқли олимлари маълум.

Юқорида номи тилга олинган темурийлардан бири султон Улуғбек математика ва астрономияни ривожлантириш учун жуда кўп иш қилган машҳур олимлардан бўлиб, у кўп йиллар давомида Самарқанддаги ўз астрономик обсерваториясида ишлаган ва ўз даври учун гоят аниқ астрономик жадваллар тузган эди. Бу жадваллар Шарқ мамлакатларидагина эмас, балки Ғарбда ҳам машҳур бўлган.

Машҳур Мир Алишер Навоий (1441—1501) XV асрда яшаган буюк шоир, ўзбек адабиётининг асосчиси бўлди. Бутун

¹ Темурнинг ўзи амирлик рутбаси билан кифояланиб, Чингизхон авлодидан бўлган кўғирчоқ султонларни сақлаб қолишни мақсадга мувофиқроқ деб ҳисоблаган эди.

умрини фикр эркинлиги учун курашга бағишлаган инсонпарвар, ватанпарвар Навоий ўз шеърларида инсоннинг олижаноб фази-латларини, самимий севги гўзаллигини, билимга меҳрни таран-нум қилди. «Фарҳод ва Ширин», «Сабъан сайёра» ва шу синга-рилар унинг энг яхши асарларидир. Навоий Ҳиротда яшади ва бу ерда темирлий султонларидан бирининг вазири бўлди.

Яна бир буюк шоир Абдураҳмон Жомий (1414—1492) ҳам Ҳиротда ва қисман Самарқандда яшади. Унинг энг яхши ба-дий асарлари — «Баҳористон» ва «Хафт авранг» («Етти тахт») асарларидир. Жомий тожик адабиётининг асосчиси ҳисоблана-ди¹. Уни Мовароуннаҳрда, Эрон ва Ҳиндистонда ғоят қадрла-шарди. Жомий табиёт, математика, астрономия фанларини, грек ва шарқ фалсафасини ўрганиб, ўз даврининг чинакам дониш-манди, энциклопедисти бўлган эди.

XXXIV БОБ

XIII—XVI АСРЛАРДА ҲИНДИСТОН

Деҳли султонлиги. 1206 йилда Фазна султонларидан мустақил бўлиб олган Деҳли султонлиги XIII ва XIV аср давомида анча катта давлат сифатида яшади.

Деҳли султонлиги айниқса XIII аср охири ва XIV аср бошла-рида кенгайди, бу вақтда унинг составига Шимолий Ҳиндистон-дан ташқари, Марказий Ҳиндистон вилоятлари ва Декан ясси тоғлигидаги кўпчилик давлатлар кирарди. Декан 1306—1310 йил-ларда султон Оловиддин Хилжий томонидан босиб олинди. Нав-батдаги султонлардан бири — Муҳаммад Туғлақ (1325—1351) деярли бутун Ҳиндистонни бўйсундириб, ҳатто Эрон билан Хи-тойни ҳам забт этишни орзу қилган эди. Аммо султонликнинг кен-гайиши мустаҳкам характерга эга эмас эди. XIV аср ўрталарида Декан ажралиб чиқди, кўп ўтмай Деҳлидан шимолдаги кўпгина вилоятлар, шу жумладан, Бенгалия ажралиб кетди. Деҳли сул-тонлиги составига кирган кўпчилик вилоятлар XIV асрнинг ик-кинчи ярмида мустақил давлатга айланиб олди. Султон Деҳли-нинг ўзида унча мустаҳкам ҳокимиятга эга эмасди, чунки у ерда феодалларнинг турли гуруҳлари ўртасида ҳокимият учун узлук-сиз кураш борарди.

Деҳли султонлиги даврида феодал тузумининг ўзига хос ху-сусиятлари. XIII—XVI асрларда Ҳиндистонда феодал тузуми ўзига хос тарзда ривожланди. Бир томондан, Ҳиндистонда мусул-мон ер эгалиги системаси қарор топиб, шу туфайли бутун ерлар

¹ Тожиклар XIV асрдаёқ ўзининг алоҳида тилига эга бўлган халқ сифа-тида шаклланган эди. Бу тил асосан шарқий эрон тил группасига оид бў-либ, унда анчагина турк элементлари мавжуд. Асосан турк тилида гапла-шадиган ўзбек халқи узил-кесил XV—XVI асрларда шаклланган.

давлат бошлиғи—султоннинг мулки деб қараларди. Келгинди мусулмон феодаллари султоннинг ҳарбий хизматчиси бўлиб, ундан иқта — вақтинча ва умрбод фойдаланиш учун ер олардилар. Улар аҳолидан (деҳқонлардан) рента ундириб олиш ҳуқуқига эга эдилар. Иккинчи томондан, мамлакатда маҳаллий феодаллар — князлар (рожалар) сақланиб қолган эди. Улар ўз вилоятларини амалда мустақил равишда бошқариб, султонга муайян миқдорда бож тўлардилар. Ўрта ва майда ҳинд феодаллари — рожалар ва бошқалар—қисман мерос бўлиб қолган феодал мулкчилиги ҳуқуқи асосида, қисман ҳарбий хизматни ўтаб турган пайтда вақтинча бериладиган инъом тариқасида ерга эгалик қилардилар. Вақт ўтиши билан келгинди иқтадорлар ҳам ернинг меросхўр эгаларига айланиб бордилар, ammo бу жараён XIV асрнинг охиригача ҳам тугалланмади. Ерларнинг катта қисми ҳар иккала дин — маҳаллий, ҳинд дини (эски ибодатхона ер эгаллиги) ҳамда янги, мусулмон (вақф ерлари) динидаги руҳонийларнинг қўлида эди.

Бу даврда Ҳиндистондаги феодал тузумининг яна бир хусусияти — жамоачи деҳқон хўжаликларининг илгаригидек устун бўлиб қолганлиғидир. Маҳаллий ҳинд ва келгинди турк-мусулмон феодалларининг ўзлари одатда хўжалик билан шуғулланмас, балки қарам деҳқонлардан озиқ-овқат рентаси, қисман пул рентасини ундириб олардилар. Баршчинга ишлари мавжуд бўлган жойларда асосан қуллар ва паст табақа деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиларди.

XIII—XIV асрларда Ҳиндистон феодал тузумининг характери хусусияти—шаҳар ҳаётининг анча интенсив ривожланишидир. Қадимги тарих давридаёқ мавжуд бўлган шаҳарлар қаторига султонлар ва уларнинг набиралари — феодалларнинг резиденцияси сифатида вужудга келган кўпгина янги шаҳарлар қўшилди. Деҳли шаҳрининг ўзи ана шундай феодал-пойтахт шаҳри учун мисол бўла олади. Бу ерда жуда кўплаб сарой аҳли ва хизматчилари, аскарлар, амалдорлар ва шу сингарилардан ташқари, кўпгина ҳунармандлар ва савдогарлар яшаб, улар султон саройи ҳамда пойтахтдаги бошқа феодалларнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондирардилар.

Ана шу шаҳар-резиденциялар ёки «шаҳар-қароргоҳлар»дан ташқари, Ҳиндистонда XIII—XIV асрларда Бенгалия қўлтиғи билан Араб денгизи соҳилида жойлашган ҳамда халқаро савдосотиқ билан боғланган кўпгина денгизбўйи шаҳарлари муваффақиятли ривожланди. Булар орасида, хусусан, Малабар соҳилида Гоа ва Каликут, Камбай қўлтиғи соҳилида Камбай ажралиб турарди. Шимолий Ҳиндистонда карвон савдоси билан боғлиқ бир қанча шаҳарлар бор эди. Булар орасида Агра, Панипа, Лахор, Мультан энг муҳимларидир. Ҳинд ҳунармандларининг маҳсулоти бўлган жуда кўплаб буюмлар (аввало юқори сифатли ҳинд газламалари), шунингдек, турли зирavorлар Европага ва Шимолий Африкага мунтазам юбориб туриларди. Ҳиндистонга

йилқи, қалайи, мис, олтин, кумуш пуллар ва шу сингарилар ташиб келтириларди.

Темур ҳужуми. XIV асрда Ҳиндистон тамомила тарқоқ феодал мамлакат эди. Жуда кўп мусулмон ва ҳинд феодал давлатлари бир-бирлари билан узлуксиз кураш олиб борардилар. 50 ва 60-йиллар давомида султоннинг вассал рожалар билан олиб борган урушлари натижасида Бенгалия, Синд, Орисса ва Гужарат гоят хонавайрон бўлган эди. 1366 йилда Гужаратдаги қўзғолон бостирилган, султон Феруз қўзғолонининг асосий ўчоқларида ҳиндларни батамом қириб ташлаш ҳақида буйруқ берди. Шафқатсиз феодал эксплуатацияси ва тўхтовсиз ички феодал урушлари Деҳли султонлиги таназулининг асосий сабаблари бўлди. 70—80-йилларда Деҳли султони ўз қўлида қолган озгина ерларни ҳам Ҳимоя қилишга қодир эмасди. Марказий ҳокимиятнинг бу заифлиги ёмон оқибатларга олиб келди, Ҳиндистонни янги чет эл ҳужумларига қарши қаршилик кўрсата олмайдиган қилиб қўйди. XIII аср охири ва XIV аср бошларидаёқ айрим мўғул отрядлари Шимолий Ҳиндистон ерларига бостириб кирди ва ҳатто Лоҳур ва Деҳли каби катта шаҳарларнинг дарвозаларига-ча кела бошлади. Кўчманчиларнинг ҳужумлари, қийинчилик билан бўлса-да, қайтариларди. Аммо шимолий ўлкаларнинг вайрон қилиниши, аҳолининг таланиши ва бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги, саноат ва савдонинг тушкунликка юз тутиб кетиши Ҳиндистоннинг иқтисодий аҳволига тобора ёмон таъсир қилди. XIV аср охирларида Ҳиндистон Темурнинг босқинчи ғалалари томонидан яна ҳам даҳшатлироқ хароб ва хонавайрон қилинди.

Темур 1398 йилнинг кузида 120 минг аскарни билан Ҳиндистонга бостириб кирди. Деҳли султони шу қадар катта армиянинг ҳужумини тўхтата олмади. Темур Ҳинд дарёсидан ўтиб, Панжобдаги шаҳарларни бирин-кетин ишғол қилди, ҳамма ёқни талади ва куйдирди. Темурнинг ўзи мусулмон эди. Шундай бўлса ҳам, аҳолининг қандай динга мансублигидан қатъи назар, «мўъмин-мусулмонми» ё «кофир»ми, барибир ёппасига қириб ташлайверди. Пойтахт ўлжа тарзида солдатлар ихтиёрига топширилди. Пойтахтнинг ўн минглаб аҳолиси қириб ташланди, шаҳарликларнинг бир қисми қочиб кетди, кўплари асир олинди. Деҳлидаги жуда кўп ҳунармандларни — тош-тараш усталар ва бошқа бинокорларни Темур кейин ғалаба шарафига Самарқандда катта жоме қуришга мажбур этиш учун, асир қилиб олишни булорди. Темур «жуда кўп асир ва ўлжа олиб», 1399 йилнинг баҳорини Самарқандга қайтиб келди.

Темурдан кейин Ҳиндистоннинг аҳволи. Темур Ҳиндистонни тамомила хонавайрон қилди. Усиз ҳам заиф бўлган Деҳли султонлигига Темур қақшатқич зарба берди. Аммо Темур Ҳиндистонни бирлаштириш ва ҳатто уни Ўрта Осиёдаги ўз ерлари билан бирор даражада мустақкам боғлаш мақсадини қўймаган эди. Бошқа юришлар билан (булар орасида айниқса катта аҳамиятга

эга бўлган Кичик Осиёдаги Усмон туркларига қарши юриш билан) банд бўлган Темур Ҳиндистонни ўз ҳолига ташлаб қўя қолди. Темур вафотидан кейин Ҳиндистон чет эл зулмидан қутулиб, ўзининг бақувват, мустақил давлатини тузиши мумкиндек туюларди. Аммо XV асрда Ҳиндистонни бирлаштириш яна ҳам қийинлашди. Доимо бирлаштириш маркази бўлиб қолган Шимолий Ҳиндистон Темур ҳужуми туфайли неча ўн йиллар давомида қаттиқ иқтисодий кризисни бошидан кечирди. Аммо Темур ҳужумининг бошқа бир оқибати ҳам бўлди. Темур ҳужумидан кейин мусулмон феодаллари билан ҳинд феодаллари ўртасидаги ўзаро кураш яна ҳам кучайди. Илгари вақтларда катта таъсирга эга бўлган шимолий мусулмон князлари энди заифлашиб, аввалги гегемонликларини қўлда сақлай олмай қолдилар. Жанубдаги ҳинд рожалари, гарчи бир қадар кучайган бўлсаларда, ўз кучлари билан бирлаштириш даражасида етарли қудратга эга эмасдилар. Икки гуруҳ ҳинд феодалларининг кураши Ҳиндистоннинг шимоли билан жанубидаги миллий ва социал-иқтисодий фарқни акс эттириб, бир-бирига қаттиқ душман бўлган икки хил диний (ислом ва ҳинду) идеология кураши формасига айланди ҳамда самарасиз тарзда жуда чўзилиб кетиб, мамлакатни яна чет эл интервенцияси хавфи остида қолдирди.

Жанубий Ҳиндистон давлати — Бахмани ва Вижаянагар. XIV—XV асрларда Ҳиндистоннинг жанубида анча йирик давлатлар мавжуд эди. Улардан бири Бахмани давлати Фарбий Декан территориясида жойлашган бўлиб, унинг пойтахти йирик шаҳар Бидар эди. Бу давлат 1347 йилда Деҳлидан ажралиб, ташкил топди. У 1482 йилгача яшади ва шундан кейин бир неча князликка бўлиниб кетди. Рус савдогари, сайёҳ Афанасий Никитин худди шу давлатда 1469—1472 йилларда (у энг гуллаган пайтда) бўлиб, Ҳиндистоннинг бу қисмидаги феодаллар ва оддий халқ турмушини ёрқин, ажойиб тарзда баён қилди.

Бахманидан жанубда жойлашган яна бир давлат — Вижаянагар давлати эди. Бу давлатга тахминан 1336 йилда асос солиниб, 1486 йилгача яшади. Унинг тарихи қўшни Бахмани билан деярли тўхтовсиз уруш олиб бориш билан ўтди. Бу урушлар ҳар иккала давлатни заифлаштириб, уларнинг янада майдароқ князликларга бўлиниб кетишини тезлаштирди. Вижаянагарга қарайдиган Малабар соҳили Фарбий Европа мустамлакачилари кириб келган дастлабки территория бўлди. Бахмани билан Вижаянагар ўртасидаги ўзаро урушлар, шунингдек, XV аср охирларида кучайган феодаллар ўртасидаги ўзаро низолар Фарбий Европа мустамлакачиларига Малабар соҳилидаги бир қанча таянч пунктларини деярли тўсиқсиз ишғол қилиш имконини берди. Бу пунктлар европаликларнинг шундан кейин Жанубий ва Шарқий Осиёда мустамлакаларни босиб олишларида жуда катта роль ўйнади.

Ҳиндистонда европаликларнинг пайдо бўлиши. 1498 йилда Васко да Гама эскадраси Малабар қирғоғида пайдо бўлиб, Кали-

кут шаҳрига тушди. Португаллар XVI аср бошларидаёқ Ҳиндистоннинг ғарбий ва жанубий қиргоқларида бир қанча жойларни эгалладилар. Португаллар Ҳинд океани, Форс қўлтиғи ва Қизил денгизда ҳукмрон бўлиб олдилар. Улар кенг суратда денгиз қароқчилиги билан шуғулланардилар, ҳинд кемаларига ҳужум қилиб, уларни талардилар. Улар босиб олган территория умуман Гоа шаҳри, Цейлон ороли ва яна бошқа бир неча жойдангина иборат бўлса-да, галончилик экспедициялари мамлакатнинг анча ичкарисига кириб борар эди. Португаллар европаликлар ичнда Ҳиндистонни мустамлакачилик эксплуатациясига биринчи бўлиб дучор қилдилар. Кейинчалик, XVI аср охири ва XVII аср бошларида уларга голландлар ва инглизлар келиб қўшилди.

Деҳли султонлигининг тушкунликка учраши. XV аср мобайнида Деҳли султонлиги буюк давлат бўлмай қолган эди. Деҳли шаҳри ва унинг атрофидаги ерлар ҳукмони Деҳлининг буюк султони деган дабдабали ушвонга эга бўлса ҳам, у Шимолий Ҳиндистондаги оддий давлат-князликлардан бири эди. Энг йирик давлат — қўшни Бенгалия князлиги эди, бироқ у ҳам лоақал Шимолий Ҳиндистон учун гегемонлик ролини ўз зиммасига ололмас эди. Феодал тарқоқлиги, қўшни князликларнинг рақобати ва ўзаро урушлари, айрим хусусий феодаллар ҳам, кўпдан-кўп майда ҳукуматлар ҳам ундириб оладиган солиқларнинг ўсиши шароитида мамлакат меҳнаткаш аҳолисини эксплуатация қилиш янада кучайди. Деҳқонлар солиқ ва рента тўлашдан бош тортшар, ўрмонларга қочиб, давлат солиқларини йиғувчилардан ва ўз феодалларининг зўравонлигидан яширинишар эди. Баъзан қатъчилик ва очарчилик натижасида деҳқонларнинг стихияли ғалаёнлари бўлиб турарди.

Тарқоқ, синфий кураш кескинлашган, мусулмон ва ҳинд феодалларидан иборат бир-бирига душман икки гуруҳга бўлинган Ҳиндистон мўғул-туркларнинг янги ҳамласи олдида тамомилан ҳимоясиз бўлиб қолган эди.

Шимолий Ҳиндистоннинг Бобир томонидан босиб олиниши. 1526 йилда Темурнинг эвараси — амир Бобир афғон тоғ йўллари орқали Ҳиндистонга кириб борди. Аввал Бобир Самарқанд шаҳрида ҳукмрон эди, ammo у ердан маҳаллий феодал зодагонлари томонидан ҳайдалди. Мовароуннаҳрдан ҳайдалган Бобир Афғонистонни ва қисман Шарқий Эрон (Хуросон)ни босиб олди. Қобул ва Фазна шаҳарлари унинг қўлига ўтди. Бу ердан Бобир асосан Урта Осиё турклари, хуросонликлар ва афғонлардан иборат 20 минг кишилик қўшин билан Шимолий Ҳиндистонга ҳужум қилди. Ҳиндистон учун қатъий жанг Панипат текислигида (Деҳлидан шимол томонда) 1526 йил 21 апрелда бўлди. Деҳлининг Лоди династиясидан бўлган Деҳлининг сўнгги султони Иброҳим бу жангда ўлдирилди. Шундан кейин Бобир Деҳлини босиб олиб, ўзини Ҳиндистон императори (тўғрироғи — шоҳ) деб эълон қилди. Келгуси 1527 йилда мусулмон ва ҳинд князлари коалицияси сон жиҳатида Бобир қўшинидан бир неча марта

кўп келадиган, 100 минг кишилик жуда катта кўшни тўплади. Лекин Бобир Агра шаҳри яқинидаги Канваг ёнида бўлган жангда коалицияни тор-мор қилишга муваффақ бўлди. Шундан кейинги йилларда Бобир Бихар билан Бенгалия вилоятларини истило қилди. Шимолий Ҳиндистон ва Афғонистон ерларидан иборат бўлган катта бир давлат вужудга келиб, бу давлат Буюк Мўғуллар империяси¹ деган ном олди. Бобир ворислари даврида Буюк Мўғуллар ҳокимияти ўрта ва Жанубий Ҳиндистонга тарқалди.

XXXV БОБ

XIII—XVI АСРЛАРДА ХИТОЙ

Хитой мўғуллар династияси ҳукмронлиги остида. Дастлаб Хубилай замонида (1259—1294) Хитойнинг шимолида ташкил топган мўғуллар монархияси Марказий Хитойга, сўнгра эса, Жанубий Хитойга ҳам ёйилди. 1278 йилда илгариги Сун династиясининг пойтахти бўлган Ханьчжоу шаҳри олинди. 1279 йилда Жанубий Хитой тамомла истило қилинди. Янги династия 1264 йилдаёқ Юань династияси деган ном олди.

Мўғуллар истилоси Осиё ва Европанинг бошқа мамлакатлари учун қандай даҳшатли бўлган бўлса, Хитой учун ҳам шундай даҳшатли бўлди. Бир неча ўн йилга чўзилган (агар Чингизхоннинг юришидан бошлаб ҳисоб қилинса) мўғуллар истилоси вақтида Хитой беҳисоб қурбонлар берди, кўпдан-кўп мол-мулкдан маҳрум бўлди. Мўғуллар хитойларнинг экин ерларини тақир чўлга ва бир қисмини ўз подаларини боқиш учун яйловларга айлантирдилар. Шаҳар ва қишлоқларни раҳмсиз таладилар. Хитой халқига оғир-оғир солиқлар солдилар. Хусусан, мўғуллар олиб борадиган урушлар муносабати билан уларнинг талабига мувофиқ ҳар хил юкларни ташиб бериш тарзидаги йилқи солиғи хитой деҳқонлари зиммасига оғир юк бўлиб тушарди. Мўғуллар, шунингдек ўз қўшинлари учун аҳолидан доимо йилқиларни тортиб олардилар, бу эса умуман қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказарди.

Юань династияси даврида асосий ҳарбий куч мўғулларнинг ўзидан иборат бўлса ҳам, армияга маҳаллий хитой аҳолиси кенг қўламда, асосан, хизмат кўрсатувчи ишларга: юк ташувчи, ер қазувчи, шаҳарларни қамал қилиш вақтида ишчи ва шу сингари ишларга жалб қилинарди. Қонун бўйича бундай ишларга ўн кишидан бир кишини олиш лозим бўлса ҳам, амалда анча кўп одам олинарди.

¹ Аслида Ҳиндистон 1526 йилда турклар ҳамда афғон ва Шарқий Эрон қабилалари томонидан босиб олинган эди. Аммо Бобир ўзини Чингизхон авлодига мансуб деб даъво қилди. Мўғуллар империяси деган нотўғри ном шундан келиб чиққан

Мўғуллар истилоси натижасида хитой шаҳар аҳолиси ҳам хитой деҳқонлари сингари қашшоқ аҳволга тушиб қолдилар. Шаҳарлардаги кўплаб ҳунармандлар мўғуллар томонидан қулга айлантирилди ва уларнинг бир қисми мўғул қўшинларининг бошқа мамлакатларга кўпдан-кўп юришлари вақтида уларга хизмат кўрсатиш учун Хитойдан олиб кетилди. Хусусан катта деворларни тешувчи ва тош отувчи қурооллар ишлаб чиқариш бўйича хитой ҳунарманд-мутахассисларнинг тақдирини шундай бўлди. Бу қурооллар мўғул истилочиларига шаҳар ва қалъаларни қамал қилиш вақтида зарур эди. XI—XII асрлардаёқ, Сун династияси ҳукмронлик қилган даврда, Хитойда хусусий катта ер эгаллиги анча кенгайди, кўпдан-кўп хусусий мулклар ташкил этилиб, уларда қарам ижарачи деҳқонлар меҳнатидан фойдаланилди. Бу деҳқонлар аслида крепостнойларга айлантирилган эди. Мўғуллар даврида бу процесс давом этди. Мўғул зодагонлари кўпгина ерларни ўз қўлларига ўтказиб олишлари натижасида хусусий мулклар сони кўпайди. Мўғуллар даврида будда монастырларига қарашли ерлар анча кенгайди. Мулкка айлантирилган ерлардаги деҳқонлар аҳоли кескин оғирлашди; улар тамоиля крепостнойларга айланди. Деҳқонлар сотилар ва сотиб олинарди, қарам деҳқонларнинг мажбуриятлари, рента ва бошқа солиқлар тобора ошиб борди; уларнинг ҳажми энди тамоиля феодаллар ўзбошимчалигига боглиқ бўлиб қолди.

Мўғулларнинг шиддатли зулмини шаҳарликлар ҳам сеза бошладилар. Шаҳар цехлари ва гильдиялари хазинага солиқ тариқасида жуда катта пул тўлашга мажбур эдилар. Солиқ миқдорини айрим ҳунармандлар ва савдогарлар учун мўғулларнинг ўзлари белгилардилар. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг катта қисми мўғул давлатига бепул, ўзига хос реквизиция тариқасида топширилди.

XIII аср охири — XIV аср бошларидаёқ мўғуллар хитойларнинг кучли таъсири остига тушиб қолдилар. Улар хитой тилида гапирадиган бўлдилар, хитой ёзувини ўзлаштирдилар ва хитойларнинг илгариги идора усулини қабул қилдилар. Иккинчи томондан, Хитойнинг мўғул давлатлари системасига киритилиши туфайли эндиликда Хитой илгариги Тан ва Сун «миллий» ди-



XIV—XV асрларда Хитой

настиялари замонидагидан ҳам кўра кўпроқ даражада савдо-сотиқ ишларида иштирок қила оладиган бўлди. Хитойда Эрон, араб, Ўрта Осиё ва ҳинд савдогарлари пайдо бўлди. Хубалай замонида Хитойга борган венециялик сайёҳ Марко Полонинг айтишига қараганда, хитой ипаги, чинниси, темири ва миси «дунёнинг ҳамма бурчагига» чиқазилган. Бироқ, Хитойдан турли мамлакатларга мол чиқаришдан келадиган иқтисодий ва сиёсий самарадан даставвал мўғул зодагонлари ва янги династия жалб қилган турк, эрон феодаллари ва савдогарлари фойдаланган. Эски хитой бюрократияси ва Хитой савдогарлари ўзларини камситилган деб ҳисоб қилардилар. Кенг хитой меҳнаткашлар оммасининг аҳволи яхшиланиш у ёқда турсин, балки ўн йиллар давомида бюрократик-фискал зулм ва феодаллар эксплуатацияси остида эзила бориб, баттар ёмонлашиб кетди. XIV асрда мўғул императорига қарши саройда бир неча марта фитна уюштирилди. Аҳолининг кенгроқ доиралари ўртасида ўз олдига мамлакатни чет элдан келган ҳукмронлардан озод қилишни мақсад қилиб қўйган миллий-революцион ташкилотлар тузилди. 1351 йилда Хэнань ва Шаньдунь вилоятларида «Оқ нилуфар» деган иттифоқ томонидан тайёрланган «қизил пешанабоғлилар» мўғул династиясининг пойтахти бўлган Яньцзин (Пекин) шаҳрини таҳдид остида қолдирдилар. XIV асрнинг 60- йилларида Хитой вилоятларининг кўпчилигида мўғулларга қарши қўзғолонлар бўлди. Миллий ҳаракатни ишга солувчи асосий куч деҳқонлар бўлди. Қўзғолончи деҳқон армиясининг раҳбарларидан Чжу Юань-чжан император деб эълон қилинди (1369 йил). У таъсис қилган янги династия Мин династияси деб аталадиган бўлди. Бу династия 1368 йилдан то 1644 йилгача Хитойни идора қилди. Бу династия дастлаб Нанкин шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олди, лекин кўп ўтмай (мўғуллар давридаги каби) марказ яна Яньцзин шаҳрига кўчирилади, бу шаҳар энди Пекин деган янги расмий ном олди.

Мин династиясининг идора қилиши. Феодализмнинг янада ривожланиши. Халқ ичидан чиққан янги династия аввалига меҳнаткашларнинг аҳволини бир қадар енгилаштирадиган сиёсат олиб борди. Масалан, солиқларни тенгроқ тақсим қилиш мақсадида солиқ рўйхатлари қайтадан кўриб чиқилди. Мўғул зодагонларининг ерлари мусодара қилиниши натижасида давлат деҳқонларининг сони хийла кўпайди. Боқимандаларни кечини тўғрисида Чжу Юань-чжан бир неча марта фармон чиқарди. XIV аср охирилари ва XV асрнинг биринчи ярмида ирригация соҳасида қизғин ишлар олиб борилди. Ҳукумат мамлакатда ҳунармандчиликнинг ривожланишига ёрдам қилди. Шаҳарлардаги ҳунармандлар тўлайдиган солиқлар ҳам дастлабки пайтларда бир қадар камайтирилиб, солиқ зулми сусайтирилди.

Лекин шу билан бирга «деҳқонлар императори» бирон-бир социал революция қилишни ўйламасди. Катта ер эгалари аввал

бошқа гарчи сал чеклаб қўйилган бўлса-да, умуман сақланиб қолди. Бу нарса аслида ўсишда ва мустаҳкамланишда давом этди. Чжу Юань-чжанга ҳокимиятни қўлга олишда ёрдамлашган лашкарбошилар ва янги династиянинг актив тарафдорлари кўпгина ер мулкларни олдилар. Династия удел ерлар сифатида экинзор ва яйлов ерларнинг жуда катта майдонини ўз қўлига киритди, бу ерлардан олинган даромад император саройи ва шахзодаларнинг саройларидаги харажатларни қопларди. Чжу Юань-чжанинг 20 дан ортиқ ўғли бўлиб, уларнинг ҳаммаси юқори маъмурий лавозимни эгаллар ва айни вақтда энг йирик ер эгалари эди. Аммо император хонадонига тааллуқли бўлмаган олий маъмурий шахслар ҳам кўплаб ер-мулкларнинг эгаси — феодал бўлиб олишарди. Император харамидаги маҳрамларга кўплаб ерлар бўлиб бериларди, улар янги династия даврида идора қилиш ишларида гоаят катта роль ўйнардилар.

Шаҳарларнинг ривожланиши. Мануфактура куртаклари. XIV—XVI асрларда Хитойда саноатнинг ривожланишида анчагина ютуқларга эришилди. Шойн ва ип газламаларга пардоз бериш, қоғоз, шиша, чинни, лак тайёрлаш, турли хилдаги кон саноати (олтин, кумуш, мис, темир рудаси, туз қазиб чиқариш) сингари ишлаб чиқариш тармоқлари энг кўп тарқалди. Қурилиш саноати кенг тус олди. Пекин, Нанкин ва бошқа шаҳарларда кўплаб саройлар, ибодатхоналар, безакли миноралар, кўприклар, арklar, турли қалъа иншоотлари қурилди. Минлар даврида ҳам саноат, асосан ҳунармандчиликдан иборат бўлиб қолди. Бироқ саноатнинг айрим тармоқлари, асосан қайта ишлаш саноатида мануфактура типидagi йирик устахоналар бор эди. Қуллар ва крепостной деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиладиган кўпгина давлат мануфактуралари (хусусан, чинни ишлаб чиқарувчи мануфактуралар) мавжуд эди. Кон-руда қазиб чиқариш саноатида мажбурий меҳнат тамомила ҳукмрон эди.

Минларнинг ташқи сиёсати. Ўз ички аҳволини мустаҳкамлаб олган династия янги ерлар босиб олиш ҳамда Хитойнинг ташқи бозорларини кенгайтириш мақсадида истилочилик юриши уюштирди. Чжу Юань-чжан замонидаёқ Корея билан Тибет Хитой императори ҳукмронлиги остида эди. Унинг ворислари Анпани истило қилдилар ва Индонезияга, Ҳинди-Хитойга, Малаккага ҳарбий экспедициялар юбордилар. Бу мамлакатлардаги кичикроқ ҳокимларнинг бир қисми Хитой императорининг олий ҳокимиятини тан олди. Хитойлар Индонезия билан Ҳинди-Хитойга кўплаб кўчиб бора бошладилар.

Мин ҳукумати Ҳинди-Хитой, Индонезия, Ҳиндистон ва ҳатто Шарқий Африка қирғоқларига систематик тарзда йирик ҳарбий денгиз экспедицияларини юбориб турди. Адмирал Чжэн-Хэ бошчилигида 1403—1433 йиллар мобайнида юборилган етти та экспедиция денгиз юришлари айниқса катта бўлган эди.

XVI асрда Мин империясига бировларга ҳужум қилиш эмас, балки бундан кейини ўз мамлакатининг чегараларини мудофаа



Чжэн-Хэ юрган сув йўли

аср бошларида Хитойга европаликлар кириб кела бошлади. 1516 йилда бу ерга (Кантон портига) биринчи бўлиб португалларнинг кемалари келди. XVI асрнинг 40-йилларида португаллар Хитой қирғоқларида бир неча колония барпо қилдилар. Лекин мустамлакачиларнинг тамагирликларидан ғазабга келган маҳаллий аҳоли 50-йилларнинг бошларида келиб уларнинг ҳаммасини яқсон қилди. 1557 йилда босиб олинган Макаодагина (Кантондан жануб томонда) португаллар концессия олиб, анча мустақамланиб олишга муваффақ бўлдилар. XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида Хитойда испанлар, голландлар, инглизлар ва французлар пайдо бўлди. Аммо Мин ҳукумати чет элликларнинг бир оз бўлса ҳам Хитойнинг ичкарисига суқилиб киришларига йўл қўймади. XVI асрда Европа савдогарларининг Ҳиндистон ва Индонезия билан олиб борган савдо-сотиқларига қараганда, Хитой билан бўлган савдо оборотлари жуда озгина эди. Хитой руслар билан биринчи марта XVI асрнинг иккинчи ярмида алоқа қила бошлади.

XV—XVI асрларда Хитойда синфий зиддиятларнинг кескинлашуви. XV—XVI асрларда Хитойда синфий зиддиятлар ғоят кескинлашиб кетди. Қишлоқда феодал зулмининг кучайиши, судхўрликнинг ёйилиши, солиқларнинг ошиб бориши халқ оммасининг норозилигини келтириб чиқарди. Минлар ҳукмронлик қилган даврдаги энг йирик деҳқон қўзғолонлари орасида ижарачи Дэн Мао-ци бошчилигида 1448—1449 йилларда Фуцзянь вилоятида бўлган қўзғолон машҳурдир. Унинг теварагига ўзи сингари неча ўн минглаб майда ижарачи деҳқонлар тўпланди. Бу

қилишга тўғри келди. Ғарб томондан унга мўғуллар хавф солиб турарди. 1550 йилда Чингизхон авлодидан бири катта қўшин билан Пекинга бостириб келиб, шаҳар чеккаларига ўт қўйиб кетди. XVI асрнинг иккинчи ярмида, айниқса 60-йилларда, Хитой японлар агрессиясига қарши оғир кураш олиб боришга мажбур бўлди. Шундай бўлса-да, Мин династияси самурайлар ҳужумини қайтаришга куч топди ва шу асрнинг энг охирида улар қитъадан суриб чиқарилди.

Хитойда европаликларнинг пайдо бўлиши. XVI

деҳқонлар аслида феодал ер эгаларига крепостной қарам бўлиб қолган эдилар. Қўзғолончилар «эски», одатдаги ренгани талаб қилиб, оширилган ижара ҳақини тўлашдан бош тортдилар. XVI асрнинг бошларида деҳқон қўзғолонлари, қисман шаҳар қўзғолонлари жанубий вилоятлар — Гуандун, Гуанси, Хунань ва Хубэйни, жануби-шарқда — Цзянси, ғарбда — Сичуанни, шимолда — Шэньсини қамраб олди.

Айни вақтда XV—XVI асрларда Хитойда ҳукмрон синфнинг ўзида турли гуруҳлар кураши давом этаётган эди.

Мин императорларининг идора қилишига, юқорида айтиб ўтилганидек, маҳрамлар катта таъсир кўрсатардилар. Улар жуда катта бойлик орттирган бўлиб, императорга яқин туришлари туфайли юқори ва энг даромадли лавозимларни ўз қўлларига киритиб олган эдилар. Том маъноси билан текинхўр бўлган бу тор сарой аҳлининг хўжайинлик қилиши феодалларнинг кенгроқ доираси, хусусан «шэньши» деб аталувчи олимлар табақасининг қаршилигини келтириб чиқарди.

1506 йилда маҳрамлар марказий бошқарувни тамомила қўлга киритиб олдилар ва уни 15 йил давомида (1521 йилгача) ўз қўлларида тутиб турдилар. Оппозициянинг катта куч-ғайрат сарфлаши натижасидагина бу тўда ҳокимиятдан четлаштирилди, маҳрамларнинг айримлари қатл этилиб, мол-мулк мусодара қилинди. Бироқ бир асрдан кейин — XVII асрнинг 20-йилларида маҳрамлар яна ҳокимиятни қўлга олиб, шэньшиларнинг кўпгина вакиллари таъқиб қилдилар ва қатл этдилар.

XXXVI БОБ

XI—XVI АСРЛАРДА ЯПОНИЯ. КОРЕЙС ХАЛҚИНИНГ ЯПОНЛАР БОСҚИНИГА ҚАРШИ КУРАШИ

Япон феодализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши. Японияда феодал муносабатлари XI—XII асрларга келиб, қатъий қарор топди. Япон феодал поместьелари — с е э н л а р ўша вақтларда вужудга келди. Сеэнлар отадан болага мерос бўлиб ўтарди ва улар ҳеч қандай солиқ тўламасди. Будда монастырлари жуда кўп ерларга эгалик қилардилар (буддизм Японияга VII асрдаёқ келиб кирган эди). Дунёвий ва руҳоний феодалларнинг ерларида ишловчи крепостной аҳоли, қисман, бир замонлар хийла кўп сонни ташкил этган ва кейин ер олиб, қарам деҳқонларга айлантирилган собиқ қуллардан, қисман эса, турли япон уруғларининг оддий аъзолари авлодидан чиққан, кейинчалик эркинликдан маҳрум қилинган собиқ эркин жамоачи деҳқонлардан иборат бўлган. Қишлоқ аҳолисидан анчаси давлат деҳқонлари си-

фатида қолдирилиб, улар бевосита императорга ва унинг саройига қарашли бўлиб, император амалдорларига солиқ тўлаганлар.

Япон феодаллари бир неча даражага бўлинарди. Энг катта феодаллар — хонкэллар, сўнгра уларнинг вассалари майда поместьели феодаллар — рекэллар бўлган. Хонкэ ва рекаларнинг яна самурайлардан дружиналари бўлган. Замон ўтиши билан ўрта аср Европасидаги рицарларга ўхшаш, самурайларнинг ҳам бир қисми майда поместьели дворянларга айланганлар. Самурайларнинг бир қисми ҳамон профессионал-дружиначи бўлиб қолаверган. Самурайларда ер бўлмаган, фақат урушларда тўпган ўлжа ва ўз синьорларидан олган маоши билан кун кечирган.

Ўрта аср Япониясидаги сиёсий тузум ўзига хос кўп хусусиятларга эга бўлган. Бир томондан, Японияда XII асрдаёқ марказий император ҳокимияти — микадо ўрнатилган. Микадо бутун ернинг олий мулкдори деб эълон қилинган. Уруғ зодагонлари микадо амалдорларига айлантирилган, улар губернатор ва шаҳар ҳокими сифатида айрим районлар ва областларни идора қилган. Ерга, ҳунармандликка ва савдога Хитойдаги сингари мураккаб интенсив солиқ солинган. Аммо, иккинчи томондан, бу ҳол феодалларнинг мустаҳкамланишига ва помигагина олий ҳокимият бўлган император ҳокимияти ва унинг ҳукмати қўл остида феодаллар тамомила мустақил идора қилган мамлакатнинг аслда парчаланиб кетишига ҳалақит бермаган.

Император ҳокимиятини ўзи эса, кўп ўтмай реал аҳамиятини йўқотган. Энг катта феодаллар ўртасидаги ўзаро низолар натижасида дин бошлиғи ҳам бўлган император қўлида диний ҳокимиятгина қолган, холос. Дунёвий олий ҳокимият эса энг кучли феодал — сёгун қўлига, олий ҳоким қўлига ўтган.

Сёгунлик даставвал 1192 йилда, шимолий феодаллардан (Канто областидан) бири Минамото ўз рақиблари бўлган бошқа феодалларни самурайлардан тузилган қўшин ёрдами билан тормор келтириб, мамлакатнинг пойтахти Киотони олганидан кейин вужудга келади. Минамото императорни ўз саройи билан Киотода қолдириб, ўзи эса Камакурадаги қасрида яшайди ва у ердан туриб император номидан давлатни идора қилади. Шундай қилиб, Японияда икки параллел династия — император династияси ва сёгун династияси ўрнатилади. XIII асрда сёгун вазири ҳам кенг асра вақтгача номинал бўлиб қолади. Минамото ворислари жуда ёш бўлганлигидан, давлатни сиқкэнлар (ҳокимлар) деган бошқа феодал хонадонларидан бўлган регентлар идора қилади.

Деҳқонлар аҳволи. XII—XIII асрлардаёқ япон деҳқонларининг аҳволи жуда оғир эди. Феодаллар ер эгалари сифатида қўллариданги шахсий ва ҳарбий ҳокимиятдан ҳам, шунингдек, давлат ташкилотини ва унинг бутун молиявий-маъмурий системасидан ҳам кенг суратда фойдаланиб, деҳқонларга жуда кўп ҳар хил тўлов ва солиқлар солардилар. Бир неча саройни — микадо,

сёгуи, сиккэн саройларини — таъминлаш мамлакатга жуда қимматга тушарди. Шу билан бирга катта ва майда феодалларнинг тинмай давом этган ўзаро урушлари мамлакатни хонавайрон қилар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсқинлик қиларди. Япон деҳқонлари кўп жиҳатдан шаҳар судхўрларига ҳам қарам эдилар, чунки солиқ йиғиши иши одатда судхўрларга топшириларди. Деҳқонлар кўпинча келгуси йил ҳосилини гаровга қўйиб, судхўрлардан қарзга уруғлик олардилар. Ҳамиша очарчилик ва бунинг натижасида доим бўлиб турадиган юқумли касалликлар эпидемияси XIV ва XV асрларда япон қишлоқларида кенг тарқалган ҳодиса эди. Қишлоқдаги социал зиддиятлар жуда кескинлашиб кетганлигидан Японияда деҳқонлар қўзғолони кўп бўлиб турарди. XV асрда бундай қўзғолонлар айниқса кўп бўлди. 1428 йилда Киото шаҳри яқинида кўтарилган қўзғолон деҳқонларнинг биринчи катта қўзғолони эди. Бу ҳаракат тезда Урта Япониянинг бошқа қўшни вилоятларига ҳам тарқалди. Бунда қўзғолончи деҳқонлар «Йўқолсин самурайлар!» деган шиор остида курашдилар. Қўзғолончилар маҳаллий феодаллар юборган қўшинни тор-мор келтирди, фақат 20-йилларнинг охирига келибгина ҳаракат бостирилди.

Феодалларнинг дружиналаридан чиқиб кетиб, шу сабабли тирикчилиги учун ҳеч нарса қолмаган самурайларнинг бир қисми ҳам, 1441 йилдаги деҳқонлар қўзғолонида қатнашди. Улар ронинлар деб аталган қочоқ феодал-самурайлар — қувилганлар эди. Бундан кейинги қўзғолонлар тўлқини XV асрнинг 50 ва 60-йилларида бўлди. 1461 йил аҳоли учун ниҳоятда оғир бўлди. Уша йили ёлғиз Киотонинг ўзида очликдан 80 минг киши ўлди.

1532 йилда Киотонинг ўзида ва унинг атрофида катта қўзғолон кўтарилди. Қўзғолон ўзининг гоаят мураккаб состави билан мароқли эди. Унда ронинлар, деҳқонлар, шунингдек, Киото шаҳрида яшовчи ҳунармандлар, майда савдогарлар, ҳаммоллар, юк ташувчилар ва бошқа камбағаллар қатнашди.

Шаҳарларнинг ривожланиши. Шу билан бирга Японияда шаҳарлар, ҳунармандчилик ва савдо анча жадаллик билан ривожланиб борди. Японлар бундан анча илгари хитойлардан ипакчилик, металлургия, лак ишлаш ва бошқа ҳунарларни ўргандилар. Япониянинг ўзида темир, мис, олтин ва қумуш анча эрта ва кўп миқдорда қазиб чиқарила бошланганди. Японлар ажойиб қуроқлар ясайдилар. Японлар ясаган қиличлар ўзларининг пишиқлиги билан анча машҳур бўлган. Уларни ҳар йили чет элларга ўн минглаб чиқариб турилган (масалан, 1483 йилда 67 минг қилич чиқарилган). Шунингдек, япон бадий ҳунармандчилигининг буюмлари: чинни, елпигич, лакланган буюмлар, суяк ва тошдан ясалган буюмлар ва ҳоказолар, шунингдек, ип ва шойи газлампаларнинг баъзи навлари ҳам кўллаб четга чиқарилар эди. Япония, Корея, Хитой билан Тайвань, Филиппин ороллари, Вьетнам ва Сиам (ҳозирги Таиланд) билан қизгин савдо олиб борарди.

Мамлакатда катта-катта портлар кўп бўлиб, Сакаи, Хиого, Хаката, Нагасаки портларида бир неча ўн минглаб аҳоли яшаган.

Ягона давлатнинг ташкил топиши. Бир томондан, шаҳарларнинг ўсиши, саноат ва савдонинг ривожланиши ва, иккинчи томондан, мамлакатнинг аслда тарқоқ бўлиши ва мамлакат ичида феодал урушларнинг узуксиз давом этиб туриши бир-бири билан мутлақо келиша олмайдиган ҳодиса эди. Шу билан бирга деҳқонларнинг қудратли қўзғолонлари ҳам бутун феодал режимини ағдариб юбориш хавфини туғдирмоқда эди. Мамлакатни бирлаштириб, марказлаштирилган давлат тузиш феодал синфининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси бўлиб қолди. Кучлироқ, феодаллар ўзларининг самурай қўшинларига таяниб ҳамда маълум даражада ўсган ва мустақамланган шаҳарларнинг ёрдами ва хайрихоҳлигига суяниб, бу вазифани ҳал этишга киришдилар.

Японияни дастлаб бирлаштирган, бир неча мустақил князь-феодалларни тор-мор қилган, бу даврга келиб ўзиёқ ҳақиқий ҳокимиятни қўлидан бериб қўйган сёгунни 1568 йилда ағдариб ташлаган киши **О да Н о б у н а г а** бўлди. У Урта Япониянинг ўз мулкига кўра ўртачароқ феодал князларидан бўлса-да бироқ самурайлар (отлиқ аскарлар) ва қисман деҳқонлар (пиёдалар) дан тузилган кучли ҳарбий дружинасига эга эди. Нобунага Японияга европаликлар олиб келган милтиқни дастлаб ишлата бошлаган япон лашкарбошларидандир. Нобунага Японияни 14 йил (1568—1582) мобайнида диктатор сифатида идора қилиб турган бўлса-да, ўзига микадо унвонини ҳам, сёгун унвонини ҳам олмади. У тор савдо монополияси компанияларини тугатиш, ички бож солиқларини бекор қилиш ва бошқа шу сингари йўллар билан савдо-сотиқ ишларида эркинроқ имкониятлар бериб, унга ҳомийлик қилди; кўпгина янги йўллар қурдирди. Солиқ тўплаш ишларини қайтадан ташкил этди ва тартибга солди. Нобунага мамлакатни бирлаштириш ишини тугаллашга улгура олмади. У Япониядаги 66 вилоятдан фақат 30 тасини ўз назорати остига олди. У ўлгандан кейин ҳокимият тепасига унинг ҳамкори **Т а й е т о м и Х и д э е с и** чиқиб олди (1582—1598), Хидэеси деҳқондан чиққан бўлиб, у ўз мавқени дружиначиликдан бошлайди.

Нобунага бошлаган бирлаштириш процессини Хидэеси тугаллади. У Сикоку ва Кюсю ороллариининг мустақиллигини битирди ва энг муҳими Хонсю оролининг ҳали бир неча мустақил феодалликлар сақланиб қолган шимолига муваффақиятли ҳарбий юриш қилди. У Осака шаҳрини қурди, кейинчалик бу шаҳар Япониянинг энг катта портига айланди. Мамлакатни бирлаштириб, Хидэеси феодалларининг ва Япониядаги катта савдогарларнинг манфаатини кўзлаб, Кореяни истило қилишга киришди ва бу иш Японияни Хитойга қарши урушга олиб келди.

Хидэесининг плани Кореяни босиб олишдангина иборат бўлиб қолмайди. У Кореянигина эмас, балки Манжурияни, Филиппин ороллариини ва Тайванни ҳам, кейин эса Хитойнинг ўзини

ҳам бўйсундиришни хаёл қилади, у ҳатто ўз пойтахтини Хитойга кўчиришни ҳам олдиндан мўлжаллаб қўяди. Хидэеси бу уруш учун бир неча йил давомида катта флот тайёрлади. 1592 йил баҳорда у 300 минг кишилик катта қўшинни Кореяга туширади.

Корейс халқининг японлар босқинига қарши кураши. Корея ҳукумати японларнинг бостириб киришидан гафлатда қолди ва бунга бирор даражада жиддий тайёргарлик кўра олмади. Корейс мунтазам армияси ва бу ерга келган хитойларнинг кичик отряди Сеул яқинида японлар томонидан тор-мор келтирилди. Шундан кейин король, сарой аҳли ва олий табақадаги зодагонлар пойтахтдан қочиб кетишди. Улар, асосан, хитой императоридан ёрдам олишдан умидвор эдилар¹.

Сеул босқинчилар қўлида эди. Япон қўшинлари шимолга силжиб, мамлакатни вайрон қилдилар. Японлар Шимолий Кореяда ишғол қилган шаҳарлар орасида Кореянинг энг қадимги шаҳарларидан бири бўлган Пхеньян шаҳри ҳам бор эди.

Корейс халқи ана шу шароитда ўз ватанини ҳимоя қилиши керак эди. Турли вилоятларда партизан отрядлари вужудга кела бошлади. Улар маҳаллий провинциал отрядлар билан биргалашиб, япон армиясининг ҳаракатига тўсқинлик қилардилар. Чолладо вилояти мудофаа плацдарми сифатида айниқса катта роль ўйнади. Кейинчалик Корея флотининг бош қўмондони Ли Сун Син японларга қарши курашнинг асосий ташкилотчиси бўлиб чиқди. У ниҳоятда меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, катта ҳарбий ташкилотчилик қобилиятлари билан ажралиб турарди. Унинг ташаббуси билан четига темир қопланган кенг бортли алоҳида («тошбақа» деб аталадиган) кемалар қура бошладилар, бу эса корейс флотини японларнинг ўт отувчи қуролидан омон сақлаб қолди. 1592 йил ёз фаслида Ли Сун Син япон флотини мағлубиятга учратди. (1592 йил июль.) Бу эса Кореядаги оккупантларнинг қуруқликдаги қўшинларини танг аҳволда қолдирди. Хитойдан етиб келган ҳарбий кучлар ва қайта тикланган мунтазам корейс армияси ҳужумга ўта олди. 1593 йил бошларида Пхеньян шаҳари озод қилинди; 1593 йил апрелида корейс-хитой қўшинлари Сеулга кирди. Энди самурайларни барча мамлакатдан тамомила ҳайдаб чиқариш мумкин эди. Аммо халқ оммасининг активлашганидан ташвишга тушган корейс-хитой қўмондонлиги Хидэеси билан музокарага киришди. Ли Сун Синга қарши фитналар бошланди ва у лавозимидан четлаштирилди. Хидэеси душман лагеридаги бу нифоқдан фойдаланиб, музокараларни

¹ Узоқ Шарқда мўғуллар ҳукмронлик қилган вақтда Корея Юань мўғул-хитой династиясига бўйсунарди. Хитойда мўғул истилочиларининг ҳокимияти қулагач, 1368 йилда Корея короли ҳам мўғулларга бўйсунидан бош тортиди ва ўзини мустақил давлат деб эълон қилди. Хитойларнинг янги Мин династияси бундан буён ҳам Корея устидан ўз протекторатини давом этирмоқчи эди. Аммо, аслида Корея бу даврда, айниқса, XV ва XVI асрларда мустақил давлат эди. Кореянинг Хитой билан вассаллик муносабатлари амалда бўйсунушга қараганда кўпроқ сиёсий иттифоқ характериغا эга эди.

чўзиб юборди ва армиясини қайта ташкил қилиб, урушни яна бошлаб юборди. Аммо 1597—1598 йилларда уруш японлар учун янада катта ҳалокат билан тамомланди. Улар дастлабки ютуқлардан кейин бирин-кетин муваффақиятсизликка учрай бердилар. Халқнинг талаби билан король Ли Сун Синни яна флотнинг бош қўмондони қилиб тайинлади. 1597 йил сентябридаёқ Ли Сун Син япон флоти қисмларига янги жиддий талофат етказди.

Мамлакатда кенг партизанлар ҳаракати яна авж олиб кетди. Хитойдаги Минлар ҳукумати бу гал Кореянинг японлар томонидан истило қилиниши ўзлари учун нақадар хавfli эканлигини янада равшанроқ ҳис қилди. Шунинг натижасида Хитойдан катта ҳарбий ва ҳарбий-денгиз кучлари юборилди. Иккита ҳал қилувчи жанг — бири қуруқликда 1597 йил октябрида Сеул яқинида ва яна бири денгизда Норянчжин яқинида 1598 йилда¹— япон босқинчилигига барҳам берди. Хидэеси Кореяга янада кўп сонли янги қўшин юбориш ниятида эди. Аммо бунга қизғин тайёрлик бораётган вақтда у ўлиб қолди. У ўлганидан кейин уруш давом этди. Аммо японлар қўлдан кетган территорияларни қайтариб олишга муяссар бўла олмадилар. Хидэесидан кейин ҳокимият тепасига чиқиб олган ҳукмдор 1614 йилда Корея территориясига бўлган ҳар қандай даъводан воз кечди.

«Осиёда буюк япон империяси» тузишни хаёл қилган япон самурайларининг биринчи плани ана шу тариқа тамомила барбод бўлди.

¹ Ғалабанинг ташкилотчиси Ли Сун Син денгиз жангида оғир ярадор бўлди ва кўп ўтмай вафот этди.

3

НИСМ



XVI-XVII

АСРЛАРДА

**ҒАРБИЙ ЕВРОПА
ВА ОСИЁ**



ҒАРБИЙ ЕВРОПАДА КАПИТАЛИЗМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Феодализмнинг емирилиши ва капитализм куртакларининг пайдо бўлиши. XVI ва XVII асрлар феодализм формациясидан капиталистик формацияга ўтиш давридир. Феодал ишлаб чиқариш усули ҳали ҳукмрон бўлиб турган эди. Аммо бу усул бузилиб-чириб, ўзининг энг муҳим хусусиятларини (масалан, биқиқ натурал хўжалик, шахсий крепостной ҳуқуқ, саноат ишлаб чиқаришида цехлар монополияси) йўқотади ва ўз ўрнини янги иқтисодий формаларга (қишлоқда аренда муносабатлари, цехдан ташқари саноатнинг ривожланиши ва унинг олиб сотарларга бўйсундирилиши, цехларнинг ўз ичидаги дифференциация) бўшатиб беради. Бу формалар эса янги, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг куртакларидан далолат беради. Ишлаб чиқариш усулидаги ўзгаришларни XIII—XV асрлардаёқ ўрта аср жамиятидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг умумий ўсиши тақозо қилган эди. Юқорида, Европадаги турли мамлакатларнинг конкрет тарихи баён қилинганда ҳамда ўша асрларда ўрта аср шаҳарининг ривожланиши ҳақидаги умумий бобда ҳунармандчилик техникасининг муваффақиятлари, ижтимоий меҳнат тақсимотининг ўсиши, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг ошиши ва деқҳончиликнинг бир ўзи билангина чекланмаган ихтисослаштиришнинг бошланганлиги, товар хўжалигининг умумий ўсиши ҳамда бутун Европада ички ва ташқи савдо алоқаларининг кенгайганлиги ҳақида конкрет материал келтирилган эди.

XVI асрда ва шундан кейинги асрларда ишлаб чиқариш усулида аста-секин, аммо вақт ўтиши билан тобора жадаллашиб борган ўзгаришлар кескин иқтисодий тўнтаришга олиб келдики, бу нарса биринчи навбатда Ғарбий Европадаги иқтисодий жиҳатдан энг кўп ривожланган мамлакатларда намоён бўлди.

XVI—XVIII асрларда Ғарбий Европада рўй берган ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулига ўтиш учун бевосита шарт-шароит яратилган даврни ҳамда бу билан бевосита боғлиқ бўлган, ҳукмрон синфларнинг халқ оммасини ошқора талаши билан боғлиқ бўлган даврни К. Маркс дастлабки капитал жамғарилиши даври деб атаган эди.

Айни вақтда худди шу XVI—XVIII асрлар капиталистик ма-
нуфактуранинг ривожланиши даври бўлдики, уни капиталистик
саноат ишлаб чиқариши тарихида дастлабки босқич ва капита-
листик фабрика вужудга келишининг бевосита арафаси деб аташ
мумкин.

**Дастлабки капитал жамғарилиши деб аталадиган жамғари-
лиш.** К. Маркс дастлабки жамғарилиш деган тушунчага қандай
конкрет мазмун бағишлаган эди? Маркс капиталистик ишлаб
чиқаришнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериб, бундай деб ёзган
эди: «Худди тирикчилик воситалари ва ишлаб чиқариш восита-
лари сингари, пул ва товарлар ҳам ўз-ўзича асло капитал эмас-
дир. Улар капиталга айлантирилиши керак. Бирок маълум ҳол-
лардагина уларнинг капиталга айланиши мумкин, бу ҳоллар
қуйидагилардан иборат: икки нав жуда ҳам хилма-хил товар
эгалари — бир томондан, ўзлаштириб олган қиймат суммасини
янада ошириш учун иш кучи сотиб олиши лозим бўлган пул
эгаси, ишлаб чиқариш ва тирикчилик воситаларининг эгаси; ик-
кинчи томондан, ўзларининг иш кучларини сотадиган, демак,
меҳнатларини сотадиган эркин ишчилар бир-бирлари билан уч-
рашиб, бир-бирлари билан алоқада бўлишлари керак»¹.

Маркс «ишчилар эркинлиги» деган тушунчани икки хил маъ-
нода идрок этишини айтган эди. Капиталистик саноат ишчи-
лари шахсан эркин кишилардир. Улар ҳуқуқ жиҳатидан қул ва
крепостной эмаслар, аммо улар айни бу вақтда ишлаб чиқариш
воситаларидан эркиндирлар, яъни бу воситалардан маҳрумдир-
лар. Фабрикалар, заводлар, руда конлари ишчиларга тегишли
эмас. Бунинг натижасида «эркин» ишчи капиталистик фабри-
кага ёлланиб, унга ўзининг ишчи кучини сотишга мажбурдир.
Шу тарзда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларидан аж-
вал майда мустақил ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш воси-
таларидан маҳрум бўлиш жараёни рўй бериши керак. Урта аср-
ларда юмушчилар эга бўлган ишлаб чиқариш воситалари улар-
дан муайян вақтда тортиб олинди ва капиталга айлантирилди.
Меҳнаткашларнинг ўзлари ишлаб чиқариш воситаларидан маҳ-
рум бўлиб пролетариатга, ёлланма ишчилар синфига айланди-
лар. «Капиталистик жамиятнинг иқтисодий структураси феодал
жамиятнинг иқтисодий структурасидан ўсиб чиқди. Феодал жа-
миятнинг бузилиши капиталистик жамиятнинг элементларини
озод қилди»².

Меҳнаткашларни ишлаб чиқариш воситаларидан ажратиш,
яъни уларни пролетарлаштириш жараёни Фарбий Европадаги
турли мамлакатларда бир хил тезликда ва бир хил оқибатлар
билан рўй бермади. Бу процесс Англияда айниқса оммавий тус
олди, бу ерда XV асрнинг охирларида ва айниқса XVI асрдаёқ
деҳқонлар оммаси кўп даражада экспроприация қилинган ҳам-

¹ К. Маркс. Капитал, 1- том, Ўздавнашр, 1955, 790- бет.

² У ш а к и т о б, 791- бет.

да инглиз саноатчилари мулк билан ҳар қандай алоқадан маҳрум этилган пролетарийларнинг бутун бир армиясини ўз ихтиёрига олган эди. Маркс ифодаси билан айтганда, Англияда деҳқонларнинг ердан маҳрум қилиниши «классик формада»¹ амалга оширилди.

Майда мустақил ишлаб чиқарувчининг экспроприация қилиниши дастлабки жамғарилишдан иборат бутун процесснинг асосини ташкил қилади. Аммо бу нарса унинг бутун мазмунини ифодалаб бера олмайди. Дастлабки жамғарилиш процессининг иккинчи жиҳати пул маблағлари — капиталларнинг айрим шахслар қўлида тўпланишидан иборатдир; корчалон капиталист жуда катта пул маблағларига эга бўлган тақдирдагина зарур ишлаб чиқариш воситалари — асбоб-ускуна, хом ашё ва шу сингариларни олишга ҳамда меҳнат бозорида ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ишчи кучини сотиб олишга қодир бўлади. Тарихда пул капиталларини жамғариш усуллари ниҳоятда хилма-хил бўлган. Бундан илгариги XIII—XV асрлардаёқ Ғарбий Европада савдогарлар ва судхўрлар капитали пул шаклида анчагина тўпланиб қолган эди. Яқин Шарққа қилинган солиб юришлари ҳамда Шарқ мамлакатларининг ниҳоятда шафқатсиз талон-торож қилиниши бу жиҳатдан жуда муҳим роль ўйнади. XVI—XVIII асрларда капитал жамғарилишида Европада жорий қилинган солиқ системаси ҳамда солиқ тўплашнинг савдогарлар ва судхўрлар орасидан чиққан айрим кишилар томонидан сотиб олиниши ғоят катта аҳамиятга эга бўлди; айрим мамлакатларнинг ҳукуматлари давлат қарзлари системасини жорий қилиб, хусусий шахслар ёки банклардан қарз оларди, кредиторларга жуда катта процентлар тўларди, бу процентларнинг ўрни оқибат натижада оммавий солиқ тўловчилар зиммасига тушарди. Протекционизм системаси, яъни саноатчиларга давлат қарзлари ва ғоят имтиёзли кредитларнинг берилишига асосланадиган маҳаллий саноатга ҳарбийлик соҳибкорларни яна шу меҳнаткашлар — деҳқонлар, ҳунармандлар ва шу сингарилар ҳисобига бойитар эди.

Аммо пул капиталларининг жамғарилиш тарихида мустамлакаларнинг таланиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Американинг кашф қилиниши, Ҳиндистонга ва Индонезияга европаликларнинг кириб бориши, уларнинг Африкадаги Ғарбий ва Шарқий соҳилларни босиб олишлари ана шу қитъалардаги мамлакатларнинг европаликлар томонидан шафқатсиз таланишига ҳамда Европага олтин ва кумушнинг жуда кўплаб оқиб келишига, бу ерда эса унинг капиталга айланишига сабаб бўлди. Маркс дастлабки жамғарилиш деб аталадиган жамғарилишнинг ҳар иккала формаси — Европанинг ўзида меҳнаткашларни экспроприация қилиш ёки Европадан бошқа қитъалардаги аҳолини та-

¹ Ушга китоб, 792 бет. Англияда деҳқонни ердан маҳрум қилиш ҳақидаги материал кейинроқ, XIV бобда «Англия XVI аср ва XVII асрнинг бошларида» деган бобда конкрет ва батафсилроқ баён қилинади.

лаш формаларининг зўравонликка ва қон тўкишга асосланганлигини айтиб, ғазаб ва нафрат билан қоралаган эди: «Уларнинг экспроприация қилиниш тарихи инсоният солиномасига қонли қилич ва алаңгали ўт тили билан ёзилган»¹. «Бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг экспроприация қилиниши жуда ҳам шафқатсиз ва ҳашийлик билан ва жуда ҳам қабиҳ, жуда ҳам ифлос жуда ҳам пасткаш ва жуда ҳам ҳаддидан ошган эҳтирослар тазиқи остида амалга оширилди»². «Европадан ташқарида бевосита босқинчилик, маҳаллий аҳолини қул қилиш, ўлдириш йўли билан қўлга киритилган хазиналар метрополияга оқиб келиб турар ва ундан капиталга айланар эди»³. «...Янги туғилган капиталнинг бошидан то товонигача ҳамма тешикларидан қон ва зардоб оқиб туради»⁴.

Капиталистик мануфактура. Капиталистик ишлаб чиқариш учун шароит туғила борган сари майда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ўз ўрнини йирик саноатга бўшатиб бера бошлади. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг дастлабки формаси мануфактура эди. Мануфактура асосан қўл меҳнатига, ҳунармандчилик техникасидан фойдаланувчи касбкорликка асосланса ҳам ундан фарқли ўлароқ, мануфактура анча йирик ишлаб чиқариш бўлиб ундаги ишлаб чиқариш процессида меҳнат тақсимоти жуда ҳам майда қисмларга бўлиниб кетган эди. Бу эса меҳнат унмдорлигининг кескин ўсишига олиб келди, мануфактуранинг прогрессив аҳамияти ҳам аввало шундан иборат эди. Мануфактурага капиталист-соҳибкор бошчилик қиларди, ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган ишчилар эса ўша капиталист учун ишлардилар. Бундай мануфактура концентрация қилинган ёки марказлаштирилган мануфактура деб аталарди; у ўша пайтдаёқ кўп белгилари билан капиталистик фабрикани эслатарди.

Аммо мануфактура тараққий қилган XVI—XVIII асрларда марказлаштирилган мануфактурадан бошқа хил мануфактуралар ҳам бўлган. Миқдор жиҳатдан олганда мануфактуранинг марказлаштирилган тури унинг бошқа — «тарқоқ» ёки марказлаштирилмаган турига қараганда камроқ тарқалган эди. Кўпроқ Ғарбий Европада (кейинчалик Россияда ҳам) мануфактура қишлоқдаги хонаки саноат билан қўшилиб кетган эди. Ҳунарманд — кам ерли ёки бутунлай ерсиз деҳқон — мануфактурага қарам бўлади ва «уйда ишлайдиган ишчига» айланади. Мануфактурачи уни хом ашё билан таъминлаб туради ва унга тўланадиган иш ҳақини ўзи белгилайди. Тарқоқ мануфактурада ҳам муайян даражада меҳнат тақсимоти бўлган. У ёки бу буюмнинг ҳар бир қисмини уйда ишлайдиган ишчиларнинг ҳар қайсиси ўз ихтисоси бўйича қилиб берар эдилар. Бироқ буюм ясашининг энг

¹ Уша асар, 791-бет.

² Уша асар, 841—842-бетлар.

³ Уша асар, 832-бет.

⁴ Уша асар, 840-бет.

сўнги жараёни («пардозлаш») шаҳардаги ёки шаҳар атрофидаги марказлашган типдаги мануфактураларда амалга оширилди. «...Капиталистик усулда уйда ишлаш саноатда капитализм ривожининг ҳамма босқичларида учрайди,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— лекин у айниқса мануфактура учун характерлидир. Майда деҳқон касибчилиги ҳам, машиналашган йирик индустрия ҳам уйга иш бермасдан ишларини осонлик билан уддалай оладилар. Ишловчининг ерга боғлиқлигининг сақланиши, катта корхоналар атрофида майда корхоналарнинг кўп бўлиши каби хусусиятларга эга бўлган капитализм ривожининг мануфактура даври эса уйга иш бериш билан боғланган ва бусиз уни тасаввур қилиш қийин ва мумкин эмас»¹.

Мануфактура даврининг техникаси. Шу тарзда мануфактура даврида ишлаб чиқариш ҳали асосан қўл меҳнати, ҳунармандчилик характерини сақлаб қолган бўлади. Бироқ мануфактурада меҳнатнинг техника жиҳатидан тақсимланиши кенг тус олган эди. Унинг илгариги цех ҳунармандчилигига нисбатан энг асосий техника афзалликларидан бири ҳам шундан иборат эди.

К. Маркс «Капитал»да бундай деб таъкидлаган эди: «Меҳнат тақсимотига асосланган кооперация мануфактурада ўзининг классик формасини вужудга келтиради². Мануфактурада меҳнат тақсимоти меҳнат унумдорлигидан бир неча баравар ортиқ эди. «Мануфактура меҳнат тақсимоти ҳунармандчилик фаолиятини қисмларга ажратиш, меҳнат қуроолларини ихтисослаш, қисмий ишчиларни вужудга келтириш, уларни группалаш ва битта бир бутун механизм қилиб бирлаштириш йўли билан ижтимоий ишлаб чиқариш процессларини сифат жиҳатдан қисмларга ажратади ва сон жиҳатдан пропорционал қилади, яъни муайян ижтимоий меҳнат ташкилотини барпо қилади ва шу билан бирга меҳнатнинг янги, ижтимоий унумдорлик кучини ривожлантиради»³. Бироқ мануфактура даврининг техникаси уни мураккаблаштирган ҳамда машина ишлаб чиқаришига яқинлаштирган бир қанча айрим техника такомиллаштиришларини ҳам ўз ичига оларди. Айрим жуда оддий машиналар мануфактура даврида ҳам бўлиб, фабрика даврининг келгусидаги ривожланган машина техникаси учун элементларни тайёрлай бошлаган эди.

Тўқимачилик саноатида, металлургия ва кон ишидаги такомиллаштиришлар. Ипни пишитиш ва калавалашни битта процессга бирлаштирувчи йиғириш дастгоҳининг ихтиро қилиниши мануфактура даврининг илк давридаёқ тўқимачилик саноатидаги жуда муҳим кашфиёт бўлди. Ўзи йиғирувчи бу дастгоҳ ҳали XV асрнинг 80-йилларидаёқ ихтиро қилинган эди. Бу дастгоҳ Англия, Нидерландия, Италия ва Германияда деярли бир вақтда

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 3- том, 469- бет. *

² К. Маркс, «Капитал», 1 том, 374- бет.

³ У ш а а с а р, 405- бет.

пайдо бўлди ҳамда бошқа мамлакатларга шу ердан тарқала бошлади.

Чархпалак (сув ғилдираги)нинг ихтиро қилиниши кон ишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Алоҳида қувурлар ва новлар орқали сув ғилдиракка ва унинг паррақларига келиб тушар ҳамда уни айланишга мажбур қиларди. Бундай система анча чуқурликдаги маъданларни уларнинг сувга қанча яқин-узоқлигидан қатъи назар қазиб чиқариш имконини берарди. Янги чархпалак XIV асрнинг охири — XV асрнинг бошларида Италия, Жанубий Франция ва Жанубий Германияда бир вақтда пайдо бўлди.

Металлургияда домна печининг ихтиро қилиниши билан металл эритиш жараёни жадаллашди. Ҳалиги чархпалакнинг татбиқ қилиниши, унинг мешлар билан қўшилиши туфайли эритув печида ҳароратни анча ошириш ва суяқ чўян олишга эришилди. Домна ишлаб чиқариши асосан XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аввал Франция, Шимолий Италия ва Фарбий Германияда тарқала бошлади¹.

Қишлоқ хўжалигида капитализмнинг ривожланиши. Майда ишлаб чиқарувчи деҳқонларнинг ҳалок бўлиши натижасида қишлоқ хўжалигида ҳам йирик ишлаб чиқариш вужудга келади. Деҳқонларни экспроприация қилган Лендлорднинг² ўзи хўжаликни капиталистик асосда олиб бориб, собиқ деҳқонларни баг-рақлар — ёлланма ишчилар сифатида эксплуатация қиларди. Бироқ катта ер эгаси кўпинча ўз ерини помешчикка катта ер рентаси тўлашга қурби етадиган ва капиталга эга бўлган биророрта каттароқ ижарачи фермерга ижарага беришни афзал кўрарди. Ёлланма ишчини эксплуатация қилиш ҳам бундай рентаинг манбаи ҳисобланади. Янги капиталистик рента деҳқонлардан олинадиган феодал рентасидан фарқи шуки, капиталистик рента — қишлоқ хўжалиги ишчиларининг меҳнатини эксплуатация қилишдан фермер оладиган қўшимча қийматнинг бир қисмидир. Саноатда мануфактурачи қандай роль ўйнаса, қишлоқ хўжалигида фермер ҳам оқибат натижада шундай роль ўйнайди. «Ер эгаси билан ери ишловчи ҳақиқий деҳқон ўртасига капиталистик ижарадор аралашуви биланоқ қишлоқда аввалги ишлаб чиқариш усулидан келиб чиқадиган ҳамма муносабатлар бузилади. Ижарадор ўша деҳқончиликдаги ишчиларнинг ҳақиқий бошқарувчиси ва уларнинг устама меҳнатининг ҳақиқий эксплуататори бўлиб олади, аммо ер эгаси фақат шу капиталистик ижарадор билангина бевосита муносабатда, тўппа-тўғри ва шартнома орқалигина муносабатда бўлиб қолади»³.

¹ XVI—XVII асрларда техниканинг кейинги ривожланиши ва унинг табиёт фанининг муваффақиятлари билан алоқаси ҳақидаги материал LV бобда берилди.

² Лендлорд — Англиядаги йирик ер эгасининг номи.

³ К. Маркс, «Капитал», III том, К. Маркс ва Ф. Энгельс, соч., т. 25, ч. II, стр. 363—364.

Йирик фермер хўжалиги такомиллаштирилган техникани қўллана олар эди. Англияда ва Нидерландияда XVI—XVII асрларда уч далали экиш билан бир қаторда фермерлар тез-тез кўп далали системадан ҳамда янги очилган ерга ўт экишдан фойдаланар эдилар. Қаторлаб экувчи сеялкалардан, от қўшиб ишлатиладиган молотилка ва веялкалардан кенг фойдаланиларди. Айни вақтда катта дренаж ишлари ўтказилди, тупроқ гўнг билангина эмас, балки минерал моддалар билан ҳам озиқлантирилди, уругликлар навларга пухта ажратилди ва ҳоқазо.

Шу билан бир вақтда фермерлар қўшга қўшиладиган молларнинг ҳамда соғин сигирларнинг яхшиланган зотларини кўпайтира бошладилар, шунингдек оммавий қўйчилик билан шуғулланиб, бозорга жуда кўп миқдорда жун, тери, гўшт, ёғ, пишлоқ ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бердилар.

Бироқ майда ҳунармандчилардан устун бўлсалар ҳам, уларни тамомила қисиб чиқара олмаган марказлашган мануфактуралар сингари фермер хўжаликлари ҳам шу даврда, одатда майда деҳқон хўжаликлари билан ёнма-ён яшардилар. Бу нарса айниқса Европа қитъасидаги мамлакатларга тааллуқлидир. Қишлоқ хўжалигининг асосий товар маҳсулоти кўплаб миқдорда ана шу тарқоқ деҳқон хўжаликларидан етказиб берилади. Бу деҳқон хўжаликлари эса бозор билан боғланган бўлсалар ҳам, у ерда ортиқча маҳсулотларини эмас, балки феодал давлатига солиқ ва ер эгаси — феодалга пул рентаси тўлаш учун маҳсулотнинг зарур қисмини сотишга мажбур бўларди.

Буржуазиянинг ривожланиши. Феодал давлатининг янги формаси. Ишлаб чиқариш усули ўзгариб бораётган, феодализмдан капитализмга ўтилаётган шароитда нуфузли ижтимоий синфга айланиб борган буржуазия қарор топди. Айрим шаҳарларда яшаган ва ҳар хил сиёсий имтиёзларга эга бўлган шаҳарликлар ўрнига умумий синфий манфаатларга ва бир хилдаги сиёсий ҳуқуқларга эга бўлган бутун миллий кўламдаги шаҳар буржуазия синфи вужудга келди.

Европадаги турли мамлакатларда XVI—XVII асрларда буржуа миллатларининг шаклланиш процессида буржуазия етакчи роль ўйнаб, ишлаб чиқариш ва айирбошлашни марказлаштирди, ўз мамлакатида иқтисодий алоқаларни кенгайтирди ва мустақамлади ҳамда тобора каттароқ маданий ва сиёсий роль ўйнай бошлади. Умуман XVI—XVII асрларда Европадаги кўпчилик мамлакатларда феодаллар ҳукмрон эдилар. Давлат формаси дворянлар монархиясидан иборат бўлиб, буида король ўз давлатининг «биринчи дворяни» бўлиб, имтиёзли дворянлар сословиясига бошчилик қилар ва унинг сословие манфаатларини ҳимоя қиларди. Бу даврда буржуазиянинг феодал давлатига муносабати ўзига хос характерга эгадир.

Одатда бу синф мустақамланиб олган король ҳокимияти билан боғланган бўларди. Буржуазиянинг король ҳокимияти билан иттифоқи тарих жараёнида, ўрта асрнинг бир неча юз йиллари

мобайнида тайёрланиб келдики, бу даврда король ҳокимияти билан шаҳар буржуазияси олдида битта умумий душман — йирик феодаллар турарди. Буржуазиянинг бойиши, унинг капиталистлар синфига айланиши туфайли король ҳокимияти унга янада кўпроқ эътибор билан қарайдиган бўлиши керак эди. Марказлашган феодал давлатининг буржуазия синфи билан алоқасининг бир қанча янги формалари — давлат заёмлари, солиқнинг откуп системаси, протекция сиёсати ва шу сингарилар вужудга келди. Феодал ишлаб чиқариш усулининг емирилиши ҳамда, бир томондан, бозор муносабатларининг ривожлашишидан дворянларнинг (ёки лоақал уларнинг кўпчилиги қисмининг) манфаатдор эканлиги, иккинчи томондан, буржуазиянинг янги, нуфузли синф сифатида ташкил топиши феодал давлати сўнги формасининг — абсолютизмининг ўрнатилишига олиб келди. Абсолютизм — чекланмаган король ҳокимияти бўлиб, ўз синфий моҳияти жиҳатидан дворянлар ҳокимияти эди, аммо у вужудга келаётган капитализм шароитида ривожланиди ва ўсиб келаётган буржуазия билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Мануфактура давридаги буржуазия ҳокимияти ҳали бевосита ўз кўлига олиш даражасига етиб камол топмагани сабабли абсолютизмга, яъни феодал дворянларнинг сиёсий ҳокимиятига чидаб туришга ва уни қўллаб-қувватлашга мажбур эди. Абсолютизм ўз томонидан буржуазияга дастлабки жамғарилиш даврида бир қанча қимматли хизматлар кўрсатиб, капиталнинг жамғарилишига кўмаклашди ҳамда унинг мануфактурани ташкил этишида ва савдони кенгайтиришида буржуазияга ёрдам берди.

Бироқ XVI асрдаёқ Фарбий Европадаги баъзи мамлакатларда буржуазия феодал-абсолют ҳокимияти билан тўқнашиб қолади. Илк буржуазия революциясининг баъзи хусусиятлари герман Реформациясида ва XVI аср бошларидаги Буюк деҳқонлар урушидаёқ намоён бўла бошлади. XVI асрнинг иккинчи ярмида Нидерландия вилоятларида бўлган қўзғолон оқибат натижада испан абсолютизмига қарши голибона буржуа миллий революциясига айланиб кетган кенг кўламдаги миллий ҳаракат бўлди. Бу революция натижасида Европадаги дастлабки буржуа давлати — Голландия республикаси барпо этилди. XVI асрда ва XVII асрнинг биричи ярмида Англияда буржуазия революциясининг шарт-шароитлари таркиб топа бошлади. 1640—1630 йиллардаги инглиз буржуа революцияси — энг йирик революция, К. Маркс таърифи билан айтганда, Европа миқёсидаги революция бўлди. Бу революция билан янги замон тарихининг даври очилиб, бу даврда капиталистик ишлаб чиқариш усули ҳамда буржуа ижтимоий тузуми Европада, Америкада ва жаҳоннинг бошқа қисмларида ҳукмрон бўлиб қолди.

БУЮК ГЕОГРАФИК КАШФИЁТЛАР ВА МУСТАМЛАКАЛАРНИНГ БОСИБ ОЛИНА БОШЛАШИ

Географик кашфиётларнинг сабаблари. Салиб юришлари ваҳтида ривожланган левант савдоси ўрта аср охирига келиб доимий савдо алоқалари тусини олади. Шарқдан келадиган ҳар хил моллар — зираворлар (мурч, долчин, қалампирмуноқ, мускат ёнғоғи ва шу сингарилар), қанд, заргарлик, атторлик моллари, Шарқнинг ҳар хил матолари ва бошқа моллар Ғарбий Европадаги юқори ва ўрта синфларнинг истеъмолга тобора кўпроқ кира боради. Жанубий Италия, Жанубий Франция Шарқий Испания (Каталония) шаҳарларидаги савдогарлар Шарқ билан савдо қилиши натижасида жуда катта бойлик тўплайдилар. Бироқ XV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта денгиз орқали бўладиган савдо қаттиқ инқирозга учрайди. Бир қанча сабаблар илгари ҳам левант савдосининг ривожланишига тўсқинлик қилиб келган эди. Шарқ моллари араблар, византияликлар, италянлар ва бошқа халқларнинг қўлидан ўтганлиги туфайли уларнинг нархи бениҳоя ошиб кетарди. Ғарбий ва ғарби-шимлий Европа мамлакатларидаги савдогарлар жуда узоқдаги Шарқ бозорларига боришлари амримаҳол эди. Яқин Шарқнинг турклар томонидан истило қилиниши левант савдосининг аҳволини янада мушкуллаштирди. Туркларнинг талончилиги, денгиз қароқчилиги, савдо кемаларидан, карвонлар ва бозорлардан жуда кўп хилма-хил солиқлар олиниши туфайли Ўрта денгизнинг шарқий қисми билан савдо қилиш хавfli, кам фойда келтирадиган бўлиб қолди ва бу савдо аҳён-аҳёндагина бўлиб турди. Ҳиндистонга олиб борадиган, ҳали турклар босиб олмаган бирдан-бир йўл — Миср орқали ва Қизил денгиз орқали борадиган йўл қолган эди, холос. Аммо бу йўлни араблар ўзларига тамомила монополия қилиб олган эдилар. Ҳатто венецияликлар ҳам Шарққа борганда фақат Александриягача борар ва у ерда уларни араб савдогарлари ўз зираворлари билан кутиб олардилар. Ғарбий Европадаги турли мамлакатларнинг савдогарлари ва денгизчилари араблар билан туркларга дуч келмасдан Ҳиндистонга борадиган бошқа йўл топиш устида тобора кўпроқ бош қотира бошладилар.

Афсонавий Ҳиндистонни қидириб топишга европаликларни яна бошқа бир сабаб ҳам қизиқтирган эди. Европада товар хўжалигининг ривожланиши қимматбаҳо металлларни кўпроқ талаб қила бошлайди. Олтин билан кумуш Европа феодаллари ва ўсиб бораётган буржуазиянинг хўжалик мақсадларига тобора кўпроқ зарур бўла бошлайди. Аммо Ғарбий Европада қимматбаҳо металллар қазиб олиш ишлари жуда суст ривожланмоқда эди. Шарқ билан бўладиган савдо олтин ва кумуш масаласида қўшимча қийинчилик туғдирмоқда эди. Левант савдосининг савдо

баланси Европа учун фойдасиз бўлиб қолди. Европа Шарқнинг қимматли ғаройиб моллари эвазига ўзининг қишлоқ хўжалик ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини, мис, қалай, қисман мовут ва бошқа айрим саноат молларини бера оларди. Европанинг бу моллари ҳар ҳолда Шарқ молларига нисбатан умуман анча арзон юрар ва шунинг учун Шарқдан сотиб олинадиган молларнинг қийматини қоплай олмас эди. Шундай қилиб, европаликлар ҳар йили Шарққа етмай қолган сумманинг муайян миқдорини қимматбаҳо металллар билан тўлашга мажбур бўлардилар, натижада олтин ва кумуш Европага кирмас, балки ундан Шарқ мамлакатларига чиқиб кетар эди.

Шу тарзда «олтин проблемаси» жуда тез ҳал этишни талаб қиладиган кескин иқтисодий проблемага айланди. Ҳиндистонга борадиган янги денгиз йўлини қидириш билан бирга европаликлар зўр бериб олтин қидириш пайига ҳам тушдилар. «Португалияликлар олтинни Африка қирғоқларидан, Ҳиндистондан ва бутун Узоқ Шарқдан қидирадилар, олтин шундай бир тилсимли сўз эдики, у испанларни Атлантика океани орқали Америкага боришга ундаган эди; олтин — оқ танлининг ўзи кашф қилган янги қирғоқда қадам қўйиши биланоқ энг аввало талаб қиладиган нарсаси бўлиб қолди...»¹.

Урта депгизда монополь вазиятга эга бўлганлиги туфайли левант савдосидан ҳар ҳолда катта фойда олаётган итальян савдогарлари эмас, балки Ғарбий Европанинг Атлантика океанига яқин турган бошқа мамлакатларидаги савдогарлар ва улар билан боғлиқ бўлган феодаллар Ҳиндистонга борадиган йўлни қидириб топшдан кўпроқ манфаатдор бўлиб чиқдилар. Португалия билан Испания биринчи навбатда ана шундай мамлакатлар эди.

Португалияликларнинг Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очишлари. XV аср давомида португалияликлар маврлар билан бўлган уруш жараёнида ва улар билан олиб борган савдосотиқ натижасида Африканинг шимоли-ғарбий қирғоқларига кўриб бордилар. 1415 йилда Сеутанинг истило қилиниши португалияликларга Африканинг ғарбий қирғоқ соҳили бўйлаб жанубга томон силжиб бориш учун муҳим база яратиб берди.

Португалияда денгиз саёҳатларига ҳукуматнинг ўзи ҳомийлик қиларди. Инфант (Шаҳзода) Генрих-Денгиз сайёҳати (1460 йилда вафот этган) Ғарбий Африка қирғоқ бўйларини текшириш учун катта флот қурди. 1445 йилда шаҳзода Генрих ҳали ҳаёт эканлигида португалияликлар Яшил Бурунни очдилар. 1471 йилда улар Гвинеяга бориб етдилар ва у ерда Олтин қирғоқ² деб аталган жойда кучли ҳарбий фактория қурдилар. Португалия-

¹ Ф. Энгельс. О разложении феодализма и возникновении национальных государств (феодализмнинг емирилиши ва миллий давлатларнинг вужудга келиши тўғрисида). К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 21-том, 408-бет.

² Ҳозирги Гана республикаси.

ликлар жануб томонга силжишни давом эттириб, 1486 йилда Африканинг жанубидаги Бартоломео Диас (1450—1500) томонидан кашф этилган Яхши Умид бурунига бориб етдилар. Шундан кейин қидирилаётган Ҳиндистонни топиш ҳам қийин бўлмади. Васко да Гама (1469—1524) бошчилигида тўртта кемадан иборат кичик бир флотилия 1497 йил ёзида Лиссабондан чиқиб, 1498 йил баҳорда Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқларига бориб етди ва Каликута шаҳрига тушди. 1499 йилнинг августда сайёҳлар кемаларга олтин ва Ҳинд зираворларини орғиб қайтиб келдилар. Икки йил давом этган машаққатли денгиз саёҳати вақтида команданинг 168 аъзосидан фақат 55 киши тирик қолди.

Васко да Гаманинг кашфиёти Португалияда ғоят катта таъсир қолдирди. Бу кашфиёт муносабати билан Португалия короли Моноэлга (1495—1521) «Бахтиёр» лақаби берилди ва «Ҳиндистон ҳокими» деган унвон олди.

Кейинчалик Португалиянинг энг атоқли шоирларидан Луис Камоенс Васко да Гаманинг саёҳатига атаб «Луизиана» деган катта бир дoston ёзди (1572). Классик дostonлар «Илиада», «Одиссея» ва «Энеида»га тақлид қилиб, Камоенс ўз достонини бундай деб бошлайди: «Мен Португалия қирғоқларидан чиқиб, номаълум денгизлар орқали ернинг нариги томонига кетган машҳур қаҳрамонлар ҳақида ...мислсиз ботирлик кўрсатган, донғи кўкларга етувчи янги империяга негиз солган енгилмас жаңгичилар ҳақида куйламоқчиман».

Ҳиндистоннинг ғарбий ва қисман шарқий қирғоқ бўйларини, шунингдек, Малаккани португалиялик бошқа адмираллар — Альмейда (Португалия королининг Ҳиндистондаги биринчи ноиб, 1505—1508) ва Альбукерк (1509—1515) батамом босиб олдилар. Гоа шаҳри (Каликутанинг шимолида) Португалия короли ноибларининг пойтахти бўлиб қолади. Қизил денгизнинг Ҳинд океанига туташадиган жойида қурилган Адан шаҳри ва Форс қўлтиғидаги Ормуза шаҳрининг босиб олиниши Португалиянинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди, бу шаҳарлар савдо ва стратегия жиҳатидан муҳим пунктлардир. Бу билан португалияликлар Ҳиндистондан Қизил денгиз орқали Александрияга ўтадиган ва Ҳиндистондан Месопотамия орқали Сурияга ўтадиган эски савдо йўлларини тамомла беки-тиб қўйган эдилар. XVI асрнинг 20-йилларидаёқ португалияликлар Зонд архипелагининг анчагина қисмини босиб олган эдилар. Ана шу тариқа қисқа бир муддат ичида Португалиянинг катта бир мустамлака империяси вужудга келди. Португалияликлар зираворлар савдосини ўз қўлларига олиб, италянларнинг савдо монополиясига зарба бердилар. Александрия ва қисман Венеция ўрнини Португалиянинг пойтахти Лиссабон шаҳри эгаллади.

Ҳиндистонда, қисман Ҳинди-Хитойдаги (Малакка) ва Индонезия оролларидаги асосий мустамлакаларидан ташқари, португа-

лияликлар XVI аср бошларида яна Американинг Бразилиясини ҳам босиб олган эдилар; Бразилия узоқ вақт давомида Ҳиндистонга борадиган икки йўл ўртасидаги бекат бўлиб хизмат қилиб келган эди.

Колумбнинг Американи кашф қилиши. Португалияликлар Ҳиндистонга Африканинг гарбий қирғоқлари бўйлаб силжиб бораётган бир пайтда, қўшни Испанияда худди ўша Ҳиндистонга бориш йўлининг бошқа бир варианты чиқиб қолди. Генуялик Христовор Колумб (1451—1506) 1492 йилда Испаниянинг Фердинанд ва Изабелла ҳукуматига Ҳиндистонга гарб томондан борадиган саёҳат лойиҳасини таклиф қилди. Колумб Ернинг шарсимонлиги ҳақидаги таълимотга асосланиб иш қўрди. XV аср охириларида Европа фан аҳллари бу таълимотнинг тўғрилигига яна бир иқдор бўлдилар. Колумб бундан илгари ҳам ўзининг шундай лойиҳаси билан Португалия ҳукуматига мурожаат қилган эди, аммо рад жавоби олган эди. Португалияликларнинг денгиздан Африка бўйлаб Ҳиндистонга борадиган ўз планлари бор эди; Диаснинг кашфиётидан кейин бу планинг узил-кесил амалга оширилиши яқинлашиб қолган эди. Худди шу вақтга келиб, Гранада короллигини истило қилиш ишини тамомлаган испан ҳукумати Колумб лойиҳасига, аксинча, хайрихоҳлик билан қарайди. Саёҳатни уюштириш учун зарур бўлган маблағнинг бир қисмини Колумбнинг ўзи, кўп қисмини ҳукумат берди. Колумб янги очилган мамлакатларда ўзига ва ворисларига король номи ва адмирал лавозимларини эгаллаш ҳуқуқи берилишини шарт қилиб қўйди. Уч кемадан иборат кичкина бир эскадра 1492 йилнинг 3 августида Палос гаванидан Атлантика океанига жўнаб кетади.

1492 йил 12 октябрда Колумб Қариб денгизда Марказий Америкага яқин жойдаги Багама оролларида бирини топди. Тезда у катта қўшни ороллар — Гаити ва Куба оролларини кашф этди. Шундан кейинги саёҳатларидан бирида Колумб Жанубий Америка (Ориноко дарёсининг қуяр жойи яқинидаги) қирғоқларини топди¹. Колумб ҳаёт эканлигидаёқ испанлар Американи колонизация қила бошлайдилар. Эспаньола деб бошқача ном берилган Гаити оролида биринчи колония тузилади. Янги дунёни Колумб кашф этган бўлса-да, бу дунёга унинг номи берилмайди. Колумб Ҳиндистон, Хитой ва Японияни кашф қилдим деб қаттиқ туриб олади. Америкадаги Колумб кашф қилган ерлар кўп ўтмай Испаниянинг ҳафсаласини пир қилади. Чунки Колумбнинг янги «Гарбий Ҳиндистон» ҳақиқий «Шарқий Ҳиндистон»дан кўра камбағалроқ бўлиб чиқади, шаҳарлари ва цивилизацияси бўлмайди. Маҳаллий халқда олтин ва кумуш учраса-да, лекин кутилган даражадагидан анча кам бўлади.

Тез орада Колумб саройнинг газабига йўлиқди. У 1506 йилда

¹ 1498—1499 йиллардаги учинчи саёҳатида, бундан бир йил олдин, 1497 йилда венециялик Жон Кабот инглиз кемаларида қилган саёҳатида Шимолий Америка қирғоқларини — Лабрадор ярим оролини кашф қилган эди.

қашшоқликда ва ҳамманинг назаридан қолиб четда ўлиб кетди. Виллоят шаҳарларидан бири Вальядолидда вафот этган Колумбнинг ўлимидан замондошлари мутлақо беҳабар қолдилар.

Колумб очган қитъага Америка деган ном бошқа бир итальян, флоренциялик Америго Веспуччи (1452—1512) номидан олиб берилди. Америго «Янги ерга» бир неча марта саёҳат қилиб, Жанубий Американинг шимол-шарқий қирғоқларини батафсил текшириб чиқди. Америгонинг денгиз саёҳатлари тўғрисидаги 1507 йилда нашр этилган ҳикоялар тўплами жуда машҳур бўлиб кетди. Картографлар Колумб кашф қилган ерларни 1507 йилдаёқ ўз карталарида «Америго ерлари» деган умумий ном билан кўрсата бошладилар. Кейинчалик «Америго» деган номни эски қитъалар — Осиё, Европа, Африка номларига монандлаштириб «Америка» деб ўзгартирдилар.

Колумб кашфиёти Португалия билан Испания ўртасида янги ерлар учун рақобат чиқишига сабаб бўлди. Низонинг олдини олиш учун ҳар икки давлат 1494 йилда Тордессильяс шаҳрида ўзаро шартнома тузди. Бу шартномага мувофиқ Яшил Бурун оролларида ғарбга томон 2053 километр нарида Қутбдан-Қутбга қараб чегара чизиги тортилди. Бу чизиқнинг ғарб томонида янги очилган ҳамма ерлар испанларга, шарқ томонидаги ерлар португалияликларга қарайдиган бўлди. Аммо бу чегара чизиги бутун ер шарини кесиб ўтмаганлиги, балки фақат Ғарбий ярим шардангина ўтганлиги туфайли испанлар билан португалияликлар Молукка оролларида дуч келиб қолдилар ва ўртада низо чиқди. Шундан кейин 1529 йилда Сарагосда янги шартнома тузилиб, бу шартномага мувофиқ Шарқий ярим шарда Молукка оролларида шарқ томонда 17° да янги чегара чизиги тортилди. Мустамлака дунёсини биринчи марта тақсимлаш ана шу тарзда рўй берган эди.

Магелланнинг дунё саёҳати. Фернандо Магелланнинг (1470—1521) саёҳати географик кашфиётлар тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. 1519 йил 20 сентябрда Магелланнинг бешта кемаси Сан-Лукардан чиқиб, ўша пайтда «Зиравор ороллари» деб аталган Молукка оролларини қидириб топиш мақсадида жануби-ғарбга томон йўл олди. Магеллан саёҳати 1519—1522 йилларда бўлиб ўтди ва у тарихда биринчи марта дунё саёҳати бўлди. Магеллан саёҳати натижасида жуда кўп ерлар: Жанубий Америкада Магеллан бўғози ва Оловли Ер, Улуғ океанда жуда кўп ороллар, хусусан Филиппин ороллари, Зонд архипелаги ва ҳоказолар очилди. Шу билан бирга Магелланнинг бу саёҳати испанлар билан португаллар саёҳатларининг ўзига хос синтези тариқасида муҳимдир. Магеллан asli португалиялик бўлиб, испан кемаларида саёҳат қилди. Саёҳат маршрути ҳам испанларники (ғарб, тўғрироғи, жануби-ғарб томонда саёҳат) бўлди. Аммо Магеллан ҳам (бошқа португалиялик сайёҳлар каби) Ҳинд океанига ва унинг ўз зираворлари билан донг чиқарган оролларига етиб бориш мақсадини кўзда тутганди. Магел-

ланнинг ўзи саёҳат вақтида Филиппин оролларидаги маҳаллий аҳоли билан бўлган тўқнашиш вақтида ҳалок бўлди. Экипажнинг омон қолган қисми бир кемада Испанияга қайтиб келди. Сафарга чиққан 265 кишидан атиги 18 киши эсон-омон қайтди.

Магеллан саёҳати Ернинг шарсимон эканлигини тажрибада исбот қилиб берди. Бунинг натижасида европаликлар Улуғ ёки Тинч океан тўғрисида ҳам аниқ маълумотга эга бўлдилар, ammo бунгача уларда аллақандай сирли бир «жанубий денгиз»¹ ҳақидагина ноаниқ тасаввур бор эди, холос.

Америкада испанлар колонизацияси. Магеллан ўзининг биринчи дунё саёҳатини қилганидан кейин, испанлар Американи истило қилишга киришдилар. Испан истилочилари (конкистадорлари) бениҳоя шафқатсизлик билан, зўрлик, айёрлик ва алдамчиликнинг ҳамма воситаларини ишга солиб, Янги Дунёнинг энг бой ва аҳолиси энг кўп бўлган ерларини босиб олдилар.

Фернандо Кортес 1519—1521 йилларда жуда катта Мексика мамлакатини истило қилади, бу мамлакатда бошқа ҳинд қабилаларидан кўра маданий савияси анча юксак бўлган жуда кўп ацтеклар қабиласи яшайди. Бу қабиланинг қороли «император» Монтесума асир олиниб, ўз хазинасидаги 19 миллион сўмлик олтинни испанларга беришга мажбур бўлади.

Яна бошқа бир испан конкистадори Франсиско Писсаро 1532—1535 йилларда Жанубий Американинг ғарбидаги инклар қабиласи ҳукмрон бўлган Биру ёки Перу мамлакатини истило қилди. Бунда ҳам инкларнинг қороли «император» Атахуальпа олтин ва қумушдан иборат (олтин билан 150 миллион сўмликка яқин) хазинасини истилочиларга беришга мажбур бўлади.

Испанлар 1536 йилда Чилини, 1538 йилда янги Гренадани (кейин Колумбия деб аталган) истило қиладилар. 1549 йилда испанлар Аргентинани босиб ола бошладилар.

1545 йилда Потози (Боливия)да жуда бой қумуш қони топилди. Уша вақтдан эътиборан Америкада кўплаб қумуш ҳамда олтин қазиб чиқариш бошланди. Аввал Колумб кашфиётидан пайдо бўлган умидсизлик кайфияти йўқолиб, ажиотаж бошланди ва топилган хазиналарни мумкин қадар тезроқ қўлга киритиб олишга уриниш кучайди.

Маҳаллий аҳолининг бир қисми крепостнойларга ва бир қисми қулларга айлантирилди. Уларни қонларда ишлашга мажбур этдилар. Колумбнинг хатоси тезда маълум бўлиб қолса-да, Американинг туб халқини индеецлар деб атай бердилар. Ана шу индеецлар ўрганмаган оғир меҳнатга бардош беролмай, кўплаб қирилиб кетдилар. Шундан кейин испан мустамлакачилари Америкага Африкадан негр-қуллар келтириб, уларни қонларда ва плантацияларда ишлашга мажбур этдилар.

¹ Навбатдаги, иккинчи дунё саёҳатини инглиз денгизчиси Фрэнсис Дрейк XVI асрнинг иккинчи ярмида — 1577—1580 йилларда амалга оширди.

XVI асрнинг биричи ярмидаёқ Америкада негрлар кўп эди. Ўша асрнинг иккинчи ярмида уларнинг сопи айниқса тез ошиб борди.

Индеецлар эса, аксинча, европалик мустамлакачиларнинг ҳаддан ташқари зулмига чидолмай, ёппасига қирила бошлади. Қариб денгиздаги энг катта ороллардан Ямайка, Эспањола ва Куба оролларидаги маҳаллий халқ XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб батамом деярли қирилиб кетди.

Португалиянинг мустамлакачилик сиёсати. Португалиянинг мустамлакачилик сиёсати ҳам шафқатсизлик ва қирғинчилик жиҳатидан испанлар сиёсатидан қолишмасди. Португалияликларнинг кемалари Ҳинд океанида қароқчилик билан шуғулланарди, улар «ўз зоналарига» кирган араблар ва маҳаллий индеецларнинг ёки европаликларнинг бирон бир кemasига сира омон бермай, талардилар. Португалия мустамлакачилари одатда катта-катта территорияларни босиб олмасди. Лекин улар Ҳиндистон қиргоқ бўйларида ва Молукка оролларида жуда кўн мустаҳкам факториялар қуради ва ўша ердан чиқиб келиб маҳаллий қабилаларга ҳужум қиларди, ҳамда уларни хирож тўлашга мажбур этардилар. Португалияликлар хирожни зираворлар ва бошқа қимматбаҳо тропик маҳсулотлари билан тўлатардилар. Португалияликлар маҳаллий аҳоли билан «савдо-сотик» ҳам қилардилар. Лекин бусавдо гирт алдоқчиликдан иборат бўларди. Португалиялик савдогарлар маҳаллий аҳолига майда-чуйда безак буюмлари ва бошқа арзимаган нарсалар бериб, эвазига улардан ҳақиқий қимматбаҳо нарсаларни олар ва бу «операциялардан» неча юз процентлаб фойда кўрардилар. Европадаги «маданий» мустамлакачиларнинг биричи мустамлакалари сира тортинамасдан сурбетлик билан талаганликларини Маркс ўзининг «Капитал»да фош қилиб, бундай деб ёзган эди: «Америкада олтин ва кумуш конлари очилди. Маҳаллий аҳоли қириб ташланди, қулликка туширилди ва тириклайин конларга кўмилди, Ост-Индияни забт қилиш ва талаш йўлида биринчи қадамлар ташланди, Африка қора таплиларни овлаш учун махсус майдонга айлантирилди — капиталистик ишлаб чиқариш даврининг тонги ана шундай бўлган эди. Бу идилиялик процесслар дастлабки жамғарилишнинг асосий моментларидир»¹.

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярмидаги географик кашфиётлар. XVI ва XVII асрларда географик кашфиётлар давом эттирилди. XVI асрнинг иккинчи ярмида испанлар номаълум жанубий қитъани қидириб топиш мақсадида Тинч океанга бир неча марта экспедиция юбордилар. Бу экспедициялар натижасида Жанубий Полинезиянинг бир қисми бўлган Солломон ороллари (1567 йил), Маркиз ороллари (1595 йил) ҳамда Австралияни Янги Гвинеядан ажратиб турувчи Торрес қўлтиги (1605 йил) кашф қилинди. Шундан кейин Тинч океанининг жану-

¹ К. Маркс. «Капитал», I том, 829-бет.

бий қисмига голландиялар катта-катта саёҳатчилар группасини юбориб турди.

1616 йилда голланд Ги а у т е н д е Г о р и Американинг энг жанубий қисмини — унинг номи билан аталган Гори бурнини — кашф қилди. XVII асрнинг биринчи ярмида голланд денгиз сайёҳларининг ўзлари дастлаб Янги Голландия деб аталган Австралия қирғоқларини кашф қилдилар. Австралия қирғоқларини текширишда ва Австралияни алоҳида қитъа сифатида белгилашда голланд А б е л ь Т а с м а н (1642—1644) саёҳатлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу кишининг номи билан Тасмания ороли деб аталадиган бўлди. Инглиз сайёҳлари Австралияга анча кейин — фақат XVIII асрнинг иккинчи ярмида етиб бордилар (капитан Кукнинг 1769—1777 йиллардаги саёҳатлари).

XVI—XVII асрларда шимолий ярим шарда ҳам йирик географик кашфиётлар қилинди. Инглиз денгиз сайёҳи М а р т и н Ф р о б и ш е р ва Ж о н Д э в и с Хитойга борадиган шимолигарбий йўлни қидириб, XVI асрнинг 70- ва 80- йилларида Шимолий Америка қирғоқларига бир неча марта экспедицияга бордилар. Бу экспедициялар Гренландия билан Америка қитъаси оралигидаги қўлтиқни ҳамда Муз океанида Американинг шимол томонидаги ороллarning катта архипелагини топди.

XVII асрнинг бошларида учинчи бир инглиз денгиз сайёҳи Г е н р и Г у д с о н (1550—1610) Шимолний Америкада тадқиқот ишларини давом эттирди. Гудсон дарёси ва Гудсон қўлтиғи шу кишининг номи билан аталган.

Шимоли-шарқий томонда голланд денгизчилари XVI асрнинг охирларида йирик кашфиётлар қилдилар. Голланд денгиз сайёҳи В и л ь г е л ь м Б а р е н ц (1550—1597) унинг номига қўйилган Баренц денгизини текширди. 1594—1597 йиллар давомида Баренц Янги Ернинг ғарбий соҳилларида уч марта қишлаб қолди. Бу ерларга у Хитой ва Ҳиндистонга (шимоли-шарқий томондан) олиб борадиган Шимолий денгиз йўлини қидириб келиб қолган эди. Охирги қишлов вақтида у ўз ҳамроҳлари билан совуққа қотиб ҳалок бўлди¹.

Шимолий Муз океанини ҳамда Тинч океаннинг шимолий қисмини тадқиқ қилишга оид русларнинг географик кашфиётлари жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Руслар биринчи бўлиб (голландлардан анча илгариёқ) Янги Ерга ҳамда Шпицберган оролига (Скандинавия ярим оролининг шимолига) бориб етган эдилар. Улар Обь ва Енисей дарёларининг қуйиладиган жойларини текширдилар, Таймир ярим оролини айланиб ўтдилар. XVI асрнинг охирларидаёқ янги ерларни қидирувчи рус сайёҳлари Тинч океаннинг соҳилларига етиб боришган, деб тахмин қилиш мумкин. XVII асрнинг 30- йилларида И в а н М о с к в и т и н бошчилигидаги краснорсклик казакларнинг бир гуруҳи

¹ Баренц қишлаган жойнинг қолдиқларини 1871 йилда рус денгизчилари топдилар.

Лена дарёсининг сўл ирмоғи — Алдан дарёси бўйлаб юриб бордилар, тоғлардан ошиб ўтиб Охота денгизига чиқдилар. 40- йилларда Янги ерлар қидирувчи сайёҳлардан По я р к о в билан Ха б а р о в Қуйи Амури текшириб, биринчи марта аша шу дарёнинг картасини туздилар.

1648 йилда сибирлик казак Семён Дежнев томонидан (1605—1672) Узоқ Шарқнинг энг чеккасидаги (ушнинг номига қўйилган) буруннинг ҳамда Осиё қитъасини Америкадан ажратиб турувчи Беринг қўлтиғининг кашф қилиниши Узоқ Шарқдаги энг йирик географик кашфиёт бўлди. Россия ҳарбий хизматининг капитани Беринг бу қўлтиқни янгитдан текшириб чиқишидан 80 йил илгари Дежнев кашф қилган эди.

Буюк географик кашфиётларнинг иқтисодий оқибатлари. Географик кашфиётлар Европанинг иқтисодий ҳаётига ғоят катта таъсир кўрсатди. Маркс айтганидек, бу кашфиётлар даставвал Европа савдосида революция қилди. Бу кашфиётлар натижасида «жаҳон бозорининг бирданига кенгайиши, муомаладаги товарларнинг кўпайиши, Осиё маҳсулотларини ва Америка хазиналарини қўлга киритишга интилган европалик миллатлар ўртасида рақобат пайдо бўлиши, мустамлакачилик системаси...»¹ юз берди.

Савдо йўллари ва марказлари бутунлай ўзгариб кетди. Ичгари Европа савдосида асосий роль ўйнаган Урта денгиз, географик кашфиётлардан кейин, ўз аҳамиятини анча йўқотди. Асосий савдо йўллари Атлантика океанига ва Шимолий (Немис) денгизига кўчирилди. Илгари Европадаги савдо-сотиқ ишлари энг тарққий қилган Италия ўрнини бошқа мамлакатлар — Португалия, Нидерландия ва Англия эгаллади. XVI асрда Нидерландия айниқса катта роль ўйнай бошлади. Антверпен шаҳри жаҳон савдосининг маркази бўлиб қолди, жумладан, зирavorлар савдоси деярли бутунлай бу шаҳарда тўпланди.

Португалияликлар ҳинд зирavorларини одатда фақат Лиссабонга олиб келардилар. Бу ерга келтирилган юклар кейин Антверпенга борарди ва ундан бутун Европага тарқаларди. Антверпен биржасида кредит ва улгуржи савдога оид хилма-хил ва жуда катта операциялар олиб бориларди. Антверпенда Европа ва қисман Осиёдаги ҳар хил мамлакатларнинг савдогарларига қарашли мингтача савдо конторалари бўлиб, улар бу шаҳарнинг бозорига жуда катта халқаро бозор тусини берди.

Бироқ XVI асрнинг иккинчи ярмида Антверпеннинг ҳам рақиблари пайдо бўлиб қолди. Шимолий Нидерландияда (Голландияда)ги Амстердам шаҳри бу рақиблардан бири бўлиб қолди.

Антверпен билан рақобат қилувчи иккинчи порт — Лондон шаҳри бўлиб, у асосан XVII—XVIII асрларда ғоят раванқ топди.

Нарх-наво революцияси. Географик кашфиётларнинг катта оқибатларидан бири нарх-наво революцияси деб аталган воқеа

¹ К. Маркс. «Капитал», т. III К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 25, ч. I. стр. 365.

бўлди. Европага асосан Америкадан (қисман Ҳиндистондан ҳам) XIV аср давомида жуда кўп олтин ва кумуш келтирилди. Европада юз йил мобайнида кумушнинг миқдори уч баравардан зиёдроқ (206%), олтиннинг миқдори икки баравардан зиёдроқ (117%) ошди. Лекин гап Европа бозорида қимматбаҳо металллар миқдорининг кўпайиб кетишдагина эмас эди.

Маркс айтганидек, олтин билан кумуш мустамлакаларда қулликка, асоратга солинган маҳаллий аҳолининг мажбурий ва текин меҳнати билан топилганлигидан, ўз-ўзидан анча қадрсизланиб қолди. Олтин ва кумуш пулларнинг арзонлашиб кетиши натижасида товарларнинг нархи шуғга қараб ошиб кетди. Нарх-навода сакраш (революция) юз берди, бу эса, замондошларнинг қимматчилик ҳақида беҳисоб шикоятларига сабаб бўлди. Европа мамлакатларида нарх-наво бир текис ошиб бормадди. Нарх-наво ҳаммадан аввал ва кескин суратда Испанияда ошди. Испанияда XVI аср ўрталарига келиб, нарх-наво икки баравар ошди. Уша аср охирига келганда нархлар XVI асрнинг бошларига нисбатан тўрт-беш баравар ошиб кетди.

Европанинг бошқа мамлакатларида — Англия, Франция, Нидерландия, Германия, Италияда нарх-наво анча секин ва асосан XVI асрнинг иккинчи ярмида кўтарилди бошлади. Шундай бўлса ҳам XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида бу мамлакатларда нархлар ўрта ҳисобда XVI асрнинг бошларидагига нисбатан 2,5—3 баравар ошди.

Нарх-наво революцияси Европада катта ижтимоий оқибатларга олиб келди. Бу революциядан янги савдо-саноат синфлари, шунингдек, катта ер эгалари ва бозор билан алоқадор бўлган давлатманд деҳқонлар ютиб чиқдилар.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари жуда ошиб кетганлигидан, ишчиларнинг реал иш ҳақи камайиб, аксинча, катта зарар кўрдилар. Ижарадорлардан ёки феодал ерида ишлаб турган деҳқонлардан (пул билан) олинадиган рентага яшаётган феодал ер эгаларининг реал даромади анча камайди.

Умуман олганда нарх-наво революцияси бошланғич жамғарилишнинг янги омили бўлди. Бу революция буржуазиянинг ҳамда дворян ва деҳқонлар орасидаги янги капиталистик ишлаб чиқариш усулига бирон формада алоқадор бўлган элементларнинг иқтисодий қудратини оширди. Бу революция қишлоқдаги камбағал деҳқонларни ва шаҳарлардаги плебей элементларни янада кўпроқ хонавайрон қилиб, уларнинг аҳволини яна қийинлаштирди, уларни вужудга келаятган капиталга кўпроқ қарам қилиб қўйди.

Мустамлака системасининг бошланиши ва Европа давлатлари ўртасида мустамлака учун кураш. Мустамлака системасининг ёки мустамлакачиликнинг бошланиши географик кашфиётларнинг бевосита натижаси бўлди. Дастлаб испанлар ва португалияликлар, кейинча голландлар, инглизлар, французлар дунёнинг ҳамма қисмларида ўзлари учун мустамлака ер-

ларини босиб олдилар. Европадаги бошқа мамлакатларга нисбатан илгарироқ капиталистик тараққиёт йўлига кирган ҳамда ўз иқтисодий устуллигидан фойдаланган бир ҳовуч давлатлар Америка, Осиё, Африкадаги юз миллионларча халқларни асоратга солди, талади ва узоқ вақт муттасил эксплуатация қилиб келди. Мустамлака мамлакатларининг табиий бойликлари мустамлакачилар томонидан шафқатсиз талон-тарож қилинди. Европа «цивилизаторлари»нинг талончилиги ва зўравонлиги натижасида мустамлакаларнинг аҳолиси оммавий тарзда қирилиб кетди. Бошқа қитъаларда жойлашган мамлакатлар мустамлакачилик зулмига дучор бўлган, ўз тараққиётида орқада қолган, янада орқада қолиб кетишга маҳкум этилган бир пайтда Европада жуда кўплаб капитал тўпланди ва йирик саноат барпо этилди.

Бироқ мустамлака системаси Европанинг ўзидаги давлатларнинг ўзаро муносабатларида кескинликка олиб келди. Улар ўртасида мустамлакалар учун шиддатли курашлар бошланди. Мустамлакалар ўрта асрнинг охирида ва янги замоннинг бошларида Европадаги жуда катта урушларга сабаб бўлди. Бу жиҳатдан XVI асрнинг иккинчи ярмида ва XVII асрдаги инглиз-испан ва испан-голланд урушлари, XVIII аср ва XIX асрнинг бошларидаги инглиз-француз урушлари айниқса характерли бўлди.

XXXIX БОВ

XVI—XVII АСРЛАРДА ИТАЛИЯ

Италияда иқтисодий тушқунликнинг бошланиши. XVI асрда Италияда иқтисодий тушқунлик бошланди. XV аср охирларидаёқ италян саноатининг тушқунликка учраганлиги сезила бошлади. Ҳатто Италияда Флоренция мовути ўрнини инглиз мовути қисман эгаллай бошлади. Европанинг ўз саноати ривожланиб борганлигидан италян мовути у ерда кумроқ сотиладиган бўлиб қолди. Англиядан ташқари, Франция билан Германияда ҳам саноат юксалиб борди. Нидерландия бутун XVI аср давомида савдо ва кема қатнови соҳасидагина эмас, саноат соҳасида ҳам тез тараққий қилди.

Буюк географик кашфиётлар Италиянинг Шарқ билан олиб бораётган савдосига қаттиқ зарба берди. Тўғри, Италиянинг савдо обороти бирданига камайиб кетмади. Венеция XVI асрдагина эмас, ҳатто XVII асрда ҳам жуда бой савдогарлар республикаси бўлиб қола берди. Бироқ, унинг жаҳон савдосидаги салмоғи анча пасайди. У энди фақат Яқин Шарқ мамлакатлари билангина савдо-сотик ишлари олиб борадиган бўлиб қолди. Ривожланиб бораётган океан мустамлака савдосидан Венеция бутунлай четда қолди.

Савдо ва саноат соҳасидан сиқиб чиқарилаётган итальян буржуазияси банк-судхўрлик операцияларига тобора кўпроқ мурожаат қила бошлади. Капитал қўйишининг иккинчи формаси — ер сотиб олиш бўлди. Буржуазия ер сотиб олиб, дворянларга айланди. Саноат тушкунлиги мануфактура ишчиларига ҳам таъсир қилди. Кўп ишчилар шаҳарлардан яна қишлоққа кўчиб кетиб, унда кўпинача ижарага олинган бир парча ерда деҳқончилик қилдилар, боғдорчилик, узумчилик билан шуғулландилар. Италия буржуазияси катта ер эгаларига айланган бўлса ҳам, ишлаб чиқаришнинг революционлаштириш мақсадини кўзламади. Дворянлар сингари буржуазия ҳам ерларнинг тенг шериклик шарғи билан майда деҳқонларга ижарага берди. Мамлакатда саноат ва савдо тушкунлиги шароитида феодал реакцияси тусига кириб бораётган феодал муносабатлар узоқ вақтларгача мустақкамланиб қолди.

Италиянинг сиёсий тарқоқлиги. Италия XVI асрда сиёсий жиҳатдан илгаригидек тарқоқ мамлакат бўлиб қола берди. Давлатлардан каттароқлари: шимолда — Венеция, Генуя, Милан ҳамда Савойя ва Пьемонт герцогликлари, ўрта Италияда — (1531 йилда Таскания герцоглигига айлантирилган) Флоренция ва папа давлати; жанубида — Сицилияни ҳам ўз ичига олган Неаполь короллиги бўлган. Бундан ташқари, ўнлаб майда «мустақил» ерлар бўлган.

Республика тузуми деярли ҳамма ерда монархия тузуми билан алмаштирилди. Миланда кондотьер Сфорц оиласи герцог унвонини олди. Флоренцияда меичилар авлоди Тоскания герцоглари унвонига эга бўлди. Папа областида папалар мутлақ монархга айланиб, улар ўз чегараларини кенгайтириш учун мумкин бўлган ҳамма воситаларни ишга солдилар. Александр VI Боржиа (1492—1503), Юлий II (1503—1513) ва Лев X Медичи (1513—1521) деган папалар ўзларининг дабдабали ҳаётлари, ҳарбий ва дипломатия соҳасида юргизган мураккаб сиёсатлари, итальян династиялари билан шахсий ва насабий алоқаларига қараганда епископлардан кўра кўпроқ дунёвий ҳоким эдилар.

Майда бўлакларга ажралиб кетган тарқоқ Италия муттасил фитналар, яширин дипломатик макрлар, ўзаро майда адоват, жанжал ва урушлар майдонидан иборат эди. Буларнинг ҳаммаси бошқа йирик чет мамлакатларнинг Италия ишларига аралашувига сабаб бўларди. 1494 йилдан Италияга француз феодаллари бостириб кира бошлади. Италия билан Франция ўртасидаги уруш тўхтаб-тўхтаб 60 йилдан ортиқроқ давом этди ва фақат 1559 йилда тўхтади. Французлардан ташқари XVI асрда габсбурглар династиясининг вакили бўлган император Карл V ҳукмронлиги остида қолган испан ва герман феодаллари ҳам Италияга босиб кирдилар. Француз, испан ва герман қўшинлари Италияни таладилар ва хонавайрон қилдилар. XVI асрнинг биринчи ярмида ҳали ҳам қудратли бўлган Туркия империясига қарши курашда Венецияга катта куч сарфлашга тўғри келди.

гарчиликларни қаттиқ қоралади ва бир қанча мўътадил социал ислохотлар — даромад солигининг прогрессив формасини жорий қилиш, камбағалларнинг қарзларини бекор қилиш, судхўрларни ҳайдаб юбориш, шаҳарларда қарз берувчи кассалар ташкил этиш ва ҳоказоларни талаб қилди. Савонарола Рим папасини ҳам қаттиқ қоралаб, папа саройига, ундаги дабдаба ва бойликка лаънат ўқиди. Савонарола французларни «гуноҳга ботган Италияга» қарши «худо ёғдирган қаҳр-ғазаб» оқибати деб ҳисоблайди.

Француз босқинчилари ўзларининг талончилиги ва жабр-зулмлари билан тезда италян жамиятининг ҳамма синфларини ўзларига қарши қўзғатдилар. Флоренциядан ташқари яна Неаполни ҳам босиб олган француз қароли Карл VIII нинг дастлабки муваффақиятлари италян давлатларининг унга қарши бирлашувига олиб келди. Французлар шошилинич равишда Италиядан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Французларнинг чиқиб кетиши билан Савонароланинг мавқеи ҳам бўшашди. У 1498 йилда папанинг амри билан қамоққа олинди ва суд қилиниб, гулханда куйдирилди. Қочиб кетган Медичилар 1512 йилда испанлар ёрдами билан қайтадан ҳокимият тепасига чиқиб олдилар.

1527 йилда Римнинг таланиши. XVI аср бошида Италия урушқоқ қароли Франциск I Валуа бошчилигидаги француз феодаллари билан поми тилга олинган император Карл V Габсбург раҳбарлигидаги испан-герман феодаллари ўртасида шиддатли уруш майдонига айланди. 1525 йилда Павия шаҳри ёнида бу икки душман ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда Франциск I батамом енгилиб, Карл V уни асир олди. Папа Климент VII Габсбургларнинг жуда кучайиб кетишидан қўрқиб, императорга қарши Франция билан Англия иштирокида Италия давлатларининг коалициясини уюштиришга ҳаракат қилди. Карл V буни билиб қолиб, 1527 йилда ўз қўшинларини Римга юборди. Папа асир олинди, Рим эса янада шафқатсиз тарзда таланди. Ун мингларча Рим аҳолиси ва шу жумладан, жуда кўп хотин-қизлар ва болалар ўлдирилди. Ландокнехтлар папа саройи — Ватиканга кириб, уни ҳам таладилар ва кўп жойларни вайрон қилдилар. 1527 йил 6 майдаги «талон-торож куни» италянлар хотирасида узоқ вақтларгача даҳшат ва бениҳоя катта миллий бахтсизлик куни бўлиб қолди.

Кейинги уйғониш. Мамлакатда иқтисодий тушкунлик бошланганига ва сиёсий вазиятнинг огир бўлишига қарамасдан, Италия XVI асрнинг биринчи ярмида ҳали буюк гуманистик маданият маркази бўлиб қола берди. Утмишда тўпланган моддий бойликлар ҳамда XVI ва XV асрларда етишиб чиққан олимлар, ёзувчилар, рассомлар, ҳайкалтарошлар, архитекторлар ва Уйғониниш маданиятининг бошқа намоёндалари худди мана шу вақтда энг етук самараларини берди. Флоренциянинг энг машҳур сиёсий арбоби Никколо Макиавелли (1469--1527) улҳан мута-

факкир, тарихчи, ҳуқуқшунос ва файласуф бўлган. Макиавелли «Флоренция тарихи»нинг автори ҳамда қадимги Рим тарихчиси Тит Ливий ва антик даврдаги бошқа авторлар ёзган асарларнинг шархловчисидир. Аммо у айниқса ўзининг «Подшоҳ» деган (тахминан 1512 йилда ёзган) китоби билан шуҳрат қозongan. Макиавелли бу китобида Италиянинг ўша даврдаги илгор синфларининг миллий бирлик йўлидаги интилишларини яққол ифодалаб берган. Макиавелли ўз замонасидаги итальян шаҳар республикалари сиёсий тузумининг кризисини акс эттирса ҳам, республикачилик қарашлардан воз кечади. У бутун умидини монархияга боғлайди ва монархия Италиянинг тарқоқлигига барҳам бериб, уни Испания ва Францияга ўхшаш марказлашган ягона давлатга айлантириши керак, деб умид қилади. Макиавелли «Подшоҳ» асарида катта тарихий тажрибани умумлаштирди. Макиавелли XV—XVI асрлардаги ғарбий европа короллари ва ҳукмронларининг (айниқса Франциядаги Людовик XI ва Италиядаги Цезарь Боржиянинг) амалий ишларини ўрганиб, европа олимлари орасида биринчи ўлароқ ўз китобида абсолютизм назариясини беради, у абсолютизмни шундай бир давлат деб қарайдики, унда ҳуқуқнинг негизи зўрликдир, унда монархлар ҳеч қандай принципларга ёки ахлоқ қондаларига амал қилмайдилар, балки фақат ўз манфаатлари нуқтаи назаридангина иш қиладилар. Кейинчалик Макиавеллининг «Подшоҳ» асари Европадаги ва ҳатто Шарқдаги кўпгина монархлар учун узоқ вақтгача дастуриламал бўлиб қолди, монархлар ўз абсолют ва мустабид сиёсатида Макиавеллининг маслаҳатларини амалда қўлланиб келдилар.

Кейинги итальян Уйғониш даврида табиёт ва математика фанлари соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Машҳур Леонардо да Винчи (1452—1519) энг ажойиб олим — инженер, физик, анатом, математик, астроном ва геолог бўлиш билан бирга ғоят улугъ рассом ҳам бўлган.

Леонардо да Винчи яратган «Пинхоний танавул», «Мадонна Литта», «Жоконда» сингари картиналар Уйғониш давридаги итальян санъати равнақининг буюк намуналари сифатида бутун дунёга машҳурдир. Леонардо да Винчидан бошқа яна Микеланжело Буонаротти (1475—1564), Рафаэль Санти (1483—1520) ва Вечельо Тициан (1477—1576) каби гениал рассомлар ва ҳайкалтарошлар Уйғониш даврининг буюк санъаткорлари бўлишган.

Микеланжело буюк ҳайкалтарош ва рассом бўлиб, таврот ва антик сюжетларда жуда кўп асарлар яратган, у ўзининг асарларида завқ, куч ва ғайрат барқ уриб турган азамат фигураларни тасвир этади. Рафаэль оналик гўзаллигини ғоят ёрқин тасвир этган кўплаб мадонналари билан машҳурдир. У яратган «Сикстин мадоннаси» (Дрезден галереясида сақланади) айниқса машҳурдир. Бу асар расмнинг алоҳида нафислиги ва нозиклиги билан ажралиб туради.

Тициан портретлар санъаткоридир. Франциск I ва Карл V нинг ҳам кўпгина портретларини Тициан чизган, бу асарлар ғоят чуқур реалистик услубда ишланган.


Римдаги авлиё Пётр собори кейинги Уйғониш давридаги Италия архитектура санъатининг ғоят буюк ёдгорлигидир. Бу собор бутун аср давомида қурилгандир (1506 йилда бошланиб, 1590 йилда қурилиб бўлган). Унинг баландлиги 132 метр бўлиб, 15 минг кв. метр майдонни эгаллайди (аё София эса 6800 кв. метр майдонни эгаллайди). Собор Уйғониш даврининг архитектура услубида бошланиб, шундан анча кейинги барокко услуби¹ элементлари билан чатишиб кетган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида италян маданияти. XVI асрнинг иккинчи ярмида ҳам Италиянинг иқтисодий тушкунлиги давом этди. Италия янги жаҳон савдо марказларидан тобора четлаша борди. Габсбургларнинг Валуа билан битим тузиши натижасида Италия 1559 йилги Като-Камбрезия сулҳига мувофиқ узил-кесил Испания ҳукмронлиги остига ўтади (Неаполь, Милан ва бошқалар). Хорижийларнинг оғир миллий зулми ҳукмронлик қилган узоқ давр бошланади. Мамлакатнинг ички савдо ва саноати яна пасаяди. Айрим шаҳарнинг аҳолиси бир неча барабар камайиб кетади. Феодал дворянлар ва клерикал элементларнинг аҳамияти кучаяди. Ўз помешчиқларига тўлайдиган солиқлар дастидан эзилган деҳқонлар яна бунинг устига жуда кўп ва оғир давлат солиқлари ҳам тўлашга мажбур бўладилар, бу солиқлардан келадиган даромад Италиядаги майда ва жуда майда давлатларнинг харажатиغا, қисман чет эл феодаллари фойдасига сарф қилинади. Мамлакатда бандитизм авж олиб, кундалик ҳодисага айланиб қолган эди. Бу шароитда италян маданияти пастлаб кетади. Машҳур италян шоири Торквато Тассо (1544—1595) солиб юришлари сюжетини ўз ижодининг темаси қилиб олади («Озод қилинган Иерусалим» достони) ва рицарликни ҳамда диний жўш-хуружни кўкларга кўтариб мақтайди. Илмий текширишлар энди Италияда қувғин остига олинади. Коперник таълимотини тарғиб қилган италян олими астроном Галилео Галилей (1564—1642) инквизиция турмасига ташланади ва Коперник қарашларига қўшилганлигидан ҳамманинг олдида воз кечishга мажбур бўлади. Инквизиция Галилейни умрбод қамоққа ҳукм қилиб, бу ҳукмни қишлоққа сургуш қилиш билан алмаштиради. Галилей умрбод инквизиция таъқиби остида бўлиб, қишлоқда вафот этади. Яна бир олим — астроном, шоир ва файласуф Жордано Бруно (1550—1600) ҳам папа инквизициясининг ҳукмига мувофиқ гулханга ташланиб куйдирилди.

¹ Барокко — Европада XVI асрнинг иккинчи ярми, XVII аср ва қисман XVIII асрда тарқалган архитектура услуби; минора шакли, шунингдек, кошчиноклик безакларидан кенг фойдаланганлиги билан характерланади; бароккода готик архитектура элементлари Ренессанс архитектураси белгилари билан чатишади.

XVI асрнинг охирлари ва XVII асрнинг бошларида яшаган доминиканлик монах Томазо Кампанелло (1568—1639) Италиянинг атоқли мутафаккирларидан бири эди. Кампанелла 1600 йилда испан Габсбургларининг зулмига қарши Калабрияда кўтарилган қўзғолонда қатнашди. Кампанелла қўзғолон вақтида қамоққа олиниб, салкам 25 йил умрини ҳар хил турмаларда ўтказди. У турмада эканида утопик характердаги «Қуёш шаҳри» («Civitas Solis») деган асарини ёзди. Кампанелла бу асаридан фан негизидан ва меҳнатни планли ташкил этиш асосига қурилган идеал коммунистик жамият тузумини тасвирлайди, у тасвирланган жамиятда хусусий мулк, текинхўрлар бўлмайди, ортиқча меҳнат билан банд бўлмаган киши ўз жисмоний ва маънавий кучларини гармоник тарзда камол топдиради. Кампанелланинг «Қуёш шаҳри» асари Морнинг «Утопия»си билан биргаликда Европада социалистик фикрнинг илк ривожланишини акс эттирган энг ажойиб асар бўлган эди.

Неаполда Мазаньелло қўзғолони. Испанияга қарам бўлган Неаполь короллиги Италиянинг бошқа мамлакатлари ичида энг оғир аҳволда қолган мамлакат эди. Бу мамлакат иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда заиф эди. Шаҳарлари ва саноати таназзулга учраб, қишлоқ тобора қашшоқлашиб борди. Испан ҳукумати эса солиқларни ҳа деб ошира берди. 1558 йилда 1 миллион 770 минг дукат баробарида солиқлар солинган бўлса, 1620 йилда солиқларнинг миқдори 5 миллион дукатга етди. 1647 йилда кенг истеъмол молларига (камбағалларнинг асосий овқати бўлган



XVI асрдаги Шимоллий Италиянинг иқтисодий картаси

мева ва сабзавотга) янги солиқ жорий қилинишига жавобан, Неаполда қўзғолон кўтарилди. Бу қўзғолонда ҳунармандлар, майда савдогарлар ва ишчилар қатнашди. 1647 йил 7 июлдаги қўзғолон натижасида Неаполь халқ оммаси қўлига ўтди. Мазаньелло лақаби билан машҳур бўлган Томазо Аньелло бошчилигида демократик ҳукумат тузилди. Шаҳар расмий жиҳатдан испан королига содиқ бўлиб қолди. Фақат унинг амалдорларига қарши ҳужум қилинди, холос. Неаполни ўзининг қароргоҳи қилиб ўтирган король ноиби қўзғолончиларга бирмунча ён беришга мажбур бўлди. Жумладан, халқнинг айниқса ғазабини қўзғатувчи солиқлар бекор қилинди. Мазаньелло шаҳар лашкар бошлиғи, генерал-капитан сифатида танилди. Аммо, орадан кўп ўтмай, испан ҳокимлари томонидан ёлланган кишилар халқ йўлбошчиси Мазаньеллони ўлдиридилар.

Бироқ Мазаньеллонинг ўлимидан кейин ҳам ҳаракат тўхтамади. Бутун вилоят Неаполга қўшилди. Неаполь республика деб эълон қилинди. Милтиқ ишлаб чиқарувчи мануфактура эгаси Женнаро Аннезе деган киши демократик ҳукуматга бош бўлди. Неаполь дворянлари испанлар томонида эди. Ҳаракат раҳбарлари бу вақтда Испания билан уруш ҳолатида бўлган Францияга таяниб иш кўрмоқчи бўлдилар. Улар Лотарингия герцоги Генрих Гизни королликка таклиф қилдилар ва у Неаполга келди. Лекин Франциянинг кардинал Мазарини ҳукумати Неаполдаги ишлар учун етарли даражада ҳарбий куч ажрата олмади. 1648 йил баҳорида испан маъмурлари қўшин билан Неаполга қайтиб келдилар ва ҳаракатнинг демократик қатнашчиларини шафқатсиз жазоладилар. Аннезе осиб ўлдирилди. Герцог Гизни эса турмага қамадилар, аммо орадан кўп вақт ўтмай, француз ҳукуматининг талабига мувофиқ у турмадан озод қилинди. Янги туз солиғи жорий қилиниши муносабати билан 1647 йилда Сицилияда ҳам ҳукуматга қарши худди шундай ҳаракат бошланди. Испанлар Сицилиядаги ҳаракатни Неаполдаги ҳаракатдан олдин бостирдилар. Аммо бу ҳаракатларнинг ҳар иккаласи ҳам Италия халқ оммасининг чет эл зулмига қарши нафратини ифода қилганлиги жиҳатидан жуда муҳимдир. Бу ҳаракатнинг ҳар иккаласи кейинчалик — XVIII асрда ва XIX асрнинг биринчи ярмида бутун Италиyani қамраб олган кенг миллий ҳаракатнинг узоқ ўтмишдаги куртаги ҳисобланади.

XL БОБ

РЕФОРМАЦИЯ ВА ДЕҲҚОНЛАР УРУШИ ДАВРИДА ГЕРМАНИЯ

ГЕРМАНИЯ РЕФОРМАЦИЯ АРАФАСИДА

XV аср охири — XVI аср бошида Германиянинг иқтисодий аҳволи. XIV ва XV асрларда немис саноати бир қанча муваффақиятларга эришди. Кон саноати (айниқса кумуш қазиб чиқа-

риш) ва металлургия кўп даражада ривожланди. Тироль, Гарц, Саксония ва Вестфалия кон саноатининг марказлари эди. Металлургия ишлаб чиқариш (хусусан қурул-яроғ ишлаб чиқариш) эса кўпроқ Рейн области ва Юқори Дунай шаҳарларида ривож топди. Тўқимачилик саноатининг турли соҳалари: мовут тўқиш, зигир тола, шойи тўқиш ва ип-газлама саноати ҳам ўша областларда кенг тараққий қилди. Ғарбда Кельн, Вормс, Аахен шаҳарлари, жанубда Аугсбург, Нюрнберг, Ульм шаҳарлари энг йирик саноат марказлари эди. Саноатда ҳали асосан цех системаси устунлик қиларди. Аммо кон саноатида анча чуқур шахталар ишга солиниши муносабати билан мануфактура усули тобора кенгроқ ёйилиб борди. Тўқимачилик саноатида шаҳар атрофидаги ва қишлоқ жойлардаги цехлар билан бир қаторда корчалон капиталистга ишлайдиган хонаки «тарқоқ» мануфактура системаси ривожланиб борди. Баъзи жойларда (масалан, Кельнда) қисман тўқимачилик саноатида, қисман металлчи ишлаш саноатида марказлашган мануфактура учраб турарди. XV асрда ва XVI аср бошларида Германия халқаро савдо-сотиқ ишларида катта роль ўйнади. Унинг Италия, Франция, Нидерландия, Англия, Скандинавия мамлакатлари, Польша ва Россия билан олиб борган савдоси муҳим аҳамиятга эга эди. Германия умумевропа савдосида боғловчи звено бўлиб, Европанинг жанубини шимол билан жанубий-ғарбий мамлакатларни шимоли-шарқий мамлакатлар билан боғларди. Шимолий Германиянинг Ганзейга қарашли Любек, Гамбург, Бремен ва бошқа шаҳарлари XV аср охириларида, гарчи энди монополияни қўлдан берган бўлсалар ҳам, шимолий савдода ҳар ҳолда асосий ўрин тутардилар. Рейн областидаги шаҳарлар қўшини Нидерландиянинг иқтисодий тараққиёти билан маҳкам боғланган эдилар; Швабия (Юқори Дунай) шаҳарлари Италия билан олиб бориладиган савдодан ҳатто буюк географик кашфиётлардан кейин узоқ вақтларгача катта фойда олиб турдилар.

XVI аср бошларида Германияда жуда катта банк-судхўрлик фирмалари бор эди; бу фирмаларнинг бир қисм маблағлари ишлаб чиқаришда (кўпроқ кон саноатида) банд бўлса, бир қисмини улар императорга ва катта князларга қарзга берардилар. Бу фирмалар орасида энг каттаси Фуггерлар хонадони бўлиб, уларнинг капитали бир неча миллион гульден ҳисобланарди. Бироқ Германия иқтисодий жиҳатдан жуда нотекис тараққий қилмоқда эди. Жуда яхши тараққий қилган областлар ва округлар билан бир қаторда мамлакатнинг марказида майда товар цех тузуми ҳукм сурган, жуда тор доирада савдо олиб борадиган, чет эл савдосида иштирок этиш у ёқда турсин, ҳатто Германиянинг бошқа районлари билан мол айирбошлашдан мутлақо четда турган қолоқ областлар ҳам бор эди.

Ф. Энгельс «Германияда деҳқонлар уруши» китобида (бу китоб биринчи марта 1850 йилда босилиб чиққан) Германиянинг реформадан илгариги иқтисодий ривожланиш даражасини қу-



XV аср ва XVI аср бошларида Марказий Европанинг иқтисодий картаси

Йидагича характерлаган эди: «...Германия миллий ишлаб чиқаришининг ривожини бошқа мамлакатларнинг ишлаб чиқариш тараққиётидан ҳали орқада қолиб келмоқда эди. Немис деҳқончилиги инглиз ва Нидерландия деҳқончилигидан анча кейинда турар, немис саноати италян, фламанд ва инглиз саноатидан жуда паст турар, денгиз савдосида эса инглизлар ва айниқса голландлар немисларни борган сари кўпроқ сиқиб чиқара бош-

лаган эдилар»¹. Мамлакатнинг аҳолиси ҳали ҳам жуда сийрақ эди. Германиянинг савдо-саноат марказлари ўзига хос тарзда жойлашган эди. Улар мамлакатнинг чеккаларида бўлиб, иқтисодий жиҳатдан ички бозорлардан кўра кўпроқ (ва асосан) ташқи бозорлар билан боғланган эдилар. «Жанубнинг савдо алоқалари ва мөл сотиш бозорлари шимолниқига қараганда бутунлай бошқача эди; шарқ ва ғарб бир-бирлари билан деярли мутлақо мол айирбош қилмас эдилар. Англия учун Лондон мамлакатнинг саноат ва савдо маркази бўлиб қолган бир пайтда, бу ерда ҳеч бир шаҳар саноат ва савдо маркази бўла олмади»².

Аммо кейинчалик Ф. Энгельс 1470—1530 йиллардаги давр учун Германия экономикасида анча муваффақиятлар бўлгаилигини тан олган, кон ишининг муваффақиятларини ҳамда шу даврда Германиянинг халқаро савдосининг роли ошганлигини аниқса таъкидлаб кўрсатган эди³.

XVI асрнинг бошларида немис қишлоқларида деҳқонлар оммаси учун ниҳоятда зиддиятли ва оғир вазият вужудга келди. Умуман олганда қишлоқ хўжалигида ҳали ишлаб чиқаришнинг феодал усули ҳукмронлик қилар эди. У ёки бу формада крепостнойлик зулмини чекаётган деҳқонлар асосий ишлаб чиқарувчи ҳисобланардилар. Рейн соҳилидаги вилоятларнинг айрим районларини ҳисобга олмаганда (Вестфалияда, қисман Франконияда) йирик капиталистик, Мейер арендаси деб аталадиган аренда ривожлана бошлади. Германиянинг қолган қисмида майда деҳқон хўжалиги ҳукмронлик қиларди. Товар-пул муносабатлари қишлоққа кириб кела бошлади. Деҳқонларнинг кўп сонли маҳаллий шаҳарлар билан савдо алоқаси эндиликда анча донмий ва мунтазам характерга эга бўлиб қолган эди. Аммо қишлоққа пул муносабатларининг ана шу тариқа кириб келиши натижасида крепостной ва ярим крепостной деҳқонлар ўртасидаги — бир томондан, майда товар ишлаб чиқарувчилар, иккинчи томондан феодал, бутун феодал крепостнойлик системаси ўртасидаги зиддиятлар кучлироқ намоён бўла бошлади.

Реформация арафасида Германиянинг синфий структураси. XVI аср бошидаги Германияда синфий муносабатлар жуда мурраккаб эди. Бу муносабатлар энди соф феодал муносабатлар бўлмай қолган эди. Капиталистик элементларнинг ўсаётганлиги аён бўлиб қолди. Феодал синфларнинг ўзлари табақаларга ажралмоқда ва айнимоқда эди. Герман жамиятининг деярли ҳамма синфлари халқ оммасининг мавжуд тузумдан норозилиги, деҳқонларнинг ва ҳатто ўрта синфларнинг ҳам ҳукмрон юқори

¹ Ф. Энгельс. Германияда деҳқонлар уруши. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 7- том, 347- бет.

² Уша ж с й да.

³ Қаранг: Ф. Энгельс. Германия ҳақида мулоҳазалар. К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 18- том, шунингдек унинг 1889 йил 15 сентябрда К. Каутскийга ёзган хати. Асарлар, 37- том, 229- бет.

феодал табақаларга қарши нафрат билан қараганлиги яққол кўриниб турарди.

Феодаллар орасидаги ҳукмрон табақа империя князлари (улар ўртасидаги жуда кўп диний князлар — архиепископлар, епископлар ва энг катта аббатлар) эди. Император ҳокимияти тушкунликка юз тутиши билан империя князлари жиғоний ишлар судини бошқариш, солиқлар тўплаш, пул зарб қилиш ва шу сингари ҳуқуқларга эга бўлган мустақил ҳукмронларга айланиб бормоқда эдилар.

Энг йирик феодал-князларнинг куч-қудрати ортиб борган сари, бунинг аксича, майда дворянларнинг — рицарларнинг ҳоли тобора танг бўлиб бормоқда эди. Уқсочар милтиқнинг кашф этилиши ва пиеда аскарларнинг роли ортиб бориши билан, отлиқ аскарликни касб қилиб олган рицарларнинг аҳамияти тобора йўқолмоқда эди. Айни замонда улар иқтисодий томондан ҳам хонавайрон бўлиш даражасига етиб қолган эдилар. Уз ерларидан ва қарам деҳқонларидан келадиган даромадлари товар-пул муносабатларининг ривожланиши туфайли ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмас эди. Рицарлар князларга ва айниқса Германиядаги энг кўп ва катта-катта поместьеларга эгалик қилиб бойиб кетган олий руҳонийларга ҳасад билан қарардилар. Рицарлар катта йўлларда йўл тўсарлик билан шуғулланиб, савдогарларнинг карвонларига ҳужум қилар ва қўшни шаҳарлардан ёки ҳатто айрим граждандлардан товон олиш учун ҳар қандай баҳона қидираб эдилар.

Шаҳар аҳолисига даставвал шаҳар аристократияси, яъни патрицийлар кирар эди, улар ҳали ҳам бир қанча шаҳарларда ҳокимиятни ўз қўлларида сақлар ва ташқи савдода, банк-судхўрлик муомалаларида ва қисман ички савдо ишларида катта роль ўйнардилар. Шаҳар аҳолисининг ўрта табақаси, яъни бюргерлар шаҳарликларнинг энг кўп сонли синфини ташкил этарди. Бу синф ҳунармандлардан, савдогарлардан ва қисман пайдо бўлиб келаётган мануфактура эгаларидан иборат эди. Улар князларнинг ҳукмронлигидан, олий руҳонийларнинг бойлигидан, ҳар хил черков солиқларидан тўпланган катта-катта пулларнинг ҳар йили Италияга юборилишидан, рицарларнинг талончилиги ва зўравонлигидан ғазабланардилар. Империянинг сиёсий тарқоқлиги савдо ва саноатнинг ривожланишига тўқинлик қилиб турган асосий ғов эди. Шаклланаётган буржуазия сифатидаги бюргерларнинг манфаатлари нуқтаи назардан мамлакатни марказлаштириш мутлақо зарур эди. Аммо немис бюргерлари буржуа синфи бўлиб ҳали сира таркиб топган эмас эди. Улар тарқоқ бўлиб, тор маҳаллий манфаатлар доирасидан четга чиқмай яшар эдилар. Жамиятда уларнинг сиёсий аҳамияти ҳали етарли даражада юксак эмасди.

Герман шаҳарларида кўпгина плебей, яримпролетар элементлар ҳам бор эди. Қашшоқлашиб қолган, цехдан ташқаридаги шаҳар ҳунармандлари ҳам, халфалар ҳам, крепостниклар зул-

мига чидолмай, шаҳарга кўчиб ёки қочиб келган ва бу ерда люмпен пролетариатга айланган деҳқонлар ҳам плебейлар составига кирардилар. Бу бесаранжом элемент патриций ва бюргерларни ҳам, киборлардан, руҳонийлардан бўлган феодал-помешчикларни ҳам ёмон кўрарди. Шаҳар плебейлари деҳқонлар ҳаракатига қўшилиб, бу ҳаракатга ғоят катта ёрдам кўрсатардилар.

Энг кўп сонли ва асосан эксплуатация қилинувчи асосий синф деҳқонлар эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, деҳқонлар крепостнойлик зулминин бошдан кечирардилар. Тўғри, крепостникларга шахсан қарам бўлган деҳқонлар озчилик эди. Немис деҳқонларининг кўпчилигини қарам деҳқонлар деб аталган, яъни маълум миқдорда пул оброки (чинши) ва ҳар хил маҳсулот мажбуриятлари тўлаш шарти билан ота-бобосидан мерос қолган ер бўлақларига эгалик қилувчи деҳқонлар ташкил этарди. Аммо XV асрнинг сўнгги ўн йилларида XVI аср бошларида ерга эгалик қилиш шартлари тобора оғирлаша борди.

Феодаллар ўз даромадларини оширишга интилиб, деҳқонлар берадиган тўловларни ҳар қандай йўллар билан оширар, деҳқонлардан янги баршчиналар талаб қилар, уларнинг чек ерларини қирқар, альмендларни, яъни жамоаларга қарашли ўтлоқлар, бўш ерлар, ўрмон, кўл ва шу кабиларни ўз ихтиёрларига ўтказиб олардилар.

Деҳқонлар феодалларга берадиган ҳар хил тўловлардан ташқари, маҳаллий князларга кўпдан-кўп давлат солиқлари тўлар, черковга ҳар хил тўловлардан бошқа яна ушур ҳам берар эдилар. Бутун Германияда католик черкови учун дон билан «катта ушур» тўпланарди. Аммо бунинг устига кўп жойда яна (сабзавот билан тўланадиган) «кичик ушур» ва (чорва моллари билан тўланадиган) «қон ушури» ҳам олинарди.

XV аср охири — XVI аср бошларида деҳқонлар ҳаракати. Деҳқонларнинг аҳволи ёмонлашганлиги XV аср охири ва XVI аср бошларида деҳқонларнинг кўп ғалаёнларига сабаб бўлди. Шарқий Франкониядаги епископ Вюрцбургский мулкидан 1476 йили кўтарилган деҳқонлар қўзғолонини замондошлар биринчи деҳқон фитнаси деб атаганлар. Бу қўзғолонга Никласгаузен қишлоғидан чиққан Ганс Бегайм деган подачи бошчилик қилган. Ганс Бегайм деҳқонларга «илоҳий қонун»га кўра ҳамма оброклар, баршчиналар, солиқлар ва помешчикларга («хўжайинларга») тўланадиган бошқа тўловлар бекор қилиниши керак, ҳамма ишламоғи ва ҳеч ким бошқалардан ортиқ нарсага эга бўлмаслиги керак, деб ташунтирган. Ганс номининг ўзи (богемиялик, яъни чех бўлганлиги) ва у олиб борган пропаганданинг мазмун жиҳатидан гусчиларнинг крепостнойликка қарши чиқишига ўхшашлиги гусчилик идеяларининг XV асрда ҳатто Ғарбий Германияга ҳам ёйилганлигини аниқ кўрсатиб турибди. Ганс Бегаймнинг ваъзини эшитгани минглаб деҳқонлар тўпланишган. Епископ Вюрцбургский ўз хизматчиларига подачи вонзни ушлаб қамашни буюрган. Шундан кейин деҳқонлар ўртасидаги ҳаракат тўхтаб қолган.

Деҳқонларнинг «Бошмоқ иттифоқи»¹ деб ном олган бошқа бир ҳаракати анча кучли бўлиб, кенг ёйилган эди. «Бошмоқ иттифоқи» деҳқонларнинг фитначи ташкилоти бўлиб, орадаги узилишлар билан 25 йилдан кўпроқ вақт иш олиб борган. «Бошмоқ» номи биринчи марта жануби-ғарбий Германияда XV асрнинг 30- ва 40-йилларидаёқ учрайди, хусусан, инглиз-француз Юз йиллик уруши даврида Германия территориясига бостириб кирган француз феодалларининг айрим тўдалари — Арманьяклар ва бошқаларга қарши немис деҳқонларининг чиқишлари ана шу шиор остида ўтган эди. Тузукроқ шаклланган яширин ташкилот сифатида «Бошмоқ» 1493 йилда Эльзасда пайдо бўлган. У бостирилгандан кейин ҳаракат Рейннинг ўнг қирғоғига — Баден ва Швабияга ўтган. 1502 йилда «Бошмоқ»нинг янги қўзғолони тўғрисидаги плани маълум бўлиб қолган. Бунга Иосс Фрид деган деҳқон раҳбарлик қилган. «Бошмоқ»нинг хуружлари 1513 ва 1517 йиллардаги фитналар бўлди. Бу фитналар ҳам очилиб қолгандан кейин, унинг ташкилотчилари Швейцарияга қочиб кетдилар. Улардан баъзилари 1525 йилгача яшаб, ватанларига қайтиб кетдилар ва Улуғ деҳқонлар урушида иштирок этдилар. «Бошмоқ» тарафдорлари тарқатган варақаларда дворянларни деҳқонлар устидан ҳукмронлик қилишдан маҳрум этиш, жамоа ихтиёридаги ерлардан бемалол фойдаланиш учун деҳқонларга эркинлик бериш, судхўрлар оладиган процентларни бекор қилиш ҳамда черков мулкни секуляризация қилиб, бу ерларни халққа бериш ва ҳоказолар тўғрисида талаблар бўлган.

Ниҳоят, XVI асрнинг бошида, тахминан 1503 йилда Вюртембергда деҳқонларнинг «Қашшоқ Конрад» деган ном билан яна бир революцион ташкилоти пайдо бўлди. 1514 йилда «Қашшоқ Конрад»нинг фитнаси Вюртемберг герцогига қарши очиқдан-очиқ қўзғолонга айланиб кетди. Бу ҳаракатда шаҳарликлар ҳам қатнашди. Деҳқонлар қўйган талаблар орасида маҳаллий ландтагга деҳқонларнинг вакилларини ҳам киритиш ҳақида модда бор эди. Аввалига герцог бирмунча ён берди, аммо кейинчалик бу ён беришлардан воз кечиб, Вюртембергнинг қўзғолон кўтарган қишлоқларини тор-мор қилди. «Қашшоқ Конрад» раҳбарларидаги бир қисми қўлга олинди, бир қисми эса Швейцарияга қочиб кетди.

Германиянинг сиёсий тарқоқлиги ва император ҳокимияти. XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида Германия ҳали сиёсий жиҳатдан тарқоқ мамлакатлигича қолган эди. Бу вақтга келиб марказлашган Англия ва Францияга қарама-қарши ўлароқ, Германия ҳали ҳам аслида айрим феодал князликлари ва эркин шаҳар федерациясидан иборат эди. Феодал князликлари ва эркин шаҳарлар эса фақат ўзларининг маҳаллий партикуляар манфаатларинигина кўзлар эдилар.

¹ Дворянлар, рицарлар пойабзали — этикка қарама-қарши ўлароқ, деҳқонлар бошмоғи (одатда ёғоч пошнали бўларди) назарда тутилган эди.

«Соф феодал империяси емирилиб борган сари империя ерлари ўртасидаги алоқалар ҳам емирилиб борди; йирик империяленларининг эгалари деярли мустақил давлатларга айлана бошладилар, бир томондан, империя шаҳарлари, иккинчи томондан эса империя рицарлари гоҳ бир-бирларига қарши, гоҳ князларга ёки императорга қарши иттифоқлар туза бошладилар»¹.

Фридрих III ҳукмронлигидан кейин император ҳокимиятининг аҳволи бирмунча ўзгарди². Император Максимилиан I (1493—1519) Габсбургларнинг мерос ерларини анча кенгайтирди. Энди Габсбурглар Австрия, Шкирия, Каринтия ва Крайнадан ташқари яна Тиролни, Швабиядаги анча ерларни ҳамда Максимилиан Мария Бургундскаяга уйланганда «сеп» тариқасида олган Нидерландияга ҳам эга бўлди. Рицарлик ва шаҳарлардан тузилган Швабия иттифоқи (1488 йил) Франкония ва Рейн вилоятларини ҳам ўз таъсирига олди; бу иттифоқ бевосита императорнинг ҳокимийлигида бўлди. Максимилиан бутун Германия устидан марказий ҳокимиятни кучайтирмоқчи бўлди. У Германияда ҳам марказий муассасалар тузиб, ҳамма сословиеларни, шу жумладан, йирик феодалларни ҳам бу муассасалар ҳокимияти остига олишга уринди. Бироқ императорнинг доимий солиқ («империя пули») жорий қилиш ва доимий империя армиясини тузиш йўлидаги уринишлари натижа бермади. 1495 йилда рейхстаг умумимперия судини тузишни лозим топди, суд составида князлар кўпчилигини ташкил қилиши керак эди. Князлар ҳарбий ишлар соҳасидаги реформани ҳам шундай қилиб ўтказмоқчи бўлдиларки, мўлжалланган доимий умумимперия қўшини реформа натижасида князларга тобе бўлиб қолиши керак эди. Пул етишмаганлигидан Максимилиан Италияда ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юбора олмади, шу туфайли французларнинг XV аср 90-йилларининг охиридаги ҳарбий юришлари муваффақиятли бўлиб чиқди.

Янги император, Максимилиан I нинг набираси Карл V (1519—1555) империяда ўзига хос алоҳида бир ўрин тутди. Айни вақтда (она томондан Фердинанд ва Изабелланинг набираси сифатида) Испаниянинг ҳам қароли бўлган Карл V Европадаги энг қудратли императорлардан бири бўлиб қолди. Лекин бир йўла бир неча мамлакат (Испания, Германия, Италия, Нидерландия ва бошқаларнинг) қароли бўлганлиги туфайли Германияда марказлашган сиёсий ҳокимият ўрнатиши қийин эди. Карл V кўпроқ жаҳон давлати тузиш плани ҳамда Франция қароли Франциск I га қарши курашиш масаласи билан банд бўлганлиги туфайли Германиянинг ички ишларига кўп эътибор беролмас эди, шунинг учун у империя ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлай олмади, аксинча, ўзи императорлигининг сўнгги йилларида унинг обрўсини анча пасайтириб қўйди.

¹ Қ. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., Т. 7, стр. 348.

² «Германия XII—XV асрларда» деган XXI бобга қаралсин.

Германияда католик Черкови. Ҳурта аср охирларига келиб католик черкови Ҳурта аср Европасидаги бошқа мамлакатларга қараганда Германияда жуда ҳам катта имтиёзларга эга бўлиб олган эди. XVI аср бошларида йигирмадан ортиқ герман прелати (архиепископлар, епископлар, қисман катта монастырларнинг аббатлари) айни пайтда территориял империя князи ҳам эди. Рим папаси Германиядан жуда катта пул оларди, бу маблағ ушурдан ажратилган пуллардан, руҳонийлик вазифасига тайинланганлардан олинадиган пулдан, индульгенция (гуноҳларни кечиш ёрлиғи) сотишдан, кўпдан-кўп немис пилигрим (зиёратчи)ларнинг Римга атаб берадиган назр-ниёзларидан тўпланар эди. Агар Франция, Англия ва Испанияда кучли король ҳокимияти мавжуд бўлганлигидан папа куриясига бериладиган тўловлар озми-кўпми (баъзан анча) чекланган бўлса, Германияда император ҳокимиятининг тушкунликка учраганлиги папанинг бу мамлакатни истаганича бемалол эксплуатация қилишига имконият берди. Герман жамиятидаги хилма-хил синфлар Рим билан ташкилий боғланиб, мустақил иш кўрувчи бой руҳонийларга душман кўзи билан қарардилар. Дунёвий князлар ва рицарлар черков мулкларини мусодара қилиб, давлат ихтиёрига олишни орзу қилар эдилар, «Жўн черков» тузишдан манфаатдор бўлган шаҳарликлар Римга бериладиган оғир тўловларга хотима бериш, сословиечилик асосида яшаб келаётган руҳонийларни тугатиш ва черков жамоаларининг ишларига бевосита раҳбарликни бюргерларга топшириш учун курашардилар. Деҳқонлар руҳонийларнинг юқори табақасини, аввало, рента пули, ушур ва бошқа ҳар қандай тўловлар йиғиб оладиган ўз «хўжайинлари» — феодаллари деб билардилар (қишлоқлардаги қуйи табақа руҳонийлар эса деҳқонлардан жуда кам фарқ қиладиган шароитда яшар эдилар). Рицарлар билан бир қаторда черков феодаллари (айниқса монастырлар) ҳам кўпинча деҳқонларни энг раҳмсиз равишда эксплуатация қилар эдилар, улар баршчинани кучайтиришга, чиншини кўпайтиришга ва жамоа ерларини деҳқонлар қўлидан тортиб олишга ҳаракат қилардилар. Шундай қилиб, Германияда черков масаласи умумхалқ миллий масаласи тусини олган эди. Шунинг учун немис бюргерлари оппозициясининг намоёндалари ўз найзаларини биринчи навбатда католик черковига қарши қаратганликлари ажабланарли эмас эди.

Германияда гуманистик ҳаракат. XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида Германияда гуманизм ўзининг кўплаб ёзувчилари ва олимларига эга эди. Улар катта ижтимоий кучга айланган эдилар. Уларнинг асарлари одатда латин тилида ёзилган бўлса ҳам, ҳар ҳолда уларни энг маълумотли шаҳарликлар, шунингдек, рицарларнинг маълумотлироқ қисми ўқир эди. Деярли ҳамма университетларда гуманистлар кўпроқ ёки камроқ миқдорда ўз тарафдорларига эга эдилар; улар орасида «янги фан»нинг чинакам ташаббускорлиги учраб турарди. XVI асрнинг бошларида Эрфурт университети ҳузурида вужудга келган

тўғарак гуманизмнинг айниқса кучли маркази бўлиб қолди. Бу тўғаракнинг раҳбари кўп вақтлар Италияда яшаган ва у ерда неоплатонизм фалсафаси билан танишган Муциан Руф (1471—1526) эди. Муциан Руф схоластиканинг ашаддий душмани бўлиб майдонга чиқди. Схоластларнинг бош маркази Кёльн университети бўлиб, улар Муцианнинг шогирдлари («Муциан отряди» — гуманист адабиётчилар ва файласуфларни) жуда ёмон кўрардилар. Ульрих фон Гуттен ҳам (1488—1523) Муциан Руф мактабидан чиққан эди. У асли рицарлардан бўлиб, публицистикани касб қилиб олган ва кейинчалик Лютер реформациясига қўшилган эди. Аммо немис гуманистлари ичида энг машҳурлари, Гуттен таъбирича, «Германиянинг икки кўзи», икки филолог олим — Эразм Роттердамский (1467—1536) билан Иоганн Рейхлин (1455—1522) эди.

Эразм Роттердамский. Эразм Роттердамский Голландиянинг Роттердам шаҳрида туғилган эди. У XV асрнинг 90- йиллари ва XVI асрнинг биринчи ўн йилида турли мамлакатларда — Франция, Англия, Германия ва Италияда яшади. 1513 йилдан бошлаб, у Базелда муқим туриб қолди. Грек ва латин тилини жуда яхши билган Эразм гуманист олимлар оламида даставвал ўзининг филология бобидаги асарлари билан жуда машҳур эди. Эразм ўзининг адабий асари бўлган «Бетамизлик мадҳияси» (1509 йил) деган сатираси билан айниқса катта шуҳрат қозонди. Минбарда туриб ваъз ўқийтган хотин сифатида берилган «Бетамиз» ўз хислатларини мақтайди ва ўз нутқида барча одамлар аслида унинг маслаҳатларига амал қилишларини исботлайди. Китобхон кўзи олдидан папалар, кардиналлар, епископлар, монахлар, схоласт-руҳоний олимлар бирин-кетин ўтади ва уларнинг ҳаммаси Бетамизнинг мухлисларидир. Улар нодон, хурофий, хасис, шаллақи ва бузуқлардир. Эразм дунёвий феодалларни бекорчиликлари, овга берилиб кетганликлари, шуҳрат кетидан қувиб хунрезлик урушлари олиб боришлари ва ҳоказолар учун қаттиқ танқид қилади. Эразм папани ва католик черковини ағдариб ташлашга даъват қилмайди. У асосий зарбасини схоластларга, бекорчи, нодон монахларга қаратади. Эразмнинг энг юксак орзуси — бидъатлардан «пок», «рационаллаштирилган», «маърифатли» черков эди. Аммо объектив жиҳатдан у бутун католик черковининг пегизига болта урди. Кейинчалик реформация, маҳорат билан ёзилган бу сатирадан папа черковига қарши олиб борган курашида қурол сифатида фойдаланди.

Эразм бошқа бир асари — «Жаҳон шикоят» китобида ҳам адабиётнинг ўша монолог формасидан фойдаланиб, ўз замонасидаги халқаро аҳвол хусусида ўз фикрларини баён қилади. Тез-тез чиқиб турган урушларнинг гувоҳи бўлган Эразм бу урушларнинг тўхтатилишини ва Европада тинч даврнинг бошланишини орзу қилади. Урушларни монархлар ўз бойликларини ошириш мақсадида олиб борадилар, бунда епископлар, руҳонийлар ва монахлар эса монархларни урушдан тийиб туриш ўрнига, бу

ишга йўл бериб қўядилар деб ҳисоблаган Эразм урушдан фойда эмас, балки фақат жафо кўраётган оддий кишиларга мурожаат қилади. «Барча кишилар урушга қарши бирлашсинлар! Барча кишилар урушга қарши чиқсинлар!— деб даъват этади Тинчлик.— Зодагонлар зулмига қарши турувчи кўпчиликнинг ҳамжиҳатлиги нақадар катта кучга эга эканлигини англаб олингиз!..»

Рейхлин ва Рейхлин низоси. Рейхлин ҳам жуда катта филолог эди. У бир неча университетда грек ва қадимий яҳудий тилидан дарс берарди. Қадимий яҳудий адабиётининг билимдон бўлган Рейхлин яҳудий тилидаги китобларнинг куйдирилишига қарши 1509—1510 йилларда норозилик билдириб чиққан эди, яҳудий тилидаги китобларнинг куйдирилишини эса Кёльндаги теология профессорлари талаб қилган эдилар. Гуманистлар, жумладан, Эрфурт тўғарагининг аъзолари Рейхлинни қўллаб-қувватладилар. Обскурантлар, схоластлар, биринчи навбатда Кёльн университетининг профессорлари орасидаги схоластлар Рейхлинга қарши кўтарилдилар. Кўп ўтмай бу низо яҳудий тилидаги китоблар тақдири масаласи доирасидан чиқиб кетди. Кейин бу низо фикр эркинлиги учун, илмий текшириш методлари учун, янги илмий-адабий оқим бўлган гуманизмнинг яшаш ҳуқуқи учун курашга айланди. «Жоҳилларнинг мактублари»¹ деган асар обскурант-схоластларга қарши «рейхлинчилар» олиб борган курашнинг фоят катта ёдгорлигидир. Бу икки томлик «Мактублар» 1515 ва 1517 йилларда нашр қилинди. Биринчи томнинг автори Крот Рубиан (Муцнан Руфининг шогирдларидан бири ва Эрфурт тўғарагининг аъзоси), иккинчи томнинг автори Ульрих фон Гуттен. «Мактублар» уйдирма ва атайин шарж тариқасида ёзилган бўлса-да, реал одамга — Кёльн теологи Ортуин Грацийга қаратилган эди. Бу эса «Мактублар»ни жуда ёрқин қилиб қўйди ва уларга ҳақиқий ҳужжат тусини берди. «Мактублар»да схоластларнинг сохта олимлиги, улар ишлатадиган ўрта аср латин тилининг бузуқлиги, уларнинг бекорчилиги, схоластлар мунозарасининг бемаънилиги ва ҳоказолар фош қилинган. «Мактублар»нинг иккинчи томи умуман бутун католик черковига қарши қаратилган ғазабли сатирага айлантирилган. Папа черковига қарши қаратилган ва уни фош қилувчи сатрларда пайдо бўлаётган реформациянинг руҳи яққол сезилиб туради.

Ульрих фон Гуттен. Гуманистлар ёш авлодининг вакили бўлган Ульрих Фон Гуттен католицизмни таъқид қилишда Эразм билан Рейхлиндан ўтиб кетди. Гуттен 1512 йилда Италияда бўлган вақтидаёқ папа черковидан ниҳоятда нафратланган ва Германия бошига тушган ҳамма балоларнинг асосий сабабчиси ўша черков деб ҳисоблай бошлаган эди.

Лютер майдонга чиққанида гуманистлар орасида биринчи бўлиб Гуттен унинг томонини олди. Гуттен ҳам худди гусчилар сингари зўрлик ишлатмай туриб, реформацияни амалга ошириб

¹ «Жоҳиллар» — обскурантлар демакдир.

бўлмади деган фикрда эди. У Германиядан католик руҳонийларни ва, биринчи навбатда, ҳамма монахларни дарҳол ҳайдаб юборишни қаттиқ талаб қиларди. Аммо Гуттен яна бошқа бир ижтимоий ҳаракатда ҳам қатнашди. У 1522 йилда Франконияда рицарлар қўзғолонини кўтарган катта рицарь Франц Фон Зикингеннинг энг яқин ёрдамчиси ва сафдоши бўлиб майдонга чиқди.

Рицарлар оиласидан чиққан Гуттен рицарлар табақасини идеаллаштирарди. У Германиядаги синфлар орасида ўзгариш ясашга ва янги сиёсий тузум ташкил этишга энг қобил синф рицарлар деб ўйлар эди. Гуттен ўз панфлетларида рицарларни шаҳарликларга ҳам, деҳқонларга ҳам дўст бўлиши мумкин, деб исботлашга уринарди ҳамда шаҳарликлар билан деҳқонларни рицарларнинг князларга ва епископларга қарши олиб борадиган курашларига ёрдам беришга чақирарди.

Биз қуйида шуни кўраимизки, рицарлар қўзғолони аслида Рейн рицарлари бир қисмининг тор сословиечилик чиқишигина бўлиб, муваффақият қозона олмади. Князлар бу қўзғолонни осонгина бостирдилар.

Шундан кейин Гуттен Швейцарияга қочиб кетишга мажбур бўлди ва орадан кўп ўтмай Цюрих кўли оролларида бирида вафот этди.

РЕФОРМАЦИЯ ВА ДЕҲҚОНЛАР УРУШИ

Реформациянинг бошланиши. Германияда XVI аср бошида ниҳоят даражада кескинлашиб кетган синфий зиддиятлар оқибат натижада кенг революцион ҳаракатга айланди. Реформация, яъни папа католик черковига қарши ҳаракат бу революцион ҳаракатнинг биринчи даври эди. «Ҳар бир мамлакатда дунёвий феодаллар билан алоҳида-алоҳида кураш бошлашдан аввал унинг бу муқаддас марказий ташкилотини йўқ қилиш лозим эди»¹. Герман реформациясининг бошланиши Мартин Лютер номи билан боғлангандир.

Мартин Лютер (1483—1546) бадавлат бюргер оиласидан чиққандир. У Саксониядаги Эйслебен шаҳрида туғилган. У 1501 йилда Эрфурт университетини битириб чиққандан кейин монах ва руҳоний бўлди. 1509 йилда Саксонияда эндигина очилган Виттенберг университетига фалсафа ва теология профессори бўлиб ишлади. Бир томондан, ўрта аср мистикларининг (Тоулер ва бошқалар) асарлари билан танишиши, иккинчи томондан, машҳур чех реформатори Ян Гус асарларини ўрганиши орқасида Лютер католик черкови қабул қилган догмага бутунлай қарама-қарши бўлган хулосага келди. Католицизмнинг инсонни «хайрли ишлар орқали гуноҳлардан пок қилиш» (профессионал руҳоний-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, II том, Ўздавнашр. 1959 йил, 106-бет.

лар томонидан амалга ошириладиган маросимларни бажариш ҳам шу ишлар жумласига киради) ҳақидаги таълимотига қарши чиқиб, Лютер «инсонни эътиқод билан пок қилиш» таълимотини ривожлантирди ва бунда у ҳар бир айрим динга ишонувчи кишининг шахсий диний кечинмаларини, кайфиятини кўзда тутди. У қадимги пайғамбарлардан бирининг китобидан ўқиб олган «тақводор кишига эътиқодли бўлишнинг ўзи кифоя» деган иборани севиб ишлатарди. Лютернинг янгича қарашларида аввало ўзига хос диний индивидуализм намоён бўлган эди. Дин, Лютернинг фикрича, алоҳида киши — индивиднинг худога муносабати бўлиб, худо ҳеч қандай руҳоний, «илоҳий» кишиларнинг воситачи бўлишига муҳтож эмас. Лютер таълимотида профессионал руҳонийларнинг оддий фуқаролар устидан доимий восийлиги ва назоратига қарши норозилик бор эди, — бу эса клерикализмга, яъни руҳонийларнинг худди шу ҳукмронлиги принципига асосланувчи бутун ўрта аср черков ташкилотини рад этишга олиб борарди.

Лютер таълимотида яна бир муҳим жиҳат бор эди. Лютер муқаддас китобни, яъни тавротни муқаддас ривоятдан афзал деб биларди. Муқаддас ривоят эса католик черкови назарида қисман кейинроқ вужудга келган черков адабиётидан («черков авлиёлари»нинг ижодлари), қисман ҳар хил қонунлардан, яъни ҳар хил черков оборотида қабул қилинган ёки турли вақтларда ҳар хил папалар томонидан қарорлар («декретлар») тариқасида чиқарилган қонун актларидан иборатдир. Бу билан Лютер мураккаб иерархиядан, дабдабали маросимлардан, феодал черков ер эгалигидан ва ҳоказолардан холи бўлган соддароқ ва демократроқ илк христианликни энг кейинги христианликка, феодаллаштирилган, бюрократлаштирилган ўрта аср католик христианлигига қарама-қарши қилиб қўйди.

Аслида эса, Лютер ўзининг бу қарашларида, ўрта аср бюргерларининг «жўн черков» ўрнатиш керак деган азалги талабини ривожлантирган эди.

«...Бюргер бидъати илк христиан черковининг оддий тузуми тикланишини ва руҳонийларнинг алоҳида сословиесини тугатишни талаб қилди. Бу жўн тузум монахларни, прелатларни¹, рим куриясини, хуллас черков учун қимматли бўлган ҳамма нарсани бекор қилар эди»².

Вормс рейхстагига Лютер фаолиятининг асосий босқичлари. Лютернинг индульгенция савдосига қарши 95 тезис билан чиқиши унинг реформация руҳида биринчи чиқиши эди. 1517 йилда Виттенберг атрофида индульгенция савдоси айниқса қизиқ кетган эди. Индульгенция савдоси шундан иборат эдики, папанинг махсус ёрлиқлари сотиларди, бу ёрлиқни маълум миқдорда

¹ Прелат — католик руҳонийларининг юқори табақаси — тарж.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Дин тўғрисида, Ўздавнашр, 1956 йил, 81—82-бетлар.

пул тўлаб сотиб олган кишининг ҳамма гуноҳлари кечилган деб ҳисобланар эди.

Германиядаги индульгенция савдоси папага айниқса катта даромад келтирарди. Аммо шу билан бирга индульгенция диний ҳиссиётларни олди-сотдига айлантириб юборган католик динининг айниганлигини яққол кўрсатиб турарди.

Лютер ўзининг «имон келтириш билан гуноҳдан пок бўлиш» тўғрисидаги ўз таълимотига асослашиб ёзган ва Виттенберг университети черковининг эшикларига ёпиштирган тезисларида (1517 й. 31 октябрь) «муқаддас китоб»нинг турли жойларидан далиллар келтириб, индульгенция савдосига қарши норозилик билдирган эди.

Лютер ўз тезисларини ёзар экан, папа черкови билан алоқани узини мутлақо ўйламаган эди. Медичилар хонадонидан бўлган папа Лев X нинг ўзи ҳам даставвал Лютернинг бу чиқишига унча эътибор бермади. Папа Лютернинг бу чиқишига бир-бирлари билан рақобат қилаётган монах орденлари ўртасидаги оддий мунозара деб қаради. Бироқ Лютер билан турли теология профессорлари ўртасидаги мунозаралар давом этавериб, тобора ўткир тус олиб кетди. Бу мунозаралар давомида Лютернинг ўзи ҳам ортодоксал католик позициядан борган сари узоқлашди. 1519 йилда Лейпцигдаги мунозарада Лютер, черков папасиз ҳам яшай олади, деган фикрни билдирди. У руҳонийларнинг алоҳида бир уюшмалигини рад қилди ва худо қошида ҳар бир христиан маълум даражада ўзи руҳонийдир, деди. У Ян Гус билан ҳам-фикр эканлигини умум олдида эълон қилди ҳамда улуг чех реформаторини гулҳанда куйдирганларини қоралади. Папа 1520 йилнинг иккинчи ярмида Лютерни муртад сифатида черковдан ҳайдаб юбориш тўғрисида булла чиқарганида, Лютер бунга ҳеч қандай эътибор бермади. Студентлар папанинг бу булласини Виттенберг университетининг ҳовлисида тантанали суратда куйдириб ташладилар. Кўп ўтмай Лютер папа булласини ҳақорат қилиб, «Дажжолнинг булласига қарши» деган памфлет ёзди. Лютер энди папанинг ўзини дажжол деб атади. Лютер бу памфлетда янги император Карл V га мурожаат қилиб, Римни папа қўлидан тортиб олишни ва Герман империясидаги черков ерларининг ҳаммасини мусодара қилишни таклиф этди.

Герман жамиятидаги турли-туман элементлар, яъни папа ҳокимияти ва католик черковига қарши чиқувчи энг мўтадил элементлар билан бирга энг сўл элементлар маълум вақтгача Лютер атрофига бирлашдилар. «Лютер отган яшин нишонча бориб тегди. Бутун немис халқи ҳаракатга келди. Бир томондан, деҳқонлар ва плебейлар Лютернинг попларга қарши хитобномаларини, унинг христиан эркинлиги тўғрисидаги тарғиботини қўзғолонга даъват деб билдилар; иккинчи томондан, энг мўтадил бюргерлар ва қуйи дворянларнинг анча қисми унга қўшилди; умумий оқим ҳатто князларни ҳам ўзига жалб қилди. Уларнинг баъзи бирлари ўз золимларининг ҳаммасидан ўч олиш вақти

келди деб ўйлар, бошқалари фақат попларнинг қудратига ва Римга бўлган қарамликка чек қўйишни, католик иерархиясини тугатишни ва черков мол-мулкини мусодара қилиш йўли билан бойлик орттиришни истар эдилар»¹. Кўпгина гуманистлар Лютер томонини олдилар. Улар орасида Ульрих фон Гуттен ва яна бир машҳур гуманист-филолог Филипп Меланхтон (1497—1560) ҳам бор эди. Кекса авлод гуманистлари — Роттердамский ва Рейхлин реформацияга қўшилмадилар.

Вормс рейхстаги ҳамда католик черковига қарши бирлашган фронтнинг бузилиб кетиши. 1521 йил 28 январда Вормс шаҳрида яқиндагина сайланган император Карл V иштирокида рейхстаг очилди. Император «бидъат»га мутлақо қарши эди. У кўп мулоҳазаларга кўра папани қувватларди. Католицизм императорга исёничи князларга қарши курашиш учун суянчиқ куч сифатида зарур эди. Папа эса императорга Францияга қарши Италия олиб борадиган урушда иттифоқчи сифатида ҳам зарур эди.

Сеймга чақириб келтирилган Лютерга ўз қарашларидан воз кечиш таклиф этилди. Лютер ўз позициясида маҳкам туриб олди ва унинг қарашлари нотўғрилиги «муқаддас китоб»га асосланиб исбот этилган тақдирдагина ўз фикрларидан қайтишини айтди. Рейхстаг Лютер иши юзасидан ҳеч қандай қарор чиқармади ва реформатор эркинликда қола берди. Фақат 1521 йил май ойида, рейхстаг аъзоларининг кўпчилиги тарқалиб кетгандан кейингина, Карл V Лютерни қамоққа олиш тўғрисида эдикт (фармон) чиқарди. Аммо Саксония курфюрсти Лютерни ўзининг Вартбургдаги қасрига яширди, бу ерда Лютер тамомила беҳатар яшади.

Лютер Вартбургда 1522 йил мартигача, ўз жойи Виттенбергга бемалол қайтиб бориш мумкин бўлганга қадар турди. Император француз королига қарши уруш билан банд эди. Кўпчилик князларнинг ўзлари реформациядан манфаатдор бўлиб қолган эдилар. Лютерни қамоққа олиш ҳақидаги 1521 йил эдикти ижро қилинмай қола берди.

Лютер Вартбургда турганида, тавротни латин тилидан немисчага таржима қилиш билан машғул бўлди. Таржима 12 йилдан кейингина тугади. Аммо таврот таржимасининг баъзи қисмлари 20-йиллардаёқ халойиқ орасига тарқалиб, Германиядаги деҳқон-плебей оммасига катта таъсир кўрсатди, улар тавротнинг айрим жойларидан ўзларининг социал талабларини асослаш учун фойдаландилар.

1517—1520 йилларда папага қарши кўтарилган мураккаб составли оппозиция бу вақтга келиб (1521—1522 йилларда) бўлиниб кетган эди. Лютер борган сари ўз реформасини «тинч» йўл билан, «легал» тарзда, дунёвий князь ҳокимияти ёрдами билан амалга оширишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. У бюргер-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Дин тўғрисида, Ўздавиашр, 1956 йил, 83-бет.

князларнинг мўътадил реформацияси лагерига бошчилик қилди. Бу реформациядан мақсад герман черковини пападан ажратиб олиш, черков мол-мулкини мусодара қилиш ҳамда черковни князь ва бюргерлик фойдасига хизмат қиладиган тарзда ташкилий жиҳатдан қайта қуриш эди. Лютер ҳам, унинг тарафдорлари ҳам биронта социал реформа ўтказиш тўғрисида ўйламаган эдилар. Мўътадил Лютерчилар реформация лагерига қарама-қарши бўлган яна бошқа икки лагерь тузилди: бунинг бири реформацион феодал-католиклар лагерига бўлиб, унинг бошида император ҳамда князларнинг бир қисми турар, шаҳарлардаги патрицийларнинг юқори табақаси ҳам шу лагерга мансуб эди; иккинчиси революцион, плебей-деҳқонлар реформацияси лагерига бўлиб, бунинг йўлбошчиси радикал-демократ воиз Томас Мюнцер эди.

Халқ реформацияси. Анабаптистлар. Лютернинг мўътадил реформасига норозилик дастлаб Саксониянинг саноат корхоналари кўп бўлган Цвиккау шаҳрида (мовут тўқиш саноати тараққий қилган маркаслардан бири) билдирилди, бу ерда 1520 йилда анабаптистлар (ёки қайта чўқинтирилганлар) мазҳаби ташкил топди. Бу мазҳабнинг бошида тўқувчи халфа Николай Шторх турарди. Анабаптистлар икона ва маросимларнинг тугатилишини талаб қилдилар; улар катта бўлгандан кейингина чўқинтиришни тан олдилар (болалик чоғида чўқинтирилганларни қайтадан чўқинтирдилар); «ички ваҳий» (внутреннее откровение)га ишонардилар ва «пайгамбарлик» даври келди, деб ҳисобладилар. Анабаптистлар ер юзида янги, «илоҳий салтанат»нинг йиллиги, яъни ҳозирги синфий тузумга қарама-қарши бўлган қандайдир тартиб ўрнатилишини унча аниқ бўлмаган тарзда тасаввур қилардилар. Томас Мюнцер Цвиккауга кўчиб келиб, у ердаги черковлардан бирига руҳоний бўлиб олгандан кейин Цвиккау анабаптистларининг социал қарашлари анча аниқроқ шаклланди.

Томас Мюнцер (тахминан 1490—1525 йиллар) аввал бошда Лютернинг папа черковига қарши чиқишларини қизғин табриклади. Аммо сал ўтмай Лютер реформасининг мўътадил характеридан ҳафсаласи пир бўлди ва ўз диний ҳамда социал-сиёсий қарашларида Лютер реформасидан кўра анча радикал бўлиб чиқди. Мюнцер ўз ваъзларида католик руҳонийларига қаршигина эмас, балки дунёвий феодалларга ва бойларга ҳам қарши ҳужум қилиб чиқди. Мюнцер Лютернинг аксича, эътиқоднинг асосий манбаи таврот эмас, балки «жонли ваҳий» деб биларди; аслида у «жонли ваҳий» деб инсон идрокини назарда тутарди. У Исони оддий бир киши деб, устоз ва пайгамбар деб ҳисобларди. Мюнцер ҳам (анабаптистлар сингари) ер юзида «илоҳий салтанат» бўлади деб таълим берарди. Аммо у «илоҳий салтанат»ни аниқроқ таърифлар ва унинг таърифида бу замон ўзига хос социал революция характерига эга эди. «Мюнцер илоҳий салтанат деб, синфий тафовутлар ҳам, хусусий мулк ҳам, жамият аъзоларига қарама-қарши ва ёт бўлган ҳамда ажралиб

турган давлат ҳокимияти ҳам бўлмайдиган ижтимоий тузумни назарда тутгандир»¹. Мюнцер феодал тузумига ҳамда унинг социал иерархияси ва синфий зулмига қарама-қарши қилиб «...социал тенг республиканинг минг йил салтанат қилиши тўғрисидаги ўзининг хаёлий тасвири»² қўйган эди. Бундай «илоҳий салтанат» келишини Мюнцер революцион иш деб билар эди.

«Бутун дунё жуда қаттиқ ларзаларга бардош бериши керак; шундай ҳодиса рўй берадики, худосизлар ағдариб ташланади, хор бўлганлар эса улуғланади»³.

«Худосизлар» деб Мюнцер князлар, рицарлар, шаҳар патрицийлари ва бошқа ҳамма эксплуататорларни назарда тутган. Мюнцер умумий христиан иттифоқи тузишга чақирган, бу иттифоқ эса барча «худосиз золимларга» хотима бериши лозим бўлган.

Мюнцер анабаптистларнинг раҳбарлари билан биргаликда Цвиккаудан ҳайдалгандан кейин турли жойларда бўлди: Чехияда яшайди (бу ерда гусчилар ҳаракати тарафдорларидан сақланиб қолган кишилар билан алоқа боғлади), Тюрингияда (бу ерда у бир қанча вақт Альтштеттда яшади) ва Швабияда бўлди; ниҳоят, 1525 йилда, деҳқонлар уруши вақтида Мюнцер Мюльгаузен шаҳридаги (бу ҳам Тюрингияда) революцион ҳаракатга бошчилик қилди.

Рицарлар қўзғолони. «Лютернинг черковга қарши исёнга чақирishi иккита сиёсий қўзғолонга сабаб бўлди: аввал 1523 йилда Франц фон Зиккенген бошчилигида паст даражалӣ дворянлар қўзғолони кўтарилди, сўнгра — 1525 йилда Улуғ деҳқонлар уруши бошланди»⁴.

Рицарлар қўзғолони Рейн областида бўлди. Бу областдаги ва қисман унга қўшни бўлган Франкония ва Швабиядаги рицарлар 1522 йил августда Ландау шаҳрида съездга тўпландилар ва олти йил муддатга иттифоқ туздилар. Бир неча қаср эгаси Франц фон Зиккенген (1481—1523) бу иттифоққа бош бўлди. 1522 йил сентябрда Зиккенген 6—7 минг кишилик рицарлар отряди билан Трир архиепископи Рихардга қарши отланди. Зиккенген архиепископнинг пойтахти Трирни жуда тез эгаллаб олишга умид боғлаган эди. Аммо рицарлар шаҳарни ололмадилар. Қўшни князлар — Пфальц курфюрсти билан Гессен ландграфининг қўшиллари архиепископга ёрдамга келишди. Уларнинг қўшини 30 минг кишига яқин эди. Зиккенген ва унга қўшилган Гуттен рицарларга шаҳарликлар ёрдам беради деб ишонган эдилар, лекин уларнинг бу умидлари бутунлай пучга чиқди. Шаҳарликлар рицарларга савдони ривожланишига

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Дин тўғрисида. Ўздавнашр, 1956 йил, 91—92-бетлар.

² Шу жойда.

³ Шу жойда, 93-бет.

⁴ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар. Ўздавнашр, II том, 1959 йил, 107-бет.

халақит берган ва мамлакатда доимо анархия вужудга келтирган босқинчилар ва таловчилар деб қарашда давом этардилар. Деҳқонлар ҳам рицарларга ишонмадилар, уларни хўжайинлар ва эзувчилар деб ҳисоблардилар.

Князлар рицарларни Трирдан улоқтириб ташлаб, ўзлари Зиккенген ер мулкига қараб юрдилар. Князлар унинг бош қасри бўлган Ландштулни ишғол қилганларида Зиккенген оғир ярадор бўлиб, қасрга кириб келаётган ғолиблар кўз олдида ўлди. Рицарлар кўзғолони мағлубиятга учради. Шу вақтдан бошлаб немис рицарлари ҳар қандай сиёсий мустақилликдан маҳрум бўлдилар. Улар тамомила князларга тобе бўлиб қолдилар, чунки эксплуататорлик манфаатларининг бир хил бўлиши уларни князлар билан боғлар эди.

1525 йилги деҳқонлар уруши. Деҳқонлар уруши деб ном олган деҳқонлар кўзғолони тамомила бошқа характерда эди. 1522—1523 йиллардаги рицарлар ҳаракати тор сословиечилик тусида бўлган бўлса, 1524—1525 йиллардаги деҳқонлар уруши бунга қарама-қарши равишда кенг, оммавий халқ ҳаракати тусини олди ва Германия территориясининг катта қисмига ёйилди ҳамда эски феодал социал сиёсий тузумининг бутун негизини кўприб ташлаш хавфини туғдирди. Деҳқонлар уруши уч асосий районга: 1) Швабия, 2) Франкония ва 3) Тюрингия — Саксонияга ёйилди. Кўзғолоннинг бу учта асосий районидан ташқари, бошқа районлар ҳам ҳаракатга тортилди: ғарбда — Эльзас, шарқда — Тиролдаги Юқори Австрия, Штирия, Каринтия ва Крайнадаги Альп тоғи районларида ҳаракат бошланди. Шарқий районларда ҳаракат 1526 йилда ҳам, яъни ғарбда ҳаракат бостирилгандан кейин ҳам давом эта берди.

Швабиядаги кўзғолон. Швабиядаги деҳқонлар кўзғолони Швейцария чегараси яқинидаги Шварцвальд округида 1524 йилнинг ёзидаёқ бошланган эди. Штюллинген ландграфлигида кўзғолон кўтарган деҳқонлар (1524 йил 24 июнда) ўз помешчик-графларига баршқина мажбуриятини тўлашдан бош тортдилар. Кўп ўтмай, кўшни монастырь (авлиё Власий монастыри) деҳқонлари ҳам граф деҳқонларига қўшилдилар. 1524 йил ёз фаслининг охирига келиб, кўзғолончиларнинг сони салкам 3500 кишига етди. Улар қуроли отряд туздилар, бу отрядга илгари французларга қарши урушда қатнашган ва шу сабабли ҳарбий ишни яхши билган Ганс Мюллер деган деҳқон бошчилик қилди.

Мюнцер издошларидан бири бўлган Балтазар Гурмайер деган воиз Мюллернинг ёрдамчиси эди. Вальдсгут шаҳарчаси кўзғолончиларнинг маркази бўлди. Бу вақт император ҳамда жанубий Германиянинг кўпгина феодаллари Францияга қарши уруш билан банд бўлганликлари туфайли Швабияда қолган феодаллар жуда қийин аҳволга тушиб қолган эдилар. Дуруст, Швабияда князлар, рицарлар ва шаҳарларнинг Швабия иттифоқи деб аталган иттифоқига қарашли «ёлланма отряд тусидаги мунтазам кўшиннинг ўзига хос бир тури бор эди, аммо

унинг кучлари катта эмас, сон жиҳатдан қўзғолончи деҳқонларга нисбатан деярли икки барабар кам эди. Жанубий Швабия феодаллари ўзларининг етарли даражада кучли эмасликларини сезиб, бир неча ойлар мобайнида деҳқонлар билан «тинч музокаралар» олиб бориб, лоақал қўзғолоннинг кенгайиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилиб турдилар. Аммо 1525 йилнинг январда деҳқонлар «жаноблар»нинг турли ваъдалар бериб уларни алдаётганларини пайқадилар. Музокаралар тўхтатилди. Ҳаракат тезда бутун Швабияга ёйилиб кетди. 1525 йилнинг дастлабки уч ойи ичида Швабияда яна бир неча қуроли отряд ташкил топди. Энди бундай отрядларнинг сони олтитага етди¹, қуроланган кишиларнинг сони эса 30—40 мингга бориб қолди. Гейшнинг юқори томонидан тортиб, Юқори Дунайдан шарққача то (шарқшимолдаги) Ульм шаҳрига қадар ва шарқи-жанубдаги Боден кўлигача бўлган бутун ўлкани оммавий деҳқонлар қўзғолони қамраб олди. 1525 йил 6—7 мартда Мемминген шаҳрида Швабия деҳқонлари олтита отряди раҳбарларининг съезди бўлди. Съездда «Ун икки модда» номи билан деҳқонлар талабларининг программаси қабул қилинди.

Деҳқонлар бу программаларида шахсий крепостной ҳуқуқининг бекор қилинишини (3-модда), деҳқонлардан тортиб олиingan жамоа ерларининг уларга қайтариб берилишини (4, 5 ва 10-моддалар), баршчина, штраф ва оброкларнинг чеклаб қўйилишини (6, 7, 8, 9 ва 11-моддалар) талаб қилган эдилар. Деҳқонлар ҳар қандай ушурнинг бекор қилинишини (2-модда) ва ўз қишлоқ пасторларини сайлаб қўйиш ҳуқуқи берилишини (1-модда) ҳам талаб қилган эдилар. «Ун икки модда» феодализмга қарши муҳим ҳужжатдир. Лекин у жуда мўътадил характерда ёзилгандир. Деҳқонлар помешчикларнинг ерларини мусодара қилишни талаб қилмаганлар, баъзи мажбуриятларнинг сақланиб қолишига рози бўлганлар; помешчиклар босиб олган жамоа ерларини башарти бошқа бирон кишига сотиб қўйган бўлса, қайтариб олиган бу ерлар учун ҳатто пул тўлашга ҳам рози бўлганлар. Бу жиҳатдан «Ун икки модда» Томас Мюнцер томонидан ёки унинг издошларидан бири томонидан у Швабияда турган чоғида тузилган «Мактуб — тезисларнинг» (немисча — Artikelbrief бутунлай тескариси эди. Бу муҳим ҳужжатда деҳқон-плебейлар ҳаракатининг аниқ тактик программаси акс эттирилган эди. Томас Мюнцер феодаллар билан ҳеч қандай битишувга рози бўлмасликни талаб этган эди. Князлар, рицарлар, руҳонийлар қўлидаги ерларнинг ҳаммаси жамоалар қўлига ўтиши керак эди. «Мактуб — тезислар»да баршчина ёки оброк тўғрисида ҳеч қандай гап йўқ эди. Деҳқонларнинг «Христианлар иттифоқи»га бўйсунишдан бош тортган феодалларга халқ душманлари деб қаралиши ва улар қаттиқ жазога тортилиши (ҳаммининг олдида муртад қилиниши) лозим эди.

¹ Шварцвальд — Гегау, Балтринген, кўл бўйи (Боден), Юқори Алльгау, Куйн Алльгау ва Лейпгем отрядлари.

Аммо Швабия деҳқонларининг помешчик ва феодалларга келишувчилик қилишларидан ташқари тактика соҳасида бошқа катта камчиликлари ҳам намоён бўлиб қолди. Деҳқонларнинг кучлари етарли даражада бирлашмаган эди. Уларнинг отрядлари тарқоқ ҳолда ҳаракат қиларди. Ҳар қайси отряд феодаллар билан ўзича алоҳида яраш битими тузар, бунинг бошқа отрядларга қандай таъсир этиши билан иши йўқ эди. Швабия иттифоқи қўшинларининг қўмондони Георг Трухзес ана шуларнинг ҳаммасидан фойдаланди.

Трухзес ўз талабларини ишлаб чиқиб, март бошларида деҳқонларга яна сулҳ музокаралари бошлашни таклиф қилди. Помешчик ва деҳқонларнинг 2 апрелга тайинланган қўшма кенгашлари «Ун икки модда» ни муҳокама қилишлари лозим эди. Лекин шу кунни Трухзес қўзғолони деҳқон отрядларидан бирига Ландкнехтлар (Лейптем отрядига) хоинларча ҳужум қилди ва уни янчиб ташлади. Ландкнехтлар бошқа бир қўшни отряд — Балтринген отрядига ҳам қисман талафот етказди. Шундан кейин учинчи бир қўл бўйи отрядига (Боден ёки Констанц қўли қирғоқларида) ҳужум бошлаб, Трухзес жиддий қаршиликка учради. Аммо шунга қарамасдан Трухзес бу отряднинг ва юқорида тилга олинган Балтринген отрядининг йўлбошчиларини ўзи билан сулҳ шартномаси (1525 йил 17 апрелдаги Вейнгартен шартномаси) тузишга мажбур этди.

Шундан кейин Трухзес ўз кучларини бу вақтда қўзғолон авж олиб кетган Франконияга кўчириш имкониятига эга бўлди.

Франкониядаги қўзғолон. Франкониядаги қўзғолон 1525 йил март охирларида бошланиб, 1525 йил апрель бошларида айниқса кучайиб кетди. Бунда ҳам деҳқонларнинг биринчи қуролли отряди тузилди. Франкониядаги отрядларнинг состави Швабиядаги отрядларникидан кўра анча мураккаб эди. Деҳқонлар билан бирикда кўпгина рицарлар ҳам ҳаракатга қўшилди. Рицарлар деҳқонларнинг отрядларида кўпроқ командирлик вазифаларида эдилар. Бир қанча шаҳарлар, чунончи, Роттенбург, Гейльбронн, Вюрцбург ва бошқалар ҳам Франкониядаги қўзғолончиларга қўшилди.

Франкониядаги энг катта отрядлар: 1) Роттенбург шаҳри районида тузилган ҳамда Стефан фон Менцинген ва Флориан Гейер деган рицарлар бош бўлган Тауберталь лашкари (Гейер отряди «Қора отряд» деган алоҳида ном олган эди); 2) маркази Гейльбронн шаҳрида бўлиб, Георг Мецлер деган деҳқон ва Вендель Гиплер деган дворян бошчилик қилган Оденвальд лашкари; 3) Яков Рорбах деган деҳқон бошчилигидаги (Неккар дарёси водийсида тузилган) неккар лашкари ва 4) Вюртембергда бюргер Фейербахер бошчилигидаги «Порлоқ деҳқон отряди» эди. Оденвальд ва Неккар лашкарлари 1525 йил апрель ойи ўрталарида «Порлоқ отряд» номли умумий бир қўшин бўлиб бирлашдилар. Қўшинларга Гецфон Берлихенген деган рицарь бошчилик қилди.

Франкониядаги қўзғолончилар юзлаб қаср ва монастирларни босиб олдилар ва вайрон қилдилар. «Порлоқ отряд» босиб олган энг катта қасрлардан бири граф Гельфенштейнга қарашли Венсберг қасри эди. Деҳқонларга нисбатан шафқатсизлиги билан ном чиқарган граф Гельфенштейнни қўзғолончилар ушлаб олиб ўлдирдилар. Бошқа маҳаллий феодалларни товон тўлашга мажбур этдилар. Франкониядаги қўзғолончилар ҳам ўзларининг программ талабларини ишлаб чиқдилар. Бу программ талаблар «Гейльбронн программаси» деган ном билан машҳурдир. Бу программани асосан Вендель Гиплер таҳрир қилган эди.

«Гейльбронн программаси» 1525 йил май ойининг 9—12 кунларида тузилган эди.¹ Франкониядаги ҳаракатга қатнашган қўзғолончиларнинг турли-туманлиги бу программанинг мазмунидан ҳам аниқ кўриниб турибди. «Гейльбронн программаси» шунг бир неча моддаси (у ҳаммаси бўлиб 14 моддадан иборат) рицарларнинг манфаатларини кўзда тутиб тузилган. Рицарлар давлат мулкига айлантирилган черков мулки фондидан ер билан таъмин этилиши лозим бўлган. Империя судида улар анча ўрин тутиши керак бўлган. Программа бюргерларга ички таможня чегараларини йўқ қилишни, ягона пул, узунлик ва вази ўлчови жорий қилишни, эски патриций корпорациялари қўлидаги савдо монополиясини бекор қилишни ва шунингдек империя судига қатнаштиришни ваъда қилган эди. Империянинг марказий ҳокимиятини мустаҳкамлаш масаласи (князликларга бўлиниб кетишга қарама-қарши ўлароқ) программада яққол кўриниб турар эди. Деҳқонлар масаласида эса «Гейльбронн программаси» деҳқонларни крепостной қарамликдан тўлов бериш бараварига озод қилиб, эркин ер эгаларига айлантиришни талаб қилган эди. Тўлов шартлари эса жуда оғир эди. Деҳқонларга бир йиллик тўловларига (оброк, баршчина ҳақи ва ҳоказоларга) йигирма баравар келадиган тўловни бир йўла бериш таклиф этилган эдики, бундай тўловни ўзига тўқ, бадавлат хонадонгина бера олар эди. Деҳқонлардан тортиб олинган жамоа ерларини яна ўзларига қайтариб бериш ҳақида Швабиянинг «Ўн икки моддасида» кўрсатилган талаблар «Гейльбронн программасида» («Ўн икки моддага изоҳ» деб аталган қисмда) рад қилинган эди.

«Гейльбронн программаси»нинг буржуа характерда бўлганлиги жуда равшандир. Ўз даврида ҳали ҳар қандай расмий ижтимоий алоқалардан ташқарида турган пролетариат куртаклари бўлган синфнинг вакили сифатида Мюнцер коммунизмининг қандай ҳис қилолган бўлса, миллат ичидаги барча прогрессив элементларнинг тенг таъсир этувчи кучларининг вакили бўлган Вендель Гиплер ҳам *ҳозирги замон буржуа жамиятини* олдиндан

¹ XV асрнинг 90-йилларидаёқ пайдо бўлган ва «Император Сигизмунд реформацияси» намунаси асосида тузилган «Император Фридрих III реформацияси» деб аталувчи памфлет Гейльбронн программасига асос қилиб олинган эди.

ҳис қила билди»¹. Гиплер программаси кенг деҳқонлар оммасини қаноатлантира олмас эди. «Ун икки модда» да қўйилган демократик талабларнинг бюргерлар томонидан ревизия қилиниши деҳқонларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Аммо «Гейльбронн программаси» амалга ошмай қолди.

Гейльброннда худди программа муҳокама қилинаётган вақтда, Трухзес Вейнгартен сулҳидан кейин Швабияда тинч фурсат бошлангандан фойдаланиб Франкониядаги қўзғолонни бостирмоқда эди. 12 майда Трухзес (Беблинген ёнидаги жангда) Фейербахернинг Вюртенберг отрядини тор-мор қилди. Асир олиган Яков Рорбах Трухзес буйруғига мувофиқ секин ёниб турган ўтда куйдирилди.

Франконияликларнинг 20 минг кишидан иборат асосий кучлари бу вақтда Вюрцбургга яқин жойда Фрауэнберг қалъасини қамал қилаётган эдилар. Гец фон Берлихенген бошчилигидаги «Порлоқ отряд» Гиплер маслаҳатига мувофиқ Трухзес томонга қараб кетди. Лекин қўзғолончи қўшинлар тарқалиб кета бошлаган эди. Қўзғолончиларнинг жўпи ўз қишлоқларига маҳаллий князларнинг жазо отрядлари юборганликларини эшитиб, қўшинларини ташлаб кета бошлади. Гец фон Берлихингеннинг ўзи эса Трухзес билан музокара бошлаб, қатъий жанг арафасида ўз армиясини ташлаб кетиб, хоинлик қилди. Ҳарбий бошқисиз қолган франкониялик қўзғолончилар Трухзес ландскнехтларининг тазйиқига бардош бера олмадилар. Улар 2 июнда Кёнигсгофен ёнида Таубер дарёси бўйида тамомила тор-мор қилинди. Шундан икки кун кейин, 4 июнда Трухзес Зульцдорф ёнида Флориан Гейер бошчилигидаги «Қора отряд»нинг қолган-қутганларини ҳам янчиб ташлади. 7 июнда Трухзес Вюрцбургни ҳам қуришаб олди. У Вюрцбург патрицийларининг хоинлиги туфайли шаҳарни ишғол қилишга муваффақ бўлди ва франконияликларнинг ҳали 5 мингга яқин кишиси қолган сўнгги отрядини қуролсизлантирди.

Швабиядаги қўзғолоннинг бостирилиши. Трухзес бу ердаги қўзғолончиларни тамомила тинчштишни маҳаллий князларга қолдириб қўйиб, ўзи Швабияга қайтиб келди ва у ердаги деҳқонларнинг қуролли отрядларидан қолган-қутганларини тугатди. Собиқ Кўл бўйи отряди билан иттифоқ бўлиб олиб (улардан қарийб 5 минг киши ўзларининг аввалги иттифоқчиларига қарши Трухзес билан бирликда ҳаракат қилишга розилик берган эди), Трухзес гарби-жанубий Швабия деҳқонларининг отрядларини икки марта (16 ва 25 июлда) бўлган тўқнашувда (аввал Шварцвальд, сўнгра Альгеу отрядларини) тор-мор қилди. «Юқори Рейндаги қўзғолоннинг сўнгги таянчи»² бўлган Вальдсгут шаҳри 1525 йил 6 декабрда ишғол қилинди.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 7- том, 413- бет.

² К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 7. стр. 420.

Тюрингия ва Саксониядаги қўзғолон. Тюрингия билан Саксонияда ҳам деҳқонларнинг помешчикларга қарши жуда кўп ғалаёнлари бўлиб ўтди. Саноат ривож топган бу ўлкада қисман шаҳарликлар ва қисман майда деҳқонлар типидagi плебейлар жуда кўп эди. Маҳаллий шаҳарларнинг мовут саноатидаги халфалар ва (шунингдек кўпчилиги ярим деҳқонлардан иборат) кон ишчилари 1525 йилнинг биринчи ярмида ғоят қаттиқ ҳаяжонда эдилар. 1525 йил февралда Томас Мюнцер шу ерга келган эди. У ўз фаолият маркази қилиб империя шаҳри Мюльгаузенни танлади. 17 мартда бу ерда ўзгариш юз берди. Патрийциларнинг шаҳар кенгаши ўрнига янги, демократик кенгаш, «Абадий кенгаш» деган ўзига хос ном олган бошқарма тузилди. Бу кенгаш Мюнцер ва унинг дўстлари таъсири остида бўлиб, улар орасида Мюнцернинг эски шогирди Генрих Пфейфер айниқса актив иш олиб борарди.

Ташкил топган эркин Мюльгаузен коммунаси ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш жиҳатидан биров муҳим тадбирни амалга оширолмади, албатта. Мюнцерга биринчи навбатда демократик вазифаларни ҳал этишга — феодалларга қарши курашишга тўғри келди. У Тюрингия деҳқонларини ва қўшни Мансфельд округидаги кон ишчиларини зўр бериб умумий қўзғолон кўтаришга чақирди. Мюнцер хитобномаларидан бирида: «Евузлар (яъни феодаллар) тирик экан, сиз инсоният бошига тушган даҳшатдан халос бўлолмайсиз, бу сизларнинг урушингиз эмас, худо урушидир» деб ёзган эди. Мюнцер билан Пфейфер кўп ўтмай асосан деҳқонлардан иборат қарийб 8 миң кишилик қуролли отряд ташкил эдилар. Аммо отряд яхши машқ кўрмаган эди. Мюнцернинг ўзи ҳарбий ишда тажрибасиз эди. Қўшни конларнинг эгалари бўлган Мансфельд князлари кон ишчиларига бир оз ён бериб, шу билан уларни ўзларига қарши ҳаракатга қўшилишидан тўхтатиб қолдилар. Кучларини бирлаштирган князлар — ландграф Филипп Гессенский билан Саксония герцоги Георг 1525 йил 16 майда Франкенгаузен шаҳрига яқин жойда Мюнцер лашкарини тор-мор қилдилар. 8 миң қўзғолончидан 5 миңгиги жангда ўлдирилди. Асир олинган Мюнцерни аввал қаттиқ қийнадилар, сўнгра унинг бошини кесдилар. 25 майда Мюльгаузен ишғол қилинди. Қўлга туширилган Пфейфер ва «Абадий кенгаш» нинг бошқа аъзолари ҳам қийноққа солиниб, кейин қатл қилинди. Мюльгаузен шаҳри эса «исёнда» иштирок қилгани учун империя шаҳари ҳуқуқларидан маҳрум этилди.

Шарқий Альп округларида деҳқонлар ҳаракати. 1525 йилги деҳқонлар қўзғолони империянинг жануби-шарқидagi: Зальцбург архиепископлигига ҳамда Габсбургларнинг мерос ерларидаги Тироль, Штирия, Каринтия ва Крайнага ёйилди. Қўзғолон кўтарган деҳқонлар орасида немис деҳқонларигина эмас, балки кўп ҳолларда бу территориядаги маҳаллий аҳолининг аксариятини ташкил қилувчи кўпгина славянлар ҳам бор эди. Ҳаракат Тиролда айниқса муваффақиятли ривожланди. Бу ерда Мюнцер-

нинг издошларидан бири, ҳарбий ишни яхши эгаллаган Микхэль Гейсмайер кўзғолончи деҳқонларнинг йўлбошчиси бўлган эди. Унинг раҳбарлигида деҳқонлар Тиролдаги кўпгина қалъаларни эгалладилар ва кўп миқдордаги монастирларни вайрон қилдилар. Гейсмайерга айтиш вақтда Швабия, Бавария ва Австрия феодалларига, шунингдек Зальцбург архиепископи қўшинларига қарши кураш олиб боришга тўғри келди.

Бир қатор шиддатли жангларда Гейсмайер бу қўшинларнинг бирлашувига имкон бермай, уларни тор-мор қилди.

1526 йилдагина феодалларнинг куч жиҳатдан устуни қўшинлари қуршовида қолган Гейсмайер чекинишга мажбур бўлди. Аммо у қуршовдан чиқиб, ўз отрядларини Австрия Альплари орқали Венеция территориясига эсон-омон олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлди. 1527 йилда ёлланган қотил 1525 йилги деҳқонлар урушининг ғайратли ва талантли йўлбошчиларидан бири бўлган Гесмейернинг умрини завол қилди.

Деҳқонлар урушининг энгилиш сабаблари ва бу урушнинг тарихий аҳамияти. 1525 йилги деҳқонлар уруши мағлубиятга учради. Бу мағлубиятнинг сабаблари жуда равшандир. Деҳқонларнинг тарқоқлиги, уларнинг партикуляриزمи, феодалларга ишонувчанлиги, деҳқонлар ўртасидаги бадавлат элементларнинг «хўжайинлар» билан келишувга мойил бўлганлиги муқаррар мағлубиятга олиб келмай иложи йўқ эди. Бунда деҳқонларнинг иттифоқчилари ҳам анчагина айбдордир. Рицарлар майда феодал-крепостниклардан иборат бўлганликдари сабабли кўзғолон кўтарган деҳқонларга ҳақиқий раҳбар бўлолмас эдилар. Феодал тузумини йўқотишда рицарлардан кўра кўпроқ манфаатдор бўлган бюргерлар ҳам аслида деҳқонларга доим бевафолик қилдилар; уларнинг манфаатига хиёнат қилдилар. Бюргерлар реформациясининг идеологи ва йўлбошчиси бўлган Лютернинг ўзи ҳам деҳқонлар урушини қоралаш учун ишлатмаган сўзи қолмади. Деҳқонлар уруши айтиш қизғин пайтда, буидан газабга келган Лютер: «Қутурган итни қандай ўлдирсалар, уларни (яъни деҳқонларни) ҳам ошқорами, яширинчами уриб, бўғиб, найза суқиб ўлдириш керак», деб ёзган эди.

Капитализм вужудга келаётган даврда буржуа-демократик революцияга раҳбарлик қилиш вазифаси тарихий жиҳатдан буржуазия зиммасига тушар эди. Аммо XVI асрда немис буржуазияси ҳали етилмаган, миллий буржуазия синф бўлиб таркиб топмаган, ўрта аср бюргерлиги доирасидаги чинакам чиқиб кетмаган эди. Германиянинг феодал тарқоқлиги туфайли ҳамма синфларнинг, шу жумладан, буржуазиянинг ҳам ҳаракатида маҳаллийлик ва чекланганлик таъсири ҳали кучли эди. Улуғ деҳқон уришини мағлубиятга олиб келган асосий сабаблардан бири немис бюргерларининг қўрқоқлиги ва кўп вақт хоинлик қилганлигидир.

Шаҳарлардаги плебей элементлар деҳқонлар кўзғолонига жиддий ёрдам кўрсатди. Лекин улар ҳам заиф эди ва ўзлари

ҳам етарли даражада уюшмаганликлари сабабли деҳқонлар ҳаракатига бошчилик қилолмадилар. Тамомила таркиб топиб, яхши уюшган пролетариатгина деҳқонлар ҳаракатига бош бўла олар, ғалибоца демократик революциянинг гегемони бўла олар эди. Аммо XVI асрда Германияда капитализмнинг биринчи куртаклари эндигина пайдо бўла бошлаган эди. Ҳали у вақтда ишчилар синфига айланган пролетариатнинг ўзи йўқ эди.

Лекин, ҳар ҳолда, 1525 йилги деҳқонлар уруши енгилганига қарамай, ўзининг партикуляризмга, XVI асрнинг биринчи чорагида Германияда ижтимоий мuposабатларнинг етук бўлмаганлигига қарамай, ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу уруш Германия тарихининг қаҳрамонона даври эди. Энгельс бундай деб ёзган эди: «Немис халқининг ҳам революцион традицияси бор. Бир вақтлар Германия шундай шахсларни майдонга чиқарган эдики, уларни бошқа мамлакатларнинг энг яхши революцион арбоблари билан бир қаторга қўйиш мумкин; бир вақтлар немис халқи шу қадар зўр ғайрат, сабот ва матонат кўрсатган эдики, бу хислатлар билан марказлашган миллат ажойиб натижаларга эришуви мумкин эди; немис деҳқонлари ва плебейлари ажойиб идея ва планларни илгари сурган эдиларки, бундай ғоя ва планлар уларнинг авлод-аждодларини кўп вақт титратиб, даҳшатга солар эди»¹.

Мазлум меҳнаткаш синфларнинг янги даврдаги тарихий курашлари учун деҳқонлар урушидан олинган энг муҳим сабоқ— пролетариат билан деҳқонлар иттифоқининг зарурлиги ҳақидаги сабоқдир. К. Маркс 1856 йил 16 апрелда Ф. Энгельсга ёзган хатида бундай деган эди: «Германиядаги бутун иш деҳқонлар урушининг қандайдир йўл билан иккинчи марта такрорланиб, пролетар революциясини қувватлашига боғлиқ. Шунда ҳамма иш жойида бўлади»². Пролетариат билан деҳқонлар иттифоқи ҳақидаги таълимот марксизм-ленинизм назариясида энг муҳим моментлардан бири қилиб олинди.

ДЕҲҚОНЛАР УРУШИ МАҒЛУБИЯТДАН КЕЙИН РЕФОРМАЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Императорнинг протестант князларга қарши уруши. Аугсбург диний сулҳи. Деҳқонлар урушининг мағлубиятга учраши Лютер реформациясининг ўзини хавф остида қолдирди. Феодал католиклар лагери 1525 йилдан кейин Германияда католик черковининг ҳукмронлигини тўла тиклашга ҳаракат қилди. Аммо бу вақтгача черковдан секуляризация қилинган жуда катта мулкни эгаллаб олишга улгурган империя князларининг кўп қисми бундай реставрацияга қарши эди. Император ва унга тарафдор бўлган католик князлари билан лютеран дини ёки ўша вақтда

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 7- том, 345- бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Икки томли танланган асарлар, II том, Уздавнашр, 1959 йил, 497- бет.

протестантлик дини деб аталган мазҳабдаги кўпчилик князлар ўртасида уруш бошланди.

Протестант князларнинг императорга қарши қаратилган иттифоқи 30-йилларнинг бошидаёқ (Шмалькальден иттифоқи) тузилган эди. Лекин у вақтдаги ташқи сиёсат (Франция ва Туркия билан олиб борилган уруш) Карл V нинг эътиборини кўп вақтгача четга қаратиб турди. Князлар эса бундан фойдаланиб, ўз ерларини черков ҳисобига кенгайтиришда давом этдилар. Фақат 1546 йилда Франциск I билан сулҳ тузилгандан кейингина Карл V Италиядан ўзи билан бирга 40 миң кишилик энг сара испан пиеда аскарларини олиб келиб, князларга қарши уруш (Шмалькальден уруши) бошлади. Князлар жуда тез таслим бўлдилар. Эльбадаги Мюльберг ёнида бўлган жангда (1547 йил 24 апрель) император зўр зафарга эришди ва унга қарши князларнинг бош раҳбари бўлган Саксония курфюрсти Йоганн Фридрихни асир олди. Карл V католицизмни тамомила тиклашга тайёргарлик кўриб, айни замонда империя князларининг территория соҳасидаги ҳуқуқларини камайтирди. Лекин бу ҳол узоқ давом этмади.

Император қудратининг ошиб бориши протестант князларининг ҳам, католик князларининг ҳам унга қарши кенг коалицияси майдонга келишига сабаб бўлди. Папанинг ўзи ҳам Карл V га қарши тузилган князлар блокинн зимдан қувватлади. Князлар қўққисдан императорга ҳужум қилиб (1552 йилда) ўша пайтда Инсбрукда яшаб турган Карл V ни қўшни Каринтияга қочишга мажбур қилдилар. Каринтияни унинг укаси Ферденанд бошқарарди.

Узоқ вақт давом этган сулҳ музокараларидан кейин, 1555 йилда Карл V билан князлар ўртасида Аугсбург сулҳи деб ном олган сулҳ тузилди. Бу шартномага мувофиқ аҳолининг қайси динга эътиқод қилишини белгилаш ҳуқуқи маҳаллий князларга берилди «Мамлакат кимники бўлса, дин ҳам ўшаники» («*Cuius regio, eius religio*») деган принцип эълон қилинди.

Карл V ўз планларининг тамомила барбод бўлганига тан бериб, шу кунёқ тахтдан воз кечди. Империя тахти унинг укаси Ферденандга топширилди. Шундан бир неча ойдан кейин (1556 йилда) Испания, Нидерландия ва Италиядаги ерлар Карл V нинг вориси бўлган ўгли Филипп II нинг қўлига ўтди.¹

Карл V сиёсатининг барбод бўлиши Германия учун марказий ҳокимиятнинг янада заифлашувини ҳамда мамлакатда феодал тарқоқлигининг янада кучаявини билдиради эди.

1525 йилдан кейин анабаптистлар. Мюнстер коммунаси. Деҳқонлар уруши давом этган йилларда анабаптистларнинг сони кўпайган эди. Уларнинг сони Тюрингия ва Саксониядан ташқари яна Рейн шаҳарлари — Вормс, Страсбург ва бошқа шаҳарларда, шунингдек Германиянинг жанубида — Аугсбург ва Уль-

¹ Карл V 1558 йилда Испанияда вафот этди.

ма шаҳарларида айниқса тез ошиб кетган эди. Анабаптистлар Нидерландияда (Голландия шаҳарларида) жуда кўп эди. Улуг деҳқонлар уруши бостирилгандан кейин анабаптистлар қаттиқ жазоларга дучор қилина бошлади. Реакция шароитида баъзи анабаптистлар ҳар қандай курашдан ва зўрлик ишлатишдан воз кечиб, жуда тез итоаткор сектантларга айланиб кетдилар. Уларнинг таълимотича, Исо яна қайтиб ерга тушармиш-у, фаришталар ёрдами билан «минг йиллик дориламон» қураармиш. Чунончи, Страсбургда Мельхиор Гофман деган бир мўйнадўз шундай таълим бериб, Исо гўё 1533 йилда қайтиб келади, деб қаромат қилган. Бироқ анабаптизмда бошқа бир традиция — революцион-демократик традиция ҳам сақланган. Бу традициянинг тарафдорлари «минг йиллик дориламон» «авлиё одамларнинг» ўзлари томонидан барпо қилинади деб фараз этганлар. «Имонсиз зolim»ларни «тақводорлар»нинг ўзлари йиқитмоғи керак. Бундай анабаптистларга 30-йилларда Мюнстер шаҳрида (Ғарбий Германияда—Вестфалияда) бош кўтариб чиқиш учун қулай фурсат топилиб қолди. Бу ерда маҳаллий демократик элементлар ўзларининг феодал епископига қарши бир неча йил давомида қаттиқ кураш олиб борган эдилар. Ниҳоят, 1534 йилда шаҳар епископи ҳайдаб юборган ва ўзини «инжилчилар», яъни протестантлар шаҳри деб эълон қилган эди.

Озод қилинган бу шаҳарда анабаптистлар катта таъсир кўрсата бошладилар. Мюнстерга Нидерландиядан анчагина анабаптистлар келишди. Улар орасида Хаарлем шаҳридан келган новвой Ян Матис билан Лейден шаҳридан келган машиначи Ян Лейденский айниқса ғайратли эди.

Улар ҳар иккаласи Мюнстер кенгашида катта роль ўйнади. Епископ Мюнстерда яна ўз ҳукмронлигини тиклаш мақсадида қўшни феодаллар билан бирга шаҳарни қамал қилган вақтда шаҳар мудофаасига Матис ва у ўлгандан кейин эса Ян Лейденский бошчилик қилдилар. 16 ой (1534—1535) давом этган қамал шаронтида анабаптистларнинг шаҳар кенгаши тенгчилик характеридаги баъзи бир тадбирларни амалга оширди. Судхўрлик ва спекуляция тақиқланди. Аҳоли кўлида бўлган олтин ва қумуш жамоат эҳтиёжларига сарф қилиш учун мусодара қилинадиган бўлди. Маҳаллий монастырларнинг ва князь-епископнинг омборларидан мусодара қилинган озиқ-овқат жамоат ихтиёрига сарфланди (қисман умумий ошхоналарга берилди, қисман оилалар ўртасида тақсимланди). Анабаптистлар қадимги Тавротга тақлид қилиб, Мюнстер шаҳрининг номини Янги Қуддус деб ўзгартирдилар. Ян Лейденский «Янги Исроил подшоси» деб эълон қилинди. У халойиқ ўртасида қадимий Исроил подшолари либосини эслатадиган махсус кийимда ҳозир бўлар эди. Қадимий Исроилдаги 12 қабила сонига мувофиқ 12 бош маслаҳатчи уни қуршаб юрарди. Юқорида келтирилган фактлардан кўринадики, Мюнстер коммунаси ишлаб чиқариш усулини ўзгартирмади. У тенгчилик характеридаги тадбирларни

уруш шароитининг тақозоси билан амалга оширган эди. Бинобарин, Мюнстер коммунаси тузумида коммунистик тузум элементларини қидириш мутлақо нотўғридир. Мюнстер коммунаси тарихидаги энг муҳим нарса бошқадир: ҳужум бошлаган феодал реакцияга Мюнстердаги халқ оммаси 1534—1535 йилларда бир неча ой давомида, ғоят қийин шароитда ғайрат билан қаршилик кўрсатиб турди. Мюнстердаги кўзғолон 1525 йилги деҳқонлар урушининг сўнгги ўзига хос акси садоси бўлди.

Нихоят, 1535 йил 25 июнда ландскнехтлар оломони шаҳарга бостириб кирди, аммо ўшанда ҳам бозор майдонида шиддатли жаиғ бўлди. Қутурган душман аскарлари шаҳар мудофаачиларини битта қўймай ҳаммасини қириб ташлади. Асир олинган Ян Лейденскийга феодаллар алоҳида ўлим жазоси кашф этдилар. Жаллод унинг то жони чиққунча, қиздирилган омбур билан бадапини бурда-бурда қилиб узиб ташлайверди.

XVI асрнинг биринчи ярмида немис маданиятининг юксалиши. Реформация ва деҳқонлар уруши даврида немис маданияти ғоят юксалган эди. XVI асрнинг биринчи ярмида Германияда адабиёт ва тасвирий санъат айниқса муваффақиятли ривож топди. Бу даврнинг энг атоқли шоири Ганс Сакс (1494—1576) бўлган эди. У Жанубий Германиядаги Нюрнберг шаҳрида яшовчи машиначининг ўғли эди. Сакс реформаторларга барвақт қўшилиб, уни ўз асарларида ҳимоя қилди. Сакс ижоди чуқур халқчил характерга эга эди. Унинг кўпдан-кўп қўшиқлари, шванклари ва драматик асарлари кенг китобхонлар доирасига — шаҳарликлар, қисман деҳқонларга мўлжалланган эди. Сакс бойларнинг очкўзлигини ва «катта жаноблар» зўравонлигини фош қилиб, «камбағаллар» манфаатини ҳимоя қилган эди. У мейстерзингерлар (қўшиқ усталари) Нюрнберг мактабининг асосчиси бўлиб, бу мактаб учун мейстерзингер қўшиқларининг махсус циклини ёзиб берди.

Рассом, гравер, тасвирий санъат ҳақидаги кўпгина рисоаларнинг автори А л ь б р е х т Д ю р е р (1471—1528) XVI асрнинг бошларида Германияда атоқли санъат арбоби бўлган эди. Дюрер ҳам Нюрнбергдаги заргарнинг ўғли бўлиб, Нюрнберг гуманистлари билан яқин алоқа боғлаган эди. Дюрер Таврот сюжетларига оид кўплаб картиналар яратиб, уларга миллий халқ мазмунини сингдириб юборди. У дунёвий темаларда ҳам расмлар яратди. У чизган портретлар катта реалистик кучга эга бўлиб, мазмундор пейзаж манзаралари ва ёрқин натюрмортлари унга катта шухрат келтирди. Дюрер гравер сифатида янада кўпроқ шухрат қозонди. У ёғоч ва мис ўймакорлигида юксак маҳоратга эришиб, гравюра ишида катта ўзгариш ясади. Дюрер мисга ўйиб ишлаган катта гравюраларнинг ўзидан 100 дан ортиғи сақланиб қолган.

XVI асрнинг биринчи ярмида Германияда немис тасвирий санъатининг бошқа йирик усталари орасида Катта Лукас Крапах (1472—1553) ҳамда Кичик Ганс Гольбейн


(1497—1543) ажралиб туради. Катта Крапах айни вақтда атоқли rassom ва гравер бўлган эди. У Франконияда туғилган бўлиб, реформациянинг қизгин тарафдори экаплиги у яратган картиналарда намоён бўлди. Реформация арбоблари — Лютер, Меланхтон ва бошқаларнинг портретлари унинг мўй қаламига мансубдир. Крапах бир қанча бадий асарларида папани ва католик руҳонийларини қаттиқ танқид қилган. Кичик Голдъбейн (Аугсбургда туғилган) ўз картиналарида Улуг деҳқонлар урушининг бир қанча манзараларини акс эттирган. У шунингдек Эразм Роттердамскийнинг «бетамизлик мадҳияси» китобига расмлар чизган. Аммо Кичик Голдъбейн портретчи сифатида айниқса шуҳрат қозонгандир. У чизган Эразм Роттердамский, Томас Мор, инглиз короллари Генрих VIII ва Эдуард VI герцог Норфольк ҳамда заргар Томас Моретт портретлари чуқур психологизми, расмнинг нафислиги ва юмшоқлиги, тасвирланаётган шахсларнинг ҳаққоний ва тўла реал бўлиб чиққанлиги билан ажралиб туради.

ХЛІ БОЕ

ШВЕЙЦАРИЯДА ВА ЕВРОПАНИНГ БОШҚА МАМЛАКАТЛАРИДА РЕФОРМАЦИЯ. КАТОЛИК КОНТРЕФОРМАЦИЯСИ

Реформациянинг Европага тарқалиши. Реформация фақат Германия билангина чекланиб қолмади. XVI асрнинг 20-ва айниқса 30-йилларида лютеранлик Скандинавия мамлакатлари — Швеция, Норвегия, Данияга ўтиб кирди. Балтикабўйи мамлакатларида Прус ордени (1525 йилдан бошлаб) секулярлашди ва дунёвий герцогликка айланди. Лютеранлик қисман Англияда, Францияда, Польшада, Венгрияда ўзига тарафдорлар топди. Реформация жанубий Германияга қўшни бўлган Швейцарияда айниқса қулай шароитга эга бўлди. Буржуа реформацияси худди ана шу мамлакатлар (Германиядан кейин) идеологик жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам олға қараб қадам ташлади. Бу ерда протестантизмнинг янги системалари ишлаб чиқилди ва янги реформацион черков ташкилотлари вужудга келтирилди.

XVI асрда Швейцария. Шаҳар ва қишлоқ кантонларининг Швейцария иттифоқи XIII асрнинг охиридаёқ пайдо бўлган эди. 1291 йилда — Ури, Швиц ва Унтервальден дегаи учта «эски» кантон қўзғолони бўлди. XVI асрнинг ўрталарида унга яна бир неча кантон — Цуг, Гларус, Люцерн, Цюрих ва Бери кантонлари қўшилди. XV аср давомида Швейцария иттифоқи немис Габсбургларига қарши, шунингдек, бошқа шимолий италян ва гарбий француз феодалларига қарши курашда ўз озодлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган мустақил федератив давлат сифатида узил-кесил ташкил топди. Бирмунча вақт ўтгач, 1511 йилда



Швейцария иттифоқининг ташкил топиши

тузилган расмий шартномада Швейцария федерацияси империядан мустақил бўлишга эришди. Бу вақтга келиб иттифоқ территория жиҳатидан жуда кенгайиб кетган эди. 1513 йилда унинг

составида 13 кантон, 10 та иттифоқдош ва бир нечтагина қарам (фогтлик деб аталувчи) ерлар бор эди.

Сиёсий жиҳатдан Швейцария XVI асрда жуда хилма-хил эди. Баъзи кантонларга, яъни шаҳар кантонларига ривожланган саноат марказлари (Берн, Цюрих ва бошқалар) бошчилик қиларди, бошқалари, яъни қишлоқ («ўрмон») кантонлари эса иқтисодий жиҳатдан орқада қолган округлар эди. Айрим шаҳарларда ҳокимият тепасида таиҳо патрициат турарди (масалан, Бернда), бошқа шаҳарларда (Цюрихга ўхшаш шаҳарларда) шаҳар кенгашиининг состави бирмунча демократик эди. Швейцариянинг анчагина катта шаҳри йирик савдо ва саноат маркази бўлган Женева 1530 йилдагина Савойя герцоги ҳуқумронлигидан озод бўлиб, Швейцария иттифоқига иттифоқдош ер сифатида кирган эди. Аммо унинг федерация составига кантон сифатида батамом киритилишига ҳали анча вақт бор эди.

Швейцария федерациясининг таги бўш ва мужмаллигидан фойдаланиб, йирик қўшни давлатлар Швейцарияни ўз сиёсатларининг қуролига айлантирдилар. Француз короли, герман императори, Рим папаси Швейцария деҳқонларидан ёлланма солдатлар сифатида фойдаландилар. Деҳқонларни ёлланма солдат қилиб сотиш Швейцария бошига битган бало бўлди. Иттифоқ ҳуқумати ўз фуқароларининг қони билан очиқдан-очиқ савдо қиларди. Шаҳар кантонлари чет эл ҳуқуматлари билан қишлоқ кантонлари ўртасида олиб борилган музокараларда одатда востачилик вазифасини ўтар эдилар. Аммо Швейцария иттифоқидаги аҳолининг энг илғор табақалари деҳқонларни ёлланма солдат қилиб сотиш мамлакатга нақадар катта зиён етказишини тушуна бошладилар. Улар кантонларни анча марказлашган ягона Швейцария давлатига жипслаштиришни орзу қилардилар. Янги протестант дини улар Швейцарияни сиёсий жиҳатдан уйғотиш қуроли деб, шунингдек маҳаллий руҳоний ва дунёвий феодалларга қатъий зарба бериш учун кураш формаси деб қабул қилдилар. Бу вақтда маҳаллий феодаллар орқада қолиб келаётган кантонларида сиёсий йўлбошчи сифатидаги ўз аҳамиятларини ҳали йўқотмаган эдилар.

Ульрих Цвингли. Швейцария реформациясига Ульрих Цвингли (1484—1531) йўлбошчилик қилди. Цвингли бадавлат швейцар деҳқонининг ўгли эди; бундан ташқари унинг анча обрўли ва таъсири зўр руҳонийлардан қариндошлари ҳам бўлиб, унинг жуда яхши илм олишига ёрдам бердилар. Цвингли Вена университетини тамомлаб, латин ва грек тилларини яхши ўрганиб олди. Бир қанча вақтгача у гуманист, Эразм Роттердамскийга дўст бўлиб келди. 1518 йилда Цвингли Цюрих соборининг попи бўлди. Цвингли «динни покизалаш» тўғрисидаги ваъзи билан, унинг ўз гапига қараганда, Лютердан олдин, 1516 йилдаёқ майдонга чиққан. Аммо папалик билан муносабатини кейинроқ, 1519 йилда, Цюрих маъмурлари ўз кантонларида индульгенция билан савдо қилишни унинг таклифига мувофиқ

тақиқ этган вақтда узган. 1522 йилда Цвингли «67 модда» сарлавҳали китобини чиқариб, унда у ўз реформациясининг принципларини баён қилиб берди. Цвингли муқаддас китобни Лютерга қараганда анча рационал тарзда талқин қилади. У Исонинг жамолига мушарраф бўлиш расм-одатини Исога сизгинишдан бошқа бир нарса эмас, деб қарайди ва черковда ейилган бир бурда нон билан ичилган муқаддас вино Исонинг таби ва қонига айланиши тўғрисидаги таълимотни рад қилади¹.

Цвингли черкови ташкилий жиҳатдан ҳам анча демократик негизга қурилган эди. Маҳалла жамоасининг раҳбари бўлган пасторни жамоанинг ўзи сайлаб қўярди. Черков жамоалари вакилларининг съезди ўтказиб туриларди. Черков ташкилотлари устандан бош назоратчи кантон ҳукумати эди.

Цвингли реформациясини бошқа шаҳарларнинг (Берн, Базель, Сен-Галлен ва ҳоказо) кантонлари ҳам қабул қилди. Аммо эски қишлоқ, «ўрмон» кантонлари (Швиц, Ури, Унтервальден, Люцерн ва Цуг)нинг патриархал деҳқон аҳолиси ёлланмачилик туфайли папа билан ёки католик француз короллиги ва герман императорлик ҳукумати билан боғлиқ бўлганликлари туфайли янги динни қабул қилишдан қатъий бош торгидилар. Протестантлик шаҳар кантонлари дин байроғи остида ўрмон кантонлари билан уруш бошлаб юбордилар, уларни ўзларига батамом бўйсундириб олишга уриндилар. Бу юришларда Цвинглининг ўзи ҳам актив қатнашди. Цюрихликлар ва иттифоқчиларнинг 1529 йилда олиб борган биринчи уруши муваффақиятли бўлди. «Ўрмон» кантонлари мағлубиятга учраганларидан кейин, уруш харажатларини тўлашга рози бўлдилар ва чет давлатлар билан шартномалар тузиш ҳуқуқларидан воз кечдилар. Аммо 1531 йилда бўлган иккинчи уруш Цюрихнинг мағлубияти билан тугади, Цвинглининг ўзи Каппель ёнидаги жангда ўлдирилди. Бу гал энди шаҳар кантонлари тоvon тўлашга ҳамда «ўрмон» кантонларининг «хорижий сиёсатига» аралашмаслик тўғрисида мажбурият олишга мажбур бўлдилар.

Жан Кальвин. Швейцариянинг бошқа бир чеккасида — Женевада чиққан бошқа бир швейцар реформатори **Жан Кальвин** (1509—1564) бўлди. Кальвин аслида Пикардиядан чиққан француз бўлиб, вилоят амалдорининг ўғли эди. Отаси уни юрист қилмоқчи бўлган. Шу мақсадда Кальвин даставвал Бурж, сўнгра Париж университетида ҳуқуқшуносликни ўрганган эди. Шу билан бир пайтда у жуда чуқур классик маълумотга эга бўлиб, қадимги тилларни пухта ўрганган, тарихни яхши билар, католик ва протестант (лютеранлик) қоидаларини ўрганган эди. Кальвин

¹ Лютер ҳам трансубстанциация ҳақидаги католик таълимотини тан олмаган, аммо «нон ва вино билан» худога яқинлашиш ҳақида аслида католиклар тушуничасига яқин бўлган мурасасизлик руҳидаги формулани тақлиф қилган.

30-йилларнинг бошларида эътиқодли протестант бўлди. Диний таъқиблар туфайли Франциядан кетишга мажбур бўлган Кальвин вақтинча Ғарбий Германияда, Страсбург шаҳрида яшади, сўнгра эса Базелда турди, пировардида у Женевага таклиф этилди. 1536 йилда Базелда у «Христиан динидан қўлланма» деган китобини нашр қилди, бу китоб протестантлар орасида катта муваффақият қозонди. Китоб даставвал латин тилида ёзилган ва нашр қилинган эди. Аммо кўп ўтмай, у француз тилига ва Европадаги бир қанча миллатлар тилига таржима қилинди. Бу китобда Кальвин протестантизм асосларини бирмунча систематик равишда баён қилиб бера олган эди. Бир қанча қоидаларда Кальвин Лютерга қараганда католизмдан хийла узоққа кета билган эди.

Лютер сингари Кальвин ҳам одамзодни «имон халос қилади» деган ақидага асосланди ва қисмат азалдан белгилаб қўйилган бўлади, деган таълимотни илова қилди. Одамзоднинг халос бўлиши батамом худонинг иродасига боғлиқ эмиш. Худо олдиндан оқ («аввалдан») бир хил одамларни халос қилган, бошқа бировларни ҳалокатга маҳкум этиб қўйган эмиш. Жаҳондаги барча одамлар икки категорияга — «сара» одамлар ва «паст» одамлар категориясига бўлинган эмиш. Кальвиннинг таърифиди худо даҳшатли зотга, дунё ва айрим одамларнинг қисматини сўзсиз ҳал қиладиган қандайдир бир тақдирга айлантирилган. Тақдири азал ҳақидаги таълимот янгилик эмас эди. Кальвинга қадар ҳам бу таълимотни турли динлар бир неча марта майдонга ташлашган, айниқса энг оғир пайтларда шундай қилишган эди. Хусусан бу таълимот илк христианлик даврида, христианлик эски мажусийлар идеологиясига қарши Рим жамиятида ўз ўрнини эгаллаш учун кураш олиб боришга тўғри келган даврда кенг тарқалган эди. Ислом дини «кофирлар»га қарши «газот урушлари» даврида тақдири азал ҳақидаги догматга ғоят катта эътибор берган эди. Бу пайтда мусулмон дини Яқин ва Урта Шарқда бир мамлакат кетидан иккинчисини ўз таъсирига бўйсундираётган эди. Аммо XVI аср шароитида бу догмат Европа протестантларида ўзига хос тарзда талқин қилинди ҳамда жиддийроқ идеологик оқибатларга олиб келди.

Кальвиннинг тақдир азалдан белгилаб қўйилгандир, деган таълимоти дастлабки жамғарилиш пайтини ёрқин акс эттирарди. Кальвин XVI асрда бўлиб ўтган социал-иқтисодий ўзгаришларга худо томонидан олдиндан белгилаб берилган қонуний ҳолдир деб қараган эди. Урта асрдаги аскетик қарашларга қарама-қарши ўлароқ, у бойлик тўплашни гуноҳ иш, одамнинг «гуноҳдан халос бўлишига» халақит берадиган нарса деб эмас, балки одамзод эришган муваффақиятнинг бир кўриниши, улга худонинг марҳамати, деб қараган эди. Энгельс Кальвиннинг тақдири азал ҳақидаги таълимотини унинг даври билан боғлаб, XV—XVI асрларда пул муносабатлари ривожланганини ва бу нарса янги диний идеологияда ўз аксини топганлигини кўрсат-

ган эди: «Унинг (Кальвиннинг — ред.) догмаси ўша вақтдаги буржуазиянинг энг жасур қисмининг талабларига мос келар эди. Унинг тақдири азал тўғрисидаги таълимоти — савдо ва конкренция дунёсида омад келиш ёки синиш айрим кишиларнинг ҳаракатига ва маҳоратига боғлиқ бўлмай, уларнинг ихтиёридан ташқари ҳолларга боғлиқ эканлигини диний шаклда ифода қилишдан иборат эди. Буни бирон кишининг хоҳиши ёки ҳаракати белгиламайди, балки қудратли, лекин қўрқинмайдиган иқтисодий кучларнинг мархамати белгилайди. Бунинг тўғрилиги иқтисодий ўзгариш вақтида, барча эски савдо йўллари ва савдо марказларининг ўрнини янгилари олаётган, Америка ва Ҳиндистон очилган, ҳатто азалдан иқтисодий этиқод симболи бўлиб ҳурматланиб келган парсанинг, яъни олтин ва кумушнинг қиймати тушиб кетган бир вақтда айниқса яққол кўрипти!».

Кейинчалик Кальвиннинг шогирдлари, айниқса унинг инглиз издошлари — пуританлар орасида тақдирнинг азалдан белгилаб қўйилганлиги ҳақидаги таълимот «дунёвий вазифа» деб аталмиш таълимотга айланиб кетди, бу таълимотга кўра, одамнинг бутун амалий фаолияти унинг «бурчи», «вазифаси», «худонинг амри» ни амалга оширишдан иборатдир.

Пуританлар эса дастлабки жамғарилиш даврига мос келадиган янги диний-буржуа ахлоқини ҳам батафсил ишлаб чиқдилар. Тежамкорлик, хасислик, меҳнатсеварлик ва мол жамғариш — бу ахлоқнинг энг асосий фазилатлари эди.

Иккинчи томондан, гуманистик маърифат ривожланган шароитда Кальвин таърифлаб берган тақдири азал ҳақидаги таълимот рационалроқ руҳда ҳам талқин қилиниши мумкин эди. Худо, Кальвиннинг таъкидлашича, дарҳол («дунёни яратиш пайтидаёқ») бу дунё қонуларини, дунё қонуниятларини олдиндан белгилаб қўйган — бу билан дунё ишларига ва инсоният тарихи жараёнига худонинг «мўъжизакор» аралашуви мантиқан ортиқча қилиб қўйилган эди. Бу жиҳатдан Кальвин XVII—XVIII асрлардаги сўнги фалсафий деизмнинг узоқ ўтмишдоши бўлган эди.

Кальвин ўзининг янги черков ташкилотига катта аҳамият берган эди. Кальвин черковни «руҳ кишиларидан» иборат «саралар жамоаси» деб билди. Унда интизом жуда қаттиқ бўлган. Реформа қилинган черковни князь-феодаллар назоратига бўйсундирган лютеранликка нисбатан Кальвин черковининг тузилиши анча демократик эди. Ундаги барча маъсбдор руҳонийлар сайланиб қўйилган. Жамоанинг руҳоний раҳбарлари бўлган пасторлардан ташқари Кальвиннинг черков жамоасида шу жамоа қавми ичидан сайланиб қўйилган оқсоқоллар (пресвитерлар) катта роль ўйнаган. Айрим жамоалар иттифоққа бирлашиб, миллий черков ташкил қилганлар, бу черковларга

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Икки томлик танланган асарлар, II том, Уздавнашр, 1959 йил, 107—108-бетлар.

вақти-вақти билан чақирилиб турадиган синод (съезд)лар бошчилик қилган.

Кальвин Женевада маҳаллий протестант партиясига бошчилик қилди. У салкам йигирма беш йил (1540—1564) Женева черковининг тепасида туриб, маҳаллий шаҳар кенгашига катта таъсир кўрсатди. Кальвин бу ерда протестант руҳонийлар академиясини ташкил этди. Бу ердан кальвинчи миссионерлар Европанинг барча мамлакатларига юбориларди. Кальвин турли мамлакатларда яшовчи ўз издошлари билан тез-тез хат ёзишиб турди. У яшаган даврда Женевани «Протестантлар Рими» деб атаганлари бежиз эмас эди.

Кальвин дин соҳасидаги муносабати жиҳатидан ҳам Рим папасига ўхшарди. Папалар еретикларни шафқатсиз таъқиб қилганлари сингари, Кальвин ҳам бошқача фикрдаги кишиларнинг ҳаммасига ғоят чуқур нафрат билан қарарди. Кальвиннинг таклифига кўра, Женева кенгаши худосизликда ва ахлоқсизликда айбланган турли шахслардан 58 тасини қатл қилдирди ва 76 тасини сургунга юборди. Булар орасида машҳур испан олими Мигель Сервет ҳам бор эди, у илоҳий троица тўғрисидаги таълимотни рад қилгани учун 1553 йилда гулханда куйдирилди.

Кальвинчилар Европанинг кўпгина мамлакатларида турли номлар билан черков намояндалари сифатидагина эмас, балки сиёсий арбоблар сифатида ҳам ҳаракат қилардилар. «Кальвинизм Голландияда республика вужудга келтирди, Англияда ва хусусан Шотландияда кучли республикачи партиялар вужудга келтирди»¹.

XVI асрнинг иккинчи ярмида кальвинизм муносабати билан Кальвиннинг ватани Францияда кенг ижтимоий диний-сиёсий ҳаракат пайдо бўлди, бу ҳаракатни давом эттирувчиларга у ерда гугенотлар деб ном бердилар.

Католиклар контрреформацияси. Реформация тўлқини бутун Европага ёйилиб кетадигандай бўлиб кўринган эди. XVI асрнинг 30-йилларида (король Генрих VIII Тюдор замонида) инглиз черкови пападан ажралди, 40- ва 50-йилларда реформация кальвинизм ва бошқа хил протестантлик таълимотлари формасида Нидерландия мамлакатларида жуда кенг тарқалди. Францияда, айниқса унинг жанубида протестант-кальвинистларнинг сони тобора кўпайиб борди. Германияда лютеранлик, шунингдек қисман бу ерга кириб келаётган кальвинизм ҳамда цвингликанчилик католицизмни сиқиб бориб, уни орқага суриб қўйган эдилар. Протестантлик Скандинавия мамлакатларига ёйилди. XVI асрнинг ўрталарида ҳатто Польша билан Венгрияда ҳам Рим черкови учун хавф тугилди.

Бироқ XVI асрнинг ўрталарида ва айниқса иккинчи ярмида католик черкови протестантларга қарши ўзи ҳужум бошлади.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, II том, 108-бет.

У ҳали тамомила умидсиз ҳолга тушган эмас эди. Европанинг ижтимоий тузуми асосан ҳали ҳам феодал тузумидан иборат эди. Капиталистик муносабатлар фақат феодал формация ичдагина тугилиб келаётган эди. Деярли ҳамма давлатлар тепа-сида XVI асрнинг биринчи ярмидаги Буюк деҳқонлар урушидан ҳамда у билан боғлиқ бўлган бошқа халқ ҳаракатларидан қўриқиб қолган феодал синфлар турарди.

Европанинг энг йирик мамлакатларида — Франция, Испания, Австрияда тантана қилган абсолютизмнинг ўзи католицизмга муҳтож эди, унга католицизм идеологик ва сиёсий куч сифатида зарур эди, абсолютизм халқ оммасини, даставвал, деҳқонлар оммасини шу католицизм ёрдами билан итоатда тутишга умид боғлаган эди.

Католицизмнинг афзал томони — унинг протестантлар черкови сингари тарқоқ ҳолда эмас, балки марказлашган ҳолда эканлигида эди. Католик епископлиги, қавм руҳонийлари, турли монахларнинг орденлари бир марказдан — Римдан бошқарилар ва йўл-йўриқ олардилар. Бироқ католик черкови ўзининг ҳукмронлик мавқенини бир даража бўлса ҳам тиклаш мақсадида ҳоким синфларга бир қанча ён беришга мажбур бўлган эди.

Бир қанча мамлакатларда черков қисман секулярлашни, яъни черков ерлари ва бошқа мулкларининг озми-кўпми қисми дунёвий одамлар қўлига ўтишини тан олишга мажбур бўлди. Абсолют ҳокимлик ҳукм сурган давлатларда короллар маҳаллий черковлар устидан илгаригига қараганда яна ҳам кўпроқ ҳокимлик қила бошладилар. Хусусан, бу нарса маҳаллий епископларнинг короллар томонидан белгиланишида ва маҳаллий черков даромадлари улушининг папага ажратилиши устидан у ёки бу маҳаллий ҳукуматнинг назорати ўрнатилганида намоён бўлди.

Католик черкови ўз ичида катта реформалар ўтказиши лозим эди. Протестантизмга қарши олиб борилаётган курашнинг янги шароитлари католиклардан ўз кучларини кўпроқ марказлаштиришни ва папанинг обрўсини янада кўпроқ кўтаришни талаб қиларди.

1545—1547, 1551—1552 ва 1562—1563 йилларда Тридентда (Германия чегарасидаги Тридентда) мажлис қурган Тридент собори протестантлар билан ҳар қандай муросага келишни рад қилди, протестантларнинг ҳаммасини «еретиклар» деб эълон қилди. Собор папани дин ишларида энг мўътабар шахс деб эълон қилди; илгариги барча ақида ҳамда одатлар, руҳонийларнинг целибати монахлик, бутга чўқиниш, қудратга сажда қилиш, худога латин тилида сўғиниш ва шу сингарилар сақлаб қолиниди. Руҳонийларнинг саводини ошириш мақсадида священниклар тайёрлаш учун махсус диний семинариялар барпо қилинди. Айни вақтда католицизм черковнинг «обрўси» га бирор даражада путур етказадиган ҳамда унинг догматлари ва ташкилотига зид келадиган барча янги ғоя ва йўналишларга қарши

систематик кураш олиб борди. Папалар католик ёзувчилар нашр қиладиган адабиётлар устидан қаттиқ цензура ўрнатдилар. Диндор католиклар учун Римда мунтазам суратда «тақиқланган китоблар рўйхати» тузиб бериладиган бўлди. Бу рўйхатларга папага душман бўлган протестант ёзувчиларнинг асарларигина эмас, ҳатто энг янги илмий китоблар ҳам, жумладан, оламнинг тузилишини Тавротдан бошқача тушунтириб берувчи янги астрономия асарлари ва ҳоказолар ҳам киритилди.

Иезуитлар ордени. Янгидан барпо қилинган иезуитлар ордени («Исо жамияти» Societas Iesu) католик реакциясида ғоят катта роль ўйнади. Орденга испан дворяни Игнатий Лойола (1491—1556), асос солган эди. Орденнинг уставини папа 1540 йилда тасдиқлади. Тридент соборидаёқ иезуитлар актив иш бошлаб юбордилар, улар ашаддий папа партиясига (ультрамонстан партиясига) бошчилик қилдилар. Иезуитлар католицизм тантанасини таъминлаш учун ҳеч қандай воситадан ҳам қайтмасликлари билан фарқ қилар эди. Орден ўз ишида «мақсадга эришиш учун ҳар қандай восита ҳам ярайверади» деган шиорни байроқ қилиб олган эди. Иезуитлар бошқа монах орденлари сингари дунёни тарк этмадилар, ўз ҳужраларига бекиниб олмадилар, балки оламни ўз чангалларига кўпроқ чирмаштириб олиш учун шу олам ичида яшадилар. Орден аъзоларни пухта саралаб танлаш асосида тузилди ва унинг ингизоми жуда қаттиқ эди. Орден генерали Римда яшарди, у ғоят катта ҳуқуқларга эга эди, аммо уни орденнинг юқори табақалари сайлаб қўярди ва аслида уларнинг доимий контроли остида иш қилар эди.

Орденнинг оддий аъзоларига ўз бошлиқларининг айтганини ҳеч ўзсиз бажарадиган қурол деб қараларди. «Тобе бўлган одам ўзидан каттага хоҳлаган ёққа айлантириб қўйса бўладиган ўлик жасаддек, ҳар ёққа эгса эгилаверади новдадек, ҳар қандай шаклга солса, солиб бўладиган, истаган ёққа чўзса чўзила берадиган мумдек бўйсунмоғи лозим» (Лойола ваъзидан).

Орден ўз фаолиятини ҳар бир жиҳатдан кенгайтириб юборди. Иезуитлар аҳолисининг бир қисми католик бўлиб, бошқа бир қисми протестантлардан иборат бўлган районларда пропаганда ишларини ўз қўлларига олдилар ва шу районларда (Жанубий ва Жануби-Шарқий Германия, Польша, Венгрия ва бошқаларда) католицизмнинг ҳукмронлигини тикладилар. Иезуитлар руҳонийлар тайёрлайдиган махсус диний мактабларининггина эмас, балки католик руҳда дунёвий маълумот берадиган умумий маълумот мактабларини ҳам ўз қўлларига киритиб олдилар. Бу мактаблар — машҳур коллегиумлар эди, уларда XVI, XVII асрларда ва қисман XVIII асрда Фарбий ва қисман Шарқий Европанинг (Польша) дворян ёшлари маълумот олардилар. Иезуитлар сарой руҳонийлари, яъни король ҳамда маликаларнинг руҳонийлари сифатида ҳам катта сиёсий роль ўйнайдилар. Кўпинча улар абсолютизмнинг маъмурий аппаратларидан юқори лавозимларни эгаллар эдилар. Аммо иезуитларнинг ўзлари ка-

голикларга зид сиёсат юргизувчи королларга ва ҳукмдорларга қарши фитна ва игволар туғдирардилар (Англия, айрим даврларда Францияда). Кўпгина иезуитлар миссионерлар сифатида мустамлакаларга — Жанубий Америка, Ҳиндистон, Ҳинди-Ҳитой, Индонезия, шунигдек Хитойга ва бир вақт Японияга ҳам кириб бордилар.

Европа қитъасида ижтимоий-сиёсий реакция давом этиб турган пайтда иезуитлар муваффақият қозониб турдилар. XVIII асрда Франция буржуа революцияси арафасида буржуа маърифатчилари иезуитларга қарши жуда қаттиқ ҳужум бошладилар. Католик черковининг ўзида иезуитларнинг душманлари кўп эди, бу душманлар орденнинг сиёсати черковга фойдадэн кўра кўпроқ зарар етказди, деб ҳисоблар эдилар. 1773 йилда папа Климент XIV орденни ёпиб қўйди. Аммо 1816 йилда реставрация даврида иезуитлар ўз ишларини яна бошлаб юбордилар.

XII БОВ

XVI—XVII АСРЛАРДА ИСПАНИЯ

Карл I даврида Испания ерлари. XVI аср бошларида Фердинанд ва Изабелла бирлаштириш сиёсатини олиб борганликлари натижасида Испания Европадаги энг йирик давлатлардан бири бўлиб қолди. Испания Гиренея ярим оролининг катта бир қисмини (Португалиядан ташқари) эмас, балки Италиянинг анчагина қисмини (Сицилия ва Сардиния ороларини, Неаполь короллигини) ҳам ўзига қўшиб олди. Фердинанд билан Изабелланинг невараси, уларнинг қизи Хуананинг ўғли Карл (Испанча Карлос) Габсбург¹ Фердинанд ўлгандан кейин 1516 йилда ана шу ерларнинг ҳаммасини мерос қилиб олди ва уларга «Бургундия мероси» деб аталмиш ерларни, яъни Нидерландияни, Люксембург герцоглигини ва Франш-Конте областларини қўшиб олди. Кейинчалик Карл, француз короли Франциск билан олиб борилган уруш давомида Миланни ҳамда Шимолий Италиянинг бошқа бир қанча ерларини ҳам қўшиб олди. 1535 йилда у Тунисни босиб олди. 20- ва 30- йилларда испанлар Америкада Мексика, Перу, Чили, Колумбияни истило қилдилар. XVI асрнинг иккинчи ярмида Испания Филиппин ороларини қўлга киритди. Испания Ер шарининг иккала томонига жойлашган жаҳон давлатига айланди. Испан королининг ерларида «Қуёш сира ботмасди». Габсбургларнинг вужудга келган кўп миллатли жуда катта империясида Испания муҳим ўрин тутарди. Бу империя

¹ Испания короли сифатида Карл I. 1519 йилдан Германия императори сифатида Карл V. Юқоридаги XL бобга — «Реформация ва деҳқонлар уруши даврида Германия» деган бобга қаранг.



XVI асрдаги Испания ва Португалиянинг иқтисодий картаси

ҳатто ўз миқёси жиҳатидан Буюк Карл империясининг ерларидан ҳам анча кенгайиб кетган эди. Карл V Испанияни ўз ерлари орасида энг яхшиси деб ҳисобларди. Испания грандлари императорнинг тўхтовсиз олиб борган урушларидан кўплаб фойда кўрдилар. Аммо габсбургларнинг агрессив «жаҳон» сиёсати Испаниянинг миллий манфаатларини назарда тутмас эди. Испан халқига герман феодаллари билан тузилган иттифоқдан реал фойда олиш ўрнига Карл V нинг буюк давлатчилик сиёсати учун қилинган харажатларини қоплашга тўғри келган эди.

Коммунерос қўзғолони. Карл V Испанияда короллик қила бошлаган дастлабки пайтида коммунерос қўзғолони номи билан машҳур бўлган катта қўзғолон бўлиб ўтди. Мамлакат Фердинанд билан Изабелла даврида бирлашган бўлса-да, XVI аср бошида ҳам Испаниянинг суд ишлари ва маъмурий ишларида жуда ҳам хилма-хиллик сақланиб қолаверган эди. Мамлакатда феодаллар ҳали ҳам бемалол яшамоқда эдилар: уларнинг соловие ҳуқуқлари ва дворянлик имтиёзлари, айниқса дворянларнинг юқори табақаси бўлган грандларнинг имтиёзлари тўла

сақланмоқда эди, эркин коммуна шаҳарлар (айниқса Кастилияда) жуда кўп эди. Сословияларнинг кортеслари илгаригидек катта аҳамиятга эга эдилар. Бирлашган Испанияда бундай кортеслар тўртта бўлиб, улар Кастилияда, Арагонда, Валенсияда, Каталонияда ташкил топган эди. Кортеслар солиқларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга эдилар. Король ҳар қайси (тўртта) кортес олдида қасамёд қилиши лозим эди. 1519 йилда Кастилия кортеслари Карл V га: «Сиз, улуг жаноб, король фақат миллатнинг моянали хизматкори эканини билишингиз лозим», деган эдилар. Карл V нинг кўпчилиги фламандлардан иборат сарой аҳлининг хўжайнлик қилиши (Карл Германияга кетган вақтда Испанияни унинг ноиб кардинал Адриан, архиепископ Утрехтский идора қиларди) Испаниядаги дворянларнинг ҳам, шаҳарликларнинг ҳам қаттиқ норозилигини туғдирарди. Бу норозилик Кастилия кортесларининг 1520 йил баҳорида Карлга юборган қуйидаги учта талабидан иборат эди: 1) Кастилиядан чиқмаслик; 2) олтинни мамлакатдан четга чиқармаслик; 3) олий давлат лавозимларидан чет элликларни олиб ташлаш. Карл бу талабларни рад этди ва 1520 йил майида давлатни идора қилишни яна кардинал Адрианга топшириб, Испаниядан чиқиб кетди. Аммо «фламанд камарильяси» ҳатто испан аристократлари орасида ҳам ўз обрўсини тамомила йўқотиб қўйган эди.

Кастилия шаҳарлари «ажнабий ҳукумат» га айнақса чуқур нафрат билан қарарди. 1520 йил июнь ойида Сеговия савдо шаҳрида қўзғолон кўтарилди. Қўзғолонни Кастилиянинг бошқа шаҳарлари қўллаб-қувватлади. 1520 йил 29 июлда Кастилиянинг ўн бир шаҳри «Муқаддас хунта» номи билан ҳарбий-революцион иттифоқ тузди. Хунтанинг маркази Авила шаҳри эди. Шаҳарларга дворянларнинг бир қисми, ҳатто руҳонийларнинг ҳам айрим қисми қўшилди. Қўзғолонга Толедо шаҳри билан боғлиқ бўлган дворян Хуан де Бадилья, шоир (бу ҳам шаҳарлик дворян) Педро Лесо ҳамда епископ Хуан де Акунья раҳбарлик қилдилар.

Аммо қўзғолоннинг асосий кучи Кастилиянинг коммуна шаҳарлари эди, қўзғолоннинг номи ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, коммунаерос қўзғолони, яъни ўз традицион эркинлиги учун курашган коммуналар қўзғолони демакдир. Аввалига ҳукумат қўзғолонни тезда бостиришни мўлжаллаб, унинг кўламига етарли баҳо бермаган эди. Кўп ўтмай у ўз хатосини тушунди.

Адриан Сеговия шаҳрини зўрлик билан босиб олмоқчи бўлган эди, аммо муваффақиятсизликка учради. Қўзғолончилар ҳукумат қўшинларининг ҳужумини қайтардилар. Бир оз вақтдан кейин король қўшинлари Медина дель Кампо шаҳрини босиб олдилар ва таладилар. Бу шаҳар ўша пайтда Кастилиянинг асосий савдо маркази эди. Аммо бу ҳол ҳаракатни тўхтатолмади, аксинча ҳаракат 1520 йилнинг ёз охирига бориб айнақса кенгайиб кетди, деярли бутун Кастилияни қамраб олди. Вальядолиядаги короллик кенгаши ўз ишини тўхтатди. Кастилия бир

қанча вақтгача короллик ҳукуматининг таъсиридан чиқди. Бироқ ўз социал состави жиҳатидан ҳаракат жуда хилма-хил эди. Грандларнинг бир қисми бошда ҳаракатга бир оз хайрихоҳ билдирган бўлса ҳам ундан тез орада четлашди. Карл уларнинг икки вакилини Адрианга ёрдамчи қилиб тайинлагандан кейин ҳаракатдан юз ўгирди. Урта дворянлар (кабальерос) шаҳарликлар билан бирмушча узоқроқ иттифоқ бўлиб турдилар. Аммо 1521 йилда улар ҳам қўзғолоннинг демократик характерга кираётганини пайқаб, ўзларини ҳаракатдан четга тарта бошладилар. Шаҳар ҳунармандлари, деҳқонлар ва майда дворянлар — идалъго қўзғолонга очиқдан-очиқ антиаристократик тус бера бошладилар. Қўзғолоннинг дастлабки пайтларида, 1520 йилда «Яшасин король, ярамас мишистрларга ўлим!» деган хитоблар тез-тез эшитилиб турган бўлса, 1521 йилда қўзғолончиларнинг хитобномаларидан бирида: «Бугундан эътиборан уруш грандларга, кабальероларга ва королликнинг бошқа душманларига қарши, уларнинг мулки ва саройларига қарши олиб борилади...» деб ёзилган эди.

Король ҳукумати аристократларга суяниб, шаҳар милицияси ва кичик деҳқон лашкарларидан иборат қўзғолончиларнинг отрядларини тор-мор қилди. 1521 йил 23 апрелда Вильярар ёнида ҳал қилувчи қатъий жанг бўлди. Қўзғолончилар батамом тор-мор қилинди. Қўзғолоннинг асир олинган йўлбошчилари қатл этилди. Аммо айрим шаҳарлар узоқ вақтгача қаршилик кўрсатиб турдилар. Толедо шаҳри бўлса 1521 йил 25 октябргача ўзини мудофаа қилиб турди, бу шаҳарнинг мудофаасида. Падильянинг хотини — Мария Пачеко актив қатнашган эди.

Коммунерос мағлубиятининг бош сабабларидан бири Кастилия шаҳрининг Испания короллигининг бошқа қисмларидаги шаҳарлар томонидан қўллаб-қувватланмаганлигидир. Севилья шаҳри бошчилигидаги Андалузия шаҳарлари Кастилия ҳаракатидан расман четлашиб, ўзининг бетараф эканлигига королни ишонтирди (1521 йил февраль).

Карл 1522 йилнинг ёзида 4 минг немис ландскнехти билан биргаликда Испанияга келиб, ҳаракатнинг қолдиқларини бостирди ва унинг тирик қолган энг актив қатнашчиларидан 290 кишини ўлим жазосига ҳукм қилди. Шундай қилиб, «Энг асосий «фитначилар» нинг бошлари кунда устида кесилди. Испаниянинг қадимги эркинликларига эса хотима берилди»¹.

Испан абсолютизмнинг хусусиятлари. Коммунероснинг бостирлиши мамлакатнинг сиёсий ҳаёти учун оғир оқибатларга сабаб бўлди. Испаниянинг короллик ҳокимияти, бир вақтлар унинг мамлакатни марказлаштириш учун олиб борган ишларида шаҳарларнинг ёрдами орқасида муваффақиятларга эришган бўлса, эндиликда ўз қудратининг илдизига ўзи болта урди.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 10- том, 430- бет.

Карл V ишни шаҳарлар билан муносабатни узиб, дворянларнинг юқори феодал табақалари билан иттифоқ тузишдан бошлади. Бу билан испан абсолютизми дарҳол тор аристократик, реакцияи тус олиб кетди. Коммунерос қўзғолоши кортесларнинг аҳволига ҳам жуда ёмон таъсир қилди. Карл императорни йўқ қилиб ташламади, лекин улар Карл замониди жуда оғир ҳолга туширилди. Карл дворянлар билан шаҳарликлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, гоҳ шаҳар вакилларининг составини камайтирар, гоҳ бирои янги солиқ жорий қилиш тўғрисида гап борганда — шаҳар вакилларини дворянлардан алоҳида йиғарди. Карл ҳукмронлик қилган даврнинг охирига келиб, Кастилия кортеслари ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди. Уларнинг мажлислари фақат расмий жиҳатдангина тўпланар эди. Бошқа кортеслар ундан ҳам оғир ҳолга солиб қўйилган эди.

Бироқ, Карл оппозицияни тор-мор қилиб, ўз ҳокимиятини кучайтирган бўлса-да, Испаниядаги мамлакат идорасининг эски усулини ҳам, унинг ўрта аср феодал-сословиечилик тузумини ҳам, унинг эскидан традиция бўлиб қолган тарқоқлиги ва айрим провинцияларнинг бир-биридан ажралиб яшашини ҳам ўзгартирмади. У урушлар билан банд бўлиб, мамлакатнинг ички тузилиши билан шугулланишга ҳатто вақт ҳам қолмади. У Испанияга жуда камдан-кам келар, мамлакатни идора қилиш ишларини тамомла Кастилия короллик кенгашига топшириб қўйган эди, бу кенгаш қисман амалдорлардан — фламанлар ва бургунлардан, қисман эса Кастилия олий зодагонларнинг вакилларидан иборат эди. Ҳақиқатда эса Испания Карл V даврида ҳам, ҳатто кейинчалик ҳам ҳали марказлашмаган, тарқоқ мамлакат, «бемаъни идора қилинаётган республикалар йиғиндиси, тепасида номигагина олий ҳоким турган»¹ мамлакат бўлиб қолаверган эди.

Маркс испан абсолютизмни Европанинг бошқа мамлакатларидаги абсолютизм билан таққослаб, Испаниядаги абсолют монархиянинг хусусиятларини қуйидагича характерлаб берди. «XVI аср йирик монархияларнинг ташкил топиш даври бўлди, бир-бирига душман бўлган феодал синфларнинг: аристократлар билан шаҳарликларнинг заифлашуви муносабати билан ҳамма жойда ана шу монархиялар вужудга келди. Аммо Европанинг бошқа йирик давлатларида абсолют монархия тараққийларвар марказ сифатида, миллий бирликка асос солувчи сифатида иш кўрди. У ерда монархия жамиятнинг турли элементларини бир-бирига қориштирувчи ва қайта ишловчи лаборатория эди-ки, шаҳарлар ўзларининг ўрта асрдаги маҳаллий ўз-ўзини идора қилишни буржуазиянинг умумий ҳокимияти билан ҳамда граждандлар жамиятининг халойиқ ҳокимияти билан алмаштиришга имкони топдилар. Аксинча, Испанияда аристократлар тушқунлик-

¹ Шу жойда.


ка юз тутиб, ўзларининг энг зарарли имтиёзларини сақлаб қолдилар, шаҳарлар эса ўзларининг ўрта асрдаги ўз ҳокимиятини йўқотиб, замонавий шаҳарларга хос аҳамиятга эга бўлолмади»¹.

Филипп II даврида Испания. 1556 йилда Карл V дан кейин унинг ўғли Филипп Испания тахтига ўтирди. Филипп II ўз отасига ўхшаб «Жойидан қимирламайдиган король» эмас эди. У ҳам жуда кўп урушлар олиб борган бўлса-да, аммо бу урушларда одатда унинг генераллари қўмондонлик қиларди. Королнинг ўзи бўлса, ўз мамлакатини ҳеч қачон деярли ташлаб чиқмасди.

Германияга Карл V нинг укаси Фердинанд I император бўлиб олганлигидан, Филипп II қўл остидаги ерлар энди аввалгидек жуда ҳам хилма-хил эмасди. Филипп мамлакатни марказлаштириш йўлида баъзи тadbирларни кўрди. Чунотчи, у Испаниянинг янги, доимий пойтахтини барпо қилди, пойтахт учун Мадрид шаҳрини танлади². Филипп II Арагонни автономиядан маҳрум этди. Сарагосани ва Кастилия гарнизонларига эга бўлган Арагон қалъаларини эгаллаб олди ҳамда Арагон дворянларининг суд соҳасидаги эски имтиёзларини битирди, яъни уларнинг суд ишлари ўзларининг махсус олий судьяси бўлган хустисняда кўрилмайдиган бўлди. 1580 йилда Филипп II Португалияни ҳам ўз ерларига қўшиб олишга муваффақ бўлди. Эндиликда бутун Пиренея ярим ороли ягона давлатга бирлаштирилган эди. Инквизиция Филипп II қўлида энг даҳшатли қурол эди, бу инквизиция Филипп II даврида Испаниядаги олий сибсий судга айланди, бу суддан королнинг ҳеч бир душмани қочиб қутула олмас эди. Филипп II давлатни идора қилиш ишлари билан шахсан ўзи жуда кўп шуғулланар эди. У жуда кенг қўламда бюрократик ёзишмалар олиб борарди, марказдаги олий амалдорларни ва жойлардаги губернаторларни (коррихидорларни) шахсан ўзи танлаб қўярди. Филипп II даврида давлат солиқларининг миқдори жуда кўпайиб кетди. Молия маҳкамаси бутун мамлакатни сон-саноқсиз солиқ тўловчилар билан ўргимчак уясидай чулғаб олди. Карл давридагидай, Филипп II даврида ҳам испан абсолютизми прогрессив эмас эди. Филипп II мамлакатни буржуазия негизда ривожлантириш билан қизиқмади ва испан савдоси ҳамда саноатини тараққий эттириш учун ҳеч қандай амалий тadbирлар кўрмади. Испаниядаги йирик дунёвий ва черков ер эгаллиги XVI асрда ҳам ўзининг гоят катта имтиёзлари ва биқиқ-каста характерини сақлаб қолган эди. Майорат ҳақида, дахлсиз ерлар ҳақида, черков ерларига имтиёзлар бериш ва ҳоказолар ҳақидаги қонулар Испаниядаги ер эгаллигини қатъий тасдиқлар, уни абадий дахлсиз қилиб қўяр, демак, шу билан буржуазия орасидаги прогрессивроқ элементларнинг, майда

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 10, стр. 431—432.

² Мадрид қалъа сифатида X асрдаёқ маврлардан ҳимоя қилиш учун қурилган эди. XIII асрдан бошлаб у вақтинча Кастилия королларининг манзилгоҳи бўлган.



Карл V империяси ва унинг парчаланиб кетиши

дворянлар ва деҳқонларнинг ерга эга бўлиш имкониятини бўғиб қўярди.

Филипп II олиб борган урушлар очикдан-очик династик, тор дворянлик тусидаги, ўзининг идеологияси жиҳатидан реакцион-католик характердаги урушлар эди. Бу урушлар испан короллигининг ерларини кўпайтириш ва королни Европанинг халқаро сиёсатида гегемон қилиш мақсади билан олиб борилар эди. Шу билан бир пайтда бу урушлардан испан дворянларини бойитиш мақсади ҳам кўзда тутилди, чунки бу дворянларнинг зеби-зийнат ва айш-ишрат ичида кечириётган дабдабали ҳаётлари учун испан деҳқонларидан олиндиган рента ҳақларигина кифоя қилмас эди. Баъзи урушларда (масалан, Англия билан бўлган урушда) испан савдоси ва мустамлакаларнинг манфаатла-

ри ҳам кўзда тутилган эди. Худди ана шу урушларда Филипп II нинг ҳукумати шармандаларча ютқизди ва шундай қилиб, бу урушлар ҳам испан буржуазиясига ҳеч нарса келтирмади.

XVI асрда Испаниянинг иқтисодий тараққиёти. Испания XVI аср бошларида аграр мамлакат бўлиб, саноати билан савдоси кучсиз эди. Англия билан Францияга қараганда анчагина орқада қолган эди. Нидерландия ва Италияга эса таққослаб ҳам бўлмасди. Буюк географик кашфиётлар натижасида Испания Америкада жуда кўп мустамлакаларга эга бўлди. Дастлабки пайтларда мустамлакалар испан хўжалигининг ривожланишига яхши таъсир қилиб турди. Америка Испаниядан чиқариладиган жуда кўп товарлар учун бозор эди. Америкадан Испанияга жуда кўплаб олтин ва кумуш ёғила бошлади. Бу ҳол эса мамлакатни жонлантириб юборди. Кастилия ва Андалузия шаҳарларида мовут, ипак ва металлургия саноати яшнаб кетди. 200—300 ишчига эга бўлган мануфактуралар пайдо бўла бошлади. XVI асрнинг ўрталарида Толедо шаҳрида уйларида саноат ишлаб чиқариши билан банд бўлган 50 минг хунаридан ва ишчи бор эди. Севильяда бу вақтда саноатда ишловчиларнинг сони 130 минг кишига етди. Бургос, Вальядолид ва Кастилиянинг бошқа шаҳарларида катта-катта ярмаркалар бўлиб турарди. Севилья Америка билан олиб бориладиган ҳамма оборотларни ўз қўлига тўплаган бир вақтда, Барселона Урта денгизда Шимолий Африка ва Левант билан олиб бориладиган савдо ишларида жуда катта роль ўйнайверди.

Бироқ, Испаниянинг саноати ва савдосидаги бу юксалиш узоқ давом этмади. XVI аср ўрталарида ҳам Испания саноати Нидерландия, Англия, Франция саноатидан орқада эди. Шу билан бирга унинг бундан кейинги ривожланиши учун шароит ҳам жуда ёмонлашган эди.

Бу ерда даставвал нархлар революцияси испан хўжалигини ҳалокатли оқибатларга олиб борганини айтиб ўтиш керак. Америкадан олтин ва кумушнинг оқиб келиши Испанияда нарх-навонинг Европадаги бошқа мамлакатлардан илгари ва кўпроқ даражада ошиб кетишига сабаб бўлди. Иқтисодчи-тарихчиларнинг ҳисобига кўра, Испанияда XVI асрнинг ўртасидаёқ нархлар ўрта ҳисобда икки баравар ошган эди, XVI асрнинг охирига бориб яна икки баравар ошиб кетди.

Демак, бир аср давомида нарх-наво тўрт баравар ошди, ваҳоланки Англияда XVI аср давомида нархлар ўрта ҳисобда атиги 2—2,5 баравар ошган эди. Бу эса испан саноатида ишлаб чиқаришни — хом ашё ва иш кучини дарров қимматлаштириб юборди. Бундай шароитда испан корхона эгалари учун саноат буюмларини ўз мамлакатида ишлаб чиқаргандан кўра арзонроқ ва сифатлироқ маҳсулотни чет элдан сотиб олиш фойдалироқ бўлиб қолди. Аммо шу билан Испания анча тараққий этган мамлакатларга иқтисодий жиҳатдан тўғридан-тўғри қарам бўлиб қолди. Испан саноати бундан кейин янада тараққий этиш

ўрнига, XVI асрнинг иккинчи ярмига бориб, жуда тез орқага қараб кетди.

Испан саноатининг тушқунликка юз ўгиришида испан қишлоқ хўжалигининг кризисга учраши катта роль ўйнади. Помешчиклар, черков ва давлат фойдасига йигиладиган феодал солиқлари билан исканжага олинган испан деҳқонлари ғоят оғир кун кечирмоқда эди. Қишлоқлар қашшоқлашиб қолди. Қишлоқ хўжалиги испан шаҳарларини старли миқдорда ғалла билан таъминлаёлмай қолди. XVI асрнинг 80 ва 90-йилларидаёқ Испанияга жуда кўп ғаллани чет мамлакатлардан сотиб олишга тўғри келди. Қўйчилик деҳқончиликка жуда катта зиён etkazарди, чунки Испаниядаги қўйчилик ўзинга хос шароитда бўлиб, бу ерда қўйлар дайдиб юрарди. Катта ер эгаларига қарашли меринос¹ қўй подалари ёз пайтлари шимолда — Кастилия ва Леон ясси тоғларидаги яйловда боқиларди, қишга яқин эса жанубга — Андалузия ва Эстремадура яйловларига олиб келинарди. Қўйларни бу тарзда икки марта шимолдан жанубга ва жанубдан шимолга ҳайдаш, пировардида испан деҳқончилигига жуда катта путур etkazарди. Қўйлар далаларни поймол қилар ва қуритиб юборарди. Зарар яққол кўриниб турарди. Аммо қўйчиликдан манфаатдор бўлган амалдорлар — грандлар бор эди ва ҳукумат уларни ҳар қандай қилиб қўллаб-қўлтиқларди. Қўйчилик билан шугулланувчи дворянлар қудратли иттифоқ бўлиб бирлашдилар, бу иттифоқ М е с т а деб аталарди ва у ҳукуматдан бир қанча турли имтиёзлар оларди. Деҳқонларга ҳатто «чорваларни ҳайдаб келишга халақит бермаслик учун» ўз ерларига ғов тутиш ҳам ман этилган эди.

Испан ҳукумати ривожланиб бораётган ватан саноатига ёрдам бериш ўрнига, тор дворянлик сиёсатини юргизди, бу сиёсат испан саноати манфаатларига илтифотсизлик сиёсати эди. Ҳукумат этилиб келаётган саноатни ўзининг солиқ сиёсати туфайли бўғиб қўйди. Ҳукумат грандлар манфаатини кўзлаб, испан саноатини хом ашёдан маҳрум қилиб қўйди, грандлар эса хом ашёни бемалол бошқа мамлакатларга чиқариб сотарди. Яна ўша дворянлар манфаатини деб мамлакатга чет эл товарларининг киритилишига кенг йўл очиб берилди. Чет эл товарлари эса маҳаллий маҳсулот билан рақобат қиларди. Ниҳоят, Габсбургларнинг тўхтовсиз олиб борган ва пировардида ҳеч қандай фойда келтирмаган урушлари мамлакатни батамом ҳолдан тойдириб қўйди ва уни иқтисодий ҳамда сиёсий жиҳатдан бутунлай ҳалокатга олиб келди. «Абсолют монархия барпо этилгандан буён, — деб ёзган эди Маркс XVI аср Испанияси тўғрисида, — ... шаҳарлар доим тушқунликка юз тута борди... Шаҳарларнинг савдо ва саноат ҳаёти тушқунликка юз тута борган сари нчки айрибошлаш камайиб борди, турли провинцияларда-

¹ «Меринос» сўзи испанча бўлиб, «дайди» маъносини англатади.

ги аҳолининг ўзаро алоқалари кучсизлана борди, алоқа воситалари ташландиқ ҳолга келди, катта йўллар ҳувиллаб қолди»¹.

Филипп II нинг урушлари. Филипп II олиб борган баъзи урушларгина муваффақиятли тугади. 60—70 йилларда Туркияга қарши олиб борилган урушни ва 1580 йилда Португалиянинг босиб олинишини шундай урушлар жумласига киритиш мумкин. 1571 йилда Лепанто ёнида (Морея яқинида) бўлган жангда турклар денгизда айниқса катта мағлубиятга учратилди. Жангда Филипп II нинг укаси Дон — Хуан Австрийский испан-венециан бирлашган эскадрасига қўмондонлик қилиб, туркларнинг 264 кемадан иборат каттакон флотиясини тор-мор қилди, бу флотилияда 80 минг кишилик қўшин бор эди. Бу мағлубият туркларнинг бошидан кечирган биринчи катта мағлубияти эди ва бу Туркия империясининг анча жиддий ички тушқунликка учрай бошлаганидан дарак берарди.

1580 йилда Португалия устидан қозонилган ғалаба ҳам Португалиянинг бундан олдин 1578 йилда португал феодалларнинг Марокашда мағлубиятга учрагани туфайли бўлган эди ва бу вақтда король Себастьян бутун қўшини билан бирга ҳалок бўлган эди.

Аmmo Филипп II нинг ўзи ҳам шундай мағлубиятларга учрадики, бу мағлубиятлар Испаниянинг буюк давлат сифатидаги аҳамиятини бутунлай йўқотиб қўйди. Бу ерда XVI асрнинг иккинчи ярмидаги Нидерландия революциясини биринчи ўрнига қўйиш керак², бу революция кейинчалик голланд-испанларнинг савдо ва мустамлакалар учун бўлган қатор урушларига айланиб, Ҳиндистон ва Индонезияда испан-португал мустамлакаларининг Голландия қўлига ўтиши, сўнгра эса Португалиянинг ўзи ҳам Испаниядан ажралиб кетиши билан тугалланди.

Филипп II нинг Англияга қарши олиб борган муваффақиятсиз урушида Испания яна катта мағлубиятга учради. Инглиз денгиз босқинчилари Дрэйк, Рэли ва бошқалар вест-Индия қирғоқларига ҳамда Янги Ердан кумуш ортиб испанияга қайтиб бораётган флотилияга ҳужум қилардилар. Филипп II бунга жавобан 1588 йил июлида Англияга қарши юриш бошлади, бу юриш «Енгилмас армада» номи билан машҳурдир. Каттакон испан флотилияси расмий равишда ана шундай ном билан аталган бўлиб, флотилия составида 130 дан ортиқ кема бор эди, денгиз экипажи 7500 кишидан ва солдатлари 17 000 кишидан иборат эди.

Ҳарбий денгиз ишидан яхши хабардор бўлмаган гранд Медина Сидония бош қилиб қўйилган бу юриш ниҳоятда ёмон уюштирилган эди. Эскириб қолган ва бесўнақай испан кемалари инглизларнинг анча майда бўлса-да, пухтароқ ясалган ва

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 10-том, 432-бет.

² Бундан кейинги «Нидерландия революцияси» деган ХLIII бобга қараганг.

анча яхши тўплар билан таъминланган кемаларига бас кела олмади. «Армада»нинг (бу вақтда Испания қўл остида бўлган) Нидерландия жанубидаги испан ҳарбий кучлари билан қўшилиш плани бажарилмади. Инглиз адмираллари катта жанг қилишни истамадилар ва «Армада»га кичик-кичик эскадралар билан ҳужум қилиш тактикасини ишлатиб, испан флотининг айрим кемаларини ёки айрим туркумларини алоҳида-алоҳида йўқ қилиб бордилар. Август бошида Ла-Маншда бўлиб ўтган бўрон испанларга катта зиён етказди. Флотилиянинг қолган қисми об-ҳаво ёмон келгани туфайли, Испанияга илгариги йўлдан қайтиб боролмай, Британия ороллариини айланиб ўтишга мажбур бўлди ва мамлакатига соғ қолган озгина кемалари билан жуда ҳароб ҳолда қайтиб келди.

«Армада» нинг мағлубиятга учраганлиги натижасида Испания Атлантика океанидаги савдо йўлларини назорат қилиб туришдан маҳрум бўлди. 1596 йилда инглизларнинг ўзлари Испания қирғоқларига ҳужум қилиб, Испаниянинг Кадис портини талаб кетдилар. Шу пайтдан бошлаб Испания деңгиздаги гегемонлигини бутунлай йўқотиб қўйди.

Филипп II нинг 90- йиллар бошида Францияга қарши бошлаган интервенцияси ҳам муваффақиятсизлик билан тугади. Филипп II француз католикларининг протестант-гугенотларга қарши олиб борган урушларига аралашди. Испан қўшинлари Парижга бостириб кирди ва у ерда Парижни қамал қилиб турган гугенотлар йўлбошчиси король Георгий IV Бурбонга қарши курашда католикларга ёрдам берди. Испаниянинг ёрдами католикларни сақлаб қола олмади. Париж таслим бўлишга мажбур бўлди. Париж олинганда таслим бўлган қўшинлар орасида Филипп II нинг ҳам отрядлари бор эди. Филипп II интервенцияга жуда кўп маблағ сарф қилган бўлишига қарамай, Францияга ўз таъсирини кучайтириш у ёқда турсин, балки, аксинча, Испанияга энг ашаддий душман орттирди. Кейинчалик XVII асрнинг биринчи ярмида Испания билан Франция ўртасида урушлар тўхтовсиз давом этиб турди. Бу урушлар Пиренея монархияси учун муваффақиятсизлик билан тугади.

Филипп II нинг молиявий синиши. Муваффақиятсизлик билан олиб борилган катта урушлар Филипп II нинг молиявий аҳволини тамомила қақшатиб қўйди. У ўзини икки марта — 1575 ва 1596 йилларда — синган (банкрот бўлган) деб эълон қилиб, давлат қарзларини тўлашдан бош тортди. Габсбургларга қарз бериб турган Фуггерларнинг бир ўзи 3 миллион-гульден пулидан маҳрум бўлди. Савдо, саноат, деҳқончиликдан олинадиган солиқлар муттасил ошиб бориб, аҳолини ғоят қийнаб қўйди.

1594 йилда кортеслардаги шаҳарларнинг депутатлари: «1000 дукат капиталдан 300 дукат солиқ олинадиган бўлгандан кейин савдо билан шуғулланиб бўлармиди?» деб нолиган эдилар.

Филипп II 1598 йилда ўлди, ундан ўз ворисига давлатнинг умуман 100 миллион гульден қарзи мерос қолди. XVI асрнинг

охирода Испаниянинг бутун халқ хўжалигини чулғаб олган иқтисодий ҳалокат молия ишларининг вайрон бўлишига асосий сабаб бўлди.

XVII асрнинг биринчи ярми ва ўрталарида Испания. XVII асрда Филипп II нинг ворислари Филипп III (1598—1621) билан Филипп IV (1621—1665) даврида Испания таназзулга кетаверди. Унинг хўжалик тараққиёти Европадаги бошқа мамлакатларнинг хўжалик тараққиғидан орқада қолаверди. Моливий кризис доимий тус олди. Мамлакатнинг аҳолиси кўпайиш ўрнига камая борди. Морискларнинг (XV асрда христианликни қабул қилган маврлар шундай деб аталарди) мамлакатдан бадарға қилиниши Испанияга катта иқтисодий зарар келтирди. Улар Валенсиянинг реакциян архиепископи Рибейранинг таклифига кўра, 1609—1610 йилларда бадарға қилинди. Бунинг натижасида Испания меҳнатга яроқли ярим миллионга яқин ҳунарманд ва деҳқонлардан маҳрум бўлди. Улар жанубий Испанияда яшаб, арабларнинг ҳунар ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қадимги юқори техникасини сақлаб келмоқда эдилар. XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг биринчи ярмида Испаниянинг иқтисодий тушқунлиги халқаро ишларда Испания нуфузининг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Испаниянинг халқаро аҳволи ҳар ўн йиллик сари тобора ёмонлашаверди. 1609 йилдаёқ Филипп III Голландия билан ярашишга мажбур бўлиб қолди ва аслида бу билан илгарини Испанияга қарашли ерлардан янги давлат ташкил топганлигини тан олди. 1648 йилда эса Голландиянинг мустақиллигини Испания расмий равишда эътироф қилди. Ўттиз йиллик урушда Испаниянинг Францияга қарши Германия томонида туриб урушуви ҳам ғоят муваффақиятсиз бўлиб чиқди. 1659 йилдаги Пиренея сулҳига мувофиқ Испания Руссильон, Артуа ва бир неча Фландрия шаҳарларини қўлдан бериб қўйди ва шаҳарлар Францияга ўтиб кетди. 50-йиллардаги инглиз-испан уруши натижасида Испания Вест-Индиядаги ерларидан энг йирик Ямайка оролин қўлдан бериб қўйди, бу орол Англия қўлига ўтиб кетди. Испания Пиренея ярим оролининг ўзида яксон бўлиб кетиш хавфи остида қолди. 1640 йилда Португалия Испаниянинг оғир аҳволга тушиб қолганидан фойдаланиб, ундан ажралиб чиқди. Уша йилнинг ўзида Католонияда катта қўзғолон бўлиб, бу вилоятнинг ҳам Испаниядан ажралиб кетишига сал қолди.

1647 йилда юқорида айтиб ўтганимиздек, Сицилия билан Неаполда Испанияга қарши жиддий ҳаракатлар юз берди¹. Испания XVII асрнинг ўрталарида номигагина буюк давлат бўлиб қолган эди.

XVI—XVII асрларда испан маданияти. Испан халқи XVI—XVII асрларда жуда катта маданий бойликлар яратди. «Дон-Кихот Ламаанчский» деган машҳур сатирик романнинг авторини гениал ёзувчи Мигель де Сервантес (1547—1616)

¹ «XVI—XVII асрларда Италия» деган XXXIX бобга қаралсин.

ўз асарини XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошида ёзган эди. Романининг биринчи томи 1605 йилда, иккинчи томи 1615 йилда босилиб чиқди. Сервантеснинг романи кейинги гуманизмнинг машҳур реалистик асари бўлиб, тарихий ёдгорлик сифатида ҳам муҳимдир. Айни мана шу асарда феодал Испаниянинг ижтимоий тузуми, ўрта аср рицарларининг айниши, клерикализмнинг зўравонлиги, халқ оmmasининг қашшоқлиги ёрқин акс эттирилгандир.

Испаниянинг икки машҳур драматурги — Лопе де Вега (1562—1635) ва Педро Кальдерон (1600—1681) асарлари бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. Лопе де Вега 2 мингга яқин пьеса ёзган, шундан 500 га яқини бизнинг замонамизгача етиб келган. Бу иккала испан драматургининг энг яхши комедиялари ҳалигача жаҳон саҳнасида қўйилмоқда.

XVII асрда Испанияда Бартоломео Эстебан Мурильо (1617—1682) ва Диего Родиргес Виласкес (1599—1660) каби бутун жаҳонга машҳур бўлган рассомлар ҳам етишиб чиқди; Мурильо бадиий жиҳатдан Рафаэлнинг мадонналаридан қолишмайдиган бир неча классик мадонналарнинг суратини яратгандир. Мурильо болаларни тасвирлашда ҳам буюк уста эди.

Веласкес дабдабали портрет устаси бўлган. У қисман меҳнат темасига, қисман уруш сюжетига эга бўлган катта картиналар ҳам яратган. Булар орасида «Вулканнинг темирчилик устaxonаси», «Жун йигирувчилар», «Бреда шаҳрининг олиниси» картиналари ғоят машҳурдир.

XVI асрдаги Испаниянинг архитектура соҳасидаги катта ёдгорликларидан бири Эскуриал монастырь саройидир. Мадрид яқинида Филипп II қурдирган бу сарой унга қароргоҳ бўлиб хизмат қилган. XVII асрда Эскуриал миллий музейга айлантирилиб, испан рассомчилик санъатининг энг гўзал асарлари шу музей залларида тўпланган эди.

XLIII БОБ

НИДЕРЛАНДИЯ РЕВОЛЮЦИЯСИ

XV аср охири — XVI аср бошларида Нидерландиянинг иқтисодий тараққиёти. Урта асрларда Нидерландия тўғрисида гапирилганда Рейн, Маас ва Шельда дарёларининг қуйи оқимидаги ва Шимолий денгиз бўйларидаги «этак ерлар» (Нидерландия сўзининг асл таржимаси шундайдир) назарда тутилган эди. Бундан илгарироқ бу ерлар (Юқори Лотарингиядан ва унинг Мец, Гиуль, Верден ва шунинг сингари бошқа шаҳарларидан фарқ

қилиб) Қуйи Лотарингия деб ҳам аталар эди¹. Бу ўлканинг саноат жиҳатидан олдинроқ тараққий қилиши унинг характерли хусусияти эди. Фриз мовутлари Карл Буюк замонидаёқ донг чиқарган эди. XIII—XIV асрларда Фландрия (Фламанд) мовут саноати билан фақат Флоренция мовут саноати рақобат қилар эди, холос. «Фландриянинг эски обод шаҳарлари» бўлмиш Брюгге, Ипр, Гент шаҳарларига инглиз, француз ва немис шаҳарларининг узоқ вақтгача ҳаваси келиб юрди, чунки улар юқори сифатли мовут ишлаб чиқаролмас эди. XV асрда Фландрияда Антверпен деган янги саноат ва савдо маркази ўсиб чиқди, бу шаҳар Шельда дарёсининг денгизга қуйиладиган жойидан сал нарироқда эди. Буюк географик кашфиётлар натижасида Антверпен Ҳиндистон ва Америкадаги мустамлакалар билан боғланган жаҳон портига айланди. Аммо Антверпен саноат маркази сифатида ҳам тараққий қилди, шу билан бирга, Фландриянинг эски шаҳарларидан фарқ қилиб, Антверпенда ишлаб чиқаришнинг цех формаси эмас, балки мануфактура формаси ривожланди, мануфактура формаси эса қишлоқдаги хонаки, капиталистик кустар саноатига асосланган эди. Фландрия билан қўшни бўлган Брабантда XV—XVI асрларда Брюссель каттагина саноат маркази ҳисобланар эди, бунда ҳам мовут ишлаб чиқариш саноатининг бир қисми цех саноати характерида, бир қисми мануфактура саноати характерида эди. Фландрия билан Брабант Жанубий Нидерландиянинг асосий вилоятлари бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан анча тараққий қилган эди. Нидерландиянинг жанубида — Намюр, Льеж, Люксембургда бой темир конлари бўлиб, бу ерда металлургия саноати кенг кўламда ривожланган эди. Нидерландиянинг жанубидаги Францияга ёндош бўлган жанубий-ғарбий областлар — Геннегау, Артуа аксинча, асосан деҳқончилик областлари эди.

Нидерландиянинг шимолида энг тараққий қилган вилоятлар Зеландия, Голландия ва Утрехт эди. Бу ерда (Лейден ва Утрехт шаҳарларида) ҳам мовут саноати ривожланаётган эди. Бу вилоятларда мовут саноатидан ташқари, зигир толасидан газлама тўқиш, суруп ва шойи тўқиш саноати анча тараққий қилди. Кўпроқ савдо вилояти бўлган Голландия кemasозлиқ, пароходчилик ва балиқ овлашнинг маркази эди. XVI асрда тез ривожланган Амстердам шаҳри океан орқали савдо, кредит операциялари ва биржа битимлари жиҳатидан Антверпеннинг жиддий рақобатчиси бўлиб қолди. Нидерландиянинг чекка шимоли-шарқий вилоятлари Гельдери, Овериссель чекка жануби-ғарбий вилоятлар синвари соф деҳқончилик районлари эди.

¹ Нидерландия аҳолиси гоят хилма-хил тилда гаплашар эди. Жанубий вилоятларда француз (валлон лаҳжаси) ва фламанд (Фландрия ва Брабантнинг бир қисми) тиллари устун эди. Шимолда аҳоли голланд тилида, қисман (Германия билан чегарадош районларда) немис тилида гаплашарди. Люксембургда иккала тил — немис ва француз тилидан фойдаланиларди.

рага олиб, экин экувчи деҳқонлардан (чиншевиклардан) одатда пул рентаси олиб турардилар. XVI асрда Нидерландияда шахсий крепостной ҳуқуқ ҳамма жойда йўқотилган эди деса бўлади. (Асосан Шарқий вилоятлар — Гельзери ва Овериссель бундан мустаснодир). Дворянларнинг буржуалашган қисмининг вакиллари ботқоқ ерларни қуритиш учун анча маблағ сарф қилардилар, деңгиз бўйидаги ерларни қуритиб қўлга киритиш мақсадида тўғонлар қуришда қатнашардилар, бозорга чиқариб сотиш учун чорвани (қорамол, қўй-эчки ва бошқаларни) кўпайтирардилар ва шундай қилиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи соҳибкорлар типига қишлоқ хўжайинларига айланардилар.

Фландрия, Брабант, Голландия деҳқонлари орасидан маҳаллий бозор билан боғланган ва камбағал деҳқонлар орасидаги батраклар меҳнатини эксплуатация қилувчи бадавлат элементлар ажралиб чиқарди; кўпинча деҳқонларнинг юқори табақалари жамоа чек ерларининг ва яйловларнинг катта қисмини ўз қўлларига тўлаб олардилар.

Франция билан чегарадош бўлган жануби-ғарбий областлардаги помещиклар жуда орқада қолган бўлиб, улар фақат феодал рентаси ҳисобидан тушган даромад ҳисобига кун кечирар эдилар. Германия билан чегарадош бўлган шимоли-шарқий вилоятлар ҳақида ҳам шунини айтиш мумкин.

Нидерландия вилоятларининг иқтисодий жиҳатдан кўпроқ ривожланган шаҳарларида плебей элементлар кўп эди. Хонавайрон бўлган ҳунармандлар, халфалар, мануфактура ва порт ишчилари ҳар бир йирик шаҳар аҳолисининг ярмини, баъзан эса унинг кўпчилигини ташкил қилар эди. Шундай қилиб, XVI асрда Нидерландиянинг ижтимоий структураси феодализмга хос бўлган хусусиятларни анча йўқотди ва майдонга келаётган капиталистик жамиятда буржуазия фақат экономика соҳасидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам етакчилик роль ўйнади.

Нидерландиянинг сиёсий тузуми. Урта асрлар даврида Нидерландия бир неча ўнлаб майда феодал давлатлардан — герцогликлар, графликлар, епископликлардан ва бошқа шунинг сингарилардан иборат эди. Уларнинг бир қисми француз феодал монархияси системасига кирган эди (Фландрия, Артуа ва бошқа ғарбий областлар), бир қисми (Брабант, Голландия ва бошқа шарқий районлар) Германия империяси составида ҳисобланар эди.

XIV—XV асрлар давомида Бургундия герцоглари Нидерландиянинг турли ерларини ўз қўл остида бирлаштира олдилар. 1477 йилда Бургундия герцоглигининг ўзини француз короли Людовик XI нинг қўлига ўтгандан кейин Нидерландия ерлари Мария Бургундскаянинг (Карл Жасурнинг қизи) эри бўлмиш Максимилиан Габсбургга теғди. XVI аср бошларида бошқа бир династиянинг никоҳи натижасида, яъни Максимилианнинг ўғли — Филипп I нинг Хуанага уйланиши натижасида (Хуана — Фердинанд Арагонский билан Изабелла Кастильскаянинг қизи

эди. Нидерландия Испанияга ўтди. Филипп I билан Хуананинг ўғли Карл I (V) Гент шаҳрида тугилди. Фламанд тили унинг она тили эди.

Карл V замонида Нидерландиянинг сиёсий тузуми узига хос бир ўткинчи характерда эди. Габсбурглар хонадонидан чиққан король-императорнинг олий ҳокимияти остидаги Нидерландия ҳали ўз-ўзини идора қилиш элементларини сақлаб қолган эди. Нидерландиядаги ўн етти вилоятнинг ҳар бирида ўз провинциал штатлари, алоҳида судлари, маҳаллий сословиечилик имтиёзлари, қисман шаҳарларнинг узига хос кўпдан-кўп енгилликлари бор эди. 1464 йилдан, яъни Бургундия герцоглари замонидаёқ Бош штатлар мажлис қура бошлаган эди. Бош штатлар вилоят штатларининг вакилларидан иборат бўлар эди. Бургундия герцоглари даврида бўлгани каби, Габсбурглар даврида ҳам солиқлар жорий қилиш масалаларини Бош штатлар ҳал қиларди. Бу вақтга келиб ҳар қандай аҳамиятини йўқотган француз Бош штатларининг аксича, Нидерландиянинг Бош штатлари сословиел вакиллар мажлиси сифатида мунтазам суратда чақирилиб турар эди, лекин шуни айтиш керакки. Бош штатларни чақириш энди король ихтиёрида эди. Иккинчи томондан, мустабидлик билан иш кўрувчи Карл V айрим вилоят ва шаҳарларнинг имтиёзларини доим бузиб келарди. 1539 йилда халққа солиқлар солиш билан уни қўрқитмоқчи бўлганда король тугилиб ўсган Гент шаҳрида қўзғолоң чиқди, император бунинг учун жазо тариқасида шаҳарни ҳамма эски хартиялардан маҳрум қилди ва ундан катта штраф тўлаттирди. Нидерландияда Карл V ундирган жами солиқлар 2 миллион олтин пулга етди, ҳолбуки, Карл V нинг ўзига қарашли барча ерларидан унинг хазинасига тушадиган даромад 5 миллион олтинга барабар эди.

Дуруст, Нидерландияни идора қилишни марказлаштириш масаласида Карл V баъзи бир ишлар қилди. У Нидерландиянинг чегарасини кенгайтирди, барча вилоятлар учун умумий бир ҳукумат ва иккита марказий кенгаш — суд ва молия кенгашлари (Брюсселда) ташкил қилди. Карлнинг ҳомийлигида йирик буржуазия, айниқса Антверпен шаҳридаги йирик буржуазия Испания ва Германия билан олиб борилган савдо-сотиқдан катта фойда олар эди. Аммо Нидерландия ерларининг Габсбурглар монархияси составига кирганлигидан келадиган бу ва шунга ўхшаш баъзи бир бошқа фойдалардан кўра Габсбурглар давлат хазинасини беҳад талаштириш натижасида келган зарар анча ортиб кетар эди. Карл V короллик қилган замонда Нидерландия амалда Испаниянинг бир вилоятига айлана борди ва агар Нидерландия гуллаб-яшнаган экан, бундан фақат Испания баҳраманд бўлар эди. Карл V нинг Нидерландиядан ундирган катта-катта солиқлари король томонидан олиб борилган, аммо Нидерландиянинг умумий манфаатларига мутлақо алоқаси бўлмаган урушларга сарф қилинар эди. Нидерландия жамиятининг буржуазияси ва бошқа синфлари билан абсолютизм ўртасидаги

зиддият тез орада янги формада ҳам намоён бўлди. Бой ва стра-тегик жиҳатдан жуда муҳим бўлган мамлакат устидан ўз кон-троллигини кучайтиришга ҳаракат қилган Карл шу мақсадни кўзда тутиб, абсолютизмнинг энг муҳим қуролларида бири бўлган католик черковига мурожаат қилди.

Аммо иқтисодий жиҳатдан тараққий қилган илғор Нидер-ландияда аҳоли протестантизмнинг жуда хилма-хил формала-рига олдинроқ эътиқод қўйган эди.

Ириқ дворянлар мўътадил лютеранликни афзал кўрардилар, ўрта ва майда дворянлар ва айниқса шаҳарликлар кальвинизмни афзал кўрардилар, бой деҳқонлар ҳам кальвинизмга мойил эдилар.

Шаҳарлардаги плебей элементлар орасида ҳаммадан кўра анабаптизм шуҳрат қозонди. Юқорида кўриб ўтганимиздек, XVI асрнинг 30-йилларида голландиялик анабаптистлар ҳатто ана-баптизмнинг ватани бўлган Германияда ҳам етакчилик ролини ўйнадилар. Нидерландиядаги протестантизмнинг ҳамма оқимла-рини Карл V ваҳшиёна суратда бостирди. «Ерес»ларни қидириб топиш ва йўқотиш учун нидерландиялик епископларга инквизи-торлик ҳуқуқлари берилди. Император «еретиклар»га қарши бир қанча махсус фармон (плакат)лар чиқарди. 1550 йилги пла-кат айниқса даҳшатли эди, бу плакатда айтилишича, фақат «ере-тиклар»гина эмас, балки уларга бирор хил ёрдам кўрсатган уларнинг ётар-турари учун ўз уйидан жой берган ёки улар билан дўстларча гаплашган ҳар бир еркакнинг боши қилич билан кесилар, аёл киши бўлса, тириклайин ерга кўмилар ва уларнинг мол-мулки мусодара қилинар эди.

Филипп II даврида абсолютизмга қарши оппозициянинг ўсиб бориши. Карл V нинг вориси бўлган Филипп II замонида Нидер-ландия буржуазияси билан (шунингдек унга яқин турган бошқа синфлар билан ҳам) абсолютизм ўртасидаги зиддиятлар кучай-ди. Филипп II ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Брюс-селда яшади. Филипп II билан бирга Нидерландияда Испания-нинг кўп сонли қўшини ҳам турар эди. Испан қўшинлари Нидерландиядан туриб Францияга ҳужум қиларди. Испан қў-шинлари амалда Нидерландияни оккупация қилиб, унинг бутун жанубий вилоятларига тигиз жойлашиб олган эди. Испан қў-шинларини боқиш бу вилоятлардаги аҳоли зиммасига оғир юк бўлиб тушарди. Филипп II протестантларга қарши чиқарилган фармонларни Карл V га қараганда раҳмсизлик билан турмушга оширди. Унинг даврида Нидерландиядаги католик черкови қў-шимча яна бир қанча епископларни олиб келди, илгари вақтлар-да Нидерландиянинг маҳаллий дворянлари қисман фойдаланиб келган монастирь ерлари эндиликда епископларни боқиш учун ажратиб берилди. 1559 йилда Филипп II Испанияга кетиб, ўз синглиси Маргарита Пармскаяни Нидерландиянинг ноиб, габс-бурглик чиновник (асли эса Франш-Контедан чиққан бургундия-лик) кардинал Гранвеллани Маргарита ҳузурида биринчи ми-

нистр қилиб қолдирди. Испан қўшинлари фақат 1561 йилда Нидерландиядан олиб кетилди.

Филипп II «ереслик касалига мубтало бўлган» бу мамлакатга, унинг сиёсий имтиёзларига, Нидерландия шаҳарларидаги плембейларнинг шовқин-суронларига у жуда қаттиқ нафрат кўзи билан қарар эди. Филипп II Нидерландияга солиқлар ундириш мумкин бўлган резервуар деб қарарди ва бу масалада ўз отасидан ҳам ўтиб тушган эди. Карл V ташқи савдо масаласида Нидерландия буржуазиясига ҳар ҳолда бир қадар ёрдам кўрсатган эди. Аммо Филипп II буни ҳам қилмади. Германияни у энди идора қилмас эди. Испанияда у испан савдогарларига катта йўл очиб бериб, Нидерландия савдогарларининг Севильяга ва Пиренейдаги бошқа портларга киришларини чеклаб қўйди. Нидерландияга кўплаб миқдорда олиб чиқиладиган испан жунига 1560 йилда пошлина кескин оширилди. Бу эса Нидерландия саноати учун айниқса зарур бўлган ана шу хом ашёнинг Нидерландияга импорт қилинишининг анча камайишига олиб келди. Филипп II нинг Англия билан муносабатларининг кескинлашуви Нидерландия савдосига ғоят ёмон таъсир кўрсатди; Англия-Нидерландия савдосининг қисқариши натижасида Нидерландия савдогарлари ва мануфактурачилари кўплаб банкрот бўлдилар, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи меҳнаткашлар оммаси орасида ишсизлик авж олди. Испан абсолютизмдан Нидерландия буржуазиясининггина эмас, балки кенг аҳолининг ҳам норозилиги тобора кескин ва яққол миллий тус ола бошлади.

Нидерландия революциясининг бошланиши. Испан ҳукмронлигидан норозиликнинг тобора чуқурлашиб бориши тез кунда испан абсолютизмга қарши оппозицион чиқишларда ўз ифодасини топди. Ҳукмдор Маргарита ҳузуридаги давлат кенгашининг аъзолари бўлган ва Нидерландиянинг энг йирик аристократларидан Вильгельм Оранский, граф Эгмонт ва адмирал Гоорн Филипп II ҳукуматига биринчи бўлиб қарши чиқдилар. Аристократик оппозициянинг чиқиши батамом лойял характердаги чиқиш эди. Испаниядан ажралиб чиқиш ёки Филипп II га қарши бош кўтариш аристократларнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Шундай бўлса ҳам, 60-йилларнинг бошларида аристократларнинг ҳукмдор Маргаритага қўйган талабларида қисман умум миллий талаблар ҳам йўқ эмас эди. Шу сабабли Нидерландия буржуазияси орасида бу талаблар кенг кўлама қўллаб-қувватланди. Оранский ва унинг дўстлари Нидерландияда епископлар сонининг оширилишига ва уларнинг инквизиторлик ҳокимиятига қарши норозилик билдирдилар. Гранвеллани ишдан бўшатишни, «еретикларга қарши қаратилган «плакатларни» юмшатишни, Бош штатларнинг чақирилишини талаб қилдилар.

Аристократлардан ибрат олиб, дворянларнинг кенг доиралари абсолютизмга қарши ҳаракат бошладилар. 1565 йилда «Дворянлар битими» деган ном остида дворянлар иттифоқи ташкил бўлди. Вильгельм Оранский бу иттифоқни ташкил этишда бе-

восита иштирок қилди. Иттифоққа дворянлардан 2 мингга яқин киши аъзо бўлиб кирди, уларнинг бир қисми кальвинистлардан, бир қисми эса кальвинизм билан келишишга мойил бўлган католиклардан иборат эди.

Бирлашган дворянлар делегацияси 1566 йил 5 апрелда ҳукмдор Маргарита Пармскаяга петиция топширди, бу петицияда бир томондан, «Испаниянинг ҳазрати олий королига» бўлган сadoқат изҳор қилинган бўлса, иккинчи томондан, инквизицияни бекор қилиш ва дарҳол Бош штатларни чақириш талаб қилинган эди.

Делегациянинг кўпчилик бўлиб келишидан ҳукмдор қўрқиб қолган эди, ammo Маргарита атрофидаги испан ва италян амалдорлар нидерландиялик олий дворянларга нафрат билан қарадилар. Сарой аҳлларида бири ҳатто уларни «гадойлар» (французча — «гёзлар») деб аташдан ҳам тортинмади.

Ҳукмдор петиция эгаларининг истакларини королга маълум қилишга ваъда берди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин ҳукмдор фармон чиқариб, 1550 йилги плакатни бир қадар енгиллаштирди. Ammo Филипп II нинг талабига кўра, ҳукмдор ўзи берган фармонни тезда бекор қилди.

Дворянлар иттифоқининг аъзолари ўз музокараларининг натижасидан жуда порози бўлдилар. Улар ўз партияларини «гёзлар» деган лақаб билан атай бошладилар. Дворянлар 5 апрелдаги муваффақиятсиз чиққан илтимосни эслатиб ва шу билан бирга уларнинг мамлакатини испанлар талаётганлигини кўрсатиш учун улар атайин ўз костюмларига гадойлик тўрвасининг тасвирини тиктириб юрадиган бўлдилар.

Шу орада, абсолютизмга қарши ҳаракат тобора кенгайиб борди. Дворянлардан ибрат олган кальвинчи буржуазия «Савдогарлар битими» деган ном остида ўз иттифоқини тузди. Кальвинизм тез ёйила бошлади. Амалда эса, ҳукумат кальвинистларни таъқиб қилишга энди ботинолмади қолди. Мамлакатда революция бошланди. Испан абсолютизмга ва католик черковига қарши ҳаракатга шаҳар ва қишлоқларнинг кенг халқ оммаси қўшилди.

Бутпарастликка қарши ҳаракат. Халқ оммасининг революцион юксалиши шароитида кальвинистларнинг ибодат йиғинлари ўзига хос бир сиёсий митингларга айланди. Бундай митинглар кўпинча шаҳардан ташқаридаги сайхонларда ўтказилар эди. Бу митингларда халфалар, мануфактура ишчилари, ҳар турли камбағаллар оммаси қатнашар эди. Кальвинист тарғиботчилар католикларнинг «бутпарастлиги»ни (яъни иконага сажда қилишини) ҳақорат қилар эдилар. Улар, тез кунларда ўзгариш бўлиб, бунинг натижасида «эски Бобил» (бу ерда католик черкови ҳам, шу билан бирга испан католик ҳукумати ҳам кўзда тутилар эди) ер юзидан йўқолиши ҳамда унинг ўрнига «танланганлар» ва «авлиёлар» ҳукмронлиги қарор топиши лозим, деб каромат қилар эдилар. 1566 йил августида қуйи Фландрияда бутпарастликка қарши кенг ҳаракат бошланиб, бу ҳаракат кейин Фландриянинг қолган қисмига ва Брабантга, шунингдек, шимолга—Гол-

қуроли бўлиб қолган католицизмга Нидерландия халқ оmmasининг душманлигини исбот қилувчи яққол далил эди.

Бутпарастликка қарши ҳаракатда шаҳар ҳунармандлари, халфалар ва шаҳар камбағаллари айниқса актив қатнашдилар. Аммо черковларни ва черков жиҳозларини талаш ҳаракатига деҳқонлар ҳам қўшилишди. Улар шаҳарларга келиб, шаҳарлардаги бой черковларни талашда қатнашдилар ёки қўшни монастырларга ҳужум қилдилар. Бундай ҳолларда деҳқонлар ўзларининг бевосита эксплуататорлари — руҳоний феодал-ер эгаларига қарши чиқдилар.

Халқ ҳаракатидан ваҳимага тушиб қолган ҳукумат вақтинча ён беришга мажбур бўлди. Инквизиция ва бошқа фавқулодда судлар расмий суратда ўз ишларини тўхтатдилар. Кальвинизмга дин сифатида рухсат қилинди. Аммо иконларни емирувчиларга қарши жазо отрядлари юборилди. Бутпарастликка қарши ҳаракат оппозициянинг ўз қаторларидаги мўътадил элементларнинг норозиликка сабаб бўлди. Граф Эгмонт билан адмирал Гоорн бутпарастликка қарши ҳаракатни бостиришда ўзлари шахсан қатнашдилар. Нидерландиянинг жанубида католик дворянлар «исёичи авом халққа» қарши айниқса қутуриб иш кўрдилар.

Буларнинг ҳаммаси Мадридга яхши маълум эди. Филипп II бир қисм дворянларнинг оммавий ҳаракатдан кўрқиб қолганлигини назарда тутди. Шу билан бир вақтда у, мамлакатни ўз қўшинлари билан оккупация қилиш учун 1566 йилги революцион ҳаракатни баҳона қилишга қарор берди. Филипп II «еретик» мамлакатнинг адабини бериш ва уни ўзига батамом бўйсундириш тўғрисидаги «режалари»ни амалга ошириш учун мос одам деб, ўзининг эски генерали герцог Альбани тандади. 1567 йил 23 августда Альба жами 10 минг кишилик катта, жуда яхши таълим кўрган испан пиёда армияси, қисман отлиқ армия билан Нидерландия территориясига кирди.

Альбанинг террори. Маргарита Пармская ўрнига келган Альба оккупация қилинган мамлакатда қонхўрлик режими ўрнатди. Кўйлаб қамоққа олиш, қатл қилиш ва мол-мулкни мусодара қилишлар бошланди. Ҳатто аристократик оппозициянинг мўътадил раҳбарлари бўлган Эгмонт билан Гоорн ҳам 1568 йил ёзида қатл қилиндилар. Кальвинчи буржуазиянинг раҳбарларидан бири, Антверпен шаҳрининг бургомистри В а н — С т р а л е н н и н г боши кесилди. Альбанинг ўзи раислик қилган «Ғалаёнларни текширувчи кенгаш» деган фавқулодда трибунал айбланувчиларга фақат биргина жазо берар эди — у ҳам бўлса ўлим жазоси эди. Альба идора қилган давр мобайнида фавқулодда трибунал ҳукми билан жами 8 мингдан кўпроқ киши қатл қилинди.

Аммо Альба ҳар қандай революцион қаршиликни синдиринишига эмас, балки ҳар қанақа сиёсий оппозицияни йўқ қилиб ташлашни ҳам истарди. У, Нидерландияни Испаниянинг тамомила итоатгўй провинциясига айлантирмоқчи эди. Нидерландия бундан кейин Бош штатларнинг қарори билан эмас, балки ис-

пан короли хоҳлаганича солиқлар тўлаши лозим эди. Альба молия масаласида радикал «реформа» ўтказиб, дарҳол уч хил янги солиқ, яъни 1) ҳар қандай мол-мулкдан олинадиган бир процентли солиқ, 2) ернинг олди-сотди битимидан олинадиган беш процентли солиқ ва 3) ҳар қандай моллар билан бўладиган савдо-сотикдан ўн процентли солиқ киритишни мўлжаллади. Бу уч хил солиқ а л қ а б а л а (испан тилига кирган араб сўзи) деб аталмиш солиқларни ташкил қилар эди. Тараққий қилиб, капиталистик товар оборотига яқинлашиб бораётган Нидерландияда ўрта аср Испаниясидаги солиқ тартибининг жорий қилиниши — амалда мамлакатни батамом хонавайрон қилиш деган сўз эди. 1569 йилда тўпланган Бош штатлар алқабага ўрнига субсидияларни оширишни Альбага таклиф қилган бўлсалар-да бундан натижа чиқмади. Альба штатларнинг розилигини олмасданоқ, кўрсатилган солиқларни 1571 йилдан эътиборан жорий қилди. Шундан кейин Нидерландия савдогарлари ва мануфактурачилари орасида кўпгина одамлар дарҳол синиб, хонавайрон бўла бошлади. Испания билан Англия ўртасида уруш чиққанлиги туфайли Альба Нидерландия савдогарларига Англия билан ҳар қандай савдо қилишни таъқиқлагандан сўнг, синиб, хонавайрон бўлиш ҳоллари яна кўпайди. Альбанинг юргизаётган сиёсати Нидерландия экономикаси учун ҳалокатли оқибатларга олиб келишини айтганларида, у «иблис ва унинг ҳомийлари бўлган еретиклар учун гуллаётган давлатга эга бўлгандан кўра худо ва король учун фақирлашган ва ҳатто хонавайрон бўлган давлатни сақлаб қолиш яхшироқдир» деб жавоб берган.

Гёзларнинг чиқиши. Нидерландияда бамисоли қабристондек жим-житлик ҳукм сурар эди. Ҳар қандай оппозициянинг овози ўчган эди. Испан солдатлари ўзларини худди ~~■~~стило қилинган мамлакатлардагидек ҳис қилардилар. Оппозиция раҳбарларининг омон қолганлари бошқа мамлакатларга қочиб кетди. Вильгельм Оранскийнинг ўзи Германиядаги ерларига (Германиянинг шимоли-ғарбидаги Нассау князлигига) ўз вақтида жўнаб кетишга муваффақ бўлди. Кўплаб ҳунармандлар билан ишчилар қўшни мамлакатларга — Англияга, Францияга ва Ғарбий Германияга қўчиб кетди. Аҳвол бир неча йилгача шу зайлда давом қилди. Аммо худди шу йиллар ичида активроқ элементлар Альбага қарши қўзғолон тайёрладилар. 1565—1566 йиллардаги ҳаракат қатнашчиларининг бир қисми мамлакатни ташлаб чиқиб, денгиз партизанларига — Ла-Манш ва бошқа қўшни денгизларда сузиб юриб, испан кемаларига ҳужумлар қилиб турган денгиз гёзларига айландилар. Бошқалари мамлакат ичида қолиб, ўрмонларда бекиндилар (ўрмон гёзлари)¹, улар ўша ердан туриб Испаниянинг майда-чуйда гарнизонларига қарши партизанлик кураши олиб борар, шунингдек, испан маъмуриятининг халқ жуда ёмон кўр-

¹ Ўрмон гёзлари ёки ўрмон биродарлари орасида кўпгина деҳқонлар бўлиб, улар шу йўл билан испанлар зулмига қарши актив кураш олиб борардилар.

ган агентларини ўлдирардилар. Халқ гёзларни халқнинг қасосчилари деб билар эди. Халқ қасосчиларининг сони тобора ўсиб борди.

1568 йил ёзида Вильгельм Оранский Германиядан туриб Альбага қарши ҳарбий ҳужум ташкил этишга ҳаракат қилди. У 30 минг кишилик ёлланма кўшин билан Нидерландия территориясига бостириб кирди, аммо мағлубиятга учраб, чекинишга мажбур бўлди. Шундан кейин шаҳзода Испанияга қарши курашда ёрдам олиш умидида инглиз королеваси Елизавета ва француз гугенотлари билан музокаралар олиб боришга киришди. Шу нарса характерлики, Вильгельм курашга кенг демократик тус беришга интилмади. У ўз кўшинларини асосан чет эллардан тўплаб, уларга ўз мерос маблағлари ҳисобидан, қисман Антверпен ва Амстердам буржуазиясидан олинадиган маблағлар ҳисобидан ҳам тўлади. Антверпен ва Амстердамда ўзларини оранскийчилар деб атаган унинг кўпгина тарафдорлари бор эди. Мўътадил буржуа-дворянлар оппозицияси раҳбарининг бундай тактикаси муваффақиятга олиб келолмади, албатта. 1572 йил баҳорида гёзлар бошчилигида шимолдаги демократик элементлар қўзғолонига аҳволни тубдан ўзгартириб, кенг Умумнидерландия революциясини бошлаб берди.

Шимолдаги қўзғолон (1572 йил). Майда дворян Люмэ бошчилигидаги денгиз гёзлари отряди 1572 йил 1 апрелда Зеландиядаги Бриль деган кичик бир шаҳарни босиб олди. Маҳаллий аҳоли — шаҳарликлар, теvarак-атрофдаги деҳқонлар, балиқчилар, майда дворянлар гёзларга келиб қўшилди. Брилдан кейин ҳаракат бутун Зеландияга, Голландияга ва шимолдаги бошқа вилоятларга тезда ёйилди. Ҳамма жойда испан гарнизонлари қуролсизлантирилди ва асир қилиб олинди. Католикларга қарши ҳаракат яна бошланиб кетди. Саноат шаҳри бўлган Утрехт испанларга қарши курашнинг асосий марказларидан бирига айланди, бу ерда ҳаракат ҳатто бирмунча илгарироқ бошланган эди. Қўзғолончи аҳоли Альба тазйиқларидан қўрқиб, Вильгельм Оранскийдан ёрдам талаб қилди. Вильгельм Нидерландия тупроғига, дастлаб Гильдери вилоятига, сўнгра эса Брабантга кирди. Бу ерда у Брюсселга яқинлашиб қолган эди (1572 йил август). Аммо у ўзининг Париждаги иттифоқчилари бўлган гугенотларнинг қирғин қилинганини (Варфоломей кечаси) шу ерда эшитиб қолиб, Альбага қарши операциялар ўтказишга ўз кучлари етарли эмаслигини пайқади ва орқага чекинди. Вильгельм Голландияга чекинди, тез орада у дастлаб Голландиянинг, кейин эса бошқа вилоятларнинг — Зеландия, Фрисландия ва Утрехтнинг ноиб (штатгелътери) деб эълон қилинди. Шу зайлда Нидерландиянинг шимолида аслида янги давлат ташкил топди, у Филипп II ни фақат номигагина ўзининг қароли деб ҳисоблаб келмоқда эди.

Қўзғолон кўтарган шимолий вилоятлар томонига ўтган шаҳарларга Альба қаттиқ қаҳр-ғазаб билан ҳужум қилди. Булар

орасида Монс шаҳрини (Геннегау вилоятининг бош шаҳрини) ва Нидерландиянинг диний пойтахти бўлган Мехельн шаҳарини жуда ҳам ваҳшиёна суратда талаттирди. Альба бу ердан шимолий вилоятларга жўнади, у ерда Цютфен, Наарден ва Хаарлем шаҳарларини ҳам худди юқоридаги шаҳарларга ўхшаш қўлга киритиб, талаттирди. Испан қўшинлари Голландиянинг Алькмаар деган шаҳрини қамал қилди. Лекин шаҳар халқи қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги туфайли қамал бузилди (1573 йил октябрь). Пировардида Альбанинг тутган сиёсатидан Мадриддагиларнинг ҳафсаласи пир бўлди. 1573 йил декабрида у Испанияга чақириб олинди. Унинг ўрнига анча эпчил дипломатик билан иш кўрувчи генерал Рекезенс тайинланди ва унга «исёнчиларга» қарши уруш ҳаракатларини тўхтатмай, давом эттирган ҳолда Испанияга қарши кўтарилган ҳаракатни бўлиб юбориш ва иккиланиб турган социал элементларни Испания томонида сақлаб қолиш тўғрисида йўл-йўриқ берилган эди.

Кўзғолон кўтарган вилоятларнинг аҳволи жуда оғир эди. 1574 йил баҳорида Вильгельм Оранскийнинг укаси — Людовик Нассауский кўп сонли, аммо таълим кўрмаган ва интизомсиз ёлланма қўшинлар билан Рекезенсга қарши ҳаракат бошлади. 1574 йил 14 апрелда Моок ёнида бўлган жангда Людовик енгилди. Шундан кейин испанлар Лейден шаҳрини қамал қилишга киришдилар. Шаҳар бир неча ой (1574 йил май — октябрь) давомида қамал ичида қолди, аммо даҳшатли очарчиликка ва душман кучларининг кўп бўлишига қарамай, шаҳар қаҳрамонлик билан бардош берди. Голландия штатлари охиригача чорани қўллашга, яъни қамалдагиларга ёрдам бериш учун тўғонни очиб юборишга қарор қилди. Бу тadbир муваффақиятли бўлиб чиқди. Голландия флотининг кемалари Лейден яқинига кела олдилар. Испанлар чекинишга мажбур бўлдилар. Қаҳрамон Лейден шаҳри қутқазиб қолинди.

Лоақал жанубий вилоятларни король қўл остида сақлаб қолиш учун Рекезенс ён беришга мажбур бўлди. Альба жорий қилган ўн процентли солиқ, гарчи расмий суратда бекор қилинмаган бўлса ҳам, лекин аслида, у ҳокимлик қилган даврда бу солиқ тўпланмади. «Ғалаёнларни текширувчи кенгаш» ўлим жазоси бериш тўғрисида ҳукмлар чиқармай қўйди, фақат штрафлар солиш билан чекланди. Оранский партиясидан чиқиб кетган кишиларнинг ҳаммасига афв умумий берилди деб эълон қилинди. Бироқ оранскийчиларнинг ёки «ватанпарварларнинг» «улар ўзларини шундай деб атардилар) сони фақат шимолдагина эмас (улар бу ерда ҳоким партия бўлиб олган эдилар), балки жанубда. Фландрия ва Брабантнинг энг йирик шаҳарларида ҳам тобора кўпайиб борди.

1576 йил 4 сентябрь кўзғолони. «Гент яраши». Рекезенснинг Нидерландияга ҳокимлик қилиши узоққа бормади. 1576 йил баҳорида у тўсатдан вафот этди. Испан солдатлари тезда ҳар қандай интизомни йўқотдилар ва аҳолини хоҳлаганларича та-

лаб, террор қила бошладилар. Бунга жавобан Нидерландиянинг сиёсий пойтахти — Брюсселда қўзғолои кўтарилди. Бу ерда 1576 йил 4 сентябрда оранскийчилар бошчилигидаги маҳаллий шаҳар милицияси Давлат кенгаши аъзоларини қамоққа олди, Давлат кенгаши эса Рекезанс вафотидан кейин мамлакатда олий ҳокимият ҳисобланарди. Энди бу ҳокимият тезда шу Брюсселда тўпланган Бош штатлар қўлига ўтди. Аммо Бош штатлар кескин чоралар кўрмади. Унинг шимолдаги революционер ҳукумат билан музокаралари чўзилиб кетди. Шу пайтда испан армиясида тамомила анархия бошланди. Испаниядан пул ўз вақтида келиб турмас эди. (Нидерландиянинг ўзидан келадиган даромадлар «исёнчиларга» қарши уруш харажатларини аллақачоноқ қоплай олмай қолган эди.) Армияда интизом бутунлай бўшашиб кетди. Испан солдатлари тинч аҳолини талаш ва зўрлаш йўли билангина ўзларига маблағ топадиган бўлиб қолдилар. Айрим талон-тарожлар аста-секин бутун-бутун шаҳарларни погром қилишга айланиб кетди. Нидерландиянинг иқтисодий пойтахти бўлган Антверпен шаҳрига 1576 йил 4 ноябрда испанлар томонидан ана шу тариқада ўт қўйилиб, бу шаҳар таланган эди. Енғин ва қирғин вақтида шаҳар халқидан 8 мингга яқин киши ҳалок бўлди. Испанлар беҳисоб хазиналарни таладилар. Энди Антверпен савдо-саноат маркази бўлмай қолди. Бундан кейин чет эл конторалари бошқа жойларга — Лондон, Амстердам, Гамбургга кўчирилди.

«Испанлар ваҳшати» (Нидерландияда 1576 йил 4 ноябрь воқеаси шундай деб аталган эди) натижасида жанубий вилоятлар Шимолий Нидерландия томонига ўтдилар. Брюссель Бош штатларнинг шимолий вилоятлар билан музокаралари Антверпеннинг ҳалок қилиниши билан тезлашиб кетди. 1576 йил 8 ноябрда Гент шаҳрида «Гент яраши» аҳдномасига қўл қўйилди. Бу аҳдномага мувофиқ, Голландия ва Зеландия штатлари билан жанубий вилоятларнинг Бош штатлари испанларга қарши бирликда кураш олиб бориш тўғрисида келишдилар. Аҳднома жанубда католицизмни сақлашни кўзда тутган, аммо шу билан бирга кальвинизмнинг эркинлигини ва шимолда черков мулкларининг давлат ихтиёрига олиinganлиги фактини (секуляризацияни) тан олган эди. Бу аҳднома аслида сулҳ тузиш ҳақидаги шунчаки шартнома эмас, балки бутун мамлакатни испанлар зулмидан озод қилиш учун Нидерландиянинг шимолий ва жанубий вилоятларнинг унияси ёки иттифоқи ҳақидаги шартнома эди.

Шимолий ва жанубий вилоятлар ўз кучларини бирлаштирдилар, бу ҳол бир қанча вақт давом этди. Испания бутун Нидерландия устидан контроллик юргизолмай қолди. Филипп II ўз укаси, Лепанто ёнидаги жангда турклар устидан ғалаба қозониб донг чиқарган Дон-Хуан Австрийскийни 1576 йил охирида Нидерландиянинг янги ҳокими қилиб тайинлади, аммо у Нидерландияда ўзини худди душман мамлакатдагидек ҳис қилар эди.

Бош штатлар Дон-Хуан «Гент яраши» даги моддаларни қабул қилган тақдирдагина, уни Нидерландиянинг ҳоқими деб танишга рози бўлди. Дон-Хуан «Гент-яраши»ни ёлғондан маъқуллаб, гўё бунинг далили учун (1577 йил 12 февралда) «кабадий эдикт» деб аталган ҳужжатга қўл қўйди. Дон-Хуан Брюсселга кирди, испан қўшинларини Нидерландиядан олиб кетиш тўғрисида буйруқ берди, аммо орадан бир оз вақт ўтгандан кейин штатлар билан алоқасини узди ва Брюсселни ташлаб чиқиб кетди. Нидерландияга қарши яна уруш бошлаш нияти борлигини деярли яширмади. Намюр қалъасини қўлга олгандан кейин Дон-Хуан Бош штатларга қарши ҳужум бошлаш учун янги қўшин тайёрлай бошлади. 1578 йил январда Бош штатларнинг қўшинларига зарба беришга муваффақ бўлди. Аммо шу йилнинг октябрида Дон-Хуан ўзидан аввалги ҳоким Рекензенсга ўхшаб тўсатдан вафот этди. Нидерландияликларнинг испан абсолютизмга қарши кураши энди катта муваффақият билан авж олиб кетиши мумкиндай бўлиб кўринарди.

1577—1578 йилларда жанубда синфий курашнинг кескинлашуви. Бироқ жанубий вилоятларнинг шимолий вилоятлар билан олиб борган муносабатида кўпгина зиддиятлар бор эди. Артуа ва Геннегау деган жануби-ғарбий вилоятларда католицизмга ихлос қўйган ва испан короли ҳокимиятини қайта тиклаш тарафдори бўлган кучли феодал дворянлар бор эди. Бу дворянлар Брюссель Бош штатларининг шимолдаги «исёнчилар» билан битишувидан аввал бошданоқ норози эдилар. Бир қанча шаҳарларда юқори табақа патрицийларни (савдогарларни) ҳокимиятдан сиқиб чиқарган демократик элементлар Фландрия, Брабант ва Артуанинг ўзида кучайгандан кейин дворянларнинг революцияга душманлиги яна ҳам кучайди. 1577 йил кўзда Брюсселда ташкил топган демократик «18 лар комитети» Гент, Ипр, Брюгге, Аррас ва бошқа шаҳарларда худди шунга ўхшаш комитетларнинг майдонга келиши учун ўрнатилди. Расмий жиҳатдан бу комитетлар испанларнинг ҳужум қилиш эҳтимолига қарши шаҳар истехкомлари қуриш ишлари устидан назорат қилиш учун деб таъсис этилган эди. Амалда эса комитетлар шаҳар бошқармаларининг ишларига аралашардилар, камбағалларнинг манфаатларини кўзда тутиб, солиқ сиёсатини ўзгартиришга мажбур эдилар, контрреволюция ҳомийларини тутиб қамардилар ва ҳоказо.

Комитетлар хонин Дон-Хуанга қарши қатъий кураш олиб боришни талаб қилдилар, халқни ёппасига қуроолантиришни таклиф этдилар, ҳамда испанлар билан ҳар қандай келишувга қарши қатъий норозилик билдирдилар. Гент шаҳрининг комитети айниқса ғайрат билан ҳаракат қилди. Бу ерда 1577 йил 28 октябрда шаҳар плебей элементларининг маҳаллий дворян контрреволюционерларга қарши қўзғолон рўй берди.

Демократиянинг актив ҳаракатларига жавобан Геннегау, Артуа, шунингдек Фландрия ва Брабант дворянлари 1577 йил

кузида контрреволюцион ҳаракат бошладилар. Бу ҳаракатнинг шиори демократик ташкилотларни тугатиш ва Испания билан тезда сулҳ тузишдан иборат эди. Халқ орасида контрреволюционер-дворянлар «норозилар» (malcontents) деган ғалати ном олдилар. Контрреволюционерлар жануби-ғарбий вилоятларда— Артуа ва Геннегауда кучлироқ эдилар. Улар бу ерда демократик ҳаракатни бостира олдилар. Фландрия ва Брабантда аксиича контрреволюцион кучлар мағлубиятга учради. Шаҳар демократик элементлари бу вилоятларда маҳаллий феодалларга қарши рўй бераётган деҳқонлар ҳаракатига қисман таяна олдилар. Фландрия билан Брабант деҳқонлари 1577 йилнинг кузи ва қишида ҳамда 1578 йилда кўп жойларда қўлларига қурол олиб «норозилар»га қарши чиқдилар, уларнинг қўрғонларини ва истеҳкомли уйларини штурм қилдилар, маҳаллий католик монастырларига ҳужум қилиб, уларни вайрон қилдилар. Бу вилоятларнинг деҳқонлари аниқ-равшан испан режимига қарши кайфиятда эдилар.

Вильгельм Оранский ва Бош штатлар «дипломатик», эҳтиёт-корона ва келишувчилик тактикасини ўтказиб, контрреволюцион дворянлар орасидан чиққан «норозилар» билан ҳар қандай қилиб бўлса ҳам битимга келишга интилдилар. Иккинчи томондан, Вильгельм илгаригидек испанларга қарши курашда асосан ташқи кучларга умид боғлаб, бу даврда айниқса француз феодаллари ва уларнинг ёлланма қўшинларига ишонган эди. Француз феодаллари ва уларнинг ёлланма қўшинлари эса Нидерландияга шахзода Оранскийнинг иттифоқчилари сифатида келиб, аслида революциянинг испанлар устидан ғалаба қозонишига ёрдам бериш у ёқда турсин, балки Францияга энг яқин турган вилоятлардаги деҳқонларни (қисман шаҳарликларни ҳам) муттасил талаб ва уларга зўравонлик ўтказиб, аҳоли ўртасида революцияни очикдан-очик обрўсизлантирдилар. Бу эса оқибат натижада ана шу вилоятларда испанларга мойиллик кайфиятининг кучайишига ёрдам берди. Артуа ва Геннегау деҳқонлари «иттифоқчи» француз феодаллари улар учун испанларга нисбатан енгилроқ эмас, балки оғирроқ деган маънода сиёсий хулоса чиқардилар. Ана шундай мураккаб вазиятда 1579 йил бошларида жануби-ғарбдаги дворянлар ўз контрреволюцион тўнтаришларини ясаб, очикдан-очик абсолютистик Испания томонига ўта олдилар.

Жанубий вилоятларнинг революциядан юз ўгириши. Аррас ва Утрехт униялари. Артуа ва Геннегау вилоятларидаги дворянлар 1579 йил 6 январда Аррас шаҳрида вилоят штатларининг бирлашган съездига тўпланди, бу съездда дворянлар Аррас унияси номи билан алоҳида битим ишлаб чиқдилар. Унияда «қонуний ҳукмдор» Филипп II билан келишилсиз, дейилган эди. Нидерландиянинг янги ҳокими Александр Фарнезе Пармский (Маргарита Пармскаянинг ўғли) бир қанча ёш беришларга кўниб, 1579 йил 17 майда унияни тасдиқлади. У вилоятлардан

қўшинларни олиб чиқиб кетишга, аввалги эркинликларни ва вилоятларнинг имтиёзларини яна тиклашга, энг муҳим мансабларга маҳаллий кишилардан тайинлашга ваъда берди. Бундай ён беришларни Мадриднинг разиллиги билан қилган Александр Пармский юқори табақа синфларни, шу жумладан, Фландрия билан Брабант буржуазиясини ҳам аста-секин ўз томонига жалб қилишни кўзда тутган эди. Бу провинцияларнинг бой синфлари демократик ҳаракатдан жуда қўрқаётганлигини ва комитетларнинг контроллиги уларга ғоят малол келишини билганлигидан, у шу юқори табақа синфларнинг мададига батамом умид боғлар эди. Иккинчи томондан, Фландрия билан Брабант буржуазиясининг ўз конкурентлари бўлган шимолий шаҳарларга, айниқса Антверпен тор-мор қилингандан кейин жаҳон бозорида унинг ўрнини эгаллаган Амстердамга ҳасад қилиши ҳеч кимга сир эмас эди.

Шимолий вилоятлар жанубий вилоятларда юз берган силжишларни эътибор билан кузатиб бордилар ва улардан ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олдилар. Жанубдаги реакцион дворянларнинг испан ноиб билан тил бириктиришлари тамом бўлишини кутиб ўтирмасдан шимолий вилоятлар 1579 йил 23 январда ўз битимини ишлаб чиқди. Бу битим Утрехт унияси деб ном олди (шимолий вилоятлар вакилларининг съезди Утрехт шаҳрида бўлган эди). Утрехт унияси шимолий вилоятларнинг иттифоқи «абадий» бузилмас иттифоқ деб декларация қиларди. У бирлашган вилоятларнинг ҳаммаси учун умумий танга (монета), узунлик ва вазнлик ўлчовларининг бир хил системасини, умумий ҳарбий ва ташқи сиёсат ўрнатди. Утрехт унияси янги федерацияга кирган вилоятлар вакилларида иборат Бош штатларни олий орган деб белгилади. Дастлаб беш вилоятнинг, яъни: Голландия, Зеландия, Утрехт, Гильдерн ва Фрисландиянинг вакиллари унияга қўл қўйдилар. Бундан кейин Гроннеенген ва Овериссель келиб қўшилди. Фландрия билан Брабантнинг баъзи бир йирик шаҳарлари — Гент, Ипр, Брюгге, Антверпен, Брюссель, Бреда унияга қўшилдилар.

Утрехт унияси иккиланиброқ Филипп II Испанскийнинг олий ҳокимиятини расмий равишда сақлаб келди. Бироқ иккиланиш узоққа бормади: иккиланишга тез орада хотима берилди. 1581 йилда Дельфт шаҳрида тўпланган Бош штатларнинг қарори билан. Филипп II «ўз фуқароларининг манфаатларини менсимай иш кўрувчи мустабид» сифатида ағдариб ташланди. Шимолий Нидерландия, гарчи махсус равишда республика деб эълон қилинмаган бўлса ҳам, аслида у республикага айланган эди.

Вильгельм Оранскийнинг ҳалокати. Филипп II 1580 йилдан бошлаб Вильгельм Оранскийни қонундан ташқари деб эълон қилди. Оранскийни ўлдириб унинг бошини олиб келган қотилга 25 минг крон мукофот ваъда қилинди. Филипп II нинг мақсади 1584 йил 10 июнда амалга ошди. Бургуниялик Бартоломео Жерар деган киши ўзини француз хонадонининг штатларга

юборган элчиси қилиб кўрсатиб, шаҳзоланинг саройига суқулиб кирди ва уни ўз кабинетига тўплонча билан отиб ўлдирди. Жерарни қийнаб сўроқ қилинганда, у испан королининг агентлари томонидан юборилганлигига иқрор бўлган.

Шимолий Нидерландиянинг мустақиллик учун уруши. Вильгельм Оранскийнинг ўлими ёш, ҳали етарли даражада мустақамланиб етмаган давлатга жиддий зарба бўлиб тушди. 80-йилларнинг бошлари Голландия (янги давлатни унинг энг етакчи вилоятининг номи билан расмий равишда шундай деб атаиб бошлаган эдилар) учун жуда оғир бир пайт эди. Александр Пармский 1581 йилда ҳужумга ўтди ва Фландрия билан Брабантнинг катта қисмини ўзига бўйсундирди. 1584 йилда у Брюгге ва Гент шаҳарларини, 1585 йилда Брюссель ва Антверпенни олди. Бош штатлар инглизлардан ҳарбий ёрдам олиш умидида бир оз вақт мобайнида Англия протекторатини тан олишга мажбур бўлди. 1585 йилда Нидерландияга королева Елизаветаининг ноиб, унинг фаворити граф Лейстер 7600 кишилик қўшинлар отрядига бошлиқ бўлиб келди. Аммо Лейстер ўзини Нидерландияда худди забт қилинган мамлакатдагидай тутди ва тезда ҳамманинг нафратига учради. 1586 йилда ўз қўшинлари билан биргаликда Нидерландиядан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Нидерландия эса барча қийинчиликларга қарамай, ўз кучлари билан курашни давом эттираётган эди.

Бироқ Испаниянинг муваффақиятлари узоққа чўзилмади. Филипп II нинг молиявий аҳволи чатоқ бўлганлиги Нидерландиянинг шимолида испанларнинг уруш ҳаракатларини янада кенгайтиришга халақит берди. Иккинчи томондан, испанлар шимолга томон силжиб борган сари Бош штатлар испанларга тобора қаттиқроқ қаршилик кўрсатдилар. Ўлдирилган Вильгельм Оранскийнинг ўғли Мориц Оранский ғайратли ва таланти саркарда бўлиб чиқди. У Нидерландиянинг ҳарбий кучларини қайтадан ташкил қилиб, ўз қўшинларининг машқи-га ва қайта қуrollанишига (ўқсочар қуrollарни яхшилаш, дала тўпларини ишлатиш, пиёда колонналарни жойлаштириш, манёврлар қилиш ва ҳоказоларга) катта эътибор берди. Тезда унинг ўзи шарқий районларда Александр Пармскийга қарши ҳужумга ўтди. «Енгилимас армада»нинг 1588 йилги юришининг муваффақиятсиз бўлиб чиқиши натижасида испанлар Нидерландиядаги уруш ҳаракатларини батамом сусайтиришга мажбур бўлдилар. 1592 йилда герцог Пармский ўлгандан кейин Мориц Фландрия билан Брабантнинг шимолий қисмларида, шунингдек, шарқий вилоятларнинг бошқа жойларида ҳам анчагина ерларни қўлга киритди. Голландия денгизчилари Ҳиндистон ва Индонезиядаги португал-испан мустамлакаларига кириб кела бошладилар. Испаниянинг Голландия билан кураши океанларга кўчирлди.

Қўлга киритилган ҳарбий ютуқларга ва Англия билан Франциянинг (бу ерда Вильгельм Оранскийнинг собиқ иттифоқчиси

Генрих IV Бурбон король бўлиб олган эди) дипломатик ёрдамига таяниб, Бош штатлар 1609 йилда Испания билан 12 йил муддатга яраш шартномаси тузди. Бу шартномага мувофиқ Испания Шимолий Нидерландиянинг мустақиллигини амалда тан олиб, фақат Жанубий Нидерландияни (ёки испан Нидерландиясини)гина ўзида қолдирди. Шу билан бирга Голландиянинг қаттиқ қисташига кўра Шельда дарёсининг денизга қўшиладиган жойи ташқи савдо кемалари учун ёпиб қўйилди, бу билан Амстердамнинг эски рақиб бўлган Антверпен шахрига сўнгги зарба берилди. 1621 йилда Испания Голландия билан урушни яна бошлаб юборди. Аммо бу уруш XVII аср бошларида юз берган аҳволни ўзгартмади. 1648 йилги Вестфаль конгрессида Испания шимолий Бирлашган вилоятларнинг мустақиллигини батамом эътироф қилди.

Нидерландия революциясининг тарихий аҳамияти ва характери. XVI асрдаги Нидерландия революцияси катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу революция миллий-озодлик кураши байроғи остида нисбатан кичик бир территорияда авж олган бўлса-да, лекин у Европа миқёсида биринчи марта ғалаба қилган буржуа революцияси эди. Революция натижасида янги буржуа давлати — Бирлашган вилоятлар республикаси ёки Голландия республикаси ташкил топди, аммо бу республика монархиянинг баъзи бир атрибутларидан холи эмас эди, биз буни ҳали қуйида кўрамиз.

Революция жараёнида унда кенг аҳоли оммаси — деҳқонлар ва айниқса шахарларнинг плебей элементлари актив қатнашдилар. Бироқ абсолютизм ва феодализм билан курашда рақбарлик роли ҳамма вақт буржуазия қўлида бўлиб келди, буржуазия эса бу курашда буржуалашган дворян вакиллари билан биргаликда ҳаракат қилди. Халқ оммасининг — ўзларининг тор синфий манфаатларига путур етказиши мумкин бўлган майда шахарликлар ва деҳқонларнинг активлашиб кетишидан қўрққан буржуазия ва дворянлар шу халқ оммасининг революцион ғайратидан етарлича фойдаланмадилар. Шу сабабдан буржуа революциясининг натижалари жуда ҳам чекланган бўлиб чиқди. Нидерландия революцияси ҳокимиятни буржуазия қўлига топшириб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида унинг тўла ҳукмронлик қилишини таъмин этди. Нидерландия революцияси Нидерландия буржуа жамиятининг тараққиётини бўғиб турган феодал-абсолют кишанларидан уни озод қилди, католик реакциясига зарба берди, черков мулкларини секуляризация қилди ва мамлакатда диний эркинлик ўрнатди. Революция натижасида Нидерландия миллий мустақиллик олди. Бироқ Шимолийнинг бир ўзигина озод қилинди. Жануб эса Испания ҳукмронлиги остида қолди. Нидерландиянинг сиёсий тузumi ҳатто буржуа маънодаги демократлашган мамлакат ҳам бўлмадан қолди.

Голландиянинг Бош ва провинция штатлари ҳам, ва бошқа Бирлашган провинциялар штатлари ҳам бир ҳовуч бойларнинг манфаатларини — савдо, мануфактура буржуазияси, молия-судхўр буржуазиянинг ва у билан боғланган юқори табақа дворянларнинг манфаатларини акс эттирар эди. Янги буржуа-дворянлар давлатида меҳнаткаш халқ оммаси идора органларига кириб ишлай олмаганидек, вакиллик муассасаларига ҳам уларнинг кириши учун йўл батамом берк эди. Нидерландия революцияси помещикларнинг сеньорлик ҳуқуқларини бекор қилмади. Буржуа-демократик революциясининг асосий вази-фасини бажармади, яъни феодализмни охиригача тозаламади.

XLIV БОВ

XVII АСРДА ГОЛЛАНДИЯ

XVII асрда Голландиянинг иқтисодий тараққиёти. Голландия мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлиб турган испан абсолютизми зулмини ағдариб ташлаб, ўз халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта ютуқларга эришди. Маркс «Капитал»нинг I томида: Голландия — XVII асрнинг намунави капиталистик мамлакати эди, деб характерлаган эди. Голландиянинг мовут, ипак ва полотно ишлаб чиқарадиган мануфактуралари жуда ҳам тараққий қилган эди. Амстердам, Роттердам, Лейден, Утрехт ва Хаарлем бундай саноатнинг асосий марказлари эди. Шунингдек, Амстердам бриллиантларга жило бериш, оптика асбоблари, босмаҳоналар ва бўёқчилик корхоналари билан ҳам донг чиқарган эди. Жуда кўп ҳунармандлар ва мануфактура ишчилари протестантлик учун диний таъқибга учрагандан кейин испан Нидерландиясидан, қисман Франциядан Голландияга кўчиб келган эди.

Голландия XVII асрда савдо-сотиқ билан шуғулланадиган мамлакат сифатида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Порт шаҳри бўлган Амстердам Антверпендан ўтиб кетди. XVII аср бошларида Амстердамда 100 мингдан ортиқ аҳоли яшарди. Унинг гаванида ҳар куни 2 мингга яқин кема турар эди. У ҳинд товарларининг (айниқса зираворларнинг) асосий бозори, дон, балиқ ва ёғоч савдосининг, шунингдек мўйна савдосининг маркази эди. У аввалгича кемасозликнинг энг муҳим маркази бўлиб қолаверди. Голландиянинг жуда катта савдо флоти (30 мингдан кўпроқ денгиз кемаси) уни жаҳон бозорининг даллоли қилиб қўйди. XVII аср ўрталаригача Голландия кемалари жаҳон мустамлакачилик савдосининг катта қисмига хизмат қилиб келди. Ҳатто Англияга қарашли мустамлакалардан олиб келинадиган товарлар ҳам Голландия кемаларида ташилар эди. Голландия Европадаги жуда яқин мамлакатлар — Англия, Франция, Германия ва Скандинавия мамлакатлари билан олиб борилган



XVII асрда Голландия

савдодан ташқари Ост-Индия ва Вест-Индия билан, Россия ва Балтика мамлакатлари билан, Левант ва Туркия билан мунтазам суратда савдо-сотиқ ишлари олиб борарди. Голландия банк ишларининг маркази эди. 1609 йилда таъсис этилган Амстердам миллий банки Европанинг капиталистик типдаги биринчи банки бўлиб, унинг таъсири Голландиядан ташқарига ҳам ёйилган эди. Узоқ вақтгача у Европада бирдан-бир банк бўлиб келди. Унинг асосий капитали 1648 йилда 300 миллион олтин гульденни ташкил этарди. Фақат 1694 йилга келиб Лондонда Амстердам банкга ўхшаш Англия миллий банки таъсис этилди. XVII асрда Голландия энг йирик мустамлакачи давлат бўлиб олди. XVI аср охиридаёқ Голландия Испания билан олиб борган уруш давомида Ҳиндистонга кириб борди. Голланд савдогарларининг биринчи йирик савдо экспедицияси 1597 йилда Ҳин-

дистонга сафар қилган эди. Инглиз Ост-Индия компанияси (бу компанияга тахминан 1600 йилда асос солинган эди) билан деярли бир вақтда яъни 1602 йилда Бирлашган Ост-Индия компанияси тузилган эди. Голландия Ост-Индия компанияси Ҳинд ва Улуғ (Тинч) океанларда монопол савдо ҳуқуқларидан фойдаланар эди.

Зиравор ўсимликларга жуда бой бўлган Зонд ва Молукка оролларини эксплуатация қилишга компания алоҳида эътибор берарди. Компаниянинг фойдалари жуда кўлайиб, бир неча юз процентга етди. Голландлар тропик Индонезиянинг бойликларини йиртқичларча эксплуатация қилиб, унинг ерли халқини қулларга айлантирар эдилар, ороллардаги «ортиқча аҳолини» шафқатсизлик билан қириб ташлардилар, мустамлакалардан ташиладиган маҳсулотларнинг нархини пастга туширмаслик учун гоят қимматли бўлган бундай маҳсулотларни куйдириб юборардилар. «Голландиянинг мустамлака ҳўжалиги тарихи... хоинлик, сотқинлик, қотиллик ва ифлосликларнинг мисли кўрилмаган манзарасини тасвирлаб беради... Голландлар,— деб ёзган эди Маркс Голландиянинг мустамлакачилик сиёсати тўғрисида,— ўзлари қадам қўйган ҳамма ерни вайрон қилдилар ва ҳамма ерда одам уруғини қуритдилар»¹.

Голландлар Шарқдаги мустамлакалардан ташқари яна Фарбда ҳам кўпдан-кўп мустамлакалар барпо этдилар. 1621 йилда улар Вест-Индия компаниясини барпо қилдилар. XVII аср бошларида голландлар Шимолий Американинг шарқий қирғоғидаги ерларни босиб олиб, унга Янги Голландия ва ундаги шаҳарга Янги Амстердам деб ном бердилар (кейинчалик инглизлар Янги Амстердамни Янги Йорк — Нью-Йорк деб ўзгартирдилар).

1648 йилда голландлар Африканинг жанубий қисмидан португалларни сиқиб чиқардилар, бу билан Кап ери деб ном олган янги мустамлакага асос солинди.

XVII асрда Голландиянинг сиёсий тузуми. Бирлашган вилоятлар ёки республика Қўшма штатлари XVII асрда ҳам федерал давлат бўлиб, бу давлатда гегемонлик иқтисодий жиҳатдан энг тараққий қилган Голландия қўлида эди. Бутун давлат харажатларининг 57 процентини Голландия қоплар эди. Бирлашган вилоятларнинг ҳар иккала пойтахти — сиёсий пойтахти Гаага ва иқтисодий пойтахти Амстердам Голландияда эди. Янги давлатнинг идора усули ярим монархистлик, ярим республикачилик характерида эди. Бош штатлар давлатнинг олий органи ҳисобланарди. Бундан ташқари директива берувчи доимий орган сифатида 1584 йилдан бошлаб Давлат кенгаши ишга тушди, бунга айрим вилоятларнинг вакиллари ҳам кирган эди. Аммо бундай республика-федератив муассасалар билан бир қаторда ш т а т г а л ь т е р деган мансаб ҳам бор эди, бу мансаб Оранс-

¹ К. Маркс. Капитал, 1-том, Ўздавнашр, 1955 йил, 813-бет.

кийлар хонадонига мерос бўлиб қолди. Бу мансаб Вильгельм I Оранскийнинг ўгли Морицдан (1625 йилда вафот этгандан кейин) укаси Фридрих Генрихга, сўнгра Генрихнинг ўгли Вильгельм II га ва ҳоказоларга мерос бўлиб ўтди.

Штатгальтер Давлат кенгашида раислик қилар, мамлакатдаги ҳарбий ҳокимият амалда унга қарарди, чунки штатгальтер одатда бош қўмондон бўларди. Давлат кенгаши раисининг ўринбосари буюк пенсияри бўлиб, у ўз лавозимида ташқи ишлар, молия ва ички ишлар министрларининг вазифаларини бирлаштирарди. Юқсак вазифаларнинг ана шу тарзда бир шахсда тўпланганлиги, шунингдек жуда йирик голланд буржуазияси билан (пенсиярийлар одатда шулар орасидан келиб чиқарди) бевосита савдо-сотиқ алоқалари туфайли бу лавозим айниқса муҳим аҳамият касб этарди. Оқибат натижада штатгальтер ва буюк пенсионарий республикада юқори ҳокимиятни ўзаро бўлишиб олишган, бамисоли мамлакатда ҳукмронлик қилувчи икки синф блокени шахсан акс эттириб туришарди. Бу икки синф бир томондан буржуазия ва иккинчи томондан, энг йирик савдо-саноат ҳамда банк-судхўрлик буржуазияси билан боғланган ерга эгаллик қилувчи дворянлардан иборат эди. Аслида давлатда гегемония худди ана шу йирик буржуазия қўлида бўлиб, унинг таъсири республиканинг бош ва етакчи вилояти — Голландия штатида айниқса кучли эди.

Янги буржуазия давлатида халқ оммасининг бошқаришда иштирок этишдан амалда четлаштириб қўйилганлиги аҳоли куччилигининг сайлов ҳуқуқларидаи маҳрум этилганлиги билан исботланади. XVII асрнинг бошларида Голландия республикасидаги 1200000 кишидан фақат бир неча минг кишигина штатлар йиғилишига депутатлар сайлаш ҳуқуқига эга эди.

XVII асрнинг биринчи ярмида Голландияда социал ва сиёсий кураш. Республика XVII асрда иқтисодий жиҳатдан ғоят юқсалган бўлса ҳам, Голландия республикаси меҳнаткаш аҳолисининг катта қисми сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсизгина бўлиб қолмай, балки ғалаба қозонган буржуазия синфи томонидан қаттиқ эксплуатация ҳам қилинарди. Катта ва хилма-хил солиқлар (улар орасида кўндан-кўп билвосита солиқлар — акцизлар айниқса оғир эди), энг зарур маҳсулотлар нархининг қимматлиги ҳамда мануфактура ишчилари реал иш ҳақи даражасининг пастлиги меҳнаткашларининг кенг табақаларини деярли чидаб бўлмайдиган турмуш шароитига солиб қўйган эди. Маркс «Капитал»да ёзганидек, «голландиялик халқ оммаси 1648 йилдаёқ Европанинг бутун қолган қисмидаги ҳамма халқ оммасига қараганда камбағалроқ бўлиб, ҳаддан ташқари меҳнатдан кўпроқ азоб чекар ва қаттиқроқ жабр-зулм кўрар эди»¹.

Бу шароитлар оқибат натижада шиддатли синфий курашни келтириб чиқарди.

¹ К. Маркс, «Капитал», 1-том, Ўздавнашр, 1955 йил, 883-бет.

Амстердамда 1618 ва 1638 йилларда мовут саноати ишчиларининг катта чиқишлари бўлди. Мовут саноатида, шунингдек саноатнинг бошқа тармоқларидаги ишчиларнинг галаёнлари XVII асрнинг қирқинчи йилларида Лейденда ҳам рўй берди. Кўпинча шаҳарларнинг плебей оммалари ҳукмрон синфларнинг вакиллари бир-бирлари билан олиб бораётган сиёсий курашга тортилиб қолардилар. Оранскийлар хонадонидан чиққан штатгальтерлар билан буюк пенсионарийлар ўртасида доимо тўқнашувлар бўлиб турарди. Мориц Оранский кучайиб кетган пенсионарий Ольденбарневельдега қарши курашда ўз агентлари орқали аҳолининг демократик қатламларини демагогик йўл билан ўз тарафига оғдириб олишга интилди. Амстердам, Гаага, Лейден ва бошқа шаҳарларнинг камбағалларидан жуда катта қисмини ташкил қилувчи ўз тарафдорларининг намоишига таяниб Мориц шунга эриша олдики, Ольденбарневельде 1619 йилда ўлимга ҳукм қилинди ва қатл этилди. Вильгельм II 1650 йилда демагогик усуллардан фойдаланиб, давлат тўнтариши ясашга уриниб кўрди, бундан мақсад Голландияда тўла монархия ўрнатишдан иборат эди. Вильгельм II голланд штатларининг атоқли депутатларидан 6 кишини қамоққа олди. Аммо давлат тўнтариши муваффақиятсиз чиқди. Йирик буржуазия ҳокимиятга маҳкам ёпишиб олган эди. Испания билан урушнинг (1648 йилги сулҳдан кейин) тўхтатилганидан фойдаланиб, буржуазия штатгальтернинг ҳарбий ваколатларини қисқартира олди. Кўп ўтмай, Вильгельм II нинг вафот этиши (ўша 1650 йилда) ва унинг вориси Вильгельм III нинг жуда ёш эканлиги плутократик олигархияга, оранскийчилар партиясининг ҳар қандай демагогиясига қарамай, давлат ҳокимиятини тўла қўлга олишларига имкон берди, оранскийчилар эса аслида халқ оммаси аҳолини бирор даража жиддий яхшиланишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар, албатта.

Голландия маданияти. Феодал-абсолют тузумнинг энг қўпол формаларидан олдинроқ ҳалок бўлган бой савдо-саноат мамлакатида, яъни XVII аср Голландиясида буржуазия маданияти барқ уриб гуллади. Голландия китоб нашр қилиш ишларида йирик марказга айланди. Абсолют идора усули ҳукм сурган мамлакатларга қараганда Голландияда бир қадар эркинликка йўл қўйилганлиги сабабли бу мамлакатга ҳар томондан сиёсий эмигрантлар кўплаб оқиб келавердилар. Бошқа мамлакатларда босиб чиқариш мумкин бўлмаган илмий-фалсафий ва сиёсий адабиётлар шу ерда нашр қилинди. Голландия олий таълимга кўплаб маблағ сарф қила олар эди. Испанларга қарши қаҳрамонона курашгани учун Лейден шаҳрига мукофот тариқасида 1575 йилда очиб берилган университет Европадаги энг яхши университетлардан бирига айланди. Университетнинг жуда бой кутубхонаси бор эди. Лейден университети физика ва математикани тараққий қилдиришда кўп ишлар қилди. Бир қанча йирик

голланд ёзувчилари, файласуфлари, олимлари, шунингдек рас-
сомлари ва санъатнинг бошқа вакиллари XVII асрда Европа-
да ғоят машҳур бўлиб кетишди.

Голланд олими, файласуфи ва тарихчиси Гуго Гроций (1583—1645) давлат табиий ҳуқуқдан ва ижтимоий шартнома-
дан келиб чиққан деган таълимотни ривожлантирган энг йирик
ёзувчи, халқаро ҳуқуқ фанининг асосчиси ва буржуа давлати-
нинг назарийётчиси эди. Гроцийнинг энг муҳим илмий-сиёсий
асарлари иккита юридик трактатдан — «Денгизлар эркинлиги
тўғрисида» ҳамда «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи тўғрисида» деган
трактатлардан иборат бўлиб, уларда автор, бир томондан, ўз
даври учун илғор бўлган ғояни, яъни давлат ҳокимнинг халқ
билан шартнома тузиш йўли билан келиб чиқиши ҳақидаги
ғояни ривожлантирган бўлса, иккинчи томондан, ўша даврда
ҳар иккала ярим шарнинг денгизлари ва океанлари бўйлаб яс-
ланиб ётган Голландия мустамлака ва савдо экспансияси «ҳу-
қуқини» очиқдан-очиқ ҳимоя қилган эди. Голландияда маш-
ҳур файласуф Барух-Бенедикт Спиноза (1632—1677)
яшади. «Илоҳий-сиёсий трактат» ҳамда «Геометрик усулда қа-
раб чиқилган этика» деган асарларида Спиноза фалсафани,
ҳали қисман диний форма қобигида бўлса ҳам, ҳар ҳолда асо-
сан материалистик концепциясини берди. Спиноза, шунингдек,
таврот текстининг илк танқидчилари — рационалистларидан би-
ри ҳам эди.

XVII асрда Голландияда тасвирий санъат таркиб топди ва
каттагина муваффақиятларга эришди. Бу иш билан кўпгина
хилма-хил рассомлар: портретчилар, пейзажчилар, жанрчилар ва
ҳоказолар шуғулланди. Голландия мактаби учун реалистик тен-
денциялар, бўёқларнинг ифодали бўлиши, кундалик турмушга
ва атрофдаги табиатга қизиқиш характерли бўлиб, голланд
рассомлари содда ва оддий усулда ўзига хос гўзалликни таран-
нум эта олдилар. Портрет ва жанрли тасвирий санъатда кўп-
лаб ноёб асарлар яратган, «нур ва соя мўъжизакори», атоқли
реалист, ўз асарларидан халқ типларини меҳр билан тасвир-
лаган рассом Рембрандт ван Рейн (1606—1669) жа-
ҳонга машҳур бўлди. Рембрандт асарлари Европадаги барча
энг йирик музейларга тарқалгандир. Унинг кўпгина картина-
лари Совет Иттифоқининг картина галерияларида ҳам намоиш
қилинмоқда.

1630—1640 йилларга оид илк даврда яратилган «Анатомия
дарси», «Саския портрети» (унинг хотини) ҳамда «Тунги дозор»,
1650—1660 йилларга оид сўнги даврда яратилган «Юлий Ци-
виллис фитнаси» (батавлар кўзголови) ҳамда «Дарбадар ўғил-
нинг қайтиши» (1668—1669 йиллар) деб аталувчи Рембрандт-
нинг қаламига мансуб картиналар айниқса машҳурдир. Санъат-
корнинг мураккаб руҳий фожиаси ниҳоятда яққол акс эттирилган
кўплаб автопортретлар Рембрандт психологизми учун харак-
терлидир.

XVI асрнинг охири — XVII асрнинг биринчи ярмида Испания Нидерландияси. Испанлар забт қилган Жанубий Нидерландияга алоҳида ҳоким — эрц-герцог Альберт Габсбург (Филипп II нинг куёви) тайинланган бўлса ҳам у Испаниянинг вилояти ҳолатида қолаверди. Альберт 1596—1621 йилларда ҳукмронлик қилди, аммо 1616 йилдаёқ Испания Нидерландиясининг аҳолиси испан короли Филипп III га қасамёд қилишга мажбур бўлди ва шу тарзда унинг Испанияга бўйсунishi Альберт вафотидан илгаридеъ расмий жиҳатдан ҳам тўла амалга оширилган эди. Голландия республикасига зид ўлароқ, Испания Нидерландияси иқтисодий жиҳатдан сустроқ ривожланди. Унинг саноат жиҳатдан ривожланишига Испания сиёсати тўсиқ бўлиб турган эди. Испания сиёсати Фландрия ва Брабант саноатчилари ҳамда савдогарлари учун бир қанча таъқиқлар белгиланган эди (Испания мустамлакалари билан, аynи вақтда яна Испанияга қарши 1621 йилдан бошлаб уруш ҳолатида бўлган Голландия билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эдилар). Эски саноат марказлари бўлган, бир вақтлар бутун Европада донг таратган ва ҳатто Европадан ташқарида ҳам машҳур бўлган Фландрия билан Брабант энди Голландия, Шимолий Франция, Англияга биринчиликни узил-кесил топшириб қўйган эди. Саноат цех доирасида ўралашиб қолди. Шаҳарлар илгариги сиёсий таъсирдан маҳрум бўлди. Жамиятда феодал дворянлар ҳамда ўз имтиёзлари ва таъсирини сақлаб қолган католик черкови ҳукмронлик мавқеини эгаллади. Испания ҳукумати учун стратегик жиҳатдан ғоят муҳим ҳарбий плацдарм бўлган Испания Нидерландияси доимо испан гарнизонлари билан тўлиб-тошиб ётарди. Голландия билан, шунингдек, Уттиз йиллик уруш вақтида Франция билан олиб борилган уруш натижасида Жанубий Нидерландия ҳарбий ҳаракатларнинг энг муҳим майдонларидан бирига айланди, бу эса шундоқ ҳам қашшоқ бўлиб қолган мамлакатни янада кўпроқ вайрон қилди.

XVII асрда фламанд санъати. XVI асрнинг охири ва XVII асрда Испания Нидерландияси бир қанча ноқулай иқтисодий ва сиёсий вазиятга тушиб қолганига қарамай, мамлакатда маданият анча ривожланиб, бу нарса аввало фламанд тасвирий санъатида акс этди. Испания Нидерландияси шаҳарлар мамлакати бўлиб қолаверди; унинг Испания билан. Габсбурглар Австриясига қарашли ерлар билан ва Италия билан савдо алоқалари муайян даражада аҳамиятнини сақлаб қолди. Аynи вақтда дунёвий ва руҳоний феодалларнинг ҳукмрон синфи рассомларга уларнинг санъат асарлари учун кўплаб заказлар берарди. XVII асрнинг биринчи ярмидаги фламанд бадий санъати учун икки ном айниқса характерлидир. Булар Питер Пауль Рубенс (1577—1640) ва унинг шогирди Антонис Ван-Дейк (1599—1641)дир.

Рубенс Антверпен собори учун жуда катта полотнолар — «Крест ўрнатиш» ва «Крестдан олиш» асарларини яратди. Бу

асарлар жуда зўр қудрати билан одамни ҳайратда қолдиради. Рубенс инсон танасини айниқса зўр меҳр билан тасвирлайди. Бадашнинг айрим қисмлари, мускуллар, умуман инсон қома-ти — буларнинг ҳаммаси Рубенс картиналарида барқ уриб туради. Кейинчалик Рубенс рассомчиликнинг алоҳида жанрини яратдики, бунда тарихий, реал образлар антик услубда қаҳрамонларни мажозий тарзда тараннум этиш билан қўшилиб кетарди. Рубенс портрет ва айни вақтда пейзаж чизишнинг устаси эди; бир қанча картиналарда у деҳқонлар турмушининг ажойиб манзараларини берди (унинг «Қишлоқ байрами», «Деҳқонлар рақси» ва шунга ўхшаш асарларини айтиб ўтиш кифоядир).

Ван-Дейк жуда моҳир портретчи эди. У чизган портретлар чуқур реализми, композициясининг лухталиги, бўёқларининг раволиги ва кучи билан ажралиб туради; портретларда акс эттириладиган шахсларнинг характерлари ҳаққоний берилган. Ван-Дейк ўз умрининг кўп қисмини Англияда ўтказиб, инглиз буржуа революциясида сат илгари шу срдда вафот этди.

XLV БОБ

XVI АСР ВА XVII АСР БОШЛАРИДА АНГЛИЯ

XVI асрда Англиянинг иқтисодий ривожланиши. XVI асрда Англия территорияси жиҳатидан кичик бир мамлакат эди. Шотландия ҳали Британия короллиги составига қўшилмаган эди. Англия ва Ирландиянинг ерлари XVII асрнинг сўнгги ўн йилларига қадар унча кўп эмас эди. Ирландиядаги жамоа йўлбошчиларнинг кўпчилиги инглиз королининг ҳокимиятини номигагина таш оларди, холос. Англия аҳолисининг сони Франция, Германия ёки Испания аҳолисининг сонидан бир неча марта кам эди. Франциянинг 15 миллион, Германиянинг 20 миллион, Испаниянинг эса 10 миллион аҳолиси бўлгани ҳолда, Англиянинг аҳолиси салкам 3 миллион эди. XVII асрнинг бошларида Англия аҳолиси 1603 йилда Англия билан бирлашган Шотландияни ҳисобга олмаганда, 4 миллион кишига етди.

XVI асрда Англияни шаҳарлар мамлакати деб бўлмас эди, ундаги аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшарди, ҳатто XVI асрнинг охирида шаҳарларда аҳолининг кўпи билан бешдан бир қисмигина яшарди (XVI асрнинг бошида эса шаҳар аҳолиси мамлакат бутун аҳолисининг фақат 10 процентини ташкил қиларди. Бу жиҳатдан Англия Нидерландиянинг тамомила акси эди, чунки Нидерландия асосан шаҳарлар мамлакати бўлиб, унда қишлоқ аҳолиси озчиликни ташкил қиларди.

Аммо Европанинг бир чеккасидаги оролда жойлашган бу мамлакатда XVI асрда ҳўжаликнинг капиталистик формалари

ғоят жадал ривожланиб бормоқда эди. XVI аср Англиясида капитализм айни бир вақтда халқ хўжалигининг ҳамма тармақларида — саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, денгиз кемачилигида ҳам катта муваффақиятлар қозонмоқда эди. XVI аср Англия учун капиталистик мануфактуранинг гуллаб-яшнаган, аграр ўзгариш бошланган, инглиз савдогарлари океанларни кеза бошлаган, дастлабки инглиз мустамлакаларига асос солинган давр эди. Англия халқ хўжалигининг юксалишига ва унинг капиталистик асосда қайта қурилишига умуман олганда иккита тарихий фактор ёрдам берган эди: 1) Буюк географик кашфиётлар; бу кашфиётлар натижасида Англия Эски Дунё билан Янги Дунё ўртасидаги янги жаҳон йўлларининг маркази бўлиб қолган ҳамда ўзининг денгиз мамлакати сифатидаги афзалликларидан фойдаланиш имконига фақат энди эга бўла бошлаган эди ва 2) кейинги ўрта аср олдидаги даврда Англияда феодализмнинг жуда бузулиб кетганлиги — крепостной ҳуқуқининг илк бор тугатилганлиги, мовут саноатининг ривожлана бошлаши, мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан жуда тез марказлашиши ва қўйи феодал табақалари (рицарлар ва жентрийлар)нинг ташкил топаётган буржуазия билан XIII асрдаёқ яқинлаша бошлаганлигидир.

Капиталистик мануфактуранинг ривожланиши. Мовут саноати XVI асрга келиб Англиянинг «миллий саноатига» айланди. Аҳолининг ярмидан кўпроғи шу саноатда банд эди деса бўлади. Мовут тўқиш билан шаҳарлардагина эмас, қишлоқларда ҳам кўп шуғуланардилар. Англия короллигининг ҳамма бурчакларида ҳар хил, жумладан, аъло сифатли майин мовут ишлаб чиқарадиган маҳаллий саноат марказлари пайдо бўлди. Чунончи, Шарқий Англияда Норич шаҳри, Йоркширда Бостон шаҳри, ғарбда Престон ва Ланкаширдаги Виган, Ўрта Англияда Нью-Бери, ғарби-жанубда Экзетер шаҳри ва бошқалар шундай марказлар эди. Бу шаҳарларда XI—XII асрлардаёқ вужудга келган қадимги ҳунармандчилик, гарчи саноат билан цех саноати муваффақиятли рақобат қилаётган бўлса-да, цех ҳунармандчилигининг шаклида ривожланишда давом этаверди. Мовут маҳсулотининг фақат бир қисмигина, унда ҳам озгина қисми, шаҳар ҳунармандчилик цехлари томонидан ишлаб чиқариларди. Мовут саноатининг кўпроқ тарқалган ташкилий формаси эса мануфактура эди. XVI асрдаги манбаларда марказлашган йирик мануфактура корхоналарининг характери жуда равшан тасвир қилиб берилган, у вақтда бир корхонада капиталист учун неча юзлаб ишчи ишлаган. XVI асрнинг 90-йилларида ёзилган бир балладада бундай дейилган: «Кенг ва узун бир хонада 200 та тўқув дастгоҳи турибди. дастгоҳларда қатор бўлиб 200 киши ишламоқда... бошқа бир хонада 100 аёл жун титмоқда... иккинчи хонада бошқа 100 қиз жун йигирмоқда... сўнгра 50 қирқувчи мовут қирқмоқда, уларнинг ёнида 80 бўёқчи ишламоқда...».



XVI асрда Англия саноати

Аmmo XVI асрда Англияда «тарқоқ» мануфактураларнинг сони яна ҳам кўпроқ эди. Қишлоқларда ерсиз ва кам ер деҳқонлар ишни уйга берувчи мовутчи йирик капиталистларнинг буюртмаларини бажарар, жун йигирар ва мовут тўқир эдилар. Яна ўша XVI аср охиридаги манбалардан бирида жуда зинқ қилиб: «Мовутчилар минглаб одамларга иш берар ва бу билан ўзлари жуда бойиб кетар эдилар», дейилади.

Қишлоқларда тўқилган мовут одатда дағал, охарланмаган ва бўялмаган бўларди. Кейин уларнинг бир қисми Англия шаҳарларига олиб келиниб ишлов берилар, бир қисми эса ярим фабрикат ҳолида Нидерландияга жўнатилиб, Фландрия ва Брабантда тайёр ҳолга келтирилар эди. Чет элларга чиқариладиган олий нав ва дағал мовут XVI асрнинг 60-йилларида бутун инглиз экспортининг 80 процентдан кўпроғини ташкил қиларди.

XVI асрдаги Англияда саноатнинг бошқа тармоқларидан кончилик — темир, қалайи, қўрғошин, мис қазиб чиқариш хийла ривожланган эди. Руда қуйиш ишлари ҳамиша ошиб борганлиги туфайли, ўрмонлар кесила бериб йўқ бўлиб кетаётганлигидан замондошлар нолий бошлаган эдилар. Ҳисоб бораётган кemasозлик саноати ҳам жуда кўп ёғоч истеъмол қиларди. Ниҳоят, XVI асрдаги Англияда ишлаб чиқаришнинг ўрта асрларда бўлмаган, асосан, мануфактура типидagi янги турларни: шиша саноати, совун пишириш, порох ясаш, қоғоз ишлаб чиқариш, bosмахона иши ва бошқалар тез ривожланиб бормоқда эди. XVI асрда Англияда кўплаб тошқўмир қазиб чиқарила бошлади, бироқ бу кўмирдан уй-жой биноларини иситиш учунгина фойдаланиларди; минерал ёқилғи ёрдамида руда эритишни ҳали билишмасди.

Ташқи савдонинг ривожланиши. Англия ўз саноатининг тараққиёти натижасида жуда кўп товарга эга бўлиб, XVI аср давомида ташқи савдо-сотик ишларини кенг кўламда ривожлантириб юборди. Европанинг турли бозорларини, шунингдек, мустамлакаларни ҳам мовут билан таъминлашни инглиз савдогарлари ўз қўлларига олдилар (ҳолбуки бу вақтгача қитъа билан бўладиган савдо-сотик ишларида немис савдогарлари ва Венеция савдогарлари воситачилик қилар эдилар).

«Денгизнинг нариги ёғида» инглизлар олиб борган савдо-сотик ишларининг кенгайишини ва асосан қайси томонларда ривожланганлигини XVI аср давомида бирин-кетин пайдо бўлган инглиз савдо компанияларининг тарихи яққол кўрсатиб турибди, авантюрист савдогарларнинг XV асрнинг 70-йилларидаёқ вужудга келган эски компаниясига капиталистик акциячи компаниялар типидa ташкил этилган янги компаниялар қўшилди. Булар орасида Москва компанияси катта роль ўйнади; бу компания 1553 йилда Ричард Ченслернинг Москва давлатига қилган саёҳати натижасида ташкил этилган эди¹. Бу компанияга кирган инглиз савдогарлари Россия билангина эмас, балки Ўрта Осиё мамлакатлари — Бухоро, Эрон ҳамда Закавказье мамлакатлари — Арманистон, Озарбайжон ва бошқалар билан ҳам савдо-сотик ишлари олиб борарди. XVI асрнинг 70- ва 80-йилларида Балтика денгизида савдо сотик ишларини олиб бориш учун

¹ Москва компанияси юридик жиҳатдан 1554 йилда расмийлаштирилган эди.

Истландия (ёки Остзей) компанияси, Урта деңгизда савдо-сотиқ ишлари олиб бориш учун Турк (ёки Левант) компанияси ташкил топди. Тахминан шу вақтларда Гвинея компанияси тузилиб, кейинчалик унинг савдо мақсади билан қилган саёхатлари натижасида машҳур Ост-Индия компанияси вужудга келди, бу компания 1599—1601 йилларда ташкил топди. Марказий (Вест-Индия) ва Шимолий Америка билан савдо-сотиқ ишлари олиб бориш учун бир неча савдо компанияси бор эди. Дастлабки инглиз колониялари XVI аср охирларида барпо қилингандир. Шимолий Америкада Виргиния колонияси барпо қилинди. Вест-Индиядаги Барбадос оролини ва Ост-Индиядаги Сурат шаҳрини Англия XVII асрнинг бошларида босиб олган эди.

Аграр ўзгаришларнинг бошланиши. Ғов туттишлар. XVI асрга келиб Англияда крепостной ҳуқуқ батамом йўқолди. Бир замонлар крепостной бўлган деҳқонлар «одатдаги ҳуқуқ бўйича» ёки ўша пайт Англиядаги ибора билан айтганда, «манор одати бўйича» ворис бўлиб ерга эгалик қилувчи деҳқонларга айландилар. Деҳқонлар оддий ер эгалари (customary tenants) ёки копигольддерлар (copyholders) деб аталардилар, чунки улар уларга берилган ер учун копия (манориаль канцелярия қароридан нусха)ни ўз қўлларида сақлардилар. Копигольдерлар бир вақтлар битимда кўрсатилган ва қатъий бўлиб қолган одатга мувофиқ лордларга муайян миқдорда ер рентаси тўлашлари лозим эди. Қишлоқда товар-пул муносабатлари ўсиб бораётган бир шаронгда бундай «аниқ» ва муайян миқдорда рента тўлаш хийла бадавлат деҳқонлар учун жуда фойдали эди. Кўпгина тарихчиларнинг XV асрни Англия тарихида инглиз деҳқонлари учун энг омадли давр, уларнинг ўзига хос бир «олтин давр» деб атаганликлари бежиз эмасдир.

Аммо XV аср охирларидан бошлаб инглиз деҳқонлари учун катта хавф, ўзларига тегишли ҳайдаладиган ерлардан, шунингдек жамоат яйловларидан ажраш хавфи туғила бошлади. Нидерландияга чиқариладиган ёки Англиянинг ўзида саноат ишлаб чиқаришига кетадиган юнг нархларининг ошиб бориши катта ер эгаларининг майда бўлакларга бўлиниб кетган ерларни ўз қўлларига киритиб олишларига ва бу ерларни илгаригидек феодал мулкни типиди эмас, балки буржуа типидидаги ўз мулкларига айлантиришларига ундади. Шу мақсадда лордлар даставвал Англия шаронтида жамозларга қарашли кўпгина ерларни, яъни ҳар хил ўрмонлар орасидаги ялангликлар, захкаш ерлар ва ҳоказоларни ўз қўлларига киритиб олдилар, бу ерлар шу пайтгача лордлар билан деҳқонларнинг қарамоғида эди. Ер эгалари ўзлари босиб олган бу ерларни қоziқлар қоziб, хандақлар коvлаб, дарахтлар ўтқазиб ва бошқа ҳар хил ғовлар туттиб тўсиб олардилар. Шунинг учун лордларнинг инглиз деҳқонларини ердан маҳрум этиш процесси «ғов туттиш» деб аталди. Ғов туттиш аслида социал-иқтисодий воқеа эди. Ғов туттиш — меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг йирик ер эга-

лари — лордлар томонидан экспроприация қилиниши, деҳқонларни уларнинг асосий ишлаб чиқариш қуроли — ердан маҳрум қилиниши эди. Ғов тутиш, К. Маркс айтганидек, дастлабки жамғарилишнинг энг асосий методларидан бири бўлди.

Деҳқонларнинг жамоа яйловларидан маҳрум қилиниши уларнинг хўжалигига қаттиқ зарба берган ҳамда деҳқонларнинг деҳқончилиги ва чорвачилиги учун зарур шарт бўлган жамоа яйловларини ўз ичига олувчи бутун қишлоқ жамоа тузумини емирган эди. Аммо лордлар жамоаларга қарашли ерларни босиб олиш билангина кифояланмадилар. Улар деҳқонларнинг экин ерларини ҳам тортиб ола бошладилар. Ер эгалари биринчи навбатда қисқа муддат билан ижарага берилган ер участкаларини, яъни помешчикларнинг хўжайинлар домендан энг майда деҳқонларга — лизгольдерларга ижарага берилган ерларни тортиб олдилар. Ниҳоят лордлар деҳқонларни уларга мерос қолган чек ерлардан ҳам ҳайдаб чиқара бошладилар. Лордлар тортиб олган далаларни одатда қўй боқиш учун яйловларга айлантирардилар ва катта-катта нарх қўйиб (деҳқонлардан тортиб олинган жамоа яйловлари билан бирликда), йирик ижарадор-фермерларга ижарага берардилар. Ъаъзан эса хўжалик ишларида омилкор лордларнинг ўзлари йилқичи-соҳибкорларга айланардилар, улар ўз ерларида бир неча ўн минглаб қўйларни боқардилар.

Ғов тутишлар натижасида бутун-бутун қишлоқлар тамомила йўқ бўлиб кетарди. Бир неча ўн минглаб деҳқон оилалари тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлиб, ўз жойларини ташлаб, дайди ва гадой бўлиб кетишга мажбур бўлар эдилар.

1489 йилдаёқ чиққан парламент статутларидан бирида бундай дейилган эди: «Бизнинг короллигимизда деҳқонларнинг уйлари ва бутун-бутун қишлоқларнинг бўм-бўш бўлиб қолиши, вайрон қилиниши ва бутунлай бузиб юборилиши туфайли ниҳоятда зўр кулфат кундан-кунга ортиб бормоқда. Азалдан деҳқончилик учун фойдаланиб келинган экинзорлар энди яйловларга айлантирилмоқда. Бир вақтлар 200 лаб киши ғалла экиб, деҳқончилик қилиб юрган ерларда энди 2—3 та подачи қолган». Томас Мор ўзининг 1516 йилда босилиб чиққан «Утопия» деган асарига истеҳзо билан: «Сизнинг одатда жуда юввош бўлган қўйларингиз... ҳозир шу қадар еб тўймас ва саркаш бўлиб кетишибтики ҳатто одамларни ҳам еб қўймоқдалар», деган эди.

Ғов тутишларга қарши Тюдорлар қонуни. Тюдорлар ҳукумати (1485—1603) ғов тутишлар оқибатидан қўрқиб қолди. Оммавий фақирлик (пауперизм), қашшоқлик, дайдилик мулкдор синфларнинг хотиржамлигини хавф остида қолдирди. Мамлакатда хусусий мулкка қарши жиноятлар кўпайди. Деҳқонларнинг лендлордларга қарши ғазаб ва нафрати ошмоқда эди. Ғов тутувчиларга қарши турли графикларда тез-тез маҳаллий қўзғолонлар бўла бошлади. Ҳукумат ғов тутишларнинг кенг

ёйилиб кетиши давлат хазинасига ва ҳарбий ишларга ҳам катта зарар келтиришидан хавотир бўлиб қолди. Хонавайрон бўлган деҳқонлар солиқ тўлай олмас эдилар. Деҳқонлар сонининг камайиши мамлакатнинг лашкар тўплаш ишига ҳам путур етказарди. Ҳукумат юз эллик йилдан ортиқроқ давр ичида (XV аср охиридан деярли XVII аср ўрталаригача) ғов тутишларга қарши жуда кўп статут ва ордонанслар чиқарди. Генрих VII томонидан 1489 йилда чиқарилган статутда лоақал 20 акрдан¹ ортиқ ери бўлган деҳқон усадьбаларида ғов тутиш ва усадьбаларни бузиш таъқиқланган эди. 1516 йилда Генрих VIII чиқарган статутда конверсия, яъни экинзорларни яйловга айлантириш ман қилинган эди. Генрих VIII нинг 1533 йилги қонуни эса, бир мулкдорнинг асрайдиган қўйи 2 минг бошдан ортмасин деб чегаралаб қўйган эди. 1597 йилда королева Елизавета ҳукумати деҳқонларнинг бузиб юборилган усадьбаларини тиклаш ва барча ғов тутишларни тўхтатиш ҳақидаги талабларни такрорлаган эди. Ҳукумат ғов тутишларни текшириш учун бир неча марта: 1517, 1548 ва 1607 йилларда ревизия тайинлаган эди. Статутларни бузган айбдорларга штрафлар солинди. Лекин чиқарилган шу қонунларнинг ҳаммаси натижасиз қолди. Тюдорларнинг дворянлар монархияси деҳқонларни ердан маҳрум этишларга қарши изчиллик билан кураша олмас эди. Ғов тутишларга қарши чиқарилган статутларни амалга оширишда ҳам етарли даражада ғайрат билан иш кўрилмас эди. Статутларни амалга оширишлари лозим бўлган шерифлар шу ишлар билан шуғулланувчи судьялар ва бошқа ҳамма мансабдорлар деярли ўзлари ер эгалари бўлиб, ғов тутишларни текшириш ишларига ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қилардилар. Йирик лордлар ўз поместъеларида ғов тутиш учун саройдан махсус ижозат олар ва айрим графликлардаги ғов тутишларни текшириш топширилган майдороқ амалдорларни назарларига ҳам илмас эдилар.

Роберт Кет қўзғолони. Ғов тутишлар муносабати билан деҳқонлар кўтарган қўзғолонлардан энг каттаси Норфолькдаги Роберт Кет қўзғолони эди. Бу қўзғолон Эдуард VI подшолик қилган даврда, яъни 1549 йил ёзида, Англиянинг шарқдаги саноати хийла тараққий қилган графликлардан бири бўлган Норфолькда кўтарилган эди. Бу қўзғолонда Норфольк деҳқонлари билан бирга шарқий графликлардаги, айниқса қўшни Сеффольк графлигидаги аҳоли ҳам қатнашган эди. Майда Сквайр² Роберт Кет ўз укаси Вильям билан бирликда бу қўзғолонга бошчилик қилди. Қўзғолон июнь ойининг охирида Норфольк жанубида ака-ука Кетлар яшайдиган Уиндэм деган жойда бошланиб, бу ердан шимолга, то Норич шаҳри (Норфольк графлигининг бош

¹ Акр тахминан $\frac{1}{3}$ гектарга тенг.

² Сквайр — айнан қуролбардор деган сўз, рицарлардан пастроқ турган майда помешчикларни XV—XVI асрларда шундай деб атаганлар.



XVI аср ва XVII аср бошларида Англиядаги деҳқонлар қўзғолғони

риш талаб қилинган: «Биз сўраймизки... манор лордлари жамоа яйловларида пода боқмасалар экан» (11- модда). «Биз сўраймизки... Генрих VII короллик қила бошлаган йилдан бери мировой судьялар, шерифлар ва бошқа амалдорлар томонидан (халқдан яшириб келинган (ғов тутишларга қарши) яхши-яхши қонунлар, статутлар, прокламациялар ва бошқа тадбирлар тиклансин ва амалга оширилсин» (27- модда)¹.

Қўзғолғонга қатнашган энг камбағал деҳқонлар томонидан тузилган бошқа бир ҳужжатда улар деҳқонларнинг ер эгалиги учун зарур шароит йўқлигидан шикоят қилади: «Ерга эгалик қилиш учун бизга берилган мавжуд шароитлар арзимайдиган, қулларга бериладиган шароитлардир, ерга эгалик қилиш тамомила лорднинг хоҳиши ва ўзбошимчалигига боғлиқдир...». Лордлар босиб олган жамоа ерларида улар қурган тўсиқларнинг ҳаммасини деҳқонлар бузиб ташламоқчи эдилар: «Биз ҳамма тўсиқларни ер билан яқсон қилиб ташлаймиз, хандақ ва зовурларни қўмиб ташлаймиз ва ҳар бир кишига жамоа яйловларидан фойдаланишга имкон берамиз... Биз ҳамма нарсадан эркин, барабар ва тенг фойдаланишни истаймиз».

¹ Шуниси қизиқки, 1549 йил қўзғолғони программасининг бир қанча моддалари 1525 йил Германиядаги деҳқонлар урушининг «12 модда»сидаги талабларни айнан деярли такрорлайди. Бу ҳужжат Буюк деҳқонлар уруши мағлубиятга учрагандан кейин шу урушнинг Англияга қочиб келган иштирокчилари томонидан бу ерга олиб келинган бўлса керак.

шаҳри)гача ёйилиб кетган эди. Кет қўзғолғони деҳқонларни Норичга қараб олиб борди, улар 10 июлда бу ерга келиб етдилар. Норич шаҳрининг камбағаллари деҳқонларга қўшилдилар. Ҳаммаси бўлиб 20 минггача қуроли деҳқонлардан иборат бўлган қўзғолғончилар шаҳар атрофидаги ўрмон билан қопланган тепаликлардан бирида лагерь қуриб олдилар. Қўзғолғончилар Лондонга король номига юборилган талаблар программасини тайёрладилар. 29 моддадан иборат бу программанинг бир қанча моддаларида ғов тутишларни тўхтатиш ва деҳқонларга лордлар жамоалардан тортиб олган яйловлардан фойдаланиш учун тўла ҳуқуқ бе-

Ҳукумат қўзғолонни бостириш учун кўпчилиги ёлланган немис ва италянлардан иборат 15 минг кишилик бутун бир армияни юборди. Мунтазам қисмларга қарши уруш олиб боришни билмаган қўзғолончиларни йирик лорд — граф Уорвик қўмондонлиги остидаги ҳукумат қўшинлари тор-мор қилди.

Норич ёнидаги Дюссендейль водийсида жанг 1549 йилнинг 27 августида бўлган эди. Чет эллик ёлланма солдатлар қўзғолончиларни кўплаб қириб ташладилар. Ўлдирилган деҳқонларнинг сони 3500 га етарди. Асир олинган Роберт ва Вильям Кет осиб ўлдирилди. Қўзғолон қатнашчиларидан жазолаб ўлдирилганларнинг сони 300 дан ортиқ эди.

Ердан маҳрум қилинган халқ оmmasига қарши чиқарилган қонли қонун. Тюдорлар ҳукумати деҳқонларнинг қўзғолонларини шафқатсизлик билан бостириб, ғов тутишлар натижасида жуда кўплаб хонавайрон бўлган деҳқон-пауперларга қарши репрессия бошлади. Англия қишлоқлари ва йўлларини тўлдириб юборган гадой ва дайдиларга қарши ҳукумат ғоят мудҳиш қонунлар чиқарди. Фақат меҳнатга ярамай қолганларга ва кек-саларгагина садақа сўраш рухсат этилган эди. Тиланчилик қилган «соғлом гадой»ларни қамчи билан савалаш ва қамоқ жазоси кутарди. Пауперларни айрим шахсларга қул қилиб берардилар. Қул қилиб берилгандан кейин хўжайинларидан қочиб кетганларнинг баданига ўтда қиздирилган темир билан тамға босардилар. Иккинчи марта қочиб кетган паупер қатл қилинарди. Ҳукумат дайдиларни туғулиб ўсган жойларига ҳар қандай йўллар билан қайтаришга ҳаракат қиларди. Шу йўл билан ўз юртига қайтарилган паупер «маҳалла қули»га айлан-тириларди. У ўзининг яшаш жойини ташлаб кета олмас ва маҳаллий помешчик ёки бирон-бир йирик фермерга ёки корчалон-саноатчига улар таклиф этган ҳар қандай ишга ёллан-ишга мажбур эди. «Ҳозирги ишчилар синфининг ота-боболари ҳаммадан аввал ўзларининг зўрлик билан дайдиларга ва пауперларга айлантилганликлари учун жазога тортилган эдилар»¹,— деб ёзган эди Маркс.

Тюдорлар абсолютизми ва унинг социал негизи. XV асрнинг охиридан XVII аср бошларигача Англияни идора қилган Тюдорлар династияси король ҳокимиятини анча мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Ҳокимият бу династия короллари давр сурган замонларда чинакам абсолютизм хусусиятларига эга бўлди. Династияни бошлаб берган Генрих VII (1485—1509) ва унинг ўғли Генрих VIII (1509—1547) «Қизил гул урушлари»дан кейин ҳалқ сақланиб қолган феодал зодагонларининг қолдиқларига қарши аёвсиз кураш олиб борди. Тюдорлар чекка ўлкаларни: Корнуэлл, Уэльс ва Англиянинг шимолий графликларини ҳам марказ таъсири остига оладилар. Тюдорлар даврида

¹ К. Маркс, «Капитал», I том, 1955 йил, 811—812-бетлар.

фавкулудда сиёсий ва маъмурий судлар — Юлдуз палатаси суди, Илтимослар палатаси суди, Канцлер суди ва бошқа судлар тузилиб, улар идора қилишда бюрократик элементларни кучайтирдилар. Тюдорлар инглиз саноати, савдоси ва кемалар юришини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга қаратилган меркантил сиёсатни изчиллик билан юргизиб, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига доим аралашиб турдилар. Тюдорларнинг социал негизини даставвал янги дворянлар ташкил қилар эди, янги дворянлар қисман йўқ бўлиб кетган эски феодал хонадонлари ўрнини босган янги лордлардан, қисман ўрта ва майда дворянлар — жентрилардан иборат эди. Жентрилар рицарлар, сквайрлар ва бошқа жентельменлардан таркиб топган эди. Тюдорларнинг бошқа бир таянчи — ўсиб бораётган шаҳар буржуазияси, яъни дворянлар билан маҳкам боғланган мануфактура, савдо ва банк-судхўрлар буржуазияси эди. Король ҳокимиятининг шу буржуа ва буржуалашган янги синфлар билан иттифоқи Тюдорлар династияси королларининг парламентга нисбатан ўзига хос муносабатларида ўз ифодасини топган эди. Вакиллар муассасаларини жуда ёмон кўрадиган континент абсолютизмидан (Францияда Бош штатлар фаолиятининг тугатилиши, Испанияда кортеслар фаолиятининг тугатилиши ва ҳоказолардан) фарқ қилиб, Англияда Тюдорлар даврида парламент йўқотилиши у ёқда турсин, балки ўз аҳамиятини маълум даражада кучайтирди. Асосан ўрта дворянлар ва қисман савдогарлар билан мануфактурачиларнинг вакилларидан иборат бўлган қуйи палата (умум палатаси) Тюдорлар даврида муқаррар мустаҳкамланди, аynи вақтда лордлар палатаси, аксинча, заифлашди. Генрих VIII ўзининг энг катта реформасини — инглиз черковини Римдан ажратиш ва черков-монастирларнинг ерларини секуляризация қилиш ишларини парламент ёрдамида амалга оширди.

Шу тарзда Франция ҳамда Европа қитъасидаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, инглиз абсолютизми парламент билан ваколатли муассаса сифатида чиқишиб келди, чунки парламент бу ерда ўз социал состави жиҳатидан ривожланаётган абсолютизмнинг муҳим таянчи ва мадади эди. Инглиз абсолютизмининг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, Англия графликларида бу вақтда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш (ярим сайланадиган шерифлар ва маҳаллий судьялар, маслаҳатчи судьялар, шаҳарларнинг сайланадиган муниципалитетлари ва ҳоказолар) сақланиб қолган эди. Бунинг сабаби шу эдики, бу органларга ҳам одатда ўша «иттифоқчи синфлар» — ўрта дворянлар билан буржуазия кириб, улар Тюдорларнинг социал таянчи сифатида умуман жуда катта роль ўйнардилар. Ниҳоят инглиз абсолютизми қитъадаги абсолютизмга ўхшаш мунтазам армия тузмади, бунга Англиянинг оролда жойлашиш мавқеи кўп жиҳатдан сабаб бўлди. Урта асрларда ва ҳатто янги даврнинг дастлабки асрларидаги ҳарбий-техника воситалари-

нинг ҳолатида қуруқчиликдаги кучларнинг Англияга ҳужум қилиши жуда қийин вазифа ҳисобланарди. Аммо XVI асрдаги англиз короллари катта мунтазам армия тузмасалар ҳам, парламент билан биргаликда ҳарбий флотни муттасил мустақкамлаб бордилар. Бунинг оқибатида ҳарбий флот душманинг денгиздан ҳужум қилишидан мамлакатнинг хавфсизлигини тўла таъминлабгина қолмай, англиз мустамлака ва савдо экспансияси учун қудратли восита ҳам бўлиб хизмат қиларди.

Инглиз реформацияси. Инглиз ҳукумати реформацияга аввалига салбий қараган эди. Ёшлигида яхшигина махсус диний таълим кўрган¹ Генрих VIII Лютерга қарши мунозарада ҳам шахсан иштирок қилган эди. У 1521 йил ноябрда ёзган² «Етти сирнинг ҳимояномаси» деган памфлетни Римга папа номига юборган эди. Генрих VIII Екатерина Арагонскаяга уйлангач, Карл V билан династик боғланиш туфайли, аввал бошда Францияга қарши-уюштирилган коалицияда ҳам қатнашган эди.

Бироқ англиз дворянлари черковга қаршли ерларни босиб олишдан жуда манфаатдор бўлганлиги, англиз буржуазиясининг реформацияга хайрихоҳлик билан қараганлиги ва «оддий», «арзон» черков бўлишини жон деб истаганлиги, 20-йиллар охиридан Англиянинг ташқи сиёсатида ўзгариш пайдо бўла бошлаганлиги (Габсбурглар жуда кучайиб кетганлиги туфайли Франция билан яқинлашганлиги) «тақводор корол»ни черков масаласида тутган ўз сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Генрих VIII нинг хотинини қўйиши бу ўзгаришга расмий баҳона бўлди. Генрих VIII Екатерина Арагонскаяни (ёши ўзидан катта бўлганлиги ва ўғил туғмаганлиги учун) қўйиб юбормоқчи бўлиб, Римга мурожаат қилди, чунки католик қонунларига мувофиқ ажралишни папа расмийлаштириши керак эди. Екатерина Карл V га хола бўлганлиги учун, асосан шу ваз билан папа бу ажралишга рухсат беришдан бош тортди. Чунки Карл V 1527 йилдан кейин Римга хўжайин бўлиб қолган, папа эса тамомила унинг ихтиёрида эди. Ниҳоят королнинг хотинидан ажралиши Рим папасининг рухсатисиз Англияда расмийлаштирилди (1533 йил). Шундан кейин Генрих VIII аввал королеванинг фрейлиnasi бўлган Анна Болейнга уйланди. Папа сиёсатидан ғазабга келган Генрих VIII 30-йил ўрталарида Рим билан алоқасини бутунлай узди. 1534 йилда тузилган «Супрематия тўғрисидаги акт» бу жиҳатдан муҳим қадам эди, бу актга биноан король англиз черковининг бош раҳбари, деб эълон қилинди. Аммо шуниси характерлики, актда ҳамма эски католик ақида ва расм-одатлар даҳлсиздир, дейилган эди. Черковни

¹ Генрих VIII — Генрих VII нинг иккинчи ўгли бўлиб, аввал диний мансабга атаб тарбияланган эди; акиси Артур ёшлигидаёқ вафот этгач, Генрих тахт вориси бўлиб қолди.

² Ҳақиқатда эса памфлетни Томас Мор ёзган бўлиб, Генрих VIII нинг авторлиги номинида эди.

идора қилишгина ўзгартирилган, шунда ҳам унинг юқори инстанциясидаги идорасигина ўзгартирилган эди. Папа ўрнига король ўтиб, епископат аввалги ҳолича қолаверди. Генрих VIII Римни ҳам, Виттенбергни ҳам истамаслигини бир неча марта айтди. Шундай қилиб, инглиз черкови (ёки латинча айтганда — англикан черкови) католицизм билан протестантлик ўртасидаги бир вазиятни эгаллаган эди.

Генрих VIII реформация масалаларида консервативлик кўрсатган бўлса-да, иқтисодий соҳада муҳим бир тадбирни кўрди. 1536 ва 1539 йилларда у монастирларни (аввало майдаларини, сўнгра катталарини ҳам) бекитди ва монастирларнинг мулки, бинолари, ҳар қандай зийнат буюмлари, олтин ва кумуш бойликларини, энг муҳим монастирларга қарашли жуда катта ерларни мусодара қилди. Черков ерларининг мусодара қилиниши ғоят катта социал оқибатларни келтириб чиқарди. Мусодара қилинган ерлар король хазинаси ихтиёрида узоқ сақланиб қолмади. Бу ерлар сотилди ва бир қисми король арзандаларига ҳада қилиб берилди. Ўрта даражадаги ҳарбий ва пулдор дворянлардан ва қисман буржуалардан иборат янги мулкдорлар секуляриштирилган мулклардан жуда бойи кетди. Генрих VIII замонида ўтказилган реформация натижасида янги дворянлар синфи ташкил топди ва кейинчалик бу синф XVII аср ўрталарида бўлган инглиз революциясида буржуазиянинг иттифоқчиси бўлди. Монастирларнинг ерларини эгаллаб олган янги мулкдорларнинг бу ерларда яшаб келган деҳқонлар билан ҳеч қандай традицион алоқаси йўқ эди. Фақат бойиш пайидан бўлган очкўз янги хўжайинлар деҳқонларни сира аямай, чек ерларидан ҳайдаб юборар, ерларга ғов тутар, азалдан одат бўлиб қолган рента ўрнига янгисини, ундан кўра қимматроқ турадиган ва уни тўлашга ўртаҳол деҳқонларнинг мутлақо қурби етмайдиган бозор рентасини белгилардилар. «Реформация туфайли ва бу билан бирга черков имениеларининг ниҳоят даражада талон-торож қилинганлиги туфайли XVI асрда халқ оmmasини зўрлик билан экспроприация қилиш янгидан жуда даҳшатли тус олди»¹.

Генрих VIII дан кейин реформациянинг тақдири. Генрих VIII ўлгандан кейин унинг ёш қолган ўғли Эдуард VI король бўлди (1547—1553). Унинг даврида королликнинг васийси ва регенти (протектори) аввал бошда ёш королнинг тоғаси² герцог Эдуард Сеймур Сомерсет, сўнгра 1549 йилдаги қўзғолонни бостирган ва Сомерсетни ҳокимият тепасидан олиб ташлаган граф Уорвик васий ва регент бўлди.

Ҳар икки регент ҳам протестантлар партиясига мансуб эди. Улар даврида англикан черкови протестантизмнинг қитъадаги

¹ К. Маркс. «Капитал», 1955 йил, 737-бет.

² Эдуард VI Генрих VIII нинг учинчи хотини Джен Сеймурдан туғилган эди.

формаларига бир қадар яқинлашиб қолди. Англиканизмда, жумладан, кальвинизм таъсири (тақдир ҳақидаги догмат, маросимларнинг камайиши ва ҳоказо) аниқ кўринади. Аммо Эдуард VI ўлгандан кейин унинг ўрнига Генрих VIII нинг Екатерина Арагонскаядан туғулган қизи Мария Тюдор тахтга ўтирди. Генрих VIII саройига нисбатан испан католиклари оппозицияси муҳтида тарбияланган Мария Тюдор кўпроқ ғарб билан шимолнинг хийли қолоқ округларидаги инглиз дворянларининг баъзи бир қисмидан мадад толган католиклар партиясига бошчилик қилди. Бундан ташқари, королева она томон қариндоши, испан короли Филипп II га эрга тегди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Филипп II—XVI асрнинг иккинчи ярмидаги католик реакциясининг энг фанатик арбобларидан бири эди.

Мария испанлар мададига таяниб, Англияда католицизмни тиклади ва протестантларни қаттиқ таъқиб остига олди. Бир замонлар ўрта аср еретикларини гулханга ташлаб қандай куйдирган бўлсалар, Англияда протестантларни ҳам шундай тириклайин куйдираддилар. Протестантлар Марияни шафқатсизлиги учун «қонхўр» деб атадилар. 50-йиллар бошида мамлакатда бир неча марта катта-катта фитналар уюштирилди, бундан мақсад Марияни тахтдан ағдариб ташлаш ва чет эл испан таъсирини йўқотиш эди. Бу фитналар бостирилди. Инглиз парламентининг ўзи бирор даражада жиддий оппозиция уюштиришга журъат этолмай, католик ҳукуматига нисбатан ўзини тобе тутарди. Аммо Мария Тюдор узоқ вақт короллик қилмади. У 1558 йилда ўлди. Инглиз задоганлари орасидаги протестантлар устун чиқиб, Генрих VIII нинг Анна Болейндан бўлган қизи Елизавета I ни королева қилиб қўйдилар, у XVI асрнинг бутун иккинчи ярмида подшолик қилди (1558—1603).

Елизавета I мўътадил англикан формасидаги протестантизмни узил-кесил тиклади. 1559 йилда парламент тахт эгасининг черков ишларига бошчилик (супрематия) қилиш ҳуқуқини яна тасдиқлади. Королевага епископларни тайинлаш ҳуқуқи берилди. Епископлар эса ислоҳ қилинган черковда ҳам қолиб, ўз епископлик ерларини ҳамда лордлар палатасида мажлис ўтказиш ҳуқуқини сақлаб қолдилар. Англикан черковининг бошқа номи — епископаль черков деган номи шундан келиб чиққандир.

1571 йилда англикан дин симболи ишлаб чиқилди, у 39 аъзо (боб)дан иборат бўлиб, унда баъзи бир католицизм ақидалари билан бир қаторда протестантизм, кальвинизм таъсири ҳам сезилиб турарди. Ибодат қилишда бир хиллик (Conformity) жорий этилди. Ибодат ҳукумат томонидан тасдиқланган алоҳида қўлланмага биноан инглиз тилида амалга оширилиши керак эди. Королеванинг черковга бошчилик қилишни тан олишдан бош тортган католик-рекузантларга қарши қаттиқ қонунлар чиқарилди. Иезуитларнинг Англияга кириши қатъий ман этилди. Католиклар яна қўшимча катта-катта солиқлар тўлашга маж-

бур эдилар. Протестантизмдан католицизмга ўтиш давлатга хиёнат қилиш билан бир қатордаги жиноят ҳисобланарди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Англиянинг умумий ички ва ташқи сиёсати. Елизавета I Тюдорнинг узоқ муддат (қирқ беш йил) короллик қилган даври — Англия иқтисодий жиҳатдан айниқса тараққий этган давр эди. Бошқа мамлакатлар билан, жумладан, Ҳиндистон ва Америка билан савдо-сотиқ ишларини олиб бориш учун жуда кўп савдо компаниялари тузилди, денгизнинг нариги томонида инглизлар колонизацияси бошланди, инглиз савдо флоти жуда ўсиб кетди, мовут мануфактурасида муваффақиятларга эришилди, капиталистик фермерлик тобора кенг ёйила бошлади, ана шу ҳодисаларнинг ҳаммаси «Елизавета асри» деб аталган даврнинг энг ёрқин хусусиятларидир.

Елизавета протестантизмни тиклаш билан авваллари монастырларга қарашли ерларга эгалик қилувчи мулкдорларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаб берди ҳамда янги дворянлар ва буржуазиянинг манфаатларини таъминлади. 1569 йилда графлардан Нортумберлендский ва Вестморлендский бошчилигида шимолдаги лордлар «эски» ва «ҳақиқий» католик динини ҳимоя қилиш байроғи остида марказий ҳокимиятга қарши исён кўтарганларида, бу исён тезда бостирилди. Ҳукумат жанубий ва жануби-шарқий графликларнинг джентрийлари ва фригольдерларидан катта қўшин тўплаб, муайян вақт давомида бутун Шимолни аслида оккупация қилиб турди, бу ўлкани шафқатсиз равишда талади. Ҳукуматнинг террори 1569 йилда ўзларига хос баҳоналарга кўра (Шимолдаги ерларни қўлга киритиб олган, ер рентасини оширган ва бу ерга ҳам ғов тутиш сиёсатини олиб келган «Лондонлик» эски лордларга нафрат юзасидан) ҳаракатида иштирок этган шимолий деҳқонларнинг бир қисмига ҳам ёйилди.

Генрих VIII вақтида парламент королевага унинг феодал-католик группаларига қарши олиб борган курашида ҳар томонлама ёрдам берди. Католиклар томонидан инглиз тожу тахтига даъвогар қилиб қўйилган Шотландия корслеваси Мария Стюарт (у ҳам онаси томондан Тюдорлар династиясига мансуб эди) Елизавета агентларининг ёрдами билан Шотландиядан ҳайдаб юборилди. Англияга қочган Мария Стюарт ўз «эгачиси» бўлган инглиз королеваси қўлига асир тушиб қолди. Мария Стюарт турли қалъаларда кўп йиллар қамалиб ётиб, бир неча марта муваффақиятсиз қочишга уриниб кўрганидан сўнг 1587 йилда қатл қилинди.

Мария Стюарт ишида испан короли Филипп II нинг агентлари катта роль ўйнади. Мамлакат ичидаги феодал-католиклар реакцияси ҳам, четдаги испанларнинг аралашуви ҳам Елизавета ҳукуматини бир хилда ташвишга солиб қўйди. Испания янада муҳимроқ бошқа бир сабабга кўра узоқ вақтгача Англиянинг миллий душмани бўлиб қолди. Инглизларнинг денгиз савдоси ривожланиб ва мустаҳкамланиб борган сари, инг-

лиз буржуа доираларининг кўпгина испан-португал мустамлакаларига кириб бориши учун Испания тобора катта тўсиқ бўлиб қолмоқда эди.

Елизавета Испанияни заифлаштириш мақсадида Нидерландия революциясини қўллаб-қувватлади. Инглиз кемалари, ҳеч қандай уруш эълон қилмасдан, испанларнинг Америкадан Испанияга қимматбаҳо юклар ортиб келаётган флотилиясига ҳужум қилар ва уларни талар эдилар. Елизавета эса буларнинг ҳаммасидан хабардор эди ва уларни рағбатлантирарди. Елизаветанинг икки йirik адмиралли — Дрейк билан Хоукинс ўзларининг сиёсий карьераларини деңгиз қароқчилигиндан бошлаган эдилар. Инглизларнинг деңгиздаги қароқчилигига хотима бериш ва Англияда Мария Қонхўр давридаги сингарни, испанларнинг тўла таъсирини тиклаш мақсадида Филипп II 1588 йилда Англияга қарши «Енгилмас армада»сининг ҳарбий юришини бошлади, аммо, юқорида кўрсатилганидек, унинг бу юриши тамомилан муваффақиятсизликка учради¹. Шу вақтдан бошлаб деңгизда инглизларнинг қўли баланд бўлиб қолди. XVI асрнинг 90-йиллари ва XVII аср бошларида инглизлар билан французларнинг аҳиллашиб қолганлиги туфайли Голландия республикаси қатъий ғалаба қозонди ва шундай қилиб, Испанияга яна қаттиқ зарба берилди.

Ирландиянинг босиб олиниши ва таланиши. XVI асрнинг иккинчи ярмида Англия қўшни Ирландияга ўз таъйиқини кескин кучайтирди. Ирландиянинг Дублин шаҳри билан шарқий соҳиллари XII асрнинг иккинчи ярмидаёқ биринчи марта забт қилинган эди. Шундан кейинги асрларда оролнинг бошқа районларига ҳам инглиз ҳукуматиининг таъсири кенгайди. Аммо умуман олганда инглизларнинг Ирландияга кириб бориши узоқ вақтгача етарли даражада чуқур бўлмаган эди. Қабилаларнинг маҳаллий йўлбошчилари инглиз королларига номигагина бўйсунардилар. Инглизларнинг Ирландияга кўчиб бориши нисбатан унча кўп эмасди. Кўчиб борган инглизларнинг, шу жумладан, бу ерга кўчиб келган инглиз феодалларининг ирландлашуви характерлидир. Кўчиб келган инглизларнинг иккинчи-учинчи бўғиниёқ ирланд урф-одатлари ва тилини тўла ўзлаштириб олиб, шу тарзда маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетарди. Чегаралари мустақкамланган ва кўплаб инглиз гарнизонлари жойлашган торғина шарқий полосада (Пэль деб аталадиган жойда) инглиз феодаллари ва савдогарлари ўзларини бирмунча мустақкам тутиб, маҳаллий ирланд аҳолисидан алоҳида эканликларини сақлаб қолдилар ва ҳатто буни таъкидлаб кўрсатардилар. Инглиз саноати ва савдосининг ривожланиши, янги ерларда жун, ғалла ва бошқа маҳсулотларга талабнинг ошиши муносабати билан инглиз феодаллари эҳтиёжининг кескинлашуви

¹ «XVI—VII асрларда Испания» деган XLII бобга қаранг.

натижасида Ирландия англиз ҳукмрон синфларини кўпроқ қизиқтира бошлади. Ирландиянинг ажойиб яйловлари¹, унда қимматли қазилмаларнинг мавжудлиги, кўплаб денгиз бухталари, оролнинг қулай стратегик мавқен — буларнинг ҳаммаси англиз дворянларини ва уларни қўллаб-қувватловчи буржуазия доираларини Ирландияга нисбатан экспансия ва агрессияни кучайтиришга ундар эди.

Дастлабки Тюдорлар, Генрих VII ва Генрих VIII давридаёқ Ирландияда англиз ҳукуматининг таъсири кучая бошлаган эди. Хусусан Генрих VIII биринчи марта Ирландия короли титулини қабул қилди (бу пайтгача англиз короллари Ирландия сеньори титули билангина кифояланиб келардилар). Ирландия зодагонлари англиз королга қасамёд қилишлари, ундан титул олишлари ҳамда улар қабилалардан тортиб олган ерларга эгалик қилиш ҳуқуқини олишлари керак эди. Ирландияда англиз ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашда реформация катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда реформация айниқса зўравонлик усуллари билан ҳамда Ирландия черков-монастирь ерларини оммавий тарзда секуляризация қилиш билан ўтказилган эди. Ирландиянинг феодал-қабила тарқоқлигидан фойдаланиб, бир қабила йўлбошчисини иккинчисига қарши гиж-гижлаш, оролнинг айрим районларида иғвогарлик мақсадида ғалаёнлар уюштириш ва уларни шафқатсизлик билан бостириш йўли билан англиз ҳукумати Мария давридаёқ, сўнгра эса Елизавета даврида ҳам Урта ва Шимолий Ирландиядаги ерларни систематик тарзда мусодара қила бошлади. Одатда, мусодара қилинган ерлар англиз дворянларига ва қисман Англиядан кўчиб келган деҳқонлар — колонистларга бериларди. Елизавета ҳукмронлик қилган даврнинг айниқса иккинчи ярмида ва охирида ерлар жуда кўплаб миқдорда шу тарзда мусодара қилинди, Ольстерда Шан О' Нейль (1559—1567), Мэнстерда Десмонд (1579—1583) ҳамда яна Ольстерда графлардан Тирон билан Тирконеель (1595—1603) раҳбарлигида рўй берган Ирландия қўзғолонлари бостирилгани натижасида ана шундай ишлар қилинди. Елизавета ҳукмронлик қилган даврда англиз ҳукумати Ирландияда жами 1300000 акр ҳажмдаги жуда катта ер майдони мусодара қилинди. Ирландиянинг бўйсундирилиши ва таланиши Англиянинг шундан кейинги тарихи учун ғоят катта социал-иқтисодий оқибатларга эга бўлди. Ирландия Англиянинг мустамлакасига айланиб, у ерга англиз мовути ва бошқа саноат маҳсулотлари олиб борилар ҳамда у ердан Англияга ғалла, чорва моллари, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилар эди. Англия лендлордизми ўша пайтда англиз дворянлари ҳар қандай усуллар билан (ғов тутиш, секуляризация ва шу сингари

¹ Ирландиянинг «Яшил орол» ёки «Зумрад орол» деган номи шундан келиб чиққан. Қадимий Ирландия сагаларидаёқ Ирландия шундай деб аталарди.

усуллар билан) кенгайтирган ва Англиянинг ўзида тўла мулкка айлантирган ерларга қўшимча тарзда Ирландияни ўзининг иқтисодий базасига айлантирди.

XVI аср — XVII асрнинг бошларида Англия-Россия муносабатлари. XVI асрда Англияда Рус давлати билан анчагина жонли иқтисодий муносабатлар ўрнатилган эди. 1554 йилда Англия-Москва компаниясининг тузилиши Англия билан Россия ўртасида муштазам савдо алоқалари ўрнатилишига олиб келди. Россиядан инглизлар жуда кўп миқдорда зигир пояси, каноп лосп, мол ёғи, мум, мис, мўйна, ёғоч ва шу сингариларни олиб кетар эдилар. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигининг ана шу маҳсулотлари эвазига инглизлар Россияга мовут, галантерея товарлари, дори-дармон, қурол-яроқ, олтингугурт, селитра, қўрғошин олиб келардилар. Россиянинг жуда кўплаб арқонлари компаниялар воситачилигида инглиз флотини таъминлаш учун юбориб туриларди. Инглиз савдогарлари Москвадагина эмас, балки Ярославль, Вологда, Великий Устюг ва бошқа баъзи шаҳарларда ҳам яшардилар. Ана шу шаҳарларнинг айримларида улар хом ашёни қайта ишлаш ва бу маҳсулотни (арқон, парусина ва шу сингарилар) Англияга жўнатиш учун sanoat корхоналарини ташкил қилишарди. Англия негоциантлари Шарқий Ўрта Осиё бозорларига бориш учун Россия давлати орқали Волга бўйлаб ва ундан кейин Каспий денгизи бўйлаб узоқ саёҳат қилардилар. Бироқ инглиз савдогарлари ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи Англия ҳукумати Россия давлатини ўзига хос савдо колонияси ҳисоблашга мойил бўлиб, бу ерда уларга Россиянинг бутун экспорти ва импорти устидан тўла монополия ўрнатишлари таъминлашини хоҳлардилар. Компанияларнинг бундай сиёсати Россия ҳукуматининг кескин қаршичилигига дуч келди. Россия савдогарлари бу масала хусусида Россия ҳукуматига бир неча марта қаттиқ шикоят билан мурожаат қилишган эди. 70-йилларнинг бошларидаёқ Иван Грозний инглизларнинг имтиёзларини анча қирқиб қўйди. XVI асрнинг охирларида ва XVII асрнинг бошларида Борис Годунов даврида улар янада кўпроқ чеклаб қўйилди.

Москва давлатининг марказлашган характери, рус савдогарларининг иқтисодий жиҳатдан анча ўсганлиги ва уларнинг алоҳида посадское сословиёга (Ғарбдаги учинчи сословиёнинг ташкил топишини эслатувчи) сословиёга уюшуви Россиянинг халқаро савдо ва сиёсий муносабатларда етарли даражада мустақил миллий сиёсат ўтказишини таъминлади.

Буржуа оппозициясининг бошланиши. Елизавета I нинг ички ва ташқи сиёсат соҳасида эришган ютуқлари туфайли ўсиб келаётган инглиз буржуа синфи назарида унинг обрўси ғоят кўтарилди. Парламент Елизавета ҳукуматидан субсидияни сира аймади. Аммо Елизавета короллик қилган даврдаёқ абсолютизм режимидан буржуазиянинг норози эканлигини кўрсатадиган баъзи аломатлар найдо бўлиб қолди. Хусусан, бу оппозиция

Парламент аъзоларининг парламентдаги танқидий нутқларида акс этди. 70- ва 80- йиллардаёқ парламент ҳукуматдан феодал-католик реакциясига қарши қатъийроқ курашсин ва Елизавета ўзига протестантлардан ворис белгиласин, деб талаб қилди. Парламент депутатлар учун шахс даҳлсизлиги ва сўз эркинлиги бўлишини, шунингдек, парламент сайловларига ҳукумат тамомила аралашмаслигини талаб қилди. 1601 йилда парламент ҳар хил товарлар ишлаб чиқаришни айрим шахслар ёки компанияларнинг монополия қилиб олиши учун королева томонидан жорий этилган патент соғилишига қатъий қарши чиқди. Ҳазарга келган парламентни тинчитиш учун Елизаветанинг ўзи аралашини ва бундан кейин бундай ишни қилмаслиги тўғрисида ваъда бериши лозим бўлиб қолди. Парламент королеванинг черков сийәсатидан ҳам норози эди. Англиканизмни унинг католицизмга яқинлиги учун танқид қилиб чиқишлар Елизавета I нинг деярли ҳамма парламентларида 60- йиллардан бошлаб эшитила бошлаган эди. Буржуазия ва янги дворянларнинг бир қисми англиз черковини кальвинизм руҳида чуқурроқ реформация қилишга мойил эди. Аммо Елизавета епископаль англикан тузумидан ажралгиси келмасди, чунки бу тузум шароитида епископлар абсолютизмнинг энг итоатли қуроли бўлиб хизмат қилар эдилар.

Пуританлар ҳаракати. Диний-сийәсий тус олган оппозицион кайфиятлар тобора кучайиб борди. Усиб мустақамлашган буржуа синфининг абсолютизм сийәсатидан норозилигини акс эттирувчи қулайроқ форма пуританизм деб ном олган янги диний-черков оқими эди. Даставвал пуританлар деб англикан черковининг тарафдорларини, яъни уларнинг бу черковин католицизм сарқитларидан «тозалаш» учун кўпроқ курашиб келган қисмининг атардилар (пуританлар сўзининг ўзи латинча «puritus», яъни «тоза» деган сўздан келиб чиққан). «Пуритан» номи Англияда дастлаб XVI асрнинг 60- йилларида пайдо бўлди. 70- ва 80- йилларда пуританларнинг сони жуда кўпайиб кетди. Пуританларга кальвинизм идеологияси тобора кўпроқ таъсир кўрсата борди. Уларнинг кўплари қитъага боришиб, Женева, Германиянинг Рейн соҳили ва Нидерландия кальвинчилари билан алоқада бўлишган эди.

Вақт ўтиши билан пуританлар ҳукмрон англикан черковидан тамомила ажралиб чиқиб, бошида сайланиб қўйилган старшина (пресвитер)лари бўлган алоҳида черков жамоаларини туза бошладилар. Пуритан черков жамоалари черков ишларида янги мулкдор синфларга тўла мустақиллик бердилар. Шундай қилиб, англиз буржуазияси ва янги англиз дворянлари дин соҳасида ўзларини озод қилишга киришдилар ва шу билан кейинчалик умуман бутун феодал-абсолют тузумига қарши курашга ўтишни назарда тутдилар. XVI асрнинг охириларидаёқ англиз пуританлари орасида аниқ кўриниб турган икки оқим пайдо бўлди: унинг бири — энг йирик буржуазия ва йирик дворянлар вакил-

ларини ўз ичига олган анча ўнг йўл тутган пресвитериан оқими, ва иккинчиси — асосан майда буржуазия, жентри ва деҳқонлар орасидан ўзига тарафдорлар топган, анча сўл йўл тутган индипендент оқим эди. Елизавета ҳукумати пуританларга ғоят душманлик назари билан қарарди. Пуританлар ҳам католиклар сингари таъқиб қилинарди. Католиклар сингари уларни ҳам турмаларга қамар, мамлакатдан ҳайдаб чиқарар ва уларга турли штрафлар солар эдилар. Аммо, пуританларнинг сони ортиб бораверди, бу эса буржуа синфларининг абсолютизм билан алоқани узишга тобора жиддийроқ тайёрланаётганлигидан далолат беради.

Елизавета I подшолик қилишининг тугаши. Стюартлар династияси ҳукмронлигининг бошланиши. Елизавета I Тюдор қарийб 45 йил подшолик қилиб, 1603 йил 24 мартда вафот этди. У Тюдорлар династиясининг охириги вакиласи эди. Бу династия даврида инглизларнинг капиталистик тараққиёти жуда катта муваффақиятларга эришди.

Елизавета вафотидан сал илгари Шотландия короли Яков VI ни (у қатл этилган Мария Стюартнинг ўғли эди) ўз вориси қилиб тайинлади. Яков учун бу — қутилмаган воқеа эмасди, Елизаветанинг министрлари аллақачондан бериёқ Шотландия короли билан махфий хат ёзишиб, унинг инглиз тахтига ҳуқуқни тасдиқлашар ҳамда «икки миллатни бирлаштириш» — Англия билан Шотландияни умумий бир королликка бирлаштиришнинг конкрет шартларини ишлаб чиқишган эди. Аммо янги династияга ўз подшолигини мураккаб шароитларда бошлашга тўғри келди. Англияда буржуазия революцияси учун шарт-шароит вужудга кела бошлаган эди. Мустақамланиб ва синфга айланиб олган инглиз буржуазияси ҳамда унинг иттифоқчиси бўлмиш янги дворянлар ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, улар учун ортиқча ва зарарли бўлган монархия формасига барҳам беришга интилаётган эдилар. Тюдорлар давридаёқ шакллана бошлаган парламент оппозицияси Стюартлар даврида айниқса зўр ғайрат билан ҳаракат қилди¹.

XVI асрда инглиз маданияти. XVI аср Англия тарихида капитализмнинг туғилиш асри бўлиш билан бирга, айни вақтда инглиз миллати шаклланишининг давом этиши ва инглиз маданиятининг ғоят гуллаган даври ҳам эди. XVI асрда инглиз адабиёти билан инглиз театри ғоят гуллаб-яшнади. Илк инглиз гуманизми адабиётининг энг ёрқин намояндаси машҳур Томас Мордир (1478—1535). Мор ўзининг «Утопия» номли (1516 йил) классик асарида аввало Англиядаги дастлабки жамғарилиш даврининг социал зиддиятларини анализ қилиб берди, бу билан Ғарбий Европа утопик социализми оқимига асос солди ва бу оқим бундан

¹ Стюартлар янги династияси даврида буржуа дворянлар оппозициясининг (1603 йилдан бошлаб) бундан буёнги ўсиши одатда «XVII асрда инглиз буржуа революцияси» темасида ўрганилади. Янги замон тарихи ана шу тема билан бошланади.

кейинги асрларда ривожлана бориб, илмий социализм элементларини тайёрлаб берди. Эразм Роттердамскийнинг «Бетамизлик мадҳияси» деган асари каби Морнинг «Утопия»си ҳам гуманистик адабиётнинг энг машҳур ва энг кўп тарқалган ёдгорликларидандир. «Утопия» ҳам асли латин тилида ёзилган бўлиб кейинчалик Европанинг ҳамма тилларига таржима қилинган ва дунё адабиётининг ҳамма баҳраманд бўлган асарларидандир.

XVI асрнинг иккинчи ярмида, Елизавета даврида королева ва саройдаги бир қанча катта дворянлар ҳомийлик қилган инглиз театри катта ривож топди. Шу билан бирга театр Лондондаги кенг халқ оммасининг севикли томошаси эди. Халқнинг театрга муносабати драматург ва актёрларни ўз бадий образларини муайян халқ-демократик руҳидаги услубда яратиш учун ҳаракат қилишга мажбур этди. Вильям Шекспир (1564—1616) жаҳонда шуҳрат қозонган буюк инглиз драматурги эди. Қисман тарихий ва қисман ўз замонасининг маънавий темаларида ёзилган ўнларча драма, трагедия ва комедияларнинг автори бўлган Шекспир ўз асарларида феодализмдан капитализмга ўтиш давридаги Англияни хийла тўла тасвир этиб берди. Шекспирнинг пьесаларидаги қаҳрамонлар — Уйғониш даврining қаҳрамонлик характериға эға бўлган ғоят эҳтиросли кишилардир. Шу билан бирға улар жуда реалистик руҳда талқин этилган бўлиб, оддий кишилар тақдириға хайрихоҳлик билдирилади. Шоир оддий кишиларнинг донолигини кўпинча саройдаги олифталарнинг енгилтаклигига ва бемаънилигига қарама-қарши қилиб қўяди. Шекспирнинг энг яхши пьесалари: «Гамлет», «Отелло», «Ромео ва Жульетта», «Қороль Лир» ва бошқалар бутун дунёдаги театрларнинг репертуарида маҳкам ўрин олган. Биз уларни совет саҳнасида ҳам тез-тез учратиб турамыз. Шекспирнинг адабий меросида тарихий характердаги драмалар («Тарихий хроникалар») алоҳида аҳамиятға эға. «Ричард II», «Генрих IV», «Генрих V», «Генрих VI» ва «Ричард III» деб аталувчи бу драмаларнинг сюжети асосан Оқ атир гул ва Қизил атир гул урушлари тарихидап олинган. Шекспир бу драмаларда марказий ҳокимиятнинг феодал анархиясига қарши шиддатли кураши ҳамда четдан бўладиган ҳужум хавфи шароитида ўтган Англиянинг сийсий бирлашувни процессини акс эттирган.

XVI асрдаги яна бир атоқли драматург Кристофер Марло (1564—1593) бўлиб, бир қанча йирик трагедиялар— «Темурланг», «Фауст», «Қороль Эдуард» ва «Париж қирғини» (яни «Варфоломей кечаси») унинг қаламиға мансубдир. Марло ҳақли равишда Шекспирнинг энг ажойиб ўтмишдошларидан бири ҳисобланади. Марло унга драматик шеърнинг формаси (машҳур «оқ» шеър) биланоқ катта таъсир кўрсатди.

Ешроқ авлод шоир-драматурглар орасида Бен Жонсон (1578—1637) алоҳида ўрин тутади. Кўп комедиялар ёзган Бен Жонсон Шекспирға қарама-қарши ўлароқ ўз ижодиётида XVI

аср охири ва XVII аср бошларида ўсиб келаётган буржуа оппозициясининг антифеодал ва антиабсолют кайфиятини анча кескин акс эттирган эди. Унинг бекорчи сарой аҳллари, хонавайрон бўлиб бораётган маишатпараст дворянларни, королликдаги судьялар ва амалдорларнинг порахўрлиги ва ўзбошимчилигини ёрқин сиёсий-сатирик характерда тасвирлаб ёзган асарлари XVII аср ўрталаридаги инглиз буржуа революцияси даврининг публицистикасига тайёргарликдан иборат эди.

XVI асрнинг охириги ўн йилликлари ва XVII асрнинг биринчи ярмида машҳур инглиз файласуфи Френсис Бэкон (1561—1626) ўз асарларини яратди. У «Янги органон» (1620 йил) деган ажойиб фалсафий асарнинг авторидир. Бэкон бу асарда фанларни янгидан классификация қилиб, оғирлик марказини табиёт фанларига йўналтирган эди. Бэкон ўрта аср схоластикасининг эътиқодли душмани эди. У тарғиб қилган индуктив билиш методи фактларни умумлаштирган ҳолда ўрганишга асосланган бўлиб, Европада шу давргача фан ривожланишининг бевосита натижаси эди ва ўз томонидан табиётнинг янада юксалишига ҳамда янги дунёқарашнинг шаклланишига ёрдам берди.

Бэкон Томас Морнинг «Утопия»сидан кейинги утопик асар «Янги Атлантида»нинг ҳам авторидир. Бу асар автор умрининг охирида ёзилган ва унинг вафотидан кейин эълон қилинган. «Атлантида» асарида Бэкон фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқаси ҳақида ўзининг эзгу гоясини намойиш қилди. «Атлантида»нинг юксак sanoat техника даражаси Бэкон утопиясининг асосий хусусиятини ташкил қилади.

XLVI БОБ

XVI—XVII АСРЛАРДА ФРАНЦИЯ

XVI АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ФРАНЦИЯ

XVI асрда Франциянинг иқтисодий тараққиёти. XVI асрда Франция Ғарбий Европада марказлашган энг йирик давлат эди. У иқтисодий тараққиётида анча катта муваффақиятларга эришди. Франция иқтисодий жиҳатдан Испанияга, ички Германия, Жанубий Италия ва Скандинавия мамлакатларига караганда кўпроқ ривож топган мамлакат эди. Француз sanoatининг баъзи тармоқлари энди цех ҳунари рамкасидан чиқиб, марказлаштирилган ҳамда тарқоқ мануфактуралар формасида ривожлана бошлаган эди. Айниқса Пуату вилояти ва Пикардиядаги мовут ишлаб чиқариш, Бретань, Мэн ва Нормандиядаги каламенка ва полотно ишлаб чиқариш, Тур, Лион, Орлеан


ва бошқа жойлардаги шойи тўқиш — мануфактуранинг ани шундай формалари ривожланиб бораётган саноат тармоқлари эди. Уша вақтлардаёқ Парижнинг атторлик (парфюмерия) ва заргарлик молларининг донғи ҳамма ёққа тарқалган эди. Италиядан ўрганиб олиб ўзлаштирилган гилам (гобелен) тўқиш, кўзгусозлик, ойнасозлик, чинни ишлаш мануфактуралари каби янги мануфактуралар ҳам муваффақият билан ривожланиб бормоқда эди.

Француз босмахоналарида (Этьен фирмаси ва бошқаларда) босилган китоблар Франциянинг ўзидагина эмас, балки Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам гарқалар эди. Французлар ясаган замбараклар XV асрдаёқ бутун Европадаги энг яхши тўплар деб ҳисобланар эди.

Франция илгаригидек Урта денгиз орқали қизғин савдосотиқ ишлари олиб борарди. Марсель мамлакатнинг энг катта порти бўлиб қолган эди. Аммо шу билан бирга Атлантика океани билан боғланган ғарбий ва шимолий портларнинг ҳам аҳамияти ошиб бормоқда эди. Бордо, Ларошель, Нант, Гавр, Дьепп шаҳарлари ҳам катта портларга айланиб бормоқда эди. Лион шаҳрида олиб бориладиган савдо-сотиқ ишлари халқаро аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, бу шаҳар ғоят катта пул бозори ҳам эди. Лион биржаси Антверпен билан рақобат қиларди.

Аммо шундай бўлса ҳам, Франция иқтисодий жиҳатдан Англия билан Нидерландияга қараганда секинроқ ривожланмоқда эди. Франциянинг мануфактуралари мазкур икки мамлакат мануфактуралари каби кенг (миллий) тус олмаган эди. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги билан шуғулланар эди. Шу билан бирга француз қишлоқлари ўзининг типик феодал қиёфасини сақлаб келмоқда эди. Францияда XVI асрда ҳам ишлаб чиқаришдаги феодал усулнинг традицион муносабатларида бузилиш ҳали бошланмаган эди деса бўлади, ҳолбуки Англияда бундай муносабатларнинг бузилиб бораётганлигини юқорида кўриб ўтган эдик.

XVI асрдаги француз қишлоғининг тузуми. XVI аср Францияда серваж формасидаги шахсий-крепостнойлик муносабатлари камдан-кам учрайдиган бўлиб қолган эди. Деҳқонларнинг жуда кўпчилиги чиншевиклардан, яъни мерос ерларга эгалик қилувчилардан иборат эди, улар умуман олганда одат ҳуқуқига мувофиқ, ерга эгалик қилувчи инглиз деҳқонларига (копигольдерларга) ўхшарди. Деҳқонлар тўлайдиган ценз, яъни пул рентаси доим бир тарзда, бир меъёрда бўлар эди. Француз дворянлари инглиз дворянларидан шу билан фарқ қилардики, уларнинг деҳқонлар қўлидаги ерларни тортиб олишлари учун бирон муҳим баҳона йўқ эди, чунки Францияда йирик-товар қишлоқ хўжалигини ташкил этишни тақозо қилувчи ички ҳам, ташқи ҳам сабаблар йўқ эди. Шундай қилиб, француз деҳқони ерсиз қолиш хавфи остида эмас эди. Бу жиҳатдан француз деҳқонининг аҳволи биродари инглиз деҳқонининг аҳволидан



XVI асрдаги Франциянинг иқтисодий картаси

дурустроқ эди. Аммо француз деҳқонининг бошқа мушкулликлари бор эди.

Аввало, Францияда қишлоқ хўжалиги техникасининг умумий даражаси жуда паст эди. Майда деҳқонлар ерни ишлаш усулларини такомиллаштиришда ҳеч қандай янгилик киргизолмас эдилар. Экинларнинг ҳосили аввалгидек жуда паст эди. Аммо феодаллар деҳқонлардан жуда кўп солиқлар оларди. Одатда, Франциядаги чинш (ценз) Англиянинг «одатдаги рентасидан кўп бўларди. Француз деҳқони ўз сеньорларига чиншдан ташқари яна қўшимча ҳар хил катта ва кичик тўловлар беришга мажбур эди. Сўнгра, француз деҳқони давлатга ҳам катта-катта солиқлар тўларди. Деҳқонлардан олинган солиқлар марказлашган Франциянинг жуда тез ўсиб кетган давлат идораларини таъминлаб турувчи асосий манба

эди. Король саройи, бюрократия, армия ва черков ғоят кўп маблағ талаб этарди. Давлат олган солиқларнинг бир қисми кейинчалик ҳар хил пенсиялар, ҳадьялар ва ҳоказолар тарзида яна ўша дворянларга келиб тушарди. Француз деҳқони помещикларга феодал рентасини аслда икки марта тўларди: бир марта чинш тариқасида ва у билан боғлиқ бўлган ҳар хил тўловлар шаклида ўзининг маҳаллий ер эгаси-сеньорига тўлар, иккинчи марта эса давлат солиқлари тариқасида умуман бутун феодаллар синфига (ўзига хос марказлашган феодал рентаси қилиб) тўлар эди. Католик черкови фойдасига ушур (десятина) ҳам сақланиб қолган эди. Бироқ француз деҳқони булардан бошқа яна бир «ценз» тўлашга мажбур эди. Француз деҳқонларининг жуда кўпчилиги судхўрлардан қарздор бўлиб қолган эди. Урта асрлар Франциясида деҳқонлар катта тўлов бериб озод бўлган эдилар, ана шу шарт билан озод бўлиш ўша вақтдаёқ деҳқонларни қарзга ботириб қўйган эди. Кейинчалик Юз йиллик уруш давридаги хонавайронлик натижасида деҳқонларнинг судхўрларга қарамлиги яна кучайиб кетди. Ниҳоят, бу қарамлик давлат солиқларининг тинмай ошиб борганлиги туфайли янада кучайиб, мустаҳкамланиб кетди. Бундай шароитда француз деҳқонининг қарздан қутулишига ҳеч қандай имконият йўқ эди. Оқибат натижада судхўр ўзига тегишли процентларни деҳқоннинг ери устига қўйиб, уни абадий қарздор қилар эди. Шундай қилиб, деҳқон ер учун аслда яна бир рента тўлашга мажбур эди, бу рента эса судхўрга тўланар эди. Бу рентанинг ценздан ташқари тўлов ёки қонулаштирилган рента деган махсус номи бор эди.

Француз абсолютизми ва унинг социал табиати. Ишлаб чиқаришнинг феодал усули ва имтиёзли феодал-дворянлар сословиеси асосан ҳукмронлик қилувчи, аммо шунингдек анча даражада саноат ривожланишига эришилган ва кенг миллий бозор вужудга келтирилаётган, сиёсий марказлаштириш қадимий ва мустаҳкам традицияга эга бўлган аграр мамлакат — Францияда сиёсий тузум XVI—XVII асрларда энг ривожланган классик абсолютизм формасини олди. Мамлакатда юқори имтиёзли сословие бўлган феодал дворянлар синфи француз самодержавиесининг асосий социал базаси эди. Илк вақтлардан буён король ҳокимияти билан маҳкам боғланиб турган католик черкови француз королларига катта ёрдам кўрсатарди. Ташкил топаётган буржуазия ҳам, юқорида кўрганимиздек, ўз замонда король ҳокимиятининг ишончли иттифоқчиси бўлиб келган эди. Урта асрлардаги француз коммуналарининг тарихи бунга яққол далилдир. Лекин кейинроқ ҳам буржуазия король ҳокимиятига муҳтож эди. Буржуазиянинг марказлашган феодал давлат билан боғланишининг янги муҳим формаси давлатнинг молиявий ишларидан буржуазиянинг манфаатдорлиги эди. Давлат харажатлари (айниқса урушлар муносабати билан) ортиб борган сари давлат буржуазиядан кўп-

роқ қарз оларди. Буржуазия билан давлат хўжалиги ўртасидаги алоқанинг яна бир формаси — откуп (ижарахўрлик) системаси эди. Деярли ҳамма билвосита солиқларни тўплаш молиячи-капиталистларга топширилди, улар эса аҳолидан солиқ пулларини ўз агентларининг ёрдами билан ўзлари йиғиб олар ва бунда давлатга ижарахўрларнинг одатда «олдин» тўлаган пуллари суммасидан анча кўпроқ қилиб йиғиб олар эдилар. Францияда откуп системаси дастлабки капитал жамғарилишининг ўзига хос формаси эди. Бунинг устига буржуазия феодаллар давлати аппаратидан яна ўзига хос бир тарзда ҳам фойдаланарди. Ўрта асрлар охиридан бошлаб, Францияда давлат мансабларини пулга сотиш ва сотиб олиш тартиби маҳкам ўрнашиб қолган эди. Буржуазия бунга фойда келтирувчи савдо муомаласининг бир хили деб қарарди. Мансабни сотиб олиш учун сарф қилинган капитал кейинчалик, буржуа амалдорларга юмуши тушиб турадиган халқ оммасидан келадиган даромад ҳисобига ортинг билан мансаб эгасига қайтиб келиши шарт эди. Судлардаги ҳар хил мансаблар айниқса кўп даромад келтирарди.

Ириқ француз буржуазиясининг кўпчилиги ўз манфаатлари жиҳатидан абсолютизм билан чамбарчас боғланган эди ва хонавайрон бўлган дворянларнинг мол-мулкларигина эмас, балки уларнинг титуллари ва унвонларини ҳам эгаллаб олиб, секин-аста дворянлашмоқда эди. Майда буржуазияга келганда, унинг ўзи давлатнинг оғир молиявий зулми дастидан азобланмоқда эди. Деҳқонлар билан бирга шаҳар майда буржуазиясининг ҳам давлат солиқлари туфайли тинкаси қуримоқда эди. Молиячи бойлар ва уларнинг бир тўда агентлари бўлган солиқ тўпловчиларга шаҳарлардаги меҳнаткашлар оммаси ҳам, худди қишлоқ меҳнаткашлар оммаси сингари жуда нафрат билан қарарди. Солиқ тўплаш муносабати билан кўтарилиб турган кўзғолонлар XVI ва XVII асрлардаги француз шаҳарлари ва француз вилоятлари тарихида энг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалардан биридир.

Франциск I даврида абсолютизмнинг муваффақиятлари. Қо-роль Франциск I даврида (1515—1547) король ҳокимияти гоят зўр қудратга эга бўлган эди. Франциск I (Франсуа I) даставвал черковни тамомила ўзига бўйсундирди. Папа Лев X билан Болонда тузилган конкордатга кўра, француз короли барча француз епископларини вазифаларга ўзи тайинлайдиган бўлди. Шу билан бирга папа француз черковидан келадиган даромадларнинг кўпчилик қисмини королнинг ўзи олиши учун ҳуқуқ берди.

Сўнгра, Франциск I Бош штатларни мутлақо чақирмай қўйди. Гарчи у узоқ вақт короллик қилган ва унинг даврида доим урушлар бўлиб, одатда бундай вазиятда француз короллари штатларни чақиришга мажбур бўлган бўлсалар ҳам, Франциск I даврида Бош штатлар бир марта ҳам чақирилма-

ди. Франциск I қонун чиқарувчи ҳокимият танҳо ўз қўлида бўлиши лозим, деб билар ва бу ҳокимиятни вакиллар йиғини билан ўртоқлашишни сира истамас эди. Унинг юристлари ҳалойиқ олдида очикдан-очиқ: король ҳокимиятини ҳеч ким ва ҳеч нарса чеклаб қўёлмайди, деб эълон қилардилар. 1527 йилда Париж парламентининг президенти мажлисда ҳозир бўлган корольга мурожаат қилиб: «Сиз қошундан юқори турасиз, сизни қонунлар ва ордонанслар ҳеч нарсага мажбур этолмайди ва умуман сизни бирон-бир нарсага мажбур қила оладиган ҳокимиятнинг ўзи йўқ» деган эди.

Дуруст, Бош Париж штатлари бўлмаганлигидан, парламент король эдикт (фармон)ларини рўйхатга олиш ҳуқуқига асосланиб, король ҳокимиятини чекловчи орган бўлиб олишига уриниб кўрган эди. Аммо у бунга муяссар бўлолмади. Франциск I фақат олий суд палатаси сифатида парламентга тааллуқли бўлган суд ишларидан ташқари, давлатнинг бошқа ишларига унинг аралашшини ман қилди.

Король давлат бошқармасининг майда-чуйдаларига ҳам шахсан ўзи аралашарди. Бутун марказий бошқарма ишн король кенгаши қўлида эди. Бу кенгаш турли номдаги бўлимларга: Катта ва Кичик кенгашлар (Кичик кенгаш одатда король иштирокида бўларди), Молия кенгаши, Хат алоқалари кенгаши, Сиёсий ёки Давлат кенгаши (бу кенгаш ташқи ишлар билан шуғулланарди) ва бошқаларга бўлинган эди. Бу бўлимлар умуман марказий органлар бўлиб, кейинчалик пайдо бўлган бош министрликлар: ички ишлар, молия, юстиция, ташқи ишлар ва ҳоказо министрликларга мос келарди.

Италян урушлари. Ўзининг ўтмишдошлари король Карл VIII ва Людовик XII га ўхшаб, Франциск I ҳам итальян урушларини давом эттирди. У Карл V Габсбург билан тўрт марта: 1521—1525, 1527—1529, 1536—1538 ва 1542—1544 йилларда уруш қилди. Франциск I урушларда айрим муваффақиятларга эришган ва дипломатия соҳасида катта истеъдод эгаси бўлиб, Габсбургларга қарши курашда ўзига жуда кўп (шу жумладан турк султонини ҳам) иттифоқчи қилиб олган бўлса-да, Италиядаги урушлар француз феодаллари учун муваффақиятсиз тугаган эди. 1525 йилда Павия ёнидаги жангда мағлубиятга учраганида Франциск I ҳатто ўзининг қудратли душмани қўлига асир бўлиб ҳам тушиб қолган эди. Сўнгги уруш вақтида Карл V Франция территориясига бостириб кириб, Парижга ҳужум бошлади. Аммо аҳоли оммаси, хусусан деҳқонлар босқинчиларга жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар. Герман протестанс князларининг императорга қарши қўзғолон кўтаришига тайёрланаётганликларидан хабардор бўлиб қолган Карл V Францияда уруш ҳаракатларини давом эттиришдан воз кечишга мажбур бўлди. У Франциск I билан сулҳ тузди; 1544 йилги (Крепи шахрида тузилган) шартномага биноан ҳар иккала томон урушиб олган ерларидан воз кечди.

Франциск I ўлгандан кейин унинг вориси Генрих II даврида (1547—1559) италян урушлари яна бошланиб кетди. Бу урушлар 1559 йилда Като-Камбрези шаҳрида тузилган сулҳ билан тугади. Бу сулҳ битимига мувофиқ Генрих II Италиядан тамомила воз кечди. Аммо Филипп II Испанский ҳам ўз томонидан муҳим бир масалада ён берди: Франция Мец, Туль ва Верден шаҳарлари билан бирликда Лотарингияга (юқори Лотарингия деб аталган ерларга) эга бўлиб қолди. Бу билан Франция давлати ўзининг ҳамма ерларини тамомила бирлаштириб, деярли ҳозирги чегараларигача бўлган ерларга эга бўлди¹.

Франциядаги Уйғониш. Италияга қилинган юришларнинг оқибатларидан бири шу бўлдики, француз жамияти ўша замон Европасида энг гўзал ва нафис маданият бўлган италян маданиятини ўзлаштириб олди. Италияга бориб келган француз дворянлари италянларнинг расм-одатлари, одоб-қоидалари ва кийимларини ўзлаштириб олдилар. Францияда жуда кўп кишилар италян илм-фани, санъати ва адабиётини севиб, унга тақлид қила бошладилар. Король саройи Уйғониш давр янги маданиятининг асосий маркази бўлиб қолди. Королнинг Париждаги ғоят гўзал Лувр саройи италян архитектураси услубида қурилди, худди шу услубда шаҳар ташқарисида бир қанча қасрлар ҳам солинди. Королнинг синглиси — малика Маргарита Наваррская истеъдодли шоира бўлиб, бир қанча гуманист адиблар, шоирлар ва рассомларни ўз атрофига тўплаган эди. Германиядаги сингари, Францияда ҳам антик авторларнинг ижодларини зўр бериб ўргана бошладилар. Атоқли филолог Гийом Бюде (1460—1540) қадимги грек тилини ғоят яхши билиши билан машҳур эди. Уни машҳур немис гуманист филологига ўхшатиб «французларнинг Рейхлини» деб атадилар. Жак Лефевр д'Этапль (1455—1537) атоқли гуманист, файласуф, географ ва математик бўлиб, унинг номи ҳам французлар реформациясининг бошланиши билан боғлиқдир. Схоластик традицияларга маҳкам ёпишиб олган эски Париж университети (Сорбонна)га қарама-қарши ўлароқ, янги ташкил топган Француз колледжи гуманизмнинг илмий маркази бўлиб қолган эди; бу колледж ўзига хос гуманистик академия эди. Жаҳонга донғи кетган Франсуа Рабле (1494—1553) француз гуманизмининг энг катта намояндаси эди. Буюк француз сатириги Рабле ёзган «Гаргантюа ва Пантагрюэль» деган роман феодаллар жамиятининг шармандасини чиқарган, ўткир фикрлар ва аччиқ кинояларга тўлиб-тошган ғоят зўр ва кучли сатирик асардир. Рабле бу асарида халқ яратган содда романлар формасидан фойдаланиб, феодалларни бесўнақай,

¹ Като-Камбрезий шартномасида бу шартнома тузилишдан аввал Франция билан уруш ҳўлатида бўлган Англия ҳам иштирок этган эди. Франция 1559 йилги шартномага биноан Кале шаҳрини қайтариб олишга эришди. Бу шаҳар Юз йиллик уруш вақтидан (1347 йилдан бери) инглизлар қўлида эди.

еб тўймас, пчкиликбоз, жанжалкаш кишилар қилиб, олий ва фаросатли мотивлардан мутлақо маҳрум ҳайвонлардек ҳаёт кечирадиган кишилар қилиб кўрсатади.

Шу билан бирга, Рабле ўз романида, гуманистик илм-маърифат ва тарбия учун курашчи, табиат ва кишини ўрганадиган янги фанни жорий қилувчи ташаббускор, схоластиканинг душмани сифатида майдонга чиқди, у схоластикани инсониятдан ёруғликни вақтинча тўсиб турувчи «готик ва варварлар тумани» деб атаган эди.

Францияда реформация. Францияда реформация ҳам гуманистлар доирасида бошланди. Лефевр д'Этапль 1512 йилдаёқ «Апостол Павелнинг мактублари» ҳақида деган китоби билан майдонга чиққан эди. У ўзининг бу китобида Лютерга ўхшаб, «нажот йўли — диндир» деган ғояни илгари сурган эди. Лефевр 20-йилларда таврот (библия)ни француз тилига таржима қила бошлаган эди. Аммо Лефевр реформацияни тайёрлаб берган бўлса-да, протестант бўлмаган эди. У ҳаётининг охиригача расман католик бўлиб қолаверди. Лефеврнинг шогирди ва Мо шаҳарчасининг епископи Брисопэ устозидан анча ўтиб кетиб, Мо шаҳрида Франциядаги биринчи протестантлар жамоасини тузди, лекин бу жамоа кенг ёйила олмади. Францияга Лютернинг кўпгина издошлари кўчиб келиши муносабати билан бу мамлакатга Лютер ғояларининг киритилиши протестантизмнинг ёйилишига кўпроқ таъсир кўрсатди. Аввал бошда Кальвиннинг ўзи ҳам Лютернинг издоши эди, у фақат кейин, 30-йилларга келиб, бу таълимотни чуқурлаштирди ва радикаллаштирди. Аммо Францияда янги протестантлик динининг социал негизи кенг эмас эди. Мамлакатнинг шимолидаги шу жумладан, Парижнинг йирик буржуазияси ҳам католик динига маҳкам ёпишиб олган эди, чунки король сингари католицизм ҳам Франциядаги миллий бирликнинг симболи эди. Францияда католик — черкови Германиядаги сингари папага тобе эмас эди. Бу черков тамомила королга бўйсунарди. Францияда деҳқонлар католицизмга жуда берилган эди. Бунга сабаб француз аграр муносабатлари консерватив характерда бўлганлиги ва бу вақтларда Франция қишлоқларида ижтимоий зиддиятлар Германия билан Англиядаги сингари жуда кескин тусга кирмаганлигидир. Ниҳоят, француз дворянлари ҳам аввал бошда реформация билан у қадар қизиқмаган эдилар. Француз дворянларининг энг актив қисми Италиядаги урушлар билан банд эди.

Франциск I бир оз вақт мамлакатда реформацион ғояларнинг ёйилишига чидаб, индамай келди, чунки у Карл V га қарши олиб бораётган курашида герман протестант князларидан мадад олиб турар эди. Аммо 30-йил ўрталарида король ҳукумати «еретиклар»ни жуда қаттиқ таъқиб қила бошлади. 1535 йилда лютеранлардан 35 киши ўтда куйдирилди ва 300 киши қамоққа олинди. 1540 йилда Францияда инквизиция жорий қилинди. Ёйилиб бораётган кальвинизм маъмурларни айниқса

катта ташвишга солиб қўйди. Генрих II даврида, янги королнинг мамлакатни идора қила бошлаган биринчи йилдаёқ кальвинистларни жазолаш учун фаяқуллода трибунал тузилди. Янги суд дабдабали ном билан «Ўтли палата» деб аталди.

1547 йилдан то 1550 йилгача ўтган уч йил мобайнида «Ўтли палата» 500 тача ҳукм чиқарди, бундан 60 таси ўлим жазоси тўғрисидаги ҳукм эди.

Лекин шунга қарамадан Францияда реформация ривожлана борди. Гарчи деҳқонлар «ересь»га бепарво муносабатда бўлиб, буржуазиянинг юқори қатлами ва саройга яқин дворянлар эски католик черковини бор кучлари билан ҳимоя қилган бўлсалар-да, шаҳарларда кальвинизмга тарафдор бўлганлар анчагина топилар эди. Жанубий ва ғарби-жанубий шаҳарлар, собиқ альбегойчилар ҳаракатининг марказлари кальвинизмга айниқса мойил эдилар. Кальвинистлар, ёки — Францияда уларни атаганларича — гугенотлар¹ Франциянинг жанубида 30- ва 40-йилларда айниқса кўпайиб кетишди. Айни замонда жанубий француз дворянлари ҳам зўр бериб кальвинизмга қўшила бошладилар. Буларнинг кўпчилиги Франциянинг жануби ва жануби-ғарбий қисмидаги ўрта ва майда дворянлар эдилар. Маҳаллий шаҳарлар билан боғлиқ бўлган, тор провинциал кайфиятдаги ва қисман ҳали патриархал шароитдан чиқмаган шу дворянлар кальвинизмни ўзларининг «соф дини» деб билар, марказлашган католицизм идеологиясига қарама-қарши ўлароқ, идеологик жиҳатдан ўзларининг маҳаллий партикуляризмини акс эттирувчи дин деб биларди, чунки улар католик динини король ва Париж дини деб, XVI асрда ҳам жанубликлар учун ёт бўлиб қола берган Шимолий Франция дини деб билардилар.

Аммо вақт ўтиши билан сиёсий мулоҳазаларга кўра, жанубдагина эмас, балки Франциянинг бошқа областларидаги йириқ феодал аристократлар ҳам гугенотларга қўшилдилар. Чунки гугенотларнинг черков ташкилоти ҳамда гугенот дворянлар билан шаҳарликлар оммаси король ҳокимиятига қарши курашда протестантлар учун кучли дастак бўлиши мумкин эди.

ГУГЕНОТЛАР УРУШИ

XVI аср ўрталарида француз монархиясининг кризиси. 50—60-йилларда француз монархияси оғир кризисни бошидан кечирмоқда эди. Италиян урушлари муваффақиятсизлик билан тугади. Француз феодалларининг ҳарбий ўлжалар оламиз, Италияда ер ва мансабларга эга бўламиз деб кутган умидлари пучга чиқди. Дворянлар, шу жумладан уларнинг юқори қатлами бўлган аристократия ҳам, бу муваффақиятсизликдан жуда

¹ «Гугенотлар» деган сўз — Женевада реформация тарафдорларини билдирадиган немис сўзи (Eidgenossen ёки Eidgenost)нинг бузиб айтилганидир.

газабга келиб, бунинг учун король билан саройни айблади. Урушдан кейин аристократ дворянларнинг иқтисодий аҳволи жуда ёмонлашиб, хонавайронликка яқинлашиб қолди. Аристократиянинг харажати доим кўпая борганлигидан, уларнинг еридан келадиган даромади бу харажатларни қоплай олмайдиган бўлиб қолди. Бошланиб кетган нархлар революцияси умуман француз дворянлари аҳволига оғир таъсир кўрсатди. Бу дворянлар деҳқонлардан традицион белгиланган шаклда пул тўловлари олардилар. Черков ерларини секуляризация қилиш масаласи эндиликда дворянлар учун актуал масала бўлиб қолди. Дворянлар сиёсий соҳада ҳам марказий ҳокимиятнинг ён беришига эришмоқ учун гугенотларнинг ташкилотлари ва гугенотлар ҳаракатидан дарҳол фойдаланиш пайига тушдилар. Генрих II ворисларнинг заиф бўлганлиги феодаллар оппозициясининг уларга қарши чиқишини оsonлаштирди.

Францияда шу тарзда узоқ давом этган ўзаро уруш бошланиб кетди. Гугенотлар уруши (Франциядаги кальвинистлар номидан (ёки граждaнлар уруши (Les Guelfes Civiles), деган ном билан машҳур бўлган бу уруш ҳаммаси бўлиб ўттиз йилдан кўпроқ давом этиб, Франциянинг шундан кейинги тарихига ғоят катта таъсир кўрсатди.

Кейинги Валуалар. 60-йиллар бошида гугенотлар ва католиклар. Генрих II дан кейин кетма-кет унинг уч ўгли: Франциск II (1559—1560), Карл IX (1560—1574) ва Генрих III (1574—1589) короллик қилди. Улар кам қобилиятли ҳукмронлар эди, баъзи ҳолларда эса, ҳатто балоғатга етмасданоқ мамлакатни идора қила бошлаб, саройдаги ҳар хил феодал гуруҳларининг фитна-найранглари учун оsonгина қурол бўлиб қолардилар. Франциск II даврида саройда лотарингиялик феодал Гизлар оиласи етакчилик қилди. 10 ёшда короллик қила бошлаган Карл IX вақтида эса унинг онаси — келиб чиқиши жиҳатидан итальян бўлган Екатерина Медичи королликда регентлик қилган эди. У ўз фаворитлари билан бирликда ҳокимиятни бошқариб турди. 60-йиллар бошида энг йирик феодаллар иккита диний-сиёсий гурпуага айниқса кескин бўлиниб кетдилар. Феодалларнинг бир қисми Гизлар бошчилигидаги католицизм томонида эди. Екатерина Медичи уларнинг ҳаддан ташқари мансабпарастлигидан чўчиса ҳам, уларга қўшилган эди. Бошқа бир оппозицион кальвинчи-гугенотлар партиясига Бурбонлар билан Колиньялар бошчилик қилдилар.

Бурбонлар хонадонининг бошлиғи Антуан Бурбон кичкинагина вассал давлат бўлган француз Наваррасининг короли эди. Бурбонлар айниқса Франциянинг жанубида машҳур эдилар. Колинья адмирал эди ва унинг (Ўрта Франциядаги) аристократик Шатильонлар фамилиясидан қариндошлари жуда кўп эди. Саройда «сиёсатчиларнинг» мўътадил партияси ҳам бўлиб, бу партия ҳар икки чеккадаги партияни яраштиришга уринарди. Бу партиянинг намояндаси гугенотларга бир қадар диний ҳу-

қуқлар берилишининг тарафдори бўлган канцлер Лопиталь эди. Унинг ташаббуси билан 1560 йилда Орлсанда битишувга келиш мақсадида Бош штатлар чақирилган эди (Бош штатлар 1484 йилдан буён чақирилмай турган эди). Штатада Бурбонларнинг тарафдорлари кўп бўлиб чиқди, улар Францияда секуляризация ўтказишни ёқлаб чиқдилар. Умуман эса, сословиелар ўртасида якдиллик бўлмади. Қисқагина сессиядан сўнг штатлар тарқатиб юборилди. Шундай бўлса-да, 1562 йилда ҳуқумат эдикт чиқарди (январь эдикти), бу эдиктда кальвинистларга кўпдан-кўп чеклашлар билан ўз культларини адо этишга рухсат берилди. Бу эдикт гугенотларни ҳам, католикларни ҳам қаноатлантирмади. Жойларда ҳар иккала диний партия тарафдорлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб турди. Католиклар ҳам, гугенотлар ҳам зўр бериб граждандар урушига тайёрлана бошладилар.

Гугенотлар урушларининг бошланиши. Гугенотларнинг уруши 36 йил давом этди (1562—1598). Бу уруш 1562 йил 1 мартда Васси шаҳридаги ур-йиқитлар билан бошланиб кетди. Шаҳар гугенотларининг йиғини ибодат қилаётган вақтда герцог Гиз ўзининг қуролланган одамлари билан уларга ҳужум қилди. Гугенотларнинг қуролланган бир қисми ҳужум қилганларга зарба берди. Икки душман гуруҳининг дастлабки қуролли тўқнашуви ана шу тарзда рўй берди. Шундан кейин кўп ўтмай, ҳар икки томон феодалларининг қуролли кучлари чинакам уруш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Аҳён-аҳёнда уруш ҳаракатлари тўхтатилиб, яраш сулҳи тузиларди. Дастлабки ўн йил мобайнида уч марта ана шундай уруш бўлди. Ҳар икки лагерга раҳбарлик қилувчи хонадонларнинг катта намояндалари бу урушлар давомида йўқ бўлиб кетди: католикларнинг раҳбари Франсуа Гиз билан гугенотлар раҳбари Антуан Бурбон ўлдирилди.

1572 йилда саройда бир план пайдо бўлди, бу планда ташқи сиёсат воситаси орқали католикларни гугенотлар билан яраштириш мўлжалланган эди. Колинъи Нидерландияга ёрдам баҳонаси билан Испанияга қарши уруш лойиҳасини ишлаб чиқди, Нидерландияни Испания қўлидан озод қилиш биланоқ француз ерларига қўшиш кўзда тутилган эди. Партияларни яраштириш династия никоҳи билан мустаҳкамланиши лозим эди. Карл IX нинг синглиси Маргарита Валуа ўлиб кетган Антуан Бурбоннинг ўғли Генрих Наваррскийга эрга тоғаётган эди, Генрих Наваррский эса, бу вақтда гугенотларнинг бош раҳбари бўлиб қолган эди. Аммо бу битишув Гизлар ҳамда Екатерина Медичи томонидан бузилди. Парижга никоҳ тўйига келган гугенотлар 1572 йил 24 августга ўтар кечаси хоинона қириб ташланди. Бу Варфоломей кечаси деб аталмиш воқеа фақат Париждагина юз бериб қолмади. Ана шу тарзда олдиндан тузилган планга мувофиқ Франциянинг бошқа шаҳарларида ҳам гугенотлар қириб ташланди. Парижда 2 мингдан ортиқ

люгизмини қоралар, ўрта аср Бош штатларини кўкларга кўтариб мақтар, давлат ҳокимиятининг «ижтимоий шартнома» йўли билан келиб чиқиши ҳақидаги назарияни ривожлантирар эдилар. Дастлабки королларни халқ сайлаб қўярди, деб ёзган эдилар гугенот публицистлари. «Халқ уларни, яъни (королларни) сайлар экан, улар билан шартнома тузардики, бу шартномага биноан короллар халқ манфаатларига риоя қилишлари керак. Король унвони — шавкат эмас, балки меҳнат, зўравонлик эмас, балки жамоатчилик учун хизматдир», король ҳокимияти халқ олдида жавобгар бўлиши керак. Ўз ҳокимиятини суистеъмол қилган короллар золимлардир ва халқ уларни ҳайдаб юборишга ҳақлидир.

Бироқ, гугенот монархомахларининг¹ назарияларида республикачилик, золимларга қарши кураш оҳанглари аристократларга меҳр қўйиш билан чамбарчас чагишиб кетган эди. Улар «халқ деб халқнинг энг яхши қисмини, яъни аристократларни кўзда тутардилар. «Биз халқ деганда,— деб ёзди монархомахлардан Юбер Ланге,— биз бутун халқни эмас, балки унинг намояндалари бўлган герцоглар, шаҳзодалар, зодагонларни кўзда тутамиз... Авом халқнинг ҳокимлик қилишидан ёки дворянларни йўқ қилишга интилувчи ўта демократлардан сақланингиз» деган эди. 1577 йилда «Золимларга қарши даъво»² деган дабдабали сарлавҳа остида памфлет ёзган яна бир республикачи гугенот Дю Плесси Морне (1549—1623) бундай деган эди: «Халқ кўп бошли баҳайбат маҳлуқдир, у давлат ишларини ҳал қилишга қодир эмас».

Ўз умрини яшаб бўлган эски тартибларга қайтиш иштиёқидан гугенотлар аристократияси сиёсий программасининг реакция характерини учинчи публицист Франсуа Отман (1524—1589) ўзининг «Франко-Галлия» (1573 йил) памфлетидида очиқ-равшан намён қилди. Бу асарида у қуйидагиларни ёзган эди: «Меровинглар ва Каролингларнинг эски тартибларига қайтиш керак, у пайтда бутун аҳоли ўз-ўзини бошқаришда иштирок этар ва королларни сайлар эди». Отманнинг идеали бошқаришнинг тарқоқ формаси бўлиб, унда Францияни ташкил қилувчи область-давлатлар конфедерациясини королликнинг энг яхши ва энг эътиборли кишилари бошқаришлари керак эди. Барвақт ўлиб кетган публицист Этьен Лабозе (1530—1563) монархомахлар орасида энг радикал-демократик позицияда турарди. У 1562—1563 йилларда ёзилган, аммо кейинроқ — 1574 ва 1576 йилларда босилиб чиққан «Ихтиёрний қуллик ҳақида мулоҳазалар» китобининг автори эди. Гугенот ёзувчи Агрипп д'Обинье (1552—1630) ўз дostonлари ва мемуар-

¹ Монархомахлар — грекча сўз бўлиб, «монархлар билан курашувчи» ёки «золимлар билан курашувчи» деб таржима қиладилар.

² Памфлет аноним эди; автор унда ўз номи ўрнига машҳур қадимий Рим республикачиси Юний Брут номини қўйган эди.

ларида монархомахлик, зулмга қарши кураш мотивлари яққол акс этган. Бу ёзувчи Варфоломей кечасидаги даҳшатлар учун Екатерина Медичи ва Карл IX дан ўч олишга чақирган эди.

Католик лигасининг ташкил топиши. 70- йилларнинг ўрталарида католиклар шимолда Католиклар лигаси номи остида ўзларининг сиёсий иттифоқини ташкил этдилар. Бу лигага ўлиб кетган Франсуа Гизнинг ўғли Генрих Гиз раҳбарлик қилиб, у католиклар партиясининг ҳаммага маъқул раҳбари бўлиб олган эди. Бу лига Париждаги король ҳукуматини назорат қилиб турарди. 1576 йилда Блуа шаҳрида тўпланган янги Бош штатларда ҳам лига аъзолари кўп эди. Католиклар лигаси король Генрих III нинг гугенотлар билан яраш битими тузиш ва уларга диний эркинлик бериш тўғрисидаги уринишларига қатъий қаршилиқ кўрсатди. 1584—1585 йилларда Парижда яна бир сиёсий ташкилот — Париж лигаси ташкил этилди. Бу лига ўз состави жиҳатидан католиклар лигасига қараганда анча демократик характерда эди. Бу лигага кирган Парижнинг кўп сопли майда буржуазияси королни гугенотларга ён бергани учун, сарой аҳллари ни эса, уларнинг зеби-зийнат ичидаги дабдабали ҳаёти учун, король амалдорлари ва судьяларини тамаъгирликлари ва лўттибозлиги учун тор-мор қилиб ташлашга тайёр эди. Энг жанговар католик орденларининг монахлари раҳбарлик қилаётган бу Париж лигасининг аъзолари фанатик кайфиятда бўлиш билан бирга, айни пайтда энг ашаддий католик реакциясини ҳам қўллаб-қувватлар эдилар.

Уч Генрихнинг уруши. Гугенотларнинг католиклар билан курашлари учинчи даврда — 80- йилларнинг ярмидан бошлаб жуда кескинлашиб кетди. Бу вақтда гугенотларнинг саккизинчи уруши (1585—1589) давом этмоқда эди, бу урушда айни бир пайтда Генрих Гиз, Генрих Валуа (король Генрих III) ва Генрих Бурбон (унинг король Наваррский деган номи ҳам бор эди) иштирок этгани туфайли, унга «уч Генрихнинг уруши» деб ном берган эдилар.

Католиклар лагерида Генрих Гиз тобора муҳим ўрин ола бошлади. Унинг тарафдорлари очикдан-очик Гизлар тахтга Валуадан кўра кўпроқ ҳақлидирлар, дея бошладилар, чунки улар (Гизлар) бевосита Карл Буюқнинг авлоди эмишлар. Генрих III нинг вориси бўлмагани туфайли лига аъзолари королдан Генрих Гизни расман тахт вориси деб эълоқ қилишни талаб этдилар. Генрих III аввал бошданоқ Гизларнинг васийлигини малол кўрар эди. 1588 йилда у қўшинларни Парижга томон сура бошлади ва Гизни ҳамда лиганинг бошқа раҳбарларини қамоққа олишга тайёрланди. Бундан лига доирасидагилар хабардор бўлиб қолганларидан сўнг, лигачилар пойтахтда ўз агитацияларини кучайтирдилар ва Парижда королга қарши қўзғолон кўтарилди. 1588 йил май ойининг 12- ва 13- кунларида Париж кўчаларида шаҳар тарихида биринчи марта баррикада-

лар¹ пайдо бўлди. Ҳунармандлар, майда савдогарлар, халифалар, ишчилар, мардикорлар фақат баррикадалар қурибгина қолмай, балки король қўшинлари билан жанг бошлашга ҳам тайёр эдилар.

Генрих III Париждан Шартр шаҳрига қочиб кетди, у ердан пойтахтга қайтиб келиб, ғалаёнчилардан ўч олишга умид боғлаган эди. Король Гизларга қарши ҳарбий кучлар тўплади. Аммо бу кучлар билан Парижга томон киришга журъат қилолмади. Генрих III даставвал Гизнинг ўзидан қутулишга қарор берди. Шу мақсадда Гиз ярашиш баҳонаси билан король ҳузурига таклиф этилди. Король қабулхонасида соқчи солдатлар лига раҳбарига ханжар санчдилар (1588 йил 22 декабрь). Бунга жавобан Париж Валуага бўйсуншдан бош тортиди. Ҳақиқатда шаҳар ўз ҳокимият бошқармаларига эга бўлган мустақил республикага айланди. Ҳокимият бошқармалари орасида демократик «16 лар комитети» катта аҳамиятга эга бўлди, бу «комитет» пойтахт районларидаги сайлаб қўйиладиган ташкилотларининг вакилларидан иборат эди. Париждан ўртак олиб, бошқа шаҳарлар ҳам мустақил шаҳар-республикаларга айландилар.

Мамлакатнинг жанубигина эмас, шимоли ҳам майда парчаларга бўлиниб кетди. Генрих III ўзининг аҳволини яхшилаш учун Генрих Наваррский билан иттифоқ тузмоқчи бўлди ва уни ўзининг вориси деб эълон қилди. 1589 йил баҳорида битим тузилиб, ҳар иккала король Парижга томон юриш бошлади. Аммо Генрих III Парижга қайтиб келмади. 1589 йил 1 августда Домникан орденининг монахи Жак Клеман королнинг Сен-Клу қароргоҳига пистириб кириб, уни ханжар санчиб ўлдирди, шу тариқа Генрих Гизнинг ўлими учун ундаи ўч олди. Генрих III нинг ўлиши билан Валуалар династияси тамом бўлди. Ўз тарафдорлари томонидан Франция короли қилиб эълон этилган Генрих Бурбон Генрих IV номи билан янги Бурбонлар династиясини бошлаб берди.

Гугенотлар урушларининг тугаши. Нант эдикти. Янги королнинг аҳволи даставвал анча мушкул эди. Париж «еретик» королни тан олгиси келмади. Ўлдирилган Генрих Гизнинг укаси герцог Карл Майенский янги қўшинлар тўплаб, гугенотларга қарши урушни янгидан бошлаб юборди. Филипп II Испанский католикларга ёрдам бериш учун Францияга ўз қўшинларини юборди. У Парижга король қилиб ўз одамини ўтқазини мўлжаллаган эди.

Генрих IV лига қўшинларини Арка ва Ивра яқинида — 1589 ва 1590 йилларда икки марта тор-мор келтирди. Аммо у ҳали катъий ғалабани қўлга киритмаган эди. Турли вилоят-

¹ «Баррикада» номи Barricade — «бочка» сўзидан келиб чиққан, чунки кўзғолончилар кўчаларни винодан бўшаган бочкалар билан тўсиб, бу билан отлик аскарларнинг ўтишини қийинлаштирад эдилар.

ларда деҳқонларнинг ҳоким синфларга қарши кенг ҳаракати кўпроқ азоб чеккан ғарбий вилоятларда (Пуату, Сентонж, Лимузен, Марш ва Перигор вилоятларида) айниқса кучайиб кетди. Қўзғолон кўтарган деҳқонлар кроканлар¹ деб ном олдилар, чунки улар дворянларга, солиқ йиғувчиларга ва солдатларга қарши ҳужум қилганларида ана шундай даъват билан ташла-нардилар. Перигорда қўзғолон кўтарган деҳқонларнинг сони 40 минг кишига етди.

Генрих IV га деҳқон қўзғолонларини бостириш учун кўп куч сарф этишга тўғри келди. Лекин герцог Майанский ҳам гугенотларга қарши курашишдан кўра, кўпроқ католиклар орасидаги демократик элементларга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди. Париждаги «16 лар комитети» герцогга қарши қаттиқ жапжал кўтарди. Шу туфайли 1591 йилда герцог ва унинг иттифоқчилари комитетни тугатдилар. Герцог ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолишдан умидини узиб, Генрих IV билан яширин музокаралар бошлади, у маълум мукофот эвазига Генрихга кўмаклашишга ваъда берди.

Қуйи табақа халқ оммасининг ҳаракати ҳар икки лагердаги феодалларни ўзаро ён беришга ва шошилич равишда ярашишга мажбур этди. Генрих IV нинг протестантизми бу ярашишга тўсиқ бўлганлиги туфайли, у католик динига ўтишга қарор берди (1593 йил 25 июль). Генрих Наваррский, уни диндан қайтишда айблаган баъзи маслакдошларга: «Париж мессага² арзийди» деган эди. Шундан кейин Париж таслим бўлишга мажбур бўлди. Генрих IV 1594 йил мартада пойтахтга кириб келди; бундан бир ой илгари у Шартр шаҳрида Франциянинг шубҳасиз қироли сифатида тож кийган эди. Сўнгги ўнинчи уруш (1594—1598) қисман лига аъзоларига, асосан эса Филипп II Испанскийга қарши олиб борилди. У Францияга қарши Нидерландиядан ҳарбий плацдарм сифатида фойдаланган эди. Аммо ҳужум муваффақият қозона олмади. 1598 йилда испан қўшинлари Вербье шаҳри яқинида (Испания Нидерландиясида) Генрих IV қўшинлари томонидан мағлубиятга учратилди.

Бир томондан, деҳқонлар ва шаҳар плебейлари ҳаракатининг хавфи, иккинчи томондан, Испания томонида ташқаридан келадиган ёрдамдан умиднинг узилиши герцог Майенский бошчилигидаги феодал-католикларни таслим бўлишга мажбур этди.

Гугенотларнинг урушлари 1598 йилда Нант эдикти эълон қилиниши билан тугалланди. Генрих IV бу эдиктда гугенотларни қороль ҳокимияти билан яраштиришга уринди. Эдикт католицизмни Франциянинг давлат дини деб эълон қилди. Бутун Францияда католик ибодатлар тикланди (бу вақтгача жануб ва ғарбда кўп жойларда у бутунлай тўхтаб қолган

¹ Кроканлар — айнан таржимаси каламушлардир.

² Месса — католиклар ибодатининг номи.

эди). Католик руҳонийларига ерлари ва бошқа мулкларни қайтариб берилди. Аммо шу билан бир вақтда гугенотлар ҳам ўз динларига эътиқод қилиш имконини олдилар. Гугенотлар ўз черков йиғинлари (синаодлар) ва алоҳида сиёсий мажлислар тўплаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Улар король ҳузурида ўзларининг алоҳида вакиллари бўлиши ҳуқуқини олдилар. Ҳукумат эдиктдаги моддаларни бажариш гарови сифатида 200 га яқин қалъани гугенотлар ихтиёрида қолдирди. Нант эдикти, моҳият эътибори билан одатдаги король фармони эмас эди. Бу эдикт уруш қилаётган икки томон ўртасидаги яраш битими эдики, буларнинг ҳеч бири бир-бирига ўз иродасини мажбуран қабул қилдириш учун етарли кучга эга бўлмай қолган эди.

Нант эдикти Фарбий Европада дин эркинлигини эътироф этишининг биринчи намунаси эди. Генрих IV бундай чора гугенотларни марказий ҳукуматга бўйсундириш учун энг қулай чора бўлар деб ҳисоблаган эди. Унинг бу мўлжали бир даража тўғри бўлиб чиқди. Энг йирик гугенот дворянлари сиёсий оппозициядан тезда қайта бошладилар ва шу билан бирга ўз динларини ўзгартириб, католицизмга қайтдилар. Ўзгарган вазиятда аристократларга протестантизм энди керак бўлмай қолган эди.

ХVII АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ФРАНЦИЯ

Генрих IV нинг мустабидлик сиёсати. Гугенотларнинг урушлари давридаги феодал анархияси Францияга қимматга тушди. Саноат ва савдо-сотик ишлари жуда қийин аҳволда эди. Қишлоқ хўжалиги кўпгина вилоятларда тамомила тушкунликка юз тутган эди. Давлатнинг молиявий ишлари чатоқлашиб, барбод бўлиб кетган эди. Бундай шароитда кучли король ҳокимиятини тиклаш албатта зарур бўлиб қолган эди. Ниҳоят, бундан кўпчилик ўрта ва майда дворянлар ҳам, шунингдек, буржуазия ҳам манфаатдор эди. Король бузилган «тартиб»ни тиклаши лозим эди. Монархомахларнинг королга қарши қўзғолон кўтаришга чақириб ёзган эски памфлетлари ўз аҳамиятини йўқотиб қўйди. Аммо Жан Бодэннинг (1530—1596) дастлаб 1576 йилдаёқ нашр этилган, лекин бошда муваффақият қозона олмаган «Давлат» деган китоби жуда машҳур бўлиб қолди. Бодэн бу асарда абсолютизм назариясини ривожлантирган эди. У монархомахларнинг король билан халқ ўртасида битим тузиш асосида давлат ҳокимияти барпо қилиш ҳақидаги таълимотидан мазаҳ қилиб кулган эди. Бодэн фикрича, ҳар қандай ҳокимият ва ҳуқуқнинг манбаи королнинг ўзидир, у кучга таяниб Бош штатларга мурожаат қилиши учун зарурият ҳам қолмас эмиш. Генрих Наваррский Бодэннинг трактатидан яхши хабардор эди. У ўзининг амалий ишида ана шу китобнинг бир қанча қондаларидан фойдаланди. Генрих IV (1593 йилдан кейин) Бош штатларни чақирмайдиган бўлди ва Париж парламентининг ҳеч сўзсиз ўзига бўйсунганини талаб қилди. Черков ишларида

ҳам Генрих IV папанинг аралашувига тоқат қила олмади. Гу-генотлар ёки католиклар оппозициясига мансуб бўлган катта феодалларга король жуда катта пенсиялар тайинлаб, пора бериб сотиб олишни афзал кўрди (лигачилар раҳбари герцог Майенский ҳам шундай пенсионерлардан бири бўлиб қолди). Мабодо бу тadbир кор қилмай қолгудай бўлса, ҳукумат зўрлик ишлатарди. 1602 йилда герцог Бироннинг фитнаси фoш қилинди. Бунинг учун герцогнинг боши кетди.

Генрих IV нинг иқтисодий сиёсати. Генрих IV ўзига ғайратли ва истеъдодли министрлар танилаб ола билди. Молия министри Сюлли (1560—1651) ана шундай министрлардан бири эди. Сюлли анча илғор дворянлар қисмининг намоёндаси бўлиб, Франциянинг экономикасини тиклаш ва ривожлантириш мақсадини кўзда тутган эди. Сюлли деҳқончиликни мамлакат фаровонлигининг манбаи деб билар эди. У: «Деҳқончилик—бу Франция бойлигининг ҳақиқий кoпи, Перу хазинасидир» деган эди. Сюлли солиқлар туфайли тинкаси қуриган француз деҳқонларига нафасни ростлаб олишга имкон бериш лoзимлигини тушунарди. Ҳукумат солиқлар ундириш ишларини тартибга солди, ўтган йиллардан тўпланиб келган боқимандаларни бекор қилди, деҳқонлардан олинадиган солиқларни ҳатто бир қадар камайтирди. Лекин хазинага тушадиган солиқлар суммаси бу тadbирлар билан камайиб кетмади, чунки Сюлли солиқ ундирувчиларнинг ўзини қаттиқ қисиб қўйди, ижарахўр (откупшик)лар оладиган фойдаларни камайтирди. Қишлоқ хўжалигини қайтадан тиклаш йўлида Сюлли яна бир қанча бошқа тadbирларни амалга оширди: бир вилоятдан иккинчи бир вилоятга ғалла олиб чиқиш учун эркинроқ йўл очиб берди, ботқoқликларни қуриштириш ишларини ташкил этди, қишлоқ хўжалигида янги хил экинлар: жўхори, лавлаги, хашаки ўтлар ва ҳоказоларни экишни кенгайтирувчиларга енгилликлар берилди.

Генрих IV ҳукумати шойи, полотно, тўр, гилам тўқиш мануфактуралари ва бошқа хил мануфактураларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берди. Ҳукумат Францияни ўз пилласи билан таъмин этишга ҳаракат қилди, бунинг учун турли районларда тут дарахлари ўтқазилди. Генрих IV француз саноатига нисбатан протекционизм (ҳомийлик) сиёсатини қўлланди. Чет эл саноат молларини киритиш хийла чеклаб қўйилди; ватаи саноати ишлаб чиқаришини арзонлатишни кўзда тутиб, хом ашёни Франциядан четга чиқариш ман қилинди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун мануфактурачиларга хазинадан катта-катта субсидиялар берила бошлади.

Генрих IV замонида йўлларни яхшилаш ишларига ҳам катта эътибор берилди ва мунтазам почта жорий қилинди; Франциянинг айрим шаҳарлари ўртасида мунтазам қатнаб турадиган омнибуслар ҳам ўша Генрих IV замонида расм бўлди. Нидерландия ва Англия компанияларидан намуна олиб, 1604 йилда француз Ост-Индия компанияси тузилди. Тахминан ўша вақт-

ларда французлар Канадани¹ мустамлака қила бошлашди. Шу тариқа Генрих IV нинг иқтисодий сиёсати буржуазия манфатларига қаратилган эди. Бошда гугенотлардан чиққан королни танишдан бош тортган Париж буржуаси Генрих IV короллигининг охирига келиб, унга бўлган муносабати дўстона муносабатдан ҳам ўтиб кетган эди.

Генрих IV нинг ташқи сиёсати. Генрих IV жуда актив ташқи сиёсат олиб борди, унинг бу сиёсати Валуанинг энг қудратли даврларида олиб борган ташқи сиёсатни эслатар эди. Генрих IV испан ва немис Габсбургларини Франциянинг энг ашаддий душмани деб биларди. XVI асрнинг 90- йилларида Филипп II нинг Францияга бостириб кирганлиги Габсбургларнинг агрессив планларини яна бир марта аниқ кўрсатиб берди. Габсбурглар католикларнинг бутун Европадаги учига чиққан реакциясининг таянчи эди. Короллик қилган бутун умрида ўз мамлакатини ичида католик фанатизмига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлган Генрих IV Габсбургларга қарши курашида протестантлик мазҳабидаги мамлакатлар билан иттифоқ бўлиб иш кўрди. У Европада протестантларнинг кучли иттифоқини барпо этиш ниятида эди, унинг режасига кўра бу иттифоқда Англия, Франция ва Голландиядан ташқари яна протестантлик мазҳабидаги герман князлари, Скандинавия мамлакатлари ва Швейцария ҳам кириши керак эди. Габсбурглар билан уруш бўлиши муқаррар деб билган Генрих IV ва Сюлли бу урушга қунт билан тайёрлана бошладилар. Катта-катта ёлланма отрядлар ташкил этилиб, улар ўргатилди. Артиллерия омборларига запас қилиб жуда кўп ўқ-дори босиб қўйилди. Уруш бўлиб қолгудай бўлса, уруш харажатлари учун деб хазинада катта пул ғамлаб қўйилган эди. Француз ҳукумати императорга қарши яна уруш бошлашга шайланиб турган герман князлари билан маҳкам алоқа боғлаган эди. Бироқ 1610 йилда, Габсбурглар Германиясига қарши урушга тайёргарлик ишлари айти қазиб турган бир маҳалда Генрих IV ўлдирилди. Уни ўлдирган Франсуа Равальяк ўтакетган урушқоқ католиклар доирасига мансуб эди. Бу Генрих IV га қилинган суиқасдларнинг тўққизинчиси бўлиб, суиқасдларни Генрих IV га «еретик» ва «еретиклар дўсти» деб қараб келинган католик феодаллар реакцияси уюштирган эди.

Людовик XIII. 1614 йилдаги Бош штатлар. Генрих IV нинг тахт вориси Людовик XIII Франция короли бўлган пайтда 9 яшар бола эди. Унинг онаси Мария Медичи² королликнинг регенти бўлди. Аристократ феодаллар оппозицияси королнинг ёшлигидан ва унинг ҳукумати заифлигидан фойдаланди. Сюлли

¹ Авлиё Лаврентий дарёси бўйидаги Шарқий Канада ерларини француз денгизчиси Жак Картье 1534 йилдаёқ топган эди.

² Генрих IV нинг иккинчи хотини; у Маргарита Валуа билан 1599 йилда ажралишган эди.

истеъфо бернишга мажбур бўлди. Зодагонлар ва сарой аҳли король хазинасини талон-торож қила бошладилар. Мария Медичи фаворитларини ҳа деб алмаштира бериб, уларга давлатнинг жуда катта маблағларини сарф қилиб қўйди. Пулга муҳтож бўлиб қолган ҳукумат 1614 йилда Бош штатларни чақирди. Аммо Бош штатларга тўпланган сословиелар мутлақо муросага келиша олмадилар ва ҳатто бир-бирларига душманлик қила бошладилар. Учинчи сословие вакиллари король номига ёзилган уч сословиени учта оғайнига тенглаштириларида, имтиёзли сословиеларнинг вакиллари ғазабга келиб, ўзларини «этикдўзларнинг фарзандлари»га тенглаштиришдан қаттиқ порози бўлдилар. Дворянлар ўз мактубларида король учинчи сословие томонидан қўйилган арзномаларга эътибор бермаслиги керак, деб очиқдан-очиқ талаб қилдилар. Бош штатлар тезда тарқатиб юборилди. Шундан кейин то 1789 йилги француз революциясигача у чақирилмади.

Ришелье ва унинг абсолютизмни мустаҳкамлаш сиёсати. 1614 йилда чақирилган Бош штатларда истеъдодли ва ғайратли епископ Арман Жан дю Плесси Ришелье (1585—1642) эътибор қозониб, саройнинг ҳам диққатини ўзига жалб қилди ва сўнгра король кенгаши хизматида ўтди (1619 йилда француз королининг тақдим этишига кўра папа Ришельега кардинал унвонини берди). Ришелье 1624 йилда Давлат кенгашига аъзо ва давлатнинг ҳақиқий раҳбари бўлиб олди. У шу вазифада 18 йил давомида ишлаб, король абсолютизмни мустаҳкамлаш учун анча хизмат қилди. Ришельенинг ўзи руҳоний бўлишига қарамай, давлат манфаатларини черков манфаатларидан устун қўйди, у феодал реакцияси қаердан чиқмасин — паладанми, ёки дунёвий феодалларданми, ёхуд ҳатто король авлоди аъзолариданми — унга қарши изчиллик билан кураш олиб борди. Марказлашган қудратли давлат тузишни Ришелье ўз олдига энг буюк мақсад қилиб қўйди, унинг фикрича, бу давлатда королнинг ўзи фуқаролари-устидан, ҳатто дворянлар устидан ҳам мутлоқ ҳоким бўлиши керак эди. Асл чиқиши дворян бўлган Ришелье дворянларнинг сословие ва мулкый имтиёзларини бекор қилишни кўзда тутмаса ҳам, лакин дворянларнинг королга (биринчи навбатда ҳарбий хизматда) садоқат билан хизмат қилишини ва умумдавлат қонунларига бўйсунушини талаб қиларди. Ришелье феодаллар оппозициясини ва аристократларнинг, саройдаги ҳар қандай фитналарини шафқатсиз таъқиб қилди. Королнинг саройда фитналар билан машғул бўлиб келган онаси ва укаси шаҳзода герцог Орлеанский Гастон Ришельенинг талаби билан саройдан четлаштирилди. Энг йирик феодал, Лаңгедок губернатори герцог Монморанси королга қарши «фитна»да қатнашганлиги учун қатл қилинди. Зодагонларнинг бошқа раҳбарлари — герцог Вандом билан герцог Гиз (ўлдирилган Генрих Гизнинг ўғли) Франциядан чиқиб кетишлари ва дарбадарликда кун кечирिशлари керак эди.

Ришелье феодалларнинг давлат стратегияси нуқтаи назардан биров аҳамиятга эга бўлмаган жуда кўп қасрларини ер билан яксон қилдирди. Кардинал дворянлар орасидаги дуэлларни қаттиқ таъқиб қиларди. Дуэлда уришган дворянларни, дуэлда биронтаси ўлдирилмаган тақдирда ҳам, Франциядан ҳайдаттирарди.

Гугенотлар ҳаракатининг бостирилиши. «Шафқат эдикти». Ришелье гугенотлар масаласини тубдан ҳал қилишга муваффақ бўлди. Гугенотлар ҳукуматнинг заифлигидан фойдаланиб, 20-йиллар охирида марказга қарши яна бош кўтардилар ва жанубда ўзларининг феодал гугенотлар республикасини эълон қилдилар. XVI асрдаги гугенотлар урушлари даврида бўлгани сингари энг катта феодаллар — герцог де Роан ва бошқа «сиёсий гугенотлар», яна гугенотларга бош бўлиб олди. Фарбнинг катта порти бўлган Ларошель порти кўзғолончиларнинг энг муҳим пункти бўлиб, инглизлар билан алоқа боғлаган ва инглиз флотининг ёрдамига кўз тиккан эди. Ришелье шаҳзода Кондэ кўмондонлиги остида Лангедокка қўшин юборди. Ўзи эса Ларошельни қамал қилишга жўнади. Инглиз флоти қамалда қолган шаҳарга зарур ёрдам кўрсата олмади. Ришельенинг буйруғи билан узунлиги 1,5 километр келадиган катта дамба қурилди, шу дамба воситаси билан шаҳар денгиздан ажратиб қўйилди; айни вақтда чуқур хандақ қазилиб, шаҳар қуруқликдан ҳам ажратилди. Шу тариқа ҳамма томондан ўраб олинган Ларошель шаҳри 1628 йил октябрида таслим бўлди. Шу вақтда гугенотлар жанубда ҳам мағлубиятга учрадилар. Энди Ришелье Нант эдикти билан ҳисоблашмайдиган бўлиб қолди. Аммо у Нант эдиктини бекор қилмади. Гугенотлар 1629 йилги «шафқат эдикти»га мувофиқ, ўзларининг динларида қолдилар, лекин сиёсий имтиёзларидан маҳрум этилдилар. Уларнинг қалъалари тортиб олинди, алоҳида гугенот қўшинлари тугатилди, алоҳида гугенот суд палаталари ва шу қабилар ёпиб қўйилди. Гугенотлар масаласи ана шу тахлитда ҳал қилиниши туфайли «Франция миллий бирлашиш жиҳатидан ютиб чиқди»¹.

Идора қилишнинг марказлаштирилиши. Ришелье Франциянинг идора қилиш системасини қайта ташкил этди. Унинг даврида давлат секретарлари марказий аппаратида энг муҳим ўрин олдилар. Булар — министрлар, айрим маҳкамаларнинг тўла ҳуқуқли раҳбарлари эди. Министр-кардиналнинг ўзи давлатни идора қилиш ишларининг ҳаммасини ўз қўлида сақлаган бош министр эди. Король кенгаши эса, аксинча, Ришелье вақтида қуруқ савлат бўлиб қолди, холос. Король кенгаши аристократ-дворянлар билан тўлиб кетди. Аммо асосий ишларни бу кенгаш эмас, балки министрлар — давлат секретарларининг ўзлари ҳал этарди. Абсолютизмнинг янада ривожланишида

¹ К. Маркс. Хронологик кўчирмалар. «Маркс ва Энгельс архиви», VIII т., 260-бет

интендантлар ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Вилоятларни идора қилиш марказдан юборилган полиция, суд ва молня интендантлари марказий ҳокимиятнинг жойлардаги ғоят кучли қуроли эди¹. Бу мансаблар француз давлатидаги жуда кўп бошқа мансабларга ўхшаб пулга сотилмас, сотиб олинмас ва отадан болага мерос бўлиб ҳам ўтмас эди. Париж тайинлайдиган амалдор интендантларга вилоятлардаги шаҳар муниципалитетлари, вилоятларнинг губернаторлари ва балъаж (балъе) бошлиқларини назорат қилиб туриш вазифаси юкланган эди. Шундай қилиб, жойлардаги ҳокимият аслда король агентлари қўлига ўтиб кетган эди. Интендантларнинг «зулми»дан шикоят қилиш XVII ва XVIII асрлар оппозициячи дворянлар публицистикасининг абсолютизмни танқид қилиш мотивларидан бири бўлиб қолган эди.

Иқтисодий сиёсат. Иқтисодий сиёсат соҳасида Решелье Генрих IV бошлаган ишни давом эттирди. Генрих IV сингари у ҳам ривожланиб бораётган мануфактурани ғайрат билан қўллаб-қувватлади. Унинг вақтида француз Канадаси («Янги Франция»)га тинмай одам кўчириб турилди. Французлар Антель оролларига ҳам кириб бордилар. Ришелье француз савдо флотининг ривожланишига ҳомийлик қилди. Аммо француз буржуазиясининг савдо-саноат ва колонизация соҳасидаги ҳаракати нидерланд ва инглиз буржуазиясига қараганда анча суст эди. Француз буржуазияси қисман давлат характеридаги, қисман кишлоқда—дворянлар ва деҳқонлар орасидаги судхўрликдан бусиз ҳам катта фойда оларди. Одатда имтиёзли мануфактура корхоналари (король мануфактуралари) ҳам буржуазияга катта фойда келтирарди. Аммо шунга қарамасдан, Ришелье вақтида Франция ҳар ҳолда мустамлакачилик сиёсатида иштирок қила бошлаган эди. Европадан ташқаридаги мамлакатларни талаш ва босиб олишда Англия билан Голландиянинг янги рақиб юзага келмоқда эди.

Деҳқонларнинг қўзғолонлари. Марказлашган давлат аппаратынинг кучайиши, король саройи харажатларининг тинмай ошиб бориши ва кенг кўламда олиб борилаётган ташқи сиёсат ғоят катта пул маблағларини талаб қиларди. Ришелье замонида доимий қўшиннинг сони 150 минг кишига етган эди. Солиқнинг асосий қисми аввалгидек қолоқ ва турли феодал солиқларидан мушкул аҳволга тушиб қолган деҳқонлардан олинар эди. Энг кўп тарқалган давлат солиғи — битта тальянинг ўзи Ришелье замонида тўрт баравар ортган эди. 1610 йилда бу солиқдан 11,5 миллион ливр даромад олинган бўлса, 1643 йилда бу солиқ миқдори 44 миллион ливрга етди. Солиқларнинг кўпайишига жавобан деҳқонлар оммаси тез-тез қўзғолон кўтарарди. Ри-

¹ Интендант мансаби Францияда Ришельега қадар ҳам мавжуд эди. Лекин Ришелье бу идора қилиш усулига мунтазам умумий тус бериб, уни айниқса кенг қўлланар эди.

шелье ҳукмронлик қилган замонда королликнинг ҳамма жойида деҳқонларнинг қўзғолонлари бўлган эди. 1635—1636 йилларда ғарба — Гиенада, Ангулемда ва Пуатуда деҳқонларнинг катта қўзғолонлари бўлди. 1639 йилда Нормандияда Жан Яланг-оёқ бошчилигида катта қўзғолон кўтарилган эди. Бу қўзғолон айниқса кенг қўлоқ ёйиб, ўз характери жиҳатидан деҳқонлар уруши типидagi ҳаракатга ўхшар эди. Деҳқонлар солиқ тўловчиларга ҳужумлар қилиб, уларни ўлдирардилар. Улар «жафокаш армия» деган характерли номга эга бўлган ўз армиясини туздилар. Қўзғолончилар қўзғолонга қўшни районларни ҳам қўшилишга даъват этиб, қўл ёзма хитобномалар тарқатдилар. 1639 йилги ҳаракат қатнашчиларининг асосий состави камбағал деҳқонлардан ва шаҳар камбағалларидан иборат эди. Лекин солиқ азобига нисбатан бутун аҳоли ўртасида нафрат шу қадар зўрайган эдики, ҳаракатга шаҳар ва қишлоқларнинг бирмунча бадавлат табақалари ҳам бир қанча вақтгача қўшилдилар. Қўзғолонни бостириш учун ҳукумат 4 минг кишилик қўшин юборди.

XVII асрнинг 30 ва 40-йилларида деҳқонларнинг айрим ҳаракатлари мамлакатнинг бошқа областларида — Пикардия, Шампань, Бургундия, Лангедок, Дофинэда ҳам бўлиб ўтган эди.

Ришелье 1642 йилда, Уттиз йиллик уруш зўрайиб кетган бир вақтда ўлди. Франция бу урушда 1635 йилдан қатнашиб келарди. Ундан бир йил ўтгач Людовик XIII ҳам ўлди. Аммо Францияда абсолютизм шу қадар мустаҳкамланиб олган эдики, Людовик XIII нинг тахт вориси Людовик XIV короллик қилган вақтда бу идора усули ғоят ривож топди.

XVI асрнинг иккинчи яри ва XVII асрнинг биринчи ярмида Франция маданияти. XVI асрнинг иккинчи яри ва XVII асрнинг биринчи ярмидаги Франция тарихининг жўшқин сиёсий даврига француз маданиятининг анча жонланиши ва тараққий этиши мос бўлиб тушган эди. Бу даврдаги Франция маданияти тарихида икки жиҳат: 1) француз тилининг бадиий жиҳатдан шаклланиши ҳамда классик француз адабиёти деб аталадиган адабиётнинг вужудга келиши ва 2) француз рационалистик фалсафасининг ривожланиши айниқса эътиборни жалб қилади.

Француз тили XVI асрнинг биринчи яри ва ўрталаридаёқ француз шоир-гуманистлари томонидан адабий жиҳатдан пухта ишланган эди. Рабленинг ўзиёқ «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романини нашр этиш орқали француз адабий тилини халқ тилига яқинлаштириш йўли билан бу тилни демократлаштириш учун кўпгина иш қилди. 1549 йилда «Француз тилини ҳимоя қилиш ва улуглаш» адабий памфлетининг нашр этилиши француз адабий тили масалаларини ҳамда уни ривожлантириш ва такомиллаштириш методларини ишлаб чиқишда айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Бу асар машҳур шоирлар Пьер Ронсар (1524—1585) ва Жоакен дю Белле (1522—1566) бошчилигида қилган «Плеяда» адабий группаси томонидан босиб чиқа-

рилган эди. «Француз тилини ҳимоя қилиш ва улуглаш» асаридан француз тилининг олижаноб фазилатлари ҳақидаги фикр зўр дабдаба билан баён этилган эди; иккинчи томондан памфлетда классик антик латин тилининг луғат-грамматик материалдан фойдаланиш йўли билан, шунингдек, халқ лахжаларидан фойдаланиш, хусусан «ҳар хил ҳунарларнинг лахжа тилидан» фойдаланиш йўли билан тилни ривожлантириш ва бойитиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

«Плеяданинг» француз тилини реформа қилиш соҳасидаги ишини XVI асрнинг 90-йилларида ва XVII асрнинг биринчи чорагида адабиётчи Франсуа де Малерб (1555—1628) давом эттирди. У ҳам адабиётчилар, филологлар ва шоирларнинг алоҳида группасига бошчилик қилар эди. Малерб ва унинг дўстлари тилнинг луғат асосида, грамматика асосида, шунингдек, шеър тузилиши, радифлар ва шу сингарилар асосида француз тилининг бир хил ва барча ёзувчилар учун мажбурий бўлган қондаларини ишлаб чиқишга интилдилар. Малерб равшан, «оқилона» услуб учун, Париж тилининг софлиги учун курашиб, адабий услубнинг провинциализм билан ортиқча бўлганишига қарши чиқди. Малербнинг фаолияти шундай бир классик француз адабий тилининг шаклланишига кўп жиҳатдан ёрдам бердики, кейинчалик француз адабиётининг машҳур классик ёзувчилари шу тилда ёздилар. Бу ёзувчиларнинг ижодий фаолияти қисман XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ бошланди, аммо ўша асрнинг иккинчи ярмида жуда авж олиб кетди: Корнель (1606—1684), Мольер (1622—1673), Лафонтен (1621—1695), Расин (1639—1699) ва бошқалар.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Францияда рационалистик фалсафанинг дастлабки вакили — сўнгги француз гуманисти Мишель Монтень (1533—1592) эди. Монтень ўзининг асосий асари «Тажрибалар»да (1588 йил) ақл-идрокнинг устунлиги ҳақидаги ғояни асосий фикр сифатида келтиради. Бу асар устида Монтень 20 йилдан кўпроқ иш олиб борган бўлиб, жуда катта философик энциклопедия характериға эгадир. Ақл-идрок, Монтеннинг фикрича, табиий воқеаларни ва ижтимоий ҳаёт воқеаларини баҳолашга энг юксак мезондир. Монтень ўз замонасидаги воқеликнинг «ақлга тўғри келмаслигини» зўр ақл ва кулги билан фош қилиб, граждандар (гугенотлар) урушлари даврида ҳар иккала диний партиялар фанатизмини қоралади, одатда сиёсий арбоблар амал қиладиган ваҳшийлик, зўравонлик ва бойишга интилишни фош этди. Айни вақтда Монтень Америкадаги индеецларнинг Европа «ваҳшийлари» томонидан таланишига қарши қизғин норозилик билдирган замондошлардан бири эди.

Француз рационалистик фалсафасининг XVII асрдаги энг йирик намояндаси Рене Декарт (ёки лотинча — Cartesius) (1596—1650) эди. Декарт ўз Ватанида фалсафий фаолияти бўғилаётганини ҳис қилиб, Франциядан жўнаб кетди ва ўз умри-

нинг сўнги ўн йилини (1629 йилдан бошлаб) Голландияда ва Швецияда ўтказди. У Голландияда ўзининг асосий асарлари.— «Метод тўғрисида мулоҳазалар» (1637 йил) ва «Фалсафа асослари» (1644 йил) ёзди. Инглиз файласофи Френсис Бэконга қарама-қарши ўлароқ Декарт биринчи ўринга билишнинг индуктив методини эмас, балки дедуктив методини (умумийдан хусусийга, ақл маълумотларидан айрим кузатишларга ўтиш методини) қўйди. Декарт ана шундай метод намунаси деб математикада қўлланиладиган методни ҳисоблар эди. Математика бўйича унинг ўзи чуқур мутахассис эди. Билиш масалаларида Декарт учун характерли бўлган дуализмга ҳамда унинг иккита параллел ва бир-биридан мустақил бўлган субстанцияларни — жисмни (унинг асосий белгиси тортиш кучидир) ҳамда руҳни (унинг асосий хусусияти — тафаккурдир) тан олишига қарамай, Декарт таълимоти ўз замонаси учун прогрессив аҳамиятга эга бўлган эди. Декарт ақл-идрокни юқори қўйиб, схоластик фалсафанинг қолдиқларига ва унинг «мустаҳкам» обрўсига зарба берди. Иккинчи томондан, Декарт табиат ҳақидаги ўзининг конкрет таълимотида амалда замонавий табиийёт фанининг маълумотларига асосланди. Декарт объектив дунёнинг реаллигини ва материаллигини тан олди; дунё, Декартнинг фикрича, материянинг жуда майда заррачаларидан иборат. Табиатдаги барча ўзгаришларни, ҳатто коинотнинг — Қуёш, юлдузлар, планеталар ва шу сингариларнинг вужудга келишини материянинг ҳаракати билан тушунтирар эди.

Шу тарзда Декарт таълимотида ёрқин материалистик фикр моментлари бўлиб, бу нарса кейинчалик XVII асрнинг иккинчи ярмида ва XVIII асрда Франциядагина эмас, балки Англия, Голландия ва Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам материализмнинг ривожланишига кучли таъсир кўрсатди.

XLVII Б О В

1618—1648 ЙИЛЛАРДАГИ УТТИЗ ЙИЛЛИК УРУШ

XVI аср охирида Германиянинг иқтисодий тушқунлиги. Буюк географик кашфиётлар ва бу кашфиётлар билан боғлиқ тарзда савдо йўлларининг ўзгариб кетиши Германиянинг иқтисодий тараққиётига ёмон таъсир қилди. XVI асрнинг иккинчи ярмида бунинг оқибати шу бўлдики, немис савдо-сотиғи тушқунликка юз тутди. Венеция билан савдо қилган Дунайнинг юқорисидаги шаҳарлар (Аугсбург, Ульм ва бошқалар) ҳам, нидерланд ва инглиз саноати ва савдосининг рақобатига бардош бера олмаган Рейн шаҳарлари (Кельн, Аахен, Вормс ва бошқалар) ҳам тушқунликни бошидан кечирмоқда эди. Ганза иттифоқи XVII аср бошларига келиб тамомила барбод бўлди. Гамбург, Любек, Бремен бир қадар иқтисодий аҳамиятларини сақлаб қолган

эдилар. Аммо уларнинг роли шу қадар паст эдики, уларни Амстердамга ҳам, Лондонга ҳам сира таққослаб бўлмас эди. Бутун Германия тобора аграр мамлакатга айланиб борар, унда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари саноати кўпроқ тараққий қилган мамлакатларга чиқарилар эди. Голландия, Швеция, Англия кўпроқ Германиянинг шимол-шарқий вилоятлари: Бранденбург, Пруссия, Померания, Мекленбург, Силезиядан чиқариладиган ғалла, каноп лоси, қорамол, гўшт ва шу сингари маҳсулотлар сотиб олар эдилар. Германиянинг вилоятларида крепостнойлик қайтадан тикланди, бу галги крепостниклик энг оғир уқубатли формаларда эди. ГАРбий Европанинг хийла тараққий топган мамлакатларида — Англия, Франция, Нидерландияда XVI асрга келиб крепостнойлик тамомила йўқотилгани ҳолда ГАРбий ва Жанубий Германияда крепостнойликнинг анчагина қолдиқлари озми-кўпми сақланган, Шарқий Германияда эса XVI—XVII асрларда крепостнойлик ишлаб чиқаришнинг ҳукмрон усулига айланиб кетган эди. Крепостной ҳуқуқнинг «иккинчи наشري» Германия тараққиётининг характерли хусусияти бўлиб, унинг ижтимоий-иқтисодий қолақлигидан айниқса ёрқин далолат берарди.

Сиёсий тарқоқлик. Германиянинг сиёсий тарқоқлиги сақланбгина қолмай, балки XVI аср давомида яна ҳам авж олди. Князлар черков мулкларини мусодара (секуляризация) қилиш ҳисобига ўз ерларини кўпайтирдилар. Улар ички ва ташқи (экспорт) савдодан ўз даромадларини ошириш йўлида фойдаланиб, ўзларининг маҳаллий князлик абсолютизмни ўрнатдилар. Лютеран черковининг маҳаллий ҳокимларга бағамом бўйсундирилиши муносабати билан маҳаллий князларнинг сиёсий ҳокимияти кучайди. Мамлакатнинг сиёсий тарқоқлиги князларнинг территория чегараларини талашиб, айрим шаҳарлар, савдо йўллари ва шу кабилар устида муттасил низо-жанжалларига сабаб бўлди. Реформациядан кейин князларнинг ўзаро курашларига қулай идеологик баҳона ҳам топилди. Князларнинг протестантларга ва католикларга ажралганлиги тўқнашишларга «ғоявий» тус бериб, мамлакатнинг территорияси майда бўлақларга бўлиниб кетишини авж олдирди ва расмийлаштирди. Диний низолар князларнинг императорга қарши олиб борган курашларини ҳам ниқоблаб тураверди. Император аввалгидек мамлакатдаги католиклар партиясига раҳбарлик қилар ва папалик билан маҳкам иттифоқда эди. Энг йирик князларнинг кўпчилиги протестант эди, улардан кўпи лютерац, бир қисми (пфальцграф Рейнский ва жаңуби-ғарбий Германиядаги бошқа князлар) эса кальвинист эди. Маҳаллий сиёсий партикуляризм учун олиб борилган кураш дабдабали шиор билан, «соф таврот таълимоти эркинлиги учун» кураш шиори билан ниқобланган эди. Император князларни ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилар ва бунга «ересь»нинг кучайиб кетишига йўл қўймаслик, чеклаб қўйиш истагини важ қилиб кўрсатарди.

Габсбургларнинг Австрия кўп миллатли давлати. Князлар кучайиб, натижада аслида князлик абсолютизми жорий қилинганига қарамасдан, император ҳокимиятининг кучи ҳали озмунча эмас эди. Тўғри, Габсбурглар йирик ва майда феодал ерларининг герман конфедерациясигагина бошчилик қиларди. Уларнинг аввалгидек ҳозир ҳам умумимперия бошқарма органлари ва судлари, умумимперия молияси (солиқлар ва ҳоказолар), умумимперия қўшини йўқ эди. Германияни аслида идора қилувчи улар эмас эди. Лекин Габсбургларнинг кучи ўзларига мерос қолган жуда кенг ерларга эгалик қилишда эди; бу ерларда қисман немислар, кўпроқ эса славяплар, венгрлар, итальянлар ва бошқа халқлар яшарди. Габсбурглар хонадонининг мерос ерлари шарқда — Австрия (Юқори ва Қуйи Австрия), Штирия, Каринтия, Крайна, Чехия, Венгрия (ушунг фарбий қисми ва фарбда — Тироль, Швабия, Эльзасни ўз ичига оларди. Габсбургларнинг мерос ерлари кўлами жиҳатидан ҳар бир ва ҳатто энг йирик князь еридан ҳам кўп марта ортиқ эди.

Габсбургларнинг Европадаги агрессив планлари. Аммо Габсбурглар фақат Германиядагина ҳукмронлик қилиб қолмадилар. Габсбургларнинг уруғлари Испанияни ҳам идора қилардилар. Испаниядаги Габсбурглар австрия-герман Габсбургларини қўллаб-қувватлар эдилар, албатта. Карл V нинг дунёга ҳоким бўлиш иштиёқи Филипп II га ҳам мерос бўлиб ўтган эди. Филипп III замонида Испания заифлашиб қолди. Шу сабабдан у вақтда бошқа мамлакатларга ва ички душманларга қарши курашда испан Габсбурглари билан австрия Габсбургларининг кучларини бирлаштириш гоаят муҳим масала бўлиб қолган эди. Ниҳоят, император католик черковидан мадад олиб турар эди; католик черкови XVI асрнинг иккинчи ярмида яна кучайиб олган, ўзини қайта қуриб, ҳамма мамлакатларда, айниқса Германияда протестантларга қарши ҳужумга ўтган эди. Император ўзининг мерос ерларига, Испаниянинг ёрдамига ва папанинг мададига таяниб туриб, князларни ўзига бўйсундиришни ва шу тариқа гарчи кечкики бўлса-да, Германияни бирлашган, марказлашган давлатга айлантиришни мўлжаллар эди. Аммо бу вазифанинг уйдасидан чиқиб бўлмади. Мамлакат иқтисодий тушқунликни бошидан кечириётган, шаҳарлар иқтисодий жиҳатдан заифлашиб қолганлиги туфайли уларнинг ижтимоий ва сиёсий роли пасайиб кетган, крепостнойликнинг ўсиши туфайли феодалларнинг таъсири кучайган бир шаронгда мамлакатни бирлаштириш иши айниқса қийин ва мураккаб вазифа эди. Бундан ташқари, Габсбурглар фақат Германияни ўзларига бўйсундириш масаласи билангина машғул эмас эдилар. Улар XVI аср охирида ҳам, XVII аср бошида ҳам ўзларига қўшни мамлакатларга нисбатан агрессив сиёсатни давом эттирдилар. Улар XVII асрда саноат ва савдо-сотиғи тараққий қилган бир қанча Европа мамлакатларини, шу жумладан, Голландия, Англия, Франция, Дания, Швецияни ўзларига қарши қилиб қўйдилар.

Немис протестант князларининг ўзлари ҳам императорга қарши курашда Германиядан ташқарида иттифоқчилар қидира бошладилар. Ички ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ғоят мураккаб бўлган ташқи ҳалқаро муносабатлар билан чирмашиб кетганлиги туфайли Германия вайрон қилувчи Угтиз йиллик уруш майдони бўлиб қолди. Бу уруш унинг мавжуд сиёсий тарқоқ-лигини янада кўпроқ мустаҳкамлади.

Католиклар реакцияси ва протестант князларнинг қаршилиги. Германияда католиклар реакцияси Карл V нинг дастлабки тахт ворислари — Фердинанд I (1555—1564) ва Максимилиан II (1564—1576) давридаёқ катта муваффақиятларга эришди. Аммо Карл V дан кейин учинчи бўлиб ҳукмронлик қилган император Рудольф II (1576—1612) вақтида реакция айниқса кучайиб кетди. Рудольф II иезуитлар тарбиясини олган ва Филипп II Испанский саройида анча яшаб, унинг таълимини олган эди. Рудольф II нинг ёрдами билан иезуитлар Австриядан Чехияга ўтиб олдилар. Католиклар Бавариясида ҳам улар уя қурган эдилар. Католиклар протестантларни Рейн областларидан муваффақият билан сиқиб чиқара бошладилар. Католиклар реакцияси Фарбий-Шимолий Германияга кириб борди. Католиклар реакциясига қарши зарба уюштириш мақсадида Жанубий ва Фарбий Германиядаги протестант князлар 1608 йилда Тавротчилар иттифоқига бирлашдилар. Пфальцграф Фридрих Рейнский бу иттифоққа бош бўлди. Ландграф Гессенский, курфюрст Бранденбургский ва империянинг бир неча шаҳари (Страсбург, Ульм ва бошқалар) бу иттифоққа қўшилдилар. Протестантлар тузган ҳарбий-сиёсий иттифоққа жавобан католик князлар 1609 йилда Католиклар лигаси номи билан ўз иттифоқларини ташкил этдилар. Лигага Бавария герцоги Максимилиан бош бўлди. Лига император билан, испан Габсбурглари ва папа билан бевосита алоқада эди. Лиганинг армиясига қўмондон қилиб тажрибали генерал Тилли тайинланди.

Иттифоқ ва лига тузилиши билан бу икки лагернинг бирига душманлик муносабати шу қадар кескинлашдики, улар ўртасида 1610 йилдаёқ уруш бошланиши мумкин бўлиб қолди. Бироқ Генрих IV Французский ўлими туфайли уруш бу ўртада бошланмай қолди, чунки иттифоқ аъзолари ундан ёрдам олиш умидида эдилар. Уруш Рудольф II нинг тахт вориси император Матвей (1612—1619) даврида бошланди. Чехияда юз берган воқеалар урушнинг бошланиб кетишида катта роль ўйнади.


1526 йилдан кейинги даврда Чехия. Чехия 1526 йилда яна империя составига кирди ва у Габсбурглар хонадонининг мерос ери деб ҳисоблана бошлади. Чехия Габсбурглар составига кираётганида чехларга уларнинг автопомиясини, чех сеймиши, давлат тили сифатида чех тилини ва миллий черков сифатида чехларнинг ислоҳ қилинган черковини сақлаб қолиш ваъда қилинган эди. Амалда эса Габсбурглар беҳаёлик қилиб, ўз ваъдаларини бажармадилар. Вена ҳукумати чехларнинг давлат идо-

раси ишларига бевосита аралашадиган бўлди. Чехияга немис амалдорлари юбориларди. Немис дворянлари чехларнинг ерларини сотиб олардилар. Чехияга иезуитларнинг сукулиб кириши натижасида бу ерда католицизмнинг тикланиш масаласи кўпдаланг бўлиб қолган эди.

«Чех биродарлари» жамоаларини айниқса қисар ва унинг фаолиятини ҳар қандай йўллар билан чеклардилар. Гусчиликнинг энг жиддий таъсири XVI аср Чехиясида ана шу жамоаларда сақланиб қолган эди; шаҳарликларнинг жуда кўп вакиллари, қисман деҳқонлар ва майда рицарлар бу жамоаларга кирар эди. Чех сейми король Габсбург ижозати билангина йиғилар, аслда эса у ўзининг раҳбарлик аҳамиятини йўқотган эди.

1547 йилда сеймнинг оппозицион тарздаги чиқишидан кейин унинг ҳуқуқлари яна ҳам камайтирилган эди. Жумладан, шаҳарлик (мешчан)ларнинг вакиллари сеймга бутунлай деярли киритилмай қўйган эди. Чехияда юз берган жиддий аҳвол 1609 йилда қўзғолон кўтарилишига олиб келди. Прагада Габсбургларга қарши памойишлар бўлиб ўтди. Шаҳарликлар томонидан қўллаб-қувватланган чех дворянлари муваққат ҳукумат туздилар ва ҳарбий лашкар тўладилар. Сейм чех сословиялари номидан, агар Рудольф II чехларнинг сиёсий ва диний ҳуқуқларини эътироф қилмаса, уни ўзларининг қорони деб танимасликларини айтган эди. Бунга жавобан Рудольф II 1609 йилнинг 9 июлида махсус «ҳазрати олий ёрлиғи» (Маестат деб аталган ёрлиқ)ни имзолашга мажбур бўлган эди; король ўзининг бу ёрлиғида чех паплари, рицарлари, мешчанлари ва деҳқонларининг черков ташкилотлари эркинлигини эътироф қилган эди. Чехларга ўз урф-одатлари бўйича бемалол тоат-ибодат қилиш, протестант черковларини монетьсиз қуриш, мактаблар очиш ҳуқуқлари ва бошқа шу каби ҳуқуқлар берилган эди. Прага университети протестантлар қўлига ўтди. Сословиялар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва Маестатнинг бажарилишини назорат қилиб туриш учун ўзларининг махсус ўттизта дефенсорлари (ҳимоячилари)ни сайлаб қўйиш ҳуқуқини олди. Лекин Габсбургларнинг бу ён бериши вақтинча эди. Королнинг бу ёрлиғига қарамасдан, Праганинг католик архиепископи, католик панлар ва ўлка гетманлари билан судьялардан иборат король маъмурлари чехларни ҳам диний, ҳам сиёсий жиҳатдан қисавердилар. Император Матвей реакцияга ҳар томонлама ҳомийлик қилди. 1617 йилнинг ёзида у чех тожини ўзининг тахт вориси шаҳзода Фердинанд Штирийскийга кийгизди. У ҳам Максимилиан Баварский билан бирга католиклар реакциясининг энг жонбоз раҳбарларидан эди. Фердинанд Штирийскийнинг Чехия қорони деб эълон қилиниши бу ерда Габсбургларга қарши яна катта порозликлар бошланишига сабаб бўлди.

Чехияда 1618 йилги қўзғолон. Уттиз йиллик урушнинг Чехия даври. XVII асрнинг йигирманчи йиллари охирига келганда Че-



Уттиз йиллик уруш. Чехия даври

маслаҳатчиси Прага қасри деразасидан ташқарига улоқтириб ташланди, король йўқлигида Чехияни ўша уч маслаҳатчи идора қиларди. Чех дворянлари граф Турн бошчилигида 30 кишидан иборат директория тарзида муваққат ҳукумат тuzдилар. Армия ташкил қилишга киришилди. Иезуитлар ва Чехиядаги католик черковининг бир қанча олий руҳонийлари мамлакатдан ҳайдаб юборилди. Чехия Габсбурглар ҳукмронлигидан қутулди. 1619 йилда Матвей ўлиб, ўрнига Фердинанд II тахтга ўтирганидан кейин, чех панлари унга қарши Тавротчилар иттифоқининг раҳбари курфюрст Фридрих Пфальцкийни Чехиянинг қороли қилиб сайладилар. Чехларнинг қўзғолони аввал бошда муваффақиятли равишда ривожланиб бораётган эди. 1619 йилнинг 6 июнида граф Турн ўз қўшинлари билан Вена остоналарига етиб борган эди. Чех дворянлари немис Тавротчилар иттифоқига катта умид боғлаган эдилар, чунки бу иттифоқ чехларнинг Габсбурглар устидан ғалаба қилишидан манфаатдордек бўлиб кўринган эди. Аслда эса чехлар қўзғолони мағлубиятга учради. Бу қўзғолон ҳали кенг-миллий ҳаракат тусига кириб етолмаган эди. Деҳқонлар ва шаҳарликлар оммаси ҳали бу ҳаракатда етарли даражада иштирок қилаётгани йўқ эди. Чех дворянлари гусчилар даврини эслаб, Габсбургларга қарши урушга халқ оммасини тортишга шошилмас эдилар. XVI аср охири ва XVII аср бошида Чехия қишлоқларида аҳвол ниҳоятда кескинлашган эди. Чехияда крепостнойлик энг шафқатсиз тусга кирган эди. Баршчина иилига 108 кунга етиб қолган эди. Иш жуда қизгин пайт-

хия иқтисодий жиҳатдан жуда оғир аҳволда қолган эди. Савдо-сотиқ ва саноат орқага қараб кетмоқда, эди; бу тушкунлик қисман шу вақтларда Марказий ва Шарқий Европа бошидан кецираётган оғир аҳволни акс эттирса, қисман Чехияда Габсбурглар идора қилиш сиёсатининг чехмиллатига қарши қаратилганлиги оқибати эди. Мамлакатда крепостнойлик кучайиб бормоқда эди.

Шундай қилиб, Габсбургларнинг сиёсий ва диний зулми Чехиядаги кризиснинг умумий манзарасини янада ёмонлаштирар эди, холос.

Қўзғолон 1618 йилнинг 23 майида «дефестрация» деб аталган нарсадан бошланиб кетди: қоролнинг учта

ларда деҳқонлар паишлар учун ҳафтасига 3—4 кунлаб ишлар эдилар. Крепостной деҳқонлар баршчинадан ташқари натура билан олинадиган ҳар хил солиқлар тўлашлари лозим эди, давлат солиқлари («берна» ва шу кабилар) бу ҳисобга кирмас эди. Деҳқонларнинг кайфияти ёмон эди. Баъзи жойларда тартибсизликлар бошланган эди, деҳқонлар энг оғир солиқларнинг бекор қилинишини, баршчинанинг қисқартирилишини, ер-мулкларни бошқарувчиларнинг алмаштирилишини ва ҳоказоларни талаб қилдилар. 1620 йилнинг кузида Жатецк областида деҳқонларнинг катта қўзғолони бўлиб, бу қўзғолонда 7000 деҳқон қатнашди. Қўзғолон феодал тартибларига қарши қаратилган эди. Бунинг устига чех дворянлари зўр умидлар боғлаган немис Тавротчилар иттифоқи уларга астойдил ёрдам бермади. Немис протестант князлари энди икки курфюрликка бош бўлиб олган курфюрст Пфальцкийнинг кучайишини сира истамас эдилар. Фридрихнинг ўзида эса хусусий (пфальц) кучлари озгина эди. У ўзининг қайнотаси, инглиз короли Яков I дан мадад оларман деб ўйлаган эди, ammo унинг бу умиди пучга чиқди. Яков I Стюарт немис князларининг императорга қарши қўзғолонини маъқулламади. У чехларни ўзининг «қонуний монархи»га қарши қўзғолонга «исёнчилар» деб ҳисоблар эди.

Католиклар лигасининг саркардаси Тилли протестантларнинг уюшқоқсизлигидан, бир-бирларидан шубҳаланишларидан фойдаланиб, чехларга қарши дарҳол ҳужумга ўтди. Тилли Чехия территориясига бостириб кирди ва 1620 йил 8 ноябрда Прага яқинидаги Оқ тоғ ёнида чех ва Пфальц қўшинларини тор-мор қилди. Фридрих Чехиядан, сўнгра Германия тупрогидан ҳам қочиб кетди. Императорга ёрдам бериб турган испан қўшинлари Пфальцга бостириб кирдилар. Чехияда ғоят шафқатсиз реакция бошланди.

1621 йил 21 июнда Прагада қўзғолон раҳбарларидан 27 киши, шу жумладан, учта шаҳарлик умум олдида жазолаб ўлдирилди. 1627 йилда Прага сеймида Маестат тугатилиши расман эълон қилинди. Чехияда католиклар черковни тамомила тикланди. Немис тили бирдан-бир давлат тили деб эълон қилинди. Ҳамма ерда чех амалдорлари ўрнига немис амалдорлари ўтириб олди. Кўплаб чех ерлари мусодара қилинди. Чех дворян ер эгаларининг қарийб тўртдан уч қисми ўз ерларидан маҳрум бўлди, бу ерлар мусодара қилинди, немислар қўлига ўтди. Мингминглаб чех оилалари жонажон ўз мамлакатидан қувгин қилинди. Мухожирлик қилишга мажбур бўлган чех зиёлиларининг энг яхши намояндалари, ёзувчилар, ўқитувчилар, фармацевтлар, юксак малакали ҳунармандлар ва шу кабилар Чехияни ташлаб чиқиб кетдилар. Буларнинг ҳаммаси мамлакатни иқтисодий тушкунликка ва ялпи ишсизликка маҳкум этган ҳолда Чехиянинг ишлаб чиқарувчи кучларига жуда катта зарар етказган эди. Немис-австрия феодаллари католик руҳонийлари билан иттифоқ бўлиб чех миллий маданиятининг ўзига ҳам жуда катта



Уттиз йиллик уруш. Дания даври

зарар етказди. Чех мактаблари иезуитлар қўлига топириб қўйилди. Чех маданияти таъқиб остига олинди. Немислар гусчилар адабиётини ҳамда Гус ва гусчилар даврига оид барча архив манбаларини системали равишда йўқ қилар эдилар. Чехия яшнаб турган мустақил мамлакатдан узоқ вақтларгача немисларнинг асоратга маҳкум этилган ва хонавайрон қилинган вилоятга айланиб қолди.

Даниянинг урушга кириши. Дания даври. Австрия Габсбургларининг Чехияни тор-мор қилиши ва испанларнинг Пфальцни босиб олиши Уттиз йиллик урушнинг «чехия-пфальц даври» деб аталган биринчи даврининг оқибатлари эди. Император билан лига ғолиб чиқдилар.

Католикларнинг ғалабаси мусодара қилинган черков ерларидан ташкил топган протестант князлар мулкани хавф остига қўйди. Императорнинг ғалабаси 1624 йилдан бери бошида кардинал Ришелье турган Францияни ҳам ташвишга солиб қўйди. Нидерландия яна (1621 йилдан бошлаб) Испания билан урушмоқда эди. Яков Английский ҳам ўзининг куёви Фридрих Пфальцский тақдири билан қизиқмоқда эди. Шундай қилиб, император билан князлар ўртасидаги, католиклар билан протестантлар ўртасидаги, Габсбурглар билан Чехия ўртасидаги муносабатларга доир ички масала чет элларга ҳам катта таъсир кўрсатди. Германиядаги ички уруш тез орада мураккаб халқаро курашга айланиб кетди, бу курашда эса Ғарбий Европа мамлакатларининг ғоят кенг коалицияси Германияга қарши чиқди. Ришельенинг ташаббуси билан 1625 йил декабрь ойида Англия, Голландия ва Дания ўртасида австрия ва испан Габсбургларига қарши Учлар иттифоқи тузилди. Дания қарши императорга қарши уруш бошлаган тақдирда Англия билан Голландия унга катта субсидия беришни ваъда қилдилар. Дания қарши Кристиан IV ўша 1625 йилдаёқ чинакамига уруш бошлаб, ўз қўшинлари билан Германияга бостириб кирди ва унда шимолий герман лютеран князларининг қўшянилари билан қўшилди.

Валленштейн. Данияликларга қарши ўз қўшинини ташкил этиш учун Фердинанд II нинг етарли маблағи йўқ эди. Като-

ликлар лигасининг қўшини озгина бўлиб, уни ҳам тўлдириш керак эди. Шундан кейин император қўшин ташкил этиш тўғрисида бой дворян Альбрехт Валленштейн (1583—1634) га мурожаат қилди. Валленштейн асли чех бўлса ҳам, батамом немислашиб кетган ва чех дворянларининг ерлари мусодара қилинган вақтда жуда кўп ер, ўрмон, кон ва шу қабиларни сотиб олган эди. Валленштейн XVI асрда ва XVII аср бошларида Италияда жуда кўп ва қисман Германияда учрайдиган кондотьерлар, яъни ҳарбий соҳибкорлар қабиладаги киши эди. Ҳоят истеъдодли ташкилотчи ва саркарда бўлган Валленштейн қисқа бир вақт ичида ёлланма солдатлардан иборат 30 минг кишилиқ армия ташкил этди. У ўз солдатларига катта пул тўлар, аммо уларни қаттиқ интизомда сақлар ва машқ-таълимга жуда кўп эътибор берарди. Валленштейн қўшин ташкил этишга сарфлаган маблағларини кейинчалик қўлга киритилган ўлжалар ва душманга солинган катта-катта товоғлар воситасида ҳатто ортиғи билан ҳам қайтариб олди. Валленштейн Инжилчилар иттифоқи қўшинларининг қўмондони граф Мансфельдни, сўнгра эса Тилли билан биргаликда Дания королининг изидан қувиб бориб, уни бутунлай тор-мор қилди ва Ютландия тупроғига бостириб кириб, Копенгагенни хавф остига қўйди. Дания короли сулҳ тузишни сўрашга мажбур бўлди ва бу сулҳ билан 1629 йил майда Любекда тузилди. Кристиан IV бундан кейин Германия ишларига аралашмасликка ваъда қилди. Валленштейн ўз ғалабаси учун мукофот тариқасида бутун бир князлик — Мекленбург герцоглигини ҳамда «Балтика ва Океания денгизлари генераллисимуси» деган унвон олди. Фердинанд II нинг ўзи эса протестантлар устидан қозонилган ғалабани 1629 йилги реституцион эдиктни чиқариш билан нишонлади, бу эдиктга кўра протестант князлар 1552 йилдан (князлар император Карл V ни енгган йилдан) кейин ундан тортиб олган ҳамма ерларни католик черковига қайтариб беришга мажбур этилди.

Шундай қилиб, католик реакцияси жануб билангина кифояланиб қолмади, балки шимолга ҳам кириб борди. Император протестант князларнинг иқтисодий қудратига жиддий зарба берди.

Бироқ католиклар лагерининг ғалабаси бу лагерь раҳбарлари ўртасидаги низо-жанжаллар туфайли бўшашиб кетди. Лиганинг йўлбошчиси Максимилиан Баварский ва бошқалар Валленштейнни ёмон кўрардилар. Уларнинг талабига мувофиқ император 1630 йилда Валленштейнни истеъфого чиқартишга ва унинг қўшинини тарқатиш тўғрисида буйруқ беришга мажбур бўлди.

Швециянинг урушга кириши. Рус давлатининг позицияси. Габсбургларнинг янги ғалабаси Францияни императорга қарши курашда янги иттифоқчи қидиришга мажбур этди. Шведлар короли Густав Адольф (1611—1632) Францияга ана



Уттиз йиллик уруш. Швеция ва Франция даври

шундай иттифоқчи бўлди. Ришелье швед королига катта субсидия берди. Аммо урушга аралашиб учун Густав, Адольфнинг ўзида ҳам анча важ бор эди. Императорнинг Дания устидан қозонган ғалабаси ва Валленштейн билан Вена саройининг Шимоллий ва Балтика денгизларида кучли герман флоти барпо қилиш тўғрисидаги плани Густав Августни жиддий ташвишга солиб қўйди. Бундан ташқари, швед феодаллари аллақачонлардан бери янги ерлар босиб олишни ният қилиб юрардилар. XVII асрнинг 30-йилларига желиб Швеция том маъносида Балтика бўйи давлатига айланган эди.

Ливония уруши натижасида Швеция Эстландия (яъни Эстония)ни босиб олган эди; 1617 йилда Россия билан тузилган

Столбово сулҳига мувофиқ Фин қўлтиғи қирғоқларини, яъни Карелия билан Ингерманландияни эгаллаган эди; 1629 йилдан бошлаб Курляндия (ҳозирги Латвия территорияси)ни ўз конт-роли остига олган эди. Швеция Финляндияни ҳам ўзига қаратиб олганлиги туфайли Балтика денгизи (унинг жанубий қирғоқларидан бошқа) деярли бутунлай «швед кўлига» айланган эди. Шу билан бирга Густав Адольф католиклар реакциясига ҳам бефарқ қарай олмас эди. XVII асрда Швецияда феодаллар аристократияси ҳали қисман католик динида эди. Урта ва майда дворянлар ҳамда деҳқонларнинг юқори табақаси, аксинча, католиклар ер эгаллигининг тикланишидан хавотирда эдилар, шунинг учун Германиядаги ўз «инжилчи биродарлари»га ёрдам кўрсатишга тайёр эдилар.

Швециянинг императорга қарши курашидан Россия ҳам манфаатдор эди. Подшо Михаил Федорович ҳукумати бу вақтда (XVII асрнинг биринчи ярмида) поляклар агрессиясига қарши қаттиқ кураш олиб бораётган эди. Католиклар Польшаси император ва пападан ҳаминша ёрдам олиб турар эди. Шунинг учун Габсбургларга қарши иттифоқни қўллаб-қувватлаш Москва давлатининг миллий манфаатларига мос бўлиб тушар эди. Швециянинг Габсбургларга қарши уруш бошлаши, даставвал, Польшани Россияга қарши уруш олиб бориш учун Габсбурглардан олиб турадиган ёрдамидан маҳрум қилар эди. Москва ҳукумати расмий суратда Габсбургларга қарши урушга киришмаса ҳам, иқтисодий жиҳатдан ва дипломатия соҳасида (мамлакатлар билан, қисман Туркия ва Қрим татарлари билан олиб борилган музокараларда) швед коронига катта ёрдам кўрсатган эди. Россия шведлар учун ғоят қулай шартларда Швецияга жуда кўп ғалла (жавдар) ва порох ясаш учун ишлатиладиган селитра берди¹.

Урушда шведлар даври. Густав Адольф 1630 йилнинг ёзида Померанияга аскар туширди. Бироқ уруш ҳаракатларининг биринчи йили шведлар учун унчалик муваффақиятли бўлмади. Брандербург ва Саксония, гарчи протестант мамлакатлар бўлсалар-да, Даниянинг тор-мор қилинганлигини эслаб, Густав Адольфга қўшилишдан қўрқдилар. Тилли бу вазиятдан фойдаланиб, 1631 йилнинг баҳорида стратегия жиҳатидан муҳим бўлган ва шведлар томонига ўтиб кетган Магдебург шаҳрини эгаллади. Шаҳар ҳужум қилиб олинди ва аёвсиз таланди, вайрон қилинди. Лига солдатлари аёлларни ҳам, болаларни ҳам аямасдан, шаҳар аҳолисидан 30 минг кишини қириб ташладилар. Густав Адольф ҳарбий тазйиқ кўрсатиш йўли билангина Бранденбург курфюрстини коалиция томонига ўтишга мажбур этди. Саксония курфюрсти швед короли билан ҳарбий битим

¹ Умуман шведлар учун жуда қулай шароитларда XVII асрда Россиядан Швецияга кўплаб зиғир толаси, каноп лоси ва кема (мачта) ясаш учун ишлатиладиган ёғоч ҳам ташилар эди.



Вестфалия сулҳи (1648 й.)

тузди. Шведлар қўшини сон жиҳатидан у қадар кўп бўлмаса ҳам (қарийб 30 минг киши), урушга яхши тайёргарлик кўрган эди. Бу қўшиндаги аскарларнинг кўпчилиги эркин швед деҳқонларидан иборат бўлганлигидан миллий состави жиҳатидан Лига қўшинига ва Валленштейн армиясига ўхшаган қурама эмас, балки бир хил эди. Шведлар қўшинида қаттиқ интизом ўрнатилган, урушга «муқаддас ва халоскорлик уруши» характери берилгандан аввал бошда ўзига хос иштиёқ ҳам кучли эди. Ниҳоят, шведлар армиясининг ҳарбий техникаси ҳам жуда яхши эди. Швед солдатлари мушкетлар билан қуролланган эдилар ва бу мушкет (пилта милтиқ)лардан немис солдатлариникидан кўра уч барабар тезроқ отардилар. Шведларда энгил

дала тўплари ҳам кўп эди. Жилд кийгизилганлиги сабабли «кўн» тўплар деб аталган тўплар бошда душманларда йўқ эди деса бўлади.

Густав Адольф 1631 йил 17 сентябрда Лейпциг яқинидаги Брейтефельд қишлоғи ёнида Тилли қўшинларига қақшатқич зарба берди. Шундан кейин швед қўшинлари Юқори Дунайда ва Рейнда пайдо бўлдилар. Швед короли 1631—1632 йилги қишни Майнц шаҳрида ўтказди. 1632 йил баҳорида Густав Адольф Лех дарёси бўйида империя қўшинларини тор-мор келтирди, католиклар лигасининг саркардаси Тилли шу ердаги жангда ҳалок бўлди. Жуда таъғ аҳволда қолган Фердинанд II яна Валленштейнга мурожаат қилди. Энди бу сафар Валленштейн сира чекланмаган: ваколатлар олди, ҳатто душман билан яраш ва сулҳ тузиш ҳуқуқи ҳам берилди. Валленштейн ландскнехтлардан яна қўшин тўплаб, 1632 йилнинг кўзида Люцен шаҳри ёнида Густав Адольф билан тўқнашди. Бу ерда 1632 йилнинг 16 ноябрида иккинчи катта жаъғ бўлиб, бунда ҳам шведларнинг қўли балаид келди ва улар Валленштейн қўшинларини чекинишга мажбур этдилар. Лекин бу жангда король Густав Адольф ўлдирилди, унинг ўлими шведлар армиясида дарҳол тартибсизлик бошланиб кетишига сабаб бўлди.

Валленштейннинг ҳалок бўлиши. Люцен ёнидаги жангдан кейин Валленштейн Чехияга чекинди, у бундан олдин шу ердан саксонияликларни суриб чиқарган эди. Валленштейн энди саксония курфюрстини сулҳ тузишга мажбур этиб, кейин шведларга қарши ҳужум бошламоқчи эди. Католиклар лигаси Валленштейннинг кўзга кўринарли муваффақиятларга эриша олмаганлигидан фойдаланиб, императорни яна унга қарши қилиб қўйди. 1634 йил бошида Валленштейн қўмондонлик вазифасидан олинди, сўнгра давлатга хиёнат қилишда айбланди ва, ниҳоят, 1634 йилнинг 25 февралда Лиганинг кўрсатмаси билан иш кўрган бир гуруҳ офицерлар томонидан Эгер қалъасида ўлдирилди («Эгер фалокати»).

Империя армияси шведлар орасида иттизом бўшашиб кетаётганлигидан фойдаланиб, уларга 1634 йил 6 сентябрда Нордлинген ёнида қаттиқ зарба берди. Бунинг натижасида шведлар Жаңубий Германиядан суриб чиқарилди. 1635 йил баҳорида император саксония курфюрсти билан сулҳ тузишга муваффақ бўлди. Яна Габсбургларнинг омади келгандай бўлиб кўринди. Аммо Ришелье энди Германияга қарши очиқдан-очиқ урушга киришишга қарор берди. Франциянинг урушга киришиши (1635 йил) Габсбурглар коалициясининг аҳволини қийинлаштириб юборди ва бу коалицияни тамомла мағлубиятга учратди.

Урушда француз-шведлар даври. Франция ўз томонида кўпгина иттифоқчиларга эга бўлгани ҳолда Германия билан Испанияга қарши уруш бошлади. Урушни давом эттираётган Швециядан ташқари, Голландия, Савойя, Венеция, Венгрия (Трансильвания) Франция томонида эди. Польша Францияга

дўстона хайрихоҳ бўлиб, бетарафлик сақлашини билдирди. Уруш ҳаракатлари фақат Германия территориясидагина эмас, балки Испанияда, Испания Нидерландиясида, Италияда ва Рейннинг ҳар икки қирғоғида олиб борилди. Шундай бўлса ҳам биринчи даврда иттифоқчилар муваффақият қозона олмадилар. Иттифоқнинг ўзи состави жиҳатидан унча мустаҳкам эмас эди. Иттифоқчилар бир-бирлари билан яхши келишиб олиб ҳаракат қилмадилар. Фақат 40-йиллар бошида, Ришелье ҳам ўлгандан кейин, Франция билан Швециянинг қўли аниқ баланд бўлиб қолди. Француз қўшинлари 1643 йилда ғарбда Рокруа (Шарқий Франция) ёнидаги жангда испан пиддаларини ғоят катта мағлубиятга учратдилар. Шундан кейин француз қўшинлари бутун Эльзасни босиб олишди. 1645 йилда шведлар шарқда, Чехиянинг Янковици шаҳри ёнида империя қўшинларини тор-мор келтирдилар. Даниянинг энди бу сафар Габсбурглар томонини олиб, урушга киришини ҳам императорга ёрдам беролмади. (1643—1645 йиллардаги Дания-Швеция уруши.) Французлар ва шведларнинг бирлашган армияси 1646 йилда Баварияга бостириб кирди. Урушнинг ютқазилаётганлиги Вена саройи учун аён бўлиб бормоқда эди. Фердинанд II дан кейин 1637 йилда тахтга ўтирган император Фердинанд III ҳукумати сулҳ музокаралари бошлашга мажбур бўлди.

Вестфалия сулҳи. Аслида 1645 йилнинг июнидаёқ бошланган сулҳ музокаралари Вестфалиянинг икки шаҳрида олиб борилмоқда эди. О с н а б р ю к д а император элчилари швед ҳукумати элчилари ҳамда герман протестант князлари билан, М ю н с т е р д а император элчилари француз ҳукумати билан музокаралар олиб бормоқда эдилар. Музокаралар 1648 йил кузидагина тамом бўлди.

Вестфалия сулҳи натижасида ғолиблар анча территорияни ўзларига қўшиб олдилар. Швеция Ғарбий Померанияни ва Шарқий Помераниянинг бир қисмини, шу жумладан, Штеттин шаҳри ва Рюген оролини, Висмар шаҳрини ва унинг портини, Бремен архиепископлигини (аммо Бремен шаҳридан ташқари) ва Верден епископлигини ўзига қўшиб олди. Шу билан бирга Швецияга 5 миллион талер тоvon тўланди. Франция Эльзасни (Страсбург шаҳридан ташқари) эгаллади ва Юқори Лотарингия (Мец, Туль ва Верден шаҳарлари)га бўлган ҳуқуқи узил-кесил тасдиқланди. Германиянинг ўз ичида Шарқий Померанияни, Магдебург архиепископлигини ва бошқа бир қанча вилоятларни ўзига қўшиб олган Бранденбург; Лузация (Лужиц ери)ни ўзига қўшиб олган Саксония, шимоли-ғарбда баъзи бир қўшни вилоятларнинг ерлари ҳам қўлига ўтган Брауншвейг ва юқори Пфальцни эгаллаган Бавария ўзларининг ерларини кенгайттирдилар (бунда Бавария герцоги ҳатто курфюрстлик унвонини олишга муяссар бўлди, бу — саккизинчи курфюрстлик эди. Вестфалия конгресси империя князларининг бошқа мамлакатлар билан мустақил дипломатик алоқалар ўрнатил

ҳуқуқларини тан олди. Шу тариқа Европа дипломатияси Германиянинг сиёсий жиҳатдан бўлиниб кетишини маъқуллади. Вестфалия конгрессининг бу ерда эслатиб ўтиш лозим бўлган муҳим дипломатик актларида яна бири шуки, Европада аллақачонлардан бери мавжуд бўлган, лекин шу вақтгача расмий равишда танилмаган икки давлатнинг мустақиллиги эътироф эрилди. Бу давлатлар Швейцария Иттифоқи билан Голландия эди. Франция билан Испания ўртасидаги уруш Вестфалия конгрессидан кейин ҳам давом этди ва у фақат 1659 йилда Пиреней сулҳидан кейингина тамом бўлди.

Шу сулҳга асосан Испания ўзининг бир қанча территориясини ҳам Францияга берди.

Германиянинг вайрон бўлиши. Эльба нари ёғининг ялли асоратга туширилиши. Уттиз йиллик урушда Франция билан Швеция ғолиб чиқди. Улар бу урушдан кейин XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида Европа дипломатиясида етакчи роль ўйнади. Германия эса, аксинча, уруш натижасида ғоят заифланиб қолган эди. Германия анча территориясидан маҳрум бўлиш билан бирга, узоқ давом этган урушда ниҳоят даражада вайрон бўлган эди, чунки уруш асосан Германия территориясида олиб борилган эди. Мамлакат ғоят катта моддий зарар кўрди. Уруш келтирган вайронлик туфайли Германия бир неча ўн йилларгача ўзини ўнглаб ололмади. Баъзи областларда, чунончи, Саксония, Бранденбург, Пфальц, Вюртемберг да аҳолининг ярми ва ҳатто бундан ҳам кўпроғи қирилиб кетган эди. Чехияда 1618 йилдаги 2,5 миллион аҳолидан 1650 йилга келиб атиги 700 минг киши қолган эди. Жуда кўп экин ерлари ҳувиллаб қолди ва ўрмонлар билан қопланди. Юзлаб қишлоқлар йўқ бўлиб кетди. Шведлар Саксония ва Чехиядаги жуда кўп конларни ишдан чиқардилар, бу конлар кўп йилларгача ишга солинмай келди. Герман шаҳарларидаги савдо ва саноат уруш вақтида яна ҳам қаттиқроқ оқсай бошлади.

Бошпанасиз қолган ва тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлган деҳқонлар ёрдам сўраб феодалларга мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Бундай шароитда крепостной ҳуқуқ урушдан аввалгидан кўра ҳам тезроқ авж олиб кетди. Шарқий Германия асоратга тушган деҳқонлар мамлакатига айланди, улар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тамомла ўз помещчик-юнкерларига қарам бўлиб қолдилар.

«Эндиликда помещчик-дворянлар қишлоқнинг танҳо хўжайини бўлиб қолди... Деҳқонларнинг энг сўнги кучлари ҳам синдирилди... Яна чекланмаган мажбуриятлари даври бошланди... Крепостнойлик ҳолати энди умумий ҳол бўлиб қолди; эндиликда эркин деҳқонлар оқ қаргадек камдан-кам учрайдиган бўлиб қолди»¹.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, XV т., 642—643-бетлар.

XVI—XVII АСРЛАРДА ШВЕЦИЯ

Швециянинг Дания ҳукмронлигидан озод бўлиши. Швецияда Кальмар униясидан норозилик XVI аср бошларида Дания феодаллари ҳукмронлигига қарши кенг миллий ҳаракат тусини олди. Бу ҳукмронликка қарши душманлик руҳи Швецияда тобора кучаймоқда эди. Шимолий ва Балтика денгизларида данияликларнинг савдо-сотик ишлари кенгая боргани сари Дания ҳукумати Балтикабўйида янада кўпроқ мустақамланиб олишга ҳаракат қилар ва Швеция территориясини Даниянинг шимоли-шарқдаги таъсирини кучайтириш учун зарур база деб билар эди.

Дания қорони Кристиан II (1513—1523) бу масалада айниқса катта плашлар тузди, у заифлашиб қолган Гапзанинг ўрнини Дания босади ва Балтика денгизида савдо-сотик ишларини тамомила ўз қўлига киритиб олади, деб ҳаёл қилган эди. Дания қўшинлари 1520 йилда Стокгольмни босиб олдилар, Стуре хонадони регентлиги тугатилди, швед дворянлари, руҳонийлари ва шаҳарликларининг кўпгина намояндалари ўлдирилди, Дания ҳокимиятига оппозицион кайфиятда бўлганлардан жами 100 дан кўпроқ киши қириб ташланди. Дания феодалларининг швед миллий оппозициясига нисбатан қилган бу қирғини Швеция тарихида «Стокгольм фожиаси» (1520 йил ноябрь) деб аталади. Аммо данияликларининг бу террори миллий ҳаракатнинг янада кучайишига сабаб бўлди, холос. Мамлакатнинг турли жойларида деҳқонлар, шаҳарликлар, ўрта ва майда дворянлар Дания ҳукмдорларига қарши бош кўтардилар. Швециянинг тоғли райони бўлган Далекарлияда миллий ҳаракат айниқса кенг ва қатъий тус олди, бу ерда деҳқонлар отрядлар туздилар ва бу отрядлар данияликларининг қўшинларини муваффақиятли равишда суриб чиқардилар. Ўрта дворянлардан чиққан Густав Ваза бутун миллий ҳаракатга бошчилик қилиб, мамлакатдаги барча кучларни: дворянлар, шаҳарликлар ва деҳқонларни бир қанча вақтгача умумий бир миллий фронт қилиб бирлаштириб туришга муваффақ бўлди. Миллий ҳаракат ғалаба билан тугади. Шведлар Скандинавиясининг энг жанубий қисмидагина данияликлар бир неча областни ўз қўлларида сақлаб қолдилар. 1523 йилда Густав Ваза Стокгольм шаҳрига тантанали суратда кириб бориб, Кальмар униясини бекор қилди ва Швецияни мустақил деб эълон қилди. Унинг ўзи Швециянинг қорони қилиб сайланди (у 1523—1560 йилларда ҳукмронлик қилди); Густав Ваза асос солган «миллий» швед сулоласи бундан кейинги асрларда Швециянинггина эмас, балки XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрда қўшни Польшани ҳам идора қилди.

Густав Вазанинг идора қилиши. Шведлар реформацияси ва

секуляризацияси. Аввал бошда янги швед ҳукуматининг аҳволи жуда оғир эди. Мамлакат данияликлар зулми ва узоққа чўзилган озодлик уруши туфайли хонавайрон бўлди. Саноат ва савдо-сотиқ ишлари касод бўлди. Хазинада пул қолмади. Маҳкаманинг 1527 йилда королга ёзган докладыда бундай дейилган эди: «Сизнинг қаср ва қалъаларингиз вайрон бўлиб ётибди. Королнинг даромадлари тамоман сарф бўлиб кетган. Таможнялардан бож тушмай қўйди деса бўлади. Мис ва қумуш конлари тушқунликка учраган. Шаҳар саноати аянч ҳолга тушиб қолди... король хазинасидаги харажатлар унинг даромадидан уч ҳисса ортиқдир».

Реформация ва секуляризация қилиш йўли билан бу мушкул аҳволдан қутулиш чораси топилди. Швециядаги католик черкови бошлиқларининг ҳатто дворянлар орасида ҳам аллақачон бурди кетган эди, чунки энг кўзга кўринган епископлар швед миллий доиралари билан эмас, кўпроқ Дания короли билан алоқада эдилар. Германияда ўтказилган реформация бу ерда ҳам аллақачонлар ҳавас кўзғатиб қўйган эди. Шунинг учун 1527 йилдаёқ Швециянинг Вестеросдаги сеймида Швецияда ҳам реформация қилинган иижилчилар черкови¹ ўрнатиш, черков ерларини секуляризация қилиш масаласи асосан ҳал қилинган эди. Швецияда узул-кесил ислоҳ 1536—1539 йилларда ўтказилди. Англиядаги каби Швецияда ҳам секуляризация қилиш натижасида король ва айниқса дворянлар бойиб кетишди, чунки секуляризация қилинган мулкларнинг кўп қисми дворянлар қўлига ўтди.

Ўзининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш учун Густав Ваза яна бир қанча бошқа тадбирларни ҳам кўрди. У 1542 йилда махсус фармон чиқариб, королликдаги ишланмай бўш ётган барча жамоа ерларини ўз мулки деб эълон қилди. 1551 йилда чиқарилган фармонда барча ер ости бойликлари, яъни Швецияда жуда кўп бўлган ҳар хил конлар король мулки деб эълон қилинган эди. Дворянлар ҳукуматининг ер масаласидаги сиёсати деҳқонларнинг аҳволини ёмонлаштириб қўйди. Илгари черковга қарашли бўлган ерларни ўз қўлларига киритиб олган янги ер эралари баршчина ва оброкни кўпайтирдилар, ҳамда эркин ва ярим қарам бўлган деҳқонларни мумкин қадар крепостной қилишга ҳаракат қилдилар. Бу ҳол, шунингдек деҳқонлар ихтиёридаги ерларнинг тортиб олиниши ҳам деҳқонларда қаттиқ норозилик туғилишига сабаб бўлди. Бир вақтлар данияликларга қарши курашда қарор топган миллий бирлик fronti тарқалиб кетиб, унинг ўрнига маҳаллий (швед) феодалларга қарши ва король ҳукуматига қарши деҳқонлар кураши бошланиб кетди.

¹ Бироқ Швеция иижилчилар черкови немис протестант черковидан ўзида епископлик сақланганлиги билан фарқ қилар эди. Бу жиҳатдан реформация қилинган швед черкови англикан епископлик черковига ўхшаб кетар эди.

30 ва 40-йилларда Швецияда деҳқонларнинг бир неча марта катта қўзғолонлари бўлди. Бу қўзғолонлардан энг машҳурлари: Далекарлияда бўлган 1526—1533-йиллардаги қўзғолон, Ост-Голланддаги 1538 йилги қўзғолон ва деҳқонларнинг 1536—1543 йилларда бўлиб ўтган жанубий швед ҳаракатидир. Жанубий, швед ҳаракати вақтида ўрмочларда жуда кўп «ўрмон аҳли» дан отрядлар уюштирилиб, бу отрядларга қўшилган кишиларнинг сони 10 мингга етган эди. Пировард натижада бу қўзғолонларнинг ҳаммаси бостирилди. Королнинг молиявий ишлари яхшилангандан кейин ҳукумат катта ёлланма армия сақлаш имкониятига эга бўлди ва бу армиядан деҳқонлар ҳаракатини бостириш учун фойдаланди. Асосан деҳқонлардан ташкил топган король армиясига секин-аста деҳқонларнинг энг актив элементлари қўшила борди ва шундай қилиб, деҳқонлар оппозициясига раҳна солинган эди.

XVI—XVII асрларда Швециянинг иқтисодий тараққиёти. XVI асрда Швеция экономикаси бир қанча муваффақиятларга эришди. Қишлоқ хўжалигининг (асосан жанубий ва жануби-шарқий районларда) товар маҳсулдорлиги ортиши билан бирга, мамлакат саноати — темир, мис, кумуш, қалайи қазиб чиқариш, қуролсозлик, ёғоч тилиш ва қоғоз саноати, мўйна ишлаш, кемасозлик ҳам тараққий қилмоқда эди. Густав Ваза Германиядан жуда кўп кончилар ва металлсозлар чақириб келтирди. Ёғоч тилиш корхоналари ва шахталарда XVI асрнинг иккинчи ярмидаёқ тоғдаги дарёлар, сойлар ва шалолаларнинг қувватидан кенг фойдаланардилар. XVII асрда Швецияда ҳар хил қурол-яроғлар ишлаб чиқариларди. Ишланмаган темир ва ундан тайёрланган ҳар хил буюмлар шведларнинг четга чиқарадиган моллари ичида асосий ўрин тутарди. Шуниси характерлики, XVI—XVII асрларда Швецияда мануфактура типидagi саноат корхоналарини кўпинча дворянларнинг ўзлари ташкил қилар эдилар. Бу эса қисман ўша даврда Англиядаги майда дворянларнинг корхона эгалари бўлишини эслатарди. Швеция, Англия, Франция, Нидерландия, Германия, Дания, Польша ва Россия билан қизғин савдо-сотик ишлари олиб борарди. Кўпгина шаҳарлар — Стокгольм, Кальмар, Упсала, Або, Гельсингфорс (Хельсинки) ва бошқалар муҳим савдо марказлари бўлиб қолган эди. Океан нари ёғидаги мамлакатлар билан савдо-сотик ишларини олиб бориш учун Швецияда 1627 йилда «Жанубий компания» ташкил қилинган эди. 1668 йилда Швецияда давлат банки ташкил қилинди, бу Европада энг илк очилган банклардан бири эди. Лекин Швеция саноати жуда ҳам бир ёқлама тараққий этган эди. Асосан қазиб чиқарувчи саноат тараққий топган бўлиб, металлсозлик саноати қисман ривожланган эди.

Швециянинг XVII асрдаги экспорти асосан хом ашёдан ва ярим хом ашёдан иборат эди, яъни чет элларга темир, мис, ҳар хил турдаги ёғоч, ёғ, балиқ, мўйна ва шу каби нарсалар

чиқарилар эди. Газмол (мовут, полотно ва ҳоказо), юқори нав металл буюмлар ва шу кабиларни Швециянинг ўзи чет эллардан сотиб олар эди. Иккинчи томондан, Швециянинг қишлоқ хўжалиги тинмай ўсиб бораётган саноат эҳтиёжларини қондира олмас эди. Швеция XVI асрда жуда кўп ғаллани, XVII асрда ундан ҳам кўпрогини чет эллардан — Россиядан ва Балтикабўйи мамлакатларидан сотиб оларди. Маҳаллий саноат хом ашё (жун, каноп ва шу кабилар)нинг етишмаганлиги Швеция саноатининг ривожланишига халақит берарди. Швециянинг тўқимачилик саноати XVII асрда ҳам энди вужудга келаётган ҳолатда эди.

XVI—XVII асрларда Швециянинг ташқи сиёсати. Дания ҳукмронлигидан қутулиб олганидан кейин Швециянинг ўзи қўшниларига нисбатан кенг миқёсда агрессив сиёсат юргиза бошлади. Балтика масаласи Швециянинг ташқи сиёсатида асосий ўрин тутарди. XVI асрда ҳам, XVII асрда ҳам короллик қилган швед королларининг ташқи сиёсати Балтика денгизи орқали бўладиган савдо-сотиқ ишларида тапхо ўзлари ҳукмрон бўлиш мақсадида Балтика денгизини бутунлай ўз қўлларига киритишга интилишдан иборат эди. Шу мақсадга эришиш учун Швеция бу давр ичида ўз қўшнилари билан жуда кўп урушлар қилди. Швеция Ливония урушида иштирок қилиб, натижада Эстонияни ва Лифляндиянинг бир қисмини босиб олди. XVII аср бошларида Россиянинг заифлиби қолганлигидан фойдаланиб, Швеция 1617 йилги Столбово сулҳига мувофиқ Ингерманландия ва Карелияни босиб олди, шундай қилиб, Москва давлатини Балтика денгизи қирғоқларидан тамомила ажратиб қўйди. Ғарбий Европа бозорларига юбориладиган рус молларини Нарвага, Або, Виборг ва Ревелга олиб бориш лозим бўлиб қолди. Чет эл савдогарлари рус савдогарлари билан бевосита савдо-сотиқ қилолмай қолдилар. Рус савдогарлари ўзларининг ташқи савдо ишларини Архангельскка кўчиришга мажбур бўлдилар, чунки бу ерга шведлар кириб бора олмас эдилар.

1629 йилда Альтмарк сулҳига мувофиқ Швеция Рига шаҳрини, Курляндияни, Шарқий Пруссия билан Литванинг бир қисмини олиб, Лифляндиядаги ерларини кенгайтди. Король Густав II Адольфининг (1611—1632) кенг кўламдаги истилочилик планлари ҳақида юқорида¹ айтиб ўтилган эди, у Балтика денгизининг жанубий (немис) қирғоқларини босиб олишни аниқ ният қилиб, Уттиз йиллик урушда қатнашган эди. Дарҳақиқат, Балтика денгизи «шведлар денгизи»га (ёки «шведлар кўли»га) айлангандек бўлиб кўринган эди. 1648 йилги Вестфалия сулҳига мувофиқ, Швеция Германиянинг шимолидаги ғоят муҳим областларни, яъни Германиянинг энг катта дарёларидан учтаси — Эльба, Везер ва Одер дарёларининг денгизга қуюдиган

¹ «1618—1648 йиллардаги Уттиз йиллик уруш» деган бундан олдинги бобга қаралсин.

жойларини эгаллаган эди. Бундан ташқари, Швеция Даниянинг Готланд оролини (1645 йилда) босиб олган ва Зунд орқали швед кемаларининг бемалол (бож тўламай) ўтиб юриш хуқуқига эга бўлган эди. XVII аср ўрталарида Швеция данияликларни Жанубий Скандинавиядан бутунлай суриб чиқарган эди (1658 йилда Бликенг, Скония ва Голланд вилоятларининг қўлга киритилиши кўзда тутилади).

XVII асрнинг иккинчи ярмида Швеция уч миллион аҳолиси бўлган мамлакатга айланди. Аммо бунда шведларнинг ўзи эса бир миллиондан ортиқ эмас эди. Қолган икки миллиони бошқа халқлар: финлар, кареллар, руслар, эстонлар, латишлар, поляклар, литвалликлар, немислар ва данияликлар эди. Бундай ҳолда Швециянинг давлат тузуми мустаҳкам бўлиб қола олмас эди.

Бўйсундирилган ва эзилаётган миллатлар эртами-кеч Швециядан ажралиб чиқиб, этник чиқишлари жиҳатидан яқин бўлган, тили бир хил бўлган, шунингдек, иқтисодий ва маданий манфаатлари яқин бўлган қўшни мамлакатларга қўшилиб кетишга интилмаي иложи йўқ эди. Бундан ташқари, Швециянинг юз эллик йилдан ортиқроқ давр мобайнида Ваза сулоласидан бўлган швед короллари амалга ошириб келган агрессивлик, урушқоқлик ва улуғ давлатчилик сиёсатига жавобан қўшни мамлакатларнинг шведлар агрессиясига қарши курашени кўзғатарди.

Шведлар Балтика денгизига танҳо ўзлари ҳоким бўлишга интилиб, Россия, Польша, Германия, Даниянинг ва Балтикабўйига бирон жиҳатдан алоқадор бўлган бошқа мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига қўпол равишда путур етказардилар. Шведларнинг босқинчилигига халақит бериш мақсадида ҳаракат бошлаган Европа давлатларининг иттифоқи XVII аср ўрталаридаёқ тузилган эди, унда Польша, Дания, Австрия, Бранденбург ва Москва давлати айни бир вақтда Швед короли Карл X га қарши отланган эдилар. XVII аср охирларида шведларга қарши (Россия, Польша ва Даниядан иборат) иттифоқ қатъий расмийлашди. 1700—1721 йилларда давом этган Шимоллий уруш Швециянинг тамомила мағлубияти билан тугади ва натижада у Европанинг иккинчи даражали давлатлари қаторига тушиб қолди.

Социал зиддиятларнинг кескинлашуви. Швециянинг XVI—XVII асрлардаги тараққиётида юз берган зиддиятлар ёлғиз ташқи зиддиятлардангина иборат бўлиб қолмади. Мамлакат ичида ҳам социал ва сиёсий зиддиятлар етилиб қолмоқда ва тобора кескинлашмоқда эди. Швеция саноат ва савдони ривожлантириш соҳасида бир қанча муваффақиятларга эришган бўлса-да, аммо шунга қарамай, бу даврда у саноат мамлакатига айлана олмади. Швед шаҳарлари тараққий этган бўлишига қарамай, Ғарбий Европанинг энг тараққий этган бошқа мамлакатларининг шаҳарлари каби мамлакатда катта таъсирга эга

бўла олмадилар. Швециянинг социал тузуми учун оқсуяк дворянларнинг гоят катта эътиборга эга бўлганликлари характерлидир; улар ишланадиган ерларнинг кўп қисмини, кўпгина ўрмонлар, конлар, қўллар ва бошқа территорияларни эгаллаб олган эдилар. Ҳарбий, маъмурий ва дипломатия соҳасидаги раҳбарлик ўринларда ҳам оқсуяклар турарди. Сенат, XVII асрда Швециянинг мунтазам ишлаб турадиган олий ҳукумат органига айлантирилган илгариги давлат кенгаши — риксрад ҳам ўша аристократлар қўлида эди.

Аристократларнинг таъсири Густав Адольф давридаёқ ўсган ва унинг қизи (аввал ёш бўлиб, сўнгра улғайгандан кейин ҳам ҳеч қандай мустақиллик кўрсатмаган) королева Христиана ҳукмронлик қилган замонда (1632—1654) эса айниқса кучайган эди. Христиана вақтида уивонли дворянлар жуда ҳам кўпайиб кетган эди. Қуйида келтирилган рақамлар бунини яққол кўрсатади: 1632 йилда Швецияда 4 граф, 9 барон, 321 дворян бўлган; 1654 йилда эса графлар 22 тага, баронлар 54 тага, дворянлар 649 тага етган. XVII аср ўрталарида дворянлар королликка қарашли ерларнинг ҳаммасини деярли талон-торож қилишган ва ўзаро бўлишиб олишган эдилар. XVII асрнинг ўрталарига келиб Швецияда королликка қарашли ҳамма қулай ҳайдаладиган-ўтлоқ ерларнинг камида 70 проценти дворянлар қўлида эди. Дворянлар ўз ерларида яшаётган деҳқонлардан давлат солиқларини ўз фойдаларига тўплаш, маҳаллий қишлоқ черковларига пасторлар тайинлаш, бир неча ножўя ишлар учун деҳқонларни ўзлари суд қилиш ҳуқуқини олдилар. Помешчиклар XVI ва XVII асрларда ҳам иқтисодий ва юридик жиҳатдан ўзларига қарам бўлиб қолган деҳқонларни ҳар қандай йўллар билан крепостнойларга айлантиришга ҳаракат қилар эдилар.

Шу тарзда Швецияда XVI—XVII асрларда рўй берган феодал процесслари ўз характерини жиҳатидан «иккинчи марта асоратга солиш» деб аталадиган ҳамда Эльбанинг шарқидаги мамлакатларда рўй берган процессларга яқинлашиб қолган эди. Оқибат натижада маҳаллий шароитлар туфайли, аввало мамлакатда етарли даражада қулай ва кенг ҳайдаладиган ерлар йўқлиги туфайли, шунингдек, тарихий, иқтисодий ва сиёсий характердаги бошқа сабаблар туфайли Швецияда XVI асрда ҳам, XVII асрда ҳам крепостнойлик системаси қарор топмади. Шунга қарамай асоратга солиш соҳасидаги тенденциялар анча реал бўлиб, бунинг натижасида Швеция деҳқонларининг аҳволи анча ёмонлашган эди.

Буларнинг ҳаммаси ўткир социал зиддиятларни келтириб чиқарди. XVII асрнинг ўрталарида Швециянинг турли районларида деҳқонларнинг жиддий ҳаракатлари рўй берди. 1653 йилда Урта Швециядаги (Нерке вилояти) қўзғолон айниқса кучли бўлди. Бу қўзғолонда деҳқонлар мамлакатдаги барча дворянларни яқсон қилиш ширини ташладилар. Тахминан шу

пайтларда қарам вилоятларда — Финляндия, Карелияда, Балтикабўйи областларида, шунингдек илгари Данияга тегишли бўлган ва яқинда қайта қўшиб олинган жанубий Швеция вилоятларида деҳқонларнинг ғалаёилари бўлиб ўтди. Майда дворянлар ва буржуазия ўз навбатида аристократиянинг зўравонлигидан ғазабланар, ҳамда риксдагда (Швеция сеймининг қуйи палатаси) аристократия томонидан талон-торож қилинган короллик ерларининг хазинага қайтарилишини (бу нарса редукция деб аталади) талаб қилардилар. Швецияда XVII асрнинг иккинчи ярмидаги короллар — Карл X ва Карл XI даврида қисман редукция ўтказилди. Бироқ аристократия доиралари шундан кейин ҳам ўз сиёсий таъсирларини йўқотмадилар. Швеция XVIII асрнинг бошларида ҳам умуман типик феодал-сословияли аристократик монархиялигича қолаверди.

XLIX БОБ

XVI—XVII АСРЛАРДА ПОЛЬША

XVI асрда Польшанинг иқтисодий тараққиёти. XVI асрда Польша катта давлат эди. Буюк Польша, Мазовия, Кичик Польша, Литва, Галиция, Жануби-Ғарбий Русь, Ғарбий ва Шарқий Пруссия (бу ўлка қарам, вассал мамлакат сифатида), Ливониянинг бир қисми (Лифландия) Польша давлати составига кирган эди. XVI аср бошларида Польшанинг 5 миллионга яқин аҳолиси бор эди (ўша даврдаги Англия ёки Нидерландиядагидан анча ортиқ эди). Аммо шу билан бирга XVI асрда Польша типик аграр мамлакат бўлиб қола берди. Умуман унинг саноати ва савдоси яхши ривожланмаган эди. Туркларнинг Шарқи-Жанубий Европадаги истилолари муносабати билан ва Буюк географик кашфиётлар натижасида Польша халқаро савдонинг асосий йўлларида четда қолиб кетган эди. Шарқий Европадаги бошқа мамлакатлар (Шарқий Германия, Балтикабўйи мамлакатлари) каби Польша ҳам Ғарбий Европадаги саноат соҳасида анча тараққий қилган мамлакатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берадиган аграр мамлакатга айланиб бормоқта эди. Висла ва Неман дарёларида Балтика деңгизи портларига Польшадан жуда кўп миқдорда жавдар, буғдой, арпа, сули, зиғир, хмель, кўн, ёғ, мум, смола, ёғоч, қорамол ва шу сингарилар ташиб бориларди. Польшанинг ўзинга эса четдан турли газмол, металл буюмлар ва панларнинг кўпдан-кўп қаср ва қўрғонлари учун ҳар хил жиҳозлар ва зийнат буюмлари келтириларди.


Крепостнойликнинг кучайиши. Четга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чиқариш ва биринчи навбатда ғалла сотишга асос-

ланган ташқи савдонинг ривожланиб бориши негизда Польшада XV аср охири ва бутун XVI аср давомида крепостной ҳуқуқ кучайиб бормоқда ва тобора умумий тус олиб, деҳқонлар оммасининг аҳволини айниқса оғирлаштирмоқда эди. Сеймда кетма-кет қабул қилинган қонунлар поляк деҳқонларини асоратта солишни юридик жиҳатдан расмийлаштириб берар, деҳқонни панлар ихтиёрига тамомила топширарди. 1496 йилда қабул қилинган қонун (статут) тирикчилик учун пул топиш мақсадида бир деҳқон оиласидан фақат бир кишининг четга кетиб ишлаши мумкин деб, деҳқонларнинг қишлоқдан четга чиқиб кетишларини чеклаб қўйган эди. 1520 йилда қабул қилинган қонун илгари баршчина билан сира алоқаси бўлмаган деҳқонларни ҳам ҳафтада бир кун баршчина ишлаб беришга мажбур этар эди. 1543 йилда чиқарилган қонун қочиб кетган крепостной (холоп)нинг барча мол-мулки билан ўз помешчиги ихтиёрига қайтарилишини талаб қилар эди. 1573 йилда қабул қилинган қонунда помешчик ерларида яшаган деҳқонлар учун «пан хоҳиш-иродаси билан» чексиз баршчина ўрнатилди. Крепостнойлар тамомила панлар суди ихтиёрига берилган эди. Деҳқонларни ҳамма ишлар юзасидан, шу жумладан, жинойӣ ишлар учун ҳам помешчик суд қилар эди. Пан «ғазабӣ ошиб» крепостной деҳқонни ўлдириб қўйганида озгина штраф билан қутулар эди. Помешчик деҳқонларнинг ҳамма ерларини тортиб олиб, ўзларини хизматкор, малай қилишга ҳақли эди. Крепостной деҳқонларни ерсиз сотиш ва сотиб олиш жуда авж олган эди.

XVI асрдаги дворян публицистлари ҳам крепостной деҳқонларнинг аҳволи ғоят оғир бўлганлигини эътироф этишга мажбур бўлганлар. Сарой воизи, олим Пётр Скарга (XV аср ахири ва XVI аср бошлари): «Христианлар оламида деҳқонлар билан бизнинг короллигимиздаги каби бунчалик ёмон муомала қиладиган бошқа королликни мен кўрган эмасман» деган эди.

Савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи поляк шляхтаси иқтисодий монополияни фақат ўз синфи қўлида сақлаб қолишга интилди. Ҳукумат шляхтанинг чет элларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бож тўламай чиқариши учун имконият берган ва спирт тайёрлаш монополиясини шляхта қўлига топшириб қўйган эди. Қишлоқдаги карвон саройлар, темирчилик устаноналари ва тегирмонларнинг ҳаммаси помешчиклар монополиясида эди. Помешчиклар манфаатини кўзлаб, ҳукумат чет эллардан киритиладиган саноат молларидан бож олмас ва помешчикларга зарур бўлган саноат молларини Польшадан четга чиқартирмас эди.

XVI—XVII асрларда поляк шаҳарларининг эволюцияси. Польшада XV асрнинг иккинчи ярми — XVI асрнинг биринчи ярмида шаҳар ривожланишда давом этди. Бу даврда кўпгина янги шаҳарлар вужудга келди, булар орасида тез ўсаётган Вар-



XVI—XVII асрларда Польша

шава¹ ҳам бор эди. Эски шаҳарлардан жанубда Краков, Люблин: Сандомир, шимолда Торунь ва Гданьск (ёки Данциг) ажралиб турарди. Польша савдогарлари ғарбдан жанубий шарққа (Қора денгизнинг шимолий соҳилидан, Москва давлатидан) йўллар Польша орқали ўтганлиги муносабати билан воситачи савдогарлар сифатида катта фойда олардилар. Польша Германия, Венгрия, Италия, Скандинавия мамлакатлари ва Россия билан интенсив савдо олиб борарди. Польша шаҳарларида бу даврда саноатнинг турли тармоқлари: мовут тўқиш, турли газламаларга гул босиш, металлургия, кўнчилик, қоғоз, шиша ва бошқа ишлаб чиқаришлар анча муваффақиятли ривожланди. Бой шаҳарликлар орасида маҳаллий поляк элементлари устуликни қўлга ола бошладилар. Келгинди немис ҳунармандлари ва савдогарлари секин-аста поляклар билан қўшилиб кетдилар.

¹ Варшава қаср сифатида XII—XIII асрлардаёқ мавжуд эди, шаҳар сифатида фақат XIV—XV асрларда ўса бошлад.

Аммо Польшадаги шаҳар ҳаётининг бу юксалиши унча узоққа чўзилмади. Бунга қисман савдо йўлларининг ўзгариши, хусусан Туркиянинг Болқон ярим оролидаги истилолари муносабати билан Қора денгизнинг жануби-шарқида ва Дунай соҳилида савдонинг касодга учраши сабаб бўлди. Бу ҳол Польша савдо оборотлари ҳажмини анча қисқартирди. Аммо Польшада Висла бўйлаб ва сўнгра қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг тобора ортиб бориши муносабати билан Балтика денгизи бўйлаб савдо ривожлана бошлади. Аммо худди шу савдо шаҳарликларга эмас, балки панларга ва шляхталарга асосий фойдани келтирди. Панлар ва шляхталар крепостнойлик хўжалигини ривожлантириб, XV асрнинг охиридан ва айниқса XVI асрдан бошлаб Польша шаҳарларига ҳужум бошладилар ва унинг иқтисодий позицияларини бутун чоралар билан камситдилар. Панлар ва шляхталар ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пошлинасиз олиб чиқиш ҳуқуқини давлатдан олган бир пайтда, поляк саноати ҳар қанча имтиёзли пошлиналарга қарамасдан чет эл конкуренциясидан ҳимоя қилинмасди. Панлар ва шляхталарнинг манфаатлари ҳамда шаҳарларнинг яққол зарари ҳисобига Польшага саноат маҳсулотларининг бемалол олиб кирилишига руҳсат этилган эди. Польша ҳукумати шаҳар ҳунармандчилик цехларини сиқиб қўйди ва қисман тугатди. Шаҳарликларга ер сотиб олиш тақиқлаб қўйилди. Поляк феодаллари крепостной деҳқонларни шаҳар саноати маҳсулотларини сотиб олишдан атайлаб тийиб турардилар ва бу билан ички бозорнинг бирор даражада кенгайишига халақит берардилар. Ички бозор ривожланмаса, миллий саноат ҳам ривожлана олмади. Ана шу тадбирлар натижасида XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярмида Польша шаҳарларининг хўжалиги орқага қараб кетди. Айрим жойларда вужудга кела бошлаган мануфактуралар ҳалок бўла бошлади. Шаҳар ҳунармандчилиги зўрға яшаб келарди. Шу тарзда поляк учинчи сословиесининг шаклланиши узил-кесил барбод бўлди.

Польшанинг сиёсий тузуми. Крепостной ҳуқуқ авжига чиққан ҳамда поляк шаҳарлари иқтисодий ва сиёсий ҳаётдан заиф бўлган шароитда феодаллар (панлар ва шляхталар) мамлакатда бутун ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб турар эдилар. Ўрта асрлар охирида Европанинг кўпчилик мамлакатларида марказлашган давлатнинг сиёсий формаси бўлган абсолютизм ташкил топган ҳолда, Польшада, аслида XVI асрда ҳам феодал тарқоқ монархияси ҳукм сурмоқда эди. Король ҳокимияти жуда заиф бўлиб, номигагина мавжуд эди. Польша короллиги чин маънодаги монархия эмас эди. Дворянлар сейми сайлаб қўядиган ва ҳуқуқлари шу сейм томонидан чеклаб қўйилган король чинакам королдан кўра, ўзига хос поляк дворян-шляхта республикасининг умрбод президентиға ўхшарди. Ф. Энгельс «Деҳқонлар уруши» деган китобида немис рицарлигини поляк шляхтаси билан таққослаган ҳолда характерлаб, бундай деган эди: «Кре-

постнойлик негизига қурилган дворянлар демократиясининг Польшада мавжуд бўлган тарздаги формаси... жамиятнинг энг ибтидоний формаларидан бири эди»¹.

Польша королининг донмий армияси йўқ эди, шунинг учун у тамомила шляхта лашкарига, яъни «посполита қулатувчилари»га қарам эди. Королнинг молиявий аҳволи ҳам ниҳоятда танг эди. Ҳатто бир замонлар королга қарағли ер-мулкларнинг ҳам кўп қисми XV аср давомида ва XVI аср бошларида магнатлар қўлига ўтиб кетган эди. Короллар бу ерларни короллик ихтиёрига қайтариш (редукция қилиш) масаласини кўп марта кўтариб чиққан бўлсалар ҳам, лекин натижасиз қолган эди.

Поляклар реформацияси ва контрреформация. XVI асрнинг 20-йилларидан эътиборан Польшада реформация ҳаракатлари кенг тарқала бошлади. Поляк реформациясининг хусусияти унинг жуда хилма-хил эканлигида эди. Польшага лютеранлик, ҳам кальвинизм, гусчилар черкови («чех биродарлари») ва бошқалар кириб кела бошлади. Троица ҳақидаги таълимотни рад этувчи ҳамда христиан догматлари ва урф-одатларини рационалистик руҳда талқин қилувчи антитринитаризм деб аталадиган оқим Польша реформациясининг энг демократик оқими эди². Антитринитаризм кичик Польша шаҳарларида, айниқса Краковда энг кўп тарқалган эди. Аммо унинг таъсири ҳам етарли даражада кенг эмас эди. Деҳқонлар оммаси орасида реформация умуман кам тарқалди. Поляк деҳқонлари идеологик жиҳатдан тамомила католик черкови таъсири остида қолдилар. Поляк бўлмаган деҳқонлар (украинлар ва белоруслар) шарқий православие ақидасига амал қилардилар. Реформация асосан дворянларни ва қисман шаҳар доираларини қамраб олди. Черковга қарашли жуда кўплаб католик ерларининг секуляризация қилиниши кўпгина панлар ва шляхталар орасида хайрихоҳлик туғдирди. Янги реформация қилинган черков жамоаларининг раҳбарлари дворянларга уларнинг сиёсий таъсирини янада кўпроқ кучайтиришни ваъда қилди. Бироқ, Польша реформацияси муваффақиятли чиқмади. Аслида бу нарсга турли феодал тўдаларининг ўзаро курашига айланиб кетди, чунки ҳар бир реформацион оқимнинг у ёки бу магнатларидан иборат ҳомийлари бор эди. 1570 йилда Сандомирдаги съездда миллий поляк реформациялаштирилган черковини яратиш йўлидаги уруниш муваффақиятсиз чиқди.

Католик реакцияси поляк реформациясининг тарқоқлигидан фойдаланди. Поляк королларининг ўзлари феодал олигархиясига қарши католик черковининг мададига муҳтож эди. 1564 йилда король Сигизмунд II Август Польшага иезуитларнинг

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, VIII т., 138-бет.

² Антитринитаризм Польшага гуманистик ҳаракат муносабати билан Италиядан кириб келди. Унинг асосчиси Леллий Социн (1525—1562) бўлган эди.

киришига рухсат берди. XVI асрнинг 80 ва 90-йилларида католик реакцияси тўла тантана қилди. Поляк протестант дворянларининг кўпчилиги католицизм қаноти остига қайтди.

1569 йилги Люблин унияси. Сигизмунд II Август вақтида (1548—1572) Польша ўз ерларини анча кенгайтирди. 1561 йилда Иван Грознийга қарши олиб борилган Ливония уруши давомида Лифляндия Польшага қўшиб олинди. Шундан бир неча йил кейин ўша Ливония уруши туфайли Польша Литва билан янги уния (иттифоқ) тузди. 1569 йилда поляк ва литва феодалларининг Люблинда бўлиб ўтган қўшма сеймида умумий поляк-литва сеймига эга бўлган ва умумий ташқи сиёсат олиб борадиган бирлашган Польша-Литва давлати тузилганлиги эълон қилинди. Кенг литва-рус ерларининг қўшиб олинishi поляк панларининг жанубдаги (украин) галлакор ерларини босиб олишига ва колонизация қилишига кенг имкон берди. Шарқдаги колонизаторлик сиёсати католиклар реакциясининг узил-кесил ғалабаси учун шароит туғдириб берди. Энди поляк дворянлари Польшанинг ўзида католик черковининг ерларини мусодара қилишдан бемалол воз кечишлари мумкин эди. Бунинг устига католик черкови полякларнинг ҳукмрон синфлари учун ниҳоят даражада зарур бўлиб қолган эди. Жанубий рус ерларидаги маҳаллий деҳқон аҳолиси орасида босқинчи ва крепостник поляк панларига қарши қаттиқ норозилик ва душманлик бошланган эди. Деҳқонларни идеология жиҳатидан поляклар таъсирига бўйсундириш мақсадида панлар православ динидаги рус-украин аҳолисини католик динига киритиш планини тузиб чиқдилар. Дафъатан католик динига киритиш аҳолининг қаршилигига учраганлигидан, католик руҳонийлари «черков унияси» деб аталган ўрта бир ўтиш йўлидан фойдаландилар. Православ черкови ўз диний расм-одатларини ва ибодат қилишда славян тилини сақлаб қолгани ҳолда Рим папасига бўйсунishi лозим эди. Шу черков унияси тўғрисидаги қарор 1596 йилда Брест шаҳридаги черков соборида қабул қилинган эди (Брест унияси).

Ягеллолар сулоласининг тугаши. Король ҳокимиятининг яна заифланиб кетиши. 1572 йилда Ягеллолар сулоласи тугади. Бу сулоланинг сўнгги намояндаси бўлган Сигизмунд II Августдан фарзанд қолмади. Сайловларда (элексияда) панлар Польшанинг тожи-тахтини француз шаҳзадаси ва кейинчалик Генрих III номи билан Франциянинг қароли бўлган Генрих Валуага таклиф қилдилар. Генрих атиги бир неча ойгина Польшанинг қароли бўлиб турди. У акаси Карл IX ўлганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиши биланоқ Польшадан жўнаб кетди. Аммо унинг номи Польша қаролининг ҳуқуқини яна ҳам чеклаб қўйиш билан машғурдир. 1573 йилда Генрих «артикуллар» (моддалар)ни имзолаши керак эди; бу «артикуллар» қаролга тахт вориси белгилашни ман қилган, сеймлар чиқарган қарорларни тасдиқлаш ёки рад қилиш, сулҳ тузиш ва лашкар тўплаш (пос-

полит қулаши) ҳуқуқларидан королни маҳрум қилар эди. Ма- бодо король «короллик расм-одатлари»ни бузгудай бўлса, фу- қаролари (яъни панлар ва шляхталар) унга қарши қўзғолон кўтара олар эди.

Навбатдаги король Стефан Баторий (1576—1586) Ливония урушини муваффақият билан тамомлаган (1582 йилда) бўлса- да, унинг ҳокимияти ҳам катта эмас эди.

Ваза сулоласи королларининг ҳукмронлик қилиши. Стефан Баторийнинг ворислари бўлган ва швед короли Ваза хонадони- дан чиққан король Сигизмунд III (1587—1632) ҳамда унинг ўғ- ли Владислав IV (1632—1648) замонда король ҳокимиятининг обрўси бирмунча кўтарилди. Шу билан бирга янги сулоланинг қўшни халқларга нисбатан тутган агрессив, босқинчилик сиёса- ти оқибат натижада Польша давлатининг мустақкамланишига эмас, балки аксинча, унинг очиқдан-очиқ заифлашишига олиб келди. Польша XVII асрнинг биринчи ярмида ўзининг ташқи сиёсатида бир неча марта жиддий муваффақиятсизликка учра- ди. Сигизмунд III, швед ерларини ўз ҳукмронлиги остида бир- лаштириш учун жуда кўп куч сарф этди. Аммо у бунинг удда- сидан чиқа олмади. Швецияда Ваза сулоласининг бошқа бир протестант насл-насаби (бутоғи) мустақкамланиб олган эди. Сигизмунд III ва Владислав IV нинг Москва давлатига нисба- тан олиб борган агрессив сиёсати ҳам муваффақиятсиз бўлиб чиқди. XVII аср бошларида Россияда кескинлашиб кетган со- циал ва сиёсий зиддиятлардан фойдаланиб, Сигизмунд дастлаб ўз гумаштаси Лжедмитрий (биринчи «қаллоб») орқали Москвага таъсирини ўтказмоқчи бўлди. Бу Лжедмитрий ўлдирилганидан кейин, Сигизмунд иккинчи қаллоб — «тушин ўғриси»ни қўл- лаб-қўлтиқлади, сўнгра эса Москва давлатига қарши очиқдан- очиқ интервенция йўлига тушди ва шу йўл билан Москвага ўзи подшо бўлиб сайланишга ҳаракат қилди.

Минин ва Пожарский бошчилигида кўтарилган рус халқ-ва- таипарварлик ҳаракати оқибатида поляклар Москвадан ҳайдал- ди. Поляк королини Москвага подшо қилиш йўлидаги уриниши тамомила барбод бўлди. Москва давлати билан бўлган икки уруш (1609—1618 ва 1632—1634 йиллар) Польшанинг дармони- ни қуритди. Россиянинг вақтинча Смоленскдан маҳрум бўлиши Польшанинг бу урушларда сарфлаган харажати ва кучлари- нинг ўрнини қоплай олмади.

Балтика бўйида Польшанинг мавқеи яхши эмас эди. Польша ҳукумати Швеция фойдасига бир қанча ён беришлар қилишга мажбур бўлди. 1635 йилги Штумдорф яраш сулҳига биноан Ли- вониянинг катта қисми Швеция қўлида қолди. Айни вақтда 1618 йилда Пруссия герцоглигининг Бранденбург билан бирла- шуви муносабати билан Балтика денгизида Польшанинг таъси- ри кескин камайди.

Казак-деҳқонларнинг Польшага қарши қўзғолони. Польша- нинг Москва давлатига қарши олиб борган кураши даврида по-

ляк феодалларининг украин халқига зулми кучайиб кетди. Поляк феодаллари украин халқини айниқса XVII асрдан бошлаб социал (крепостниклик) жиҳатдан ҳам, миллий-диний жиҳатдан ҳам қаттиқ қиса бошладилар. Панларнинг тобора зўрайиб кетаётган зулмига қарши казаклар қўзғолон кўтардилар. Запорожье Сечи қўзғолончи казакларининг маркази эди. Казак-деҳқонлар Косинский ва Наливайко бошчилигида XVI асрнинг 90- йилларида дастлабки катта қўзғолонларни кўтарган эдилар. Сўнгра казакларнинг йирик қўзғолонлари XVII асрнинг 30- йилларида бўлиб ўтди. 1630 йилда казаклар Тарас Фёдорович раҳбарлигида полякларнинг катта армиясини талафотга учратди. Запорожье казаклари И. Сулима бошчилигида 1635 йилда Кодак шаҳрини босиб олдилар ва вайрон қилдилар. Бу шаҳар Польша ҳукумати томонидан Сечга яқин жойда қурилган эди. 1637 йилда гетман Павел Бут (ёки Павлюк), 1638 йилда Яцко Остринин ва Дмитро Гуни бошчилигидаги казакларнинг қўзғолонлари ҳам унча кенг тус олмади. Украинадаги ҳаракат 40- йилларда ҳам давом этди. Айни вақтда XVII асрнинг 30 ва 40- йилларда Белоруссиянинг турли жойларида ҳам панларга қарши қўзғолонлар кўтарилди. Лекин украинлар ҳаракати 1648 йилда, бу ҳаракатга жуда катта ҳарбий ташкилотчи ва сиёсий арбоб Богдан Хмельницкий бош бўлгандан кейин, айниқса кенг қўламдаги миллий-озодлик ҳаракатига айланиб кетди. Золим поляк панларига қарши курашда Богдан Хмельницкий ёрдам сўраб қардош рус халқига мурожаат қилди. 1654 йилда Хмельницкий ташаббуси билан Переяславлда Украинанинг Москва давлатига қўшилиши расмийлаштирилди. Шундан кейин Россия билан Польша ўртасида узоқ йиллар давом этган (1654—1667) қаттиқ урушдан сўнғ тузилган сулҳ натижасида Смоленск, Чернигов, Чапиргоқ Украина ва Киев шаҳри ҳам Москва давлатига қўшилди. Шундай қилиб, панлар Польшаси оқибат натижада Россияга анча ён беришга мажбур бўлди.

Костка Наперский қўзғолони. Оғир крепостнойлик зулми ҳамда поляк деҳқонларининг ҳуқуқсизлиги Польшанинг ўзида кўпдан-кўп халқ ҳаракатларини келтириб чиқарди. Буюк ва Кичик Польшанинг кўпгина жойларида XVI асрнинг 90- йилларидаёқ деҳқонларнинг қўзғолонлари бўлиб ўтди. XVII асрнинг бошларида Краков воеводлигида деҳқонларнинг бир қанча ғалаёилари рўй берди (1615 ва 1630- йиллар). Аммо поляк деҳқонларининг ҳаракати Сигизмунд III нинг иккинчи ўғли—король Ян Казимир (1648—1668) ҳукмронлик қилган даврда 1651 йилда айниқса кенг тус олди. Қўзғолон бир йўла бир неча районда 1651 йил баҳорида шляхталар Богдан Хмельницкийга қарши юришга жўнаган пайтида бошланди. Қўзғолон марказларидан бири Калиш воеводлиги (Буюк Польша) эди. Энг катта ҳаракат 1651 йилда Кичик Польшанинг жанубидаги Подгалъеда авж олди. Қўзғолонга ўзини король полковниги деб танитган шлях-

тачи Александр Костка Наперский бошчилик қилди. У Хмельницкий билан алоқада эди. Костка Хмельницкийнинг даъватини деҳқонлар орасида тарқатди. Наперский ҳаракатининг ўзида поляк деҳқонларидан ташқари украин деҳқонлари ҳам қатнашдилар. Костка Наперскийнинг шиори крепостнойлик ҳуқуқини тамомила тугатиш ва бутун ерни деҳқонлар қўлига беришдан иборат эди. «Бас, панларнинг бизларни қийнаганлари етар...» — дер эди Костка деҳқонларга. Қўзғолончилар кейинчалик Краковни босиб олишни ва қўзғолонни бутун Поляшага ёйишни мўлжаллаган эдилар. Аммо ҳаракат тўла авж олмади. 1651 йил июнининг бошларида Наперский Венгрия билан чегарадош бўлган Чоршчтин қалъасини эгаллашга муваффақ бўлди. Бу ерда у мустаҳкамланиб олиб, Венгриядан ёрдам кутди. Қўзғолончилар ҳаракатининг ана шу сусткашлигидан фойдаланган Краков епископи катта қўшин билан Чоршчтин остоналарига келди ва уч кунлик қамалдан кейин уни эгаллади. Костка ва қўзғолоннинг бошқа раҳбарлари қўлга олиниб, Краковга юборилди ва у ерда қатл этилди.

Аммо шундан кейин ҳам қўзғолон яна бир оз вақт давом этиб турди. Берестеч остоналарида Хмельницкийнинг мағлубиятга учраганлиги ва шляхта посполит ағдарувчиларининг қайтиб келганлиги ҳақидаги хабар деҳқонлар ҳаракатини узил-кесил синдирди. Панлар ва шляхталар қўзғолончилардан ўч олиб жуда кўп кишиларни қатл қилдилар, қийнадилар ва бошқа хилдаги экзекуцияларга дучор қилдилар.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Польшадаги феодал анархия. XVII асрнинг биринчи ярми ва ўрталари мобайнида Польшада феодал анархияси тобора кучайиб борди. 1652 йилдан Польша сеймида ўрнатилган «liberum veto» («Эркин вето») деб аталадиган тартибга кўра сейм қарорлари бир овоздан қабул қилиниши керак эди. Лоақал бир депутат қарорга қарши норозилик билдирса, бу қарор қабул қилинмасди. Сейм бундай шароитда қонун чиқариш фаолиятини деярли тўхтатиб қўйди. Мамлакатда доимо гоҳ очиқ, гоҳ яширин ўзаро уруш бўлиб турди. Бу эсанинг иқтисодий ва маданий ривожланишига жуда катта зарар etkazди.

XVI асрда Польша маданияти. XVI асрда Польша маданияти ўз тараққиётида анча юксалишга эришиб фан, адабиёт, санъат, сиёсий тафаккур соҳаларида бир қанча ажойиб вакилларни etkazиб берди. XV асрнинг иккинчи ярми — XVI асрнинг биринчи ярмида Польша эконимикасининг юқорида кўрсатиб ўтилган юксалиши поляк маданиятининг ана шу юксалишига асос бўлди. Шаҳарларнинг ўсиши, Польшанинг кенг халқаро иқтисодий ва сиёсий алоқаларга қўшилиши, шляхталарнинг синф сифатида шаклланиши, уларнинг савдо билан боғланиши ва энг илғор вакилларининг шаҳарликлар билан яқинлашуви, — ана шуларнинг ҳаммаси муайян вақт давомида поляк маданиятининг барқ уриб ривожланиши учун шароит яратиб берди. Бу маданият ма-

ҳаллий аҳамиятгагина эмас, балки халқаро аҳамиятга ҳам эга бўлди.

Краков университети бутун Европада йирик, машҳур илмий марказ бўлиб қолди. Бу университетда астрономия, математика, рим ҳуқуқи, классик антик адабиётни ўрганиш айниқса юксак даражада турарди. Краков университети XV асрда, айниқса XVI асрнинг биринчи ярмида янги, гуманистик марифатпарварликнинг ўчоқларидан бири бўлиб қолди. Машҳур Николай Коперник (1473—1543) Краков университети билан боғланган эди. У яратган янги илмий гелиоцентрик система кейинчалик ҳамманинг эътирофига сазовор бўлди. Унинг қирқ йиллик илмий ишига яқун ясаган асосий асари — «Самовий сфераларнинг айланиши тўғрисида» деган китоби 1543 йилда унинг вафотидан сал илгари дунёга келди.

XVI асрнинг биринчи ярмида поляк адабиёти муваффақият-ли ривожланди. Унинг ўзига хос хусусиятлари — мароқли эканлигида ва ташқи бадний афзалликларидагина эмас (хусусан, поляк адабий тилининг лугати ва грамматикаси шаклланди), балки ғоявий йўналишида ҳам эди. XVI асрдаги илғор поляк ёзувчиларни мамлакатдаги социал зиддиятларнинг кескинлашганини, феодал зодагонлар ҳукмрончилигини, крепостнойлик зулмини кузатиб, бу ҳодисаларга қарши кескин порозилик билдирдилар, ҳамда ижтимоий тузумни реформа қилиш юзасидан конкрет таклифлар киритдилар. «Софдил кишининг ҳаққоний тасвири» китобининг муаллифи Николай Рей (1505—1569) ана шундай ёзувчилар жумласига киради. Бу китобда оддий кишилар — шаҳарликлар ва деҳқонларнинг оғир ҳаёти яққол кўрсатилган. «Чапақай» сатирик асарининг автори Ян Кохановский (1530—1584) ўз асарида шляхталарнинг бекорчилик ва айш-ишрат билан ўтадиган ҳаётини ва уларнинг деҳқонларга нисбатан шафқатсизлигини айниқса қаттиқ қоралаган. Антитринитарийларнинг демократик протестант оқимига мансуб бўлган Андрей Фрич Моджевский (1503—1572) ўзининг асосий асари «Речь Посполитаяни тузатиш тўғрисида» китобида черков ер эгаллигини секуляризация қилишни, шляхталарнинг тор сословияли имтиёзларини чеклашни, Польша сеймига шаҳарликлардан вакиллар киритишни, мамлакатда тўла диний эркинлик ўрнатилишини таклиф қилди.

Польшадаги Уйғониш даври тасвирий санъатда яққол акс этди. Умумевропа аҳамиятига эга бўлган атоқли ҳайкалтарош Вит Ствош (1445—1533) ёғочни ўйиб ҳайкал яшашнинг ажойиб устаси эди. У ўн икки йил мобайнида Краков соборида ёғочни ўйиб ясаган меҳроб ҳар бири икки метрдан баландроқ бўлган кўпгина одам фигураларининг жуда катта монументал иншоотидир. Ствош яратган ҳайкаллар учун форманинг динамиклиги, инсон бадани анатомиясини жуда яхши билишлик, моҳирона композиция, чуқур инсонийлик ва чинакам халқчиллик характерлидир.

Бироқ, поляк маданиятининг юксалиши унча узоққа бормади. XVI асрнинг иккинчи ярмида ва айниқса XVII асрда мамлакатнинг иқтисодий таназулга учраши ва хусусан поляк шаҳарларининг тушқунлиги ва феодал католик реакциясининг таънаси муносабати билан маърифатпарварлик, инсонпарварлик адабиёти орқага кета бошлади. Польша мактаби иезуитлар қўлига ўтди. Католик контрреформацияси протестантларнинг радикал ва демократик оқимларини тор-мор келтириб, университетда қисман схоластикани қайта тиклади: XVI асрнинг охири — XVII асрнинг биринчи ярмидаги поляк адабиёти ўзининг жанговар шоҳ қилувчилик хусусиятларидан маҳрум бўлиб, ўз таъсирини торайтирди, унинг китобхонлари асосан пай ва тор шляхта дбираларидангина иборат бўлиб қолди.


L БОБ

XVI—XVII АСРЛАРДА ТУРКИЯ

XV аср охири ва XVI асрда Усмонийлар империясининг ўсиши. Туркия империяси 1453 йилда Константинополь шаҳрини босиб олгандан кейин яна кенгая бошлади. Муҳаммад II 50 ва 60-йилларда Болқон ярим оролида Дунай бўйидаги Сербияни, Боснияни, Герцеговинани ва Албанияни¹ истило қилди. Болқон ярим ороли билан қўшни бўлган Валахия вассал қарам қилиб қўйилди. 70-йилларнинг ўрталарида турклар Қримни ва Тану (Азов) шаҳрини босиб олдилар. Тахминан шу вақтларда турклар Кичик Осиёда Трапезунд шаҳрини, деярли бутун Анатолияни то Фрот дарёсигача истило қилди. Аммо Муҳаммад II икки марта катта муваффақиятсизликка ҳам учради: у Белградни ишғол қила олмади, турклар уни 1456 йилда қамал қилган бўлсалар-да, мақсадларига эриша олмадилар; шунингдек, Родос оролини ҳам ололмадилар (1480 йилги қамал муваффақиятсиз бўлди).

Муҳаммад II нинг набираси Салим I замонида (1512—1520) туркларнинг истилолари яна бошланди. Салим Эронга қарши қилган ғолибона урушида Закавказье мамлакатларидан Озарбайжонни, Арманистоннинг ва Грузиянинг бир қисмини, Доғистон ва Курдистонни истило қилди. Сўнгра Салим Сурия билан

¹ Турклар Албанияни икки марта: дастлаб 1440 йил бошида, иккинчи марта 1468 йилда истило қилдилар. Икки истило ўртасида ўтган даврда албан халқи ўз мустақиллиги учун тинмай қаҳрамонона кураш олиб борди. 1443 йилда албанларнинг йўлбошчиси Георг Кастриот (Искандарбек) туркларга қарши кураш байроғини кўтариб чиқди. Қўзғолоннинг маркази Круя шаҳри эди. Кастриот 25 йилча Албаниянинг мустақиллигини сақлаб турди. Унинг вафоти (1468 йил)дан кейин, албанларнинг бошқа йўлбошчилари ўртасида бошланган ўзаро низо-жанжаллар натижасидагина турклар бу мамлакатни тамомла истило қилдилар (1478—1479 йилларда).



XVI—XVII асрларда усмонийлар империяси

Мисрни (1517 йил) босиб олиб, бутун ислом дунёсининг бошлиғи сифатида ўзига халифа унвонини олди. Крит, Кипр ва Ўрта денгиздаги бошқа ерларини ўз қўлида сақлаб қолиш учун Венеция Туркия султонига ҳар йили катта хирож тўлаб туришга мажбур эди.

Сулаймон I даврида Туркиянинг қилган урушлари. Султон Сулаймон I Қонуний даврида (1520—1566) Ўсмонийлар империяси ғоят катта қудратга эришди. Сулаймон подшолик қила бошлаши биланоқ Белград ва Родосни босиб олди. Шундан кейин у 1526 йилда Мохач ёнида катта галаба қозонди, бу ерда турклар чех ва венгрларнинг бирлашган армиясини тор-мор қилдилар. Венгриянинг каттагина қисми Туркия вилояти бўлиб қолди. Валахия билан Молдавия Портага¹ хирож тўлайдиган давлатларга, унга ҳар йили кўплаб пул тўлаб турадиган ва мустақил ташқи сиёсат юритиш ҳуқуқидан маҳрум этилган вассал князликларга узил-кесил айлантирилган эди.

1529 йилда Сулаймон Венани қамал қилди, лекин уни ололмади. Эронга қарши яна бошланиб кетган урушда Сулаймон Бағдод билан бирга Месопотамияни истило қилди. Шу билан бир вақтда турклар Шимолий Африка бўйлаб ғарбга томон силжиб бордилар. Улар Триполи билан Жазоирни ишғол қилдилар. Сулаймон замонида турклар бутун Арабистонни истило қилдилар. Уч қитъада жойлашган XVI аср Ўсмонийлар империяси илгарн Византия империяси билан Араб халифалигига қарашли бўлган ерларнинг ҳаммасини ўз қўл остида бирлаштирди. Ўрта денгизнинг каттагина қисми, Қизил денгиз, Форс қўлтиғи ҳам султон қўлида эди. Султон ҳар хил ҳинди рожаларининг португал мустамлакачиларга қарши олиб борган курашларига ҳомийлик қилди.

Сулаймон даврида Туркия Европа сиёсатида катта роль ўйнади. Француз короли Франциск I Габсбургларга қарши Сулаймон билан расмий суратда иттифоқ тузди. 1529 йилда Сулаймоннинг Австрияга қилган юриши Габсбургларнинг Валуага қарши олиб борган «катта уруш»нинг бир ҳалқаси эди. Сулаймон чет эллик савдогарларга имтиёзли савдо ёрлиқлари (капитуляциялар) бера бошлаган биринчи султон эди. 1535 йилда у француз савдогарларига турк сувларида бемалол қатнаш, Туркиянинг ҳамма портларида, озгина (5%) бож тўлаш шарти билан бемалол савдо қилиш ҳуқуқини берди.

Сулаймон I нинг ички сиёсати. Сулаймон ўзининг қонунлар тўпламини («Қонунномаи Сулаймонийсини») қолдириб кетди. Бу қонунномага 1566 йил санаши қўйилган. XVI аср:

¹ Порта — XVI асрдаёқ Туркия ҳукумати Европадаги расмий дипломатик ҳужжатларда шундай деб аталарди. Бу ном латинча «porta — «дарвоза», «эшик», сўздан келиб чиққан. Бу латинча ном ўз навбатида туркча «капу» сўзининг таржимаси эди. Туркия Министрлар совети мажлис қиладиган сарой биноси ана шундай деб аталарди, совет биноси эса султон қабул маросими ўтказадиган тахтли зал эшиги яқинида жойлашган эди.

да Туркиянинг ички тузилиши қандай бўлгани ҳақида шу тўп-ламга қараб ҳам фикр юритиш мумкин. Турк султонлари истило қилган кўпдан-кўп территорияларнинг маъмурий тузилиши Сулаймон вақтида бир хил формага солинди. Бутун империя 21 вилоятга бўлиниб, улар ўз навбатида 250 санжақ (район)га тақсим қилинди. Ҳар бир вилоятнинг тепасида вали, яъни губернатор турар, санжақ бошлиғи эса санжақбе, деб аталарди.

Янги ташкил топган ҳарбий феодал-империя ҳарбий ишларга катта эътибор берди. Сулаймон турк қўшинларининг янги чарлар деб аталган имтиёзли қисмини тартибга солган махсус регламент тузди. Яничарларнинг сони 12 мингдан 20 мингга етказилган эди. Улар мунтазам суратда катта маош олиб турар эди. Яничарларга урушдан бўш вақтларида ҳунар ва савдо билан машғул бўлиш учун ҳар хил имтиёзлар берилган бўлса-да, лекин бу нарса амалда уларни ҳарбий ишдан чалғитган, жанговарлик қобилиятларининг пасайишига сабаб бўлган эди. Аммо яничарлар турк қўшинининг озгина қисмини ташкил қилган. Туркиянинг асосий ҳарбий кучини феодаллар лашкари ташкил этган. Ҳар хил ер эгалари, чунончи, султоннинг ленниклари, йирикроқ ер эгаларидан — зоймлар ва бейлар, улардан майдароқ ер эгалари бўлган тимариотлар ва сипоҳийлар султон чақирган ҳамоно ерларига яраша миқдордаги қуролли деҳқонлари билан биргаликда юришларда қатнашиш учун етиб келишлари лозим бўлган. Шу тариқа тўпланадиган лашкарнинг сони 250 минг кишига етган. Катта-катта ленларни Сулаймоннинг шахсан ўзи улашган ва ўлиб қолган лешкарларнинг меросхўрларини ҳам ўзи тасдиқлаган.

Сулаймон деҳқонларнинг феодал мажбуриятларини ўзи чиқарган қонунларда белгилаб беришга уринди. Турк деҳқонлари давлатга солиқ тўлаш билан бирга ўз помещикларига ҳам ер ва сув ҳақи, иморат, чорва, тегирмон ҳақи ва бошқа шу сингари солиқлар тўлашлари лозим эди. Феодал ўз еридан қочиб кетган деҳқонни маълум муддат ичида қидиришга ҳақли эди. Меҳнаткаш аҳолидан жуда кўп ҳар хил солиқларни талаб қилган феодаллашиш жараёни ва Туркияни марказлаштиришнинг кучайиши муносабати билан XVI асрда турк деҳқонларининг аҳволи анча ёмонлашди.

Бўйсундирилган аҳолининг аҳволи. Турк деҳқонларининг аҳволи қанчалик оғир бўлган бўлса, диний эътиқоди жиҳатидан христианларга мансуб бўлиб, истило қилинган маҳаллий аҳолининг аҳволи ундан ҳам оғир эди. Серблар, греклар, болгарлар, валахлар (румунлар) ва бошқа риёлар (мусулмон бўлмаганларнинг ҳаммаси турк давлат тилида шундай деб аталарди) мусулмонларга қараганда давлатга икки баравар кўпроқ солиқ тўлашга мажбур эдилар. Улар мол-мулкининг даҳлсизлиги бутунлай таъмин этилмаган эди, ўзлари ҳам доим турк маъмурлари ва ҳарбийларининг ўзбошимчалигидан ва таҳқирлашидан азоб чекар эдилар. Диний расм-одатларнинг ижро қилинишига

ижозат берилар экан, бунинг учун христиан аҳолисидан яна қўшимча равишда огир солиқлар олинарди. Риёлар озгина норозилик билдирганлари тақдирда, улар устига жазо экспедициялари юборилар ва бу экспедициялар тинч аҳолини талар, ўлдирар эди.

Болқон ярим оролидаги халқлар турклар истилоси натижасида қандайдир сунъий бир тўсиқ билан бутун Европадан ажратилганидан турклар зулми шароитида жуда секин ривожланиб бордилар. Савдо-сотиқ ишлари тор доирада олиб борилди ва фақат маҳаллий характердагина эди. Саноат жуда секин ривожланди. Болқон ярим ороли халқлари (жуда кўпчилиги славян халқлари) бошига ғоят зўр офат бўлиб тушган турклар истилоси натижасида бу халқларнинг юз йиллар давом этган қисмати шу бўлдики, қишлоқ хўжалиги техникаси пастлигича қолаверди, бир қатор областларда натурал хўжалик ҳукмрон бўлиб келди, крепостнойлик муносабатлари сақланиб қолди, маданият турғунликка учради.

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярмида Болқон халқларининг турклар зулмига қарши олиб борган озодлик ҳаракати. Турклар томонидан бўйсундирилган Болқон халқлари турклар зулмига индамасдан бўйсунавермадилар. XV аср — XVI асрнинг бошларида Болқон ярим оролидаги мамлакатларнинг турклар томонидан забт этилган даврдан бошлаб кейинги асрлар мобайнида Болқон ярим оролидаги мазлум миллатларнинг кураши уларнинг бутун тарихи давомида тўхтамасдан давом этиб келди. Жуда катта армия, кўпдан-кўп чиновниклар, турк феодал-оккупантларининг бутун бир синфидан иборат ғоят катта мажбур қилиш воситасига таянувчи туркларнинг зулмини ағдариб ташлаш имкониятига эга бўлмаган тобе аҳоли партизанлар урушини олиб бордики, бу уруш аслида XVI—XVII асрлар даврида ҳам, шундан кейинги даврда ҳам мустақил давом этди. Партизанлар тоғлик жойлар шароитидан фойдаланиб ва деҳқон жамоалари мададига таяниб ярим оролда турк ҳукмронлигининг асосларига путур етказдилар, забтчи турклар обрўсини туширдилар, ҳамда турк маъмурияти ва турк маҳаллий феодалларининг энг ёвуз вакилларига қарши халқ қасосчилари бўлиб чиқдилар. Партизанлар турли номларга эга эдилар: болгарлар ва сербларда — гайдуқлар, Грецияда — клефтлар, Далмацияда — ускоклар ва ҳоказо деб аталардилар. Партизанларнинг қаҳрамонона кураши Болқондаги барча халқларнинг турклар ҳукмронлиги давридаги халқ қўшиқларида яққол акс эттирилди. Аммо партизанлик ҳар ҳолда Туркия ҳукмронлигига қарши курашнинг етарли методи эмас эди, у тарқоқ ва пароканда эди. Туркия маъмурлари партизанларнинг чиқишларига қарши курашнинг ўзларига хос террористик методларини қидириб топдилар. Ҳар ҳолда партизанлар Болқон ярим оролидаги турклар ҳоқимиятини ўз кучлари билан тугата олмадилар.

Турклар зулмига қарши мазлум халқлар томонидан олиб бо-

рилган курашнинг яна бир формаси — айрим жойларда, кўпинча энг йирик шаҳар пунктларида тез-тез фитналар ва қўзғолон кўтаришга бўлган уринишлардан иборат бўлди. Одатда бу фитналар ва қўзғолонлар четдан бўладиган мададга, яъни Европадаги бирор давлатнинг мададига умид боғлар эди. Австрия қўшинларининг мададидан умидвор бўлган 1594 йилги Баната сербларининг қўзғолони ана шундай энг дастлабки қўзғолон-фитналардан бири бўлди. 1598 йилда Иккинчи Болқон селтанатининг поймахти Тирновода туркларга қарши катта қўзғолон бўлиб ўтди. Бу қўзғолонга Тирново митрополити Дионисий ва бошқа айрим машҳур болгар боярлари бошчилик қилдилар. Қўзғолон қўшни Трансилвания ва Валахия феодаллари томонидан мадад олишни мўлжалаб кўтарилган эди. Аммо 1594 йилги Баната қўзғолони ҳам, 1598 йилги Тирново қўзғолони ҳам етарли тайёрланмаган бўлиб, муваффақиятсиз тугади.

XVII асрнинг бошларида айрим турк қўшинларига талафот етказган серблар ва черногорияликлар (1603 йилдаги Крис шаҳри районидаги серблар қўзғолони, 1604 йилги черногорияликлар ҳаракати) баъзи муваффақиятларни қўлга киритди.

Туркларга қарши кураш жараёнида славян мамлакатларининг ватанпарварлари бир диндаги ва қариндош бўлган халқ — руслар мададига тобора кўпроқ умид боғлай бошладилар. XVI ва XVII асрларда рус давлати қудратининг ўсиши бу умидни айниқса рағбатлантирарди. Болгарларда ва Болқондаги бошқа халқларда руслар эртами-кечми жафо чекаётган Болқон халқларига мадад кўрсатадилар ва уларни турк зулмидан озод қилалдилар, деган қатъий ишонч ошиб борди. Болқондаги мазлум халқлар орасида «дядо Иван» (яъни Иван бобо) ҳақида афсона вужудга келди. Бу образда улар ўзларини туркларнинг оғир зулмидан озод қиладиган улуг рус халқи ва кучли Рус давлатини мужассамлаштирган эдилар.

Туркия империясининг тушкунликка юз тутиши. Миллий зулм, мазлум миллатларни доимо бостириб туриш режими жуда катта Туркия империясининг аслида заиф эканини ва беқарорлигини кўрсатарди. Туркия империясининг сиёсий тузуми, идора қилиш системасининг ўзи ҳам унинг зиддиятлар ва ичидан заифлигини XVI асрдаёқ намоён этган эди. Фуқароларининг бутун ҳаёт-мамотини ўз қўлида тутиб турган султон мустабид ҳокимияти Сулаймон I нинг тахт ворислари вақтида саройдаги ҳар хил феодал партия ва гуруҳларнинг фитначилик қуролига айланди. Янги султон тахтга ўтирар экан, тожи-тахтга даъво қилувчи рақиблари қолмасин учун ўзининг барча ака-укаларини қириб ташларди. Сарой ҳаётида фитна устига фитна авжига чиқиб кетар ва одатда бу фитналарда яничарлар ҳам иштирок қиларди.

Тинмай давом этган урушлар жуда катта харажатларни талаб этарди. Жуда кўп ҳарамхоналари, маҳрамлари, беҳисоб хизматкорлари, жуда катта соқчи отрядлари ва бошқалари бўл-

ган султон саройига ҳам озмунча маблағ сарф бўлмас эди. Туркия империясидаги мамлакатларда солиқлар ҳаминша ошиб борар, аммо аҳолининг ишлаб чиқарувчи кучлари эса жуда секин тараққий этар эди. Шу нарса характерлидирки, Туркиядаги савдо ва саноат ишлари билан туркларнинг ўзлари эмас, балки султондан имтиёзли ёрлиқлар олган ғарбий ажнабийлар (асосан француз савдогарлари, XVI аср охирларидан бошлаб инглиз савдогарлари ҳам) машғул бўлар, ёки турклар истилосигача саноати тараққий этган ва халқаро савдо-сотиқ ишларида қатнашган, савдо ишларига моҳир бўлган Яқин Осиё халқлари — греклар, арманлар ва сурияликлар машғул бўларди.

Кўпроқ урушлар билан, аҳолини сиқиб, ундан солиқ тўлатиш билан банд бўлган турк ҳукумати савдо ва саноатнинг ривожланишига ҳамда қишлоқ хўжалигининг юксалишига мутлақо ёрдам бермас эди. Маркс ва Энгельс турклар режимини ишлаб чиқаришни ташкил этишни эмас, балки бўйсундирилган аҳолини талашнигина мақсад қилиб қўйган «ҳарбий босқинчилар»¹ режими деб тўла асосли равишда атаган эдилар. Туркларнинг ҳукмрон синфи урушни юз берган мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли деб биларди. Бу синф фикрича, янги урушлар янги хирож ва янги солиқлар олинадиган янги территорияларни кўпайтириб бериши лозим эди. Аммо Туркиянинг иқтисодий қолоқлиги, унинг социал ва сиёсий тузумидаги зиддиятлар замон ўтиши билан урушларни унинг ўзи учун хавфли ва натижасиз бир нарса қилиб қўйди. Турклар XV асрда ва XVI асрнинг биринчи ярмида бир қанча ғалабаларга эришгандан кейин, XVI асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XVII асрда ўзлари катта-катта мағлубиятларга учрай бошладилар ва бу мағлубиятлар XVII аср охири — XVIII аср бошларида Туркия империяси территориясининг анчагина торайиб қолишига сабаб бўлди.

Лепанто ёнида турк флотининг мағлубияти. Европаликлар билан бўлган урушларда турклар биринчи марта 1571 йилда Лепанто ёнида катта мағлубиятга учрадилар. Бу ерда туркларнинг жуда катта флотини Испания, Венеция ва Рим папасининг бирлашган флоти тор-мор қилган эди (бирлашган флотнинг бошлиғи Филипп II нинг укаси шаҳзода Дон-Хуан Австрийский эди). Дуруст, бундан кейин Туркия венецияликлардан Кипр оролини тортиб олган эди. Аммо шундай бўлса ҳам, бу мағлубият мамлакатнинг ички аҳволига қаттиқ таъсир қилди. XVI асрнинг 70, 80 ва 90-йилларида Туркия кескин ижтимоий-сиёсий кризисни бошидан кечирди. Мамлакатда давлат солиқларининг ортиши ва феодал тўловларининг кўпайтирилиши муносабати билан деҳқонларнинг бир неча қўзғолони бўлиб ўтди. 1591 йил айниқса «олағовурли» йил бўлди, бу йили кўпчилик вилоятлар султон Мурод III га (1574—1595) қарши бош кўтар-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, IX т., 35-бет.

дилар. Муҳаммад III подшолик қилган даврда (1595—1603) доим халқ қўзғолонлари, сипоҳийлар ва яшичарларнинг галаёнлари бўлиб турди. Пировард натижада саройда бўлиб ўтган тўнтарош оқибатида султоннинг ўзи ҳам ўлдирилди.

Туркларнинг Шарқдаги талафотлари. XVII аср бошларида Туркия Эронга қарши курашда бир қатор талафотлар кўрди. Эрон шоҳи Аббос I Озарбайжонни, Арманистонни, Шарқий Грузияни, Курдистонни, шунингдек, Мосул ва Бағдод шаҳарлари билан Месопотамияни босиб олди. 1619 йилда Истамбул сулҳига биноан, Турк султони Закавказье ва Месопотамиядаги деярли ҳамма ерларининг қўлдан кетганлигини тан олишга мажбур бўлди. Бу ерларнинг бир қисми 1639 йилда қайтариб олинди. Аммо бунга Туркиянинг ўзи кучайганлиги билан эмас, балки кўпроқ Эроннинг заифлашганлиги сабаб бўлди.

Рус-турк муносабатлари. Россия билан Туркия ўртасида биринчи марта тўқнашув XVI асрнинг иккинчи ярмидаёқ бўлган эди. Султон ҳукумати Тану (Азов)ни босиб олганидан кейин Астраханни ҳам босиб олмоқчи эди. Султон ҳукумати бу ердан Каспий денгизи бўйлаб Эронга қарши қўшин тортиб боришни мўлжаллаган эди. Аммо ҳужум қилиб келган туркларнинг қамалига Астрахань бардош берди (1568 йил). Турклар катта талафотлар бериб чекинишга мажбур бўлдилар.

Турклар билан руслар ўртасида иккинчи марта жиддий тўқнашув XVII асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошида бўлган эди. Бу вақтда Запорожье казаклари Азовни (1637 йил) олиб, уни бир неча йилгача ўз қўлларидега тутиб турдилар («Азовское сидение» — «Азовда ўтириш»). Казаклар ёрдам сўраб Москва подшошига мурожаат қилдилар. Бироқ Москва давлати молия кризисини бошидан кечираётгани ва Польша короли билан ҳам кураш давом қилиб турганлигидан, туркларга қарши катта уруш бошлаш планидан воз кечиб туришга мажбур бўлган эди. Подшо Михаил Фёдорович казакларга Азовни бўшатишни буюрди (1643 йил). Лекин шундай бўлса-да, казакларнинг Қрим ва Туркияга қарши кураши XVII аср охиригача давом этиб турди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Туркиянинг Австрияга, Венецияга ва Россияга қарши олиб борган урушларида мағлубиятга учраши Усмон империясининг ичидан заифлиги ва ҳарбий жиҳатдан қолақлигини бутун Европага намойи қилди. Европа давлатлари орасидаги рақобат, уларнинг султон билан сепарат битим тузишга интилишлари туфайлигина Туркия ўзининг ҳақиқий сиёсий қудратига мутлақо мос келмайдиган кенг территорияда узоқ вақтларгача яшаб туриш имкониятига эга бўлди. Европанинг «буюк давлатлари» (биринчи навбатда Англия билан Франция) Туркия империясининг чириб кетган режимини тугатиш ва турклар зулми остида эзилиб ётган славян халқлари ва Болқон ярим ороли билан Олд Осиёдаги бошқа халқларни озод қилиш ўрнига, Туркияни асоратга солишни, ўзларининг ярим

мустамлакаларига ва сиёсатларининг қурулига айлантиришни назарда тутиб, иқтисодий жиҳатдан қолоқ, сиёсий жиҳатдан заиф Туркия империясини сақлаб қолишни афзал кўрдилар.

II БОВ

XVI—XVII АСРЛАРДА ЭРОН

XVI асрнинг бошларида Эрон. XVI аср бошларига келиб Эрон бир қанча мустақил феодал ерларига бўлиниб кетган эди. Эроннинг Шарқий қисми — Хуросон пойтахти Ҳиротда бўлган Темурийлар ҳокимияти остида эди. Шарқий қисмида бир-бири билан душман бўлган турли туркман сулоалари ҳукмронлик қилардилар. Марказий, Ғарбий ва Жанубий Эроннинг айрим вилоятлари аслида мустақил давлатлар бўлиб, маҳаллий хонлар томонидан бошқариларди, хонларнинг бир қисми кучманчи қабилаларнинг бошлиқлари эди. Эроннинг Ғарбий қисми территориясида ҳукмронлик қилувчи ана шундай хонлар ўн иккитага етган эди. Шимоли-Ғарбий Эрон ва Жанубий Озарбайжон савдо-саноат жиҳатидан энг ривожланган вилоятлар ҳисобланарди. Табриз, Хамадон ва бу ўлканинг бошқа бир қанча шаҳарлари йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари эди. Уларда ип-газ-лама ва жун газлама, гилам, ипаклик ва чарм буюмлар ишлаб чиқариш тўпланган. Эроннинг ана шу шимолий қисмидан муҳим қарвон йўллари ўтарди. Бу йўللардан Урта Осиё ипаги Европага етказиб бериларди. Эрон Закавказье билан катта савдо муносабатлари олиб борарди, бу савдо-сотиқ ишларида Эрон савдогарлари ҳам, арман савдогарлари ҳам баб-баравар кенг кўламда иштирок этардилар. Урта ва жанубий Эроннинг қолган деҳқончилик-боғдорчилик ҳамда тоғлик ёки тоғ бағри яйловлари жойлашган районларига нисбатан биз тилга олиб ўтган шимолий вилоятлар ўз иқтисодий ҳаётининг жонланганлиги билан ажралиб турардилар. Шу сабабли улар ғоят катта, аммо ўз иқтисодий ва социал даражаси жиҳатидан бир-бирига ўхшамайдиган, хилма-хил бўлган мамлакатни сиёсий жиҳатдан янгитдан бирлаштириш учун муайян даражада базис бўла олдилар. Эроннинг кўпроқ ривожланган шимолий қисмида саноат ва деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли орасида туркман хонларига нисбатан ғазаб айниқса сезилиб турарди. Бу хонлар ўзаро урушлари билан, шунингдек, муттасил талончиликлари билан мамлакатнинг ҳўжалик ва ижтимоий ҳаёти нормал ривожланишига халақит берардилар. XVI асрнинг бошларида ўзининг энг кенг кўламдаги экспансиясини бошдан кечираётган агрессив султонлар туркияси томонидан хавфнинг ортиб бораётганлиги ҳам янгитдан сиёсий бирлашишни зарур қилиб қўйган эди.

Сафавийларнинг юксалиши ва сафавийлар давлатининг характери. Янги династия ўз номини шайх Сайфиддиндан олди (1254—1334). Бу шайх XVI асрда Озарбайжонда «Сафавийё» номли мусулмонлар жамоасига бошчилик қилган эди. Сафавийлар халфалар давридаёқ Эронда кенг тарқалган шиа мазҳабига мансуб эдилар. XV асрнинг иккинчи ярмида ардабил шайхлари шу қадар мустақамланиб олдиларки, улар Озарбайжонда маҳаллий туркман хонларига қарши ҳокимият учун кураш бошладилар. Сафавийлар ўз атрофларига Эроннинг ўрта ва майда ўтроқ феодалларини жипслаштириб, савдогарлардан мадад олиб, ҳамда деҳқонлар ва ҳунармандларнинг норозилигидан фойдаланиб, аини вақтда айрим турк кўчманчи қабилаларини ўз томонларига оғдиришга муваффақ бўлдилар ва улар орасидан ўз отлик аскарлари сафига чавандозларни ёлладилар. 1499 йилда Ардабилнинг ҳамда бўйсундирилган қўшни турк қабилаларининг шайхи бўлган Исмоил Сафавид XVI асрнинг бошларидаёқ бутун Жанубий Озарбайжонни эгаллаб, 1502 йилда Табриз шаҳрини ишғол қилди. Шу даврдан бошлаб Исмоил ўзини Эрон шоҳи деб эълон қилди (1502 йилдан 1524 йилгача ҳукмронлик қилди). Табриз сафавийлар Эронининг пойтахти бўлди; Арманистон ва Курдистон, сўнгра эса Бағдод ва Месопотамия (ҳозирги Ироқ) бўйсундирилди. Исмоил даврида юз йилдан кўпроқ давом этган Эрон-Туркия уруши бошланиб кетди. Бу уруш XVII аср 30-йилларининг охиригача давом этди. Турк султони Салим I ўз томонидан Закавказье, Курдистон ва Месопотамияга даъвогар эди. Туркларнинг 1514 йилги юриши аввалига улар учун муваффақиятли бўлди. Турк қўшинлари сафавийлар Эронининг пойтахти Табризни қўлга олишга улгурдилар. Аммо озиқ-овқатнинг етишмаслиги ҳамда янчарлар орасидаги ғалаён уларни Эрон вилоятларини ташлаб чиқишга мажбур этди. Шу нарса характерлики, иккита мусулмон давлати ўртасидаги бу уруш идеологик келишмовчиликлар байроғи остида олиб борилди. Эронлар шиа мазҳабига, турклар суннийлар мазҳабига мансуб эдилар. Ўз ҳукмронлигининг охирида Исмоил Грузияни, сўнгра бутун Ширвон хонлигини (Шимолий Озарбайжонда) бўйсундирди. Шу тарзда озарбайжон ва фақат эрон элементларидан ташқари турли турк, тожик, курд, араб ва бошқа элатларни ўз таркибига бирлаштирган ва маркази Озарбайжонда бўлган катта давлат анча тез барпо этилди.

Сафавийлар давлати аҳолисининг учдан бир қисмига яқинини кўчманчилар ташкил қилар эди. Озарбайжон, туркман ва форс қабилаларининг жуда кўпчилигида патриархал-феодал муносабатлар ҳукмронлик қиларди, айрим қабилалар эса қабилачилик тузумидан эндигина илк феодализм муносабатларига ўтаётган эди. Сафавийларнинг анча кенг «ямоқ ёстиқ», яъни ўз этник состави жиҳатидан жуда хилма-хил бўлган давлати юқорида айтиб ўтилганидек, Эронга турклар агрессияси таҳдид қилиб турган вазиятда вужудга келди. Кейинчалик бу феодал-

мустабид давлатнинг ўзи ниҳоятда агрессив давлатга айланиб, Закавказье ва Урта Осиё халқларини ўз ҳокимиятига бўйсундиришга интила бошлади.

Тил, дин, турмуш ва тарихий традициялар жиҳатидан Эронга ёт бўлган бир қанча халқлар сафавийларнинг оғир миллий зулминини ўз бошларидан кечирдилар.

Аббос I нинг урушлари. Сафавийлар давлати шоҳ Аббос I даврида (1587—1629) энг кўп қудратга тўлди. Аббос I подшолик қилиши, бир томондан, марказий шоҳ давлатининг энг йирик мустақил феодалларни тугатиш ҳисобига сўзсиз ўсиши билан характерланади. Бу феодаллар бир вақтлар янги сулоланинг юксалишига ёрдам берган Озарбайжондаги турк (туркман) қабилаларининг бошлиқларидан ташкил топган эди. Сафавийлар ҳокимият тепасига келган даврдан то Аббос I подшолик қилаётган пайтгача ўтган саксон йиллик давр мобайнида улар кўчманчи қабила зодагонларининг энг йирик вакилларидан қудратли ўтроқ феодал ер эгаларига айланиб, шоҳнинг олиё ҳокимияти остида амалда кўп жиҳатдан мустақил бўлган жуда катта территорияларни назорат остида сақлар эдилар. Ана шу мустақил хонларга қарши кураш — Аббос ҳукмронлик қилган дастлабки даврнинг катта қисмини ташкил этди. Ундан ортиқ хон давлатлари («мамоликлар») Аббос томонидан тамомила тугатилди, кўпгина хонлар қатл этилди, уларнинг ерлари ва бошқа мол-мулклари эса мусодара қилинди. Бунинг натижасида шоҳнинг обрўси анча ошди ва бу марказий ҳокимият аҳамиятининг ўсишидаги сабаблардан бири бўлиб хизмат қилди. Аббос даврига келиб сафавийлар Эроннинг ўз феодаллари ва Эрон савдогарлари билан жуда яқинлашиб кетдилар. Бу нарса пойтахтнинг шимолдан жанубга — Табриздан Исфохон шаҳрига кўчирилишида ўз ифодасини топди.

Аббос ҳарбий ишга катта эътибор берди. Аббос Туркия билан ҳал қилувчи урушга тайёргарлик кўриб, 12 минг кишилик пиедалар (ўқчилар) корпусидан ва гуломлар деб аталувчи отлиқларнинг 10 минг кишилик корпусидан иборат мунтазам армия барпо этди. Гуломлар ўз тузилишлари жиҳатдан турк яничарларига ўхшардилар¹, чунки улар ҳам христиан аҳолидан, асосан Закавказьенинг грузин ва арман аҳолисидан зўрлик билан тортиб олинган болалардан ташкил топар эди; бу болалар мусулмонга айлантирилар ва Эронда энг фанатик руҳда тарбияланардилар. Аббос инглиз инструкторлари воситаси билан ўз армиясида ўқ отувчи қурол ва тўпларни жорий қилди. Мунтазам доимий қисмлар ташкил қилиш билан бир вақтда Аббос I феодал лашкарларидан ҳам фойдаланди. Бу лашкарлар турли қабилалар ва айниқса кўчманчи қабилалар орасидан тўпланар ҳамда шоҳлар қўшинида энг асосий ролни ўйнар эди. Умуман

¹ Фарқ фақат яничарларнинг пиеда, гуломларнинг отлиқ аскарлигида эди.

олганда Аббоснинг 120 минг кишидан иборат жуда катта армияси бўлиб, шоҳ ана шу армияси билан 1602 йилда турк султониغا қарши уруш бошлади.

Туркия-Эрон уруши ўн йил давом этди. 1612 йилги сулҳга биноан, Эрон XVI аср 90-йилларининг бошларида Туркияга беришга мажбур бўлган деярли ҳамма вилоятларини ўзига қайтариб олди. Бу ерлар составига Грузия, Арманистон, Ширвон, Жанубий Озарбайжоннинг вилоятлари, Курдистон, Бағдод ва Месопотамия кирар эди. Икки йиртқич — султон Туркияси ва шоҳ Эрони ўртасидаги кураш бу гал Эроннинг ғалабаси билан тугалланди. Натижада юқорида санаб ўтилган кўпчилик мамлакатлар аҳолисининг аҳволи яхшиланиши у ёқда турсин, балки ҳатто баттар бўлди. Хусусан, Аббоснинг алоҳида чегара дашт зоналарини (турклар билан янги уруш эҳтимолига қарши) яратиш соҳасидаги тadbирлари Грузия билан Арманистон аҳолиси учун айниқса оғир мушкilot бўлиб тушди, бунинг натижасида жуда кўплаб аҳоли ўзи туғилиб ўсган жойларни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Туркия билан уруш тамом бўлгандан кейин кўп ўтмасданоқ Аббос унинг даврига келиб яна ажралиб кетган Хуросонни, шунингдек Афғонистоннинг каттагина қисмини ўз ерларига қўшиб олди.

1622 йилда Аббос қўшинлари Форс қўлтигидаги Ормуз портининг португалияликларни ҳайдаб чиқарди. Эрон қўшинларининг Ормузни қўлга олиш операцияси инглиз флотининг ҳаракатлари билан қўшиб олиб борилди. Аммо инглизларнинг ёрдами беғараз эмас эди. Аббос Англиянинг Ост-Индия компаниясига ўз давлатида пошлинасиз савдо қилиш ҳуқуқини беришга мажбур бўлди. Исфahонда ва бошқа шаҳарларда инглиз конторалари ва савдо уйлари очилди. Кейинчалик ҳукумат инглизлар билан рақобат қилувчи Голландия Ост-Индия компаниясига ҳам кўпгина савдо имтиёзларини берди.

Эроннинг иқтисодий тараққиёти. XVI асрнинг охири — XVII асрнинг бошлари Эроннинг иқтисодий жиҳатдан юксалган даври бўлди. Сафавийларнинг муайян вақт давомида мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаганлиги ижобий оқибатларга олиб келди. Эрон Европадаги кўпгина мамлакатлар: Португалия, Голландия, Англия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Ҳинди-Хитой билан кенг кўламда ташқи савдо алоқаларни ўрнатди. Аббос савдо алоқаларини кенгайтириш мақсадида Россия, Голландия, Испанияга, Герман императори ва Рим папаси ҳузурига жуда кўп элчилар юбориб турарди. Исфahоннинг ўзида Европа ва Осиёнинг турли мамлакатларидан келган элчилар қабул қилинарди. Шоҳнинг ўзи ташқи савдода фаол қатнашиб, бир қанча энг фойдали товарларни (ипак, совун, гилам, туз ва шу сингариларни) ўз монополияси деб эълон қилди. Аббос даврида ички савдонинг ҳам кенгайтириш юзасидан тadbирлар кўрилди. Шоҳнинг фармойишига биноан, эски карвон йўллари ре-

монт қилинди ва янгилари очилди, карвон саройлар қурилди, сайёҳларни сув билан таъминлаш чоралари кўрилди; йўллар қароқчилар ва кўчманчи қабилаларнинг ҳужумларидан қўриқлаб турилди. Исфохоннинг ўзи Аббос даврида 500 минг аҳоли яшайдиган жуда катта шаҳарга айланди. Шоҳ пойтахтини бир қанча мухташам саройлар, масжидлар, гишт кўприклар ва бошқа катта иншоотлар безаб турарди. Исфохон, Табриз ва бошқа шаҳарларнинг минглаб ҳунармандлари ташқи ва ички бозорда сотиладиган юқори сифатли ҳунармандчилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқарардилар. Эрон усталари тайёрлаган ипак, жун ва ип газламалар, гилам, чарм ва керамика буюмлари, шунингдек, металл буюмлар ўша даврда Эрондан ташқарида айниқса машҳур бўлиб кетган эди. Ҳунармандлар алоҳида цехларга уюшардилар, уларни сайлаб қўйилган оқсоқоллар бошқарардилар. Шоҳга тегишли махсус йирик устaxonалар («корхоналар») бўлиб, уларда 150 ва ундан кўпроқ ҳунарманд ишчилар меҳнат қиларди. Булар қисман бўш ва қисман банд бўлган меҳнатдан қўшиб фойдаланиладиган мануфактура типидagi ўзига хос йирик корхоналар эди.

Сафавийлар давлатидаги ички зиддиятлар. Синфий курашнинг кескинлашуви. Территориянинг кенгайишида, шунингдек, савдо-саноат ишларининг ғоят юксалишида намоён бўлган сафавийлар давлатининг муваффақиятлари синфий зулмнинг кучайишига ва синфий курашнинг ғоят кескинлашувига ҳам олиб келди. XVI—XVII асрларда Эронда халқ оммаси учун жуда оғир бўлган формадаги феодал тузуми ҳукмронлик қилар эди. Мамлакатда ҳар хил феодаллар: хонлар, амирлар, беклар, шунингдек, шиа мусулмон руҳонийларининг жуда кўпайиб кетганлиги меҳнаткаш аҳолидан жуда катта маблағ беришни талаб қиларди. Марказлаштирилган сафавийлар давлатининг ғоят кўп марказий ва маҳаллий амалдорлари, катта доимий армияси ва шу сингарилар жуда қимматга тушар эди. Шоҳнинг ҳарамси, шоҳ гвардияси, саройдаги мингларча хизматкорлар, ҳамда бошқа кўплаб оқсоқолар, канизакларга эга бўлган шоҳ саройи жуда катта ва мутлақо унумсиз харажатларни талаб қиларди. Шоҳ ва унинг ўғилларига тегишли саройлардаги зебу зийнатга хонлар, амирлар ва беклар тақлид қилар эдилар. Эрон савдогарлари ташқи ва ички савдо туфайли катта бойлик орттирган эдилар. Аммо ҳунармандлар ўз меҳнатлари эвазига арзимаган иш ҳақи олардилар. Улар ўз маҳсулотларининг бир қисмини шоҳ агентларига мутлақо текинга ёки жуда арзон баҳога топширадилар.

Деҳқонлардан ёки боғдорлардан жуда катта ер рентаси олинарди. Шоҳ хонадонига қарашли ерлар составига кирувчи чек ерда ёки чек ери т и у л ёки м у л к¹ деб аталадиган ернинг

¹ Т и у л феодалларнинг мерос ерлари эмас эди, м у л к эса мерос ер бўлиб, ернинг сотиладиган ва сотиб олинадиган формаси ҳисобланарди.

бир қисми бўлишидан ёки деҳқон вақф ерларининг бир участкасига эга бўлишидан қатъи назар — ишлаб чиқарувчи деҳқон ерга бириктиб қўйилган бўлса, ҳамма жойда ўз ҳосилининг деярли ҳаммасини ер эгасига топшириши керак эди, ишлаб чиқарувчининг ўзида эса ялпи ҳосилнинг кўпи билан бешдан бир ёки тўртдан бир қисми қоларди. Деҳқон ер учун, сув учун, иш ҳайвони учун (агар унда етарли миқдорда от-улов бўлмаса) ҳақ тўлар эди. Чек ерларига эга бўлган жамоа деҳқонлардан ташқари сафавийлар даврида кўплаб ерсиз деҳқонлар бўлиб, улар бир парча ерни корандалик шарти билан ижарага олардилар, бундай ҳолларда ижарага ер олган кишида маҳсулотнинг янада камроқ қисми қоларди. Эроннинг айрим районларида XVI—XVII асрларда ҳам ўз ерига эга бўлган деҳқонларнинг бир қисми сақланиб қолган эди, аммо уларнинг ерларини феодаллар босиб олиши ёки бойиб кетган савдогарлар ва судхўрлар томонидан сотиб олиниши натижасида тез камайиб борарди. Очарчиликлар, юқумли касалликларнинг тарқалиши натижасида бутун-бутун деҳқон қишлоқларининг қирилиб кетиши сафавийлар қишлоғидаги тез-тез бўлиб турадиган оддий воқеа эди.

Шуни айтиш керакки, бу вақтга келиб кўчманчи қабилалар орасидаги табақалашув натижасида ўн мингларча чорва молларига эга бўлган, уруш натижасида кўплаб ўлжа олган ва шоҳнинг қимматбаҳо совғаларини олиб турган бой кўчманчи зодагонлар билан бир қаторда чорва моллари тез-тез қирилиб турадиган, очарчиликка ва ҳатто очликдан ўлишга маҳкум этилган оддий кўчманчи қўйбоқарлар жуда оғир ҳаёт кечиришар эди. Буларнинг устига сафавийлар даврида бўйсундирилган вилоятларда ҳукм сурган оғир миллий зулмни ва бунинг натижасида мазлум халқларнинг ўз мустақилликларини қайта тиклаш йўлидаги доимий интилишларини қўшиш керак. Хусусан Грузия ва Арманистоннинг халқ оммаси сафавийлар ҳукмронлик қилган бутун давр мобайнида шоҳ ҳукуматига қарши тинимсиз партизанлик курашини олиб бордилар¹.

Эроннинг ўзида феодалларнинг ва шоҳнинг зулмига қарши қаратилган ички ҳаракатлар орасида 1629 йилги қўзғолон алоҳида ажралиб туради. Бу қўзғолон Эроннинг шимоли-шарқидagi Гилонда, Лихижон ва Решт шаҳарлари районларида рўй берди. Бу районлар ипакчиликнинг йirik марказлари эди. Шоҳ амалдорларининг пиллакор деҳқонларга нисбатан зулмлари ва тамагирликлари ана шу қўзғолонга сабаб бўлди. Қўзғолонда деҳқонлар, хунармандлар, шаҳар камбағаллари қатнашдилар. Қўзғолончилар шоҳнинг кўпгина амалдорларини ўлдирдилар, турли зодагонларнинг саройларини ва мол-мулкларини босиб олдилар. Марказлаштириш сиёсатидан порози бўлган маҳаллий феодалларнинг бир қисми ҳам ҳаракатга қўшилди. Қўзго-

¹ Грузияда Эрон шоҳига қарши энг катта ошқора қўзғолон 1623—1624 йиллардаги Георгий Саакадзе бошчилигидаги қўзғолон бўлган эди.

ловчилар Решт шаҳрида камбағаллашиб қолган маҳаллий бек хонадони аждодларидан бири бошчилигида ўз ҳукуматларини туздилар. Бу киши Одилшоҳ (яъни «адолатли шоҳ») номини олди. Шоҳга тегишли ипак омборларини босиб олган кўзғолончилар ипак запасларини ўзаро бўлишиб олишди. Кўзғолон омавий тус олган эди. Аммо аввалига ҳаракатга қўшилган маҳаллий феодаллар тезда ундан йироқлашдилар. Аббос I нинг вориси янги шоҳ Сафий I Гилонга катта қўшин юборди. Одилшоҳ ва кўзғолоннинг бошқа раҳбарлари қўлга олиниб қатл этилди. Аҳолига жазо тариқасида жуда катта тўлов солинди.

Сафавийлар давлатининг таназзули. Сафавийларнинг жуда кўп қабилаларидан тўпланган давлати ўзининг катта чегараларини узоқ сақлаб қола олмади. Чеккалардаги кўпгина ерлар Аббос I даврида фақат ҳарбий куч ёрдамидагина сақлаб турилди. Феодал Эронда ички социал зиддиятларнинг кескинлашуви шоҳ ҳукуматини чекка ўлкаларга зўр эътибор беришга мажбур қиларди. Айни вақтда Урта Шарқда Эрон учун халқаро аҳвол мураккаблашиб борди. Султонлар Туркияси Закавказье ва Месопотамия ерларини ўз ҳокимияти остига қайтариш мақсадида ўч олишга интиларди. Шоҳ Сафий I давридаёқ (1629—1642) Эрон ўз ерларининг каттагина қисмидан маҳрум бўлди. Ғарбда турклар ўз ҳужумларини қайта бошлаб бир қанча вилоятларни босиб олдилар. 1639 йилда Эрон ҳукумати бутун Месопотамиянинг Туркияга ўтганлигини расман тан олди. Арманистоннинг бир қисми (Туркия ёки Ғарбий Арманистон деб аталадиган қисми) ҳам Туркия қўлига ўтди. Шарқда Эронга қарши ўзбек хонлари уруш бошладилар. Афғонистон сафавийлар ҳокимиятидан тамомила озод бўлди. XVII асрнинг иккинчи ярмида Эроннинг ташқи савдоси сезиларли даражада қисқара бошлади. Айни вақтда мамлакатда ҳукмрон феодал зодагонлари ичидаги турли гуруҳлар ўртасида, хусусан шоҳ маҳрамлари бошчилигидаги сарой зодагонлари билан шиа руҳонийларининг бошиқлари ўртасидаги муносабатлар кескинлашди. Улар бир-бири билан рақобат қилаётган феодал тўдаларининг иттифок қўғирчоқларига айланиб қолган сўнги сафавийлар иродаси билан деярли сира ҳисоблашмай, ҳокимият учун бир-бирларига қарши кураш олиб борардилар.

III БОВ

XVI—XVII АСРЛАРДА ҲИНДИСТОН

Мўғуллар даврида Ҳиндистоннинг иқтисодий тараққиёти. 1526 йилда ташкил топган Ҳиндистон Мўғул ёки Мўғуллар империяси қисман XVI асрда ва айниқса XVII асрда жуда катта давлатга айланди. Шимолда унинг чегараси Ҳимолай тоғигача етар ва Афғонистоннинг катта қисмини (Қобил ва Пешавор шаҳарла-

ри билан) ўз ичига олар эди. Ярим оролниг ўртасида Мўғуллар империяси Декан давлатининг катта қисмини назорат қилар, ҳамда жанубий Ҳинд давлатлари — Бидар, Голконду ва Бижапурга бир қадар таъсир кўрсатиб турарди. Аммо Мўғуллар империясининг асосий территорияси илгаригидек унинг шимолӣ вилоятлари — Ҳинд ва Ганг дарёлари оралиғидан иборат бўлиб қолаверди. Мўғуллар империясининг аҳолиси диний белги жиҳатидан илгаригига қараганда ҳам янада кўпроқ кескинлик билан икки гурӯпга — мусулмонлар (мўғулларнинг ўзлари ҳам шу гуруҳга мансуб эдилар) ҳамда Ҳиндлар, яъни маҳаллий Ҳинд динининг издошларига бўлинардилар.

Аграр муносабатлар илгари Деҳли султонлигида қандай ривожланган бўлса, мўғуллар даврида ҳам худди шу йўналишда ривожланаверди, аммо Ҳиндистоннинг янги ерларни босиб олиши натижасида ерга давлатнинг феодал усулида эгалик қилиши янада кучайди. Император¹ ёки Буюк Мўғул ҳамма ерларнинг олий эгаси деб ҳисобланарди. Аслида Буюк Мўғул ерларнинг бир қисмигагина эгалик қиларди. Аммо бу қисм анча катта ерларни ташкил қиларди. Императорга тегишли ерлар мамлакатдаги экин экиладиган ҳамма ерларнинг тахминан саккиздан бир қисмига тенг эди. Ана шу ерлардан олинадиган даромад шоҳ саройи ва шоҳ кўшиклари харажатлари учун асосий манба бўлиб хизмат қиларди. Қолган ерларни Буюк Мўғул асосан феодал зодагонларига, кўпроқ мусулмонларга жағирлар сифатида бўлиб берар эди. Жағирнинг маъноси ҳарбий хизмат ўталаётган муддатга бериладиган ва мерос бўлиб қоладиган ер демакдир. Жағир эгаси — жағирдор расман ўзига қарашли ерларда яшовчи аҳолидан феодал рентаси йиғиш ҳуқуқинигина оларди. Амалда эса жағирдор меҳнаткаш аҳоли устидан муваққат бўлса ҳам чексиз ҳоқимиятга эга бўлар, аҳолига ўзи хоҳлаганча турли солиқлар солар ва ҳар хил ишларни бажаришга мажбур қилардилар. Жағирларнинг ҳажми ҳар хил бўларди; уларнинг кўпчилиги қисми жуда катта бўлиб, бир йўла ўн мингларча деҳқонлар жағирдорга қарам бўлиб қолардилар.

Феодал ер эгаллигининг асосий формаси бўлган жағир билан бир қаторда мамлакатда ерга эгалик қилишнинг илгари таркиб топган ва янгидан ривожланаётган бошқа формалари ҳам бор эди. Жумладан, Мўғуллар давлатида Ҳинд феодаллари босиб олувчиларга бўйсунуш ва уларга мунтазам бож тўлаш шарти билан ерга эгалик қилишни сақлаб қолган эдилар. Маҳаллий беклар ва қабилаларнинг раҳбарлари — заминдорлар келгинди забтчилар учун аҳолидан солиқ тўлаш ҳуқуқини олган эдилар. Заминдорлар вазифаси мерос бўлиб ўтади деб эълон қилинганлиги сабабли, заминдорлар вақт ўтиши билан солиқ

¹ Аслини олганда бу номи Буюк Мўғулларга Европа сайёҳлари беришган. Ҳужжатларда Буюк Мўғуллар ўзларини Эронга тақлид қилиб шоҳ ёки шаҳаншоҳ деб атардилар.

Йиғиладиган ана шу ерларни ҳам ўз ер мулкларининг бир тури деб ҳисоблай бошладилар. Ер мулки асосан, мусулмонлар қўлига ўтган бўлса, савдо, судхўрлик операциялари ва айниқса ҳунармандчилик маҳаллий ҳинд аҳолиси қўлида қолди. Мусулмон савдогарлари қадимдан бери Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ билан савдо алоқалари қилиб келаётганликлари сабабли қуруқликда ва қисман денгиз орқали ташқи савдодаги ҳиндлардан устун турардилар.

Аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар оммаси ташкил қилиб, мўғуллар даврида кучайган феодал зулмининг бутун оғирлиги шулар зиммасига тушарди. Қисман натура тарзида, қисман пул рентаси тарзида солиқ тўлайдиган жамоачи деҳқонларнинг аҳоли асосан илгариги асрлардагидек қолаверган бўлса ҳам, мўғуллар даврида ҳар ҳолда Ҳиндистонда муҳим иқтисодий ўзгаришлар рўй бериб, бу ўзгаришлар эски жамоа системасининг бузила бошлаганидан далолат беради. Бунинг асосий сабаби мамлакатда товар-пул муносабатларининг ривожланиши бўлди. Мўғуллар даврида Ҳиндистоннинг айрим вилоятлари бир-бирлари билан мунтазамроқ алоқалар боғладилар. Ҳўкиз қўшилган араваларнинг жуда катта карвонлари кўплаб товарларни жанубдан шимолга ташиб беради. Товарлар ортилган жуда кўплаб соғлар дарё орқали ғарбий ва шарқий томонларга юбориларди. Мўғулларнинг жуда катта империяси вужудга келиши натижасида мамлакатда қарор топган нисбатан тишч вазият ўз табиати ва ҳўжалиги жиҳатдан хилма-хил бўлган ғоят катта мамлакат ичидаги иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатди. Айни вақтда Ҳиндистонда шаҳарлар ривожланди, саноат ишлаб чиқариши ўсди; ривожланаётган шаҳарлар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига тобора кўпроқ эҳтиёж сезардилар. Буларнинг ҳаммаси майда қишлоқларнинг биқиклигини кўп жиҳатдан йўқотган эди. Деҳқон жамоалари тобора кўпроқ бозор муносабатларига жалб қилиндилар. Шунинг натижасида жамоалар ичида деҳқонларнинг турли гуруҳлари ўртасида тенгсизлик келиб чиқди. Жамоа зодагонлари (оқсоқол, мирза, маҳаллий дўкончи ва бошқалар) жамоанинг чек ерларга эга бўлган аъзолари билан биргаликда деҳқон камбағалларига қарама-қарши турардилар. Камбағалларнинг катта қисми «мохов» касталари деб аталадиган паст табақа вакилларидан иборат эди. Бу камбағаллар батраклар сифатида эксплуатация қилинардилар. Камбағал деҳқонлар, шунингдек, одатда ил йиғириш ва газлама тўқиш билан шугулланардилар. Уларнинг маҳсулоти кенг бозорга одатда олиб сотарлар орқали чиқар эди. Патриархал-жамоа тартибларининг емирилиши, товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва феодал эксплуатациясининг ўсиши шароитида ҳинд қишлоғининг қашшоқлашуви кейинчалик кўплаб кенг халқ ҳаракатларини келтириб чиқардики, бу ҳаракатлар оқибат натижада Мўғуллар давлатининг путурини кетказди.

Акбарнинг идора қилиши. Мўғуллар давлати шоҳ Акбар (1556—1605) ҳукмронлик қилган даврда жуда равнақ топган эди. Шоҳ Акбар Бобирнинг невараси эди. Акбар идора қилган даврда мамлакатнинг шарқ ва жануб томонидаги бир қанча вилоятлар: Бенгалия, Орисса, Гужарат ва Кашмир вилоятлари ҳамда Хандеши ва Аҳмаднагар султонликлари қўшиб олиниб, мўғуллар давлатининг чегаралари хийли кенгайтирилган эди. Шимолда Эронга қарашли муҳим карвон савдоси пункти бўлган Қандаҳор шаҳри босиб олиниб, Ҳиндистонга қўшилган эди. Акбар ўзидан олдин ўтган шоҳлардан бошқача йўл тутиб, ҳинд феодалларини ўз хизматиغا тортишга ҳаракат қилган эди. Шунингдек, у ҳинд савдогарларига доим ҳомийлик қилиб келган эди. Индуизмга эътиқод қилувчиларга нисбатан диний таъқиблар ҳам Акбар даврида тўхтатилди. Ҳинд аҳолиси жузъядан, яъни ҳиндларни камситувчи, жон бошига солинадиган оғир солиқдан озод қилинган эди, бундан олдин эса бу солиқдан фақат мусулмонларгина озод эди. 1593 йилда (Францияда Нант эдикти қабул қилинишидан беш йил аввал) Акбар дин эркинлиги тўғрисида фармон чиқариб, авваллари мажбурий равишда ислом динига киритилган ҳиндларга ўзларининг илгариги динларига бемалол қайтишга рухсат этган эди.

Акбар подшолик қилган даврда солиқ ишлари тартибга солинди. Бир қанча вилоятларда солиқ асорати туфайли деҳқонларнинг галаёнлари тез-тез содир бўла бошлаганилиги туфайли, солиқ олиш усулларидаги жуда ҳам ўтакетган сунистеъмолчиликларни бартараф этишни у ҳукуматдан талаб қилди. Акбарнинг буйруғи билан бутун Ҳиндистон учун ягона ер ўлчови жорий қилиниб, сўнгра ҳамма ерларга ёппасига таноб тартиб чиқилган эди. Солиқ солинганда ерларнинг сифати ва тупроқнинг унумдорлиги эътиборга олинарди. Давлат солиғи ҳосилнинг учдан бир қисми миқдориди белгиланган бўлиб, кейинги йигирма йил мобайнида ўртача нарх ҳисобида пулга айлантириб олинар эди. Солиқ тўплашда ижарачилик системаси бекор қилиниб, солиқларни махсус молия амалдорлари воситаси билан тўплаш системаси жорий қилинган эди.

Акбар подшолиги даврида Мўғулларнинг жуда катта империяси 15 вилоятга бўлиниб, ҳар бир вилоятга шоҳ ноиб — губернатор ҳоким қилиб қўйилган эди. Акбар кўпгина янги капаллар қазитиб, эскиларини тиклаб, Ҳиндистоннинг ирригация системасини анча кенгайтирган эди. Акбар даврида Мўғуллар пойтахти бўлган Деҳли шаҳрида катта-катта саройлар ва ҳар хил ҳукумат бинолари қурилиб, унинг замониди бу шаҳар «ўша даврда жаҳондаги барча шаҳарларнинг энг каттаси ва гуллаб яшшаётган»¹ шаҳарига айланган эди. Мўғуллар даврида Акбар ва унинг ворисларининг собиқ бош резиденцияси бўлган Агра

¹ К. Маркс. Ҳиндистон тарихидан хронологик кўчирмалар. 1947. 29-бет.

шаҳри (Деҳлидан кейин) Ҳиндистоннинг иккинчи пойтахти эди.

XVII асрда Мўғуллар империяси. Акбар подшолик қилган давр ҳар иккала лагерь — мусулмон ва ҳинд феодаллари муайян даражада жипслашган давр бўлди. Айни вақтда Акбарнинг бир қанча социал-иқтисодий тадбирлари очиқдан-очиқ халқ деҳқонлар оммаси норозилигини босиб туриш ҳамда мўғулларга қарши халқ ҳаракатлари вужудга келиши хавфининг олдини олишни кўзда тутар эди. Акбарнинг бу йўлдаги сиёсатини унинг ворислари — ўғли Жаҳонгир (1605—1627) ва набираси шоҳ Жаҳон (1627—1658) давом эттиришга ҳаракат қилишди. Шоҳ Жаҳон Ҳиндистон жанубидаги ерларни анча кенгайтиришга муваффақ бўлди. 1632 йилда у Аҳмаднагарни босиб олди, 1636 йилда Голконда ва Бижапур Мўғул империясига қарам эканликларини тан олишди. Маратхлар ўлкаси — Махараштра муайян давр ичида буюк мўғулларга тегишли ерлар составига тамомла кирган эди. Ташқаридан қараганда шоҳ Жаҳон даврида Мўғуллар империяси энг гуллаб яшнаган даражага етгандек туюларди. Аммо Мўғуллар империясининг ички заифлиги унинг даврида тобора равшан бўла бошлади. Феодалларнинг тез-тез бўлиб турган ғалаёнлари давлат марказлашувига путур етказар эди. Энг йирик жагирдорлар мустақил давлат бўлишга интилардилар. Деканни эгаллаш учун олиб борилган оғир жанглар давлатдан жуда катта куч сарфлашни талаб қиларди, ҳамда душман қўшинлари ўтган районларда қишлоқ хўжалигига путур етказарди. Акбар ворислари пулга тобора кўпроқ муҳтожлик сезиб откуп системасига қайтдилар. Ваҳоланки, бу системанинг ярамаслиги ҳукуматнинг ўзига яхши маълум эди. Кўпинча жагирдорларнинг ўзлари ҳақ тўлаб, солиқ йиғувчи бўлиб олардилар. Бу эса амалда шунга олиб келардики, жагирдорлар тобора бойиб, уларнинг маҳаллий аҳоли устидан ҳукмронлиги тобора тўлароқ ва мутлақо контролсиз бўлиб қоларди.

Буюк Мўғулларнинг, уларнинг саройдаги канизакларининг, энг йирик мусулмон жагирдорлар ва маҳаллий ҳинд князь-феодалларининг зеби-зийнати ва исрофгарчилиги чексиз бўлиб, айни вақтда бутун XVII аср давомида мамлакатда умуман хўжалик жонланганига қарамай, халқ оммаси қашшоқлашиб борарди.

Бирмунча уддабурролик билан Мўғуллар Ҳиндистонга ҳукмронлик қилган императорлардан сўнггиси Аврангзеб (1658—1707) эди. У империя чегарасини жануб томонга қараб кенгайтиришга ҳам муваффақ бўлган эди. (Бижапур ва Голкондани узил-кесил босиб олди). Шунингдек, у инглизлар Ост-Индия компаниясининг 1688—1689 йиллардаги ҳужумига қарши зарба бера олган эди. Компания унга жуда катта товон тўлашга мажбур бўлган эди. Аммо Аврангзебнинг олиб борган сиёсати тор кастачиликка асосланган бўлиб, Акбар сиёсатидан бутунлай бошқача эди. Европа мустамлакачиларининг очиқдан-

очик таҳдид қилиб турган хавфига қарши Ҳиндистоннинг миллий кучларини бирлаштириш ўрнига Аврангзеб бунинг аксини қилиб, бу кучларни парчалаб юборди. У ҳиндларни яна диний таъқиб остига олди, жужья солигини қайтадан тиклади, ҳиндларнинг ибодатхоналарини доим талаб турди, мусулмон феодалларга ҳиндлардан олган қарзларини тўламасликка йўл қўйиб берди. Аврангзеб Ҳиндистоннинг жанубидаги истилоларини ҳам мусулмон феодалларнинг манфаатларини кўзлаб қилган эди. Бу урушлар эса мамлакатдан кўп куч ва маблағ талаб қилар эди. Уруш харажатлари кўпайиб кетиб, давлатнинг ирригация ишларига қилинадиган сарфлари камайтирилди. Аврангзеб даврида айниқса кўп ва оғир солиқлар тўлашга мажбур этилган аҳоли оммаси хонавайрон бўлиб қашшоқлаша борди.

Вилоятлардаги ноиблар ва истило қилинган областларнинг рожалари мустақил бўлиб олишга ҳаракат қила бошладилар. Аврангзеб ҳукмронлик қилган даврда феодаллар исёни ва деҳқонлар қўзғолони жуда кўп бўлган эди.

Маратхлар ҳаракати. Фарбий Декан тоғларида яшовчи маратх қабилаларидан бўлган деҳқонларнинг ҳаракати айниқса зўр бўлган эди. Маратх ҳиндларининг мусулмон Буюк Мўғулга қарши олиб борган уруши газовот тусини олган эди. Қўзғолон кўтарган қабидаларга халққа танилган жасур йўлбошчи Шиважи (1627—1680) раҳбарлик қилган эди. Шиважи 20 йил давомида, 60- ва 70-йилларда Мўғулларга қарши курашда халқ партизанлар уруши усулини кенг қўлланиб, муваффақият қозонган эди. Шиважи вақтида Махараштра (маратхлар мамлакати шундай деб аталган эди) Мўғуллардан озод бўлган мустақил давлат бўлиб қолган эди.

Сикхлар ҳаракати. Панжобда, Ҳиндистоннинг Шимоли-Фарбида XVII асрнинг иккинчи ярмида ва XVIII асрнинг бошларида сикхлар диний мазҳаби билан боғлиқ кенг деҳқонлар ҳаракати бўлиб ўтди. Индуизмнинг радикал сектантлик таълимотларидан бири сифатида сикхчилик XVI асрнинг бошларидаёқ вужудга келди. Сектанинг асосчиси ва унинг дастлабки устози (гуру) савдогар Нанак (1538 йилда вафот этган) бўлган эди. Аввалига секта феодаллар зўравонлигидан норози бўлган шаҳар савдо доираларининг манфаатларини акс эттирди. Секта худо олдида барча кишиларнинг тенглигини эълон қилди ва сословие-мазҳаб имтиёзларини рад этди. Иккинчи томондан, секта зулмга қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотга амал қилиб, Мўғуллар ҳукуматига итоат қиларди. Бунинг оқибатида дастлабки пайтларда Буюк Мўғуллар сикхларга яхши муносабатда бўлдилар. Уларнинг ташкилоти Лаҳорда ва Панжобнинг бошқа шаҳарларида мустаҳкамланди. Аммо XVII асрнинг ўрталарида секта сафига мингларча хонавайрон бўлган хунармандлар ва маҳаллий деҳқонлар (жатлар) қўшилиши натижасида у кучли даражада демократлашди. Ҳатто сикхларда ҳам раҳбарлик ролини ўйнаб келган савдо ва савдо-судхўрлик элементлари энди орқа-

га сурилиб, қисман сектадан чиқиб кетишди. Янги сикхчилнк мусулмон ва ҳинд феодалларига қарши қуроли кураш про-граммасини майдонга ташлади. Сикхлар ер юзида эксплуатация бўлмайдиган идеал, «чинпакам подшолик» ўрнатилиши истардилар. XVII асрнинг охири ва XVIII асрнинг бошларида — 1669 йилда ва сўнгра 1671—1672, 1686 ва 1705 йилларда пойтахт районида (Агра-Деҳли) жат-сикхларнинг энг қудратли ҳаракатлари рўй берди.

1671—1672 йилларда жатлар Деҳлига юриш ташкил қилдилар ва Мўғуллар пойтахтини эгаллашларига сал қолди. Буюк Мўғуллар бу халқ кўзғолонларини бостириш учун кўзғолончиларга қарши бутун-бутун армияларни юборишга мажбур бўлдилар.

Ҳиндистонда англиз ва французларнинг истилолари. Аврангзеб ўлгандан кейин Мўғуллар империяси айрим парчаларга бўлиниб кетди. Буюк Мўғуллар ҳокимияти ҳатто Деҳлининг ўзида ҳам номигагина сақланиб қолган эди. Ҳиндистонда яна феодал тарқоқлиги вужудга келди. Европа мустамлакачилари бу фурсатдан фойдаланиб, ҳинд рожалари ва князликларининг ўзаро урушларига аралашдилар ва ўзларининг Ҳиндистондаги мустамлака ерларини секип-аста кенгайтира бошладилар.

XV—XVI асрларда Ҳиндистондаги асосий европалик мустамлакачилар Ҳиндистоннинг Малабар деб аталувчи жануби-ғарбий соҳилида мустаҳкамланиб олган португаллар эди. Бу райондаги бир қанча ҳинд портлари — Диу, Даман, Гоа, Кочин ва бошқалар уларга тегишли эди. XVII асрнинг бошларидан Ҳиндистонга голланд мустамлакачилари бостириб кириб, Коромандел соҳилида, Бенгалия ва Бихарда, шунингдек Шейлон оролида мустаҳкамланиб олдилар. XVII ва XVIII асрларда икки гуруҳ мустамлакачи йиртқишлар — англизлар билан французлар Ҳиндистонни эгаллаш учун бир-бирларига қарши шиддатли кураш олиб бордилар. 1639 йилда англизлар ўзларига таянч пункти қилиб Мадрас шаҳрини қўлга олдилар. 1668 йилда Бомбей шаҳри англизларнинг Ост-Индия компанияси қўлига ўтди. 1690 йилда англизлар Калькутта шаҳрига асос солдилар. Шу пайтда французлар 1674 йилда Пондишери шаҳрини босиб олдилар. Инглиз мустамлакачилари билан француз мустамлакачилари ўртасидаги кураш узоқ давом этиб, ўнларча йилга чўзиллиб кетди. Инглизлар оқибат натижада юз йилдан кейин, XVIII асрнинг 60-йилларида, Етти йиллик Европа уруши (1756—1763) вақтида французларни Ҳиндистондан қувиб чиқарилишига эришдилар.

Шу тарзда жуда катта ва кўп миллионли Ҳиндистон ўзининг феодал тарқоқлиги, ҳукмрон синф бўлган феодаллар ўртасидаги тинимсиз низолар, ҳамда уларнинг меҳнаткаш аҳоли оммасини шафқатсиз эзиши туфайли, ниҳоят жуда жиддий миллий, диний ва каста тафовутлари туфайли ўз мустақиллигини йўқотди ва анча вақтгача англиз мустамлакасига айланиб қолди. Шун-

дан бошлаб у Европадаги энг ривожланган капиталистик мамлакат томонидан жуда қаттиқ мустамлака зулмига дучор қилнди.

XVI—XVII асрларда Ҳиндистон маданияти. Ҳиндистон маданияти Мўғуллар давлати даврида ривожланишда давом этиб, ўзининг турли соҳаларида анча юксак кўрсаткичларга эришди. Ғоят ривожланган адабиёт ва архитектуранинг равнақ топиши XVI—XVII асрлардаги Ҳиндистон маданияти учун айниқса хarakterлидир. Шоҳ Акбар ва шоҳ Жаҳон сингари Буюк Мўғуллар томонидан ёзувчиларга ва санъат вакилларига ҳомийлик қилиш сиёсати бунда каттагина роль ўйнади.

Акбар давридаги энг атоқли ёзувчи Абул Фазл ҳисобланади. У форс тилида ёзар эди. Абул Фазл Акбарнинг саройидаги ўзига хос тарихнависи бўлган эди. У бир неча китобларда ёзган Акбар подшолигининг ички ва ҳарбий тарихи дабдабали услубда ёзилган бўлиб, Акбар кўкларга кўтариб мақталади. Аммо шунга қарамай бу тарих катта ҳужжатли материаллар асосида ёзилган бўлиб, умуман мўғуллар тарихининг ана шу катта ва муҳим давридаги воқеаларни ишончли тарзда баён қилиб беради. Акбар замонида форс тилида ёзган шоирлардан энг машҳури Файз эди. Абул Фазлнинг укаси бўлган Файз Ҳиндистонда форсча шеър тузилиш услубини тарғиб қилди.

Айни вақтда Мўғуллар даврида Ҳиндистонда ҳинд тилида ҳам адабиёт ривожланди. Бу тилда ёзган буюк ҳинд шоири банораслик Тулси Дас (1532—1623) бўлган эди. Дас «Рама-чаритаманаса» деган умумий сарлавҳа остида ўндан ортиқ китоб ёзди. Бу китоблар эски халқ қаҳрамонлиқ ва мифологик эртакларини эркин тарзда қайта баён қилишдан иборат эди. Дас асарлари юқори ва ўрта синфлар орасидагина эмас, балки халқ оммаси орасида ҳам кенг машҳур бўлиб кетди.

Акбар ва унинг ворислари даврида Ҳиндистонда муҳташам ва жуда катта монументал иншоотлар: масжидлар, саройлар, мақбаралар, шаҳар дарвозалари ва шу сингарилар қурилди. Деҳлидаги Акбар қалъа саройи ўзига хос жуда катта муҳташам иншоот эди; қалъа деворларининг баландлиги 20 метрга етарди. Бу эса архитекторлар учун йўнилган тошдан катта ҳажмдаги иншоот қуришдан иборат катта ва мураккаб вазифа бўлган эди. Акбарнинг яна бир қалъа саройи Агра шаҳрига яқин жойда эди. Деярли саҳро жойда ниҳоятда қисқа муддатда қурилган бу сарой бир қанча бинолар, парклар, ҳовузлар, нафис қилиб ясалган йўллар ва йўлкалардан иборат бутун бир шаҳарни ташкил қилар эди.

Шоҳ Жаҳоннинг буйруғига биноан, унинг марҳума рафиқаси хотирасига қурилган Аградаги Тожмаҳал деб аталадиган машҳур масжид-мақбара мусулмон-мўғул архитектура услубининг дурдонасидир. Масжид ажойиб оқ мраммардан қурилган бўлиб, унинг оқ гумбазлари ва миноралари шу ердаги мраммар ҳовузда акс этиб туради. Шоҳ Жаҳон даврида оқ мраммардан

ишланган, миноралари қизил мармарлар билан қопланган яна бир муҳташам масжид — Деҳлидаги Жоме масжиди бўлиб, ўзининг бадний архитектура формаси ва бой безаклари билангина эмас, балки ўзининг жуда катта ҳажми билан ажралиб туради. Жоме масжидга унга туташ биноларни қўшиб ҳисоблаганда бир вақтда юз минг киши сиғади.

Шоҳ Жаҳон подшолик қилган даврда, шунингдек, махсус ҳукумат биноларини, маъмурий-суд, молиявий ва ҳарбий бинолар ҳам кўплаб қурилган бўлиб, улар ўз ҳажми билан ва айни вақтда нафислиги ва безаклари билан ҳамда қимматбаҳо бинокорлик материаллари билан ажралиб туради. Агра шаҳридаги қисман ҳозиргача сақланиб қолган Девони авом, Девони хос ва бошқа иншоотлар шулар жумласидандир.

III БОВ

XVI—XVII АСРЛАРДА ХИТОЙ

Мин сулоласининг заифлашуви. XVI аср охири ва XVII аср бошларида Мин сулоласи тўла тушқуиликка юз тугган эди. Бу «деҳқонлар» сулоласининг дастлабки даврларида сал-пал мавжуд бўлган баъзи демократик тенденциялари энди аллақачонлар тугаб кетган эди. Мин монархияси айниб, ўздан олдинги сулолалар сингари оддий бюрократик деспотияга айланган эди. XVI аср бошларидан эътиборан давлатни идора қилиш ишлари тепасида давлат хазинасини уялмай-нетмай талаган ва шу тариқа жуда катта бойлик орттирган император ҳарамининг ходимлари бўлган маҳрамлар турар эди. Ҳаддан ташқари ўсиб кетган бюрократик давлат аппарати, дабдабали император саройининг ниҳоятда катта чиқимлари ва Япония билан бўлаётган уруш янгидан-янги солиқ даромадларини талаб қиларди. Биргина XVII асрнинг иккинчи ўн йиллигида барча давлат солиқларининг ҳажми шундан олдинги ўн йилликлардагига нисбатан 50 процент кўпайди. Давлат солиқлари ва бунинг устига маҳаллий феодаллар, судхўрлар ва амалдорлар фойдасига олинадиган ҳар хил оғир тўловлар туфайли деҳқонлар ва шаҳар ҳунармандларининг тинкаси қуриган эди.

Халқ оммаси табиий офатдан: сув тошқинидан, тақрорлашиб турадиган қаҳатчиликдан, очарчиликдан, эпидемиядан азоб чекар эди. XVII асрнинг биринчи ярмида Хитой халқ оммасининг ҳаёти доимо тўйиб овқат емаслик, одамхўрликкача бориб етган очлик, аҳоли ўлимининг авж олиши билан характерланади. Шу билан бирга XVII аср бошларида Хитойнинг халқаро аҳволи жуда ёмонлашди. Шимолда, Сунгарни дарёси ҳавзасида яшовчи маньчжур қабилалари тахминан 1606 йилда бирлашди.

1625 йилда маньчжурлар Мукденни ва деярли бутун Ляодун ярим оролини босиб олдилар. 30-йилларда Корея маньчжурларга вассал қарам бўлиб қолди. Маньчжурларнинг Хитойдаги шимолий вилоятларга ҳужум қилишлари одат бўлиб қолди. Мин ҳукумати варварларга зарба беришга қодир эмаслигини кўрсатди. Бу эса халқ оммасининг бошига янги қулфатлар келтирар ва уларнинг ҳаётини чидаб бўлмайдиган даражада жуда танг қилиб қўйган эди. Омманинг мавжуд режимдан норозилиги кучая бориб, оқибат натижада деҳқонларнинг жуда катта урушига айланди ва бу уруш Мин сулоласини ҳалокатга олиб келди.

XVII асрнинг 30—40-йилларида Хитойдаги деҳқонлар уруши. Деҳқонлар ҳаракатининг бошланишига 1628 йилдаги очлик туртки бўлди. Шэньси билан Шаньси вилоятларида бу очлик айниқса кучли бўлди. Бу вилоятларда бошланган ҳаракат 1632 йилда Марказий Хитойнинг бошқа областларига тарқалди. Қўзғолол Хуанхэ билан Янцзи дарёлари оралигидаги ҳамма ерларга ёйилган эди. Хэнань, Хубей, Анхой, Шаньдун, Сичуань вилоятларида бу қўзғолол айниқса кучли бўлди. Деҳқонларнинг қуролли отрядларида бир неча ўн минглаб қўзғололчи бор эди.

Лекин қўзғолол тарқоқ бўлганлигидан ҳеч қандай натижа бермади. 30-йилларнинг иккинчи ярмида қўзғолол бир қадар пасайиб ҳам кетди. Қўзғололчи отрядлардан бир қисмини ҳукумат қўшинлари тор-мор келтирди.

Ҳукумат қўшинлари Маньчжуриянинг шимолидаги урушда банд эканида деҳқонлар қўзғололнинг янги тўлқини 1641 йилда яна бошланиб кетди. Собиқ оддий қишлоқ темирчиси Ли Цзи-чэн деҳқонларнинг йўлбошчиси эди. 1639 йилдаёқ Ли Цзи-чэн қўзғололчиларнинг катта қўшинини ташкил қила бошлади, 1640—1643 йилларда у бир қанча йирик шаҳарларни босиб олди ҳамда Монголиядан Приморьегача, Хуанхэ дарёси водийсидан Янцзи дарёси водийсигача бўлган жуда катта территорияни контрол қилиб турди, қўзғололчиларнинг пойтахти Сиань (собиқ Чанъань) шаҳри бўлди. Ли Цзи-чэн ўзини император деб эълон қилди. 1644 йилда Ли Цзи-чэн шимолга юриш ташкил қилиб Пекинни олди. Мин династиясининг охириги императори ўзини-ўзи ўлдирди. Буюк Шимолий пойтахтни эгаллаган Ли Цзи-чэн Мин зодагонлари ва юқори бюрократиясининг вакилларида қаттиқ ўч олди. Кўпгина феодаллар, шу жумладан, император хонадонининг бош маҳрамлари қатл этилди, уларнинг мол-мулклари эса мусодара қилинди.

Янги ҳукумат деҳқонлардан солиқ олмади, армияни ва давлат бошқарув аппаратини сақлаш учун зарур маблағлар, асосан феодал-ер эгаларига ҳамда энг бадавлат шаҳарлилар — савдогарлар ва судхўрларга кўплаб солиқ солиш орқали ундириб олинди. Бироқ, Ли Цзи-чэн Пекинда фақат 42 кун турди. Шундан кейин у пойтахтни тарк этишга мажбур бўлди. Хитой

айниқса актив роль ўйнади. Шаҳзода Дурган (Маньчжуриянинг ёши етмаган император ҳузурида шаҳзодалик вазифасини бажариб турган) бошчилигидаги маньчжурларнинг жуда катта армияси Хитой ерларига бостириб кирди. Ли Цзи-чэн ҳам 200 мингга яқин кишидан иборат катта армияси билан Маньчжурларнинг ҳамда уларга қўшилган У Сань-гуйнинг қўшинларига қарши отланди.

Бироқ, Ли Цзи-чэн қўшинлари Пекин яқинида мағлубиятга учради. Ли Цзи-чэн жанубга қочишга мажбур бўлди. Бу ерда у Шэньси вилоятида бир оз вақт курашни давом эттирди, аммо у 1645 йилда маҳаллий феодаллар томонидан деҳқонлар ҳаракатини бостириш учун тузилган отрядларнинг бири томонидан ўлдирилди.

1644 йил 6 июнда маньчжур қўшинлари У Сань-гуй қўшинлари билан биргаликда Пекинга кириб борди. Шу тарзда Хитойда янги ажнабий династия ҳукмронлик қила бошлади. Цин деб аталган бу династия Хитойда 1911 йилгача ҳукмронлик қилди.

Маньчжурия династиясининг ҳокимият тепасига келиши. Хитой халқининг маньчжур босқинчиларига қарши кураши. Маньчжурия династияси Хитойда дарҳол мустақамлана олмади. 1645 йилда маньчжурлар шиддатли жанглардан кейин Янтжоу ва Нанкинни олиб, жанубий вилоятларга қараб йўлга чиқишганида уларнинг фронт орқасида маньчжурларга қарши қўзғолон янги куч билан кўтарилди. Хунань, Сичуань ва Гуанси, Чжэцзян, Фунзянь, Шэньеси ва Ганьсу вилоятларида маньчжурларга қарши ҳаракат авж олиб, бу ҳаракат XVIII аср 40-йилларининг охиригача давом этди. Маньчжурлар шу пайтга келибгина қўзғолонни бостира олдилар. Шарқий вилоятларда кенг кўламдаги ҳаракатлар бўлиб ўтди, бу ерда маньчжурларга қарши курашда денгиз соҳилидаги ана шу вилоятларнинг савдо флоти катта роль ўйнади. Денгиз соҳилида жойлашган шарқий вилоятлардаги маньчжурларга қарши ҳаракат 1662 йилдагина узил-кесил бос-тирилди.

Жанубий вилоятларда маньчжурларга қарши ҳаракат янада узоқ давом этди. Тайвань оролида ва Жануби-Шарқий Хитойнинг денгиз соҳилидаги вилоятларда маньчжурлардан мустақил бўлган Чжэн Чэн-гун ва унинг ўғли Чжэн Цзин бошчилигида мустақил давлат ташкил топди. Жанубий Хитой портларидаги савдогарлар орасида социал таянч топган бу жанубий давлат 30 йилдан кўпроқ (1650—1683) яшади. Чжэн Чэн-гун флоти 50-йилларда Нанкин шаҳрини икки марта қамал қилди. Оқибат натижада маньчжурлар Чжэн Чэн-гун ворисларини Голландия флоти ёрдамида тор-мор келтиришга муваффақ бўлдилар. Ана шу давлат мустақиллиги тугатилганидан кейингина Цин давлати ўзини бутун Хитойнинг хўжайини деб ҳисоблай олди. Ана шундай бениҳоя оғир шароитларда, феодаллар ўз ватанларига хиёнат қилган вазиятда Хитой халқи бир

неча ўн йилликлар мобайнида маньчжурия босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб борди.

Маньчжурлар зулми Хитой халқ оммаси елкасига оғир юк бўлиб тушди. Янги ҳокимиятнинг тобора даҳшат билан ўтказган муттасил жазо операциялари натижасида мамлакат хонавайрон бўлди. Маньчжурлар хитойларнинг миллий туйғуларини таҳқирладилар, жумладан, барча эркак хитойларнинг бўйсунганлигининг рамзи сифатида узун соч қўйиб, ўриб юришига мажбур қилдилар. Маньчжурлар фсодал-деҳқончилик муносабатларини мустаҳкамладилар ва сақлаб қолдилар. Ўзлари босиб олган районларда деҳқонлар ҳаракатининг қолдиқларини шафқатсизлик билан бостирдилар. Маньчжуриянинг янги зодагонлари ҳамда мамлакатда имтиёзли мавқеи эгаллаган ва жандармаларнинг ўзига хос жуда катта корпуси ролини ўйнаган маньчжур қўшинлари жуда катта ерларни босиб олди; уларнинг вазифаси халқнинг янги ҳаракати йўлидаги ҳар қандай уринишларни доимо бостириб туришдан иборат эди. Айни вақтда маньчжурлар қўшни халқларга нисбатан душманлик ва ишончсизлик сиёсатлари билан Хитойни атайин яккалаб қўйдилар, бу жиҳатдан унинг муваффақиятли социал-иқтисодий ривожланишига ҳалақит бердилар.

Хитойга Европа мустамлакачиларининг кириб келиши ва Цин династиясининг уларга қарши кураши. XVII асрда европалик савдогарлар ва миссионерлар Хитой ичкарасига киришга ҳаракат қилдилар. Католик (асосан Португалия ва қисман Франция) миссионерлари бир вақтлари маньчжурлар ишончини қозониб, уларга, жумладан, тўпчи инструкторлар ва қурол-яроғ шининг усталари сифатида хизмат кўрсатдилар.

Айни вақтда XVII асрнинг иккинчи ярмида Хитойга инглиз, голланд ва француз Ост-Индия компанияларининг вакиллари кириб келишга астойдил ҳаракат қилиб, Хитой ҳукуматидан турли енгилликлар ва имтиёзлар олишга муваффақ бўлдилар. Бироқ, Европа мустамлакачиларининг бу сиёсати муваффақиятли чиқмади.

Янги Цин династияси мустаҳкамланиб олгач, Европа миссионерларининг хизматига муҳтож бўлмайд қолди ва улар XVII асрнинг 60- йилларида мамлакатдан қувиб чиқарилди. XVII асрнинг охирларида улар Хитойда ўз фаолиятлари учун яна имконият олдилар. Бироқ, XVIII асрнинг бошларида улар яна бир марта ҳайдаб чиқарилди ва бу гал қувиб чиқариш узил-кесил бўлди. Улар жанубий Хитой соҳилида жойлашган Макао оролидаги Португалия мустамлакасидагина яшай олардилар. XVIII асрда, 1757 йилда Хитой ҳукумати биргина Кантон портдан ташқари ўзининг портларини барча ажнабий савдогарлар учун тамомилан ёпиб қўйди.

Хитойнинг ажнабийлар учун машҳур «ёпиб қўйилиши» шу тарзда рўй берди. Бу ҳол XIX асрнинг ярмиларигача давом этди. Цин династиясининг Хитойга чет эл капиталининг суқилиб ки-

ришига қарши ана шундай кураши натижасида Хитой чет эл капиталистик эксплуатациясидан бир оз вақт холи бўлиб турди. Аммо бу сиёсатнинг иккинчи салбий томони ҳам бор эди. Хитой ана шундай сиёсат натижасида ташқи дунёдан тамомила ажралиб қолди. Ташқи иқтисодий алоқалар шу йўл билан қўпол ва сунъий тарзда тўхтатилди ва чекланди. Бу эса Хитой ҳунармандчилиги ва Хитой мануфактурасининг, Хитой шаҳри ва Хитой ички савдосининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Умуман олганда бу тадбирларнинг ҳаммаси Хитойнинг орқада қолишига ҳамда унинг иқтисодий ва ижтимоий тузуми ривожланмай қолишига олиб келди, оқибат натижада халқ оммасининг аҳволи ёмонлашиб, уларнинг иқтисодий ва социал тараққиёти тўхтатиб қўйилди.

LIV В О В

XVI—XVII АСРЛАРДА ЯПОНИЯ

Токугава режимининг ўрнатилиши. Хидэёси¹ ўлгандан кейин диктатура 1598 йилда Ода Набунаганинг бошқа бир сафдоши ва Хидэёсининг рақиби бўлмиш Иеясу Токугава қўлига ўтди. Токугава шарқий (Канто) вилоятларнинг тепасида турган энг йирик феодал князлардан бўлиб, жуда мустаҳкамланган Эдо (Иедо) қасри унинг резиденцияси эди. Иеясу бир оз вақтгача Хидэёси тахт ворисининг васийси бўлиб турди. Аммо 1603 йилда етарли даражада мустаҳкамланиб олиб, ўзини сёгун деб эълон қилди. Унинг сёгунлар сулоласи икки юз эллик йил давомида, яъни Микадо ҳокимиятини тиклаган 1868 йилги «революция»гача Японияни идора қилиб келди.


Токугавалар режими бу сулоланинг учинчи сёгуни Иемицу Токугава даврида (1623—1651) узил-кесил ўрнатилган эди.

Немицу 1637 йилда Кюсю оролидаги Самабери округида деҳқонларнинг жуда катта қўзғолонини шафқатсиз равишда бостирди. Янги сёгун ана шу халқ ҳаракатига қарши курашнинг бевосита таассуроти остида 1639 йилда Япония давлатида таркиб топган феодал конституциясини юридик жиҳатдан расмийлаштириб берган қонунлар тўпламини нашр қилди. Бу қонунлар тўпламида меҳнаткашлар учун жуда ҳам оғир турмуш шароитлари кўзда тутилгани ҳолда полициячилик-крепостнойлик режими ниҳоятда яққол ифодаланган эди. 1639 йилги кодексга кўра социал муносабатлар: ҳарбийлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлардан иборат тўрт сословие муноса-

¹ «Япония XI—XVI асрларда. Корейс халқининг японларнинг бостириб киришига қарши кураши» деган юқоридаги XXXVI бобга қаралсин.

Битлари шаклида ифодаланган эди. Шу аҳоли гуруҳларининг муносабатлари қаттиқ тартиб ва қоидалар билан белгиланган эди. Оқсуяклар ва самурайларга мансуб турли гуруҳларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонунда икир-чикирларигача муфассал кўрсатиб берилган эди. Давлат саноат ва савдо-сотиқ ишларини ўчакишиб назорат қилар ва унга бачканалик билан васийлик қиларди. Савдогарларнинг гильдиялари ва айниқса ҳунармандларнинг цехлари бутунлай ҳукуматга боғлиқ эди, ҳукумат савдо-сотиқдан ва саноатдан катта давлат даромадлари олиш учун ҳам улардан кенг фойдаланар эди. Деҳқонларга нисбатан белгиланган тартиб-қоидалар айниқса қаттиқ эди. Уларнинг турмушдаги ҳар бир қадамини ҳукумат қаттиқ кузатиб турарди. Деҳқонларга гуруч ейиш ман этилган эди, чунки улар учун бу «ортиқча неъмат» деб қаралар эди. Уларга шойн ва полотно кийим кийиш ҳам ман қилинган эди, фақат арзон баҳоли ип-газламадан кийим кийиш мумкин деб кўрсатилган эди. Деҳқонларга ҳамма нарсада «камтар» бўлиш буюрилган эди. Ҳатто тўй, азаларга ва ҳоказоларга сарф бўладиган харажатлар ҳам маълум миқдордан ошмаслиги шарт эди.

Ўзи ва Киотодаги саройин учун аниқ тайинланган маошга яшовчи микадо номигагина ҳокимият эгаси эди. Қонунлар аслида уни ташқи дунё билан алоқа қилиш имкониятидан тамомилла маҳрум қилиб қўйган эди. Сёғунларнинг пойтахти Эдо шаҳри бўлиб, у жуда тез ўсиб, катта марказга айланиб борди. Сёғунлар бу ерда дабдабали ҳаёт кечирардилар. Катта феодаллар, мулкдор князлар — даймё ва бошқаларнинг кўп вақт пойтахтда яшаб, сёғунлар саройига қатнаб туришлари шарт эди. Улар ўз вилоятларига қайтиб кетганларида хотин ва бола-чақаларини гаров қилиб Эдода қолдиришлари лозим эди. Токугавалар ўрнатган бутун режим кенг тармоқли полиция аппаратига асосланган эди. Ҳукумат ўзининг ошкора ва махфий агентлари воситаси билан деҳқонларни, шаҳар плебсларини, катта савдогарларнинг хонадонларини, самурайларни ва феодал князларни кузатиб турарди. Шундай қилиб, Японияда феодализм давридаёқ искович полициянинг мудҳиш аппарати вужудга келтирил-



XVI—XVII асрларда Япония

ХVI—XVII асрларда Япония

ган эди ва бу аппарат аҳолининг ҳуқуқсиз меҳнаткашлар омма-си бошига оғир кулфатлар солар эди.

Ажнабийларга муносабат. XVI асрда Япония Корея, Хитой, Ҳинди-Хитой, Филиппин билан кенг турда савдо муносабатлари ўрнатган эди. Европаликлардан португаллар, испанлар, кейинчалик эса, XVI асрнинг охирларидан бошлаб голландлар Япония билан савдо қилар эдилар. Аввалига европаликларга Японияда миссионерлик фаолияти билан шуғулланиш учун анча кенг имконият бериб қўйилди. Европаликлар Хидэёси армиясини Япония-Корея уруши даврида ўқ отувчи қуроллар билан таъминлаб турдилар. Аммо Хидэёсининг ўзиёқ испан ва португал миссионерларининг фаолиятини чеклаб бошлади. Иеясу Токугава даврида ажнабийларга нисбатан яна бир қанча чеклашлар ўрнатилди. Токугава испанлар билан португалларнинг таъсирини заифлаштириши мақсадида голландларга кўпроқ ҳомийлик қила бошлади. Иемицу Токугава европаликларни мамлакатга қўймаслик мақсадида қатъийроқ сиёсат ўтказди. XVII асрнинг 30- йилларида бир қанча фармойишлари билан японларнинг ўз мамлакатини тарқ этишни қатъиян таъқиқлади, испанлар билан португалларга эса Япония ороларини мутлақо ташлаб чиқиб кетишни таклиф қилди. Бундан голландларгина истисно бўлиб, уларга Нагасаки портига кириш учун рухсат этилди. Хитой савдогарлари ҳам ана шундай имтиёз олдилар.

Япония ҳукумати томонидан ажнабийларга бундай муносабатда бўлишнинг сабабларидан бири қисман пул-иқтисодий мулоҳазалар: мамлакатдан олтин ташиб чиқиб кетилиши хавфи, чет эллик савдогарларнинг маҳаллий савдогарлар билан рақобати ва шу сингарилардан иборат эди. Аммо Токугавани ажнабийлардан халос бўлишга даъват этган ҳал қилувчи омил — ички сиёсий характерга эга бўлган мулоҳазалар эди. Ҳукумат христиан миссионерларининг «бузгунчилик» таъсиридан қўрқар эди, чунки айрим районларда япон деҳқонлари ва бошқа меҳнаткашлар, баъзи христианлик тенгчилик гояларидан ҳамда Японияга европаликлар келтирган ўқ сочувчи қуроллардан фойдаланиб, япон феодалларига қарши чиқдилар. Юқорида эслатиб ўтилган 1637 йилда Кюсю оролида бўлган ва 30 мингга яқин киши қатнашган деҳқонлар қўзғолони худди ана шундай диний шнорлар остида ҳамда испанлар билан португалларнинг бево-сита мадади билан рўй берган эди. Голландлар аксинча бу даврда Япония ҳукуматига ёрдам бердилар: Голландия кемалари қўзғолон кўтарилган соҳил бўйи районини тўплардан ўққа тутди.

Ҳукумат Кюсю оролида қўзғолонни бостириб, диний жиҳатдан ҳам аҳоли устидан назоратни кучайтирди. Будда руҳонийлари будда ибодатхоналарига келувчилар устидан назорат қилиш юзасидан кенг кўламда полициячиларнинг ваколатларини олдилар. Ҳар бир киши маҳаллий будда жамоасига мажбурий тартибда аъзо бўлиши керак эди. Бошқа динга ўтиш жиноят

ҳисобланиб, бунинг учун ўлим жазоси берилар эди. Япония ҳукумати «ғарб кишилари» ҳақида бирор гап ёзилган Европадан ва қисман Хитойдан келтирилган китобларнинг ҳаммасини куйдириб ташлаш ҳақида буйруқ чиқарди.

Япониянинг яккаланиб қолиши. Япониянинг ташқи дунёдан ажралиб қолиши (ҳатто Хитой билан ҳам муносабатлар ғоят чекланган эди) XIX асрнинг ярмигача давом этди. Токугава режимиининг бутун бир системасига кирувчи бу сиёсат умуман мамлакат учун ғоят оғир ва салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Бу нарса Японияда феодал муносабатларнинг энг қолоқ формалари сақланиб қолишига ёрдам берди. Яккаланиб қолиш шаронтида япон феодаллари ва уларнинг амалдорлари япон меҳнаткашлар оммаси устидан айниқса ҳар томонлама ва назоратсиз ҳукмронлик қилиб, ўз синфий диктатураларини энг даҳшатли формаларда амалга ошира олдилар. Айни вақтда Япониянинг яккаланиб қолиши уни очикдан-очик қолоқликка маҳкум этди. Бу эса саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам эски ишлаб чиқариш усулларининг сақланиб қолишида ўз ифодасини топди. Бу нарса мамлакат маданий ўсишининг тўхтаб қолишига ҳам таъсир кўрсатди.

Шундай бўлса-да, XVII асрда Японияда сустр бўлса ҳам муайян ўсиш рўй берди. Мамлакатда товар-пул муносабатлари ривожланиб секин-аста япон қишлоқларига ҳам кириб борди. Шаҳарларда савдогарлар капитали тўпланди. Саноатнинг айрим тармоқлари — чинни тайёрлаш, ип газламага гул босиш, қоғоз ва шу сингарилар ишлаб чиқариш кенгайди ва такомиллашди. Бир қанча шаҳарларда XVII аср ўрталарида мануфактура вужудга келди. Аммо бу онда-сонда ишлайдиган мануфактуралар эди. Феодалларнинг орасида тобора кўпроқ табақалашув рўй берди. Феодаллар — самурайларнинг паст қатлами хонавайрон бўлиб, шаҳардаги ўртача ва ҳатто қуйи қатламларга тобора яқинлашиб борди.

XVI—XVII АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ЕВРОПАДА ТЕХНИКА ВА ТАБИИЁТШУНОСЛИКНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Мануфактура даврида техника тараққиёти¹. Мануфактура давридаги техника ҳали, асосан ҳунармандчилик ҳарактерида бўлиб, буюмлар деярли бутунлай қўл кучи билан ишланарди. «Мануфактура даврига хос механизм кўпгина қисмий ишчилардан иборат жами ишчининг ўзидир»². Мануфактурадаги меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнат унумдорлигини хийла оширган эди. Мануфактурада машиналардан онда-сондагина фойдаланиларди. Айрим ишчининг санъати, маҳорати, у ўз шахсий асбоб-ускунасида бажарадиган операцияларнинг тезлиги ва аниқлиги асосий нарса бўлиб қолаверди. Шу сабабли мануфактура даврида техника тараққиёти умуман ҳали суст борди. XVI—XVII асрлар даврида техника соҳасидаги кашфиётлар нисбатан ҳали кам эди. Маркс ана шу ҳолатни таъкидлаб, бунинг сабаби мануфактуранинг худди ана шу ҳунармандчилик техника базиси эканлигини кўрсатган эди. «Ҳунар ва мануфактура ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумий базисини ташкил қилар экан, ишлаб чиқарувчининг фақат битта маълум ишлаб чиқариш тармоғига тобе бўлиши, унинг машғулотларининг дастлабки хилма-хиллигининг бузилиб кетиши тараққиётнинг зарур моментидан иборатдир. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир айрим тармоғи ана шу базисда эмпирик йўл билан ўзига мувофиқ техник тузум ҳосил қилади, бу тузумни секин-аста такомиллаштиради ва маълум бир етуклик даражасига эришилиши биланоқ уни муайян бир шаклга солади. Вақт-вақти билан ўзгаришлар бўлиб туради, бу ўзгаришларга савдо етказиб берадиган янги меҳнат материалидан ташқари, меҳнат асбобининг аста-секин ўзгариши ҳам сабаб бўлади. Лекин эмпирик йўл билан мувофиқ асбоб формаси топилган экан, иш асбоби ҳам бир нуқтада қотиб қолади...»³.

Ҳар ҳолда мануфактуранинг ривожланиши келгусидаги саноат революцияси учун, машиналар ва машина ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши учун муайян шарҳ-шароитларни яратди. Иш операцияларини соддалаштиришнинг ўзи ва бу операцияларнинг мануфактурада доимо механик тарзда гакрорланиши механиканиннг фан сифатида ривожланиши учун туртки бериши керак эди. Айни вақтда мануфактура юқорида кўрсатиб ўтилганидек, онда-сонда бўлса ҳам, айрим жуда содда машиналардан (асосан механик двигателлар сифатида) фойда-

¹ Мануфактура техникасининг умумий характеристикаси юқорида, XXXVII бобда берилган эди.

² К. Маркс. Капитал, I том, Ўздавнашр, 1955 йил, 338-бет.

³ К. Маркс. Капитал, I том, Ўздавнашр, 1955 йил, 537-бет.

лана бошланган эдики, бу машиналар ривожланган капитализмнинг кейинчалик яратилган машиналарининг бевосита ўтмишдошлари бўлиб қолди.

Кон иши ва металлургия. Кон иши соҳасида XV ва XVII асрларда аввало чўянни эритишда, тошкўмрдан фойдаланиш йўлида астойдил ҳаракат қилинди. Бу жиҳатдан Англияда лорд Дедли энг катта муваффақиятларга эришди. У 1621 йилда «Тошкўмрдан фойдаланиш йўли билан темир рудасини эритиш ҳамда ундан чўян қуйилма ёки ғўла ишлаб чиқариш» учун патент олди. Бироқ, Дедлининг кашфиёти аслида катта амалий аҳамиятга эга бўлмади. Англияда минерал ёқилги асосида чўян ишлаб чиқариш проблемаси XVIII асрнинг бошларидагина узил-кесил ҳал этилди.

XVI—XVII асрлар даврида сув кучидан фойдаланиш проблемаси анча муваффақиятли ҳал этилди. Юқоридан сув тушириб айлантириладиган сув ғилдирагини янада такомиллаштириш ёрдамида шалог ва тоғдаги дарёлардан кон саноати эҳтиёжлари учун кенг фойдаланиш имконияти туғилди. Бу жиҳатдан ўша даврда Англиядан ташқари айниқса Швецияда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. XVII асрнинг иккинчи ярмида Францияда ва Англияда буғ насослари қуриш йўлида муваффақиятли уринишлар бўлди (1690 йилда Дени Папин кашф қилган атмосфера буғ машинаси тезда 1698 йилда Англияда Ньюкомен ва Каули томонидан такомиллаштирилди). Бу насосларда поршеннинг ҳаракати ҳавонинг атмосфера босими ёрдамида амалга оширилди; поршеннинг орқага ҳаракати эса ҳаво босимидан ошиб кетган буғ босимининг ёрдамида амалга оширилди. Физика қонунларини билишга асосланган бу кашфиёт XVIII асрда буғ машинасини ихтиро қилишнинг бевосита ўтмишдоши бўлди. XVI—XVII асрларда янги муваффақиятларга эришилди — металлни домнада ишлаб чиқариш қадим замонларда ва ўрта асрларда деярли XV асрнинг охиригача ҳукм суриб келган хом ашёни пуркаш усули деб аталадиган эски усулни узил-кесил бартараф этди. Ҳарорати юксак даражага етадиган улкан домна печлари жуда кўп металлни суюқ ҳолга келтирар, натижада ишланаётган металлга ҳар қандай шакл бериш мумкин бўлар эди.

Ҳарбий техниканинг ўсиши ва артиллериянинг ривожланиши. Ҳарбий техниканинг ривожланиши металлургиянинг тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Уқотар қуроллар (мушкетлар, тўплар ва бошқалар)нинг қўлланила бошлаши натижасида металлга эҳтиёж жуда ҳам ортиб кетди. Тўп ясашнинг ўзи саноатнинг янги тармоғини ўзага келтирди. Бошда тўплар темирдан ياسалар ва тош ўқлар билан отилар эди (XIV асрнинг 60-йилларида француз ва итальянларнинг тўплари). Кейинчалик қуролнинг бу хилини мисдан қуядиган бўлдилар (XIV аср охири), отганда эса сочма ўқ билан ўқлаб (темир питра ва чўян ўқ билан ўқлаб) отардилар. 1543 йилда Англияда чўядан қуйилган тўп-

ларни ишлата бошладилар. Мушкет ҳозирги замон милтиғининг ўтмишдошидир, мушкетлар дастлаб пилта қўйиб отиларди. XVI асрда эса пилта милтиқ ўрнини чақмоқ тошли милтиқ эгаллади. Артиллерия сон жиҳатдан XVI—XVII асрлардаёқ оммавий қурулга айланган эди. 1618—1648 йиллардаги Ўттиз йиллик урушда ҳамда Англияда XVII асрнинг ўрталаридаги граждандлар уруши даврида (1642—1649) тўплардан кенг фойдаланилди. 1652 йилда Англияда республика ҳукумати артиллерия паркидаги тўплар сонини 1500 тага етказишни мўлжаллаб қўйди.

Дастлаб XIV аср ўрталарида пайдо бўлган ўқотар милтиқ ҳар ҳолда жуда секин ривожланиб борди. Энгельс бундай деб ёзган эди: «Ўқотар қуруллар жуда секин такомиллашди. Қисман анчагина такомиллаштирилган бўлишларига қарамай, тўплар оғир ва бесўнақай бўлиб қолаверди, милтиқларнинг стволни қўпол эди. Милтиқлар бутун пиёдаларни қуруллантиришга яроқли ҳолга келтирилиб такомиллаштирилгунча уч юз йилдан кўп вақт ўтди. Штик ўрнатилган чақмоқ тошли милтиқ XVIII аср бошидагина пиёдаларнинг асосий қуроли бўлиб келган найзани сиқиб чиқарди»¹.

Кемасозликдаги ва кемалар қатновидаги муваффақиятлар. XVI ва XVII асрларда кемасозлик ва денгизда кемалар қатнови соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Кемаларнинг тоннажи ортиши билан бирга (XVI асрда кемаларнинг ўртача тоннажи 500 тоннадан 1000 тоннагача борарди), уларнинг ҳаракат қилиши ҳам тезлашди. Бунга мураккаб елканлар системасининг ривожланиши орқасида эришилди. Янги кемаларга жуда кўп мачта ўрнатилар, мачталарнинг бир қисми бир-бирига уланган бўлар ва жуда кўп елканлар қуриларди. Елканларни комбинациялаштириб, кемалар ҳар қандай шамолда (ҳатто рўпарадан эсган шамолда ҳам) истаган томонга сузиши мумкин бўларди. Фақат ҳеч қандай шамол бўлмагандагина (штиль вақтидагина) кемалар турган жойида озми-кўлми тўхтаб қолишга мажбур эди. XVI аср охирида ва XVII аср бошида кемаларнинг палубаларига металл (мис ёки пўлат) тахталар ётқизиладиган бўлди.

Кема босиб ўтган йўлни қуёшга қараб белгилаб берувчи XVI асрда такомиллаштирилган компас ва астролябиядан ташқари, денгизчилар XVI—XVII асрларда телескоплар, хронометр ва секстантдан кенг фойдаландилар. Денгиз карталари узоқ денгиз сафарларида кема экипажининг зарур ашёси бўлиб қолди².

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 172-бет.

² XVI асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмидаги энг пирик денгиз картографи Голланд Герард Кремер (ёки латинчасига Меркатор) бўлган эди. У 1512—1594 йилларда яшаган.

Ана шуларнинг ҳаммаси натижасида кемалар ҳаракатининг тезлиги анча ошди. XIV—XV асрларда денгиздаги саёҳат кунига ўрта ҳисобда 18—20 миля¹ билан ўлчанса, XVI асрнинг охири — XVII асрнинг бошларида об-ҳаво қулай бўлган кунда кунига 30—40 миля йўл босилди.

Тўқимачилик саноати. Тўқимачилик саноати соҳасида XVI—XVII асрларда ишлаб чиқариш процессининг деталлашган операцияларга янада кўпроқ бўлиниши ғоят катта аҳамиятга эгадир. Англия мовут саноати меҳнатни кенг кўламда техника жиҳатдан тақсимлашнинг айниқса ажойиб манзарасини вужудга келтирган эди. Мовут ишлаб чиқаришда 12 та алоҳида операция: ивитиш, ювиш, жунни тозалаш ва тараш, ипни калавалаш ва пшиштиш, тўқиш, пресшлаш, тукини қирқиш, материядаги тугунларни йўқотиш, бўяш ва ниҳоят оҳор бериш операциялари бўлиб, бу ишлар материалларнинг бир устахонадан иккинчисига ўтказиш йўли билан изчил тарзда амалга ошириларди, шу тарзда бир кийимлик мовутни ишлаб чиқаришда турли ихтисосдаги ўнлаб ишчилар қатнашар эди.

XVI асрнинг охирларида Голландияда ва деярли шу вақтда Англияда янги лентали тўқув станогига деб аталувчи дастгоҳнинг ихтиро қилиниши тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу дастгоҳда энсиз жун ва жун аралашган ёки жун-ип газламалар тайёрланарди. Бир ишчи бундай станокда бир йўла 10, 20 ва ундан кўпроқ ҳар хил рангдаги ленталар тайёрлаб берарди.

XVI аср охиридаёқ ип йигириш машинасининг ва деярли бир асрдан кейин янги тўқув станогининг ихтиро қилиниши навбатдаги саноат революциясини тайёрлашда зарур босқич бўлди. Бу саноат революцияси Англияда XVIII асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида тўқимачилик саноатида, унинг энг ёш тармони — ип газлама ишлаб чиқаришида рўй берди.

Автоматларнинг кашф этилиши. XVI—XVII асрларда Европада соат ишлаб чиқариш тобора кенгайиб борди. XV асрнинг охирларида пружинали чўнтак соатлари яратилди. Соат ишлаб чиқариш марказлари турли мамлакатларда: Францияда (Париж), Нидерландияда (Антверпен ва Амстердам), Швецарияда (Женева ва Гевшатель) бунёдга келган эди. XVII асрнинг ўрталарида Голландияда маятникли девор ёки минора соатлари ихтиро қилинди (XVI—XVII асрларда табиётнинг муваффақиятлари ҳақидаги навбатдаги бўлимга қаранг). Соат ўрта асрдан янги замонга ўтиш давридаги дастлабки маълум автомат эди. Айни вақтда мануфактура даврида тегирмонлар тобора кенг тарқалди. Асрнинг бошлари ва ўрталарида тегирмонлар, асосан, шамол ва сув ёрдамида ишларди. XVI—XVII асрларда саноатда ҳам тегирмонлар — мовут майдалаб берадиган, қоғоз

¹ Англия миляси — тахминан 1,6 километр.

(қоғоз тайёрлайдиган) ва шу сингари тегирмонлар кенг тарқалди¹.

Маркс ана шу илк автоматларнинг вужудга келишига жуда катта аҳамият берган эди. Бу автоматлар кейинчалик саноатда иш механизмларининг ихтиро қилинишига бевосита таъсир кўрсатди. К. Маркс Ф. Энгельсга ёзган хатларидан бирида бундай деган эди: «Технология тарихига оид ўз ёзувларимни қайта ўқиб чиқиб, шундай хулосага келдимки, буржуазия тараққиётининг зарур шарт-шароитлари бўлган порох, компас ва китоб босишнинг ихтиро қилинганлигини бир ёққа қўйиб турсак, XVI асрдан то XVIII асрнинг ўрталаригача бўлган даврда, яъни ҳунармандчиликдан то йirik саноат даражасигача ривожланиб борувчи мануфактура даврида иккита моддий асос бўлиб, шу негизда мануфактура ичида машина индустриясига ўтиш учун тайёргарлик иши рўй беради, бу негиз — *соат ва тегирмондир...* Соат — амалий мақсадда фойдаланилган дастлабки автоматдир. Соат асосида *бир текис ҳаракатдаги ишлаб чиқаришнинг* бутун назарияси ривожланди... Яна шу нарсага ҳам сира шубҳа йўқки, XVIII асрда соат биринчи марта автоматларни (худди шу пружинали автоматларни) ишлаб чиқаришга татбиқ этиш фикрига олиб келди... Иккинчи томондан, сув тегирмони бирпо этилган пайтдан бошлабоқ тегирмонда машина организмнинг ҳамма муҳим элементлари: механик ҳаракатлантирувчи куч; шу куч ёрдамида ишлайдиган дастлабки двигатель; ўтказувчи механизм; ва ниҳоят материални қамраб олувчи иш машинаси; бу элементларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир»².

Янги табиётшунослик. Фарбий Европада хўжаликнинг капиталистик формаси пайдо бўлиши ва мураккаброқ техниканинг тараққий қилиши билан табиётга қизиқиш кучайди. Уйғониш даврида фақат гуманитар фанлар ва тасвирий санъатгина ривожланиб қолмай, балки аниқ математик ва табиий фанлар ҳам гоят зўр муваффақият билан ривожлани бошлаган эди. Энгельс бу даврдаги табиётнинг революцион ролини қуйидагича характерлаган эди: «Ҳозирги замон табиёт илми, грекларнинг гениал гумонларига, арабларнинг аҳён-аҳёнда, тасодифий равишда қилган текширишларига қарама-қарши ўлароқ, чинакам фан деб аташ мумкин бўлган, бирдан-бир ҳозирги замон табиёти, бюргерлар феодализм қудратини синдириб ташлаган, шаҳарликлар билан феодал дворянлар ўртасидаги курашнинг орқа планда исёнчи деҳқонлар ва уларнинг кетида ҳозирги пролетариатнинг қўлида қизил байроқ ушлаган, дилида коммунизмни жо қилган революцион ўтмишдошлари кўриниб турган вақтдаги

¹ Шу нарса характерлики, ҳозирги замон инглиз тилида mill сўзи айни вақтда ун тегирмонни ва ип йигириш-тўқиш фабрикасини билдириб, шу тарзда саноат ишлаб чиқариши тараққиётининг тарихини яққол акс эттиради.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 30-том, 262—263-бетлар.

ғоят зўр даврдан бошланадигани, бу давр Европада йирик монархияларни барпо қилди, папаларнинг диний диктатурасини емирди, греклар қадимиятини тиклади ва шу билан бирга янги замонда, эски дунё (orbis) чегараларини синдириб-бузиб ташлади, биринчи марта, аслини айтганда, ерни кашф этган янги замонда санъатни ғоят юксалтирди.

Бу, ер юзиде то ҳозиргача юз берган революцияларнинг энг буюғи эди. Ана шу революция муҳитида ривожланиб борган табиийётшунослик тамомила революцион эди, у улуғ италянларнинг уйғониб келаётган янги фалсафаси билан монанд бўлиб маҳкам боғланган, унинг жафокаш намояндалари гулханларга ва зиндонларга ташланган эди»¹.

Леонардо да Винчининг олим, математик ва физик сифатида ғоят катта аҳамиятга эга бўлганлигини юқориде айтиб ўтган эдик². XVI ва XVII асрларда олам тўғрисида кишиларнинг традицион тасаввурларини тубдан ўзгартирган гениал астрономларнинг бутун бир плеядасини етиштириб берди. Бу плеядада оламнинг тузилиши тўғрисида янги таълимот яратган, яъни гелиоцентриқ системани (Ер ва бошқа планеталарнинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги таълимотни) яратган поляк олими Николай Коперник³ (1473—1543) ғоят фахрли ўрин тутди. «Дин соҳасида Лютернинг папа булласини куйдириши қандай ўрин тутган бўлса, табиийётшуносликда Коперник ижоди ҳам шундай ўрин тутган эди»⁴. Коперник таълимотини Италияда кенг ёйган ва унинг ишини давом этирган машҳур Жордано Бруно (1550—1600) бўлди. Ўзининг философик қарашлари билан черков догмаларига қарши чиққан Бруно инквизиция чангалига тушиб, Римда ўтда куйдирилган ва ундан олдин кўп вақтлар турмада қамоқда ётган эди. Герман астрономи Иоганн Кеплер (1571—1630) ва италян олими Галилео Галилей (1564—1642) янги астрономия назариясининг тўғри эканлигини узил-кесил исбот этган эдилар. Француз олими—философ Рене Декарт (1596—1650) математика соҳасида ғоят катта кашфиётлар қилган эди, у алгебра тенгламалари билан геометрия ўртасида боғланш борлигини белгилаган ва янги фан — аналитик геометрияни кашф этган эди.

Галилейнинг шогирди Торричелли (1608—1647) физика соҳасида суюқликлар механикаси юзасидан катта кашфиётлар қилди. Газ массасининг ҳажми ва ташқи босим тўғрисидаги машҳур қонунни айна бир вақтда икки мамлакат олими: Англияда Бойль ва Францияда Мариотт 1660 ва 1680 йиллар ўртасида кашф қилган эдилар.

Голландия олими Христиан Гюйгенс (1629—1695) кашф қилган маятник ҳаракати ҳақидаги таълимот механик фи-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 508-бет.

² «XVI—XVII асрларда Италия» деган XXXIX бобга қаралсин.

³ Польша тарихига оид XXIV ва XLIX бобларга қаралсин.

⁴ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 509-бет.

зикада жуда муҳим ихтиро бўлди. Унинг «Чайқалувчи соат ёки маятник ҳаракати тўғрисида» деган асари Парижда 1673 йилда нашр этилди. Аммо бундан илгари 1653 йилдаёқ Гюйгенс маятникли соат конструкция қилган ва бу соат тезда кенг тарқалиб кетган эди. Қон айланишининг ихтиро қилиниши медицина соҳасидаги йирик кашфиёт бўлди. 1553 йилда Женевада Кальвин томонидан ўтда куйдирилган испан врачлари Мигель Сервет (1511—1553) бу кашфиётга анча яқинлашиб қолган эди. Қон айланиши қонунини «Ҳайвонларда юрак ва қон ҳаракати ҳақида анатомик тадқиқот» деган илмий асарнинг автори инглиз врачлари ва анатоми Вильям Гарвей (1578—1657) 1628 йилда узи-кесил ихтиро қилди.

Янги фалсафа. Табиётнинг ривожланиб бориши билан бирга янги фалсафа ҳам вужудга кела бошлади. Янги буржуа фалсафаси тажрибавий табиёт фанларининг хулосаларига таянарди. Бу фалсафа оламни дин ёрдами билан эмас, балки унинг ўзидан келиб чиққан тажрибаларга асосланиб тушунтиришга уринди. Янги буржуа фалсафаси тажрибани ҳақиқатнинг бирдан-бир критерияси деб эълон қилди. Бир замонлар, антик дунёда ажойиб ривож топиб, ўрта асрларда рад қилинган фалсафий материализм энди яна тиклана бошлаган, лекин тикланганда ҳам, бошқа негизда, янада кенгроқ ва янада мустаҳкамроқ бўлган аниқ табиий илмий билимлар асосида тиклана бошлаган эди. XVI аср охири ва XVII аср бошларида яшаган инглиз олими Френсис Бэконнинг (1561—1626) ҳамда XVII асрда ўтган атоқли файласуф — юқорида номи тилга олиб ўтилган француз файласуфи ва математиги Рене Декарт ва голланд файласуфи Бенедикт (Барух) Спинозанинг (1632—1677) асарлари янги материалистик системанинг ривожланишида ғоят катта аҳамиятга эга эди. Бундан илгариги тегишли бобларда¹ уларнинг янги, материалистик ва рационалистик тафаккур вакиллари сифатидаги аҳамияти, уларнинг ўз фалсафий қарашларида ўз замоналаридаги табиёт фани маълумотларига таянишга интилишлари, уларнинг тадқиқотнинг аниқ фанларга ёки ақл-идрокнинг пухта мулоҳазаларига таянувчи янги илмий методини топиш йўлидаги уринишлари таъкидлаб кўрсатилган эди. Ҳар учала буюк файласуф учун ягона натурфалсафий концепция яратиш йўлидаги уриниш характерлидир. Бу концепцияда дунёнинг эволюцияси унинг реаллиги ва билиш мумкинлигига асосланган ҳолда табиий ва қонуний тарзда тушунтирилган эди.

Янги илм-фаннинг черков-схоластик дунёқараши билан кураши. Янги фан ва янги фалсафа ёшини яшаб бўлган схоластика билан шиддатли курашда ривожланди. Янги фан намояндаларини католик черкови, кейин протестант черкови ҳам жуда қаттиқ таъқиб қилиб борди. Коперник, Галилей, Жордано Бруно, Сервет, Декарт — ҳаммаси ҳам диний таъқиблар туфайли кўп азоб ва

¹ XLIV, XLV ва XLVI бобларга қаралсин.

уқубатларни бошларидан кечирдилар, уларнинг баъзилари илмий эътиқодлари учун ҳаётларини қурбон қилдилар. Лекин шунга қарамасдан, илмий йўналиш ўсиб, мустаҳкамланиб борди, ўз тараққиёти билан янги замон илм-фанининг гуллаб-яшнашига замин тайёрлади.

ХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

Йиллар

**Эрамиздан
аввалги**
58—51

Юлий Цезарнинг Галлия, Британия ва Германияда олиб борган урушлари. «Галлия уруши ҳақида хотиралар».

Янги эрanning
9 йили

Вар легионларининг Тевтобург ўрмонидаги мағлубияти.

43
Тахм. 98
165—180
226—644
313
Тахм. 320

Британияда Рим ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

Тацит «Германия»си.

Маркоман уруши.

Эронда Соснийлар ҳукмронлиги.

Христиан динини таъ олиш ҳақида Константин эдикти.

Ҳиндистонда Гупталар сулоласи ҳукмронлигининг бошланиши (тахминан 500 йилларда тугади).

375

Қора денгиз соҳилларига гуннларнинг бостириб кириши.

378

Уларнинг Остгот қабилалари иттифоқини тор-мор қилишлари. Адрианополь яқинидаги жанг. Император Валентиннинг ҳалок бўлиши.

395

Рим империясининг Шарқий ва Ғарбий империяларга бўлиниши.

410

Аларихнинг Римни олиши.

419

Вестготларнинг Тулузия короллигига асос солиши.

439

Шимолий Африкада Вандал короллигига асос солиниши.

449

Британиянинг Англосакслар томонидан забт этилиши.

451

Қаталаун майдонидаги жанг.

455

Римнинг вандаллар томонидан олинishi ва таланиши.

457

Жануби-Шарқий Галлияда Бургунд короллигига асос солиниши.

476

Ғарбий Рим империясининг емирилиши. Италияда Одоакр давлатининг вужудга келиши.

481—511

Хлодвиг, франклар қороли.

486

Франкларнинг Шимолий Галлияни Луари дарёсигача забт этиши.

- 493—526 Италияда Теодорих Остгодский.
507 Франкларнинг Жанубий Галлияни босиб олиши. Вестготларни Пиренейнинг нарёғига ҳайдаб юборилиши.
- 527—565 Византияда Юстиниан I.
531—579 Эронда Хисрав I Анушарвон.
532 Константинополда «Ника» қўзғолони.
534 Франкларнинг Бургундияни босиб олиши.
535—554 Италияда Гота уруши. Византиянинг Ост-Гот қороллигини истило қилиши.
- 568 Лангобардларнинг Шимолий Италияни истило қилиши.
590—604 Папа Григорий I. Рим шаҳрида ва Рим округида Рим папалари сиёсий ҳокимиятининг бошланиши.
- 610—641 Византияда император Иракли.
613—629 Хлотар II, франклар қоролли.
618—907 Хитойда Тан сулоласи.
622 Муҳаммаднинг Маккадан Мадинага қочиши (хижрат).
623—658 Гарбий славянларнинг «Само давлати».
630 Араблар мусулмон давлатининг ташкил топиши.
632 Муҳаммаднинг вафоти (570 йилда туғилган).
679—681 Болқон ярим оролида Болгария давлатининг тузилиши.
687 Пипин Геристалскийнинг ҳокимиятни қўлга олиши (Франклар давлати).
- 711—714 Испаниянинг араблар томонидан босиб олинishi.
715—741 Карл Мартелл (Франклар давлати).
717—802 Византияда Исаврия сулоласи.
717—741 Византияда Лев III Исавр.
732 Карл Мартеллнинг Пуатье яқинида Араблар устидан ғалабаси.
741—768 Пипин Пакана Франклар қоролли.
750—1055 Аббосийларнинг Бағдод халифалиги.
556 Мустақил Курдаба амирлигининг бошланиши.
768—814 Карл Буюк, Франклар қоролли.
772—804 Карл Буюкнинг Саксонияда олиб борган урушлари.
800 Карл Буюкнинг император тожини кийishi.
815—837 Озарбайжонда Бабек қўзғолони.
820—823 Византияда Фома Славянин қўзғолони.
829 Экберт даврида Англиянинг бирлашуви.
830—906 Буюк Моравия давлати.
841—842 Саксонияда Стеллинг қўзғолони.
843 Верден шартномаси, Карл Буюк империясининг бўлиниб кетиши.
- 852—888 Борис Болгария князи.
867—1056 Византияда Македониялар сулоласи.
869—883 Бағдод халифалигида замижлар қўзғолони.
871—900 Англияда Альфред Буюк.
875—884 Хитойда хуан Чао қўзғолони.
889—898 Венгр-мадьярларнинг Дунай бўйи территориясини босиб олиши.
893—927 Венгрия қороллигига асос солиниши.
Симеон I Болгария подшоси.

911	Франциянинг шимолида Норманлар Герцоглигига асос солиниши.
912—959	Византияда Константин VII Багрянородний.
919—1024	Германияда Саксония сулоласи.
919—936	Генрих I Қушвоз.
929	Кордова халифалигининг эълон қилиниши.
936—973	Оттон I Германия короли (962 йилдан император).
960—966	Польша давлатига асос солиниши.
969—1279	Хитойда Сун сулоласи.
962	Оттон I нинг император тожини кийиши. Германия муқаддас Рим империясига асос солиниши.
968—971	Святославнинг Византияга юришлари.
969—976	Византияда Иоанн Цимисхий.
976—1025	Византияда Василий II Болгаркесар.
983	Немис феодалларига қарши полаб славянларининг қўзғолони.
987—1328	Францияда Капетинглар сулоласи.
992—1025	Болислав I Ботир Польша короли.
997—1038	Стефан (Иштван) I Арпад, Венгрия короли.
1017—1035	Канут Датский давлати.
1018	Биринчи болгар подшолигининг емирилиши.
1024—1125	Германияда Франкон (Салич) сулоласи.
1039—1056	Герих III Қора Германия императори.
1042—1066	Эдуард Исповедник, Англия короли.
1054	Христиан черковининг Шарқий (православ) ва ғарбий (католик) черковига бўлиниши.
1055	Бағдоднинг турк-салжуклар томонидан олиниши.
1056—1106	Германияда император Генрих IV.
1057—1181	Византияда Комнинлар сулоласи.
1066	Англиянинг Вильгельм Нормандский томонидан босиб олиниши.
1066—1087	Вильгельм I Истилочи, Англия короли.
1068—1073	Хитойда Ван Ань-ши ислохотлари.
1071	Манцикерт ёнида салжуклар билан жанг. Византия қўшинларининг мағлубиятга учраши.
1073—1075	Саксонияда Генрих IV га қарши қўзғолон.
1073—1085	Папа Григорий VII (Гилдербранд).
1075	Папа Григорий VII нинг дунёвий инвеститурани бекор қилиш ҳақидаги декрети.
1077	Генрих IV нинг папа Григорий VII билан Каноссада учрашуви.
1081—1118	Византияда император Алексей Комнин.
1086	Англияда «Қиёмат китоби».
1090—1119	Генрих Готшалкович, вендлар (ободридлар) короли.
1095	Клермон собори (Жанубий Франция). Салиб юришларининг тайёрланиши.
1096—1099	Биринчи салиб юриши.
1099	Салибчиларнинг Қуддусни олишлари.
1100—1135	Генрих I, Англия короли.

- 1106—1125 Генрих V, Германия императори.
 1122 Инвеститурани дунёвий ва руҳоний қисмларга бўлиш ҳақида Ворм конкордати.
- 1130 Иккала Сицилияда Норман короллигининг тузилиши.
 1135—1154 Англияда феодаллараро урушлар. Стефан билан Матильданинг тахт учун кураши.
- 1138—1254 Германияда Штауфенлар сулоласи.
 1147—1149 Иккинчи салиб юриши.
 1152—1190 Фридрих I Барбаросса, Германия императори.
 1154—1399 Англияда Плантагенетларнинг Анжуй сулоласи.
 1154—1189 Генрих II Плантагенет, Англия қорони.
 1158 Ронкаль сейми (Италия). Италияда Фридрих Барбаросса.
 1162 Фридрих Барбароссанинг Милани тор-мор қилиши.
 1165 Кларендон қарорлари (Англия).
 1165—1195 Стефан Немания, Сербиянинг буюк жупани.
 1167 Фридрих Барбароссага қарши Лонбард Лигасининг ташқил топиши.
- 1176 Леньяно ёнидаги жанг. Барбароссанинг мағлубияти.
 1180—1223 Филипп II Август, Франция қорони.
 1183 Констанца сулҳи (Фридрих Барбаросса ва Ломбардия шаҳарлари).
- 1185—1187 Византия зулмига қарши болгарлар қўзғолони.
 1187 Саладин томонидан Қуддуснинг олиниши.
 1187—1896 Иккинчи Болгария подшолиги.
 1189—1192 Учинчи салиб юриши.
 1189—1199 Ричард I Шерюрак, Англия қорони.
 1195—1224 Стефан Первовенчанний, Сербия қорони.
 1198—1216 Папа Иннокентий III.
 1199—1216 Иоанн Ерсиз Англияда.
 1200 Париж университетига асос солиниши.
 1202 Қиличбардорлар срденига асос солиниши.
 1202—1204 Тўртинчи салиб юриши.
 1204—1261 Латин империяси.
 1205—1235 Андрей II, Венгрия қорони.
 1206— Темурчиннинг буюк хон (Чингизхон) деб эълон қилиниши.
 1209—1216 Франция жанубидаги Альбегой урушлари.
 1212 Лас Навас де Толоса яқинидаги жанг (Испанияда).
 1212—1250 Фридрих II Штауфен, герман императори.
 1214 Бувин яқинидаги жанг (Франция).
 1215 Англияда эркинлик буюк хартияси.
 1216—1272 Генрих III инглиз қорони.
 1217—1221 Бешинчи салиб юриши.
 1218—1241 Асень II, Болгария подшоси.
 1218—1223 Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан истилс қилиниши.
 1222 Венгрияда Андрей II нинг олтин булласи.
 1226—1270 Людовик IX, Франция қорони.
 1227 Чингизхоннинг вафоти. Мўғуллар империясининг бўлиб кетиши.

- 1228—1229 Олтинчи салиб юриши.
1230 Тевтон орденининг прусслар ерини босиб ола бошлаши.
1237 Тевтонлар орденининг Қиличбардорлар ордени билан бирлашуви.
1237—1238 Ботунинг Шимолий-Шарқий Русьга бостириб кириши.
1240—1242 Ботунинг жанубий Русьга, Польша, Венгрия ва Моравияга юришлари.
1240 Нева дарёси ёнида Александр Невскийнинг шведлар устидан қозонган ғалабаси.
1242 Александр Невскийнинг Чуд кўлида немис рицарлари устидан ғалабаси (Муз устида жанг).
1248—1254 Еттинчи салиб юриши.
1252—1284 Альфонс X Кастилияда.
1253—1278 Пшемисл II, Чехия короли.
1254—1273 Германияда подшосизлик (Interregnum).
1258—1267 Англияда Баронлар уруши.
1258 Мўғулларнинг Богдодни олиб, вайрон қилишлари.
1259 Франция билан Англиянинг Париж сулҳи.
1261 Византия империясининг қайта тикланиши.
1265 Англия парламентининг бошланиши (Симон де Монфор парламенти).
1269—1270 Саккизинчи салиб юриши.
1272—1307 Эдуард I, Англия короли.
1273—1291 Рудольф I, Габсбург Герман императори.
1277—1280 Болгарияда деҳқонлар уруши (Ивайла кўзғолони).
1279—1368 Хитойда Юань сулоласи.
1282 Палермода «Сицилия кечки ибодати (шоми)».
1282 Англиянинг Уэльсни босиб олиши.
1285—1314 Филипп IV Чиройли, Франция короли.
1291 Акраининг қулаши, Шарқда қиличбардорларнинг сўнгги ерларидан маҳрум бўлиши.
1291 Швейцария деҳқонлари ва шаҳарларининг Габсбургларга қарши кўзғолони.
1294—1303 Папа Бонифаций VIII.
1295 Эдуард I нинг «Намунали парламенти».
1298 Курдсоль яқинида Генуянинг Венеция устидан ғалабаси.
1302 Францияда Бош штатларнинг иш бошлаши.
1302 Куртрэ яқинидаги жанг (Фландрия).
1303—1307 Италияда Дольчино кўзғолони.
1306—1337 Польшада Владислав I Локеток.
1309—1378 «Авиньон асирлиги» (папаларнинг жанубий Франциядаги Авиньон шаҳрида бўлиши).
1310—1437 Чехияда Люксембурглар сулоласи.
1319—1363 Магнус Эриксон, Швеция короли.
1321 Алигьери Данте вафоти (1265 йилда туғилган).
1327—1377 Эдуард III, Англия короли.
1328—1389 Францияда Валуа сулоласи.
1328—1350 Филипп VI Валуа.

- 1331—1355** Стефан Душан, Сербия қороли.
1333—1370 Казимир III, Польша қороли.
1337—1453 Англия билан Франция ўртасида Юз йиллик уруш.
1340—1375 Вальдемар IV Аттердаг Данияда.
1342 Фессалоникда зилоғлар қўзғоломи.
1342—1382 Людовик (Лайош) I, Венгрия қороли.
1346—1378 Карл IV Герман императори (айни вақтда Карл I Чехия қороли).
1346 Креси яқинидаги жанг (Юз йиллик уруш).
1347 Инглизларнинг Калени босиб олишлари.
1347 Кола ди Риэцининг Рим республикаси.
1348 Прага университетига асос солиниши.
1348—1350 Европада «қора вабо».
1349 Степан Душаннинг «Қонунномаси».
1356 Император Карл IV нинг олтин булласи.
1356 Пуатье яқинидаги жанг (Юз йиллик уруш).
1356—1358 Этьен Марсел бошчилигидаги Париж ҳаракати.
1358 Жакерия — Шимолий Франция деҳқонларининг қўзғоломи.
1359—1389 Мурод I, Туркия султони.
1361 Адрианополнинг турклар томонидан олиниши.
1364—1380 Карл V, Франция қороли.
1367—1370 Ганзанинг Дания билан уруши. Штральзунд сулҳи.
1368—1644 Хитойда Мин сулоласи.
1370—1405 Темур (Темурланг) давлати.
1377—1399 Ричард II, Англия қороли.
1378 Флоренцияда Чомпи қўзғоломи.
1378—1417 Католик черковида «Буюк ажралиш».
1380 Венециянинг Қбож яқинида Генуя устидан галабаси.
1381 Англияда Уот Тайлер қўзғоломи.
1384 Жон Виклеф вафоти (1324 йилда туғилган).
1386 Польшанинг Литва билан уния (иттифоқ) тузиши. Крева унияси.
1386—1572 Польшада Ягеллолар сулоласи.
1386—1434 Владислав II Ягелло, поляк қороли.
1389 Косово майдонидаги жанг. Сербларнинг мағлубияти.
1389—1402 Баёзид I Туркия султони.
1396 Никополь яқинидаги жанг
1397 Дания, Норвегия ва Швециянинг Қальмар унияси.
1398—1399 Темурнинг Ҳиндистонга юриши.
1399—1461 Англияда Ланкастерлар сулоласи.
1399—1413 Генрих IV Ланкастер.
1402 Темурнинг Ангор яқинида Баёзид I ни тор-мор қилиши.
1409—1410 Пизада черков собори.
1410 Грюнвальд (Таннерберг) яқинида жанг. Поляклар, литваликлар ва русларнинг бирлашган кучлари томонидан Пруссия орденининг тор-мор қилиниши.
1411—1437 Император Сигизмунд I Германияда.
1413 Парижда Симон Кабош қўзғоломи.

- 1413—1422 Генрих V Ланкастер Англияда.
 1414—1418 Констанса собори.
 1415 Ян Гуснинг ўтда куйдирилиши.
 1415 Азинкур яқинидаги жанг (Юз йиллик уруш).
 1417—1431 Папа Мартин V.
 1419—1434 Гусчиларнинг урушлари.
 1422—1461 Генрих V Ланкастер.
 1428—1429 Орлеаннинг инглизлар томонидан қамал қилиниши (Юз йиллик уруш).
 1429 Жанна д'Арк иштирокида Орлеаннинг озод қилиниши.
 1431—1447 Базель собори.
 1434—1436 Швецияда Энгельбрет Энгелбректсон қўзғолони.
 1434—1464 Флоренцияда Козимо Медичининг ҳукмронлик қилиши.
 1439 Флоренция унияси.
 Тахм. 1440 Иоганн Гутенберг томонидан китоб босишнинг ихтиро қилиниши.
 1439—1493 Фридрих III Германия императори.
 1444 Варна ёнидаги жанг.
 1447—1492 Казимир IV, Поляк қироли.
 1450 Англияда Жек Кэд қўзғолони.
 1451—1481 Меҳмед (Муҳаммад) II, Турк султони.
 1453 Константинополнинг турклар томонидан олиниши.
 1454 Казимир IV Ягеллончикнинг Нешава статутлари.
 1455—1485 Англияда Қизил гул ва Оқ гул уруши.
 1458—1490 Матвей Корвин (Хуннади), Венгрия қироли.
 1461—1483 Людовик XI Францияда.
 1461—1483 Эдуард IV, Йорк Англияда.
 1462—1472 Каталонияда деҳқонлар қўзғолони.
 1466 Торун сулҳи. Пруссия ордени Польшага вассал қарам бўлиб қолди.
 1466—1472 Афанасий Никитиннинг Ҳиндистонга саёҳати.
 1469—1492 Лоренцо Медичи Флоренцияда.
 1477 Нанси ёнида жанг. Карл Жасур Бургундскийнинг мағлубияти ва ҳалокати.
 1479 Фердинанд ва Изабелла ҳокимияти остида Арагон билан Кастилиянинг бирлашуви.
 1480 Испанияда инкивизациянинг таъсис этилиши.
 1483—1485 Ричард III Англияда.
 1483—1498 Карл VIII, француз қироли.
 1484—1486 Каталонияда деҳқонлар қўзғолони; «ёмон урф-одатлар»нинг бекор қилиниши.
 1485 Англияда Босворт яқинида жанг. Тюдорлар ҳукмронлигининг бошланиши.
 1485—1509 Генрих VII Тюдор.
 1492 Испаниянинг Гранадани босиб олиши.
 1492 Колумб томонидан Американинг кашф этилиши.
 1493 Эльзасда «Башмак» иттифоқи ҳаракати.

- 1493—1519 Максимилиан I, Германия императори.
Италияда олиб борилган урушлар.
- 1494—1559 Савонаролла Флоренцияда ҳокимият тепасида.
- 1494—1498 Европадан ташқари территорияларни тақсимлаб олиш ҳақида Испания билан Португалия ўртасида Тордесильяда тузилган шартнома.
- 1497 Қаботнинг Шимолий Америкадаги Лабрадор ярим оролини кашф қилиши.
- 1498 Васко да Гаманинг Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини кашф эттиши.
- 1502 Эронда Сафавийлар ҳукмронлигининг бошланиши.
- 1506—1548 Сигизмунд I Кекса, поляк короли.
- 1509—1547 Генрих VIII Тюдор Англияда.
- 1509 Эразм Роттердамскийнинг «Ахлоқсизлик мадҳияси» китоби.
- 1511 Малакканинг Португаллар томонидан босиб олинishi.
- 1512—1520 Салим I, Туркия султони.
- 1513—1523 Кристиан II, Дания короли.
- 1513—1521 Папа Лев X Медичи.
- 1514 Венгрияда куруцлар қўзғолони.
- 1515—1547 Франциск I, Франция короли.
- 1515—1517 «Авом кишиларнинг мактублари».
- 1516 Томас Морнинг «Утопия» китоби.
- 1516—1556 Карл I, Испания короли (1519 дан 1555 йилгача — Карл V Германия императори).
- 1517 Лютернинг 95 тезис билан чиқиши. Германияда реформациянинг бошланиши.
- 1519—1521 Мексиканинг Кортес томонидан босиб олинishi.
- 1519—1522 Магелланнинг биринчи дунё саёҳати.
- 1520—1566 Султон Сулаймон II Туркияда.
- 1520—1521 Кастилияда шаҳар коммуналарининг қўзғолони.
- 1521 Германияда Ворм рейхстаги.
- 1522—1523 Германияда рицарлар қўзғолони.
- 1523 Швециянинг Даниядан ажралиб чиқиши.
- 1523—1560 Густав I Ваза, Швеция короли.
- 1524—1525 Германияда буюк деҳқонлар уруши.
- 1525 Павия яқинидаги жанг. Франциск I нинг мағлубияти.
- 1526 Мохач ёнидаги жанг. Феодал Венгрия мустақиллигининг тугатилиши. Чехиянинг Габсбурглар ерлари составига қўшилиши.
- 1526 Ҳиндистоннинг мўғуллар томонидан босиб олинishi.
- 1527 Римнинг Карл V қўшинлари томонидан таланиши.
- 1529 Германияда Шпейер рейхстаги.
- 1530 Аугсбургдаги имон келтириш.
- 1531 Қапел ёнидаги жанг. Ульрих Цвингли вафоти (1484 йилда туғилган).
- 1531 Шмалькальден иттифоқининг тузилиши.
- 1532 Англияда реформациянинг бошланиши.
- 1531—1536 Пизарронинг Перуни истило қилиши.
- 1534—1535 Мюнстерда анабаптистлар коммунаси.

- 1534 Англияда королнинг черковдан устун туриши ҳақидаги акт.
1535 Франция-Туркия шартномаси («капитуляция»нинг бошла ниши).
- 1536 ва 1539 Англияда монастирларнинг секуляризация қилниши.
1536 Эразм Роттердамский вафоти (1466 йилда туғилган).
1536 Жан Калвиннинг «Христиан динида вазлар» китоби.
1539—1540 Гентдаги (Нидерландия) қўзғолони.
1540 Иезуитлар орденининг таъсис этилиши.
1543 Коперникнинг «Осмоний жисмларнинг айланиши тўғрисида» китобининг нашр этилиши.
- 1545—1563 Тридент собори (орада узиллишлар билан).
1546 Лютернинг вафоти (1483 йилда туғилган).
1546—1548 Германияда Шмалькальден уруши.
1547—1553 Эдуард VI, Англия короли.
1547—1559 Генрих II, Франция короли.
1548—1572 Сигизмунд II Август, Польша короли.
1549 Англияда Роберт Кет қўзғолони.
1553—1558 Англияда Марья Тюдор (Марья қонхўр).
1554 Англияда Москва компаниясининг тузилиши.
1555 Аугсбурглар диний сулҳи. Карл V ning император тождан воз кечиши.
- 1555—1564 Фердинанд I, Германия императори.
1556—1598 Филипп II, Испания короли.
1556—1605 Акбар, Ҳиндистон шоҳи.
1558—1582 Ливония уруши.
1558—1603 Елизавета I, Англия қиролчаси.
1559 Испания, Франция ва Англия ўртасидаги Като-камбрези сулҳи.
- 1560—1574 Карл IX, Франция короли.
1562—1598 Францияда Гугенотлар уруши.
1564 Калвиннинг вафоти (1509 йилда туғилган) .
1564—1576 Максимилиан II, Германия императори.
1566 Нидерландия революциясининг бошланиши.
1567—1573 Нидерландияда Герцог Альбанинг ҳукмронлик қилиши.
1568—1582 Японияда Ода набунагининг ҳукмронлик қилиши.
1569 Польшанинг Литва билан Люблин унияси.
1571 Лепанто ёнида жанг. Туркия флотининг Испан-венедиян бирлашган эскадраси томонидан тор-мор келтирилиши.
- 1572—1579 Нидерландия революцияси. Мустақил Нидерландия давлати- нинг тузилиши.
- 1572 Парижда Варфоломей кечаси.
1574—1589 Генрих III, Франция короли.
1576 Франция Католик лигасининг вужудга келиши.
1576—1586 Степан Баторий, Польша короли.
1576—1612 Рудольф II, Германия императори.
1579 Нидерландия жанубий вилоятларининг Аррас унияси.
1579 Нидерландия шимолий вилоятларининг Утрехт унияси.
1580 Португалиянинг Испанияга қўшиб олдиниши.

- 1581 Нидерландияда Филипп II нинг тахтдан туширилиши.
- 1582—1598 Японияда Хидэёсининг ҳукмронлик қилиши.
- 1584 Вильгельм Оранскийнинг ўлдирилиши.
- 1585 Париж лигасининг тузилиши.
- 1587—1629 Аббос I, Эрон шоҳи.
- 1587—1632 Сигизмунд III Ваза, Польша қороли.
- 1587 Англияда Мария Стюартнинг қатл этилиши.
- 1588 Испания «Енгилмас армадаси»нинг Англияга юриши.
- 1588—1648 Кристиан IV, Дания қороли.
- 1588 Парижда баррикадалар куллари (12—13 май).
- 1589 Генрих III нинг ўлдирилиши, Валуа сулоласининг тугаши.
- 1589—1610 Генрих IV Бурбон, Франция қороли.
- 1591—1598 Япониянинг Кореяга бостириб кириши.
- 1593—1595 Францияда «кронкаплар» қўзғолони.
- 1596 Польшада Брест черков унияси.
- 1598 Францияда Генрих IV нинг Нант эдикти.
- 1600 Инглиз Ост-Индия компаниясининг ташкил топиши.
- 1602 Голландия Ост-Индия компаниясига асос солиниши.
- 1603—1625 Яков I Стюарт, Англия билан Шотландия қороли.
- 1608 Германияда Инжилчилар иттифоқининг ташкил топиши.
- 1609 Германияда Католик лигасининг ташкил топиши.
- 1609—1618 Москва давлатига Польша интервенцияси.
- 1609 Испаниядан Морискарнинг ҳайдаб чиқарилиши.
- 1610—1643 Людовик XIII, Франция қороли.
- 1611—1632 Густав II Адольф, Швеция қороли.
- 1614—1615 Францияда Бош штатлар (охиргиси 1789 йилги француз революциясигача давом этган).
- 1617 Рус давлати билан Швеция ўртасидаги Столбово суҳби.
- 1618 Рус давлати билан Польша ўртасидаги Деулин яраши.
- 1618—1648 Уттиз йиллик уруш.
- 1619—1637 Германияда император Фердинанд II.
- 1620 Белая гора ёнидаги жанг (Уттиз йиллик уруш).
- 1624—1642 Францияда Ришельеннинг ҳукмронлик қилиши.
- 1625—1649 Карл I Стюарт, Англия билан Шотландия қороли.
- 1628 Ҳуқуқ ҳақида петиция.
- 1628—1644 Хитойда буюк деҳқонлар уруши.
- 1629 Францияда «Шафқат эдикти».
- 1631 Лейпциг яқинида жанг (Уттиз йиллик уруш).
- 1632—1634 Рус-поляк (Смоленск) уруши.
- 1632—1648 Владислав IV, Польша қороли.
- 1632 Люцен ёнида жанг. Густав Адольф вафоти.
- 1634 Валленштейннинг ўлдирилиши.
- 1637—1657 Фердинанд III Германия императори.
- 1639 Нормандияда «яланг оёқлар» қўзғолони.
- 1639 Японияда Токугава режимининг ўрнатилиши.
- 1640 Англияда Давомли парламентнинг чақирилиши. Англия-буржуа революциясининг бошланиши
- 1640 Португалия мустақиллигининг қайта тиклавиши.

- 1640—1652** Католонияда испан ҳукуматига қарши ҳаракат.
1644 Хитойда маньчжурлар сулоласининг бошланиши.
1648 Уттиз йиллик уруш натижасида Вестфалия сулҳи.
1648—1653 Францияда фронда.
1648—1654 Богдан Хмельницкий раҳбарлигида украин халқининг озод-
лик уруши.
1649 Англияда Карл I нинг қағл этилиши.
1649—1653 Англия республикаси.
1651 Польшада Қостка Наперский қўзғолони.
1653—1658 Англияда Кромвель протекторати.
1654 Украинанинг Россияга қўшиб олиниши.
1654—1667 Украина учун рус-поляк уруши.
1650 Испаниянинг Франция билан Пиренея сулҳи.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-----------------	---

I ҚИСМ

ИЛК ЎРТА АСР. V — XI АСРЛАР

I боб.	IV — V асрларда Рим империяси. Қулдорлик тузумининг кризиси	13
II боб.	Варварларнинг ижтимоий тузуми. Кельтлар, германлар, славянлар	19
III боб.	Рим империясининг варварлар томонидан истило қилиниши. Илгариги Рим империяси территориясида вужудга келган варвар қўроқликлари	28
IV боб.	Франк давлатида феодал муносабатларининг ривожланиши. Франция қўроқлигининг ташкил топиши	39
V боб.	X — XI асрларда Германия, Италия ва папалик	64
VI боб.	XI аср ўрталаригача Англия	79
VII боб.	VII — XI асрларда ғарбий славянлар. Ғарбий Европада славян давлатларининг вужудга келиши	86
VIII боб.	X — XI асрларда феодал Европа. Феодал жамиятнинг характерли хусусияти	93
IX боб.	VI — XI асрларда Византия империяси	101
X боб.	VI — XI асрларда жанубий славянлар	119
XI боб.	III — VII асрларда Эрон	127
XII боб.	VI — XI асрларда араблар	133
XIII боб.	Илк ўрта асрларда Ҳиндистон	150
XIV боб.	Илк ўрта асрларда Хитой	157

II ҚИСМ

XI — XV АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ЕВРОПА ВА ОСИЁ

XV боб.	XI асрда Европанинг иқтисодий тараққиёти. Ғарбий Европа ўрта аср шаҳарининг вужудга келиши ва унинг илк ривож	171
XVI боб.	Салиб юришлари	177

XVII	б о б .	Ўрта аср Европасида шаҳарларнинг янада ривожланиши (XII — XV асрлар)	191
XVIII	б о б .	XI — XV асрларда Франция	200
XIX	б о б .	XI — XV асрларда Англия	230
XX	б о б .	XII — XV асрларда Германия, Италия ва папалик. Штауфенлар империяси	256
XXI	б о б .	XII — XV асрларда Германия. «Шарққа ҳужум». Германиянинг ички тараққиёти	266
XXII	б о б .	XII — XV асрларда Чехия. Гусчиларнинг урушлари	280
XXIII	б о б .	XIII — XV асрларда Италия ва папалик	295
XXIV	б о б .	XI — XV асрларда Испания ва Португалия	308
XXV	б о б .	XI — XV асрларда Скандинавия мамлакатлари	319
XXVI	б о б .	XI — XV асрларда Польша	326
XXVII	б о б .	XI — XV асрларда Венгрия	336
XXVIII	б о б .	XII — XV асрларда Болгария ва Сербия. Болқон ярим оролида Туркия истилолари	346
XXIX	б о б .	XIII — XV асрларда Византия. Константинополнинг қулаши	356
XXX	б о б .	Ғарбий Европанинг ўрта аср маданияти	372
XXXI	б о б .	XIV — XV асрларда Италияда илк уйғонш ва гуманизм	
XXXII	б о б .	XIII асрда мўғул давлати ва унинг истилолари	378
XXXIII	б о б .	Ўрта Осиёда Темур давлати	385
XXXIV	б о б .	XIII — XVI асрларда Ҳиндистон	392
XXXV	б о б .	XIII — XVI асрларда Хитой	398
XXXVI	б о б .	XI — XVI асрларда Япония. Корейс халқининг японлар босқинига қарши кураши	403

III ҚИСМ

XVI — XVII АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ЕВРОПА ВА ОСИЁ

XXXVII	б о б .	Ғарбий Европада капитализмнинг вужудга келиши	411
XXXVIII	б о б .	Буюк географик кашфиётлар ва мустамакаларнинг бо- сиб олина бошлаши	419
XXXIX	б о б .	XVI — XVII асрларда Италия	429
XL	б о б .	Реформация ва деҳқонлар уруши даврида Германия	436
XLI	б о б .	Швейцарияда ва Европанинг бошқа мамлакатларида ре- формация. Католик контрреформация	473
XLII	б о б .	XVI — XVII асрларда Испания	485
XLIII	б о б .	Нидерландия революцияси	504
XLIV	б о б .	XVII асрда Голландия	511
XLV	б о б .	XVI аср ва XVII аср бошларида Англия	521
XLVI	б о б .	XVI — XVII асрларда Франция	555
XLVII	б о б .	1618 — 1648 йиллардаги ўттиз йиллик уруш	570
XLVIII	б о б .	XVI — XVII асрларда Швеция	576
XLIX	б о б .	XVI — XVII асрларда Польша	586

L	б о б .	XVI — XVII асрларда Туркия	594
LI	б о б .	XVI — XVII асрларда Эрон	600
LII	б о б .	XVI — XVII асрларда Ҳиндистон	609
LIII	б о б .	XVI — XVII асрларда Хитой	614
LIV	б о б .	XVI — асрларда Япония	617
LV	б о б .	XVI — XVII асрларда Фарбий Европада техника ва та- биятшуносликнинг тараққиёти	
Хронологик жадвал			626

Издательство «Просвещение» 1970.
«Ўқитувчи» нашриёти, 1973, таржима.

На узбекском языке

ВИКТОР ФЕДОРОВИЧ СЕМЕНОВ
ИСТОРИЯ СРЕДНИХ ВЕКОВ
Учебник для вузов

Перевод с 3 издания
М., «Просвещение» 1970 г.

*Издательство «Ўқитувчи»
Ташкент — 1973*

Таржимонлар: *Каримова Н. И., Валиев В. К., Фазилов И.*
Редакторлар: *Каримова Л., Раҳимова М.*
Рассом — редактор *Бедерев Г.*
Техн. редакторлар: *Еқубов Б., Сорокина Н.*
Корректор *Тошимова М.*

Теринга берилди 11/1-1973 й. Босишга рухсат этилди 27/V-1973 й.
Қогози № 3 60×90^{1/16}. Физик л. 40,0. Нашр л. 39,32. Тиражи 13000.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 221—
70. Баҳоси 1с, Юг. Муқоваси 20 г.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб
савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг полиграфкомбинати.
Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30. Зак № 1274. 1973 й.

Ташкентский полиграфкомбинат Государственного комитета Совета
Министров УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной тор-
говли, ул. Навои, 30.